

Уртаосиёлик буюк энциклопедист олим Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига бағишланади.



АКАДЕМИЯ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР
ИНСТИТУТ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ ИМ. АБУ РАЙХАНА БЕРУНИ



АБУАЛИ ИБН СИНА

«АВИЦЕННА»



КАНОН ВРАЧЕБНОЙ НАУКИ

КНИГА

IV

Издание второе



ИЗДАТЕЛЬСТВО «ФАН» УЗБЕКСКОЙ ССР
ТАШКЕНТ — 1980

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

АБУ АЛИ ИБН СИНО



ТИБ ҚОНУНЛАРИ

—
ЎЗДЛ
ЭНЦИКЛОПЕДИЯ

IV

КИТОБ

Иккинчи натижа

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЯТИ

ТОШКЕНТ — 1980

Иккинчи нашрнинг таҳрир ҳайъати:

Академик О. С. СОДИКОВ (раис), ЎзССР ФА академиги
М. К. НУРМУҲАМЕДОВ, ЎзССР ФА академиги У. О. ОРИ-
ПОВ, ЎзССР ФА мухбир аъзолари: М. Б. БАРАТОВ,
П. Г. БУЛГАКОВ, У. И. КАРИМОВ, медицина фанлари кан-
дидати И. С. АРЗУМЕТОВ

А $\frac{50100-1149}{М 355(06)-80}$ 130—80 4101000000 © Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1980 й.

Арабчадан таржима қилувчилар:
А. РАСУЛЕВ, А. УРИНБОЕВ

МУҚОВА ВА БЕЗАКЛАРНИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ РАССОМИ
И. И. ИКРОМОВ ИШЛАГАН

«Тиб қонунлари» Тўртинчи китобининг I фандан VI фангача бўлган қисмини Ўзбекистон ССР ФА Шарқшунослик институтининг катта илмий ходимлари филология фанлари кандидати А. Расулев (1893—1977) билан тарих фанлари кандидати А. Уринбоев таржима қилдилар; VII фаннинг таржимаси эса А. Расулев билан филология фанлари доктори А. П. Қаюмов томонидан бажарилди.

Таржиманинг медицина нуқтаи назаридан умумий таҳририни ЎзССР ФА мухбир аъзоси, профессор А. А. Асқаров (1902—1978) ва медицина фанлари доктори В. Қ. Жумаев (1922—1968) лар бажардилар.

Таржиманинг филология жиҳатдан умумий таҳрири ЎзССР ФА Шарқшунослик институтининг бўлим бошлиғи, ЎзССР ФА мухбир аъзоси, филология фанлари доктори У. И. Қаримов томонидан амалга оширилди.

«Қонун»нинг Тўртинчи китобини ўзбек тилига таржима қилишда асос қилиб бу асарнинг XII асрда кўчирилган ва Озарбайжон ССР ФА қўлёзмалар фондида сақланаётган қўлёзмаси олинди [сигл О].

«Қонун»нинг олдинги уч китобида қилинганидек, бу гал ҳам таржима учун ёрдамчи манба сифатида унинг 1877 йилда Булоқ [Миср]да босилган нусхасидан фойдаланилди [сигл Б]. О билан Б нусхалари ўртасидаги фарқларни изоҳда қайд қилинди.

Айрим ҳолларда «Қонун»нинг Париж миллий кутубхонасида сақланаётган 1222 йилда кўчирилган нусхасидан ҳамда «Қонун»нинг «Иситмалар» қисмига Муҳаммад Анвар Али томонидан «Хуммаёт ал-қонун» номи билан ёзилиб, 1878 йилда Лакнавда босилган шарҳидан ҳам фойдаланилди.

Кўрсаткичлар институтининг илмий ходими тарих фанлари кандидати У. Ҳамраев, филология фанлари кандидати А. Ҳафизова ва О. Иноятовлар томонидан тузилди.

Китобнинг иккинчи нашрида У. И. Қаримов ва филология фанлари кандидати Ҳ. Ҳикматуллаевлар унда учрайдиган дори номларининг таржимасини қайтадан кўриб чиқиб, бир қанча тузатишлар киритдилар. Шунингдек, кўрсаткичларга ҳам айрим ўзгартишлар киритилди.



БИРИНЧИ ФАН

ИСИТМАЛАР





Раҳмли ва меҳрибон Тангри номи билан! *Унинг паноҳига сизгина- 210
миз ва ўзига таваккал қиламиз¹.

БИРИНЧИ МАҚОЛА

БИР КҮНЛИК ИСИТМА²



Биринчи фасл. Иситманинг моҳияти

Иситма юракда алангаланиб, артерия ва веналардаги руҳ ва қоннинг воситалигида бутун баданга тарқаладиган, натижада баданда ҳам алангаланиб [кишининг] табиий ишларига зарар етказадиган ёт ҳароратдир. Бу ҳарорат ғазабланиш ва чарчаш [сабабли] чиқиб, баданга ёпишиб олиш ва унинг табиий ишига зарар бериш даражасига етиб бормайдиган ҳароратга ўхшамайди.

Баъзи кишилар иситмани касаллик-иситма ва белги-иситма³ деб дастлабки икки қисмга бўладилар ва шишлар туфайли чиқадиган иситмаларни [шу] белги-иситмадан деб ҳисоблайдилар. Улар сўзларининг маъноси: касаллик-иситма шундай иситмадирки, бунда иситма билан унинг касаллик деб ҳисобланмайдиган сабаби ўртасида [бирор] восита бўлмайди. Масалан, чириш иситмаси: бунда чириш иситманинг бевосита сабаби бўлиб, ўзи эса касаллик эмас, балки касалликнинг сабабидир. Аммо шиш иситмасига келсак, у шиш сабабли юз бериб, унга эргашиб келади ва токи шиш мавжуд экан, у ҳам мавжуд бўлади; аммо шиш эса ўзича бир касаллик. Бирор мунозара қилувчи «шиш иситмаси шишнинг ҳароратига тобе бўлса ва [бу иситма] шишдаги оғриқ сабабли бўлиб, белги-иситма деб ҳисобланса, бунда бир кунлик иситмаларнинг аксарини ҳам белги-иситма бўлиши керак. Агар шиш иситмаси шишдаги чиришга тобе бўлса, бунда шишнинг ўзи шишлиги туфайли иситмага дастлабки сабаб бўлмай, балки ўзидаги чириш туфайли дастлабки сабаб бўлади; демак шиш иситмасининг асл сабаби [3] чириш бўлиб, шиш эса бирор восита орқалигина иситмага сабабдир» дейиши, ёки «белги-иситмадан шундай маънони англамай⁴, балки шиш иситмаси шишга эргашиб келади, унинг мавжудлиги шишнинг мавжудлиги билан боғлиқ деб ҳисобланса, чириш иситмаларининг ҳоли ҳам чиришга нисбатан худди шундайку» дейиши⁵ мумкин. Бироқ бунга ўхшаш мунозаралар билан шуғулланиш тиб илмида бирор фойда бермайди ва таобат билан маш-

ғул бўлган кишини ўз санъатидан четлатиб, уни овора қилиб қўядиган масалаларга ундайди. Бу тўғрида одат қилинган йўлга юриб айтаманки, шиш ва тиқилмалардан бўладиган иситмалар белги-иситма бўлсин!

Яна айтаман: инсон баданида мавжуд бўлган ҳамма нарса уч жинсдан иборат: [улардан бири] бадандаги рутубат ва руҳларни қамраган аъзолар бўлиб, уларни ҳаммомнинг деворига ўхшатилади, [иккинчиси] шу қамралиб турган рутубатлар бўлиб, уларни ҳаммомдаги сувга қиёс қилинади, [учинчиси] нафсоний, ҳаётий ва табиий руҳлар ҳамда [баданга] тарқалган буглар бўлиб, буларни ҳаммомнинг ҳавосига қиёс қилинади. Ёт ҳарорат туфайли дастлабки алангаланишда алангаланувчи [жисм] мазкур уч жисмнинг бири бўлади. [Дастлабки алангаланиш] сўнган вақтда унга қўшничилик қилаётган нарса совуйди, бу қўшничилик қилаётган нарса совуганда эса, алангаланишнинг сўниши шарт эмас, балки у иссиқлигича қолиб, қўшничилик қилаётган нарсани қайтадан қиздириши мумкин. Инсон [бадани]даги ҳеч бир жисмоний жинс [мазкур] уч жисмдан ташқари бўлмайди.

Агар иситма аввало асосий аъзоларга ёпишиб, масалан, олов ҳарорати ҳаммом деворига, темирчининг дамига ёки ошпазнинг қозонига таъсир кўрсатганидек таъсир этса, иситмаларнинг ана шу хили ингичка оғриқ иситмаси¹ деб аталади. Агар иситма аввало хилтларга ёпишиб, кейин, масалан, ҳаммомга иссиқ сув қуйилганда шу сабабли [ҳаммом] девори қизиганидек ёки иссиқ шўрва қуйиш сабабли қозон қизиганпдек хилтлардан аъзога тарқалса, иситмаларнинг бу хили хилтдан бўлган иситма деб аталади. Агар иситма аввало руҳ ва бугларга ёпишиб, кейин, масалан, баъзан ҳаммомга иссиқ ҳаво кириб ёки ҳаммом қизитилганда ҳавоси исиб, сувни ва деворни қизитганидек, руҳ ва буглар орқали аъзоларга ёпишса, иситмаларнинг бу хили бир кунлик иситма деб аталади, чунки у тезлик билан тарқалувчи латиф нарса [руҳ]га ёпишди; агар у иситмаларнинг бошқа бир турига айланиб кетмаса, бундай иситманинг бир кеча-кундуздан ортиққа чўзилиши камдан-кам учрайди.

Иситмаларнинг шундай тақсим қилиниши [қуйида] навларга бўлиб қилинадиган тақсимга яқин келади. Аммо баъзи иситмаларни бошқа жиҳатдан ҳам тақсим қилиб, ўткири ва ўткир бўлмагани, узоққа чўзиладигани ва узоққа чўзилмайдигани, кечаси тутадигани ва кундузи тутадигани, қўрқинчсиз, бежавотир [ўтадигани], ёмон ҳолатларга эга бўлгани, вақт-вақти билан тутадигани, давомлиси,— давомлисининг баъзиси зўраювчи ва авж олувчидир,— [тутишда] бир-бирига ўхшаши, иссиғи, эт увуштирадиган ёки эт ҳурпайтирадиган совуғи, ёлғиз бир турдагиси ва мураккабларни бўлади дейдилар².

Иккинчи фасл. Иситмаларга тез чалинувчи кишилар

Айтадиларки, иситмаларга чалинишга энг мойил баданлар [мизожи] иссиқ [ва] рутубатли, айниқса рутубати ҳароратидан кучлироқ бўлган баданлардир; бундай баданли [киши]ларнинг тер, сийдик ва ахлатлари сассиқ бўлади. Иссиқ [ва] қуруқ баданлар ҳам ўткир иситмаларга тезда чалинади. Бу [хил иситмалар] бошланишда бир кунлик бўлиб, кейин тезда чириш [иситмаси] ва куйдирувчи [иситма]га айланади ва кўпинча касални ингичка оғриққа учратади. Булардан кейин [иситмага чалинувчанликда] рутубат ва қуруқликлари баробар бўлиб, ҳарорат ҳукмрон бўлган [баданлар] туради. Бундай [баданлиларда] аввало иссиқ буғлардан бўладиган иситма бошланиб, кейин хилт иситмасига айланади. Булардан кейин [баданларида] иссиқ ва совуқлик баробар, аммо рутубат ҳукмрон бўлган кишилар туради. Уларда, кўпинча, бошланишдан оқ, чиришдан бўладиган иситмалар || пайдо бўлади. Совуқ [ва] 211 рутубатли, шунингдек, совуқ [ва] қуруқ баданлар иситмалардан, айниқса, бир кунлик иситмалардан жуда узоқдадир.

Учинчи фасл. Иситма даврлари

Иситмаларда ҳам, бошқа касалликларда бўлганидек, бошланиш, зўрайиш, ниҳоятга етиб кучайиш олдидан тўхташ ва пасайишлардан иборат даврлар бордир. Бу даврлар умумий бўлади ва ҳар бир [иситма] тутишининг ўзига қараб, жузъий [4] ҳам бўлади.

Хавф-хатар [иситманинг] бошланишидан то [кучайиб боришининг] ниҳоятга етгунча бўлади. Аммо иситманинг пасайиши даврида касал биз келгусида баён қиладиган сабабдан ўлмаса, фақат иситманинг ўзидан ўлмайди.

Бошланиш [даври] — [бирор] аъзода ўзига қўйилаётган модда таъсирида табиий ҳароратнинг бўғилаётган, яъни етилишининг ёки етилишга тўсқинлик қилаётган бирор қарши нарсанинг ҳали асари ҳам кузатилмаётган бир даврдир. Ҳар бир касалликда ҳам бошланиш [даври] мавжуд, аммо [у], *синхус*¹, тутқаноқ ва сакта касалликларидагидек, гоҳо махфий бўлади; бошланиш [даври] махфий, белгилар кам бўлган вақтда [касаллик]нинг бошланиш даври йўқ деб гумон қиладилар. Шунга ўхшаш, баъзан ўткир иситмаларнинг биринчи кунда [сийдикда] булут² ёки етилганлик аломатини кўриб, [касалликда] бошланиш даври йўқ деб ўйлайдилар, бироқ бундай эмас.

Зўрайиш шундай бир даврки, бунда табиий ҳарорат моддага қарши туриш учун очиқ-ойдин ҳаракатга келади, шунда модданинг етилганлик аломати ёки етилишга тўсқинлик қилувчи нарсанинг белгилари кўринади. Ниҳоятга етиш [даври] шуки, бунда табиат билан модда ўртасида

кураш кучаяди, бирининг иккинчиси устидан ғалаба қилганлиги зоҳир бўлади; бу давр қаттиқ кураш давридир. Бунинг муддати ўткир иситмаларда биргина тутиш [вақти] дан иборат бўлиб, бунда уни навбатдаги тутишда билинади, ёки икки тутиш [вақти]дан иборат бўлиб, буни учинчи тутишида билинади. Бу муддат, узоққа чўзиладиган касалликларни ҳисобга олмаганда, кўпинча, иситманинг икки тутиш муддатидан ортмайди. [Узоққа чўзилган касалликларда], баъзан, иситманинг кўп тутиши барча ҳукмлари бўйича бир-бирига ўхшаб кетади ва бунда етилиш ва бунинг зиддича белгилар [касалликнинг] ниҳоятга етиш даври олдидагина тугалланади.

Пасайиш шундай бир даврки, бунда табиий ҳарорат модда устидан ғалаба қилиб, уни енгади ва унинг уюмини оз-оздан ажратиб ташлайди. Шу пайтда ички ҳарорат енгиллашиб токи тарқалгунича атроф [оёқ-қўллар]га қараб ёйилади ва бу [ҳол] кўпинча [табибни] янглиштириб қўяди.

Ниҳоятга етиш даврининг [узоқлиги]¹ касалликларда турлича бўлади. Жуда ўткир касалликларда ниҳоятга етиш даврининг энг узоғи тўрт кунгача чўзилади. Бир кунлик иситмалар [ҳам] шулар жумласига кирса-да, бироқ ўткир касалликлардан ҳисобланмайди. Чунки касалликни ўткир дейиш учун унинг ниҳоятга етиш даврининг қисқалиги кифоя қилмай, балки у хатарли касалликлардан бўлиши ҳам шарт. Бундан кейин жуда ўткир бўлмаса-да, умуман, ўткир касалликлар яқин туради ва бу [касаллик]ларнинг ниҳоятга етиш даври етти кунгача чўзилади. Масалан, куйдирувчи ва кунора тутадиган давомли иситма; буларнинг баъзилари камроқ ўткир бўлиб, ниҳоятга етиш даври ўн тўрт кунгача боради. Булардан кейин ўткир, узоқ муддатга чўзиладиган ва [ниҳоятга етиш даври] йигирма бир кунга, сўнг қирқ ва олтмиш кунга ва ундан ҳам кўпроққа чўзиладиган [иситмалар] туради. Ўткир ва узоққа чўзиладиган касалликларни даражалари билан билиб олиш, биз келгусида баён қиладиганимиздек, касални овқатлантириш тадбирини [танлашга] ёрдам беради.

Кўпчилик иситмаларда бошланиш, зўрайиш, ниҳоятга етиш давлари [иситманинг] бир марта тутишидаёқ ўтиб кетади, бундан кейингиси [эса] пасайган ҳолда тутаяди. Иситмалар даврлар муддати билан ҳам ҳар хил бўлиб, баъзисининг зўрайиш, баъзисининг пасайиш даври узоқ муддатга чўзилади.

Тўртинчи фасл. Касаллик даврларини, хусусан, ниҳоятга етган даврини билиш

Касалликнинг умумий даврлари гоҳо унинг туридан билинади. Чунки қуруқ тиришиш, тутқаноқ, сакта, *хуноқ* жуда ўткир касаллик-

лардандир; холис кунора тутадиган иситма¹ ва куйдирувчи иситма жуда ўткир бўлмаган касалликлардан ҳисобланади, тўрт кунда бир тутадиган иситма² ва фалаж эса узоққа чўзиладиган касалликлардандир. Касаллик [даври] гоҳо унинг ҳаракатидан билинади: [масалан, [тутиш] даврлари қисқа бўлса, бу холис ўзи бўлган кунора тутадиган иситмадагидек ниҳоятга етиш даври яқин эканлигига далолат қилади. Бу [иситманинг] тутиш даври уч соатдан ўн тўрт соатгача давом этади.

Тутиш даври узоқ бўлса, модданинг қуюқлигидан дарак беради; бунда холис ўзи бўлмаган кунора тутадиган иситмадагидек, [касалликнинг] ниҳоятга етиш даври узоқ бўлади. Агар касалликнинг тутиш даврлари бўлмаса, балки *синухусдагидек* моддаси ўткир³ бўлса, демак, касаллик ўткирдир; агар унинг моддаси қуюқ [ва] совуқ ёки қуюқликка мойил бўлса, демак, касаллик ўткир эмас. [Касалнинг] кўриниши ҳам [далил бўла олади]: агар унинг кўриниши тезда ўткирлашиб⁴, юзи ва биқинлари бужмайса, касаллик ўткир бўлади. Касалнинг кўриниши [ўзгармай], ўз ҳолича қола берса, бу касаллик унчалик ўткир эмас. Гоҳо [касаллик беморнинг] қувватидан ҳам билинади: агар [касал] тезда ҳолдан тойса, касаллик ўткирдир; бу ҳол кузатилмаганда эса, касаллик ўткир бўлмайди. Касалнинг ёши ва [касаллик тутган] фасл ҳам [далилдир]: касал [умрининг] иссиқ ёшида бўлиб, [вақт] ҳам икки иссиқ фаслдан иборат бўлса, шу пайтларда касалликлар тез ниҳоятга етади; совуқ ёшда ва икки совуқ фаслда касалликларнинг ниҳоятга етиши секинлашади. Мамлакатларга нисбатан ҳам шундай. Томир уришининг [ҳам далил бўлиши мумкин]: томир уриши тез, кетма-кет ва қаттиқ уриб турса, [5] касаллик ўткир, акс ҳолда эса ўткир бўлмайди. Гоҳо [даврлар] қалтирашдан [билинади]: агар қалтираш узоқ бўлса, касаллик узоқ муддатга чўзилади, қисқа бўлганда эса, касаллик ўткирликка яқин бўлади; қалтираш бутунлай бўлмаганда эса, касаллик ўз жинси бўйича энг қисқа муддатлидир.

Гоҳо касалликнинг даврлари [унинг] тутиш даврларига қараб билинади: агар тутиш узлуксиз олдинга қараб орта борса ва зўрайса, касаллик зўрайиш даврини ўтаётган бўлади, чунки касалликларнинг баъзиси охириги муддатига қадар || зўрайиб бора беради. Баъзан булар кунора, 212 баъзан эса доимий иситмалар жинсидан бўлади. Агар тутиш ортиб бориб, [сўнг] ортиши тўхтаб қолса, бу касалликнинг ниҳоятга етган [даври] ҳисобланади. Агар тутишлар [ўз вақтидан] кечика бошласа, демак, касаллик пасайиш [даври]дадир. Муайян соатларда қайталайдиган тутиш узоқ муддат давом этади.

[Касаллик] даврларининг аҳволи иситма аломатларининг зўрайишидан, тўхтаб қолишидан, камайишидан ҳамда тутиш даврининг узоқ ёки қисқаликда зўрайишидан ҳам билинади, баъзан [тутиш даврлари] бир-бирига ўхшамайди ва фарқ қилади.

Кўпинча, [касаллик даври] бўшалишнинг аҳволидан ҳам билинади: бирор [иситма] тутиш даврида терлаш ёки ич кетиши юз берса, ундан кейинги тутиш даври кучлиликда аввалгига ўхшаш ёки янада кучлироқ бўлса, демак, бўшалиш табиатнинг кучлилигидан эмас, [модданинг] кўплигидан келиб чиққандир; бунда касаллик узайишга юз ўгирган бўлади.

Гоҳо [касаллик даври], биз айтиб ўтганимиздек, [модданинг] етилганлик ёки бунинг зиддича аломатларидан билинади. Масалан, бир қадар етилган балғам ёки бир оз булутли сийдик зоҳир бўлса, бу зўрайишнинг бошланганлигидан дарак беради. Кейин мана шу [белгилар] ёки буларнинг зидди кўпайиб ойдинлашса, демак, касаллик ниҳоятга етган [даврда] дир. Шунга ўхшаш, етилганлик ёки етилмаганлик балғамдан ёки сийдикдаги булутдан тезда ойдинлашса, билгинки, ниҳоятга етиш даври яқиндир; кечикканида эса, билгинки, ниҳоятга етиш даври узоқдир.

Касалликнинг жузъий даврларини билишга келсак, [уларнинг] тутиш даврининг бошланиши шундай бир вақтда бўладикки, бунда томир уриши қисилади,— бунинг маъносини сен илгари билгансан,— чекка [аъзо]ларнинг ранги хиралашади, чекка аъзолар, айниқса қулоқ ва бурун учлари ҳарорат ёйилганлиги сезиладиган вақтгача совуйди. [Тутиш вақтининг] бошланишида, баъзан ранг ўзгариши, ланжлик, ғамгинлик, ҳаракатларнинг сустлашиши, уйқучанлик, қовоқ салқини, гап ёқмаслик, икки курак ораси ва умуртқада эт увушиб ҳурпайиш пайдо бўлади. Гоҳо бунда касал кучли қалтирайди, сўлаги оқади, икки чаккаси учади, қулоқлари шанғиллайди, аксиради ва бадан аъзолари тортишади.

[Тутиш даврининг] бошланиш ва ниҳоятга етишида қувват, айниқса, заифлашади.

Касалликнинг зўрайиш даврига келсак, унинг биринчи ярми томир уриши аниқ кўринишга, катталашишга ҳам тезлашишга бошлаган ва ҳарорат баданнинг ҳаммасига бир текисда ёйилган вақтдир; иккинчи ярми эса, баданга текис ёйилган шу ҳароратнинг тобора зўрайиб бориш вақтидир. Ниҳоятга етиш даври шундай вақтки, унда ҳарорат ва [барча] аломатлар ўз ҳолича қолиб, томир уриши энг катта, жуда тез ва кетма-кет бўлади. [Касалликнинг] пасайиш [даври] шундай бир вақтки, бунда [ҳарорат] камайиб, томир уриши мўътадил ва текис бўла бошлайди. Бундан кейинги [вақтда] бадан терлай бошлайди ва бу [касалликни] даф қилишга олиб келади.

Кўпинча, ўлим олдида, касалликнинг пасайишига ўхшаш ва гўё [касал] тузала бошлагандек бир ҳолат юз беради. [Табиб] бу билан шуғулланиб ўтирмай, томир уришининг катталашган ва кучайганлик ҳолатига эътибор бериши лозим. Агар истасанг, мисол тариқасида, сенга кунора тутадиган иситмани келтирамиз. Қарагин: кунора тутадиган

иситмада кўп ҳолларда эт увушиб ҳурпайишдан бошланиб, сўнг совуқ ейиш ва қалтираш юз беради; қалтираш тўхтаб, совуқ ейиш камайиб, бадан қизий бошлайди, бундан кейин қизиш бир текисда бориб зўраяди, сўнг зўрайиши тўхтаб камайишга ўтади ва, ниҳоят, йўқолади.

Билгинки, касаллик муддати модданинг ёки кўплиги, ёки қуюқлиги, ёки совуқлиги туфайли узаяди; баъзан бунга йил фаслининг, мамлакат ва баданнинг совуқлиги, табиий ҳароратнинг кучсизлиги ва бадан терисининг зичлиги сабаб бўлади.

Бешинчи фасл. Бир кунлик иситмалар ҳақида умумий сўз

Бир кунлик иситманинг барча турларининг сабаблари ўз моҳияти билан қиздирувчи ёки қўшимча бир тарзда қиздирувчи сиртқи сабаблар бўлиб, улар [бадан билан] учрашадиган нарсалар, ейиладиган нарсалар, жисмоний ва нафсоний таъсирланишлар, турли оғриқлар ва [бадан] сиртидаги шишлардан иборатдир. Гоҳо тиқилмалардан шундай [иситмалар] юз берадики, уларнинг сабаби сиртқи бўлмайди ва уларнинг сабаблари ўзининг қуввати билан [фақат] руҳни алангалатишдан нарига ўтмайди; ўтган тақдирда эса, ингичка оғриқ касаллигига ёки [6] биз кейинроқ айтадиган хилтлардан бўладиган иситмаларнинг бирор турига олиб келади. Сиртқи сабаблар баъзан илгариги сабабларни қаттиқ ҳаракатга келтиради; агар шунда чиришга томон қўзғатгудек бўлса, чириш иситмалари содир бўлади. Баъзи кишилар бир кунлик иситма фақат бадан ёки руҳ чарчашидан кейингина келиб чиқади, деб даъво қиладилар. Бу хатодир.

Бундай иситмалар кўп ҳолларда бир кун тутиш билан тугалиб, камдан-кам уч кунгача чўзилади. Бу вақтдан кўп давом этганда эса, «кўчишга» ўтган бўлади; «кўчиш»нинг маъноси руҳга ёпишган ҳароратнинг баданга ёки хилтга кўчиши демакдир. Шуниси ҳам борки, баъзи кишилар бундай иситма баъзан олти кунгача давом этиб, сўнг тамоман тугалади, бошқа турдаги [иситмага] кўчганда эса, бундай бўлмаган бўларди, дейдилар.

Бир кунлик иситмани даволаш осон, аммо уни аниқлаш қийин. Шунингдек, ингичка оғриқ касаллигининг бошланишини билиб олиш ҳам қийин.

Иссиқ-қуруқ [мизожли] кишилар бир кунлик иситмага тезроқ чалинадилар ва агар уни [даволашда табиб] янглишса, кўпроқ зарарланадилар; улардаги [иситма] тезликда ингичка оғриққа ёки кунора тутадиган иситмага айланади. [Булардан] кейин иссиқ-ҳўл [мизожи] голиб бўлган кишилар туради, булардаги иситма чириш иситмасига айланади.

Булардан кейинда иссиқ [мизожи] кучли, сўнг қуруқ [мизожи] кучли кишилар туради.

- 213 Мизожи иссиқ ва қуруқ бўлган киши оч қолиб, || унинг устига уйқусизлик, нафсоний ёки жисмоний чарчашлар қўшилса, бу киши бир оз эт увушиб ҳурпайиши билан бирга, тезда бир кунлик иситмага чалинади. Бунга дарҳол чора кўриб овқатлантирилмаса, у кишига тезда чириш иситмаси ёпишади.

Белгилар. Бир кунлик иситмаларга хос бўлиб, уларни бошқа иситмалардан фарқ қиладиган аломатларга келганда, биз айтамызки, хос аломатлардан бири унинг олдин ўтган сабаблардан содир бўлмаслиги ва [томир уришининг] қисилиши билан бошланмаслигидир; яъни бунинг бошланишида кўп ҳолларда қалтираш, қўл-оёқларнинг совуши, ҳароратнинг ичга тушиши, ланжлик, уйқучанлик, томир уришининг чуқур тушиши бир текис бўлмаслиги ва кичрайиши кузатилмай, балки, гоҳо унинг бошланишида бадан совуқ еганга ёки эт увушиб, ҳурпайганга ўхшаш ҳолат ва ёмон каймуснинг буғи сабабли [бадан] санчиши юз беради, бироқ бу тезда йўқолади. Гоҳо, камдан-кам ҳолларда, санчиши билан мушакларга азият етказувчи ҳаддан ташқари кўпайган буғлар сабабли қалтираш пайдо бўлади. [Бир кунлик иситманинг] алангаси ловуллатиб қақшатмайди, балки чарчоқ ёки маст киши баданидаги ҳарорат сингари ҳуш ёқадиган бўлади.

Агар биринчи кунда сийдик етилган, томир уриши ҳам яхши бўлса, бу иситмани бир кунлик эканлигига ҳукм қила бер. Чунки иситма бир кунлик бўлганлиги туфайли сийдик ўзгармайди, унинг чўкмаси етилган, бирор хилт рангига мойиллашмаган бўлади. Гоҳо [чўкманинг] булути осилиб туради, баъзан эса, юзада сузиб юрувчи яхши рангли бўлади. Сийдик ранги мўътадил бўлмаган тақдирда ҳам, унинг қуюқ-суюқлиги мўътадилдир. Бунда сийдикнинг ранги, иситма бўлмаган вақтда ҳам, сийдикни ўзгартирувчи бирор сабаб илашишидан, биз кейинроқ айтадиган чарчаш ва шунга ўхшашлардан ўзгарган бўлади. [Бир кунлик иситмада] агар иситма кучсизлантирувчи таъсирлар натижасида келиб чиқмаган ва иситма мавжудлиги устига меъда оғзида томир уришини кичрайтирадиган ачиштирувчи хилт, совуқ ёки бирор бошқа сабаб бўлмаса, томир уриши кетма-кетлик, кучлилиқ ва катталиққа мойил бўлади. [Бу иситмада] томир уриши камдан-кам ўзгаради, ўзгарган тақдирда ҳам, қандайдир бир тартиб сақланади. Агар шундай бўлмаса, [томир уришидаги тартибсизлик] қаттиқ чарчаш ёки ички аъзоларнинг қаттиқ ачишиши каби иситмадан олдин ёки у билан биргалашиб келган бирор бошқа сабаб туфайли содир бўлади. Баъзан зичлаштириб совутувчи кучли совуқ [ҳаво] сабабли ёки қуёшнинг қуритувчи кучли ҳарорати, ёки қуритувчи қаттиқ чарчаш, ёки оч қолиш, ёки уйқусизлик, ёки ғамгинлик, ёки бўшалиш сабабли [то-

мир уриши] қаттиқлашади. Бунда гоҳо томир уришининг ёйилиши [кенгайиши] тезлашиб, йиғилиши [торайиши] секинлашади, бироқ табиий ҳолатидагидан тезлашиши камдан-кам оз миқдордагина бўлиши мумкин. Чунки бу иситмада бузуқ буғ чиқаришга бўлган эҳтиёждан кўра [юрakни] салқинлатиб ором беришга бўлган эҳтиёж кўпроқдир; чунки бир кунлик иситмадаги буғлар мўътадил буғга қиёс қилинганда, улар албатта бузуқ бўлмай, балки унга қараганда иссиқроқ бўлади. Агар сен томир уриши ва унинг йиғилиши [торайиши]ни билишда қийналсанг, буни [касални] нафас олишига қараб аниқлайсан. Иситма кетгандан кейин, томир уриши касалнинг бадани учун табиий бўлган ўз ҳолатига қайтади; бу — яхши аломат.

Умуман, билгинки, сийдик ва томир уришининг яхши бўлиши иситманинг бир кунлик эканлигига далилдир. Томир уриши бундай бўлмагани тақдирда [ҳам] иситманинг бир кунлик бўлмаслиги шарт эмас, чунки бир кунлик иситмада ҳам, кўпинча, сийдик рангли, томир уриши нотекис, кучсиз ва кичик бўла беради. Иситманинг бошланишда аста-секин бўлиб, зўрайиши икки соатдан нарига ўтмаслиги ва ниҳоятга етиш пайтида кучли автоматлар юз бермаслиги ҳам унинг бир кунлик эканлигига далолат қилувчи нарсалардан биридир. [7] Чиришдан бўлган иситма бунинг аксичадир. [Бир кунлик иситмада] оғир ҳолатлар юз бермайди, кучли ҳарорат хуруж қилмайди ва оғриқлар кам бўлади. Бош оғриғи ёки бирор [бошқа] оғриқнинг борлиги кузатилса-да, улар турғун бўлмай, иситма кетгандан кейин давом этмайди. Булар ҳаммаси иситманинг бир кунлик эканлигига далолат қилади.

Бир кунлик иситма хилт терлашига эмас, табиий терга ўхшаш, миқдори унча кўп бўлмаган, балки кайфиятда табиий терга яқин бўлганидек, миқдорда ҳам [шунга] яқин бўлган намлик чиқиши билан [бадандан] кетади. Агар тер кўп чиқса, демак, иситма бир кунлик бўлмайди. Иситма бир кунлик эканлигини текшириб билишда восита бўладиган нарсалардан бири шуки, иситма тутган кишини ҳаммомга туширадилар, агар шунда одатда бўлмайдиган эт увушиб ҳурпайиш пайдо бўлса, бундай иситма чиришдан бўлган иситмадир. Бундай касални ҳаммомдан дарҳол чиқарилсин. Агар касалнинг ҳолати ўзгармаса, демак, иситма бир кунликдир.

Бир кунлик иситманинг [бошқа турга] кўчиши. Бир кунлик иситма билан оғриган кишини овқатлантириш лозим бўлса-ю, табиб хато қилиб уни овқатлантирмаса, [бу иситма] сафро [мизожли] баданларда ингичка оғриқ [иситмасига] ва куйдирадиган [иситмага], семиз баданларда эса чиришсиз бўлган *синухусга*, баъзан эса чириш билан бўлган *синухусга* ҳам кўчади. Тери тешикларини очиб ва [бадан] жисмини сийраклантириб ёрдам бериш лозим бўла туриб, бу тадбирлар қўлланилмаган тақдирда ҳам шундай бўлади; бунда ҳарорат ба-

данга қамалиб қолган хилтларда алангаланиб, уларни кучли қиздиради ва чиритади.

Бир кунлик иситманинг бошқа [турдаги] иситмаларга кўчганлик белгилари. Бунинг далили шуки, иситма тер ёки намлик чиқмай ёки чиққанда ҳам тер ёрдамида [бадан] тозаланмасдан туриб пасаяди. Пасайиш даври узоққа чўзилган ва уқубатли бўлади; томир уриши тозаланмайди ва унда қандайдир [носоғломлик] сақланади. Агар [илгари] бош оғриғи бўлган бўлса, у ҳам давом этади. Булар ҳаммаси бир кунлик иситманинг хилт чиршидан бўладиган иситмага ёки ингичка оғриқ иситмасига кўчганлигидан дарак беради. Агар [иситма] сабаблари кучли бўлган ва иситма узоқ давом этган бўлса, у ингичка оғриқ иситмасига кўчади; агар у ингичка оғриқ иситмасига кўчган бўлса, сен [ушлаб кўрганигда] артерия жуда иссиқ эканлигини сезсап ҳамда иситма аъзоларнинг ҳаммасида бир текисда эканлигини, тўлиб кетиш ва таом ейишдан кейин ҳарорат кучаяётганини кўрасан. Шунингдек, томир уриши қаттиқ ва кичик бўлиши билан бир-
214 га, бир текисликни сақлаётганлигини || ҳамда ингичка оғриқ иситмасининг биз келгусида айтадиган бошқа белгиларини ҳам кўрасан.

Агар бир кунлик иситма қондан бўладиган иситмаларнинг бир тури — «чиришсиз синухус» деб аталадиган иситмага кўчса, тўлиб кетиш, ҳароратнинг кучайиши ва юз кўпчишини кўрасан. Чиришдан бўладиган иситмаларга кўчганда эса, эт увушиб ҳурпаяди, томир уриши нотекис бўлади, кичраяди ва қисилиши ойдинлашади. Бунда ҳарорат куйдирувчи ва қуруқ бўлади; ёмон ҳолатлар юз беради; сийдикка келганда, унда баъзан илгариги [иситмадан қолган] етилганлик сақланади, аммо кўп ҳолларда унда етилиш кузатилмайди.

Олтинчи фасл. Бир кунлик иситманинг барча турларини даволаш

Бир кунлик иситма билан оғриган барча кишиларга, ҳазми тез бўлиш билан бирга, озиқлиги яхши овқатлардан берилиши лозим. Чунки иситма билан оғриган киши касал, касал эса қувватсиз, *қувватсиз киши эса ғализ овқатни ҳазм қилишдан ожиздир¹. Бироқ баъзилар учун, масалан, чарчашдан, ғамгинликдан ёки оч қолишдан бўлган иситма билан оғриган кишилар учун, шунингдек, баданларида ўти кўп, [иситманинг] бошланишида эт увушиб ҳурпайишдан шикоят қилувчи кишилар учун енгиллик туғдириб, сингувчанроқ бўлсин учун бир луқма таомни сувга ёки шаробга ивитиб ейишга рухсат берадилар. Бундай кишиларга [иситманинг] бошланишида бўлса ҳам овқат берилаверади. Баъзиларга эса, масалап, тиқилмадан, тери тешикларининг зичлашишидан ва шиш-

дан [иситмага учраганларга] енгиллик бериш ман қилиниб, латифлаштириш¹ тавсия этилади.

Биз мустасно қилганларимиздан бошқалар учун овқатланишни иситманинг пасайиш давригача қолдириб туриш яхшироқ. Касалликнинг бошланишида совуқ сув ичишни ман қилмаслик керак. Чунки бу вақтда касалнинг қуввати [ҳали] зўр бўлиб, унинг заифлашиш хавфи туғилмайди. Совуқ сув баданни совутишда энг яхши чорадир. Бироқ ички аъзоларда кучсизлик воқе бўлса, ёки иситма узоққа чўзилган, ёки тиқилмадан бўлган бўлса, совуқ сувни кўп [ичирмаслик] яхшироқ.

Бундай касалларга бир кунлик иситмаларнинг тутиш даври тугалганда бир қанча мақсадлар учун, жумладан, [баданни] рутубатлантириш, терлатиш, тери тешикларини кенгайтириш ва, иккинчи ҳолда, совутиш учун ҳаммомга тушишни кўпроқ тавсия этадилар. Чириш хавфи туғилганда эса, ҳаммомга тушишни ман қиладилар; аммо тиқилмалар туфайли [иситмага учраган] кишиларгагина ҳаммомга тушишни ман қилиш лозим, чунки ҳаммом, кўпинча, чиришдан бўладиган касалликни кўзғатади. Шунингдек, меъда бузилишидан [бўлган иситмада] ҳам ҳаммомга туширилмайди. Бироқ касалликнинг охирида, тери тешиклари кенгайганда, меъдада бузилган нарсалар қуйига тушиб кетганида [бундай касални ҳам] ҳаммомга тушириш керак.

[8] Тумов билан оғриган кишини, агар тумов [хилтлар] куйишидан бўлган бўлмаса, ҳаммомга туширилмасин. Бир кунлик иситмага учраган кишиларнинг ҳаммаси ҳаммом ҳавосида узоқ турмай, балки истаганларича сувида туришлари керак. Тери тешиклари зичлашиб қалинлашган киши эса, токи терлагунича ҳаммом ҳавосида узоқ туриши мумкин.

Ёғ қуйиб суртишга келганда, агар [ёғни шундай] қуйиб ёки суртиб қўя қолинса, тери тешикларини тўсиб ҳар қандай бир кунлик иситмани, хоҳ у ички, хоҳ ташқи тиқилмалардан бўлсин, узоққа чўзиб юборади. Агар иситмага учраган кишининг бадани [ёғ суртилгандан кейин] ишқаланса, тери тешиклари очилади; сўнгра, агар [баданда] рутубат мўл бўлса, [ишқалаш] уни тарқатади, рутубат оз бўлганда эса, баданни қуритади.

Бўшатишга келганда, тўлиқлик сабабли тиқилмага учраган ёки меъдаси бузилган, ёки тери тешиклари зичлашишидан бир кунлик иситмага учраган ва бадани тўлиб кетган кишиларгина унга муҳтож бўладилар.

Еттинчи фасл. Бир кунлик иситманинг турлари

Бир кунлик иситмаларнинг баъзисини нафсоний, баъзисини жисмоний ҳолатларга, баъзисини эса, сиртдан келадиган нарсаларга нисбат берилади.

Нафсоний ҳолатлардан бўладиган иситмалар — булар ғам тортишдан, қайғуришдан, кўп ўйлашдан, ғазабланишдан, уйқусизликдан, серуйқуликдан, хурсандликдан, қўрқишдан ва чарчашдан келиб чиқадиган иситмалардир.

Жисмоний ҳолатлардан бўладиганларининг баъзиси ишлар, ҳаракатлар ва буларнинг зиддидан иборат ҳолатлардан, баъзиси эса ишларга, ҳаракатларга ва буларнинг зиддига оид бўлмаган ҳолатлардан келиб чиқадиган иситмалардир. Ҳаракатлар ва бунинг аксидан иборат ҳолатларга чарчашдан, бекор ётишдан ва бўшалишдан пайдо бўладиган иситмалар нисбат берилади. Уларнинг баъзиси оғриқдан пайдо бўладиган бир кунлик иситма, беҳушлиқдан бўладиган бир кунлик иситма, баъзиси оч қолишдан, баъзиси эса, ташналиқдан бўладиган бир кунлик иситмадир. Ишлардан бошқаларга нисбат бериладиган бир кунлик иситмаларнинг баъзиси тиқилмалардан, баъзиси меъда бузилишидан, баъзиси ишдан, баъзиси эса терининг қуриб-қақшашидан пайдо бўлади.

Сиртдан келадиган нарсаларга нисбат бериладиган иситмаларга келсак, булар, масалан, қуёшда куйишдан ёки, масалан, совуқдан, тери тешиklarининг зичлашишидан ва чўмилишдан келиб чиқадиган иситмалардир. Буларнинг ҳар бирини бирма-бир, даврлари билан баён қиламиз.

Саккизинчи фасл. Ғам тортишдан бўладиган бир кунлик иситма

Гоҳо ҳаддан ташқари ғам тортиш сабабли руҳнинг ичга томон ҳаракат қилиб у ерда қамалиб қолишидан руҳдан бўладиган иситма пайдо бўлади.

Унинг белгилари: сийдикнинг оловсимон ва ўткир бўлишидир, ҳатто касал киши қуруқ [мизожли]лик ғалаба қилганлиги сабабли сийдик ўткирлигини сезади; кўз [қовоқлари]нинг ҳаракати юмилишга мойил бўлади, [руҳнинг] тарқалиши сабабли кўзлари тинч ва суст ҳаракат қилиши билан бирга чуқур тушиб кетади. Ҳарорат ичга тушганлиги сабабли юз сарғиш, томир уриши кичиклик ва кучсизликка яқин бўлади; баъзан томир уриши бир оз қаттиқ бўлади.

Даволаш: касал ваннани кўпроқ қабул қилиши, ҳаммомга тушишдан мақсади кўпроқ унинг ҳавосида эмас, сувида туриш бўлмоғи керак: сўнг у баданини кўпроқ ёғ билан ишқалаши керак, чунки ёғ у киши учун ҳаммомдан кўра фойдалироқдир. Касал шодлантيرувчи нарсалар, совуқ мизожли атрлар ишлатсин; унинг кўкрагига ширалар, сиқиб олинган сувлар ва хушбўй суюқликлардан иборат совутувчи суртмалар қўйилсин; кўп сув қўшилган шароб ичирилсин, бу ундай касаллар учун фоят яхши доридир.



«Қонун» Тўртинчи китобнинг биринчи varaги. ҲзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 3316 рақамли қўлёзма.

Тўққизинчи фасл. Қайғуришдан бўладиган бир кунлик иситма

Бирор исталган нарса устида кўп қайғуришдан баъзан руҳда қиздирувчи ва иситмани келтириб чиқарувчи қаттиқ ҳаракат юз беради. Бунинг аломатлари || ғамгинликдан бўладиган иситма аломатига ўхшайди, лекин тарқалиш сабабли кўз чуқур тушиши билан бирга, унинг ҳаракати сиртга томон бўлади. Томир уриши эса бўшашган ва паст бўлмай, аксинча, заиф бўлганида ҳам бир оз тетиклик сезилади.

Бунинг давоси ғам тортишдан бўлган иситмани даволаш кабидир.

Унинчи фасл. [Кўп] фикр қилишдан бўладиган бир кунлик иситма

Баъзан турли ишлар ҳақида кўп фикр қилиш натижасида қайғуриш ва ғамгинликдан келиб чиқадиган иситмаларга ўхшаш иситма пайдо бўлади, аммо бунда кўз ҳаракати мўътадил бўлиб, чуқурликка ёки ташқарига мойил бўлмайди, [бирок] у бир оз чуқур тушган бўлади. Томир уриши кўтарилиш ва ботишда нотекис, аммо ўзи, кўпинча, мўътадил бўлади, юз эса бир оз сарғаяди.

Давоси қайғуришдан бўладиган иситмани даволашнинг ўзидир.

Ун биринчи фасл. Ғазабланишдан келиб чиқадиган бир кунлик иситма

Гоҳо ғазабланиш асносида руҳнинг сиртга томон ҳаддан ташқари ҳаракат қилиши сабабли ортиқча қизиш келиб чиқиб, руҳга иситма ёпишади.

Бунинг аломатлари: юз қизаради,— лекин ғазабланишга кўрқинч аралашса сарғаяди,— уйқусизликдан келиб чиқадиган иситмада бўлганидек кўпчийди; кўзлар қизаради ва у руҳнинг сиртга томон қаттиқ ҳаракати сабабли ўқрайган бўлади; [9] баъзан, айрим кишиларда, хилтнинг қўзғалиши ёки табиатнинг кучсизлиги сабабли қалтираш пайдо бўлади; сийдик қизил ва ўткир бўлиб, ўткирлиги сезилиб туради ва бир оз ялтироқ бўлади; томир уриши эса катта, тўла, баланд ва кетма-кетдир.

Давоси: [касални] тинчлантириш, уни турли ҳикоялар, ёқимли музыка, ўйин ва ажойиб манзаралардан иборат шодлантирувчи нарсалар билан машғул қилиш керак. Ҳаммомга тушириб, жуда иссиқ бўлмаган илиқ сувга [ўтқазиш], баданларига кўп мартаба анча миқдорда ёғ суртиш,— бу улар учун иссиқ сувдан кўра мувофиқроқдир,— совутувчи ва ҳўлловчи нарсалар билан овқатлантириш лозим. Шароб ичишни бутунлай ман қилинсин; шароб ичиш уларга мутлақо мумкин эмас!

Ун иккинчи фасл. Уйқусизликдан бўладиган бир кунлик иситма

Уйқусизликдан ҳам, гоҳо бир кунлик иситма пайдо бўлади.

Белгилари: [иситмадан] олдин уйқусизлик, кўз қовоқларининг очилмаслик даражада оғирлашиши, [ҳароратнинг] тарқалиши сабабли кўзнинг чуқур тушиши, озиқлик [моддалар]нинг бузилганлиги ва буғнинг кўплиги сабабли қовоқларнинг салқishi; ҳазмсизлик сабабли сийдикнинг хираланиши, томир уришининг кучсизланиши; ҳазм ёмонлиги сабабли юзнинг сарғайиши ва унинг салқishi ва ҳазм ёмонлиги туфайли кўпчиши. Аммо бунда ғазабланишдан бўлган иситмадагидек юз қизармайди.

Давоси: [касални] тинч, ўз ҳолига қўйиш, ухлатиш, совутувчи ва ҳўлловчи нарсаларни бошидан қўйиш: ҳўл ҳаммомга тушириш; яхши каймусли овқатлар бериш ва [баданига] ҳўлловчи нарсаларни суртишдир. Шароб булар учун энг фойдали нарса бўлиб, уни қўрқмасдан ичира берсинлар, аммо бош оғриғи бўлса, ичилмасин!

Ун учинчи фасл. Серуйқулик ва бекор ётишдан бўладиган бир кунлик иситма

Гоҳо уйқусизлик ва ҳаракат сабабли руҳдаги иссиқ буғлар тарқалиб кетади. Лекин узоқ ухлаб бекор ётилганда бу буғлар тарқалмай, натижада руҳ қизиб, иситма пайдо бўлади.

Белгилари: [иситма чиқишидан] илгариги узоқ уйқу ва кўп бекор ётганлик, айниқса, булар одат қилинмаган ва одатга қарши воқе бўлган бўлса,— шундай иситмага далолат қилади. Яна бунга томир уришида [сезиладиган] буғ тўлиқлиги далил бўлади.

Давоси: бунинг давоси [касални] ҳаммом ҳавосида терлатиш, иссиқ сув билан мўътадил даражада чўмилтириш, овқатни совутиш ва ҳўллашга мойил қилиб кам едириш ва мўътадил даражада бадантарбия қилдиришдир. Булар шароб ичишлари керак эмас.

Ун тўртинчи фасл. Хурсандликдан бўладиган бир кунлик иситма

Ғазабланишдан иситма пайдо бўлганидек, гоҳо ҳаддан ташқари хурсандликдан ҳам иситма келиб чиқади.

Белгилари: бунинг белгилари ғазабланишдан бўлган [иситма]нинг белгиларига яқиндир. Аммо бунда кўзнинг кўриниши ғазабланган кишиники сингари эмас, хурсанд кишиники кабидир; томир уришининг кетма-кетлиги ҳам оз бўлади.

Давоси: бу ғазабланишдан бўладиган иситмани даволаган каби даволанади. Биз бу ҳақда айтиб ўтдик.

Ун бешинчи фасл. Қўрқишдан бўладиган бир кунлик иситма

Ғам тортишдан [иситма] пайдо бўлганига ўхшаш, гоҳо қўрқишдан ҳам бир кунлик иситма пайдо бўлади: қўрқишнинг ғам тортишга нисбати ғазабланишнинг хурсандликка нисбати [кабидир], чунки қўрқишда руҳ ичга, ғазабланишда эса сиртга томон ҳаракат қилиб, [қўрқиш] бирдан, хурсандлик ва ғам тортиш эса аста-секин юз беради.

Белгилари: ғам тортишдан бўладиган иситма белгиларига яқин, аммо томир уришида тартибсизлик кучлироқ, кўз эса қўрқитилган кишининг кўзига ўхшаш бўлади.

Давоси: бунинг давоси ғам тортишдан бўладиган иситмани даволашга яқин. Касални хавф-хатардан тинчитиш, шодлик хабарлари билан хурсанд қилиш керак. Бундай кишига шароб фойдалидир.

Ун олтинчи фасл. Чарчашдан бўладиган бир кунлик иситма

Чарчаш гоҳи руҳни қаттиқ қизитади, натижада [баданнинг] ишларига зарар етказадиган иситма пайдо бўлади. Унинг зарари ва оғирлиги кўпроқ ҳаётий ва нафсоний [кучларга] етади.

Белгилари: [иситма чиқишидан] олдин чарчаганлик, баданнинг бошқа жойларидан кўра бўғинларининг кўпроқ қизиши, чарчаганликнинг сезилиб туриши ва бадан қуришларидан иборатдир. Кўпинча, [иситманинг] охирида, агар чарчаш мўътадил бўлиб, қуритадиган даражада ҳарорат ўзи терлашга тўсқинлик қиладиган совуқ бўлмаса, бадан телчирайди. Агар чарчаш ҳаддан ташқари бўлса, телчираш ва терлаш кам бўлади. Баъзан ўпканинг иштироки сабабли бу иситмада қуруқ йўтал ҳам бўлади. Томир уриши кичик ва кучсиз бўлиб, баъзан эса бир оз қаттиқлашади. Сийдик сариқ, ўткир, [руҳнинг] ҳаракати сабабли иссиқ ва унинг тарқалиши сабабли суюқ бўлади.

Давоси: бундай [касалларнинг] давоси ором олиш, ҳаммомга тушиш, ваннада туриш, ундан кейин баданга, айниқса бўғинларга ёғ суртиш; жўжа, улоқ ва тошлоқ балиғи гўштлири жинсидан бўлган яхши каймусли, ҳўлловчи овқатларни ҳазм қила оладиган миқдорда ейишдир. Чунки бундай касалларнинг қуввати [10] заиф бўлади, улар соғломлик вақтларида ҳазм қила оладиган овқатларини шу вақтда ҳам ҳазм қиламан деб ўйламай, балки камроғини ўйласинлар. Шунинг учун улар камроқ ҳам кўп озиқ бўладиган, биз ҳозир айтиб ўтган овқатлар билан, шунингдек, илитилган тухум сариғи кабилар билан овқатлансинлар; хўроз мояғи ҳам яхши.

Баъзилар чарчаган кишига бошқа [иситма]лардагидан кўра енгилроқ тадбир қўллаш керак, деб даъво қиладилар. Бу тўғри эмас. Бундай касаллар ҳўл мевалардан ейишлари, агар одат қилган бўлса-

216 лар, кўп сув қўшилган шароб, || одат қилмаган бўлсалар, гулоб ёки шунга ўхшаш нарсалар ичишлари керак. Аъзоларини ва қуриб қолган бўғинларини ҳўллаш ҳамда [аъзоларида] юз бераётган тортишишни юмшатиш учун баданларига бошқа [иситма]лардагидан кўра кўпроқ ёр суртишлари зарур. Бинафша ёғи бундай [касал]лар учун ишлатиладиган ёғларнинг энг яхшисидир. Ёғни умуман баданларига, айниқса бош, бўйин, умуртқа поғонасига, бўғинларнинг ҳаммасига, хусусан, ҳаммомга тушганларидан кейин суртиш керак. Уларнинг [ётиш] ўринлари текис, кўрпа-кийимлари ва ўтирадиган жойлари хушбўй қилинган бўлиши лозим. Агар бирор қолдиқ сабабли қайтадан ҳаммомга тушишга эҳтиёж туғилса, шу бобда айтиб ўтилган нарсаларнинг ҳаммаси қайтадан ишлатилади.

Ўн еттинчи фасл. Бўшалишдан бўладиган бир кунлик иситма

Гоҳо сурги пайтида хилтларнинг қўзғалишидан руҳда ҳаддан ташқари ҳаракат пайдо бўлиб, натижада иситма кўтарилади. Бунга сабаб, кўпинча, бўшалишга эргашиб келадиган чарчаш бўлади. Кўпинча, [руҳни] қиздириши сабабли, уни сурги дорилари келтириб чиқаради, баъзан эса [иситма] томирдан қон олишга эргашиб келади. Чунки томирдан қон олиш буғларнинг рутубатини ва қон қисмини кеткизиб, уларни сафроли тутунлиликка айлантиради.

Д а в о л а ш: ўз бобларида маълум бўлган нарсалар билан аста-секин ични тўхтатиш, касалга совутувчи, ҳўлловчи овқатларни буриштирувчи нарсалардан қўшиб, ҳазм бўладиган миқдорда бериб, қувватини кучайтириш керак. Меъдаси [усти]га илиқ эмас иссиқ, кучайтирувчи қуюқ суртмалар ва қўйиладиган дорилар ишлатилсин. Чунки ҳар бир илиқ нарса бўшаштиради ва қувватни тарқатади. Шу жумладан, Рум сунбули ёғига ёки бирор бундан совуқроқ хушбўй қилинган ёғга ботирилган жуннинг ёғи кетгунча сиқиб [ишлатилади]. Касалнинг юраги ва жигари устига бирор совутувчи нарса қўйилади.

Ўн саккизинчи фасл. Оғриқдан бўладиган бир кунлик иситма

Оғриқ гоҳо руҳни қиздиради, бунинг натижасида иситма пайдо бўлади.

Б е л г и л а р и: бош, кўз ва қулоқдаги ёки тишдаги, бўғинлар ва қўл-оёқлардаги оғриқлар, қуланж ва бавосир оғриқлари ёки булардан бошқа чипқон оғриқлари бунга [далолат қилади].

Д а в о с и: оғриққа қарши ўз бобида айтилган тадбирни ишлатиб, сўнг чарчашдан бўладиган иситманинг иложи қўлланилади. Агар шароб ичирилганда оғриқ қўзғалиш хавфи бўлса, уни ичирилмайди.

Ун тўққизинчи фасл. Ҳушдан кетишдан бўладиган бир кунлик иситма

Ҳушидан кетган кишида руҳ ҳаракатларининг изтироблилиги сабабли баъзан қизиш пайдо бўлиб, у иситмага айланади. Бу иситмадан, кўпинча, ҳушдан кетиш хавф-хатари йўқолгандан кейин ҳам бирор қолдиқ сақланади.

Белгилари: [иситмадан] бир оз илгари беҳушлик бўлганлиги ва бир кунлик иситмалардан бошқа иситма аломатларисиз қувватнинг пасайишидир. Бунда томир уриши турли ҳолатда бўлиб, гоҳ тушиб кетади, гоҳ совуқ галаба қилган пайтда билинмай қолади ва гоҳ ҳарорат галаба қилганда тезлашиб яққол билинади, қаттиқлик ва «қуртсимон» ликда сўлиб, эти устихонига ёпишган кишилар томир уришига ўхшайди.

Давоси: бундай иситманинг иложи беҳушликка қарши қўлланадиган илож ва, шунингдек, тез ҳазм бўладиган яхши каймусли, сен юқорида билиб ўтган овқатларингдан бериш ва шароб ичиришга эҳтиёж туғилса, иситмадан қўрқмай ичираверишдир. Касал беҳушликдан қутулса-ю, бадан сўлшидан бўладиган иситмадагидек иситма давом эта берса, умумий қонунга мувофиқ совутувчи ва ҳўлловчи тадбирлар билан даволанади.

Иигирманчи фасл. Очликдан бўладиган бир кунлик иситма

Кўпинча, буғлар баданда ўзига озиқ тополмай тезлашади ва иситма келтириб чиқаради; томир уриши кучсиз, кичик ва баъзан қаттиқликка мойил бўлади.

Даволаш овқатлантиришдан иборат. Иситма пайтида, масалан, арпа кашноби ва сабзавотлардан тайёрланган суюқ ошлар, иситмадан кейин кучлантирувчи яхши овқатлар берилади. [Касални] ҳаммомга туширилади, бошига кўпгина илиқ сув қуйилади, шундай сувга ўтқазилади, баданига бинафша, қизил гул ва қовоқ ёғи каби ҳўлловчи ёғлар суртилади.

{II} Иигирма биринчи фасл. Ташналикдан бўладиган бир кунлик иситма

Бу очликдан бўладиган иситмага яқиндир. У аксари буғларнинг кучли ҳароратини тиядиган сувнинг йўқлиги сабабли келиб чиқади.

Давоси: совуқ сув ёки совуқ [мизожли] меваларнинг сувлари, айниқса анор сувини ичириш, шунингдек, [касални] ваннага тушириб, баданини ҳўллашдан иборат. Агар уни совуқ сувда чўмилтириш мумкин бўлса, шундай қилинсин!

Иигирма иккинчи фасл. Тиқилмалардан бўладиган бир кунлик иситмалар

Тиқилмалар гоҳо тери тешикларида пайдо бўлиб, бунга терининг қуриб қовжираши, кам ювиниш, кўп чанг ўтириши, совуқ [ейиш], буриштирувчи сувларда ювиниш ва қуёшдан куйиш сабаб бўлади. Баъзан эса тиқилма томирларнинг толаларида, тармоқларида, оғизларида ва йўлларида содир бўлади. «Тиқилмалардан пайдо бўлган иситма» дейилганда, тиқилманинг мана шу хили назарда тутилади. Бундай тиқилма [хилт] тарқалишининг камайиши, [бадан] тўлиқлигининг ва [модда] қамалиб қолишнинг ортиши, [тери тешикларидан] нафас олишнинг йўқлиги, иссиқ буғларнинг кўп йиғилиб тарқалмаслигидан келиб чиқади ва, натижада, ҳаддан ташқари ҳарорат пайдо бўлади. Бу ҳарорат энг нозик жисм, яъни руҳда кўтарилиб давом этса, бир кунлик иситма, қонда кўтарилганда эса, иситманинг биз кейинроқ айтадиганимиз *синухус* деб машҳур бўлган тури пайдо бўлади.

Синухус хилтларнинг чириши сабабли эмас, балки [уларнинг] алангаланиши, қайнаши ва қизиши сабабли пайдо бўладиган иситмалар жумласидандир. Агар булар тиқилма сабабли келиб чиқадиган чиришга ва тери тешиклари орқали нафас олишнинг йўқолишига олиб борса, иситма чиришдан бўладиган иситмага айланади. Бундай тиқилмалар ёки хилт ва қоннинг кўплигидан, ёки уларнинг қуюқлигидан, ёки ёпишқоқлигидан, ёки тиқилма сабабларидан, масалан, буриштирувчи совуқ ёки қисувчи шиш, ёки эт ўсиши, ёки булардан бошқа сен эслашинг лозим бўлган сабабдан бирининг йўлларда эмас, қурол [аъзо]да пайдо бўлишидан келиб чиқади. Бир кунлик иситмалар ичида бундай тури камдан-кам ингичка оғриқ [иситмаси]га айланади. Чунки бунда баданда модда кўпдир.

- 217 Яна, бу иситмада ташналик, алангаланиш, доимий || ҳарорат мавжуддир; шишадаги [сийдик] оловсимон ва қорамтирлик ўртасида бўлади. Бу иситмани таниб олиш қийин, у хилтлардан бўладиган иситмаларга ўхшаб кетади. У гоҳо уч кунга,— агар тиқилма кўп ва кучли ҳамда сиртқи сабаб туфайли тери тешикларининг қалинлашиб зичлашувидан ташкил топган бўлмаса,— ундан кўпроқ муддатга ҳам давом этади. Агар тиқилма кам бўлса ва тадбир қўллашда янглишилмаса, бу [иситма] тезда кетказилади. Бир кунлик иситмалар ичида бу иситма баъзан пайдо бўлиб, касаллик [сабаби] ҳисобланган тиқилмаларнинг барқарорлиги туфайли яна қайталайди ва бунда бир нечта тутиш даври бўлганга ўхшаб кетади. Бу иситмада, кўпинча, совқотиш, эт увушиб ҳурпайиш юз бериб, бу унинг чиришдан бўладиган иситмага айланганлигига далолат қилади.

Тиқилмадан бўлган иситма баданнинг чап томонидаги томирдан қон олгандан кейин оғриқ пайдо қилса, айниқса, иситма тўхтаганига қарамай, оғриқ давом эта берса, томирдан қайта қон олмай чора йўқ.

Белгилари: бир кунлик иситма бадан сиртидан [таъсир этувчи] сабабдан пайдо бўлмай, пасайиш даври узоққа чўзилса, айниқса [касал] телчираб бўшалмай туриб пасайса, буни тиқилмалардан бўлган иситма деб тахмин қила бер! Бу тахминингни тўлиқлик белгилари ҳамда қони кўп ва [кўп] қон турдирувчи ёки қуюқ хилтли баданларда хилтларнинг ёпишқоқлиги тасдиқлайди. Бу иккаласи орасидаги фарқ [қуйидагича]: агар бадандаги тиқилмалар хилтларнинг қуюқлиги ва ёпишқоқлиги сабабли бўлса, бунга уларнинг маълум аломатлари далолат қилади ҳамда бунда бадан кўпчиши, тортишиш, [юз] қизиллиги ва, умуман, хилт кўпайганлик белгилари юз бермайди. Агар [тиқилмалар] сабаби тўлиқлик бўлса, юз қизариш, томирларнинг ирғиб чиқиши, кўпчиш, тортишиш ва бошқалардан иборат тўлиқлик аломатлари баданда аниқ кўринади. Агар тиқилмалар ҳаддан ташқари [кўп] бўлса, томир уриши кичик бўлади, ҳаддан ташқари бўлмаганда эса, томир уриши кичрайиши шарт эмас.

Даволаш: [иситманинг] сабаби хилтнинг кўплиги ва тўлиқликдан бўлса, тезда томирдан қон олиш ва бўшатиш керак. Қон олишни иситма тутмасдан бурун бажарилса, бу — жуда яхши, агар иситма тутиб турган бўлса, зарурат бўлмаса, тўхтаб туриш мувофиқроқ, чунки томирдан қон олиш хилтларни юриштириб, бир-бирига аралаштириб юборади. Бироқ қон олмасликнинг иложи бўлмаса, қон олишни ва бўшатишни кейинга қўймаслик керак. Бундан кейин тиқилмаларни очадиган ва йўлларни тозалайдиган тадбирлар билан машғул бўлинади. Бўшатишдан илгари очиш ва йўлларни тозалаш тадбирига шошилма, чунки бу тадбир гоҳо йўллардан баъзи бирига хилтларнинг дафъатан тортилишига ва шу ерга ёпишиб қолишига сабаб бўлади, бу эса жуда хавфлидир.

Баъзан [очувчи дорилар], агар [хилтлар] қуюқ ва айниқса йўллар тор яратилган бўлса, тиқилмаларни кўпайтиради. Шу билан бирга, томирдан қон олиш ва бўшатиш, хусусан, агар сен ортиқча ҳаракат қилиб, касални ҳушдан кетишгача олиб борсанг, баъзан қамалиб турган ҳолида шу иситмани [12] келтириб чиқараётган, [аммо] уни чиришдан бўладиган иситмага айланишига йўл қўймаётган тутунсимон чиқиндиларни чиқариб юборади. Агар сен хилтларнинг кўп эканлигини ҳис қилмасанг, ҳатто тиқилмалар борлигини ва улар хилтларнинг қуюқлиги ва ёпишқоқлигидан пайдо бўлганини сезсанг, унда баъзан ортиқча қон олишга ва бўшатишга эмас, очиш тадбирини қўллашга муҳтож бўласан. Очиш тозаловчи овқат ва дорилар билан бўлади. Аммо

касаллик иситма бўлгач, тиқилмаларни очишда иссиқ тозаловчи дориларни ишлатиш мумкин эмас, балки содда *сиканжубин* билан *сиканжубин ал-бузурий* ва сачратқи суви билан арпабодиён суви ўртасидаги [таъсирга эга бўлган] бирор нарса ишлатилади. Овқат эса ёпишқоқлик эмас, ювиш хусусиятига эга бўлсин, масалан, арпа кашкоби. Шакар овқатлиликка яқинлиги билан бирга, тиқилмани очиш ва тозалаш хусусиятига эга, демак, буни арпа кашкобига аралаштирилса зарари йўқ.

Кейин, агар зарур деб топилган бўлса, [касални] бўшаттирган ва биз айтган дорилар ёрдамида тиқилмаларни очтирган бўлсанг, қараб кўрасан: иситма камайиб кучсизландими-йўқми, агар иситма тутган бўлса ҳам, иккинчи тутиши биринчисидан кучсизми-йўқми? Шунингдек, сийдикни ҳам текшир! Агар унда етилмаганлик бўлмаса, томир уришида эса хилтнинг чириганлигига далил учратмасанг, ўша даволаш тadbирини давом эттира берасан. Учинчи куни иситманинг навбатдаги тутишидан кейин, унинг навбатдаги кутилган тушиш вақтига,— агар у бўлса,— беш соат қолганда касални ҳаммомга туширасан; унга ёғ суртасан, мўътадил тозалаш хусусияти бўлган нарсалар, масалан: йирик ловия уни, ясмиқ уни, гулсапсар илдизининг уни, бир оз асал билан сув аралаштирилган аристолохиялар ўртасидаги [хусусиятга эга бўлган] нарса билан ишқалайсан. Агар булардан кучлироқ бирор нарса ишлатишга юрагинг дов берса, бурақ кўпиги билан ишқала.

Агар ҳаммом [касалнинг] табиатида бирор ўзгариш туғдириб, эт увушиб ҳурпайиши каби [ҳолат] пайдо қилаётганини тахмин қилсанг, у кўз очиб юмгунча ҳам ҳаммомда турмасин, чунки бу тиқилма ҳаммом [таъсирида] очиладиган тиқилмалар жинсидан эмас экан! Касал ҳаммомдан чиқарилгач, иситманинг [навбатдаги] тутиш пайти ўтганига [тўла] ишонч ҳосил бўлгунга қадар, унга овқат ва шароб бериш керак эмас. Агар [касалнинг] ҳолати овқат беришни тақозо қилса ва у [очликка] чидаёлмаса, тиқилмани очиш хусусиятига эга бўлган нарса, масалан, петрушка қўшиб узоқ қайнатилган, суви кўп, арпаси кам суюқ арпа суви ичирилади. Агар иситма қайталамаса ва касалнинг хоҳиши бўлса, уни иккинчи марта ҳаммомга тушир ва овқатлантир! Агар иситма биринчи навбатдагидан кўра кучсизроқ ҳолда тутса ва сийдик тоза бўлса, даволашнинг тўғри эканлигига ва тиқилмаларнинг озлигига инона бер; тутиш навбати ўтгач, илгари даволаганингдек даволай бер ва касални овқатлантир. Аммо агар навбатдаги иситма тутиш илгаригидек ёки ундан кучлироқ бўлса, сийдик ҳам керакли даражада тоза бўлмаса, унда касаллик чириш [иситмасига] кўчаётган бўлади. Бунинг

218 чиришга || қарши тadbирлар билан даволайсан.

Йигирма учинчи фасл. Тўлиқлик натижасида меъда бузилишидан юз берадиган бир кунлик иситма

Гоҳо меъда бузилишидан ёмон буғлар пайдо бўлиб, ҳарорат кўтарилади, руҳ алангаланеди, натижада, хусусан, сафроли ва бадан тешикларини у қадар кенг бўлмаган [кишилар] да иситма пайдо бўлади. Чунки бундай баданларда чиқиндиларнинг аксари тутунсимон буғга айланади. Бундай [иситмада] нордон кекирик камдан-кам бўлади. Меъда бузилгандан кейин жисмоний иш ва ҳаракат қилган, офтобда турган ва ҳаммомга тушган кишилар,— илгари ҳам бундай [ҳоллар] бўлиб турган бўлса-да, шундай иситмага тез чалинувчан бўладилар. Бунинг натижасида, айниқса, улар ўз баданларида ва, хусусан, ички аъзоларида оғриқ ва ачишиш [сезсалар], тутунсимон буғлар кўпаяди. Нордон кекирик моддаси сабабли эса, иситма пайдо бўлиши камдан-кам учрайди; агар иситма пайдо бўлса ҳам кучсиз бўлади; тўғрироғи туғилмайди ҳамда нордон кекирик билан бирга келиб чиққан [иситманинг] сабаби меъда бузилишидан бошқа деб тахмин қилинади. Бундай кишилар, агар уларнинг ичи юришса, жуда енгиллашадилар ҳамда тутунсимон чиқинди камайиши сабабли улардаги иситма йўқолади. Бундай касалларнинг ичи тўхтаб қолганлари ва ичи юришадиганларининг давоси бошқа-бошқадир.

Меъдаси бузилиб шу хил иситмага йўлиққан киши икки-уч марта ҳожатга борган табиати юмшаса, кейин у қон олдирса, ични суриш бу кишига оғирлик қилади ва баъзан ич жигар туфайли бўладиган ич кетишга айланади. Бунга хафақон ва тилнинг қорайиши далолат беради.

Тўлиқликдан бўладиган бир кунлик иситманинг белгилари қон бузилишидан бўладиган иситманинг¹ белгиларига ўхшайди: иккала кўз ва юзлар жуда қизаради, кучли алангаланиш кузатилади, томир уриши катталашиб тезлашади, сийдик қизаради, сўнгра энг кўпи билан бу иситма уч кун давом этади.

Билгинки, меъда бузилишидан бўладиган иситма тўрт ёки еттита тутиш давлари билан қолади. Шундай бўлса ҳам бу бир кунлик иситмалардан ҳисобланади. Аммо [касалнинг] томир уриши соғломлигича қолади.

Белгилари: кекирикнинг нордонлик ёки тутунсимонликка қараб ўзгаришидир. Агар кекирик соғломликка томон ўзгарса, бу соғайишдан дарак беради. Бундай [касал] ларнинг сийдиги етилмаган ва сувсимон бўлади. Агар меъда бузилишининг сабаби уйқусизлик бўлса, бундай касалларнинг юзлари салқийди ва кўз қовоқлари [13] оғирлашади.

Даволаш: бунда меъда бузилишга йўлиққан кишининг табиати [ичи] ёки юришмай қолувчи, ёки юришиб турувчи бўлишдан холи бўлмайди. Агар табиати юришмай қолган бўлса, уни юриштириш керак:

меъдада бир оз овқат ва чиқинди қолган бўлса, [аввал] қустириб, кейин ични юргизилади. Сўнгра [касалнинг] қай ерида оғирлик сезаётганлигига қараб [чиқиндиларни] суриб чиқариш ёки [меъдадан] пастга тушириш, ёки ҳазм қилдириб юбориш учун ҳуқналар ва кўтариладиган дорилар билан бўшатиш яхшими ёки юқоридан ичириладиган нарсалар билан бўшатиш яхшироқми, аниқланади. Бундай тадбирлардан қайси бирини қўллаш тўғри эканлигига кекирик ҳолати далолат қилади. Баъзан агар овқат юқорида туриб қолиб қустириш қийинлашса, иситмага аҳамият бермай, [овқатни] ҳазм қилдириб, қуйига тушириб юбориш учун *фалофилий*¹ ёки ундан кучсизроқ дорини истеъмол қилдириш керак бўлади. Қуйиладиган дорилар ҳамда ҳазм бобида маълум бўлган ҳазмни тезлаштирувчи суртма дорилар ва ични юргизиш бобида маълум бўлган ични юргизувчи дорилар қўлланилади.

[Чиқинди меъдадан] қуйига тушгач, ўзича чиқиб кетади ёки кўтариладиган дори билан чиқишига ёрдам берилади. Меъда бузилишининг йўқолганлигига шубҳа қолмагунича касални оч қўйилади, кейин унга енгил, ҳазми тез, яхши каймусли овқат берилади. Уйқуга ва очликка мурожаат қилиш тўлиқликдан бўлган енгил [иситма] учун кифоя қиладиган тадбирлардандир.

Агар ич юришиб турса, чиқаётган нарсанинг ўша бузилган нарсани-йўқми эканлигини текшириб кўр. Агар бу бузилган нарса бўлса, уни тэмоман бўшалгунига қадар тўхтатилмасин. [Сўнгра]иситманинг пасайиш даврини кут, пасайгач, беморни ҳаммомга тушир ва овқатлантир! Лекин беморнинг қувватига ҳаддан ташқари [кўп]зарар етган бўлса, уни ҳаммомга киргизмай овқатлантир ва меъдасини ўтган тадбирларинг ва баъзилари ич кетиш бобида сенга кўрсатилган дорилар билан кучайтир. Булардан бири эрман қуввати ўтказилган зайтун ёғига ёки Рум сунбули ёғига жун [парчаси]ни ботириб, сўнгра сиқиб, ёғнинг кўп қисми кетказилгандан кейин, уни меъда устига қўйишдир.

Агар ич юришиши давом этиб, бузилган нарса жинсидан бошқа бир нарса чиқаётган бўлса, янги беҳи ёғини ва мастаки ёғини юқоридаги тартибда ишлатасан. Рум сунбули ёғида ҳам [табиатни маҳкамлашга] қаршилиқ қилувчи хусусият йўқ.

Гоҳо биз, айниқса, касалларнинг қорнига [латтани] боғлаш мумкин бўлмаган ҳолларда, [мазкур ёғларни] мумли ёғлар шаклида ишлатдик. Баъзан эса бундан кўра кучлироқ қуюқ суртмаларни, [яъни] қусиш билан бўладиган ич кетиш [ҳайза] бобида айрилган қуюқ суртмаларни ишлатишимиз лозим бўлди.

Қасалга,— агар у ўзини тетик ҳис қилса, меваларнинг сувини ичирасан, озиқлиги енгил, ҳазми осон овқатларни, масалан, хўроз мойги ва тошлоқ балиғини ейишга буюрасан. Бу овқатлардан олдин буришти-

рувчи мевалар, уларнинг сувлари ва қайнатиб қуюлтирилган ширалари берилади. Агар [касалнинг] иштаҳаси бўғилса, уни [илгари] билиб ўтган нарсаларнинг билан, айниқса, *сафаржалийлар*¹ билан қўзғатасан. Буларни ишлатиб бўлгач ҳазм қилдирадиган, меъдани кучайтирадиган, тиқилмаларни очадиган кучли *жуворишн* беришнинг зарари йўқ. Буни иситма ва унинг белгилари кетгандан кейин берилади.

Бундай [иситмада] токи у пасаймагунча томирдан қон олинмайди, пасайгандан кейингина олинади. [Касалга] арпа суви ичириш, қовоқ ва бир оз бодом қўшилган ғўра суюқ оши бериш, унинг ётадиган жойини салқин қилиш ва унга совуқ нарсани ҳидлатиш керак. Уларга бериладиган кофур кулчаларига ровоч илдизи қўшилмасин, *чунки у беморнинг тилини қорайтириб сени чалгитади ва сен уни *барсом* ва ўткир касалликларда бўлгани каби тил томирларидаги ҳароратдан қорайган, деб гумон қилиб қоласан².

Йигирма тўртинчи фасл. Шишдан бўладиган бир кунлик иситма 219

Ички шишларнинг ҳаёте бўлиб келадиган иситмалар чиришдан бўладиган иситмалардир. Савзан уларга ингичка оғриқ касаллиги қўшпади. Бу иситма бир кунлик иситмалар жумласига кирмайди. Аммо ташқи чиқиқларга келганда, масалан, безсимон аъзоларда ва ғовак этларда³ воқе бўладиган чиқиқон ва чиқиқларга, айниқса, катта шишларга, масалан, жигар чиқиндисидан човда, юрак чиқиндисидан қўлтиқда, мия чиқиндисидан қулоқ тагида воқе бўлган шишларга [бир кунлик] иситмалар эргашади. Булардан юракка етиб бориб, уни қизитаётган нарса иссиқлик бўлиб, у ёки ёлғиз ўзи, ёки чириш билан биргадир. Агар у ёлғиз иссиқлик бўлса, бу иситма бир кунлик иситмалар хилидан, агар у чириш билан бирга бўлса, шишлар иситмаларининг хилидан бўлади. Ташқи сабаблар, масалан, модда уларга бора туриб йўлда ғовак этларда қамалиб қоладиган яралар, қўтир, оғриқлар, зарба ейиш ва йиқилиш натижасида пайдо бўлган шишларга эргашиб келувчи иситмаларнинг аксари бир кунлик иситма турларидан ҳисобланади. Илгари бўлиб ўтган сабаблардан пайдо бўлган шишлар туфайли қўзғалувчи иситмаларнинг аксари [14] чиришдан бўладиган иситмадир.

Шишларга эргашувчи иситмаларнинг кўпчилиги, агар иситма эргашувчи бўлиб, шишлар асосий бўлса, бир кунлик ҳисобланади ва [яна] уларнинг кўпчилигида иситма асосий бўлиб, шиш унга эргашувчи бўлса, бу иситмани чиришдан бўлган дейилади. Гоҳи иш аксинча бўлади. Буқрот бу иситмаларни хоҳ бир кунлик бўлсин, хоҳ бўлмасин «*хабиса* — ярамас» [иситма] деб атайди. Бу иситмаларнинг кўпчилиги қон-

дан бўлган шишларга, баъзан эса сарамас ва шунга ўхшаш [касаллик] ларга эргашиб келади.

Белгилари: биз эслатганимиздек, иситмадан олдин шишлар юз бериши, юзнинг соғломлик ҳолатдагидан кўра ортиқроқ қизариб кўпчишидир. Бунда ҳарорат кўп бўлса ҳам, фақат иситма сарамасга эргашиб келмаса, қаттиқ ачишиш бўлмайди, чунки бундай шишлар қондан бўлади. Бу иситмалар [тутган]дан кейин бадан терлайди. Улардаги томир уриши тўлиқлик ва ҳарорат сабабли катта, тез ва кетма-кет, сийдик эса моддаларнинг шиш ва яраларга томон йўналиши сабабли сувсимон оқ [рангда] бўлади.

Даволаш: аввало томирдан қон олиш, сурги ишлатиш, ўз бобида лозим бўлган нарсалар билан шишни даволаш, латиф тадбир қўллаш керак. Шароб, албатта, ичирилмасин! Касални [иситма] бутунлай тушгандан кейингина овқатлантирилсин. Бундай касалга [ҳароратни] сўндирувчи, совутувчи ва ҳўлловчи нарсалар буюриш, шишган касал аъзога қор билан совутилган қуюқ суртмаларни қўйиш керак. Бу суртмалар шишга зарар етказмайдиган ва уни хом қолдирмайдиган, балки шиш билан юрак ўртасидаги йўллари чуқурроқ совутадиган йўсинда ишлатилсин.

Йигирма бешинчи фасл. Терининг қуриб дағалланишидан бўладиган бир кунлик иситма

Бу иситма ҳам унчалик чуқурда бўлмаган тиқилмалар сабабли [руҳда] тарқалиш йўқлигига эргашиб келади. Кўпчилик кишилар ҳаммомга тушиш одатларини тарк қилганларида иситмалайдилар. Булардан аксари баданларининг [ёмон] мизожи ёки овқатлари ва сувларининг ёмонлиги, шунингдек, уйқусизлик ва чарчашдан юз берган ҳолатлари сабабли баданларида сафро буғи туғиладиган кишилардир.

Давоси: [баданни] тозалаш, иситма пасайгандан кейин ҳаммомга тушириб терлатиш ва, масалан, кепак, йирик ловия уни, аччиқ бодом ва қовун уруғларидан [биронтасига] бир оз ишқор ва бурақ [қўшиб] булар билан баданларини ишқалатиш лозим. Бундай касалга сўндирувчи ва ҳўлловчи овқат берилади, кўп сув қўшилган шароб ичирилади. У ҳаммомга қайта-қайта тушиши керак.

Йигирма олтинчи фасл. Иссиқдан бўладиган бир кунлик иситма

Гоҳо ҳавонинг, ҳаммомнинг ва шуларга ўхшашларнинг ҳароратидан иситма пайдо бўлади; аксари у қуёшнинг қаттиқ ҳароратидан юз

беради. Иситманинг дастлабки ёпишадигани нафсоний руҳдир, чунки ҳароратдан аввало бош азиятланиб, унинг ҳавоси қизийди ва [қизиш] юраккача бориб етиб, иситма келтириб чиқаради ва сўнг [иситма] бутун баданга тарқалади. Баъзан [нафас]нинг ҳарорат билан чиқиши туфайли, бош иссиқдан сақланган пайтда, иситма аввало қалбга таъсир қилади. Аммо, кўпинча, қуёшдан бўладиган иситма мияга ва бошга таъсир кўрсатади ҳамда агар томирлар тоза бўлмаса, кишининг боши тўлиб кетади. Қуёшдан бўлган иситма эмас, ғазабдан келиб чиқадиган, ҳаммом ва шунга ўхшашлардан бўладиган иситма юракка таъсир қилади.

Белгилари: [маълум] сабабнинг мавжудлиги ҳамда қуёшдан бўлиб, миядан [бошланадиган иситма] турида бошнинг қаттиқ алангаланишидир. Баъзан агар бадан тоза бўлмаса, бошда оғирлик ва тўлиқлик бўлади. [Иситманинг] юракдан [бошланадиган] турида нафас чуқур бўлади ва бадан сирти ичкарасидан кўра қаттиқроқ қизийди. Бу [иситма]ни билиб олишга восита бўладиган белгилардан бири шуки, бунда ташналик кам: [ички] ҳарорати шундай бўлган кишининг ташналигидан ҳам камроқ бўлади. Бу жиҳатдан иссиқликдан бўладиган иситма тери тешикларининг зичлашишидан бўладиган иситманинг аксичадир.

Даволаш даволашни қўйиладиган совутувчи дориларни ва совуқ ёғларни, айниқса узоқроқ жойдан қўйиладиган қорда совутилган ёғларни бош ва кўкрак устига қўйишдан бошлашга эҳтиёж туғилади. [Ҳаммомга] совуқ сув ва бунинг ўрнига ўтадиган суюқлик ичирилади ва таъсирима пасайгунча буни давом эттирилади. Иситма йўқолгач [касални], агар унинг назласи бўлса, бунга эътибор бермай,— ҳаммомга тушир ва илқ сув билан ювинтир; ҳаммом ҳавоси уни қиздириб юборишига йўл қўйма! # Унинг бошидан иссиқ сув қўйишдан қўрқма, иссиқ сув [бошни] қўллаб ва иситмани тарқатади; бундай касалнинг баданига ёғ суртишдан кўра ҳаммомга тушишга эҳтиёжи кўпроқ бўлади. 220
Ҳаммомдан чиққан, унинг бошига қизил гул ёғи ва нилуфар ёғига ўхшаш совуқ ёғлардан кўплаб қўясан!

[15] Йигирма еттинчи фасл. Тери тешикларининг зичлашишидан бўладиган бир кунлик иситма

Гоҳо совуқдан, буриштирувчи совуқ сувларга ювинишдан тери тешиклари зичлашиб, тутунсимон буғ, терининг қуриб дағалланишидан бўладиган иситма [бобида] айтилганидек, ичкарида қамалиб қолади, натижада, кўпинча, чиришгача бориб етадиган иситма пайдо бўлади. Қамалиб қолган буғ чучук бўлмай, ўткир бўлгандагина иситмага олиб боради, чучук буғ иситма пайдо қилмайди.

Белгилари: [маълум] сабабнинг мавжудлиги, баданга тегиб

кўрилганда аввало унинг жуда иссиқ туюлмаслиги, аммо қўлни бир оз қўйиб турилса, кўтарилаётган ҳароратнинг сезилишидир. Томир уриши гам тортишдан, қайғуришдан, оч қолишдан бўладиган иситмалардагидек кичик эмас,— чунки бунда [руҳнинг] тарқалиши йўқ,— балки [ҳароратни сўндиришга бўлган] эҳтиёжга кўра, тездир, аммо агар совуқ жуда кучли бўлса, қаттиқликка мойил бўлади. Баъзан томир уриши шиддатликка яқин бўлади. Кўз чуқур тушган бўлмаса-да, кўпинча, қамалиб қолган буғ сабабли салқийди. Сийдик, ҳарорат ичга қамалганлиги сабабли, [баъзан] оқ [рангда], баъзан эса, тери тешикларидан тарқаладиган ҳарорат сийдик йўлига ҳайдалиб борганлиги учун бўялган бўлади.

Д а в о л а ш: [касалларни] терлатиш учун иситма тутиш вақтида ўраб ётқизадилар, иситма пасайгач ҳаммомга тушириб, ҳаммомнинг иссиқ ҳавосида иситиб, илиқ сув билан ювинтирадилар. Устларидан самсақ, укроп ва тошчўп кабилар қайнатилган сувларни қуюдилар ва баданларини биз айтиб ўтган тери тешикларини тозалаб очувчи нарсалар билан ишқалайдилар. Терлаш, ишқалаш ва ҳаммомда жуда иссиқ сув билан ювинишлардан кейин баданга ёғ суртадилар. [Иссиқ] сув билан ювиниш ҳаммомнинг [иссиқ] ҳавосида турилгандан кейин бўлиши керак. Кейин тери тешикларини кенгайтирувчи ёғлар суртадилар; бошларига ҳам укроп, шаббўй ва мойчечак ёғи кабиларни қуюдилар; енгил овқат едирадидилар ва хушбўй нарсалар истеъмол қилдирадидилар; суюқ оқ шароб ёки сув қўшилган шароб ичирадидилар. Бу хил шароб улар учун сувдан кўра яхшироқ, чунки бунда терлатиш ва сийдикни юргизиш хусусияти бор. Баданга ёғ суртиш [тери] тешиклари зичлашиши сабабли иситмага учраган кишилардан кўра чарчашдан иситмага учраган кишилар учун фойдалироқдир.

Йигирма саккизинчи фасл. Буриштирувчи сувлар таъсирида тери тешикларининг зичлашишидан пайдо бўладиган бир кунлик иситма

Буриштирувчи сувларда, масалан, аччиқтош ёки зокларнинг қуввати кўп бўлган сувларда ювинган кишиларда баъзан тери юзидаги тешиклар зичлашиб, буғлари ичкарида қамалиб қолади, натижада уларда биз бир неча бор айтиб ўтган ҳолат¹ юз беради. Кўпинча, бу чиришга олиб боради.

Б е л г и л а р и: бу иситмага [маълум] сабабнинг [мавжудлиги] терининг қотирилгандек ёки ошлагандек қуруқ ва ушлаб кўрилганда зок сувига ботирилгандек туюлишидир; қўл тегизилгандан бир муддат кейин, ҳарорат ортиб боришида тери тешиклари тикилмалари сабабли юз берадиган бошқа [иситмаларга] ўхшайди; томир уриши кучсизроқ,

кичикроқ ва тезроқ бўлади. Сийдик оқроқ ва қўй сийдигига ўхшаш суяқ бўлади. Бундай касаллар ориқламайдилар, кўзлари чуқур тушмайди.

Д а в о л а ш: буларнинг давоси илгариги [иситма]лар тадбирига яқин. Лекин буларга тери тешиklarининг жуда кенгайганига ишонч ҳосил бўлгандан кейингина шароб ичирилади. Тери у қадар зичлашмаган бўлса, гоҳо шароб уни очади. Касалнинг овқати енгилроқ бўлиши, улар ҳаммом ҳавосида узоқроқ туришлари, иссиқ сув билан кўпроқ ювинишлари, [баданни] ёғ билан ишқалашни эса, кейпироққа қолдиришлари лозим.

Йигирма тўққизинчи фасл. [Ичкилик] ичишдан бўладиган бир кунлик иситма

Гоҳо [ичкилик] ичишдан [ҳам] бир кунлик иситма келиб чиқади. Буни хуморни даволагандек даволанилади. Баъзан мева сувлари ва шунга ўхшашлар билан ични юргизишга ҳамда томирдан қон олишга *ва қусишга эҳтиёж тушади; [бундай касаллар] бир ҳафтагача¹, айниқса бош оғриғи давом эта берса, *шароб ичмасинлар². Ҳаммомга эса [иситма] пасайгандан кейин тушсинлар.

Уттизинчи фасл. Овқатдан бўладиган бир кунлик иситма

Кўёш ҳарорати, кўпинча, мия ва нафсоний руҳга, ҳаммом ҳарорати юрак ва ҳаётий руҳга таъсир қилиб [иситма чиққанидек], иссиқ овқатлар ҳам гоҳо жигарга ва табиий руҳга таъсир қилиб бир кунлик иситма пайдо қилади. Бунинг давоси машҳур³ совутувчи нарсалар билан сийдикни юргизиш, *уларни қайтаришнинг ҳожати йўқ⁴, — шира ва *тамр* ҳиндий кабилар билан табиат [ич]ни равон қилишдир. Жигарни тузатиш энг биринчи иш бўлиб уни, масалан, сачратқи суви, сабзавотлар, *сиканжубин* билан ҳамда сандал, кофур, қизил гул суви ва шираси, совуқ сабзавотларнинг шираларидан тайёрланган [16] билфеъл совутувчи қуюқ суртмалар билан ва совуқ ҳам рутубатли овқатлар ёрдамида [ҳароратни] сўндириш билан тузатилади.

*Бир кунлик иситмалар ҳақидаги сўз тамом бўлди. Энди чиришдан бўладиган иситмалар ҳақида сўзлашга, қон ва сафродан бўладиган иситмалар ҳақида тугал гапиришга бошлайлик!⁵



ИККИНЧИ МАҚОЛА

ЧИРИШДАН БҮЛАДИГАН ИСИТМАЛАР ҲАҚИДАГИ СУЗНИНГ БОШЛАНИШИ ВА ҚОНДАН ҲАМ САФРОДАН БҮЛАДИГАН ИСИТМА ҲАҚИДАГИ СУЗНИНГ ОХИРИ

Чиришдан бўладиган иситмалар ҳақида умумий сўз

Чириш баъзан ёмон овқатлардан туғиладиган нарсанинг касиб чиришга қобилиятли бўлишидан келиб чиқади, бу эса ўша нарса жавҳарининг ёмонлиги ёки жавҳари яхши бўлганда ҳам, сутга ўхшаб бузилишни тез қабул қилишига боғлиқ бўлади. Ёки овқатли модда сувлик бўлиб, қоннинг пишиқлигини кетказадиган бўлади, масалан, жуда рутубатли мевалардан туғиладиган [овқатли модда] шундай; ёки у тоза қонга айланмай, ёмон совуқ хилтлигича қолиб, туғма ҳарорат уни қабул қилмайдиган, бегона ҳарорат эса чиритадиган,— масалан, таррак, бодринг, нок ва шунга ўхшашлардан туғиладиган нарса,— бўлади: шунингдек, [овқатнинг] ёмон тайёрланиши ва сен билиб ўтганингдек, унинг [ейилиш] вақти ва тартибининг бузилиши ҳам [чиришни келтиради]. Ёки бунинг сабаби бадан мизожининг ёмонлиги туфайли [тери тешиқларининг] нафас олишига ва [юрақнинг] салқинлашига тўсқинлик қилувчи тиқилмадир. Бунда [мизож] яхши ҳазм қилишга қобилиятсиз бўлса ҳам, 221 ҳар ҳолда || озиқлик [модда]га ва хилтга ҳеч бир таъсир кўрсатмайдиган ва уларни хом қолдирадиган [мизож] дан кучлироқ бўлади. Шу [ҳолда] мизож ёмон хилтларни туғдиради ёки етарли даражада ҳазм қилолмаслиги ва [овқатни] етарли қўзғата олмаслиги сабабли ундан туғилаётган [хилтни] бузади. Мана шулар чиришни келтириб чиқарадиган тиқилмаларнинг туғилишига ёрдам берувчи сабаблардир.

Баъзан ташқи аҳвол, [яъни] вабо ҳавоси, ботқоқликлар ва сув йиғилиб қолган жойлар ҳавоси каби ёмон ҳаволардан [ҳам] чириш пайдо бўлади. Гоҳо бу [сабаб]ларнинг бир нечаси биргалашиб келади.

Чиришнинг сабаби, кўпинча тиқилмадир. Тиқилма эса хилтнинг кўплигидан ёки қуюқлигидан, ёки ёпишқоқлигидан келиб чиқади. Хилтларнинг кўпайиш, қуюқлашиш ва ёпишқоқ бўлиш сабаблари ҳамда уларнинг тиқилмани келтириб чиқариши ҳам маълум.

Тиқилма пайдо бўлганда салқинланишнинг йўқлиги туфайли чириш пайдо бўлади. Айниқса шунда тўлиқлик ва меъда бузилиши устига бевақт ҳаракатлар қилинса ёки, шунингдек, бевақт ҳаммомга тушилса, ёки офтобда турилса, ёки тўлиқлик устига қиздирувчи нарсалар ейилса, [касал] меъда ва жигарда [овқат] ҳазм бўлишига эътибор бермай, ундаги камчиликни, — агар бўлса, — бу икки аъзони суюқ суртмалар ва пахтадоғлар ёрдамида қизитиб йўқотса, чириш пайдо бўлади.

Чириш гоҳо бутун баданда, баъзан эса, кучсизлиги ёки ундаги бегона ҳароратнинг шиддатли ва ўткирлиги, ёки унинг оғриб туриши сабабли биргина аъзода бўлади. Чиришга тез чалинувчи модда хилт ёки сафро бўлади, — бундан кўтариладиган буғ тутунсимон, латиф ва ўткир бўлиши керак, — ёки қон бўлади, — бундан кўтариладиган нарса латиф буғ бўлиши керак, — ёки балғам бўлади, — бундан кўтариладиган буғ қуюқ бўлиши керак, — ёки савдо бўлади, — бундан кўтариладиган буғ тутунсимон, қуюқ ва ғуборга ўхшаш бўлиши керак.

Сафронинг чириши кунора тутадиган иситма ва шунга ўхшашларни, қон чириши — қон бузилишидан бўладиган иситмани, балғамнинг чириши — кўп ҳолатларда ҳар кунни тутадиган ва шунга ўхшаш иситмани, савдонинг чириши — тўрт кунда тутадиган ва шунга ўхшаш иситмаларни келтириб чиқаради.

Қоннинг маъна томирларнинг ичидир, демак, унинг чириши ҳам томирлар ичидан чиқиб кетмай бўлади. Сафро, балғам ва савдолар эса гоҳо томирларнинг ичидан, гоҳо сиртида чирийди. Булар томирларнинг сиртида чириши бунга сабаб бўлмаса ва чириш юракка муттасил чиринди [маъна томирларнинг ичидан] чириладиган ички шишда ҳам бўлмаса, бу [хилт] лардан ҳар бир [хилт] [хилт] баён қилган [тутиш] даврларини келтириб чиқаради. Булар иситма тутиб, кейин қайтиб кетади. Лекин балғамдан бўладиган иситма бутунлай қайтиб кетмай, ундан енгил бир қолдиқ сақланади.

Агар [маъна хилтлар] томирларнинг ичидан чириса, давомли иситмани келтириб чиқаради ва бу иситма қайтиб кетмайди ҳам, қайтиб кетадиган [иситма]га яқинлашмайди ҳам, балки у доимий тутадиган иситма бўлиб қолади. Аммо бу хил иситмада оғир ҳолатлар содир бўлиб, бу ҳолатлар орқали унинг ўзига хос тутишлари билинади. Ички чириш томирларнинг ҳаммасида ёки юрак яқинидаги томирларнинг аксарида воқе бўлса, оғир ҳолатлар ва [иситма] камайиши билинмайдиган даражада бўлади; акс ҳолда бу ўзгаришлар аниқ билиниб туради.

Томир сиртидаги чиришдан бўладиган иситманинг йўқ бўлиб, яна қайталаб туришининг сабаби шуки, чирийдиган модда иситма тутадиган вақтда чирийди ва бунда унинг ҳарорат ёпишган рутубатлари тарқалиб йўқ бўлади ва бадандан чиқади. Чунки рутубатлар томирлар ичи-

да қамалиб қолган эмаски, бу қамалиб қолиш уларнинг тамоман тарқалишларига тўқинлик қилса,— [рутубатлар тарқалгач] иситма ва ҳароратга восита бўла олмайдиган кул ва тупроқ қисмларигина сақланиб қолади ва бунда тўдаланган гўнг ва ахлатлар оз-оздан чириб, ниҳоят ҳаммаси кулга айланиб, [17] ҳеч бир ҳарорат қолмагани каби ҳолат юз беради. Чириш натижасида куйиб битган хилтда ҳарорат қолмагач, чириш содир бўлаётган ва модда қолган бўлмаса-да, аввалги чириш ҳароратининг қолдиғи сақланган жойга қайтадан модда йиғилмагунича иситма қайталамай туради. Ёки бошланғич чиришнинг иллоти биринчи моддада мавжудлиги туфайли [ҳарорат сақланиб қолади] ва кейинги моддада авж олиб, уни чиритади.

Шундай қилиб, [хилтларини] чиритувчи, тарқатувчи ва кулга айлантирувчи кучсиз ҳароратнинг мавжудлигига қараб чириш айланма тарзда қайтарилиб туради ва токи чегара узилгунича қўшни модда [томон]га қараб кўча боради; [ниҳоят] модда тугалиб бошқа қўшни модда топилмай ва иситманинг қолдиғи сақланиб, чириш жойига сизиб келадиган бошқа моддани кутиб туради. Чириш томирларнинг ичкарасида бўлганида эса, [хилтларнинг] буткул эриши гоҳо қийин бўлади; бунда томирлардаги бир модда бошқасига туташлиги сабабли чириш айланма тарзда қайтарилиб туради ва ёпидагисининг ҳаммасини чиритиб, бошқа қўшничилик қилаётган моддага ўтади. Яна томирлар ичкарасида қамалган [модда] юракка ҳам қаттиқ уланиб кетгандир.

Тутиш баъзан қайтиб кетадиган ва бўшашадиган бу иситмаларда моддаларнинг кўплик ва озлик, қуюқлик ва суюқлик ҳамда жинсдаги хилма-хиллигига қараб, гоҳо [мазкур] даврлар бетартиб бўлади. Баъзи моддалар фақат кўплик, озлик, қуюқлик ва суюқликдагина фарқ қилмасдан, тур жиҳатидан ҳам фарқ қиладиган бошқа жинсдаги моддага ўтиб қолади. Баъзан бу [бетартиблик] касалга ёмон тадбир қўллаш, унинг кучсизлиги ёки ҳиссининг кўплиги сабабли бўлади.

Қайтиб кетувчи иситманинг тутиш пайтлари, кўпинча, эт увушиб ҳурпайиш ёки совуқ ейиш, ёки қалтираш билан бошланади ва терлаш билан тарқалади. Кўпинча, совуқ ейиш, эт увушиб ҳурпайиш билан бошланишга сабаб ёки хилтнинг совуқлиги, ёки хилт ўзининг ўткирлиги билан мушакни ачиштириб куйдириши, ёки ҳароратнинг ичкарига — модда томонига қараб чуқур бориши, ёки қувватнинг заифлиги, ёки ҳавонинг совуқлигидир. 222 Ҳароратнинг ачиштириб-куйдиришини совуқ ейишдан кўра эт увушиб ҳурпайишга нисбат бериш яхшироқ. || Кўпинча, бунда ҳар бир аъзога игна санчилаётгандек бўлади. Модданинг тер билан чиқиши ва тарқалишига келсак, чиритувчи ҳарорат рутубатни тарқатиб, кул қисмини қолдиради; бу рутубат томирлар ичида қамалиб турмаганида, унинг тери тешикларидан тер орқали ҳайдалиб чиқиш осон бўлади.

[Бир оз] бўшашса ҳам, аммо қайтмайдиган¹ доимий иситманинг тутиш даврлари фақат касал қуввати заиф ёки туғма ҳарорат ичга ботган бўлсагина совуқ ейиш билан бошланади ва бунда қўл-оёқлар совуйди. Бу — ёмон аломат.

Чиришдан бўлган иситмаларнинг баъзисида чириётган модда совуқ ва ачиштирувчи хилтдан ташкил топганлиги туфайли гоҳо совуқ ейиш ва эт увушиб ҳурпайиши биргалашиб келади, баъзан эса чиришдан бўладиган иситмалар шундай таркиб топадики, улар доимий [иситмага] ўхшаб кетади. Масалан: бирор хилт бир жойда чирий бошлаб, унга чириш ўз таъсирини ўтказса, [кейин] шу хилт жинсидан бўлган ёки бўлмаган [бошқа] хилт [ҳам] чирий бошлаб, бунинг чириши аввалги [чириган хилт] иситмасининг қайтиш пайтига тўғри келиб қолса ва иш шу хилда улаиб кета берса [шундай бўлади]. Чиришдан бўладиган иситмалар гоҳо бошқа йўсинда ҳам таркиб топади, биз улар ҳақида ўз бобида батафсил сўзлаймиз.

Иситма даврлари гоҳо узун, гоҳо қисқа муддатли бўлади. Узунлиги модданинг қуюқлигидан ёки ёпишқоқлигидан, ёки кўплиги, ёки ўрнашиб олганлигидан, ёки [касал] қувватининг заифлигидан, ёки сезгисининг кучсизлигидан, ёки тери тешикларининг зичлашиши туфайли хилт тарқалмай қолишидан; қисқа муддатлилиги эса буларнинг аксинча [сабаблардан]дир. [Шунингдек] иситма даврлари [ҳам] тез ёки секин ўтади. Секин ўтиши модданинг камлигидан ёки тўрт кунда бир тутадиган иситманинг моддаси каби қуюқлиги туфайли чириш манбаига томон бўлган ҳаракатининг сустлигидандир. Тез ўтиши модданинг балғам сингари кўп бўлишидан, — бироқ шишасимон балғам эмас, чунки бунинг иситмаси, кўпинча, секин ўтади, — ёки сафро сингари латифлигидандир.

Иситмаларнинг энг ёмони доимий тутадиган иситма бўлиб, бунда чириш томирларнинг ичкарасидадир. Бундан кейингиси қайтадиган, чириш баданнинг ҳаммасида ёки юрак атрофида бўладиганидир. Кексаларнинг мизожлари совуқ бўлганлиги ва уларда меъда бузилишининг камлиги сабабли шиддатли иситма кам учрайди.

Томир уришига келганда, бунинг чиришдан бўладиган иситмалардаги ҳолати иситма турларининг хилма-хиллигига ёки турларидан бирининг кучли ёки кучсизлигига ва белгиларнинг қувватли ёки заифлигига қараб хилма-хил бўлади. Гоҳо томир уриши иситмаларда қаттиқлашади. Бунга ёки [томирларни] шиддатли тортиштирадиган иссиқ шиш, ёки асабли аъзолардаги иссиқ шиш, ёки қаттиқ шиш, ёки [мизожнинг] жуда қуруқлиги, ёки [иситма] бошланиш пайтида совуқнинг ғалаба қилиши сабаб бўлади. Баъзан эса томир уриши юмшоқ бўлади. Бунга [18] балғам ва қон моддасининг ҳўл, юмшоқлиги ёки жигар яллиғланиши, ўпка яллиғланиши ва литаргия касалликларидагидек, шиш юмшоқ аъзода экан-

лиги, ёки [касални] терлатиш аҳд қилинган пайтда кутилган намликнинг чиқиши сабабдир. Томир уриши иситма тутиш навбатларининг бошланишида кучсиз ва қисилган бўлади. Чунки [бутун] қувват моддага қаратилган бўлиб, уни тозалаш ва [томирларни] салқинлатиш билан машғулдир.

Биринчи фасл. Чиришдан бўладиган иситмаларнинг белгилари ҳақида умумий сўз

Чиришдан бўладиган иситмаларга, айниқса улар учун сиртқи сабаб йўқлигида, уларнинг ўзидан келган сабаблар, шунингдек, тозаланишга бўлган эҳтиёжнинг кучлилиги туфайли томир уриши ва нафаснинг тез қисилиши далолат қилади: бунида ҳарорат куйдирадиган бўлиб, бир кунлик иситмадагидек енгил эмас. Чиришдан бўладиган иситмалардан олдин, кўпинча, ланжлик юз беради; ланжлик шундай бир ҳолатки, унда ҳарорат бўлса ҳам, [ҳали] иситма даражасига етиб бормади; унга яна чарчаш, бадан шол-шол бўлиши, бўшашиш, керишиш, эснаш, бетинч уйқу, уйқусизлик, нафас қисиши, томирлар ва қовурға тоғайларининг тортишуви, бош оғриғи ва бошнинг лўқиллаши биргалашиб келади. Ланжлик узоққа чўзилса, чиришдан бўладиган иситмаларни келтириб чиқаради, [кишини] кучсизлантириб, рангни сарғайтиради. Баъзан иситмалардан олдин келган ланжликка чиқиндиларнинг кўплиги, бурун шиллиғи, кўнгил айнаш, сийдик кўпайиши ва сассиқ ахлат кўпайиши, бош оғирлашуви ва [юз] салқиши биргалашади. Чарчаш, ғазабланиш ёки булардан бошқа ташқи сабаблар бўлмагани ҳолда томир уришида кетма-кет юз беради. [Томир уришида] қисилиш бўлганда эса, иситма тутиш навбати етган бўлади. [Томир уришининг] қисилиши — унинг чуқур тушуви ва кичиклиги турлича бўлиб, [шу орада] бир неча кучли катта томир уришининг [ҳам] бўлиши, [аммо] унинг суръати тез бўлмаслигидир¹. [Иситманинг] бошланиш ва зўрайиш даврида томир уришининг нотекис бўлишига келсак, у гарчи кунора тутадиган иситмада модданинг енгиллиги сабабли аниқ билинмаса ҳам, чиришдан бўладиган иситмага хос белгилардандир.

Иситманинг бошланиш даврида тер ва намлик йўқлиги унинг чиришдан бўлганлигини кўрсатади; бир кунлик иситмада эса, — гарчи кунора тутадиган иситма бошланишда моддасининг енгиллиги сабабли чиришга ўтмаган бир кунлик иситмага ўхшаса ҳам, — бунинг аксичадир. Яна [чиришдан бўлганликка] зўрайиш [белгилари]нинг аралаш, бири-бирига нисбатсиз ва бир-бирига ўхшамаганлиги [далолат қилади]. Зўрайиш даврининг чўзилиши ҳам [иситманинг] чиришдан бўлганлигини кўрсатади. Томир уришининг узлуксиз катталашиб боруви эса [иситманинг] зўрайиб бораётганлигидан дарак беради.

Сўнгра [чиришдан бўлган иситма] ёки қайталайдиган иситма бўлиб, қалтираш ёки эт увушиб ҳурпайиш билан бошланади ва у, кўпинча,

терлаш ҳамда намлик чиқиши натижасида йўқолиб вақт-вақти билан қайталайди; ёки бу иситма насаядиган ё пасаймайдиган давомли иситма бўлиб, томир уриши, сийдик [ҳолатлари], [баданнинг] тўла тозаланиши ва белгиларнинг йўқолишида бир кунлик иситмага ўхшамаган бўлади. Чиришдан бўладиган иситмаларнинг кўпчилигига, айниқса иситма кучайиб ниҳоятга етган пайтда ташналик, бош оғриғи, тил қорайишларидан иборат кўп ёмон ҳолатлар қўшилади; кўнгил беҳузурлиги, модда ва [табiiй] қувватнинг тўқнашувидан келиб чиққан қаттиқ изтироб кучаяди; бунда гоҳ модда, гоҳ || қувват устун келиб туради ва шунинг 223 учун томир уриши баъзан катта кучлилика, баъзан кичик ва заифликка мойил бўлади. Томир уришининг қаттиқлашувига келганда, бу [ҳол] гоҳо кузатилади, аммо унинг донмийлиги шарт эмас. Бироқ қайси бир аъзода бўлмасин, қаттиқ шиш бўлса ёки шим ўзи қаттиқ бўлмаса ҳам, қаттиқ аъзода бўлса, ёки агар [касал] совуқ сув ичган ёки томир уриши ҳақидаги китобда айтилган, томир уришини¹ қаттиқлаштирадиган бирор ҳолат содир бўлган бўлса, [томир уриши доимо] қаттиқ бўлади².

Агар томир уриши кучли ва мазкур суръатда тез бўлмаса иситма бир кунликлигича қолади ва у чиришдан бўладиган иситмага кўчмайди; бошланишда сийдик етилмаган ёки оз етилган ва баъзан жуда ўткир бўлади.

Билгинки, узоққа чўзилган, ҳалокатга олиб борадиган ўткир иситмалардан киши камдан-кам нажот топади, [нажот топганда ҳам] бирор аъзода унинг ёмон таъсири қолади. Зотилжам ва шунга ўхшаш касалликда яллиғлаш тинчиганда ҳам, иситма давом эта берса, билгинки, [баданда] модданинг қолдиғи сақланган ҳамда қай ерда оғриқ бўлса, модда ҳам ўша ерга йўналгандир.

Иккинчи фасл. Давомли иситманинг белгилари

Донмий иситмада томир уришининг нотекислиги аниқ кўриниб туради ҳамда у, кўпинча, бетартиб ва вазнсиз бўлади. Иситма давом этиб, йигирма тўрт соатдан кейин қайтиб кетмайди; [19] биз айтиб ўтган қайтадиган иситманинг ўзидан илгари юз берадиган ҳолатлари: қалтираш ва бошқалар содир бўлмайди. Бу иситмага далолат қилувчи аломатлардан бири иситманинг давомлилиги ҳамда зўрайиш вақтида хилма-хил ҳолатда гоҳ камаядиган, гоҳ ўткирлашадиган бўлишидир.

Учинчи фасл. Чиришдан бўладиган турли иситмаларни бир-биридан фарқ қиладиган ва уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган ҳолатлар

Сафро чириши сабабли бўладиган иситманинг ҳаракати, у хоҳ иситма [тутиши]нинг бошланишида, хоҳ зўрайиш [даври]нинг бошланишида бўлсин, барибир кунора бўлади, лекин «кўйдирувчи» деб машҳур бўл-

ган иситма турининг ҳаракати жуда сезиларсиз бўлиб, у қон бузилишидан бўладиган давомли иситмага ўхшайди.

Қунора тутадиган холис иситма эса, моддасининг латифлиги сабабли ўтқир иситма ҳисобланади ва унинг ҳарорати кучли, сафронинг қувватлилиги сабабли куйдирувчан, аммо сафронинг табиат учун енгиллиги¹ ва [касаллик] доимо давом эта бермай [касалга кунора] ором бериши сабабли беҳавотир бўлади. Холис ўзи бўлмаган кунора тутадиган иситманинг муддати холисиникидан узоқроқ бўлади ҳамда холис ўзи келувчи кунора тутадиган иситманинг тутиш навбати, агар [табиб] хато тадбир қўлламаса, тўққизтадан камдан-кам ортади. Доимий иситма эса, кўпинча, бир ҳафтада тугайди.

Қон бузилишидан бўлган иситма ҳамиша давомли бўлади. Унинг ҳарорати кўп ва умумий, аммо енгил; сафронини сингари куйдирувчи эмас. Бу иситма аксари тўрт кунда босилади.

Ҳар куни тута берадиган балғам [чириши]дан бўладиган [иситма]га келсак, унинг ҳарорати сафро иситмасига қараганда енгил бўлса-да, моддасининг ёпишқоқлиги, совуқлиги ва кўплиги сабабли муддати узоқ ҳамда зўр хатарли бўлади, чунки у жуда оз муддатгагина қайтади ёки сусаяди ва унга албатта, меъда оғзининг зарарланиши ва кучсизланиши биргалашади. Бу эса беҳушлик, хафақон ва иштаҳа йўқолишидан иборат ёмон ҳолатларни келтириб чиқарувчи [сабаб] лардандир. Бу иситманинг давомлиси,— агар унда гоҳо қаттиқлашиб ҳам қўядиган юмшоқ томир уриши бўлмаганида,— ишгичка оғриқ касалига жуда ўхшаб кетади. Бу иситманинг холислиги қанчалик кам бўлса,— холисликнинг камлиги уни сафро иситмасига айлантириб юбормаган тақдирда,— тутиш пайти [ҳам] шунчалик қисқадир.

Тўрт кунда бир тутадиган иситма эса, моддаси совуқлиги туфайли ўтқир эмас ва шу сабабли узоқ муддатлидир. Унинг холис хили баъзан бир йилга чўзилади, холис бўлмаганининг муддати эса қисқароқ. Аммо [иситмада] хавф-хатар бўлмайди, чунки узоқ муддат [тутмай, кишига] ором беради ва у жуда ёмон ҳолатлар эргашиб келадиган даражада ўтқир ҳам бўлмайди.

Тўрт кунда бир, кунора тутадиган доимий [аммо] сусаювчи иситмалар қусиш, ич кетиш ёки терлаш, ёки сийдикнинг равонлиги билан тугалланади. Куйдирувчи иситма эса, худди шулар билан ва яна бурун қонаш билан тугайди.

Билгинки, кунора тутадиган иситмада — бошланғич давр, қон бузилишидан бўлган иситмада — кучайиб ниҳоятга етиш даври, куйдирадиган иситмада — пасайиш даври ва доимий иситмада эса, ниҳоятга етиш ҳам пасайиш давлари узоққа чўзилади. Шу билан бирга, тўрт

кунда бир тутадиган давомли иситма ва доимий тутадиган иситмаларнинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши кам учрайди.

Иситмаларга, айниқса, шишдан бўлганларига қарши зарур чора кўрилмаса, хусусан, ўткир иситмалар билан оғриган кишини овқатлантириш керак бўлса-ю, табиат моддага қарши турсин учун овқатлантирилмаса ёки совуқ сув ичириш керак бўлса-ю, [модда] хом қолади деб ичирилмаса ва иситмани пасайтирадиган бошқа тадбир кўрилмаса, иситма [касални] ориқлатиб юборади.

[Касални] овқатлантириш ва совуқ сув ичиришдан кўзда тутилган мақсад,— биз буни кейинроқ айтамиз,— мазкур икки мақсаддан кучлироқ бўлса, у мақсадни бу иккаласидан афзал тут ва бу икки мақсадга эътибор берма.

Тўртинчи фасл. Иситмалардаги белгиларнинг далиллари

Билгинки, иситмадан олинадиган далиллар иситмадан илгари қўлланган тадбир, унинг қандай кайфиятда қўлланганлиги, биз келгусида баён қиладиган ўша тобда юз бераётган ҳолатлар ва белгилар, мамлакат ва фасллар, [касалнинг] ёши ва мизожи, томир уриши, сийдик, қушиш, ахлат ва бурун қонаши, иситманинг қалтиратиш ва терлатиш ҳолати, ҳарорат кайфияти, иситма тутиш давр[навбат]лари, иштаҳа, ташналик ва нафас олиш ҳолатлари, иситмага биргалашиб келадиган бош оғриги, уйқусизлик, алаҳлаш, бетоқатлик ва бошқалар кабидир. Чунки иситмаларга турли белгилар [хос] бўлиб, булардан иситманинг турли ҳолатларига далил олинади. Шу белгиларнинг баъзилари, масалан, ҳароратнинг кайфият ва миқдори иситма [қуввати]нинг ортиқ ёки камлигига далолат қилади. Ҳарорат баъзан бошланишидан то охиригача жуда кучли куйдирувчи, баъзан бошланишдан куйдирувчи бўлса-да, кейин модда тарқалиши сабабли кучсизлашади ва юмшайди, баъзан эса мутлақо куйдирмайди. Баъзи иситмаларда ҳарорати йўқ, баъзиларида қуруқ бўлади.

Яна шундай белгилар борки, улар иситманинг турига далолат қилади, масалан, кунора тутадиган иситманинг хос белгиларини олсак, бу иситма санчиқ ва эт увушиб ҳурпайиши билан бошланади ва унинг ҳарорати куйдирадиган даражада бўлади; бошқа белгилар эса, масалан, бетоқатлик, || алаҳлаш ва уйқусизлик—иситманинг ёмонлигига далолат қилади. 224

Баъзи белгилар, масалан, сийдикнинг биз кейинроқ айтадиган аҳволи [20] етилганлик ва етилмаганликка далолат қилади, бошқалари эса бухронни кўрсатади. [Буни] биз кейин гапирамиз. Баъзи белгилар иситманинг хавфсизлигидан ёки унинг зиддидан дарак беради. Буларнинг ҳаммасини келгусида баён қиламиз.

Касалнинг кўринишига қараб [ҳам] кўп ҳукмлар чиқарилади. Масалан, касалнинг ранги оқиш ва кўкимтир бўлиб қўрғошинсимонликка томон ўзгарса ёки меъда бузилиши сабабли иситмага учраган кишида юз берганидек [юзи] салқиган ва кўпчиганга мойил бўлса, булар хилтларнинг совуқлигига ёки туғма ҳароратнинг камлигига далолат қилади. Шунингдек, юзнинг тез сўлиши, озиши ва буруннинг ингичкалашиб кетиши ҳароратнинг кучлилиги ёки хилтларнинг суюқлиги ва тери тешикларининг кенгайганлиги сабабли уларнинг тез тарқалаётганлигига далолат қилади. Ҳаракатларнинг ўзи, уларнинг одатдагидан ташқари бўлиши ёки пасайиб кетиши ҳамда биз кейин айтадиган бошқа белгилар ҳам [маълум] далиллардандир.

Иситманинг баъзи белгиларининг, масалан, бош алангаланиши сабабли алаҳлаш, ақлдан озишларнинг юз бериш вақти [иситманинг] кучайиб ниҳоятга етган даври, баъзи белгиларининг юз бериш вақти эса [иситманинг] пасайиш давридир, масалан: эт увушиб ҳурпайиш, совуқ ейиш ва кўпинча миянинг кучсизлиги, ҳароратнинг ичкарига уриб, қай ерда модда бўлса ўша ерга йўналиши ва буғларнинг кўплиги сабабли иситмаларнинг бошланишида бирга келадиган қаттиқ уйқу каби ҳолатлар. [Буғлар] баданда бошланган изтироб сабабли кўтарилади ва то иситманинг алангаси уни тарқатгунича [мавжуд бўлади]. Миянинг ўзининг совуқлиги ва чириб қизиш олдида турган хилтнинг совуқлиги [ҳам] бунга ёрдам беради.

Иситманинг ҳолини ва қайси турдан эканлигини билдирадиган далиллар иситманинг ўткир ёки енгилликдаги ҳолати, иситманинг сиртқи сабаблардан ёки айтиб ўтилган шартга мувофиқ илгари бўлиб ўтган сабаблардан келиб чиқиш ҳолати, иситманинг давомлилик, қайтиш ва кучсизланишдаги ҳолатлари, иситманинг қалтиратиб, совуқ едириб, эт увуштириб ёки буларнинг аксича ҳолат билан тутиши, шу ҳолатларнинг қайси вақтда юз берганлиги, иситманинг кўп ёки оз тер билан ёки бунинг акси билан қўйиб юбориши, иситмадан олдин қўлланган тадбир, касалнинг ёши, кўриниши, [касаллик] вақти, [касалнинг] ҳунари, томир уриши ва сийдикнинг ҳолатларидир.

Бешинчи фасл. Қалтираш, совуқ ейиш, эт увушиб ҳурпайиш, бадан шол-шол бўлиши ҳақида

Эт увушиб ҳурпайиш шундай ҳолатки, бунда бадан, тери ва мушакларда гоҳо совуқ, гоҳо санчиқ ҳис қилинади. Эт увушиб ҳурпайишдан олдин баданнинг шол-шол бўлиши келади, шол-шол бўлиш эса гўёки эт увушиб ҳурпайишнинг кучсизроғидир.

Совуқ ейишга келсак, бунда киши ўз аъзоларида ва мушакларида холис совуқни сезади; қалтираш эса, [киши] ўз аъзоларини уларда воқе

бўладиган силкиниш, титраш ва ихтиёрсиз ҳаракатлардан тўхтата олмаслигидир. Баъзан балғамдан бўладиган ва тўрт кунда бир тутувчи иситмаларда қаттиқ совуқ ейиш бўлади-ю, [аммо] қалтираш бўлмайди. Мушаклардаги ҳайдовчи қувватнинг кучлилиги қалтирашни кучайтирадиган сабаблардандир, шунинг учун қалтиратувчи сабаб қанча ёпишқоқ бўлса, қалтираш ҳам шунча кучлироқ бўлади. Қон қалтираш [вақти]да ичкарига ботади¹.

Билгинки, совуқ хилт ҳаракатсиз бўлади ва бу хилт ўрнашган аъзо унга ўрганиб қолади ҳамда ундан доимо таъсирланиши орқасида, унинг совуқлигини ҳам сезмайди. Бу хилт тарқатиб юборувчи ҳарорат ёки бирор бошқа сабаб таъсирида қўзғалиб, кўпми-озми тарқала бошлаганида, у билан [илгари] учрашмаган аъзо таъсирланиб, мизожнинг мухулифлиги сабабли унинг совуқлигини сезади. Буни табобат илмининг умумий қондалари бобида билиб ўтдинг.

Баданга ёйилган шишасимон балғамдан иситма чиқишига бориб етмайдиган қалтираш юз беради. Баъзан шу хил қалтирашнинг даврлари бўлиб, унинг қуввати иситмага бориб етадиган қалтираш қуввати-дек эмас.

Камлиги сабабли фақат чарчатиб турган модда чирриш олдидан кўпайса, қалтирашни келтириб чиқаради; агар у чиримаса иситма чиқишига сабаб бўлмайди. Ёмон овқат ва шунга ўхшашлар сабабли ҳарорат ичга ботса, гоҳо совуқ ейиш ва қалтираш юз беради. Иситмалардан олдин қалтираш ва совуқ ейишнинг сабаби шуки, хом хилт аввало мушакка қуйилади ва мушакка нисбатан совуқлиги сабабли унга азият беради, чирий бошлагандан сўнг қизишга тутинади.

Баъзан эса хилтнинг ачиштириши ва мушакдаги ҳайдовчи қувватнинг кучлилиги сабабли иситмалардан олдин худди инсон териси устига жуда иссиқ, айниқса, шўр сув қуйилганда қалтираганидек қалтираш юз беради. Кўпинча, куйдирувчи [хилтнинг] азияти туғма ҳароратнинг ичкарига қараб қочишига сабаб бўлади ва совуқ ғалаба қилади; натижада иссиқ [хилтнинг] куйдириши билан бирга совуқ пайдо бўлиб, бутун баданни қоплаб олади. Қуйиш ички пардалар олдида содир бўлади. Иссиқнинг ичга уриши сабабли ҳам, гоҳо ички шишларда бўлгани каби қалтираш воқе бўлади.

Давомли иситмаларда юз берган қалтираш ва эт увушиб ҳурпайиш баъзан соғайишга далолат қилади. [21]Чунки бу [ҳол] модданинг томирлардан ажралиб чиқиб кетганини кўрсатади. Бироқ бундай қалтираш етилиш билан бирга келмаса ва бухрон вақтида юз бермаса ҳамда унинг кетидан енгиллик туғилмаса, бу миқдордаги [модда] чиқишининг сабаби табиий қувватнинг ғалаба қилганлиги эмас, балки модданинг кўпайиб тошганлигидир.

Қалтирашнинг баъзи хили, агар у қувват заифлашиши, табиий ҳароратнинг пасайиши ва *[бадан] қуриши¹ билан бирга келса, ўлимдан дарак беради.

Эт увушиб ҳурпайишига келганда, у қалтирашникидан кўра кучсизроқ сабаблардан вужудга келади. Ҳайрат, ҳаяжонланиш ва бош айланиши [иситма тутиш] навбати [яқинлашганидан] дарак беради. Кексаларда иситма кўмилгандек² бўлади.

Баъзан иситмаларнинг узоққа чўзилишига ички аъзоларнинг ғализлашуви сабаб бўлади; бундай иситмага учраган киши чалқанча ётқизилиб, иккала оёғи узатилсин ва [табиб] унинг ички аъзоларини [устдан] ушлаб кўрсин. Иситма билан оғриган кишининг [иситмаси] енгил бўлиши билан бирга тили қорайса, демак, унинг иситмаси кўмилгандир.

225 Гоҳо иситмага фалаж касаллиги биргалашиб келади. || Бунда аввало иситма даволанади. Буларга мос келадиган нарсалардан бири гулқанд [солиб] ивигилган *сиканжубин*, иситма [турига] тўғри келса, зайтун ёғи қўшилган нўхат сувидир.

Сочни қириш терини зичлаштирадиган тадбирлардандир; бунда буғлар ичкарига қайтиб, иситма зўраяди.

Олгинчи фасл. Чиршидан бўладиган иситмаларга қарши умумий даволарга ишорат

Билгинки, бу иситмаларни даволашдан мақсад гоҳо [иситмага] қаратилган бўлиб, совутишга ва ҳўллашга эҳтиёж тушади, баъзан моддага қаратилган бўлиб, уни бўшатиш ва етилтириш керак. Қуюқ моддани етилтириш эса, мўътадил қуюлтириш билан бўлади. Баъзан иситма тақозо қиладиган совутиш тадбири хилт тақозо қиладиган етилтириш, бўшатиш ва тарқатиш тадбирларига зид келиб, етилтирувчи ва бўшатувчи [дори], гоҳо иссиқ бўлади. Балки у аксар ҳолларда шундай бўлади. Бунда бу икки тадбирдан энг муҳимига эътибор берилади.

Баъзан иситманинг тақозосича, тарвуз суви ва бошқа сабзавотлар суви билан совутиш тадбири ва модда тақозосича, уни камайтириш тадбири бир-бирига зид келади ва бу ҳол модда йўқлигидан бошқа ҳолларда сувларни ичиришни ман қиладди. Қисқаси шуки, мевалар сувини ичиришни бир ҳафтагача кейинга қолдириб, арпа суви билан чекланиб туриш эҳтиётлик ишдир. Барча меваларнинг сувлари меъдада қайнаб бузилиши сабабли, иситмага учраган кишига зарар қиладди. Кўпинча, етилтирувчи, суюлтирувчи ва бўшатувчи нарса *сиканжубин* каби совутувчи бўлиши ҳам мумкин.

Билгинки, баъзан иситма шиддатли ва ўткир бўлиб, унинг сабабига қарши тадбир қўллашга йўл қўймайди, балки айниқса [табиий] қув-

ват кучли, қарши тура оладиган ва чидамли бўлмаса, кучли совутиш тадбирини тақозо қилади. Агар сен қувватни [моддага] қарши тура оладиган ва чидамли ҳолда учратсанг, сабабни тўхтатасан, хилтга қарши тадбир қўллайсан ва агар модданинг тарқалишига тўсқинлик қиладиган даражада совутаётган бўлмаса, овқатни бермай турасан. Агар қувват кучсизлигини билсанг, мизожни унинг зиддига ўзгартиришга, уни совутишга ва овқат бериб, қувватни тиклашга машғул бўласан. Шунда қувватни жонлантириб, унга қарши турган нарсани енггач, касалликка қарши тадбир қўллашга қайтасан. Шундай иситмаларда [ҳароратни] совутиш тадбирини қўллайдиган бўлсанг, совутувчи кулчалар каби буриштириш ва зичлаштириш хусусияти бўлган дориларни ишлатма! Уларни [хилт] етилган ва бўшалгандан кейингина [ишлатиш мумкин].

Билгинки, чиришдан бўлган иситманинг давоси ингичка оғриқ иситмаси давосининг аксичадир: ингичка оғриқнинг давосида касалликка қарши чора кўриш билангина чекланилади, чириш иситмасини даволашда эса, фақатгина касалликка қарши чора кўриш билан чекланилмай, бунга гарчи касалликка ҳамшақл нарса¹ билан бўлса ҳам, унинг сабабини тўхтатувчи чора кўрилади.

Маълумки, овқатлантириш [табий] қувватнинг дўстидир; қувватнинг душмани бўлган моддага дўст бўлиши жиҳатидан эса, қувватнинг душманидир. Шундай қилиб, овқат [табий] қувватга ҳам, моддага ҳам ёрдам беради. Шунинг учун овқат [бериш] борасида бирор қонунга [бўйсунушга] эҳтиёж тушади; биз бу қонун учун алоҳида боб ажратдик.

Билгинки, иситмаларнинг [турларини] яхши ўрганмай туриб, уларга қарши чора кўришинг мумкин эмас. Агар билмасдан туриб чора кўргудек бўлсанг, енгил [овқат] бергинки, иситма тутиш навбати келганда қорин бўш бўлсин. Иситма тутадиган куни бирор тадбир қўллама ва хилтни қўзғатиб юбормасликка ҳаракат қил.

Буларнинг ҳаммасида [касал] қуввати ҳолатини кўзда тутиш керак: агар қувват кучли ва қон ғолиб бўлса ёки қон ғолиб хилт билан биргалашса, бунда энг зарур тадбир, хусусан, сийдик қизил, қуюқ бўлиб, оловсимон сариқ бўлмаса ва қон олинганда сафронинг ғалаба қилиш ва ўткирлашиш хавфи туғилмаса, томирдан қон олишдир. Сўнгра томирдан қон олингач, айниқса, қуруқлик мавжуд бўлса арпа суви ва озгина шира билан [22] ёки арпа суви ва *сиканжубин* кабилар билан енгил сурги қил. Агар табиат юшамаса ширага, масалан, бинафша шаробини қўшасан. Бундан мақсад — ични суриш ва кескин равишда равон қилиш эмас, [балки] юмшатиш бўлади. Менга маъқули қувватга қараб ҳуқна ишлатишдир. Фойдаси умумий² енгил ҳуқналардан бири: бинафша ёғи, лавлаги баргининг шираси, тухум сариғи, кизил шакар ва бурақдан тайёрланган ҳуқнадир. [Табиатни] юмшатишга,

гоҳо [иситма] ниҳоятига етган даврида эҳтиёж тушади ва бу [иситма] бошланиш даврида, [яъни] табиат тўхтаб қолган вақтда зарурат туғилладиган [тадбир]дан кучсизроқ бўлади. Бундан кейин петрушка илдизи ёки шунга ўхшаш [бирор нарса] қўшиб қайнатилган *сиканжубин* билан сийдикни юргиз, кейин [касални] терлат ва иссиғи у қадар кучли бўлмаган тадбир, масалан, бобуна ёғини суртиш, оқ шароб ва ширин илиқ сув билан баданни ишқалаш орқали тери тешикларини оч. Агар иситма жуда ўткир бўлса, [баданга] ёғ суртиш ва қўйилладиган дори ишлатиш дуруст эмас. Агар иситманинг бошланиш даврида хилтнинг меъдага йўналаётганлигини билсанг ва табиат уни қусиш томонга қўзғатаётган бўлса, одатдагига хилоф бўлмаган нарса билан, масалан, иссиқ сув қўшилган *сиканжубин* билан қустир. Хилт ичаклар томонига мойил бўлиб, қорин қулдурашини ва ахлатнинг қуйига тушаётганини ёки шунга ўхшаш бирор ҳолатни сезсанг, ичнинг юришишига қаршилиқ қилма.

Иситмаларнинг бошланиш даврида, хусусан, эт увушиб ҳурпайиш ёки совуқ ейиш, ёки қалтираш бўлганда касални ухлатма; ухлаб қолгудек бўлса, совуқ ейиш ва қалтираш узоққа чўзилади, чунки агар моддалар ички аъзолардан бирига йўналаётган бўлса, уйқу бунга ёрдам беради ва хилтларнинг етилишига тўсқинлик қилади. Аммо иситманинг пасайиш даврида уйқу жуда фойдали, шунингдек, у ниҳоятга етиш даврида ҳам зарар қилмайди. Хилтда етилишга тўсқинлик қиладиган хомлик ва қуюқлик бўлмаган тақдирда [касалга] совуқ сув ичишни ман қилма.

226 Билгинки, томирдан қон олиш фойда келтирган бўлса-ю, || кейин сен ёмон тадбир қўлласанг ва [бадан] тозаланмаса [иситма] қайталайди.

Сафро хилтига келсак, унинг етилиши ўзининг илгариги суюқлик [ҳолидан] қуюқликка айланишидир. Бу ишни совуқ сув бажаради. Бироқ меъда ёки жигар кучсиз ёки совуқ бўлса, ёки ички аъзоларда шиш, ёки [касалнинг] аъзоларида оғриқ, ёки унинг мизожи кам қон, ёки унинг туғма ҳарорати кучсиз бўлиб, бундай совуқ сув ичгандан кейин заифлашадиган бўлса, ёки [касал] иссиқ мамлакатларда яшовчи кишилар каби совуқ суюқликлар ичишга одат қилмаган бўлса [хилт қуюқлашмайди]. Иссиқ мамлакатда яшовчилар бунда тезда тиришиш касаллигига учрайди ва ҳиқичоққа мубтало бўлади. Озиб кетган кишилар ҳам шулар жумласидандир.

Аммо модда иссиқ ёки қуюқ ва етилган бўлса, бадан семиз, табиий ҳарорат мўл, қувват кўп, ички аъзолар соғлом бўлиб, асл мизож бўйича совуқ бўлмаса, касал совуқ сув ичишгина эмас, балки жуда совуқ суюқликларни ичишни ҳам одат қилган [киши] бўлса, унинг совуқ сув ичгани жуда яхши, чунки совуқ сув табиатни юргизиш, шу-

нингдек, қустириш, сийдириш ва терлатишларнинг [бири] билан ёки шуларнинг ҳаммаси билан, кўпинча, модданинг ҳайдалиб чиқишига ёрдам беради ва касал ўша ондаёқ тузалади.

Баъзан табиб касалга кўпгина миқдорда, бир ярим *мангача* совуқ сув ичиради, ҳатто касал кўкариб қалтирайди, бунда иситма го-ҳо балғамдан бўладиган иситмага айланади, баъзан эса табиат кучайиб, тер, сийдик, ич суришлар билан моддани ҳайдаб чиқаради; касал соғаяди. Шунингдек, касалнинг бирор жойида шиш бор бўлиб, сен ҳарорат ва ташналик зараридан қўрқсанг ва бунинг оздиришга олиб боришини гумон қилсанг, совуқ сув ичишни ман қилма, чунки шишнинг зўрайиши ёки хом қолиши баъзи ҳолларда озишдан кўра яхшироқдир.

Сиканжубин, кўпинча, ташналикни пасайтиради ва тўхтатади, [табиатни] юргизади; бунинг шиш учун зарари совуқ сувникидек кўп эмас ва у моддани йиғиб зичлаштирамайди. Кўп сув қўшилган гулоб ҳам шундай. Совуқ сув ичиш мумкин бўлмай туриб [касал] уни ичса, тери тешикларининг қисилиш хавфи туғилади ва у бошқа тиқилма пайдо бўлганлиги сабабли, бошқа хил иситмага сабаб бўлиб қолади. Кўпинча бу иситма аввалгисидан кўра кучлироқ бўлади. Совуқ сув кучсиз аъзога дуч келганда, унинг фаолиятини бузади: кўпинча, у ютишни ва нафас олишни қийинлаштиради, қалтираш ва тиришишни, қовуқ, буйрак ёки *қулун* ичагини заифлаштиради.

Совуқ сув ичиш ман қилиниши керак бўлган кишилар соғломлик вақтларида ҳам совуқ сувдан зарарланадиган кишилардир. Аммо агар сен [касал]ни кучли, мушакларини йўғон, мизожини иссиқ ва қуруқ деб топсанг ва уни бўшатган бўлсанг, баъзан совуқ сувга шўнғиб олишга рухсат бер.

Иситманинг пасайиш даврида [модда] етилганлик белгилари [23] кўринганида ва хилтлар бўшатишганда ҳаммомга тушиш, сув қўшилган суюқ шароб ичиш ва тарқатувчи ёғлар билан ишқалашнинг зарари йўқ.

Иситма пайдо бўлишининг бошланишида айтиб ўтилган қонун-қоидаларни бажарган бўлсанг, ундан кейин [моддани] етилтириб, бўшатиш билан машғул бўлишинг керак. Бу [тадбир] камайтириш ва қуритиш¹ йўсинида бўлмасин,— биз буни айтиб ўтдик, балки [касаллик] сабабини тўхтатиш йўсинида бўлсин. Бирор зарурат туғилмаса, хоҳ иссиқ, хоҳ совуқ бўлсин етилмаган моддани бўшатишмасин. Баъзан [табиблар] етилиш орқали бўшатишга тайёрланмаган кўп бошқа хилтни² бўшатиб юборадилар, баъзан эса ёмон хилтни, уни етилишига қўймай ҳаракатга келтириб, яхши хилт билан аралаштириб юборадилар. «Моддани етилтиришдан мақсад, уни суюлтиришдир; иссиқ хилт ўзи суюқ, уни суюлтиришга эҳтиёж йўқ», деб даъво қилган кишининг сўзига риоя қилма. Иш у айтганидек эмас, балки моддани етилтириш-

дан мақсад, унинг қуюқ-суюқлигини мўътадил қилиб, осонлик билан ҳайдалишга тайёрлашдир; сингувчи суюқ, ботувчи қуюқ ва киришувчи ёпишқоқ хилтларнинг ҳаммаси ҳайдалишни осонлик билан қабул қилмайди, балки ҳайдаш учун суюқ [хилтни] бир оз қуюлтиришга, қуюғини бир оз суюлтиришга ва ёпишқоқ [хилтни] кўчиришга эҳтиёж туғилади. Агар ўша киши қадимгиларнинг хилтнинг етилиши ҳақидаги сўзлари орасида биз айтганга ўхшаш бирор нарсани эшитмаган бўлса ҳам, балғам билан ташланган хилтларнинг қандай етилишини ўйлаб кўрганда, яъни суюқ хилт қуюлтиришга ва қуюқ хилт суюлтиришга муҳтож эканлигини [эслаганда] эди, бу уни албатта тўғри йўлга олиб келган бўлар эди. Нега [у одам] ўзича фикр юритиб, «нима учун [сийдик] шишада ўткир иситмаларнинг бошланишида чўкмасиз бўлиб, кейин чўкмали бўлади? Яхши чўкма касалликни келтириб чиқараётган, аммо энди етилган хилтдан бошқа нарсаси эмас-ку?! Агар хилтни етилтиришдан мақсад уни суюлтириш бўлса, нега бу хилт иситма бошланишидаёқ ташқарига чиқа бермайди? Демак, қон ва сафродан бўлаган иситмаларнинг бошланишида чўкма яхши бўлиши керак», деб айтмайди.

Бу чиқинди сийдик билан чиқиб кетишга тайёрланмагунча табиат уни чиқариб ташлаёлмагани каби [табобат] санъатида ҳам шишада сийдикнинг етилганлиги кўринмасдан бурун хилтни ҳайдаб чиқариш мумкин эмаслигини ёки унинг қийин ва машаққатли бўлишини билиш керак. [Хилт] етилмасдан туриб бўшатиш, кўпинча, уни қўзғатади-ю, керакли таъсир кўрсата олмайди, баъзан эса ёмон [хилтни] яхшисига аралаштириб юборади. У киши Жолинуc ва Буқротнинг фикрларига қарши чиқмай чуқур ўйлаб кўриши, кейин мунозара қилиши керак.

227 Ҳақиқатга асосланиб туриб қадимгиларга || қарши чиққан киши маъзур, аммо бу киши аввало диққат билан фикр юритиши лозим. Мен гумон қиламанки, бу бобда бир қанча тажрибалар иттифоқо фойдали чиқиб, у киши шунга асосланган бўлса керак; қонун-қоидаларга асосланмаган бу хил тажрибаларнинг гоҳо биттаси ҳам [текширувчига] мувофиқ келмайди, аммо баъзан, улардан биронтасини ҳам ноумид қилмайди. Ана шундай [фикр юритиш] керак.

Баъзан модда кўп, ҳаракатли ва аъзодан аъзога кўчаётган бўлади ва сен уни етилтиришга фурсат йўқлигини гумон қилсан ёки ундан, кўпинча, *сарсом* ва бошқа касалликларни пайдо қилувчи шишлар келиб чиқиши мумкин, ўз ҳолига қўйилганда эса, у етилиши кутилган вақтдан бурунроқ хавф туғдиради; бу вақт, албатта мўътадил хилтнинг етилиш муддатидан кўра узоқроқдир. Демак, бу ҳолда [моддани] бўшатмай илож йўқ, чунки моддани бўшатишдан етадиган хатар модданинг ўзидан етадиган хатардан камроқ; табиат ҳам кўп азият бераётганлиги туфайли бундай моддани ҳайдашга ҳаракат қилади ва шу

топда табиатга ёрдам берилса, ёрдам мос келади. Демак, бўшатиш шарт!

Билгинки, томирдан қон олиш сургиялар ишлатилгандагидек [касалликни келтирган модданинг] етилишини кутиладиган [тадбирлардан] эмас; бунда етилишни бошқа хилларга [нисбатангина] кутилади. Томирдан қон олишни касалликнинг бошланиш давридан кейинга қолдирилган бўлса, касаллик ниҳоятга етган даврда қон олма! Чунки энди бунда ҳеч фойда йўқ ва, кўпинча, [қон олиш] қувватнинг заифлик пайтига тўғри келиб қолиб, [касални] ҳалок қилади. Шунингдек, хилнинг [табиат устидан] ғалаба қилишидан қўрқсанг ҳамда хил етилмаган бўлса ва сен уни эҳтиётдан бўшатиш зарур деб топсанг, уни фақат касалликнинг бошланиш давридагина қўзғат, касаллик ниҳоятга етган даврида эса, токи табиат голиб келиб [хилт] етилмагунича ҳеч бир нарсани қўзғатма.

Агар табиатнинг ўзи ҳаракат қилмаса, сен уни ўз ҳаракатига мос келадиган равишда ҳаракатлантир. Табиат ҳаракатга келаётган ёки ҳаракат қилаётган бўлса, сен уни ўз ишини бажаришига қўйиб бер. Буқрот: «сурги дорини касаллик етилганидан кейин ишлатиш керак, аммо касалликнинг бошланишида, агар у ҳаяжонли бўлмаса, сурги дори ишлатиш тўғри эмас, [24] касаллик кўп ҳолларда ҳаяжонли бўлмайди», деган пайтида «ҳаяжонланиш» деб атаган нарсаси мана шудир. Бевақт, аммо зарурат юзасидан ишлатилган ана шундай бўшатиш, зарурат юзасидан бевақт овқатлантиришга ўхшайди. Модданинг зарарига тўсқинлик қилиш учун бўлган бу хил бўшатишдан кўзда тутилган мақсад қувват тушиб кетмаслиги учун [касалга] овқат беришдан кўзда тутилган мақсадга ўхшайди.

Бўшатиш тадбирини қўллаганинда иситманинг қайтган ёки сусайган вақтини ёки [куннинг] энг совуқ вақтини танла. Иситма тутадиган куни сурги дори ишлатиб бўшаттирма ва томирдан қон олма; сунъий бўшатиш тадбирини қўллаб, табиат ўзи бўшатмоқчи бўлиб турган томон қаршисидан [бўшатма] ҳамда иситма тутиш даври ҳаракатга келиб турганда [бирор тадбир қўллаб] хилларни қўзғатма. Қисқаси, иситма тутиш даврида [овқатда] ғализ тадбир қўллашдан сақлан ва, ҳатто, йўлларни торайтириб, иситманинг тутиш даврини қўзғатиб юбормаслик учун арпа сувига шакар ва гулоб солиб ичирма,— чунки бу хатарлидир,— балки, агар [ёмон хилт] жуда кўп бўлмаса [табиатга] ёрдам бер, чунки табиб табиатнинг душмани эмас, унинг ёрдамчиси.

Билгинки, кўпинча, [бир вақтда ҳам] кучли, ҳам кучсиз дорига, [яъни] қуюқ ва ёпишқоқ хилтни суриши жиҳатдан кучли, [хилларни] бир ёки икки марта ҳожатга боришда суриши ҳамда қувватни туши-

риб юборадиган даражада бирданига кўп бўшатмаслиги жиҳатидан кучсиз дорига эҳтиёж тушади.

Томирдан қон олишни мумкин қадар орқага сурши керак; мумкин бўлмаган тақдирда, қонни [бир йўла] кўп олишдан кўра кўп марта [оз-оздан] олиш яхшироқ. Қонни бирданига кўп бўшатмаслик керак, акс ҳолда бўшалишига эҳтиёж бўлмаган даражада кўп қон чиқиб кетади ва [кейинчалик] эҳтиёж тушадиган бўшатишлар учун қонда тайёргарлик бўлмай қолади ҳамда [келгусида] кутилган бухронга қарши курашишга қувват заифлик қилиб қолади.

Билгинки, тутқаноқ билан иситма бирга келганда, аввал иситмани даволаш муҳимроқдир. Шунингдек, билгинки, бош оғриғи баъзан пасаяётган иситмани қайтадан зўрайишга олиб боради ва бунда бош оғриғини тўхтатиш керак бўлади. Эмадиган бола иситмалаганда унинг онасининг сутини тузатиш лозим.

Иситма вақтида шишадаги [сийдик] сариқ касаллигидагига ўхшаса, у шиш борлигига далолат қилади. Бунинг давоси арпа суви ва *сикан-жубин* ичиришдир. Сўнг иситма пасайгач, шишга қарши курашилади.

Иситма билан бирга қуланж касали бўлганда [ахлат] йўли очилмай туриб, арпа суви ичирилмасин, балки зарурат бўлса, хўроз шўрваси ичирилсин ва серёғ қилиб юмшоқ ҳуқна ишлатилсин, шундан кейингина,— агар зарурат бўлса,— арпа суви ичирилади.

Сурги дориларга келганда, *тамр-ҳиндий*, янтоқшакар ва ширадан тайёрланган ичимлик шулар жумласидандир; баъзан бунга қўйпечак, баъзан *хиёршанбар* қўшилади, баъзан эса *сақмуниё* солинади. Қўпинча, *сақмуниёнинг* ёлғиз ўзини гулобга солиб ичирилади. Модда ғализ бўлганида, баъзан сабрга ўхшаш нарсани истеъмол қилишга эҳтиёж туғилади; яхшиси сабрни ювиб сачратқи суви ва чўл сачратқиси сувида ишлаб, кейин ҳаб дори ясашдир. Сариқ ҳалилага келганда, бир гуруҳ [табиблар] буни ишлатадилар, аммо бусиз ҳам бирор илож бўлса, ўшани қўлланилади, чунки [сариқ ҳалила] ични сургандан кейин тери тешиklarини буриштиради ва ундан ички аъзолар дағаллашади. [Бошқа] илож бўлмаса, [модда] тамоман етилгандан кейингина ишлатилсин. Анорнинг иккала турининг суви, айниқса ички пўчоқлари билан сиқиб олингани, баъзан, зўр фойда етказади.

Гунафша ва *сақмуниёдан* тайёрланган [дори] ҳам сургилардандир, гунафшадан бир *мисқол*, *сақмуниёдан* бир *қиротгача* олинади. Баъзан бу таркибга бир оз боғ ялпизи қўшилади. Гоҳо совутувчи ва юмшатувчи нарсаларга *сақмуниё* қўшилади ва, масалан, [қуйидаги] сифатда

228 ҳаб дори ясалади: || кашнич, *табошир* ва қизил гулларнинг ҳар биридан ярим *дирҳамдан*, кофурдан бир *тассуж*, *сақмуниёдан* ярим *донақ* ёки бир *донаққача* олиб, бу дори ичирилади. Ёки ширадан беш *дир-*

ҳам, янтоқшакардан беш *дирҳам* оғирлигида, Шом олмаси ва беҳи ширасидан баробар [миқдорда], ҳўл кашнич ширасидан бир бўлакнинг олтидан бирини олиб, бу шираларнинг ҳаммасини йиғиб, буларга шира ва янтоқшакар солиб, қотишга яқин қилиб қуюлтирилади. Кейин кофурдан бир ярим *донақ*, *сақмуниёдан* бир *дирҳам* оғирлигида олиб, қуюлтирилган таркибни оловдан кўтариб олинди, устига кофур ва *сақмуниё* сепилади ва буғланиб тарқалмаслиги учун эҳтиёт қилиб [усти ёпилади], кейин уни ўз-ўзидан аста-секин қуюлгунича қўйиб қўйилади. Бундан бир ичиш миқдори икки *дирҳамдан* ярим *дирҳамгачадир*. Баъзан шира, янтоқшакар ва новотдан нотиф ҳалвоси тайёрлаш ҳам мумкин. Бунга *сақмуниё* ва кофурдан,— [дорининг] бир ичимига кофурдан бир *тассужга*, *сақмуниёдан* [25] бир *донаққача* тўғри келадиган миқдорда,— қўшилади. Шунда дори кишини жиркантирадиган эмас, кўнгилга ёқадиган бўлади.

Ёз [фаслида] совуқдан бўлган иситмага учраган киши, айниқса, терлаб турган пайтида, модда тарқалиши тўхтаб қолмаслиги учун *хайшли*¹ [уйга] киритилмасин. Иситмаларнинг бошланишида кулча дорилар мувофиқ келмайди, уларни модда етилиб бўшатилоганидан кейингина [ишлатиш мумкин]. Бу дори иситмаси худди ингичка оғриқни кидек меъдасига ёпишган кишига жуда мувофиқ келади.

Одатланган тадбирини тарк қилган киши аҳёнан ўзида иситма ҳис қилади, аммо бу унча зарарли эмас; чунки бунга сабаб одат қилинган тадбирини тарк қилишдир. *Биз айтган нарсаларнинг ҳаммасини билиб ол!².

Еттинчи фасл. Иситма билан оғриган кишиларни овқатлантириш

Билгинки, иситма билан оғриган кишилар, айниқса мизожлари ҳўл болалар ва ишламай ётувчилар учун энг мувофиғи, мизожга мослиги ва касалликка қарши туришн жиҳатидан ҳўл овқатлардир.

[Касалнинг] табиати қуруқ бўла туриб иситма тутганда, ахлат батамом чиқиб кетмагунча, унга ҳеч қандай овқат берма. Даврли иситмалар ёки вақт-вақти билан тутувчи кучли иситмалар тутган пайтда, [бундай касалларнинг] қоринларни бўш, ҳеч бир овқатсиз бўлиши керак; чунки агар улар шу пайтда овқатлантирилган бўлсалар, табиат моддани етилириб ҳайдашдан кўра ҳазм билан [кўпроқ] шуғулланади ва касаллик кучайиб, узоққа чўзилади. Шунинг учун овқатлантиришни иситма пасайиш даврига ва ундан ҳам кейинроққа қолдириш керак. Агар иситманинг пасайиш вақти касалнинг одатдаги овқатланиш вақтига тўғри келиб қолса, бу — жуда яхши.

Билгинки, овқатлантириш ва тадбир қўллаш баъзан жуда латиф, баъзан жуда ғализ, баъзан эса шуларнинг ўртасида бўлади; шундай-ки, баъзи [тадбир] кўпроқ латифликка мойил, баъзиси эса кўпроқ ғализликка мойилдир. Жуда латиф тадбир овқат ейишни ман қилиш, жуда ғализи эса, соғлом кишиларга бериладиган овқатни [касалга] едиришдир. Латифликка яқин тадбирлар ўртача тадбирдан бўлиб, [бундай касалларни] овқатлантиришда анор шираси ва жуда суюқ гулоб билан чекланилади; бундан кейинги даражада суюқ арпа суви, ундан сўнг — қуюқ арпа суви ва Рум исмалоғи ва исмалоқ каби совуқ ва ҳўл сабзавотлар, Яман боқиласи ва шунга ўхшашлар туради; булардан кейин тозаланимаган арпа кашкоби бўлиб, уни ишлатиш ўртача тадбир ҳисобланади; ғализликка яқин тадбирлар товуқ гўшти ва почаларидир; булардан кўра латифлари каклик ва жўжа гўшти, булардан латифлари тоғ каклиги ва балиқ, ундан ҳам латифроғи жўжа ва тоғ каклигининг қаноти, суюқроқ қилиб илитилган оз миқдордаги тухум ва жуда майда балиқлар; булардан ҳам латифроғи тозаланимаган арпа кашкоби, бундан ҳам латифи эса совуқ сувда суюқ қилиб аталанган оқ нондир. Ғализ [тадбирларга] келганда, булар [ҳар хил] кучли овқатлардир.

Арпа кашкоби иситма билан оғриганлар учун ғоятда яхши овқат бўлади, чунки бунда қуюқлик ва туташлик билан бирга силлиқлик, тойғоноқлик, тозалаш, ҳўллаш, юмшоқлик, иситмага қаршилашиш [хусусиятлари] бор. [Арпа кашкоби] ташналикни босади, тез пастга ўтади ва ювади. Унда [сира ҳам] буриштириш хусусияти йўқ, шунинг учун у, ўтадиган йўллар тор бўлганида ҳам уларда чўкиб тўхтамайди. *Меъда ва¹ қизилўнгачларга ёпишиш хусусияти йўқ, баъзан у балғамга ўхшашларни тозалайди; яхшилаб қайнатиб ишлатилса, қоринни ҳеч бир дам қилмайди.

Қадимги табиблар арпа кашкоби ва унинг сувидан кўра латифроқ овқат ишлатишга эҳтиёж туғилганда, кўп сув қўшилган асални ишлатганлар, чунки бунинг озиқлиги кам, сувни сингдириш, у билан ҳўллаш, тозалаш, очиш, сийдикни юргизиш хусусиятлари кўп, ўзининг иссиқлик [қуввати] эса синдирилгандир. У кўп бўлмаса ҳам, бир миқдорда қувватни кучайтиради. Асал *сиканжубини* [шу хусусиятларда] ундан кейинда туради. Бу қуюқроқ, озиқлиги кўпроқ, парчалаш ва тозалашда кучлироқ бўлиб, бунда [тоза] асалдагидек қиздириш ва ички иссиқ аъзоларга зарар етказиш хусусияти йўқ. Ҳозирги [ҳолда] эса, гарчи тозалаши асалнинг тозалашидан камроқ бўлса ҳам, «шакар» деб аталадиган қамиш асали, айниқса унинг тозалангани ари асалидан яхшироқдир. Шакар *сиканжубини* ҳам шундай, бироқ *сиканжубин* билангина чекланиш гоҳо ўткир иситмаларда хавfli бўлган ичак

шилинишини пайдо қилади. Биз арпа суви ва *сиканжубин* ичириш ҳақида алоҳида гапирамиз.

Тадбирни енгиллатишни касаллик моддасининг таъби ва табиатнинг моддани етилтириш, тарқатиш ва бўшатишга бўлган имконияти талаб қилади. Енгил [овқат] едир, унинг энг қулай пайти иситманинг кучайиб ниҳоятига етган вақтидир: бунда табиатнинг модда билан кураши зўраяди || ва шу пайтда, айниқса бухрон пайтида табиатни [мана шу] курашдан бошқа нарсага чалғитмаслик зарур. [26] Аммо бундай [бухрон] вақтигача кураш унчалик қаттиқ бўлмайди. Шунингдек, томирдан қон олиш ёки ични юргизиш, ёки ҳуқна қилиш, ёки огриқни тўхтатишга эҳтиёж тушиши ҳам латиф тадбир қўллашни тақозо қиладиган нарсалардандир. Бу эҳтиёжларни [қондириб] тугатилгандан кейин, агар зарурияти бўлса ва бошқа бирор монелик бўлмаса, [касални] овқатлантирилади.

[Овқат] тадбирини ғализлаштиришни эса, [касалнинг] қуввати тақозо этади. Ғализ овқат беришнинг энг муносиб вақти қувватнинг модда билан жуда машғул бўлмай турган вақти, яъни касалликнинг бошланиш давридир. Ғализ овқатнинг зарарини уни бўлиб-бўлиб бериш билан даф қилинади. Бу [табиий] қувват учун ҳам қулайдир.

Ёз фасли тарқатиши сабабли кўпроқ, [лекин] бўлиб-бўлиб овқатлантиришга эҳтиёж туғдиради, чунки кўп овқатни бирданига ҳазм қилишга қуввати етмай қолади; тарқалиш ёзда [бўлиниб-бўлиниб] биринкетин содир бўлгач, тарқалган нарсанинг ўрнини эгалловчи [овқат] ҳам [бўлиниб-бўлиниб] биринкетин етишиши керак. Қишда эса иш аксинча бўлади: тарқалишнинг камлиги сабабли, тарқалувчининг ўрнини эгалловчи нарсанинг кўп бўлишига эҳтиёж бўлмайди ва агар ўрнини эгалловчи [овқат] бир йўла берилса, қувват бунинг учун етарли бўлиб, уни бир йўла тамомлайди.

Куз [иситма касали учун] ёмон фаслдир. Шунинг учун кузда ҳам қувватни сақлаш, ҳам моддани енгиллашга қодир бўлган латиф тадбир қўллаш: овқатни оз-оз, бўлиб-бўлиб едириш яхшироқ; ҳуллас, қувват заифлигида [овқатни] бўлиб-бўлиб бериш афзалроқдир.

Билгинки, қувват [кучлантиришни] тақозо қилмаганда жуда латиф тадбир қўллаш ҳаммадан ҳам зарур нарса бўларди, аммо қувват буни кўтара олмай тушиб кетади. Қувват тушганда эса, ҳеч бир даво фойда бермайди,— чунки юқорида билганингдек,— касалликка чора кўрувчи табиб эмас, [кишининг] қуввати дир, табиб эса қувватга [даволаш] қуролларини етказиб берувчи ходимдир. Шунинг тасаввур қилганинда, агар касаллик жуда ўткир, яъни ниҳоятига етиши яқин бўлса, [касаллик] бошланишидан ниҳоятига етгунигача бўлган муддатда қувватнинг тушиб кетмаслигини гумон қилсанг, қувватнинг ишини осонлаштир ва модда устидан ҳукмрон қил, уни оғир овқат [ҳазми] билан машғул қи-

либ қўйма; аксинча тадбирни латифлаштир, ҳатто айниқса буҳрон кунни сира ҳам овқат берма.

Агар сен касалликнинг жуда ўткир бўлмай, умуман бир қадар ўткир эканлигини кузатсанг, тадбирни жуда ҳам латифлаштириб юбориш керак эмас. Аммо касаллик ниҳоятига етган пайтда ва айниқса буҳрон кунда, бирор муҳим сабаб бўлмаса [ғоят энгил тадбир қўллаш мумкин].

Агар касаллик узоққа чўзилган ёки чўзилишга яқин бўлса, энгил тадбир қўлламайсан; чунки энгил тадбир қўлланганда, касаллик ниҳоятига етгунича қувват сақланиб қололмайди. Шу билан бирга, [иситманинг] ҳамма турларида, аввало ғализроқ тадбир, кейин ниҳоятига етган пайтда шунга мувофиқ энгил тадбир қўллашнинг ва шу икки орада эса, оҳисталик билан [ғализ тадбирдан латифроғига] ўтишинг лозим. Шунда қувват [иситма] ниҳоятига етгунга қадар сақланиб боради ва сен уни бошқа нарса билан машғул қилмай, моддага қарши йўллайсан.

Агар сен қувватнинг кучли эканлигини билсанг, кўпинча шу ҳол, айниқса, шишдан бўлган иситмаларда бир ҳафтагача бўлса ҳам, гулоб ва шунга ўхшаш нарса билан чекланиб туришга имконият беради. Борди-ю, заифлик юз беришидан қўрқсанг, арпа суви билан чеклан. Агар касалликдаги ҳолат сенга қийинлик туғдириб, уни билолмасанг, қувватни ва унинг кўтара олиш қобилиятини кўзда тутиб, энгил тадбирга майл қилишинг уни кўпайтиришга мойил қилишдан яхшироқдир. Агар бирор киши: «Ўткир касалликда овқатлантириб [қувватни] кучайтириш яхшироқ, чунки [модда] етилишини кутишдан фойда йўқ, табиат бўшатса-бўшатмаса истаган вақтда бўшатишга қўлингда ихтиёринг бор»,— деб даъво қиладиган бўлса, биз унинг хатолигини сенга билдириб ўтдик. Аммо, ҳақиқатан ҳам, қувват тушишидан қўрқсанг, касални овқатлантиришинг яхшироқ.

Сафро [мизожли] баданлар, айниқса, кўп овқат ейиш одатлари бўлган баъзи [кишиларнинг] баданлари биз айтганга зид тадбирни тақозо қилади. Агар буларни иситманинг айни бошланishiда, балки ундан кўра ёмонроқ вақтда, яъни ниҳоятига етган пайтида бўлса ҳам овқатлантирилмаса, улар икки ҳолатнинг биридан холи бўлмайдилар, агар кучсиз бўлсалар, ҳушдан кетиб тезда ўладилар, кучли бўлсалар оза бошлаб, уларда бурун ингичкалашиш, кўз чуқур тушиш ва чакка [терилари] ёпишишдан иборат озиш аломатлари юз беради. Баъзан эса бундан олдин, меъдаларига ачиштирувчи сафро қуйилиши сабабли беҳушлик юз беради. Шундай кишилар ҳам борки, улар семиз бўлиб, агар овқатлантирилмай қўйилса, заифлашиб озадилар ва очликни кўтаролмайдилар.

Туғма ҳарорати жуда кучли ва кўп, ёки туғма ҳарорати жуда кучсиз ва оз бўлган ҳар қандай киши очликка чидай олмайди; баъзила-

рининг меъдасига оғриқ ва алам етади ҳамда ҳамкорлик бўйича уларнинг боши оғрийди; булар ҳам [юқоридагилар] қабилидандир. Бундай касаллар, кўпинча, арпа суви билан қаноатланадилар ва баъзан меъда оғзини кучайтириш учун унга анор шираси [27] ва шунга ўхшашларни аралаштиришга муҳтож бўладилар. Баъзан овқатдан олдин озгина қустиришинг керак бўлади. Бундай кишиларнинг кўпчилиги кучсизланиб, ҳушдан кетишга яқинлашсалар, бунинг сабаби қаттиқ кучсизлик эмас, балки меъда оғзига сафро қуйилган бўлади. Бу ҳолда уларга кўпгина иссиқ сув қўшилган *сиканжубин* ёки анчагина сув аралаштирилган шароб ичирилса, сафро хилларини қусуқ билан ташлайдилар ва қувватлари қайтади; [сўнг] қайнатиб қуюлтирилган буриштирувчи ширалардан бир оз берилса, [қусиш] тўхтади.

Кексалар, нимжон кишилар ва болалар очликка чидай олмайдилар. Урта ёшли кишилар [очликка] жуда чидамли бўладилар. || Булардан кейинда йигитлар, айниқса аъзолари чайир, томирлари кенг, совуқ хавода [юрадиган] йигитлар туради. 230

Кўпинча, табиблар шу хил касаллар борасида бошқа [бир] ваҳждан хатсга йўл қўядилар. Бу шундай: улар аввал [касални] овқатдан тиядилар-да, кейин иситма ниҳоятга етган пайтида қувват тушаётганини кўриб, зарурат юзасидан овқатлантирадилар; бунда улар икки томонлама хато қилган бўладилар. Агар улар [иситма] бошланишида хато ва янглиш бўлса ҳам овқатлантирганларида, бу хато кўрсатилгандан кўра камроқ бўлар эди.

Бундай касалларда хом ва сафроли назлалар пайдо бўлади, модда етилмай бетинч қилиши туфайли уйқусизлик юз беради ва улар бетоқат ва ланж бўлиб алаҳлайдилар. Моддалар уларнинг қувватларини қисади, буғларини кўпайтиради, улар йўқ нарсаларни эшитадилар, ўринда ёнбошдан-ёнбошга айлана берадилар, йўқ нарсаларни хаёл қиладилар, қалтирайдилар, меъда оғзидаги оғриқ сабабли пастки лаблари учади ва меъданинг оғирлиги сабабли ғамгин бўладилар.

Саккизинчи фасл. Сиканжубин ва арпа суви ичириш қондаси

Арпа сувининг баъзисида фақат арпанинг қуввати ва суратигина бўлиб, жисмидан эса ҳеч нарса бўлмайди. Арпа сувининг етарли даражада қайнатилганигина даво қаторига киритишга ярайди ва унинг фойда беришига умид бор. Энг яхшиси сувдан йигирма *ускурража* ва арпадан бир *ускурража* олиб, [сувнинг] бешдан икки [қисми]га яқин қолгунча қайнатилади, [сўнг] қолган суюқ, қизил қайнатмани сузилади; мана шу суюқ [арпа суви] бўлиб, унинг озиқлиги кам, ҳўллаш [хусусияти] кўпдир. Унинг ювиши, ортиқча нарсаларни чиқариш ва моддани етилтириши кўп, совутиши эса мўътадилдир.

Арпа сувининг шундайи ҳам борки, унда арпанинг жисми ва ундан ҳам бир оз бўлади. Бунинг менга маъқулроғи жуда кўп қайнатилгани, балки қорин дам қилиш [хусусиятини] кеткизадиган даражада қайнатилиб, жуда ёпишқоқ қилиб юборилмаганидир. Бундай хилининг озиклиги кўпроқ, аммо ювиш ва етилтириш хусусияти камроқдир. Мизож бузилиши сабабли бегона ҳарорати кўп ва асл жавҳари совуқ бўлган меъдада, кўпинча, арпа суви ачийди. Арпа сувини гоҳо арпани қандай бўлса шундайлигича, гоҳо пўстини артиб қайнатиб тайёрланади.

Энг яхши *сиканжубин*, менимча, қуйидагича тайёрланганидир; қозонга шакарни текислаб солинади, сўнгра устига ўткир сиркадан, [яъни]узум шароби сиркасидан шакар юзасидан юқорига чиқмайдиган, балки шакар юзаси очиқ турадиган даражада қуйилади; кейин қозон тагига кучсиз олов ёки қўр қўйилади, ниҳоят, шакар сиркада қайнамасдан эрийди, сўнг кўпиги олинади ва оловни кучайтирмай, бир соатгача қўйиб қўйилади: охири шакар ва сирка яхши аралашади; сўнг устидан икки энли қалинлигида сув қуйилади ва қиёмга келгунча қайнатилади. *Сиканжубин* ва арпа сувини қўшиб ишлатиш кўнгилни беҳузур қилади. Кўпинча, *сиканжубин* арпа сувини бузади.

Табиат [ич] қаттиқ бўлса, арпа сувини ичириш керак эмас, балки олдин ҳуқна қилиш лозим. Арпа суви [касал] меъдасида ачиса, уни [илгаригидан кўра] суюқроқ қилиб ичирилади; бу ҳам ачийдиган бўлса, унга петрушка илдизи ва шунга ўхшашларни қўшиб қайнатиб берилади; [буниси ҳам] ачиса, унга, айниқса, модда жуда суюқ ва иссиқ бўлмаса, бир оз мурч аралаштириш лозим. Арпа суви қоринни кўп дам қилса, иссиқ мизожли кишилар учун унга узум шароби сиркасидан бир оз қўшиб берилади; аммо *сиканжубинни* эрталаб ичирилган ва у хилтларни парчалаб ҳайдалишга тайёрлаган бўлса, бундан икки соат ўтказиб туриб, ўша парчаланган хилтларни тер ва сийдик орқали тозалаб чиқариши учун мазкур суюқ арпа суви берилсин. Кечқурун, овқат меъдадан ажраган пайтда ҳам *сиканжубин* ичиришнинг зарари йўқ.

Баъзан бадан ва тил жуда қуруқлашиб кетганда, ҳўлланишни кўпайтириш учун арпа сувидан олдин гулоб ичиришга эҳтиёж тушади. Баъзан эса ични юмшатиш учун бу иккаласидан олдин бир оз *тамр ҳиндий* суви ичирилади. Буларнинг ҳаммаси [оралиғида] икки соатдан [вақт ўтиши керак].

[28] Тўққизинчи фасл. Ўткир иситмаларни даволаш

Айтиб ўтилган ични юмшатиш, сийдикни юргизиш, терлатиш, моддани етилтириб, кейин дори билан бўшатиш, шунингдек, айтиб ўтилган

овқатлантириш тадбирлари бу бобда эслатиб ўтилиши лозим бўлган нарсалардандир. Ҳарорат шиддатини сўндириш тадбирларига келсак, бунга ҳавони совутиш, совутувчи овқат, совутувчи суюқ ва қуюқ суртмалар билан эришилади; испағул шираси, беҳи уруғи шираси, семизўт шираси ва чучукмиянинг қайнатиб қуюлтирилган шираси кабиларни оғизда тутиб туриш билан ташналикни босилади. Ўткир иситмага учраган кишининг халқуми ҳўл бўлиб туриши ва қуриб қолмаслигини кўзда тутиш жуда фойдали ва зарур тадбирлардандир. Баъзан бу касалларга тарвуз, таррак, қовоқ, семизўт шираларини гул ёғи ва бир оз кофур билан қўшиб тайёрланган ҳуқна ишлатиш катта фойда еткази-ди.

[Касал ётган жойнинг] ҳавосини мумкин қадар салқин қилиш керак; бунга кишиларни тўпланишига йўл қўймаслик, елпиғичларни кўплаб осиш ва муз тахлаб қўйиш билан эришилади. Агар [касал турган] уйни яқин орада тоза тупроқнинг лойи, айниқса сомон ўрнига папирус пахтаси қўшилган лой билан сувалган бўлса — бу жуда яхши. Агар шу уй [яқинига] сув отадиган ва сочадиган асбоблар ўрнатилган бўлса ва ўша ердан чучук сув оқиб турса ёки касалнинг ётадиган ўрни панжара билан қопланган ҳовузча устида бўлса, [касал] Табаристон бўйраси ёки шунга ўхшаш бўйра устида ётса, ниҳоятда яхшидир. Унинг тагига солинган барча нарсалар тол, беҳи ва райҳонларнинг [майин] новдалари бўлиб, улар устидан гул ва олма суви, нилуфар, қизил гул ва бинафшалар сочилган || бўлсин; товоқларга олма, беҳи ва хушбўй навли нок каби яхши ҳидли совуқ мева дарахтларининг барглари-дан иборат хушбўйликлар солиб қўйилсин; улар устидан гул суви ва нилуфар суви сочилсин ҳамда [касалнинг] теварагига сандал ва кофур сепилган бир оз хушбўй шароб томчилатилган тол новдалари қўйилсин — шунда ғоятда яхши бўлади. Ҳавони тузатиш тадбири — шу.

Овқат тадбирига келсак, улар сен билиб ўтганингдек. Борди-ю, совутиш билан бирга табиатни юмшатиш исталса, қовоқ суви, айниқса, тарвуз суви, шунингдек, таррак ва бодринг сувлари берилади; сутчўпни сирка билан қўшилса жуда фойдалидир. Ташналикни қондирадиган [ичимлик]лардан бири яхшилаб тозаланган айрондан олинган пишлоқнинг суви билан қўшилган оқ ноннинг бўзасидир.

Агарда совутиш билан бирга ични тўхтатиш кўзда тутилса, нордон-чучук ва нордон анорларнинг шираси, ғўра суви, Шом тути суви, тузланмаган нордон лимоннинг сиқиб олинган суви, нордон *цитрон* ва шунга ўхшашларнинг суви ва зирк, яъни *амирборис* суви берилади.

Суюқ ва қуюқ суртмаларга келсак, буларни маълум ширалардан, айниқса гул суви ёки сандал ва кофур қўшилган янги гулнинг ширасидан тайёрланади. Шулар билан қўшилган кашнич ва сачратқи суви-

да кўп совутиш хусусияти бор. Сирка ва гул суви қўшилган испағул шираси ҳам шулар жумласидандир. Жигарга [устдан] совутувчи нарсаларни қўйиш энг муҳим ва фойдали ишлардандир. Чунки жигар [мизож] муътадил бўлса, тузалишнинг асоси шундадир ва, кўпинча, бундан сийдик ҳам тузалади.

Касалда назла ва йўтал, ёки бошда оғирлик, ёки тортишиш бўлса, бу ҳол буғларнинг кўплигига далолат қилади. Шунда унинг бошига сув ёки сирка қўймаслик, балки унинг аҳволи талаб қилганига қараб, сувларнинг буғига [бошини] тутиш керак. Агар назла ёки биз айтганларнинг бошқа биронтаси бўлмаса, қўйиладиган ва суртиладиган дорилардан истаганини ишлата бер.

Бош тўлиқ бўлган тақдирда бошга сут соғиш қўйиладиган тадбирларнинг энг зарарлисидир; чунки бу, кўпинча, бошда шиш пайдо қилиб ҳалокатга етказди. Бош тўлиқ бўлганда қўйиладиган дори ишлатиш пайтларидан энг хавотирсиз буғ — сафро буғи бўлиб, рутубатли бўлмаган пайтидир; шундай вақтда қўйиладиган дори зарарли бўлмай, аксинча фойда етказди. [Буғнинг қандайлигини] уйқу ва уйқусизлик ҳолатидан, бурун тешигининг ҳўл ёки қуруқлигидан билинади. Касални уйқучан ёки қаттиқ ухлайдиган ва бурун тешигини рутубатли ҳолда учратсанг, қўйиладиган ва суртиладиган дори ишлатишдан сақлан; моддани қўйига тортишга урин. [Касалнинг] бурни ва юзини жуда қизил эканлигини кўрсанг, бурун тешикларидан қон оқизиш ва жигарга қуюқ суртмалар бойлаб совутишнинг зарари йўқ. Аммо совутганинда кучли совутишнинг терлаб [модда] тарқалиш пайтига тўғри келиб қолишидан сақлан. Сен бунга назарда тутишнинг керак! Чунки бу, кўпинча, касалликнинг чўзилишига сабаб бўлади. Шуниси ҳам борки, касалликнинг чўзилиши кўп ҳолларда унинг ўткирлигидан кўра бежавотирроқдир.

Ўткир иситмаларда ичак шилиниши содир бўлишидан сақланиш керак, чунки бундан [29] қувват заифлиги кучаяди ва табиат ортиқча нарсаларни ичакларга қабул қилишдан ва у ердан ҳайдаб чиқаришдан кўпроқ жирканади. Аммо ортиқча нарсалар жуда кўпайиб кетса, [табиат ҳайдашга мажбур бўлади]. Кўпинча, ортиқча нарсалар юқорига қайтиб, қовурға тоғайларида оғриқ пайдо қилади, уларни кўпчитади ва бошни оғритади. Баъзан кўкнор шароби суюқ моддани қуюлтириб, — бунда модда етилади,— ва ухлатиб ажойиб таъсир кўрсатади.

Ўнинчи фасл. Ўткир иситмаларда юз берадиган ёмон ҳолатларнинг баёни

Аввало иситмаларда юз бериб, кучайиб борадиган белги ва уларнинг иложлари ҳақида гапириб, кейин ўткир иситмаларни тўлиқ баён

қиламиз. Бу белгилар, масалан, қалтираш, совуқ ейиш, эт увушиб ҳурпайиш, кўп терлаш, ҳаддан ташқари бурун қонаши, кучли қусиш, кишини ҳолсизлантирадиган ич суриш, чидаб бўлмайдиган даражада чўллаш, кўп ухлаш, доимий уйқусизлик, тил дағаллиги, оғиз қуриши, узлуксиз аксириш, қаттиқ бош оғриғи, кетма-кет йўтал, иштаҳа пасайиши, *булимус*, итникидек ва ёмон иштаҳа ва ҳиқичоқлардир.

Ун биринчи фасл. Ҳаддан ташқари қалтираш, эт увушиб ҳурпайиш ва совуқ ейишга қарши тадбир

Буларнинг терлашдан содир бўлганлари тезда тузалади ва бирор тадбир қўллашга эҳтиёж қолмайди. Бухрондан бўладиганларини даф қилишга уриниш керак эмас, чунки улар [касални] кучсизлантормайди. Булардан бошқалари, кўпинча, қўл-оёқни боғлаш, енгил уқалаш, кўрпаларни иситиш, эҳтиёж туғилса, укроп ёки бобуна ёғи суртиш билан тўхтайдди.

Кучли [қалтираш]га келганда, у хоҳ иситмаларда, хоҳ бошқа касалликларда бўлсин, агар [узоқ] давом этса, қўл-оёқларни кўп жойларидан боғлаш, бобуна ёғини ва гулсапсар илдизи ёғини суртиш керак бўлади. Баъзп кишилар қуйидагиларни, масалан, қоқила, кундуз қирри, газাগўт, дармана, ялпиз, бурақ, мурч ва назла ўти қўшиб кучайтирадилар. Бундан кейин баъзан хардал ва ангуза қўшилган чапиладиган дориларни ишлатишга ўтадилар. Баъзан бу дорилар сувда қайнатилади ва кейин шу сувга ёғ солиб қайнатилади. Таратизакнинг ёлғиз ўзи ёки бирор ёғ билан бирга қайнатилгани бу соҳада кучлидир. Чўл ялпизининг қайнатмаси ва унинг суви ҳам шундай.

Яхши ёғнинг таркиби: қуруқ укроп, *мурр*, газাগўт, ялпиз, мурч ва назла ўтларини олиб, юмшалгунича шаробда қайнатилади, кейин сузиб тозаланган [сувини] унинг ярмича келадиган кунжут ёғи билан қўшиб, сув йўқ бўлиб, ёғнинг ўзи қолгунча қайнатилади ва ёғни суртилади. Қуст ёғи, дармана ёғи, бўйимодарон ёғи, гулсапсар ёғи || ва *мурр* 232 ёғи қалтирашга, масалан, тўрт кунда бир тутадиган иситма қалтироғига [қарши] ишлатиладиган кучли ёғлардан бўлиб, бу ёғнинг бир *уқиясига* уч *дирҳам* оғирлигида мурч ва бир *донақ* назла ўтини янчиб қўшилади. Эрманни [ана шу] ёғда ёки петрушка қайнатилган зайтун ёғида қайнатиб ишлатилади. Иссиқ зайтун ёғига тушиш жуда фойдалидир.

Баъзан ичиладиган нарсаларга ҳам эҳтиёж туғилади. Кўпинча, ҳарорати аниқ иссиқ сув ичиш ва унинг буғига ўзни тутиш қалтирашнинг тўхтатади. [Қалтираш] бу билан тўхтамас ва модда қуюқроқ бўлса, [ичириладиган] сувда арпабодиён, ялпиз, петрушка уруғи, мастаки,

таратизак, укроп ва шунга ўхшашлар қайнатилади; дармана, бўйимодарон, ялпиз, укроп, қорачайир, газাগўт, самсақ, қуст ва иссиқ [мизож]ли уруғлар қайнатилган сувлар [буғи]га касални тутилади. Сийдикни юргизишда кучли бўлган ҳамма дорилар ҳам қалтирашни тўхтатади.

Бир *мисқол* қустни иссиқ сув билан ичиш ва шу миқдордаги дарахт пўкагини иссиқ сувга солиб ичиш тўрт кунда бир тутадиган ва шунга ўхшаш иситмалардаги кучли қалтирашни тўхтатадиган дорилардандир. Дарахт пўкагининг бир қанча фойдаси бор; баъзан бунга озгина афюн қўшилса, ухлатиб терлатади, шиддатли қалтираш ва бошқа ёмон ҳолатларни тўхтатади. Шунингдек, гулсапсар илдизидан бир *мисқолчасини* иссиқ сув билан ичилса ёки бир *мисқол* арча уруғини иссиқ сув билан, ёки бир *мисқол* тоғ петрушкасини иссиқ сув билан ичирилса, [фойдалидир].

Мураккаб дорилардан — тўрт доридан тайёрланадиган *тарёқ*, *Азро¹ тарёқи*, *каммуний*, *футанажий*, *фалофилий*, яна газাগўт, ангуза, назла ўти ва мурчлар, қайнатилган асал шароби [фойдалидир].

Биз таърифлайдиган [қуйидаги] синалган ҳаб дорини,— касални ўринга оёқ-қўлини узатиб ётқизиб, уй ҳавосини ва устки кийимларини оловда иситиб,— қалтирашдан бир соат олдин ичирилса, уни мўътадиллаштиради ёки тузатади. Унинг таркиби: *майъа* елими, [30] *мурр*, афюн, говшир ва мурчларнинг ҳар биридан бир бўлак олиб, сариеғ билан қориштирилади. Бунинг бир ичими бир боқила миқдорда бўлади. Яна: говшир, қундуз қири, ёввойи сабзи уруғи, ангуза, назла ўти ва афюндан баробар бўлакларни олиб, аввалги таркибдагидек иш кўрилади.

Яна яхши бир таркиб: говшир, Эрон қавраги, болдирғон, Кермон зираси, петрушка уруғи ва мурчларнинг ҳар биридан бир ярим *мисқолдан*, мингдевона уруғи, заъфарон, аристолохия, қундуз қири, *фарбийон*, *мурр*, жувона ва занжабилларнинг ҳар биридан икки *донақдан*: исирик уруғи ва назла ўтларининг ҳар биридан бир *мисқолдан* олиб, асал билан қорилади. Бунинг бир ичими бир фундуқ баробарида бўлиб, жуда иссиқ сув билан ичилади. Баъзан қалтирашга қарши иситилган шароб ичиришга, иситилган овқатларга, *иёраж*, *сафаржалий*, *тамрий* каби дорилар билан сурги қилишга эҳтиёж туғилади. Қалтираш тинкани қуритадиган даражада бўлиб, айниқса, иситмасиз бўлса «сассиқ» ҳаблар ичирилади; чунки бу унинг давосидир.

Ўн иккинчи фасл. Иситмаларда ҳаддан ташқари терлашга қарши тадбир

Бунинг бухронга тегишлисини мумкин қадар тўхтатиш керак эмас. Терлаш ҳаддан ташқари бўлиб, тўхтатиш зарур бўлганда эса, касал ётган жойни салқинлатиш ва совутиш лозим. Бу тадбир қаноатлангир-маса, касални салқин жойда арғимчоққа солиб тебратилади. Чиқаётган намликни кетма-кет артиб туриш керак эмас, арта бериш тернинг кўп чиқишига сабаб бўлади ва баъзан беҳушликни келтириб чиқаради, чунки терни артиш уни кўпайтиради, артмаслик эса тўхтатади. Баданга кучли гул ёғи, мирта ёғи, тол ёғи, анор гули ёғи суртиш ёки тахир беҳи, тахир олма, гул, анор гули ва шунга ўхшашлар қайнатилган сувлардан олинган ёғни суртиш керак. Бу сув сузилади ва унга ёғ солиб, ўзинг биладиган тартибда қайнатилади. Баъзан мирта уруғи, анор гули, каҳрабо ва шунга ўхшашларни тўзондек қилиб янчиб сепилса, терни тўхтатади; баъзан терни сув қўшилган сирка, ғўра суви, анор гули қайнатмаси, мози қайнатмаси ва мирта қайнатмаси ҳам тўхтатади. Тол шираси ҳам ажойибдир; гулҳамишабаҳорнинг суви ҳам — шундай.

Иш зўрайиб кетса, [касал баданига] совуқлик ширалар ва [араб] елими суртилади; айниқса уларга сандал ва кофур қўшилса, [фойда етказилади]. Шу иккаласи — сандал ва кофурларнинг қуюқ суртмаси боғланса, яна ҳам яхши. Иш жуда ҳам зўрайиб кетса, қўл-оёқлар устига қор қўйилади ёки уларни қорга ботирилади, ёки касал чидай олса, совуқ сувда чўмилтирилади.

Ўн учинчи фасл. Ҳаддан ташқари кўп бурун қонашнинг тадбири

Бунинг бухронга тегишлисини тўхтатишга мумкин қадар шошилмаслик керак. Ўткир иситмаларда бурун қонашини тўхтатиш зарур бўлган чоғда, қўл-оёқлар боғланади, [баданнинг] қон оқаётган бурун тешиги томонига қортиқ қўйилади¹, кейин шу жойни салқинлатилади. Салқинлатиб совутиш мумкин бўлар экан, қортиқ қўйилмасин. Бурун қонаш бобида айтилган томизиладиган дорилардан томизилсин ҳамда бирор монелик бўлмаса, ўша бобда баён қилинган дорилар билан бошни совутилсин.

Тўрт кунда бир тутадиган иситмага учраган кишиларда, кўпинча, бурун қонаши юз беради, шунда уни бурун қонатадиган маълум дорилар билан зўрайтирилади, чунки бурун қонаши тўрт кунда бир тутадиган иситманинг давосидир. Агар ҳаддан ташқари бурун қонашидан қўрқсак, шундай ҳолларда ишлатадиган [тадбирларимизни] қўлла-лаймиз. *Сен буларнинг ҳаммасини биласан².

Ўн тўртинчи фасл. Иситмага учраган кишиларда юз берадиган ҳаддан ташқари [кўп] қусишнинг тадбири

233 Бунинг ҳам бухрон пайтидагисини зарурат бўлмаса, тўхтатилмайди. Кўпинча, касалнинг қусиши ва кўнгил айнишларини қустиришнинг ўзи билан ва оддий *сиканжубин* ва иссиқ сув каби азият берувчи хилтни чиқариб ташлайдиган нарсалар ёрдамида || тўхтатилади. Баъзан [дорини] кучайтиришга эҳтиёж туғилади ва оддий *сиканжубин* ўрнига маълум уруғларнинг *сиканжубини* ичирилади. Агар хилт сингиб кетган ва қуюқ бўлса, сабр ва *иёраж* кабилар билан сурги қилдириш яхши; хилт сингиб кетган бўлмаса, баъзан *иёраж* ва сабр [ҳам] фойда қилади. Агар сингиган бўлса-ю, қуюқ бўлмаса, иссиқ сув билан *сиканжубин* кифоя қилади; бундан кейин анорнинг ҳар иккала хилнинг сувидап ичирилса, у қусишни мўътадиллаштиради. [Касал] уни қусиб ташласа, токи қусиш мўътадиллашиб пасайгунича қайтадан ичирила беради. Анор донаси билан қўшиб ичириладиган боғ ялпизи ҳам шундай [таъсир қилади]. Баъзан меъдани совутиш қусишни тезда тўхтатади. Хилт сингиган бўлса, тахир нарсаларни ҳамда тахирлиги ва нордонлиги билан буриштириб, қусишни тўхтатадиган нарсаларни яқинлаштирамаслик керак, чунки бу ёмон тадбир ва у хилтни яна ҳам кўпроқ сингдиради; хилт сингмаган бўлса, [бу нарсалар] кўпинча, уни [қустириб] ташлатади, қуюқ бўлганда эса қуйи томонга йўналтиради.

[31] Баъзан хилтнинг юқоридан ташланиши учун меъда етарли даражада кучли бўлади. Агар сафро қусиш давом эта берса ва [хилт] сингмайдиган бўлса — буриштирувчи нарсаларни ишлатиш, айниқса қуюқ суртмалар, масалан, анор пўсти, мози ва шунга ўхшашлардан сув қўшилган шароб билан ёки сув қўшилган сирка билан тайёрландиган қуюқ суртмани ишлатиш фойда қилади. Савдо ҳаддан ташқари қусила берганида [денгиз] булутини сиркага ботириб, меъда устига қўйилади, бундан бошқа [тадбир]га эҳтиёж туғилганда эса, қусишни тўхтатиш бобида айтиб ўтилган дориларни истеъмол қилинади.

Ўн бешинчи фасл. Бундай касалларда юз берадиган ич суришга қарши тадбир

Бу ҳақда [Учинчи китобнинг] ич суриш бобида алоҳида сўзладик; ўша бобга қаралсин. Қовурилган мош, қовурилган ясмиқ ва кашнич овқатлилик тариқасида бунга фойдали нарсалардандир. Булардан қайбирини бўлса ҳам, қайнатиб сувини тўкилгандан кейин, айниқса анор донаси билан нордон қилиб ейилади.

**Үн олтинчи фасл. Иситмали касалларнинг ҳаддан ташқари
ташналикларига қарши тадбир**

Бошни жуда совутилган совуқ [мизожли] ёғ билан ёғланади: ёғни оошнинг тепасига қўйилади ва бирор монелик бўлмаса, унинг атрофларига ҳам қўйилади. Шунингдек, [ташналикни] совутувчи сувлар билан ҳамда яхши гул ёғи аралаштирилган беҳи уруғининг шираси ёки олхўрининг ивитмаси, таррак, бодринг ва қовоқларнинг мағзи, қора кўкнор уруғи, гулсапсар илдизи ва «Қарободин»да кўрсатилган ташналикка қарши ҳаб дорини оғизда тутиб туриш билан [бостирилади]. *Тамр ҳиндий* [ташналикка қарши] чайналадиган ва шимиладиган нарсалардандир. Ташналик гоҳо қуруқликдан бўлиб, буни уйқу тўхтатади, баъзан эса иссиқликдан бўлиб, буни уйқусизлик тўхтатади.

**Үн еттинчи фасл. Иситмали касалларда юз берадиган
оғир уйқу**

Уларни сўзлашиш ва шунга ўхшаш турли товушлар билан оғир уйқудан ҳам чалгитилади. Бирор монелик бўлмаса, касалнинг қўйи аъзоларини у чидайдиган даражада оғритарли қилиб боғланади ҳамда агар табиат [ич] юришмаётган бўлса, кичик¹ шамча кўтартирилади. Ором олинаётган вақтларда² ёки давомли иситма сусайган пайтда иккала курак ўртасига ва умуртқага³ қортиқ қўйилади.

Үн саккизинчи фасл. Улардаги бош оғирлигининг тадбири

Касалнинг бошига сут соғишдан, ёғ ёки қўйиладиган дори қўйишдан, ёки бурунга юбориладиган дори ишлатишдан сақланиш керак. Балки бобуналик қўйиладиган дориларга гунафша, кепак ва шунга ўхшашлардан қўшиб буғлантириш билан чекланилсин!

**Үн тўққизинчи фасл. Иситмали касаллар ва бошқаларнинг
уйқусизликларига [қарши] тадбир**

Қоҳу уруғининг ёғи билан қўшиб бурунга тортиладиган кўкнор ёғи, нилуфар ва қовоқ ёғлари, шунингдек, чаккага машҳур увуштирувчи дорилардан биронтасини ёпиштириш, рутубатлантирувчи буғларга юзни тутиш, нилуфар, меҳригиёҳ меваси ва узоқроқдан тутиб сув сочилган райҳонларни ҳидлатиш ҳамда ҳўлловчи [дори]ларни қўйишга келсак, булар ҳаммаси сенга маълум. Шунингдек, агар монелик бўлмаса, кўкнор шароби ичирилади ва унинг ялатмаси [берилади]. Сўнг касалнинг олдига кўп чироқларни ёқиб қўйилади, баланд товуш билан

гаплашилади, қўл-оёқларини бир оз оғритадиган қилиб, тез ечиладиган тугунлар билан боғланади, ўзини ухлаганга солиб кўзни юмиб ётишга буюрилади. Қасал бир оз мудрагач, чироқлар ўчирилади, товушлар тўхтатилади ва тугунлар ечилади, чунки бемор [энди] ухлаб қолади¹.

[Қасал] энгил тортса, [иситма] тутиши ёки зўрайишининг тўхтагани билинса, бир оз меҳригиёҳ ва унинг илдизидан қўшиб, қора кўкнор қайнатилган сув билан юзни босим ювиб турилади. Агар касалда бурақли хилт бор бўлса, тошчўп, қашқарбеда, катта бобуна ва кўкнор қайнатилган сув билан юзни ювиш ва уларнинг буғига юзни тутиш фойда қилади.

Йигирманчи фасл. Иситма касалларида юз берадиган қорин оғриғи

Бу меъдага сафро қуйилишидан бўлади. [Иситманинг] бошланиш даврида юз берса, *сиканжубин* қўшиб бир оз олма шарбати ичирилади.

Йигирма биринчи фасл. Бундай касалларда тилнинг карашлиги ва ёпишқоқлиги

Тилнинг ёпишқоқлигига келсак², уни то тозалангунича новвот қўшилган бодом ёғи [суртилган] бамбук³ чўпи ёки тол чўпи билан, шунингдек, озгина туз ва гул ёғи қўшилган [денгиз] булуту билан ишқаланади. Бундан касал анча энгиллашади. Тил карашлиги ёпишқоқликдан эмас, қуруқликдан бўлганда [қасал] Сабистон олхўрисини ёки олхўри данагини ёки Ҳиндистондан келтириладиган тузни оғзига солиб туриши керак; бу туз рангига ўхшаш бўлиб, асал каби шириндир. Архигенининг айтишича, бундан бир боқила миқдорида оғизда олиб турилади. Беҳи уруғи тилни ҳўлловчи ва унинг қуришига монелик қилувчи нарсалардандир. [Қасал] оғзини кўп очмаслиги⁴ [32] ва чалқанча ётмаслиги керак, чунки бу иккаласи тилни қуритади.

Йигирма иккинчи фасл. Бундай касалларда юз берадиган узлуксиз аксириш

- 234 Узлуксиз аксириш || иситма билан оғриганларга гоҳо жуда зарар еткази: чунки бу уларга азият беради, бошларини [моддага] тўлғизади, қувватларини заифлаштиради ва, кўпинча, бурун қонашни келтириб чиқаради. Уларнинг пешонаси, кўз ва бурунларини ишқалаш, оғизларини очиб танглайларини қаттиқ ишқалаш, бошларидан тортиб ҳар томонга айлантириш, оёқ-қўлларини уқалаш, қулоқларига энгилгина иситилган илиқ ёғлар қуйиш, мушак ва жағларини ҳўллаб туриш

керак; энсалари тагига қиздирилган ёстиқ қўйиш, ухлаётганларида тўсатдан уйғотмаслик, чанг, тутун ва барча ўткир ҳидли нарсалардан сақлаш, толқон, Хуросон кесаги ва денгиз булутини ҳидлатиш лозим.

Йигирма учинчи фасл. Иситмали касалларда юз берадиган бош оғриғи

Уларнинг қўл-оёқлари, айниқса, сонлари танғиб боғланади, оёқ панжалари ишқаланади, моддани қўйига тортадиган шамча кўтартирилади ва маълум совутувчи дорилар билан бошларини кучайтирилади. Бирор монелик, [яъни] назла ёки йўтал бўлмаса, бошларига гул, бинафша, арпа, тол барги ва шунга ўхшашларнинг қайнатмасини қўйилади, шунингдек, гул ёғи ва тол ёғи ҳам ишлатилади. Булар қаноатлантирмаса, совутувчи қўйиладиган дориларга бобуна каби юмшатувчилар, кўкнор каби увуштирувчилар аралаштирилсин. Иситма пасаймасдан туриб бошга сут соғилмайди. [соғиш мумкин бўлган пайтда] қувват кучли бўлса, эчки сути, кучсиз бўлганда эса хотинлар сути соғилсин. Бадан уйқу бостирадиган рутубат билан тўлиб турган пайтда сут [соғиш]дан, шунингдек, барча ҳўлловчи нарсалардан сақлан! Ҳўлловчи нарсаларни буғ тутунсимон, бош қуруқ ва уйқу кам бўлгандагина ишлатилади.

Бошда рутубатли буғ кўпайиб кетса, уни шамчалар ва ҳуқналар билан, қўйи аъзоларни ва ҳатто мойкни танғиш билан қўйига тортишинг лозим.

Йигирма тўртинчи фасл. Бундай касаллардаги йўтал¹

Йўтал [иситма билан оғриганларда], кўпинча, ҳароратдан ёки қуруқликдан юз беради. Улар йўтал ҳабни, шунингдек, совуқлик мағзлар, крахмал ва шунга ўхшаган нарса қўшиб тайёрланган *кўкнор ялатма дориларининг² оғзига солиб туришлари ҳамда холис гул ёғи, испағул шираси, семизўт шираси ва шу кабилардан тайёрланган совутувчи ва ҳўлловчи мумли ёғларни ишлатишлари керак.

Йигирма бешинчи фасл. Бундай касалларда иштаҳа йўқолиши

[Умуман] иштаҳасизлик бобида айтиб ўтилганлардан маълум бўлганидек, бунга баъзан меъда оғзидаги хилт сабаб бўлади. Хилтни — қустириш ёки ични суриш билан бўшатилади. Кўпинча, касаллар ҳалқумларига бармоқ киргизиш билан меъдани қўзғатишдан, айниқса аччиқ ёки нордон суюқлик қусиб ташлашдан фойда кўрадилар.

Баъзан иштаҳа йўқолиши қаттиқ заифлик сабабли юз беради ва [бунда] заифликни келтириб чиқараётган [ёмон] мизожни билиб ўтилган

нарсалар билан даволанади. Бундай касалларга иштаҳани қўзғатувчи ҳидли нарсаларнинг ҳидини, масалан, совуқ сув билан ёки сув ва сирка билан ҳўлланган толқон ҳидини яқинлаштириш керак, шунингдек, уларга иситма билан оғриганларга қўлланиладиган *жуворишларни* бир оз шароб [билан] ва хушбўй тахир меваларнинг қайнатмалари билан берилади. Улар *қарис* оши, [яъни] балиқ ёки улоқ, ёки шунга ўхшаш бирор [ҳайвон] *қарисининг* сиркасидан бир оз яласинлар. [Иситманинг] аввалги кунларидан кейин, сен билиб ўтганингдек, мевалар сувидан тайёрланадиган, таркибида эрман ва сабрлар бўлган қуюқ суртмаларни [касалнинг] меъдаси устига қўйиб боғланади. Меъда [усти]га хушбўй ёғлар суртиш ҳам фойдалидир.

Йигирма олтинчи фасл. Бундай касаллардаги булимус

Уларни хушбўй дорилар, шунингдек, Хуросон лойи ёки сиркада ҳўлланган арман лойи билан даволаш керак. [Касал] қовурдоқлар, янги иссиқ нон ва қовурилган гўштларни ҳидласин. Уларнинг қўлоқлари боғланади, қулоқ ва сочларидан чўзиб тортилади ҳамда совутувчи *ва ҳўлловчи¹ қўйиладиган дорилар билан миялари кучайтирилади, чунки *булимус* кўп ҳолларда меъдага сезги келтирувчи [асаб] тармоқларининг [касалликка] ҳамкорлиги туфайли меъда оғзида сезги йўқолиши сабабли пайдо бўлади; бунда бадан [овқатни] истайди-ю, аммо меъда оғзининг ҳисси уни тақозо этмайди.

Йигирма еттинчи фасл. Бундай касалларда тил қорайиши

Уларнинг тилларидаги қораликни қолдирмаслик, уни ўзинг билган нарсалар билан ишқалаб йўқотишинг лозим, акс ҳолда бошга [33] ёмон буғлар кўтарилади ва [касални] *сарсомга* йўлиқтиради.

Йигирма саккизинчи фасл. Бундай касаллардаги «ит ютоқиш»²

Бунини совуқ, ёғли нарсалар ва ширинликлар билан даволайдилар.

Йигирма тўққизинчи фасл. Бундай касалларда юз берадиган беҳушлик

Меъда оғзига сафро қўйилиши сабабли бундай касалларда иситмаларнинг бошланишида гоҳо беҳушлик юз беради; шунда уларга иситма тутишидан илгари ёки тутаетган пайтида анор суви ёки ғўра суви билан бир бурда оқ нон бериш керак. Билгинки, беҳушлик билан

иситма биргалашиб келганда, [олдин] беҳушликни даволаш яхшироқ. Касални овқатлантиришга эҳтиёж туғилганда эса, озгина нонни уч *дирҳам* эски шаробда ёки эски олма шаробида ивитиб берилади; [эски олма шароби] чиқиндиларни тарқатади.

Томирдан қон олиш, кўпинча, беҳушликни кучайтиради, [шунинг учун] енгил ҳуқна [билан бўшатиш] мувофиқроқ. Хилтни қусиб ташлаш, шунингдек, болдирларни бойлаш, оёқ-қўлларни иссиқ сувга солиб туриш [бундай касаллар] учун фойдалидир. Касал ҳар гал ўзига келганида, унга совутилган арпа толқонини анор доналари билан қўшиб бериш эҳтиёт [тадбирлар]дан бўлиб, *улар учун фойдалидир¹.

Ўттинчи фасл. Бундай касалларда нафас қисилиши

Нафас қисилиши уларда ёки нафас [йўллари] мушакларида юз берадиган тиришиш ва қуруқлик сабабли, ёки ҳалқумга тушаётган бўғувчи модда сабабли, ёки нафас аъзоларига келувчи асаблар устидан заифликнинг ғалаба қилиши сабабли пайдо бўлади. [Бу сабаблардан] биринчисини ҳўлловчи марҳамлар билан, иккинчисини томоқ оғриқларига тўсқинлик қилувчи дорилар билан, учинчисини мия мизожини мўътадиллаштириш, бўйинга бирор совутувчи ва ҳўлловчи нарса суртиш билан, || шунингдек, меъда устига қўйиладиган [дорилар], ма- 235 салан, қирилган қовоқ ва семизўтлар, гул ёғи қўшилган сандал ва шунга ўхшашлар билан даволанади.

Ўттиз биринчи фасл. Бундай касалларда кўнгилинг кучли беҳузурлиги

Меъда оғзида ҳосил бўлаётган куйдирувчи хилт сабабли кўнгил беҳузурлиги кўпая берса, [касалнинг] меъдасини ўзинга маълум овқатлар билан совут. Уларни елптиш, оқар сувга яқин совуқ [мизожли ўсимликларни] новда ва шохчалари, совуқ [мизожли] хушбўй нарсалар —нилуфар ва гуллар ёйилган, шунингдек, совуқ [мизожли] хушбўй мевалар ва сандалдан тайёрланган хушбўй сувлар сочилган жойга ётқизиш лозим. Кўпинча, кўнгил беҳузурлигига қовоқ ва бодринг сувидан, семизўт сувидан ёки гулҳамишабахор ширасидан тайёрлаб, гул ёғи қўшилган совуқ [мизожли] ҳуқналар фойда қилади.

Ўттиз иккинчи фасл. Бундай касалларда [овқат] ютишнинг қийинлашуви

Уларнинг овқат ютишлари қийинлашган ҳамда иситма қон бузилишидан бўлган бўлса, томирдан қон олиб озроқ қон чиқарилсин; агар бир оз иштаҳа бўлса, сирка ва коҳу қўшилган [овқат] берилсин, акс

ҳолда фақат арпа суви билан чекланилсин. Ич тўхтаб қолишидан эҳтиёт бўлиш керак. Агар касалда ич тўхташ бўлса, юқоридан ичириладиган сурги дорилардан кўра, кўтариладиган ва ҳуқна дорилар анча дуруст.

Ўттиз учинчи фасл. Бундай касалларда қўл-оёқнинг совуши

Қўпинча, иссиқ ичга уриб, [касалнинг] қўл-оёқлари совуйди; ичга урган иссиқ эса бошга кўтарилади, шунда касалнинг қўл-оёқларини иссиқ сувга солиш ва унга совуқ сув ичирмаслик керак. *Уларни даволаш ҳақида шу айтганимиз кифоя¹.

Ўттиз тўртинчи фасл. Сафродан бўладиган иситмалар ҳақида умумий сўз

Сафродан бўладиган иситмалар уч хил: кунора тутадиган даврий, кунора тутадиган доимий ва куйдирувчи² иситмалардир. Кунора тутадиган иситма³ баъзан холис ўзи бўлиб, фақат холис сафро сабабли келиб чиқади ёки холис ўзи бўлмайди-да, сафронинг балғам билан аралашиб битта бўлиб кетиши туфайли жавҳарп қуюқлашган сафронинг чириши сабабли келиб чиқади. Бу билан [холис ўзи бўлмагани] *шатр ул-ғибб*⁴ иситмасидан фарқ қилади. Чунки *шатр ул-ғибб*ни бирибидан ажралган икки турли модда келтириб чиқаради, [холис ўзи бўлмаган кунора тутувчи иситмани эса] битта, ўз вужуди билан аралашиб кетган модда туғдиради; бу модданинг буғига қандайдир совуқ бир нарса қўшилиб унинг чириши, тарқалиши ва етилишини қийинлаштиради. Шунинг учун *шатр ул-ғибб*да тутиш навбати иккита, холис бўлмаган кунора тутувчи иситмада — битта бўлади. Холис ўзи бўлмаган кунора тутувчи бу иситма баъзан узоқ муддатга — қарийб ярим йилга қадар чўзилади; баъзан у [касал баданининг] салқишига ва талоқнинг катталашшига олиб боради.

Куйдирувчи иситмага келганда, бу доимий иситма туридандир, аммо унинг [34] кучайиш ва кучсизланишдаги тафовути сезилмайди. Бунда юз берадиган белгилар шиддатли бўлиб, унинг сабаби модданинг ўткирлиги ва кўпайишидир. Шундайки, [унинг] моддаси юракка яқин жойда, меъда огзининг томирларида ва, айниқса, жигар атрофида, қисқаси юракка яқин турадиган шариф аъзоларда воқе бўлади, кунора тутадиган иситмада эса сафро гўштда ва терига яқин жойда, кунора тутадиган доимийсида баданнинг юракдан узоқ турадиган томирларига ёйилган бўлади.

Қаттиқ ташналик, беҳузурлик, бетоқатлик, уйқусизлик, алаҳлаш, кўнгил айнаш, оғиз тахирлиги, лабларга учуқ тошиш, лабнинг ёрилиши ва бош огриқлари сафродан бўладиган иситмаларда кўп учраб ту-

ради. Ич кўп ҳолларда қаттиқликка мойил бўлади, чунки модда ҳаракат қилади.

**Уттиз бешинчи фасл. Умуман кунора тутадиган
тиритоус деб аталувчи иситма**

Кунора тутадиган иситманинг тутиш навбати аввало эт увушиб хурпайиш ва игна санчгандек санчиш билан бошланади, сўнг совутади ва жуда кучли қалтиратади. [Бу қалтиратиш] бошқа қалтирашлардан кучлироқ, совуқлиги йўқ ёки камроқдир; бунинг совуқлиги фақатгина ҳароратнинг ичкарига, модда томонга ботишидан бўлади ва бунда [касал] худди игна санчаётгандек санчиқ ҳис қилади. Бундай қалтираш кучли бўлса ҳам тезда тўхтади ва [бадан] қизишга ўтади, бу хил қалтираш сабабларини сен билиб ўтдинг. Кунора тутадиган иситмада қалтираш аввалги кунларда кучлироқ ва шиддатлироқ бўлади, тўрт кунда бир тутадиган иситмада эса бунинг аксичадир. Шунингдек, [кунора тутадиган иситмада] қалтираш зўр қувват билан бошланиб, кейин оз-оз юмшаб, тезда тугайди, тўрт кунда бир тутадиган иситмада эса бундай эмас.

Кунора тутадиган иситманинг [тутиш навбати] тамом бўлиши олдидан тер кўп чиқади, сийдик оловсимон қизил рангли бўлиб, унча қуюқ бўлмайди ёки иситма холис ўзи бўлмаган кунора тутувчи бўлса, хом ёки қуюқ бўлади. Кунора тутадиган иситманинг ҳарорати куйдирувчи иситманинг ҳароратига қараганда бежавотирроқдир; қўлни маълум муддат баданга тегизиб турилганда, алангаланишнинг ортаётганлиги эмас, балки баъзан пасаяётганлиги сезилади. Куйдирувчи иситмада эса алангаланиш ортиб боради.

Кунора тутадиган иситмада қуйидаги [ёмон] ҳолатлар юз беради: бошда оғирлик бўлмай туриб уйқусизлик,— аммо холис бўлмаганининг баъзи турида бош оғирлашади,— ташналик, бетоқатлик, тажанглик ва гап ёқмаслик; томир уриши бошқа иситмалардагига қараганда ўткир ва тез бўлиб, йиғилиш ва ёйилишда бир текис эмас, чунки хилт иситма ниҳоятига етган даврида уни чарчатади ва нотекислигини кўпайтиради. Бу иситмада томир уришининг нотекислиги хилтлардан бўладиган бошқа иситмалардагидан пастроқ ҳамда у қаттиқ бўлиш билан бирга, бошқа иситмалардагидан кўра кичикроқ бўлади. Кунора тутадиган иситмада томир уриши кучлироқ бўлади-ю, аммо кўпинча, бунда бошқа [касалликларга] эмас, фақат иситманинг ўзингагина хос бўлган нотекисликдан бўлак нотекислик бўлмайди. Иситманинг бошланишида, то у [бутун баданга] ёйилмагунча томир уриши албатта қисилган бўлиб, кейин кучаяди, тезлашади ва кетма-кетликка ўтади, аммо унинг нотекислиги унчалик ҳаддан ташқари бўлмайди.

Кунора тутадиган иситмага [қасалнинг] ёши, одати, [турган] шаҳари, ҳунари, [ташқи] кўриниши, йил фасли, шу вақтда кунора тутадиган иситманинг кўп воқе бўлиб туриши далолат қилади.

Кунора тутадиган иситманинг икки [тури] биргалашиб келганда, иситма ҳар куни тутади; шу сабабли тутиш навбатига қараб иситмани белгиловчи киши янглишади; аксинча бошқа далилларга риоя қилиш керак, тутиш навбатлари эса, шу далилларни қувватлайди [холос].

236 Кунора тутувчи иситма билан оғриганларда гоҳо || уйқусизлик ва ёлғизликни севиш пайдо бўлади. Улар, кўпинча, жигарлари олдида [хилт] қайнашини ҳис қиладилар.

Ўттиз олтинчи фасл. Холис кунора иситма билан холис бўлмаган кунора иситма ўртасидаги фарқ

Кунора тутадиган холис иситманинг [моддаси] латиф, енгил бўлиб, унинг тутиш навбати тўрт соатдан ўн икки соатгача бўлган муддатда тугайди ва бу муддатдан кўпга чўзилмайди. Агар бундан анчагина чўзилиб кетса, демак, у холис бўлмаган кунора тутадиган иситма бўлади. Кўп ҳолларда унинг [бир тутиш навбати] етти соатга чўзилади. Бунда бадан тез қизиб боради ва сен оёқ-қўллар ҳали совуқлиги [ҳолда] ҳарорат бадан бўйлаб тарқалаётганини кўрасан.

Шунингдек, холис кунора тутувчи иситмада агар [даволашда] янглишилмаса, тутиш даврлари етти мартадан ошмайди. Баъзан моддасининг латифлиги сабабли, бир тутиш навбати биланоқ тугайди; шу навбат ичида қусиш ёки тозаловчи ич суриш воқе бўлади. Дастлабки кунда ёки учинчи, ёки тўртинчи, ёки еттинчи кунда сийдик (ҳолатидан модда)нинг етилганлиги билинади. Агар иситма етти навбат тутишдан анчагина ошиб кетса, демак, у холис бўлмаган кунора иситма жумласидандир. Қалтираш муддати чўзилганда ҳам шундай бўлади.

Холис кунора иситманинг тутиш навбатларининг зўрайиб бориши ва иситмадан олдин қалтиратиши [ҳар гал] бир тартибда, бир-бирига ўхшашлик сақланган йўсинда бўлади, холис бўлмаган кунора тутувчи иситмада эса, булар турлича ва ноаниқдир. Иситма тутиш навбатларининг бир-бирига ўхшашлиги ва бир чегарада [қайтарилиши] ҳам шундай¹. Иситманинг узоққа чўзилишининг бошқа белгилари [илгари] кўрсатиб ўтилгандекдир. Иситма бошланишида, биз таъриф қилиб ўтгандек, қалтирашни ниҳоятга еганида кўп терлашни кузатсанг, кунора иситманинг холис эканлигига шубҳа қилма.

Холис кунора тутадиган иситма [35] билан оғриган киши сув ичса, бутун баданига ҳўл ёйилади: гўё бадан терлаш олдида туради ва, кўпинча, терлайди ҳам. Холис бўлмаган кунора тутадиган иситмада эса, [сув ичилганда] бошда кўп оғирлик ва тортишиш сезилади, қалтираш ва иситма тутиш навбати токи уларнинг вақти тугал-

ланмагунича чўзилиб, йигирма тўрт ёки ўттиз соатгача етади. Иситма қайси соатда тугаса, шу муддатдан то қирқ саккиз соатга етиш жараёнида сусая боради. Иситма тутиш навбати ўн икки соатдан [қанча] ортиқ бўлса, шунга қараб иситма ҳам холисликдан шунча йироқ бўлади.

Холис бўлмаган кунора тутувчи иситмада модда етилганлигининг белгилари кечикади; касалнинг кўринишида озиш ва дармонсизланиш кузатилмайди. Баъзан кўп терлаш билан [ҳам] иситма тугалмайди ва гоҳо унинг бошланишида кучли қалтираш юз бермайди; ҳарорат ҳам бунда у қадар кучли бўлмайди. Иситманинг зўрайиши бир текисда бўлмай, балки худди зўрайиб олдинга бораётгандек бўлади, сўнг [зўрайиш илгаригидан] эртароқ келади ва камаяётгандек бўлади. Ёмон ҳолатлар бунда кам юз беради.

Ўттиз еттинчи фасл. Доимий тутадиган кунора иситма

Буни иситма навбатларининг кун оралаб кучайиши ва кунора тутувчи иситма белгиларининг шиддатлилигидан билинади. Жолинусликнинг фикрича, иситма қон бузилганида шу қабилга айланади, бу ҳақда кейин яна гапирилади.

Кунора тутадиган холис иситмани даволаш. Иситмаларни сурги ва овқатлар билан даволаш [айтилган бобда] ва [бошқа] ҳамма [иситма] бобларида биз сенга ўргатган усул ва қоидаларни эсга олишинг ва шуларга асосланиб иш кўришинг керак. Иситманинг бошланишида кучли сурги дорилар, ҳалила ва шунга ўхшашларни биз баён қилгандан бошқача йўсинда ишлатишга рухсат берувчи кишининг сўзига эътибор берма, аксинча, аввало, биз ўша ерда¹ айтган нарсалар билан ични юмшатишга шошил. Масалан, қирқ *дирҳам тамр ҳиндий* билан,— уни иссиқ сувда бир неча бор ивитиб, сузилади ва унга шира ёки янтоқшакар қўшилади,— ёки иккала хил анорнинг суви, янтоқшакар ёки уруғи олинган майизлар қўшилган қўйпечак қайнатмаси, янтоқшакар ва шира қўшиб ивитилган олхўри суви билан, ёки гунафша шароби билан, ёки ишланган гунафша билан ични юмшатилади.

Баъзан испағул ширасини айрим шарбатлар билан, масалан, олхўри шарбати билан [қўшиб ичирилса], ични юмшатиб юргизади. Шунингдек, ясиқнинг қўйпечак қўшилган қайнатмаси ёки юмшатувчи ҳуқналар, масалан, гулхайри, жийда, чучукмия илдизи билан Сабистон олхўриси ва гунафша ёғи қайнатмасидан тайёрланган ҳуқналар ёки лавлаги шираси, гунафша ёғи ва бурақлардан ўзинга маълум усулда тайёрланган ҳуқналар билан ични юмшатилади. Буларни **за-рурият муқаррар бўлгандагина қўлланилади**. Арпа суви, бошқа шунга ўхшаш нарсалар ва [маълум] овқатлар ич юмшатиладигандан кейин берилсагина тўғри бўлади, бироқ кунора тутадиган холис иситма-

нинг бошланишида сурги дори ишлатишнинг зарари кўп бўлса ҳам, бошқа иситмада ишлатилгандаги зарардан кўра камроқдир.

Иситманинг уч даври ўтгунча томирдан қон олмасликнинг иложи бўлса, шундай қилинсин; агар касалликнинг қўзғалишидан қўрқиб қон олиб қўйсанг, бунда рўй берадиган хато,— агар у содир бўлса,— бошқа хатолардан кўра аҳамиятсиздир.

Иситма тутадиган куни, зарурат туғилмаса, ҳеч бир хилтни қўзғатмаслик ва мазкур шартлар мавжуд бўлгандагина овқатлантириш керак; сийдикни уруғлар ширасидан бериб юргизилади.

Иситма тутиш навбати етган пайтда касалнинг қорни оч бўлиши, унда бирор нарса бўлмаслиги лозим, аммо иситма тутмайдиган куни эрталаб *сиканжубин* ичириш, ундан икки соатдан кейин арпа суви ичириш керак. Иситма тутиш навбати ўтгач, *сиканжубин* фойдалидир; қолдиқ ҳароратни тортиши сабабли иссиқ сувга оёқни солиб ўтириш ҳам шундай. *Сиканжубинга*, айниқса, [иситмаларнинг] охирида сийдикни юргизувчи совуқлик уруғлар ширасини қўшиш маъқул ишдир; шунингдек, *сиканжубинни* иситма тутишидан уч ёки тўрт соат олдин ичирилади. Иситма тутиб бўлгандан кейин яна арпа суви ҳам ичирилади; снгил тадбир қўллаш керак бўлганда эса, масалан, анор суви, тарвуз суви ва шуларга ўхшаш нарсалар ичирилади. Тадбирни айтиб ўтилган йўсинда аста-секин [ўзгартирилиб] ҳар гал иситма ниҳоятига етишга яқинлашган пайтида латиф овқат берилади. Дастлабки кунларда арпа кашкоби ҳамда совуқ сувга ивитилган нонни шундайлигича ёки унинг суви билан қўшиб едирилади; мош ва ясмиқдан тайёрланган [суюқ] овқат берилади.

237 Ейилган овқат касалнинг меъдасида ачийдиган бўлса, арпа сувини, — || агар у жуда суюқ бўлмаса,— ҳеч ичирилмасин. Уни ичириш зарур бўлганда эса, петрушка илдинининг қайнатмаси билан бир оз кучайтирилсин. Буни ичириш учун меъда совуқлик қилса, иситма у қадар кучли ва холис, кунора тутадиган бўлмаса, арпа сувига, Буқротнинг раъйига кўра, озгина мурч қўшилади. Агар белгилар бухроннинг яқинлигига далолат қилса, арпа суви, *ширин ва нордон-чучук¹ анорларнинг суви ва *сиканжубин* кифоя қилади. Бундай касалларга ёқадиган ҳўл мевалар: [36] ширин ва нордон-чучук анорлар, етилган ва етилмаган олхўрилардир. Тарвуз ҳам жуда фойдали нарсадир; *шу билан бирга², у ични юргизади, сийдикни ҳайдайди, ҳароратнинг кучини синдиради ва терлатади. Баъзан майда хил хушбўй қовунлар³, сабзавотлардан: қовоқ, таррак, бодринг ва сутчўплар зарар қилмайди.

Билгинки, кунора иситмага учраган кишига бериладиган овқат [туридан] кўзда тутилган мақсад ёки [фақат] рутубатлантириш бўлади — бунда иситманинг охирида тоғ каклигининг оёқ-қанотлари, хўроз мояги, агар кўнгил айниш бўлмаса, улоқ мияси ва тухум сариғи бе-

рилади; ёки мақсад совутиш билан бирга рутубатлантириш бўлади; [бунда] масалан, арпа кашкоби берилади. Кучли аланга сезиб, иситманинг куйдирувчи ёки давомли иситмага айланишидан қўрқмасанг, бу иситмада, айниқса унинг дастлабки пайтида, [касал мизожини] ҳаддан ташқари совутиб юборма. Бухрон пайти келиб, сийдик етилганлигининг белгисини, яъни ўзинг билиб ўтган¹ яхши чўкмани кузатсанг, бунда агар даволаш керак бўлмаса [даволама], акс ҳолда сийдикни юргизиш ёки ични суриш, ёки қустириш, ёки терлатишда табиатга ёрдам берадиган нарса билан даво қиласан. Бу ишда табиатга қарши тадбир қўллама ва агар табиатда [бўшалишга] аниқ мойиллик кўрмасанг, сурги қилиб бўшаттир. [Масалан], бир *донақ сақмуниёни* гулобга солиб, ёки билиб ўтганингдек [тайёрланган] *тамр ҳиндий*, янтоқшакар, майиз, илдизлар ва *хиёршанбар* қўшилган ҳалила қайнатмасини [бер]. Шу таркибни шоҳтара, сано ва *сақмуниё* қўшиб кучайтириш сенинг ихтиёрингда.

Табоширдан тайёрланган сурги кулчалар ва қуйидаги таркибда тайёрланган дори ҳам бундай касаллар учун мувофиқ келадиган дорилар [жумласи]дандир: данаги олинган сариқ ҳалиладан тўрт *дирҳам*, новвотдан йигирма *дирҳам* ва *сақмуниёдан* бир *донақ* олиб, [ҳаммасини] совуқ сув билан ичирилади, бунинг кетидан сийдикни юргизувчи дори билан даволанади. Агар кучли ҳарорат билан зўр алангаланиш бўлса ва [касални] бўшатган бўлсанг, ўткир иситмалар тадбирида айтиб ўтилган сўндирувчи кучли дорилардан бир оз ичиришнинг зарари йўқ, баъзан эса шу дорилардан тайёрланган қуюқ суртмалар билан қаноатланилади.

Ҳаммомга тушишга келсак, [касални] модда етилмасдан илгари унга яқинлаштирилмасин, модда етилган ва иситма пасаяётган пайтда эса, бундай касаллар, айниқса одат қилганлар учун ҳаммом энг яхши чорадир. Шу билан бирга, модда етилишидан илгари уларни ҳаммомга тушириб, хато қилиш бошқа [хил иситмада] шундай хато қилишдан кўра беҳавотирроқдир. Бундай касаллар тушадиган ҳаммомнинг ҳавоси мўътадил, ёқимли ва нам ҳаволи бўлсин ва касаллар ҳаммомда юракни алангалантирмайдиган даражада аста-секин терласинлар ҳамда [баданларига] сув билан аралаштирилган бинафша ва гул ёғларини суртсинлар. Улар ҳаммомда кўп турмасдан, тезда чиқишлари керак, ҳаммомда [бир йўла] узоқ туришдан кўра, қайта-қайта тушиш мувофиқроқдир. Ҳаммомдан чиқиш олдида илиқ сувга тушиб, у сув ёқимсиз туюлгунча ичида тура берсалар, бу улар учун мувофиқ келади. Ҳаммомдан чиққандан сўнг кўп сув қўшилган суюқ оқ шароб ичишлари мумкин, [аммо кейин] ўралиб ётишлари лозим, чунки улар қаттиқ терлайдилар ва [шу пайтда] хилтнинг қолдиғи,— агар у мавжуд бўлса,— етилади. Бундан кейин совутиб рутубатлантирувчи овқатлар ва шу сифатдаги сабзавотлар билан овқатлантирилади.

Иситма пасайгандан кейин касалга анчагина сув қўшилган шароб ичиришдан қўрқма, [чунки] сув қўшиб кучи синдирилган шаробнинг қолган қисми тарқатилиши керак бўлган [чиқиндини] тарқатиб фойда етказди, ўзига қўшилган шаробнинг қуввати туфайли сингувчи бўлган сув эса, шаробдаги қиздириш хусусиятини йўқотади ва [баданни] совутиб рутубатлантиради. Агар касалда ташналик, бош оғриғи, уйқусизлик ва бошқа ёмон ҳолатлар мавжуд бўлса, уларни даволаш тартиби сенга айтиб ўтилди; бухрондан кейин ҳам доимий ҳароратдан бир оз қоладиган бўлса, сийдикни юргизувчи ширалар қўшилган *сиканжубин* ёки сийдикни юргизувчи уруғ ва илдиэлар қайнатилган *сиканжубинни* берасан.

Билгинки, кунора тутувчи доимий иситманинг давоси [умуман] кунора тутадиган иситмани даволашнинг ўзидир, аммо буни даволашда моддани етилтиришга, шунингдек, *хиёршанбар* уруғи, сачратқи уруғи, айниқса, шу иккала уруғнинг ёрмаларини қўшиб тайёрланган *сиканжубин* билан [касални] совутишга кўпроқ эътибор берилади; бундан икки соат ўтгач, арпа суви ичирилади. Яна [унинг давосини] овқатни латифлаштиришга, иситма бошланишида енгил ҳуқналар ишлатишга ва сийдикни ҳайдашга қаратилади. Тадбирларни аста-секин қўллаш, иситма бошланишида ва шунга яқин фурсатда бинафша шарбати ҳамда мевалар сувидан бошқа сурги дорилар ичирмаслик керак. Юмшоқ ҳуқналардан бошқа ҳуқна ишлатилмасин.

Холис бўлмаган кунора тутувчи иситмани даволаш. Холис бўлмаган кунора тутувчи иситма давосини кунора тутувчи холис иситма давосидан фарқ қилдирувчи тадбирлар холис бўлмаган иситма ва совуқдан бўладиган иситмалар учун умумий бўлган тадбирлардир; [масалан], гоҳо кунора тутадиган холис иситма билан оғриганларга [37] модданинг етилишини кутмасликка, кутилганда ҳам, кўпинча, иситманинг пасайишини кутмасликка ва ҳаммомга тушишга рухсат берилади. Аммо холис бўлмаган иситма билан оғриганлар учун бу нарса ман қилинган. Чунки ҳаммом етилмаган балғамни чириш жойига қуйилаётган [хилт] билан аралаштириб юборади, бунда ёмон хилт чириган хилт билан аралашиб, натижада суюқ [қисми] тарқалади, қуюқ [қисми] эса қола беради.

- 238 || Ҳар куни овқат бериш ёки озикликка яқин нарсалар билан тадбир қилиш ҳам улар учун зарарли, аксинча, уларни кунора овқатлантириш керак; овқатларига тозаловчи ва озгина қиздирувчи [хусусияти бўлган] нарса қўшиб берилиши, [холис бўлмаган иситмада] касалликнинг бошланишида [бериладиган] овқат кунора тутадиган холис иситманинг бошланишида [бериладиган] овқатга қараганда ғализроқ¹ бўлиши керак; кейин аста-секин [холис] кунора тутувчи иситмада бериладиган латиф [овқатлардан] кўра латифроқ овқат беришга ўтилади. Холис бўлмаган кунора тутадиган иситманинг бошланишида оч қўйиш

тадбирини қўллаш жуда латиф овқат бериш тадбиридан кўра кўпроқ бўлиши, совутиш тадбири эса камроқ қўлланилиши лозим. Касалликнинг бошланишида ўткирроқ ҳуқналар ишлатиш ва кучли сурги дори беришдан олдин [хилтларнинг] кўпроқ етилишини кутиш керак. Биз меъдасида арпа суви ачиб қоладиган киши учун буюрганимиздек, уларга бериладиган арпа сувига ҳам етилтириб тарқатувчи дориларнинг қувватидан, балки ундан ҳам кучлироқ нарса қувватидан ўтказилади; баъзан мизожга қараб, арпа сувида зуфо, каклик ўти, ялпиз ёки сунбулларни қайнатишга эҳтиёж туғилади. Лавлаги улар учун фойдалидир. Нўхат¹ сувини арпа сувига аралаштириб очиш ва касалликнинг охирида нўхат сувининг [ўзини] ичиш ҳам шундай [фойдалидир].

Холис бўлмаган кунора тутувчи иситма холис [иситмага] қанчалик яқин ёки узоқ эканлигига эътибор бериш ва шунга қараб улар ўртасидаги давони бир-биридан фарқ қилиш керак. Агар касаллик холис кунора тутувчи иситмага жуда яқин бўлса, тадбирдаги зиддият ҳам камроқ бўлиши лозим.

Шишадаги [сийдикнинг] қуюқ эканлигини кузатсанг, томирдан қон ол, чунки қон олганиндан кейин ҳуқна ишлатишга эҳтиёж қолмайди; шунингдек, билгинки, бундай [касал]лар учун овқатлангандан кейин қусишдан кўра фойдалироқ тадбир йўқ.

Холис бўлмаган иситманинг бошланишида қайнатилган гулқанд суви ва *сиканжубин* мўътадилликка жуда яқин сурги дорилардан ҳисобланади; баъзан биз бунга *хиёршанбар* қўшамиз; унга турбуд қувватидан ўтказилса, яна ҳам кучлироқ бўлади. Касалликнинг бошланишида ҳуқна ишлатиш, менимча, бошқа сурги дорилардан кўра маъқулроқдир. Бу шундай ҳуқнаки, унда темиртикан, бобуна, лавлаги, маҳсар, бинафша, Сабистон олхўриси ва анжир қуввати ҳамда турбуд ҳиди бўлиши керак; шунингдек, унда *хиёршанбар*, кунжут ёғи ва бурақ ҳам бўлсин. Иситманинг холисликдан узоқлигига қараб, бундан кўра [ўткирроқ] ҳуқна ишлатишга эҳтиёж туғилади.

[Моддани] етилтиришга ёрдам берадиган дориларга келсак, булар, масалан, озгина гулқанд билан аралаштирилган *сиканжубин* ёки маълум илдизлардан тайёрланадиган *сиканжубиндир*; [иситма бошлангандан] етти кун ўтгач, шу [мақсад] учун эрман қайнатмаси берилади, чунки у фойда етказди, моддани суюлтиради ва меъдани кучайтиради. *Сиканжубин* қўшилган арпабодиён ва петрушка сувлари ҳам шундай.

Касаллик ўн тўрт кундан ўтганда қизил гул кичик кулчаларини ичиришнинг зарари йўқ. Касаллик узоққа чўзилганда эса, *гофит* кулчалари ва унинг қайнатмаси кабиларни ичирмай иложимиз йўқ. Қовурға учи атрофларини иссиқ тутиш, қорин деворига етилтирувчи, — агар мавжуд бўлса, у ердаги тортишишни бўшаштирувчи қуюқ суртмалар қўйиб боғлаш ҳам шундай тадбирлардандир. Модданинг етил-

ганлигига ишонч ҳосил қилгач, қўрқмасдан бўшаттир ва сийдикни ҳайда.

Улар учун фойдали бўшатувчи дорилардан бири: *иёраждан* беш *дирҳам*, коҳу шираси ва *ғофитларнинг* ҳар биридан уч *дирҳамдан*, петрушка уруғи ва сариқ ҳалила, Кобул ҳалиласининг ҳар биридан беш *дирҳамдан* ва турбуддан етти *дирҳам* олиб, петрушка суви билан [қўшиб] ҳаб ясалади; бунинг бир ичими — икки *дирҳам*. Биз ясаган яхши фойдали бўшатувчи дори ҳам шулар жумласидандир; *ғофит*, эрман ва Кобул ҳалиласининг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, қовун уруғи, таррак уруғи, бодринг уруғи, петрушка уруғи, қушқўнмас ва оқ қарракларнинг ҳар биридан ўн *дирҳамдан*, турбуддан бир *дирҳам*, *хиёршанбардан* олти *дирҳам*, уруғи олинган майиздан йигирма дона, Сабистон олхўрисидан ўттиз дона, анжирдан ўн дона ва Эрон гулидан тайёрланган гулқанддан ўн беш *дирҳам* олиб, уларни ҳаммасининг оғирлигига баробар сувда¹ одатдаги усулда қайнатилди; бундан бир катта қадаҳдагисини бир *қирот сақмуниё* қўшиб [ичилади].

Баъзан бир важҳдан кучли, [38] бошқа бир важҳдан кучсиз дорига эҳтиёж туғилади: унинг кучлилиги ёпишқоқ хилтни бўшатиши учун кучсизлиги эса бир йўла кўп бўшатмай, балки бўшатилиши зарур хилтни [касалнинг] қувватини кетказмай аста-секин, бир неча марта суриши учун керак. Бу шундай дорики, уни бўлиб-бўлиб ичириш ҳам, бир йўла ичириш ҳам мумкин; шунда унинг оз миқдордагиси ҳам, кўп миқдордагиси ҳам ични юргизади. Ози ёмон хилтнинг озроғини, кўпи эса кўпроғини суради. Қайнатма дориларнинг оз миқдордагиси эса, баъзан ҳеч бир таъсир кўрсатмайди. Шу хилдаги дори мана бу: турбуддан озгина — ярим *дирҳам*, ёки эҳтиёжга қараб, бундан камроқ ё кўпроқ, *сақмуниёдан* бир *тассужга* яқин ёки ундан кўпроқ олиб, айтиб ўтилган гулқанд билан қориштирилади ва ичирилади. Ёки шу [миқдорга] қиёсан дарахт пўкаги ва *сақмуниёдан* олиб, гулқанд билан қориштириб ичирилади ёки шулардан бир *уқия* миқдордагисини янги гул ширасига қўшиб ичирилади, ёки гул шаробига қўшиб ичирилади.

Ўттиз саккизинчи фасл. К а в с у с² деб аталадиган куйдирувчи иситма

Куйдирувчи иситма икки [йўсинда пайдо] бўлади: бири сафродан бўлиб, бунинг сабаби чиришнинг кўплигидир; [чириш] ёки бадандаги 239 ҳамма томирларнинг ичкарасида || ёки, айниқса, юрак теварагидаги томирларда, ёки меъда оғзидаги томирларда ёки жигар томирларида бўлади. [Иккинчиси] балғамдан, яъни Буқрот «Эпидемия» [китобида]

айтганидек, юрак теварагидаги томирларда чириган шўр балғамдан бўлади; шўр балғам, билиб ўтганингдек, балғамнинг сув қисмидан ҳамда ўткир сафродан пайдо бўлади, натижада чириётган сафро оловсимон, тилларанг ва кўп сувлик [рутубат] билан аралашган бўлади.

Куйдирувчи иситма юз берадиган ёмон ҳолатлари билан кунора тутадиган иситмадан кучлироқ бўлганлиги туфайли бунинг муддати кунора тутадиган иситманикидан қисқароқ бўлиши керак.

Куйдирувчи иситма кексаларда кам учрайди. Агар улар бу иситма билан оғрисалар, ҳалок бўладилар, чунки бу иситма уларда жуда кучли бир сабаб туфайлигина юз беради; кексаларнинг қувватлари эса заифдир. Ёшлар ва болаларга келганда, бу иситма уларда кўп учрайди; [аммо] болалар [мизожи] рутубатлилиги сабабли енгилроқ ўтади; буғларни бошга томон қўзғатиши сабабли болалардаги иситмага, кўпинча, қаттиқ уйқу биргалашади. Буқрот айтадики, агар куйдирувчи иситма тутганда кишида қалтираш пайдо бўлса, *бу қалтираш ақл қоришувини кеткизади¹. Бунинг сабаби шунга ўхшайдик, мия жуда қаттиқ қизиб, асабларни ҳам қиздиради ва улар худди куйдираётгандек бўлади; ақл қоришуви эса, қалтираш [пайтида] моддаларнинг асабларга ҳайдалиши сабабли тарқалади, бу иситма, кўпинча, қусиш ёки ичнинг равонлиги ёки терлаш, ёки бурун қонаш билан тугалади.

Белгилари: куйдирувчи иситманинг белгилари, унинг давомли бўлиши, сусайган [вақтларининг] махфийлиги, шунингдек, шиддатли белгилар: тил дағаллиги, унинг аввал сарғайиб, сўнг қорайиши, буҳрондан бошқа пайтда тер чиқмаслиги ва қаттиқ ташналикларнинг юз беришидир. Буқротнинг «бир оз йўтал пайдо бўлса, ташналик босилади» дейишига қараганда, бундай, касаллардаги ташналик ўпка сабабли юз берса керак; ўпка йўтал натижасида бир оз ҳаракатга келса, ғовак этдан оқиб тушадиган рутубат уни ҳўллайди. Куйдирувчи иситмада, кўпинча, ҳарорат [бадан] сиртида эмас, ичкарасида кучли бўлади. Бу иситмада [бадан] шол-шол бўлиши² бошқа иситмалардагидан кўра енгилроқдир.

Сафродан бўлган куйдирувчи иситмада уйқусизлик, бетоқатлик, куйиб-ёниш, ақл қоришуви, бурун қонаш, бош оғриғи, икки чакканинг лўқиллаши, кўзларнинг чуқур тушуви, ичдан нуқул сафро ўтиши ва иштаҳа пасайишидан иборат ёмон ҳолатлар кучаяди. Бундай иситма болаларда пайдо бўлса, улар эмчак эмишни ёқтирмайдилар ва уни қабул қилмайдилар, [эмганда ҳам] эмган сутлари ачиб бузилади.

Куйдирувчи иситмани даволаш. Буни даволаш кунора тутадиган холис иситмани даволашнинг ўзидир. Айтиб ўтилган [дорилар] билан бўшатишга эҳтиёж тушса, [буни бажаришга] шошилиш яхшироқ. Аммо бутунлай [бўшатиш модда] етилганидан кейин ўтказила-

ди. Томирдан қон олиш, бундай касалларни, кўпинча, алангалантиради, аммо агар сийдикда хиралик ва қизиллик кузатилса, фойда қилади. Бироқ жуда латиф тадбир қўллашга ва совутишга ҳамда уларга бериладиган нарсаларни бевосита совутиб беришга эҳтиёж тушади. Агар қувват тушиб кетишидан қўрқсанг, иштаҳаси бўлмаса ҳам, айниқса **[баданидан] кўп нарса тарқалаётган касални овқатлантиришинг** зарур, чунки уларда, кўпинча, *булимус*, яъни [меъда оғзи] ҳиссининг йўқолиши юз беради. Шунингдек, улар иситма бошланишида, [ични] кучлироқ юмшатишга ҳамда [39] юқорида тавсиф қилинган ўткир иситмалар муолажаларининг барча усулларига муҳтож бўладилар.

Иситма бир оз пасайгач, озгина кофур қўшилган *тамр ҳиндий* сувини ичиб олиб, ухлаш гоҳо касалга фойдали бўлади. Бундай касаллар учун *сиканжубин* ёки семизўт уруғининг шираси, ёки сачратқи уруғининг шираси жуда сеvimли нарсадир, тарвуз ҳам улар учун яхши.

Совуқ сув ичиришда биз айтиб ўтган нарсаларга эътибор берилсин ва агар бирор монелик бўлмаса, [касалнинг] ранги кўкариб кетгунга қадар бўлса ҳам ичирилсин. Баъзан ақл қоришуви сувга бўлган талабни унуттиради; шунда [касалга], айниқса кўринишдан тили қуриб қақраган кишига, ҳар вақт оз-оздан кўп қултумлатиб ичирилсин.

Иситманинг ҳаддан ташқари [ёмон] ҳолатларини биз ўз бобида баён қилган усулда даволанади. Ҳаддан ташқари бурун қонашидан сақлаш керак, чунки бундай бурун қонаши касалларга катта зарар етказадиган ҳолатлардан биридир; шунингдек, уларнинг нафас олишларини кузатиб туришинг ва кўкрак атрофларида тиришиш юз беришига йўл қўймаслигинг керак. Бошни сирка, гул ёғи, сандал, гул суви, кофур ва шуларга ўхшашларни ишлатиш ҳамда биз айтиб ўтган нарсалар қайнатилган сувларни қуйиш билан эҳтиёт қилишинг керак. Бундай касалларда уйқусизлик кучайса, уни давола! Шундай ҳолда кўкнор, ҳатто қора кўкнор шаробини ичиришнинг ҳам зарари йўқ, [иситманинг] охирида кофур кулчаси каби дорилар ичириш мос келади. Шу вақтда бодринг уруғи, сачратқи уруғи ва семизўт уруғи ширалари билан қўшилган *сиканжубин* фойдалидир. Буларнинг ҳар биридан икки дирҳамдан, *сиканжубиндан* эса ўзингмаъқул кўришингга қараб йигирма беш *дирҳамдан* ўттиз беш *дирҳамгача* оласан. Агар касалнинг ичи кетаётган бўлса, ични тўхтатувчи *табошир* кулчаларидан берасан.

Яхши кулча¹: *табошир* ва гулнинг ҳар биридан икки ярим *дирҳамдан*, заъфарондан бир *донақ*, семизўт уруғи ва сачратқи уруғининг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, қовоқ уруғи ва таррак уруғининг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, сандалдан бир ярим *дирҳам*, чучукмиянинг қайнатиб қуюлтирилган шираси ва крахмалнинг ҳар бири-

дан бир *дирҳамдан* ва кофурдан бир ярим *донақ* олиб, [кулча яса-лади]; бир ичими — икки *дирҳам* оғирлигида. Яна: гулдан тўрт *дирҳам*, бодринг, || қовун, таррак ва семизўт уруғларининг ҳар бири-дан икки *дирҳамдан*, заъфарондан икки *донақ*, кофурдан бир ярим *донақ*, араб елими, крахмал, катиरो ва чучукмиянинг қайнатиб қуюлтирилган шираларининг ҳар биридан бир *дирҳамдан* [олиб кулча тайёрланади], бир ичими икки *дирҳам* оғирлигида бўлади.

Касалликнинг пасайгани яққол кўринганда суви совуқроқ ҳаммомга туширишнинг зарари йўқ; бундай касаллар ичидан иситмаси шўр балғамдан бўлган кишига ҳаммом ҳаммадан ҳам мос келади.

Ўттиз тўққизинчи фасл. Қондан бўладиган иситма

Жолинуснинг фикрича, бу иситма қоннинг сасиб чиришидан бўлмайди, чунки қон чириганида сафрога айланади, бу эса [энди] қон эмас; шундай бўлгач иситма қон иситмаси эмас, сафро иситмаси бўлиб қолади ва бу мазкур куйдирувчи иситма ёки кунора тутадиган иситма бўлиб, уни ҳам ўшаларни даволагандек даволанади. Жолинуснинг бу фикри Буқротнинг сўзига ва ҳақиқий [ҳолатга] ҳам хилофдир. Янглишишнинг аксари [қадимги табибларнинг] «[қон] чириганда сафрога айланади» деган сўзларидан келиб чиқади, чунки бу сўз икки маънони: бири — ўтин ёнса кулга айланади дейилганидек, [қон] чириганида чиришдан кейин сафрога олиб келади деган маънони, иккинчиси — чўп қизиганида [чирийди ва] кулга айланади дейилганидек, қон чирир экан, чириш вақтида сафрога айланади деган маънони англатади. Бу икки маънонинг ҳар бирини диққат билан текширамиз.

Биринчи маънога келганда, бу уч сабабга биноан ўз асосида нотўғридир. Биринчидан, қон чириган вақтида унинг ҳамма [қисми] сафрога айлана бермай, суюқ [қисми] ёмон сафрога, қуюқ [қисми] эса савдога айланади; иккинчидан, бу [ҳол] чиришдан кейин бўлади, биз эса қоннинг чириш ҳолати ҳақида гапиряпмиз; учинчидан, қон шундан кейин сафрога айланади-ю, аммо биз бу сафрода чириш бор ёки йўқлигини билмаймиз. Чунки кўп нарсалар чирийди ва уларнинг суюқ қисми қуюқ қисмидан ажралади, [аммо] унинг суюқ қисмида ҳам, қуюқ қисмида ҳам, гарчи у [асосан] бирор чириган нарсадан вужудга келган бўлса-да, чириш бўлиши шарт эмас; баъзан чириган нарсадан чиримаган наrsa вужудга келиши ҳам мумкин! Агар чириган нарсадан вужудга келиш, бу вужудга келган нарсанинг ҳам чиришини келтириб чиқарадиган бўлса, кулга айланган қуюқ нарсанинг ҳам чириши лозим бўлар эди ҳамда бунда савдо иситмаси ҳам келиб чиққан бўларди. Биринчи маънодан келиб чиқадиган хулоса шу.

Иккинчи маънога келганда, бу бутунлай ёлгон гап. [40] Гап шундаки, чириш бузилишга олиб борадиган йўл бўлиб, у маълум муддатни [талаб қилади], қоннинг сафрога айланиши эса бирор муддат ичда бўлмайди, балки чириш қонда юз берадиган бузилиш бўлиб, бунда балғам бузилган тақдирда [ҳам] балғамлигича қолганидек, қон ҳам на сафрога ва на савдога айланмай қонлигича қола беради; аммо у чириш тамоман амалга ошиши билан боғлиқ бирор ўзгариш туфайлигина [сафро ёки савдога айланиши мумкин]. Буқротнинг «қон чиришидан, баъзан иситма пайдо бўлади» деган сўзи тўғри фикрдир.

Энди айталикки, қондан бўладиган иситма икки хил: чириш иситмаси ҳамда қизиш ва қайнаш иситмасидир. Буқрот *синхус*, яъни «мутбиқа» деб атаб, худди шу иситмани кўзда тутди; бошқасини эмас! Унинг қизиш қайнаши аксари ҳароратни қамаб турувчи тиқилмалардан ва гоҳо бир кунлик иситма сабабларидан кўра кучайиши зўрроқ бўлган бошқа сабаблардан келиб чиқади. Бунини гоҳо «кучли қовурувчи» деб ҳам аталади; бу хил иситма чиришдан бўладиган иситмалар билан бир кунлик иситмалар ўртасидаги иситмалар жумласидан бўлиб, бунда дастлаб хилт қизиши сабабли бир кунлик иситмалардан ҳамда чириш йўқлиги сабабли чиришдан бўладиган иситмалардан фарқ қилади. Бу бир кунлик иситма ҳам, чиришдан бўладиган иситма ҳам, ингичка оғриқ иситмаси ҳам бўлмай ўткир иситмадир; аммо у, кўпинча, чиришдан бўладиган иситмага ёки ингичка оғриқ иситмасига кўчади. Жолинус бунга, кўпинча, бир кунлик иситма деб қарайди. Жолинуснинг фикрича, қондан бўладиган иситма бошқа иситмалар билан биргалашмайди, чунки чириш қонда бўлганида бошқа ҳамма хилтлар учун ҳам умумийдир. Бу [фикр] Жолинуснинг ўзи тутган баъзи йўлларига қарама-қаршидир. Бу ҳақда сўзни узайтириб ўтиришга аҳтиёж йўқ ва ундан табиб фойдаланмайди ҳам.

Бундай иситманинг сабаби — тўлиқлик ва тиқилмалар бўлиб, у, кўпинча, жисмоний ҳаракат, айниқса одат қилинмаган жисмоний ҳаракатдан ҳамда бўшалмай туриб қаттиқ жисмоний ҳаракат қилишдан келиб чиқади. Гоҳо сувлик меваларни ейиш натижасида қонда сув қисмининг кўпайиши унинг чиришини тақозо этади ва [қондаги сувлик] чиришга ўтади ёки хом хилт чиришни [тақозо этиб], қонни чиришга йўллайди; масалан, таррак, бодринг, нок ва шунга ўхшашлар ейилганда туғиладиган [қон] шундайдир.

Бу иситма доимий бўлади ва моддасининг бутун [баданга] умумийлиги ва ёпишиши туфайли то бухрон ёки ўлим содир бўлгунча кетмайди. Бунинг турлари учта бўлиб, улардан бежавотирроғи камаювчисидир, у бошланишида кучли бўлиб, сўнг тўхтовсиз камая боради, чунки бунда тарқалиш чиришдан кўра кўпроқ бўлади. Бундан кейингиси бир ҳолатда турувчи иситма бўлиб, унинг белгилари баъзан етти кун давомида бир хилда туради; энг ёмони эса зўрайиб борувчи

бўлиб, бунда тарқалиш чиришдан кўра камроқ ва бухрон, кўпинча, еттинчи кунгача [воқе бўлмайди], иситманинг тамомланиши эса, сезиларли ёки сезилмайдиган бўшалиш билан бўлади. Бу иситма гоҳо куйдирувчи иситмага ва *сарсомга* айланади; совутувчи тадбир кўп қўлланиши сабабли гоҳо летаргияга, баъзан эса чечак ва қизамиққа ўтади.

Бу иситмада қаттиқ уйқу, ноғора товушига ўхшаш товуш берувчи қорин кўпчиши пайдо бўлса ва ич суриши кўпчишни пасайтирмаса, [бунда касал] бетоқатланиб, бунга ҳам ич суриши фойда бермаса, сўнг кўкимтир, айниқса япалоқ *ҳасфа* тошмалари чиқса, бу ўлим белгиларидан ҳисобланади.

Белгилари: қондан бўладиган иситманинг белгилари иситманинг доимийлиги, юз ва кўз қизиллиги, бўйин ва чакка веналарининг бўртиб кўпчиши, умумий тўлиқлик бўла туриб,|| ҳайдалиб чиқишнинг йўқлиги ва бухрондан бошқа пайтда терламасликдир. Жолинус бу иситмани, кўпинча, бир кунлик деб қарайди. Унинг фикрича, қондан бўладиган иситмада бурун ва кўз қичийди, нафас қисилади. Кўпинча, бундай касалларда оғир уйқу ва қийналиб сўзлаш содир бўлади, бу ёмон белгидир: шунингдек, томоқ, бодом безлари ва лаклук шишади, кўз ёшланади. Бунда ҳарорат кўп, ҳаммомники сингари ҳўл ва буғли бўлиб, куйдирувчи иситмадагидек қоқ-қуруқ бўлмайди. Томир уриши катта, мулойим, кучли, тўла, тез, жуда кетма-кет, нотекис, бироқ у қадар кўп эмас, нотекислик ва тезликда куйдирувчи ва кунора тутадиган иситмалардагидан сустроқдир. Бунда ҳарорат¹ куйдирувчи ва кучли кунора тутадиган иситмалар ҳарорати чегарасига [бориб етмайди]. Аммо чиришдан бўлганининг ҳарорати ва ёмон ҳолатлари шиддатли бўлади. Бу иситмани даволаш қийин, у кўпроқ куйдирувчи иситмага ўхшаб кетади. Қоннинг суюқ ва қуюқлигига келсак, уни чиқаётган нарсадан билинади.

[Қон] қайнашидан бўладиган *синухус* бошланишида бир кунлик иситмага жуда ўхшаб кетади, лекин унинг ҳароратининг куйдириши ва азияти кам бўлади. [*Синухус*] кўпроқ юрак яқинига таъсир кўрсатади ва ундан алангаланиш ва нафас қисиши келиб чиқади. [Қон] чиришидан бўладиган иситма [бутун баданда] бир текис ёки аксари текисга ўхшашдир.

Бу иситманинг [бошқа хил иситмага] кўчиш белгиларига келсак, булар ўша кўчилган ҳар хил [иситманинг] белгилари [яъни] томоқ оғриғи, ҳалқум ва бодомсимон безлардаги шишлардир; сен уларни билиб ўтдинг. Чечак белгиларини эса келгусида биласан [41]. *Сарсом* белгилари бош оғриғи, ақл қоришуви ва бошқалар бўлиши сенга маълум.

Иситманинг узоққа чўзилиш белгиларига келганда, улар масалан, билиб ўтилган [модда] етилиш белгисининг кечикиши, юзнинг ориқла-

ши ҳамда зўрайиш, тўхтаб туриш ва пасайишлардаги муддат эътибори билан иситманинг ўзгариб туриши, ҳатто [гоҳо] йўқолиб кетгандек бўлишидир. Бу [ҳол] баданнинг¹ хом хилт билан тўлганлигига далолат қилади.

Бухрон муддатига келсак, бунга [модда] етилганлигининг белгиларни далолат қилади: [етилиш] учинчи ва тўртинчи кундан кейинга қолса, еттинчи куни ҳам бухрон бўлмайди. Бу иситманинг бухрони, кўпинча, тўртинчи куни юз беради.

Қондан бўладиган иситмани даволаш. Қондан бўладиган иситмани даволашдан мақсад касал ҳушдан кетишига яқинлашгунига қадар кўп қонни бўшатиш; қон жавҳарини агар у жуда суюқ, сувли ёки сафроли бўлса, қуюлтириш, уни совутиш, тозалаш, агар қон хом хилт туғдирувчи нарсаларни еган кишиларникидек² қуюқ бўлса, уни суюлтириш, шунингдек, иситмани келтириб чиқараётган моддани етилтириш ва тарқатишдир.

Бўшатишга келсак, бунда [иситма] қай вақтда юз берса ҳам бухронни ва етилишни кутиб ўтирмай қўл томиридан қон олишдан [яхшироқ] тадбир йўқ. Бироқ агар меъда бузилган бўлса, бузилган нарсани қуйига тушириб бўшаттир. Шундан кейин ҳам иситма давом эта берса, томирдан қон ол. Томирдан қон олиш беҳушликка яқинлашгунча ёки, агар бадан кучли бўлса, беҳушлик воқе бўлгунча давом эттирилади. Чунки ҳушдан кетиш ҳам кучли мизожни совутади.

Билгинки, томирдан қон олиш ва совуқ сув ичириш, кўпинча, бошқа тадбир қўллашга эҳтиёж қолдирмайди. Агар шошилишга ундайдиган бирор сабаб бўлмаса, қонни бўлиб-бўлиб олиш яхшироқ, чунки, кўпинча, [касални] беҳушликка етказмай қон олиш ҳам етарли бўлиб қолади. Кўпинча, етарли қон олинган вақтда унинг кетидан ичдан сафро ўтиш ва терлаш юз беради, шунда тер кетма-кет чиқиб турсин учун уни доимо артиб туриш лозим; [касал] баъзан шу [терлаш] билан соғаяди. Юз берган кучсизлик ва беҳушликни енгил овқат едириш ва [касалга] ором бериш тузатади.

Ични маълум нарсалар, масалан, ҳар икки хил анорнинг, яъни ширин ва нордон-чучук анорларнинг сувидан тортиб, то шира, *тамр ҳиндий* ва енгил шамчаларгача ишлатиб, доимо юмшатиб туриш керак. Модда етилган пайтда уни ҳалила, шоҳтара, *хиёршанбар* ва шунга ўхшаш маълум нарсалар билан бўшатишга эҳтиёж тушади.

Агар [касал] ҳолати қўл томиридан қон олишни кўтармаса, пешона томиридан қон ол ёки қортиқ қўй! Агар юз берган бирор монелик сабабли булардан ҳеч бирини қўллаш мумкин бўлмаса, куйдирувчи иситмадаги сингари сурги [дорилар] ишлатилади ҳамда очувчи, парчаловчи, [қон] қайнашини тўхтатувчи дорилар билан [қонни] совутилади. Томирдан қон олишдан беҳушлик пайдо бўлса, касалга ёўра су-

ви билан нон едирасан ва агар ўз-ўзидан бурун қонаса, уни [касал] беҳушликка яқинлашмагунича тўхтатмайсан.

Қонни қуюлтиришга келсак, бунга жийданинг қайнатиб қуюлтирилган шираси билан эришилади: юз дона жийдани беш *ритл* сувда, то [сувнинг] учдан бири қолгунича қайнатилади ва шакар билан қуюлтирилади; шакар қанчалик кам бўлса, шунча яхши. Ясмиқ, айниқса, унинг ўткир сирка билан тайёрлангани ҳам шундай. Модда қуюқ бўлганда жийданинг қуюқ ширасини ва ясмиқ жирмини¹ ичиришдан сақлан!

[Қонни] совутиш эса, ясмиқнинг совутилган сувни, сутчўпнинг совутилган суви ва бирор монелик бўлмаганда совуқ сувни ичириш билан бўлади. Баъзан [касалга] то қалтираб кўкариб кетгунигача совуқ сув ичирилади; шунда у гоҳо соғаяди.

[Қондан бўладиган] бу иситма гоҳо балгамдан бўладиган иситмага айланади ва уни гул кулчалари ва шунга ўхшашлар билан даволанади. Бундай даво қадимги табиблардан бири [томонидан ишланган] бўлиб, кейингилардан бири уни ўзига нисбат берган. Арпа суви ичиришга келганда, бу фойдали тadbирдир, лекин уни ич мулойим бўлган вақтидагина ичириш керак. Арпа суви ичиришнинг энг мувофиқ вақти [қоннинг] қаттиқ қайнаган, бетоқатлик, алангаланиш ва кетма-кет хафақонлар вақтидир.

Билгинки, томирдан қон олмай ва сурги ишлатмай совутиш тadbири билан чекланиш тиқилмаларни ва модда қамалишини кўпайтиради || ва бунинг натижасида чириш ва ҳарорат ҳам зўраяди. 242

Қонни тозалашга келсак, бу [касалнинг] қувватли ва заифлиги тақозосига қараб, сафрони сурадиган нарсалар билан ҳамда хом хилтни етилтирадиган нарсалар билан бўлади. Қоннинг чиришига сабаб бўладиган нарса, кўпинча, шу хом хилтдир. [Иситманинг] охирида кофур кулчалари ва табошир кулчалари каби [дори]лар ичирилади.

Жуда яхши кулчалар. *Табоширдан* уч *дирҳам*, семизўт уруғидан беш *дирҳам*, таррак уруғидан тўрт *дирҳам*, қовоқ уруғидан олти *дирҳам*, [араб] елими, катиرو ва крахмалларнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, чучукмиянинг қайнатиб қуюлтирилган ширасидан етти *дирҳам* олинади, шуларнинг ҳаммасидан кулча дорилар ясалади.

Бошқа таркиб, у, хусусан жигар кучсизлигида [фойдали]: гулдан уч *дирҳам*, зирк ширасидан икки *дирҳам*, таррак уруғи, [42] бодринг, қовун, семизўтларнинг уруғи ва *табоширларнинг* ҳар биридан бир *дирҳамдан*, елим, катиرو ва крахмалнинг ҳар биридан ярим *дирҳамдан*, Чин ровочи, заъфарон ва кофурнинг ҳар биридан чорак *дирҳамдан* олиб, кулча дори тайёрланади.

Уларнинг овқатларига келсак, булар чилонжийда оши, нордон қилинган ясмиқ оши, анор оши ва татим ошларидир. Агар булардан биронтаси таъсирида ич тўхтаб қолиши хавфи туғилса, шира ва олхўрилар билан унинг қуввати синдирилади. Яна [касалларга] қовоқ оши, шовил оши, Чин нокининг мевалари, анор ва Шом олмаси [едирилади]; сабзавотлардан қовоқ, таррак, бодринг, сачратқи, боғ таратизаги¹, шовил, кашнич ва шуларга ўхшашлар берилади. Агар бош оғриғи ёки хафақон, ёки уйқусизлик, ёки оғир уйқу, ёки қувватни кетказадиган даражада кўп бурун қонаш ва булардан бошқа ёмон ҳолатлар юз берса, биз сенга ўз жойида билдирган нарсалар билан давола. *Буни қайтариб ўтиришимизнинг кераги йўқ, чунки қайтаришдан фойда чиқмайди².

Қирқинчи фасл. Балғамдан бўладиган иситма

Балғам чиришидан бўладиган иситманинг вақт-вақти билан тутадиган, шунингдек, доимий бўлишини сен билиб ўтдинг. Бунинг сабаби ҳам сенга маълум. Бошқа иситмаларга ўхшаш бунинг турли даврлари бор. Унинг бошланишининг энг қисқа [даври], кўпинча, ўн саккиз кун, кетиши³ эса, кўпинча, қирқ ва олтинч кун орасида бўлади. Бу иситманинг энг бежавотири сусайиши аниқ⁴ бўлгани ва айниқса кўп тер чиқадиганидир — бу модданинг суюқлигига, камлигига ва баданининг ғовақлигига далолат қилади. Бу касаллик даврларининг энг узоғи, гарчи унинг пасайиш даври ҳам кунора тутадиган иситманинг пасайиш давридан узоқроқ бўлса-да, зўрайиш давридир.

Чириган балғам гоҳо шишасимон, гоҳо нордон, гоҳо ширин ва гоҳо шўр бўлади. Шўр балғамдан қандай қилиб куйдирувчи иситма пайдо бўлишини билиб ўтгансан.

Балғамдан бўладиган иситма, кўпинча, [бадани] рутубатли ва ишламай ётадиган кишиларда, кексаларда, болаларда, меъдаси бузуқ, қорин тўқ бўла туриб жисмоний ҳаракат қилувчи ёки ҳаммомга тушувчи кишилар ва нордоп кекирувчиларда бўлади; [тўлиқлик моддаси] меъдага оқиб тушиб у ерда чирийдиган [хилдаги] тўлиқлик воқе бўлган кишиларда ҳам [бундай иситма] келиб чиқади. [Бу иситмада] меъда оғзида оғриқ бўлмаслиги жуда кам учрайди.

Билгинки, совуқ едириб тутадиган ҳар бир иситмада, совуқ томир уришини қисиб кичрайтиради.

Балғамдан бўладиган *имитритаус* деб аталувчи иситманинг [белгилари]. Агар бу иситманинг сабаби шишасимон ёки нордон балғам бўлса, бунда совуқ жуда кучайиб боради; шишасимон балғам бўлганда қалтиратиш кучлироқ, лекин совуқ дафъатан бошланмай, оз-оздан оёқ-қўллардан бошланади, кейин [бадан] худди муздек совуш даражасига етади ва қийинликсиз исмайди: дафъатан, узлуксиз ва кетма-кет исмай, балки оз-оздан совуқ яна

қайталаб туриб исийди. Кўпинча, [иситманинг] бошланиш пайтида совуқ ейишга эт увушиб ҳурпайиш ҳам қўшилади. Совуқ ейиш чириманган [балғам] туфайли, эт увушиб ҳурпайиш эса чириманган [балғам] туфайли юз беради. Унинг совуқ едириши ва қалтираши [иситма] ниҳоятига етган даврларда жуда кучаяди.

Бундай иситма санчиқни вужудга келтирувчи ва ҳайдалиши жиҳатдан [касалнинг] қалтирашига сабаб бўлувчи моддадан туғилмайди. Чунки чириш [бунда] юмшоқ нарсанинг чиришидир. Бу иситма кишини оғирлаштириб, оғир уйқу билан хуруж қилади ва кўп ҳолларда аввалги тутиш навбатларида совуқ едирмайди ва қалтиратмайди, балки [қалтираш] маълум бир муддатга кечикади, аксари бунда совуқ ейиш бўладию қалтираш бўлмайди; кўпинча, у беҳушлик билан бошланади, гоҳо эса [беҳушлик] бўлмайди. Бу касалликда меъда оғзининг кучсизлиги, иштаҳа пасайиши, овқат моддасини тайёрловчи ва қувватни [туғдирувчи бўлган] ўзлаштиришнинг йўқлиги сабабли беҳушлик кўп юз беради.

Шўр балғамдан бўладиган иситмага келсак, унинг тутишидан олдин эт увушиб ҳурпайиш бўлади-ю, [аммо] совуқ ейиш унчалик кучли бўлмайди, чучук балғамдан бўладиганида эса, унинг бундан олдин бошланишидан тортиб токи кўпгина тутиш навбатларигача ҳам эт увушиб ҳурпайиш кам бўлади, совуқ ейиш ва қалтираш бўлмайди.

Балғамдан бўладиган иситма даврларининг аксари беҳушлик билан бошланади; гоҳо бундай иситмада дастлабки пайтларда, ҳарорат шиддатли, охирида эса пастроқ бўлади. Бунга сабаб чириш, аввало чучукроқ, шўрроқ ва суюқроқ [моддада] бўлиб, кейин эса қуюқроқ ва совуқроқ [моддага] ўтиши бўлса керак. Ушлаб кўрилганда ҳарорат аввало кучсиз, буғсимон туюлади, кейин қўлни баданда узоқроқ ушлаб турилса, [ҳароратнинг] баланд ва ўткирлиги сезилади, лекин қўлни қўйиб турилган жойнинг ҳаммасида ҳарорат бир-бирига ўхшаш бир текисда бўлмай, балки бир-биридан фарқ қилади ва бир жойда ўткир ва бир жойда кучсизлиги билинади. Ҳарорат бирор ғалвирсимон нарсдан тозаланиб ўтаётгандек бўлади, чунки балғам ёпишқоқ бўлиб, унинг ҳароратдан таъсирланиб суюлиши ҳам бошқа ёпишқоқ нарсаларнинг қайнаш олдида баъзи ери ёрилиб, баъзи ери ёрилмаганига ўхшаш, ҳар хил бўлади.

[43] Қандай бўлганда ҳам [балғамдан бўладиган иситманинг] ҳарорати кўп ҳолларда алангалантириш, [касални] паришонликка солиш, совуқ ҳаво ва совуқ сувни қўмсашни кучайтириш, шунингдек, устни очиб ташлаш, [ўринда] ағдарила бериш ва чуқур, [кўкракни] кўтариб нафас олишни [исташ] даражасига бориб етмайди. Кўпинча, || 243 ҳарорат анчагина вақт — бир соатдан икки соатгача, — бир даражада туриб қолади ва шунда [иситма] ниҳоятига етди, деб ўйлайдилар,

аммо у ҳануз зўрайиш даврида бўлади, чунки сен уни [қайтадан] зўрайишга бошлаганини кўрасан. [Иситманинг] пасайиш даврида ҳам шундай тўхтаб қолиш ҳоллари бўлади.

Балғамдан бўладиган иситмалар рутубатнинг кўплиги сабабли кўп телчиратади, аммо уларнинг буғлари хилтнинг ёпишқоқлиги сабабли кам терлатади; агар терлатганида ҳам унчалик кўп бўлмаган нарса чиқади. Терлашнинг камлиги ёки йўқлиги бу иситманинг хос белгиларидандир. Балғамдан бўладиган иситмаларда ташналик оз, лекин [балғамнинг] шўрлиги ёки чиришининг шиддатлилиги сабабли [кўп бўлиши мумкин], бироқ шунда ҳам бошқа иситмалардаги ташналикдан камроқдир.

Бу касаллик билан оғриган кишиларда икки биқиннинг кўпчиши кўп учрайди ва гоҳо тортишиш сабабли биқин териси юпқалашиб ҳам кетади.

Балғамдан бўладиган иситма билан оғриган кишининг ранги оқ [нарса] ичидаги кўклик ва сариқликка мойил бўлиб, булар ҳаммаси биргалашиб, қўрғошин рангига ўхшаб кетади ва [бу ранг] иситма ниҳоятига етгунга қадар ҳам [сақланади]; бошқа иситмаларнинг ниҳоятига етиш давридаги қизаришдек [ранг] қизариши бунда кам учрайди.

Томир уришига келганда, у кучсиз, паст ва кичик бўлади. Бошланишида у сийрак, сўнг охирида, кетма-кет бўлиб, кетма-кетлиги ва кичиклиги тўрт кунда бир ва кунора тутадиган иситмаларнинг кетма-кетлиги ва кичиклигидан шиддатлироқ бўлади. Томир уришидаги кетма-кетликнинг шиддатлилиги унинг жуда кичиклиги туфайлидир, лекин у тўрт кунда бир тутадиган иситмага [учраган кишининг] томир уришидан тез бўлмай, баъзан [иситма] бошланишида ундан кўра сустроқ ёки ўшандайдир ҳамда у тартибсиз бўлиш билан бирга, жуда нотекис бўлади. Кичик ёшли ва қувватсиз касалларда томир уришининг нотекислиги кўпроқ. Бу иситмада томир уришидан олинадиган далиллар энг тўғри далиллардандир.

Бундай касалларнинг сийдиги [иситма] бошланишида тиқилмаларнинг кўплиги ва совуқ ейиш сабабли оқ рангли ва суюқ бўлади. Кейин у чириш сабабли қизаради ва етилишнинг ёмонлиги сабабли хиралашади. Кўпинча, сийдик вақт-вақти билан ўзгаради: [фақат] қуюқ модданинг ўзи қолса ва чиригани эриб тарқалиб яна *тиқилма ҳосил бўлса¹, сийдик оқаради, сўнгра [модданинг] кўпгина қисми чириб ҳайдалиб тиқилмаларни очса, сийдик қизаради ва худди ўша [қуюқ] хилт қайтиб келиб иккинчи марта тиқилма пайдо қилгунгача [қизиллигича қолади]. Ахлатга келганда, у юмшоқ, суюқ ва балғамли бўлади.

Иситманинг тутиш навбати ўн саккиз соат, тутмай туриш вақти олти соат бўлиши унинг балғамдан эканлигини кўрсатади. Аммо иситманинг тутмай қўйиши жуда соф тутмаслик эмас, чунки модда қуюқ ва ёпишқоқлиги билан бирга кўпдир.

Иситманинг балғамдан бўлганлигига кишининг ёши, одати, иситма юз берган фасл, мамлакат ва овқатлар ҳамда [иситмадан] илгари содир бўлган меъда бузилиши каби сабаблар ҳам далолат қилади. Бунга яна ташқи кўриниш — юқорида айтилган юз ранги [ўзгариши], юз салқиши, ушлаб кўрганда [терининг] юмшоқ туюлиши ва, шунингдек, меъда оғзининг кучсизлиги ва иштаҳанинг пасайиши далолат қилади. Баъзан бундай иситмада талоқ катталашади; кўп ҳолларда иситмадан анчагина олдин нордон кекирик содир бўлади.

«Ҳўл» деб аталадиган доимий иситманинг белгилари: бунга балғамдан бўладиган иситмалардаги [тутиш навбатларининг] қайтиб кетиши ва қайтганга ўхшаши, бошланишда қалтираш, совуқ ейиш, эт увушиб ҳурпайишлардан [иборат] бошқа барча белгилар киради. Бу иситма ингичка оғриқ иситмасига [бошқа иситмалардан кўра] кўпроқ ўхшайди ва бунда [тутиш навбатининг] сусайиши олти соатдан кейин ва шунга яқин вақтда кузатилади, бу [вақт] даврий иситмадагидан кўра кўпроқдир. Даврий иситмада ҳам [сусайиш] ҳароратнинг қолдиғисиз бўлмаса-да, аммо қолдиқ махфий ва сезилмайдигандир.

Кўп ҳолларда балғамдан, баъзан эса, сафродан ҳам бўладиган, [аммо] савдодан бўлмайдиган ҳамда махсус исм ва ҳукмларга эга бўлган иситмалар. Булар *ифёлу*с ва *лифуриё* иситмаларидир. Бу иккаласи чирийдиган ва чиримайдиган [хилтлар] ўрнининг турлилигига қараб, совуқлик ва ҳароратнинг бадан ичкарасида ёки ташқарисида [сезилишига] биноан фарқ қилинадиган иситмалар жумласидандир. Булар уч турдан иборат: «беҳуш қилувчи хилтдан бўладиган» деб махсус аталган иситма, кундузи тутадиган ва кечаси тутадиган иситмалар.

Қирқ биринчи фасл. Совуқ ичга яширинган ва иссиқ сиртда зоҳир бўладиган иситма, яъни ифёлу с иситмаси

Бу иситма чуқур ичкарилиқда ҳосил бўлиб, ўша турган жойини совутувчи шишасимон балғамдан пайдо бўлади. Лекин бу балғам гоҳо чирийди ва шу чириган [қисми]дан буғ кўтарилиб, бадан юзасига тарқалади ва у ерда алангаланади, чиримаган [қисми] эса [бадан] ичкарасини совутади. Шундай пайтда балғам совуқлигининг бадан сиртида биллнмай туришига сабаб, балғамнинг тинч бўлиши ва унга яқин аъзолар унинг таъсирига кўникиб қолганлигидандир. Унда чириш бошланганида эса, у бутун баданга тарқалиш даражасига етмаса ҳам, [баданга] бирмунча тарқалади.

Белгилари: бунинг белгилари айтиб ўтилган [балғам иситмаси] белгиларининг айнан ўзидир; сийдик [44] совуқ ва хом бўлиб, ҳарорати шу жинсдан бўлган бошқа [иситмалардаги] сийдик ҳарорати-

дан камроқ бўлади. Томир уриши — суст ва сийракдир. Бу иситма ҳар куни шиддат билан тутади, лекин моддасининг қуюқлиги сабабли, кўпинча, тўрт кунда бир ва кунора тутадиган иситмага айланади, чунки бундай модда баданда¹ оз бўлиб, чириши [ҳам] кам, аҳён-аҳёнда бўлади, модданинг камлиги эса, [иситма тутиш] даврини узоқлаштирувчи сабаблардандир. Аммо бу ҳол иситмани балғам иситмалари жумласидан чиқармайди, чунки бу иситманинг балғам иситмасидан ҳисобланиши унинг ҳар куни қайта тутиши сабабли эмас, [балки] чириётган нарса балғам эканлигидандир. Унинг тутиш муддати тўрт соатдан йигирма тўрт соатгача бўлади, лекин кўпинча, бундан илгарироқ тугалади, чунки бунинг моддаси у қадар кўп бўлмайди.

Қирқ иккинчи фасл. Ҳарорат ичга яширинган совуқ эса сиртда зоҳир бўладиган иситма, яъни лифуриё иситмаси

Бундай иситма, кўпинча, балғамдан, баъзан эса жуда қуюқ сафродан ҳам бўлади. Унинг қандай қилиб балғамдан бўлишига келганда шуни айтиш керакки, ичкаридаги балғам қизиб чириган пайтида [турган] жойини қиздиради ҳамда у [эриб] тарқалмаганлиги сабабли 244 ўзидан таралаётган буғлар билан бадан юзасини кўп қиздирмайди. || [Алангаланиш] қуввати азиятланган жойгагина бораётганлиги учун ҳусусан [бадан] юзасида хом, шишасимон совуқ балғам бўлса, бадан сирти иссиқликдан маҳрум ҳамда совуқ бўлади. Бундан ташқари, кўпинча, балғамдан чиримаган буғ тарқалади ва у кўтарилиб ҳароратга қўшилади, ҳарорат бир оз муддат буғ билан биргалашади-да, кейин иситилган сувнинг буғидан ҳарорат ажралганидек, у буғдан ажраллади. Ҳарорат буғдан ажралгандан [кейин] чиришдан илгари аслда жуда совуқ бўлган буғ орқага қайтади ва [бадан] юзаси совуқдир.

Бу хил иситма қандай қилиб сафродан бўлишига келсак, сафро оз ва ичкарида бўлиб, чириса ва турган жойини қизитса ҳамда ундан ҳеч бир нарса ёйилмаса, биз шунга тўғри келадиган балғам ҳақида айтган ҳодиса юз беради. Сафродан бўлган бундай иситмани *тифудис* деб юритилади, аммо *лифуриё* эса [бадан ичи иссиқ, сирти совуқ бўладиган иситмалар] жинсига хос исмдир. Бу иситманинг муддати сафро ва балғамдан бўладиган [аралаш] иситманикидан узоқроқ бўлади.

Бирор шахс: «Ҳарорат юракдан бутун баданга тарқалмаган тақдирда қандай қилиб иситма бўлади? Сиз тавсифлаётган [иситма] ҳарорат юракдан бутун баданга таралмайдиган [иситма]лар қабилидан-ку»,—деб сўрайдиган бўлса, унга жавоб шуки, бундай нарсаларни таъриф қилишда «агар бирор монелик бўлмаса» деган шарт қўйилади. Масалан, сувни, бирор монелик бўлмаганда, уни ўз табиатига қўйиб қўйилиб, совуқ ҳам ҳўл деб таърифланади ёки бирор оғир нарсани

Ўз табиатига қўйилганда қуйига тушувчи деб таъриф қилинади, [шунга ўхшаш] бу иситмаларнинг барчасида ҳарорат юракка етиб, артерияларга йўналади ва [баданга] тарқалади, лекин бунинг тарқалишига айрим жойларда монелик бўлади. Масалан, шу жой — [юрак] устига муз қўйилса, у ҳароратнинг тарқалишига қаршилик кўрсатади. Ҳароратнинг билфеъл зарарига келсак, у албатта [таъсир] кўрсатади.

**Қирқ учинчи фасл. [Кўрсатилган] ҳар икки ҳолат
ҳар икки жойда ҳам воқе бўладиган иситма**

Агар шундай иситма пайдо бўлса, у чириш туфайли иккита совуқ моддадан бири ичкарига, иккинчиси сиртга томон ҳаракат қилган тақдирдагина бўлади. Бу икки моддадан биттаси кўп ва [баданга] тарқалган эмас; кейин бу моддалар чирий бошласа, уларнинг ҳар бири ўзидан иссиқ буғ чиқаради. Бу буғлар модда [ишғол қилган жой] атрофини ўраб [қизитади], аммо [модданинг] жойи эса совуқ бўлади. Совуқ хилт ҳаракат қилаётганда нима учун совутишини билдинг¹.

**Қирқ тўртинчи фасл. Хилтдан бўладиган беҳуш
қилувчи иситма**

Бу иситма, кўпинча, меъда бузилиши [сабабли] хом қолган, [баданга] сочилган ва кўп ҳамда [табиий] қувватни енгиб олган балғам сабабли бўлади; кўп ҳолларда унинг зарар етказишига меъда кучсизлиги ёрдам беради. Балғам ҳаракатга келиб чирий бошлаганда қувватни яна кўпроқ енгади; қувват [худди] ҳайратда қолгандек бўлади: агар қувватни модда билан биргаликда ўз ҳолига қўйилса, [моддага қаршилик қилишга] қувват кучсизлик қилади, агар моддани секинлик билан бўшаттиришга машғул бўлинса, модда бўйсунмайди ёки қўзғалиб қувватни бўғади. Агар сурги ёки томирдан қон олиш каби кучли [тадбир] қўллаб бўшатишга уринилса, қувват буни кўтара олмайди. Модда тинч турганида ҳам [касалда] беҳушлик содир бўла туриб [кучли тадбирни] қандай қилиб кўтара олсин!? Аммо шундай бўлишига қарамай, касалларнинг бўшалишга эҳтиёжлари зўр, шунингдек, уларнинг овқатга бўлган эҳтиёжлари ҳам катта бўлади. Чунки уларнинг хилтларида баданга озиқ бўлиб, уни кучайтирадиган нарса йўқ — баданлари озиқсиздир. Агар овқатланишга буюрсанг, кўтарилаётган модда кўпаяди, овқатлантирмаганда эса, [45] қувват тушиб кетади.

Бу иситманинг бошланишида юракка совуқ модда қуюлиб беҳушлик пайдо қилади ва бунда томир уриши кичик, суст ва тафовутли бўлади. Кейин табиат моддани қиздириб суюлтиришга уринади, модданинг айрим бўлақларини ҳаракатлантираётган чириш бунга ёрдамла-

шади. Шундай қилиб, юрак [балғам] совуқлигининг зараридан қутулади-ю, аммо [унинг] ҳароратининг зарарига дуч келади, томир уриши эса, айниқса қисилиш пайтда тез, гарчи шу билан бирга кичиклик, сустлик ва сийраклиги голиб бўлса-да, тезлиги бошқа [иситмалардагидан] кўра кўпроқ бўлади. Бу иситманинг [тутиш] даври балғамдан бўладиган иситма тутиш даврига ўхшашдир ва у [касалдан] ажралиб кетмайди.

Бу иситмада, кўпинча, юз кўпчийди ва бадан шишади. Қасалларнинг ранглари бир ҳолатда турмай, гоҳо сувсимон ва гоҳо қўрғошинсимон бўлади, баъзан эса сарғаяди ва баъзан қораяди. Уларнинг лаблари [қора] тут еган кишининг лаби сингари бўлади. Бундай касалнинг кўзи хира кўкимтир бўлади, касаллик ҳаяжонга келганда бўғилган кишининг кўзидек жуда иргиб чиқади. Касалнинг қовурға тоғайларининг таги, шунингдек, [барча] ички аъзолари жуда кўпчийди; кўпинча, у нордон қусади. Агар унинг ички аъзоларининг бирор ерида шиш мавжуд бўлса, соғайишга ҳеч қандай умид қолмайди.

Бундай иситма баъзи вақтларда қуюқ сафронинг кўпайиб кетишидан ҳам юз беради; бунда ички аъзолар куйиб ачишади ва касал ўт қусади. Бунинг тутиш давлари кўпроқ балғамдан бўладиган иситма давларига [ўхшаш] бўлади.

Қирқ бешинчи фасл. Нозик ва суюқ [хилтлардан бўладиган] беҳушлик иситмаси

Бу ўткир иситма бўлиб, бир марта ёки икки марта тутишида касалнинг томир уриши ва қувватини тушириб юборади; натижада гавда тезда кўпчийди; бу иситмада [касал] қувватининг [сақланиши] тўрт кунга ҳам бормайди. [Бу иситма], жуда суюқ ва жуда чуқур ўрнашган, жавҳари заҳардек ёмон, баданлари иссиқ ва ўта қуруқ мизожли кишиларда баъзан чиришга бошлайдиган ва кўп қисми сафросимон бўлган суюқ каймуслардан пайдо бўлади. Бундай иситмаларда тутиш навбатларининг аксари кунора келади.

Қирқ олтинчи фасл. Балғамдан пайдо бўлиб, кундузи ва кечаси тутадиган иситмалар

Кундузи тутадиган иситманинг тутиш навбатлари кундузи юз бериб, кечаси қайтади; кечаси тутадиган иситма [навбатлари] эса, бунинг аксича бўлади. Буларнинг ҳар иккаласи ҳам ёмон. Кундузи тутадиганининг [муддати] узоқроқ ва [ўзи ҳам] ёмонроқдир, у муддатининг узунлиги ва кундузи жазирамада пайдо бўлиши сабабли, кўпинча, [касални] ингичка оғриққа йўлиқтиради. Агар у ёмон иситма бўлмаса, тери тешиклари очилиб, буғ тарқаладиган пайтда содир бўлмас эди. У модданинг кўпайиб кучайишидан бошқа сабаб билан пайдо

бўлмайди. Бундай [иситма билан оғриган] касални кечаси овқатлантириш, меъдаси тўла бўлган ҳолда ётиб ухлашга қўймаслик || ва ухламасликка буюриш лозим, булар эса қувватни тушириб юборадиган тадбирлардандир. Иситмалаш кундуз иссиғига, ухламаслик тун салқинига тўғри келиши ингичка оғриққа учрашни қулайлаштиради. Хулоса: бу иситма [иложи] қийин иситмалардан биридир.

Балғамдан бўлган иситмани даволаш. Бу касалликнинг давоси унинг даврларига, яъни бошланиши, ниҳоятига етиши ва пасайишига қараб ҳамда шу вақтларда [модда] етилишининг очиқ-ойдинлиги ёки махфийлигига қараб, шунингдек, иситманинг моддаларига, яъни нордон балғамли, шишасимон балғамли ва шўр ёки чучук балғамли моддадан эканлигига қараб ҳар хил бўлади. Бу иситманинг барча турларидаги бошланиш вақтлари учун уч нарса умумийдир. [Биринчиси] — мўътадил юмшатиш ва қустиришнинг зарурлиги, [иккинчиси] — иситманинг [бошланғич] уч кунни ўтиб, иситма сабабли модда суюлса, суюлтирувчи, парчаловчи ва [сийдикни] юргизувчи дорилар ишлатишнинг зарурлиги; бундан илгари [иситма моддани] қўзғатиб азият етказадиган, лекин бирор [фойдали] таъсир кўрсатмайди. [Учинчиси] — овқат тадбирини мўътадил даражада енгиллаштиришдан фойда кутишнинг зарурлигидир.

Баъзан дастлабки уч кунда модданинг суюқлиги ёки камлиги туфайли иситманинг ниҳоятига етиши яқинлашади деб умид қилиб, арпа суви бериш билан чекланилади. Агар иситманинг кечроқ ниҳоятига етиши аниқ билинса, — гарчи оч туриш, оч ҳолда ухлаш ва оч ҳолда бадантарбия қилишлар [касални] кучсизлантириб юбормаса ва бу касалликда ғоят фойдали бўлса ҳам, — латиф овқат берилмайди. Балки [иситманинг] дастлабки етти кунгача ғализликка яқин бўлган овқат берилиб, сўнг аста-секин [латиф овқатга ўтилади]. Лекин овқатдан фойдаланиш [зарурияти] иситманинг дастлабки пайтларида латиф овқат беришни тақозо этади. Агар иситманинг ниҳоятига етиши узоқ эканлиги аниқ билинса, унинг аввалида ғализ овқат берилиб, кейин ниҳоятига етиш вақтигача аста-секин латиф овқатга ўтилади, чунки вақт бу касалликда шундай тадбирни қўллашга имкон беради, ўтқир иситмаларда эса имкон бермайди. Касаллик еттинчи кундан ошгандан сўнг латиф овқат бериш давом эттирилмасин, чунки бу [касални] кучсизлатиб, меъда оғзи заифлигини зўрайтиради. Ҳаммавақт ниҳоятига етиш даври тобора узоқлашаётганлигини сезганинда, [46] гарчи балғам иситмаларида латиф овқат бериш тўрт кунда бир тутадиган иситмадагидан кўра зарурроқ бўлса-да, овқатни латифлаштиришни борган сари камайтирасан. Шунингдек, агар касалнинг заифланишидан қўрқилмаса ёки [иситма] пасайиши сезилмаса, жўжа гўшти сели, балки музавваралар¹ билан қўшиб нон беришга ҳам шошилмаслик керак.

Кейин шўр ёки ширин балғам сабабли бўлган иситма, шисасимон ёки нордон балғам сабабли бўлган иситмалар бир-биридан фарқ қилинади, нордон балғамли иситмадан қаттиқ совуқ едирадиган *қурумуду*с иситмаси пайдо бўлади, бунда бадан қизнмайди. Аввалги иккита иситмада енгил дори билан [ични] юмшатишга ва бир қадар совутишга, кейинги иккитасида эса кучлироқ дори билан [ични] юмшатишга эҳтиёж туғилади. Аввалги иккита иситмада, гарчи [мизожни] кўп қуритиб юборадиган бўлса ҳам, унча қиздирмайдиган суюлтириб парчаловчи дорилар ёрдамида [хилтларни] ажратишга эҳтиёж тушади, кейинги иккитасида эса қиздириб суюлтирадиган, айниқса балғам савдога аралашган бўлса, ўткирлиги билан ажратадиган дорига эҳтиёж тушади. Шундай пайтда, масалан, *каммуний*, олтингугурт маъжунни ва сертуз овқатлар истеъмол қилишга эҳтиёж тушади.

Бу касалликнинг бошланишида то етти кунгача истеъмол қилинадиган дорилар ичида энг мувофиғи гулқанддир. Талабга қараб, арпабодиён сувини, сачратқи сувини ва петрушка сувини гулқандга қўшиб истеъмол қилишнинг ҳам зарари йўқ. *Сиканжубин* ҳам жуда манфаатлидир, зуфо қўшилган асал суви [ҳам шундай], гоҳо бунинг ёрдамида, айниқса, шакар ва форсий деб машҳур бўлган қизил гулдан тайёрланган сурги дори ёрдамида мўлжалланган даражада ични юмшатишга эришиш мумкин, чунки бу ични юмшатиб сурувчидир. Агар унинг юмшатиш хусусиятини кучайтиришга эҳтиёж тушса, уни қўйпечак сувида ивителиди; хоҳланса [шу таркибга] *хиёршанбар* ёки каллақанд қўшиш ҳам мумкин. Яна янтоқшакар асали билан тайёрланиб, қўйпечак сувида ивитилган гулқанд ҳам [яхши].

Касалликнинг бошланишида, ундан кейин ҳам, айниқса [балғам] моддасига сафро аралашган бўлса, касалга ҳадеб сурги дориларни бераверма, чунки бу мизож бузилишига олиб боради. Кўп кишилар [касаллик] бошланишида ҳар кеча, масалан, турбуд дорисини, ёки ҳар ҳафтада икки марта мастаки ҳаб дорисини ёки масалан [сийдикни] юргизувчи маълум уруғлар ҳаб дорисини берадилар.

Турбуд дорисининг таркиби: занжабил ва мастакининг ҳар биридан ўн [бўлакдан], турбуддан *шуларнинг иккаласича¹ ва новвотдан шуларнинг ҳаммасича олиб, ҳар кеча бир *мисқолдан* ичирилади; ич юмшоқ бўлмаганида шундай [қилинади]. Агар ич ҳар кун икки мартадан келиб турса, бу дорига эҳтиёж тушмайди. Менимча, модда етилишини кутиб туриш ва аввалда айтиб ўтилган нарсалар билан ични юмшатиш яхшироқдир, балки [моддадан] бир озроғини бўшатиб чиқариб, қолганининг етилишини кутиш зарур. Бўшатиш аста-секин оҳисталик билан, оз-оздан, зарарсиз бўлсин ва сўнг сийдикни юргизувчи дориларга ўтилсин; шунингдек, мен меъдани кучсиз қилиб, суюқ моддани сурадиган дориларни — олхўри, *тамр ҳиндий* ва шуларга ўхшашлар сувини [ичиришни] маъқул топмайман. Агар модда ортиқча совуқ бўлса, [бўшатувчи дорига] маҳсарнинг мағзини ара-

қўшилади, агар модда бир оз сафроли бўлса, унга бинафша шарбаби ёки бинафша мураббоси, ёки шира, ёки янчилган қуруқ бинафша қўшилади.

Шунингдек, асал, туз, лавлаги суви ва кунжут ёғидан тайёрланган энгил ҳуқналар ишлат, турп суви билан ёки маълум уруғлар *сиканжубинида* ва шунга ўхшаш [дори]ларда ивигилган турп билан қўшилади. Юз бераётган кўнгил айнишнинг кўплиги ва оғиз таъмининг ўзгариши сабабли кучлироқ қўстиришга эҳтиёж тушса, турп ҳабини ишлат ва ундан бир *миққолчасини* совуқ сув билан ичир. Қўсиш гарчи меъдани заифлаштиради ҳам, жуда манфаатли бўлиб, касалликни кетказди. Қўстириш касалликнинг бошланишида меъдани шиширадиган даражада кескин таъсир кўрсатмасин учун, еттинчи кунгача кутиш керак. Агар касалнинг қўсиши қийин бўлса, уни мажбур қилинмайди. || Агар қўсиш, айниқса, иситманинг бошланиш даврида ўз-ўзидан юз берса ва у зарар қилмаса ҳамда заифлик келтирмаса, уни тўхтатилмайди, акс ҳолда уни беҳи шарбати, боғ ялпизи шарбати ва биз кейин баён қиладиган [дорилар] билан тўхтатилади. 246

Агар бош оғриғи юз берса, бобуналик қўйиладиган дорилар ишлат ва, шу билан бирга, иккала почани қаттиқ қилиб боғлаб [касалнинг] қўл-оёқларини иссиқ сувга сол. Агар арпа суви ичиришга эҳтиёж туғилса, унинг маълум илдизлар билан қайнатилганидан муътадил миқдорда истеъмол қилдир ёки агар меъдада ачимайдиган бўлса, унга асал *сиканжубини* қўш, ачийдиган бўлса, асал сувини қўш. Буни ичиришнинг энг мувофиқ вақти [иситма] бошланишида касалнинг сийдиги рангли бўлган вақтдир. Шунда аввало гулқанд, сўнгра икки соатдан кейин, арпа суви ичириш керак.

Касаллик бошланиш даврида ва баданда қўзғалган хилт мавжуд бўлган пайтда тарқатувчи суртиладиган дориларни суртиш ва суюлтирувчи қўйиладиган дорилар қўйиш керак эмас [47], чунки бу дорилар ўзининг рутубатли қиздириши билан ички аъзоларни бўшаштиради; совуқ сув [ишлатишдан] ҳам эҳтиёт бўлинсин. Ҳар вақт сийдик қуюқ ва қизил эканлигини билганингда, томирдан қон олишнинг зарари бўлмайди, [биноқ] шу пайтда турли *сиканжубинлар* бериш лозим.

Билгинки, уқалаш бундай касаллар учун фойдали тадбирлардандир. Балғам қанчалик ёпишқоқ ва қуюқ бўлса, уқалаш [ҳам] шунчалик фойдали бўлади. Айтишларича, ўргимчак инини зайтун ёғи билан қўшиб [баданга] ишқалаш жуда фойдалидир. *Айниқса, ўргимчак инини илитилган гул ёғида ивигилса ва у билан касалнинг оёқ ва қўллари панжаларини ишқаланса, жуда фойдали бўлади; биз уни бир неча марта тажриба қилиб кўрдик¹.

Касаллик зўрая бошлаганда ва ундан кейин ҳам меъда оғзига ҳамда уни кучайтирадиган дориларга кўпроқ эътибор бер; боғ ялпи-

зи, мастаки ва Рум арпабодиёнидан тайёрланган чайналадиган дориларни [ишлат] ҳамда, биз айтиб ўтгандек, [касални] турп билан қустир ва овқатини камайтир. Шу пайтда ва [касалликнинг] еттинчи кунидан кейин ичирмоқчи бўлган гулқандингга меъда оғзини кучайтирадиган ва сийдикни кўп ҳайдаш хусусиятига эга бўлган нарсалар, масалан, Рум арпабодиёни ва мастаки қўшилган бўлсин, буни, айниқса, касалликнинг бошланишида иссиқ сув билан ичилсин, чунки иссиқ сув қалтирашга, совуқ ейишга қаршилиқ кўрсатади ва, шу билан бирга, қўзғалган ташналикни қондиради. Кўпинча, шу вақтда балғам ва хом [хилтни] бўшатишга рухсат берилади, аммо бунда уларнинг тамоман етилишини кутиш яхшироқ бўлади.

Агар касаллик ҳарорат¹ билан бошланиб кучая борса, унга [қарши] қўйидаги кулча дори фойда қилади: сариқ ҳалила, сабр, *Ғофит* шираси ва эрман ширасининг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, заъфарон ва мастакиннинг ҳар биридан олти *дирҳамдан* олиб, кулча дори ясалади ва бундан ҳар куни эрталаб бир *дирҳам* ва ҳар кечаси ярим *дирҳам* оғирлигида ичирилади.

Модда етилганлиги билинса, унга петрушка ва арпабодиён барги, қорачайир ва *парсийёвашон* илдири кабилар билан ёрдам бер. Агар модданинг жуда совуқ эканлиги маълум бўлса, озгина мурч бериш ва кўп эмас — озгина суюқ шароб ичиришнинг зарари йўқ. Гоҳо суртиладиган тарқатувчи дорилар [моддани] етилтириш ва тарқатишга жуда катта ёрдам беради. Суртиладиган тарқатувчи дорилар бошқа иситмалардан кўра бу касалликка кўпроқ мос келади. [Бироқ] касалнинг қуввати, иситма ва қалтирашнинг [оғир, енгиллигига] эътибор бериш зарур; агар қувват кучли бўлса ва иситма жуда оғир бўлмаса, суртиладиган дориларнинг қуввати орттирилади, акс ҳолда, мўътадилликка яқин латиф ёғлар суртилади.

Касаллик ўн тўртинчи кундан ўтганда кўпроқ арпабодиён ва петрушка каби суюлтирувчи дориларни истеъмол қилмай илож йўқ, кўпинча, бу иккаласининг уруғларига, шунингдек, Рум арпабодиёнига ёки, масалан, зуфо ва тоғжамбил қўшилган маълум уруғлар *сикан-жубинига* ҳожат туғилади. Шунингдек, гул кулчаларини ҳам ишлатадилар, гоҳо меъда сабабли аҳволга қараб уларга кундур елими, мастаки, тўпалоқ, эрман ва шуларга ўхшашлардан қўшниш зарур бўлади. Шу вақтда бундай касалларга суюлтириши, туғма ҳароратни кучайтириши, сийдикни юргизиши ва терлатиши сабабли суюқ шароб фойда қилади. Модда етилаётганини ва қувват [етарли] эканлигини кўрсанг, эрман кулчаларини ичир. *Ундан кейин², тутиш навбатларининг бошланишида совуқ ейиш азият бераётганлигини кузатсанг, гарчи касаллик бошланғич даврдан ўтган бўлса ҳам, петрушка уруғи, Рум арпабодиёни ва чўл ялпизи кабилар қайнатилган иссиқ сув ичирасан ёки шуларга ўхшаш дориларни [ҳатто] булардан кўра кучлироқ

дан] қуйиладиган ва буғлантирадиган ва шуларга ўхшашларни қайнатасан. Гоҳо қаттиқ қалтираш пайтида қуйидаги таркибдаги дори ичирилади: занжабил, каклик ўти ва жувоналарнинг ҳар бирдан уч *дирҳамдан*, кашничдан тўрт *дирҳам*, гул ва ялпизнинг ҳар бирдан уч *дирҳамдан* ва майиздан етти [*дирҳам*] олиб, одатдагича қайнатилади. Бунинг бир ичими уч *уқиядир*.

Модданинг тўла етилганлигини кўрсанг, уни бўшаттир ва кучли дори билан сийдикни юргиз ҳамда *дабид кибрисога*¹ ўхшаш дори ичир, агар модда балғамнинг энг совуқ хилидан бўлса, тарёқ ичирасан; шунингдек, гулдан тайёрланадиган катта кулчаларни арпабодиён суви билан ичириш ва ҳар кеча турбуд дорисини ғофит билан ёки хушбўйликлар билан тайёрланган сабр ҳаб дорисини қўрқмасдан ичириш керак. Қуйидаги қайнатма дори ҳам шундай дорилардандир: *иёраждан* етти, турбуддан ўн, қора ҳалиладан беш, ғофитдан беш, Ҳинд тузидан уч, оқ қаррак ва қушқўнмаснинг ҳар бирдан тўрт, Рум арпабодиёнидан уч [бўлак] олиб, петрушка суви билан қайнатилади ва ундан [48] керакли миқдорда ичирилади. Булардан кўра кучлироқ дори: икки илдиз² ва чучукмия илдизларининг ҳар бирдан ўн, *иёраждан* саккиз, *ғофит* ширасидан || беш, петрушка уруғи ва арпабодиённинг ҳар бирдан тўрт, гул, сунбул ва боғ ялпизининг ҳар бирдан етти [бўлакдан] олиб, кулча дори ясаб истеъмол қилинади. 247

Я х ш и қ а й н а т м а д о р и. [Юқорида айтилган] икки илдизнинг ҳар бирдан ўн [бўлак], тозаланган майиздан етти, Рум арпабодиёни ва мастакиннинг ҳар бирдан уч, қушқўнмас, оқ қаррак ва *ғофитнинг* ҳар бирдан тўрт [бўлакдан] олиб, уч *ритл* сувда то бир *ритл* қолгунича қайнатилади ва бир неча кун наҳорга ичирилади.

Касаллик узоққа чўзилганда ва қалтираш кучайганда фойдали кулча дорилар: *иёраж*, ғофит шираси, эрман, қушқўнмас ва оқ қарракларнинг ҳар бирдан беш [бўлакдан], петрушка уруғи, арпабодиён ва Рум арпабодиёнининг ҳар бирдан уч, нефтли [қора тикан] туздан тўрт, зарпечак уруғи ва Қобул ҳалиласининг ҳар бирдан ўн, дарахт пўкагидан ўн беш, гул кулчаларидан йигирма ва турбуддан ўттиз [бўлакдан] олиб, шуларнинг ҳаммасидан кулчалар ясалади. *Бу фойдали³ сургидир.

Яна [бир таркиб]: сабр, сариқ ҳалила, ровоч илдизи, мастаки, ғофит шираси ва эрманларнинг ҳар бирдан бир бўлакдан ва заъфарондан ярим бўлак олиб, ҳаммасини янчиб истеъмол қилинади.

Яна: *иёраж*, Қобул ҳалиласи ва тузнинг ҳар бирдан тўрт *дирҳамдан*, петрушка уруғи, арпабодиён ва Рум арпабодиёнининг ҳар бирдан бир ярим [*дирҳамдан*], эрмандан беш, гул кулчаларидан уч, қушқўнмас ва оқ қарракнинг ҳар бирдан икки *дирҳамдан* олиб янчиб ва ҳаб дори ясаб *истеъмол қилинса, жуда фойдали бўлади⁴.

Яхши қайнатма дори: ғофитдан беш, чучукмия илдизи, савсан илдизи ва жувоналарнинг ҳар биридан уч, петрушка уруғи ва арпабодиёнинг ҳар биридан тўрт, гулдан беш [бўлакдан] *олиб, маълум усул бўйича қайнатилади; ундан ҳар куни уч *уқиядан* ичирилади.

Яна [бир таркиб]: уч илдизнинг² ҳар биридан ўн, Рум арпабодиёни ва петрушка уруғининг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, қушқўнмас, оқ қаррак, ғофит ва эрманларнинг ҳар биридан беш, хотинак сурпургидан уч *дирҳамдан* олиб қайнатилади; бундан тўрт *уқиядан* ичириб турилади.

Яна: *ғофитнинг* қуруқ чўппи, шоҳтара, қушқўнмас, оқ қаррак ва эрманларнинг ҳар биридан беш, майиздан ўн, сариқ ҳалиладан ўн [*дирҳам*] олиб, дори ясалади. Бу дори [балғами] шўр³ ва сафроси ғолиб бўлган [кишилар] учун мувофиқдир.

Агар дарахт пўкагидан бир *дирҳамгача* ёки биру учдан бир *дирҳамгача* оғирликда олиб, элаки дори қилиб, бир неча кунгача истеъмол қилинса, касалликнинг узоққа чўзилишига тўсқинлик қилади. Уни элаки қилиб ёки асалга аралаштириб ичирилади. [Модда] етилгандан кейин қичитқийт уруғини элаки қилиб ёки асал билан қўшиб истеъмол қилинса, жуда ажойибдир.

[Ични] суриш мақсадида [хилтларни] тортишга келсак, [бунинг учун] дори таркибига жигар кучсизлигида — ровоч илдизи ва зарпечак уруғини, меъда кучсизлигида — мастаки ва Рум арпабодиёнини, талоқ [кучсизлиги] ва қалинлигида — ковул илдизи ва талоқғиёҳни қўшиш лозим. Чунки, кўпинча, бу касалликка талоқ [кучсизлиги] биргалашади ва шу сабабли дорига, кўпинча, тўпалоқ, бон донаси ва сариқ йўнғичқа қўшишга эҳтиёж туғилади. Шу билан бирга, ҳаддан ташқари қиздириб юбормаслик учун иситманинг шиддати ҳам ҳисобга олинади.

Шу касалликда [модда] етилган пайтда ишлатишга эҳтиёж тушадиган кучли бўшатувчи тадбирларга келганда [айтаминики], баъзан турбуд ҳаб дорисининг ичиш [миқдори]ни кўпайтирилади ва кучли ҳуқналар ишлатилади. Қуйидаги ҳаб дори ҳам шулар жумласидандир: мастакидан бир *донақ*, иёраж *фиқродан* ярим *дирҳам*, эрман ширасидан чорак *дирҳам*, Абу Жаҳл тарвuzининг этидан бир *донақ* ва дарахт пўкагидан ярим *дирҳам* олиб, асал *сиканжубини* билан қўшиб ҳаб дори ясалади ва ичирилади. Мастаки ва сабр ҳаб дориси ҳам шулар жумласидандир. Агар модда иссиқликка яқин бўлса, *табошир* сурги кулчаларидан учта кулча, турбуддан бир *мисқол*, *сақмуниёдан* ярим *мисқол*, ғофит ширасидан икки *мисқол* олиб, [касал] қувватига яраша [миқдорда] ичирилади.

Яна: *ғофит*, эрман, *парсийёвашон*, ҳалила, шоҳтара ва тозаланган майизлардан баробар бўлақларни олиб, керакли миқдорда ичирилади. [Касалнинг] гавдаси сургини кўтара олмаса, суюлтирувчи, сийдик-

ни юргизувчи ва терлатувчи тадбирларга мурожаат қилинади; сабрнинг асал билан [қўшилган] ивитами шу пайтда эҳтиёж тушадиган нарсалардандир. [49] Қасаллик пасайгандан кейин, овқатдан олдин ҳаммомга тушишнинг зарари йўқ.

Қасалларнинг овқатига келганда, унинг латифи, масалан, сирка билан зайтун ёғидир. Баъзан, айниқса, касалликнинг охирида, бунга озгина *муррий* қўшилади. Бундан кучлироқ овқат эса, касаллик пасайган пайтда тоғ каклиги, жўжа, каклик ва шунга ўхшаш қўшларнинг гўштаридир. Овқатга, айниқса модда етилганда, сирка, хардал ва *муррий* каби парчалаш хусусияти бўлган нарсалар қўшиш керак. Агар балғам нордон, ёмон ҳамда ёпишқоқ бўлса, бундай касаллар учун гандано ва агар зира, укроп ва зайтун ёғи қўшилса, нўхат шўрваси энг фойдали овқатлардандир. Шунингдек, лавлаги, *муррий*, сирка ва ювилган зайтун ёғидан тайёрланган совуқ овқатлар ҳамда, масалан, ковул, укроп, каклик ўти, болдирғон ва морчўбалар нонхўриши [фойдалидир]. Совутувчи ва рутубатлантирувчи сабзавотлардан сақланилсин! Овқатни иситма сусайганда ёки иситма тутиш навбати ўтгандан кейин яна [қайта] тутишидан тўрт соат илгари берилади — бундан кам эмас!

Қасалларнинг қанча вақт ухлашларига келганда, бу уларнинг уйғоқ [вақтларига] баробар бўлсин: модда ухлаганда етилиб, уйғоқлик вақтида тарқалади. Ҳаммомга тушиш бундай касаллар учун иситма пасайгандан бошқа вақтда жуда зарарлидир.

248

Бундай касалларнинг ҳаддан ташқари қусишларига қарши тадбир. Бунда, масалан, беҳи шарбати ва анорнинг боғ ялпизи қўшилган машҳур шароби билан ёрдам бериш керак. Булардан кучлироқ [тадбирга] эҳтиёж туғилса, нордон анор донидан ўн *дирҳам*, оқ кундур елими ва мастакиларнинг ҳар биридан беш *дирҳамдан* ва [қуруқ] боғ ялпизидан етти *дирҳам* олиб, [шу таркибни] бир неча бўлак [ҳўл] боғ ялпизи солинган икки *ритл* сувда токи [сувнинг] ярми қолгунича қайнатилди.

Бундай касалларда ҳаддан ташқари ич суришига қарши тадбир. Ични тўхтатишга келсак, бу сен билиб ўтган буриштирувчи овқат тадбирлари ва дорилар билан бўлади, ич сургандан кейин, [касалнинг] заифланишига қарши қовурилган жўжа гўшти, товада пиширилган овқатлар берилади ҳамда буғлатиладиган [дорилар] ва қувватни тиклайдиган хушбўйликлар билан чора кўрилади. Юз ва оёқ-қўлларда кўпчиш пайдо бўлса, масалан, мана шу кулча доридан фойда кўрадилар: Рум арпабодиёни ва ювилган *лаккларнинг* ҳар биридан беш, *пўсти арчилган¹ бодом, заъфарон ва хушбўй канавчаларнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, петрушка уруғи, арпабодиён уруғи ва қорачайир гулининг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, *ғофит* ширасидан уч ярим *дирҳам*, сунбулдан олти *дирҳам*, *иёраж фикр*дан

етти *дирҳам* ва гулдан ўн *дирҳам* олиб, шу таркибдан кулча дори тайёрлаб, истеъмол қилинади. Баъзан *амрусийё*, *лакк* дори, ачиқ бодом дори кабиларга эҳтиёж тушади.

Совуқ едириб узоққа чўзиладиган иситмага қарши кулча дори, гулдан ўн, мастаки, сунбул, арпабодиён уруғи, петрушка уруғи, сачратқи уруғи, ғофит шираси ва эрманларнинг ҳар биридан тўрт, *табоширдан* беш [бўлак] олиб, кулча ясалади. Бундан бир *дирҳамдан* икки *дирҳамгача* оғирликда олиб, ўн [дирҳам] гулқанд билан қўшиб, икки уқия миқдордаги арпабодиён қайнатмасига солиб ичилади. Асал билан қорилган жувона бу соҳада жуда фойдалидир.

Баъзан совуқ ейишнинг узаёиб кетишига қарши [баданни] ишқалашга эҳтиёж туғилади. Унинг тартиби шундай: ишқалашни икки елка ва икки човдан бошланади ва ҳарорат қўл ва оёққа тарқалиб, улар қизигунча давом эттирилади. Агар [касал] чарчаганга ўхшаш бирор кайфият сезса, умуртқани ишқалашга ўтилади. Қизиш кучайганидан кейин то [ишқаланаётган аъзо керакли даражада қизигунича ёғ билан ишқалашнинг зарари йўқ; бундан кейин бошқа аъзони [ишқалашга] ўтилади. Буриштириш хусусияти бўлмаган чучук зайтун ёғи, бобуна ёғи ва қўшқават қозонда қайнатилган укроп ёғи фойдали дориладандир. Ёғни ишлатиб бўлгач, беҳузур қилмаслиги учун уни [бадандан] артиб ол. Ёғ билан ишқалангандан кейин қуруқ [қўл] билан ишқаланса, зарари йўқ.

Бобуна ёғи, Рум сунбули ёғи ва укроп ёғи кабиларни суртиш [касалнинг] меъдасини заифланишдан сақлайдиган тадбирлардандир. Оқ савсан ёғи бундан кўра кучлироқ. Бобуна ва бир оз мастакини ўзига икки баробар асал билан қўшилган шаробда қайнатилса, фойдали қуюқ суртмалардан бўлади. Агар касалнинг иштаҳаси пасайса, шароб истеъмол қилинмасин, балки бобуна, хурмо қоқиси *ёки хом хурмо¹, қашқарбеда ва эрманлар солиб қайнатилган шинни истеъмол қилиш яхшироқ.

Балғамдан бўладиган «қўл» деб аталувчи донмий иситманинг давоси. Бунинг иложи ҳар куни тутадиган иситмани даволашнинг ўзидир. Аммо ундан фарқи шуки, бу иситмада суюлтирувчи ўткир дориларни эҳтиётлик билан ишлатиш, *сиканжубин*, гулқанд, асал гулоби, асал суви, [50] арпабодиён ва петрушкаларнинг суви билан чекланиш керак, маълум уч илдизнинг суви [ҳам] тез фойда қилади. Гоҳо шундай касалларга укроп ва ковул нонхўришлари, айниқса, модда етилганлиги белгилари бўлганда, фойда қилади. Касалликнинг узоққа чўзилган ёки чўзилмаганлигини, [касал] қувватининг кучлилиги ва заифлигини кўзда тутган ҳолда уларга юқорида баён қилинган овқат тадбири қўлланилади.

Ҳч [турли доридан таркиб топган] кулчалар¹ улар учун фойдали дорилар жумласидандир. Яна бир тажриба қилинган яхши дори: гулдан олти *дирҳам*, чучукмиянинг қайнатиб қуюлтирилган шираси, шоҳтара ва сунбулнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, мастакидан уч, каҳрабодан уч, Рум арпабодиёнидан икки *дирҳам* [олиб ишлатилади]. *Ғофит* кулчалари ҳам шундай. Унинг таркиби: *Ғофитдан* тўрт *дирҳам*, гулдан биру учдан бир *дирҳам*, *табоширдан* икки ярим *дирҳам*.

Яна: *Ғофитдан* уч *уқия*, гулдан ярим *ритл*, сунбулдан ярим *ритл* ва *табоширдан* тўрт *уқия*.

Эрман кулча дорисининг таркиби: эрман, туёғўт, петрушка уруғи, Рум арпабодиёни, аччиқ бодом, қушқўнмас, оқ қаррак, *Ғофит* шираси, мастаки ва сунбулларнинг ҳар биридан икки [*дирҳамдан*] олиб, *маълум усулда кулча дорилар ясалади².

*Ифиёлус*³ ва *лифуриёнинг* давоси. Бу икки иситманинг давоси илгари баён қилган даволаримизга яқин ва буларнинг иккаласи ҳам [даволаш] йўллари билан бир-бирига яқиндир⁴. Аввало ишни асал ёки шакар *сиканжубинидан* бошлаш керак, шунингдек, гоҳо бу иккаласида асал ёки гул шароби билан қайнатиб қуюлтирилган ғўра ширасини истеъмол қилишга буюрилади. Кейин уруғлар ва уларнинг сувларини ичиришдан, секин-аста сабр ивитмаси, мастаки қўшилган гул кулчалари, сабр ҳаб дориси, *иёраж фикро* ва *Ғофит* кулчалари ичиришга ўтилади. Бу икки иситмада ҳам меъдага эътибор бериб, ловия, турп, укроп ва ялпиз сувлари билан қустириш ва сийдикни юргизувчи дориларни ишлатиш керак. Қора ва сариқ ҳалилалар, турбуд ва шакардан тайёрланадиган дори шу икки хил иситмага қарши фойдали сурги дорилардандир. [Таркибида] маҳсар мағзи, ингичка хотинак супурги, укроп, бобуна, темиртикан, қашқарбеда, *муррий* ва асал бўлган бир оз ўткирликка яқин ҳуқна дорилар шу икки хил иситмада жуда фойдали дорилардандир.

Лифуриёни даволашда бошқа иситмани даволашдагидан кўра кўпроқ эҳтиёт бўлиш лозим.

Балғам хилтидан бўлган беҳуш қилувчи иситмани даволаш. Бу иситмани даволаш қийин. || Буни даволаш тартиби латиф доридан бошлаб то кучли доригача ишлатиб, оҳисталик билан бўшатишдир. Айниқса, ич ўзича юришмаса, сен ҳуқна дорилар билан ичаклар ва уларга яқин томирлардаги чиқиндини тозалаттирасан, [унинг] қолдиғини [чиқаришда] эса, ишқалаб латифлаштириш тadbирини қўллайсан. Жолинуснинг айтишича, у кўпчилик касалларда, ишқалашдан бошқа тadbир билан бўшаттиришдан ожиз қолган.

Ишқалашнинг энг яхши усули иккала сон ва почалардан бошлаб юқоридан қуйига қараб ишқалашдир,— бунда терини шилгудек дағал сочиқлар қўлланилади,— сўнгра иккала қўлни ишқалашга ўтиб,

бунда тери қизийдиган қилиб кифтлардан қўл кафтигача ишқалаб тушилади, бундан кейин орқа ва кўкрак, ундан кейин эса яна қайтадан почалар ишқаланиб, аввалги тартибда қайтарилади. Агар иложи бўлса, [куннинг] ярмини уқалашга, ярмини ухлатишга берилади. Хулоса, уларни даволаш қонуни жуда қиздириб юбормайдиган даражада латифлаштиришдир.

Эрталабки пайтларда асал суви, айниқса, зуфо ёки петрушка уруғининг қуввати ўтказилган асал суви ва шунга ўхшаш суюлтирувчилар бундай касаллар учун фойдали дорилардандир. Агар касалда ҳаддан ташқари ич суриш бўлса, асал сувини кўпроқ қайнатасан, бу оз, мўътадил ва фойдали миқдордан ортиқ бўлмаган даражада суради. Асал *сиканжубини* ҳам уларга фойда қилувчи бўлиб, уни ёз фаслида ва [касал] совуқ сув ичишга одатланган бўлса, совуқ сувга қўшиб берилади, қишда эса *сиканжубини* ичирмаслик, иссиқ сув билангина чекланиш керак. Ёзнинг жуда иссиқ пайти ва ҳарорат безовта қилаётган вақтдан бошқа вақтларда иссиқ ичимликларни ичиш бундай касаллар учун яхшироқ. Ташналикка қарши асал *сиканжубини* ичириш энг мувофиқ ишдир. Касалликнинг бошланишида уларга, айниқса, пситма кучли бўлса, сув қўшилган шароб фойда етказди. Аммо бошланишда, хусусан кексаларда иситманинг кучли бўлиши кам учрайди. [Бундай касаллар] овқатдан кейин шароб ичишлари зарур.

Уларнинг томир уришини доимо кузатиб туришинг керак. Томир уришининг бирдан заифлашиб пасайганини билсанг, ички аъзолардаги бирор шиш монелик қилмаса, нонни сув қўшилган шаробда ивитиб едирасан. Агар бу [касалликка] шу иллат ҳам биргалашса, [51] уни даволаш усули йўқ; [соғайишга] ҳам умид йўқ; мен томир уришида шундай ўзгариш юз берган тақдирда демоқчиман. Бу хил таом беҳушлик зўрайган пайтда эҳтиёж туғиладиган нарсалардандир, аммо унинг кетидан ишқалаш лозим.

Бундай касалларнинг кечаси истеъмол қилиши [керак бўлган] овқатлари арпа сувидир; қувват тушиб кетган тақдирдагина унга бирор нарса қўшилади, шунда ҳам гулоб ёки асал сувида ивитилган нонгина қўшилади.

Ҳаммом, шунингдек, жуда иссиқ ёки жуда совуқ ҳаво бундай касаллар учун энг зарарлидир, чунки иссиқ ҳавода хилтларнинг ўпка, юрак ва мияга оқиб боришидан қутулиб бўлмайди, совуқ ҳаво эса хилтларнинг етилишига тўсқинлик қилиб, тиқилма ҳосил қилишини кучайтиради. Хилтда бир қадар сафро моддаси бўлиб, қусиш осон ва энгиллик билан бўлса, қусиш жуда фойдали; умуман, қусиш бундай касалларга энгиллик келтиради.

Беҳушлик келтирувчи суюқ ингичка [огриқ] иситмасини даволаш. Бунда касалнинг кўкрагига сандал ва гул су-

вининг қуюқ суртмасини боғлаш ва овқат бериб, оҳишта-оҳишта қувватини тиклаш керак. Уларнинг овқати, агар кўнгли кўтарса, масалан, совутилган анор сувида, шунингдек, [бошқа] мева сувларида ивигилган нон бўлсин. Агар касал қувватини кучайтириш учун сирка, ғўра суви, совуқ сабзавотлар, айниқса кашнич билан қўшиб жўжа ғўштидан тайёрланган шимиладиган овқатларга эҳтиёж тушса, бу жуда фойдали бўлади.

Кечаси ва кундузи тутадиган иситмаларнинг тадбири. Бу иккаласининг тадбири, балғамдан бўладиган иситмалар тадбирининг ўзи бўлиб, улардан фарқ қилмайди.

**Қирқ еттинчи фасл. Тўрт кунда бир тутадиган даврий,
яъни титратоус деб аталадиган иситма**

Тўрт кунда бир тутадиган иситманинг аксари даврий бўлиб, доимийси кам учрайди. Тўрт кунда бир тутадиган иситманинг сабабларига келганда, улар савдони туғдириб, кейин чиритувчи [сабаблардир]; буларнинг ҳаммасини билиб ўтдинг. Савдо ёки қон чўкмасидан, ёки куйинди қондан, ёки [куйган] хилтларнинг кулидан [иборат] эканини ҳам биласан. Бундай [савдонинг] бир тури қондан, бир тури балғамдан, бир тури сафродан ва бир тури табиий савдо куйиндисининг [ёлғиз] ўзидан [иборат] эканлиги ҳам сенга маълум.

Баъзи кишилар табиий савдодан тўрт кунда бир тутадиган иситма туғилмайди, чунки савдо чиримайди, деб даъво қиладилар. Бундай гапга қулоқ солиш керак эмас. Аксинча, ҳар бир рутубатнинг табиатида, гарчи уларнинг чиришга бўлган қобилияти фарқли бўлса ҳам, чириш [хусусияти] бордир!

Тўрт кунда бир тутадиган иситма аксари турли касалликлардан кейин ва чириш иситмалари кетидан уларда туғиладиган хилтнинг ҳар хиллиги ва чиринганлиги сабабли пайдо бўлади. Агар бу хилтлар кулга айланса ва бўшатиб кетса савдо кўпаяди, сўнгра чириганида эса, тўрт кунлик иситма пайдо бўлади. Бу иситма, кўпинча, талоқ заифлашишидан кейин пайдо бўлади ва шу билан бирга, у кўп ҳолларда талоқ оғриғи ёки талоқ қаттиқлашиши билан бўлади. Тўрт кунда бир тутадиган иситманинг энг бежавотири талоқ ёки бирор бошқа [аъзо] шишидан бўлмагани ва у билан бирга талоқ шиши мавжуд бўлмаганидир, чунки талоқ шишидан келиб чиққан ёки у билан бирга талоқ шиши мавжуд бўлган тўрт кунда бир тутадиган иситма, кўпинча, истисқо ва сувлик дабба касалликларига олиб боради. Тўрт кунда бир тутадиган иситманинг бежавотири савдодан бўладиган ёмон касалликлар, масалан, меланхолия ва тутқаноқ касалликларидан қутқазади ҳамда [бунда] модда қуруқ бўлганлиги туфайли, тиришиш касаллигидан омон қолади. Бундай иситма кўп ҳолларда бежавотир бўлиб,

агар уни даволашда хато қилинмаса, у бир йилдан ортиққа чўзилмайди. Баъзан, [агар хатога йўл қўйилса] ўн икки йил ёки ундан камроқ-қача чўзилади. Узоққа чўзилган тўрт кунда бир тутадиган иситма иситисқо касаллигига дучор қилади. Билгинки, куз фасли тўрт кунда бир тутадиган иситмага учраган кишининг душманидир.

250 Белгилар. Тўрт кунда бир тутадиган иситма аввало озгина совутиб, кейин совуқ едириши зўраяди, сўнгра балғамдан бўладиган иситмадагига ўхшаш, иситма ниҳоятига етган пайтда озгина камаяди. Бадан қизиган вақтда ҳарорат, гарчи балғам иситмасидаги ҳароратдан кўра кўпроқ ва аниқроқ || бўлса-да, кучли бўлмайди, чунки балғам ҳароратининг алангаланиши қийин ва шу билан бирга, оғир ўтин оловни сингарни ҳисобга олинадиган даражада бўлмайди ҳамда баданнинг ҳаммасини ўраб олмайди, балки бунда шундай ҳарорат юз берадики, ундан эт увушиб ҳурпайиш ва оғирлик ҳис қилинади, холос. Бунинг сабаби хилтнинг ғализлигидир. Совуқ ейиш билан бирга, озгина оғриқ ҳам сезилади, гўё у суюқларни ушатиб юбораётгандек бўлади; бадан қалтираб, тишлар такиллайди, лекин балғам иситмасидагидек бўлмайди. Бу ҳаммаси кўз заифлашишига олиб боради, аммо бу модда етилгач қайтади. Чунки [энди хилтнинг] ёмонлиги камаяди ва касалликнинг бошланишидагидек оз бўлади.

Илгарни [содир бўлган] сабаблар, [масалан], узоқ чўзилган иситмалар, талоқнинг касаллиги ёки унинг оғриқлари тўрт кунда бир тутадиган иситманинг белгиларидандир. Яна мизожнинг ҳолати ва унинг савдовий эканлигини кўрсатувчи далиллар: касалнинг ёши, касаллик юз берган фасл, овқати, касалнинг кўриниши, одати ва шунга ўхшаш нарсалар ҳам тўрт кунда бир тутадиган иситманинг белгиларидан ҳисобланади. Бу иситманинг [бир тутиш] даври йигирма тўрт соат. [52] Кўпинча, бу иситма ёзда кунора тутадиган иситма бўлиб туриб, қишда эса тўрт кунда бир тутадиган иситмага айланади.

Аксари турли [хилтлардан бўлган] иситмалар, улардан кейин қоладиган хилт қолдиқларининг хилма-хиллиги сабабли [муайян] бир тартибга эга бўлмаган аралаш иситмаларга олиб келади. Бу қолдиқ [хилтлар] қатъиян кулга айланган иситма ҳам тўрт кунда бир тутадиган иситмага айланади.

Балғамдан бўлган тўрт кунда бир тутадиган иситманинг тутиш давлари узоқроқ бўлади. Бу [узайиш], кўпинча, давомли иситмадан кейин бўлади; тер кечикиброқ чиқади, сийдик қуюқроқ ва томирлар унча зич бўлмайди. Бу [иситма] кўп ҳолларда балғамдан бўладиган иситмалардан кейин келади.

Қуйган қондан бўладиган тўрт кунда бир тутадиган иситмадан олдин қон [қуйганлигининг] ва қондан бўладиган иситмаларнинг белгилари юз беради ва сийдик қизаради. Бу иситмага касалнинг кўри-

ниши, ёши ва йил фасли ҳам далолат беради. Иситманинг бу хили баъзан кондан бўладиган иситмалардан кейин пайдо бўлади.

Куйган сафродан бўлган тўрт кунда бир тутадиган иситмада томир уриши жуда тез ва кетма-кет бўлади; иситма эт увушиб ҳурпайиш, совуқ ейиш, бадан сирқираши, ташналик ва терлаш билан бошланади. [Касалда] ғазаблилик, қаҳрлилик¹ ва алангаланиш бўлади. Бу хил иситмага яна [касалнинг] кўриниши, ёши ва фасл далолат қилади, баъзан эса унинг сафродан бўладиган иситмалардан кейин келиши далил бўлади.

Тўрт кунда бир тутадиган иситмада хилтнинг қуруқлиги сабабли томир уриши қаттиқликка мойил, худди кекса кишиларнинг томир уришидек ичкарига тортилган ҳамда токи [модда] ҳаракатсиз бўлса, текисликка яқин бўлади; агар [модда] ҳаракатга келса, чиқиндининг ўта ғализлиги сабабли, томир уриши жуда нотекис бўлиб қолади. Иситма [тутиш навбати] енгил тортганда томир уришининг сийраклиги аниқ билиниб туради. Бу ҳол тўрт кунда бир тутадиган иситмага тўла далолат беради. Кўпинча, бунда томир уриши кунора тутадиган иситманинг аксича бўлиб, ёйилиши нотекис, йиғилиши жуда тез бўлади.

Тўрт кунда бир тутадиган иситма [билан оғриган кишининг] томир уриши кичиклик ва кетма-кетликда балғамдан бўладиган иситмадаги томир уришидан яхшироқ, лекин сусайишга келганда ўшанга ўхшаш бўлади. Иситма тутишининг бошланишида томир уришининг сусайиши ва сийраклиги кучаяди, унинг нотекислиги ҳам бошқа иситмалардагидан кўра кўпроқ бўлади, кейин эса катталашишга, кетма-кетликка ва тезлашишга бошлайди.

Тўрт кунда бир тутадиган иситмада унинг ниҳоятга яхши етиш давридан² бошқа ҳамма вақтлари, модданинг совуқлиги ва ғализлиги сабабли сийдикда етилганликнинг йўқлиги жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бўлади, аммо [сийдикнинг] ҳолати ва ранги турлича бўлади, чунки савдо ҳар хил хилтдан туғилади. Қалтирашнинг енгиллиги тўрт кунда бир тутадиган иситмада модда етилганлиги белгиларидан биридир. Сийдик иситманинг бошланишида кўкимтир оқ ва [моддаси] ҳазм бўлмаган хом бўлади, бироқ бошланиш давридан кейин, савдонинг аксари турли хилтлардан туғилладиган бўлганлигидан, сийдик ҳолати ўзгаради ва рангдор бўлади; иситма пасайганда эса, қора рангга ўтади. Тўрт кунда бир тутадиган иситмада тер балғамдан бўладиган иситмадагига қараганда кўп чиқса ҳам, бошқа иситмалардагига нисбатан кўп бўлмайди. Бу иситмада,— агар у савдога айланган сафро натижасида юз берган бўлмаса,— ташналик ортмайди.

Д а в о л а ш. Бу касаллик қондан бўлган савдоданми, балғамдан бўлган савдоданми, сафродан бўлган савдоданми ёки табиий савдоданми³ эканлиги текшириб кўрилади. Ана шундан кейин уларнинг ҳар бирини биз қуйида келтирадиган [тадбир]лардан энг мувофиғини

[танлаб] даволанади. Лекин бу касалликнинг ҳамма тури бир қанча ҳукмларда бир-бирига ҳамкор бўлади, чунончи, [иситма] бошланишида буларнинг ҳаммаси ҳам титратади. Бунда, хусусан, савдо қондан бўлганида, қоннинг ғалаба қилган-қилмаганлигини аниқлаш лозим; агар у ғалаба қилган бўлса, қон олиб, керакли миқдорда [қон] чиқариб ташланади; қоннинг кўпайиб кетганлиги ва ёмонлиги уни кўп чиқаришни талаб қилади. Томирдан қон олишга эҳтиёж бўлмай туриб қон олинса, заифлик келтириши, савдога зид[лик қилаётган] нарсани чиқариб ташлаши ва хилтларни сиртга томон қўзғатиши сабабли зарар етказиши. Иситма бошланишида уни пайдо қилаётган хилтдан бир озроғини тозалаш учун эмас, балки енгиллатиш учун чиқариш [тозим бўлса], уни модда етилган пайтда, яна кейинроқ биз айтадиган йўсинда, иситма тутиш навбатидан бир кун кейин чиқарилсин. [Касалликнинг] бошланишида сийдикни кучли юргизиш керак эмас, бўшаштирувчи дори ишлатиш керак. Ичиладиган дориларни қўллаш сенга маъқул келмаса, уларнинг ўрнига мувофиқ ҳуқна дориларни ишлат, аммо ҳуқна дорилари кучсиз бўлсин, кучли ҳуқна қўллашга эса, касаллик ниҳоятга етган вақтдагина рухсат берилади. Баъзан табиб дадиллик қилиб, касалликнинг бошланишида бир неча марта савдонни кучли суръатда юргизиш, касалликни тубдан йўқотади, аммо бу хатодан келиб чиққан тўғри [натижадир].

Иситма тутадиган кунни [касални] овқатланишдан тийиш, рўза тутишга буюриш ва ўша кунни совуқ сув ичишни ман қилиш керак, бошқа кунларда эса, албатта, тоғ каклиги ёки жўжа гўштини — аввало уч ёки тўрт кунгача тоғ каклиги, кейин жўжа гўштини бериш зарур; бу пайтда жўжа гўшти яхшироқдир.

Иситма тутиш навбати [келиши]дан бошқа кунларда [ишлатиладиган] даво иссиқ сувга ивигилган гулқанд бўлиб, уни ҳар кун икки мартадан бериб турилади ёки уч *дирҳам* [53] гулқандни ўн *дирҳам сиканжубинга* солиб берилади.

Савдо сафродан бўлганида уни чиқариш учун ҳалила ва гунафша
 251 жинсидаги нарсаларни истеъмол қилиш кераклигини сен биласан. ¶ Агар савдо балғамдан бўлса, уни сурадиган дори таркибига, дастлабки пайтларда, турбуд қуввати ўтказилган бўлиши керак, савдодан бўлганда эса, унинг сурги дориси таркибида дастлабки пайтларда чилпоя, девпечак ва шунга ўхшашларнинг қуввати бўлсин. Мазкур қувватларга эга бўлган дориларни ишлатишда пишлоқ суви восита эканлигини биласан. Баъзан унинг ёлғиз ўзини истеъмол қилиш ҳам, айниқса, ҳарорат [бутун баданни] эгаллаб олганида, фойда етказиши. Гулқанд ва унинг қаттиқ қайнатиб, сўнг сузиб олинган суви, айниқса, меъдада кучсизлик бўлганда ёки совуқ хилт ғалаба қилганида пишлоқ суви ўрнига ўтишини ҳам биласан. Қусиш ҳам, айниқса, овқатланишдан олдин,— овқатдан кейин бўлса яна ҳам яхшироқ,— хусусан,

иситма тутадиган куни унинг бошланишидан олдин фойдали тадбирлардандир. Савдо балғамдан бўлган тақдирда қусиш фақат касалликнинг бошланишидагина эмас, ҳар маҳал ҳам фойда қилади.

Шундай қилиб, касалликнинг бошланишида ва модда етилишининг дастлабки пайтларида, то модда етилишни тўла қабул қилгунича, чиқиндиларни кучли қизитувчи ва кучли қуритувчи дори ишлатиб эўр билан бўшаттирмаслик, шунингдек, [касални] овқатсиз қўймаслик, заиф қиладиган сурги бермаслик ҳамда касалликнинг бошланишида заифлаштирадиган даражада латиф тадбир қўлламаслик керак.

Билгинки, тўрт кунда бир тутадиган иситма ёзда ёки қишда бошланса, [чиқиндилар] йўлларининг очилиши ва иситма тез тарқалиши учун аввало *сиканжубин* қўшиб, арпа сувини ичириш керак; иситма тутиб ўтган навбатидан уч ёки тўрт соат кейин ичирилади. Тўрт кунда бир тутадиган иситма қишда пайдо бўлса, [моддани чиқаришда] эҳтиёт бўлиш ва кулча дориларни ҳеч ичирмаслик керак.

Билгинки, совуқ, ҳўл ва ҳазми осон яхши каймусли нарсалар касаллик иситма бўлганлиги жиҳатидан ҳамда [бу нарсалар] савдодаги кайфиятлардан бирига, яъни қуруқликка зид эканлиги жиҳатидан бу касалликка мувофиқ келади. Шунинг учун, бу нарсаларни ҳам улар модда етилишига зарар қилишидан қўрқилмайдиган миқдорда истеъмол қилиш керак, уларга рутубатларини камайтирмай совуқликларини мўътадиллаштирадиган нарсалардан қўшиб истеъмол қилиш лозим. Бу нарсалар — мўътадил иссиқ [мизожли] нарсалардир. Бунда совуқ-қуруқ нарсалардан сақланилсин.

Бундай касалликка мувофиқ келадиган совуқ ва рутубатли нарсалар, масалан, сачратқи, сутчўп, қовун ва баъзан шафтолилардир. Бундай нарсалардан сақланиш лозимлиги, уларнинг сутчўпда мавжуд бўлиб ширин қовунда бўлмаганидек қаттиқ совуқлик [хусусияти] ёки қовунда бўлганидек қонни қуюлтиришга олиб борадиган сийдикни қаттиқ юргизиш [хусусияти], ёки шафтолида бўлганидек, чиришга тайёрлаш [хусусияти] сабаблидир. Буларнинг ҳаммасини назарда тутишинг керак.

Иссиқликда мўътадил ва рутубатлиликда [мўътадилликдан] юқори овқатларга келсак, улар жуда фойдали; айниқса, уларнинг ҳарорати ёрдамида [модда] етилишини мувофиқлаштириш мақсад қилинмай, [аксинча] уларнинг ҳароратини совуқ ва рутубатли нарсалар, масалан, сачратқи ва анжир билан қўшиб мўътадиллаштирилганда шундай бўлади. Ҳароратнинг ғалаба қилишидан қўрқилмаса, касалликнинг дастлабки пайтларида шўр ёки мазаси ўткир ва парчалаш хусусиятига эга бўлган нарсалар истеъмол қилишнинг зарари йўқ; касалликнинг охирида эса, буларни ишлатиш зарурдир. Эрман кулчалари то касалликнинг охиригача фойда беради. Ҳар куни иссиқ сувга тушиб ўтириш, рутубатлантирувчи, терлатмайдиган ва ҳароратни қўзғатмайдиган ҳаммомга тушиш, доимо тинч туриб ором олиш, бадантарбия,

жисмоний ва нафсоний ҳаракатлардан йироқ бўлиш [бу касалликда] фойдали тадбирлардандир.

Бундай иситмаларнинг ҳамма турида ҳам ҳўллоғчи нарсаларга эҳтиёж тушади, аммо улар совутиш ва иситишнинг қанчалик кераклигига қараб бир-бирларидан фарқ қилади. Қуритувчи нарсаларга бўлган эҳтиёж эса, буларнинг қуритиш хусусияти сабабли эмас, балки парчалаш, тозалаш ва ич суриш [хусусияти] сабабдир.

Меъда ҳолатига эътибор бер ва ҳолат тақозосига қараб жуда иссиқдан тортиб иссиқлиги енгил бўлган кучайтирувчи қуюқ суртмаларни ишлат. Шунингдек, жигар ва талоққа ҳам эътибор бер ва шундай тадбир қилгинки, улар қаттиқлашмасин ва шишмасин. Баъзан хилтни тозалашда турп суви ва уруғини *сиканжубинга* қўшиб ишлатишга эҳтиёж тушади; баъзан эса ундан олдин, лавлаги, тузланган балиқ, хардал ва шунга ўхшашлар ейилганда ёрдам беради. Қўпинча, бундан кейин кўп сув ичадилар, сўнгра унинг кетидан *сиканжубин* ичиб, [54] қусиб ташлайдилар. Иситма тутадиган куни [сиканжубинни] истеъмол қилиб, кейин қусиб ташлаш фойдали тадбирлардан бўлиб, у совуқ ейиш, қалтираш ва иситманинг ўткирлиги зарарларидан сақлайди. Ёки [касал] саримсоқ билан асал есин, асал *сиканжубинини* ичсин, тўйиб овқатлансин ва кетидан иссиқ сув ичиб қусиб ташласин. Иситма тутиш навбати ўтгач, касал кечқурун озгина овқат есин, [эртасига] эрталаб ҳаммомга тушсин. Қусиб ташлаш мақсадида касал иситма тутишидан беш соат олдин овқатлансин, чунки бундай тадбир баъзан қустирмаган ҳолда ҳам фойда етказди. Иситма қайси хилдан келиб чиққан бўлмасин, унинг тутиш навбатидан олдин қусиб ташлаш иситма навбатини енгиллаштиради ёки қайтаради.

Иситма тутадиган куни, агар монелик бўлмаса, рўза тутиш, то иситма тутиш пайти ўтиб кетгунича ҳеч нарса емаслик фойдали тадбирлардандир. Иккинчи куни эса, [касал] ҳаммомга тушсин ва агар [модда] етилган бўлса, одатдагича чўмилсин, етилмаган бўлса, хилтни қўзғатадиган даражада эмас, бадан лаззатланиб ҳўлланадиган миқдордагина иссиқ сув қуйишдан бошқа иш қилмасин! Учинчи куни эса, овқатнинг [баданда қолган] ортиқча қисмини ва ҳаммом эритган нарсани [чиқариб ташлаш] учун қусиш тадбирини қўлланилади. Шу билан 252 бирга, иситма тутадиган куни || ҳам қусиш тадбирини қўллаш лозим.

Агар савдо қондан пайдо бўлган бўлса, *бослиқ* томиридан қон олиш, кейин қушқўнмас, оқ қаррак, чилпоя, шоҳтара ва Қобул ҳалиласидан иборат қонни тозаловчи нарсалар ивигилган сурги дори билан енгил бўшатиш фойда қилади. [Иситманинг] бу тури даволашни тез қабул қилади.

Агар савдо сафродан пайдо бўлган бўлса, совутиш ва рутубатлантиришда етук бўлган дорилар ва овқатлар бериш, [касални] ис-

сиқлиги мўътадил сувга ўтқазиб ювинтириш керак. *Қасалликнинг бошланишида¹ гунафшадан тайёрланадиган ёки чилпоя қуввати ўтказилган пишлоқ сувидан тайёрланадиган сурги дорилар билан, ёки девпечакли *сиканжубин*, ёки гул шароби, қўйпечак суви ва *хиёршанбирлар* билан ични юмшатилади. Аммо ични бутунлай юргизиш, кўпинча, [иситма бошлангандан] йигирма кундан кейин бўлади, чунки етилиш савдо сафродан пайдо бўлганида шу йигирма кунда аниқ кузатилади. Сўнгра аста-секин [хилтларни] суюлтирувчи ва ажратувчи тадбирлар қўллашга ўтилади. Қасалнинг меъдасини тузатиш зарур бўлса, бобуна, эрман барги, қашқарбеда ва шуларга ўхшашлардан қувватли бўлмаган ёғлар ва суюқ суртмалар ишлатилади. Кўп рўза тутиш, ҳатто [иситма тутиш] даври [келган] куни ҳам рўза тутиш, гарчи иситма тутадиган куни бирор арзимас овқатдан озгина едириш билан чекланилса-да, баъзи вақтларда бу касалликка мувофиқ келмайдиган тадбирлардандир.

Бинафша солиб қайнатилган *сиканжубинга* қўшилган ҳалила, девпечак ва саноларнинг қайнатмаси бундай [иситмада] қустирувчи фойдали дорилардандир. Қасалнинг кўнгли айниса, баъзан, айниқса иситма тутадиган куни, наҳорга ангуза ичирилади.

Агар савдо балғамдан бўлган бўлса, петрушка, арпабодиён ва шуларга ўхшашларнинг суви билан асал *сиканжубини*² ичирилади, агар касалликнинг бошланишида ични юмшатишга эҳтиёж тушса, *сиканжубинга*, масалан, турбуд ва чилпоя каби балғамни юргизадиган дори қувватини аралаштир, сўнг аста-секин дарахт пўкагини ишлатишга ўт, шунингдек, то модда етила бошлагунча маълум уруғлар қўшилган асал *сиканжубини* ва шунга ўхшаш дори билан [касални] қустир.

Меъдани қиздирадиган ва қўйиб боғланадиган дориларни кучлироқ нарсалар, ҳатто хурмо, анжир ва шунга ўхшашлардан [тайёрланади]; шунингдек, иссиқлик ёғлар, ҳатто қуст ёғи суртилади. Баъзан оқ харбақ қуввати ўтказилган *сиканжубин* билан қустиришга эҳтиёж тушади, ҳатто баъзан оқ харбақни турп билан ёки харбақ қувватини турпга ўтқазиб ёки қувват заифлашишидан қўрқилмаса, харбақнинг ўзини беришга тўғри келади.

Агар савдо қон қуйқасидан пайдо бўлган [табiiй] савдонинг ўзидан бўлса, касалликнинг бошланишида қўйпечак суви ва каллақанд билан сурги қилиш уни тузатади; асал ва шакар гулқандини еса ҳам тузатади; касалликнинг охирида эса сариқ ва қора ҳалила, шоҳтара ва майиз қайнатмаси кабилар билан бўшаттирилади. Қасаллик [моддаси] етилса, бу пайтда томирдан қон олиш ҳам ўринли ва фойдали бўлиб, *бослиқ* томиридан олинади. Қасални овқатлантиргач, вақт ва эҳтиёжга қараб қаттиқ ёки енгил қустирилади. Қустиришни давом эттириш асосий тадбирдир; шунингдек, дори ва кучли ҳуқналар билан [моддани] бўшаттириш керак. Шундай вақтда истеъмол қилинадиган

дорилар: девпечак, чилпоя, дарахт пўкаги, Рум райҳони, ювилган ва ювилмаган арман тоши ва ложувард, асал шароби қўшилган панжангушт баргининг сувидир. [55] Кўпинча, қора харбаққа эҳтиёж тушади, баъзан эса сафродан бўлган савдо [иситмасида] сано ва шоҳтарани девпечакка қўшиб бериш кифоя қилади; *сиканжубин* [ичириб] қустирилади, кейин сийдикни юргизилади. [Ич] бўшатиладиган кейин, балғамдан ва савдодан бўлган иситмаларда тарёқ, *митридат*, ангуза ва олтингугурт дориси ичирилади. Мурчнинг ёлғиз ўзини сув билан ичирилади. Хардалга ўхшаш дорилар доимо ишлатила бермай, балки ҳар уч кунда, касалликнинг дастлабки пайтларида эса, яна ҳам узоқроқ муддат [оралатиб] истеъмол қилдирилади. *Фаллофилий* ва шунга ўхшаш *жуворишинлар* ҳам шу хилда [ишлатилади].

[Касаллик] етилмасдан илгари буларнинг бирортасини ҳам ишлатишга шошилма, чунки касалликнинг бошланишида тарёқ ва шунга ўхшаш дори ичирсанг, тўрт кунда бир тутадиган иситманинг бир турига иккинчи турини қўшиб қўясан, баъзан эса, айниқса қишда, бошқа касалликларни ҳам жалб қиласан. Касалликнинг охирида томирлардан қон олиш зарур бўлса — ола бер.

*Фозил ҳаким¹ Жолинос: «Модда етилгандан кейин сурғи дори, ундан кейин эрман шираси, сўнгра тарёқ ичириб тўрт кунда бир тутадиган иситмага учраган кўп кишиларни соғайтирдим»,— дейди. Мен айтаманки, етилиш маълум бўлиб, иситма ниҳоятига етган пайтда ангуза ва мурчлар айрим-айрим ишлатилса, жуда фойдалидир. Қасалга майда тузланган балиқ, сут² ҳамда ковул, хардал ва *муррийлар* нонхўриши ва кучли суюлтириш қувватига эга бўлган ҳамма нарсалар ҳам фойда беради.

Баъзан касалга қирқинчи кундан кейин ҳар куни эрталаб, шунингдек, иситма ўткир ва модданинг асоси сафро бўлмаганида ҳар кун кечқурун кунор меваси оғирлигида ангуза дорисидан ичиришга [эҳтиёж] тушади.

Шу вақтда ва иситма пасайгандан кейин ишлатиладиган фойдали кулча дорилардан бпри мана шу сифатда тайёрланган кулчадир: *ғофит* шираси ва заъфароннинг ҳар бирдан уч *дирҳамдан*, талоқғиёҳ, *лакк*, аристолохия ва *табоширларнинг* ҳар бирдан беш *дирҳамдан*, шовил уруғи, семизўт уруғи, гул, сунбул, зарпечак уруғи, Рум арпабодиёни, петрушка уруғи, || ковул илдизи, бон меваси ва арпабодиён уруғларининг ҳар бирдан тўрт *дирҳамдан* олиб, бу таркибни петрушка суви билан қориштириб, кулча дори ясалади; уни арпабодиён, сачратқи ва зарпечак суви билан ичирилади.

Қуйидаги дори модда етилган пайтда кўп жиҳатдан фойда беради: *муррдан* йигирма етти *дирҳам*, сунбулдан ўн уч *дирҳам*, тоғ петрушкасидан ўн беш *дирҳам*, Рум арпабодиёнидан ўн *дирҳам*, назла ўти, қуст ва қорачайир гулининг ҳар бирдан беш *дирҳамдан* олиб,

ёки шароб ёки занжабил асали билан қориштирилади. Бунинг бир ичими бир *жавза* оғирлигидадир.

Гоҳо тузалиб келаётган касалларга касалликнинг охирида, уларнинг азият тортишлари камайиб, аммо модда суйилганлиги билан бирга ҳарорат [ҳали] кучли бўлса, қуйидаги таркибдан [тайёрланган] дори ичирилади: мингдевона уруғи ёки меҳригиёҳдан бир *қирот*, ангузадан уч *боқилага* яқин; яна шунга ўшаш таркиб: боғ ялпизидан тўрт *мисқол*, қичитқўт уруғидан йигирма *мисқол* ва афюндан бир *мисқол* олиб, жуда кичик кулчалар ясалади; бунинг бир ичими бир *дирҳам*.

Етилганлик белгилари кўрингандан то касалликнинг охиригача бундай касаллар истеъмол қиладиган яхши дори: Ғассон ёки Ҳирот майизи, ёввойи саримсоқ ва ҳўл миртанинг ҳар бирдан бир бўлакдан олиб, аввал сувда ивитилгандан кейин яхшилаб қайнатилади, сўнг [сузиб] тозаланади ва бундан бир *уқия* оғирлигида ичирилади. Яна: петрушка уруғи, арпабодиён ва ёввойи зираларнинг ҳар бирдан беш *дирҳамдан*, каклик ўтининг ёввойи хили ва ғофитнинг ҳар бирдан етти *дирҳамдан*, жувонадан тўрт *дирҳам*, қушқўнмасдан уч *дирҳам* ва майиздан ўн *дирҳам* олиб, уч *ритл* сувда бир *ритл* қолгунча қайнатиб [ишлатилади].

Бундай касаллар учун яхши дорилардан бири: жувона, сунбул ва ялпизларнинг ҳар бирдан ўн *дирҳамдан*, қора зира ва Рум арпабодиёнининг ҳар бирдан етти *дирҳамдан*, ангузадан беш *дирҳам*, занжабилдан тўрт *дирҳам*, Цейлон дорчинидан уч *дирҳам* олиб, [бу таркибни] етарли миқдордаги асал билан қориштирилади; бир ичими бир *дирҳам* бўлиб, петрушка ва арпабодиён суви билан ичирилади.

Яна бир кулча дорининг таркиби: *ғофит* ширасидан ўн бўлак¹, талоқғиёҳ, *табошир*, арпабодиён, сунбул ва заъфаронларнинг ҳар бирдан беш *дирҳамдан*, *лакк* ва ровоч илдизининг ҳар бирдан [56] тўрт *дирҳамдан*, семизўт уруғи ва таррак уруғининг ҳар бирдан олти *дирҳамдан* олиб, петрушка суви билан [қориб] кулча қилинади ва *сиканжубин* билан қўшиб ичирилади.

Яна балғамдан бўлган [савдо иситмасига қарши ишлатиладиган дорининг таркиби]: *муррдан* бешу учдан икки [*дирҳам*], заъфарон ва тоғ петрушкаларининг ҳар бирдан беш, сунбулдан тўрт ярим, қундуз қиридан уч, Рум арпабодиёнидан уч ярим, петрушка уруғи ва қора зираларнинг ҳар бирдан тўрт, амом, Цейлон дорчини пўстлоғи ва майъа елимининг ҳар бирдан иккию учдан бир *дирҳам*², Рум сассиқ қавраги ва *Андрулун* маъжунининг ҳар бирдан биру учдан бир *дирҳам* олинади.

Қалтираш шиддатли бўлса, илиқ сув ва *сиканжубин* ичириб қустириш фойдалидир. Агар [табиат] бунга жавоб бермаса, дорини

касаллик даврига қараб, айтиб ўтилган нарсалар билан кучайтирилади. Дармана, бобуна ва шунга ўхшашлар солиб қайнатилган қуйиладиган дорилар билан буғлантириш ва бунда касални иссиқни сақлайдиган кийимларга ўраб қўйиш ҳам [фойдалидир].

Модда етилгандан кейин касалларнинг ишлатиши зарур бўлган сурги дорилар. Кобул ҳалиласидан олти, девпечак ва эрманнинг ҳар бирдан беш, сариқ ҳалила, ғофит шираси ва омилаларнинг ҳар бирдан тўрт, петрушка уруғи, Рум арпабодиёни ва арпабодиён уруғининг ҳар бирдан икки *дирҳамдан* олиб, шу таркибдан қайнатма [дори] тайёрланади; бу ични оҳисталик билан суради. Ёки кишмишдан ўн *дирҳам*, Кобул ҳалиласи ва девпечакнинг ҳар бирдан саккиз *дирҳамдан*, шоҳтарадан етти *дирҳам*, қушқўнмас, йўғон хотинак супургилардан олти *дирҳамдан*, ғофит ва қорачайир илдизининг ҳар бирдан беш *дирҳамдан* олиб, беш *ритл* сувда то бир *ритл* қолгунча қайнатилади.

Қуйидаги енгил ҳаб дорини шу хил иситмада ҳар беш кунда бир мартадан истеъмол қилинса фойдали бўлади. Уни тажриба қилиб кўрилган таркиби¹: девпечак ва турбуднинг ҳар бирдан ўн *дирҳам*, қора зира ва Рум арпабодиёнининг ҳар бирдан етти, жувонадан саккиз, петрушка уруғи ва арпабодиёнининг ҳар бирдан уч, чилпоядан олти, оқ дарахт, пўкагидан саккиз, ҳинд тузидан беш, *иёраж фикродан* ўн бир *дирҳам* олиб, [буларни] боғ ялпизи суви билан қўшиб ҳаб дори ясалади. Бунинг бир ичими — бир ярим *дирҳам*.

Модда балғамдан бўлганида ушбу ҳаб дори фойда қилади: девпечак, жувона ва дарахт пўкагининг ҳар бирдан саккиз *дирҳамдан*, петрушка уруғи, Рум арпабодиёни ва арпабодиён уруғининг ҳар бирдан уч *дирҳамдан*, нефтли туздан беш *дирҳам*, иёраж ва турбуднинг ҳар бирдан ўн *дирҳамдан* олинади. Бунинг бир ичими икки ярим *дирҳам* вазнидадир.

Иситма талоқ оғриғи билан бирга келганда қуйидаги дори фойда қилиб, оҳисталик билан ични суради; талоқгиёҳдан ўн беш *дирҳам* дарахт пўкагидан ўн икки *дирҳам*, қора ҳалила ва *иёражнинг* ҳар бирдан ўн *дирҳамдан*, Кобул ҳалиласи ва эрманнинг ҳар бирдан саккиз, қушқўнмас, оқ қаррак, ер бағирлаб ўсувчи санавбар ва *ғофит* ширасининг ҳар бирдан етти, юлғун меваси ва ковул илдизининг 254 ҳар бирдан беш, петрушка уруғи, Рум арпабодиёни || ва арпабодиён уруғининг ҳар бирдан уч *дирҳамдан* олиб, шу таркибдан маъжун дори ёки ҳаб дори ясалади.

Тўрт кунда бир тутадиган иситма билан оғриганларни овқатлантириш. Уларга биринчи ҳафталарда, то уч ҳафтагача бир оз латифликка мойил ва қувватни заифлаштирайдиган овқат бериш яхшироқ. Чунончи, касаллар гўшт ва ёғли овқатлар-

д. 3 сақланмишлари керак. Чунки [бундай эҳтиёткорлик] моддани касалтиради, касалликни енгиллатиб, муддатини қисқартиради. Ундан кейин тошлоқ балиғи, илитилган тухум, жўжа ва тоғ какликлари гўштидан бериб, қувватни тиклаш зарур. Қасалга ёғли овқатлар едириш тақиқланган муддат тугалса-ю, касаллик камаймаса, бу ҳолда касалнинг қувватига қараб, унга товуқ, қўзичоқ, улоқ гўштлиридан, қирговул ва ўрмон каклиги каби юмшоқ гўштли қушлар гўштидан ва унча катта бўлмаган яхши балиқ гўшти каби бир оз кучлироқ овқат бериш лозим.

Билгинки, тўрт кунда бир тутадиган иситмага учраган кишига бериладиган овқат бир қанча хислатларга эга бўлиши, биринчидан, овқат ел пайдо қилмай, балки савдодан келиб чиқаётган елни тарқатувчи бўлиши, иккинчидан, овқат ғализ бўлмай, балки ғализликни латифлаштирувчи бўлиши; учинчидан, ични тўхтатадиган эмас, балки юргизадиган бўлиши, тўртинчидан, ундан яхши қон туғиладиган бўлиши шарт. [57] Бу хислатларга эга бўлган овқатларнинг кўпчилиги ҳароратли ва ругубатли овқатлардир.

Иситма тутиш навбатидан неча соат олдин ва қандай овқатлантиришни ҳамда бунинг сабабини билдинг, шунингдек, иситма тутиб турган ва шунга яқин пайтда, баъзан овқатга эҳтиёж тушишини ҳам билдинг. Аммо яхшиси шуки, табиат то касалликни келтириб чиқараётган моддани ҳайдаб чиқармагунича бу моддадан бошқа бирор модда билан машғул бўлиб қолмаслиги учун қорин бўш бўлсин. Бундай касалларга тиниқ, суюқ оқ шароб фойдалидир.

Тўрт кунда бир тутадиган доимий иситмани даволаш. Бундай иситманинг ҳоли биз илгари айтиб ўтганимизчадир; уни [даволашнинг] қонун-қоидалари эса тўрт кунда бир тутадиган кучсиз иситманикига яқин, аммо баъзи масалаларда улардан бир оз фарқ қилади. Масалан, бундай иситмада, унинг доимийлиги сабабли мўътадил қиздирувчи дориларни ишлатишга ва совутишга мойил бўлиш яхшироқ; демак, буни даволашда *сиканжубин*, гулқанд, уруғлар *сиканжубини*, илдизларнинг мўътадиллаштирилган суви ва меваларнинг сувини асал билан қўшиб истеъмол қилиш керак. Яна фарқ шуки, бу иситмада томирдан қон олиш жуда зарур, чунки модда томирларда қамалгандир. Яна бошқа фарқ шуки, бу касалликда гўштли овқатлар ейишга рухсат берилади.

Қирқ саккизинчи фасл. Беш кунда, олти кунда, етти кунда бир тутадиган ва шуларга ўхшаш иситмалар

[Беш кунлигини] юнон тилида *фимотус* деб аталади, аммо бир гуруҳ [табиблар] бундай иситмаларни «айланувчи» деб атайдилар. Билгинки, бу иситмалар тўрт кунда бир тутадиган иситманинг моддасига ҳамжинс бўлса-да, лекин қуюқроқ ва камроқ моддадан туғиладиган

ди. Кўпинча, бу балғам[дан туғилган савдодан пайдо бўлади]. Аммо олти, етти ва бундан кўпроқ кунда бир тутадиган иситмаларга келганда, уларнинг пайдо бўлишини Буқрот айтиб ўтган; Жолинуc эса: «Урмидда бундай иситмани, ҳатто аниқ ва кучли беш кунда бир тутадиган иситмани ҳам кўрмадим; бу махфий иситмага ўхшайди»,— дейди. Яна Жолинуc: «етти кунда, тўққиз кунда бир тутадиган иситмаларга бирор [нотўғри] тадбир сабаб бўлиши эҳтимолдан узоқ: бу тадбир қўлланилса ва унга амал қилинса, у иситма чиқаради, қайта-қайта қўлланилганда эса, иситма бир вақтда қайталаб туради, агар унинг ўрнига бошқа мосроқ бир тадбир қўлланилса, у албатта иситмани келтириб чиқармаган бўларди. Демак, бу иситманинг даврларига ва қайталашларига сабаб, ўша [нотўғри] тадбирнинг қайтарилиши ва даврлари бўлиб, моддаларнинг оқиб келиш даврларининг қайталаши эмасдир». «Бу касалликни синаб кўришда,— дейди яна Жолинуc,— ҳаттога йўл қўймаслик учун ана шу [айтилган] маънига риоя қилиш керак».

Гарчи Жолинуc бу хилдаги иситмаларнинг бўлишини инкор қилгандек ва улар учун бошқа бир асос бўлишини зарур ҳисоблагандек бўлса-да, Буқрот етти кунда ва тўққиз кунда бир тутадиган иситмалар мавжудлиги ҳақидаги сўзни ҳақиқат деб ҳисоблайди. Бу шарҳлаб тушунтиришга эҳтиёж тушадиган даражада қийин ва [мавжуд бўлиши] мумкин бўлмаган нарса эмас.

Бу иситмалар ҳақида Буқротнинг айтган сўзлари шуки, етти кунда бир тутадиган иситма узоққа чўзилади-ю, аммо ўлдирмайди. Тўққиз кунда бир тутадиган иситма ундан ҳам узоқроққа чўзилади, [лекин бу ҳам] ҳалокатга олиб бормади. Унинг айтишича, энг ёмон иситма — беш кунда бир тутадиган иситмадир, чунки у сил касаллигидан олдин ёки кейин пайдо бўлади. Жолинуcнинг бу ҳақдаги сўзи юқорида билиб ўтганларингдан маълумдир.

Мен Буқротнинг бу сўзига бирор асос бор деб гумон қиламан: сил касаллиги дейишдан унинг мақсади ингичка оғриқ касаллигидир. Унинг «беш кунда бир тутадиган» деган сўзи ноаниқ бир мавзуга оид ҳукм бўлиб, умумийликни тақозо қилмайди, Буқрот гўё: «Беш кунда бир тутадиган иситмаларнинг бир тури борки, у энг ёмон иситмалардандир, чунки у ингичка оғриқдан олдин ҳам, кейин ҳам пайдо бўла беради»,— демоқчи бўлади. Буқротнинг бундай дейишдан мақсади иситмалар узоққа чўзилиб азият берса, аралашиб кетса ва ҳар турли бўлиб қолса, кўпинча, бошқарувчи аъзоларнинг алангаланишига ва ингичка оғриқ касаллигига олиб боради. Бундай иситмалар ахир бориб [иситманинг] бир турига, кўпинча, тўрт кунда бир тутадиган иситмага айланади. Биз буни баён қилдик.

Бироқ уларнинг тўрт кунда бир тутадиган иситмага олиб келиши — хилтлар қуюқ ва рутубатлар кўп бўлгандагина содир бўлади. Агар хилтларнинг эриши кўпайиб, сезиладиган ва сезилмайдиган бўша-

лишлар кетма-кет бўла берса, хилтлар [таркиби]да жуда оз ва энг қуюқ кулгина қолади. Бу ҳолат иситма тутиш навбатининг кечикишини ва тўрт кунда бир тутадиганининг беш кунда бир тутишини тақозо этади. Бундай ҳолатда бадан алангаланишга ва [иситма]ингичка оғриқ касаллигига айланишга қобилиятли бўлиши аниқдир. Шунингдек, ингичка оғриқ касаллиги [беш кунда бир тутадиган] иситмадан олдин келса, ингичка оғриқнинг охирида || хилтлар камлиги сабабли, уларда бир оз кул қисми ҳосил қилиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бу кул қисмида чириш юз бериши мумкин ва натижада [беш кунда бир тутадиган] иситма пайдо бўлади. Ингичка оғриқ иситмаси эса баданни [илгарироқ] заифлаштириб қўйгани учун [бу навбатдаги иситма] ёмон бўлади, чунки у энди озайиб қолган хилтнинг куйганлигига ва куйиндининг ҳам озлигига далолат қилади, [58] шунингдек, ўзи [аввалги] иситманинг кучайиши ва мураккаблашуви натижасида келиб чиққан бўлади.

255

Бирор вақтда ёки бирор жойда тасодифан учратилмаган касалликларнинг [мавжуд бўлишини] инкор қилиш керак эмас, чунки бу хил касалликлар сон-саноқсиздир. Шунингдек, бу иситма беш кунда бир тутадиган иситма бўлса, бешинчи модда [мавжуд бўлиши] шарт дейиш ҳам керак эмас. Чунки савдо моддасининг тўрт кунда бир тутадиган иситмани келтириб чиқариши унинг савдо эканлигидан эмас, балки оз ва қуюқлигидандир.

Баъзи баданларда савдо оз ва қуюқ бўлиб, унда чириш юз бериши эҳтимолдан узоқ эмас. Бирор киши: «Балғам қуюлганида ва камайганида унда [иситманинг] бошқа бир навбати [келиб чиқиши] жоиз»,— дейиши тўғри бўлмайди. Чунки жоизлик кенг бир тушунча бўлиб, у [айтганларнинг] қарама-қаршиси албатта мавжуд бўлиши кераклигини камдан-кам исботлайди. Сўнгра бирор эшитилмаган ва кўрилмаган ҳамда бирор тажрибачи ёки олим томонидан тасдиқланмаган нарсанинг жоизлиги Буқрот каби кишининг шоҳидлик берган нарсасининг жоизлиги каби эмас. Менга бир ишончли киши тўққиз кунда бир тутадиган иситма [билан оғриган кишини] учратганини айтди. Аммо беш кунда бир тутадиган иситмани биз ўзимиз бир неча марта учратдик ва бу нарса бизни бу ерда бошқа бир хилт бор дейишга мажбур қилмайди.

Бундай иситма турларини даволаш. Бу касалликни даволаш усули балғамдан туғилган савдодан бўладиган тўрт кунда бир тутадиган иситмани даволашга яқин; буни даволашда ортиқроқ рўза туттиришга¹, энгил тадбир қўллашга ва ғализ модданинг етилиб тарқалиши учун ҳазм қилдирувчи уйқуга эҳтиёж туғилади; шунингдек, қувват заифлашмасин учун [овқат]ни ғализлаштиришга ҳам эҳтиёж тушади — бу икки хил тадбир гўё бир-бирига зидлашади. Бу иситмалар қувватни бўшаштирадиган даражада бўлмагач, биз латиф тадбир қўллаб, касалга бир муддат рўза туттиришдан ҳамда пстаган

вақтимизда овқатни яхшилайдиган, [ҳазмини] тезлаштирадиган ва [қонни] кўпайтирадиган, аммо моддани қуюқлаштирмайдиган ва кўпайтириб юбормайдиган овқат бериб, латиф тадбир зарарини қайтаришдан қўрқмаймиз. Харбақ ва турп уруғи билан¹ ёки қустирувчи ёнғоқ ва Рум исмалоғи уруғлари билан қустириш, турли *иёражлар* билан бўшаттириш, ундан кейин тарёқ ва шунга ўхшашларни ишлатиш бу касалликка қарши энг фойдали тадбирлардандир.

Шу касаллик пайтида дорилар бериб, иссиқ ҳаммомга тушириб, сув ва ҳўлловчи нарсалар ишлатмай терлатиш ҳам фойда қилади.

Қирқ тўққизинчи фасл. Ингичка оғриқ иситмаси

Аъзоларда турли хил рутубатлар мавжудлигини сен билдинг. Бўғинларнинг озиқланиши ва ҳўлланиши учун тайёрланган рутубатлар шулар жумласидан бўлиб, бу рутубатларнинг баъзиси томирларда сақланиб туради, баъзиси эса аъзоларда шудринг каби сочилиб ётади. Бу иккаласи икки қисмга бўлиниб, биринчи қисми, биллиб ўтганингдек, хилт бузилишидан ёки унинг қайнашидан бўладиган иситмаларнинг моддасидир. Чунки [аъзодаги] озиқли нарсаларнинг ҳаммаси ҳосил бўлган миқдорида сарф бўла бермай, балки бир қисми сарф бўлиб, бошқа қисми захира сифатида сақланиб қолади.

Бундан ташқари, бу рутубатларнинг баъзиси яқин орада қуюқлашган бўлиб, булар — билфеъл озиққа айланадиган, бошқача айтганда [маълум] жойга тортилиб, [бу ердан] тарқалган нарсанинг ўрнига ўтадиган ва у жой [аъзо]га қўшимча бўлиб олиб, унга ўхшаб кетадиган рутубатлардир. Лекин бу рутубатлар [аъзога] яқин орада оқиб кирганлиги туфайли ҳали [у қадар] қотмаган бўлади. Шунингдек, бу рутубатларнинг бир тури борки, улар ёрдамида дастлабки яратилишда қисмлари бир-бирига ўхшаш бўлган аъзоларнинг қисмлари бирикади, шу рутубатлар бўлмаган тақдирда эса, улар бири-бирдан ажралиб тарқалади. Чироқдонга қўйилган чироқ мойи биринчи рутубатга, пиликка шимилган мой иккинчи рутубатга ва пилик тайёрланган пахтанинг бўлакларини бириктираётган намлик учинчи рутубатга мисол бўлиши мумкин.

Асосий аъзолар, айниқса, юрак алангалай бошласа, юқорида биллиб ўтганингдек мана шу касаллик, яъни ингичка оғриқ касаллиги пайдо бўлади. Жигар ҳарорати ингичка оғриқ касаллигига олиб боради, лекин ингичка оғриқ иситмасининг худди ўзи бўлмайди; ингичка оғриқ иситмаси деб, юрак сабабли бўладиган иситмага айтилади; ўпка ва меъда ҳолатлари ҳам жигарникидек бўлади. Лекин чироқдонга қўйилган ёғни чироқ [ёғни] йўқ қилганидек, ҳарорат аъзолардан, айниқса юракдан биринчи хилдан бўлган рутубатларни йўқ қилади, бу — [касаллигининг] биринчи даражаси бўлиб, уни маҳсуе жинс исми,

яъни «ингичка оғриқ» [диққ], юнон тилида эса иқтиқус деб аталади, чунки унинг турлари учун [алоҳида-алоҳида] исм йўқдир.

Чироқ алангаси чироқдонга қуйилган ёғни тугатиб, пиликка шимилган [ёғни] тугатишга ўтганидек, ҳарорат биринчи қисмдан бўлган рутубатларни тугатиб, иккинчи қисмдан бўлган рутубатларни тугатишга тутинса, бу [касалликнинг] иккинчи даражаси бўлиб, у «сўлиш», [зубул] ёки [юнончада] *морасмус* деб аталади. Бунинг белгилари ва бошланиш, ниҳоятга етиш ва ўрта [даврлари] бўлади. Сўнгра «сўлишнинг» ниҳоят даврига бориб етган касал бундан қутула олмайди. [59] Тангри хоҳламаса, айниқса гўшт ориқлашигача бориб етганда [касал] даволашни камдан-кам ўзлаштиради. Бу рутубатлар ҳам тугатилгач, энди ҳарорат чироқ алангаси пилик жисмини ва ундаги асосий рутубатларни куйдиришга тутунганидек, учинчи қисмдан бўлган рутубатларни йўқ қилишга тутунса, [касалликнинг] учинчи даражаси бошланади, буни «парчаловчи» ёки «майдаловчи», юнончада эса рихис¹ деб аталади. Бу иситма [аниқ] тутадиган даврларга ва тутиш вақтларига эга бўлмаган иситмалардандир.

Бир гуруҳ [табибларнинг] айтишича, || ингичка оғриқ иситмаси 256 яқин орада қуюқлашган рутубатларга ёки эт, суяк ва асаблар каби қаттиқ туб аъзоларга ёпишади. Агар бу сўздан ингичка оғриқ [аъзога] ёпишиб, у билан бирикишган рутубатни йўқ қилиши тушунилса, бу сўз билан аввалги маъни орасида фарқ бўлмайди, агар ингичка оғриқнинг аввало йўқ қиладиган нарсаси яқин орада қуюқлашган рутубатлар бўлади деб тушунилса, бу гап тўғри гап бўлмайди.

Ингичка оғриқ касаллиги гоҳо бир кунлик иситмадан кейин ва гоҳо хилт бузилиши ва шишлардан бўладиган иситмалардан кейин воқе бўлади. На хилт ва на руҳ алангаланмай туриб, аввало туб аъзолар алангаланиши биланоқ ингичка оғриқ иситмаси пайдо бўлиши ақлдан йироқдир. Аксинча, аввало мана шу нарсалар қизиши, кейин бир неча кун ўтгач, агар бирор жиддий кучли сабаб воқе бўлмаса, асосий аъзолар қизиши лозим. Биргина сабабнинг ўзи, [аъзога] ёпишининг кучлилиги ва кучсизлигига қараб, гоҳо ингичка оғриқ иситмасига ва гоҳо бир кунлик иситмага сабаб бўлади; масалан, олов. У ўтинни икки йўл билан: бири уни қизитиш ва ундан буғ пайдо қилиш, иккинчиси алангалатиш йўли билан йўқ қилади.

Чиришдан ва шишдан бўладиган иситмалар, кўпинча, иситманинг кучлилиги, овқат тадбирини ўта латифлаштириб юбориш, [касални] совуқ сув ичишдан тийиш ва, айниқса, кўкрак-қорин пардаси каби юракка яқин аъзолар касаллиги пайтида, суяқ ва қуюқ суртмалар билан юракни етарли парвариш қилмаслик натижасида ингичка оғриқ иситмасига айланади. Кўпинча, ингичка оғриқда қувват заифланиши ва кетма-кет беҳушлик юз бериши сабабли табиб [касалга] узум шаробни, гўшт сели, мушк дориси ва шунга ўхшашларни ичиришга маж-

бур бўлади; ингичка оғриқ иситмаси гоҳо чиришдан ва шишлардан бўладиган иситмалар билан биргалашади. Ингичка оғриқ иситмасини дастлабки ҳолатида билиш қийин бўлса-да, даволаш осон, охирига етганда эса билиш осон, аммо даволаш қийин¹. [Ингичка оғриқнинг бир тури бўлган] «сўлиш» охирги даврига етганда, унга қарши ҳеч бир даво йўқ.

Белгилар. Томир уришига келсак, у ингичка, қаттиқ, кетмакет, кучсиз ва бир ҳолатда турғун бўлади, ушлаб кўриб билинадиган [белгиларга] келганда, бунда сезиладиган ҳарорат *синухус* ва шунга ўхшаш [иситма] хилтларида алангаланадиган ҳароратдан камроқдир. Қўл тегизилганда ҳарорат дастлаб кучсизроқ сезилиб, бирор муддат ушлаб турилса, кучли ва куйдирарли эканлиги билинади ва бу тобора зўрайиб боради. Томир ва артериялар ўтган жойлар баданнинг энг иссиқ жойларни бўлиб, улардаги ҳарорат [ҳамма вақт] бир хилда ва камаймайдиган бўлади, лекин уларга овқат [моддаси] етиб борса, кўпайиб кучаяди, томир уриши эса кучайиб катталашади. Шунинг учун билимсиз табиблар оловга ёғ текканда алангаси кучайиб, [қизиган] қозонга сув қуйилганда унинг кучли [қайнаши] рўй берганидек, [касалда ҳам] ҳарорат кучайиб кетмасин деб, уни овқатдан тиядилар ва ҳалокатга учратадилар². Ана шу ҳолат бу иситманинг кучли далилларидандир.

Бошқа иситмаларда эса овқат, гарчи табиатнинг нотинч ҳаракатларини пайдо қилса-да, бундай алангаланишни келтириб чиқара бермайди. Бундай алангаланиш бошқа иситмалардаги алангаланишга ўхшамайди, у [томир уриши] қисилишидан ва маълум даврлардан кейин юз бермай, балки қайси вақтда бўлмасин касални овқатлантирилгач юз бераверади. Бу касалликка учраган киши ўзидаги ҳароратни у қадар сезмайди, чунки ҳарорат унинг аъзосига мос мизожга айланиб қолади. Биринчи китобда шундай мизож ҳолати қандай бўлишини билиб ўтгансан. Лекин бирор овқат етилса, ҳарорат кучайиши сабабли аниқ [иситма] билинади.

Бир кунлик иситманинг ингичка оғриқ иситмасига ўтганлигини кўрсатувчи далиллардан бири ҳароратнинг учинчи кунни анчагина зўрайишидир. Кўпинча, [бир кунлик] иситма ўн икки соатдан кейин пасая бошлайди, агар у ўн икки соатдан ўтса ва пасайганлиги сезилмаса, балки учинчи кунгача давом этиб зўрая берса — бу [энди] ингичка оғриқ иситмасидир. Ингичка оғриқ иситмасининг чиришдан бўладиган бошқа иситмалар билан биргалашиб келганининг далиллари иситма пасайганидан ва кўп тер чиққанидан кейин [ҳам] қуруқ ҳароратнинг давом этиши, шу касалликнинг тақозо этишига кўра сўлиш ва озишнинг зўрайиб бориши, сийдик ва ахлатнинг ёғлилигидир. [60] Агар ингичка оғриқ иситмаси зоҳир, бошқа [унга биргалашган] иситма эса махфий бўлса, бунга [иситма тутиш] навбатларининг бир-бирини қис-таб келиши далолат беради. Бу [ҳолат] ингичка оғриқ иситмасида мут-

лақо бўлмайди. Билгинки, гоҳо меъдага ёпишувчи ингичка оғриқ иситмаси бошланиб, ёлма-ёнлиги сабабли жигар мизожини бузади.

Сўлишнинг белгилари. Сўлиш белгиларига келганда [шунни айтиш керакки], агар иситма сўлишга томон юзланса, айниқса иситма — тарқалмай қолган шишлар сабабли келиб чиққан бўлса, томир уришининг қаттиқлиги, кучсизлиги, кичиклиги, кетма-кетлиги кучаяди. Бу, яъни кетма-кетлик, шунингдек, тезлик кўпайиб, томир уриши, «сичқондумисмон» деб машҳур бўлган томир уриши турига айланади. Агар [сўлиш] иссиқ шароб ичишдан туғилган бўлса, томир уриши «сичқондумисмон»лик ўрнига «жуволдизсимон» бўлади.

Сўлишнинг белгилари у қадар шиддатли бўлмайди, чунки бунгача бориб етишга улгуролмайди. Сийдик ёғлиқ бўлиб, унда япалоқ парчалар кўринади, кўз чуқур бота бошлайди, сўлиш ниҳоятига етганида эса, унинг чуқур ботиши [яна ҳам] зўраяди, кўзда қуруқ бўқлашиш кўпаяди. Ҳар бир аъзо ва юз суякларининг қирралари туртиб чиқади, икки чакка чуқур тушади, пешона териси тортишади || ва терининг ранги кетиб, чанг ўтиргандек ёки офтобда куйгандек бўлиб қолади. [Аҳвол шунга] бориб етадики, қошни юқорига кўтариш оғирлашади, кўз уйқусиз юмуқ — мудроқ ҳолида бўлади, бурун ингичкалашади, мўйлар узаяди ва [уларга] бит тушади. Қорин кўринишдан қуруқ бўлиб худди қуриган теридек орқага ёпишиб қолади ва тортилади, у билан бирга кўкрак териси ҳам тортилади; тирноқлар букилиб, камонга ўхшаб қолса [ингичка оғриқ иситмаси] ниҳоятига етган ва «парчаловчи»ликка тутунган бўлади. Иситма парчаловчиликка тутунгач, тоғайлар эрий бошлайди¹.

Ингичка оғриқ иситмасини даволаш. Ингичка оғриқ иситмасини даволашда [олдинга қўйиладиган] мақсад совутиш ва ҳўллашдир. Буларнинг ҳар иккиси ҳам уларнинг [мос] сабабларини² яқинлаштириш ва зид сабабларини узоқлаштириш билан тугал бўлади. Баъзан бирининг сабаби унга зид бўлган бошқасига [мос] сабаб бўлиб қолади, масалан, совутишнинг сабаби баъзан қуритишга сабаб бўлиб, қуритиш эса ҳўллашнинг зидди бўлади; кофур, *табошир* ва шунга ўхшашлар билан совутиш шундай. Шунингдек, баъзан ҳўллашнинг сабаби қиздиришга сабаб бўлиб қолади, бу эса совутишнинг зиддидир. Масалан, шароб ҳўллайди, лекин [шу билан бирга] қиздиради ҳам. Сен буни назарда тутишинг керак. Агар кучли совутувчи, [аммо] қуритмай ҳам қўймайдиган нарсага эҳтиёж тушса, унга кучли ҳўлловчи нарса қўшилади ёки [шу кучли ҳўлловчинини] ундан олдин ёки кейин ишлатилади. Зарурият гўшт сели ва шароб каби кучли тезда ҳўлловчи нарса ни талаб қилганда худди шундай бўлиб ва уларга совутиш қувватига эга бўлган нарсани қўшиб ишлатиш ёки [шу совутувчинини] улардан олдин ёки кейин ишлатиш лозим.

Ингичка оғриқ иситмасининг сабаби бирор аъзодаги шиш ёки оғриқ бўлса, аввало ўша аъзони даволаш керак. Иситмаси жуда зўрайган касални даволашда мос келадиган ҳар хил нарсаларни биргалаштиришни хоҳлаган киши дастлаб кофур кулчаларини ёки шунга ўхшаш дорини *сиканжубин* билан қўшиб, саҳар пайтида ичирсин, қуёш чиққан пайтида эса, агар [касалнинг] кўнгли тортса, арпа сувини қисқичбақалар билан қўшиб ёки арпа сувига гулоб ёки анор суви қўшиб ичирсин; ухлаш олдидан, меъда ва бирор бошқа аъзо томонидан монелик бўлмаса, испағул ширасини берсин.

Совутиш тадбири ўзинга маълум бўлиб, у совутувчи шароблар, совутувчи сабзавотлар, кофур кулчалари каби кулча дорилар, совутувчи қуюқ суртмалар, суртиладиган дорилар ва шуларга ўхшашларни [ишлатишдан] ҳамда ҳатто қиш фаслида [ҳам] ҳавони совутишдан иборат. Агар [касал] буни кўтара олмаса, устига енгилроқ кўрна ёпилади, чунки ҳавони совутиш энг яхши тадбирдир. Шунингдек, [касалга] сандал ва кофур билан хушбўй қилинган кийимлар кийганини, гул, кофур, сандал, совуқ [мизожли] мевалар ва гул суви сочилган райҳон ҳидлатиш [мос келади]. [Касални] терлатиб ёки ҳаммомга тушириб буғлантирилади. Кучли совутувчи қуюқ суртмаларни нафас аъзоларининг яқинидаги жойларда узоқ вақт ушлаб туриш ярамайди. Бу, кўпинча, нафас [аъзолари]га ва товушга катта зарар етказди.

Касал ором олиши, ухлаши, уринмаслиги ва хурсандчилик қилиши, ғазаблантирадиган, хафа қиладиган ва ташвишга соладиган нарсалардан ҳамда узоқ вақт оч ва ташна туришдан йироқ бўлиши керак. Уларга ишлатилиши лозим бўлган совутувчи қуюқ суртмалар хушбўй бўлиши лозим. Чунки хушбўйликлар, айниқса кўкрак ва унинг атрофларига ишлатилса, тезда фойда етказди. [Булардан ташқари, бу қуюқ суртмалар] совутувчи бўлиб, буриштириш хусусиятига эга бўлмаслиги ҳам керак. Чунки буриштириш хусусияти қуритади ва, шу билан бирга, дори қувватининг чуқур боришига тўсқинлик қилади. Қуюқ суртма дорилар [баданда] узоқ қолиб қизимаслиги ва қўйилган жойни [ҳам] қиздириб юбормаслиги учун [бойлоқларни] доимо алмаштириб туриш керак, шу билан бирга, дорининг совутишини ҳам кузатиб турилсин, чунки агар у қаттиқ совутиб юборса, [61] аъзони занфлаштириб қўйиши ҳеч гап эмас, агар у нафас аъзоларига яқин жойга боғланган бўлса, кўкрак-қорин пардаларини ва бошқа аъзоларни увуштириб, уларнинг осонлик билан нафас чиқаришларига тўсқинлик қилади.

Юмшоқ овқатлар, мевалар, ванналар, суртиладиган дорилар, қуюқ суртмалар, бурунга тортиладиган ва томизиладиган дорилар, ором олиш ва уринмаслик ҳўлловчи тадбир жумласидандир. Касални оч ёки ташна туришга мажбур қилинмасин.

Бундай касаллар учун совутувчи дорилар. Булардан ҳўллолчиларига келганда, уларнинг ҳаммаси озиқ ёки озиқлик [хусусияти] ёлиб нарсалардир. Масалан, қисқичбақа билан қўшиб қайнатилган ва қисқичбақа туфайли [озиқли бўлган] арпа суви шундай. Қисқичбақаларнинг қўл-оёқ ва думлари юлиниб, тоза туз ва кул солинган совуқ сувда то тозаланиб ҳиди кетгунича уч марта ёки ундан кўпроқ ҳам ювилади, кейин уларни арпа сувида қайнатилади. Сигир қатиғи айрони, ўткир иситмалар бобида айтиб ўтилган маълум саб-завотларнинг ширалари ҳамда испағул уруғининг шираси ҳўллолчи ов-қатлардан ҳисобланади. Сиркада эса кучли қуритиш ва бир оз тарқатиш хусусияти бор; уни шу ҳар икки хусусиятни енгувчи анчагина сув ёки бирор юмшатиб ҳўллолчи дори билан қўшиб ичириш керак.

Эшак сутини рутубатлантириш билан бирга совутиш хусусияти бор деб гумон қилинади, ҳатто бир гуруҳ [табиблар] унинг совутишини сигир қатиғи айронининг совутишидан ортиқ деб ҳисоблаганлар, аммо эшак сутни фақат ингичка оғриқ иситмаси билангина оғриган ва [баданнида] чиришга тайёрланган моддаси ёки хилти бўлмаган кишигагина мувофиқ келади. Сутнинг [меъдада] ивиб қолишидан эҳтиёт бўлиш керак, бунга йўл қўймайдиган нарсалардан бири шакардир. Сутдан чириш пайдо бўлаётганлигидан қўрқсанг, оҳисталик билан сурги [дори] ишлат, унинг қиздиришидан қўрқганинда эса, бир неча кун сут беришни тўхтат ва шу кунларда кулча дорилар ва мева сувлари билан давола, сўнг яна [сут ичиришга] қайт.

Ҳўллаш хусусияти бўлмаган совутувчи дориларга келсак, улар, масалан, тавсифлаб ўтилган маълум кулчалар, яъни кофур кулчалари || ва маржон [билан тайёрланган] совуқлик кулча дорилардир, ёки 258 масалан, мана бу таркибдаги кулчалар: *табошир* ва арман лойининг ҳар бирдан тўрт *дирҳамдан*, гулдан олти *дирҳам*, семизўт, бодринг, қовоқ уруғи ва қаҳрабонинг ҳар бирдан уч *дирҳамдан* олиб, шу таркибдан кулча дори ясалади. Бунинг бир ичими икки *дирҳам*; у жуда фойдали [дори] ҳисобланади.

Яна шунга ўхшаш дори: баргизуб, крахмал, араб елими ва кати-роларнинг ҳар бирдан уч *дирҳамдан*, арман лойи ва *табоширдан* тўрт [*дирҳамдан*], кўкнордан беш, гул, қовоқ уруғи, бодринг [уруғи] ва семизўт [уруғи]нинг ҳар бирдан олти, беҳининг пўсти ажратилган уруғи, қовун уруғи ва таррак уруғининг ҳар бирдан етти *дирҳамдан* ва чучукмиянинг қайнатиб қуюлтирилган ширасидан ўн *дирҳам* олинади ва [ҳаммасини] испағул уруғининг шираси билан қўшиб, маъжун тайёрланади.

Совутувчи суртмалар, қуюқ суртмалар ва бурунга тортиладиган ҳамда томизиладиган дориларга келганда, булар сенга маълум. Улардан энг яхшиси қовоқ ёғи, кўкнор, нилуфар, тол ва бинафша билан қўшиб тайёрланган суртмалардир. Совутиб ҳўллолчи тўшаклар жуда

текис ёйиладиган, гул суви сочилган чармдан ёки Табаристонда ишланадиган канопдан бўлсин. Унинг ичига тиқиладиган нарса эса қиздирмайдиган, балки титилган каноп жинсидан бўлсин ва у доимо янгилаб турилсин. Ёки сув тўлдирилган чарм тўшак бўлсин: уни аввало сувнинг [баробар] ёйилиб туришига имконият берадиган ва [бир ерда] тўдаланишига қўймайдиган қилиб тикилсин. Тўшак оқар сув яқинига ёзилсин, унинг тагига [мизожи] совуқ дарахтлар [ва ўсимликлар]: тол, гулҳамишабаҳор ва рутубатли сабзавотларнинг барглари, гул каби совуқлик хушбўйликлар, шунингдек, совуқ [мизожли] дарахтларнинг барглари¹, токнинг майин новдалари ва шуларга ўхшашлар ёйилган бўлсин.

Бундай касаллар учун ҳўлловчи дорилар. Совутиб [ҳўлловчи] дорилар юқорида айтиб ўтилди. Энди [касалга] эшак сути ва айронни қандай ичириш, ванна ва ҳаммомлардан қандай фойдаланиш, суртиладиган дорилар, ёғлар, суюқ суртмалар ва бошқа тadbирларни қандай ишлатиш ҳақида сўзлаш қолди. Сугни [қандай] ичириш кераклигини биз сил ва меъда қуриши бобида тушунтирдик, ана шу [гап] қонун бўлиши лозим.

Хотинлар сутидан кейин эшак сутидек, ундан сўнг эчки сутидек [фойдали] сут йўқ. Билиб ўтганингдек, [бу ҳайвонлар] ейдиган [т] совуқ ҳўл ўтлар ва сабзавотлар бўлсин. Чунки уларнинг сути, айниқса эшак сути, агар унда [иситмани] кетказувчи бирор нарсанинг [қуввати] бўлса, ингичка оғриқ иситмасини йўқотади. Ҳосил бўлаётган моддада воқе бўлган ёки воқе бўлиши кутилган чириш монелик қилмаса, сутдан бошқа нарсани [бериш] ихтиёр қилинмайди. Ингичка оғриқ иситмасининг бошланишидан то охиригача, бундай [касаллар учун] сут фойда етказилади. Хотинлар сутини [62] эмиш ҳаммасидан ҳам мувофиқроқдир.

Айрон ичириш қондаси ҳам шунга яқин. Яхшиси уни ўн *дирҳамдан* бошлаб, агар [табiiй] қувват ёрдамлашса, ўттиз *дирҳамдан* ва ундан кўпроққа ҳам етказиб ичирилади. Айронга совутувчи кулча дорилардан бир оз аралаштириш, шунингдек, агар қувват ҳам қилишга ёрдамлашса, дастлабки ва охириги ичиришда мазкур миқдордан кўра ортиқроқ ичириш ҳам сенинг ихтиёрингдадир.

Ваннанинг энг яхшиси илиғи, кўпда иссиқ бўлмагани ва, шу билан бирга, унинг [сувига] совутиб ҳўлловчи сабзавотлар ва ўтларнинг қувватидан ўтказилганидир. Ванна терлатиш у ёқда турсин, [ҳатто] энгил намликни ҳам чиқармайдиган бўлсин; [сувни] ваннадан иссиқ буғ чиқишига [етказиб иситиш] тўғри эмас. Совуқ ваннани ишлатишга бирор монелик бўлмаса, бундан яхшироқ нарса йўқ, аммо бундай касалларда бадан занфлиги ва ориқлиги уни ишлатишга монелик қилади. Бироқ касалликнинг дастлабки пайтларида, кўпинча, [совуқ ванна] уларни шифолайди; бадан занфлигига келсак — [совуқ ванна] унинг

мизожини зарур миқдорда енгил совутиши сабабли шифолайди,— бунни даволаб юбориш мумкин. Агар бадан бундан ҳам кучсизроқ бўлса, кексалик ингичка оғриғига учрашдан қўрқилади, аммо бу ҳол кам учрайди, лекин шу билан бирга, [совуқ ванна] ўлим вақтини узоқлаштиради; [касал] бундай даволашда баъзан бир қанча муддат ҳаёт қолади. Қўпинча, касалликнинг худди шу кексалик ингичка оғриғига кўчиши яхшироқ бўлади.

Аммо биз баён қилаётган ванналарни дастлаб бир чегарагача иссиқ қилиб [ишлатиб], сўнг аста-секин касал кўтара оладиган даражада мўътадил совуққа айлантириш яхшироқ; аста-секинлик билан совутиш баданни совуқ сувга чидашга қобилиятли қилади, чунки оғриқ мизожга зид нарсанинг дафъатан содир бўлишидан келиб чиқади. Шунингдек, [заиф] бадан иссиқ сувдан семиргандек бир ҳолат касб этиб, совуқ сувни кўтара оладиган бўлади. Ваннани бир кунда уч марта қўллаш тўғридир, аммо қувват тушиб кетмаслиги учун уни енгиллик билан¹ қўллаш керак. Ваннага [тушишдан] икки соат илгари арпа суви ичиш ҳам тўғри тадбирдир. Овқат йўлларини кенгайтириш учун, биз кейинроқ изоҳлайдиган йўсинда баданга сут соққандан кейин ванна қўлланилса, ундан кейин арпа суви ёки шунга ўхшаш бирор нарсаси истеъмол қилинса, сўнгра бир муддат сабр қилиб туриб овқатни [баданга] ёйилтириш учун яна ванна қилинса, фойдали бўлади.

Ванна ёки ҳаммомдан кейин [баданга] бинафша ёғи, айниқса унинг қовоқ ёғи билан ишлангани, шунингдек, нилуфар ёғи ва қовоқ ёғи каби совутиб ҳўлловчи ёғлар суртилади. Агар [иссиқ] ваннадан кейин касал кўтара оладиган даражада бир оз совуқликка мойил ванна ишлатишга ўтиб, сўнгра ёғ суртилса, яхши бўлади. Аввало ёғлар суртилса ва тез-тез [ишқаланса], кейин бир оз совуқроқ сувга тушиб турилса, бу ҳам — яхши, аммо бунинг [касалнинг] кўтаришига қараб [қўлланилади] ва бунда оҳисталик зарар қилмайди. Бу тадбирнинг энг яхши вақти овқат ҳазм || бўлгандан кейинги вақтдир. Иссиқ ваннадан кейин оҳисталикка эътибор бермай бир йўла совуқ сувга шўнғиш даволаш жиҳатидан жуда етарли бўлса ҳам, хатарлилик жиҳатидан энг қўрқинчлидир. [Касал] устидан оҳисталик билан совуқ сув қуйишдаги хатар уни бирданига совуқ сувга шўнғитишдагидан камроқ бўлади, [бирок] бунинг фойдаси ҳам камроқдир. Сувнинг совуқлиги ёз сувининг совуқлигича, яъни илиқлик ва жуда совуқлик ўртасида бўлсин.

Агар [касалга] заифлик бўлмаса, ваннадан олдин баданга² сут қуйиш ёки, заифлик бўлса, сутга сув аралаштириб қуйиш, кейин ваннага тушириш тўғри тадбир бўлар эди. Чунки баданга сут соғиш унинг [мизожи]ни жуда ругубатли қилади. Соғиш учун яхши сутлар айтиб ўтилган [ҳайвонлар] сутидир. Сутни [тўппа-тўғри] эмчакнинг ўзидан баданга соғиш лозим. Бутун баданни ва бўғинларни кечаси ётиш олдидан мазкур ёғлар билан ишқалаш энг яхши тадбирдир.

Ҳаммомга келсак, унга [касални] терлатмайдиган, иситма чиқармайдиган, нафас олишни ўзгартирмайдиган қилиб ва сувининг иссиқлиги ҳавосининг иссиқлигидан камроқ бўлгандагина туширилади. Сувининг ҳарорати илиқ!, [баданга] сингийдиган бўлсин, [аммо] терлатиб азият берадиган бўлмасин. Касалнинг баданида бузилишга қобилиятли мода бўлганида, айниқса овқат [ҳали] ҳазм бўлмаганида [ҳаммомга тушишга рухсат берилмайди], балки у ҳазм бўлган овқатнинг баданга ёйилаётган пайтида ҳаммомга тушиб, узоқ турмай тезда қайтиб чиқиши керак; ҳаммомдан чиққач, бирор ҳўлловчи нарсадан ва унга зарар қилмайдиган арпа ва сутдан тайёрланган суюқ ошлардан озгина истеъмол қилсин. Касал ҳаммомда эканлигида ташналик бўлса, уни арпа суви, айрон ва сут, [яъни] эшак сути билан қондирилади.

Бундай касалларни ҳаммомга олиб киришда ва сўнг ҳаммомдан чиқаришда ҳеч бир уринтирмаслик керак. Бу ҳақда бошқа мавзуларда гапириб ўтдик; [бу ерда] қисман қайтарамиз. Касални то ҳаммомнинг биринчи хонасига етгунча, [63] юмшоқ тўшаклар ёзилган кажавага солиб, қўлда кўтариб олиб бориш керак. Кейин уни ҳаммом учун мослаштирилган қавилган юмшоқ тўшакка олинади; кийимларини биринчи ёки, агар иссиқ бўлмаса, ўрта хонада ечилади. Касални бу хоналарнинг биронтасида ҳам [бошқа тўшакка] кўчириш, бир оз нафасини ростлаб олиш ва кийимни ечишга кетган вақтдан ортиқ муддат турғизилмайди, кейин уни жуда иссиқ бўлмаган учинчи хонага кўчирилади. Касал бу хонада ваннани кўтара олгунига қадар туради. Бу — [табибларнинг] айтганларидир, аммо, менимча, ванна [иссиқлиги] мўътадил ўрта хонада бўлиши маъқулроқ. Касални совуқ ваннадан чиққанида лунгига ёки астарли «чопон»га ўраб кажавада кўтариб, тўшагига олиб борилади; терлари сочиққа шимдирилади, баданига ёғ суртилади ва овқат берилади².

Ингичка оғриқ иситмаси билан оғриганларни овқатлантириш. Уларга овқатни бўлиб-бўлиб бериш, бир йўла тўйдириб овқатлантирмаслик керак. Уларга бериладиган овқатларнинг энг яхшилари: арпа суви ёки *пўсти ажратилиб қайнатилган³ арпанинг ўзи ёки ювилган бугдойнинг [унидан тайёрлаб], совуқ сувга ивитилган нон, биз юқорида айтиб ўтган нарсалар монелик қилмаса — сут, сигир қатиғининг айрони, — бунинг озиқлиги кўп, — мош ва қовоқ, мевалардан эса фаластиний қовуни, — бу бизда ҳиндий деб машҳур бўлган *раққий* — берилади.

Касал бир оз тузалганини сезса, тузланмаган ҳўл пишлоқ беришнинг зарари йўқ. Агар унинг қуввати заифлашса, ҳўл кашнич солиб хушбўй қилинган тоғ ва ўрмон какликларининг шўрвалари ичирилса [ҳам] ёмон бўлмайди.

Баъзан кўп сув қўшилган суюқ шароб ичиришга эҳтиёж туғилади ва, кўнинеча, ўрмон каклиги, тоғ каклиги ва [умуман] каклик ва

жўжа гўшларидан тайёрланган *масуслар*¹, агар ҳазм қуввати сақланган бўлса, улоқ гўшти ёки қорамол гўшtidан тайёрланган нордон *хулом*² ёки нордон *қарис* ошларини беришга эҳтиёж тушади. *Масус* ва *қарис* сиркалари улар учун фойдали ва шундай ҳолларда касалларга қувват киргизувчидир. Баъзан гўшт селини совуқлик нордон мева шаробига аралаштириб бериш ёки илитилган тухум саригини беришга тўғри келади. Заифлик касални беҳушликкача олиб борганда эса, уларга қовурға гўшти сувига озроқ туз солиб берилади: [селини] тинитилади, унинг ўзига баробар олма суви ва ўндан бирининг ярмича райҳоний шаробни қўшиб, илитилган ҳолда ичирилади.

Совуқ сув ичиришга келсак, агар бирор монелик бўлмаса, унга жуда совуқ бўлмаган сувни ичиришнинг зарари йўқ. Бунга монелик қилувчи нарса эса, ё қовурға тоғайлари тагидаги шиш, ёки бадандаги хом ёки бузилган каймуслардир. Буларнинг ҳаммаси етилишга яқин бўлади, аммо етилганлик аломатлари ҳали маълум бўлмайди, агар маълум бўлса, хавф-хатар камроқ бўлади. *Сарсом* ёки *барсом* касалликлари ингичка оғриқ иситмасига кўчиб ўтганда ҳам шундай. Бундай иситмада совуқ сув ичишдан тийиш бошқа хилдагидан кўра мувофиқроқдир. Чунки ингичка оғриқ иситмаси қувватни заифлаштирувчи, бўшаштирувчи, суяк ва этни сўлитувчи касалликлардан кейин воқе бўлгач, кучсизлик устига воқе бўлган бўлади. Шу заифлик устига совуқ [нарса] ичирилса, касаллик ингичка оғриқнинг бошқа бир турига ўтади. Бу тури ўз қуруқлиги билан ингичка оғриқнинг мазкур турига ўхшаш бўлса ҳам, иссиқлик ва совуқлиги билан ундан бошқача бўлади ва у «кексалик» ва «қартайганлик» ингичка оғриқ иситмаси³ деб таърифланади. Бу оғир касаллик бўлиб, унда туғма ҳарорат йўқолади. Шунингдек, ўта совуқ сувни кўп ичириш [бундай касалларга] ҳамма ҳолларда ҳам зарар қилади, уларнинг асосий аъзоларидаги туғма ҳароратни бузади, кўпинча, ўлимни тезлаштиради || ёки [касаликни] ингичка оғриқнинг бошқа бир турига кўчиради. 260

Ингичка оғриққа эргашиб келадиган ҳолатларни даволаш. Булардан бири беҳушликдир, бунга қарши овқатлар билан тадбир қўллашни айтиб ўтдик. Ҳолатлардан яна бири ич суриш бўлиб, бунга қарши [албатта] чора кўриш ва уни тўхтатиш керак, чунки бунда катта хатар бор. Бунга қарши дастлаб қўлланиладиган тадбирларнинг бири шуки, касал ичадиган арпа сувига [арпа] толқони суви қўшилади ёки истеъмол қилинадиган арпага қовурилган сўк, араб елими ёки қайта-қайта қайнатилган ясмиқ ёки қиздирилган тош билан ё олов билан сув қисми кетгунча қайнатилган сут қўшилади; сўк [қўшилган сут] айниқса [фойдалидир].

Касалларга қуйидаги кулчалар ичирилади: арман лойидан беш [бўлак], қовурилган шоҳбаллут ва гулнинг ҳар биридан тўрт [бўлакдан], *табошир* ва каҳрабодан уч [бўлакдан], шовулнинг пўсти олинган

уруғи ва зирк донининг ҳар биридан олти [бўлакдан] олиб, [ҳаммасини] беҳи шираси билан қўшиб кулча дори қилинади; уни эрталаблари нок суви билан ичирилади. Ухлаш олдида қовурилган испағул ичирилади. Шунингдек, [64] Макка муқли қўшилган табошир элаки дориси ҳам жуда фойда беради. Агар ич суриши ичак шилинишигача олиб борса, бунга сен биладиган ҳуқна дорилар билан даво қилинади; бу энг мувофиқдир.

Эллингинчи фасл. Кексалик ингичка оғриғи

Кексалик ингичка оғриғи ҳақида ингичка оғриқ иситмасидан кейин гапириш одат қилинган; биз ҳам шу одатдаги йўлдан юрамиз. Кексалик ингичка оғриғи [дейиш]нинг маъноси — мизожда иситмасиз қуруқликнинг ғалаба қилишидир. Баъзан бунда иссиқлик ва совуқлик [баданда] мўътадил бўлади,— бу кам учрайди,— баъзан эса ингичка оғриқ совуқлик билан бирга келади. Мана шу ҳолатни «кексалик» ингичка оғриғи ва «қартайганлик» ингичка оғриғи деб аталади. Чунки бунда бадан қаримай туриб, қариганда юз берадиган сўлиши ва қуриш ҳолатлари пайдо бўлади. Қариб қолган кишилар бу касалликка ўсмирлардан кўра тезроқ, ўсмирлар эса болалардан кўра тезроқ чалинадилар. Шу билан бирга, бу касаллик гоҳо ўсмирларда ҳам, болаларда ҳам пайдо бўла беради.

Бу касалликни келтириб чиқарадиган сабаблардан бири бадан кучсизлиги устига [мизожда] ғалаба қилган совуқлик бўлиб, бу совуқлик, киши умрининг охирида содир бўлганидек, озиклантирувчи қувватнинг тўла-тўқис ишлашига монелик қилади. Кераксиз вақтида ёки бадан кучсизланиб ва иситмалаб турганида, ёки [хилтлар] етилмаган ҳолатда, ёки қувватни тарқатувчи, тери тешиқларини очувчи ва совуқ сувни ички аъзоларга дафъатан тортилишга ундовчи жисмоний ҳаракатдан кейин совуқ сув ичиш шулар жумласидандир. Юракка кўтарилиб, уни совутиб турган буғлар ёки рутубатларни тарқатиб, эритиб туғма ҳароратни сўндираётган, совуқлик ва қуруқликни келтириб чиқараётган ҳарорат ҳам [бу касалликни] пайдо қилувчи сабаблардандир. Гоҳо у турли бўшалишларга эргашиб келади.

Кўпинча бу касалликни иситма билан оғриганларга ичириладиган ва қўйиб боғланадиган дориларни ҳаддан ташқари кўп қўллаш келтириб чиқаради.

Бу касаллик ўрнашиб олса, уни даволаш мумкин эмас. Агар унинг учун бирор ҳийла бўлса, [демак] ўлимнинг бирор ҳийласи бор бўлади.

Белгилар. Бундай касалларда сўлиганлик ва терининг қуриб-қовжираши кузатилади, [аммо] иситма чиқиш ва алаңгаланш кўринмайди, ҳатто баъзан баданлари ушлаб кўрилганда совуқ туюлади. Томир уришлари ингичка оғриқ иситмасига учраганларнинг томир ури-

ши сийгари бўлмай, аксинча кичик, сушт ва сийрак бўлади, лекин кучсизлик зўрайганда, айниқса совуқ сув ичиб шу касалга учраган кишида, томир уриши кетма-кетликка ўтади. Бундай касалларнинг сийдиклари оқ ва сувсимон суюқ бўлади, улар барча ҳолатларда кексаларга ўхшаб қоладилар.

Кексалик ингичка оғриғини даволаш. Касаллик ҳали ўрнашиб олмаган бўлса, ўрнашиб олмасин деган умидда, ўрнашиб олган бўлса, ҳалокатни бир оз бўлса-да, кейинга суриш умидида даволаш мумкин. Бундай касалларни даволаш қонуни эса, иситиш ва ҳўллантиришдан иборатдир. Сен билиб ўтган тартибда қўлланиладиган ҳаммом ҳўлловчи тадбирлардандир, аммо ҳаммомга овқат ҳазм бўлгандан кейингина туширилсин, чунки овқат еб бўлгач, тезда ҳаммомга тушилса, у қувватни тушириб юборади. Қалла-почалар, нўхат, янчилган буғдой, темиртикан билан анжир ва бобуналардан тайёрланган ҳуқна дорилар ҳам ҳўлловчи нарсалардандир. Бу ҳуқна [дори]дан ярим *ритлни* икки *уқия* кунжут ёғи ва бир оз бон ёғи қўшиб ишлатилади.

[Касални] овқатлантиришдан сўнг ишқалаш тадбири қўлланилади. Бундай касаллар учун эмчакнинг ўзидан сут эмиш жуда фойдалидир. Асал ингичка оғриқ иситмасига учраганлар учун қанчалик зарарли бўлса, кексалик ингичка оғриғига учраганларга шунчалик фойдалидир. Осон сиғийдиган ва [меъдага] тез тортиладиган, ёпишқоқлиги йўқ ва ҳўллаш хусусиятига эга бўлган ҳар бир овқат, масалан, гўшт сели, илитилган тухум сариғи ва озгина миқдорда суюқ хушбўй шароб улар учун жуда фойдалидир. Ингичка оғриқ иситмаси бобида айтиладиган рутубатлантириш тадбирини назарда тутишинг керак, ҳўллантирувчи дориларни қиздирувчи хушбўйликлар, қуюқ суртмалар, суртиладиган дорилар, овқатлар ва бошқа тадбирлар билан биргалаштириб олиб бориш лозим.

Эллик биринчи фасл. Вабо иситмалари¹ ва унга ҳамжинс бўлган чечак ва қизамиқ иситмаси

Вабо иситмаси ҳақида сўз. Биз сенга «Куллиёт» китобида билдириб ўтганимизга кўра², гоҳо ҳавода ҳам сувдагидек ҳолат юз беради: унинг кайфияти иссиқлик ва совуқликка томон ўзгаради, табиати ҳам ўзгаради ҳамда сув туриб қолиб сасигани ва чиригани каби [ҳаво ҳам] туриб қолиб чирийди. Сув соф ҳолида эканлигида бузилмай, унга тупроқ жинсидан бўлган ёмон жисмлар аралашиб, таркибида ёмон кайфият пайдо қилгандагина бузилганидек ҳаво ҳам соф ҳолатида эканлигида бузилмайди, балки || [65] унинг таркибида ёмон 261 кайфият пайдо қиладиган ёмон буғлар унга аралашгандагина бузилади. Бунга, кўпинча, шамол сабаб бўлиб, у ботқоқлик жойлардан ёки

бузилаётган жасадлар кўмилмай ёки куйдирилмай қолган уруш майдонларидан ёки ўлдирувчан ваболи узоқ жойлардан ёмон буғларни яхши [ҳаволи] жойга ҳайдайди. Баъзан [бундай] сабаб шу тоза жойнинг яқинида [ёки шу ернинг] ўзида мавжуд бўлади. Баъзан ернинг тагидаги жузъияти бизга маълум бўлмаган сабаблардан турли хил чириб бузилишлар пайдо бўлиб, улар сув ва ҳавога ҳам ўтади.

Қуруқ ҳаво сабабли пайдо бўладиган [вабо] иситмалари рутубатли ҳаводан бўладиган шунга ўхшаш [иситма]ларга қараганда камроқ учрайди. Аммо сафронинг қуруқ ҳаводан бўлиши¹ сафродан келиб чиқадиган иситмаларнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлади. Бироқ вабо иситмаларига келганда, булар [тоза бўлмаган] қудуратли ҳўл ҳаводан пайдо бўлади. Ҳўл ҳаволи [жойларда] иситмалар кўп пайдо бўлса ҳам, улар унча ўткир бўлмайди, [аммо] муддати узоқроққа чўзнади; оз ёмғирли, қуруқ ёз фаслида эса бу иситмалар камроқ пайдо бўлсада, жуда ўткир бўлиб, тезда ўтиб кетади. Одатдаги табнати сақланиб турадиган йил фасли [иситмалар учун] энг яхши фаслдир.

Бу ўзгаришларнинг барчасининг манбаи осмон [жисмларининг] маълум бир вазияти бўлиб, бу вазият уларни бизга номаълум бўлган тарзда вужудга келтиради, шундай бўлса ҳам, бир гуруҳ [мунажжимлар] бу ҳақда бирор далилга муносабати бўлмаган даъвои ўртага ташлайдилар.

Сен билишинг керакки, бунинг дастлабки узоқ сабаби осмон шакллари, яқин сабаби эса ердаги ҳолатлардир. Осмоннинг таъсир қилувчи қувватлари билан ернинг таъсирланувчи қувватлари ҳавода кучли рутубатлилик ҳосил қилганида буғлар ва тутунларни ҳавога кўтариб тарқатади ва уларни кучсиз ҳарорат билан чирилатади. Мана шу ҳолатдаги ҳаво юракка етиб боради ва ундаги руҳ мизожини бузади. [Сўнг] юрак теъарагидаги рутубатлар чирийди ва табиийликдан ташқари ҳарорат пайдо бўлиб, ўз йўли бўйича² баданга тарқалади; натижада вабо иситмаси пайдо бўлади ва, айниқса, бу иситмага чалинишга қобилиятли бўлган кўпчилик кишиларга тарқалади. Агар таъсир қилувчининг ёлғиз ўзи мавжуд бўлиб, таъсирланувчи уни қабул қилишга тайёр бўлмаса, таъсир кўрғазиш ва таъсирланишлар юз бермайди. Бадан биз айтаётган нарсага ёмон хилт билан тўлган вақтидагина қобилиятли бўлади; тоза баданлар эса ундан таъсирланмасликлари мумкин. Кучсиз баданли кишилар, масалан, жинсий алоқани кўп қиладиган, шунингдек, тери тешиклари кенг, бадани рутубатли ва ҳаммомга кўп тушадиган кишилар ҳам бундан таъсирланишга қобилиятлидирлар.

Белгилар. Бу иситма ташқи кўринишда сокин бўлса ҳам, ичда беҳузурликка соладиган бўлиб, кўп ҳолларда ҳалокатга олиб келади. [Қасалнинг] куйиб қаттиқ алангаланаяётгани сезилиб туради, нафас чуқур, баланд ва кетма-кет бўлади, кўпинча, нафас қисадн ва нафас

бўлади; ташналик кучаяди, тил қурийди; гоҳо [иситма] билан кунгил айниш ёки иштаҳа пасайиши юз беради; агар зўрлаб овқат ҳам овқат едириб, уларга қарши турилмаса, бу ҳол уни ҳалок қилади. [Қасалнинг] меъдаси¹ оғрийди, талоғи катталашади; кучли бе-дурлик ва бетоқатлик содир бўлади; қуруқ йўтал юз беради, қувват тушиб беҳушликкача олиб боради, ақл қоришади, қовурға тоғайларининг таги тортишади, касалда уйқусизлик пайдо бўлади, бадани бўшашади ва ҳаракатларига футур етади. Баъзан бу иситмаларда [баданда] қизил, сарғиш тошмалар кўринади. [Бу тошмалар] баъзан тезда кўринади ва яна тезда ичкарига ботади; [оғизда] чақа ва яралар пайдо бўлади; томир уриши кўпинча, кетма-кет ва кичик бўлиб, кечалари аксари шиддатлиликка ўтади. Баъзан бундай касалларда истискога ўхшаш бир ҳолат юз бериб, ичларидан сафро ва бошқа хилтлар ўтади. Ахлат суюқ, жуда қўланса ва ғайритабиий бўлади, баъзан унга савдо аралашиб келади, кўпинча, кўпикли ва сассиқ бўлиб, унга эриётган бирор [хилт] қўшилиб ўтади. Қасалнинг сийдиги сувсимон, сафро ва савдо аралаш бўлади; у, кўпинча, савдо қусади, сафрони эса ундан ҳам кўпроқ ташлайди; бундай касаллардан сассиқ тер чиқади. Бу иситма мазкур белгиларнинг бор кучи билан акс этган ҳолида бошланиб, [сўнг]иш беҳушликка, қўл-оёқлар совушига, летаргияга, тиришиш ва *кузоз*² касалликларига бориб етади.

Вабо иситмаларидан шундайлари ҳам бўладики, уларда касалнинг ўзи ҳам, унга яқин туриб ушлаб кўриб текшираётган бошқа киши ҳам ҳароратни унча сезмайди, томир уриши ва сийдик деярли ўзгармайди, аммо шу билан бирга, бу иситма тезда ҳалок қилувчи бўлиб, табиблар бунинг тадбирида ҳайратда қоладилар. Мана шу кейинги ва бундан илгарироқ айтилган касаллардан нафаси сассиқ бўлганларининг кўпчилиги ҳалок бўлади, чунки чириш юракка ўрнашиб қолган бўлади.

Вабо [пайдо бўлишипинг] белгилари. Вабо сабаблари ўрнида юривчи [ҳолат]ларнинг вабо пайдо бўлишига далолат берувчиларидан бири [66] куз фаслининг бошларида ва Элул³ ойида осмон тошлари ва юлдуз учишининг кўпайишидир, чунки булар бўлғуси вабодан худди унинг сабабига, [масалан] Конун⁴ ойида жануб ва шарқ шамолларининг бир неча кун тинмай эсишига ўхшаб дарак беради. Сен ҳавони зичлашган ва туманли ҳолда кўрсанг ва ёмғир ёғди деб гумон қилсанг-у, бироқ ҳаво чагли ва қуруқ бўлиб ёмғир ёғмаса, билгинки қиш [фаслининг] мизожи бузуқ бўлади.

Аммо ёз фаслида бўладиган ёмон ва ярамас вабога келсак, бунга баҳорда совуқ бўлиб, ёмғир кам ёғиши далолат қилади. Сўнгра агар сен жануб шамоли кўп эсиб, бир неча кунгача ҳавони кудуратли қилиб турганини кўрсанг, кейин бир ҳафта ва ундан кўпроқча ҳаво тоза бўлса ва бунинг кетидан кечаси совуқ, кундузи эса ҳаво

262 дим, булутли, || кудуратли ва иссиқ бўлса, вабо келгани аниқ ҳамда вабо, чечак ва шунга ўхшаш иситмаларни кута бер! Шунингдек, ёз унча иссиқ бўлмай, жуда кудуратли ва дарахтлар¹ губорли бўлса ҳамда [ўтган] кузда осмонда юлдуз учиши, оловлар ва «найзача»лар [каби чақмоқлар] кузатилиб ўтилган бўлса, бу вабо белгисидир. Шунга ўхшаш, ҳавонинг бир кунда бир неча марта ўзгарганини кўрсанг, кейинги куни эса ҳаво тиниқ бўлса, қуёш бир куни соф, бошқа бир куни кудуратли кўришиб, губорга ўралиб чиқса, вабо пайдо бўлишига ҳукм қила бер!

Сабаблар билан гўё биргалашиб келувчи белгиларга келсак, сен, масалан, [вабодан] олдин қурбақа кўпайганини ва чириндилардан пайдо бўладиган ҳашаротларнинг ҳам кўпайганини кўрасан; яна вабога далолат қиладиган белгилардан бири шуки, сен сичқон ва ер тагида яшайдиган жониворларнинг ҳайронлик ва саросимага тушиб, ер юзига қочиб чиққанликларини, лайлак ва шунга ўхшаш ўз табиати бўйича сезгир жониворлар уясидан қочиб, баъзан [босиб ётган] тухумларини ҳам ташлаб кетишларини кузатасан².

Вабо иситмасини даволаш. Бу касал даволарининг барчаси моддаларни қуритишдан иборат, моддани қуритиш эса томирдан қон олиш ва ични сурдириш билан бўлади. Бунда бўшаттиришга шошилиш керак; агар ғолиб модда қонга тегишли бўлса, томирдан қон олинади, бошқа хилтларга онд бўлганда, уларни бўшатилади. Касал турадиган уйларни салқин қилиш ва ҳавосини яхшилаш керак; уйни салқин қилиш, унинг теварагига ҳўл мевалар, совуқлик райҳонлар ва совуқлик дарахт новдаларини қўйиш, шунингдек, совуқлик хушбўй ҳўл мевалардан, кофур, гул суви ва сандаллардан тайёрланган суюқ хушбўйликлар³ ва сепиладиган дориларни ишлатиш керак; *касалнинг уйига⁴ ҳар куни бир неча марта, хусусан гул, тол ва нилуфар сувлари сепилади. Агар уйда сув ва хушбўйликлар сепадиган қуроЛ бўлса, жуда яхши. Уйнинг ҳавосини тузатиш тадбирини яқин орада айтамеиз.

Бундай касалларга кофур кулчалари, қайнатиб қуюлтирилган совуқлик ширалар, қатиқ зардоби, ёғи олинган қатиқ ва пордон мазалик қурт солиб, ивитилган гул суви ичирилади ва сув қўшилган сирка истеъмол қилдирилади. Бир йўла кўп совуқ сув ичиш жуда фойдалидир; аммо уни оз-оздан бирин-кетин ичиш, баъзан ҳароратни қўзғатади.

Агар аҳвол қовурга тоғайларининг тортишувига, қўл-оёқлар совуши ва узоқ уйқусизликка, ақл қоришувига бориб етса ҳамда сен кўкрак ва унинг устидаги нарсанинг кўтарилиб-пасайиб турганини кўрсанг, ҳароратни сиртга тартадиган кўрпа ёпмай илож йўқ. Касалнинг иштаҳаси тушиб кетса, мажбуран овқатлантирилади, чунки бунга ботирлик қилиб, мажбуран овқатланган касал, кўпинча, енгиллаша боти-

риб тирик қолади, шунинг учун уларни зўрлаб овқатлантириш зарур. Уларга бериладиган овқат нордон ва моддани қуритувчи нарсалардан бўлиб, миқдори оз бўлсин, чунки овқатлар ҳам [уларнинг баданида] ёмон сифатлиликка айланади ҳамда кўп миқдордаги овқат ўзининг ёмонлиги билан ва, шунингдек, тўлиқлик туғдириши билан зарар қилади.

Уй ҳавоси баъзан соғлом кишиларга ва баъзан ҳам соғлом, ҳам касал кишиларга мослаб тузатилади. Соғлом кишиларга мослаб тузатишдан мақсад ҳавони қуритиш, тозалаш, қандай қилиб бўлса ҳам, унинг чиришига тўсқинлик қилишдир. Ҳавони хом уд, анбар, кундур елими, мушк, ширин қуст, *майъа* елими, сандарак елими, ангуза, қалампирмунчоқ сақичи, мастаки, сақич, ладан, асал, заъфарон, омила шираси, сарв, тоғ арчаси, *ушна*, дафна дарахтининг [чўпи], тўпалоқ, қорачайир, арча уруғи, игир, шоҳбонак, аччиқ бодом ва туёғўтлар билан тузатадилар; баъзан шулардан мураккаб дорилар ясалади; [касал ётган] уйга сирка ва ангуза ҳам сепилади.

Соғлом кишилар ҳамда вабо теккан кишиларга мослаб ҳавони тузатишга келсак, бунга сандал, кофур, анор пўсти, мирта, олма, беҳи, *абунус*¹, *сож*² дарахти, [67] юлғун ва ровочларни тутатиш билан эришилади. Буларни қайта-қайтадан³ тутатиш лозим.

В а б о д а н с а қ л а н и ш. Бадандан ортиқча рутубатларни чиқариш, ҳар бир важҳдан [баданни] қуритишга яқин тадбирни қўллаш ва овқатни кам бериш лозим. Аммо жисмоний ҳаракатларни мутлақо қилдирмаслик, [касални] ҳаммомга туширмаслик, унга шароб ичирмаслик ва уни ташна қилиб қўймаслик керак. Ҳавони биз айтган нарсалар билан тузатиш ва овқатни нордонликка мойил қилиб, оз миқдорда бериш лозим. Касалга бериладиган гўштни нордон нарсалар билан қўшиб қайнатилсин. Касал *ҳулом*, *қарис* оши ҳамда татим ёўра суви, лимон суви ва анор сувларидан сирка қўшиб ёки сиркасиз тайёрланган *масусларни* есин; сиркаланган фойдали нарсаларни, айниқса сиркага солинган ковулни [ишлатсин]. Ангуза уларга фойда етказадиган нарсалардан бўлиб, кишилардан чиришни узоқлаштиради.

Вабо [таъсир қилиши]дан олдин тарёқ ва *митридатни* бошқа тўғри тадбирлар билан биргаликда истеъмол қилиш вабодан қутқазадиган нарсалардандир. Сабр, заъфарон ва муррлардан тайёрланган дори [ҳам шундай]. Ундан ҳар куни бир *дирҳамга* яқин истеъмол қилинса, албатта, фойда беради.

Эллик иккинчи фасл. Чечак

Баъзан бир қадар чириш орқали қонда ачиб қайнаш юз беради; бу мева сувларида содир бўладиган ва уларнинг бир қисмини бошқа бир қисмидан ажралишига олиб келадиган ачиб қайнаш жинсидандир.

263 Табиийга ўхшаш бир омил сабабли [ачиб қайнаш] ана шундай бўлиб, бунда [у ҳолат] ҳомиладорлик вақтида ҳайз қонида пайдо бўлган озиклик [модда]нинг қолдиқларидан қонга аралашган қисмини || ёки ҳомиладорликдан кейин лойқа ва ёмон овқатлардан туғилган [озиклик] қисмларни қондан ажратиб ташлаш учун қонни ачитиб қайнатади. [Бундай қолдиқлар қоннинг] қуюқ-суюқлигини ёмонлаштиради ва то унда аввалгисидан кўра қуюқроқ ва аниқроқ жавҳар ҳосил бўлгунга қадар уни галаёнга сола беради.

Табиат узум ширасини [ачитиб қайнатар экан] ундан ҳавога тегишли кўликни ва тупроққа тегишли чўкмани кеткизиб жавҳарини бир турли шароб [даражаси]гача қуюлтирганида юқоридагига ўхшаш бир ҳолат кузатилади. Ташқаридан етишган бирор сабаб туфайли пайдо бўлувчи [ачиб қайнаш] ҳам шу қабилдан бўлиб, у қонни галаёнга келтиради ва хилтлар билан кучли равишда аралаштириб юборади; бунинг натижасида [қонда] ачиб қайнаш ва кўпириш вужудга келади. Ана шунга ўхшаш ҳолат йил фасллари, айниқса баҳор фасли лозим бўлганидан бошқача кайфият ва тартибларга эга бўлганида содир бўлади.

Чечак ва қизамиқ юқумли касалликлар жумласидан бўлиб, жануб шамоллари кўп эсанган кейин кўпаяди. Иссиқ ҳўл [мизожли], айниқса рутубати кудуратли ва томирларидан қон кам олинган бадан чечак касаллигига чалинишга қобилиятлидир.

Овқатлардан шундайлари борки, улар [кишини] тезда чечак касалига чалинтиради, айниқса киши одат қилмаган нарсани [сб] устидан қиздирувчи дорилар ва овқатлар истеъмол қилса шундай бўлади; масалан, сутлар, айниқса туя ва бияларнинг сутлари; хусусан, одатланмаган киши буларни кўп истеъмол қилиб, кетидан анчагина шароб ёки иссиқлик дориларни ичса шундай бўлади. Чечак касаллиги гўё бўҳроннинг бир туридир.

Чечак, кўпинча, болаларда, сўнг ўсмирларда юз беради; кексаларда эса у кам учрайди, уларда чечак фақат кучли сабаблар мавжудлигида ва жуда иссиқ ва рутубатли мамлакатлардагина юз бериши мумкин. Чечак қуруқ баданлардан кўра рутубатли баданларда, қиш фаслидан кўра баҳорда кўпроқ пайдо бўлади; баҳордан кейин кузнинг охирида, айниқса [шу куздан олдинги] ёз фасли иссиқ ва қуруқ, [кузнинг] ўзи ҳам иссиқ ва қуруқ бўлганида кўпроқ юз беради.

Чечак фақатгина терида ва бадан юзасига яқин ерларда пайдо бўлмай, балки бўлаклари бир-бирига ўхшаш бўлган ташқи ва ички аъзоларнинг ҳаммасида, ҳатто парда ва асабларда [ҳам] пайдо бўла беради. Чечак пайдо бўлганда [аввало] қичимани келтириб чиқариб, кейин игна учига ўхшаш, тариксимон нарсалар кўринади; сўнг бу нарсалар йирингга тўлиб, бадан сиртига чиқади, яра бўлади, кейин [қуриб] турли рангда қовжираб, тушиб кетади.

Кўпинча, чечак флегмона, *мошаро* ва йиринг йиғувчи шишларга ўтади. Чечак [яралари] кўринганида улар, кўпинча, флегмона рангига эга бўлади, лекин баъзан турли рангларга: кулранг, бинафшаранг ва қора рангда тошади, чунки чечак [тошмалари]га ҳар хил тур ва ранглар хосдир: уларнинг баъзиси оқ, баъзиси сариқ, баъзиси қизил, баъзиси кўк, баъзиси бинафша ранг бўлиб, баъзиси эса қорамтир бўлади.

Кўк ва бинафша рангли чечак — ёмон; қора рангликка кўпроқ мойил бўлган чечак [яна ҳам] — ёмонроқ, қора рангликдан қанчалик узоқ бўлса, ёмонликдан [ҳам] шунчалик узоқдир. Оқ ранглиси, айниқса бунинг сони кам, ҳажми катта, тошиши осон, камроқ беҳузур қиладиган, иситмаси кучсиз ва у сиртга чиқиши билан иситмаси тарқаладигани, [68] ҳамда [аввалги белгисидан кейин] учинчи ва шунга яқин кунларда тошадигани бежавотирроқдир. [Бежавотирликда] бу оқидан кейинги ўринда катта, кўп сопли, бир-бирига яқин-у, лекин тутшиб кетмагани туради: бир-бирига тутшиб кетган, ҳатто этнинг катта бир қисмини эгаллаган қирралик ёки юмалоқ чечак ёмондир. Шунингдек, бирининг ичида яна бошқа бир чечак бўладиган қаватма-қават катта хиллари ҳам ёмон.

Аммо бир-бирига яқин, [юзага] чиқиши қийин, бир-бирига яқин ўрнашган кичик, оқ, қаттиқ хилларига келсак, гарчи улар дастлаб бежавотир туюлса ҳам, бироқ буларда қийинлик билан етилиш хавфи ва касал аҳволи ёмонлашиб, унинг ҳалокатга учраш хавфи бор, чунки бунга сабаб модданинг қуюқлигидир. Чечакнинг, кўпинча, ҳалокатга олиб борадиган хавфли ёмон турларидан бири ҳолати ўзгариб турувчи: гоҳ юзада кўриниб, гоҳ ичга ботадиган ва, хусусан, бинафшаранг бўлиб кўринадиганидир. Шунингдек, [этга] ёнишган, қувватни заифлаштириш, аъзони кўкартириш ва қорайтиришдан холи бўлмайдиган хили ҳам ҳалок қилади. Агар чечак тошгандан кейин пайдо бўлган [аъзо] кўкариши ва қорайиши қувватни туширмаса, аксинча қувват ортиб борса, бундай чечак ҳалокатга олиб бормади. Лекин у, кўпинча, яралар ва шуларга ўхшашларни келтириб чиқаради. Аввал иситма пайдо бўлиб, кейин чечак тошиши — аввал чечак тошиб, кейин унга эргашиб иситма чиқишидан кўра бежавотирроқдир.

Чечак тошган кишидаги ҳолатлардан кўпроқ эътибор берилиши лозим бўлгани унинг нафас олиши ва товушидир. Бу иккаласи яхшилигича қолса, демак, иш бежавотир; агар чечак, шунингдек, қизамиқ тошган кишининг нафаси [узилиб-узилиб] кетма-кет чиқаётганлигини кузатсанг, қувват тушганлигини ёки кўкрак-қорин пардаси яллиғланганлигини тахмин қила бер. Сўнгра агар сен ташналик зўраяётганлигини, беҳузурлик давом этаётганлигини ва бадан сирти совуётганлигини кўрсанг ҳамда чечак ёки қизамиқ рангни кўкартурса, [касалик] беморни ҳалокатга ундаётган бўлади. Буни чечакнинг сустлик

билан [бадан] юзасига чиқадиган ва кечроқ тошадиган хилидан бўлиши ҳам қувватлайди.

264 Чечак билан [оғриганда] ўладиган касалларнинг кўпчилиги бўғилиб ёки бўғма касаллигига учраб ўлади; баъзан эса улар ичак шилиниши ва ич суриши натижасида қувват тушиши туфайли ҳалок бўладилар. || Чечак ва қизамиқнинг бинафша ранглиси ичга ботганлигини кузатсанг, билгинки, бу касални тезда беҳуш қилади. Касал тезда қон сия бошласа ва бунинг кетидан қора рангли сийса, айниқса унинг қуввати тушган бўлса ва қувват тушиши билан бирга ичидан кўк, қонсимон ва гўшт селисимон нарса ўтса, у албатта ўлади.

Сув чечак¹ чечак билан қизамиқ ўртасидаги бир касаллик бўлиб, иккаласидан кўра бежавотирроқдир.

Агар модда ҳайдалишга [ҳозирланиб] икки марта йиғилса, кўпинча, киши икки марта чечак билан оғрийди.

«Қўрғошинсимон мум» бу чечакнинг поча ва оёқлардан кўра юз, кўкрак ва қоринларга кўпроқ тошадиган хилидир. Бу ёмон хил чечак бўлиб, модданинг атроф [аъзолар]га ҳайдалмайдиган қуюқ эканлигига далолат қилади.

Чечак чиқишининг белгилари. Чечак чиқишдан олдин бел оғрийди, бурун қичийди, бетинч уйқу, аъзоларда санчиқ, бутун баданда оғирлик юз беради; юз ва кўз қизаради, кўз ёшланади, [бадан] алангалади, нафас қисиши ва товуш бўғилиши билан бирга керишиши ва эснаш кўпаяди, сўлак қуюқлашади, бош оғирлашиб оғрийди, оғиз қурийди, кўнгил беҳузур бўлиб, томоқ ва кўкраклар оғрийди, чалқанча ётганда ва шундай ётишга мойил бўлинганда оёқлар қалтирайди ва, шулар билан бирга, қон бузилишидан туғиладиган иситма воқе бўлади.

Эллик учинчи фасл. Қизамиқ

Билгинки, қизамиқ гўё сафродан пайдо бўладиган чечакка ўхшайди; бошқа кўп ҳолатларда бу иккаласининг ўртасида фарқ йўқ; фарқ фақат шундаки, қизамиқ сафродан пайдо бўлади ҳамда унинг ҳажми кичикроқдир. У гўё теридан юқорига чиқмагандек [туюлади] ва айниқса бошланишида, айтарли қаварчимайди, чечакнинг бошланишидаёқ дўнглик ва қавариш содир бўлади. Қизамиқ чечакка қараганда камроқ [жавфли]дир, унинг кўзга тошиши ҳам чечакдагидан камроқ.

Қизамиқнинг пайдо бўлиш белгилари чечакнинг юз бериш белгиларига яқин, лекин қизамиқда ўқчиш кўпроқ, кўнгил беҳузурлик ва алангаланш кучлироқ, бел оғриғи эса камроқ бўлади. Чунки чечак касаллигидаги бел оғриғи орқага ўрнашган томирни тортиштирувчи қон тўлиқлиги сабабли вужудга келади; чечак бузилган қоннинг кўп-

лиги туфайли [пайдо бўлади], қизамиқ эса бузилган оз қоннинг жуда ёмонлигидан келиб чиқади. Қизамиқ, кўпинча, тўсатдан, чечак эса аста-секин юз беради.

Қизамиқнинг беҳавотирлик белгилари чечакнинг беҳавотирлик белгиларига ўхшайди. Тез тошиб юзага чиқадиган ва етиладиган қизамиқ беҳавотир, [69] қаттиқ, кўк, бинафша ранглиси эса ёмондир. Етилиши суст, тез-тез беҳуш ва беҳузур қиладигани ўлдирувчидир. [Кўриниб туриб], тўсатдан ичга ботиб йўқ бўладигани ҳам ёмон беҳушликни келтиради.

Д а в о л а ш. Чечакда, агар шароит кўтарса, шошилинич равишда егарли даражада қон олиш, шунингдек, қизамиқда ҳам агар қон тўлиқлиги бўлса, [қон олиш] керак. Қонни тўртинчи кунгача олсин, чечак тошгандан кейин эса, томирдан қон олиш билан шуғулланиш керак эмас, лекин тўлиқлик зўр бўлиб, модда ғалаба қилса, енгиллик келтирадиган миқдорда қон олиш мумкин. Бу касалликда ишлатиладиган тадбирлардан энг мувофиғи томирдан қон олишдир. Бурун томирдан қон олиш бурун қонаши каби фойда қиладди, баданнинг юқори қисмларини чечакдан сақлайди; бу болалар учун енгилдир. Томирдан қон олиш лозим бўлса-ю, уни [кераклигича] тўла олинмаса, қўл ёки оёқнинг чириб бузилиш хавфи туғилади. Шунингдек, кишининг [табиий ҳароратини] доимий равишда кучли сўндирилганда ҳам шундай хавф туғилади.

Бу иккала касалликда аввало кучайтирувчи, қайтарувчи, [ҳароратни] сўндирувчи ва, шу билан бирга, ични боғламайдиган ва қонни қуюлтирмайдиган нарсалар, масалан, *тамр ҳиндий* қўшилган чилонжийда оши, хурмо гулидан тайёрланган овқат, ясмиқ оши, шўрвалар ва ични кучли юмшатиб юбормайдиган овқатлар бериш керак. Бунинг учун ўша овқатларга *тамр ҳиндий* ва [хусусиятда] шунга тўғри келадиган нарсани қўшиш лозим; қовоқ оши ва тарвуз [ҳам фойдали]. Қисқаси касалликнинг аввалидаёқ ич юмшоқ бўлиши лозим; уни юмшатиш учун энг яхши восита *тамр ҳиндий*дир, агар бу билан ич юмшамаса, *тамр ҳиндий*га эҳтиётлик билан озгина [дарахт] шираси ёки янтоқшакар ёки олхўри ивигилган сув қўшилади. Гоҳо чечак белгилари юз бериши биланоқ *кадир*¹ дарахти мевасининг қайнатиб қуюлтирилган ширасидан уч *дирҳамини* битта кофур кулчаси билан қўшиб ичириш фойда қиладди; шундай вақтда хурмо гулининг шароби голят манфаатлидир.

Қасаллик чўзилиб иккинчи кундан ўтганида ва чечак тошишга тугганида совутиш тадбирини қўллаш, кўпинча, катта хатога сабаб бўлади, чунки у чиқиндиларни ичга қамаб бошқарувчи аъзоларга йўналтиради ва бу билан [чечакнинг] тошиб чиқишига имконият бермайди; бунинг натижасида бетоқатлик ва беҳузурлик пайдо бўлади, баъзан беҳушлик юз беради. Аксинча шундай ҳолларда чиқиндига²

уни кўтариб [кўчирадиган] ва тиқилмаларни очадиган, масалан, шакар қўшилган арпабодиён ва петрушка шираси ёки маълум илдизлар ва уруғлар қайнатмасини [бериб] кўмаклашиш керак. Баъзан [касалга] бир оз заъфарон ҳидлатилади. Анжир суви жуда яхши, чунки анжир [чечакни] сиртга томон қаттиқ ҳайдайди ва у [чиқиндининг] зараридан қутулиш воситаларидан биридир. Шундай вақтда, гоёт катта фойда келтирувчи дорилардан бири: ювилган *лаккдан* беш *дирҳам*, пўсти ажратилган ясмиқдан етти *дирҳам*, катиродан уч *дирҳам* олиб, ярим *ритл* сувда чорак *ритл* қолғунича || қайнатилади ва ичирилади.

Чечакнинг юзага чиқишига зўр ёрдам берадиган [дори]: сариқ анжирдан етти *дирҳам*, пўсти ажратилган ясмиқдан уч *дирҳам*, *лаккдан* уч *дирҳам*, катиरो ва арпабодиён уруғларининг ҳар биридани икки *дирҳамдан* олиб, бир ярим *ритл* сувда [сувнинг] учдан бирига яқин қолғунича қайнатилади ва сузиб ичирилади. Бу [дори] юрак атрофидан ҳароратни ҳайдайди ва хафақонга тўсқинлик қилади.

Шу вақтда касалга ёғни ҳеч бир йўлатилмасин. Касал устига кўрпа ёпиш, уни, айниқса қишда, совуқ ҳаводан узоқлатиш, терлаган кишига ишлатиладиган тадбирни қўллаш лозим бўлади, чунки совуқ тери тешикларини тўсиб, моддаларни орқага қайтаради. Ях билан совутилган сувни кўп ичиш ва *хайшга* кириш бу касалга жуда зарарлидир. Томирдан қон олиш юзага чиқаётган [чечакни] қайтариши ва чекинтириши сабабли баъзан зарар етказилади. Демак, [қонни] касалликнинг иккинчи ёки учинчи кунларидан ўтказмай олинсин.

Кўрпа ёпиш ва қиздиришдан [касалда] беҳушликка ўхшаш бир ҳолат ёки беҳушлик юз берса, ҳавони, айниқса нафас билан торттилаётган ҳавони совутиш, кофур ва сандал ҳидлатиш зарур. Агар хайшда ёки бир оз совуқ ҳавода касалнинг баданини очиқ ҳолда қўйиш зарурати туғилса, шундай қилинади. Шунингдек, чечак тезда юзага чиқсин деб касални иссиқ тутилганда ёки совутиш тадбирини ишлатмай унга ёрдам берилганда, енгиллик туғилиш ўрнига ҳарорат кўтарилаётганини ва тил қораяётганини кўрсанг, иссиқ тутишдан сақлан!

Чечак ва қизамиқ тошган кишиларнинг қорнига қуюқ суртма боғлашдан сақланиш керак, чунки бунда ўша [боғланган] жойда нафас олишнинг қисилиши ҳамда ёмон ич кетиш, қон сийишлардан иборат икки хатар бор.

Касалликнинг охирида ич суришдан эҳтиёт бўлиш, ясмиқнинг ўзини бериш ўрнига [70] бир неча марта суви янгилаб, қайнатилган ясмиқ бериш, *тамр ҳиндий* билан нордон қилиб бериладиган ясмиқ ўрнига анор суви, татим ёки ғўра, ёки шунга ўхшашлар суви билан нордон қилинган ясмиқни бериш керак.

[Касалликнинг] бошланишида ишлатилиши буюрилган қонни қуюлтирувчи ва совутувчи, унинг ачиб қайнашига тўсқинлик қилувчи дориларга келсак, улар, масалаи, ровоч ва ғўранинг қайнатиб қуюлтирилган шираси, совуқлик меваларнинг сувлари, айпиқса *кадир* дарахти мевасининг шароби, хурмо гулининг шароби, хурмо гулининг ўзи ва хурмо дарахтининг ўзаги кабилардир.

Кадир меваси шаробининг кўп таркиблари бор, биз уларни «Қарободин»да баён қилдик. Бу ерда жуда кучли ажойиб бир таркибини айтамыз; уни қайта-қайта ачитилган қатиқ зардоби билан қўшиб ясалади, қуввати жуда зўр; таркиби: *кадир* мевасининг қайнатиб қуюлтирилган ширасидан икки бўлак, агар бу топилмаса *кадир* ёғочининг ўзини арралаб, унинг қишиғи ёки янчиб толқони олинади, унинг ярмича сандал қўшиб, ҳайдалган сиркада ёки холис ғўра сувида бир неча кун ивителиди, кейин мана шу [сувоқлик] ичида то титилиб кетгунча **узоқ**, аста-секин қайнатилади; сўнгра уни сиқиб ширасини ажратиб олинади: сирка ёки ғўра суви қанча кўп бўлса, шунча яхши. Сўнгра [қатиқни] сузиш орқали зардобини ажратиб олинади. Ёки уни то сувлик қисми ажралгунча қайнатиб [зардобини] олинади. Сўнгра шу [зардобини] арпа уни билан қўшиб бўза ясалади. Бу бўзани ачитиб, сўнг тинитилади, кейин яна шу [бўза] ва арпа унидан [янгидан] бўза ясаб ачитилади; буни қанча такрорланса, шунча яхшироқ бўлади. Охири шундан беш бўлак олинади, кейин Чин нокининг суви, серсув нордон беҳининг суви, нордон анорнинг суви, серсув нордон олманинг суви, дўлана суви, лимон суви, нордон олхўри суви, хурмо гулининг сиқиб олинган суви, ҳўл етмак суви, етилиб пишмаган Шом тутининг суви, хом нордон кишмишнинг суви, ғўра шираси, ровоч шираси, ток новдаларининг шираси, Эрон гули шираси, нилуфар шираси ва гунафша ширасининг ҳар биридан учдан бир бўлакдан, *цитрон* ва норанж сувиининг ҳар биридан учдан икки бўлак, кашнич, сутчўп, ҳўл кўкпор барги, сачратқи ва семизўт шираларининг ҳар биридан тўртдан бир бўлак, тол барги, олма барги, нок барги, дўлана барги, гул барги ва қизил тасма барги шираларининг ҳар биридан тўртдан бир бўлак, тақасоқол шираси, қуруқ гул, қуруқ нилуфар, қуруқ зиркнинг шираси, сачратқи уруғи, сутчўп уруғи, анор гули, нилуфар ва гулларнинг ҳар биридан ўндан бир бўлакнинг ярми ва ҳўл ялпиз ширасидан олтидан бир бўлак, ҳўл зирк ширасидан ярим бўлак олиб, дорилар ва шираларни қўшиб оловга қўйиб аралаштирилади ва бунга ясиқдан тўрт бўлак, пўсти ажратилган арпадан икки бўлак, татимдан уч бўлак ва анор донидан уч бўлак солиб, ҳаммасини олов устига қўйиб ярми қолгунча қайнатилади, кейин совугунча қўйиб қўйилади, куч билан кавлаб қўйиб, тинитилади; сўнг [шу таркибнинг] ҳар бир уч юз *дирхами* учун бир *мисқолдан* кофур олиб янчилади ва «қовоқ»¹ ёки колба тагига сенилади, устига шу таркибни секинлик билан қўйилади.

кейин идишнинг оғзини қаттиқ бир нарса билан беркитиб идишни то қайнашга яқинлашгани билингунича, чўғ устига қўйилади. Шундан сўнг уни олиб чайқатилади ва кофур учиб, бекор кетмаслиги учун со-
266 пол идишга қўйиб, оғзи маҳкамланади. || Бунинг бир ичми — ўн *дирҳамгача*. Баъзи кишилар бу таркибга сунбул, занжабил, арпабодиён уруғи, Рум арпабодиёни, мурч ва тўпалоқлардан керак топилган миқдорда қўшадилар.

Чечак тамом тошиб бўлса ва етти кундан ўтиб етилганлиги кўринса, тилла игна билан оҳиста-оҳиста тешиб, рутубатини пахтага шимдириб олиш тўғри тадбирлардан ҳисобланади. Туз қўйишга келсак, буни қўймай илож йўқ, аммо уни қўймоқчи бўлганинда яқиндагина ўзинг тешган, алам бераётган катта хилларига яқинлаштирама, чунки туз оғритади; шунинг учун бошқаларига қўйиб катталарини то тешик йўли бириккунича қолдир, улар бириккандан кейингина туз қўй. Чечак тамом етилишидан олдин туз қўя кўрма, чунки [71] у, баъзан шиш ва қаттиқ оғриқ пайдо қилади. Чечак етилганидан кейин туз қўйиш зарурий ишдир; буни заъфарон қуввати ўтказилган намакоб билан қилинади. Агар [намакоб қилинган] сув гул суви бўлса, бу жуда яхши; сувда гул, юлғун, ясмиқ қайнатиб, кейин агар [туз солиб] шўр қилинса, айниқса унга кофур ва сандал қўшилса, яна ҳам яхши бўлади. Туз қўйиш чечакни етилтиради ва қуришиб тезда тушириб юборади.

Чечакни юлғун тутуни билан буғлаш жуда фойдалидир. Қиш фаслида юлғун ўтинини муттасил ёқиш керак. Агар чечак ўта рутубатли бўлса, мирта ва унинг баргининг тутуни билан буғламай чора йўқ.

Чечак етилганда ва уни қуритишга киришилганда, чечак тошган кишини гуруч, тариқ, арпа ёки боқила унларининг устига ётқизиш фойдали тадбирлардандир. Бу тадбирнинг энг мувофиқ [қўллаш усули] унни чети тикилган ва ун қувватини ўтказувчи сийрак тўқилган гилоф ичига солишдир. Бу соҳада чучукмиянинг барги яхшидир. Ёғлар эса бундай вақтда ҳам зарарли, чунки ёғ чечакнинг қуришига тўсқинлик қилади. Чечак қурий бошлаганида бунга кўмаклашувчи мазкур дориларни бир оз заъфарон қуввати қўшиб суртиш керак.

Чечакдан яралар пайдо бўлганида бунга қарши оқ марҳам, айниқса унинг бир оз кофур қўшилгани, шунингдек, қамиш илдизи кукунининг гул суви билан қўшилгани ёки тол дарахти ёки дўлана дарахти илдизининг кукуни фойда қилади. Баъзан қўрғошин упаси ва куйдирилган қўрғошинни сепиш фойда етказади.

[Чечак] бурунда қуриб-қовжирганида бунга қўрғошин упасининг ҳамда куйдирилган қўрғошин ва [олтин] тўполининг қуввати ўтказилган холис гул ёғи билан тайёрланган мумли суртма фойда келтиради. Чечак қуригандан кейин ва у ярага айланган пайтда ёғ ишлатиш фойдали, чунки у чечак қуриган пайтида тезда тушириб юборади, яра-

га айланган пайтида эса марҳамлар [қўшиладиган] модда бўлади. Қизил марҳам чечак яраларига қарши яхши доридир.

**Эллик тўртинчи фасл. Аъзоларни чечак ва қизамиқ
офатидан эҳтиёт қилиб сақлаш**

Чечак офатидан сақланиши зарур бўлган аъзолар томоқ, кўз, бурун, ўпка ва ичаклардир, чунки чечакда [кўпроқ] шу аъзолар яраланади; кўзга келсак, баъзан оқиб тушади, баъзан эса унга оқ тушади; томоқда баъзан бўғма пайдо бўлади ва қизилўнғачнинг ютишига тўсқинлик қиладиган яралар юз беради ҳамда бу яралар томоқда баъзан ўлдирадиган ўйиб еювчи ярага айланади.

Бурунга келганда, баъзан унда ҳаво йўлини тўсадиган яралар пайдо бўлади. Ўпкада эса чечак ва қизамиқ тошмаларидан қаттиқ нафас қисиши юз беради; ўпка яраланганида, баъзан кишини сил касаллигига¹ учратади. Ичакларга келсак, уларда, кўпинча, даволаниши қийин бўлган шилиниш содир бўлади.

Кўзни сақлашнинг энг яхши йўли: кўзга, айниқса [чечак бошланишининг] биринчи купида, татим ва кофур қўшилган *муррий* ва кашнич суви суртилади, *муррийнинг* ёлғиз ўзини ҳам суртиш мумкин. Шунингдек, кофур қўшилган кашнич суви ва татим суви билан ишланган сурма дори суртилади. Қасалликнинг бошланишида анор чарвисининг шираси ҳам фойдалидир; аммо чечак кўринганида гул суви ва кофурдан тайёрланган суртма [дори] мувофиқроқ. Айтишларича, бунга оқ нефть суртиш жуда фойдалидир. Писта ёғи чечак тошиб кўз зарарланганида бизнинг мамлакатдаги хотинлар ишлатадиган [дорилардан] бўлиб, агар кўзда оқ парда бўлса, уни кетказади ва кўзни яхши қилади. Чечак тошмаси [кўзга] чиққанида оқ шамча [ишлатиш] жуда яхши.

Оғиз ва томоқни чечак офатидан сақлаш [касалликнинг] бошланғич пайтида, масалан, анорни сўриш ва донини чайнаш билан, шунингдек, айниқса касал ўша иккала аъзонинг оғриётганлигидан шикоят қилса, Шом тутини сўриш ва унинг қайнатиб қуюлтирилган шираси билан ғарғара қилиш билан бўлади. Шунда Шом тути ширасини оздан ялатиб туриш керак.

Бурунни [сақлаш]га келсак, бунга *момисо*, сандал ва ғўранинг қайнатиб қуюлтирилган ширасидан тайёрланган суртма дори билан эришилади. Сирканинг ёлғиз ўзини бурунга тортиш ҳам жуда фойдалидир. Ўпкани сақлаш учун эса, кўкнор уруғи қўшиб ясмиқдан тайёрланган ялатма дори каби [фойдали] бир дори йўқдир.

Ичакларни сақлаш, айниқса, [чечак] бошланғич давридан ўтгандан кейин лозим бўлиб, буни буриштирувчи нарсалар билан амалга оширилади. Агар касалликнинг охирида ич суриши юз берса, табо-

шир кулчаларини ровочнинг қайнатиб қуюлтирилган шираси билан бирга [ишлатиб], шунингдек, шовул уруғи кулчалари билан даволанади.

Эллик бешинчи фасл. Чечак изларини кетказиш

Зийнат бобида гапирганимизда бу ҳақда қайтадан тўхтаб ўтамиз, [72] ҳозир эса [бу бобга] мувофиқроқ ва муносабати кўпроқ нарсаларни баён қиламиз.

Чечак изларини кеткизувчи нарсалар, [масалан], қуритилган қамиш илдизи, боқила донининг уни, тол ёғочининг кукуни, анзират-гўштхўр, қовун уруғи, қовуннинг қуритилган пўчоғи, ювилган гуруч, 267 || арпа суви, тухум оқи, говак лой, куйдирилган қўрғошин, новвот, крахмал ҳамда ширин ва аччиқ бодомлар, ёғлардан эса гулсапсар ва писта ёғлари ҳамда гул ёғи билан қўшилган эшак ёғи ва шуларга ўхшаш ёғлардир. Қўзичоқ туёғини қовурилганда унинг ичидан чиқади-ган сув бу бобда жуда фойдалидир.

Кучлироқ нарсаларга келсак, улар, [масалан], денгиз кўпиги, «мурчтоши», қуст, қаврак елими, кундур елими, совун, бурақ, куйдирилган суяк, чириган суяк, турп уруғи, қуритилган турпнинг уни, аристолохия ва Миср боқиласидир.

Ширин ва нордон анорлар, тоза шароб, илитилган тухум сариғи ҳамда товуқ, каклик, ўрмон каклиги ва семиз қирғовуларнинг шўрвалари — истеъмол қилинганда кўринишни чиройли қиладиган овқатлардандир. Чечак изи қолган киши тез-тез ҳаммомга тушиб туриши лозим.

Чечак изларини кетказадиган мураккаб дорилардан бири: куйдирилган суяк, қўйнинг эски қумалоғи, янги сопол, крахмал, қовун уруғи, ювилган гуруч ва нўхатларнинг ҳар биридан ўн бўлакдан, бон мевасининг уруғи. Миср боқиласи, қуст ва узун аристолохиянинг ҳар биридан беш бўлакдан ва қуруқ қамиш илдизидан йигирма бўлак олиб, шу таркибдан қовун суви ёки ёввойи таррак суви, ёки арпа суви, ёки боқила суви билан суюқ суртма дори тайёрланади; бу дорини аъзога суртиб [ётиб], эртасига эрталаб гунафша қайнатмаси билан юзиб ташланади.

Бошқа [дори]: янги сопол, чириган суяк, форс қамишининг илдизи, крахмал, Миср боқиласи, қовун уруғи, ювилган гуруч, бон меваси уруғи ва қустлардан баробар бўлақларни олиб, шу таркибдан юзни ювиладиган дори тайёрланади. Унга Миср боқиласи ва қора нўхат ҳам [қўшилади].

Эллик олтинчи фасл. Шишлардан келиб чиқадиган иситмалар

Бадан сиртида бўладиган шишларга эргашиб келувчи иситмалар қандай эканлигини билиб ўтдинг. Улар аксари бир кунлик иситмалар жинсидан бўлади, чунки бундай шишлардаги чириш эмас, қизиш юракка томон етиб боради. Бу иситмалар кўпроқ сиртқи сабаблардан келиб чиқади. Шишларнинг катталиги ёки юракка яқинлиги сабабли улардаги чириш юракка бориб етса, бундан бир кунлик иситма жинсидан бошқа бир иситма пайдо бўлади. Бунга ўхшаш иситмалар аксари ўзларидан олдин баданда воқе бўлган сабаблардан ва тўлиқликлардан келиб чиқади, баъзан эса улар шундай шишлардан пайдо бўладики, бу шишларга ёмон моддалар оқиб бориб, ғовак этларда қамалиб қолади.

Ички шишларга эргашиб келадиган иситмаларга келсак, улар чиришсиз фақат қизишнинггина юракка бориб етишидан пайдо бўлмайди. Ички шишлардан бўладиган иситманинг ёмон хили ички аъзоларнинг баъзисидаги сарамасдан келиб чиқади ва бунда оғриқ, ташналик ва алангаланиш зўраяди; бунга сафро билан қоннинг жуда аралашиб кетганлигининг белгилари далолат қилади. Бу ички шишлар, масалан, мия, унинг пардалари, қулоқ пардасидаги шишлар, баъзан эса томоқ, кўкракка яқин турган парда, жигар, буйрак, қовуқ, бачадон, ичаклар ва шуларга ўхшаш [аъзолардаги] шишлардир; бундай шишларнинг иситмалари юракка яқин ва узоқлигига қараб кучли ва кучсизликда турлича бўлади. Этли аъзолардаги шишларда иситма жуда қаттиқ, юпқа парда ва шунга ўхшаш аъзолардаги шишларда эса иситма кучсизроқ бўлади. Шиш артериялар яқинида бўлганда иситма қаттиқроқ, фақатгина веналар яқинида бўлганда эса кучсизроқдир.

Моддаларнинг ўз туғилиш [даврлари] бўйича вақт-вақти билан шишларга томон қуюлишларига, уларнинг ҳаракатларига ҳамда ҳарорат ва оғриқни тортишига қараб, бу иситмалар тутиш даврларидан холи бўлмайди; ҳар бир хилтнинг ўзига яраша [туғилиш] даври бўлади.

Билгинки, зотилжам ва бошқалардаги шишлар, кўпинча, тузалиб кетади, аммо иситмаси давом эта беради, бу ҳол шишнинг тоза тузалмаганига далолат қилади. Бу иситмалар узоққа чўзилса, айниқса шишлар жигарда бўлса, ингичка оғриққа олиб боради, аммо шиш кўкрак-қорин пардасида бўлиб, ўрнашиб олса, ингичка оғриққа ўтгунча [тирик] қўймайди.

**Эллик еттинчи фасл. Шишлардан келиб чиқадиган
иситмаларнинг белгилари ва ҳукмлари**

Ички шишлардан келиб чиқадиган иситмаларда уч турли [73] белги ва ҳолатлар кузатилади: касал аъзога далолат қиладиган белгилар ва ҳолатлар, моддага далолат қиладиган белгилар ва ҳолатлар, касалнинг аҳволига далолат қиладиган белгилар ва ҳолатлар. Белгиларнинг биринчи турига — шиш кўкрак теварагида эканлигида «аррасимон» томир уриши ва санчиб оғриш, шунингдек, кўкракда шиш борлигини кўрсатувчи аввало қуруқ, кейин ҳўл йўтал ва шунга ўхшаш зотилжам белгилари мисолдир. Умуман, оғриқ ёки оғирлик маълум бир аъзода бўлади ва [бу аъзо] бошқа аъзолардан кўра кўпроқ ва одатдан ташқари иссиқ бўлади. Тиришиш ҳам бунга мисолдир, чунки тиришиш, кўпинча, асабли аъзолардаги иссиқ шишларга биргалашиб келади.

Белгиларнинг иккинчи турига келсак, бу, масалан, касалликнинг сафродан эканлигига далолат қиладиган иситманинг куноралаб кучайишидир. Касалнинг [ҳолатидан] олинадиган белгилар — унинг соғайиши ёки ўлишига далолат қиладиган ҳолатлардир.

Ички шишлар иситмани келтириб чиқаришга қобилиятлилиги, иситмасининг кучли, давомли ва қайтувчи бўлиши, шишнинг ўзининг катталиги, илдизларининг катталиги ва жойлашган аъзоларига қараб 268 бири-бирларидан фарқ қилади. Чунки ички аъзоларнинг баъзиси || юракка яқин жойлашган ёки унга яқиндан ҳамкор бўлади, баъзиси эса буйрак сингари юракдан узоқ ва унга ҳамкорлиги оз бўлади. Буйракдаги шишлар сабабли ҳамма вақт ҳам кучли ва давомли иситмалар келиб чиқа бермайди, балки бунинг иситмалари қайтувчи бўлиб, аралаш иситмалар, кунора, тўрт кунда бир, беш кунда бир ва олти кунда бир тутадиган иситмалар жинсидандир. Бу иситмаларда қалтираш ва эт увушиб ҳурпайиш пайдо бўлиб, уларни [даволаш] қийин. Буларга буйрак турган жойда ва бел атрофида оғирлик ва оғриқ бўлиши, айниқса буйракда одатдагидан кўра кўпроқ ҳарорат бўлиши далолат қилади.

Агар бирор аъзода бошқарувчи аъзога яқинлик ёки унга кучли ҳамкорлилик, ёки қаттиқ сезгирлик биргалашиб келиб, бу аъзо асабли бўлса, унинг шишларига эргашиб келган иситмалар кучли бўлиши билан бирга касалда зўр бетоқатлик ва тиришиш юз беради. Баъзан бундай иситмаларга ажиб ҳолатлар, масалан, бачадон шишидаги иситмага бош оғриғи ва гардан оғриғи биргалашади. Бу шишларда, — агар бирор кучли омил таъсир этмаса, — ҳарорат кўтарилганда ҳам куйдирувчи иситмадагидек жуда ўткир бўлмайди. Бунинг сабаби чиришнинг махфийлиги ва сиртга томон қўзғалмаслигидир.

Ички шишлардан келиб чиқадиган иситмаларда томир уриши модда чиришидан бўладиган иситмалардагидек [иситма] бошланишида кичик, ниҳоятга етганида тез қисилувчидир; кейин у, билиб ўтганига мувофиқ, аъзо ва модда [ҳолати]га яраша катта, тез ва кетма-кетликка ўтади; сўнгра аъзонинг асаблилиги ва этлилигига қараб, «ар-расимон» ва «тўлқинсимон» бўлади.

Бу иситмаларнинг аксариди, билиб ўтилганга кўра, модданинг шишга томон йўналиши сабабли сийдик оқиш ва нимранг бўлади.

Д а в о л а ш. Бундай иситмаларнинг давоси, аввал шишларга қарши тадбир қўллангандан кейин, ўткир иситмалар давосининг ўзидир. Чунки бу иситмаларни даволашда асосий мақсад совутиш ва рутубатлантиришдан иборат иситмага қарши давони кўзда тутган ҳолда шишга қарши чора кўришдир.

Бу иситмалар даволанишга нисбатан ўткир содда иситмалардан фарқ қилади; шундайки, шишдан бўладиган иситмаларда совуқ сув ичишга ва ҳаммомга тушишга рухсат берилмайди. Агар шиш сарамас бўлса, билфеъл совутилган совуқлик нарсаларни сиртдан шиш устига қўйиш мумкин. Масалан, сутчўп, гулҳамишабаҳор ва семизўтлар ширасини озгина оқ арпа толқони билан қўшиб қўйилади, бу ширани ҳаммиша ях устида совутиб, алмаштириб турилади, баъзан эса шу таркибга думбул зайтуннинг ёғи ёки гул ёғи аралаштирилади. Ювилган сутчўпни ях устида совутиб ейиш ҳам мумкин, у фойда етказди.

Эллик саккизинчи фасл. Мураккаб иситмалар ҳолати

Гоҳо иситмаларнинг баъзиси бошқа бири билан биргалашади. Бунда, масалан, ингичка оғриқ иситмаси чиришдан бўладиган иситма билан биргалашганидек, кўпинча, бири биридан узоқ жинсларга оид бўлган иситма турлари [қўшилиб], мураккаблашади. Аммо баъзан бири бирига мувофиқ, яқин жинсдаги иситма турлари ҳам биргалашishi мумкин, масалан, чиришдан бўладиган иситмаларнинг кунора тутадиган ва балғамдан бўладиган иситма каби турлари биргалашади ва [натижада] *шатр ул-ғибб* деб машҳур бўлган [мураккаб] иситма келиб чиқади. Шишлардан бўладиган иситмаларнинг мураккаблашиши ҳам шундай. Баъзан буларнинг маълум бир навда бир-бирига мувофиқ бўлганлари биргалашади, масалан, иккита кунора тутадиган иситма, ёки тўрт кунда бир тутадиган иситма, ёки учта тўрт кунда бир тутадиган иситмалар биргалашиб келади. Шунда кўринишдан, [74] балғамдан бўладиган иситманинг тутиш навбатлари устига иккита кунора тутадиган иситма келиб тутади; балғамдан бўладиган иситманинг тутиш навбатлари орасида [эса] тўрт кунда бир тутадиган учта иситма келиб тутади.

Гоҳо кунора тутадиган иситманинг учтаси биргалашиб келади. Шунда бу иситмалар бир-бири билан алмашилиб келса, учинчи кунги тутиш навбати кучлироқ бўлади. Чунки бу биринчи кун тутган иситманинг ниҳоятига етган даври бўлиши билан бирга учинчи кун тутадиган иситманинг бошланиш давридир; бешинчи куни тутиш ҳам шундай. Иккита кунора тутадиган иситма биргалашганда вақт-вақти билан тутадиган балғамдан бўладиган иситмага ўхшагани каби, учта кунора тутадиган иситманинг биргалашиши ҳам *шатр ул-ғибба* ўхшайди. Бундай ҳолларда бутун эътиборни иситмаларнинг тутиш навбатларига эмас, балки белгиларига бериш керак.

Бу иситмалар холис кунора тутувчи бўлганида юз берадиган белгиларнинг бири шуки, уларнинг тутиш навбатлари қисқаришга шошилади ва ҳатто уларнинг кучсизроғи бошқасидан илгари йўқ бўлиб кетади. Гоҳо иситманинг мураккаблигига [ҳарорат] тўхтагандан кейин қайтадан эт увушиб ҳурпайиши далолат қилади. Ҳар бир иситманинг далиллари ва белгиларини билувчи табибнинг иситмаларнинг биринчиси ёки иккинчи кундан биргалашганини билолмай қолиши айб ҳисобланади.

Ингичка оғриқ иситмасининг чиришдан бўладиган иситма билан биргалашиши ишни жуда мушкуллаштирадиган ҳоллардандир. Чунки даволовчи табиблар иситманинг енгиллашганини ёки қалтираш ва эт увушиб ҳурпайишларнинг бошланганини ҳамда, — агар бор бўлса, — қайта-қайта терлашни, шунингдек, [биргалашган] ҳар бир [иситманинг] хусусий [тутиш] давларини кўриб, бунда доимий ёки доимий ва қайтувчи иситмалардан ташкил топган чириш иситмасигина мавжуд деб гумон қиладилар; бироқ бир қанча иситмаларнинг биргалашуви улашиб кета беради ва ҳатто [тутиш навбатлари] бир хил, *синухусга* ўхшаш биргина узлуксиз иситма кузатилади. Ана шундай пайтда иситмаларнинг далилларига мурожаат қилмай илож йўқ.

Иситмаларнинг тутиш навбатлари қисқа бўлганида, уларнинг кўп ададлилиги, айниқса [ҳар бир иситманинг] енгиллашиш муддатининг узоқлилигидан иборат зўр бир ҳолат юз бермаса, у иситмалар узлуксиз бўлмайди. *Шатр-ул-ғибб* сингари хилма-хил иситмалар биргалашганида, улардан ўткирроғи кетиб, узоққа чўзиладиганининг холис ўзи қолади [ёки] иккита қайтувчи иситма ёки иккита давомли иситма, ёки бири қайтувчи, бири давомли [иккита] иситма [пайдо] бўлади. Баъзан *шатр-ул-ғибб* билан бошқа кунора тутадиган иситма ёки балғамдан бўладиган иситма, ёки савдодан бўладиган иситма биргалашади. Агар *шатр-ул-ғибб* кунора тутадиган иситма билан биргалашса, кунора тутадиган иситма кетиб, *шатр ул-ғиббнинг* ўзи қолади, агар *шатр ул-ғибб* балғамдан бўладиган ёки савдодан бўладиган иситмалар билан биргалашса, *шатр ул-ғибб* кетиб, балғамдан бўладиган ёки савдодан бўладиган иситмалар қолади.

Гоҳо иситмалар бошқа йўсинда таркиб топади. Бу шундай: қай-
тувчи иситма доимий иситма билан жинсда мухолиф [иккита иситма]
ёки ҳамжинс [иккита иситма], ёки навлари мувофиқ [иккита иситма]
биргалашади. Масалан, || кунора тутадиган даврий иситма билан кун 269
ора тутадиган доимий иситма [биргалашади]. Иккита қайтувчи исит-
ма биргалашганидек, гоҳо иккита доимий тутадиган иситма ҳам бир-
галашаши мумкин.

Баъзи [табиб]лар «Иккита кунора тутадиган иситма биргалашса
ҳам, иккита доимий тутувчи иситма биргалашмайди, чунки агар мод-
да томирлар ичида бўлса, чириётган [модданинг] хилма-хил бўлиши
мумкин эмас, чунки чириш [томирларнинг] ҳаммасига баробар тарқа-
лади», деб даъво қиладилар. Менимча, бу фикрнинг зарурийлиги шарт
эмас. Чунки чириш аввало, албатта, бир жойдан бошланиб, кейин
тарқалади; бундан кейин [иситманинг] кучайиш ва енгиллашиш ҳукм-
лари аввалги чириш вақтига қараб бўлади ва шу вақтга кўра унинг
ҳаракатлари бўлади. Шундай бўлгач, модданинг бир бўлагиди, итти-
фоқо, чириш ҳукмронлик қилиб, унга эргашган бўлагиди ҳукмронлик
қилмаслиги ақлдан узоқ эмас ва аксинча модданинг бир бўлагиди
бошланган чириш унга эргашган бўлагиди ҳам бир йўла юз бери-
ши мумкин. Демак, чиришнинг кучсизланиш ва кучайиш вақти бўлади.

Иситмаларнинг биргалашаши уч турдан иборат: «киришиш», «ал-
машиш» ва «аралашашиш». «Киришиш» — иситманинг бири бошқаси-
нинг устига келиб тутиши, «алмашиш» — бирининг бошқаси кетгани-
дан кейин тутиши, «аралашашиш» эса — бири бошқаси билан биргалик-
да тутишидир.

Қоннинг бузилишидан бўлган иситмада қалтираш борлигини,
аммо тер чиқмаётганлигини кузатсанг,— баъзан қалтиратувчи жўп-
гина иситмаларда бир марта терлаш бўлади,— иситмаларнинг му-
раккаб эканлигига ҳукм қила бер. Қоннинг бузилишидан бўлган исит-
мада қўл-оёқларнинг ҳаддан ташқари совуб чангак бўлганини кузат-
ганингда ҳам шундай. Аммо қўл-оёқларнинг озгина совуб чангак бў-
лиши эса, баъзан қон бузилишидан бўладиган иситманинг [ёлғиз] ўзи-
да ҳам учрайди.

Эллик тўққизинчи фасл. Ш а т р ул-ғ и б б

Шатр ул-ғибб бири кунора тутадиган, иккинчиси балғамдан бў-
ладиган икки иситмадан [таркиб топувчи] мураккаб иситмадир. Бун-
да ҳам кунора иситма, ҳам балғамдан бўладиган иситманинг тутиш
навбатлари ёки аралашашиш ва бир-бирига тўғри келиш ёки алмашиш
ва қўшнилик, ёки киришиш ва ёриб кириш йўли билан бир куннинг
ўзида келади. Булардан таниб олиш учун энг қийини биринчиси, ун-
дан кейин иккинчисидир.

Гоҳо бу икки иситма доимий бўлади, чунки чириш буларнинг иккаласида ҳам [томирларнинг] ичкарасида бўлади. Баъзан ҳар иккаласи ҳам даврий бўлиб, қайтиб кетувчидир, чунки чириш бундай томирларнинг сиртидадир. Сафродан бўладиган иситма гоҳо доимий бўлиб, [модда] чириши томирларнинг ичкарасида, балғамдан бўладиган иситма эса бунга қарама-қарши, баъзан аксинча ҳам бўлади.

Баъзи [табиб]лар холис *шатр ул-ғиббни* чириш томир ташқарисида воқе бўлгандаги кунора тутадиган иситмадан [75] ва чириш томир ичкарасида воқе бўлгандаги балғамдан бўладиган иситмадан таркиб топган деб ҳисоблайдилар, бундан бошқасини эса холис эмас дейдилар. Бу гаплар бош қотиришга арзийдиган нарсалардан эмас. Бу иситмада илгарироқ чирийдиган нарса баъзан сафро бўлади, баъзан эса иккала хил модда [балғам ва сафро] баробар чирийди. Шунингдек, баъзан балғамдан бўладиган иситмани келтираётган модда ғолиброқ, баъзан эса сафродан бўладиган иситмани келтириб чиқараётган модда ғолиброқ бўлади. Қандай бўлса ҳам балғам моддаси сафродан бўладиган иситма тутиш муддатларини узайтириб, буҳронни кечиктиради, сафро моддаси эса, балғам иситмаларининг тутиш навбатларини ва буҳронини бунинг аксича қилади.

Баъзан *шатр ул-ғибб* иситмасининг муддати чўзилиб, тўққиз ойга ва ундан кўпроққа ҳам боради. Гоҳо *шатр ул-ғиббдан* ўткир касаллик пайдо бўлади ва гоҳо *шатр ул-ғибб* иситмаси иситмаларнинг энг ўлдирувчани бўлиб қолади, чунки у ингичка оғриққа ва тузалиши қийин чўзма касалликларга олиб боради.

Олтмишинчи фасл. Ш а т р ул-ғ и б б н и н г белгилари

.Гарчанд бунинг бошқа далиллари бўлса ҳам, ўзига хосроқ ва аввалги ўринда турадиган белгиси иситма муддати икки куннинг бирида кунора тутадиган иситманикидан узунроқ ва ундан тинчроқ бўлиб ўтишидир; сўнгра, иккинчи кун тутиш навбати енгилроқ ва ёмон ҳолатлар камроқ бўлади. Иккала модданинг бир-бири билан курашуви ёки бири бошқасининг устига келиши сабабли *шатр ул-ғибб* иситмасида, кўпинча, эт увушиб тук ҳурпайиши бир неча марта қайталайди. Баъзан шу қайталаш уч марта воқе бўлади. Гоҳо эт увушиб ҳурпайиши бўла туриб, баъзи аъзолар қизийди. Ана шундай иситма *шатр ул-ғиббдир*, чунки бунда бадан моддадан тугал тоза бўлмайди. Айниқса шундай вақтда икки иситма аралашиб тутса ёки бири бошқасига киришиб тутса, *шатр ул-ғибб* иситмасининг бошланиши ва зўрайишида касал жуда бетоқат бўлади. Шу пайтда эт увушиб ҳурпайиши қайта-қайта такрорланиб, иситманинг ниҳоятига етиш даври узаяди; энди бадан қизийди ва иситма ниҳоятига етади деб гумон қилганингда, қайтадан эт увушиб ҳурпайиш содир бўлади. Чунки

хилтларнинг бир-бири билан курашуви сабабли қарама-қарши белгилар юз беради.

Бу иситманинг хусусий ва умумий даврларидаги ниҳоятига етиши балғамдан бўладиган иситманинг ниҳоятига етишидан илгарироқ, ундан тезроқ ҳамда сафро иситмасининг ниҳоятига етишидан кўра кечроқдир, чунки бу иситмада ҳарорат, айниқса иситма бошланишида жуда қийинлик билангина баданга ёйилади ва унинг ўткирлиги иситма ниҳоятига етганида жуда кучаяди. Шунингдек, моддаларнинг бири бошқаси билан курашиши тақозо этган [бир даражада] туриб қолишлар сабабли иситманинг пасайиш даври ҳам узоққа чўзилади ҳамда иситма камдан-кам тер чиқиши билан қайтади. Бу иситма [тутиш] кунларининг учинчи куни биринчи кунига, тўртинчи куни иккинчи кунига ўхшайди.

Шатр ул-ғибб иситмасига турли нарсалардан: гоҳо одатлардан, баъзан эса юз берадиган ҳолатлардан далил олинади. Одатлардан содир бўладиган далиллар, масалан, кишининг баданида сафро кўпайиб чириган вақтда у киши бекор ётиб жисмоний ҳаракат қилмаслиги [ва шу билан бирга] балғам пайдо қиладиган овқатлар ва турли тадбирларни истемол қилиши ёки кишининг баданида балғам кўпайиб чириганда, у киши жисмоний ҳаракатни кўп қилиши ва сафро туғдирадиган турли тадбирларни қўллашидир; [*шатр ул-ғиббга*] яна кишининг ёши: рутубат ғалаба қилган болаликдан ўсмирлик ёшига ўтиши ёки ўткир мизожли ўсмирликдан ўрта ёшликка ўтиши ҳам далолат қилади.

Юз берадиган ҳолатлардан олинadиган далилларни, масалан, томир уриши,|| сийдик, қусуқ ва ахлатнинг чиқиши, модданинг етилиш 270 ҳолати ва белгилари, ташналик ҳолати, [терига] тегиб билингандаги ҳолат, эт увушиб ҳурпайиш ва қалтираш ҳолати, иситма тутиш вақтлари ва навбатларидан олинади.

Томир уриши ҳолатига келганда, унда катталиқ, тезлик ва кетма-кетликлар кунора тутадиган иситмадагидан камроқ бўлади; буларга зид ҳолатлар ҳам балғамдан бўладиган иситмадагидан камроқдир. Сийдик [*шатр ул-ғиббда*] кеч етилади, қусуқ сафро ва балғам аралаш, ахлат ҳам сафро ва балғам аралаш бўлади. Аммо қизиш, совуш, ташналик, эт увушиб ҳурпайиш, иситманинг даврлари ва тутиш навбатлари ҳақида биз зарур бўлган барча фикрларни айтиб ўтдик.

Икки хилтдан қайси бирининг ғолиб эканлигини ғолиб далилга қараб билинади; агар балғам ғолиб бўлса, иситма тутиш навбатлари узоқроқ, эт увушиб ҳурпайиши камроқ, хусусан, томир уриши қисилиши кучлироқ бўлади; қўл-оёқлар касалликнинг дастлабки пайтларида тез совуйди ва кейин ҳам совуқлигича қолади; ташналик кучсизроқ ва ўт [сафро] қусиш кам бўлиб, сийдик ранги оқишроқ ва хомроқ бўлади; тер кам чиқади, [касалнинг шу ондаги] ёши ёш боланинг ёки қариган

кишининг ёши сингари бўлади; гоҳо [балғам ғолиблигига] бадан мизожи, [76] шунингдек, одат ва шунга ўхшаш нарсалар ҳам далолат қилади.

Сафро ғалаба қилганда иситма тутиш навбатлари қисқаради, қўлоёқ тез қизийди, ташналик, сафро қусиш кўпроқ бўлади, тер кўп чиқади; баъзан эт увушиб ҳурпайиши қалтираш каби бир ҳолатга ўтади, сийдик жуда рангдор ва [касал] яшаб турган ёш ўсмир киши ёшига яқин бўлади. Бунга бадан мизожи, шунингдек, одат ва шу каби нарсалар ҳам далолат қилади.

Ҳар икки хилтнинг [ғолиблиги] бир-бирига баробар бўлса, уларнинг далиллари ҳам бир-бирига баробар бўлади; эт увушиб ҳурпайиши холис ва тўлиқ бўлиб, кишини қалтиратмайди ва қалтираш томонига ўтмайди ҳам.

Даврий иситма билан доимий тутадиган иситма таркиб топса,— бу шундай иситмаки, кўп кишилар уни «холис *шатр ул-ғибб*», деб ажратадилар,— ва доимий иситма балғамдан бўладиган иситма бўлса, эт увушиб қалтираш ва заифлик кузатилади, чунки [томир] сиртидаги модда сафро бўлиб, у билан бирга бўлган [томир] сиртидаги балғам сафронинг қалтиратишига тўсқинлик қиладиган даражада қаршилик кўрсатмайди, [балки] балғам кучсизроқ бўлади. Баъзан бу иситмада совуқ ейиш ва эт увушиб ҳурпайиш, сен билганингдек, то иситма ниҳоятига етиб модда қуюқлашгунига қадар такрорлана беради; бундай [иситмада] қўлоёқлар совуқлиги билан бирга ички аъзолар ва қоринда ҳарорат кўпаяди; томир уриши жуда кичик ва сийрак бўлади.

Агар доимий тутадиган иситма сафродан бўладиган иситма бўлса, қалтираш ҳам, эт увушиб ҳурпайишнинг кучайиши ҳам бўлмайди, [аммо] томир уриши қаттиқроқ, тезроқ ва беҳузурлик ҳам кучлироқ бўлади.

Агар иккита доимий иситма биргалашиб тутса, қалтираш бутунлай бўлмайди. Доимий тутадиган кунора иситма балғамдан бўладиган иситмадан олдин қайта тутмаса ҳам, аммо унга қараганда олдинроқ энгиллашади.

Олтмиш биринчи фасл. Ш а т р у л-ғ и б б н и даволаш

Шатр ул-ғиббни даволашда [ҳароратни] сўндирувчи дориларга қаттиқ эътибор беришдан кўра ични сурдириш, қустириш, сийдикни юргизиш ва терлатиш каби турли йўллар билан моддани бўшатишга эътиборни кўпроқ кучайтириш керак. Сурги дориларни ишлатишда [модданинг] етилишини кутиш лозим, лекин бу дори ични юмшатиб равон қиладиган ва [моддани қаттиқ қўзғатиб] ташвишлантормайдиган бўлса [кутиш керак эмас]. Масалан, балғам моддаси кўпайса — гулқанд қўшилган қўйпечак суви, сафро моддаси кўпайса,— янтоқшакар, шира, тамр ҳиндий ивитмаси ва гунафша шароби [ишлатила-

ди]. Агар ҳар икки хилт бир-бирига баробар бўлса, шу икки хил дорини таркиб қилиб [берилади].

Модда етилганлиги белгилари кўрингач, кучли дори ишлатиб бўшатиш [лозим бўлса], уни ишлатиш мумкин. Қустириш тадбири ҳам [қайси] модданинг кўпайганлигига қараб ё иссиқ *сиканжубинга* қўшилган турп суви билан ёки иссиқ сувга қўшилган *сиканжубин* билан бўлсин, сийдикни эса мўътадил хусусиятга эга бўлган дори билан юргизилсин. [Модда] етилишидан олдин шошилиб қайнатма дориларни ишлатиш *сарсом* касаллиги хавфини туғдиради.

Касаллик зўрайиб ниҳоятига етгунича моддани тузатиш, етилтириш ва келтирган зарарларини кетказиш учун ишлатиладиган фойдали содда дорилардан бири эрмандир. Лекин буни еттинчи кундан кейин ва модда етилганлиги белгилари кўрингач, [шунда ҳам] Рум эрманини ишлатиш яхшидир. Агар илгарироқ ишлатиб қўйилса, [эрман] хилтни қўзғатади-ю, бўшатмайди, беҳузурлик, ғамгинлик ва кўнгилайни келтириб чиқаради, кейин моддага қайтадан таъсир кўрсатиб, ўз аччиқлиги билан уни қуритади ва буриштириши билан тарқалишга қўймайди.

Жолинус ва ундан илгари ўтган [табиб]лар бундай касалларни мурч қуввати ўтказилган арпа суви билан даволаганлар. Қадимги табиблардан бири «Жолинус ажабланарли даражада чуқур янглишди, мурчнинг иситмани алангалантиришини ҳамда арпанинг моддани тарқалишга қўймаслигини билмади» деган. Бироқ Жолинусга қарши чиқаётган бу киши фақат бу маънининг ўзидагина эмас, балки табиат бундай моддаларга қарши қўзғалганда уни қандай қилиб қўллашни кўрсатувчи [умумий] қонун бўйича ҳам хато қилади. [Чунончи] табиат шундай моддаларга қаршилашишга қўзғалар экан, бу қўзғалиш совутувчи ва қиздирувчилардан иборат мураккаб дорилар ёрдамида бўлади. Шунда табиат совутувчи ва қиздирувчи икки қувватни бир-биридан ажратиш, совутувчини иситмага ва юрак теварагига, қиздирувчини моддага қарши йўналтиради. *Шатр ул-ғибб* иситмасини бундан бошқа усул билан ким даволаган!? Агар табиат бу икки қувватни ажратишга қодир бўлмас экан, қайси йўсинда қўлланилмасин ҳеч қандай даво таъсир қилолмайди. [Бу табиб] яна бошқа важҳдан ҳам янглишади. Сўзни узайтирувчилар йўлидан юриб, у важҳларни бу ерда келтиришнинг зарурати йўқ.

[Жолинусни] камситаётган бу киши «петрушка ва укроп каби кучли қиздириш хусусиятига эга бўлмаган суюлтирувчиларни || ишлатиш керак бўлади» деган; мурчни [янчиб] майдалаш билан унинг қиздириш хусусиятини синдириш даражасигача совутиш мумкинлигини ва бунда унинг суюлтириш хусусияти кўп миқдорли петрушканинг суюлтиришидан кам бўлмаслигини, арпа суви эса мурч қувватини [керакли ерга] етказишда [77] ва ҳаддан ташқарилигини синдиришда, моддаларни

ивитиб, мурч қувватини уларга осон ўтказишда ёрдам беришини билмаган. Сўнгра, энг қизиғи шуки, бу киши Жолинусни мурчнинг иситмани алангалантириш хусусиятини билмайдиган ва арпа сувига мурч қўшишни буюрганда унинг алангалантиришидан беҳабар кишилар қаторида санайди.

Шундай пайтда истеъмол қилиниши зарур мураккаб дориларга келсак, улар эрман кулчалари ва гул кулчалари каби дорилардир.

Шатр ул-ғиббга [қарши] фойдали энгил кулча дорилар: гул ва гулсапсар илдизининг ҳар биридан тўрт [*дирҳамдан*], янтоқшакардан уч, сунбул, эрман шираси ва *табоширларнинг* ҳар биридан икки *дирҳамдан* олиб, шулардан кулча дори ясаллади.

Бошқа кулча дори. Гулдан олти [бўлак], шовул уруғи ва араб елимининг ҳар биридан тўрт [бўлакдан], крахмалдан уч, зирк, *табошир* ва семизўт уруғининг ҳар биридан икки [бўлакдан], катиरो, заъфарон, сунбул ва ровоч илдизининг ҳар биридан икки *донақдан* ва кофурдан бир *донақ* олиб, булардан кулча дори ясаллади.

Шу касалга учраган, айниқса, шу билан бирга, ич суриш ва йўталдан шикоят қиладиган киши учун фойдали бошқа кулча дорилар. Хушбўй сунбул, уд, заъфарон, зирк ёки унинг ширасининг ҳар биридан уч [бўлакдан], ровоч илдизидан тўрт, *табошир*, гул,—косачаси билан,—*лакк*, қовурилган араб елими ва қаҳраболарнинг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, шовулнинг қовурилган уруғидан олти *дирҳам*, Рум лойидан етти *дирҳам* олиб, кулча дорилари тайёрланади.

Яна бошқа фойдали таркиб. Қизил гулдан олти *дирҳам*, зирк, араб елими ва шовул уруғининг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, сунбул, *ғофит*, *табошир*, крахмал, семизўт уруғи ва таррак уруғининг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, сачратқи уруғи ва зарпечак уруғининг ҳар биридан бир ярим *дирҳамдан*, чучукмиянинг қайнатиб қуюлтирилган ширасидан бир *дирҳам*, *лакк* ва ровоч илдизининг ҳар биридан ярим *дирҳамдан* олиб, ҳаммасини қўшиб, кулча дори ясаллади.

Шу касалликка, барча узоққа чўзилган касалликларга ва ички аъзоларга азият берадиган иситмаларга қарши, айниқса, балғам моддаси ғолиброқ бўлганда фойдали бўлган ҳаб дори: сабр, мастаки, сариқ ҳалила, ровоч илдизи, ғофит шираси, эрман шираси ва гулдан баробар бўлақларни ва заъфарондан ярим бўлақни олиб, сачратқи суви билан ҳаб дори ясаллади. Бунинг бир ичими икки *дирҳам* оғирлигида; *сиканжубин* билан қўшиб ичнлади.

[Модда етилиш вақтида] мос келадиган *ва ични сурадиган¹ яхши таркиб: сабр, мастаки, ғофит шираси, эрман шираси ва гулдан баробар [бўлақлар] ва заъфарондан ярим бўлақ олиб, сачратқи суви билан

[қўшиб] ҳаб дори ясалади. Бунинг бир ичими икки *дирҳам* оғирлигида; *сиканжубинга* солиб ичилади.

Олтмиш иккинчи фасл. Қасалликнинг қайталаши

*Тўғриси айтсак¹ касалликнинг қайталаши асл [касаллик]дан ёмонроқдир. Бунда то аҳвол маълум бўлмагунча даволашга шошилмаслик керак². Қўп ҳолларда у ёмон [натижа] билан тугайди.





ИККИНЧИ ФАН
БУҲРОН





БУХРОННИ ОЛДИНДАН БИЛИШ ВА У ҲАҚДАГИ ҲУКМЛАР

Биз бу фанда бухроннинг турли ҳоллари, унинг бўладиган кунлари ва белгиларини, [модда] етилганлик белгисини, далилларнинг ҳар бирига хос ҳукми, яхши ва ёмон белгиларни баён қиламиз. Бу нарсаларга асосланиб [бухрон бўлишини] олдиндан билинади.

Олдиндан билиш — мавжуд далилларга таяниб, қувватнинг турғунлиги ёки унинг пасайиб кетишини аниқлаш орқали касалнинг тузалиши ёки ҳалок бўлиши, [бухрон] бўлиш вақти, қайси йўсинда бўлиши, масалан, унинг бўлиши ёки бўлмаслиги ҳақида ҳукм чиқаришдан иборатдир.

БИРИНЧИ МАҚОЛА

БУХРОН ҲАМДА УНИНГ ЯХШИ ВА ЁМОН [ХИЛИГА] ДАЛИЛ ОЛИШ ЙУЛЛАРИ

Биринчи фасл. Бухрон, унинг моҳияти, қисмлари ва ҳукмлари



Бухроннинг маъноси «ажрим қилиш», изоҳи [эса] соғайиш ёки касалликка томон дафъатан ўзгариш демакдир. [Бухроннинг] далиллари бўлиб, табиб бу далиллардан [касалнинг] бўлажак ҳолатини аниқлайди.

Бунинг баёни шуки, касаллик бадан учун [бирор] шаҳарни [босган] ташқи душман кабидир; табиат эса бу шаҳарни муҳофаза қилиб турувчи султонга ўхшайди. Баъзан буларнинг иккаласи орасида енгил, эътибор бермаса бўладиган тўқинишлар юз беради, баъзан эса жанг кучайиб, [78] шу пайтда, масалан, тўзон кўтарилиши, шовқин-сурон ва кўп қон тўкилиши каби жанг кучайганлигини кўрсатувчи ҳолат ва сабаблар юз беради. Кейин миқдори сезилмайдиган бир вақт ичида, гўё бир онда, ора ажрим бўлади: шаҳарни муҳофаза қилувчи султон ёки

унга бўйсунмаётган душман ғолиб келади. Ғалаба ё тўлиқ бўлиб, икки тарафнинг бири тамоман [енгилади] ва шаҳарни холи қолдириб қочади; ё бутунлай ғалаба қозонилмай, бунда бир томоннинг енгилиши яна қайтадан уруш бўлишига монелик қилмайди, ҳатто уруш яна бир ёки бир неча мартадан воқе бўла беради, шу пайтда ажрим бўлиш охириги [жангда] юз беради. Султон ташқи душман устидан ғалаба қозонса, уни қайтариб ҳайдайди: ёки бутунлай ҳайдаб, шаҳар май-

272 дони, чеккаси ва шаҳарга туташган бошқа жойларни тинчитади, || ёки бутунлай қувламай, шаҳардан четлатади, аммо унга туташ ерлардан четлатишга кучи етмай қолади. Худди шунга ўхшаш яхши бухрон билан [баданга] етишган қувват юрак ва бошқарувчи аъзолардан иборат бўлган баданнинг [асосий] қисмларидан ва унинг атроф-теваракларидан, яъни чекка аъзолардан азият бериб турган моддани ҳайдайди ёки ўша яхши [асосий] аъзоларнинг ўзидангина ҳайдайди, лекин чекка аъзолардан ҳайдаёлмайди, балки уни шу жойларга ҳайдаб қўя қолади; буни «[модда] кўчиши бухрони» дейилади.

Бадандан кетадиган ҳар бир касаллик ё бухрон йўли билан, ёки [модданинг] тарқалиши орқали кетади, яъни модда оз-оздан тарқалиб, ниҳоят аста-секин йўқолади. Кўпинча, бу ҳол узоққа чўзилган касалликларда ва совуқ моддаларда бўлиб, бундан олдин қўрқинчли белгилар ва [модданинг] қаттиқ қўзғалишлари юз бермайди. Шунга ўхшаш ҳалок этувчи ҳар бир касаллик ҳам ёки бухрон йўли билан ҳалок қилади, ёки сўлитиш, яъни қувватни оз-оздан тарқатиш билан ҳалок этади.

Бухроннинг энг яхшиси тўла етилган, ишончли, аниқ ва равшан бўлгани, кўриниши ва белгилари беҳавотир бўлиб, яхши бухрон кутилган кунларнинг бирида юз берадиганидир.

Ҳар қандай бухрон ё яхши, ё ёмон ва ҳар бири ё тўлиқ ёки нуқсонли бўлади. Бухрон тўлиқ ва яхши бўлса, табиат моддани бутунлай ҳайдайди ёки кўчиради. Гоҳо нуқсонли бухроннинг яхшисига эргашиб модда тарқалади, у ёмон бўлганда эса касал озиб кетади.

Нуқсонли бухрон кунни, агар у биз баён қиладиган йўсиндаги бухрон кунларининг ҳолатидан ва бухрон белгилари юз берадиган кунларнинг ҳолатидан хабар берса, тўла бухрон кунидан дарак беради. Бу яхши бухронга ҳам, ёмон бухронга ҳам тегишлидир.

Моддалари ўткир ва суюқ касалликларда [касалнинг] қуввати кучли бўлса, [моддани] тўла ҳайдайдиган бухрон юз бериши кутилсин. Қувват заиф ва модда қуюқроқ бўлса, модда кўчиш бухрони кутилсин. Биринчисидаги ҳолат ҳам турлича бўлади; чунки бунда, агар модда жуда суюқ бўлса, бухрон тер билан бўлади, агар унчалик суюқ бўлмай, жуда ўткир бўлса, бурун қонаш билан ёки сийдикнинг юриши билан, ёки ич сурниш ва қусиш билан бўлади.

Билгинки, бурундан [кўп] мишиқ оқиши, қулоқдан йиринг оқиши ва кўз ифлосланиб ёшланиши бош касалликлари бухронларидан, балғам ташлаш — кўкрак касалликлари бухронларидандир.

Бавосирнинг очилиб қонаши кўп касалликлар учун фойдали бухрондир, лекин бу аксари шундай одати бўлган кишида бўла беради. Бурун қонаши бухронларнинг энг ўткири ва ажрим қилишга энг яқинидир, чунки бир марта бурун қонашнинг ўзидаёқ модда ҳайдалишига эришилади. Бундан кейинги даражада ич суриш, сўнг қусиш, ундан кейин сийдик, сўнг тер, ундан кейин чиқиқлар туради. Чиқиқлар модда кўчиш бухрони жумласидандир. Гоҳо чиқиқлар бухронликда тердан кўра кучлироқ бўлади, кўпинча шу чиқиқлар натижасида, агар улар бежавотир бўлса, касаллик бир йўла кетади; улар хавотирли бўлганда эса, қайси аъзодан чиққан бўлса, шу аъзоларни ўлдиради. Чунки бухрон бўладиган чиқиқлар турли хил бўлиб, улар чипқон, йирингли шиш, ўрмаловчи тошма¹, сарамас², *нори форсий*, ел чечак, томоқ оғриқлари ва баданда кўпаядиган яралардир.

Гоҳо бухрон ёки унинг нуқсонли тури мушак ва асабларнинг туғунланиб қолиши, қўтир турлари, темиратки, саратон, песлик, турли безлар, фил касаллиги, веналарнинг кенгайиши, қўл-оёқларнинг кўпчиши ва бешқа касалликлар билан ҳам бўлади.

[Модда] кўчиш ҳолларининг баъзисида чиқиқ чиқмайди, балки юз фалажи, тиришиш, бўшашиш, ёнбош [79], орқа ва тизза оғриқлари, сариқ касаллиги, фил касаллиги ва веналарнинг кенгайиши юз беради.

Билгинки, [модда] кўчиши туфайли бўладиган бухронда [модда] кўчиши бухрон юз берадиган даражада бўлмаса, [касал] соғаймайди. Аммо модда кўчиб, бирор аъзода чиқиққа ёки бошқа нарсага айланиши, кўпинча, соғайишдан кейин воқе бўлади. Модда кўчиш турларининг энг яхшиси қуйи томонга бўладиганидир. Модда кўчиб [чиқиқ] чиқишининг яхшиси у етилгандан кейин бадан сиртига ва шариф аъзолардан узоқроққа чиқадиганидир.

Шаҳарни ҳимоя қилаётган султон ғалаба қиладими ё унга қарши турган душманми деган масалага далил топмоқчи бўлган киши кўриниб турган ҳолатдан далил келтирганидек, табиб ҳам кўриниб турган ҳолатларга қараб яхши ва ёмон бухронга далил келтира олади. Масалан, душман шаҳарга қарши уруш қилиб, қаттиқ жангга киришса ва [шаҳарни] қисиб қўйса, фитна қўзғалса, кучли тўқнашиш белгилари юз берса, шаҳарни ҳимоя қилиб турган султон эса ҳали тайёргарлик кўрмаган ва қурол-яроғларни ишлатишга имконият тополмаган бўлса, бундай белгилар султон аҳволининг ёмонланишига далолат қилади. Агар аҳвол бунинг аксича бўлса, ҳукм ҳам бунинг аксича бўлади. Шунингдек, касаллик биз тез орада баён қиладиган бухрон белгиларини модда етилишидан илгари қўзғатса, бу ёмон бухронга далолат қила-

ди; агар модда бир қадар етилган бўлса, нуқсонли бухронга, агар модда тўла етилган бўлса, яхши ва тўлиқ бухронга далолат қилади.

Тўлиқ бухрон касаллик ниҳоятга етиб [кучайганда], баъзан эса, пасая бошлаганда бўлади. Шу сабабли [ҳаво] қаттиқ совуқ пайтда тўлиқ бухрон кечикиб воқе бўлади. Чунки бундай ҳавода касалликнинг пасайиши у ёқда турсин, ниҳоятга етиб [кучайиши] ҳам қийинлашади.

Кўпинча табиб совуқ ҳавога қарши чора кўриб, касал ётадиган жойни иситтириши, тер чиқа бошлаши кўрингунича касалнинг қорнига иссиқ ёғ қуйиб туриши керак бўлади. || Кейин ёғ қуйиш тўхтатилади, тер артилади ва [касал ётган] жойнинг ҳавоси мўътадил тутилади.

Билгинки, бухрон ҳаракатлари одатда табиат касаллик билан курашадиган кунлар ва вақтларда воқе бўлиб, ҳаракатлар учун вақт белгилаш ва бемор ҳолини эътиборга олишда тангри хоҳиши билан табиат ёрдам қилса, бундай бухрондан яхшилик кутилади. Агар бу курашиш табиатдан ўз-ўзидан келиб чиқадиган вақтдан илгари воқе бўлса, у касаллик томонидан юзага чиқарилган ва табиатни шунга мажбур этилган бўлади. Бу — касаллик заҳматининг кучли эканлигига ва модданинг оғирлигига далолат қилади; масалан, меъда оғзига хилт азият етказганда табиат қўзғалиб қустиради ёки меъданинг тагига азият етказганда, табиат ични сурдиради. [Табиат] йўтал ва аксиришни келтириб чиқарганда ҳам шундай ҳолат юз беради. Шунингдек, далиллар бухроннинг у бўладиган кунлардан бирида, масалан, ўн тўртинчи кунда воқе бўлишига далолат қилса, бироқ у олдин келиб, бухрон аломатларининг қўзғалиши олдинги бирон кунда, масалан, ўн биринчи [кун] каби бухрон бўладиган [куни] кўринса, бу аҳвол бухроннинг яхши бўлса ҳам тўлиқ бўлмаслигига далолат қилади. Чунки бу ҳам табиатнинг касалликка қарши шошилиб [бевақт] курашаётганлигидан дарак беради. Агар касаллик ёмон ва хавотирли бўлса, [яхши бухрон] бўлишидан умид қилинмайди, агар касаллик беҳавотир бўлса, тўлиқ бухрон бўлиши кутилмайди. Хулоса шуки, бухрон ҳаракатлари касаллик керакли даражада [кучайиб] ниҳоятга етишидан бурун юз берса, бу ё касалликнинг кучлилигидан, ёки [касаллик] ҳаракатининг шиддатли ва тезлигидан, ёки сиртдан келиб тинч турган касалликни безовта қилган бирор сабаб: масалан, хато қилиб бирор нарса ейиш ёки ичиш, ёки бадантарбия қилиш, ёки бирор нафсоний ҳолат юз беришидан бўлади. Чунки нафсоний ҳолатларнинг бухронни қўзғатишига ва уни турли томонга қараб ўзгартиришига дахли бор. Масалан, кўрқин вақтида бухрон юз берса, у ични сурдиради ёки қустиради, ёки сийдикни ыргизади; хурсандлик вақтида юз берганда эса терлатади. Бу руддиди [бадан] ичкарасига ёки ташқарисига томон ҳаракатига қараб бўлади. Агар табиатнинг вақтидан олдин касаллик билан курашуви қувватни заифлаштириб [касаллик кучайиб] ниҳоятга яқинлашгунича [қувват] қолмайдиган даражага етказиб қўйса, бу ўлим дали-

лидир. Баъзан қувват касаллик [кучайиб] ниҳоятига етгунича ҳам ўрнида қолади, бу эса соғайиш [белгисидир].

Билгинки, иситма қайтиб [касал] тинч ётган, [касаллик] шиддати енгилган пайтда бухрон воқе бўлмайди, лекин [бўлганда ҳам] камдан-кам учрайди, аввалги ҳолат эса жуда ҳам кам учрайди. Бундай бухронни Архиген ўз тажрибаларида икки марта, Жолинуc эса бир марта кўрган.

[80] Бухроннинг энг яхшиси касаллик ҳақиқатан ҳам [кучайиб] ниҳоятига етган пайтда бўлади, ундан олдин келадигани ишончсиз, балки ё нуқсонли ёки безовта қиладиган ёмон [бухрон]дир. Бухрон [касалликнинг] бошланишида юз берган бўлса, албатта, ҳалок қилади. Умуман, касалликнинг дастлабки пайтларида бухрон белгиларининг юз бериши ҳалокатга далилдир; касаллик зўрайганда юз бериши, агар яхши [белгилар] бўлса, бухроннинг нуқсонли бўлишига далилдир; аммо касаллик пасайганда асло бухрон бўлмайди. [Бухронда] қандай қилиб ўлим воқе бўлиши ёки яхши бухронга ўхшаш ҳолат юз бериши ҳақида кейин гапирамиз.

Билгинки, бежавотир касалликларда бухрон баъзан ўз вақтидан кечроқ келади, чунки табиат шошмайди ва модда тамом етилгунича чидаб тура олади. Ўлдирадиган касалликларда эса бухрон ўз вақтидан олдинроқ келади; модда тарқалиш йўсини билан қутулиш мумкин бўлмаган касалликдан яхши ҳисобланадиган бўшаниш ёки чиқиқ юз берсагина бирдан қутулиш мумкин. Қутқазувчи тарқалиш ва ҳалок этувчи ориқлашларга келсак, бу иккаласидан олдин қўрқинчли ҳолатлар ва сезиларли бўшалишлар юз бермайди.

Билгинки, касалликлар турлича бўлиб, баъзиси бошланишда қўзғалиб, кейин пасайиб босилади ва баъзиси бунинг аксича бўлади. Кўпинча далиллар табиат касаллик моддасини [баданнинг] шундай томонига ҳайдаши билан бўладиган бухронга далолат қиладик, модданинг ўша томонга ҳайдалиши зарарли бўлади, шу пайтда ўша томон ва ўша аъзони кучайтиришга эҳтиёж туғилиб, моддани у томоннинг қаршисига йўналтирилади.

Билгинки, баъзан яхши бухрон келади, аммо бу бухрон келган кунни [касалликнинг] олтинчи кун деб ҳисобланади, ҳолбуки, [ҳақиқатда] бу кун еттинчи кун бўлиб, касалликнинг биринчи кун соғломлик кунидек ўтган бўлади, чунки яхши бухрон олтинчи кун камдан-кам юз беради.

Билгинки, касалликларнинг ўзгариш турлари олтидир: касаллик ёки дафъатан соғайиш томонига қараб, ёки дафъатан ўлим томонига қараб, ёки оҳиста-оҳиста соғайиш томонига қараб, ёки оҳиста-оҳиста ўлим томонига қараб ўзгаради ёки ўзгаришда иккала ҳолат бирга келиб, аҳвол соғайишга қараб йўналади, ёки ўзгаришда шу иккала ҳолат бирга келиб, аҳвол ўлимга бориб етади.

Билгинки, сўзи ишончли бир кишининг баёнига кўра, «буҳрон» сўзи юнон тилида қозилар ҳузурда икки мунозарачи ёки икки хусуматчидан бирининг фойдасига, бошқа бирининг зарарига чиқарилган қатъий ҳукмдан олингандир. Гўё шу билан ора ажрим бўлиб, иш туғалади.

Буҳрон белгилари ҳақида умумий сўз. Буҳрон агар кечаси воқе бўладиган бўлса — кундуз куни, ёки кундуз куни воқе бўладиган бўлса, кечаси унга белги бўлувчи турли ҳолат ва кайфиятлар юз беради. Масалан, бетоқатлик, кўнгил беҳузурлиги, сиқилиш, у ёндан бу ёнга ағдарила бериш, [бош] оғирлиги, ақл қоришуви, бош оғриғи, гардан оғриқлари, бош айланиши, кўз тиниши, кўзга хаёлий нарсаларнинг кўриниши, қулоқ шанғиллаши, бурун қичиши, юз ва 274 бурун учиши, || рангнинг дафъатан ўзгариб қизариши ёки сарғайиши, лаб ва кўз учиши, ташналик, хафақон, меъда оғзининг оғриши, тўсатдан нафас қисилиб, нафас олишнинг қийинлашуви, қовурға тоғайларининг оғирлашиб тортишиши ва оғриши, орқа оғриши ва мушакларнинг учиши, ич буриб оғриши ва қорин қулдураши шулар жумласидандир.

Баъзан қалтираш ва чарчаганда бўладиган оғриқ юз бериб, [бу ҳам] буҳронга далолат қилади. Гоҳо томир уришининг ҳолати ўзгариб ҳам буҳронга далолат қилади.

Буҳроннинг кечаси юз берадиган белгилари кундузи юз берадиганидан кучлироқ бўлади. Гоҳо буҳрон сабабли ҳайз қони, бавосир қони ва ич равонлиги [тўхталиб] бўшатилиши зарур бир қанча нарсалар бўшатилмайди. Бу модда ҳаракатининг қарши томонга йўналганига далолат қилади. Бунинг сабаби шуки, касалликни келтириб чиқарётган модда ўз ҳаракати билан турли ҳолатлар ва далилларни кўзғатади; улар модданинг турлилиги ёки [модда] йўналаётган томоннинг турлилиги сабабли фарқ қилади.

Модданинг турлилиги сабабли [далилларнинг] хилма-хил бўлишига келсак, масалан, модда юқорига қараб ҳаракат қилса ҳамда касалликнинг тури, касалнинг ёши, мизожи ва шу каби далиллар модданинг қондан эканлигига далолат қилса, бу ҳолатдан табиб бурун қонаш [буҳрони] бўлишини, [модданинг] сафродан эканлигига далолат қилганида эса, кўпинча қусиш [буҳрони] юз беришини кутади; лекин бурун қонашига хос бошқа далиллар бўлса, бунда ҳам¹ кўпинча бурун қонаш буҳрон бўлади. Бундан олдин касал кўзига сариқ [рангли] ва оловга ўхшаш хаёлий нарсалар кўринади. Кўпинча кучли бурун қонаш ёмон касаллик моддаларини тубдан қўпоради ва бемор дарҳол тузалади.

[Далилларнинг] модданинг йўналиш томони сабабли ҳар хил бўлиши шунинг учунки, модда бошқарувчи аъзоларга [81] ва уларга

бош ички аъзоларга томон йўналиб, уларга ҳамла қилади; шунда зарнинг фаолиятларида офат пайдо бўлиб, зарар етади. Масалан, мия томонида ақл қоришуви, бош оғриши ва бу иккаласидан бошқа биз айтиб ўтган касалликлар юз беради; юрак томонида эса хафақон, нафас олишнинг ёмонлашуви ва бошқа биз айтиб ўтган касалликлар юз беради.

Ёки модда ҳайдаш томонга қараб йўналади; бу икки хил бўлади: модда ёки [баданнинг] ҳамма томонидан ҳайдалади, бунда [модда] баданнинг бутун сирти орқали [чиқади], бу терлаш билан бўлади; ёки модда биргина томонга йўналади, у ўша йўналган томонга қараб юрганида, етакчи аъзолар устидан ўтмасликнинг иложи бўлмаса, масалан, юқорига қараб йўналганда [модда], албатта кўкрак¹ ва нафас аъзолари ва мия томонига ўтиб, натижада бунда ҳам [модда] ҳайдалиш томонига бормай, ўша аъзоларда ҳосил бўладиган ёмон ҳолатларни пайдо қилади. Баъзан [модда] бошқарувчи аъзолардан пастроқ [даражадаги] аъзоларга қараб йўналади; масалан, модда қусиш бухрони билан ҳайдаладиган бўлса, меъда оғзи томон йўналади, ёки модда бошқарувчи аъзоларга томон ҳаракат қилади, аммо бу аъзо қийинчиликларни кўтара оладиган ва тезда бузилмайдиган бўлади; масалан, модда жигар томонга йўналса, қовуқ йўлидан ёки ўт йўлидан ҳайдалади.

[Баданнинг] ҳар бир томонидан бухрон моддасининг ҳайдаладиган жойи бўлади. Масалан, меъдадаги модда қусиш билан, бош томонидаги модда бурун қонаш ва шунга ўхшашлар билан, жигар томонидаги [модда] сийдик билан ва ичаклар томонидаги модда эса, ич суриш билан ҳайдалади. Иш шундай бўлгач, модданинг ҳар томондаги ҳаракатига хос аломатлари бўлади, бу аломатлар, агар кўзда тутилган бухрон яхши бўлса, модданинг ҳам шу йўсинда мўлжалланган томонга қараб ҳайдалишининг воқе бўлишига далолат қилади. Агар бухрон ёмон бўлса, шу қабилда белгиси ҳам ёмон бўлиб, модданинг дастлабки зарари ўша аъзолардан [бирига] етганлигига далолат қилади. Баъзан биргина белги кўп томонларга [хос] далолат беради. Масалан, хафақон гоҳо модданинг меъда оғзига ҳайдалаётганига, гоҳо эса модданинг юракка томон йўналганига далолат қилади.

Баъзан биргина аломат [модда] ҳаракати учун умумий бўлган барча ҳолатларга далолат қилади. Бунда модданинг ҳайдаладиган томонини белгилашга ёрдам берадиган бошқа белгилари кутилади. Масалан, бош оғриғи, нафас қисилиши ва қобирға тоғайларининг тортишуви юз берса, модда юқорига ҳайдалади, чунки бу ҳолат модданинг юқорига томон қўзғалишига далолат қилади; бироқ [модданинг] қусиш йўли биланми, бурун қонаш йўли биланми ҳайдалишини бошқа аломатлар орқалигина билинади.

Гоҳо бирор томондан бухрон воқе бўлишига, ўша томоннинг қарама-қаршисидан ажралиб оқаётган модданинг тўхтаб қолиши далолат беради. Масалан, яхши бухрон белгилари билан биргаликда ич тўхталиши бухрон моддасининг қуйига эмас, юқорига ҳаракат қилишига, балки модданинг ё сийдик, ё тер, ёки қусиш, ёки бурўн қонаш билан ҳайдалишига далолат қилади.

Гоҳо касалликнинг тури қайси томондан бухрон бўлишига далолат қилади. Масалан, жигар шиши унинг дўнг томонида бўлса, бу шишнинг бухрони ёки буруннинг ўнг томонидан қон келиш билан, ёки яхши тер билан, ёки сийдик билан бўлади; чуқур томонида бўлганда эса унинг бухрони ич кетиш, ёки қусиш, ёки тер билан бўлади. Шунга ўхшаш куйдирувчи иситманинг бухрони кўпинча бурун қонаш ёки тер билан бўлиб, бундан олдин титраш юз беради ва гоҳо, айниқса, кунора тутадиган иситма каби — қусиш ва ич кетиш билан бўлади. Бош шишлари иситмасининг бухрони ҳам бурун қонаш ёки кўп терлаш билан бўлади. Балғамдан бўладиган ва совуқ иситмаларнинг бухрони, ўпка яллиғланиши ва *литарғуснинг* бухрони, мутлақо бурун қонаш || билан бўлмайди. Зотилжамнинг [бухрони] эса икки ораликда бўлади¹.

Кўпинча маълум бир касалликда турли бухронлар юз бериб, шулар билан бухрон тугал бўлади; масалан, куйдирувчи иситмада аввало бурун қонаса, кейин кўп терлаш билан бухрон тугал бўлади. Ҳомиладор хотин [касал бўлса], унинг бухрони кўпинча бола тушиши билан бўлади.

Билгинки, бухрон белгилари кўринганда улар ҳамма вақт ҳам яхши ёки ёмон бухронни келтиравермайди, балки, кўпинча шу вақтнинг ўзида бухрон асло ўша белгиларга эргашиб келмайди. Бухрон бўлиши албатта лозим бўлса, унинг яхши ёки ёмон бўлишидан қатъи назар, бухрон аломатлари тутшиб келган вақтдан бошқа пайтда юз беради. Чунки тер, қусиш, ич кетиш, бош оғриш, ақл қоришуви, нафас олишнинг ёмонлашуви, оғир уйқу ва бошқа биз санаб кўрсатадиган ҳолатларни учратсанг, булар гарчанд, кўпинча, бухронга далолат қилса ҳам, ҳамма вақт бухрон бўлавермайди. Буларнинг бош оғригига ўхшаш баъзиси бухрон аломати бўлади, баъзиси эса [82] кўнгил айнаш каби ҳам бухронга ҳам унинг йўналишига белги бўлади.

Бухрон белгилари кўринса-ю, бухрон бўлмаса, бу ҳолат, Букротнинг сўзига қараганда, ўлимга ёки бухроннинг қийинлик билан юз беришига далолат қилади.

Баъзан бухрон белгиларидан ҳисобланадиган ҳолатлардан айримлари, гарчанд бухрон белгилари юз берадиган вақтда содир бўл-

са ҳам, бухрон яқинлашганлиги сабабли эмас, балки бошқа сабаб туфайли пайдо бўлади. Масалан, узоққа чўзилган кунора тутадиган иситмада, тутишидан олдин, кўпинча, оғирлик ва бетоқатлик юз берса-да, бухронга далолат қилмайди, аммо холис кунора тутадиган иситмада бу ҳол бухронга белги бўлади. Касалнинг ҳаракати, қуввати, табиати ва ҳозирги вақтини кузатишинг сенга касалнинг соғайиши ёки ҳалок бўлишининг бухрон билан бўлиши ёки бўлмаслигини билдирадиган нарсалардандир. Чунки булар ҳозирда модда билан табиат ўртасида кучли олишиш бораётганини ёки олишишининг тўхташ эҳтимолини билдиради.

Билгинки, яхши бухрон бўлишининг далиллари табиатнинг ғалаба қилишидан дарак берувчи далиллар бўлиб, улар алдамайди. Бухроннинг ёмон ва нуқсонли бўлишининг далиллари табиат ва у билан курашувчи [модда] бир-бирига қийинчилик ва тўсқинлик кўрсатаётганлигига далолат қилади; бунда агар шу [далиллар] кўпайиб зўраймаса, табиат аниқ енгиледи, деб қатъий ҳукм қилолмайсан. Биз кўп марта кўрдикки, оғир уйқу, томир уриши тушиши ва тер тўхташидан иборат қўрқинчли белгилар бир неча соатдан кейин тўла-тўқис яхши бухронга бориб етади. Чунки, табиат шундай вақтда ҳамма ишларини тўхтатиб, бутун борлиғи билан касалликни [енгишга] машғул бўлади; у ҳамма қувватини шунга сарф қилгач, уни енгиб ҳайдайди. Баъзан табиат бунга етишолмайди, бу кўпинча табиатнинг ҳамма ишларидан тўхташга мажбур қилувчи кучли бир сабаб бўлганда юз беради; бундай кучли ҳолат табиатни ожиз қилиб қўйиши мумкин.

Билгинки, бухрон белгиларининг узлуксиз икки кун кетма-кет, масалан, [касалликнинг] учинчи ва тўртинчи кунда қўзғалиши бухроннинг тезда воқе бўлишига далолат қилади. Кейин, бухроннинг яхши ёки ёмон бўлиши келгусида биз баён қиладиган далилларга, айниқса иситма ўз вақтидан анча олдин тутиши ва, хусусан, томир уришининг дафъатан ўзгаришига қараб аниқланади. Агар томир уриши катталашса-ю, пасаймаса, хурсанд бўла бер!

Билгинки, касаллик кунларида баданнинг қуриб-қовжираши бухроннинг кечикишига далолат қилади. [Баданни] жуда қуритиб юборувчи касалликлар ё ўлдиради, ёки уларнинг бухрони кечикиб келади.

Бухрон [келиш] вақтларига, барча ҳолатига, белгиларининг яхши ёки ёмонлигига, кўпинча, касаллардаги мавжуд ҳолат далолат қилади. Билгинки, томир уришининг баланд бўлиши бўшалиш билан бўладиган бухронларнинг ҳамма турига умумий далил бўлади, лекин катта томир уриши модданинг терлаш ёки бурун қонаш орқали бадан сиртига ҳаракат қилишига далолат қилади; катта бўлмаган ва ичкари томон тез йўналувчи томир уриши қусиш ва ич кетишига далолат қилади. Умуман, табиат кучайиб моддани ҳайдашга киришса, томир уриши

кенгайишга ва икки ёнга мойил бўлмаса ҳам, баланд бўлади; аммо [табиат] кучайишдан илгари томир уриши албатта паст ва қисилган бўлади

Баъзан икки хил аломат бирга келиб, қусиш ва тер каби ёки қусиш ва бурун қонаш каби икки хил ҳолат юз беради. Бу умумий қонунлардан қутулдик, энди бир оз муфассал баён қилишга киришайлик.

Иккинчи фасл. Бухронда модданинг юқорига қараб ҳаракат қилиш белгиси

Бунинг белгиси буғ кўтарилиши ёки, шунингдек, меъда оғзининг ҳамкорлиги туфайли бош оғришидир; қусиш [билан бўладиган бухрон] белгиларида¹ ҳам шундай бўлади.

Бундай белгилар яна: бош айланиши, икки чакканинг оғирлиги, қулоқ шанғиллаб эшитмай қолишидан иборат бўлиб, булар ҳаммаси дафъатан пайдо бўлади ёки улар билан бирга, ё ундан бир оз олдин нафас қисилади, гардан оғрийди, қорин девори ва қовурға тоғайлари оғриқсиз юқорига томон тортилади ва бош қизийди.

Билгинки, касаллик ва унинг белгилари кечаси зўраяди, чунки, табиат кечаси ҳамма ишни қўйиб, моддани етилтириш билан машғул бўлади.

Учинчи фасл. Буларнинг ҳаммасининг муфассал белгилари

Агар [юқоридаги белгилар] билан бирга кўз олди пардаланиб қоронғилашиб ялтироқликлар² кўринмаса, оғиз тахир бўлса, қуйи лаб учса, меъда оғзи оғриб, ёки кўнгил айнаб, ёки [83] сўлак оқса, хафакон юз берса, томир уриши қисилиб пасайса, айниқса, шундан кейин 276 касал титраса ва қовурға тоғайларининг таги совуса, || айниқса, модда сафровий бўлиб, иситма ҳам сафро иситмаси бўлса-ю, куйдирувчи иситмалардан бўлмаса ва, хусусан, шу ҳолатда юз сарғайиб рангсизланса, бухроннинг қусиш билан воқе бўлишига ҳукм қила бер.

Болаларда бош оғирлашиб меъда оғригандан кейин воқе бўладиган қусиш улардаги асабларнинг кучсизлиги сабабли, кўпинча тиришиш касаллигини, хотинларда эса бачадонларининг одати сабабли бачадон оғриғини, кексаларда эса қувватларининг заифлиги сабабли турли касалликларни келтириб чиқаради; чунки ҳаракат қилувчи модда кексаларда уларнинг баданига ёйилади.

Агар [мазкур белгилар] билан бирга жигар ёки талоқнинг атрофи оғриқсиз тортишса,— чунки талоқ ҳам ўзидаги томирлар орқали, [юқори] аъзоларга туташмаса ҳам бурун атрофига ва унинг томирла-

рига яқин жойдан ўтадиган томирлари орқали юқори аъзоларга ҳам-корлик қилади,— касалнинг кўзига қизил иплар, ялтироқ нарсалар кўринса, унинг юзи, ёки кўзи, ёки бурни, ёки бурун атрофи жуда қизарса, кўздан дафъатан ёш оқса, томир уриши кўтарилиб тўлқинсимон ва тез ёйиладиган бўлса, бурни қичиса, боши жуда қаттиқ қизиса ва лўқиллаб оғриса, айниқса касаллик, касалнинг ёши, одати, мизожи ва бошқа далиллар модданинг қондан эканлигига далолат қилса, буҳроннинг бурун қонаш билан бўлишини кута бер. Шу билан бирга, модда сафровий бўлганда ҳам гоҳо бурун қонаш буҳрони воқе бўлади. Кўз олдида кўринадиган ялтироқликлар, ип ва сариқ олов сингари хаёлий нарсалар шундай буҳрондан дарак беради; бундай буҳрон кўпинча сафродан бўлган куйдирувчи иситмада юз беради. Ялтироқликнинг кўринаётган томони ва буруннинг қичиётган томони бурун қонаш буҳронининг буруннинг ўнг ёки чап томонидан, ёки ҳар иккаласидан биргалликда воқе бўлишига далолат қилади.

Баъзан буҳрон кунда касалнинг совуқ ейиши, қорин ва терининг қуриши бу далилларни қувватлайди. Гоҳо [шу буҳронга] беморнинг ёши ҳам далолат беради, чунки бурун қонаши, кўпинча, ёши ўттиздан кам бўлган кишиларда юз беради. Қусиш у келтириб чиқарадигандан кўра юқори даражадаги қаттиқ бош оғриғи, шунингдек, бошқа оғриқлар, алангаланиш ва иситма билан бўлса ҳамда бошқа белгилар яхши бўлиб, ўлим аломати юз бермаса, бу ҳам [мазкур далилларни қувватлайди]. Шундай ҳолатда албатта бурун қонаш буҳрони бўлишини кўзда тут¹.

Тўртинчи фасл. Мазкур умумий ва хусусий белгиларнинг ҳукми

Мазкур умумий белгиларнинг баъзиси, масалан, кўз ёшланиши, қулоқнинг шанғиллаб эшитмай қолиши, жигар ёки талоқ томонларининг бирида қовурға тоғайларининг оғриқсиз тортишиши ва бош қизиши кўпроқ бурун қонаш буҳронидан дарак беради. У белгиларнинг бошқалари, масалан, нафас қисилиши, умуман олд томондан қобирға тоғайларининг тортишиши,— бунинг кўпчилиги меъда оғриғи билан бирга бўлади,— қусиш билан бўладиган буҳронга хос белгилардир.

Билгинки, бурун қонаш [буҳрони] белгиларидан бўлган нафас қисилиши табиат бурундан қон ҳайдашга қобилиятли бўлгандагина юз беради. Бунинг сабаби шуки, ковак вена² тўлиб, моддаси юқорига ҳайдалади ва нафас аъзоларини қисади.

Қусиш ва бурун қонашига хос белгилар ичида бирида мавжуд бўлгани иккинчисидигига қарама-қаршиси бўлади; масалан, ярқироқ нарсаларнинг хаёлда кўриниши каби бурун қонаш [буҳрони] белгиларига кўз олди қоронғиланиши ва пардаланиши каби қусиш [буҳрони]

аломатлари қарши туради. Юз қизариши бурун қонаш [бухрони] далилларидан бўлса, бунинг қарама-қаршисида ранг кетиб сарғайиши қусиш [бухрони] белгиларидан ҳисобланади. Баъзан бундай бўлмайди; масалан, лаб учиши қусиш [бухрони] белгиларидан бўлса ҳам, бунга қарши турадиган бурун қонаш [бухронига хос] белги бўлмайди. Шунингдек, бурун қичиш бурун қонаш белгиларидан бўлиб, бунга қарши турувчи қусиш [бухрони] белгиси йўқ.

Бешинчи фасл. Модданинг терга ўтиш белгилари

Томир уриши қаттиқ тўлқинли бўлиб, терига қўл теккизиб турилганда қўл тагида намлик ҳосил бўлса ва тери қизарса, шу билан бирга, тери [одатда] бўладигандан кўра кўпроқ қизиса, [одатда] бўладигандан кўра кўпроқ кўпчиса ва қизарса, сийдик рангдор бўлиб қуюқликка мойил бўлса, айниқса [касалликнинг] тўртинчи куни рангдор бўлиб, еттинчи куни қуюқлашса, тер [бухрони] бўлишини тахмин қил. Шунингдек, биронта узоққа чўзилган касалликда кучли титраш юз бериб, [84] ундан кейин иситма зўрайса-ю, қувват кучли бўлиб яхши белгилар содир бўлса, айниқса ахлат ва сийдик камайиб, шу ҳолат давом этса, тер [бухрони] бўлишини кут. Умуман, куйдирувчи иситмаларда бурун қонаш бухрони бўлмаса, тер бухрони бўлади; бундан олдин титроқ келади. Касалнинг тушига ҳаммом ва ванна кириб, у буларга ўзида мойиллик ҳис этса, бу ҳам тер [бухронига] далил бўлади.

Сийдикнинг рангдор бўлиши биринчи галда бухрон вақтида модданинг томирлар орқали [чиқишига] далолат қилади; бу йўл ё тер йўли ёки сийдик йўлидир; кейин [буларнинг қайси бирига хос бўлишини] биз айтиб ўтган нарсалар орқали ажратилади. Ич жуда равон бўлиб турганида тер бухронини кутиш керак эмас. [Модданинг] тер билан бўшалиши қутилганда касалда ҳарорат кўпайиши, [модданинг баданга] ёйилиши ва қувват кучайганлигининг сезилиши зарур.

Олтинчи фасл. Модданинг сийдик аъзоларига мойил бўлишининг белгилари

Бунга қовуқ оғирлашиши, ахлат тўхтаб қолиши, биз кейин баён қиладиган ич кетиш, шунингдек, қусиш, бурун қонаши ва терлашга оид биз айтиб ўтган белгиларнинг бўлмаслиги далил бўлади.

277 Билгинки, қовуқ оғирлиги || ва бошқа далиллар билан биргаликда олат бошининг куйиб ачишиши бухроннинг сийдик билан бўлишидан дарак беради. Гоҳо бунга сийиш кўпайиб, унинг бошқа кунларда¹ ҳам қуюқлашиши ва сийдикда чўкма учраши далолат қилади.

Баъзан* ич кетишининг далиллари² ва ахлат бобида айтилган далиллар бўлишига қарамай, сийдик бухрони юз беради.

Билгинки, қовуқда сийдик кўп йиғилса ва, шу билан бирга, ўша вақтда ёки беморнинг табиати, аъзоларининг кўриниши ва бадан сиртининг қаттиқлиги сабабли ич равонлиги ва терлаш кам бўлса, айниқса қишда. Бухроннинг ич кетиш ва тер билан эмас, балки сийдик билан бўлишини кут.

Еттинчи фасл. Модданинг ахлат йўлига мойил бўлиш белгилари

Бунга аввало, агар чиқинди модда қон жинсидан бўлмаса ва, шу билан бирга, унинг кўп эканлиги маълум бўлса, модданинг тўхтаб қолиши далолат беради. Кейин буни сийдик тўхтаб қолиши, қориннинг ҳамма жойида ич бураб оғриши, қорин қуйи тарафининг оғирлашуви, қусиш белгилари йўқ бўлиб, балки қорин қулдураши, [буйракдан келувчи] сийдик каналининг кўпчиши; бундан олдин ахлатнинг кўпроқ рангдор бўлиши, унинг одатдагидан кўра кўпроқ келиши, қобирға тоғайлари тагининг кўтарилиб дўнгланиши, қорин қулдурашининг орқа оғриғига айланишидан иборат белгилар аниқлайди, бироқ баъзан бу [орқа оғриғи] ел сабабли ҳам бўлади. Гоҳо айниқса одатда ичи қаттиқ бўлиб қийинчилик билан келадиган, томир уриши¹ кичик,— хусусан, совуқ ҳавода кичрайдиган беморда сийдик кўпайиб кетиб ахлат далилларига қарши туради. Томир уриши қувватли бўлиш билан бирга кичик бўлади, қаттиқ бўлмайди; кичиклигининг сабаби ичга қараб уришидир.

Баъзан ич кетиш билан бўладиган бухронга бурун қонаш ва тер чиқишининг одатда камлиги, ич кетишнинг, айниқса совуқ сув ичиш одати бўлган кишида кўплиги далолат қилади.

Айтишларича, кунора тутадиган иситмада бухрондан кейин сийдик оқариб суюқлашса, ичакни шилувчи ич кетишни кут. Чунки ўт сийдик ва бошқа нарса билан чиқмагач, ич кетиш билан чиқади.

Тер кўп чиқиб ёки сийдик равон бўлиб турганда ич кетиш бухрони кам учрайди.

Саккизинчи фасл. Бухроннинг бачадон йўлидан бўлиш белгилари

Бошқа белгиларни учратмасанг, ич суриб бўшалаш бўлмаса, бачадон ва белда оғирлик, оғриқ ва тортишиш сезилса, ҳайз қони билан бухрон бўлишига ҳукм қил.

Тўққизинчи фасл. Орқа тешик томирларининг очилиши билан бўладиган бухрон белгилари

Бунга бошқа далилларнинг ва бу ҳилда [орқа тешик томирларидан] оқиш одатининг йўқлиги, орқа тешик атрофларининг оғирлашуви ва томир уришининг катталиги ва кичикликка мойил бўлиши далолат қилади.

**Унинчи фасл. [Модданинг] кўчиши билан бўладиган
бухрон белгилари**

[Модда] кўчиши билан бўладиган бухрон белгилари: иситма кучли бўлиши билан бирга оғриқ турғун, сийдик, ахлат, балғам ташлаш ва кўп терлашдан иборат бўшалишларнинг тўхташи, қувват соғлом ва томир уриши яхши бўлса ҳам модда етилишининг кечикиши ёки мутлақо бўлмаслигидир. Айниқса моддаси кеч етиладиган ёки етилмайдиган бежавотир касалликларда [шундай бўлади].

Оғриқ, [оғриқ жойига] ёндош жойлардаги томирларнинг кўпчиши ва қаттиқ алангаланишлар модданинг кўчган томонини кўрсатади. Шунингдек, [модданинг кўчиши] кучсиз аъзо ёки оғрийдиган бўғин ёки чарчаган аъзо томонга қараб бўлади.

[85] Аммо қобирға тоғайлари тортишиб оғриси, бундан модда кўчиб борган жой ёки унинг йўналиш томони ҳақида далил олиш мумкин эмас, чунки булар [модда] борадиган ҳамма томонга умумий бўлган [далиллардир].

Билгинки, [модда] кўчишлари ва чиқиқлар совуқда, совуқ фаслда ва кексалик ёшида кўпроқ учрайди. Аввалги ҳолда¹ кўпроқ учрашининг сабаби шуки, совуқ моддани тўхтатиб ушлаб туради; иккинчи ҳолда қувват [моддани] тугал ҳайдашга ожизлик қилади.

Баъзилар эллик, балки ўттиз ёшдан ўтган кишида чиқиқ ва модда кўчиши билан бўладиган бухрон кам учрайди деганлар, бироқ бу гап ишончли эмас. Балки модда кўчишининг икки сабаби бор: бунинг бири моддада бўлиб, у кўпинча қуюқлиги ва баъзи вақтларда кўплиги сабабли бутунлай ҳайдалишга қобилиятли бўлмайди. Иккинчиси эса қувватда бўлиб, қувват жуда кучли ва қаттиқ ғалаба қилувчи бўлмайди, шунингдек, бошқарувчи аъзолардан [моддани] бутунлай ҳайдаёлмайдиган даражада кучсиз ва ожиз ҳам бўлмайди. Бу сабабларнинг иккитаси кексаликнинг дастлабки пайтларида учрайди.

Кўпинча, модда кўчиш аломатлари кўринса ҳам кучли бўшалиш, айниқса, кўп ва оқ сийдик бўшалиши юз беради ва натижада модда кўчиши воқе бўлмайди.

**Ун биринчи фасл. Модданинг қуйи томонга кўчганлигининг
белгиси²**

[Буйракдан келувчи] сийдик йўлларида ва икки ёнбошда алангаланиш ва кўпчиш билан бирга оғриқнинг қуйи томон йўналган бўлишидир.

**Ун иккинчи фасл. Модданинг юқорига¹ томон кўчиш
белгиси**

Бунга бош ва сезгиларнинг оғирлиги, айниқса эшитиш сезгиси оғир бўлиб, ҳатто нафас қисгандан ва нафас олишнинг асл тартибидан ўзгаргандан кейин карликкача бориб етиши далолат беради. Шунда [сезгиларнинг] ҳаммаси тўсатдан тўхтаб, бошда пайдо бўладиган нарса пайдо бўлади². Қаттиқ уйқу юз берганда ҳам шундай бўлади. Бу хил [модда кўчишларнинг] кўпида қулоқ тагига чиқиқ чиқади. Шунга ўхшаш бўйин томирлари бўртса, чакка лўқилласа ва юзнинг қизариб туриши давом этса, бу ҳам [модда кўчганлигини билдиради].

**Ун учинчи фасл. Бошқа [тур] касалликка кўчганликнинг
белгилари**

Ўткир касалликнинг пасайиш олдида кучайганлигини кўрсанг, билгинки, у давомли касалликка ўтгандир.

**Ун тўртинчи фасл. Чиқиқ билан бўладиган бухроннинг
белгилари**

Қувват соғлом ва белгилар яхши бўлиб, сийдикнинг суюқлиги узоқ вақтгача давом этса, бу ҳароратли моддадан бўлган касалликда 278 бухроннинг чиқиқ билан бўлишидан дарак беради. Шунингдек, касал аниқ бухронсиз модда кўчиши йўли билан тузала бошласа, кейин икки чакканинг артерияси жуда ёйилиб кўп лўқиллайдиган бўлса ва [лўқиллаш] тўхтамаса, шунингдек, [касал] рангини ўзгарган ва нафасини тезлашган ҳолда кўрсанг ҳамда касал қуруқ йўталса, у касалнинг бўғинларида чиқиқ юз беради. Касалликда қайси аъзо кўпроқ терласа, кўпинча³ ўша аъзода чиқиқ чиқиши кутилади.

Биз юқорида айтганларимиздек, қиш фасли ва кексалик ёши чиқиқ билан юз берадиган бухроннинг далилларидан, балки сабабларидандир. Бу пайтда чиқадиغان чиқиқлар кеч етилади, лекин бундай чиқиқларнинг қишда ва кексаликда ҳар сафар ҳам чиқиши кам учрайди, чунки совуқ моддани тўхтатиб қўяди. Шу билан бирга, баъзи [табиб]лар, биз юқорида айтгандек, бунинг аксини гапирганлар.

Иситма кўтарилганда сувсимон сийдик кўпайса, баданнинг қуйи томонларида оғриқ пайдо бўлишидан дарак беради.

Бошқа хил бухронларнинг кечикиши ва касалликнинг йигирма кундан кўпроққа чўзилиши, чиқиқ бухронининг кучли далилларидандир. Шундай чўзилган касалликларда айрим жойларда дафъатан оғриқ юз берса, чиқиқ пайдо бўлишини кут.

Чарчашдан бўлган иситмаларда қуюқ сийдик чиқмаса, бурун қонамаса ва ич сурмаса, айниқса, бухрон кунда, бўғинларда чиқиқ

пайдо бўлади. Бунинг кучли далилларидан бири кечикиб юз берадиган бухроннинг кечикиши билан бирга тўлиқ бўлмаслиги ва бошқа белгилар билан қайталамаслигидир.

Чарчашдан бўладиган иситмалар тўртинчи куни қуюқ сийдик билан бухронга учрамаса, бурун қонаш бухронини кут. Агар [касаллик] узоққа чўзилса, чарчаш хоҳ бадантарбиядан, хоҳ ўз-ўзидан бўлсин, чарчаган бўғинларда ёки иккала жағ томониغا яқин жойларда чиқиқ чиқишини кут. Лекин жағларда бўладиган чиқиқ кўпроқ тортишишдан бўлган чарчашда¹ юз беради. Чунки [86] жағ бўғинлари кучли чарчамайди ва моддани ўзига тортмайди, аммо иситма [моддани] юқорига кўтаради, ғовак гўштлар эса уни қабул қилади.

Чарчаш ҳаракатдан бўлганда, [модда тортилиши] кўпроқ бўғинларда бўлиб, кўпинча [шу ерларда] чиқиқ чиқишни кутилади, бунга унинг белгилари далолат беради, бироқ бу ҳолатга учраган киши кўп, қуюқ ва оқ сийиб, модда ҳайдалиб кетади.

Иситма титраш билан бошланиб, тер билан қайтса, унда чиқиқ кам бўлади. Кунора ва тўрт кунда бир тутадиган иситмалар бунга мисолдир. Лекин модда кўплигида [бундай бўлмайди]. Умуман титратиб, қайта-қайта тутувчи иситма титратиши сабабли ҳар куни анча-анчадан моддани бўшатади ва чиқиққа айланадиган ортиқча нарса кам қолади. Фақатгина титратадиган иситмада шундай бўлгач, тер билан бўладиган иситмада қандай қилиб [ортиқча нарса] бўлсин! Кўп қуюқ сийдик чиқиб турганда ҳам, чиқиқ кам учрайди.

Узоқ давом этган иситмаларда чиқиқлар кўпроқ қуйи аъзоларда, ўткирроқ иситмаларда юқори аъзоларда, ўртача иситмаларда эса ҳам юқори, ҳам қуйи томонларда бўлади. *Литарғусда* қулоқ тагига чиқиқлар чиқади ва бу чиқиқлар билан кўпинча, тўлиқ бухрон юз беради. Упка яллиғланишида бухрон, кўпинча, бўғинларга чиқиқлар чиқиши билан бўлади.

Ун бешинчи фасл. Шундай чиқиқлар ҳақида ҳукм юритиш

Бу чиқиқларнинг пайдо бўлиб, ёрилмай ғойиб бўладиганининг ҳолати икки нарсадан ҳоли бўлмайди: ё чиқиқ илгаригисидан кўра каттароқ бўлиб, яна чиқади ва² касаллик қайталайди, ёки модда бўғинларга, оғриқли ёки чарчаган, ёки кучсиз аъзоларга ҳайдалади.

Бу чиқиқларнинг бежавотирроғи модда етилгандан кейин чиқиб, енгиллик берадиган ҳамда сиртга чиқишга жуда интилиб олий аъзолардан йироқ турганидир. Бу шишлардан юмшоқ бўлиб қўл теккизганда эзилладиганининг зарари қаттиқ ва ўткириникидан кўра камроқдир. Лекин унинг моддаси кечикиб етилади, чунки бу кўпроқ совуқ шишидир. Зарари камлигининг сабаби шуки, бунда қаттиқ оғриқ бўл-

майди. Бу хил шишларда иситма тарқалмай давом этса, олтмиш кундан кейин модда йиғилади. Бунда кейинги даражадаги шишлар эса олтмиш кун билан йигирма кун ўртасида модда йиғади.

Модда оқиб борадиган аъзо қуйида бўлиши билан бирга, паст даражали ва ҳамма моддани сиғдирадиган кенг бўлса, ундаги чиқиқ чиқиқларнинг кам зарарлисидир. Чунки агар аъзо моддани ўзига сиғдирилмаса, бу модда бошқатдан бузиладиган жойларга қайтади ва ундай [моддада] билимсиз табиб совутиш тадбирини қўллаб моддани қайтарганда юз берадиган ҳолат пайдо бўлади, натижада модда чириш ва бориб қайтиш сабабли ёмонлиги кучайиб келган жойига қайтиб боради ва ўлдиради.

Бухрон чиқиқларининг энг ёмони бадан ичкарисига мойил бўладиган ва бадан ичкарисида чиқадиган чиқиқлардир. Лекин бундай чиқиқ учун энг қулай жой, кучсиз ва ўзида узоққа чўзиладиган касаллик мавжуд бўлган, айниқса қуйи томонлардаги ва кўп терлаш хусусиятига эга бўлган аъзодир.

Бухрон чиқиқларининг бежавотирроғи ва [касалликнинг] қайталашидан узоқроғи, уларнинг [учи] очилиб юзага чиқадиганидир. Чиқиқнинг кўринмай ғойиб бўлиб кетиши [касалликнинг] қайталашига аниқ далолат беради¹.

Ун олтинчи фасл. [Бухронда] тиришиш пайдо бўлишининг белгилари

Болалар уйқуда кўп қўрқсалар, ичлари тўхтаб қолса, кўп йиғласалар, ранглари қизил, кўк ва хираликка айланса, тиришиш содир бўлишини кут². Бу аҳвол тўққиз ёшгача давом этади; бола қанчалик ёш бўлса, тиришиш шунча кўп бўлади. Аммо ўсмирларнинг кўзлари ўткир иситмада ғилайлашса, || кўзлари пириллайверса, бўйин ва юзлари қийшайса ва тишларини кўп ғижирлатсалар, тиришиш воқе бўлишига ҳукм қил. 279

Кўпинча, иситма билан ва иситмасиз ҳам бўйин оғриқлари ва бош оғирлиги узоққа чўзилади. Агар иссиқ шиш пайдо бўлса, айниқса шу жойлар атрофида чиқса, тиришиш аниқ юз беради.

Ун еттинчи фасл. [Бухронда] титраш пайдо бўлишининг белгилари

Ўткир иситмада соғайиш белгиларини, яхши бухрон белгиларини ва сийдикнинг камайганлигини кузатсанг, тезда бухронга сабаб бўладиган титраш пайдо бўлади. Лекин ич мўътадил даражада ўтиб суриб турса, титраш пайдо бўлмайди, мўътадил даражада ич суриши эса кутилган титрашни қайтаролмайди. Кўпинча, титрашдан кейин тер чиқади, чунки куйдирадиган ўткир иситмаларда титраш тер чиқишининг муқаддимасидир.

**Ун саккизинчи фасл. Яхши бухронга далолат қилувчи
белгилар**

Билгинки, бежавотир ва яхши бухрон белгиларининг энг яхшиси [87] модданинг тугал етилганлиги, бухроннинг биз келгусида баён қиладиган яхши бухрон кунларининг бирида бўлиши, бухрондан хабар берадиган муносиб кунлардан бирининг ундан дарак бериши, бухроннинг бўшалиш билан бўлиб, модда кўчиш ва чиқиқ билан бўлмаслиги, касалликни келтириб турган хилтнинг бўшалиши, бўшалишнинг муносиб томондан бўлиши ва унинг енгил ўтишидир.

Гоҳо бухроннинг яхши бўлишини касалликнинг турига оид табиати аниқлаб беради; масалан, кунора тутадиган ва куйдирувчи иситмаларда муносиб [кунда] бухрон бўлиши каби. Ёки буни [касалликнинг] ҳолати аниқлайди; масалан, қувват ва томир уриши ўзига муносиб даражада бўлган касалликлар.

Қувват ва томир уришининг ҳолати оғир белгилар юз берган вақтларда кучли, пишиқ бўлса, айниқса у кучайиб турса ва хилма-хиллиги камайиб, бир текисда бўлса, мана шу ҳолат [яхши бухрон учун] асос тутиладиган ва назарга олинадиган ҳолат бўлиб, буларнинг тўла ва тугаллиги ором ва енгиллик ҳисси билан бўлади.

Билгинки, ёмон белгилар йиғилса ҳам кун шу бухрон келишига [муносиб] кун бўлса, бу ҳолда умид аҳвол аксинча бўлгандаги умидга¹ қараганда кўпроқ бўлади; мана шуни асос қилиб олиш керак. Кўпинча, қўрқинчли аломатлар зўрайса ҳам томир уришининг соғлом, бир текис ва кучли эканлигини кўрасан.

Билгинки, хилтлари яхши киши касал бўлганда касалликнинг бошланишидаёқ сийдигида етилиш кузатилса, ундан хотиржам бўл. Шундай кишида ёмон аломатлар кузатилса, бунга албатта шодланиш керак, чунки бунинг бухрони жуда яқиндир².

**Ун тўққизинчи фасл. Ёмон бухрондан дарак берувчи
белгилар**

Буларда асос ва биринчи ўринда турадиган [аломат] шуки, улар юқорида айтилган яхши белгиларга зид бўлади. Масалан, касаллик [кучайиб] ниҳоятига етишидан ва [модда] етилишидан бурун бухрон ҳаракати пайдо бўлади: Букрот буни «йўлда олдин кетган» деб атайди. Бунинг ёмонлик сабабини билдинг; яна бу хил [бухрон] номуносиб кунда бўлади, томир уриши пасайиб кичиклашади.

Билгинки, бухрон белгилари касаллик [кучайиб] ниҳоятига етиши ва етилишидан бурун келиб, ундан кейин кўп бўшалиш юз берса, бунга мағрур бўлма, чунки бу модданинг кўплигидан бўлиб, табиат ожизлигидан уни тadbирсиз ҳайдаётган бўлади. Шунингдек, касал аниқ бў-

шалиш бўлмай туриб ўзини енгил сезганда ҳам мағрурланиб бўлмайди: бу модданинг яхшилигидан эмас, балки тинч турганидан бўлади. Қўпинча модда етилса ҳам, табиат ўзининг кучсизлиги сабабли уни ҳайдашдан ожиз қолган бўлади.

Йигирманчи фасл. Ёмон бухронга далолат қиладиган белгиларнинг ҳукмлари

Модда етилмаслиги ёки етилишнинг керакли даражада бўлмаслиги ва шу каби ёмон белгилар йиғилса, шуларга қараб беморнинг ўлишига ҳукм қилинса, бу ҳукм бухрондан олдин келадиган сабабларнинг тез ва кечикиб келишига қараб бўладики, буни биз айтиб ўтдик. Масалан, ёмон белгилар юз бериб, сийдикда қора чўкма кўринса ва бу ҳол [касалликнинг] тўртинчи кунда бўлса, шунда агар бухрондан олдин келадиган мазкур сабаблар тақозо қилса, касал еттинчи ёки олтинчи кунни ўлади.

Йигирма биринчи фасл. Етилиш белгилари ва уларнинг ҳукмлари

[Модда] етилганлигини сийдикдан билинади, бу ўз жойида айтиб ўтилган. Сийдикда чўкма бўлмаса, унинг ўта рангдорлигига ишониш керак эмас, чунки бу [фақат] етилганликдангина бўлмайди. [Модданинг] қуюқликда етилмаганлиги рангда етилмаганлигидан кўра зарарлироқдир. Чунки модда суюқ-қуюқлигига қараб, қийинлик ёки осонлик билан ҳайдалади.

Касалликнинг бошланишида модда етилганлик белгилари кўринса, бу касаллик шубҳасиз беҳавотирдир; бироқ бу белгиларнинг кечикиши доимо хатарли бўлавермайди; баъзан, етилиш узоққа чўзилса ҳам, бу хатарсиз бўлади, [баъзан етилиш] ноилож узоққа чўзилиб кетади. Яхши бухрон қай маҳал юз берса, шунда, албатта, етилиш бўлади; бироқ етилиш юз берганида ҳамма вақт ҳам бухрон бўла бермайди; чунки баъзан, касаллик модда тарқалиши сабабли ҳам ўтиб кетади.

Билгинки, шиш етилганда қаттиқ оғриғи бўлмаганидек, [модда] етилганда ҳам иситма кучли бўлмайди. Агар етилиши кечикса ҳам яхши ҳолатлар юз бераётганини кўрсанг ва қувват барқарор бўлса, модданинг [тезда] етилишини кут.

Йигирма иккинчи фасл. Умуман белгиларнинг ҳукмлари

Рангда ёки қўл теккизилганда сезиладиган дафъатан ўзгаришнинг ҳаммаси ёмон бўла бермайди. Балки, баъзан кўп яхшиликка ва

фойдали бухронга далолат беради, сен шулар билан бирга ундан кейин келадиган бадан ҳолатига ҳам қарал

[88] Уйқусизлик, чарчаш, жисмоний ҳаракат ва сурги сабабли [юз берадиган] кўриниш, юз ва қўл-оёқларда кўриладиган сўлишлик белгилари бежавотирдир; бу ҳолат икки ёки уч кунда ўтиб кетади. Куйиб [иситмалаш] ва || қувват тушиши сабабли юз берган [белгилар] ёмондир.

Йигирма учинчи фасл. Яхши белгиларнинг баёни

Яхши белгилар қуйидагилардир: касалликнинг белгилари қаттиқ бўлса ҳам, унга бардош қила олиш, қувватнинг шу билан [ташқи] кўринишининг турғунлиги, томир уришининг кучли, қаттиқ ва тартиблиги, [модда] етилганлик белгиларининг содир бўлиши, бухроннинг муваффақиятли ва яхши белгилари билан бўлиши; бўшалишдан кейин энгиллик ҳис қилиш ва, шу билан бирга, томир уришининг яхшилик томонга юз ўгириши.

Бўшалишдан кейин эт увушиб титраш [ҳам] яхши белгилардандир, чунки бу иссиқнинг йўқотилганлигига далолат қилади; бунинг кегидан модда йўқолиб бемор совуқ ейди. [Бу аломатларнинг] энг яхшиси азият берадиган хилдан осонлик билан ва тўғри йўсинда бўшалишдир.

Билгинки, ёмон белгилар бўлса ҳам, қувватнинг турғунлиги яхши умид туғдиради; эс-ҳушнинг жойидалиги, нафас олишнинг яхшилиги, юз берадиган қўрқинчли ва ғариб ҳолатларга энгиллик билан чидаш ҳам шундай. Уйқудан кейин энгиллик ҳис қилиш [ҳам] яхшидир.

Мўътадил даражадаги иштаҳа, овқатни яхши қабул қилиш, овқатнинг фойда қилиши ва қувват ҳам табиатни тиклаши ва касалнинг очиқиб туриши яхши белгилардандир. Яхши ва энгил нафас олиш ҳам яхши белги. [Ташқи] кўринишнинг яхшилиги, табиий шаклда ён билан ётиш, табиий уйқу, бадан аъзоларида ҳароратнинг бир текис бўлиши ҳам яхши белгилардандир.

Билгинки, қувватнинг соғлом ҳолда бўлиши билан бирга яхши белгиларнинг юз бериши тезда соғайишга, уларнинг қувват заиф бўла туриб юз бериши эса кечикиб соғайишга далолат қилади¹.

Йигирма тўртинчи фасл. Ёмон белгиларнинг ҳукмлари

Билгинки, ўта даражада ёмон бўлган белгилар ўлимдан дарак беради. Беморнинг қуввати кучли бўлса, касаллик узоққа чўзилиб кейин ўлдиради, қувват заиф бўлса, узоққа чўзилмай ўлдиради. Кўпинча, қўрқинчли белгилар зоҳир бўлиб, булар ёмон кунларда² пайдо бў-

лади, кейин яхши бухрон юз бериб модда бирор аъзога кўчади, натижада [касал] соғаяди.

Қасаллик [кучайиб] ниҳоятига етиш олдида яхши белгилар юз берса, уларга ишониш керак; ҳалок қилувчи белгилар тезликда пайдо бўлса, бундан қўрқиш керак! Шунда ҳам, агар қувват пасайганлиги кўринмаса, касал [ўлади] деб ҳукм чиқарма; қувват пасайишининг ёлғиз ўзи ҳам ёмон белгидир¹. Кейин маълум аъзода содир бўладиган ўткир касалликларда ўша аъзонинг ҳолатини, масалан, зотилжам касаллигида кўкрак ҳолатини кузатиб бориш керак; чунки унинг ҳолати бошқа аъзонинг ҳолатидан кўра кўпроқ далолат қилувчидир. Зотилжамда балғамнинг етилганлиги соғайишга сийдикнинг етилишидан кўра кучлироқ далил бўлади.

Фаросатли табиб касалнинг юзи, кўзи ва бошқа [аъзоларда] кўпинча, ёмон ва ғайритабиий кўринишни кузатса, аввало бу ҳолат беморнинг ўзига нисбатан табиийми [ёки йўқлигини] аниқлаши керак; унгача қатъий ҳукм чиқариш керак эмас, ҳатто томир уришида ҳам шундай. Шунингдек, бу ҳолатнинг касалликдан ёки бирон ташқи сабабдан келиб чиқаётганини аниқлаш керак. Масалан, гоҳо тилнинг ранги ёмонлашиб, ўзи ҳаддан ташқари дағаллашади; бу касалликдан бўлмай, шундай таъсир кўргазувчи нарса еганликдан ҳам бўлиши мумкин.

Иигирма бешинчи фасл. Ёмон белгиларнинг баёни

Ёмон белгилар тури аъзоларнинг таъсирига қараб ҳар хил бўлади. Уларни батафсил баён қилишимиз керак.

Иигирма олтинчи фасл. [Ташқи] кўриниш ва рангга алоқадор бўлган ёмон белгилар

Тирик кишининг кўриниши уйқусизлик, оғриқ ва бўшалишдан эмас, [ўз-ўзидан] мурда кўринишига ўхшаса, бу ёмон белгидир. Ўликнинг юзига ўхшаб, соғлом кишиларникига ўхшамайдиган юз шундайки, бундай кишининг кўзи ичига ботади, бурун учи ингичкалашади, чаккаси ёпишиб тортилади, қулоғи музлайди, қулоғининг юмшоқ жойи бужмаяди, териси тортишади, ранги хиралашади ёки қораяди, ёки кўкаради ва гўё устига чанг ўтирганга ўхшайди, айникса. чанг титилган пахтанинг ғуборига ўхшаш бўлади; бу ҳол яқин орада ўлишдан дарак беради².

Билгинки, кам касал бўладиган киши касалликка учраса, бу хавф-хатарга далолат қилади.

Агар бу ўзгаришлар касалликдан бошқа сабаб туфайли юз берган бўлса, [касал] бир кеча-кундуз ўтиб ўлса ҳам, ўз аслига қайтади. Аммо бошқа ҳолда, яъни у ўзгаришлар касаллик сабабли бўлганда,

улар ёмон аломат бўлиб, [касал] осонлик билан табиий ҳолатига қайтмайди.

[89] Шу билан бирга очлик, бўшалиш, уйқусизлик ва шулар билан бирга айтилган бошқа ҳолатлар сабабли содир бўлган аввалги ўзгариш ҳам яхши эмас, лекин [бошқа ўзгаришдан кўра] бежавотирроқ. Агар булар¹, иттифоқо, ўткир касалликда юз берса, бу ёмон белги бўлиб, касалликнинг келгусида ғалаба қилишидан дарак беради. Шундай бўлса ҳам, ўткир касалликларда [мазкур] ёрдамчи сабабли эмас, балки касалликнинг ўзи сабабли воқе бўлганидан кўра бежавотирроқдир.

Шунингдек, юз берадиган белгилардан [буруннинг] ўткирлашуви ва рангнинг ўзгариши каби аломатлар касалликнинг ёмонлашувидан келиб чиқадими ёки улар уйқусизлик ва бўшалиш сабабли бўладиган бежавотирроқ аломатларми, мана шуни ажрата билиш керак. Шунингдек, кўздаги биз айтиб ўтган ўзгаришларни ҳам фарқ қила билиш керак; агар буларнинг сабаби уйқусизлик бўлса, унда яна қовоқлар оғирлашади, киши қаттиқ уйқуга мойил бўлади, томир уриши кетма-кет ва қаттиқ бўлади ҳамда [бундан] олдин азият берувчи уйқусизлик ўтган бўлади. Унинг сабаби ич суриш бўлганда, олдин ҳаддан ташқари ич суриш юз берган бўлади. Очликдан бўладиган [ўзгариш] дафъатан бўлмай, аста-секин юз беради. Шу сабабларнинг йўқлиги, иситманинг жуда ўткирлиги, [касал баданга] қўл тегизилганда чўққа теккандек сезилиши [касал кўринишидаги ўзгаришларнинг] касалликдан бўлганлигини таъкидлайдиган нарсалардандир.

Рангнинг тўсатдан сарғайиши яхши белги эмас, унинг тўсатдан қорайиши || ҳам ёмон белгидир. Ранг ўзгаришларининг ҳаммасидан ёмони унинг қорайишидир; бу кўпроқ туғма [ҳароратнинг] сўнишидан келиб чиқади. [Ёмонликда] ундан кейинги ўринда рангнинг хиралиги туради; сариқлиги ҳам яхши эмас, лекин у бежавотирроқ, чунки бу гоҳо ҳароратдан бўлиб, ҳамма вақт ҳам совуқликдан бўла бермайди. Баъзан [сарғайиш] уйқусизлик ёки очлик, ёки оғриқдан бўлиб, бу бежавотирдир. Агар пешона ва бурунда ажин пайдо бўлса, бу ёмон белги эмас.

Йигирма еттинчи фасл. Бош оғриғидан олинадиган далиллар

[Касалликда] бош оғриғи тўхтамай давом этса ҳамда қувват заиф ва касаллик ўткир бўлиб, ёмон аломатлар бўлса, бундай касаллик ўлдирувчандир. Агар бундай бўлмаса [касалликнинг] еттинчи кунда [бош оғриғи] бурун қонашни келтириб чиқаради; еттинчи кундан кейин у бурундан ёки қулоқдан бир нарса оқизиб туради. Агар [бош оғриғи] йигирма кунгача давом этса, у камдан-кам бурун қонаш би-

дан тарқалади. Лекин бурун тешиклари ва қулоқлардан оқадиган йиғинг билан ёки чиқиқ, айниқса, қуйи томонда чиққан чиқиқ билан тарқалади.

Агар бош оғриғи касалликнинг бошланишида бошланса, у кўп кишиларда тўртинчи ва бешинчи куни зўрайиб, еттинчи куни кетади. Бироқ у, кўпинча, [касалликнинг] учинчи куни бошланади, бешинчи куни зўраяди ва тўққизинчи ёки ўн биринчи куни кетади. [Баъзилар] айтдилар: «Агар [бош оғриғи] ўнинчи куни [кетади] дейилса, бу ўнинчи кун — у учинчи кунга нисбатан еттинчи бўлади, лекин бухрон куни бўлмайди». Менимча, бу сўз эътиборли эмас, чунки ҳисоб бу хилда бўлмайди.

Агар бош оғриғи бешинчи куни бошланса ва ҳолат муносиб кайфиятда давом этса, у ўн тўртинчи куни кетади. Шу хилдаги бош оғриғи, кўпинча, кунора тутадиган иситмада учрайди¹.

Йигирма саккизинчи фасл. Ҳис қилишдан олинадиган ёмон белгилар

Қасалнинг кўрмай ва эшитмай қолиши ёмон белгидир. Унинг товушлар, ҳидлар ва кучли ранглари ёқтирмаслиги ҳам ёмон белги бўлиб, бу ҳол нафсоний руҳнинг заифлигини кўрсатади.

Йигирма тўққизинчи фасл. Кўз [ҳолатидан] олинадиган белгилар

Кўзнинг ич суриш, уйқусизлик ва очлик бўлмай туриб чуқур ботиши ва киртайиши яхши белги эмас. Кўз оқининг қўнғир ранглиги, тўқ қизиллиги ёки ҳаворанглиги ҳам ёмон белги. Ўткир касалликларда, *сарсом* ва шунга ўхшашларда иккала кўздан бирининг кичиклашуви жуда ёмон белги ҳисобланади. Қасалнинг ҳеч нарсани кўрмай қолиши эса ҳалокатли белгидир. Кўзнинг ўткир касалликларда қийшайиши ва ғилайланиши ёмон белги. Бу ғилайлик мия касаллигидан бўлмай, фақатгина кўз мушагига хос тиришишдан бўлса, бунинг белгиси ақл қоришиши ва шунга ўхшашларнинг бўлмаслигидир.

[Кўзга] ялтираб кўринадиган нарсалардан олинадиган белгиларга келганда, қора ялтироқ нарсанинг кўриниши — кўпроқ қусишдан дарак беради; ярқираб қизил кўринадиган нарса эса бурун қонашига ва қоннинг юқорига томон йўналганига далолат қилади. Буларнинг ҳар бирига бошқа ҳоллар ҳам белги бўла олади.

Кўздан, айниқса, бир кўздан ихтиёрсиз ёш оқиши ёмон белгидир; лекин [90] бунда бурун қонаш билан бўладиган бухрон аломати кўринса, шунингдек, бурун қонашнинг ҳамма белгилари ва бошқа яхшилик белгилари мавжуд бўлса, ундай бўлмайди. Кўз ёшининг оз, кўп,

суоқ, қуюқ, иссиқ ва совуқ эканига ҳамда ихтиёрий ёки ихтиёрсиз чиқишига эътибор берилсин. Ёруғликни ёқтирмаслик яхши белги бўла олмайди; агар касал қоронғиликни жуда яхши кўрса, бу ўлим белгисидир. Лекин [кўзда] тортишиш ва оғриқ борлигида бундай [белги] бўлмайди. Агар [оғриқ] бўлмаса, бундай аҳвол нафсоний руҳ қувватининг тушишидан келиб чиқади.

Кўзнинг юмилмай ва ҳаракат қилмай тикилиб қолиши ёмон [белги]. Кўзда ифлосликнинг бирин-кетин йиғилиб кўпайиши ҳам ёмон, у нарсаларнинг жуда қуруқ бўлиши эса яна ҳам ёмонроқдир. Кўзнинг бу хилда ифлосланиши кўз туғма ҳароратининг моддани етилтиришга ожизлигидан туғилади, шунинг учун бундай нарсалар кўпайганда, кўзга гўё бир нарса санчилгану у чиқишга интилаётгандек туюлади. Буни кўзга келиб турадиган рутубатнинг табиат етилтирадиган даражадан кўплиги учун, деб айтиш мумкин эмас, чунки кўз бу ҳолатда қуриб ичга ботган бўлади, қуруқлик белгиси эса равшан кўриниб туради ва шунинг учун кўздаги ифлослик тез қуриб қолади.

Кўз очиқ қолиб, унинг қорачиғида ўргимчак уясига ўхшаш нарсанинг тўпланиб туриши, кейин унинг четга чиқиб кўз ифлосига айланиши мазкур белгиларга тегишли белгилардандир. Шундай ҳолатнинг давом эта бериши ўлимнинг яқинлашганидан дарак беради.

Ўткир иситмада кўз жуда қизариб, узоқ вақт шундай туриши — мия ёки меъда оғзидаги¹ ҳароратли иссиқ шишга далолат қилади. Кўз рангининг товус ва осмон рангига айланиши яна ҳам ёмондир; кўз гўлагининг ирғиб чиқиши ҳам шундай. Ярқироқ нарсаларнинг кўп кўриниши ёмон далил бўлиб, у баъзан ўткир ва ёмон моддалардан ва мия атрофидаги шишлардан ҳосил бўлади. Уйқуда кўзнинг очиқ қолиши,— бу илгаридан одат бўлмаса,— яхши аломат эмас; кўз қовоқларининг қуриб қовжираши ҳам ёмон далилдир.

Уйғоқ ҳолда кўзнинг очиқ қолиши, ҳатто бармоқ яқинлаштирилганда ҳам юмилмаслиги ўлимдан дарак беради. Алаҳлаш ва кучсизлик билан бирга кўзнинг² жуда ҳам кенгайиши ўлим белгисидир. Қасалнинг иккала кўзи тагида оқ ясмиқ сингари тошмалар кўринса, [касал] ўнинчи куни ўлади ва бундай кишида ширинликка иштаҳа пайдо бўлади, дейдилар.

Ўттизинчи фасл. Бурун аҳволидан олинадиган белгилар

Бурун қийшайиши ёмон бўлиб, ўлимнинг яқинлашганлигидан дарак беради, чунки бунинг сабаби ўлдирувчи ёмон тиришишдир. Буруннинг яссиланиши ҳам ёмон. Фақат бурун тешиклари билангина нафас олиш³ ёмон белгидир. Ўткир иситмаларда касалнинг нафасидан мушк ёки ёғ, ёки лой ҳидининг сезилиши ва бурундан сариқ сув томиши || баъзан ўлим яқинлашганлигидан дарак беради. Аксиртирувчи

дорилар берилган касалнинг аксирмаслиги унинг ўлишига ва сезгисининг йўқолганлигига далил бўлади; тирнаб яра қилинганда бурун қонамаслиги ҳам шундай. Касал бурнини тешиб юборгудек қилиб сабабсиз кавлай берса ҳам, яхшилик белгиси бўлмай, бурундан сув оқиб туриши ҳам ёмонлик белгисидир.

Ўттиз биринчи фасл. Қулоқ аҳволидан олинадиган далиллар

Қулоқ юмшоқ жойининг қовжираши ва суфрасининг буришиши ёмон белгидир. Айтишларича, қулоқ чиркининг ширин мазали бўлиши Жолинуслининг фикрича ёмон белги бўлиб, ундан олдинги табибларнинг фикрича ҳалокатдан дарак берувчидир. Ўткир иситма вақтида қулоқда оғриқ пайдо бўлиши хатарли: чунки қулоқдан бирор нарса оқмаса ва [оғриқ] тўхтамас, бу — ўлимдан дарак беради. Кексаларда шундай бўлади, аммо ёшлар эса ўз сезгиларининг кучлилиги сабабли [қулоқ] йиринглаб¹ оқишидан бурун ҳалок бўладилар.

Ўттиз иккинчи фасл. Тишларнинг аҳволидан олинадиган белгилар

Ўткир иситмаларда касалнинг бирор нарса еяётгандек тишларини такиллаштиши яхши белги эмасдир. Айтишларича, касалнинг тишини ёпишқоқ [нарсалар] қоплаб олиши — иситманинг кучайишидан дарак беради, чунки бу ҳароратнинг қаттиқлигига ва кечикиб тарқаладиган ёпишқоқ моддага далил бўлади. Касалларнинг [илгари] одат бўлмай ҳар вақт тишларини тозалашга уринишлари ҳам яхши белги эмас. Тишларни ғайритабиий равишда ғижирлатиш ва бир-бирига ишқалаш баъзан жинниликдан дарак беради. Агар жиннилик олдин пайдо бўлиб, кейин шу ҳолат юз берса, бу ҳалокатга далил бўлади. Лекин жағ мушаклари заифлиги сабабли шунга одатланиб кичкина бир сабабдан ҳам тиши ғижирлайдиган кишида шу ҳолат юз берса, бу ўлимга далил бўлмайди. Олд тишларининг кўкариши ҳам ёмон белгидир.

[91] Ўттиз учинчи фасл. Тил, оғиз ва шуларга ёндош жойлар ҳолатидан олинадиган белгилар

Ўткир иситмаларда тил қорайиши ёмонликдан дарак беради; оғизда тупукнинг қуриб қолиши ҳам яхши эмас. Аввало оғиз қуриса, сўнгра касаллик [кучайиб] ниҳоятига етганда тил дағалланиб, кейин қорайса, бу, айниқса [касалликнинг] ўн тўртинчи кун келадиган ўлимдан дарак берувчи [белгидир].

Билгинки, ўткир касалликларда оғизнинг ўтакетган сассиқ бўлиши ҳалокатнинг далилидир, чунки бу ҳамма хилтларнинг бузилганлигидан дарак беради. Икки лабдан бирининг кўтарилиб қолиш ҳолати,

агар у асл яратилишда шундай бўлмаса, ёмон белгидир. Ўткир иситмаларда лабнинг қийшайиши ҳам ёмон [белги]. Иситмаларда лабларнинг ёрилиши аланганинг ҳаддан ташқари кучли эканлигига далил бўлади; уларнинг буришиши ва музлаши эса ёмондир. Ўткир касалликларда оғизнинг очилиб қолиши ёмон далилдир.

Тилнинг ҳаддан ташқари қуриб қолиши ҳам яхши белги бўлмайди.

Айтишларича, ўткир иситмада тил устида қора нўхатдек ёки канақунжут уруғидек нарса кўринса, ўлим яқиндир; бундай касал [мазаси] ўткир¹ нарсаларни истайди. Тилнинг дағалланиб қуриши *барсом* касаллигининг далили бўлади. Тил дағалланганда ва ранги ўзгарганда бунинг сабаби касал [тилни] бўёвчи бирор нарса еганлиги эмасмилигини диққат билан текшир.

Билгинки, тилнинг [ранги] ҳамма ҳолларда ҳам зўрайган хилдан бўла бермайди; қачонки, бу хилт айрим ҳамкор аъзолар орқали ўз жавҳари ва буғини тилга томон йўналтирмаса, тил бўялмайди.

Ўттиз тўртинчи фасл. Томоқ, қизилўнғач ва буларнинг атроф [жойлари] ҳолатидан олинадиган белгилар

Бухрон кунидан бошқа кун тўсатдан бўғилиб қолиш ёмон белгидир. Оғиздан кўпик чиқмай бўғилиш энгилроқ, негаки юрак қизиши ўпка ва кўкрак-қорин тўсиғининг ишларини тўхтатиб, уларни нафасни бир текисда чиқаришдан ожиз қилиб қўядиган даражага етмагунча оғиздан кўпик чиқмайди². Томоқда шиш бўлмаса, бирор кучли сабабсиз [бўғилиш] юз бермайди. У, кўпинча, ҳатто аксар вақт, мия сабабли бўлади. Умуман, кучли иситмаларда қаттиқ томоқ оғриқлари³ пайдо бўлса, ўлим [касалга] соя ташлаган бўлади; чунки, юрак [ўз ҳароратининг] кучлилиги сабабли кўп ҳаво олишни истайди, [аммо] ҳаво йўли [шиш билан] бекилган бўлади. Шунда юрак алангаланиб, мизожи ҳаддан ташқари бузилади ва ҳаётга бардош бера олмайди.

Бўйин қийшайиб, [бирор нарса] ютиш мумкин бўлмай қолиши ҳам шундай. Бу ё бўйин умуртқаларининг ўриндан қўзғалиши ёки [мизожининг] қаттиқ қуриши сабабли бўлади. Иситмада бу иккаласидан ёмон нарса йўқ. Шунингдек, қийинчиликсиз [овқат] юта олмаслик ҳам ёмон далилдир; ютилмоқчи бўлган сувнинг [ичга кетмай] бурундан чиқиши ҳам шундай. Касал ҳамма вақт тупугини ютолмай қайтариши ҳам яхши далил эмас.

**Ўттиз бешинчи фасл. Меъда ва меъда оғзи ҳолатидан
олинадиган белгилар**

Ўткир касалликларда, айниқса ич сурганидан кейин, ҳиқичоқ тутиши, шунингдек, иситма ҳарорати билан бирга юз берадиган меъда алангаланиши ва меъда хафақони ёмон белгидир.

**Ўттиз олтинчи фасл. Нафас аъзоларидан олинадиган
ёмон белгилар**

Ўткир касалликларда совуқ нафас чиқиши ёмондир; бу туғма ҳароратнинг сўнганлигига далолат қилади. Шунингдек, нотекис нафас олиш ҳам ёмон; хўрсиниб йиғлаб, узиб-узиб нафас олаётган кишининг нафаси сингари нафас олиш ҳам шундай. Ақл қоришиши сабабли нафас олишнинг бузилиши ёмон белгидир; кўкрак атрофидаги шишлар сабабли нафас олишнинг бузилиши яна ҳам ёмонроқдир. Ўлишга яқинлашган кишиларнинг қорни кўтарилади, нафаси кучсизланиш билан бирга кетма-кет бўлади ва улар ихраб нафас оладилар¹.

**Ўттиз еттинчи фасл. Бадан бўшашуви, ёмон вазиятда ётиш ва
кучсизликдан олинадиган белгилар**

Бадан бўшашуви, ёмон вазиятда ётиш ва кучсизлик, гоҳо ички аъзоларда қуюқ хилтларнинг кўпайишидан, || гоҳо баданнинг қуриши 283 ва хилтларнинг жуда камайишидан, баъзан эса мушак қувватининг ҳаддан ташқари заифлашишидан бўлади [92]. Бир гуруҳ [табиблар] гумон қилганидек, баданнинг семиз ёки ориқлиги буларни бир-биридан ажратадиган далил эмас; кўпинча, бадан озғин бўлса ҳам ички аъзолар рутубатлар билан тўла ва бадан семиз бўлса ҳам мушаклар қуввати заиф бўлади. Балки [фарқ қилувчи] аломат бошқа жойларда айтилган нарсалардир².

**Ўттиз саккизинчи фасл. [Касалнинг] ётиш вазиятидан
олинадиган белгилар**

[Касал] ўринда одатдагича ётмасдан, балки одатдан ташқари аҳволда, бетайин вазиятда ётса, бу ёмон аломатдир, айниқса касал тўшагидан оз-оз сурилиб тушиб кета берса, унинг ўрнини ҳар қанча тузатиб ўзини яхшилаб ётқизиб қўйсанг ҳам орқасига айланиб ола берса, *чалқанча тушиб ётишни яхши кўрса³, очиқ-ойдин ҳарорати бўлмаса ҳам қўл-оёқларини очишни ва уларни ғайритабiiий ҳолда ташлаб ётишни яхши кўрса — бу ёмон белги. Бунга зўр беҳузурлик сабаб бўлади. Бунда ҳам бир нарсани кўзда тутишинг керак: баъзан киши семиз, оғир гавдали, тез бўшашадиган бўлиб, соғ ҳолида ҳам ҳар вақт

мазкур кўринишда ётишни яхши кўради. Ёки унинг [тўғри] ётишига бирор оғриқ монелик қилади; шунда бу зўр хавф-хатарли ҳолатлардан эмас.

Ўткир касалликда чалқанча тушиб, чўзилиб ёки соғлик пайтида одат қилинмаган бошқа кўринишда ётиш ёмондир.

Билгинки касалнинг чалқанча тушиб ётишни яхши кўришига сабаб — ички аъзоларда хилтларнинг кўплиги, ёки хилтлар тарқалиб, қуришиб, мушакларнинг заифлашиши, ёки мушакларда бирор бошқа жиҳатдан юз берадиган кучсизликдир.

Касалнинг ён билан, чалқанча тушиб ёки бошқа вазиятда ётишга қудрати етмай, ўтиришни исташи ёмон далил бўлади. Бунинг сабаби кўпроқ ён билан ётганда нафас аъзоларидаги шишлар ва офатлар сабабли нафас олишнинг қийинлашувидир; бу касалликларнинг аҳволи юқорида айтилганлардан маълум.

Одамни ёқтирмай деворга қараб олиш ҳам яхши белги эмас. Одат бўлмай туриб қорин билан ётишга мойил бўлиш ҳам ёмон, чунки бу ё ақл қоришишидан, ёки қориндаги оғриқдан бўлади. [Баданни] рутубатлантириб ётиш яхши, бундай ётган кишининг бўғинлари букилишни тез қабул қилади.

Ўттиз тўққизинчи фасл. Тери ҳолатидан олинадиган белгилар

Тери чўзиб қўйиб юборилганда ўз жойига қайтмайдиган даражада қуриса, бу ёмон белгидир. Нафас совуқ бўлиб теридан иссиқ буг чиқиши [маълум] ҳолатга далилдир¹. Бу фақатгина юрак ҳароратининг тугалганлиги туфайли бўлади.

Қирқинчи фасл. Қорин ва қовурғалар аҳволидан олинадиган далиллар

Ўткир касалликларда қориннинг кўпчиши, оз пучайиши, айниқса шундай ҳолда ич ҳам кетиши,— хусусан, қоринда ёйилган қўнғир рангли тошма кузатилса, бу ўлим белгиларидир. Қовурға учларининг тортишиши, бир томондагиларининг бошқа томондагиларига қараганда дўнгроқ бўлиши ҳам ёмон далил. Бир томоннинг дўнглик ва пастликда ўзига ўхшаш бўлган томонга қараганда дўнгроқ бўлиши ҳам шундай; ушлаб кўрилганда [баданнинг] юмшоқ ва қаттиқликда [фарқли] туюлиши ёмон белгидир. Қорин девори кўпчиса-ю, бу елдан бўлмай қуриб-қовжираб турса, шунда деворнинг ўзида эмас, ичкарисида шиш бор бўлади, акс ҳолда у қовжираб турмаган бўларди.

Қовурға учларининг тортишиши оғриқ билан бўлса, модда қуйига, оғриқсиз бўлганда эса юқорига йўналган бўлади.

**Қирқ биринчи фасл. Қўтон аҳволидан олинадиган
белгилар**

Ўткир иситмаларда қўтоннинг ўз-ўзидан чиқиши ёмон далилдир.

**Қирқ иккинчи фасл. Эрлик олати ва мояклар аҳволидан
олинадиган белгилар**

Ўткир касалликларда моякларнинг юмшаши, шунингдек, уларнинг шишиши ёмон белгидир ва эрлик олатининг бужмайиши туғма ҳароратнинг сўнганига ёки қаттиқ оғриққа далолат қилади. Касалликнинг аввалида ихтилом бўлиб, булғаниб қолиш касалликнинг узоққа чўзилишидан дарак беради; бунинг касаллик охирида бўлгани дурустроқ.

**Қирқ учинчи фасл. Бачадон аҳволидан олинадиган
белгилар**

Ўткир иситмада хотинларнинг бачадони ва жинсий аъзосининг [бўртиб] чиқиши ёмон далил бўлади¹.

**[93] Қирқ тўртинчи фасл. Қўл ва оёқлар ҳолатидан
олинадиган белгилар**

Бу белгиларнинг баъзиси қўл-оёқларнинг ҳолатидан олинади, масалан, ўткир иситма мавжуд, барқарор ва кетмай туриб оёқ-қўлларнинг совуши яхши белги эмас. Аммо узоққа чўзилган иситмаларда бунини ёмон ҳисобланмайди. Бунга ўткир иситмаларда [бадан] ичкарисидан бирор катта шиш пайдо бўлганлиги ёки туғма ҳароратнинг сўнганлиги, ёки беҳушлик ва қувват тарқалишининг яқинлашганлиги сабаб бўлади. Қўл-оёқнинг ўткир иситмаларда касалликнинг бошланишида совуши ҳалокатга кучли далилдир; улар совугач исимаса ҳам шундай бўлади. Булар ҳаммаси қоннинг шиш сабабли [бадан] ичкарисига бутунлай қочганлигидан дарак беради.

Қўл-оёқдаги бармоқ ва тирноқларнинг ранги кўкариб хиралашса ҳам ҳалокатдан дарак беради. Қўл-оёқларнинг дафъатан қизариши ва гунафша рангга ўтиши хираланишидан ҳам ёмонроқ белгидир. Агар [қўл-оёқда] оғирлик сезилса, ўлим яқинлашган бўлади, чунки оғирлик нафсоний қувватнинг заифлашганлигини билдиради. Хира ранглилик туғма ҳароратнинг кучсизланганлигига, қизиллик эса хилтларнинг бузилганига ва ғалаба қилганига далил бўлади. Қорайиш — хиралик ва қизилликдан кўра яхшироқ. Буларнинг ҳаммаси [мавжудлиги] билан бирга яхши белгилар кўпайганлигини кўрсанг, касалнинг соғайиши [аҳтимолдан] узоқ эмас; ранги ўзгарган қўл-оёқ учлари² тушиб кетади.

[Бадан] ичкараси совуқ бўла туриб қўл-оёқ ва терининг куйиб [қизиши] ҳам ўлим далилидир. Қўл-оёқларнинг вазиятидан олинадиган белгилардан бири, масалан, тиришишдир, айниқса унинг ични сургандан кейин юз бергани ўлдирувчандир. Алаҳлаш ва қаттиқ иситма билан биргаликда бўлган *кузоз* ўлимдан дарак беради.

Қирқ бешинчи фасл. Уйқу ва уйғоқлик ҳолатидан олинадиган белгилар

Кундузи ухлаб кечаси ухлаёлмаслик яхши аломат эмас: иккаласида ҳам ухлаёлмаслик [яна ҳам] ёмонроқ, чунки бунинг сабаби, қандай бўлса ҳам мия [мизожи]нинг бузилишидир. Кундузги уйқунинг бежавотирроғи куннинг аввалида бўладиганидир. Иситмалар авжига чиққан пайтда бўлган ҳар қандай [кундузги уйқу] ёмондир, аммо касалликнинг бошланишида бундай ҳолат юз берса ҳам, у зарарсиз бўлади.

284 Томир уриши заифлиги билан бўлган оғир уйқу ёмондир, чунки у мия рутубатидан эмас, қувват заифлигидан бўлади. || Ақл қоришиши билан бирга бўлган [оғир уйқу] айниқса ёмондир; баъзан бу совуқ хилтнинг чиришидан бўлади. Касалликда кетидан енгиллик келадиган уйқу қанча яхши бўлса, кетидан ақл қоришадиган ва қўл-оёқлар совуйдиган ортиқча уйқу шунчалик ёмондир.

Қирқ олтинчи фасл. Қўл ҳаракатлари ҳолатидан олинадиган белгилар

Термачилаш ва ҳамма вақт ўз кийимидан ёки девордан бирор нарса тераётгандек тимискилаш ёмон белгидир; бунга сабаб буғларнинг мияга кўтарилишидир. Бу [буғлар] кўзга ва кўзнинг оқсил қатламига [келиб касални] йўқ нарсани кўраётгандек хаёлга солади.

Қирқ еттинчи фасл. Оғриқлардан олинадиган белгилар

Уткир иситмаларда ички аъзоларнинг қаттиқ оғриши ёмон белги бўлиб, [хилтларнинг] қаттиқ куйдираётганига, шиш ёки чиқиқнинг катталигига далолат қилади. Айрим аъзоларда қаттиқ оғриқ бўлса-ю, сабабсиз тўсатдан тўхтаб қолса, бу ҳам ёмон белгидир¹.

Қирқ саккизинчи фасл. Товуш, сўзлаш ва сукут ҳолатидан олинадиган белгилар

Кучли товуш ва тартибли сўзлаш яхшидир, буларнинг тескараси — ёмон белгидир. Узоқ сукут қилиш, кўпинча васвасага ёки тил ва ҳиқилдоқ мушакларининг бўшашганига, ёки шу мушакларнинг тиришиб қолганлигига, ёки сўз манбаи бўлган хаёлнинг қочганлигига далолат қилади. Касал буҳрон вақтида сўзласа, бу яхшидир. Қисқаси

кўп сўзловчи кишининг сукут қилиб қолиши васваса сабабларининг бошланганига ёки биз айтиб ўтган бошқа нарсаларга далолат қилади. Индамас кишининг сергап бўлиши алаҳлаш ва ақл қоришишининг бошланишидан дарак беради¹.

Қирқ тўққизинчи фасл. Ақл ҳолатидан олинадиган белгилар

Бош ва бурунда ҳаракат ва лўқиллаш билан бирга бўлган алаҳлаш бежавотир, уларнинг оғирлик ва тинч туриши билан бўлган алаҳлаш эса ўлдирувчи аломатдир.

Эллагинчи фасл. Ҳаракатлардан олинадиган белгилар

Қасалда безовталиқ ва бетоқатликнинг кўпайиши яхши бўлмай, бу бошга кўтарилаётган буғнинг кўплигига далолат қилади.

Қасалнинг ҳар дамда сапчиб туриб ўтириши ҳам ёмон далил, чунки бу беҳузурлик ёки [94] ақл қоришиши, ёки нафас қисиши, ёки бўғилиш ва ўпка яллиғлашидан келиб чиқади: охиргисидан бўладигани — ёмонроқ. Чунки [бундай ҳолат] бошқа сабаблар туфайли бўлса ҳам, кўпинча, у бўғилиш ва нафас қисиши сабабли бўлади.

Аъзолар ҳаракатининг оғирлашиши ҳам ёмон далил. Тирноқ ранги хираланса, ўлиш муқаррардир. Қалтираш, яхши бухрон сабабли бўлмаса, у ҳам ёмон белги ҳисобланади.

Эллик биринчи фасл. [Қасалнинг] ваҳимага тушишидан олинадиган белгилар

Қасал ўлимдан кўп қўрқса, бу хатарлидир.

Эллик иккинчи фасл. Эснаш ва керишишдан олинадиган ҳукмлар

Эснаш ва керишиш табиатнинг мушакли аъзоларни ўзларидан чиқиндини ҳайдаши учун ҳаракатга солиши сабабли пайдо бўлади; агар аъзо паст даражали, модда эса ҳайдаш [қувватидан] таъсирланадиган даражада оз бўлса, улар бундай ҳаракатга муҳтож бўлмайди, балки бунга шу айтилганларнинг акси сабабли эҳтиёж туғилади. Агар [керишиш ва эснаш] кишининг иссиқдан совуққа чиқиши сабабли бўлса, у табиатга ёрдам бўлиб, ёмон белги эмас. Бу кўпинча модда кўп ёки қувват заифлигидан толаларнинг ёрдамисиз табиат моддани тарқата олмаслигига далолат қилади.

Эллик учинчи фасл. Туш кўришдан олинадиган белгилар

Касал [ўзи] бухронда учрайдиган нарсаларини тушида кўради; масалан, тер бухронига учрайдиган киши ўзини ҳаммомга тушаётган ва тушишга тайёрланаётган ҳолда кўради.

Эллик тўртинчи фасл. Турли иштаҳа ва ташналикдан олинадиган белгилар

Узоққа чўзилган касалликларда иштаҳа йўқ бўлиб қолиши ёмон; бу ҳол ўткир касалликларда ҳам ёмон бўлса-да, бироқ олдиндагича эмас. Қисқаси, бу бузуқ хилтларга ёки нафсоний ва табиий қувватнинг сўнганлигига далил бўлади.

Қўйдирувчи иситмаларда ташналик бўлмаса, айниқса тил ҳам қорайса, бу ёмон далилдир.

Эллик бешинчи фасл. Сарик касаллигидан олинадиган ҳукм ва далиллар

Қасалликнинг еттинчи кунидан ва [модда] етилишидан илгари сариқ касаллигининг юз бериши ёмондир, лекин баъзиларнинг айтишича, сариқ касаллигида ич сурса, бу аҳволни тузатади. Аммо бу қиёсий бир гап. Умуман, [касалликнинг] еттинчи кунидан илгари келган бухрон яхши бухрон бўлмайди. Сарик касаллиги еттинчи кундан кейин бўлганда ҳам, агар у билан бошқа белгилар биргалашмаса, унчалик бежавотир эмас. Агар сариқ касаллиги еттинчи, ё тўққизинчи, ёки ўн тўрттинчи кунда яхши белгилар билан бирга келса, жигар томонда офат ёки қаттиқлик ва шиш бўлмаса, бу яхшидир. Қўпинча, шундай йўл билан тугал бухрон воқе бўлади. [Сариқ касаллигининг] яхшилигига ундан кейин кузатиладиган энгиллик ҳолати далил бўлади; ёмонлигига эса, энгилликнинг акси бўлган ҳолат далолат қилади.

Сариқ касаллиги билан бирга ичдан [тушган жойида] қайнайдиган кўп ўт ўтиши ва ёмон куйинди нарсаларнинг чиқиши касалликнинг ёмонлигини кўрсатувчи белгилардандир. Шундай ҳолларда касалнинг [ҳаёти] хавф остида қолади, лекин етук тозаловчи ич кетиши ёки мўл терлаш касалликка қарши турса ва қувват кучли бўлса, бунда тезликда энгиллик келади.

Эллик олтинчи фасл. Шишлардан олинадиган далиллар

Ўткир иситма чов, қўлтиқ таглари ва қўл-оёқларда шиш пайдо бўлишига олиб келса, бу аввало ўша шишлар пайдо бўлиб, кейинидан чиришдан бўладиган иситма келишидан кўра ёмонроқдир; шу билан бирга, бу [кейингиси]нинг ўзи ҳам ёмон. Қулоқ тагида шишлар пайдо бўлса-ю, йиринг йиғиб етилмаса, бу ёмондир, лекин шиш кетидан бў-

шалиш юз берса, ёмон эмас¹. Агар шулардан биронтаси воқе бўлмаса, яъни модда етилмаса, шишлар кетидан бирон хил кучли бўшалиш юз бермаса бу ёмон белгидир.

Чиқиқнинг моддаси етилса-ю, бошқа хилтлар етилмаса, бунга ҳам алданма, чунки бу етарли бўлмайди; масалан, кўпинча, шундай ҳоллар юз бериб туради ва касал тузала бошлади деб гумон қилинади-ю, лекин касаллик ҳалок қилиб қўяди.

Аввал кўришиб, сўнг ичга ботиб кетадиган ҳар қандай тошма ва шиш ёмондир; лекин у яна қайтиб кўринса, бу нарса || табиатнинг куч- 285 ли эканлигидан дарак беради.

Баъзи шишнинг кўриниши ва ичга ботиб кетиши кишининг табиатига одат бўлади ва у ёмонликка унча далолат қилмайди.

[95] Эллик еттинчи фасл. Тошмалар ва шуларга ўхшаш нарсаларнинг кўринишидан олинадиган белгилар

Ўткир иситмаларда нўхатдек қора тошмалар тошиши жуда ёмон; агар булар уйғунлашса, касал, кўпинча, иккинчи куни ўлади. Бадандаги яраларнинг кўк, қора, ҳаворанг ёки сариқ рангларга айланиши ҳам ёмон белгидир. Буларнинг ичида сариқ ранглиси енгилроқ ҳисобланади. Айтишларича, касалнинг тиззасида қора узумга ўхшаш бир нарса пайдо бўлиб, унинг тевараги қизарса, у тезда ўлади. Агар у эллик кунгача борса, ундаги ўлим белгиси [кейин] совуқ тер чиқишидир. Бўйинга оқ рангли кўп иссиқлик тошиб, бўйин венаси устида канақунжуг дони сингари [тошма] пайдо бўлса ва касал иссиқ нарсаларни тиласа, у йигирма кунда ўлади.

Тилда пайдо бўладиган ҳалок қилувчи тошмаларни айтиб ўтдик. Айтишларича, кишида қандай бўлса ҳам бирон иситма юз бериб, оғриқ билан бирга қўлидаги бармоқларнинг ҳаммасига ясмиқ донидек қора шишлар чиқса, касалда оғирлик ва оғир уйқу пайдо бўлиб, у тўртинчи куни ўлади. Шу билан бирга, касалнинг ичи тўхтаб қолса, *сарсом* касаллиги пайдо бўлади; гоҳо унинг ичи тошдек қотади.

Эллик саккизинчи фасл. Томирлар кўринишидан олинадиган белгилар

Буқротнинг айтишича, пешона, қовоқ ва бўйиндаги кичик веналарнинг бўртайиб туриши ёмондир. Бадан юзасида кўришиб турувчи томирлар рангининг ўз ҳолидан товус ва гунафша рангига қараб ўзгариши ва бундан илгари кўринмаган томирларнинг шу сифатларда кўриниши ҳам ёмондир.

Эллик тўққизинчи фасл. Титрашдан олинадиган белгилар

Қаттиқ иситмада қувват заифлиги билан бирга қайта-қайта кўп титраш ҳалокатлидир. [Титраш] билан иситма кетмаса, қувват барқарорлигидаги титроқ ҳам яхши бўлмайди. Титроқ турларининг энг ёмони, кейинидан фойдасиз ва иситмани тўхтатмайдиган бўшалиш келадиганидир. Агар бўшалиш ҳам пайдо бўлмаса, бу хилтнинг қўзғалиб ғалаба қилганига ва табиатни ўзини ҳайдашдан ожиз қилиб қўйганига далолат қилади; бу ёмон далилдир. Аммо титраш бир марта тутса, унга асосланиб тўғри ҳукм чиқариб бўлмайди: у ҳаддан ташқари заифликдан келиб чиқадими ёки бошқа сабабданми?

Олтмишинчи фасл. Бўшалишга [асосланиб чиқариладиган] ҳукмлар

Ич суриш, қусиш ва бошқа йўл билан бўладиган фойдали бўшалиш модда етилгандан кейин бўлиб, бўшалишга тегишли хилт бўшалади ҳамда у осонлик билан бўлади ва ундан кейин [касалга] енгиллик етишади.

Дори билан ёки дорисиз бўшатилаётган хилт бўшалиб тугалганлигининг белгиларидан бири бошқа хилтнинг бўшалишга бошлашидир. Бўшалиш ич шилиниб ўтишига ёки қора қон, ёки сассиқ хилт, ёки холис тоза хилт ўтишига айланса, бунинг ёмон хилидир; қусишда ҳам шундай.

Бўшалиш бошланиб тамом бўлмай қолса, унга ёрдам бериш керак. Бўшалиш ҳаддан ташқари бўлса-ю, модда етилганлик [белгиси] кузатилмаса, бунинг фойдали эканлигига асос йўқ. Тер, бурун қонаш ёки бошқа хилда бўладиган оз ва кучсиз бўшалиш табиатнинг қўзғалганига, аммо унинг кучсиз эканлигига далил бўлади. Шунда бошқа белгилар ҳам ёмон бўлса — ўлимга, ёмон бўлмаса — касалликнинг узоққа чўзилишига далолат қилади.

Олтмиш биринчи фасл. Терлашга [асосланиб чиқариладиган] ҳукмлар

Терлаш бухрони ўткир касалликлар учун, балғамдан бўлган узоққа чўзилган касалликлар учун, хавfli шишга [учраган] кишилар ва ички шишли касаллар учун жуда ажойиб бухрондир.

Олтмиш иккинчи фасл. Кўп тер чиқишининг сабаби

Модданинг кўплиги ёки суюқлиги, ёки ҳайдовчи қувватнинг кучлилиги, ёки ушлаб турувчи қувватнинг бўшашганлиги, ёки кенгайтирувчи сабаб [таъсирида] тер йўллариининг кенгайиши туфайли тер кўп чиқади. Бу сабабларнинг тескараси бўлса, тер кам чиқади. Терни артиб турилса, у чиқа беради, ўз ҳолига қўйилса — тўхтаб қолади.

Олтмиш учинчи фасл. Терлаш ва терламасликда аъзоларнинг хилма-хиллиги

Қайси аъзода касалликни келтириб чиқараётган модда кўп бўлса, ўша аъзо кўпроқ терлайди. Терламайдиган аъзоларда модда бўлмайдиган ёки уларда тери тешикларини торайтирадиган сабаблардан бири кучли бўлади. Масалан, бемор бир томонини босиб ётганда шу томон кам терлайди, чунки бу томон қисилиб, йўллари қуриб қолади, унга рутубат оқиб бормади ва ундан оқиб ҳам чиқмайди.

Тер кўкрак каби олд томон аъзоларидан кўра елка ва орқа каби орқа томон аъзоларидан кўпроқ чиқади. Қуйи аъзолардан кўра юқори аъзолар, айниқса бош кўп терлайди.

[96] Олтмиш тўртинчи фасл. Терлаш ва бошқа ҳолатларнинг хилма-хиллиги

Уйғоқликдан кўра уйқу вақтида кўпроқ тер чиқади, чунки туғма ҳарорат рутубатларни [уйқу вақтида] кўпроқ сарфлайди; уйқуда нафас ҳам қийинроқ олинади ва бу моддаларни [бадан] ичкарасига йўналтиради. Буқрот: «Тақозо этадиган сабаб бўлмади туриб, уйқу вақтида кўп терлаш — кишининг ўз бадани кўтара оладигандан кўра кўпроқ овқат еганлигига далolat қилади», дейди. Агар касал [кўп] овқатланмай туриб [уйқу вақтида кўп терласа], билгинки, унинг [ичини] бўшатиш зарур. Бунга сабаб шуки, қувват соғлом бўла туриб кўп тер чиқиши фақатгина табиат томонидан ҳайдалиши лозим бўлган модданинг кўпчилигидан бўлади. Бу кўплик яқин сабабдан, || яъни яқиндаги тўлиқ- 286
ликдан бўлади; бу хил [тўлиқлик] эса яқинда [ейилган] овқатлардан бўлади. Бундай тўлиқликни оч туриш ёки бадантарбия, ёки табиий равишда чиқадиган тер ҳайдайди. [Модданинг кўплиги] илгарироқ келган ушбу сабабдан ҳам бўлади — бу собиқ чиқиндилардан иборатдир; бундай ҳолларда чиқиндилардан баданни тозаловчи бўшатишдан бошқа тадбир кишини қаноатлантиролмайди.

Терга келганда, у чиқиндиларнинг фақатгина латиф, суюқ ва оз миқдордагисини чиқаради, бўйсунмайдиган бузуғини эса баданда қолдиради; бу [қолдиқ] табиатни бузуқ хилтнинг оғирлиги тагида қолдириб қийнайди; бу [табиатни] кучсизлантирувчи нарсалардандир.

Билгинки, туғма ҳарорат жуда кучли бўлган вақтда [хилтларнинг] эриб тарқалиши махфийроқ бўлиб, бунда терлаш бошқа сабаблардан бўлади. Шунинг учун тер табиийликдан ташқарида бўлади, чунки тер ёки тўлиқлик ва тери тешикларининг жуда катта ва кенглигидан, ёки қувватнинг яхши ҳазм қилишга ожизлигидан, ёки қаттиқ ҳаракатдан бўлади.

Олтмиш олтинчи фасл. Тердан далил олиш йўллари

Ўткир касалликларда [касалликнинг] учинчи ва бешинчи кунда тер кўп бўлади, тўртинчи куни эса кам бўлади ва бу касалликларнинг [тер билан бўладиган] буҳрони тўртинчи кунда аҳён-аҳёнда бўлиб қолмаса, кам воқе бўлади. Тажриба қилиб кўрганларнинг даъвосича, касалликнинг йигирма еттинчи, ўттиз биринчи ва ўттиз тўртинчи кунларида терлаш кам учрайди.

Олтмиш олтинчи фасл. Тердан далил олиш йўллари

Кўл тегизганда тернинг иссиқ ёки совуқ туюлишидан далил олинади; рангидан, яъни тиниқлиги ёки сариқ, ёки кўк рангга мойиллигидан; мазасидан, яъни аччиқ ёки ширинлиги, ёки нордонликка мойиллигидан; ҳидидан, яъни сассиқлиги ёки ачимсиқлиги, ёки ёқимлиги, ёки бошқа хил ҳидлардан; қуюқ-сууюқлиги, яъни сууюқлиги ёки ёпишқоқлигидан, миқдори, яъни кўп ёки озлигидан; жойи, яъни кўп ёки оз чиқиши ва гавданинг қайси еридан чиқишидан; чиқаётган вақти, яъни касалликнинг бошланиши ёки авжи, ёки пасайган вақтида чиқишидан; оқибати, яъни у чиққандан кейин энгиллик келтириши ёки азият, титраш, эт увушиш ва бошқаларни келтиришидан ҳам далиллар олинади.

Олтмиш еттинчи фасл. Тердан олинадиган белгилар

Иситма ҳароратли бўла туриб совуқ тер чиқиши, айниқса фақат бош ва бўйиннинг ўзи терлаши жуда ёмондир. Бу хил тер ўзи ҳатто совуқ бўлмаса ҳам беҳушликдан дарак беради, совуқ бўлганда эса, албатта, беҳушликдан дарак беради. Бу терларнинг энг ёмонидир, чунки бу [келгусида] бўладиган беҳушликка эмас, ҳозироқ содир бўладиган беҳушликка далолат қилади. Шунда агар иситма зўр бўлса, ўлим яқиндир.

Совуқ тер туғма ҳарорат сўнгандагина чиқади, шунда туғма ҳарорат рутубатларни сақлаб тура олмай, уларни ўз ҳолига қўйиб юборади. натижада бегона ҳарорат уларни буғга айлантириб [баданга] тарқатади, кейин у ҳарорат бегоналиги сабабли у рутубатлардан ажрайди ва [рутубат] тезда совуйди.

Тернинг [чиқиб туриб] тўхтаб қолиши ёмондир. Кўп тер — касаллик моддасининг кўплиги сабабли унинг узоққа чўзилишидан дарак беради. Бундай касалга, унинг кучсизлиги сабабли томирдан қон олиш ва сўргини қилиш мувофиқ келмайди, балки унга энгил ҳуқналар ишлатиш керак.

Кейинидан энгиллик келмайдиган терлаш ҳам яхши белги эмасдир. Касал киши терлаганидан кейин кўп азият чекса, гарчи тер баданнинг ҳамма еридан чиққан бўлса ҳам бу ёмонлик белгисидир.

Касалликнинг бошланишидаёқ тезда тер чиқиши ёмон бўлиб, бу модданинг кўплигига далолат қилади. Аммо бунга сабаб ёмғир кўплиги туфайли ҳавонинг рутубатлилиги бўлса, бу ҳам ёмон, лекин ёмонлиги тез чиқадиган тердан камроқдир.

Кўпинча касаллик тер билан бошланади, кетидан иситма чиқади ва бу иситма узоққа чўзилади.

[97] Тер туфайли эт увушиб ҳурпайиш пайдо бўлса, бу яхши бўлмай ёмондир, чунки эт увушиб ҳурпайиш азият берувчи ёмон хилтнинг баданга ёйилганидан дарак беради. Бу эса тернинг баданни тоза қилмаганлигига, балки тер билан тарқалган рутубатлар аралашиб ўткирлиги синдирилган ёмон хилтларнинг тарқалаётганига ҳамда модданинг бу хилда тер орқали бўшалиш билан тарқалмайдиган даражада кўплигига далолат қилади.

Қувват ва томир уриши заифлашиб пешонадан оз тер чиқса, бу ёмон белги бўлади; агар томир уриши жуда пасайиб кетса — ўлим белгисидир.

Тўла буҳронни ифодалайдиган яхши тер буҳронга хос кунда чиқадиган тердир; у бутун баданга умумий ва мўл бўлади, шунингдек, касал ўзини энгил сезади. Бутун баданга умумий бўлмаса ҳам кетидан энгиллик етишадиган тер ҳам шунга яқин туради.

Қисқаси, тернинг иссиқлик-совуқлик кайфиятини, ранги, ҳиди, мазаси, кўп ва озлик миқдорини, чиқаётган вақтини, яъни касалликнинг бошланишида ёки [кучайиб] ниҳоятига етганида ёки пасайганида чиқаётганлигини ва бунга биргалашган иситманинг кучли ва кучсизлигини ҳамда тердан кейин келадиган энгиллик ва оғирликни кузатиб тур.

Билгинки, касалликдан янги турган киши модданинг қолдиқлари сабабли кўп терлайди; унинг томиридан озгина қон олинса, зарар қилмайди.

Олтмиш саккизинчи фасл. Томир уришдан олинадиган белгилар

Болға ургансимон, «чумолисимон», кучли «аррасимон» ёки «тўлқинсимон» томир уришлари ёмондир; кучсиз бўлиш билан бирга «кийиксимон» томир уриши¹ ҳам ёмон. Томир уришда қаттиқ узилиш ва кучсиз ҳаракатлар бўлиб, нотекис бўлса, кейин кучлироқ бир томир уриши уни қопласа, бироқ у узлуксиз қопламасдан балки бир вақтдан маълум бир вақтгача давом этса, бу жуда ёмон. Айтишларича, [томир уришида умуман] кучсизлик бўлиши билан бирга чап томон томир уриши тез, ўнг томон томир уриши секин урса, бу ҳам ёмон далилдир.

Кўп кишиларнинг табиий томир уриши, улар касал бўлмасалар ҳам, ёмон нотекис бўлади. Буни ҳам билиб қўйиш керак.

Олтмиш тўққизинчи фасл. Бурун қонаш ҳақидаги ҳукмлар

Сарсом, жигарнинг иссиқ шишлари ва қовурға тоғайлари тагидаги иссиқ шишларнинг тўла буҳрони бурун қонаш билан бўлади. Биринчисида буруннинг қайси тешигидан бўлмасин, бурун қонайди, || аммо бошқаларда эса бурун тешигининг ўша шишга ёндош томони қонайди. Қуйдирувчи иситмалар ҳам шундай, улар биринчи хил [касалликлар] жумласидандир.

Упка яллиғланишига келсак, унинг бу йўсундаги буҳрони [бурун қонаш билан] бўлмайди, зотилжам [буҳронида] эса аҳвол ўртача бўлади. Қунора тутадиган иситма буҳрони баъзан бурун қонаш билан бўлади.

Бурун қонашнинг фойдалиси кўп ҳолларда [касаллик бошланишидан кейинги] тоқ кунларда пайдо бўлади, тўртинчи кунда юз берадиганининг фойдалиси кам учрайди; учинчи, бешинчи, еттинчи ва тўққизинчи кунлардаги [бурун қонаш] фойдали бўлади.

Бурун қонашидан яхшилик умид қилинса-ю, у кучсизроқ қонаса, Буқротнинг таълимотича касалнинг бошига иссиқ сув қуйиб ва компресс қилиб, буруннинг [кўпроқ] қонашига ёрдам берилади; агар бурун қонашининг ҳаддан ташқари бўлишидан қўрқилса, совуқ сув қуйиб ва бурун қонаётган томондаги қовурға тоғайлари устига қортиқ қўйиб [қонни] тўхтатилади.

[Баданининг] касалланган томонидаги бурун [тешигидан] қон келиши бурун қонаш буҳронининг яхшироғидир; қарши томондан келадигани унча яхши эмас.

Шишларнинг бурун қонаш буҳронига муносиброғи киндик тепасидагиси ва балғамдан бўлган шишдир. Агар шиш тошдек қота бошлаган ва узоқ давом этган бўлса, унинг йиринг бойлаб тешилиб оқини кут; унда бурун қонаш ва шунга ўхшаш буҳрон бўлмайди.

Упка яллиғлаши ва мияда юз берган совуқ шишда бурун қонаш буҳронини кутма.

Етмишинчи фасл. Бурун қонашидан олинадиган далиллар

Буруннинг оз қонаши ёмон. Ёмон бурун қонашида кўпинча, бурундан қора қон келади. Бурундан ярқираган қизил қон оқса, бу камданкам ёмон бўлади.

Тўртинчи кунда бўладиган бурун қонаш буҳроннинг қийинчлик билан ўтишига далолат беради.

Етмиш биринчи фасл. Аксиришдан олинадиган далиллар

Аксириш касаллик [кучайиб] ниҳоятга етганда юз берса, бу яхши, аммо касалликнинг бошланишидагиси тумов ёки ачиштирувчи хилт [йиғилганлигининг] белгиларидандир.

Етмиш иккинчи фасл. Ахлатга қараб ҳукм чиқариш

Ахлат ҳақида Биринчи китобда умумий тарзда ва қисқача гапирдик. Энди бу тўғрида ўткир касалликлардаги сўз тақозосига қараб кўпроқ гапиришимиз керак.

Билгинки, кўп терлайдиган кишида ич кетиш билан ўтадиган тўла буҳрон бўлмайди.

[98] Етмиш учинчи фасл. Ахлатга қараб билинадиган белгилар

Ичдан турли рангдаги парсаларнинг ахлат билан чиқиши фақатгина икки вақтда: бири — ич кетиши, буҳрон ич кетиши бўлиб, модда етилгандан кейин, буҳронга хос кунда бўлса ва буҳроннинг яхши белгилари юз берса, иккинчиси — ич кетиш хилма-хил қувватли сурғи дори ичгандан кейин пайдо бўлса яхшидир. Ана шу икки ҳолатдаги [ич кетиш] баданнинг қутилгандек тозаланганлигига далолат қилади. Булардан бошқа [ҳоллар] эса [ич] куйиб эриётганига ва бузуқ хилларнинг кўплигига далолат қилади. Ҳиди сассиқ бўлиб, болалар ва ҳали овқатга кирмаган чақалоқлар ахлатига ўхшаш ахлат ёмондир.

Қасалликнинг бошланишидаёқ ўт аралаш ахлат келиши ўтнинг кўпайганига далолат қилади, бу ёмон, охирида ва пасайганида келгани — баданнинг тозаланганидан дарак беради ва бу яхши белгидир. Ўт аралаш ахлат кўп чиқса-ю, касаллик енгиллашмаса, бу ёмон белги ҳисобланади.

Ёмон белгилардан кейин кўп ич кетиб, кейинидан енгиллик етишмай қувват тушса, гарчи иситмани кетказса ҳам, бу ўлимга далолат қилади. Ёғли нарса ейилмаган бўлишига қарамай, устида ёғ кўришиб турган ахлат асосий аъзоларнинг эриётганлигига далолат қилади. Бу ёмон далил бўлса-да, аммо ҳалокатли эмас, баъзан бу ёғлилик эт сабабли бўлади. Агар ахлат устида йирингга ўхшаш нарса пайдо бўлиб, тўқ сариқ рангли ва сассиқлиги кучли бўлса, бундай ахлат ўткир иситмаларда учрайди, бу ҳалокатдан дарак беради.

Атрофида суюқ нарса тўхтаб турадиган ахлат жигардан йиринг келаётганлигига далил бўлиб, бу нарса ачиштиради ва ахлатни тез чиқаради. Баъзан шу [йирингнинг] ёлғиз ўзи чиқади; бу ёмон белги ҳисобланади.

Ҳамма касалликларда ахлатда Миср боқиласи пўстларига ўхшаш нарса кўринса, бу ўлимдан дарак берувчи¹ белгидир.

Етмиш тўртинчи фасл. Қусиш ҳақида ҳукмлар

Қусиш ҳақида ҳам Биринчи китобда гапириб ўтдик. Бу ерда ўша гаплардан ва бошқа [маълумотлардан] мана шу мавзуга муносибларини келтиришимиз керак. Энди айтамикки, қусишнинг фойдалироғи қуси-

лаётган балғам ва ўтнинг кучли аралашгани ва унчалик қуюқ бўлмаганидир. Қусуқда [хилт] қанчалик холис бўлса, бу — шунчалик ёмондир; холис ўт ҳароратнинг кучли эканига ва холис балғам совуқ [мизож]нинг кучайганига далолат қилади.

Етмиш бешинчи фасл. Қусишдан олинадиган белгилар

Одатдаги сувсимон оқ¹ ва сариқ қусуққа қараганда бошқача рангли қусуқ ёмондир. Бу қусуқ, масалан, кўк, гандано рангли, айниқса бунинг сассиқ ҳидлиси, лавлаги рангли, қизил қон рангли ва хира рангли бўлиб, энг ёмони зангори рангли ва қора ранглиси, айниқса, у билан бирга тиришиш пайдо бўладиганидир. Буниси, агар касал кучли бўлмаса, шу вақтнинг ўзидаёқ ўлдиради, [кучли бўлса], баъзан ўлим икки кунгача кечикади. Қусуқ рангининг ейилган нарсадан эмаслигини эътиборга олиш керак. Касал шу рангларнинг ҳаммасига эга бўлган нарсани қусса, бу жуда ёмондир. Сассиқ ҳидли қусиқ ҳам, юқорида айтганимиздек холис [бир хилтли] қусиқ ҳам ёмон бўлади.

Етмиш олтинчи фасл. Сийдик ҳақидаги ҳукмлар

Биринчи китобнинг белгилар баён қилинган фанида сийдик ҳақидаги умумий сўзларни айтиб ўтдик. Энди, ўшалар ва бошқалар [ичидан] шу мавзуга лойиқроғини келтириб, айтамызки, сийдикда кучли етилганлик белгиси кўрилмаганда касални ўлади деб ҳукм чиқариш керак эмас, чунки касал, кўпинча, бирор томондан воқе бўлган, етилган ва етилмаган моддани ҳайдайдиган кучли бўшалиш сабабли касалликдан халос бўлади.

288 Баъзан узоқ вақт ўтиши сабабли хилт тарқалиб кетади, ёки чиқиқ чиқиб, айниқса, хилт жуда ёмон бўлмаса, бухрон воқе бўлади. Лекин [етилмаганлик белгиси] кўпроқ ҳолларда ёмон ва касалликнинг кучли-лигидан дарак беради, жуда бўлмаганда касалликнинг узоққа чўзилишига далолат қилади. Бутун касаллик давомида соғ кишилар сийдини рангида қоладиган сийдик ҳам шундай. Касаллик зўрайиши билан бирга сийдик ўзгара бошласа, бежавогирдир.

Тўғро вабо касалликларида сийдикнинг суюқ-қуюқлиги, ранги, чўкма ва ҳиди ва табиий бўлади, [аммо] касал ўлади.

Билганики, баъзан касаллар жигар ва сийдик аъзолари сабабли пайдаланган бўлган ўткир касалликларда суюқ-қуюқлиги, ранги ва бошқалари ёмон сийдик сийсалар ҳам, бу сийдикнинг бухрондаги ҳайдалиши бўлади.

Етмиш еттинчи фасл. Сийдикнинг кам ёки кўплигидан олинадиган далиллар

Ўткир иситмаларда гоҳо оз ва гоҳо [99] кўп чиқадиган ва гоҳо тўхтаб қоладиган сийдик ёмон белгидир. Бу касаллик билан табиат ўртасидаги кучли тортишувга, натижада буниси ёки унисининг ғалаба қозонишига, модданинг қуюқлигига ва қийинлик билан етилишига далолат қилади. Агар шунда иситма пасайиб қолса, бу — хилтнинг қуюқлиги сабабли касалликнинг узоққа чўзилишидан дарак беради.

Етмиш саккизинчи фасл. Сийдикнинг суюқлигидан олинадиган далиллар

Суюқ сийдик, масалан, диабетда бўлади; бунда доимо ташналик ва ҳожатга тез-тез бориб туриш юз беради; сийдик чиқиши осонлашади. Гоҳо модданинг хомлиги ва модда чиқишига тўсқинлик қиладиган тикилма сабабли, баъзан эса ўзгартирувчи қувватнинг заифлиги сабабли сийдик суюқлашади; бунда сийдик чиқиши осонлашмайди; бунинг ёмонлиги диабетдан кўра камроқ.

Ўткир касалликларда суюқ сийдик [сийиш] бир неча кунгача давом этса, бу — ақл қоришуви [бўлишига] далолат қилади; ақл қоришуви юз берса-ю, сийдик суюқлиги давом эта берса, бу ҳол моддалар мияга йиғилиб нафас тўхтаб қолиши сабабли [касалнинг] тезда ўлишидан дарак беради. [Касал] энгиллик сезмай сийдик ўзгарса ва қуюлса, бу гоҳо аъзоларнинг эриётганлигидан бўлади. [Навбатсиз] умуман тутадиган иситма кўтарилган вақтда сувсимон сийдик кўпайса, бу қуйи аъзоларда пайдо бўладиган шишга далолат қилади. Бундан кейинги бобларда [айтиладиган] сийдикнинг ранги билан боғлиқ бўлган қуюқ-суюқлигига ҳам эътибор берилсин.

Билгинки, сийдик суюқлиги гўё қоралик ва қизиллик билан биргалашмайди; агар биргалашганини кўрсанг, билгинки, бунинг сабаби бўяйдиган бирон нарса [ейилганлиги] ёки сийдикка таъсир кўрсатадиган касаллантирувчи кайфиятнинг жуда кучлилигидир.

Етмиш тўққизинчи фасл. Сийдикнинг қуюқлигидан ва лойқалигидан олинадиган белгилар

Доимий иситмада суюқ сийдик қуюқлашиб яхши белгилар юз берса, бу — тер буҳрони бўлишига далолат қилади. Белгилар яхши бўлмай, иситма жуда куйдираётган бўлса, бу юрак ёки жигарнинг алангаланиб турганига далил бўлади.

Буҳрондан олдин қуюқ сийдикнинг тиниқлиги яхши белги бўлмайди, чунки бу модданинг қамалиб қолганига ва табиатнинг уни ҳайдашдан ожиз қолганлигига далолат қилади.

Ҳеч бир чўкмаси бўлмаган ва [идишда] тинмайдиган қуюқ лойқа сийдик бегопа ҳароратнинг кучлилиги ва етилтирувчи туғма ҳароратнинг заифлиги сабабли хилтларнинг қайнаганлигидан дарак беради; шунинг учун бундай сийдик ёмондир.

Сийдик қуюлиши, айниқса [касалликнинг] тўртинчи кундаги сийдик қуюлиши, хусусан, буига бурун қонаши бпргалашса, кўпинча чарчашдан бўладиган иситмаларнинг буҳрони бўлади.

Саксонинчи фасл. Ўткир касалликларда сийдик ҳақидаги ҳукмлар

Ўткир касалликлардаги оқ [рангсиз] сийдик модданинг томирлар ва сийдик аъзоларидан бошқа [томоиға] қараб йўналганлигига далолат қилади. Баъзан [модда] мияга йўналиб, бунда бош оғриғи ва *сарсом* касаллиги пайдо бўлади; баъзан у айрим ички аъзоларга йўналди ва бу шишдан дарак беради.

Белгиларнинг бежавотирлиги модданинг қусуқ билан камроқ чиқишига ва, айниқса, қусиш белгиси бўлмаса, кўпроқ ич кетиши билан чиқишига далолат қилади; бунда ичак шилинади. Ўткир иситмада сийдик оқ [рангсиз] ҳам суюқ бўлиб, кейин оқлик билан бирга лойқалик ва қуюқлик пайдо бўлса, бу [касалнинг] тиришишга учраб ўлишига далолат қилади.

Саксон биринчи фасл. Ўткир иситмалардаги қора сийдик¹

Билгинки, гарчанд ўткир иситмаларда сийдикнинг қорайиши ёмон белги бўлса ҳам, унга асосланиб [касал] ўлади деб қатъий ҳукм чиқариш тўғри эмас. Чунки унга ёмон белгилар биргалашса, бироқ қувватнинг кучлилиги хотинлар ҳайз қони орқали ёмон хилтларни бўшатадиларидек ҳар хил жинслардан бўлган бўшалишларга қудрати етadиган бўлса, ундан кейин енгиллик юз беради. Шунинг учун ҳам бу хил [сийдик] хотинларда бежавотирроқ бўлади, чунки улар бундай моддаларни кўпинча ҳайз йўли орқали бўшатадилар.

Билгинки, қора сийдик қанча кам бўлса, бу ёмон [белги] бўлиб, рутубатнинг тугалганлигига далолат қилади. Унинг қуюқроқ бўлиши ҳам ўткир касалликларда яхши бўлмайди.

Қора сийдик суюқликка ва латифликка яқин бўлиб, унинг чўкмаси муаллақ турса ва ҳиди ўткир бўлса, бундай сийдик ўткир иситмаларда бош оғриғидан ва ақл қоришувидан дарак беради. Жуда бўлмаганда бурундан қора қон келишига далолат қилади, чунки бунда модда ўткир ва кўн бўлади. Баъзан [қора сийдик] билан бирга ҳаддан ташқари кучли ёки кам бўлмаган ҳарорат бўлиб, у моддани мушаклар томониға

ҳайдаб турса, тер чиқади; [100] бу тердан олдин эт увушиб ҳурпайиши юз беради.

Қора, юмалоқ ва тўдаланиб турувчи чўкмалик қора сийдик ҳидсиз бўлса ва [касалнинг] иккала биқини тортишса, қовурға тоғайлари тагида шиш пайдо бўлса ва тер чиқса, бу ўлимдан дарак беради; || қовурға тоғайлари тагида воқе бўлган бундай тортишиш тиришишга далолат қилади, бундай тер эса кучсизликдан бўлади. 289

Қораликка мойил сувсимон сийдик ўз суюқлиги орқали касалликнинг узоққа чўзилишига, қоралиги орқали эса касалликнинг ёмонлигига далолат қилади.

Латиф ва қора сийдик сияётган киши овқат тиласа, у ўлади дейдилар.

Суюқ қора сийдик қизғиш сариқ ранг ўтиб қуюқлашса ва унда ҳид бўлмаса, бу — жигарда касаллик борлигига, хусусан, сариқ касаллигига далолат қилади. Чунки сийдикнинг суюқликдан қуюқликка, қораликдан қизғишликка ўтиши ҳароратнинг камлигига ва ҳазм воқе бўлганлигига¹ далолат қилади; бу эса енгиллик биргалашадиган ёки кейинидан енгиллик келадиган ҳолатлардандир. Агар шундай бўлмаса, бу жигарга ёпишиб қолган, тозаланиб кетмайдиган ва тиқилмалар пайдо қиладиган модда борлигидан дарак беради. Агар у ўткир² модда бўлса, шиш пайдо қилганлигини кўрасан.

Ўткир иситмаларда узоқ замон оз-оздан сийиладиган латиф қора сийдик бош ва гардан оғриғи билан биргалашса, [касалнинг] аста-секин ақлдан озишига далолат қилади; бу хотинларда [бўлса] бежавотирроқдир.

Саксон иккинчи фасл. Ўткир касалликлардаги қизил рангли сийдик

Сийдик қизил бўлиш билан бирга суюқ бўлса ва унга яхши белгилар биргалашмаса, бу — тезда бухрон келишига далолат қилади; буларнинг зидди билан биргалашганда эса, [касалнинг] тезда ўлишидан дарак беради. Умуман, у қаттиқ алангаланишга далолат қилади. Қизил рангли суюқ сийдик ўткир касалликларда бош оғришига ва ақл қоришувига далолат қилади. Қизил рангли қуюқ сийдик ўткир касалликларда оз-оздан, тез-тез чиқиб турса ва сассиқ [ҳидли] бўлса, бу хавф-хатардан дарак беради, чунки у кучли ҳароратга, бетоқатликка ва табиатнинг ожизлигига далолат қилади; агар кўп-кўп чиқиб, чўкмаса ҳам кўп бўлса, касалликнинг касал [баданидан] ажраганидан дарак беради; айниқса, аралаш иситмаларда шундай бўлади.

Ўткир касалликда тоза қон рангига эга бўлган сийдик ўлдирувчандир. Чунки бу қоннинг жуда тўлиб кетганига ва [қон] ғалаённинг

тезлашганига далолат қилади; бундай тўлиқликда, агар [модда] юракка томон йўналса, юрак коваклари тўлиб, бўғма касаллиги содир бўлиши хавфи туғилади, [модда] мияга йўналганда эса *сакта* касаллиги содир бўлиши хавфи туғилади.

Чарчашдан бўлган иситмаларда жуда қизил сийдик қуюқлашса, кейин унда кўп қуйқа кўринса-ю, аммо у чўкмаса ва касалнинг боши оғриётган бўлса, бу касалликнинг узоққа чўзилишига далолат қилади, чунки модда [табиатга] бўйсунмайди ва [шунинг учун] аввалроқ қуюлмайди, қуюлганда эса унинг қуйқаси тезда чўкмайди. Лекин бунинг бухрони тер билан бўлади, негаки, модда томирларга боради. Бундай сийдик сариқ касаллигидаги сийдикка ўхшайди, аммо кийимга текканда уни бўямаслиги сабабли, у сийдикдан фарқ қилади.

Қисқаси, жавҳари қизил, чўкмаси ҳам қизил сийдик модданинг хом ва етилмаганлигига далолат қилади; айниқса, қизиллик кучли бўлмасдан хира бўлса, касалликнинг узоққа чўзилишидан дарак беради.

Ўткир иситмадаги қизғиш сариқ сийдик оқ ёки қора [рангликка] айланса, бу ёмондир, чунки оқлиги модданинг бошга [томон] кўтарилганига, қоралиги эса касаллик кайфиятининг ўткирлашганлигига далил бўлади.

Саксон учинчи фасл. Чўкмадан олинадиган далиллар

Суюқ-қуюқликда ва рангда хилма-хил бўлиб, хилтларнинг кўплигига далолат қиладиган чўкма ёмондир. Унинг энг ёмони бўлаклари кичик бўлгандир, чунки бу табиатнинг бўлаклари кичик бўлмаган чўкмани ҳайдашдан ожиз эканлигига далолат қилади.

Чўкманинг силлиқ бўлиши, кўпинча, оқ чўкмага қараганда кўпроқ яхшиликка далолат қилади. Чўкмаси қизғиш, лекин силлиқ [сийдик сиёвчи] киши, кўпинча тирик қолади; чўкмаси оқиш, нотекис ва йирик [сийдикли] киши эса ўлади. Қуюқ-суюқлиги яхши бўлган чўкма ранги яхши бўлганидан кўра осонроқ ҳайдалади. [Чўкманинг силлиқлиги] хилтларнинг касалликдан унча таъсирланмаганлигига ҳам далолат қилади. Шунингдек, чўкма яхши бўлиб, жисми кичик бўлса, табиат унга кучли таъсир кўрсатиб касалликнинг таъсир кўрсата олмаганлигига далолат қилади.

Ҳаво аралашганлиги сабабли оқариб кўпикланиб турадиган чўкма эса ёмон [101] ва табиийликдан ташқаридир. Хом чўкма ҳам ёмон. Бундан ташқари юпқа бўлиб, қимирлаб турадиган чўкма, тепаси ясси бўлиб, ёмон турадиган чўкмадан кўра яхшироқ ва касалликнинг тезда [кутаришига] оқолишига етишига ва ўткирлашувига далолат қилади.

Иккинчи суюқ ва чўкмасиз сийдик чиқмай туриб, [касалликнинг] аввалидан бундан бунгад бўлган чўкма — хилтнинг етилганлигига эмас, кўп-

лигига далолат қилади. Балки бундай чўкма [хилт] етилиш давридан сўнг сийдик аввалда суюқ бўлиб, чўкмаси кам бўлганидан кейин келиши керак; шундай бўлмаган чўкма ғализ қуйқали қуюқ модданинг кўплигига ва касалликнинг ўлдиришига далолат қилади.

Сийдикнинг жуда рангдор ва чўкмасиз бўлиши ҳам яхшиликка ва [модданинг] етилганлигига далолат қилмайди. Гоҳо бундай [сийдик] алам, қаттиқ ҳарорат ва очлик сабабли пайдо бўлади, чунки оч киши сийдигининг рангдорлиги ортади ва чўкмаси камайд¹.

Қизил чўкма қон кўплигига ва етилишнинг кечикканлигига далил бўлади. Бундай чўкмага куйдирувчи иситмаларда беҳузурлик ва ғамгинлик биргалашади. Бу [чўкма] қирқ кунгача чиқиб турса касаллик узоққа чўзилади, || ҳатто олтмиш кунда ҳам буҳрон бўлади деб умид 290 қилиб бўлмайди.

Идишда юқорига мойилроқ муаллақ турадиган қизил чўкма суюқ сийдикда мавжуд бўлса, бу албатта, ўткир касалликларда ақл қоринишувига далолат қилади; агар бу давом эта берса, ўлим хавфи туғилади. Агар сийдик қуюқлашишга, унинг муаллақ чўкмаси эса, [идиш] тагига чўка бошласа ва сийдик оқарса бу соғайишдан дарак беради. Ўткир иситмаларда модда етилганлик далиллари бўлмасдан, гўшт парчалари шаклида тушган чўкма, бу гўшт парчаларининг буйракдан бошқа аъзоларнинг шилинишидан келаётганига далолат қилади. Агар бунда модда етилган бўлса-ю, иситма бўлмаса, буйракнинг сен билиб ўтган аҳволларига далолат қилади.

Чўкма балиқ тангаларига ўхшаш бўлса, шунингдек, модда етилганлик белгиси бўлмай, иситма ўткир бўлса иситманинг асаб, суяк ва томирларни шилишидан чўкма келаётганлигига далолат қилади; бошқа ҳолларда чўкма қовуқ [шилиниш]дан келаётган бўлади. Кепаксимон чўкма ҳам шундай [ҳолатларга] ва иситма [баданнинг] чуқурроқ жойларини шила бошлаганига далолат қилади. Бу хил чўкма қовуқдан келаётган чўкмадан шу билан фарқ қиладики, агар чўкма қовуқдан келаётган бўлса, унда қовуқ оғриғи, модда етилганлиги ва сийдик қуюлганлигининг аломатлари бўлади.

Саксон тўртинчи фасл. [Сийдикнинг] ранги ва суюқлиги каби турли далиллар йиғиндисидан олинадиган белгилар. Бу белгиларнинг биринчиси ёғли сийдикдир.

Ёғли сийдик ранги ва қуюқ-суюқлиги ёғнинг ранги ва қуюқ-суюқлигига ўхшаш сийдикдир; гарчи у ёмон бўлса ҳам, бошқа далиллар беҳавотирликка далолат қилиб турганида [бундай сийдик] ёмонлик [белгиси] бўлмайди. Лекин унинг чўкмаси зайтуни ёғи сингари бўлса, бу

жуда ёмондир. Умуман, унинг тоза зайтун ёғига ўхшаши ёмон белги ҳисобланади, бу сийдик шундай бўладики, у ўзидаги ёғ рангини сариқ ва яшил аралаш қилиб кўрсатади. Қора сийдикдан кейин [сийдик] зайтун ёғи рангли бўлса, бу, ҳақим Руфуснинг сўзича, яхшиликка далилдир. Зайтун ёғи рангли сийдикнинг энг ёмони касалликнинг аввалда келадиганидир.

Далиллар ёмонликка далолат қилса, касалликнинг тўртинчи кунни зайтун ёғи рангли сийдик сийилса, бу касалнинг олтинчи кунни ўлшишдан дарак беради.

Сийдикдаги яхши аломатларнинг дафъатан ёмон белги томон ўзгариши ўткир касалликларда ўлимга далолат қилади. Чунки бу касалликдаги ёмон ҳолатлар сабабли қувватнинг тўсатдан пасайганлигини кўрсатади. Ёғли сийдик баъзан ақл қорншувига далолат қилади, чунки бу [мия] қуруқлигидан келиб чиқади.

Ичида қотган қон парчалари бўлган сийдик ўткир иситмада,— агар, шу билан бирга, тил ҳам қуруқ бўлса,— ёмон белгидир; бунинг устига [сийдик] қора бўлса, бу яна ҳам ёмонроқ. Ўткир иситмаларнинг қаттиқ куйдириши ва йирик ва майда томирларнинг ёрилиши сабабли қон сийдик билан чиқади; [қонни] қотириб қўядиган нарса эса, [сийдикнинг] кучли иссиқлигидир.

Юзида кўпиги ва булутсимон сариқ [буғи] бўлган оқ — суюқ сийдик кучли хавф-хатардан дарак беради, чулки бунга [касалининг] бетоқатлиги ва модданинг жуда ўткирлиги далолат бериб туради.

Суюқ қора сийдик ҳақида етарли сўзлаб ўтдик. Суюқ, қизғиш сарик сийдик [баъзан] ўткир иситмаларнинг бошланишида қуюлиб оқаради, агар у кейин эшак сийдиги сингари лойқаланиб, чўкмали бўлса ва ихтиёрсиз чиқа бошласа, шу билан бирга, касалда уйқусизлик ва бетоқатлик бўлса, бу — [баданнинг] икки томонидан тиришиш пайдо бўлишига далолат қилади. Агар булар устидан яхши белгилар ғалаба қилмаса, буидай сийдикдан кейин ўлим келади, чунки иссиқ сафро хилти ғалаба қилмаса, сийдик қизғиш сариқ рангли бўлиб суюлмайди; касаллик қаттиқ ва модда ҳолати тинч бўлмаса, у қуюлмайди. [102] Айтишларича, қон рангли бўлган оз [миқдордаги] сийдик, айниқса иситмага учраган кишида *ирқуннасо* касаллиги бўлса, ёмондир.

Саксон бешинчи фасл. Сийдикнинг қандай чиқишига қараб билинадиган ёмон белгилар

Ўткир иситмага учраган кишида сийдик аъзоларида яра ёки шиш бўлмай туриб, оз-оз ва оғриқ билан сийишдан бошқа илож бўлмаса, шунингдек, унинг томир уриши тез ва кучсиз бўлса, бу ёмон белгидир.

Давомли иситмада қаттиқ бош оғриғи ва кўп терлаш билан бирга сийдик тўхталса, бу *кузоз* касаллигидан дарак беради.

Тинч кечаётган иситмада томчилаб тушадиган сийдик бурун қонашига далил бўлади. Агар иситма куйдирарли [даражада] ўткир бўлса, миянинг бирор ёмон ҳолатга чалинганлигига далил бўлади; иситма суст бўлса, [томчилаб чиқадиган сийдик] кўп тўлиқликка ва табиатнинг [моддани] ҳайдашдан ожиз экаплигига далолат қилади. Ўткир иситмаларда [сийдикнинг] ихтиёрсиз чиқишига сабаб қувватнинг заифлиги ва мияга етган офатдир; бундай аҳвол ўткир ва қиздирувчи модданинг мияга кўтарилиши ва мушакли аъзоларнинг мияга ҳамкорлиги туфайлигина юз беради.

Саксон олтинчи фасл. Сийдикдан олинадиган бир неча ёмон белгилар

Сувсимон, қора, сассиқ ва қуюқ сийдиклар ёмон белги ҳисобланади. [Идиш] тагидан то тепасигача тутунга ўхшаш кўриниб турадиган сийдик [касалнинг] тезда ўлишидан дарак беради. Шунингдек, жуда сассиқ бўлиши билан бирга, гўшт сели рангидаги ёғли сийдик ҳам ўлдирувчандир¹.

Саксон еттинчи фасл. Иситмага учраган ва бошқа хил касал кишиларда биргалашиб келиши сабабли зарарли ҳисобланадиган турли ёмон белгилар

Қусиш, ич бураб оғриши ва ақл қоришуви биргалашиб келса, бу ўлим белгисидир. Баданни² ушлаб кўрганда турлича туюлиши, шунингдек, рангининг [ўзгариб туриши], қусилаётган ва бўшатилаётган нарсаларнинг ўзгариб туриши — табиатнинг || турли хилтлар ва касалликлар билан оғриганига далолат қилади, бундай табиат шуларнинг ҳаммасига қарши туришга мажбур бўлади, бу эса, албатта, табиатни ожиз қилувчи сабаблардандир. 291

[Баданда] ажралмайдиган иситмада бадан сирти совуқ бўлиб, ичкарасининг куйдирадиган даражада иссиқ бўлиши билан бирга қаттиқ ташналик воқе бўлса, бу ўлдирувчидир. Ақл қоришуви тиш гижирлатиш билан биргалашса, касал ҳалокатга яқинлашган бўлади.

Қасалнинг қорнида куйиб ачишиш ва куйдирарли алам бўлиши билан бирга, бирданига унинг ичидан савдо ўтса ҳамда хафақон ва беҳушлик юз берса, бу ўлим белгисидир³. Пешонадан совуқ тер чиқиб тирноқлар сарғайса, кўкарса ва ўзгарса, тил шишса, тил устида ва бадаанда бегона тошмалар пайдо бўлса, ўлим яқиндир.

Қовурға тоғайлари атрофида лўқиллаш ва иситма билан бирга учиш пайдо бўлса, шулар билан бирга, кўз бежо ҳаракат қилса, ёмон ҳолат юз беришини куттиш керак. Чунки бу ҳолат [баданда] кўпчитувчи ел борлигига далолат қилади, лўқиллаш эса қаттиқ шишдан ва катта томирнинг¹ кучли уришидан келиб чиқади. Қаттиқ, жуда тез ва катта томир уриши жинниликда бўлади. Диққат билан ўйлаб кўриш керак: лўқиллаш ва учини ички аъзоларгача чуқур бормади, балки қорин деворининг юзасида бўлади. Бу, гарчи [қорин деворида] шиш бўлганда ҳам зарарсиздир, лекин шиш ҳаддан ташқари катта бўлса [зарарли]. Агар бу ҳолат йиғирма кун давом этса, шиш [пасаймаса] ва иситма тўхтамас, шишнинг ёрилишига далолат қилади. Қасал кўп сийса, [бадандаги] модда атроф аъзоларга, айниқса, икки оёққа кўчса, у соғаяди.

Қасалликлардан заифлашган кишиларда тез нафас олиш ва беҳушлик пайдо бўлса, улар ўлимга яқинлашган бўладилар ва тўрт соатдан нарига ўтмайдилар.

Кишида куйдирувчи иситма бўлса-ю, бўшаллиш ёки модда кўчиш билан бўладиган аниқ бухрон, етарли даражада иситма сўниши, бир мамлакатнинг ўзида ёки иккинчи мамлакатга кўчиб ҳавони ўзгартириш каби [сабаблар] бўлмай туриб, [қасал] тўсатдан снгиллик ва ҳарорат тўхтаганини сезса, томир уришининг тезлиги тўхтаб у ором олгандек бўлса, ҳукм қилгинки, у тезда ўлади. Кишида иситма борида тўсатдан унинг юраги ўйнаса, ҳиқичоқ тута бошласа ва маълум бир сабабсиз ичи тўхтаб қолса, уни ўлди дея бер.

Ўткир қасалга учраган кишининг сийдиги аввало қизғиш-сариқ ва суюқ бўлса, кейин қуюлса, сўнг кўпириб оқарса-да, кўпирганча давом этиб эшак сийдиги каби бўлса ва ихтиёрсиз сийла берса, шунингдек, қасал уйқусиз ва бетоқат бўлса, бу икки биқинда тортишиш юз беришига далолат қилади, кейин бемор ўлади.

Айтишларича, сийдик [103] илгари оқ бўлиб, кейин сафро аралаш бўлиб юзида кўпик пайдо бўлса, кейин буруннинг икки тешигидан қора қон оқса — бу жуда ёмон белгидир.

Табиблардан бир гуруҳи баён қилган ва қийинлик билангина қилса келадиган ёмон белгилар, айтишларича, [қуйидагилар]; агар кишининг бўйин венаси устида оқ [тусли] кўп тошмалар билан бирга қовоқ уруғига ўхшаш чиқик кўринса ва қасалда иссиқ нарсаларга иштаҳа пайдо бўлса, у албатта ўлади. Яна кишининг чап чеккасида қаттиқ ва қизил чиқик кўриниши билан бирга у кишининг иккала кўзи қаттиқ қичиса, у албатта, тўртинчи кунга ўлади, дейдилар. Қасалнинг иккала кўзи тагида ясмиқдек чиқиклар кўринса, у ўнинчи кунга ўлар эмиш; бундай оғриқли киши ширинликка ўч бўлади. Яна айтишларича қандайдан бўлмасин қаттиқ қасаллик тўсатдан пайдо бўлиб, кетидан қусиш ёки ич кетиш юз берса, бу ўлим далилидир. Бундан ташқари, иситма-

га ёки бирор бошқа касалликка учраган кишида юмшоқ шиш ва яра-лар пайдо бўлиб, кейин унинг ақли кетса, бу унинг ўлганидир, дейдилар. Айтишларича, инсоннинг бет ва қўлларида кўпчиш бўлса-ю, оғриқ бўлмаса ва шу ҳолатнинг бошланишида бурни қичиса, унинг иккинчи ёки учинчи куни ўлиши аниқ. Яна, кишининг тиззасида узум сингари юмалоқ қора нарса пайдо бўлиб, унинг атрофи қизариб турса, бундай киши эллик кунгача қололмаса, у тезда ўлади ва ундай касалнинг ўлим аломати совуқ¹ тер бўлади, дейдилар².

Саксон саккизинчи фасл. Касалликнинг узоққа чўзилиш белгилари

Билгинки, касалликнинг узоққа чўзилиши ички аъзоларнинг ғализлашувидан ёки тадбирни аралаштириб³ юборишдан бўлади; ҳар ҳолда бунда меъда заифлашади, чунки бундай [касаллик] меъдани оздириб юборади. Бунинг белгиси [касалликнинг] чўзилишига далил бўладиган етилишнинг кечикиши ёки [сийдикдаги] муаллақ турган чўкманинг кечикиб чўкиши ёки чўкманинг доимо қизил бўлишидир. [Касалнинг] кўринишда камроқ озгандек бўлиши ҳам шунинг белгиларидан. Агар ўткир касаллик билан бирга томир уриши катта, юз семиз, қовурға тоғайлари [жойлашган ерлар] озмай кўпчиб турган бўлса бу [модда] тарқалишнинг камлигига ва касалликнинг узоққа чўзилишига далолат қилади. Модда етилишидан бурун буҳрон белгилари юз берса-ю, қувват тушмаса ва ўлим белгилари воқе бўлмаса, касаллик узоққа чўзилади.

Билгинки, буҳроннинг қўрқинчли [белгилари] ва кўринишлари фойда ҳам бермай, зарар ҳам қилмай, аҳвол ўз ҳолида давом этса, касаллик узоққа чўзилади⁴. Касалликда [бадан] учишининг кўпайиши, айнақса унинг аввалданоқ бошланиши — касалликнинг узоққа чўзилишига далил бўлади⁵; [касаллик] охирида бошлангани эса яхшироқ. Кўп || 292 терлаш ҳам касалликнинг узоққа чўзилишидан дарак беради.

Табиатнинг моддани қўзғатиб, уни тугал ҳайдашдан ожизлигига далолат қилувчи хоҳ тер, хоҳ бурун қонаш, хоҳ бошқалардан иборат оз миқдордаги бўшалишларга бошқа яхши белгилар биргалашса ёки [шу пайтда] ёмон белгилар бўлмаса, бу — касалликнинг узоққа чўзилишига далолат қилади.

[Сийдикда] қизил чўкма қирқ кунгача давом этса, [касалликнинг] узоққа чўзилишига далолат қилади, бу ҳолда ҳатто олтамиш кунгача ҳам буҳрон бўлади ва [касаллик] тугалади деб умид қилиб бўлмайди. Касалликнинг аввалида ихтилом бўлиб, булғаниб қолиш ҳам унинг чўзилишидан дарак беради.

Қасалликнинг чўзилиш белгиларини [буҳрондан] олдинги кунларда кузатсанг, буларнинг белгиси кейинги кунларда юз берадиган белгиларнинг далолатидек бўлмайди.

Мазкур белгиларга зид белгиларни кузатсанг, улар касаллик даврининг ўртаси ёки охирида пайдо бўлса, уларнинг қайси кунда пайдо бўлганлиги ва қандай кундан дарак беришини билиш учун бу ҳукм ҳақида ўйлаб кўр. Бу ҳақда айтилган шартларни ҳам кўзда тут, яъни қувват, ёш, йил фасли, [касалнинг] мизожи, касаллик ҳаракатининг қайси кайфият ва қайси миқдордалигини, у [белгиларининг] олдин ёки кейин юз берганликларини, айниқса ўткир иситмалар [кучайиб] ниҳоятга етган пайтда келганликларини, шунингдек, уларнинг узун ва қисқаликларини ҳамда ҳаракатга ёки тинч туршига қараб ўзгараётганини эътиборга олиб ҳукм чиқар!

Саксон тўққизинчи фасл. Қасалликнинг буҳрон ёки модда тарқалиши билан тугалиш белгилари

Агар қувват кучли, касаллик ўткир, [иситма] тутиш навбатларининг миқдор ва кайфияти ошиб бораётган бўлса [касалнинг] ёши, мизожи ва йил фасли касалликни тинчйтишга эмас, қўзғатишга мойил бўлса, шунингдек, модда етилганлик ёки етилмаганлик белгилари тез кўринса, албатта, бу касаллик буҳрон билан тугалади. Агар буларнинг зидди пайдо бўлиб, кечикиш белгилари мавжуд бўлса, касаллик узоққа чўзилиб, [бошқа аъзоларга] тарқалиш билан ўлдиради ёки [модда] тарқалиши билан кетади. Агар белгилар хилма-хил бўлса, буҳронлар нуқсонли, кечиккан ва модда кўчиш билан бўлади. Қасалнинг ўлиши ёки тирик қолишига эса қувватининг аҳволи [104] ва у иккала-сидан бирига ёрдам берадиган ва уни тақозо қиладиган белгилар орқали далил олинади.

Тўқсонинчи фасл. [Қасаллик] қайталаши ҳақидаги ҳукмлар

Қайталашнинг энг ёмонн тез ва қувват жуда кучсизлигидаёқ воқе бўлгандир; бу хил қайталашга ҳалокат белгилари биргалашади. Нотўғри тадбир сабабли бўлган қайталаш тўғри тадбир қўлланганда ҳам ўз-ўзидан бўладиган қайталашга қараганда беҳавотирроқдир. Қиздирувчи нарсаларни, асал гулқанди, гул кулчалари ва шуларга ўхшаш иштаҳа ва ҳазмни яхшилаш мақсадида ишлатиладиган дориларни ичириш шу хил хато тадбирлардан ҳисобланади.

[Қасалликнинг] буҳрондан кейин қоладиган қолдиқлари, агар қарши чора кўрилмаса, тезда қайталашга олиб келади. Қайталаш асл

касалликдан ҳам ёмонроқдир, чунки касаллик қайталаганда табиат чарчаган бўлади.

Тўқсон биринчи фасл. Қайталашнинг белгилари

Тегишли кунда юз берган тўла буҳрон билан иситмаси тўхтамаган кишида касаллик қайталаш хавфи туғилади; агар иситма ҳеч қандай буҳронсиз тўхтамаса, касаллик албатта қайталайди, айниқса, буҳрон чечак ёки сариқ касаллиги, ёки қўтир, қисқаси, терига тегишли бирор касаллик билан¹ бўлганда [касаллик қайталайди].

Касалликнинг қайталашига қувват ва иштаҳанинг заифлигидан, кўнгил айнишидан, ўзини ёмон ҳис қилишдан², ҳазм камлигидан, меъдада овқатнинг нордонликка ёки тутун [мазаликка] ўтиб бузилишидан, қовурға тоғайлари, жигар ва талоқ атрофларининг кўпчишидан, уйқу бузилишидан, уйқусизликнинг узоққа чўзилишидан ва қаттиқ ташналикдан далил олинади.

Юзнинг жуда салқиши, хусусан, зўр белгидир; айниқса юқори қоғоқнинг салқиши, хусусан, юздаги салқин тарқалганда ҳам унинг шишганича қолиши шундай [зўр белгидир].

Баданнинг овқатни яхши қабул қилиб ўзлаштирамаслиги овқат [ейиш] билан бадан ориқлигининг кетмаслиги, айниқса, собиқ касалликнинг тутиш навбатларида ёмон ҳолатлар юз бериши ёки кучайиши ҳам касаллик қайталашининг далилларидандир.

Томир уришининг кетма-кет ва тезлигича қолишидан, буҳрон чиқиқларининг чуқур жойлашганлигидан ва кўринмай кетишидан, сийдикда сариқлик ёки қизғиш сариқ ва қизилликдан иборат кўп рангдорликнинг давом этишидан ёки унинг хом бўлиб, на муаллақ ва на [идиш] тагига ўтирадиган чўкмаси йўқлигидан, шунингдек, касал сийдигининг ўз табиий сийдигига ўхшамаслигидан ҳам касалликнинг қайталашига далил олинади.

Айрим фаслларнинг касаллик қайталашига далолати бошқа фасланикдан кучлироқ бўлади, масалан, кузда [касалликларнинг] қайталаши бошқа фаслларга қараганда кўпроқ учрайди.

Касалликнинг жинси ҳам қайталашга далолат қилишда [белгиларга] ёрдамлашади, масалан, шиш иситмалари каби ўзидан кейин ички аъзоларда ҳарорат ва алангаланиш қолдирадиган касалликлар, шунингдек, тутқаноқ, бош айланиб кўз тиниши, буйрак, жигар ва талоқ оғриқлари, *саъфа*, «темир қалпоқ» бош оғриғи, назла ва назладан туғилладиган кўз оғриғи ва бошқалар ҳамда нафас [аъзолари] касалликлари шу хил [касалликлардандир].

Тўқсон иккинчи фасл. Ҳлим сабаблари

Ҳлим юрак мизожинини бузувчи сабабдан ёки қувватни тарқатиб сўндирувчи сабабдан воқе бўлади. Юрак мизожининг бузилишига сабаб бўладиган нарса ё қаттиқ оғриқ, ёки маълум кайфиятлардан бирининг ҳаддан ташқари бўлиши, ёки заҳарли бегона кайфият, ёки нафас моддасининг қамалиб қолишидир¹, *Барсом* касаллигига учраган кишилар, кўпинча, нафас ололмаслик туфайли ўладилар. Шунинг учун уларни чалқанча тушиб ётишларига ва томоқларининг қуриб қолишига йўл қўймаслик керак.

Тўқсон учинчи фасл. Иситма вақтларида юз берадиган Ҳлим турлари ва касал қандай ўлишининг белгилари

Иситма навбати бошланиб зўрайишида ёки қайтиб тутадиган вақтда юз берадиган Ҳлим ўша Ҳлим [турларидандир]; бундай Ҳлим кўпинча ички шиш иситмаларида бўлиб, шишга чиқиндилар қуюлиб борганда дафъатан воқе бўлади; [яна] бу Ҳлим табиатни қочирадиган ёмон касалликларнинг || дастлабки кучли ҳаракатида, айниқса табиат кучсиз бўлса, юз беради. Қисқаси, бу Ҳлим бўғилиб [ўлишга] ва кўп ўтин оловни ўчириб қўйишига ўхшаб кетади. Иситма тутиш вақтининг охирида табиатнинг касалликдан қочиши сабабли юз берадиган Ҳлим шулар жумласидандир. Учинчи хил Ҳлим — [иситманинг] тутиш вақтида воқе бўладиган бўлиб, бу хил Ҳлим камдан-кам ва ҳар замонда бир учрайди; унинг кўпчилиги [касалликнинг] умумий эмас, балки жузъий пасайишида воқе бўлади. Бунинг сабаби шуки, бу [Ҳлимда] табиат хотиржамдек бўлиб, ҳарорат баданга ёйилиб бўлади ва [касалликнинг] дастлабки вақтларида керакли бўладиган тутиб турувчи қувватдан ажралиб кетади. [105] Бундай касалларнинг кўпчилиги дафъатан беҳушлик билан, баъзилари эса аста-секин ўладилар.

Баъзан [мазкур] пасайиш ёлғон пасайиш бўлиб, бунга қувватнинг бўшашуви ва туғма ҳароратнинг тарқалиши сабаб бўлади; шунда [табиблар] пасайишни ҳақиқий деб гумон қиладилар. Ҳар иккала пасайишда ҳам томир уриши нотекис бўлади; томир уриши ҳақиқий пасайишда кучли, ёлғон пасайишда бўш, ҳақиқий пасайишда бир хилда ва ёлғон пасайишда нотекис бўлиб тартибсизлашади.

Умуман пасайишда,— агар касал заиф бўлса,— ҳаракат қилиш, ўриндан туриб кетиш ёки ғазабланиш каби фақатгина сиртдан етишадиган сабаблар туфайли Ҳлим юз беради. Гоҳо жузъий пасайишда ҳам шундай Ҳлим воқе бўлади, бироқ ундан олдин озгина ёпишқоқ тер чиқади.

Чечак касаллигининг пасайишида, кўпинча, касал ўлади; бу ўлимдан олдин кўпинча нотекис¹ ва совуққа мойил тер чиқади; у тер фақатгина бошдан ёки бўйиндан ёки кўкракнинг ўзидан чиқади.

Жон чиқиш пайтида тери тортишган ва қуруқ бўлса, тер чиқмайди; акс ҳолда тер чиқади. Лекин ўлдирувчи касалликларда воқе бўладиган ўлимнинг кўпроги маълум сабаб туфайли бежавотир [ўтадиган] касалликларда яхши буҳрон содир бўладиган вақтда юз беради. Масалан, агар касаллик буҳрони жуфт кунда бўлса, ўлим ҳам жуфт кунда, тоқ кунда бўлса, ўлим ҳам тоқ кунда воқе бўлади.

Билгинки, куйдирувчи иситма ва шунга ўхшаш иситмалар тутишининг охирида ўлдиради. Шу пайтда ақл қоришуви, қаттиқ беҳузурлик ёки қаттиқ оғир уйқу ва иситмани кўтара олишдан ожизлик сингари ёмон белгилар юз беради; кейин бош оғрийди, кўз олди қоронғилашади, юрак оғрийди, бетоқатлик пайдо бўлади.

Балғам иситмалари эса тутишининг бошланишида ўлдиради; шу вақтда [бадан] узоқ совуқ қотади, исимайди, томир уриши жуда кичик ва ёмон бўлади, оғир уйқу ва ланжлик кучаяди, қисқаси, шуларнинг ҳаммаси касалга зўрлик қилган вақтда касалликнинг бошланишида ёки [кучайиб] ниҳоятга етганида ёки охирида ўлдиради. [Иситма] аниқ зўрайган вақтида ўлим кам воқе бўлади.

Биз айтиб ўтган вақтларда содир бўладиган ўлим белгиларини диққат билан ахтарганингда уларни учратмасанг, қўрқма, агар учратсанг ўлим воқе бўлишини тахмин қил. Агар, шу билан бирга, айтиб ўтилган бошқа ёмон белгилар ҳам бўлса, ўлим юз беришига ишона бер. Кўп ҳолларда [иситма] тоқ кунларда тутса, касал еттинчи куни, жуфт кунларда тутса, айниқса, касаллик тез ҳаракатда бўлса — олтинчи куни ўлади².

Тўқсон тўртинчи фасл. Буҳронсиз бўладиган ўлимнинг белгилари

Қувватнинг заифлиги ва касалликка қарши туришдан ожизлиги шу белгилардандир; модда етилишининг кечикиши ҳам, албатта, шулар жумласидандир. Касалликнинг кечиши суст бўлиши билан бирга ўзининг кучли бўлиши ҳам ўша белгилардан ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси бирга келса, бу ҳолат ўлим воқе бўлишига кўпроқ далолат қилади.

Тўқсон бешинчи фасл. Касалликдан янги турган кишиларда юз берадиган ҳолатлар

Агар касалдан янги турган кишиларда биз касаллик қайталаши бобида айтган ҳолатлар пайдо бўлса, баъзан касаллик қайталайди, уларнинг тадбири бобида айтганимизга кўра қувватлари зўраяди ёки

заифлашади. Гоҳо улар истеъмол қилиб юрган нарсалар фойда қилмайди ва у нарсаларни истеъмол қилган билан баданлари қувватга кирмайди. Уларнинг бадани хилтлардан бўшатилиб тозаланмаган бўлса, чиққиқлар чиқади; модда ҳайдалиб келиши сабабли, гоҳо айрим аъзолари чириб бузилади.

Агар касалликка қарши ортиқча тадбир қўлланилган бўлса, баъзан уларнинг ўзида бўлган касалликка қарама-қарши касаллик пайдо бўлади. Масалан, агар совутиш ва ҳўллаш тадбири керагидан ортиқ қўлланса, уларда тил оғирлиги, фалаж, совуқ қуланж, сакта, тутқаноқ, доимий бош оғриғи, бошнинг бир томони оғриши каби касалликлар пайдо бўлади. Гоҳо қичима пайдо бўлиб, у илиқ сув билан босилади. Баъзан сочни озиқлантирадиган овқат йўқлиги ва сочни қорайтирадиган туғма рутубатларнинг [бутун баданга] сочилиб кетиши сабабли экин қуриганида ранги оқаргани каби сочлар ҳам оқаради; кейин [касалнинг] аҳволи яхшиланганида, экинни суғорганда қайтадан кўкка айлангани каби [106] сочлар ҳам қораяди¹.

Тўқсон олтинчи фасл. Касалдан янги турган кишининг тадбири

Касалдан янги турган кишига ҳар жиҳатдан эҳтиёт бўлиш керак: уларга оғир овқат бермаслик; ҳаракатлар, ҳаммомлар ва безовта қиладиган сабаблар, ҳатто товуш ва бошқа нарсалардан сақлаш лозим. Оҳиста-оҳиста мўътадил ва енгил бадантарбия қилдирилсин, бу жуда фойдалидир; уларга қонни кўпайтирадиган овқатлар берилсин. Касалга ором бериш, хурсанд қилиб, шодлантириш, уни ҳар турли бўшалишлардан, айниқса жинсий алоқадан четлатиш керак. Мўътадил [миқдордаги] шароб, айниқса латиф суюқ шароб, бундай киши учун фойдалидир.

Бухронлари махфий бўлиб касалликдан янги турганлар овқатдан тийилиши зарур бўлган кишилардир, чунки бундай киши касалликнинг қайталашига қобилиятли бўлади. Бундай беморни баъзан бўшатиш зарур бўшатиш тадбирининг энг тўғриси, айниқса ахлат ўт аралаш ва мидан рангига мойил бўлиб, қуюқ-суюқлиги иситма келтириб чиқараётган касалларга [хос] бўлса ва касалнинг иштаҳаси кам бўлса, латиф сурги билан таъмин юргизишдир. Бу тадбирни қўлламоқчи бўлсанг, олдин касалдан янги турган кишига ором бер, қувватини кучайтир ва сўнг бўшаттир.

Баъзан бўшатишга ва, шу билан бирга, овқатлантириб кучайтиришга таъмин қилинади. Шунда дорилик ва суриш хусусиятлари бўлган овқатлардан бундай касалликдан янги турган кишилар серсафро бўлсалар, уларнинг овқатига олхўри, шира, янтоқшакар ва шулар каби мос келадиган

сурувчи дорилар қувватидан аралаштир. Гоҳо уларга сийдикни юрги-зиш фойда қилади: бу билан томирлари тозаланади. Машҳур сийдирувчи дорилар шу хил [ишни бажаради]; сув қўшилган шароб ҳам шундай.

Томирдан қон олишга келганда, касалдан янги турган кишининг бунга эҳтиёжи кам тушади, баъзан эса эҳтиёжи бўлиши ҳам мумкин. Бунга касалнинг кўриниши, қон белгилари, айниқса иситма сабабли томирларда [қон] қотганлик каби ҳолат ва лабда тошмалар пайдо бўлиши далолат қилади. Баъзан иситмага учраган киши қонининг ёмонлиги сабабли томирдан қон олишга мажбур бўласан; қон ёмон бўлишининг сабаби унда ёмон хилтларнинг кулсимон [қисми] қолганлиги бўлиб, у вақтда ёмон қонни чиқариб, яхши қонни кўпайтириш лозим бўлади. Бу тадбирни аста-секин қўллаш ва ҳеч нарсани бир йўла қўлламаслик керак.

Кундузги уйқу касалдан янги турган кишини бўшаштириши сабабли баъзан зарар етказади, баъзан эса дам бериши сабабли фойда қилади. Агар кундузги уйқу мувофиқ келмаса, [каймусни] хом қолдириб, туғма ҳарорат қувватини синдириши сабабли баъзан иситма келтиради.

Касалдан янги турганларнинг ҳаммасига, уларнинг [хилтлардан] тозаланганига ҳам, тоза бўлмаганига ҳам икки, уч кунгача, қисқаси, соғайиш кунига ёндашиб келадиган бухрон кунларидан ортиқроқ миқдордаги кунларда касаллик пайтида қўлланилган овқат ва бошқа тадбирларни қўллаб туриш эҳтиётлилик учун зарурдир. Кейин ундан кўра кучлироқ овқат берилади.

Касалдан янги турган, [хилтлардан] тоза ва иситмаси бежавотир ўтган кишига латиф тадбир қўлланмаслик керак; чунки бунда унинг бадани қизиб ҳолати оғирлашади. Унинг қуввати собит бўлгани учун тез кунлар ичида у кишини яхши овқат бериб, ориқликдан этлиликка қайтариш зарур. Бунинг аксича бўлган кишига аксича тадбир ишлатилади.

Агар касалдан янги турган кишининг кўнгли овқат тусамаса, у кишида тўлиқлик бор бўлади. Агар унинг иштаҳаси бўлса-ю, овқат еган билан [бадани] эт олмаса, ўзининг ва табиатининг мўлжалидан ортиқча овқат еяётган бўлади; табиати уни сингдиролмайди ва бутун бадан бўйлаб тарқатишга ожизлик қилиб қолади. Ёки у кишининг баданида кўп хилт мавжуд бўлиб, табиати шу хилт билан машғул бўлади; ёки меъдасининг қуввати жуда тушган, ёки бутун баданининг қуввати ва туғма ҳарорати пасайган бўлади-да, овқатни табиатнинг ажратиб — тақсимлаб беришига яроқли ҳолатга келтиролмайди.

Бундай кишилар [касалликдан туришнинг] дастлабки пайтларида овқатга сериштаҳа бўлсалар, кейинчалик иштаҳалари йўқолади, чунки, офатлар ва ёмон хилтларга тўлиқлик кучаяди ва ортиб боради. Аввал иштаҳасиз бўлиб қувватнинг тикланиши сабабли кейин иштаҳага кириш аввал иштаҳали бўлиб, кейин иштаҳасиз бўлишдан яхшироқдир.

Иштаҳалилик давом этса-ю, бадан қувватлиликка ва этлиликка қараб ўзгармаса — иштаҳа ва иштаҳа аъзосининг қуввати соғлом, ҳазм аъзоси ва унинг қуввати эса заиф бўлади. Яхшиси касалдан янги турган киши тоғ каклиги ва жўжа гўштлиридан аста-секин улоқ гўштига ўтиши керак. Унинг томирлари ҳали тор бўлгани учун одатланган овқатларини ейишга ўтмай турсин. *Сиканжубин*, ундай кишиларнинг ичаги заиф бўлганлигидан, уларни, кўпинча, ичак шилиниши касалига учратади, барча нордон нарсалар ҳам шундай.

Касалдан янги турган кишиларни ўз турган жойларининг ҳавосига зид ҳаволи жойга кўчириш улар учун қўлланиладиган тадбирлардандир. Уларнинг тадбирларидан [яна] бири — шу касаллик навидан сақланиш ва тинчитадиган тадбир билан унга қарши туриш зарурлигини кўзда тутишдир. Масалан, *барсом* касаллигига учраганлар тадбирида кўкрак дағалланишидан қўрқиш керак.

Касалдан янги турган кишини ҳаммомда кўп терлатмаслик керак, терлатилса, унинг заифлашган эти эриб — тарқалиб кетади. [Касалдан янги турган киши] кўп терласа, [107] унинг [баданида] чиқиндилар бор бўлади. Бундай кишиларнинг сочини устара билан олиш, айтиб ўтилган сабабга кўра, зарарлидир.

Тўқсон еттинчи фасл. Касалдан янги турган кишига бериладиган овқатлар

[Бундай кишига] бериладиган овқат кайфиятда яхши қаймусли ва ҳазми енгил бўлиши керак. Ундай киши оч ва ташна ҳолда қолмаслиги керак. Баъзан касалликдан из қолганлиги туфайли ёки эҳтиёт юзасидан собиқ касаллик мизожига зид кайфиятли овқат беришга зарурат тугилади.

Билгинки, рутубатли суюқ овқатларнинг озиқлиги тез ва кам бўлади, аммо хоҳ овқат, хоҳ ичимликларнинг ғализ ва қуюқлари бунинг аксичадир. Бундай кишиларга, агар ҳарорат қолдиғи тақозо қилмаса—совуқлик нарсаларни кўп бермаслик керак. Балки мўътадил, латиф ҳароратли, рутубати етарли ва тез ҳазм бўладиган нарсаларни қўллаш керак. Овқатни яхши ҳазм бўладиган ва ичаклардан ажралиб чиқадиган миқдорда бериш зарур. Агар у кишида оғирлик, қорин қулдураш, овқатнинг тез ўтиб кетиши ва жуда кечикиб ўтиш ҳолларини кузатмасанг, овқат миқдорини аста-секин кўпайтирасан; шу ҳолатлардан биронтаси рўй берса, миқдорни камайтирасан. Бундай киши бир йўла тўйиб овқатланиб, меъдаси тортишса, кўпинча иситма чиқаради. Шунингдек, бир йўла [тўйиб] ичмаслик ҳам керак; бу баъзан хатарлидир.

Овқат бериш вақти,— бирор зарурат шошилич овқат беришни тақозо қилмаса,— ҳаво мўътадиллашган, яъни ёзда кеч кириш пайти, қишда эса тушдан кейинги пайтлардир. Овқатни [кишини] тўйғизадиган миқдордан камроқ бўлакларга бўлиб бериш керак.

Қасалдан янги турган киши жуда совуқ сувдан эҳтиёт бўлиши зарур; кўпинча, бу айрим ички аъзоларга зарар етказади; баъзан тириштиради; биз бу билан ўлган кишини учратганмиз.

Билгинки, қасалдан янги турган кишининг иштаҳаси меъдасидаги кучсизлик ёки хилтлар сабабли гоҳо камаяди; кўпинча, бунга беҳушликка ўхшаш бир ҳолат бирлашади. Гоҳо иштаҳа жигар сабабли, яъни унинг озиқни кам тортиши сабабли камаяди, бу нарса кишининг рангидан ва унинг суюқ оқ ахлатидан кўриниб туради. Гоҳо бутун бадандаги хилтлар ва меъда бузилиши сабабли иштаҳа камаяди; || баъзан эса бадан қувватининг ва туғма ҳароратининг заифлиги сабабли, ёки меъданинг ўзидаги заифлик сабабли ҳам иштаҳа камаяди. Буларнинг ҳар бирига ўзининг маълум тадбирларни мумкин қадар оқисталик билан қўлла.

295

Билгинки, қасалдан янги турган, айниқса, меъда оғзининг заифлиги сабабли иштаҳаси пасайган ва ичак шилинишидан беҳавотир киши учун беҳи *сиканжубини* жуда яхши даво бўлади. Бундан кўра иссиқроқ, меъдани кучайтирадиган нарсаларга келганда, булар гул кулчаси ва шунга ўхшашлардан иборат бўлиб, баъзан улар касалликнинг қайталашига сабаб бўлади.

Тўқсон саккизинчи фасл. Қасалликларнинг кечиши

Қасалликларнинг вақtlари сенга маълум бўлди. Энди билгинки, уларнинг турли даврлардаги кечишлари гоҳо ортиб зўраяди — бу уларнинг [кучайиб] ниҳоятига етганига далолат қилади; гоҳо камаяди — бу уларнинг пасайганидан дарак беради.

Қасалликларнинг кечишлари ва белгилари кечаси зўраяди, чунки бу вақтда табиат ҳамма нарсдан кечиб моддани етиштириш билан қаттиқ машғул бўлади.





ИККИНЧИ МАҚОЛА

БУХРОН ВАҚТИ, КУНЛАРИ ВА ДАВРЛАРИ

Биринчи фасл. Касалликнинг боши ва бухрон [вақти] бошланганлигини ҳисоблаш

Баъзи кишиларнинг айтишича, киши касалликни сезган вақтининг боши ўша касалликнинг аввали бўлиб, бухрон кунлари шундан бошлаб ҳисобланади. Бошқалар эса: «Ундай эмас, балки бухрон кунлари ҳисобланадиган вақт касал бошини ёстиққа қўйган ва [касаллик] таъсири зарар етказган вақтидир»,— дейдилар. Бу хил ихтилоф тўсатдан воқе бўлмайдиган иситмаларга тегишлидир. Аммо тўсатдан юз берадиган иситмаларда касаллик вақтининг боши махфий бўлиб қолмайди. Бунинг мисоли, тўсатдан иситмага учрайдиган баъзи кишиларда иситма бошланишдаёқ билиниб туради: олдин у кишида бирон иллат кузатилмаган бўлади; у киши ухлайди, ҳаммомга тушади ёки чарчайди-да, тўсатдан иситма чиқаради. Аммо олдин [бадан] шол-шол бўлиб бош оғриси, кейин иситма пайдо бўлса, мазкур икки масала¹ ихтилофли бўлиб қолади. Яхшиси, иситманинг ўзи бошланган вақтни эътиборга олиш керак; шунда мизож табиий ҳолатдан аниқ чиққан бўлади. Бош оғриши ва баданнинг шол-шол бўлиши бошланган вақтга эътибор бериш керак эмас. Киши бошини ёстиққа ташлаб ётган вақтига асосланиб бўлмайди, чунки баъзан иситма чиқиб турса ҳам касал ётмайди.

Хотин киши туққандан кейин унда иситма пайдо бўлса, [бухрон кунлари] баъзи [табиблар] хато айтганидек, туғиш кунидан эмас, иситма чиққан кундан ҳисоблансин, кўпинча бу иситма туғишдан кейинги иккинчи кунда пайдо бўлади.

[108] Иккинчи фасл. Бухрон кунлари ва даврларининг сабаби

Кўп кишилар ўткир касалликларда бухрон кунларини белгилаш учун ойни сабаб қилиб кўрсатиб: «Ойнинг қуввати олам рутубатларига ўтиб, уларда турли ўзгаришлар келтириб чиқарувчи [модданинг] қобилятига

қараб, унинг етилиш ва ҳазм бўлишига ёрдам берувчи ёки буларнинг аксича таъсир кўрсатувчи бир қувватдир»,— дейдилар; бунга [денгиз] сувларнинг қалқиб кўтарилиши ва пасайиб қайтишини, ой нури кўпайганда мия мағзининг кўпайишини ҳамда ой тўлганда дарахтдаги мева-лар ва сабзавотларнинг пишиши тезлашувини далил қилиб кўрсатадилар. Уларнинг айтишича, [киши] баданининг рутубатлари ҳам ойдан таъсирланади: ой ҳолатининг ўзгаришига қараб рутубатларнинг ҳолати турлича бўлади, ой ҳолатидаги ўзгариш кучайиши билан рутубатлардаги турлилик ҳам кучаяди. [Яна айтадиларки], бу таъсирланиш ой ўзининг илгари турган жойининг муқобилига келганда кучаяди, [таъсирда] ундан кейин ой ҳолатининг тўртдан бирига ўзгариши туради; бунда ойнинг айланиш даврини баробар иккига бўлинади, бу ярмини [яна] иккига тақсим қилинади. У кишилар шундай дейдилар:— Ойнинг айланиш даври қарийб йигирма тўққизу учдан бир кун бўлгач, унинг [қуёш] билан қўшилиш кунларини давр кунларидан олиб ташланади, чунки уланиш кунларида ойнинг [рутубатга] таъсири бўлмайди; бу кунлар қарийб икки яриму учдан бир кун бўлгани учун [ой даври] йигирма олти ярим кун бўлиб қолади. Бунинг ярми ўн учу чорак кун, тўртдан бири олти яриму саккиздан бир кун, саккиздан бири эса учу чорак ва саккиздан бирнинг ярмидир — бу энг кичик давр бўлади.

Баъзан ҳисобни бошқа усул билан чиқарадилар, бу усул айтиб ўтилган ҳисобдан бир оз фарқ қилади ва [натижа] ортиқроқ чиқади; аммо бунда ҳақиқатдан четга чиқиш бор. Шу айтиб ўтилган [ой] муддатлари [рутубатларда] катта ўзгаришлар пайдо бўлишини келтириб чиқарадиган муддатлар бўлиб, улар кичик даврлар кунларидир.

Бу муддат бошланганда модда яхши бўлса, [муддат] ниҳоятига етганда [касалда] яхшилик томонга қараб ўзгариш кузатилади, агар муддат модда ва [касал] аҳволи бузуқ бўлган пайтда бошланса, у ниҳоятига етганда бузуқликка қараб ўзгариш юз беради.

Узоққа чўзиладиган ва бир ойдан нарига ўтадиган касалликларнинг бухрони қуёшга қараб ҳисобланади.

Бу хил ҳисоблаш ва белгилашда бир қанча шак-шубҳалар бўлиб, булар устида ҳар хил тортишувлар бор; лекин булар билан шуғулланиш табиатшунос олимнинг иши бўлиб, табиб учун ҳеч бир фойда бермайди. Табиб кўп тажриба орқали ҳосил бўладиган натижани билиши лозим: буларнинг сабабини ўрганиб ўтиришнинг унча кераги йўқ, чунки сабабини баён қилиш билан у бошқа фанга ўтиб кетади. Бухрон кунлари ҳақида тажрибага асосланиб сўзлаш ёки илгаридан ишлатилиб келинган ва аниқланган фикрларни айтиш керак.

Билгинки, кўп кишилар иккига кўпайтирилганда ўз жинсидан ташқарига чиқмайдиган муддатни давр деб атайдилар; бунинг маънисини шуки,

296 иккига кўпайтирилганда муддат бухрон кунидан бошқа кунга ўтиб кетмайди. || Тўртинчи ва еттинчи¹ кунлар бунга мисол бўлади, чунки бу иккаласининг иккига кўпайтирилгани, бухронлари тўртинчи ва еттинчи кунда воқе бўлиши лозим бўлган касалликларнинг бухрон кунлари эътиборга олинганда, ҳамма вақт бухрон кунига бориб тақалади. Асосий ва яхши даврлар учта: тўрт кунлик даврлар — тўлиқ бўлади; етти кунлик даврлар — бу ҳам тўлиқ бўлади; лекин [учинчиси бўлган] ўн кунлик даврлар ҳаммасидан кўра тўлиқроқ бўлади. Чунки қирқинчи, олтмишинчи ва саксонинчи кунларнинг ҳаммаси бухрон кунларидир. Аммо аввалги икки давр ҳисобга олиниши зарур бўлган каср сабабли кейингига қараганда камроқ тўла бўлади. Шунинг учун уч ҳафта — йигирма бир кун эмас, йигирма кун бўлади. Биринчи тўрт кунлик давр тўртинчи куни, касри эътиборга олинган иккинчи тўрт кунлик давр шу [касри] сабабли еттинчи куни воқе бўлади, чунки бу давр олти кун ва еттинчи куннинг анчагина қисмини ўз ичига олади. Шунинг учун иккинчи тўрт кунлик давр ҳисобга олиниши зарур бўлган каср сабабли кейингига қараганда биринчи куни воқе бўлади. Шу вақтда етти кунлик давр иккига кўпайтирилиб, иккинчи етти кунлик давр унга уланади ва ўн тўртинчи кунга тўғри келади. Кейин учинчи етти кунлик даврнинг [касрини] тузатилса, у йигирманчи куни воқе бўлади².

Тўрт кунлик даврларнинг аҳволи қуйидагича: тўрт кунлик даврнинг биринчи ва иккинчиси бир-бирларига уланиб, иккинчи ва учинчиси бир-бирдан ажралади, учинчи ва тўртинчиси эса яна уланиб келади.

[Давр] ўн тўртинчи кунга ўтганда, [табиблар] орасида ихтилоф туғилади. Буқрот ва Жолинус каби фозил олимлар [бухронни даврларнинг] уланиб келишидан бошлайдилар, бунда кунларнинг тартиби қуйидагича бўлади: йигирма еттинчи кун—тўрт кунлик даврларнинг уланган куни, йигирма биринчи кун — етти кунлик даврларнинг алоҳида ҳолда кўпайтирилган куни бўлади. [109] Шунда иккита ажралган етти кунлик бўлиб, унга ёндашган учинчи етти кунлик уланган бўлади ва йигирма кун билан тугалланади. Кейин йигирмадан ажралган [давр] келади, бу йигирма тўртинчи куни [тугалланади]; сўнгра уланган йигирма еттинчи кун келади; бундан кейин ўттиз биринчи кун ажралишиб келадиган етти кунликлар куни бўлади. Сўнгра уланувчи ўттиз тўртинчи кун келиб, ундан кейин ажралган етти кунлик келади ва [ҳаммаси бўлиб] қирқ кун тўлади. Сўнгра уч етти кунликни кўпайтириб олиш тартиби жорий бўлиб, уларнинг кўпайтмасини йигирма кун деб олинади. Бу [даврлар] бир-бирига улашиб олтимиш, саксон, юз ва бир юз йигирма бўлади, буларнинг ораларидаги кунларга эса кўпда эътибор берилмайди.

Архиген каби бошқа [табибларнинг] айтишича, ўн тўртинчи кундан кейин ўн саккизинчи кун бухрон куни бўлиб, йигирма биринчи, йигирма

саккизинчи, кейин ўттиз иккинчи, сўнг ўттиз саккизинчи кунларда етти кунликлар уланиб келади.

Бир жамоа эса қирқ иккинчи, қирқ бешинчи ва қирқ саккизинчи кунларни ҳам бухрон кунларидан санаб ҳақиқатдан узоқлашганлар: уларнинг тўрт кунлик ва етти кунликка ажратишларидан қандай [хулоса] келиб чиқишига аҳамият бериб кўр-чи?! Бухрон кунларини аниқлашда йигирма кунгача тўрт кунлик даврлар катта кучга эга бўлиб, кейин токи ўттиз тўртинчи кунгача қувват етти кунлик даврларга ўтади. Шунинг учун узоққа чўзилган касалликда касал [бухронсиз] йигирма кундан нарига ўтса, [бухронни аниқлашда] етти кунлик даврларга аҳамият бер!

Архигеннинг айтишича, йигирма биринчи кун йигирманчи кундан кўра кўпроқ яхши бухрон бўладиган кундир. Йигирманчи кун эса, етти кунлик ҳисоби жиҳатидан ўн саккизинчи кундан кўра, ўн еттинчи кун [бухрон кунни эканлигини] яхшироқ исботлайди. Буқрот, Жулинуc ва булардан кейинги табиблар масалани бундай деб ҳисобламайдилар.

Шунингдек, йигирма еттинчи ва йигирма саккизинчи кунлар ҳақида ҳам ихтилоф бор. Архигеннинг фикри у иккаласининг фикридан фарқ қилади ва у йигирма саккизинчи кунни афзал деб билади. Ўттиз иккинчи кун билан ўттиз биринчи кун, ўттиз тўртинчи кун билан ўттиз бешинчи кун ва қирқинчи кун билан қирқ иккинчи кун ҳақидаги ихтилоф ҳам шундай.

Билгинки, баъзи касалликлар бухрони етти ойда, ҳатто етти йил, ўн тўрт йил ва йигирма бир йилда бўлади.

Табибларнинг баъзиси қирқ кундан кейин кучли бўшалиш бухрони воқе бўлмайди, деб ўйлайдилар, бу тўғри эмас; бунинг учун яна касалликнинг ўткирлашиш томонга ўзгариши, ёки қайталаш, ёки унга бошқа касалликларнинг биргалашиши ҳам шарт эмас. Узоққа чўзилган касалликда табиат ҳамма вақт [моддани] егилтириши, кейин бирданига кучайиб, уни бўшатиши мумкин. Бироқ бу кам учрайди, аҳвол, кўпинча, ўша табибларнинг айтганидек бўлиб, [бундай касалликлар] ё нуқсонли бухронлар билан, ёки суст ҳаракатли чиқиқ билан, ёки [модданинг] тарқалиши билан тузалади.

Буқротнинг айтишича, бухрон кунларининг баъзиси жуфт ва баъзиси тоқ кунлар бўлади, тоқ кунларда бухрон кўп касалликларда кучлироқ ва кўпроқ воқе бўлади. Жуфт кунларга тўртинчи, олтинчи, саккизинчи, ўнинчи, ўн тўртинчи, йигирманчи, йигирма тўртинчи ва [юқоридаги] икки фикрга кўра биз санаб ўтган жуфт кунлар мисол бўлади. Тоқ кунлар, масалан, учинчи, бешинчи, еттинчи, тўққизинчи, ўн биринчи, ўн еттинчи, йигирма биринчи, йигирма еттинчи ва ўттиз биринчи кунлардир. Жолинуc юқорида айтиб ўтилган саккизинчи ва ўнинчи

297 кунларда [буҳрон бўлишини] инкор қилади ва уни Буқротнинг [бошқа] айтганларига хилоф деб ҳисоблаб, || «Буқрот бу сўзларни буҳрон кунлари [масаласини] аниқ ўзлаштиришидан илгари айтган бўлса керак ёки унинг бирор бошқа изоҳи бордир»,— дейди.

Билгинки, баъзан бир қанча кунлар туташиб келиб, бир кунда бўладиган буҳронга ўхшаб кетади. Бу — хоҳ бўшалиш, хоҳ чиқиқ [буҳронни] бўлсин, барибир йигирманчи кундан кейин бўлади.

Билгинки, яхши буҳрон кунда ёмон белгилар пайдо бўлса, бу жуда ёмон ва кўпроқ ўлимга далолат қилади. Бунга ўхшаш ҳолатлар, кўпинча, еттинчи ёки ўн тўртинчи кунда пайдо бўлади.

Учинчи фасл. Буҳрон кунларидан бирининг бошқасига кучлилик ва заифликдаги муносабати ва касалликларга қиёс қилиниши

*Биз айтамызки¹, буҳрон кунларининг баъзиси ғоят кучли бўлиб буҳрон деярли доимо ўша кунларда воқе бўлади, баъзиси жуда заиф, баъзиси эса ўртача бўлади. Биз бунга муфассал баён қиламыз, аммо ундан олдин айтамызки, буҳрон кунларининг аввалгиси [110] касалликнинг] тўртинчи кунидир, бироқ бу кунда буҳрон кўп бўлмайди, у еттинчи кун буҳрон келишидан дарак беради. Аммо еттинчи кун кучли ва яхши кун бўлиб, тўртинчи кун бундан дарак беради. Еттинчи кунни [буҳрон кунлари] олий табақасининг энг аввалига қўйиш мумкин. Ўн биринчи кун ўн тўртинчи кунчалик қувватли эмас, лекин кунора тутадиган иситма каби тутиш навбатлари тоқ кунларда келадиган касалликларда жуда кучли [ҳатто] тўртинчи кундан кўра кучлироқ ҳисобланади. Ўн тўртинчи кун кучли кундир, унинг кучлилиги шунчаликки, ўн тўртинчи кунга муносабатли кунлар ичида буҳронининг тўлалиги у ёқда турсин, ҳукмлари ва бежавотирлиги жиҳатидан ҳам унга тенг келадиган кун топилмайди.

Ўн еттинчи кун ҳам кучли, [аммо] бунга муносабати бўлган кунлар яна ҳам кучлироқдир. Ўн еттинчи куннинг йигирманчи кунга муносабати ўн биринчи куннинг ўн тўртинчи кунга муносабати каbidир. Ўн саккинчи кун буҳрон кам воқе бўладиган кунлардан бўлиб, камдан-кам ҳоллардагина йигирма биринчи кунга муносабатли ҳисобланади. Йигирма тўртинчи кун ва ўттиз биринчи кунлар буҳрон кам воқе бўладиган кунлардандир. Ўттиз еттинчи кунда ундан ҳам камроқ воқе бўлади, бу кун ҳаё буҳрон кунни ҳисобланмайди. Қирқинчи кун ўттиз тўртинчи кундан кучлироқдир, шу билан бирга, ўттиз тўртинчи кун анчагина қувватли ва ўттиз биринчи кундан кучлироқдир.

Билгинки, кунора тутадиган иситма каби тоқ кунларда тутадиган касалликларда ва ўткир касалликларнинг кўпчилигида буҳрон тез воқе бўлиб, тоқ кунларда келади. Шунинг учун кунора тутадиган иситмада

[буҳронни] ўн тўртинчи куни эмас, ўн биринчи куни кутилади; гарчи кўпинча унинг еттинчи навбат тутиши ўн тўртинчи кундан бир оз илгарироқ бўлса ҳам [буҳроннинг] ўн тўртинчи кунда бўлиши камроқ учрайди. Жуфт кунларда тутадиган иситмаларнинг буҳрони сустроқ бўлиб, кўпинча жуфт кунларда келади.

Олий табақадаги буҳрон кунлари еттинчи, ўн биринчи, ўн тўртинчи ва йигирманчи кунлардир. Касалликларнинг давлари кўпинча буҳрон кунларининг сонига тўғри келади; шунда кунора тутадиган иситманинг етти даври куйдирувчи иситманинг етти куни каби бўлади. Гоҳо узоққа чўзилган касалликларда ой ва йилларнинг сонни ўткир касалликлардаги кунлар сонига мувофиқ бўлади; масалан, тўрт кунда бир тутадиган иситма етти ойга чўзилса, унинг буҳронидан дарак берадиган ойлари [ўткир касалликлар буҳронидан] дарак берувчи кунлар ўрнида ҳисобланади; бунда ҳам кунлардаги каби олдин-кейин воқе бўлиш бор. Буни биз келгусида баён қиламиз.

Тўртинчи фасл. Орalik [кунларда] воқе бўладиган [буҳрон] кунлари

Биз айтиб ўтган кунлар асосий буҳрон кунлари бўлиб, гоҳо сиртдан юз берадиган бирон сабабдан, касалликнинг тез ва суст ҳаракатидан, баданининг кучли ва кучсизлигидан ҳамда сиртдан келган ёки баданга ва руҳга тегишли ҳаддан ташқари кучли сабаблар туфайли воқе бўлган уйқусизлик ҳолатидан буҳрон кунлари олдин ёки кейин келади. Бу хил [буҳрон] ўз вақтида келиши зарур бўлган буҳрон ўрнига ўтмайди ва нуқсонли бўлади. Агар бирон кучли сабаб юз бермаса, буҳрон [ҳақиқий] кунларда бўлиб, улардан олдин ҳам, кейин ҳам келмайди. Лекин шундай кучли сабаб юз берса, [буҳрон] вақти ўзгариб олдин ёки кейин келади. Агар [сабаб] кучсиз бўлса, у фақат буҳроннинг келишини қийинлаштириб, унинг тўла бўлишига монелик қилади.

Ана шундай ўзгариш содир бўладиган кунлар «ўртада воқе бўлувчи кунлар» деб аталади; бу кунларга ҳам бир қадар [ҳақиқий] буҳрон кунларининг ҳукми берилади. У кунлар, масалан, учинчи, бешинчи, олтинчи, шунингдек, тўққизинчи ҳамда ўн учинчи кунлардир: учинчи ва бешинчи [кунлар] тўртинчи кунни ўраб туради, тўққизинчи кун эса еттинчи ва ўн биринчи [кунлар] ўртасида туради. Баъзан ҳақиқий буҳрон кунининг [икки ёнидаги] кунларнинг бири «ўртада воқе бўлувчи кунга» муносиброқ бўлади ёки шу кун билан [ҳақиқий буҳрон кунининг] бошқа томонидаги кун ўртасидаги буҳрон куни бунга тегишлироқ бўлади. Ўн биринчи кун буҳронининг тезлашиб тўққизинчи кунда келиши еттинчи кун буҳронининг тўққизинчи кунга кечикишидан кўра кўпроқ учрайди; аммо ҳар иккала ҳол ҳам кўп учраб туради.

Бешинчи фасл. Ўртада воқе бўладиган бухрон кунларининг кучлилиги ва заифлиги

298 Билгинки, тўққизинчи кун бухрон кунларининг ичида кучли ва олдинги деб саналадиган кундир, ундан кейин бешинчи, сўнг учинчи кунлар [туради]. [Тўққизинчи] куннинг [бухроннинг] асосий куни ҳисобланадиган тўртинчи кундан [қувват юзасидан] аниқ камчилиги йўқ. || Ун учинчи кун [111] ўзининг кучсизлиги туфайли гўё бухрон кунидан саналмайди; олтинчи кунга келсак, бунда бухрон воқе бўлса ҳам, ёмон бухрон бўлади; агар ёмон ҳисобланмаганда ҳам қийин, махфий, нуқсонли ва хавотирли бухрон бўлади. [Олтинчи кун] бухрон кам воқе бўлиши билан ҳамда ёмон ёки енгил ҳисобланмайдиган бухрон юз бериши билан гўё еттинчи куннинг зиддига ўхшайди. Бунинг ёмонлигидан тўртинчи кун дарак беради; тўртинчи куннинг яхши [бухрон] тўла содир бўлишидан дарак бериши кам учрайди ва у дарак берган ҳолат қийинлик билангина амалга ошади. Олтинчи кунда сакта ва беҳушлик каби қўрқинчли белгилар юз беради, айниқса, бўшалиш бўлса, қусиш билан бирга беҳушлик пайдо бўлади, қувват тушади, қалтираш ва титраш юз беради ҳамда томир уриши тўхтади. Агар шу куни тер чиқса, у текис бўлмайди. Баъзан шу куннинг бўшалиш бухрони нуқсонли бўлиб, унинг тугаллиги ёмон чиқиқ ва ярақон касаллиги билан бўлади. Шунда сийдик ва унинг чўкмаси ёмон бўлади. Булар ҳаммаси бухрон беҳавотир бўлганда юз берса, у хавотирли бўлганда қандай бўлар экан? Бундай бухроннинг беҳавотирида қайталаш белгилари юз беради.

Жолинуслининг айтишича, еттинчи кун адолатли подшоҳга, олтинчи кун эса зўрлик қиладиган золимга ўхшайди. Саккизинчи кун олтинчи кунга яқин келади.

Олтинчи фасл. Хоҳ бухрон кунлари, хоҳ ўртада воқе бўладиган кунлар, хоҳ [бухрондан] дарак берувчи кунлар бўлсин, тартибларига қараб яхши ёки ёмон ҳисобланадиган кунлар ҳақида

Бундай кунларнинг афзали еттинчи ва ўн тўртинчи, улардан кейин тўққизинчи, ўн еттинчи, йигирманчи, сўнгра бешинчи, ундан кейин тўртинчи, ўн саккизинчи, сўнгра ўн учинчи кунлардир.

Билгинки, ҳукм юзасидан бухрон кунлари «ўртада воқе бўлувчи кунлар» ва [бухрондан] дарак берувчи кунларнинг энг кучлиси олдин келадиган кунлардир; [бу кунлар] қанчалик узоқлашса, уларнинг ҳукмлари шунчалик заифлашади.

Еттинчи фасл. Биринчи маънода ҳам, иккинчи маънода ҳам бухрон кунни бўлмайдиган кунлар¹

Булар биринчи, иккинчи, ўнинчи, ўн иккинчи, ўн олтинчи ва ўн тўққизинчи кунлардир; ўн бешинчи кун ҳам шулар жумласидан саналади. Қизиғи шуки, бу кунларнинг кўпчилиги бухрон кунининг ёнида келади.

Саккизинчи фасл. Дарак берувчи кунлар

Булар шундай кунларки, уларда модда ўзгарганлигини кўрсатувчи белгилар ёки касаллик ва [табий] қувватдан иборат икки хусуматчидан бирининг ғалаба қилганлик белгилари, ёки табиат билан касаллик ўртасида ажрим қилиш йўсинида эмас, балки қўзғалиш йўсида энгил тортишув бораётганлиги равшан кўринади.

Аввалгисига келсак, модданинг етилган ёки етилмаганлик белгилари унга мисол бўлади. Модда етилганлигининг далиллари, масалан, сийдик устида қизил ёки оқиш рангли булутсимон буғ кўринишидир; модда етилмаганлигининг далиллари ҳам маълум бўлиб, у иштаҳанинг кучайганлиги ёки пасайганлиги, [касаллик] кечишининг энгиллик ёки оғирликлари мисол бўлади. Учунчисига бош оғриғи, беҳузурлик, нафас қисилиши, титраш, баданнинг ҳамма еридан чиқмаётган тер, тўлиқ бўлмаган бўшалиш мисол бўлади.

Ана шу белгилар [дарак берувчи] кунларда пайдо бўлса, уларга ёндашиб келадиган маълум кунларда бухрон содир бўлади. Демак, тўрттинчи кун, агар унда бухрон белгиси яхши бўлса, еттинчи кунда, ёмон бўлганда эса, айниқса, куйдирувчи ва навбатли иситмада — олтинчи кунда [бухрон] бўлишидан дарак беради; шу билан бирга, [ёмон бухрон] еттинчи кунда ва камдан-кам тўққизинчи кунда ҳам бўлади. Лекин кунора тутадиган иситмада бухрон кўпинча тўққизинчи кунни, шунингдек, у олтинчи кунни ҳам воқе бўлади.

Тўққизинчи кун ё ўн биринчи кунда, ёки, кўпинча, ўн тўрттинчи кунда [бухрон бўлишидан] дарак беради. Ўн биринчи кун ҳам ўн тўрттинчи кун [бухронидан] дарак беради. Ўн тўрттинчи кун — ўн еттинчи ёки ўн саккизинчи, ёки йигирманчи, ёки йигирма биринчи кун [бухронидан] дарак беради, ўн еттинчи кун ҳам йигирманчи ёки йигирма биринчи кунда [бухрон бўлишидан], ўн саккизинчи кун — йигирма биринчи кунда ва йигирманчи кун — қирқинчи кунда бухрон бўлишида] дарак беради.

Урта воқе бўладиган кунлардан учунчиси бешинчи кун [бухронидан], агар белгиси ёмон бўлса — олтинчи кун [бухронидан], бешинчиси — тўққизинчи кун [бухронидан], белгиси ёмон бўлса — саккизинчи кун [бухронидан] дарак беради.

Билгинки, буҳроннинг тегишли кунлардан олдинга ёки кейинга қараб ўзгариши [ҳақида] айтилган сабабга биноан гоҳо дарак берувчи далиллар ҳам ўз кунларидан бошқа кунларда келади.

Билгинки, [буҳрондан] дарак берувчи кунларнинг иккинчисидан [буҳрон] кутилган кунда бўладиган бирор белги пайдо бўлса, касаллик тез кечаётган ҳисобланади. [Буҳроннинг] тез ва кечикиб келишининг белгиларига эътибор бериб, ўша аломатлар дарак бераётган кунларнинг тез ёки кечикиб келиши ҳақида ҳукм чиқар.

[112] Тўққизинчи фасл. Буҳрон кунлари шубҳали бўлганда уларни аниқлаб билиш

Кўп вақтларда буҳрон кунларини аниқлашга эҳтиёж туғилади. Буҳрон яқинлашганида бир хил тадбир, узоқ бўлганда бошқа бир хил тадбир қўллашнинг лозим бўлади. Буҳрон кунлари ва унга яқин кунларда эса касалга махсус бир тадбир қўллаб, унинг [табиатини] дори билан сира ҳам қўзғатмаслик керак. чунки дори баъзан табиатнинг бўшалишига ёрдам бериб, бўшалиш ҳаддан ташқари бўлиб кетади; баъзан дори қайси томондан бўшатиш юзасидан табиат билан зидлашади, шунда икки хил [бўшалишга] ундовчи [қувват] бир-бирига тенглашиб, бўшалиш амалга ошмай, зарар етади.

Буҳрон кунларини билишда у кунларни ўзгартирадиган маълум сабабларни ҳам кўзда тутиш керак. Буҳрон кунларини аниқлаб билиш икки масалага қаратилади; бири касалликда мутлақо буҳрон бўлишини [билишга], иккинчиси буҳрон бўладиган муддат ичидан қайси кунда буҳрон бўлишини [аниқлашга], чунки баъзан "буҳрон аҳволи" икки-уч кунга чўзилиб кетиб, [буҳронни] қайси бир кунга нисбат бериш қийинлашади.

Биринчи масалага икки йўл билан: касалликнинг қисқалиги [ёки узоққа чўзилиш] белгиларидан ҳамда касалликларнинг табиати ва қувватларидан далил олинади, [касалликнинг] чўзилиб кетиш ёки қисқариш белгиларидан далил олиш касалликнинг тугалишига асосланиб бўлади. Масалан, касаллик тўртинчи ва ундан кейинги кунда тугалмай, еттинчи ва ундан кейинги кунда тугалиши мумкин бўлган касалликлардан бўлиб, модда етилганлик белгилари тўртинчи кунга яқин яхшигина зоҳир бўлса, еттинчи кун буҳрон бўлиши кутилади.

Агар касалликнинг ўз бобида айтиб ўтилган узоққа чўзилиш белгилари кўринса, буҳроннинг кечикиб содир бўлиши ёки [касалликнинг] буҳронсиз ўтиши маълум бўлади. Агар на у ва на бу белгилардан биттаси ҳам кўринмаса, касалликнинг еттинчи билан ўн тўртинчи [кун] орасида тугалиши кутилади.

Қасалликлар табиатидан далил олишга келсак, сенга маълумки, тоқ кунда қўзғаладиган касалликлар ҳамда иссиқ ўткир касалликлар [бухрони] учун муносиброқ кун — тоқ кундир, буларнинг аксича бўлган касалликлар учун эса, жуфт кунлар мувофиқроқ бўлади.

Иккинчи масалага келганда, бунга бир неча жиҳатдан: [касаллик] даврларини бир-бирига солиштиришдан, бухрон кунларининг сони ва вақтдан, кунларнинг бухронга тегишли бўлиши ва уларнинг қувватларидан далил олинади.

Даврларни солиштиришдан далил олишга келсак, масалан, жуфт кун бир касалликка, тоқ кун бошқа бир касалликка муносиб экани маълум бўлди.

Бухрон вақтидан далил олиш шуки, икки куннинг қайси бирида касал узоқроқ қийналган бўлса, ана шу кун ўша касалликнинг бухрон куни ҳисобланади; лекин бу далилнинг ҳукмидан кўра ҳукми кучлироқ [бошқа бир] далил монелик қилса, аҳвол бошқача бўлади. Айтиб ўтилган шартга риоя қилган ҳолда уч куннинг ўртасидаги кунни бухрон куни деб айтиш зарурлиги ҳам шу кабилардандир.

Кунларнинг қуввати ва табиатларидан далил олишга келсак, масалан, еттинчи кечада тер чиқа бошлаб, саккизинчи куни терлаш давом этса, бунда, гарчи иситма саккизинчи куни кетса ҳам, бухрон саккизинчи кунни эмас, еттинчи куни юз берган бўлади. Агар аҳвол бунинг аксича бўлиб, ўн учинчи куни тер чиқа бошласа ва касалнинг терлаши ўн тўртинчи кунгача давом этиб иситма ўн тўртинчи куни кетса, бухрон ўн тўртинчи кунга нисбат берилади. Чунки саккизинчи ва ўн учинчи кунлар яхши [бухронга оидликда] кейинги икки куннинг қувватида бўлмайди.

Улимга [далолат берадиган бухрон] еттинчи кундан кўра олтинчи кунда ва тўққизинчи кундан кўра ўнинчи кунда кўпроқ бўлади.

[Бир неча] ҳукмларнинг йигилиб келишидан далил олиш юқорида айтиб ўтилган [ҳолга] ўхшайди, масалан, биз айтиб ўтган ўн тўртинчи кун бунга мисолдир, чунки шу [ўн тўртинчи] кунда ҳам тер чиқади, ҳам иситма кетади.

Дарак берувчи кунлардан далил олишга келганда, қарайсан: айтиб ўтилган мисоллар ичида тўртинчи куннинг дарак берганлигини учратсанг, бухроннинг еттинчи кунники эканлигига ёки еттинчи кунда бўлишига жазм қиласан; агар уларни ўн биринчи [кунда] учратсанг — бухроннинг ўн тўртинчи куни бўлишига жазм қиласан.

Унинчи фасл. Бухрон кунларининг кўпчилик касалликларга бўлган нисбати

Жуда ўткир касалликлар бухронининг еттинчи кунга бориши лозимлигини билдинг. Ўткирликда буларга яқин турувчи касалликларнинг бухрони эса ўн тўртинчи ва йигирманчи кунга боради. Булардан кейинги касалликларнинг [бухрони] қирқинчи кунга боради, бундан кейин умуман узоққа чўзилувчи касалликлар бухрони келади.

Куйдирувчи иситма жуфт кунларда қаттиқлашса — бу ёмон белги бўлиб, кўпинча олтинчи кунга ўлдиради. Тўртинчи кун бундан дарак бериб, [113] шу кунга совуқ тер чиқади ва шунга ўхшашлар.

Сарсом каби касалликларнинг бухрони, улар ўткир бўлса ҳам, кўпинча ўн биринчи кунга боради, чунки [*сарсом*] кўпинча учинчи ва тўртинчи кундан кейин зўрая бошлаб, сўнгра бухрони бир ҳафтада бўлади. Иситмалар *ва бухрон кунлари¹ ҳақидаги сўз тамом бўлди.





УЧИНЧИ ФАН
ШИШ
ВА ТОШМАЛАР





Биринчи китобда шишлар, уларнинг жинслари ва даволари ҳақидаги умумий сўзларни айтдик. Энди сўзламоқчи бўлганларимизни эштинини истайдиган киши, албатта, Биринчи китобга ҳам мурожаат қилиши керак. Биз бу ерда жузъий томонларини қўшиб муфассал сўзлаймиз.

Биринчи фасл. Шишлар ва тошмалар

Айтамизки, ҳар бир шиш ва тошма иссиқ бўлади ёки бўлмайди. Иссиқ шиш эса ё қондан, ёки шунга ўхшаш нарсадан, ёки сафродан, ё шунга ўхшаш нарсадан пайдо бўлади. Қондан бўлган шиш ё яхши қондан, ёки ёмон қондандир, яхши қон ё қуюқ, ёки суюқ бўлади. Эт ва терининг ҳар иккисидан чиқадиган флегмона қуюқ яхши қондан пайдо бўлиб, унда лўқиллаш бўлади; фақатгина теридан чиқадиган флегмона эса суюқ қондан пайдо бўлади, буни *шаро* дейилади ва бунда лўқиллаш бўлмайди.

Қуюқ ёмон қондан турли ёмон чиқиқлар пайдо бўлади. Агар бундай қоннинг ёмонлиги ва куйиндиллиги кучайиб кетса, унда сарамас пайдо бўлади ва бунда куйиб қовжираш юз беради. *Нори форсий* сарамасдан ҳам ёмонроқдир. Суюқ ёмон қондан сарамасга мойил флегмона пайдо бўлиб, у ярамас ва ифлосдир. Агар қон жуда суюқ бўлса, флегмонали сарамас² пайдо бўлади; қон жуда ёмон бўлганда эса елли ва сувли қаварчиқларга эга бўлган сарамас пайдо бўлиб, унда куйиб || қовжираш юз беради. 300

Сафродан бўладиган шиш ё сиртқи терининг ичкарисидида тўхтамайдиган жуда латиф сафродан бўлади; бу сафро жуда ўткир бўлиб, ундан учуқ³ пайдо бўлади; [учуқ] баъзан фақатгина югурувчи бўлади,— бу хили жуда латиф — ёки югурувчи ва ўйиб еювчи бўлади, буниси — ёмондир. Ёки [шиш] бир оз қуюқроқ ва иссиқлиги камроқ сафродан ке-

либ чиқади. Бу [хил сафро] аввалгидан кўра терининг ичкарироғида тўхтайти ва унда балгам ҳам бўлади. Бу сафродан тариқсимон учуқ пайдо бўлади, бунда алангаланиш камроқ бўлиб, у сустроқ тарқалиб йўқолади. Агар модда қуюқроқ ва ёмонроқ бўлса, ўйиб еювчи учуқ пайдо бўлади. Агар [сафро] қуюқлиги қон қуюқлигича бўлиб, ўзи ёмон бўлса, ёмон [сифатли] сарамасни келтириб чиқаради. Шуларнинг ҳаммасида модда кейинчалик ўзгариб турлича бўлса ҳам, [аввалда] ёмон ва латифдир. Латифлиги сабабли табиат уни ҳайдайти, шунда у тери ва терига яқин ердан бошқа [жойда] тўхтамайди.

Иссиқ шишнинг моддаси кўп бўлиб, у жуда катта бўлса, бу ўлдирувчи *тотун* шишлардан саналади. *Тароқиё* деб аталадиган шишлар ҳам шулар жумласидандир. Бу хил ёмон шишлар ва шуларга ўхшашлар вабо йилида кўпаяди. Иссиқ шишлар жумласидан бўлган ёмон шиш пасаймаса ва ундан кейин юмшаб кучаймаса ва модда йиғмасдан [аъзони] чиритиб бузишга олиб келса, бу нарса доимо шишнинг катталиги ва модданинг кўплигидан бўла бермайди, балки гоҳо модданинг ёмонлигидан ҳам бўлади.

Билгинки, шишнинг ёлғиз ва холис биргина [моддадан] воқе бўлиши камроқ учрайди, у кўпинча мураккаб [моддадан] бўлади. Билгинки, лўқилламайдиган ҳар бир сиртқи шиш йиринг йиғмайди; ички шиш ҳақида эса гапириб ўтдик.

Иккинчи фасл. Флегмона

Флегмонанинг нима эканлиги сенга маълум, унинг белгиларини ҳам биласан, улар ҳарорат, алангаланиш, ҳажм катталаниши, тортишиш, [қўл тегизганда] ичга ботмаслик, [флегмона] чуқур жойлашган бўлиб артериялар яқинида бўлса, ёки ички аъзонинг кўпчилигига ўхшамасдан ўзига келган асаб орқали сезувчи аъзода бўлса, сезиладиган лўқиллашлардан иборат. Артериялар қанчалик катта ва кўп бўлса, лўқиллаш ва оғриқ шунчалик қаттиқ, [шишнинг] тарқалиши ёки модда йиғиши ҳам тезроқ бўлади. Агар флегмона сезувчи аъзода бўлса, [114] у қандай бўлмасин, унга қаттиқ оғриқ эргашади ва ўша аъзода кўринмай турадиган майда томирлар доимо юзага чиқиб туради¹.

Билгинки, юнонлар тилида алангаланувчи ҳар бир шишни «флегмона» дейлади. Сўнгра ҳар бир иссиқ шиш ҳам шундай аталган, ундан сўнг бу исм айтиб ўтилган сифатдаги иссиқ шишга берилган.

[Флегмонада] қон қамалиб қолиши ва ҳаво йўлларнинг тўсилиши сабабли у алангасиз бўлмайди. [Флегмона] камдан-кам содда бўлади, унга кўпинча сарамас ёки қаттиқлик, ёки кўпчиш биргалашиб келади.

[Флегмонанинг] турли сабабларн бор; уларнинг баъзилари олдин келувчи сабаб бўлиб, улар тўлиқликдан ёки шишга қобилиятли аъзо-

нинг заифлиги билан бирга хилларнинг ёмонлигидан [ёки тўлиқлик ва хилларнинг ёмонлиги бўлмаса ҳам] ўша қобилиятли аъзонинг заифлигидан иборат баданга тегишли сабаблардир. Улар яна узилиш, кесилиш, синиш, чиқиш ёки аъзода кўп учрайдиган яралар каби ташқи сабаблардан ҳам иборат бўлади; кейинги ҳолда оғриқ ва кучсизлик сабабли модда аъзога боради. Баъзан моддалар аъзога йўналиб энг кучсиз бўлган йўлларда тўхтаб қолади, масалан, яралар ва оғритувчи қўтирда бўш жойларда¹ шиш пайдо бўлади. [Қасалликнинг] зўрайгани [шиш]нинг катталашуви ва тортишувидан билинади; унинг [кучайиб] ниҳоятга етганлиги ҳам шиш ҳажмининг ниҳоятга етганлигидан билинади, агар шиш модда йиғадиган шиш бўлса, шу пайтда модда йиғилади; уларнинг пасайиши юмшаш ва заифланиш билан бўлади. Ёмон [флегмона] пасайишга тутунмайди ва модда йиғмайди; бу хилдагиси аъзони ўлиш ва чиришга олиб боради². Бу [ҳол] кўпинча шишнинг катталиги ва моддасининг кўплиги ҳамда шиш кичик бўлса ҳам моддасининг ёмонлиги сабабли воқе бўлади. Лўқиллашнинг секинлашуви ва аланганнинг тўхташдан модданинг тарқалаётганлиги билинади, лўқиллаш ва ҳароратнинг кўпайиши ва турғунлигидан — модда йиғилаётганлиги маълум бўлади; стилишнинг қийинлашуви, шишнинг ранги хиралашиб ўзининг қаттиқ тортишувидан эса аъзонинг чириётганлиги билинади.

Билгинки, табиат модда устидан ғалаба қилмас экан, бундай моддадан бадан юзасидан бўладиган флегмона ва шиш содир бўлмайди, йирингли шиш тошмалари бир-бирига ёндашиб чиқса, бу — [модда] йиғувчи чипқондан дарак беради.

Бадан ичкарасида шишлари бор кишига *хиёршанбар* тангаларидан қўшиб сачратқи ёки итузум сувини ичириш керак.

Учинчи фасл. Флегмонани даволаш

Флегмона ташқи сабабдан пайдо бўлганида ўша ташқи сабаб, албатта, ё баданнинг [хиллардан] тозаллигига ёки тўлиқлигига дуч келади. Агар [бадан] тозаллигига дуч келса, шишни шишлиги туфайли даволашдан бошқа [нарсага] эҳтиёж қолмайди. Шишни шишлиги туфайли даволаш эса шиш пайдо қилган бегона моддани чиқаришдан иборатдир. Бу бўшаштирувчи ва эритиб тарқатувчи юмшоқ дорилар, масалан, сув ва ёғ билан қайнатилган буғдой унининг қуюқ суртмаси билан бўлади. Баъзан бу [суртма] шишни ёришга эҳтиёж қолдирмайди ва, айниқса, шиш кўп моддали бўлганда, етарли тадбир бўлади.

Ташқи сабаб баданнинг тўлиқлигига дуч келганда эса шишга бўшаштирувчи дориларни қўлламаслик керак, қўлланганда шишга ундан тарқалаётгандан кўра ортиқроқ модда тортилади. Демак, моддани томирдан қон олиб бўшатиш лозим. Баъзан сурги дори [ишлатишга] эҳтиёж

301 туғилади; шу тадбирлар қўллангандан кейин бўшаштирувчи дорилар ишлатилади. Бундай флегмонанинг давоси бадан тўлиқлиги сабабли пайдо бўлишининг давосига ўхшайди, [аммо] || бошлаб қайтарувчи дорини унчалик кўп ишлатишга эҳтиёж туғилмасликда ундан фарқ қилади.

Агар сабаб ташқи бўлмай [баданнинг ўзидаги] олдинги сабаб бўлса, дастлаб баданин бўшатиш ва томирдан қоп олиб, эҳтиёж туғилса, сурғи қилдириб бўшатиш тадбирини тўла бажариш керак. Бўшатишга эҳтиёж туғилишига баданнинг тоза эмаслиги ёки касалликнинг зўрлиги сабаб бўлиб, бунда бўшатиш, моддани камайтириш ва қарши томонга тортиш зарурдир. Агар бадан кўп чиқиндилли бўлмаса, [касал] аъзода бирор ҳол юз бериб, у заифлашган ва бадан моддалари, гарчи ортиқча бўлмаса ҳам, ўша аъзога тортилган бўлади.

[Бўшатишда касалнинг] ёши, фасл, шаҳар ва бошқалардан иборат маълум шартларни кўзда тутиш керак. Биринчи китобда биз шарт қилиб қўйган мавзудагидан бошқа [ҳолларда] аввало қайтарувчи дориларни ишлатиш керак. Кейин [шиш] зўрайганда бўшаштирувчи дориларни қайтарувчи дорилар билан қўшиб ишлатиш орқали унга қарши турилади; [шиш] зўрайган сари бўшаштирувчи дорилар ҳам оз-оздан кўпайтирилади. [Шиш] охирига бориб тўхтаганда, ҳажми катталашиб тортишуви гоят кучайганда бўшаштирувчи дориларни кўпайтириб, уларнинг нуқул ўзини ишлатилади. Бундай дориларнинг қуритувчисини шишларнинг охирида ишлатилса, касалликдан қутқазади. Аммо ҳўл бўшаштирувчи дорилар тери тешиқларини кенгайтириш ва оғриқни тўхтатиш учунгина ишлатилади.

Қуритувчи дори касални шишлардан халос қилади ва модда қолдигининг йирингга айланишига тўсқинлик қилади. Агар тамоман тузата олмай, [115] [моддадан] озгина қолдирса ҳам ўткирлик хусусияти бор [дори] тарқатиб юборадиган даражада оз миқдорда қолдиради.

Гоҳо қайтарувчи дори ишлатиш билан модданинг аъзода бўғилиб қолиши ва аъзонинг тифизланиши сабабли оғриқ зўраяди; баъзан шу сабабли модда бошқарувчи аъзоларга қайтади. Гоҳо шиш қаттиқлашади, аъзо эса кўкариш ва қорайишга бошлайди; айниқса, бу дори тадбирларнинг охирида ва касалликнинг авжга яқинлашганида ишлатилса, шундай бўлади.

Билгинки, оғриқнинг қаттиқлашиши моддани тортмай бўшаштирадиган дориларни ишлатишга эҳтиёж туғдиради; баъзан бу дориларда бўшаштиришга тўсқинлик қилмайдиган совутиш хусусияти ҳам бўлади.

Бўшатиш тадбири модданинг бошқарувчи аъзоларга қайтишга қўймайди. Лекин модда ҳайдалиш йўли билан бошқарувчи аъзолардан [шишати] аъзоларга келган бўлса ва бу аъзолар бошқарувчи аъзолар учун [шишати] тўкиладиган жойи каби бўлса, қайтарувчи ва ҳай-

довчи тадбирларни ишлатиш мумкин эмас. Бу ҳақда ўз жойида таъкидлаб айтиб ўтдик.

Шишнинг қаттиқлаша бошлашидан қўрқсанг, кучли қиздириш ва ҳўллаш хусусиятига эга бўлган бўшаштирувчи дориларни ишлат.

Урта қувватли қайтарувчи дорилар биз бошқа жойларда кўп қайтариб айтган совуқ [мизожли] сабзавот шираларидан, масалан, семиз-ўт, қовоқ, сачратқи, қизил тасма ва бошқа нарсаларнинг ширалари, айниқса итузум ширасидан иборат. Буларнинг янчилган пояларни қуюқ суртма қилишга мосдир; испағул шираси ишлатиш ҳамда мумли суртмани совуқ сув билан ишлатиш ҳам яхши. Баъзан бу шишнинг зарарига қарши булутни сирка ва совуқ сувга ботириб қўйиш кифоя қилади. [Шишнинг] дастлабки пайтида пақ-пақ кучлидир; анор пўсти, гулҳамишабахор, кучли қайнатилган толқон, айниқса, унинг сув аралаш сирка билан қайнатилгани ва татим ҳам шундай. Қурбақа ўти ҳам яхши фойда қилади.

Агар булардан кучлироқ [дорига] эҳтиёж тушса, юқоридагиларга сандал, араб [акация]си шираси, *йрмонқара*, *фуфал* ва миғдевона қўшилади. Шишнинг бошланиш пайтида «шишлар ўти»¹ исми билан машҳур бўлган ўт яхшидир.

Гоҳо [дориларнинг] қуриштириш ва буриштириш хусусиятига заъфарон билан ёрдам берилади; [шиш] бошланишида ҳўлловчи дори ишлатиш хатарлидир. Совутиш тадбири ҳаддан ташқари кўп қўлланса, бу аъзони ва шишда қамалиб қолган хилтни бузилишга олиб боради, натижада шиш кўкарниш ва қорайишга ўтади. Шундай ҳолатларнинг бири юз берпшидан қўрқсанг, ўша [касал] жойга арпа уни, қўйпечак ва бўшаштириш хусусияти бўлган нарсадан қуюқ суртма боғла. Агар шу [бузилиш] белгилари очик кўринса, модда йигилиб етилишини кутмай, ўша жойни тиг билан ёриб оч; бу тадбирни ўша жойга кўп модда йиғилаётганини кўрганингда қўллайсан: баъзан бу модда аъзони ўлдириб қўяди. Ёриб очиш шиш турган жойга ва аъзонинг ҳолига қараб баъзан юзароқ ва баъзан чуқурроқ бўлади. Ёриб очгандан кейин [шишга] денгиз суви ёки бошқа шўр сувларни қўй, кейин бўшаштириш хусусиятига эга бўлган қуюқ суртмани боғла. Агар сув сепиш ва қўйишга эҳтиёж тушмаса, бўшаштирувчи дорилар [ишлатиш] билан чеклан.

Билгинки, [флегмонанинг] бошланишида қайтарувчи кучли дорини, охирида эса тарқатувчи кучли дорини ишлатиш ёмондир; бундан мумкин қадар сақланилсин. Қаттиқ совутиш сен билиб ўтган [оқибатларга] олиб боради, шунинг учун сарамас каби шишдан бошқа шишларда совуқ сувдан ҳам сақланнш керак. Қаттиқ эритиб тарқатувчи [дори] ишлатилса, оғриқ пайдо бўлади, шиш бошланишида оғриқни тўхтатиш тадбирини қўлламоқчи бўлсанг, унга иссиқ сув ва бўшаштирувчи ёғларни ҳамда шу

каби бўшаштирувчи дорилардан тайёрланган қуюқ суртмаларни яқинлаштирама, чунки улар модда қўйилишини тўхтатиш учун зарур тадбирга жуда зид туради. Шунда арман лойини совуқ сувда ивитиб ёки гул ёғи билан қўшиб ишлатилсин. Гул ёғининг энг яхшиси гул ва зайтун ёғларидан тайёрланадиганидир, чунки зайтун ёғида бир қадар тарқатиш хусусияти бор. Ёки гул билан қўшиб қайнатилган ясмиқни, ёки қуйдирилган қўрғошин қўшилган гул ёғини ишлатилсин. Агар шулар ва шуларга

302 ўхшаш дорилар фойда етказмаса, қўйпечак ишлатилади, || чунки у [шишнинг] бошланишида ва охирида жуда мувофиқ келади; рум исмалоги, темиртикан, петрушка ва тоғ қора райҳони ҳам шундай.

Қўпинча гул ёғи аралаштирилган шприн шароб, ҳатто шинни ҳам оғриқни тўхтатади; юнг устига қўйилган озгина мумни ёки зуфо¹ юнгини ёзда совутиб, қишда илитиб ёки буриштирувчи шароб, ё сирка ва совуқ сувга ботирилган булутни ишлатилади; заъфарон ҳам оғриқни тўхтатувчи дорилар таркибига қўшилади.

Шиннинг чиқиққа айланаётганини кўрсанг, совутувчи тадбир қўлламай, етилтириб йиринглатувчи тадбир қўлла; аммо шиш авжига чиққанида укроп, бобуна, гулхайри, зиғир уруги ва шунга ўхшашларни, ҳатто [116] *диёхилун* ва *босилиқун* марҳамларини ишлатмай чора йўқ. Сариқ зок марҳамида [шишни] оғритмай қуритиш хусусияти бор. Шунинг учун уни флегмонанинг алангаси тўхташ олдида ва модда йиғилиш хавфи бўлмаганда ишлатиш мос келади. Яхшиси бу марҳам устидан буриштирувчи шаробга ботирилган юнгни қўйишдир.

Қуритиш тадбирини қўллашга асабдан кўра этнинг эҳтиёжи камроқдир, чунки эт озгина қуритиш билан ўз мизожига қайтади. Этнинг артериялари қанча кам бўлса, у қуритишга шунча кам муҳтож бўлади. Қўпинча, модда етилишидан илгари [шишни] ёришга эҳтиёж туғилади, баъзан шишни тортувчи тадбирлар билан олий аъзодан паст даражали аъзога тортиб, унга даво қилиш орқали йиринглантиради.

Йиринглантирилиши зарур бўлган иссиқ шишларнинг учига испанул қуюқ суртмаси, атрофларига эса [ҳароратни] сўндирувчи дорилар қўйиб боғлансин. Суюқ ҳам қуюқ суртмаларни пат билан суртилсин, чунки бармоқ оғритади.

Тўртинчи фасл. Сарамас ва унинг турлари

Сарамаснинг сабаблари ва турларини Биринчи китобда билдинг. Унинг флегмонадан фарқ қиладиган жойи шундаки, унда қизиллик тиниқ ва равшан кўрпниб туради, флегмонада эса қизиллик қора ёки кўк ранга мойил бўлиб кўринади; флегмона қоннинг ранги чуқурроқда

яширинган бўлади. Сарамаснинг қизиллиги қўл теккизилса йўқ бўлиб, моддасининг латифлиги ва тарқалиб кетиши сабабли ўрни оқариб қолади, кейин [қизиллик] яна қайтади; флегмонада бундай бўлмайди. Сарамаснинг қизиллигида заъфаронсимонлик ва бир оз сарғишлик кўринади, флегмона қизиллигида эса булар кўринмайди. Сарамас шиши фақатгина тери юзасида бўлади, флегмонаники эса этга ҳам чуқур жойлашади. Холис сарамас [бир жойдан бошқа жойга] кўчади¹. Флегмона бундай бўлмайди. Йирингли сарамас сув йиғиб қаварчийди; флегмонада бу ҳол кам учрайди. Холис сарамас шиши қўл тегизганда қаршилиқ қилмайди, флегмона эса қандай ҳолда турган бўлса, ўшандоқ тура беради, қон сафродан қанчалик ғолиб бўлса, қаршилиги ҳам [шунчалик] аниқроқ, оғриқ ва лўқиллаш эса кучлироқ бўлади. Флегмонадан кўра сарамасда кўпроқ иситма чиқади; гоҳ сарамас ҳароратидан тери юзаси куйиб «оташак»² деб аталадиган нарсага айланади; флегмонада бундай эмас. Сарамаснинг алангаси флегмона алангасидан кам эмас, балки кўпроқ бўлади; лекин флегмонада тортишиш ва тортишиш сабабли юз берадиган оғриқ кўпроқ бўлади; сарамаснинг оғриғи эса шунинг учун камроқдир.

Сарамас кўпинча юзда пайдо бўлади ва бурун учидан бошланади, шиш кўпайиб бориб бутун юзга ёйилади. Сарамас суяк синиши туфайли тери тагида пайдо бўлса, бу ёмондир³. Флегмонасимон сарамас билан сарамас флегмонаси ўртасидаги фарқни бошқа жойда билдинг⁴.

Бешинчи фасл. Сарамасни даволаш

Бунда сафрони сурдириб баданини бўшатиш керак; агар томирдан қон олишга эҳтиёж тушса, қон ҳам олинади. Модда терининг иккала [қабати] ўртасида бўлган пайтда томирдан қон олиш жуда фойда қилади, аммо учуқур жойлашган бўлса, фойдаси оз бўлади; баъзан бунда [модда] тортилади. Агар қон олгандан кейин қайтадан сурги қилишга эҳтиёж тушса, сурги қилдирилади — бу модда [тақозосига] қараб бўлади. Кейин флегмона бобида маълум бўлган совутувчи кучли дорилар билан ва совуқ сув қуйиш орқали [сарамасни] совутилади; унинг ранги ўзгаргунига қадар шу тадбир қўлланиб турилади, чунки [бир хил моддадан] бўлган холис сарамас ўз рангининг ўзгариши ва камайиши билан кетади. Умуман, сарамасда совутиш тадбирини қўллаш кўпроқ зарурдир, чунки аланга ва алангали оғриқ бу шишда кўпроқ бўлади. Флегмонада эса модда бўйсунмайдиган ва қуюқроқ бўлгани учун бўшатиш тадбири [кўпроқ фойда беради].

[Сарамаснинг] бошланишида ишлатиладиган совутовчи дорилар кучли буриштирувчи бўлиши ва уларнинг буриштириш хусусияти совутиш хусусиятидан ҳатто кўпроқ ҳам бўлиши керак. Аммо охирига яқинлашганда совутиши буриштиришидан кучлироқ бўлсин. Шу билан бир-

га, модданинг бирон ички аъзога ёки олий [шариф] аъзога йўналмаслиги эҳтиётини кўриш керак. Яна ўша [сарамас бўлган] аъзо рангининг қорайиб хираламаслиги ва бузилиш йўлига тушмаслигига ҳам эҳтиёт бўлинсин. Агар шу [ҳолатлардан] бирортаси кузатилса, буриштириши ва совутишга зид тадбир қўлланилади.

Агар сарамас тери устида кўчиб юрса, тахир шаробда қайнатилган қалай чирки билан ёки шаробда қайнатилган лавлағи барги билан даволанади. Яна совутиш билан бирга тарқатиш ва кучли қуритиш хусусияти бўлган дори билан даво қилинади; бۇ шундай: масалан, куйдирилган эски юнгдан [117] ювмасдан ўн икки ярим *дирҳам*, санавбар дарахти ўзагининг кўмиридан ўша миқдорда, мумдан ўн беш *дирҳам*, қалай чиркидан тўққиз *дирҳам*, таканинг сув билан ювилган эски ёғидан ўн беш || *дирҳам*, мирта ёғидан беш *уқия* олиб [ишлатилади]. Қалай чиркинн газарўт ширасига, гул ёғи ва мумга қўшиб ясаладиган марҳам ундан кўра ситилроқ.

Олтинчи фасл. Тариқсимон учуқ²

Учуқ бир ёки кўп ташмалардан иборат бўлиб чиқади, бир оз шиш пайдо қилади ва тез [кўчиб] юради, баъзан ярага айланади ва баъзан тарқалиб, йўқолиб кетади. Буларнинг ҳар бирининг сабабини билдинг.

Учуқнинг ранги сарғиш, ўзи алангали, юмалоқ бўлиб, сўгалга ўхшаб туради; кўпинча илдири ёйиқ бўлади, лекин бунинг *ақрухурудун* номли хилининг илдизи ингичка бўлиб, осилиб турганга ўхшайди.

Ҳар бир учуқда чумоли ташлагандек [бир оғриқ] сезилади. Умуман, чуқур ўрнашмай тери устида югуриб юривчи ҳар бир шиш учуқдир, лекин бунинг баъзиси биллиб ўтилгандек, тариқсимон, баъзиси [этни] еювчи бўлади.

Учуқлар ярага айланиб чириганда, уларни «чириган» исми билан аталади.

Еттинчи фасл. Учуқни даволаш

Учуқ ва шунга ўхшаганларнинг бошланишида хилтни керагича бўшатишмай, ярани тузатадиган дори қўлланилса, у аввалги жойнинг яқинидан ёки ўша жойнинг ўзидан қайтадан чиқади ва бирин-кетин терини ейди³. Учуқ ва шунга ўхшаш яраларнинг моддасини бўшатишда *сақмуниё* билан қўшилган пишлоқ суви фойдалидир.

Учуқни даволаш усулига келганда, унинг еювчан хилида сарамасга ишлатиладиган ҳўлловчи нарсалардан четлатилади, чунки ҳўллаш тадбири яраларга мос келмайди. [Учуқнинг] бошланишидан коҳу, пилуфар, гулҳамишабаҳор, қурбақа ўти ва семизўт каби нарсалар ишлатилмайди, балки зарур бўлса итузум, айниқса, унинг янчилган қуруғи каби

дори ишлатилади, чунки унинг қуруғида қуритиш хусусияти бор. Яна баргизуб, маймунжон, ундан кейин ясмиқ, арпа толқони, анор пўсти ва ток новдалари кабилар ишлатилади. Агар [учуқнинг] ўйилиши ёки ярага айланишидан қўрқилса, ўша совутувчи дориларга бир оз асал ва асалга ўхшаш нарса қўшиб ёки кундур елими кукунини сирка билан қўшиб ишлатилади. Токнинг ҳўл новдасини ёққанда оқадиган сув яхши фойда қилади. Яна эчки тезагини ёки қорамол тезагини ҳам сирка билан қўшиб ишлатилади.

[Учуқнинг] ярага айланаётгани ёки ўйилаётгани кўрипса, анзират-гўштхўрдан тайёрланадиган кулчаларни буриштирувчи шароб ёки сув қўшилган сирка билан ишлат; ёки ёввойи бодринг ширасини туз ва таканинг ўти билан, газагўтни табиий сода ва мурч билан қўшиб ёки табиий содани ўғил бола сийдиги билан қўшиб ишлат.

Жолинус [қуш] пати ёки ундан бошқа ўткир учли бўлиб, учуқни юлқиши мумкин бўладиган найчани олип, кейин уни ўткир учи билан учуқ атрофига чуқурроқ ботириб илдиздан қўпориб олишни тўғри тадбир деб ҳисоблайди. Болаларга учуқ тошганда уларни ҳаммомга киргизиб, ҳаммом ҳавосини уларга тегизилади, кейин тезда ҳаммомдан чиқарилади ва учуқларига гул суви билан қўшиб гул ёғи суртилади.

Саккизинчи фасл. Тариқсимон учуқни даволаш

Тариқсимон учуқни даволаш [оддий] учуқни даволашга ўхшайди. Лекин бунга ишлатиладиган сурги таркибида сафрони сурадиган модда билан бирга турбуд каби дорининг қуввати бўлиши яхшироқ; агар девпечак қуввати бўлса яна ҳам яхши, чунки бундай [учуқда] сафрога, албатта, савдо ёки балғам аралашган бўлади. Кейин мози, юлғун бужури, сандал, анор пўсти ва арман лойини олиб, сиркага аралаштирилади ва уни ачиштиришга қўймайдиган миқдорда гул суви қўшилади, кейин пат билан учуққа суртилади. Янги соғилган сут ҳам бу касалликни даволашда жуда мосдир. [Учуқ] бошланғич пайтидан ўтганда тузланган баглиқнинг бошини куйдириб, тахир шароб билан қўшиб суртиш керак. Етарли даражада қуритишга эҳтиёж туғилса, юқоридагидан кўра кучлироқ тадбир — тоғ қора райҳонининг баргини янчиб ва унга оқ зок қўшиб ишлатишдир. Бундан ҳам кучлироғи: зангор ва куйдирилган сариқ олтингурутни олиб, бу таркибдан шароб билан ёки ток новдасининг куйиш олдида чиқадиган суви билан қўшиб чапиладиган дори ясалади.

[118] Тўққизинчи фасл. Оташак, нори форсий ва бошқалар

Бу икки исм кўпинча ўйиб еювчи, қавартирувчи, куйдириб ачиштирувчи, куйдириш ва доглашлар сингари қовжиратувчи бўлган ҳар бир тошмага ишлатила беради.

Баъзан *нори форсий* исми учуқ жинсидан бўлиб еювчи, куйдирувчи, қавартирувчи ҳамда ўзида югуриш хусусияти [кўчиш] ва рутубати бўлган тошмага қўлланилади. Бу тошма сафро моддали бўлиб, унда савдо моддаси кам бўлади ва бир оз чуқур ўрнашади. Бунда кўп сонли¹ кичик тошмалар бўлади; гўё унда кўп қайнайдиган ва тошмалар пайдо қиладиган ўткир хилт борга ўхшайди.

Оташак исми чиққан жойини қорайтириб, аъзони кўмирга айлантириб борадиган рутубатсиз тошмага қўлланилади. Бунда савдо моддаси кўп бўлиб, ўзи чуқур жойлашади. Тошмаси оз, катта ҳажмли бўлиб, Миср боқиласига ўхшаш бўлади. Баъзан бунда ҳеч тошма бўлмайди, балки бошлаб чиқишиданоқ *оташак* бўлиб чиқади. Буларнинг ҳаммаси кўтирдагига ўхшаш қичиш билан бошланади.

Гоҳо *нори форсий* ва *оташак* қаварчиққа айланиб, ундан доғланган жойлардан оқадиганга ўхшаш куйдирувчи бир нарса — [сел] оқади, унинг ранги кулранг ёки қора, баъзан эса қалайсимон бўлади. [*Оташакнинг*] атрофи жуда яллиғлайди, ранги тоза қизил эмас, қорамтир қизил бўлади.

Оташак исмига хос бўлган тошмада жароҳатнинг таги қора бўлиб, олов рангликка мойил бўлади ва гўё чўққа ўхшаб яллиғлаб туради. *Нори форсийнинг* пайдо бўлиши ва ҳаракати *оташакдан* кўра тезроқ-
304 дир; || *оташак* эса сустроқ [чиқади] ва [бадан] чуқурроғида бўлади.

Бунинг моддаси [бошқа] тошма ва темирлатки моддасига ўхшаш, *нори форсийники* эса ўткир бўлади. Булар этда пайдо бўлса тарқалиб, шимилиб кетиши осонроқ, асабда пайдо бўлганида эса турғунроқ бўлиб, [моддаси] кеч тарқалади. Булар иккиси ҳам савдога аралашган куйинди сафродан пайдо бўлади, шунинг учун иккаласи ҳам қорайиб қовжирайди. *Нори форсийда* сафро моддаси, *оташакда* эса савдо моддаси кучли бўлади. Буларнинг ҳар бирини иккаласидаги умумий сифат туфайли *оташак* исми билан аташинг, кейин ажратишинг мумкин ёки иккаласини ҳам ўша хусусияти сабабли *нори форсий* дейишинг, сўнгра эса ажратишинг мумкин; яна ҳар бирига бир исм беришинг ҳам мумкин. [Бу номларнинг] ҳаммаси ҳам ишлатилган, улар орасида катта фарқ йўқ. Гоҳо буларда, шунингдек, турли учуқ ва тарикенмон ёмон учуқда ўлдирувчи, қаттиқ ёмон иситмалар бўлади.

Гоҳо бу тошмалар вабо сабабли пайдо бўлади; кўпинча улар бошланғичда флегмонага ўхшаб, айниқса, вабо йилида бир қадар қораликка мойил бўлади.

Ҳининчи фасл. Оташак ва нори форсийни даволаш

Сафро аралаш қонни бўшатиш учун томирдан қон олиш лозим, касаллик қўрқинчли бўлганда [касални] беҳушликка яқинлаштириб қон

олмай чора йўқ. Баъзан, айниқса *оташакда* қамалиб қолган ва заҳар табиатли ёмон қонни чиқариб юбориш учун [ўша жойни] чуқурроқ тилишга тўғри келади. Модда сафрога мойил бўлганда бундай қилма! [Қасал] жойнинг ўзини маҳаллий даволашга келганда сарамасга¹ ишлатиладиган тадбирни қўллаш зарур, лекин чапиладиган дори сарамасдагидек жуда совутувчи бўлиши керак эмас, чунки [буларда] модда қуюқроқ бўлиб, унинг озгинасини бўлса ҳам ичкарига қайтишига йўл қўйиб бўлмайди, чунки у заҳарли моддадир. Жуда буриштирувчи дори ҳам ишлатиш дуруст эмас, чунки модда кечикиб тарқаладиган қуюқдир. [Тошманинг] на дастлаб пайдо бўлганида ва на алангаси пасайиши олдида тарқатувчи дориларни ишлатиш яхши эмас, агар ишлатилса, модданинг [заҳарли] кайфияти ортади; балки [моддани] ҳайдаш билан бирга совутиш ва бир оз тарқатиш хусусияти бўлган қуритувчи дориларни, масалан, баргизуб, ясмиқ ва серкепак нондан тайёрланган қуюқ суртмани ишлатиш керак бўлади, чунки бундай ноннинг жавҳари жуда латифдир. Яна «Қарободин»да кўрсатилган юқоридагига ўхшаш қуюқ суртмаларни ишлатиш керак; узум сиркаси билан мози ёки шу сирка билан аччиқтош ҳам ишлатилади.

Шу вақтда ва ундан кейин ҳам ишлатиладиган фойдали дорилардан бири мана бу: нордон анорни олиб ёрилади, сўнгра то юмшагунига қадар сиркада қайнатилади, кейин эзиб латта устига қўйиб [боғланади], чунки бу ҳар вақт ҳам яхши бўлади ва яранинг бошланишида ҳам, авжига чиққанида ҳам қўпориб туширади. Шу вақтда ишлатиладиган дориларга гоҳо хом ёнғоқ, унинг барги, толқон, майиз, шароб билан анжир, [119] қора кўкнор ёғи қўшилади. Энг яхшиси шуларнинг ҳаммасидан ясалган қуюқ суртмадир. Афюн, араб акацияси шираси, қизил зок ва анор пўстининг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, мис оксиддан бир *дирҳам*, мингдевона уруғидан бир *дирҳам* [олиб қўшиб ишлатиш] аксар вақт фойда етказадиган дорилардандир.

[Шиш] ярага айланмаганида бу дориларни унинг устига қўйилади, ярага айланганида эса кучли қуритувчи, масалан, анзиратгўштхўрдан тайёрланадиган дори, канавча дориси, *булувондрус* кулчалари, шароб ва шинни билан қўшилган жилвиртош дориси ва ярага айланган сарамас ҳамда тариксимон учуқни даволаш бобида айтилган бошқа дориларни ишлатмай илож йўқ. Қуюқ суртмаларни кундузи икки марта, кечаси бир ёки икки марта қўйиб боғлаш керак. Саситиб қуритувчи дориларни мумкин қадар ишлатма, чунки улар касалнинг аҳволини оғирлаштиради².

Яра чиққан ва куйганга ўхшаб турган жойнинг атрофига арман лойини сирка ва сув билан, совутувчи, қайтарувчи ва [хусусиятда] шуларга яқин нарсаларни шаробга ботирилган зуфо юнги билан янгилаб

қўйиб туриш керак. Аланга босилиб, яраларнинг ўзи қолганда *раъсия* марҳамлари, *диёнутомун*¹ марҳами, «Қарободин»да айтилган ўйилувчи яраларнинг бошқа дорилари кабилар билан даволанади. Ёгли эски ёнғоқ *нори форсий* учун шу вақтда фойдалидир.

Ўн биринчи фасл. Сувли ва елли қаварчиқлар

Сувли қаварчиқ икки сабабдан: бири, хилтлар қайнаши туфайли уларнинг сув қисми ва, у билан бирга, модданинг ҳам бир йўла тери тагига кўтарилишидан пайдо бўлади. Шунда модда терини унинг тагидаги [нардадан] кўра қалинроқ учратиб уни ёриб чиқолмай, сувли қаварчиқ бўлиб қолади. Иккинчиси, [хилтнинг] сув қисми ўрнида қон бўлиб, унинг тери тагида йирингга айланишидан [келиб чиқади].

Ўн иккинчи фасл. Сувли ва елли қаварчиқларни даволаш

Баданни тозалаш, томирдан қон олиш ва шуларга ўхшаш тадбирларни билиб ўтилганларга мувофиқ қўлланилади; тадбир ва овқат айтиб ўтилгандек истеъмол қилинади. [Қаварчиқ] дастлаб пайдо бўлаётганида унинг устига сувда қайнатилган ясмиқ, анор пўсти ёки сувда маси қайнатиб юмшатиладиган кейин илиқ ҳолида [қаварчиқли жойга] қайнатилган анор шохчалари кабилар қўйилади; бу дориларнинг ҳам қўйилади.

305 Сувли қаварчиқ юзага чиқса, унинг ўзини даволамоқчи бўлганинда тери қалинлик қилиб оғриб турса, игна санчиб тешиб, ундаги моддани оқизиш керак, тери юпқа бўлганда эса, у кўпинча ўз-ўзидан тешилади, аммо бунда ҳам ўзи тешилишини кутиб ўтирмай, тешиб моддасини оқиста-оқиста сиқиб чиқариш керак. Натижада қаварчиқ ё тузалади, ёки ярага айланади. || Ярага айланса, қўргошин унаси, куйдирилган қўргошин ва шунга ўхшашлардан қилинган марҳамлар, айниқса, уларга гулсапсар илдизи қўшиб ишлатилади; яна кенгайиб ўйилиб кетган *хумрага* ва учуққа ишлатиладиган марҳамлар ва бошқа биз айтиб ўтган дорилар билан ҳам даволанади.

Мураккаб дори: бир *ритл* куйдирилган қўргошин, бир ярим *ритл* эски зайтун ёғи, бир *ритл* зирних [олиб], куйдирилган қўргошинни токи ёнишмайдиган бўлгунича зайтун ёғида қайнатилади, кейин устига зирних қўйиб ишлатилади.

Эрлик олатида, лаб ва шунга ўхшаш жойларда, қисқаси, қуритувчи дориға қаттиқ эҳтиёж тушадиган аъзоларда пайдо бўладиган қаварчиққа [қарши] дори: сариқ ва оқ зокларнинг ҳар бирдан саккиз бўлакдан, бурақдан икки бўлак олиб, сувда эзиб ишлатилади. Така тезагини ҳам асал билан қўшиб шу усулда ишлатилади. Яранинг қов-

жираган қисми ва ёмон эти тушиб яхши эт кўринса¹, оддий чиқиқларга ишлатиладиган дорилар билан даволанади.

Гоҳо қовжирашни ва ёмон этни маълум дорилар билан туширилади. Искандарияда эса *сороқиёс*, шунингдек, *тархас* ва *тарабохикус*² деб аталадиган ўтлар билан туширадилар. Катта бобуна ёғи ҳам уларни туширишда яхшидир. Қисқаси, қовжираганини тушириш, қолганини тоза этли жароҳатлар дориси билан даволашга машғул бўлиш жуда тўғри [тадбирдир].

Қадимги [табиблар] тажрибадан ўтказган, кейингилар ўзларига нисбат берган яхши дори: анзиратгўштхўр, сабр, кундур елими, қўрғошин упаси ва зангордан баробар бўлакларни, шуларнинг ҳаммасича арман лойини олиб, бу таркибдан гўлакчалар ясалади, гўлакчаларни сирка билан сувда эритиб, қаварчиқли жойга [120] устма-уст суртилади, охири у жойда кучли буришиш пайдо бўлиб қовжирайди. Шунда, агар қовжираган [қаварчиқ] тагида рутубат бўлса, у ўз-ўзидан тушиб кетади ёки уни қўпориб туширишга тўғри келади. Қовжираган қисмининг ҳаммаси тушиб кетгунича шу тадбир давом эттирила беради.

Ҳн учинчи фасл. Эшакем [ш а р о]

Эшакем елли қаварчиқлар сингари ёйиқ майда тошмалардан иборат бўлиб, бир оз қизил рангга мойил бўлади, қичийди, беҳузур қилади, кўпинча тўсатдан пайдо бўлади; гоҳо ундан рутубат оқиб туради. Баъзан у қондан бўлади. Кўпинча, кечаси зўрайиб [кишини] қаттиқ беҳузур³ қилади.

Эшакем [тошишига] баданда дафъатан қўзғаладиган иссиқ буг сабаб бўлади. Бу буг ё сафроли қондан, ёки бурақли [шўр] балғамдан пайдо бўлади. Қондан бўлган эшакем жуда қизил рангли ва иссиқ бўлиб, тезда кўринади, балғамдан бўлганида эса буларнинг ҳаммаси камроқдир. Балғамдан бўлганининг кечаси кучайиши қондан бўлганига қараганда кўпроқ учрайди.

Эшакем кенг жойни эгалласа-ю, томирдан қон олинмаса, кунора иситма [пайдо бўлиш] хавфи туғилади. Бошланишидан шу [даражага етиш] муддати орасида томирдан қон олиш лозим.

Ҳн тўртинчи фасл. Эшакемни даволаш

[Қасалда] қон ғолиб бўлса, тезда томирдан қон олиш керак, кейин, унинг қуввати кўтарса, сафрога қарши сурги дори берилади. Масалан, икки бўлак ҳалила ва бир бўлак *иёражни* таркиб қилиб, *сиканжубин* билан биргаликда уч *дирҳамдан* ичирилади. *Тамр ҳиндий*, ширин ва нордон анорларнинг пўчоқлари билан бирга [сиқиб олинган] сувини

ёки нимтуруш анорнинг пўчоғи билан [сиқиб олинган] сувини, туршак ивителинган сув ва қатиқ ичириш ҳамда таркибига кофур қўшилган *табошир* кулчаларини анор суви билан ичириш орқали эшакем тўхтатилади. Бир кунда бир неча марта иссиқ сув ичириш уни [тўхтатишда] фойда берадиган ва кишининг табиатини юмшатадиган тадбирлардандир. Татим ивитиб тинитилган сув эшакемни тўхтатувчи нарсалардан бўлиб, бундан уч *уқия* ичирилади. Бундай кишига *тафшил*¹, бодом ёғи билан зайтун сиркаси, ғўра суви билан зайтун сиркаси ва қатиқ зардоби берилади.

Агар хилт бурақли бўлса, баданни бир бўлак ҳалила ва унинг ярмича турбуд билан бўшатилади; бу таркибдан бир ичиш миқдори уч *дирҳам* бўлади. Қасалга ҳўл сарв ёнғоғининг бир *уқиясини* бир *дирҳам* сабрга қўшиб берилади; маҳсарни янчиб, нордон сирка билан қўшиб ҳам ичирилади ёки қизил кесак [ивитилган] сув ва янги ёғишт [ивитилган] сув ичирилади.

Балғамдан бўлган эшакемда бир *дирҳам* келиндонани уч *дирҳам* шакарга қўшиб ҳамда уч *дирҳам* оғирлигидаги панжангўшт уруғини янги соғилган сут билан берилади.

Эшакемнинг барча турларида тажриба қилиниб мувофиқ топилган дори: икки *дирҳам* ялпиз, икки *дирҳам* *табошир*, ярим *дирҳам* қизил гул, бир *қирот* кофурдир. [Бу таркибни] нордон анор суви билан ичирилади. Ёки наҳорга арча уруғи ичирилади.

Ун бешинчи фасл. Еювчи яра, аъзонинг чириб бузилиши, гангрена билан с а ф о қ у л у с ўртасидаги фарқ

Булар ҳақидаги сўз айтиб ўтилган [шишлар] ҳақидаги сўзга бир қадар тааллуқлидир. *Биз айтамизки², аъзода ундаги ҳаётий руҳни бузувчи нарса сабабли ёки руҳнинг аъзога етишига тўсқинлик қилувчи, ёки шу иккаласини биргаликда бажарувчи [бирор] нарса сабабли бузилиш ва чириш юз беради. Масалан, ўз жавҳарлари билан ҳаётий руҳга зид бўлган иссиқ ва совуқ заҳарлар; жавҳари заҳарли ёмон шишлар, тошмалар ва югурук яралар; шунингдек, чуқур жойлашган яраларга хато қилиб ёғ қўйиш натижасида этни чиритиб юбориш ёки иссиқ шишларга кучли совутувчи тадбир қўллаб аъзо мизожини бузиш энгари қўлланиладиган хато тадбирлар³.

[Ҳаётий руҳнинг аъзога етишига] тўсқинлик қилувчи омил тикилмадир. Бу тикилма баъзан янгидан пайдо бўлиб, баданнинг сиртида бўлади, масалан, бирор аъзони тагидан узоқ вақт қаттиқ боғлаб қўйилса, бу аъзо чириб бузилади, чунки ҳаётий руҳ унга боролмайди

306 ёки || у ўша аъзодаги ҳаётий руҳнинг устига кўтарилади-да, нафас

орқали юракка тарқалувчи қувват тўхтайтиди, натижада шу аъзонинг мизожи бузилиб ҳалок бўлади.

Баъзан тўсқинлик қилувчи нарса баданнинг ўзидаги тиқилма¹ бўлади, масалан, иссиқ, ёмон, турғун, катта ва қуюқ моддали шиш шундай, у йўлларни ва ҳаётий руҳнинг ҳаётига сабаб бўлувчи нафас кирадиган жойларни тўсади ва шу тўсиш орқали аъзо мизожини ҳам бузади. Булар энди бошланаётган бўлса-ю, сезувчи аъзо сезгиси бузилмаса, уни гангрена деб аталади, айниқса аввалда флегмонага ўхшаган бўлса, шундай дейилади. Агар [шиш] мустаҳкам ўрнашиб, сезувчи аъзонинг сезгиси йўқолса, шундайки, дастлабки ёки шиш пайдо бўлгандан кейин эт, унга ёндашиб турган нарса, ҳатто суяк ҳам бузилса, [121] буни *сафоқулус* деб аталади². Баъзан гангрена *сафоқулусга* айланади, балки *сафоқулусга* ўтишга восита бўлади. Буларнинг ҳаммаси этда, шунингдек, суяк ва бошқа қисмларда ҳам пайдо бўлади.

Бузилиш аъзога ёйилиб, бузилган жойнинг атрофи шишиб бузила бошласа, шу пайтда бу содир бўлганларнинг ҳаммасини [чириб] ёйилиш деб аталади. Аъзонинг чириётган бўлагидаги ҳолни ўлиш³ деб аталади. [Еювчи яранинг] моддаси қуюқ бўлмаса, ёпишиб олмай ҳайдалиб кетган бўлар эди.

Ун олтинчи фасл. Даволаш

Гангрена бошланаётган пайтида бўлса даволанади, аммо эт бузилиши ривожланиб кетган бўлса, [бузилган этнинг] ҳаммасини олиб ташламай илож йўқ. Аъзо ранги ўзгариб, унинг чирий бошлаганини кўрсанг, чиришга қўймайдиган дорини чапишга, масалан, арман лойи ва муҳр лойини сирка билан қўшиб чапишга шошилиш керак. Агар булар фойда бермаса, ёмон қон чиқиб кетсин учун ҳар тарафидан чуқур ёриб очиш, зулук солиш ва чириган жойга яқин турган майда томирлардан қон олиш зарур. [Яранинг] атрофини айтиб ўтилган суюқ суртмалар ёрдамида чиришдан сақлаб қолинади; ёрилган жойнинг ўзига эса чиришга тўсқинлик қиладиган ва қарши турадиган чуқур таъсир қилувчи кучли дори, масалан, ёввойи ясмиқ унини *сиканжубин* ёки боқила уни билан қўшиб, айниқса, туз аралаштириб қўйилади⁴.

Гангренага ишлатиладиган суюқ суртма дори: ангуза, шунингдек, қичитқийт уруғи, юмалоқ аристолохия, шафтоли барги шираларининг ҳар биридан бир бўлакдан, зангордан эса ярим бўлак олиб, [буларни] асалдек қуюлгунича сувда эзилади, сўнг ярага ва унинг атрофига суртилади.

Ёйилишга тўсқинлик қилувчи дорилардан бири: зангор, асал ва аччиқтошдан баробар бўлакларни олиб чапилса, чиришга тўсқинлик

қилади, чириган [қисмни] тушириб юборади ва атрофларни чиришдан сақлаб қолади.

Агар аҳвол шиш ҳолатидан ва ранг бузилиш ҳолатидан ўтиб, билқиллаш ва бир оз рутубатланиш бошланса, бу чиришнинг бошқа бир тури¹ бўлади. Шунда юмалоқ аристолохия ва мозидан баробар бўлакларни олиб, токи [рутубатни] қуритгунича шиш устига сепиб турилади. Шунингдек, зок ҳам, агар уни сариқ зок, айниқса, сирка ва ёнғоқ барги билан ишлатилса, яхши [қуритади]. Шунга ўхшаш ёввойи бодринг ёки унинг ширасини суюқ суртма қилиб ишлатилади.

Агар этнинг баъзи жойи бузилишга тутинса, уни кесиб ташланади² ёки анзиратгўштхўр кулчалари каби дорилар билан тушириб юборилади; *фалдафиюн* бундан кучлироқдир. Этнинг бир қавати туширилгач, унга сариёғ қўйилади, кейин тоза этга бориб етгунча қолган қаватини ҳам тушириб борилади. Қизил зок билқиллаган ва чириган этга сепиладиган яхши доридир. Сасиб чириш равшан бўлганда уни кесиб ташлаш билан қарши турилмаса, зарар зўрайиб кетади.

Чириётган этнинг атрофи катталашиб шишса, бунга [қарши ишлатиб] мақталган дори — мингдевона шираси билан қўшилган толқондир; бироқ, менимча, у яхши эмас; бундай дорини тоза эт устига, уни сақлаш ва чиришни қайтариш учун ишлатиш керак.

Чириган аъзони кесиб ташлагач, атрофини олов билан доғлашинг керак, бу тузукроқ, ёки дорилар билан айниқса эрлик олати, орқа йўл каби ҳарорати ва ўтиб турадиган чиқиндиларга қўшнилиги сабабли тез чирийдиган аъзоларни — доғлаб куйдирувчи дорилар билан доғлаш лозим³. Бу ерда айтмоқчи бўлганларимиз шулардир; бу бобга қўшиш керак бўлган нарсаларни чирийдиган яралар бобидаги сўзларимиздан топасан.

Ун еттинчи фасл. Тоунлар

Қадимги [табиблар]нинг энг қадимгилари арабча таржимаси «тоун» бўлган сўзни безсимон, ғовак этли аъзолардаги ҳар бир шишга ишлатганлар. Бундай аъзолар, масалан, мояк, эмчак ва тил тагидаги безсимонётлар каби сезувчи бўлади ёки қўлтиқ, чов ва шуларга ўхшаш жойлардаги безсимон эт каби сезгисиз бўлади. Кейин бу сўз, шулар билан бир қаторда, иссиқ бўлган шишга ишлатилган, ундан сўнг, булар билан бир қаторда, ўлдирувчи иссиқ шишга ишлатилган. Кейинчалик эса, моддаси аъзони бузадиган ва [аъзо] атрофи рангини ўзгартирадиган заҳарли жавҳарга айланиши сабабли ўлдирувчи бўлган ҳар қандай шишга ишлатилган.

Тоун шишидан баъзан қон, йиринг ва шуларга ўхшаш нарсалар оқиб туради, у артериялар орқали юрак кайфиятини ёмонлаштиради, натижада қусиш, хафақон ва ҳушдан кетиш пайдо бўлади. Баъзан шу ҳолатлар зўрайиб ўлдиради. Мана шу охириги [шишни] қадимгилар [122] *фумото* деб || атаган бўлсалар керак.

307

Ўлдирувчи шундай шиш кўп ҳолларда қўлтиқ, чов, қулоқ орқаси каби кучсиз аъзоларда пайдо бўлиши керак; [тоуннинг] энг ёмони қўлтиқ ва қулоқ орқасида пайдо бўладиганидир, чунки у бошқарувчиликда кучли аъзоларга яқин бўлади.

Тоун шишларининг бежавотирроғи қизили, сўнгра сариқ ранглисидир. Тоуннинг қора рангликка мойил бўлганидан бирор киши ҳам қутулмайди. Тоун шишлари вабо [пайтида], ваболи шаҳарларда кўпаяди⁴.

Тоун шишларига ўхшаш нарсаларга берилган бир қанча юнонча номларни учратдик: масалан, *турфитурус*, *фумото*, *бумохило* ва *бубус*; бизнингча, булар ўртасида деярли фарқ йўқ.

Ўн саккизинчи фасл. [Тоунни] даволаш

Томирдан қон олиб бўшатиш, вақтнинг² кўтаришига ёки тақозо қилишига қараб, сасиган хилтни чиқариб ташлаш зарур. Кейин юракни эҳтиётлаб уни совутиш ва хушбўйлик хусусияти бўлган нарсалар билан кучайтириш керак бўлади. Масалан, [касалга] *цитрон* ва лимонларнинг нордон суви, олма ва беҳининг қайнатиб қуюлтирилган ширалари ва нордон анор берилади; гул, кофур ва сандал кабилар ҳидлатилади; [бериладиган] овқат эса, масалан, сирка билан ясиқ, тоғ каклиги ва эчки боласи гўшларидан тайёрланган жуда нордон *масусдан* иборат бўлади.

Касал ётган жойга кўп муз, тол барги, гунафша, атиргул, нилуфар ва шунга ўхшашларни ёйиб қўйилади. Унинг юраги устига эса, иссиқ хафақонга ва вабога учраганларга ишлатиладиган маълум совутувчи ва кучайтирувчи дорилар суртилади. Умуман, у кишига ишлатиладиган тадбир ваболи ҳавога учраганларга қўлланиладиган тадбирдан иборат.

Тоун шишининг ўзи ва унга ўхшаш юқорида ҳар хил исм билан аталган шишларни буриштирувчи ва совутувчи дорилар билан, сув ва сиркага ёки гул ёғи, ё олма ёғи, ёки мастаки дарахтининг ёғи, ёки мирта ёғига ботирилган булут билан даволанади. Бу тадбир — [шишларнинг] бошланишида қўлланилади. Кейин, агар мумкин бўлса, шишни ёриб даво қилинади ва моддасини оқизиб юборилади, унинг қотиб қолишига йўл қўйилмайди; қотиб қолган тақдирда заҳарлилиги ортади. [Моддани] секинлик билан сўрадиган қортиққа эҳтиёж тушса, бу ҳам ишлатилади.

Тоуннинг жавҳари чиқиқники сингари бўлса, авжига чиққанида ёки авжига яқинлашганида [шишни] йиринглатиш керак. Агар иситма бор бўлса, модда орқага қайтмаслиги учун совутиш тадбирини қўллашга шошилма. Тоун шишини йиринглатиш бобуна ва укроп суви кабиларни қўйиш билан ва чиқиқлар бобида айтиладиган йиринглатувчи бошқа латиф нарсалар билан бўлади. Айтишларича, *фумото* ва *миғилус* [шишларига] сунбулсоч, Рум исмалоғи, қўйпечак ва гулхайри илдизининг озгина қаврак елими, шароб ва асал қўшилган қуюқ суртмаси, ёки санавбар елими ва мумли суртма билан асал майвизак, ёки асалари уясининг чиркини сиркада ивитилган Миср боқиласи¹ билан ёки сақич билан ёввойи бодринг илдизини, ёки анжир, ё хамир билан қўшилган табиий содани ишлатилади.

Ун тўққизинчи фасл. Безларда пайдо бўладиган шишлар

Безларда бўладиган шишлар тоун шишларига ўхшамайди, улар баъзан бухрон [вақтларида модда] ҳайдалиб келадиган жойда, баъзан эса асл аъзолардан [модда] ҳайдалиб келадиган жойларда пайдо бўлади. Баъзан уларни атрофдаги яралар ва бошқа шишлар келтириб чиқаради: буларга модда [оқиб] бораётганида йўлда шу безсимон этлар орқали ўтиб, уларга ёпишиб олади. Масалан, оёқ ва қўлларида қўтир ёки яралар бўлган кишининг чови ва қўлтиғида шиш пайдо бўлади².

Баъзан бундай шишлар бадан тўлиқлигидан бўлади, баъзан эса бадан у қадар тўлиқ бўлмаса ҳам содир бўла беради. Буларни даволаш билиб ўтилганидек, бошқа шишларни даволашдан фарқ қилади, шундайки, буларда дастлаб қайтарувчи дори ишлатилмайди, буларни ишлатишга шошилимайди³, балки томирдан қон олиб ва сурги дори бериб бўшатиш зарур. Бошқа хил даволашга келганда то [шишлар] ҳолати маълум бўлгунча, мумкин бўлган қадар уни тўхтатиб турилади. Агар бу хил шиш бухрон сабабли ёки бирор бошқарувчи аъздан модда ҳайдалиб келиши сабабли вужудга келган бўлса, модданинг келиб [йиғилишига] мутлақо тўсқинлик қилмаслик керак. Балки ўша аъзога моддани қандай қилиб бўлмасин, ҳатто қортиқлар орқали тортиш керак.

Агар бундай шишлар тўлиқликнинг кўплигидан вужудга келган бўлса, асосий тадбир бўшатиш, овқатни кам бериш ва латиф овқат беришдир. Қайтарувчи дорилар ишлатилмай, балки бўшаштирувчилар ишлатилсин. Шу билан бирга, бўшаштирувчиларни ҳам [баданни] бўшатмай туриб ишлатилмасин; [бўшатмай ишлатилса] у баъзан [шишли] аъзога кўп моддани тортади. [123] Бўшаштирувчи дориларни қўллаш билан бирга баданни бўшатиш ва моддани [турган ерига] қарши томонга тортилсин.

Қайтарувчи дориларда моддани ички аъзоларга ва бошқарувчи аъзоларга қайтариш хавфи бор. Бўшаштирувчи дориларда эса кўп моддани бошқа томонга йўналтириш бўшаштирувчи дорилар зараридан қутқаради.

Оғриқ зўрайганда иссиқ зайтун ёғига юнгни ботириб олиб [шишга қўйиб] уни тўхтатиш лозим. Сўнгра охирида оғриқни¹ тўхтатиш учун [зайтун ёғига] туз билан бир оз тарқатувчи нарса қўшилади. Тузни аввалданоқ қўшилса, у оғриқни кўпайтиради.

Бадан ўзи тоза бўлса, ёки уни тозалаган бўлсанг, тарқатувчи дориларни қўрқмасдан ишлата бер. Баъзан [моддани] тарқатишга буғдой уни фойда беради; арпа уни буғдойникидан бежавотирроқ бўлади.

Баъзан кучли тарқатувчи дори шишни зўрайтириб юборади; шунинг учун модданинг бошқарувчи аъзоларда туриши хавfli бўлиб, моддани улардан ҳайдаб шишга қараб тортиш зарур бўлгандагина кучли тарқатувчи дорилар ишлатилади.

Кўпинча бундай шишлар бошланишида иссиқ зайтун ёғининг ўзини қўйиш ҳам уларни тузатади. Аммо² шиш эмчак ва мояк каби ша- 308
риф аъзодаги ғовак этда бўлса ва уни қайтаришда хавф-хатар бўл-
маса қайтарилсин. Шишнинг қаттиқлашишга мойиллашаётгани сезил-
са, у қайси жойда бўлмасин юмшатилин.

Ингирманчи фасл. Иссиқ чиқиқлар

Чиқиқлар йирингли шишлар жумласидан бўлиб, [модда] йиғадиган иссиқ шишлардир. Йирингли шиш номи, ичкарасида қандай модда бўлса ҳам, бориб қуйилиб қоладиган бўш жойи бор ҳар бир шишга ишлатила беради. Шундай шишлар жумласига кирган, йиринг йиғадиган иссиқ шишга чиқиқ дейилади. Гоҳо шу иссиқ шиш бошланишидаёқ [модда] йиғади ва ички узлуксизлик бузилган бўлади. Баъзан эса бошланишида бундай бўлмайди, балки соғлом этли иссиқ шишлар каби бошланиб, кейин авжига чиқиш олдида [модда] йиғишга киришади. Биз мишиқ, ганч, тош, қум, қил ва бошқа нарсаларга ўхшаш хилтларни ўз ичига оладиган йирингли совуқ шишлар ҳақида кейинроқ гапирамиз. Баъзи кишилар эса, шу жинсдаги хилтлардан бўлган шишларни ҳам йирингли шиш исмига хос дейдилар. Лекин ҳозир биз йиринг йиғадиган шиш ҳақида гапирамиз. Бундай шишда табиат ҳайдаётган моддани чиқара бошлайди-ю, у модданинг на терига ўтиши ва на этга шимилиши мумкин бўлмайди². Балки бу модда ғализлиги сабабли узлуксизликни аниқ бузиб, бузган жойининг орасига жойлашиб олади. Бу [шишлар], айниқса, модда ўткир бўлганда, кўпинча ингичка учли бўлади.

Чиқиқлар бошланиб йиринг йиғади, кейин модда етилиб, тешилиб оқади. Баъзан модданинг етилиши ва тешилиб оқишини [дори билан] кучайтиришга эҳтиёж тушади. Баъзан эҳтиёж тушмайди.

Чиқиқ қанчалик кўтарилган, қизил ва учи ингичка бўлса, уни пайдо қилаётган хилт шунчалик кўп ҳароратли бўлади. Бундай шишнинг, айниқса, санавбар шаклида бўлиб кўтарилиб туртиб чиққанининг етилиши, шимилиб тарқалиши ва тешилиб оқиши ҳам тез бўлади. Бунинг аксича бўлиб — ёйиқ, чуқур ўрнашган ва қизиллиги оз бўлса, ундай [чиқиқ] қуюқ ёмон моддали бўлиб, [учи] ичкарига мойил, оғриғи кам ва ҳаракати суст бўлади. Тешилиб ичкарига оқадиган ва [йиринги] ўтган жойини бузадиган [чиқиқ] ундан кўра ҳам ёмонроқдир. [Чиқиқнинг] баъзисиди модда икки томонга ҳам ёрилиб оқади. Чиқиқнинг бежавотирроғи ташқарига чиқиш йўли билан аъзонинг ковагига оқадиганидир. Масалан, меъдадаги чиқиқ тешилиб, йиринги [меъданинг] ички бўшлиғига оқиши унинг сиртига ва қорин девори ўраб турган ковакликка оқишидан кўра яхшироқдир. Шунингдек, мия [шишининг] тешилиб олдинги икки ковакликка оқиши бежавотирроқ, чунки булардан бурун қулоқ ва воронка орқали оғизга ўтиш каби чиқиш йўллари бор. Агар [шиш] мияни ўраб турган бўшлиққа ёки орқа қоринчага тешилиб оқса, [йиринг] сиртга чиқиб кетишга йўл тополмай катта зарар еткази.

Ҳар бир аъзо ҳам чиқиқ чиқишига қобилиятли бўла бермайди, масалан, бўғинларга чиқиқ чиқиши кам учрайди; чунки уларда мишиқсимон хилтлар бўлиб, у [хилт]ларнинг жойи кенг ҳамда модда сасиб чиқиққа айланиши учун уни бўғиб ва тўхтатиб ҳам турмайди. Агар чиқиқ чиқса, у катта бир сабаб таъсирида чиққан бўлади.

Чиқиқларнинг энг ёмони ва ярамаси кўп мушакнинг асабли учларидан чиқадиганидир. Чиқиқлар моддасининг етилиш муддати хилтининг қуюқ-суюқлиги, мизожнинг иссиқ, совуқ [124] ва мўътадиллиги, фасл, [касалнинг] ёши ва аъзосининг жавҳарига қараб турлича бўлади. Аъзода туғма ҳароратнинг камлиги ёки модда жавҳарининг қуюқлиги сабаблигина чиқиқ пишмайди ва ундаги хилт йирингга айланмайди. Уларнинг баъзиси гоҳо ичкарида йиринг боғлайди, лекин йирингнинг чуқур жойлашганлиги ва унинг устидаги [этнинг] қалинлиги сабабли кўзга кўринмайди. Модданинг етилганлиги гоҳо тез билинади, баъзан эса, гарчи етилган бўлса-да, жавҳарининг қуюқлиги сабабли билинмайди ва тезда юшмайди; агар [модда] суюқ бўлса, у тез юшмайди. Бу яна устидаги [этнинг] оз ёки кўплигига ҳам боғлиқ.

Тўлиқлик ва модданинг кўплиги чиқиққа ва унда йиринг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бу сабаблар меъда бузилиши, ёмон бадантарбиялар, буҳрони очиқ-ойдин бўшалиш билан бўлмайдиган касал-

ликлар, шунингдек, ғамгинлик ва хафаликлардан иборат қонни бузувчи нафсоний офатлар туфайли воқе бўлади.

Чиқиқларнинг *турумисус* деб аталадиган бир тури бўлиб, у тешилиб оқади, сўнг тагидан тоза этга ўхшаш нарса чиқади, бироқ кейин ундан яна бошқатдан йиринг чиқади. Чиқиқларнинг яна *бирр*¹ деб аталадиган тури бор; у юмалоқ ва қизил бўлиб, ярага ўхшайди, бунга учраган киши кўпинча иситма чиқаради. У кўпинча бошда, баъзан эса бошқа жойларда ҳам пайдо бўлади.

Йигирма биринчи фасл. Шишнинг чиқиққа айланиш белгилари

[Шис] кўп лўқилласа, қаттиқлиги ва ҳарорати ортса, унинг чиқиққа айланаётганини гумон қила бер.

Йигирма иккинчи фасл. [Модда] етилганлигининг далили ва белгилари

[Шис] бир оз юмшаб оғриқ босилса, уни етилаяпти дея бер.

Йигирма учинчи фасл. Йиринг ҳақида ҳукмлар

Яхши [сифатли] йиринг оқ, ёмон ҳидсиз ва текис бўлади², унга,— гарчи бегона ҳарорат биргалашиб бўлса ҳам,— туғма ҳарорат таъсир кўрсатган бўлади. Йирингнинг текислигидан ҳазм қилувчи қувват модданинг бўйсунувчи ва бўйсунмовчи [қисмларига] ҳар хил эмас, || бир 309 хилда таъсир кўрсатганлиги маълум бўлади. Яхши йиринг ёмон ҳидли бўлмаслиги керак, чунки шундагина у сасиб чиришдан узоқ бўлади. Яна яхши йиринг оқ рангли бўлиши шарт дейдилар, чунки асл аъзоларнинг ранглари оқдир, табиат моддадан кучли бўлмаса, унинг рангини асл аъзолар рангига ўхшата олмайди.

Ёмон йиринг сасиқ ҳидли бўлиб етилишнинг зидли бўлган сасиб бузилишга ва бегона ҳароратнинг ғалаба қилганига далолат қилади. Бўлаклари турли, ранг ва қуюқ-сууюқликлари хилма-хил бўлган йиринг чиқса, бу ҳам яхши йирингга зид жинсдан ҳисобланади. Баданда пайдо бўладиган ҳар бир йирингда сасиганлик ёки етилганлик, ёки совуқлик, ёки бирор бошқа ўзгариш [сезилиши] зарур.

Йигирма тўртинчи фасл. Ички чиқиқларнинг белгилари

Ички аъзоларда иссиқ шиш пайдо бўлса, эт увушиш ва тартибсиз иситмалар юз беради ва оғриқ зўраяди; дастлабки пайтларда эт увушиш муддатлари узоқроқ давом этиб, кейин камайиб борса ва шишнинг оғирлиги ортса, билгинки, шиш чиқиққа айланиб йиринг йиғаётган бўлади. Бу шишнинг оғриқлари бошланишда қаттиқроқ бўлиб, [шиш] авжига чиққан сари камайиб боради, чунки [этниг] ёрилиши

[шиш] бошланишида бўлади. [Шиш] энди ҳосил бўлаётгандаги ёрилиш ва узлуксизликнинг бузилиши жуда оғритади. Модда йирингга айланганда қаттиқ иситма ва аланга тўхтаб, юрак иштирокида воқе бўлаётган иситма босилади.

Билгинки, томир уришининг қаттиқлиги [ички чиқиққа] жуда катта шоҳиддир. Ички аъзоларда чиқиқ ва йирингли шиш белгилари кўринса, лекин томир уриши қаттиқ бўлмаса, ичда чиқиқ содир бўлганлигига қатъий ҳукм қилма, чунки бундай ҳолларда чиқиқ кўпинча ички аъзоларда бўлмай, балки уларни ўраб турган пардада бўлади. Сен чиқиқ чиққан томонни шу томонда осилиб турган оғирлик ва оғриқдан билиб оласан.

Йигирма бешинчи фасл. Ички чиқиқнинг пишганлик белгилари

Ички чиқиқнинг аломатлари юз бериб, иситма, эт увушиш ва оғриқдан иборат ҳолатлар босилса, аммо оғирлик давом этса, билгинки, йиринг аниқ ўрнашиб етилган бўлади.

[125] Йигирма олтинчи фасл. Ички чиқиқнинг тешилиб оқишга яқинлашганлик белгилари

Оғриқ қайталаса ва санчиб ачитса, оғирлик зўрайса, иситмалар бир-бирига уланиб кетса, тешилиб оқиш яқинлашган бўлади. Тўсатдан титраш пайдо бўлиб, оғирлик ва оғриқ тўхтаса, айниқса, чиқиқдан бўшалаётган йирингнинг ўтиб турган жойини ачитаётгани билинса, чиқиқ тешилиб оқаётган бўлади. Бунда [кишининг] қуввати, албатта, бўшашиб, заифлашади.

Ички чиқиқ дафъатан тешилиб, ундан кўп модда оқса, баъзан, хафақон¹ ва ёмон беҳушлик пайдо бўлади; баъзан эса қувват тарқалиши сабабли [касал] ўлади. Баъзан қусиш ва ич кетиш пайдо бўлади. Чиқиқ кўкракда бўлса, дафъатан кўп йиринг[туфлаб] ташланади. Баъзан тешилиб оқишдан кўкракка бир йўла кўп модда борса, бўғилиш юз беради².

Йигирма еттинчи фасл. Ташқи чиқиқларни даволаш

Турли бўшатишлар ва шишларнинг бошланиш пайтида қўлланиладиган тадбирлар биз айтиб ўтгандек, билимсиз табибларнинг хатоси сабабли модданинг шариф аъзога йўналиш хавфи бўлмаганда—иссиқ чиқиқ билан чиқиқ бўлмаган иссиқ шишлар учун умумийдир. [Чиқиқнинг ўзига] хос тадбир — унда йиғилувчи моддани тарқатиш бўлиб, бу икки йўл билан бўлади. Бири касаллик одатдагидан ташқари бўлмаганда ишлатиладиган тўғри тадбир бўлиб, у моддани йирингга айлантти-

риб етилтириш, ундан кейин тешилтириб оқизишдир; оғриқ ва тешилиб оқиш тўсатдан қувватни тушириб юбормаслиги учун унга эътибор бериб сақлаш керак, чунки кўп кишилар қувватлари тушиб кетиб, беҳуш бўлиб ўладилар. Эй табиб, касалнинг қувватини қандай қилиб кучайтиришни ва уни билладиган нарсаларнинг билан қандай қилиб сақлаб қолишни кўзда тутишинг керак. Шунда йирингли шиши бўлган кишига яхши овқатлар беришинг лозим, лекин чиқиқ ички аъзоларда бўлса, латиф овқат беришга мажбур бўласан.

Иккинчиси, [касаллик] ҳолатининг тақозосига қараб зарурат юзасидан тўғри тадбирдан четга чиқиб [даволашдир]. Бу қуйидагича: касаллик зўр ва чиқиқ одатдагидан катта бўлиб, модда етилишини кутилганда [ўлимни] тезлатиш хавфи туғилса ёки қувват модданинг ҳаммасини етилтиришга кифоя қилмаслиги билинса, етилтириш тадбири қўлланилганда бошқа натижа берса, чиқиқни унга яқин жойдаги тиг тегиши хатарли бўлган карим аъзоларга тиг теккизмай эҳтиётлик билан ёриш зарур. Шунингдек, модданинг етилмайдиган даражада ғализлиги билинса ёки ўша [чиқиқли] аъзодаги туғма ҳароратнинг моддани етилтира олмайдиган даражада камлиги хавфи бўлса, ёки туғма ҳарорат етилтиришда камлик қилиб [моддани] ҳақиқий етилишдан бошқа ҳолатга айлантириш хавфи бўлса, ёки чиқиқ бўғинлар ва бошқарувчи аъзолар яқинида бўлиб, уларни бузишидан қўрқилса ҳам шундай қилинади. Агар етилтириш учун ёлиштирувчи ва етилтирувчи дори қўлланилса, ёпиштирувчи дорилар майин ҳавонинг тери тешикларидан ўтишига тўсқинлик қилиши ва етилтирувчи дорилар кучсиз ҳароратни ҳаракатга солиш эҳтимолдан узоқ эмас; буларнинг ҳаммаси [модданинг] асабни саситиб чириштишига ёрдам беради. Бундай вақтларда [чиқиқни] чуқур ёриб очишдан бошқа чора йўқ; ундан кейин ғоятда эритиб тарқатувчи ва қуритувчи дорилар ишлатилади. Ёриб очилганда аъзодаги асаб толаларини узунасига кесинг керак. || Лекин тиришиш воқе бўлишидан қўрқиб, 310 ўша аъзони ишдан тўхтатишни мақсад қилиб қўйилса, толалар кўндалангига кесилсин ва касал қўрқинч туғдираётган нарсдан қутулиб қолади¹. Махсус аъзолардан ташқари кўпчилик [аъзоларда] толаларнинг узунаси бадан бўйига қараб йўналган бўлади. Шунингдек, толалар узунасига кўпчилиги пешона каби махсус аъзолардан бошқаларида [теридаги] синиқ ва букик ажинларга тобе ҳолда учратилади.

Ёриб очилган жойга сув ва ёғни, шунингдек, чарви қўшилган нарсани теккизмаслик керак. [Ўша жойни] ювиш зарур бўлса, асал қўшилган сув билан ёки шароб билан аралаштирилган, ёки сирка аралаштирилган сув билан ювилади². Ёргандан кейин шиш ва унинг алангаси зўрайса, ясиқ қуюқ суртмаси қўйиб боғланади; агар бунга эҳтиёж тушмаса, эт ундирадиган дорилар ва марҳамлар ишлатилади.

Билгинки, бу хилда ёриш сариқ сув, чирк ва оқма яра [носур] пайдо қилади; лекин бошқа тадбир топилмаганда ёришдан бошқа чора қолмайди. Асаб ва томирлари оз этли жойлардаги шишнинг [моддаси] етилгунича қўйиб туриш яхшироқ.

Билгинки, санавбар шаклида бўлиб кўтарилган [126] учи ингичка шишларда етилишдан олдин ҳам, кейин ҳам ёришга эҳтиёж кам тушади.

Иигирма саккизинчи фасл. Ташқи чиқиқларни пишириш тадбири ва йиринглатиш йўли

Етилтирувчи дориларнинг ҳарорати бадан ҳароратига яқин бўлиши ва бир қадар ёпиштириш хусусиятига эга бўлиши керак. [Чиқиқларнинг] бошланиш пайтида иссиқ сув қуйиш, буғдой ёки арпа унидан қуюқ суртма қилиб боғлаш етилтирувчи тадбирлардан ҳисобланади; буғдойни чайнаб қўйиш бу жиҳатдан фойдалироқдир. Сув ва зайтун ёғи билан [ийланган] нон ёки гул ёғи ва чўчқа чарвиси билан бирга мум, заъфарон, кундур елими кукунни ва зифт ёки гулхайри ва зиғир уруғининг қуюқ суртмаси ҳам [етилтирувчи дорилардандир]. Шунингдек, ширин, сергўшт қуруқ анжирнинг ёлғиз ўзини ёки арпа уни қўшилганини қуюқ суртма қилиб боғлаш ҳам етилтирувчидир. Арпа уни, айниқса унинг зуфо, чўл каклик ўти билан ёки шу иккаласининг унчалик кўп бўлмаган, балки бир оз туз қўшиб қайнатилган суви билан аралаштирилгани ҳам [бу жиҳатдан фойдалидир]; баъзан бу таркибга чарви ёки [ўсимлик] ёғи қўшилади. Сақич билан қўшилган индов ундан кўра кучлироқдир.

Майиз, *майъа* елими, гальбан елими, *мурр*, ладан, санавбар елими, сариёғ, мастаки, ҳўл зуфо, ёввойи бодрингилдизи ва бақам дарахти илдиизидан тайёрланган мураккаб дорилар, мум қўшмай канақунжут ёғи қўшилган Жолинус марҳами, айниқса унинг зайтун ёғида ивитилгани, шунингдек, *Булус* марҳами ва *босилиқун* марҳами ҳам [етилтирувчидир]. Қаврак елими билан қўшилган марказит тоши дориси етилтирувчи яхши дорилардандир; буни чиқиқ ўз-ўзидан тушгунча унинг устига қўйилади.

Иигирма тўққизинчи фасл. Ташқи чиқиқлар пишганда қўлланиладиган тадбир

Чиқиқ қалин терилик бўлиб, у етилгани билан тешилиб оқиши умид қилинмаса, шунингдек, у ерда томир, пай ва асаблар бор бўлса, уни ёриш керак. Чунки йирингни ўз ҳолига қўйсанг, у сасиб бузилади ҳамда томирлар ва асаб толаларини бузади ва ўйиб ейди; чиқиқ бўғинлар яқинида бўлса, бу яна ҳам [хавфлироқ] бўлади.

[Чиқиқни] ёрганда йиринги бор жойни қидир ва очилган тешикнинг мумкин қадар қуйи томонда бўлишига ҳаракат қил!¹ Агар чиқиқ устидаги[эт] семиз бўлса, ёрганинда фақатгина эшик очасан, бўлмаса семиз эт ўзининг орқасидаги нарсага ёпишиб қолади, ориқ бўлганда эса, чиқиқнинг ҳаммасини узунасига ёрасан.

Билгинки, йиринг йиғилган жой қўл билан ушлаб, айниқса бармоқ билан босиб аниқланади; босганинда бошқа бармоқ билан, гарчи бошқа қўл бармоғи билан [бўлса ҳам] босилган жой бир қадар ичга ботиш-ботмаслигини кузатасан². Йиринг йиғилган жой ранги оқликка мойил бўлишидан ҳам билинади; модда етилмаганда эса у ер қизғиш бўлади. Йиринг бор жой, гоҳо модда яхши бўлмаса, кўкниш ва сарғиш рангли бўлади. [Йиринг бор жойни аниқлашда] кўзга эмас, қўл тегизиб сезишга асосланиш керак; шу билан бирга, кўз ҳам ёрдам беради.

Ёришда ажинлардан иборат бўлган табиий чизиқлар бўйлаб кесиш лозим. Зарур ҳолатлардагина, масалан, толаларнинг узунасига туриш вазияти [тери] ажинлари вазиятига қарама-қарши бўлган аъзоларда [бошқача қилинади]. [Масалан], пешонадаги чиқиқни [ёришда] ундаги ажинларга қараб кессанг, пешона териси, юзга солиниб тушади; шунинг учун ажинлар вазиятидан четланишга тўғри келади. Аммо човдаги чиқиқни теридан кўндаланг ажинга қарб ёришинг керак.

Чиқиқни ёриб, ундаги нарсани чиқарганиндан кейин тери йиртилиб, қотиб ва ёпишиб қолмаслиги ва унда ҳамма вақт модда тўлиб турадиган бўш ўринлар пайдо бўлмаслиги ҳамда қайтадан аввалгиси сингарини чиқиқ чиқмаслиги учун тезда терини этга ёпиштиришинг керак. [Ундай ҳолларда] чиқиқни ҳар қанча тозаласанг ҳам у жойлар тўлиб, ҳақиқатда оқма яра жинсига айланади. Терини этга ёпиштиришдан бурун дарҳол ораликни тозалаш керак. Агар учига тозалаб олувчи дағал латта ўралган мил чўпини ўша жойга киргизишга эҳтиёж туғилса ва у жойни артиб олинса, кейин [терини] ёпиштириб биз келгусида баён қиладиган ўйилиб кетган ёки [этга] чуқур жойлашган яралар боғичи билан қаттиқ боғлаб қўйилса, тўғри ва яхши тадбир бўлади. Ёришда биз айтиб ўтган шартларни кўзда тутиб, кейин энг етилган, энг этли, шунингдек, артерия, вена томирлари ва пайлардан энг узоқ бўлган жойлардан ёриш керак. Чиқиқ бошда бўлса, Антиллуснинг айтишича, уни ўсган соч илдизига кўндаланг эмас, балки тўғри ёрилсин; шунда соч уни беркитмайди ҳамда чиқиқ тузалганда [ўрни] кўринмай қолади. У яна айтадики, агар чиқиқ кўз атрофида бўлса, || уни қиялаб ёрилади; 311 агар бурунда бўлса. [127] бурун узунлигига қараб тўғри ёрилади, кўз яқинида бўлса, янги кўринган ойнанинг учига ўхшатиб ёрилади ва эгри томони қуйига қаратилган бўлади. Агар чиқиқ жағда бўлса, уни тўғри ёрилади, чунки бу жойларнинг тузлиши тўғридир, буни кексаларнинг

баданидан билинади. Қулоқ орқасидаги чиқиқни тўғри ёрилади. Билак, тирсак, қўл, панжалар ва човда бўладиганларини узунасига ёрилади. Сон яқинидаги чиқиқни,— дейди у,— айлана қилиб ёрилади; айлана қилиб ёриш шуки, баданни узунасига қирқа бориб, бир оз энига қараб ҳам қирқилади. Чунки агар ўша жойларни айлана қилиб ёрилмаса, уларда моддалар йиғилиб оқма ярага айланиши мумкин. Чиқиқ орқа тешик яқинида бўлса, [бу ер] рутубат йиғиладиган жой бўлганлиги учун, уни ҳам айлана қилиб ёрилади; биқин ва қовурғаларда бўлганида эса қия қилиб ёрилади; мояк ва эрлик олатида бўлганини тўғри қилиб ёрилади.

[Антиллуснинг] айтишича, ҳамма вақт иложи борича, [аъзонинг] табиий шаклига мос қилиб ёришга тиришиш керак. Икки поча ва биллакдаги чиқиқларни узунасига ёрилади, тиф асабга тегиб кетишидан эҳтиёт бўлиш керак.

Билгинки, [тиф билан] ёриш жойига қараб турлича бўлади. Чиқиқ кўз яқинида бўлса, кўз вазиятига ўхшатиб шохсимон¹ қилиб ёрилсин, бурунда бўлса, узунасига, жағда ва қулоқ яқинида бўлса, тўғри қилиб ёрилади. Чунки бу [икки] жойнинг тузилиши тўғри бўлиб, буни кексаларнинг баданидан билинади. Қулоқ орқасидаги чиқиқни тўғри ёрилади; тирсак, поча, сон ва биллакда бўлса, булар ҳаммаси ҳам узунасига ёрилади, қорин мушаги ва орқада бўладиганини ҳам шундай ёрилади, чов ва қўлтиқда бўлса, бўш жой қолиб оқма ярага айланмаслиги учун энидан ҳам қўшиб узунасига ёрилади. Орқа тешикдаги [чиқиқ] ҳам энидан бир оз олиб кесилади, акс ҳолда бу ерда ҳам оқмаларга айланадиган бўшлик ҳосил бўлади. Мояк ва эрлик олатида бўлса — узунасига тўғри ёрилади; биқин ва қовурғаларда бўлса, шохсимон бўлиши учун қовурғалар йўналишича янги чиққан ой шаклида қилиб ёрилади, чунки қовурғалар ва улар устидаги этнинг вазияти шундайдир.

Ҳамиша ўша [чиқиқли] жойдаги этнинг вазиятини ва у жойдаги мушак толалари вазиятини кўзда тут,— дейди [Антиллус], чунки биз ўша жой вазиятига қараб ёришга ҳаракат қиламиз, шунда толалар кесилиб кетмайди, эт битган жой хунук бўлмай, яхши бўлади. Ҳамма ҳолда ҳам бирон артерия ёки катта вена томири, ёки асаб, ёки мушак толасини кесиб юбормасликка эътибор берилсин.

Чиқиқни унинг катта [кичик]лигига қараб, у кичик бўлиб, моддаси биргина жойда оқадиган бўлса — бир жойдан, агар у катта бўлса, бир неча жойдан² ёр. Сўнгра чап қўл кўрсаткичи бармоғини [тешикка] киргиз ва чиқиқнинг учига боргунча яна ёр, кейин шу иккинчи ёрган жойингга бармоқ киргиз, то унинг чеккасига боргунингча шундай қила бер.

Агар чиқиқнинг қўйи бир жойи бўлиб, моддасини ўша жойдан чиқариш имконияти бўлса, ўша жойдан ёрамиз. Агар у юмалоқ ёки моддаси биргина ёрилган жойдан чиқмайдиган шаклда бўлса, йиғилаётган моддасининг ҳаммаси дарҳол оқиб кетишини билсак, икки ёки уч жойдан ёрамиз. [Антиллус] яна айтадики, агар чиқиқ бўғинда ёки шариф аъзода, ёки суяк, ё парда яқинида бўлса, унинг йиринги ўша аъзолардан бирортасини бузиб қўймаслиги учун аниқ етилишидан илгариеқ ёришга шошилаемиз.

Биз айтаемизки, бу тадбирни ёришдан бошқа чора топилмаганда қўлланилади. Чиқиқ ўзича тешилиб оқишини умид қилсанг, уни ёрма! Шунингдек, тешиб оқизувчи дорилар ёрдамида ёрилишига умид бўлганда ҳам ёрма! Тешиб оқизувчи дорилар орасида [тиғ билан] ёриш ўрнига ўтадиган тадбирларни мен кўп учратдим. Қўпинча тешиб оқизувчи дори чуқурроқ таъсир этиши учун терини бир оз ёрилади ёки унинг бир бўлагини олиб ташланади, сўнг устига дорини қўйилади.

Ўттинчи фасл. Ташқи чиқиқларни тешиб оқизувчи дорилар

У қадар ёмон бўлмаган, бежавотир чиқиқларни иссиқ сув ёради ва тешиб оқизади, аммо у [моддаси] сасиган [чиқиқларга] яна модда жалб қилиши сабабли қаттиқ зарар еткази, чиқиқни иссиқ сув тузатаётганлигини билсанг, унинг бежавотир эканига инон.

Билгинки, наргис илдизини, айниқса унинг асал қўшиб савсан ёғида қайнатилганини қўйиб боғланса, ҳар қандай қаттиқ чиқиқни тешиб оқизади. Янги қамиш илдизининг асал билан қўшилгани [128] ёки қуруқ зифтнинг асалари уясининг чирки билан қўшилгани, ёки *авбусилус* марҳами [ҳам шундай]. Ёки мум, санавбар елими ва сариеғнинг ҳар биридан бир *ритлдан*, қуруқ зифт ва асалдан ярим *ритлдан*, зангордан уч *уқия* ва зайтун ёғидан етарли миқдорда олиб [ишлатилади]. Саримсоқ дориси жуда яхшидир. Ёки қаврак елимидан олти *уқия*, мумдан тўрт *уқия*, сақичдан тўрт *уқия*, олтингугуртдан уч *уқия* ва табиий содадан уч *уқия* олиб, шу таркибдан марҳам ясалади.

Биз тажриба қилган таркиб: чигит мағзи, аччиқ ёнғоқ, хамиртуруш, қайнатилган карам, қайнатилган пиёз, хардал ва каптар тезагини олиб, шу таркибдан қуюқ суртма қилиб ишлатилса, тезда тешиб оқизади. Хардал ширасида ивитилган *диёхилун* ва сутда ивитилган совун ҳам шундай ||.

Балозур асали ва ҳўл зифтдан тайёрланган марҳам ишлатилса, бу марҳам ёриш ўрнига ўтадиган тешиб оқизувчи дорилардан саналади. Бу иккаласидан баробар бўлакларни олиб аралаштириб оловга қўйилса, кейин ярим кун чиқиқ устига қўйиб турилса, тешиб оқизади. Қўйи-

даги таркиб ҳам кучли дорилардандир; ишқор ва ўчирилмаган оҳакни олиб, [идишда] ундан ярим баробар юқори турадиган қилиб сув қўшилади, кейин қайнатиб тинитилади, шу сувга бошқатдан ишқор ва оҳак солинади, сўнг [Эритмани] мис идишга солиб чўғ устига қўйилса туз бўлиб қотади. Шу туздан бир миқдорни ва унинг тўртдан бирича навшадилни олиб, таркибида бир оз балозур шираси бўлган индов ширасига қўшилади; кейин шуни ишлатилади.

Олакулангни олиб эзиб, эски зайтун ёғига қўшиб, то улар аралашгунча енгил олов, яъни чўғ устига қўйилади; сўнг марҳамдек қилиб эзилади ва шу [таркибдан] қуюқ суртма ясалади. Бунга балозур асали, хусусан, лочин тезаги ёки чумчуқ тезаги, ёки ўрдак тезаги, баъзиларнинг айтишича айиқтовон қўшилса, айниқса яхши бўлади.

[Шимилтириб] тарқатувчи дори: ҳар бир тарқатувчи ўткир дорини чиқиқли жойга ҳар куни икки мартадан қўйилса ва ўша аъзони иссиқ тутиб, қиздирадиган иссиқ ҳўл компресслар билан уни ғоваклатиб турилса, [чиқиқ моддасини] тарқатади. [Модда] тарқалган сари компресс сони камайтиради. Чиқиқ қаттиқ бўлса, то у қаттиқлик кетиб, йиринг қотиб қолмайдиган даражага келгунча бу тадбир юмшатувчи доридан холи бўлмасин¹. Йиринг шимилиб йўқолиб кетса-ю, қаттиқлик тура берса, фақатгина юмшатувчи дориларни ишлатиш керак.

Қуйидаги дорилар ҳам йирингни шимилтириб тарқатувчилардандир: бурақ, хардал, қушларнинг тезаги, зирних, оҳак, ёввойи зира; буларни кундур елими, сақич, мастаки, асал майвизаклар билан аралаштириб, сирка ва эски зайтун ёғига қўшилади. Саримсоқ билан тайёрланадиган дори, шунингдек, катта бобуна, назла ўти ва тоғ майизидан тайёрланадиган дорилар ҳамда асал билан қўшилган бурақлар ҳам [шулар жумласидандир]. Бу дориларнинг ҳар бирини ишлатишдан олдин ярали жой иссиқ сув билан тозаланади. Марказит дориси ҳам шундай; унинг таркиби: марказит тошидан ўн икки *дирҳам*, шу миқдорда қаврак елими ва олти *дирҳам* боқила унини олиб, санавбарнинг ҳўл елими билан аралаштириб, терига чапилади ва то ўзи тушиб кетгунча йирингли жойда қолдирилади. Бу дорини тайёрлаган ондаёқ ишлатиш керак, акс ҳолда, у дарров қуриб қолади.

Навшадилдан тайёрланадиган дори ҳам [тарқатувчидир]; унинг таркиби: навшадилдан бир бўлак, гальбан елимидан тўртдан бир бўлак, куйдирилган қўрғошиндан биру учдан бир бўлак ва эски зайтун ёғидан биру учдан икки бўлакни олиб, шу таркибдан чапиладиган дори тайёрланади. Бу дорилар фойда қилмаса, биз юқорида айтиб ўтгандек, ёриш ёки доғлашга эҳтиёж туғилади.

Уттиз биринчи фасл. Ички чиқиқларга ишлатиладиган тадбир

Ички йирингли шишларга келганда, айниқса ахлат ва сийдик билан чиқаётган ўт қоннинг ҳаммаси ёмон эканлигига далолат берса, бу шишларга қарши бўшатиш тадбирини қўллаш керак. Аммо [ахлат ва сийдик] яхши бўлса ва табиб табиат чиқиққа қараб ҳайдаётгандан бошқа ва бўшатилгандан кейинги қонни яхши деб тахмин қилса, муътадил дорилар билан етилтириш керак; масалан, суюқ латиф шаробни оз-оздан ичирилсин.

Мурр, дорчин ва бошқа хушбўйликлар каби латифлаштириб қуритувчи дорилар бўйсунмайдиган моддани етилтиришда ишончлидир. Булардан кейин оқиш суюқ шароб ичирилади. [Ички шишга] мураккаб дорилардан тарёқ, *митридат* ва *амирусийлар* [ишлатилади].

[129] Уттиз иккинчи фасл. Чипқонлар

Чипқонлар ҳам чиқиқлар жинсидандир. Булар кўпинча ҳазм ёмонлигидан, [бадан] тўлиқлиги устига қилинган ҳаракатлардан ва шуларга ўхшашлардан пайдо бўлади. Чипқонларнинг энг ёмони—энг чуқуридир.

Уттиз учинчи фасл. Чипқонларни даволаш

Чипқон пайдо бўлганида яқин уч кунгача иссиқ шишларга ишлатиладиган тадбирлар билан даволаш, кейин шимилтириш ва етилтириш билан шуғулланилса, баъзан у тарқалиб кетади,—бу кам учрайди—ва баъзан етилади.

Чипқонни даволашда бепарво бўлиш керак эмас, бепарволик қилинса, у катта чиқиққа айланади. Томирдан қон олиш ёки сурги ишла-тиш билан керагича бўшатиш тадбири қўлланилса, бунинг олди олинади.

Чипқон тагли бўлиб лўқилласа ва уни пишириш зарур бўлса, етилтирувчи дорилар ишлат.

Баданига кўп чипқон чиқа берадиган киши сурги қилса, тез-тез ҳаммомга тушиб терисини сийраклатиб турса ва бадантарбия қилиб юрса, чипқондан қутулади¹.

Сут ёки анжир суви билан қўшилган канавча уруғи, хардал ва асал ёки асалнинг ўзи билан бирга анжир чипқонни пиширувчи дорилардандир. Чайналган буғдой чипқонни пиширишга яхши [ёрдам беради]. Бурақ билан қориштирилган майиз ёки хардал билан қўшиб гулсапсар ёғига аралаштирилган анжир чипқонга [қарши] машҳур доридир; машҳур хамиртуруш дориси ҳам шундай. Қуйидаги таркибли дори чипқонни аста-секин етилтиради; унинг таркиби: бир ярим уқия сариеғ, ачиган хамиртурушдан икки *уқия*, янчилган канавча уруғи ва испағуллар-

нинг ҳар бирдан бир ярим *уқиядан*, анжир ширасидан уч уқия, сариқ йўнғичқа ва зиғир уруғларининг ҳар бирдан беш *дирҳамдан* олиб, сутда қайнатиб ишлатилади. Бу мўътадил [доридир].

313 Чипқоннинг пишиши қийин бўлиб, ҳарорати сокин ва ўзи оғир бўлса, уни суғориб турган томирдан қон ол. || Кейин шу жойга қортиқ қўй; бироқ чипқон бошланишида бу тадбирни қўллама, акс ҳолда зардобсимон қон чиқиб, қуюқ [қисми] қамалиб қолади ва шу ерда қаттиқ яра пайдо бўлади.

Чипқон пишса-ю, ёрилмаса, уни ё дорилар билан, ёки чиқиқлар боида айтилганларга қараб тиғ билан ёрасан.

Зиғир уруғи, каптар тезаги ва хамиртуруш чипқонни тешиб оқизувчи яхши дорилардандир.

Уттиз тўртинчи фасл. Тутсимон [шиш]

Бу ортиқча этдан иборат ярасимон шиш бўлиб, юмшоқ этли жойда пайдо бўлади; кўпинча орқа тешик ва хотинлар жинсий аъзосида воқе бўлади. У баъзан бежавотир, баъзан хавfli бўлади.

*Д а в о л а ш. Туртиб чиққан катта [шишни] тиғ билан кесиш, сўнг-ра битирувчи марҳамлар қўллаш билан даволанади. Баъзисининг таги ингичка бўлиб, уни эҳтиёт қилиб ипак ёки от қили билан боғлаб қўйилса, [тушиб кетади] ва гоҳо бадан [кўтаришига] қараб *дик бар дик, фалдафийон* ва шунга ўхшашлар қўйилса, [тушиб кетади], кейин унга марҳам қўйилади¹.





ИККИНЧИ МАҚОЛА

СОВУҚ ШИШЛАР ВА УЛАРГА УХШАШ НАРСАЛАР

Бадандаги совуқ хилтлар ва шуларга ўхшашлар балғам, савдо, ел ҳамда шулардан таркиб топган [нарсалардир]; уларнинг турларини билиб ўтдинг. Демак, совуқ шишлар балғам ёки савдо, ел, ёки шулардан ташкил топган [хилтдан] келиб чиқади. Балғам шишлари ё оддий балғамдан бўлади ва бўш-юмшоқ шишлар деб аталади; ёки сув аралаш балғамдан бўлади, масалан, бир аъзода сув йиғилиб, унинг ўзига хос истисқо каби бир нарса юз беради; ёки йирингли юмшоқ шишлар бўлиб, буларга ёғли юмшоқ ўсма [силъа] мисолдир, ёки тигиз шишлар бўлиб, буларга мисол қулғуна [ҳанозир] ва ёғли қаттиқ ўсмадир.

Савдодан бўладиган шишлар ё *сиқиррус*¹, ёки саратон бўлади; бу иккаласи ўртасидаги фарқни келгусида биласан.

Елдан бўладиган шишлар ё кўпчиш, ёки елли қаварчиқдан иборат. Ел ёйилиб буғга аралашган бўлса, буни кўпчиш дейилади, бир жойда йиғилиб, зичлашиб турса, еллик қабарчиқ дейилади. Гоҳи бу шишларнинг бири бошқаси билан ва иссиқ шишлар билан биргаликда пайдо бўлади.

Биринчи фасл. Балғамдан бўладиган ва у д и м о деб аталадиган бўш юмшоқ шиш

Бу — бўшашган оқ шиш бўлиб, унда ҳарорат бўлмайди, моддаси қанчалик суюқ ва нам бўлса, шиш шунчалик бўш бўлади ва бармоқ теккизилса, жуда тез ботади, [аммо] кўпчишда бўлмайдиган бармоққа бир қадар қарши туриш бўлади. Моддаси қанчалик қуюқ бўлса, қаттиқлиги ва совуқлиги шунчалик кўп бўлади.

Бу хил шишнинг кўпи [130] балғам буғидан туғилиб, кўпчишга ўхшаб кетади. *Удимо* қаттиқлиги ва рангидаги хираликнинг камлиги

билан савдо шишларидан фарқ қилади. Агар у зарба ва шунга ўхшашлардан пайдо бўлса, зарба теккан жойга балғамдан бошқа модда тортилмайди ва [натижанда] балғамлик шишдан бошқа шиш пайдо бўлмайди: бундай [удимо] кам учрайди ва оғриқсиз бўлмайди.

Иккинчи фасл. Юмшоқ шишни даволаш

[Хилтларни] бўшатиш сурги билан бўлади; балғам туғдирадиган нарсалардан сақланиш эса зарурдир. Бу иш қилингандан кейин шишни дастлаб қуритиш ва тарқатиш хусусияти бўлган нарсалар билан қайтариш, шишлик жойни сочиклар билан қаттиқ ишқалаш, кейин устига қуритувчи дорилар қўйиш керак. Бу шишга сув тегизмаслик зарур.

Шишнинг бошланишида фойда берадиган дорилардан бири янги булутни сув қўшилган сиркага¹ ботириб ёки бурақ ва кул сувига ботириб, шиш устига қўйишдир. Булутнинг жавҳарида қуритиш ва тарқатиш хусусияти бор. Қасаллик қанчалик зўрайса, булут ботириладиган сиркани оз-оздан шунчалик кучайтиради; шиш авжигача чиққан пайтда [булутни] ғоят ўткир сиркага ботириб қўйилади. Булутни сирканинг танҳо ўзига ёки кучли тарқатувчи ёғлар аралаштирилганига ботириб ишлатилади. Шу вақтда анжир, ток, дуб дарахти ва шуларга ўхшашлар кулининг сувига ботирилган булут ҳам ишлатилади. Модда бошқа томонга йўналмаслиги учун [қўйилган] булут шишнинг ҳамма атрофини қоплаб туриши керак.

Булут топилмаганда унинг ўрнига икки қават латтани кул сувига ботириб қўйилади. Буни бирин-кетин босим ишлатилса, кўпинча фойда етказди. Оҳак суви жуда кучлидир. Сирка, туз ва куйдирилган олтингургурт билан биргаликда гул ёғи ҳам фойдали дорилардандир. Куйдирилган олтингургуртнинг ўзи ҳам дуруст. Қарам суви билан нўхат ҳам ажойиб. Шиш бошланишида *момисонинг* ўзи ҳамда унинг баъзи қуритувчи иссиқ дорилар билан қўшилгани яхшидир.

Моддаси қуюқ бўлмаган юмшоқ шишни боғичлар билан боғлаб қўйиш ҳам фойдалидир; боғлаганда пафдан юқорига қараб боғлансин. [Шиш] бошланишида мирта шираси яхши доридир; ундан кейин бу ширага дориларни қориб ишлатиш яхши фойда беради. Бу шиш асабга бой тигиз аъзода ёки бойлоқда, ёки пайда воқе бўлса, унга қарши қўлланиладиган дориларга юмшатиш билан бирга парчалаш хусусияти бўлган дорини аралаштир. Шу билан бирга, айтиб ўтилган сабабга қараб, шиш оғриб турган бўлса, аввало ҳўл зуфо, шинни, шунингдек, зайтун ёғидан тайёрланган мумли суртмалар билан оғриқни тўхтатиш ва қорасаробдан қуйиб туриш керак; ундан кейин кул суви ва шунга ўхшашлар ишлатилади.

Яхши суюқ суртмалардан бири: *мурр*, *ҳузаз*, тўпалоқ, сабр, заъфарон, араб акациясининг шираси ва озгина арман лойини олиб, сирка ва карам сувига қўшиб [ишлатилади]. Шунингдек, юлғун барги, туз, зайтун ёғи ва арман лойини сирка билан қўшиб қуюқ суртма қилиб боғланади. Ҳаммом чиркини олиб оҳак билан қўшиб қайнатиб, қиём қилинади, у юмшоқ хамирдек бўлгунча [оҳак] қўшилади, кейин бунни оғриқли эски [юмшоқ] шишга суртилади. Бундан ташқари, шишли жойга зайтун ёғи ҳам суртилади. || Булут ёки юнгга сиркани шимдириб шиш **314** устига [қўйиб] боғланади. Хамиртуруш дориси ҳам фойдалидир.

Фойдали дорилардан яна бири: гулсапсар баргини олиб, яхшилаб қайнатгандан кейин сувини сиқиб шиш устига қўйилса, ажойиб бўлади. Шунингдек, аччиқтош ва *ҳузазни* сирка ва кул сувида эзиб суртилади. Мол тезаги, кундур елими, *майъа* елими, ишқор, хушбўй қамиш, сунбул ва эрманлар кучли суюқ суртмалардан бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам фойдалидир. Шишлар жадвалида ва «Қарободин»да баён қилинган дориларнинг ҳаммаси ҳам бундай шишлар учун фойдалидир.

Ҳомиладор хотинларнинг оёқлари шишганда сулурги қилинадиган қамишнинг гулини сиркага ботириб қўйилса, гоҳо фойда келтиради; уни янчиб боғлаш яхшироқ. *Қимулиё* кесагини сирка ва аччиқтош билан бирга қўйиш ҳам фойда беради. Қарам ёки укроп қайнатмасининг суви ёки лимон пўстининг қайнатмаси ҳам шундай шишларга қўйиладиган дорилардандир. Истисқо ёки бошқа касалликларга эргашиб пайдо бўлган билқиллаган шишни уни [келтирган] сабабни даволаш йўқ қилиб юборади.

[131] Учинчи фасл. Ёғли ўсма¹

Ёғли ўсма балғамдан туғилган йирингли шишлар [жинсидан] бўлиб, балғамли хилтларга эга бўлади ёки ўзи балғамдан туғилади. Шунинг учун у, айниқса, унинг бўғинлар чуқурида бўлган этга ёки бўтқага, ёки асалга, ёки шулар каби бошқа нарсаларга ўхшаб туради. Баъзан у бирор қаттиқ нарсага ўхшайди; бунда уни савдо хилтидан туғилган шишлар туркумига қўйиш ҳақиқатдан узоқ бўлмайди. лекин биз бу шишларни балғамдан туғилади деймиз, чунки қаттиқликнинг негизи қуюқлашиб қуриган балғамдир.

Гоҳо асаблар тугун-тугун бўлиб ёғли ўсмага ўхшаб қолади, аммо бу ёғли ўсма ҳисобланмайди. Уни қимирлатилганда ҳар томонга ва тўғрига ҳаракат қилмаслиги, балки ўнг ва чап томонга ҳаракат қилиши билан ёғли ўсмадан фарқ қилади.

Кўпинча, зарба ейишдан [баданда] ёғли ўсмага ўхшаш шиш пайдо бўлади, агар уни бошланишидаёқ боғлаб қўйилса, тарқалиб йўқолади.

Тўртинчи фасл. Ёғли ўсмани даволаш

Безсимон ёғли ўсмани фақат кесиб ёриш билан даволанилади. Шунингдек, бу даво асалга ўхшаш ва бошқа ёғли ўсмаларда ҳам фойдалидир. Антиллуснинг айтишича, ёғли ўсмада, аввало, унинг устидаги терини чап қўлинг билан чўзиб торт ёки сенга ёрдам бераётган хизматчига [буюриб] иложи борича торттир, чунки ёғли ўсма халтасини ёриш зарурати бор, бу эса [ўсмани] яхшилаб ажратиб олишга тўсқинлик қилади. Терини ўзинга томон қаттиқ тортиб, секинлик билан ёр, чунки ёғли ўсманинг пардаси кўп ҳолларда ўсманинг ўзи билан бирга тортилиши мумкин; шунда, токи ёғли ўсманинг пардаси юзага чиққунича шошилма. Кейин терининг икки томонидан иккита илмоқ билан тортиб, халтани этдан ажратишга урун. Шунда гоҳо [халтани] ажратиш мумкин бўлади, гоҳо эса у этга ёпишганича қолади. Бу ҳолда, токи халта ўз ичидаги нарсаси билан бутунлай чиққунича иккита қисқич билан тортиб ажратиш керак; бу — энг пухта [усулдир].

Халтани ажратиб чиқарганигда, ёғли ўсманинг кичиклиги сабабли тери жароҳатли жойдан ортиқча бўлмаса, қонни артиб ташла, жароҳатни асал суви билан юв ва тикиб эт битказ. Агар тери ёғли ўсманинг катталиги сабабли жароҳатли жойдан анчагина ортиқча бўлса, ортигининг ҳаммасини кесиб ташла, кейин давола.

Агар ёғли ўсма асаб ёки томирга ёндош бўлиб, уни ажратиб олиш мумкин бўлса, уни ажратиб олсанг зарар қилмайди, агар уни қисқичлар билан шилиб ажратиш зарур бўлиб, ўсмадан бошқа бирон нарсанинг кесилиб кетиш хавфи бўлса, [ёғли ўсмадан] қанчаси чиқса, ўшанчасини чиқариб ол, қолган [қисмига] ўткир дори қўй, халтада ҳеч нарса қолмаганлиги билинмагунича эт битишига йўл қўйма; халтада бирор нарса қолса, ёғли ўсма қайталайди¹.

Катта ёғли ўсмани [чиқариб] олганигда, шу куниёқ ўрнига пахта тиқ ва дори билан давола. Уни ёрганигда илмоқлар орқали бўлса ҳам, халтасини тамом тортиб ол, чунки агар ундан озгинаси қолдирилса ҳам [ўсма] қайталайди. Агар шилиб олиш мумкин бўлиб, халтани ёғли ўсма билан биргаликда шилиб олинса, дурустроқ бўлади. Агар халтадан озроғи қолса, унга ўткир дори қўйиб, кейин сариёғ билан бириктирилади.

Асалга ўхшаш ёғли ўсмада унинг халтасини йиртиб юбормай, халтаси билан биргаликда чиқариб олишга тиришиш керак, чунки халтаси йиртилса, уни чиқариб олиш қийин бўлади. Агар халта йиртилиб кетса, ичидаги нарсасини олмай тикиб қўйиш, шилинган [терисини] йиғиштириб, боғичлар билан боғлаб қўйиш яхшироқ.

Агар [ўсмадан] кўп нарса оқса, касалга табиатни кучайтирадиган нарсаларни бериш ва уйқу пайтида ундан хабардор бўлиб туриш керак, чунки гоҳо бундай киши тўсатдан беҳуш бўлиб қолади. Уни беҳуш бўлиш хавфи бўлган кишига [бериладиган] дори билан давола.

Ёғли ўсмага учраган кишилар, кўпинча, касалликларнинг зўрлиги ҳамда ўз мизожлари сабабли [ўсмани] шилиб олишни ва ўткир дориларни кўтара олмайдилар, улар фақат ёриш тадбиринигина кўтара оладилар. Шунда улардаги ўсмани ёриш, унда бўлган нарсаларни чиқариш ва [ўсма] халтасига тегмаслик керак. Балки ҳар куни, йиғилган нарсани чиқаргандан кейин, халтага илтиқ ёғ қўйиб қўйилсин, шунда халта сасиб, ўз-ўзидан [кўчиб] чиқади.

Ёғли ўсма хом [мумли] асалга ўхшаб турса, унга қарши яхши даво, аввало, бирон иссиқ нарса билан пахтадоғ қилиш, кейин уруғи ажратилган майизни қўйиб боғлаш, яхшироғи, терини ёриб устига марҳам қўйишдир.

Оҳак, совуң, || кул ҳамда чиқиқларни тешиб оқизувчи дорилар 315 орасида айтиб ўтилган нарсалар каби ўткир дори баъзан терини маълум даражада шила олади. Шунингдек, оҳакдан тўрт *дирҳам*¹, узум шаробининг куйдирилган қуйқасидан икки *дирҳам*, табиий содадан икки *дирҳам*, қизил кесакдан бир *дирҳам* олиб, кул сувида бир озгинадан бир неча марта қайнатилади, [132] бу [қайнатма]ни қалай идишга солинади ва қуриб қолмаслиги учун доимо ҳўллаб турилади.

Қуйидаги дори сўғал, без ва шуларга ўхшашлар учун фойдалидир; унинг таркиби: харбақ ва қизил зирнихдан икки бўлакдан ва мис тўполидан тўрт бўлак олиб, гул ёғи билан қўшиб ёки қичитқийт уруғи, мис тўполи ва зирнихни гул ёғи билан қўшиб чапиладиган дори ясалади².

Асалга ўхшаб турадиган [ёғли ўсмага], барча чиқиқларга, иссиқ [шиш]ларга ва юмшоқ хилтли шишларга [қарши] фойдали қуюқ суртма: ладан, гальбан елими, қаврак елими, муқл, асалари уясининг чирки ва сақичлардан баробар бўлакларни олиб, шу таркибдан қуюқ суртма ясалади.

Бурақдан ва унинг ярмича харбақдан олиб, мум ва гул ёғи билан қўшиб мумли ёғ ясаб суртилса, бу унча ачитмай [ўсмани] эритувчи дорилардан бўлади. Оҳак, сариқ зок ва зирнихларнинг ҳар биридан бир бўлакдан олиб [ясалган дори] ҳам шундай.

Ёғли ўсмага ўхшаш безларга келганда, улар тугунчакларнинг³ бир туридир. Уларни ёғли ўсма сингари чиқариб ташлаш мумкин бўлса ва уларни чиқаришдан асабга ёки бошқа қўшни аъзоларга зарар етмаса, чиқариб ташлайсан. Агар бу [безлар] қўл, оёқ ва ёки асаб ва пайларга туташ жойда бўлса, чиқариб ташлашга уринма: кишини тири-

шиш касаллигига учратиб қўясан. Балки уни эзиб, устига то тарқатиб юборгунича бирор оғир нарсани боғлаб қўй. Бундай [шишларнинг] аломати — қўл билан босганда аъзонинг увушишидир.

Бешинчи фасл. Безлар

Гоҳо баъзи аъзоларда фундуқ, ёнғоқ ва булардан кичикроқ безсимон шиш пайдо бўлади. Кўпинча, бу қўл кафти ва пешонада учрайди ва бошланаётган пайтида уни қўл билан босилса, тарқалиб кетиб, кейин, кўпинча яна қайталайди, баъзан эса қайталамайди.

Д а в о л а ш. Буларнинг давоси ёғли ўсмага [қарши қўлланадиган] давога ўхшашдир. Баъзан [безни] эзиб, парча-парча қилиб, кейин устига оғир қўрғошинни қаттиқ қилиб боғлаб қўйилса, айниқса қўрғошин тагидан [юқорида] айтиб ўтилган тарқатувчи суртмадан суртилса, [безларни] тарқатиб юборади. [Қўрғошинни] без тарқалиб кетганидан кейин ҳам боғлаш керак, чунки у безнинг қайталашига қўймайди¹.

Олтинчи фасл. Безсимон тошмалар

Гоҳо [баданда] безсимон майда тошмалар ҳам пайдо бўлади. Буларнинг иложи: эзиб, ичидаги нарсани сиқиб ташлаш ва устига қўрғошин боғлаб қўйишдир.

Еттинчи фасл. Фужитло

Фужитло без шишлари жинсидан бўлиб, унинг қулоқ орқасида бўладиган хилини бу исмга хослаб аталади². Бунга ўхшаш нарсаларнинг ҳаммаси ҳақида умумий гапни айтиб ўтдик; уни эса без шишлари бобида ва қулоқ орқаси шишлари бобида айтилган даволар билан даволанади.

Шиллиқ қуртнинг кули бу [шишга] хос дорилардан ҳисобланади; уни кўп тузланмаган эски чарви ёғи билан қориштириб [ишлатилади]; бу дорининг тенги йўқ. Латчанинг кули ҳам шундай, буни савсан ёғидан тайёрланган мумли суртмага аралаштирилади ва эскитиб қўйиб ишлатилади. У қулғунага ҳам фойда қилади.

Саккизинчи фасл. Қулғуна³

Қулғуна ёғли ўсмага ўхшайди, лекин у ёғли ўсмадек [этдан] ажралиб турмай, балки этга ёпишиб туриши билан ундан фарқ қилади. Қулғуна, кўпинча, юмшоқ, ғовак этда пайдо бўлади. Бунинг ҳам асабли пардаси бўлади. Қулғунанинг жуда каттаси кам учрайди. Баъзан

унинг биттасидан бир қанча [қулғуна] туғилади, бу хусусда у сўгалга ўхшайди. Баъзан улар маржондек тизилишиб узум бошига ўхшаб кетади. Умуман, қулғуна *сиқирруссимон* безлардир. Қулғунанинг баъзисида оғриқ бўлади, бу хилига иссиқ шиш ёки иссиқ модда аралашади, баъзисида оғриқ бўлмайди, бунисини даволаш қийин; баъзан уни даволашда ёришга ёки чиритишга тўғри келади.

Бўйин ва бош атрофларида қулғуна чиқишига қобилиятли кишилар бўйни калта ва ҳўл мизожли кишилардир. Қулғуна, кўпинча, бўйин ва қўлтиқ тагида пайдо бўлади. Уни *ханозир* деб аталиши чўчқаларда кўп учраши сабабли бўлса керак; чўчқаларнинг баднафслиги сабабли уларда қулғуна кўп пайдо бўлади. Ёки [бундай аташга сабаб] қулғунага учраган киши гарданининг кўриниши чўчқа гарданига ўхшаб қолишидан бўлса керак. Қулғунанинг энг бежавотири болаларда чиқадигани; ёш кишиларда пайдо бўладигани эса қийинроқ [тузалади].

Д а в о л а ш. Қулғуна чиққан кишиларни даволашда ишончли асос бўшатиш [133] ва энгил тадбир қўллашдир. Қусиш яхши бўшатиш [тадбири] ҳисобланади: бироқ қуюқ балғамни чиқариш, айниқса уни «восил» деб машҳур бўлган ҳаб билан бўшатиш ҳам зарур. Турбуд, занжабил ва шакардан баробар бўлақларни олиб, бу таркибдан икки *дирҳамгача* ичирилади. Бу дори қуюқ балғамни суриш билан бирга қиздирмайди ва [ичакни ҳам] шилмайди. Томирдан қон олиш ҳам фойдали; қонни албатта *қиғол* томиридан олинади.

Энгил тадбир қўллашга келганда, бу — ғализ овқатлардан, бундай овқатлар устига сув ичишдан, меъда бузилиши ва тўлиқликдан сақланишдан иборат; яна мумкин бўлган қадар оч туриш ва бошни моддага тўлғизадиган ҳар қандай нарсани истеъмол қилмаслик зарур.

Қулғунага қобилиятли киши бошини унга модда йўналиб тўлғизадиган кайфиятлардан, масалан, бошни узоқ вақт саждага қўйиш ва рукуъ қилишдан, паст ёстиқда [ётишдан], моддани бошга тортадиган ишлардан, || масалан, кўп гапириш, қичқириш ва тажанг бўлишдан сақлаши керак. Қортиқ қўйиш қулғунага учраган кишиларга кўп ҳолларда мувофиқ келмайди, бунинг сабаби шуки, қортиқ қулғуна ва шунга ўхшаш шишлар моддасини бўшатишга имконият бермай, балки [шишни] ўзига тортади ва суюқ қонни чиқариши сабабли [моддасини] қуюлтиради. [Қортиқлар] сўлишга ва тарқалишга бошлаган қулғунани, кўпинча, илгариги ҳолига ҳам қайтаради. Қулғуна касаллигининг ўзига қўлланиладиган тадбирлар *сиқиррусга* ишлатиладиган тадбирга ўхшайди.

Қулғуна катта бўлса, жарроҳлар унга қарши тиг ва ўткир дорилар билан тадбир кўришдан сақланадилар, чунки бу хил тадбир яраланишга ва чириб бузилишга олиб боради. Бундай ҳолларда [баданни] бўша-

тиб тозалаш, латиф овқат бериш, [қулғуналар] устига оҳисталик билан тарқатувчи дориларни ишлатиш зарур. Қулғуна ярага айланиб [кишини] оғир аҳволга солиб қўйганда бундай қулғунага ҳаворийларга¹ нисбат бериладиган «элчилар марҳами» зўр таъсир кўрсатганини кўрдик; лекин буни оҳисталик билан ишлатилсин. *Диёхилун* марҳами ҳам қулғунага қарши фойдали марҳамлардандир. Гоҳо бу марҳамга уни кучайтирадиган бошқа дорилар, масалан, айниқса ўз хусусияти билан [таъсир кўрсатувчи] гулсапсар илдизи, қўй ва эчкиларнинг тезаги, индов, ёввойи бодринг илдизи, тоғ майизи, етилмай оғриб тушиб, қуриган анжир ёки боқила уни, аччиқ бодом ва муқллар аралаштирилади. Мана шу таркибдан ясалган марҳам яхши марҳамлардандир: арпа ва боқилаларнинг унидан ва ғоз ёғидан бир бўлакдан, Абу Жаҳл тарвузининг илдизи, яман аччиқтоши, гулсапсар илдизи ва ҳўл зифтларнинг ҳар биридан ярим бўлакдан олиб, шу таркибни эски зайтун ёғи билан қўшиб маълум [усулда] эзилади; бунда ғоз ёғи ва зифтни аввало шу зайтун ёғидан эритиб олинади.

Қаттиқ [қулғунани] бир ҳафтада, ундан бўшроғини уч кунда тарқатувчи яхши марҳамни *Жолинус «Қотожонус»* исмли китобида таърифлаган: уни хардал, қичитқийўт уруғи, олтингугурт, денгиз кўпиги, аристолохия, муқл, қаврак елими, эски зайтун ёғи ва мумлардан ясалади.

Қулғуналар устига қўйиладиган дорилардан: ун ёки денгиз пиёзи билан қориштирилган зифт ёки карам илдизининг эзилгани билан қориштирилган зифт, муқл билан ковул илдизи, сирка ва асал билан ёки *сиканжубин* билан қўшилган Миср боқиласи, ёки мол тезагининг сиркага қўшилгани ёки сиркада қайнатилганини [олиб], ҳаммасини чўчқа ёғи ёки зайтун ёғи билан қўшиб [қулғуна устига қўйилади]. Мана бу яхши доридир: сариқ йўнғичқадан тўрт бўлак, оҳак ва табиий содадан бир бўлакдан олиб, асал билан қўшилади. Яна: ёввойи бодринг илдизи ва сақич билан бирга эзилган дафна дарахтининг барги ё шу иккаласининг сақич билан қўшилган кўли ҳам шундай.

Шунга ўхшаш ясмиқ уни, эчки ва қўйнинг, айниқса, тоғда бўладиганининг тезагини болалар сийдиги билан қўшиб қулғунага чапиладиган дори ясалади. Яна: *муррдан* ўн [бўлак], қаврак елимидан етти [бўлак], дуб дарахти майвизагидан беш [бўлак], гальбан елими ва асалари уяларининг чиркидан бир [бўлакдан] олиб, ҳаммасини янчилади. Яна: чайналган асал майвизак ва санавбар елимининг ҳар биридан бир *ритл*, гальбан елимидан уч *уқия* олиб ховончага солиб янчилса, чапиладиган яхши дори бўлади. Яхши дорилардан бири мана бу: мум, санавбар елими, чўчқанинг тузланмаган ёғи, канавча ва зангорлардан баробар бўлакларни олиб, чапиладиган дори тайёрланади.

Яна санавбар елимидан бир [бўлак], мис тўполидан икки [бўлак], Яман аччиқтоши ва зирнихларнинг [134] ҳар биридан тўрт [бўлак]дан [олиб] чапиладиган дори тайёрланади. Қитрон дориси, ёввойи бодринг дориси, етмак дориси, *иснидус* деб аталадиган дори ва илонлардан тайёрланадиган дори яхши дорилардандир. [Илонлардан тайёрланадиган] дорининг оддийси мана шундай: ўлган илоини қозопга солиб, қозонни ҳикмат лойи билан суваб қиздирилган тандирга қўйилса, илон кулга айланади, кейин бунинг ўзига баробар сиркага ярим баробар асал қўшиб аралаштирилади.

Ёввойи зира, индов ва каптар тезаги зайтун ёғи билан қўшилса яхши дорилардан бўлади. Буларнинг ҳаммаси ёлғиз-ёлғиз [ишлатилса] ҳам фойдали. Шунингдек, юқоридагилар билан қўшилган ёввойи ясмиқ уни ёки унинг ёлғиз ўзининг сирка ва асал билан ёки зифт, мум ва зайтун ёғи билан қўшилгани ҳам фойдалидир. Шунга ўхшаш тоғ майизи, табии сода, санавбар елими ва ёввойи ясмиқ унни олиб, ҳаммасини сирка ва асал билан қўшилади ёки гулсапсар илдизи ва зиғир уруғини олиб иккаласини шаробда қайнатилади, сўнг бу иккаласига керакли миқдорда каптар тезаги қўшилади ва бу таркибдан қуюқ суртма дори тайёрланади; бу ажойиб доридир.

Араб саҳроси туясининг сийдиги ва унинг қуюқ суртма ҳамда марҳам қилиб қуюлтирилгани ва қулғуна дорилари билан қўшилганини тажриба қилганда фойдали бўлиб чиқди. Мугос ҳам ажойиб қуюқ суртмалардандир. Баъзиларнинг, яъни ал-Қиндийнинг айтишича, эчки шохининг кўмугини куйдириб, бир ҳафтагача ҳар куни икки *дирҳамдан* ичирилса, [қулғунани] тузатади; бу тadbирни ҳар ойда бир ҳафтадан қўллаш керак.

Билгинки, қулғунанинг баъзиси саратонга бир оз ўхшаб кетади. Бундай қулғуналарда мазкур иссиқ мизожли дориларни гул ёғига қориштириб бир неча кун тўхтатиб туриб, сўнг ишлатиш керак. Аммо жуда иссиқ мизожли қулғуналарга ҳаддан ташқари тортиш [хусусиятига эга бўлган] дориларни ишлатиш керак эмас, || балки уларга буғдой 317 толқонини кашнич суви аралаштириб ишлатиш кифоя қилади. *Муррни* ўзига икки баробар [кўп] *ҳузаз* билан қўшиб, кашнич суви билан қориштирилса, ундан кўра кучлироқ дори бўлади. Касалнинг ҳолатига, аланганинг зўрлиги ёки камлигининг тақозосига қараб, кашнич сувини ёки бошқа дорини кўпайтирилади. Пўстини артиб куйдирилган шафтоли данагининг ёғини бурунга юборилса, бу ҳам [қулғунага қарши] фойдали дорилардан бўлади.

Қулғунани даволашда тиг ишлатишга эҳтиёж тушса, катта¹ томирлар, шариф томирлар ва асаблар ёнида бўлган қулғунада уни оҳисталик ва эҳтиётлик билан ишлатиш керак; бир табиб қулғунани ёришда

хато қилиб, тигни қайтувчи асаб шохобчасига теккизиб юборган, натижада касалнинг товуши йўқ бўлиб қолган¹. Баъзан тиг асабга тегмаса-да, ушн совуққа рўбарў қилиб очиб қўйса асабнинг мизожи бузилади, токи унга қиздириш тадбирини қўллаб мизожи жойига қайтарилгунча, у асаб ишлан тўхтайдди. Баъзан табиб хато қилиб тигни бўйин томирига тегизиб юборади; бунда энг ёмони чуқурроқ ўрнашган томирга тегилсиндир. Шунинг учун бежавотир томондан ёрилганда, қўлғунанинг ёрилган жойга ёндош қисмини чиқариб олиш, қолганини ўткир дори билан йўқ қилиш ва хавотирли томонга тегмаслик керак.

Тўққизинчи фасл. Қаттиқ шишлар²

Холис *сиқиррус* деб аталадиган қаттиқ шишнинг баъзисиди сезги ва алам бўлмайди, озгина бўлса ҳам сезгига эга бўлганини холис *сиқиррус* дейилмайди. Холис *сиқиррусда* ва бир оз сезгилик холис бўлмаган *сиқиррусда* оғриқ бўлмайди.

Сиқиррус ё қуйқали асл савдонинг ўзидан пайдо бўлиб, унинг ранги қўрғошин рангига ўхшайдди ёки балғам аралаш савдодан бўлиб, бунинг ранги бадан рангига мойилроқ бўлади; ёки у қотган балғамнинг ўзидан пайдо бўлади. Холис [*сиқиррус*] кўпинча, қўрғошин рангида бўлиб, жуда тортишади ва қаттиқ бўлади. Гоҳо бунинг устидан тук чиқади,— бу тузалмайдиган хилидир.

Булардан баъзисининг ранги бадан рангида бўлиб, бир аъзодан бошқа аъзога кўчиб юради ва уни *фарнус*³ деб аталади. Баъзиси бадан рангида бўлиб, қаттиқ, катта, тузалмайдиган ва ҳеч [жойдан-жойга] кўчмайдиган бўлади.

Сиқирруснинг ҳамма турлари ё бошланишданоқ *сиқиррус* бўлади ва у оз-оздан пайдо бўлиб катталашади, ёки флегмона, сарамас ёки бирор холи жойдаги чиқиқ каби бошқа шишдан келиб чиқади⁴. Агар иссиқ шишни совутувчи ёпишқоқ овқатлар ва дорилар билан даволанса, ундан кейин ички аъзоларда қаттиқлик пайдо бўлади.

Сиқиррус гоҳо саратонга айланади, [135] у ўз алангасининг кўплиги ва камлигига, лўқиллашининг билиниш ва билинмаслигига, атрофидаги томирларнинг кўриниши ва кўринмаслигига қараб саратонга [айланишга] яқин ёки ундан узоқ бўлади.

Д а в о л а ш. Бу шишлардан сезгиси борини даволаш ҳамда баданни тозалагандан кейин, касалликни пайдо қилаётган хилтни чиқариб ташлашни асос қилиб олиш керак. Баъзан бу тозалаш, агар қон жуда қора бўлса, томирдан қон олиш билан бўлиб, бир йўла ҳам тарқатиш, ҳам юмшатиш хусусиятига эга бўлган дори ишлатилади. [*Сиқиррусни*] тарқатувчи ва қуритувчи дори билан даволанмасин; бу дори

ғализ [хилтни] қуритиши, латифини тарқатиши сабабли, [шишни] қаттиқ қотишга олиб келади.

Сиқиррусни даволашда икки давр бўлиши керак: биринчи давр қуритиш хусусияти кўп бўлмаган дори билан даволаб тарқатиш даври; чунки ҳар бир тарқатувчи дори, кўпинча, қуритувчи бўлади, ҳўлловчи эса кам тарқатади. Бундай дорининг иссиқлиги иккинчидан учинчи даражагача, қуритиши эса биринчи даражада бўлиши керак. Иккинчи давр юмшатиш давридир. Бу икки давр бир-бирининг кетидан келиб бир-бирига ёрдамчи бўлади.

Тарқатувчи дори ишлатаётган вақтда касал аъзони оч қўйиш, озикни унинг қаршисидаги аъзога тортиш керак. Бунга эса рўпарадаги аъзони ҳаракатлантириш, бадантарбия қилдириш ва уни оч қолдириш билан эришилади. Юмшатиш даврида эса, у аъзони ишқалаш ва шунга ўхшаш ҳаракат қилдириб ҳамда зифт суриб овқатни унга йўналтириш орқали уни тўйдириш керак.

Аъзонинг ғоваклиги ва зичлиги, [шишнинг] кўп ёки оз қаттиқлигига қараб тарқатувчи ва юмшатувчи дориларнинг кучли ёки кучсизларига аҳтиёж ҳам турлича бўлади. Таркиб қилинадиган дорида шу иккала хусусият бўлиши керак. Ҳаммомга кўп туширмаслик лозим, чунки ҳаммом латиф [хилтни] тарқатиб, қуюғини тўплаб қўйиб, юмшатишга эриша олмайди.

Бир қадар тарқатиш хусусияти бўлган юмшатувчи нарсалар, масалан, ёғлардан товуқ, ғоз, бузоқ ва ҳўкиз ёғи, айниқса, тоғ эчкиси ёғидир. Шу [ҳайвонларнинг] илиги, така ва эшакларнинг ёғи ҳам бундай шишлар учун яхшидир. Агар тарқатувчи дори тайёрланмоқчи бўлинса, йиртқич ҳайвонлардан шер, бўри, қоплон, айиқ ёғи ва шуларга ўхшаш тулки ва ёлдор бўриларнинг ёғлари ҳамда йиртқич қушларнинг ёғларига қаврак елими, муқл, гальбан елими, *майъа* елими ва мастаки аралаштириш керак. Юмшатувчи дори тайёрланмоқчи бўлинса, у ёғларни танҳо ишлатиш керак. Мазкур ёғларнинг энг яхшиси шер ва айиқ ёғларидир.

Сарик йўнғичқа ва зиғир уруғининг ширасида || тарқатиш ва юмшатиш хусусияти бор. Мазкур ёғлар ва уларга ўхшаш юмшатувчиларга ҳеч бир туз қўшилмасин, чунки туз қуритиб қотирувчидир. Балки улар қуёш мумни юмшатиб эритганига ўхшаш таъсир кўрсатишлари ва қуритиш даражасига етиб бормасликлари керак. Сиқилия муқли¹, эски зайтун ёғи, хина ёғи, гулсапсар ёғи, гальбан елими, ладан, *майъа* елими ва ҳўл зуфолар ҳам тарқатувчилардан бўлиб, юмшатиш хусусиятига ҳам эгадирлар. Буларнинг энг яхшиси у қадар эски ва қуруқ бўлмай, рутубати кўпроғидир. Мастаки ҳам мазкур дориларга яқин туради. Хина ёғи, гулсапсар ёғи, Буст² анжири ва канакунжут ёғида етарли даражада ҳам тарқатиш, ҳам юмшатиш хусусияти бор.

Юмшатувчи дорилардан бири мана бу: зиғир ёғи чўкмаси билан сирка чўкмасини олиб, яхшилаб қайнатилгандан кейин, устидан эритилган думба ёғини қўйиб ишлатилади.

[*Сиқиррусса*] қарши яхши дорилардан яна бири: ёввойи бодринг ва гулхайри йлдизини олиб, иккаласидан чапиладиган дори ясалади; агар бу иккаласига *майъа* елими қўшилса, яхшироқ бўлади.

Шишнинг юмшагани билинса, анча кунгача унга ўткир сиркада эритилган қаврак елими қўйилади; ундан кейин қайтадан юмшатувчи дори ишлатилади. Ёки гальбан елими ва говширни, ёки гальбан елими, қаврак елими ва муқлни олиб, ҳаммасини янчилади, [сўнг] озгина сарик йўнғичқа ва зиғир шираси билан қўшилган бон ёғи ва гулсапсар еғи билан қориб, марҳамдек қилиб ишлатилади.

Ҳаммом чиркани қаттиқ шишларга ишлатиладиган марҳамга қўшилса, жуда фойдали дорилардан бўлади. Ҳаммом чирки топилмаса, унинг ўрнига гулхайри ва табиий сода ишлатилади.

Қулғунанинг биз айтиб ўтган қуюқ суртмалари ёки *ёрис* ва *қубовун* қуюқ суртмалари тарқатиш учун ишлатиладиган фойдали дорилардан ҳисобланади. Шиш жуда ғализ бўлганда сирка ишлатиш зарур, чунки сирка парчалайди ва шишли аъзо қувватини, хусусан, у асабли бўлса бўшаштиради, натижада [аъзони] моддадан жуда бўшатиб, моддани ташқаридан таъсир кўрсатувчи сабабга топширади. Лекин сиркани ишлатиш ва дорилар [таркибига] киргизиш [шишнинг] бошланишида эмас охирида, [136] жуда юмшатиш пайти келганда бўлиши лозим; сиркани юмшатувчи дорилар оралатиб аста-секин қўлланилади; уни оқисталик билан ишлатилмаса асабларга зарар етказиб, уларни қотириб қўяди.

Қаттиқ шиш этли аъзода, масалан, талоқда бўлганида табиб сиркани журъат билан ишлата берсин. Гоҳо шишли жойга сирка суртилади ва уни сирка билан буғлантирилади; кетидан говшир каби дори, сўнг суюқ қаврак елимидан суртилади, олдин суюқ [чиркидан] озгина ишлатилади. Кейин унинг қувватини кучлироқ қилиб ишлатилади-да, сўнгра аста-секин юмшатувчи дори ишлатишга ўтилади. Шишга [қарши] буриштириш хусусияти бўлмаган юмшоқ ёғ ишлатилиши лозим. Бу сувдан кўра мувофиқроқдир. Айниқса, ҳўл укроп билан тайёрланган укроп ёғи [ишлатиш керак].

Пай ва асаблардаги қаттиқликларни парчалошчи дорилар билан даволанади. Қиздирилган тош, [айниқса], тегирмон тоши билан буғлатиш буларга қарши яхши тадбирлардандир; буғлатиш учун ишлатиладиган [дориларнинг] афзали марказитдир. Токи тер чиққунича буғлатишни кучайтириб бориш керак. Марказитни янчиб, сиркада ивитиб [шишга] суртилса, баъзан фойда етказилади. Латиф [хилтни] ажратиб ташлаб,

қуюғини қотириб қўймаслиги ва асаб қувватини ҳаддан ташқари бузиб юбормаслиги учун, бунда ҳам сиркани оҳисталик билан ишлатиш керак. [Шиш] бошланишида сирка ишлатиш хавфли; уни юмшатувчи [дорилар] оралатиб ишлат. [Сирка билан] даволай бошлаганда, аъзони айтиб ўтилган нарсалар билан буғлантир, шу пайтда мувофиқ дориларни сурт. [Шиш] этли аъзода бўлганда, сирка ишлатиш бежавотирроқдир.

Унинчи фасл. Бўғинларда бўладиган қаттиқлик¹

Гоҳо бўғинларда қаттиқлик пайдо бўлиб, бўғинни осонлик билан ҳаракатлантиришга тўсқинлик қилади, бироқ сезги йўқолмайди. [Қотишлик] асабда бўлса, баъзан бир оз увушиш ҳам юз беради; баъзан у этда бўлади. Бунинг иложини билиб ўтдинг.

Ўн биринчи фасл. «Михчалар»² деб аталадиган [шишлар]

«Михча» михнинг қалпоғига ўхшаш юмалоқ оқ тугунчакдир. У, кўпинча, ёрилишдан, жароҳатлардан ва уларни даволагандан кейин пайдо бўлиб, сўнг баданда кўпаяди. Бу кўпинча оёқда ва оёқ панжаларида, [умуман] қуйи томонларда пайдо бўлиб, юришга монелик қилади. Уни ёриб чиқариб ташлаш ёки доимо қўл билан эзиб юриш керак. Чиқариб ташлаш мумкин бўлмайдиган жойда бўлса, устига доимо қўрғошин боғлаб қўйиш керак. Агар даволанмаса, унинг кўпи саратонга айланиб кетади.

Ўн иккинчи фасл. Саратон

Саратон савдо [хилтига] тегишли шиш бўлиб, сафро моддасининг куйинди савдога айланган [қисмидан] ёки холис ва чўкмали [савдодан] эмас, балки сафро аралашиб куйган моддадан келиб чиқади. Саратон оғриғи ачишиши, бир оз лўқиллаши, моддасининг кўплиги туфайли тез ўсиши [ҳамда] моддаси [касал] аъзога томон тарқалиш олдида қайнаши сабабли кўпчиши билан *сиқиррусдан* фарқ қилади. Яна атрофига, [яъни] ўзи турган аъзога қисқичбақа оёқлари сингари томир [илдиз] лар ёйиши билан ҳам ундан фарқ қилади. Саратон флегмона сингари қизил бўлмай, балки қорамтир хира кўкиш рангли бўлади. У, кўпинча, бошланишидаёқ саратон бўлиши билан ҳам [*сиқиррусдан*] фарқ қилади; қаттиқ [*сиқиррус*] эса кўпинча, иссиқ шишдан келиб чиқади: [Саратон] сезгили бўлиши билан ҳам ҳақиқий *сиқиррусдан* ажратади: [*сиқиррусда*] эса, || ҳеч бир сезги бўлмайди. Саратон, кўпинча, ғовак аъзоларда пайдо бўлади; шунинг учун у хотинларда кўпроқ учрайди. У асабга бой аъзоларда ҳам [кўп бўлади].

Саратон бошланаётганида яширин ҳолда қолади, чунки у дастлаб пайдо бўлганида, кўпинча, уни аниқлаб билиш қийин бўлиб, кейин белгилари кўринади. У бошланишда кичик боқила донидек қаттиқ, юмалоқ, хира рангли ва бир қадар ҳароратли бўлади. Унинг баъзиси қаттиқ оғриқли, тинч бўлади. Баъзиси ярага айланади. Чунки у холис ва ёлғиз сафро [моддасининг] куйиндисидан вужудга келган савдан пайдо бўлади; баъзиси турғун бўлиб ярага айланмайди. Ярага айлангани гоҳо ярага айланмайдиган хилига ўтиб олади. Тиб билан даволаш баъзан саратонни ярага айлантириб юборади ва унда яна ҳам қаттиқроқ ва қалинроқ лаб пайдо қилади¹. Бу шишнинг саратон деб аталиши икки важхдан: ё қисқичбақа ўз овига ёпишгани сингари бу шиш ҳам аъзога ёпишганлигидан ёки, кўпинча, кўриниши юмалоқлиги, ранги ва атрофларидан қисқичбақа оёқлари каби томирлар чиқиши сабабли бўлса керак.

[137] Ун учинчи фасл. [Саратонни] даволаш

Саратонни даволашдан шуни кутиш керакки, у бошланаётганида баъзан уни кўпайтирмай ўз жойида *тўхтатиб қўйиш² ҳамда ярага айлантirmай сақлаш мумкин бўлади. Саратон бошланиш пайтида иттифоқо, камдан-кам тузалиб ҳам кетади; аммо мустақамланиб олгани эса тузалмайди.

Кўпинча, бадан ичкарасида яширин саратон пайдо бўлади. Буқротнинг айтишича, бундай саратонни тегиб безовта қилмаслик яхшироқ, чунки тегилса, у ҳалокатга олиб боради. Агар уни ўз ҳолига қўйиб даволанмаса, айниқса, арпа суви, тошлоқ балиғи, илитилган тухумнинг сариғи ва шуларга ўхшаш совутувчи, ҳўлловчи, тинч ва беҳавотир модда пайдо қилувчи нарсалар билан овқатлантирилса, бир қадар соғлик билан [тириклик] муддати узаяди. Агар унда ҳарорат бўлса, сигир қатигининг ёғи олинган янги айрони ва ҳўл сабзавотлар, ҳатто қовоқдан тайёрланган овқат берилади.

Саратон кичик бўлса, баъзан уни кесиш мумкин. Агар саратонни бирор нарса билан йўқотиш мумкин бўлса, бу [тиғни] шишнинг атрофларига ўтказиб, уни суғориб турган ҳамма томирларни чиқариб оладиган қилиб жуда тагига етказиб туриб кесиш йўли билан бўлади. У томирлардан биттаси ҳам қолмаслиги керак³, улардан кўп қон оқизилади. Бундан олдин сурги қилиб ва томирдан қон олиб баданни ёмон моддадан тозалаш, кейин миқдори ва кайфияти яхши овқатлар билан шу тозалик ҳолида сақлаш ва [саратонли] аъзонинг ҳайдовчи қувватини кучайтириш лозим. Шу билан бирга кесиш, кўпинча, [саратоннинг] ёмонлигини орттиради.

Баъзан кесгандан кейин доғлашга эҳтиёж тушади; агар саратон бошқарувчи ва нафис аъзолар яқинида бўлса, баъзан доғлаш зўр хазф туғдиради.

Қадимгилардан бирининг ҳикоя қилишича, бир табиб саратон шиши чиққан бир эмчакни кесганида, иккинчисида саратон пайдо бўлган. Мен айтаманки, бу иккинчи эмчакда ҳам саратон чиқиш олдида бўлиб, шу кесишга тўғри келиб қолган бўлиши ёки модда кўчиши орқали иккинчи эмчакдан саратон чиққан бўлиши мумкин. Кейингиси аниқроқ.

Ун тўртинчи фасл. Саратонга қарши сурги тадбири

Бир неча кунларни оралатиб ҳар гал тўрт *мисқол* девпечакни оғиз суви ёки асал суви билан ёки девпечак қайнатмасини *сиканжубинга* солиб кўп марта ичирилади. Касал бақувват киши бўлса, харбақ *иёражи* ичирилади.

Ун бешинчи фасл. Саратон чиққан жойга ишлатиладиган дорилар

Саратонга дори ишлатишда тўрт мақсад кўзда тутилади. Саратонни тубдан йўқотиш,—бу қийин, уни зўрайиб кетишдан тўхтатиш, ярага айланишдан тўхтатиш ва ярага айланганини даволаш. Саратонни йўқ қилиш мақсади кўзда тутилганда ҳосил бўлган ёмон моддани тарқатиш, [саратонли] аъзода пайдо бўлишга қобилиятли нарсани ҳайдаш хусусиятлари бўлган, шу билан бирга, жуда кучли бўлмаган ва [моддани] қўзғатмайдиган дориларни танлаб ишлатилади, чунки кучли дори саратоннинг ёмонлигини кўпайтиради. Ачиштирувчи нарсалардан ҳам сақланиш зарур. Шунинг учун [саратонга] ишлатиладиган яхши дорилар ювиб [ишлатиладиган] маъданий нарсалардир; масалан, ювилган тўтиёни шаббўй ёғи қўшилган гул ёғига аралаштириб ишлатилади.

Саратонни зўрайишдан тўхтатишга келганда, бу мақсадга моддани кесиш, овқатни тузатиш, машҳур қайтарувчи дорилар ёрдамида аъзони кучайтириш ва маъданий нарсалардан чапиладиган дорилар ясаб ишлатиш билан эришилади. Масалан, тегирмон тоши ва қайроқ тошининг [ишқаланганда тушган] кукунини ҳамда қўрғошин ҳовончага гул ёғи ва кашнич суви каби суюқликни қўйиб, қўрғошин даста билан ишқаланганда чиққан нарсани чапилади. Шунга ўхшаш узум ёғрасини янчиб қўйиб боғлаш ҳам яхши фойда етказди.

Саратонни ярага айланишдан тўхтатиш мақсадида ишлатиладиган дорилар: агар ачиштириш хусусияти бўлмаса, юқорида айтилган зўрайишдан тўхтатувчи чапиладиган дориларнинг ҳаммаси ҳам фойдалидир; айниқса, уларга қўрғошин даста ва қўрғошин ҳовончанинг ишқаланганда чиққан нарсаси аралаштирилса, [фойдалидир]. Агар уларга

муҳр лойи ёки арман лойи, ёки думбул зайтуннинг ёғи, гулҳамишаба-
 ҳор суви, ёки коҳу шираси, ёки испағул шираси қўшилган қўрғошин
 320 упаси арзлаштирилса, бу яхши таркиб бўлади. [138] Яхши фойда бера-
 диган қуюқ суртмалардан бири: || сув қисқичбақасининг янгиси, айниқ-
 са унинг *иқлимиё* [олти тўполи] билан қўшилганидир.

Ярага айланган [саратонни] даволашга келганда, бунинг яхши тад-
 бирларидан бири шуки, каноп латтани итузум сувига ботириб доимо
 яра устига қўйиб турилади, латта қуришга яқинлашганда уни [қайта-
 дан] ҳўллаб турилади.

Бугдой мағзи, кундур елими, қалай упасининг ҳар бирдан бир
дирҳамдан, арман лойи, муҳр лойи ва ювилган сабрларнинг ҳар бири-
 дан икки *дирҳамдан* олиб, буларнинг ҳаммасини янчиб, сепиладиган
 дори тайёрлаб ҳўл [ярага] ишлатилади, қуруқ [ярага] эса гул ёғи
 билан қўшиб марҳам қилиб қўйилади. Гоҳо бунга гул ёғи билан тай-
 ёрланган мумли суртмага қўшилган қисқичбақа кули ҳам фойда
 қилади; яхшиси, унга ўзи баробар миқдорда *иқлимиё* [олтин тўполи]
 қўшишидир. Баъзан тўтиёдан тайёрланадиган дори ҳамда семизўт
 суви ёки испағул шираси билан ювилган тўтиёнинг ўзи фойда етказди.

Ун олтинчи фасл. Елли шишлар ва мушаклардаги қаварчиқлар

Елли шишларнинг баъзиси латиф бугдан бўлиб кўпчиганга ўхшаб
 туради. Баъзиси елсимон бугдан пайдо бўлиб, буни елли қаварчиқ
 [нафҳа] деб аталади. Буниси [қўл теккизганда] қаттиқ ундайди ва ярқи-
 раб туради; қўл билан уриб кўрилса, овоз чиқаради, айниқса [ел] меъда
 ва ичаклар каби бўшлиқ рўбарўсида ёки суякларни ўраб турган ва
 суяклар оралигидаги юпқа пардалар ёки мушакларни ўраб турган ва
 мушаклар орасидаги пардалар, шунингдек, пайларни ўраб турган пар-
 даларда тўпланса, шундай бўлади.

Баъзан бу [ел] бўш жойларга тарқалмайди, балки бир-бирига ту-
 таш аъзолар орасини ёриб киради ёки шу [жой]ларнинг ўзида пайдо
 бўлади ва уларни ёрилишга олиб келади. Ел тигиз ва қуюқлиги, уни
 ўраб турган парданинг зичлиги ва тери тешикларининг торлиги сабаб-
 ли қамалиб қолади.

Баъзан киши тизза каби бирор аъзода ёришга эҳтиёж туғдира-
 диган шиш бор деб гумон қилиб, уни ёрса, фақатгина ел чиқади холос.

Ун еттинчи фасл. Даволаш

Кўпчишга ўхшаган [қаварчиқнинг] давосига келсак, буни кўпчишга
 қарши қўлланиладиган тадбирлар билан даволанади. Елли қаварчиқни

эса терини ғоваклатиб, ундаги нарса̀ни тарқатувчи дори билан даволанади. Шунингдек, [қўйилган] жойида узоқ муддат туриши мумкин бўлган нарса билан даволанади. Бу дори жуда латиф ҳам бўлиши лозим, шунда у ўзининг латифлиги сабабли етарли даражада чуқур бора олади. Баъзан елни тарқатиб юбориши туфайли [терини] тилмай қортиқлар қўйишга эҳтиёж тушади.

Зайтун ёғи каби бўлаклари латиф иссиқ ёғлар ўшандай шишли жойларга ишлатиладиган дорилардандир; зайтун ёғида газгаўт ва зира қайнатиб, шунингдек, петрушка, Рум арпабодиёни, жувона ва шулар каби суюлтирувчи уруғларни қайнатиб [ишлатилади]. Шундай қаварчиқда, айниқса, пайли ва мушакли аъзоларда воқе бўлганида, уни тарқатадиган марҳамлардан бири шуки, ҳаммом чиркини сув билан қўшиб қозонга қўйилади ва устига ўчирилмаган оҳакдан солиб, лойдек қилиб елли қаварчиққа чапилади.

Гоҳо узум шароби ва оҳакдан мўътадил яхши марҳам ясалади. Шунга ўхшаш қуруқ зуфони янчиб мум ва укроп ёғидан тайёрланган мумли суртма устига сепилади ва бу таркибдан чапиладиган марҳам ясалади.

Мушак ёрилиши сабабли пайдо бўлган елли қаварчиқда аъзолар безиб нафратланмаслиги учун жуда иссиқ ўткир дориларни ишлатмаслик керак. Балки тарқатувчи дорилар билан даволаганда уларга бир оз оғриқни тўхтатадиган нарсалардан ҳам қўшилсин; масалан, зайтун ёғи билан аралаштирилган шиннига зуфо юнгини ботириб даволанади. Агар [елли қаварчиқда] ҳарорат ҳам бўлса, зуфо юнгини гул ёғига ботириб ёки шу ёғда ҳўл зуфо [ланолин] ни эритиб [ишлатилади]. Шу дориларнинг ҳаммасини иссиққа яқин илиқ қилиб, совушига қўймай ишлатилади, чунки бундай шишга совуқ нарса зарар еткази.

Агар [қаварчиқ] оғриқ билан бошланса, унга қарши, аввало, моддага тўсқинлик қилиш билан бирга оғриқни тўхтатадиган ёғлар, масалан, бинафша ва гул ёғига бир оз укроп ёғи қўшиб ишлатилсин. Шунда бир оз енгиллик туғилса, у дориларга тарқатиш қуввати кўпроқ бўлган нарса, масалан, табиий сода ва сирка, сўнгра кул суви, ундан кейин тарқатувчи марҳамлар, масалан, юқорида эслатиб ўтилган марҳам қўшилади.

Ун саккизинчи фасл. Ришта

Ришта баданнинг айрим аъзоларида пайдо бўладиган бир тошма бўлиб, [139] кўпчиб чиқади, кейин сувли қаварчиққа айланиб тешилади, сўнгра бундан қорамтир қизил нарса чиқади ва доимо узайиб боради. Баъзан у тери тагида қуртга ўхшаб қимирлайди, унинг ҳаракати гўё жонли нарса ҳаракатини эслатади ва ўзи ҳақиқий қуртга ўхшайди. Баъ-

зилар уни [тери тагида] пайдо бўладиган бир ҳайвон деб, баъзилар эса асаб толаларининг бузилиб гализлашган шохобчаси деб гумон қилганлар.

Ришта, кўпинча, оёқ почаларида пайдо бўлади; мен унинг қўлда ва биқинида пайдо бўлганини ҳам кўрдим. У болаларнинг биқинида кўп учрайди.

Ришта тортилганда у узилиб кетса, унинг зарари ва алами зўраяди: узилмаган тақдирда ҳам бир муддат оғритиб туради. Жолинуслар ришта ҳақида бирор ишончли натижага келолмаганини айтган; чунки у риштани ҳеч кўрмаган. Жолинусларнинг айтишича, риштанинг [пайдо бўлиш] сабаби савдо аралашган ёмон иссиқ қон ёки мизожининг қаттиқ қуруқлашуви билан бирга куйиб ўткирлашган балғамдир. Гоҳо [риштани] баъзи сувлар ва ўзидаги хусусиятлари туфайли, сабзавотлар келтириб чиқаради. Кўпинча, уни қотган, қуруқ овқатлар пайдо қилади. Бадандаги [ришта] туғиладиган модда қанчалик ўткир бўлса, унинг оғриғи ҳам шунчалик қаттиқ бўлади. Баъзан ришта бир [кишининг] 321 баданида || қирқ-эллик жойда пайдо бўлади, шундай бўлса ҳам даволаш билан ундан халос бўлиш мумкин.

[Ришта] ҳўл баданли, ҳаммомга [тез-тез] тушиб турадиган, ҳўлловчи овқатлар ва шароб истеъмол қилиб юрадиган кишиларда камроқ¹ бўлади. У Мадина шаҳрида кўп учраганлиги учун шу шаҳарга нисбат бериб «Мадиний»² деб аталган. У гоҳо Ҳузистон шаҳарларида ва бошқа жойларда ҳам пайдо бўлади. Баъзан Миср шаҳарлари ва бошқа мамлакатларда ҳам кўпаяди.

Ун тўққизинчи фасл. Даволаш

Риштадан у тарқалган шаҳарларда ва уни туғдирадиган овқат [истеъмол қилинганда] унинг сабабига зид [тадбир] қўллаш билан сақланилади. Бунга [риштанинг] чиққан жойига қараб, *бослиқ* ёки *софин* томирларидан ёмон қонни чиқариб бўшатиш, ҳалиланинг ҳар икки турини, девпечак қайнатмасини ва, айниқса, *қуқоё* ҳаб дорисини ичириб қонни тозалаш, сано ва шоҳтарадан тайёрланган *атрифул* истеъмол қилиш, рутубатлантирувчи овқатлар, ҳаммом ва бошқа ҳўлловчи маълум тадбир орқали баданни рутубатлантириш билан эришилади.

Ришта бошлаб кўринганида, аввало, баданни тозалаб ўша [ришталли] аъзони совутиб ҳўлловчи дорилар³, масалан, сандал ёғочининг икки турини⁴ ва фокур қўшилган машҳур совуқлик шираларни ишлатиш тўғривдир. Ўша жойга зулук солиб ҳам [риштани] юзага чиқарилади.

Сабр, сандал ёғочи, кофур ёки *мурр*, испағул ва янги соғилган сутдан тайёрланган суюқ суртма яхши [доридир]. Агар [ришта] қайтмай

сувлик қаварчиққа айлана бошласа, кўпинча касал уч кунгача кетмакет ҳар куни бир *дирҳамдан* сабр ичса, уни тўхтатади, қайтаради ва зарарини енгиллаштиради. Ёки сабрдан биринчи куни ярим *дирҳам*, иккинчи куни бир *дирҳам* ва учинчи куни бир ярим *дирҳам* ичирилади; ришта устига сабр ёки ҳўл сабрнинг ёпишқоқ рутубатини суртилади. [Ришта] чиқа бошлаётганида ҳам шундай қилинади. Бу тадбирлар таъсир қилмай, ришта ривожланса, уни [бир учидан] боғлаб оз-оздан ўраб [тортиб] оладиган нарса тайёрланади ва то охиригача узмай ўраб [ташқарига] чиқарилади¹. Яхшиси қалай [парчаси]га ўраб [тортишдир]. Риштани тортишда ўша қалай оғирлиги билан чекланилади; шунда у узилмай секин тортилади. [Ришта] пайдо бўлган аъзога иссиқ сув ва совутувчи шираларни қўйиб, доимо уни сийраклантириб ва ғовак қилиш орқали риштанинг тортилиб чиқишини осонлантдиришга ҳаракат қилинади. Унинг тортилиб чиқиши осон бўлиши учун латиф ҳароратли юмшатувчи ёғларни ва шуларга ўхшашларни совутилган ҳолда ишлатилади. Бу тадбир билан унинг [бадандан ташқарига] чиқиши, баъзан осонлашмайди, шунда шаббўй ёғи, оқ гулсапсар ёғи ва бон дарахти ёғини ишлатишга ҳамда ришта устига зифт марҳами қўйишга эҳтиёж тушади. Ёрганда [риштанинг] бутунлай чиқиши тахмин қилинса ва бунга бирор монелик бўлмаса, уни ёриб чиқарилади.

Мазкур йўсинда тортиб чиқариш осон бўлмай, ёриш ҳам мумкин бўлмаса, уни сариёғ билан чиритиб жийдир, ёғ риштани бутунлай жийдириб чиқаради. Уткир дорилар ишлатишдан сақлан, чунки бу ўйиб еювчи ярага олиб боради.

Ришта [касалигининг] охириги пайтларида оз-оз туз билан доимо ишқалиб турилса ёки орқа [дум] томонидан ишқалаб, [учи] чиқиб турган жойидан аста-секин тортилса, у бутунлай чиқади. Айниқса орқа [дум] томонининг узоқроқ жойидан ёриб, шу ерга мил чўпи киргизиб [140], уни ниқтаб турилса ва силашни давом эттириб туз билан [ишқаланса] ришта оҳиста-оҳиста оз-оздан чиқади; шу тадбир давом эттирилса, у баъзан, бутунлай ташқарига чиқади. Агар ришта узилиб, учи беркиниб қолса, уни қайтадан ушлаб олиш учун ёришдан бошқа чора йўқ. Сўнг уни [яна] аста-секин тортиб чиқарилади ва унинг ўрнини жароҳатларга ишлатиладиган дорилар билан даволанади.





УЧИНЧИ МАҚОЛА

МОХОВ КАСАЛЛИГИ

Биринчи фасл. Мохов касаллигининг моҳияти ва сабаби

Мохов касаллиги савдонинг бутун баданга ёйилишидан пайдо бўладиган ёмон бир иллатдир. У аъзолар мизожини, кўриниш ҳамда шаклини ва, ниҳоят, аъзолар узлуксизлигини ҳам бузади; ҳатто аъзолар ёйилиб, яраланиш сабабли тушиб кетади. Мохов касаллиги бутун баданга тарқалган саратон кабидир; у баъзан ярага айланади, баъзан эса айланмайди. Гоҳо у касал [баданида] узоқ давом этади.

Савдо [хилти] гоҳо бирор аъзога ҳайдалиб бориб, ўзининг ҳолатига қараб қаттиқлик ёки *сиқиррус*, ёки саратон пайдо қилади. Агар [савдо] суюқ ҳам кўп бўлса, ўйиб еювчи ярани келтириб чиқаради. Савдо тери юзасига ҳайдалиб чиқса, маълум қора сепкил¹, қора доғ², темиртки ва шуларга ўхшашларни пайдо қилади. Гоҳо савдо бутун баданга ёйилади, шунда агар у сасиб бузилса, савдо иситмасини келтириб чиқаради, у йиғилиб турса-ю, бузилмаса, мохов касаллигини пайдо қилади.

Мохов касаллигининг энг биринчи таъсир этувчи сабаби жигар мизожининг жуда иссиқ ва қуруқликка мойил бўлиб бузилиши,— бунда қон куйиб савдога айланади,— ёки бутун бадан мизожининг бузилишидир, ёки бу иккала мизож шу даражада бузиладики, бу сабабли қон совуб қуйилади. Моховнинг моддий сабаби эса, савдони туғдирадиган овқатлардир: балгам туғдирадиган овқатлар ҳам, агар уларни [истеъ-мол қилинганда] устма-уст меъда бузилса, уларга ҳарорат таъсир қилиб, суюқ қисмини тарқатса ва қуюғидан савдо туғдирса, [моддий сабаб бўлади]. Тўлиқлик ҳамда тўқ қоринга овқатланишлар ҳам худди шу маънони ифодалайди.

322 Тери тешиклари тўсилиб туғма ҳароратнинг бўғилиши ва қоннинг совуб қуюлиши, айниқса, талоқ қонни торта олмайдиган ва уни савдо хилтидан тозалашга қудрати етмайдиган даражада кучсиз³ || бўлганда ёки ички аъзолардаги ҳайдовчи қувват [савдо хилтини] орқа тешик ва

бачадон томирларига ҳайдашга кучсизлик қилганда ва тери тешиклари тисқ бўлганида, моховни [келтириб чиқарувчи] ёрдамчи сабаб бўлади.

Гоҳо буларнинг ҳаммасига ҳавонинг ўз-ўзидан ёки мохов касаллигига учраганларнинг яқинлиги туфайли бузилиши ҳам ёрдамлашади, чунки бу касаллик юқумлидир. Баъзан мохов касаллиги наслдан наслга ўтади ва касал яратилган уруғ [маний] таркибининг ўзидаги мизож сабабли ёки бачадондаги бирор ҳолат туфайли унда воқе бўлган мизож, масалан, ҳайз қони кетаётган пайтда бола бўлиши сабабли пайдо бўлади.

Ҳаво иссиқ бўлиб турган пайтда овқат ҳам ёмон бўлса, [масалан], овқат балиқ жинсидан, қоқланган гўшт, гализ гўштлар, эшак гўшти ва ясмиқдан бўлса, бу аҳвол мохов касаллигининг келиб чиқишига кўпроқ мос бўлади; чунончи, Искандария шаҳрида, кўпинча, шундай бўлиб туради.

Савдо қонга аралашганида унинг оз [миқдордагиси], кўпининг туғилишига ёрдам беради, чунки савдо қонни икки важҳдан: биринчиси, ўзининг гализ жавҳари сабабли ва, иккинчиси, қотирувчан совуқлиги сабабли гализлаштиради. Қоннинг қисман рутубати гализлашгач, бадан ҳарорати таъсирида унинг қуриши осонроқ бўлади. Моховга учраганларнинг қони гоҳо шу даражада қуюқлашадики, агар уларнинг томирдан қон олинса, қумга ўхшаш бир нарса чиқади.

Бу касалликни баъзан «*до ул-асад*» [«шер касаллиги»] деб аталади. Бу касаллик шерларда кўп учрагани учун шундай аталган дейдилар; баъзиларнинг айтишича, бу касаллик бемор юзини шер кўринишидек жиддий ва қаҳрли қилиб қўяди, яна бошқа бир гуруҳнинг айтишича эса, бу касаллик кимга ёпишса, уни шердек парчалаб юборади, мана шунинг учун ҳам унга «шер касаллиги» исми берилган.

Бу [касалликнинг] заифини ҳам даволаш қийин; кучлисини эса даволашга умид йўқ. Моховнинг энди бошланаётганини даволаш мумкин; [баданга] ўрнашиб олганини даволаб бўлмайди. Сафро савдосидан вужудга келгани бетинчроқ, азияти кўпроқ, белгилари ёмонроқ, куйдириб ачиштириш ва [баданни] яралантиришда кучлироқ бўлади-ю, лекин даволашни осонроқ қабул қилади; қон чўкмасидан вужудга келгани эса, бежавотир ва тинч бўлади, яралантирмайди. Куйган савдодан пайдо бўладиганининг белгилари сафродан бўладиганининг белгиларига ўхшайди, лекин у даволашни сустроқ қабул қилади.

Бу касаллик ҳаётга мувофиқ кайфиятга, яъни ҳарорат ва рутубатга энд кайфиятли бўлгани сабабли доимо аъзолар мизожини бузиб боради ва, ниҳоят, бошқарувчи аъзоларга етиб, касални ўлдиради. Мохов, аввало, қўл-оёқлардан ва юмшоқ аъзолардан бошланади; [141] шу аъзоларнинг мўйи тўкилиб ранги ўзгаради, баъзан эса яраланади; сўнгра

мохов аста-секин бутун баданга ёйилади. Бу касаллик дастлаб ички аъзоларда пайдо бўлса ҳам, аввало қўл-оёқ [ва бурун-қулоқ]ларга таъсир қилади, чунки бу аъзолар заифдир. Шу билан бирга, бу касалликка учраган киши, баъзан моховнинг зарари ички аъзоларга ва бошқарувчи аъзоларга [етганлиги] аниқ кўринишидан илгарийёқ ўлади; бу хилдаги ўлим мохов касаллиги ва мизож бузилиши сабабли юз беради.

Саратон биргина аъзога тегишли мохов касаллиги бўлса ҳам, ундан қутулиш мумкин бўлмагач, бутун баданга тегишли саратон бўлган мохов касаллигига нима ҳам дейиш мумкин! Лекин мохов касаллигида бир нарса бор: бунда касаллик бутун баданга тарқалади, кучли тadbирларни қўллаганинда [бутун] касаллик билан машғул бўласан-у, айрим аъзолар билан ишинг бўлмайди. Саратонда эса бундай эмас.

Иккинчи фасл. Белгилар

Мохов касаллиги бошланганда [бадан] ранги қораликка мойил бўлиб қизаради; кўзда қизғиш хиралик пайдо бўлади; нафас қисилади; ўпка ва ўпка нафсининг зарарланиши туфайли товуш бўғилади; аксириш кўпаяди; бурун дўнғиллаб манқаланади; баъзан бурунда тиқилма пайдо бўлиб, ҳид сезмайди; мўй сийраклашиб камаяди. Кўкрак ва юз атрофлари терлайди; бадан ҳиди, айниқса тер ва нафас сассиқлашади; [касалда] тентаклик ва кишиларни кўролмасликлардан иборат савдойи ҳулқлар пайдо бўлади, у савдога тегишли тушларни кўп кўради, уйқусида ўзининг устида бирор оғир нарса тургандек сезади. Кейин мўйлар, айниқса, юз ва юз теварагидаги мўйлар тўкилиб кетади; баъзан мўйли жойлар ўйилиб тушади; тирноқлар ёрилади; касалнинг кўриниши хунуклаша бошлайди ва юзи қаҳрли бўлади; ранги қораяди; бўғинларида қон қотиб сасийди. Нафас қисилиши зўрайиб ҳатто [нафас олиш] жуда қийин ва оғир бўлади; товуш ғоятда бўғилади, иккала лаб қалинлашиб ранг қораяди; баданда юнонча *сотурус* деб аталадиган жониворга ўхшаш ортиқча ғуддалар пайдо бўлади. Кейин мохов касаллиги бетинч бўлса, бадан яралана бошлайди, бурун тоғайи ёйилади, кейин бурун ва қўл-оёқ учлари тушиб кетиб, сассиқ зардоб оқади. Товуш йўқолади, мўй ҳеч қолмайди; ранг жуда қораяди.

Қувватнинг заифлиги, [ҳароратни сўндиришга бўлган] эҳтиёжнинг камлиги сабабли мохов касалига учраган кишининг томир уриши заиф бўлади, чунки мохов совуқ [мизождан] келиб чиқадиган касалликдир; совуқлик ҳам заиф бўлгани туфайли томир уриши тез эмас суст бўлади; унда тезлик ва катталиқ йўқлиги сабабли кетма-кет бўлади.

Учинчи фасл. Даволаш

Касаллик оғирлашишидан олдин бўшатиб, тозалаш тадбирини қўллашга шошилиш керак. Касалда қон кўплиги аниқланса, унинг иккала қўлидан бўлса ҳам, тезда етарли даражада томирдан қон олиш лозим; аниқланмаган тақдирда томирдан қон олинмасин, чунки катта томирдан қон олиш || фойдадан кўра кўпроқ зарар етказди. Аммо катта томирлардан қон олиш хавfli бўлса ва бадан сиртида совуқ қон борлиги маълум бўлса, айрим майда томирлардан қон олишга буюрилади. Бу хилда қон олиш қортиқ қўйиш ва зулук солишдан кўра дурустроқ ҳамда ички аъзоларга унинг зарари камроқдир. Бу [майда томир] лар пешона ва бурун томирлари кабилардир. Аммо бу касалликни даволашда, кўпинча, [катта] томирлардан қон олишга эҳтиёж тушади. Нафас олишнинг қисилиб қийинлашиши томирдан қон олишга эҳтиёж туғдирадиган ҳолатлардан биридир.

Баъзан товуш жуда хириллаганда ва касалнинг бўғилиб қолиш хавфи туғилганда бўйин томиридан қон олишга тўғри келади. Томирдан қон олингандан сўнг касалга бир ҳафта дам бериш, кейин *луғозийе иёражи*, Абу Жаҳл тарвузининг этидан тайёрланадиган *иёраж* кабилар билан бўшатиш лозим бўлади. Яна девпечак, Рум райҳони, чилпоя, қора ҳалила, Қобул ҳалиласи, қора харбақ, ложувард ва арман тошидан тайёрланган қайнатмалар ва ҳаб дорилар билан бўшатилади. Буларга Абу Жаҳл тарвузининг эти ва *сақмуниёларни* қўшиш, айниқса, касалда сафро бўлганда, зарар қилмайди; буларга сабр ва ёввойи бодрингни ҳам қўшилади. Бундай беморлар учун *тиёдаритус* яхши доридир. *Иёраж фиқро*, айниқса унинг *сақмуниё* билан кучайтирилгани, хусусан, [142] бир оз харбақ ёки арман тоши қўшилгани мохов касаллигига учраганлар учун яхши сурги дорилардандир. Моддаларни кўзгатиб баданга ёймаслик учун ёзда [юқоридаги] қайнатма дорига кучли нарса қўшмай енгил қилиб ишлатиш керак.

Мохов касаллигига учраганлар учун қайнатма. Сарик ва қора ҳалиланинг ҳар биридан ўн *дирҳамдан*, жувонадан беш *дирҳам*, яхши хушбўй ангузадан ярим *дирҳам*, уруғи олинган майиздан ярим *манн* олиб, уч *ибриқ* сувда то [сувнинг] учдан бири қолгунича қайнатилади. Кейин буни сузиб олиб тинитиб, беш *дирҳам* оғирлигида асал аралаштириб ичирилади. Касалнинг баданига сарийё суртиб, токи у терлатгунича офтобда ўтирғизилади ёки етмиш қадам юргизилади. Касал ўнг, чап, орқа ва олд томонларига айланиб ётсин; кейин нонга асал қўшиб есин. Биз таърифлаган йўсинда бу дорини етти кун давомида ҳар куни янгидан қайнатиб ичирилади.

Қасаллик [баданига] ўрнашиб олмаган беморларни даволашда бир мартагина бўшатиш кифоя қилмайди, балки касал ҳолатининг тақозосига қараб гоҳ ойига икки марта ёки ҳар ойда бир марта бўшатишга эҳтиёж тушади: бўшатиш мўътадил дорилар билан бўлади. Гоҳо қирқ кунгача узлуксиз ҳар куни мазкур дорилардан камроқ миқдорда ичириб, бир марта ёки икки марта сурги қилдирилади. Аммо [улардан] харбақ ва шунга ўхшаш жуда кучлиларини ҳамда оғирлиги кўпларини [йил ичида] бир марта баҳорда ва бир марта кузда ёки ундан кўра кўпроқ марта [ичириш] кифоя қилади.

Бундай касалларнинг миясини бош касалликлари бобида айтилган томоқни чайиладиган ва бурунга юбориладиган машҳур дорилар билан тозалаб туриш керак. Бурунга юбориладиган дорининг таркиби: узун мурч, кончўп, чакамуг, *баранкин*г ички қисми — буларнинг ҳар биридан бир *дирҳам*, мускат ёнгоғи, кийигўтнинг ҳар биридан ярим *дирҳамдан*, тоғ мурчининг ширасидан уч *қутулий* ва кунжут ёғидан уч *қутулий* олиб, аралаштириб токи суви [буғланиб] кетгунича қайнатилади, кейин сузиб, шиша идишда сақланади. Ундан буруннинг икки тешигига сизадиган миқдорда қуйиб турилади; бу доридан анчагина ишлатилгандан кейин бурунга ҳўлловчи дорилар томизиб турилади.

Бундай касалларни туғма рутубатни қуритадиган ва тарқатадиган ҳар бир нарсадан тийиш керак. Уларнинг меҳнат қилиб чарчаши ва ғам тортишлари мумкин эмас. Улар ўзлари турган жойдагига зид ҳавога кўчишлари лозим. [Баданлари] тозалангандан кейин узум шираси қўшилган бодом ёғи каби ёғлардан ичиб туришлари керак; бу тадбир бир неча марта тозаланганларидан кейингина қўлланилади. Ҳар куни эрталаб ичакларидан чиқиндилар ҳайдалгандан кейин бадантарбия қилишлари, баланд овоз чиқаришлари, сакраш ва кураш тушишлари, кейин уқаланишлари керак. Улар терласа, терни артиб олинади. Ундан кейин иссиқ ва совуқлиги мўътадил, кўп ҳолларда ҳўлловчи, [касалликнинг] бошланишида кучайтирувчи ёғлар билан ёғланиб туришлари керак. Чунки улар касаллик бошланишида ҳалила ва сирка билан қўшилган мози каби кучайтирувчи дориларга муҳтож бўладилар.

Баъзан ёғга хотинлар сутини қўшиб баданга ишқаланади; агар [бадан] қуруқлиги зўрайиб кетса, шундай ёғни бурунга ҳам юборилади. Касалда кўнгил айниш бошланса, қустириш керак. Уларнинг баданига ёғ суртишдан олдин ҳаммомга тушириш яхшироқ. Ҳаммомга тушганларидан кейин қўл-оёқларига мирта ёғи ва мастаки, узум гули ёғи ва қандул ҳамда қуст ёғи суртилади. Сўнгра табиб уларга ярим соат дам берсин, кейин томоқларига [қуш] пати тегизиб қустирилади, сўнг озгина эрман ичирилади. Баъзан таркибига табиий сода, олтингугурт, дафна меваси, дурадгорлар елими, ҳатто хардал, шунингдек, каклик ўти,

мурч, узун мурч, назла ўти, тоғ майизи, сабр ва ялпизлар қўшилган суюлтирувчи ва тарқатувчи ёғларни [касалнинг] баданига суртишга ҳамда шуларни бўғинларига қўйиб боғлашга эҳтиёж тушади. Баъзан *фарфиюн* каби дори [ишлатишга] тўғри келади; бу тадбир || касалнинг чикиндиларини тарқатиш ва терлатиш учун ҳаммомга туширилганда қўлланилади; чунки терлатиш уларни даволашда ажойиб қонундир. Баъзан баданга тарёқ *шалисо*, *қафторгонлар* суриб ишқаланади; баъзан шундай дориларни офтоб иссиғида суртиб, ишқалашга эҳтиёж тушади. Уларнинг ҳаммомда ювинишлари учун энг яхши сув атир совун билан сариқ йўнғичқа қайнатилган сувдир.

Мохов касаллигига учраган киши асло жинсий алоқа қилмасин! Ичириладиган нарсаларга келганда, улардан *афзо* илонлари гўшти билан тайёрланган тарёқи форуқ, тўрт [доридан] тайёрланган тарёқ [143] *қафторгон* ва *дабид кибрисолар* дориларнинг энг афзалидир. Гоҳо шу дориларни касалларнинг бурнига ҳам юборилади. *Афзо* илонидан тайёрланган кулчаларнинг ёлғиз ўзидан ҳар гал бир мисқолдан олиб, бир уқия қуюқ шароб ёки *тило* шароби билан ичирилади. Денгиз пиёзи кулчалари ҳам [ичирилади].

Билгинки, *афзо* илонининг гўшти ёки у гўштининг қуввати ўтказилган дори бундай моховлар учун энг олий дорилардан биридир.

Афзо илони шўрхоқ жойларники, қирғоқ [сув] ва ботқоқлик ерларники бўлмаслиги керак, чунки бундай илонларнинг, кўпинча, фойдаси кам бўлади. Балки хавfli ҳамдир: уларнинг кўпида ташналак тириб ҳалок қилиш хусусияти бор. Шунинг учун тоғда бўладигани, айниқса, унинг оқини танлаб олинади. Илоннинг боши ва думи бир йўла кесилади; ундан кўп қон оқса, узоқ вақт тирик қолиб типирчиласан, мана шуниси ишлатилади; акс ҳолда ташлаб юборилади. Илоннинг сўйгандан кейин кўп қон оқиб, узоқ вақт типирчилагани мувофиқдир. Илон тозаланган, уни қуйида айтиладиган йўсинда қайнатиб гўшти ейилади, шўрваси ичилади.

Ичига *афзо* илони тушиб ўлган ёки шу илон ичган шаробни иттифоқо ичганида ҳамда бир киши; «у ўлиб тинчисин, бошқалар ҳам қутулсин»,— деган мақсадда касалга шундай шаробни атайлаб ичирганида ёки тушда аён бўлган ҳукмга бўйсуниб шундай қилганида бир қанча моховга учраганлар тузалиб кетганлар. «*Афзо* илони тузи» ҳам улар учун фойдалидир.

Афзо илони шўрвасига келганда, боши ва думи кесилиб, ичи тозаланган *афзо* илонларини гандано, укроп, нўхат ва бир оз туз қўшиб то титилиб пишгунича анчагина сувга солиб қайнатилади; ҳамда суякларини олиб ташлаб, гўштини тозалаб истеъмол қилинади: гўшти ейила-

ди, шўрвасига оқ нон тўғраб ичилади. Баъзан шўрва тузукроқ бўлсин учун каптар боласини қўшиб қайнатилади.

Бу тадбирни гоҳо дастлаб ишлатила бошлаганда, фойдаси кўринмайди, ammo кейинроқ бирдан сезилади. Соғайишдан бир неча кун олдин, баъзан касалнинг ақли йўқолади. У дори фойдаси билинганининг ва энди ишлатишни тўхтатиш вақти келганининг белгиси шуки, касал кўпчий бошлайди, сўнгра баъзан ақли қоришади, кейин териси шилинади: шундан сўнг у соғаяди. Касалнинг кўз олди қоронғиланиб бадани кўпчимаса, шу тадбир яна қўллансин.

Бу касалликка қарши тавсиф қилинган яна бир дори: пўст ташлаган қора илонни сўйиб, то қуртлагунича ерга кўмиб қўйилади, [сўнг] қуртлари билан чиқариб олиб қуритилади ва ундан бир *дирҳам* оғирлигида олиб, асал шароби билан қўшиб касали ҳаддан ташқари бўлган кишига уч кунгача ҳар кунни бир *дирҳамдан* ичирилади. *Афъо* илони қуввати ўтказилган ёғни, масалан, шу илон қайнатилган зайтун ёғини ва қуйидаги дорини касал баданига суртиш фойдали. Унинг таркиби: пўст ташлаган қора *афъо* илонини олиб қозонга солинади, унинг устига саккиз *уқия* ўткир сирка, бир *уқия* сув, ҳўл чакамуг ва чаёнўтларнинг ҳар бирдан икки *уқиядан* солиб, илон титилгунича енгил оловда қайнатилади, [сўнг] сувни тинитиб қўйиб [касалнинг] соқол ва сочини қириб ташлангандан кейин у билан ишқаланади. Бу тадбирни уч кунгача қўлланилади. *Афъо* илони истеъмол қилиниши сабабли бундай касалларда бузилган тери шилиниб тушади ва ўрнига эт битиб, соғлом тери чиқади.

Мохов касаллигига учраган кишининг [баданида] қуруқлик зўрайса, мўътадил ҳароратли ҳўлловчи дориларни баданга суртиб ишқалаш ҳам баъзи вақтларда фойда қилади. Шунингдек, озгина шаббўй ёғи қўшилган бинафша ёғини бурунга юбориш ҳам фойдали. Яна йиртқич ҳайвонлар, ҳўкиз ва қушлар ёғини, қуст ёғи ва қандулни ҳам суртиб ишқаланади. Гулсапсар ёғи қўл-оёқларни [моховдан] сақлайди: ёғларни суртиб ишқалаш [бадан] тозалангандан кейин бўлади, бадан тозаланмасдан олдин бу дорилар ҳеч ишқаланилмасин, акс ҳолда тери тешиклари тўсилиб қолади.

Бузуржалий ва *сулоха* дориси улар учун ичириладиган фойдали дорилардандир. Сут, айниқса, касалнинг нафаси қисилганда, нафас олиши қийинлашганда ва товуши бўғилганда бўшатишларнинг орасида бериш учун энг мувофиқ дорилардан ҳисобланади. Сутни соғилган ондаёқ ичиш керак. Бундай бемор учун қўй сути энг фойдали нарсалардандир; ундан ҳазм бўладиган миқдорда ичириш керак. Фақатгина сут билан чекланилса, жуда фойдали, бунинг иложи бўлмаганда эса имко-

ният борича тоза нон, қўзичоқ гўштининг шўрваси ва шуларга ўхшаш биз келгусида баён қиладиган нарсалардан бошқаси берилмасин.

Нафас олиш қайтадан тузалгач, сут [ичириш]ни тўхтатиш, қустириш мақсадида,— бошқа мақсадда эмас,— мазаси ўткир нарсаларни истеъмол қилдириш ва юқорида айтиб ўтилган дорилар билан [баданни] бўшатиш яхшироқ. Сўнгра агар яна эҳтиёж туғилса, [нафас тузалгунича] сут ичишни такрорланади. Шу тадбирни [144] бир йил ичида бир неча мартаба қўллаш керак.

Касаллик ўрнашиб қолган кишиларга келганда, уларнинг томиридан қон олиш ва кучли дори ёрдамида сурги қилиш билан шуғулланиш керак эмас. Чунки улардаги чиқиндилар қўзғалади, лекин ажралмайди, || балки оҳисталик билан моддаларни ичакларга йўналтирадиган ҳамда сиртдан шимиб оладиган ва тарқатадиган нарсаларни ишлатиш керак. 325

Бундай касаллар учун фойдали ичимликлардан бири мана бу: сиркадан бир ярим уқия, қитрондан ҳам шу миқдорда ва хом чўл карамининг ширасидан уч уқия олинади ва ҳаммасини аралаштириб, эрталаб ва кечқурун ичириб турилади. Ёки фил суягини эговлаганда тўкилган қипиғидан ўн қирот миқдорда олиб, сариеғ қўшилган уч уқия шароб билан ичирилади. Шунингдек, ангузани асалга қўшиб, бир жавза миқдорда [берилади], ёки денгиз пиёзидан ўн дирҳам¹ миқдорда олиб, яланадиган даражагача қуйилтирилган асал шароби билан [берилади]. Ёки зирадан беш дирҳам олиб асал билан қўшилади ва яланадиган даражага келтириб [берилади]. Уларга уч қавосусдан олти қавосусгача [миқдордаги] ялпиз ширасини [ичириш] ҳам фойдали бўлади.

Мохов касаллиги билан оғриганлар, дори истеъмол қилиш билан бирга, гоҳо-гоҳо шўр балиқ ҳам еб туришлари керак. Бироқ улар жуда ўткир мазали нарсалардан сақлансинлар, лекин қусиш учун ва овқатни хушхўр қиладиган миқдорда [ишлатиш мумкин].

Гоҳо уларнинг аъзоларини, масалан, бош тепаси, бош суяги чоклари, ҳиқилдоқнинг таги, иккала чакка, энса, қўл ва оёқларнинг бўғинлари каби аъзоларни алоҳида-алоҳида доғлаб даволанади.

Баъзан табибларнинг айтишича, мохов касаллиги хавфи туғила бошлаганда бошнинг олд томон тепасидан юқорироғини битта, ундан қуйироқни ва соч ўсадиган жойининг охирги чегараси — қош тепасини яна битта, бошнинг ўнг ва чап томонларини ҳам биттадан доғланади; кейин бошнинг орқа томони — бўйин чуқурчасининг юқорисини битта, тангасимон чок олдини иккита, талоқ устини битта доғлаш керак. Доғлаш енгил ва ингичка қурол билан бажарилсин. Бошни доғлаганда доғлаш мияга ўтиб, унинг мизожини бузадиган [доғлаш]ларга айланиб қолмаслигининг эҳтиёжини кўргандан кейин, суякка етказиб, ҳатто кўп марта қайтариб бўлса ҳам, суяк устидаги пўстни шиладиган қилиб

доғлаш керак, билимсиз табиблар, қўллари енгил бўлмагач, [бошни] шу хилда доғлаб, касални ўлдириб қўядилар.

Мохов касаллиги билан оғриганлар учун фойдали мураккаб дорининг сифати. *Бузуржалий* ва шу касалликда *афъо* илонлар ўрнига ўтадиган биший ва *сулоха* дорилари шулар жумласидандир. *Бузуржалийга* келсак, унинг хиллари кўп: ҳиндлар уларни тажрибадан ўтказиб таърифлаганлар. Унинг машҳур таркибларидан бири мана бу: қора ҳалила ва ҳинд чакамуғининг ҳар биридан ўн *дирҳам*, узун мурчдан беш *дирҳам*, оқ аконитдан икки ярим *дирҳам* олиб, ҳаммасини янчиб сигир сутидан олинган сариёққа қўшиб асал билан қорилади. [Касалнинг] бадани тўзалангандан кейин бу таркибдан ҳар гал бир *мисқолдан* икки *дирҳамгача* ичириб турилади. Агар унга ўзига баробар мушк дорисини қўшиб ишлатилса, [касалга] зарар етказиш хавфи туғилмайди, чунки бу [*бузуржалийнинг*] зарарини қайтарувчидир.

Катта *бузуржалий* деб аталадиган маъжуннинг сифати. Бу маъжун мохов касаллиги, песлик, доғ, темиртки, сариқ сув [йиғилиши], қичима ва эски қўтирларга қарши фойдали бўлган *жувондорондир*. У ақлни турғунлаштириб, унутиб қўйишни кетказди; эсда тутиш [қувватини сақлаш] учун яхши ва беҳушликка қарши фойдалидир. Бу дорини ҳинд олимлари ўз подшоҳлари учун ясаганлар. Унинг таркиби: ҳалила, балила, омила ва ҳинд чакамуғининг ҳар биридан ўн тўрт *дирҳамдан*, мускат ёнғоғи, кичик қоқила, кундур [драхтининг] пўстлоғи, ёввойи укропнинг илдизи, тоғ сунбулининг илдизи, мурч, узун мурч, мурч илдизи, *нориқайсар*, анор ипори, етмак, денгиз пиёзи шираси ва ҳинд *содажининг* ҳар биридан саккиз *мисқолдан* ва яхши кўк аконитдан тўрт *мисқол* олиб, дориларни бир бошқа, аконитни бир бошқа янчиб эланади. [Аконитни] янчувчи киши аввало бурун ва оғзини сигир сути ёғи билан ёглаб, сўнг [латта] билан боғлаб олади. Сўнг *хазоий*¹ каллақанди ёки *синжарий*² каллақандидан Бағдод *маннида* икки ярим *манн* олиб янчиб, темир қозонга солинади, устидан уни эритадиган миқдорда сув қуйилади, эригач оловдан туширилади, сўнг устига юқоридаги дориларни сепиб яхшилаб қориштирилади, кейин шу таркибдан ҳар бири бир *мисқоллик* ғўлакчалар ясалади; ҳар куни наҳорга иссиқ сув ёки набиз билан бир донадан ичирилади.

Сулоха маъжунининг сифати. Бу — ҳиндларнинг *бузуржалий* ўрнида ишлатадиган зўр дориларидир. У киприк тўкилганига, соч оқарганига, [145] нафас қисиш, хафақон, иштаҳасизлик, кучли ич суриш, истисқо, сариқ касаллиги, кам қувватлилик ва бавосирларга қарши фойда қилади; кексаларни ёшартиради; қичима ва яра-

ларга [қарши] ҳам фойдали. Унинг таркиби: ювиб тозаланган *сулохадан* икки юз олтмиш *мисқол*,— *сулоха* — тоғ такаларининг сийдигидир, бу такалар маст бўлган кезларида *Сулоха* деб аталадиган тоғда тош устига сияди; бу сийдик тош устида қорайиб, ёғлик суюқ зифт сингари бўлиб қолади,— яна ҳалила, балила, омила, мурч, узун мурч, дафна дарахти, кичик қоқила, қирфа, чилпоя, уд чўпи, *бола*¹, *дикора*, *табошир*, «бургут тоши», гуруч ва *моқисларнинг* ҳар биридан тўрт *мисқолдан*, муқлдан икки юз олтмиш *мисқол*, новвотдан || бир юз 326 қирқ *мисқол*, қизил тилла, соф кумуш, қизил мис, темир, қўрғошин ва пўлатларнинг ҳар биридан саккиз *мисқолдан* олинади. Бу маъданларни куйдирилади ва [юқоридаги] дорилар билан қўшиб янчиб эланади, ҳаммасини асал ва сариеғ билан аралаштирилади ва кўк рангли шиша идишга кўтариб элинади. Бундан бир ичими бир *мисқолдан* бўлиб, қўй сути ёки илқ сув билан ичилади. Бу [таркиб] га кўпиги олинган асалдан олтмиш етти *мисқол*, сариеғдан ўттиз тўрт *мисқол* қўшиб қайнатилса, яхшироқ бўлади; чунки [шунда] у кўтарилиб [кўпчиб] йигирма бир кунда етилади.

Пўлатни куйдириш усули. Пўлатни парча-парча қилинади, кейин ҳалила, балила ва омилаларни қайнатиб сувини сузиб олиб мис қозонга солинади, тагидан енгил олов ёқилади; пўлатни то қизаргунича қиздириб мана шу сувга ботирилади, сўнг қайтадан қизаргунича оловга тутилади, қизаргач яна ўша сувга ботирилади; йигирма бир марта шундай қилиб, кейин сувни сузилади, пўлатнинг сувдаги чўкмасини олиб, қайтадан ўша сувли қозонни оловга қўйилади, унга қорамол сийдиги солинади.

Темирни ҳам қиздириб, шу сувга йигирма бир марта ботирилади, бунинг чўкмасини ҳам ажратилиб, кейин шу чўкмадан саккиз *мисқол* ва пўлат чўкмасидан саккиз *мисқол* олинади. Мисни ҳам шундай қилиб, унинг чўкмасидан ҳам саккиз *мисқол* олинади. Кумушни эса тўзондек бўлгунича эговланади, кейин темир ёғлогига солинган тузли сувда яхшигина куйгунича қайнатилади. Агар кумуш [бу билан] куймаса ёғлогига озгина сариқ олтингургурт ташланади — шунда у, албатта, куяди. Бу кумушдан ҳам саккиз *мисқол* олинади. Ана шуларнинг ҳаммасини янчиб эланади.

Тиллани куйдиришга келганда, уни ҳам тўзондек майдалангунича эговлаш керак. Унга бир *мисқол онук*, яъни қўрғошин қўшилсин. Қўрғошинни тиллага қўшиб эговлаб иккаласини биргаликда эритилади. Уни бир соатга қўйиб қўйилади, кейин яна иккаласини биргалаштириб эговланади ва яна бир *мисқол* қўрғошин қўшилади, қайтадан эгов билан эговлаб, ёғлогига солиб, устига тузли сув қўйилади, сув [буғланиб] кетиб, тилла билан қўрғошин қолгунича қайнатилади, сўнгра ҳо-

вончада майин қилиб янчилади ва юқоридаги дориларга аралаштирилади.

Сулохани тозалаш қўйидагича: темиртикан суви ва қорамол сийдигини олиб темир идишдаги *сулоха* устига уни кўмадиган миқдорда қўйилади. Идишни бир соат қуёш иссиғига қўйилади, кейин қаттиқ ишқалаб сувини темир идишга сузиб олинади. Уни қуёш иссиғига уч кун қўйиб қўйилади, сўнг [яна] сузиб қуюқ чўкмасини олинади; устига яна темиртикан суви ва қорамол сийдиги қўйилиб, аввалгидек иш кўрилади. Уч марта шундай қилинган, қуюлиб асалдек бўлгунича ва зифт сингари қорайгунича йигирма бир кун давомида қуёшга қўйилади.

Кичик *сулоханинг* сифати. Бу ҳам катта *сулохадек* фойда етказди. Унинг таркиби: тозаланган *сулохадан* бир бўлак ва муқлдан тўрт бўлак олинади. Муқлни янчилади, [*сулоха*] вазнича асал ва асал баробарида шакар, асалнинг ярмича сигир сути ёғидан қўшиб аралаштириб шишага кўтариб олинади. Бунини ҳар гал бир *мисқолдан* [қилиб] илитилган сигир сути билан ичилади.

Мохов касаллигига қарши фойдали дорининг таркиби. Тозаланган қора ҳалила, тозаланган сариқ ҳалила ва занжабилнинг ҳар биридан ўн бир [146] *дирҳамдан*, жувонадан беш *дирҳам*, яхши *ангузадан* уч *дирҳам*, тозаланган майиздан ярим *маккук* олиб уч *давراق* сувда то учдан икки қисми кетиб бир қисми қолгунича қайнатилади,—*давراق* Бағдод *ритлида* тўрт *ритлдир*,—сўнгра сувини сиқиб олиб сузилади ва сузилган сув устига етарли миқдорда асал қўшилади. Мана шундан бир *ритлдан* ичирилади ва касал баданининг [маълум] жойига сигир сути ёғи суртиб то терлагунича қуёшда ўтқазиб қўйилади. Касалнинг қуввати етса, етмиш қадам юришга, гоҳ ўнг томони, гоҳ чап томони, гоҳ қорни ва гоҳ орқаси билан ётишга буюрилади; касал етти кунгача ўртача миқдорда нон ва асал билан овқатланади. Шу билан бирга, ҳар кун юқорида айтилган дориларни янгилаб ишлатиб турилади.

Мохов касаллигига қарши суюқ суртманинг таркиби. Пўст ташлаган қора илонни сўйиб, қозонга солинади, устига ўткир сиркадан саккиз *уқия* ва сувдан бир *уқия* қўйилади, ҳўл чакамуғ ва чаёнўт илдизининг ҳар биридан икки *уқиядан* олиб, [ҳаммасини] то илон титилиб кетгунича паст олов устида қайнатилади; кейин латтадан сузиб ўтказилади, суяклар гўштан ажратилади, сўнгра чўкмани шиша идишга солиб қўйилади. Касални даволамоқчи бўлинганда қош ва сочларини қириб ташлашга ҳамда шу доридан уч кун давомида суртишга буюрилади.


Яна бошқа суюқ суртманинг таркиби: тоғ майизи, тозаланган қора ҳалила ва омидаларнинг ҳар биридан бир бўлакдан олиб, думбул зайтундан [олинган] ёғда қайнатилади. Касаллик таъсир этган жойни жумрут ва анор гули қайнатмаси билан ювиб ташлагандан кейин бу дорини суртилади.

Яна бир суюқ суртма: ҳалила ва мозини куйдириб сирка билан [қўшиб] касал жойга суртилади.

Бундай касалларга [бериладиган] овқатлар эса тез ҳазм бўладиган яхши каймусли нарсалар, масалан, || маълум қуш гўштарининг қайнатма шўрваси ва гўшти енгил ҳазм бўладиган янги балиқдир, буларга зарур дориворларни қўшиб берилади. Тозаланган арпа нони ва *хандарус* нони ҳамда шулардан тайёрланган суюқ ошлар ва ҳўл сабзавотлар бундай касаллар учун яхши овқат ҳисобланади. Гоҳи шу овқатларга лавлаги, турп ва гандано кабиларни қўшишга эҳтиёж тушади. Ковул, арпабодиён ва гандано каби [моддани] парчаловчи нарсаларни, айниқса, баданни тозалашдан олдин, истеъмол қилишга бепарволик билан қараш керак эмас. Чунки булар касалнинг [еган] овқатларини ортиқча нарсалардан тозалайди ва чиқиндиларни ҳайдалишга тайёрлайди. [Шунинг учун], яхши дорилар истеъмол қилинганда, бу тадбир ҳам қўллансин. Бу бобда бундай касаллар учун шўр балиқ ҳам жуда яхшидир. Биз уларни қустирмоқчи ва сурги қилдирмоқчи бўлган пайтимизда шўр балиқ беришга ҳаракат қиламиз. Қарам бундай касаллар учун ўз хусусияти билан фойдалидир; нонни сут ва асал билан ейиш ҳам фойда қилади. Анжир, узум, майиз, қовурилган бодом, маҳсар, санавбар донаси ва шулардан тайёрланган овқатлар ҳам бундай касаллар учун мувофиқ келади.

Касал ҳазм қувватига қараб, ҳар куни икки марта овқатланиши керак; бир мартагина овқатланиш унга зарар келтиради. Касаллик қўзғалган пайтда шароб ичирилмасин,— озгина ичириш мумкин холос,— касаллик тинчиганида эса, эскирмаган суюқ шаробдан мўътадил миқдорда ичиш мумкин. Қош тўкилиш ва шунга ўхшашларга келсак, уларни «тулки касаллиги»нинг давоси билан ва биз зийнат китобида айтадиган бошқа дорилар билан даволанади.






ТУРТИНЧИ ФАН

**УЗЛУКСИЗЛИКНИНГ
БУЗИЛИШИ**





БИРИНЧИ МАҚОЛА

ЖАРОҲАТЛАР ҲАҚИДА *ҚИСҚА СЎЗ*

Биринчи фасл. Узлуксизликнинг бузилиши ҳақида умумий сўз



Биринчи китобда узлуксизликнинг бузилиш турларини ўша ерда керакли бўлган даражада айтиб ўтдик. Энди уларнинг айрим ҳолатларини кўрсатиб ўтмоқчимизки, бу [ҳолатлар] келгуси баёнимиздан олдин бизга маълум бўлиши керак.

Шундай қилиб, биз айтамызки, узлуксизлиги бузилган баъзи аъзоларда, масалан, этда, [уни даволаганимизда] узлуксизликнинг қайтадан ўз ҳолига келишини мақсад қилиб қўямиз, баъзи аъзоларда эса узлуксизлик аввалги ҳолига қайтмаса ҳам, тутиб турувчи [нарсалар] орқали аъзоларнинг бирикиб қолиши кўзда тутилади. Масалан, суякда шундай бўлади, бироқ гўдак ва болаларнинг суягида узлуксизлик қайтадан ўз ҳолига қайтиши кутилади. Асаб ва томирларга келганда, бир гуруҳ табибларнинг айтишича, буларнинг узлуксизлиги қадимги ҳолига қайтмайди, балки уларнинг устидан ўтиб, тўплаб турган сақловчи [нарсалар] туфайли ёпишгандек бирикиб қолади. Бошқа бир гуруҳнинг айтишича, бу ёпишгандек бирикиш фақат артериялардагина воқе бўлмайди. Аммо Жолинуc [147] уларни инкор қилиб: «балки тажрибада кўришишига ва қиёс тақозосига қараганда, артериялар ҳам бирикиб битади»,— деган. Тажрибада кўрилганига келсак. Жолинуc *бослиқ* тагидаги артериянинг, чакка ва почка артерияларининг бирикканлигини кўрган. Қиёс тақозосига келганда, суяк бирикмайдиган қаттиқликда энг чекка тарафдир,— бунинг бирикиши, камроқ бўлса ҳам, болаларда учрайди,— эт эса юмшоқликда [иккинчи] чеккани ташкил этади ва бирикади, артериялар эса суяк билан вена ва эт ўртасидадир; демак, буларнинг аҳволи ҳам ўртача бўлиши керак, яъни улар бирикишни этдан кўра камроқ, суякдан кўра осонроқ қабул қилади. Хулоса шуки, ёриқ кам ва кичик, бадан ҳўл ва юмшоқ бўлса, вена ва артериялар бирикади, аксинча бўлганда бирикмайди. Бу мунозарачига [қарши] келтирилдиган ҳужжатнинг бир тури холос, аммо асос — тажрибадир.

Иккинчи фасл. Жароҳатлар ҳақида қисқача сўз

Шундай аъзолар борки, уларда жароҳат воқе бўлса зарари катта-лашиб ўлдиради, баъзан, камдан-кам ҳолларда ўлдирмайди ҳам. Масалан, қовуқ, буйрак, мия, ингичка ичаклар ва жигар шундай. Шу билан бирга, жароҳат енгил бўлганда соғайиш ҳам мумкин. Аммо жароҳат юракда бўлганда соғайиш қутилмасин. Ичларида жароҳат воқе бўлган кишиларда ўхчиқ ё ҳиқичоқ, ёки ич суриш пайдо бўлса, уларнинг кўпчилиги ўлади.

Мушакларнинг, айниқса, асабли мушакларнинг боши ва охирига ўхшаш бир неча жойларда жароҳат воқе бўлганида, у жойларда оғриқ ва шишлар зўрайиши керак; агар шиш пайдо бўлмаса, бу ҳолат модда [оқиб] бораётган ички бир офат борлигига ва жароҳат учун модда ортмаётганлигига далолат қилади. Биз яралар бобида айтган яралар ва жароҳатлар учун умумий бўлган ҳукмларга аҳамият бериш керак. Уларнинг [бир қисмини] шу ерда айтишни мувофиқ кўрдик.

Учинчи фасл. Жароҳатларни даволаш ҳақида умумий сўз

Эт жароҳати баъзан оддий ва тўғри ёки думалоқ, ёки бир неча қирралик ёриқдан, баъзан эса этдан бир қисми йўқотилиб ҳосил бўлган ёриқдан иборат бўлади. Жароҳатларнинг баъзиси чуқур ботган ва баъзиси юза бўлади. Буларнинг ҳар бири учун [махсус] тадбир бор, аммо оқаяётган қонни тўхтатиш эса буларнинг ҳаммаси учун умумийдир, бунинг учун биз айрим бир фасл ажратдик.

Баъзан қоннинг мўътадил миқдорда оқиши жароҳат учун фойдали бўлиб, у шиш, тошма ва иситма пайдо бўлишига тўсқинлик қилади. Чунки жароҳатларда энг эътибор бериладиган нарса шишга тўсқинлик қилишдир; шиш пайдо бўлмаса, жароҳатни даволаш мумкин бўлади.

328 Аммо шу жой шишса, || ёки эзилиб пачақланса ва йиртилса, уларнинг оралиғида жароҳат билан бирга шишга ёки йирингга айланаётган қон йиғилса, унга қарши тадбир кўрмай ва шишни даволамай туриб, жароҳатни даволаш мумкин бўлмайди. Агар эзилиб пачақланган жойда анчагина қон йиғилиб тортишгирса, уни тезда тарқатиш зарур. Бунга юқорида билиб ўтилган барча иссиқ ва юмшоқ тадбирларни қўллаш орқали қонни йирингга айлантириб тарқатиш билан эришилади. Шунинг учун ҳам [жароҳатдан] қон оқишида камчилик бўлганда, унинг оқишига ёрдам берилади.

Агар ёриқ оддий ва тўғри бўлиб, ундан ҳеч бир эт узилиб тушмаган бўлса, унинг тадбири учун пишиқ қилиб боғлаш, ёғлик ва сувлик нарса тегизмаслик, оралиғига на қил ва на бошқа ҳеч бир нарсени

киргизмаслик, аъзо мизожини сақлаш, аъзога табиий қондан бошқа нарсанинг тортилишига йўл қўймаслик кифоя қилади.

Агар [ёриқ] катта бўлиб, четлари айлана ҳолида бир-биридан узоқ ёки турли шаклда ва бир-бирига учрашмайдиган бўлса, ёки ундан кўп бўлмаса ҳам, озгина эт чиқиб кетган бўлса, унинг давоси тикиш, қуритиб қайтарувчи дориларни ишлатиб, рутубат йиғилишига қўймаслик ва қуйида баён қилинадиган ёпиштирувчи дориларни ишлатиш билан бўлади.

Агар [жароҳат] чуқур бўлса, кўпинча, боғлашнинг [ўзи] ҳам уни ёпиштиради, очишга эҳтиёж тушмайди. Баъзан, агар имконияти бўлса, уни очишга тўғри келади; бу эса, биз [келгусида] айтадиган маҳкам тутадиган боғич билан боғлаш фойда қилмайдиган пайтда, айниқса, чуқур ёриқнинг тагидан яхшилаб боғлаш мумкин бўлмаса, ўша жойнинг кучсизлиги, оғриғи сабабли ва биз яралар бобида айтадиган ҳолат сабабли чуқурликка модда қуйилиб турсагина бўлади.

[Жароҳатни] очиб зарур бўлган тақдирда, айниқса, биз айтгандек, уни тагидан боғлаш мумкин бўлмаса ёки ёриқ [148] ёмон модда тўкилиб кетадиган вазиятда турган бўлмаса, ёки унда суяк [синиғи] бўлса, ёки [чети] сополдек қотиб оқма ярага айланса, ёмон рутубат мавжуд бўлса, унинг оғзига пахта ёки шунга ўхшаш шимувчи нарсани қўймай чора йўқ. Бундай пайтда ёриқ жароҳатларнинг ҳукмига эмас, яралар ҳукмига киради¹.

Бир олим айтади: «Жароҳатларни ёпиштириб бириктириш мўлжалланганда атроф [лаб]ларини йиғиб боғлаш зарур бўлади; эт ундиришга эҳтиёж тушганда эса бундай қилиш зарур эмас, лекин бир гал жароҳатнинг чирки оқиб турсин учун, бир гал эса қўйилган дорини тутиб турадиган қилиб боғлашга эҳтиёж тушади». Яна у дейди: «Жароҳат оғзида чирк доимо ўзича оқиб турадиган жой бўлишига ҳаракат қил; бунга ё ўша ерни ёриб қўйиш, ёки жароҳатни шундай [чирк ўзи оқадиган] ҳолатга келтириш билан эришилади². Мен чуқурлиги тиззада, оғзи сонда бўлган бир жароҳатни унга қуйидан — тизза олтидан бошқа оғиз очмай тузатдим; лекин [касалнинг] сонини жароҳатнинг таги юқорида, оғзи қуйида бўладиган вазиятда қилиб қўйдим, шунда жароҳат қуйи қисмидан ёрмасданоқ тузалди. Шунингдек, билак, кафт ва бошқа аъзоларнинг ҳам жароҳат оғзи ҳамиша қуйида бўладиган вазиятда осиб қўйдим». Бу — ўша олимнинг сўзи.

Биз айтамикки, баъзан жароҳат тўла кесишни ва аъзони олиб ташлашни тақозо этадиган жойда бўлади. Аммо жароҳатдан анчагина эт узилиб тушган бўлса, эт ундирувчи дориларни ишлатиш лозим бўлиб, қуритувчи ва [модда келишига] тўсқинлик қилувчи дорини кифоя қилмайди. Балки қуритувчи ва тўсқинлик қилувчи дорилар жароҳатдан эт ун-

дирадиган моддани қайтариши сабабли, гоҳо зарар қилади. Гоҳо суякка нуқсон етиб жароҳат шундай чуқурлашадики, тўла-тўқис эт битиши мумкин бўлмай, чуқурлигича қолади. Шунингдек, баъзан керагидан ортиқ эт битиб, [жароҳат ўрнида] ортиқча эт пайдо бўлади.

Жар қатдан эт ундирилмоқчи бўлганда касалга яхши каймусли яхши нодат бериш керак. Эт ундирувчи дори гоҳо эт ундиради, аммо тери сўтувлай узилиб тушган бўлса, ўсмай қолади. Балки тери ўрнига устидан мўй чиқмайдиган қаттиқ эт унади¹. Томирлар ҳам кўпинча, эт сингари ўсиб, уларда шохобчалар пайдо бўлади.

Жароҳатларнинг асаблари ва мушак учларида воқе бўладигани каби бир қанча хатарлилари бор. Биз улар ҳақида яқинда, асаблар ҳолатига бағишланган бобда айтамыз. Кўпинча, шу жароҳатлардан кейин ёмон аҳвол юз беради, масалан, мушак учи жароҳатланганда касалнинг ранги ўзгаради, томир уриши кетма-кет ва кичик бўлиб, сўнг тушиб [пасайиб] кетади; касал қувватсизланиб, беҳуш бўлади. Бундай жароҳатлардан кейин гоҳо тиришиш касаллиги ҳам юз беради. Тизза олди-кўзида воқе бўладиган жароҳатлар ҳам шундай: улардан кейин ҳам ёмон ҳолат юз беради ва ўлдиради, улардан қутулиш кам учрайди. Шундай жароҳатлар туфайли тиришиш воқе бўлса ва жароҳатлар даволашни қабул қилмаса, бунинг давоси мушакнинг ишдан чиқишига рози бўлиб, уни энга қараб кесишдир². Лекин тиришиш ва ақл қоришувини [мушакни] кесишдан бошқа йўл билан даволаш мумкин бўлса, бу хилда кесишни кейинга қўйиш керак. Тизза жароҳати каби жароҳатларда бут шаклида қилиб, ёриб очишга ва уларнинг шиш ва жароҳатларида томирдан қон олиш ва [ич] суришга таянишга ҳамда улар етарли даражада тозаланмагунча эт битишига йўл қўймасликка эҳтиёж тушади. Сўнг эт битказилади.

Тўртинчи фасл. Эт ундирадиган, жароҳатни бириктирадиган, уни тугатадиган ва || [ортиқча этни] ейдиган дориларнинг таърифи

Эт ундирувчи дори соғлом қонни қуюлтириб, этга айлантирадиган доридир. Агар бу дори қаттиқ қуритувчи бўлса, [жароҳатга] келаётган қонга тўсқинлик қилади-да, эт [унадиган] модда ҳосил бўлмайди, агар у кучли тозаловчи бўлса, қонни оқизиб кетказади ва эт [битиши] учун мавжуд бўлган моддани чиқариб юборади. Демак, бу дори маълум чегарада қуритувчи, [лекин] унча қуритувчи бўлмаслиги, кучли тозаловчи бўлмай, балки ачиштирмасдан чиркни тозалайдиган миқдорда озгина тозаловчи бўлиши керак; буриштириш хусусиятига ҳам айтарли эҳтиёж тушмайди. Бу дори иссиқлик ва совуқликда ҳам жароҳат ва яра мизожига яраша бўлиши лозим. [Жароҳат мизожиди] булар пасайган бўлса, шу пасайганига яраша зид [мизожли] дори, агар айтарли дара-

жада пасаймаган бўлса, ўзига ўхшаш [мизожли] дори: [мизожни] жуда иссиғига — жуда иссиқ, жуда совуғига—жуда совуқ дори ишлатилади. Агар дори мизожни ҳаддан ташқари бузса, унга қарши тадбир қўллаш учун унинг кўрсатаётган таъсирини ҳам эътиборга олиш керак.

[Жароҳатни] бириктирувчиларга келганда, булар [жароҳатнинг] икки четини, бириктирадиган [149] дорилардир. Бу дориларни жароҳат чеккаларининг иккала сатҳига ишлатиш керак, шунда дори чеккаларни уларнинг ўз жавҳарларидаги намлиги билан бир-бирига ёпиштиради. Агар жароҳатда қон мавжуд бўлса, дорилар қонни қуритиш [хусусиятига] эга бўлишлари керак. Шунда улар [жароҳат] йирингламасдан илгари тезда қуритиб ёпиштиради. Бу дориларда ортиқ даражада қуритиш қуввати бўлмаса, улар қонни қуритиб ёпиштира олмайди; лекин бу дорилар тозаловчи бўлмасликлари лозим, чунки тозалаш хусусияти уларни ишлатишдан кўзда тутилган мақсадга зиддир. Мақсад эса жароҳатда мавжуд қондан елимлаш ва ёпиштириш хусусиятини ҳосил қилиш эди, тозалаш хусусияти эса, у қонни аритиб узоқлаштиради ва ёпиштириши кутилган моддани кетказиб юборади. Бу дориларнинг эт ундирувчиларга ўхшаб қуритиш хусусиятлари кам бўлмаслиги лозим, чунки эт ундирувчилар жароҳатларга моддани оқизадиган бўлишлари керак, қуритиш хусусияти эса модданинг оқишига тўсқинлик қилади. Бириктирувчи дорида қуритиш хусусияти нуқсонли бўлмасин, балки бу дори кучли қуритувчи ва бир оз буриштирувчи бўлсин. [Жароҳатни] битириб тугатадиган дорилар буларнинг иккаласидан ҳам [кўпроқ] буриштирувчи бўлсин. Чунки бу дорилар табиати жуда қуруқ бўлган нарса, яъни терини қуритадиган бўлишлари, яна бегона ва асл рутубатларни ҳам жуда қуритадиган бўлиши керак. Бундан олдинги [яъни эт битирувчи] дорилар эса бегона рутубатни кўпроқ қуритадиган, асл рутубатни қуюлтириб ёпиштирадиган даражада қуритиб, жавҳарини камайтирмайдиган бўлиши зарур.

[Ортиқча этни] еб камайтирадиган дориларга келганда, булар жуда тозаловчи бўлишлари лозим.

Бешинчи фасл. Очиш зарур бўлган жароҳат ва бошқа [яра]ларни ёриш

Жолинуслининг айтишича, уларни дўнроқ ва юпқароқ жойларидан йирингнинг қуйига оқиб тушиши қулай бўлган томонга қараб, биз чипқон ва чиқиқлар бобида айтиб ўтганимизга мувофиқ тери устидаги чизиқ ва ажинларни кўзда тутиб ёриш керак; лекин биз мустасно қилганимиздан ташқари¹. Чов ва қўлтиқ таги каби жойларни эса, терининг табиий [чизиқларига] мослаштириб ёрилади. Кейин содда дорилар жадвалларида келтирилган ачиштирмай қуритувчи дорилар қўйила-

ди. Бу соҳада кундур елимининг майдалангани кучли буриштирувчи бўлганлиги учун унинг майдаланмаганидан афзалдир.

Жароҳатларни¹ ёргандан кейин даволашда уларга сув тегизмаслик керак. Сув тегизилмасликнинг иложи бўлмаса, касал ҳаммомга тушмай чидаб тура олмаса, жароҳатларни мувофиқ марҳамлар билан бевитиш, латта парчасини ёққа ботириб, ҳаммом суви ва рутубати билан жароҳат ўртасида тўсиқ бўладиган қилиб ўраш ёки мумкин бўлган тадбирлардан бирортасини қўллаш лозим.

Олтинчи фасл. Шишли ва оғриқли жароҳатларнинг тадбири

Бундай жароҳатларда секинлик билан тадбир қўллаш ҳамда шиш тўхтатилмас экан, жароҳат, албатта, тузалмаслигини унутмаслик керак. Аввало, қуритиб совутувчи, ундан кейин бўшаштирувчи, қисқаси шишларга қарши дориларни қўлланмас экан, шишни тўхтатиш тугал бўлмайди. Ширин анорни олиб, тахир шаробда қайнатиб, шишли жароҳат устига қўйиб боғлаш, бошдан оёққача ҳар бир аъзога фойдаси умумий бўлиш билан бирга шишни тўхтатишга хос тадбирлардандир.

[Даволашда] шишнинг бўлажак ҳолати ҳақида фикр юритиш керак. Масалан, қора марҳам ишлатганингда жароҳат шиши жуда қизарганини ёки кўпчиётганини кузатсанг, совутувчи дориларни ва оқ марҳамни ишлатишга ўтасан. Оқ марҳам ишлатганингда жароҳат шиши бўшашаётгани ёки қаттиқлашаётганини кузатсанг, қора ёки бундан бошқа марҳам ишлатасан.

Еттинчи фасл. Ички аъзолардаги ички ва ташқи² жароҳатларга қарши қўлланиладиган тадбир

Ёрилиш ёки ажралиш ички томондан деб гумон қилинганда, этни битириш ва ичкарида қон қолиб кетишига йўл қўймаслик ва [жароҳатдан] қон оқишига тўсқинлик қилиш мақсад қилиб қўйилади. || Аввалги икки мақсад учун фойдали дорилар сиркада қайнатилган ёввойи индов кабилардир. Ёки катта *луфодан* бир *дирҳам* оғирлигида ичирилади. Муҳр лойи ҳам бу жиҳатдан жуда қаноатлантирувчидир.

Жароҳатдан қон оқшини тўхтатиш учун ичириладиган дориларга келганда, масалан, мингдевона уруғидан бир ярим *донақ* вазнида олиб, асал суви билан ичирилади, қон оқиш ва қон туфлашни тўхтатиш борасида айтилган бошқа дориларни ҳам ишлатилади.

Ташқи томондан бўладиган жароҳат ва ёриқларга келсак, у ҳақда олим шундай дейди: «Агар қориннинг девори йиртилиб, ҳатто айрим ичаклар чиқиб кетса, [150] ичакни қандай йиғиштириб киргизишни билиш лозим. Агар чарвидан бир оз [ташқарига] чиқса, уни пишиқ боғич

билан боғлаб бўладими ёки йўқми, жароҳатни тикиб бўладими ёки йўқми, тикиладиган бўлса, қандай кайфиятда тикилишини билиш зарур.

Жолинус қорин девори анатомиясини баён қилган, биз ҳам анатомияда у ҳақда айтиб ўтганмиз. [Жолинус] айтади: «Биз анатомияда баён қилган далилларга кўра *хасрнинг* йиртилиши *буҳранинг* йиртилишидан кўра кам хавотирлидир. *Буҳра* — гавданинг ўртаси, *хаср* эса гавданинг икки томонида *буҳрадан* тўрт энлик наридаги жойдир. чунки, — дейди у. — ёриқ *буҳрада* воқе бўлса, ичаклар кўпроқ чиқади ва уни қайтариб киргизиш қийин бўлади. Бунинг сабаби шуки, ичакларни тутиб турадиган нарса баданнинг узунасига кўкракдан қов суягигача тушадиган иккита мушакдир¹. Шунинг учун бу икки мушакнинг бири йиртилганда, албатта, айрим ичаклар ўша йиртиқдан туртиб чиқади. Яна иккала *хасрдаги* мушак ичакни қисиб туради, бадан ўртасида уни ушлаб турадиган мушак бўлмайди. Шунда агар жароҳат катталашса, бир қанча ичак чиқиб кетади, уни киргизиш қийин бўлади. Аммо жароҳатлар кичик бўлса, чиқиб қолган ичакни ўша захоти тезда киргизилмаса, у кўпчиб йўғонлашади, чунки унда ел пайдо бўлади, натижада уни [ўзи чиққан] йиртиқдан қайтариб киргизиб бўлмайди. Шунинг учун қорин девори йиртилиб пайдо бўлган жароҳатларнинг катта [даник]ликда ўртачалари бежавотирроқдир».

Ўша олимнинг айтишича, бу жароҳатларда бир қанча тадбирларни қўллаш зарур: биринчиси, ташқарига чиққан ичакларни ўзларига хос жойга қайтариб киргизиш; иккинчиси, ўша жойни тикиш; учинчиси, унинг устига мувофиқ дори қўйиш; тўртинчиси, жароҳат сабабли шариф аъзоларнинг биронтасига зарар етмаслигига тиришиш. Агар жароҳат чиққан ичакни қайта киргизиш мумкин бўлмайдиган даражада, кичик бўлса, бу ҳолда ё [чиққан] ичакдаги елни тарқатиш, ёки ўша йиртиқни кенгайтириш зарур. Уддасидан чиқа олмасанг, елни тарқатиш яхшироқ. [Чиқиб қолган] ичакнинг кўпчишига ҳавонинг совуқлиги сабаб бўлади. Шунинг учун булутни иссиқ сувга ботириб, сувни сиқиб ташлаб компресс қилиш яхшироқ². Буриштирувчи шаробни иситиб ишлатилса, у ҳам фойдали бўлади, чунки у ичакларни сувдан кўра кўпроқ иситади ва уларни қувватли қилади.

Агар бу тадбир ичак кўпчишини тарқатмаса, жароҳат кенгайтирилсин. Бу ҳилда [кенгайтириб] ёриш учун энг мувофиғи «оқма яралар ништари» деб машҳур бўлган қуролдир. Аммо ёришда ишлатиладиган икки юзи ўткир ва учи ингичка пичоқлардан сақланиш лозим. Қасал вазиятининг энг мувофиқ шакли — жароҳат қуйига қараган бўлса, уни юқорига қаратиб, юқорига қараган бўлганда эса, пастга қаратиб [ётқизиш] шаклидир. Бу шаклларнинг ҳар иккаласидан кўзда тутилган мақсад чиқиб қолган ичак устига бошқа ичаклар тушиб, унга оғирлик

келтирмаслигидир. Сен шундай қилганингда ёки шу мақсадни амалга оширмоқчи бўлганингда аниқлайсан: агар жароҳат ўнг томонда бўлса, касални чап томонга мойил қилиб ётқизиш, чап томонда бўлганда эса, ўнг томонга қараб ётқизиш лозим бўлади. Жароҳат бор томон бошқа томондан кўра доимо юқорироқ туришига эътибор берилсин: бу барча жароҳатлар учун умумий ҳукмдир.

Ичаклар қоринга қайтариб киргизилгандан кейин, агар жароҳат катта бўлса, уларни ўзига хос жойда сақлашда эпчил бир хизматчи [ёрдами]га эҳтиёж тушади. Чунки бу хизматчи жароҳатли жойнинг ҳаммасини қўли билан сиртдан бириктириб ушлаб туриши, тикаётган киши учун ўша жойни оҳиста-оҳиста очиб бериб туриши, тикилган жойни ҳам жароҳатнинг ҳаммасини тикиб бўлингунча бириктириб ушлаб туриши керак.

331 Мен қоринни тикишнинг энг яхши [усулини] сенга тавсиф қилиб айтаманки, қорин пардаси билан қорин девори орасини бириктириш зарур бўлгач, тикишни қуйидагича бошлаш керак: игна терининг сиртидан ичига қараб киргизилади, [151] игна терига ва бутун қорин бўйлаб узунасига || тўғри ётган мушакка ўтгач, қорин пардасининг ўша томондаги чеккаси ўз ҳолига қўйилади — унга игна санчилмайди; игнани [яраининг] бошқа томондаги чеккасига ичкаридан ташқарига қараб ўтказилади. Игнани ўтказгач, иккинчи марта шу чекканинг ўзида қорин деворидан сиртдан ичкарига қаратиб йўналтирилади; қорин пардасининг бу томондагиси ўз ҳолига қўйилиб, игнани бошқа томондагисига ичкаридан сиртга қаратиб ўтказилади. Игнани шу бошқа чеккадаги [қорин пардасига] ўтказиш билан бирга қорин деворининг шу томондаги чеккасига ҳам йўналтириб, ҳатто [игнани] шу томоннинг ҳаммасига ўтказиб олинади; кейин яна шу томоннинг ўзидан тикишга бошлаб, шу томонни қорин пардасининг чеккаси билан қўшиб сиртга қараб тикилади; кейин игнани терининг ўша томонга ёндош жойидан чиқарилади, сўнг яна шу терига қайтариб киргизиб бошқа томондаги қорин пардаси чеккасини шу томондаги қорин девори чеккаси билан қўшиб тикилади; сўнг игнани деворнинг шу томонидаги теридан чиқарилади. Шу йўсинда жароҳат бутунлай тикилиб бўлгунча бу иш бирин-кетин давом эттирилади¹.

Аммо игна ўтказилган икки жой оралиғи ҳаддан ташқари кенг ё тор бўлмаслиги лозим, чунки кенг бўлса, керагича тутиб турмайди, тори эса ситилиб кетади. Ип ҳам, — агар у пайга ўхшаш [нарсадан] бўлса, ситилишга ёрдам беради, — агар хом ип бўлса, узилиб кетади². Демак, юмшоқ ва қаттиқлик ўртасида бўлган ипни танла.

Шунингдек, [игнани] терига чуқур ўтказиб тикилса, гарчи бу хил тикиш ситилишдан узоқроқ бўлса ҳам, лекин жароҳатнинг ичкарисида ип [парчаси] қолиб, яра битмайди; бунда ҳам ўрта даражани сақла!

Яна ўша олимнинг айтишича, қоринни тикишдан мақсад қорин пардасини қорин деворига ёпиштириш бўлсин, чунки [парда] асабга бой бўлганлиги туфайли қийинлик билан ёпишади ва бирикади.

Бир гуруҳ табиблар [жароҳатни] қуйидагича тикадилар: игнани қорин деворининг сиртқи чеккасига санчиб ичкарига ўтказилади, қорин пардасининг ҳар икки чеккасини эса [игна санчилмай] ўз ҳолига қўйиб қўйилади: кейин игнани қайтариб [сиртга] ўтказилади, сўнг уни қорин пардасининг иккала қирғоғига ўтказиб тикишга бошланган томоннинг қаршисидан қайтариб чиқарилади, сўнгра қорин деворининг бошқа чеккасига ўтказилади ва шу тартибда давом эттирилади¹. Мана шу хилда тикиш — кўпчилик [табиблар]нинг тўрт қирғоқни бир игна санчишда сийраклатиб тикишидан² кўра афзал. Чунки биз айтиб ўтган шу хил тикишда ҳам қорин пардасини қорин деворининг нариги [ичкари] томондан бекитиб, унга маҳкам бириктириш мумкин бўлади. «Сўнгра, — дейди олим, — унинг устига эт битирувчи дорилар қўйилсин».

Бундай жароҳатларда боғлашга ҳам кучли эҳтиёж тушади. Эчки юнгини иситилган зайтун ёғи билан озгина ҳўллаб, иккала қўлтиқ ва иккала сийдик йўли устидан айлантириб [ўраб] боғланади. Юнгга ёғлар ва ширалар каби юмшатовчи нарсалар ҳам шимдирилади.

Агар жароҳат ичакларгача етган бўлса, [мана шу] биз айтган тадбир қўлланилади, лекин юнгга буриштирувчи қора шаробни илитиб шимдирилади, айниқса, жароҳат [ичакка] етиб, ундан ҳам ўтиб кетган бўлса, шундай қилинади.

Рўздор ичак ўз жисмининг юпқалиги, ўзида томирларнинг қўплиги, [табиати] асаб табиатига яқинлиги ва унга ўтнинг кўп қуйилиб туриши сабабли асло тузалмайди. У ичакларнинг жигарга энг яқин турган бўлганидан унинг ҳарорати ҳам кучлидир. Қориннинг қуйи томонларига келсак, уларнинг [табиати] гўшт табиатидан бўлгач, даволашга ишончимиз бор.

Жолинус [ўзининг] «Тузатиш ҳийласи» китобида айтишича, қорин девори қорин пардаси билан қўшилиб йиртилганда пардани деворга ёпиштирадиган қилиб жароҳатни тикиш мақсад қилинсин, чунки [парда] асабли ва бошқа [аъзога] кеч бирикувчидир. Бунга эса биз айтган хилда тикиш билан эришилади. Чунки бу хилда тикиш қорин пардаси чокини бириктиради, ёпиштиради ва туташтиради.

Яна Жолинуснинг айтишича, ичаклар [жароҳатли жойдан] чиқиб қолганида кучли қора шаробни иситиб, унга югни ботириб олиб ичак устига қўйилса, унинг кўпчиганини кетказиб хипчалаштиради. Агар қора шароб топилмаса, буриштириш хусусияти кучли бўлган баъзи сувлар иситиб ишлатилсин; бу ҳам мавжуд бўлмаса, ичак хипчалашгунича

иссиқ сув билан компресс қилинсин. Бунда ҳам ичакни [жойига] киргизиб бўлмаса, [жароҳатни] кенгайтирилсин.

Букротнинг айтишича, жароҳат [етган]да қориндан чарви чиқиб қолса, у ҳатто озгина муддат туриб қолса ҳам, албатта, чирийди; у ичак ва жигарга қараганда тезроқ чирийди. Чунки ичаклар ва жигар атрофи, агар уларни жуда совугунча узоқ муддат сиртда қолдирмай [152] қоринга киргизилса ва жароҳат битиб кетса, ўз табиатларига қайтади. Аммо чарви, гарчи бир оз муддат бўлса ҳам сиртда қолгач, қайта қоринга киргизилганда, албатта, чирийди. Шунинг учун табиблар чиққан чарвини тезда кесиб ташлайдилар; уни асло қайтадан қоринга киргизмайдилар. Агар чарвида бу ҳолатнинг зидди учратилган бўлса — бу учрамайдиган даражада камдир.

Бир оз чарви чиқиб қолса, уни кесиш керакми ёки йўқми, жароҳатни тикиш керакми ёки йўқми, тикилса қандай кайфиятда тикилишини билиш зарур.


Агар жароҳат *буҳрада*, яъни қорин ўртасида воқе бўлса, бунда хатар кўпроқ; чунки қоринни бекитиб турган мушакнинг учлари шу ердадир. Агар жароҳат иккала *хасрда*, яъни қорин ўртасининг ўнг ва чап томонларидаги || тўрт бармоқ энлилигича келадиган жойда бўлса, бу беҳавотир. Чунки бу ерда мушакларнинг асабга бой [учлари] йўқдир. *Буҳра* жойидаги [жароҳатни] тикиш қийин, чунки бу жойдаги йиртиқдан туртиб чиққан ичакларни ўз жойига қайтариб киргизиш жуда машаққатли [иш]; ичакларни йиғиб ушлаб турадиган нарса қорин бўйлаб чўзиладиган иккита мушак бўлиб, у кўкракдан *ракаб*, яъни қов суягигача тушган икки бўлак гўштдир. Шунинг учун бу жойда жароҳат воқе бўлиб, мушаклар кесилса, ичак жуда туртиб чиқади, чунки *хасрдаги* мушак ичакни қисади, қорин ўртасида эса, ичакни ушлаб турадиган кучли мушак йўқ. Шу билан бирга, жароҳат катта бўлса, албатта, ундан бир қанча ичак чиқади ва уларни ўз жойига киргизиш жуда қийин бўлади.

Саккизинчи фасл. Жароҳатларни боғлаш усули

Сиртқи жароҳат ва ёриқларга эт битказмоқчи бўлганинда табобат аҳлидан бўлган [бир] олимнинг айтганига мувофиқ иш кўр. Унинг айтишича, бундай ёриққа эт битказмоқчи бўлинганда жароҳатни икки учли боғич билан,— бошқа хил боғич билан эмас,— боғлаш лозим. Жароҳат катта бўлса, уч бурчакли бойлоқлар билан бириктириб [боғлашга] эҳтиёж тушади. Жароҳат жойи тўла бўлса¹, тикиш ҳам лозим.

Жароҳатларнинг четини бириктириш учун уч бурчакли бойлоқлар тўрт бурчакликдан яхшироқ; чунки улар фақатгина ёриқ жойнинг ўзини

ушлаб туради. Уч бурчакли бойлоқларни жароҳат устига қўйидагича қўйилади: ёриқ иккала уч бурчак оралиғида тўғри чизиқ бўлиб туради; бири «б» ҳарфи билан, иккинчиси «ж» ҳарфи билан кўрсатилган уч бурчакли иккита бойлоқ [жароҳат устига] қўйида сен кўрадиган шаклда қўйилади. Ёрилган жойлар икки учли боғич билан боғланганда, бу боғич тўрт бурчакли бойлоқдан кўра қаттиқроқ ушлайди. Шунинг учун жароҳатни бириктиришда икки учли боғичдан бошқасини ишлатиш тўғри эмас. Уч бурчакли боғичлар ва уларни боғлаш усули мана шу:



«Тузатиш ҳийласи» китобида айтилган: «бир кишида чуқурлиги човга, оғзи тиззага яқин келадиган жароҳат бор эди, биз уни ёрмасдан қўйидаги йўсинда тузатдик: тиззаси тагига ёстиқ қўйган эдик, жароҳат оғзи осонлик билан кўтарилди¹. Поча ва билакда бўлган жароҳатларга ҳам шундай қилиб тадбир қўлладик, ҳаммаси ҳам осонлик билан соғайиб кетди». [Жолинуснинг] айтишича, тажрибага эътибор берган киши жароҳатлардаги қонни йирингга айлантириш зарур эканлигини билади, чунки қон жароҳат ичида ўзи билан бирга турган нарса ўзгаргунича турса яхшироқ бўлади ва буларнинг иккаласи ҳам тезроқ ўзгаради.

Икки лаби ажралиб бир-бирдан узоқлашган жароҳатларни бириктирадиган бойлоқлар билан [боғлаб] бириктириш зарур, лекин бундай боғич боғлаганда [жароҳат] оғриси, ёки шишиб шу сабабли енгил бойлашдан ҳам оғриси, ёки мушак кўндалангига кесилиб кетган бўлса, бу пайтда бириктириб [боғланмайди], балки [икки лаб] оралиғига тери битиб мушакларнинг битмай қолиш хавфи сабабли, пилик қўйилади. У [давом этиб] дейдики, шунингдек, бош терисини ёрганимизда ёриқнинг иккала лаби ўртасига уни тўлдириб турадиган нарса қўйдик. Баъзан иккала лабнинг териси жароҳат ичкарасига қараб буришган бўлади, шу пайтда уни шишириб сиртга чиқарадиган бойлоқ ишлатиш зарур. Жароҳат узунасига жойлашган бўлса [153] уни маҳкамроқ бириктириш учун бойлоқ қолдирилади; кўндаланг бўлганда эса, тикишга [ҳам] эҳтиёж туғилади. Жароҳатнинг чуқурлигига қараб, тикиш ҳам чуқурроқдан бўлади. Кесишни кўпайтиргандан кўра чуқурроқ тиккан яхшироқ. Яна [Жолинуснинг] айтишича, жароҳат тор бўлса ва чуқурлиги сабабли унинг тепасида эт битиб таги битмайди, деб хавфланганимизда, баъзан уни кенгроқ очишга мажбур бўламиз, жароҳатли аъзо уни ўз

тўғри шаклига қайтарилганда йиринг оқиши мумкин бўлмайдиган ва унга дори киргизиш ҳам мумкин бўлмайдиган бир шаклда жароҳатланган бўлиб, уни жароҳат етган пайтдаги шаклига қайтарилганда оғриқ қўзғаладиган бўлса, шунда мувофиқ [тарзда] ёришга мажбур бўлинади.

Умуман, билиш керакки, мушакнинг энига тўғри келган жароҳатларнинг лаблари бир-биридан жуда узоқлашади, шунинг учун уларнинг лабларини [бир-бирига] етказиб бириктиришга кучли эҳтиёж тушади. Баъзан, айниқса, эт камайган бўлса, тикмай ва уч бурчакли бойлоқлар ишлатмай чора йўқ. Мушакларнинг узунасига тўғри келган жароҳатларда буларга эҳтиёж кам тушади¹.

Тўққизинчи фасл. Жароҳатларда эт битирувчи дорилар

Бу дориларнинг қувватини ва қаерга етказиб қўйилишини баён қилдик. Бу дорилардан сепиладиганларининг қуввати ёғлар ва мумли суртмалар билан тайёрланадиган [дорилардан] камроқ бўлиши кераклигига шубҳа йўқ. Ёғлар ва мумли суртмалар ишлатишга сабаб шуки, қуруқ дорилар, айниқса куйдирилган, қўрғошин ва бошқа маъданлар [жароҳатга] чуқур ботмайди ва тери тешикларига ўтмайди. Агар бу дорилардан мумли суртма тайёрланса, ёғ уларни исталган жойигача етказилади.

Эт битирувчи дориларнинг баъзиси маъданларга, баъзиси ўсимликларга, баъзиси эса ҳайвонларга тегишли бўлади ва баъзиси шу синфларнинг ҳаммасидан [ташқил топади].

Маъданга тегишлилари — масалан, мирта ёғи ва мум билан қўшилган қўрғошин упаси. Ўсимликларга тегишлилари — масалан, эркак дуб барги, — буни қуюқ суртма қилиб ишлатилади, — тол барги, карам барги, олма дарахтининг барги ва пўстлоғининг ички пардаси, баргизубнинг барги, сиркада ёки бирор шаробда ивитилган *ҳалфо*², айниқса, унинг || эркак ва урғочи санавбарлар барги билан аралаштирилгани, — буни санавбар пўстлоғининг ички пардаси билан боғланади, — сарв барги ва унинг шохчалари ва асал билан қўшилган тоғ мурчидир. Елимлардан, айниқса, кўп асаблар яқинидаги [жароҳат]лар учун, сақич дарахтининг елими ишлатилади. Мева ва донлардан: сув ва туз билан қўшиб янчилган янги ёнғоқ, қўзиқулоқ барги ёки лавлаги барги билан қайнатилган шароб, ёки сутчўп ва ёввойи нок, — бунда назлани тўхтатиш хусусияти бор, — сарв ёнғоғи, куйдирилган саримсоқ, тегирмон тошининг кукуни, куйдирилган арпа³, айниқса, унинг кексаларга ишлатиш учун мум ва гул ёғи билан қўшилгани. Мевали дарахтларнинг гулларидан: дўлана гули каби гуллар ёки *қирқбўғин*⁴ ўти, айниқса, бирор аъзо ёки этнинг

чеккасидаги [жароҳатга] ва мушакларнинг учига яқин турган жароҳатларга [қўйилади].

Ҳайвонларга тегишли дорилардан — жуда ачиган сут катта жароҳатларни бириктириш учун ишлатилади.

Мураккаб дорилардан: *диёруфус*¹ дориси, «олтин дори»², *Ниқулос* дориси, кийик ўти билан қўшилган тол дориси ва зиғир марҳами [ишлатилади].

Учинчи фасл. Жароҳат ва бошқа [яра]ларни тугатиб битирувчи дорилар

Бу дориларнинг табиатларини билдинг; булардан сепиладиганларининг марҳамларга қўшиладиган [дори]лар каби қувватли бўлмаслигини ҳам биласан. Энди шу дориларни [жароҳатдаги] қаттиқ эт сатҳи тери билан жуда баробар бўлиб турганда ишлатмаслик кераклигини билишинг лозим. [Жароҳатдаги] ҳўл этга келганда, *бу дориларни ҳўл эт тери билан баробар бўладиган даражада ишлатиш керак³: бу эса тахмин билан билинадиган нарса! Демак, битирувчи дорини ўша даражада эт унадиган жароҳатларга эт уншидан олдин ишлатиш зарур. Чунки битирувчи дори ҳам, гоҳо ҳали жароҳат битмай туриб эт ҳажмини кўпайтиради; шу билан бирга, табиатнинг қуввати ҳам кўпаяди, натижада эт ўша [текислик] даражасидан ошиб кетади. Демак, дорини шу даражада ишлатиш керакки, у жароҳатни қуришиб ўз таъсирини кўрсатганида [табиат] керакли миқдорда эт ундирадиган ва битирувчи дори ҳам ўз битириш ишини бажарган [154] бўлиши керак. Шунда бу икки иш биргалашиб жароҳатли сатҳ текисланадиган миқдорда янги эт ва янги тери ҳосил қилади. Агар бу кўзда тутилмаса, яраининг изи теридан баландроқ бўлиб қолади.

[Битириб] тугатувчи дори бошлаб истеъмол қилинганда, ҳўл ҳолда, кейин, тугалиш яқинлашганда, қуруқ ҳолда ишлатилиши керак; уни жароҳатга мил чўпи учи билан қўйилади. [Битириб тугатувчи] дорилар, гул ёғи ёки мирта ёғларининг мумли суртмаси билан қўшилган санавбар дарахтининг ички пўсти, қуруқ санавбар елими, қовурилган жил-виртош, мис тўполи, кундур елимининг кукуни, куйдирилган қўрғошин ва кичик луфолардир. [Маълум] илдишлар ва куйдирилган суяклар ҳам яхшидир. Куйдирилган аристолохия ва аччиқтош ҳам кучли битирувчидир. [Шунингдек] етилмаган мози, анжир барги, айтишларича, Буқрот буни «зағизғон оёғи» деб атаган, у «қарға оёғи»⁴ деган ўтти назарда тутган бўлса керак, суяк еган итнинг тезаги, уромастика калтакесагининг тезаги, бу олдингисидан кўра тозаловчанроқ, шунинг учун бунинг қуввати буриштирувчи нарсалар билан синдирилиши керак, ҳаворанг гулсапсар илдиши, говшир илдиши пўстлоғининг ички пардаси ва тўтиёлар [битирувчи дорилардандир].

Сандал, илуфар ва сабрлар, айниқса, орқа тешик ва эрлик олати томонидаги иссиқ мизожли ва шишган яраларда эт ундирувчи дорилардандир. Эт битирувчи дориларга, гарчи этни еб камайтирувчилар жумласидан бўлса ҳам, зок ва сариқ зоклар қўшилади. Лекин баъзан улар жуда рутубатли жароҳатни битиради, айниқса, уларни куйдирилса, битказиш хусусиятлари ейиш хусусиятларидан кам бўлмайди, хусусан ювилса, [ейишдан кўра] битказишга яқинроқ бўлади. Аммо зангор ва кучли еювчи дориларни эт битириш учун ишлатиш яхши эмас, лекин кучли тадбир қўллашда, айрим жароҳатлар ва жуда рутубатли яралардагина ишлатилса бўлади. Куйдирилган мисни ювилса, у ҳам битириш учун яхшидир.

Марҳам тайёрламоқчи бўлинганда битирувчи дорилардан бир қадар кучлироғига эҳтиёж тушади, масалан, металл тўполи, айниқса унинг куйдирилгани, сариқ зок, куйдирилган қўрғошин упаси. Марҳам тайёрлаш кайфиятига келсак, куйдирилган қўрғошин упасини сиркада эритиб ишлатилади; металл тўполини янчилади, яхшиси куйдирилади, кейин уни сариқ зок билан қўшиб юқоридаги дорилар аралаштирилади. Сирка ёки буриштирувчи шароб қўшилган мирта ёғи шимдирилади. Баъзан жароҳат ва яра жуда рутубатли бўлса, [таркибга] куйдирилган зок, анор гули ва мози ҳам қўшилади.

334 Зиғир марҳамининг тавсифи. Бу жуда фойдалидир, унинг таркиби: тозалаб ювилган каноп латта олиб, гард ва сурмадек бўлгунча эзиб янчилади, кейин кучли буриштирувчи зайтун ёғини ёки мирта ёғини олиб, || буларга озгина гальбан елимини қўшиб эритилади, кейин бунга янчилган каноп латтани солиб марҳам ясалса, ажойиб бўлади.

Қора марҳам ҳам эт ундиради. Бунинг эт ундириш [хусусиятини] кучайтирмоқчи бўлсанг, унга кундур елими, говшир ва аристолохияларнинг ҳаммасидан баробар миқдорда олиб [қора марҳамнинг] тўрт аралашмаси вазнига баробар қилиб қўшасан.

Жароҳатга сепиладиган енгил дорининг таркиби: қўрғошин упаси ва куйдирилган қўрғошиндан бир бўлакдан, қалай чирки, *мурр* ва мозиларнинг ҳар биридан ярим бўлакдан олинади. Яна бошқа сепиладиган дори: куйдирилган садафдан ўн икки *дирҳам*, дарахтидан ўзи тушиб қуриган майда анор ва яшил зокларнинг ҳар биридан ўн олти [дирҳамдан], куйдирилган тоғ эчкиси шохи, жилвиртош, металл тўполи, санавбар елими ва гулсапсар илдизининг ҳар биридан тўрт [дирҳамдан], кундур елимининг майдаси ва санавбар дарахти пўстлогининг ички пардасининг ҳар биридан олти [дирҳамдан], анор пўсти, қўрғошин упаси ва аччиқтошнинг ҳар биридан саккиз [дирҳамдан] ва мози-

дан бир [дирҳам] олиб, буларнинг ҳаммасидан сепиладиган дори ясалади.

Яна бир сепиладиган дори: рўян, куйдирилган суяк ва куйдирилган қўрғошинларнинг ҳар биридан икки [дирҳамдан], кундур елими ва сабрнинг ҳар биридан уч [дирҳамдан], анзиратгўштхўр ва момисолардан бир [дирҳамдан] олиб, сепиладиган дори тайёрланади.

Яна сепиладиган дори: гул, қалай упаси, анор гули, гул уруғи ва ачиқтошдан баробар бўлаклар олинади.

Яна бошқаси: гулсапсар илдизи ва говшир илдизидан баробар бўлаклар, аристолохиядан икки мисқол ва кундур елимнинг майдасидан бир мисқол олинади.

Кексалар баданидаги жароҳатларга [қарши ишлатиладиган] марҳам таркиби мана шундай: куйдирилган [155] арпага гул ёғи ёки мирта ёғи билан қалай упаси қўшиб мумли суртма ясалади.

Ўн биринчи фасл. Жароҳат ва яраларда эт ундирувчи дорилар

Эт ундирувчи дориларнинг хусусиятларини ва уларнинг қандаи мизожда бўлишлари кераклигини билдинг. Эт ундирувчи дориларни жароҳат ва яралар жой чирк ва шунга ўхшашлардан тозалангандан кейин ишлатиш керак. Жароҳат суякка бориб етган бўлса, шу суякни тозалаб, жуда қуритилсин; ундаги хиралик, чириганликни ва пўстни мутлақо қолдирилмайди, айниқса, жароҳат бошда бўлса, [суякда] рутубат қолдирмай қуритилсин. Чунки суякнинг силлиқлиги ва рутубати суяк устида эт унишига тўсқинлик қиладиган сабабларнинг биридир. Суякни тирнаб дағал қилинса, эт унадиган модда унинг устида яхши ўрнашади.

Билгинки, гоҳо дори бир баданда ёки бир аъзода эт ундиради-ю, бошқа бадан ёки аъзода ундирмайди, чунки дори иккала баданнинг мизожига қараб рутубатни бир баданда қуритади-ю, бошқасида қуритолмайди; юқорида билиб ўтилганидек, дори бир баданни ҳаддан ташқари тозалайди, бошқасини эса, бутунлай тозаламайди. Чунки у дори қуритиш ва тозалаш хусусиятига бадан тақозосига қараб, ўлчовли миқдордагина муҳтож бўлади, мутлақо эмас! Ўлчовли нарса таъсирланиши бир хилда бўлмаган нарсаларга турлича таъсир кўрсатади. Қуруқлиги даволанаётган бадан қуруқлигидан кам бўлган ҳар қандай қуритувчи дори этни тўла ундиролмайди. Балки у дорининг қуруқлиги баданникидан кўра кўпроқ бўлиши керак. Шунинг учун кундур елими қуруқлиги мўътадил даражадан ўтган қуруқ баданларда эт ундиролмайди. [Дорининг] қандай қуритиши, [ўз таъсирини] тўхтатиши, ёки тўхтовсиз эт ундириши, ёки [жароҳатнинг] чиркланаётганини тажриба орқали билинади.

Агар доринниг қуритиши эт ундирмайдиган даражада бўлса, бир оз рутубатлантирувчи дори ишлатилади, агар у чирклантираётган бўлса, қуритувчи дорини кўпроқ ишлатилади. Тўхтовсиз [эт ундираётган дорини] эса ўз қувватида қолдирилади.

Гоҳо айрим баданларда айрим дориларга нисбатан маълум бир муносиблик пайдо бўладики, бунинг сабаби маълум эмас.

Шунинг учун кучсиз ва кучли хилма-хил дориларни аралаштириш керак бўлади. Марҳамлар тайёрлашни ва уларга эҳтиёж тушишини юқорида билиб ўтдинг. Қуритувчи ва ҳўлловчи дори билан чекланиб туриш керак эмас; балки биз юқорида баён қилганимизга биноан таъсир кўрсатувчи икки кайфиятни¹ ҳам кўзда тутиш лозим. Шу иккала таъсир кўрсатувчи кайфиятни кўзда тутилганда ҳам яра ҳолати билан бадан мизожи ўртасидаги нисбатга риоя қилмай туриб, қуритувчи ва ҳўлловчи дори ишлатиш билан чекланилмасин. Чунки гоҳо бадан ҳўл, яра қуруқ, баъзан эса бадан қуруқ, яра ҳўл бўлади, гоҳо иккаласи ҳам ҳўл, баъзан эса иккаласи ҳам қуруқ бўлади. Аввалгисида кучсизроқ [дори], масалан, кундур елими, боқила уни, арпа уни ва шунга ўхшашлар ишлатилади. Агар бадан қуруқ ва яра жуда ҳўл бўлса, эт ундирувчи дориларга қараганда кучлироқ қуритувчи [дори], масалан, аристолохия, говшир илдизи ва куйдирилган зокларга эҳтиёж тушади. Қолганларида эса гулсапсар илдизи ва Миср боқиласи уни каби [қуритиш-ҳўллашда] ўртача дориларга эҳтиёж тушади.

Гоҳо баъзи дориларда эт ундирувчи дорилар муҳтож бўладиган қуритиш ва тозалаш хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар ҳаддан ташқари [кучли] бўлади, масалан, қаттиқ қуритиши сабабли чиркни [кетказишга қўймай] тўхтатади ва моддага² тўсқинлик қилади, ҳаддан ташқари тозалаш сабабли еювчи бўлиб қолади; шунда бунга зидлашадиган бошқа дори қўшилса, унинг кучини синдириб мўътадил қилади, натижада у 335 эт ундирувчи бўлади, масалан, || зангори мум билан зайтун ёғи қўшилса, бу иккаласи ўша аъзони рутубатлантиради, чирклантиради, зангорнинг қуритишга ва кучли тозалашига қаршилиқ қилади, натижада зангор [эт] битирувчи бўлиб қолади. Зангор қуруқроқ баданларга ишлатилганда мумли суртманинг ўн бўлакдан бир бўлагини, ҳўлрок баданларга ишлатилганда ўн икки бўлакдан бир бўлагини ташкил қилиши керак. Бу дорини истеъмол қилганда ҳам юқорида эслатиб ўтилган тажрибага риоя қилиш лозим.

Кексалар ҳарорати кўпроқ, тортиш [хусусияти] кучлироқ дориларга муҳтож бўладилар, у дориларга, масалан: зифт, кундур елими, арпа уни, боқила уни, ёввойи ясмиқ уни, гулсапсар илдизи, аристолохия, металл тўполи, говшир чўпи қўшилади.

Бир дори фойда етказмаса, бошқасини [ишлатишга] ўтасан; [жароҳатлар] бу дориларга ҳам бўйсунмаса, [156] яраларга хос дори билан даволайсан!

Ун иккинчи фасл. Бош ёрилгандаги жароҳатни даволаш

Бундай [жароҳатларда] суяк ва жароҳатдан юз берадиган хавfli ҳолатлар тадбири [ҳақида] суяк [синиши] ва уларни тузатиш бобида айтилган.

Бош жароҳатларини битирувчи дориларга келганда, [суяклардан] сиртда бўлган жароҳатга кучсиз қуритувчи енгил дори кифоя қилади. Бу жароҳатга бошга ишлатиладиган дори сепилсин; бу дори сабр, *мурр*, кундур елими ва бақам дарахти елимидан ясалади. Шунингдек, жароҳатлар [боби]да айтилган енгил дорилар [ишлатилади]. Агар [жароҳатланган] жойдан қон оқса, қон кетиши бобида айтилган дорилар билан даволанади. Бундай касалга имкон борича кўп товук миясини қовуриб бериш керак. Чунки бу, бир гуруҳ [табиблар]нинг айтишича, гарчи бошқа фикрлар ҳам бўлса-да, мияни кучайтиради ва қонни тўхтатади. Шунингдек, нордон чучук анор суви берилсин; [жароҳатга] қизил тасмани қўйиб боғлансин.

Жароҳатга ва қон кетишига [қарши] фойдали дорилардан бири ма-на бу: ачитиб қуритилган хамирни янчиб жароҳатга сепилади; уни ҳўлланмасин! [Жароҳатда] шиш [пайдо бўлишига] тўсқинлик қиладиган до-рига келганда, у арпа уни ёки ҳўл зуфога қўшилган кепаксиз ун нони қўйиб боғлашдир. Шунингдек, арпа толқонини ялпиз билан қўшилса, бош пачақланганда фойда қилади. Булардан бошқа тадбирларни суяк синиши бобидан олинсин.





ИККИНЧИ МАҚОЛА

ШИЛИНИШ, МАЖАҚЛАНИШ, ЭЗИЛИШ, БҮҒИН ТОЙИШИ, ЙИҚИЛИШ,
УРИЛИШ, КУЙИШ, ҚОН КЕТИШИ ВА ШУЛАРГА ҲАШШЛАР

Биринчи фасл. Муқаддима

Биринчи китобда эзилиш ва йиртилишнинг маъносини билдинг¹. Бўғин тойишининг маъносига келсак, бу аъзонинг бўғиндан нотамом ва очиқ-ойдин бўлмаган чиқишидир; [тўла чиққанда] чиқиш дейилар эди. Лат ейиш² бўғин тойишидан кўра енгилроқ, у гўё бўғин ва уни ўраб турган этдаги бойлоқларга етишган чўзилишдан иборат азиятдек бўлади. Агар у билан бирга бир оз тойиш бўлса, у бўғин тойишидир.

Баъзи кишилар лат ейишни ва биз бўғин тойиши деб атаган маънони умумий исм билан атай берадилар. Баъзи кишилар, гарчи ажралиш очиқ-ойдин бўлса ҳам, бўғин икки томонидан бирининг, масалан, тўпиқ ва билак бўғинлари икки томонидан бирининг жойидан ажралиб, бошқа томонининг ўз жойида қолишига бўғин тойиши дейдилар. Биз дастлаб мушакларнинг ўртасида юз берадиган эзилиш ва учларида юз берадиган йиртилиш ҳақида сўзлаймиз.

Иккинчи фасл. Эзилиш ва йиртилиш

Мушакда эзилиш воқе бўлиб, шу сабабли унинг бўлаклари ўртасида узлуксизликнинг кўп сонли бузилиши юз берса, албатта, эзилган жойга кўп қон қуйилади, бу шаксиз шиш пайдо қилади, жуда бўлмаганда у ерда қон йиғилиб чирийдир. Чунки [қоннинг] тери тешикларидан, айниқса, сиртқи эзувчи нарсанинг эзиши ва ички шишнинг қисиши сабабли торайган [тешиклардан] тарқалиши умид қилинмайди. Шунинг учун, чора кўрилмаса, у аъзони бузилишгача олиб боради.

Баъзан эзилиш, йиқилиш ва урилишдан кейин ғурра³ пайдо бўлади; улар саратонга айланиб кетмаслиги учун тезда даволаш керак.

Йиртилишда узилган толани қайтадан бириктиришга уринмай оғриқни тўхтатиш керак.

Учинчи фасл. Даволаш

Бу ёмон ҳолатларнинг кўпчилигида, баъзан, томирдан қон олишдан бошқа илож йўқ; табобат аҳли, гарчи бадан тоза бўлса ҳам, томирдан қон олишга шошилади. Томирдан қон олиниб, [қон йиғилишга] қаршилик қилувчи ва [эзилган жойни] маҳкамловчи қуюқ суртмалар тезда ишлатилса, муҳим бир иложни тақозо қиладиган ҳодиса юз бермайди; [касаллик] совутувчи ва буриштирувчи дориларни ёки иккаласидан бирини ишлатиш билан тўхтатилади. Аммо бу [тадбирлар] кечиктирилса, узлуксизлиги бузилган жойлар оралигига тезда қон борса ва мазкур офатлар юз беришидан қўрқилса, [ўша жойни] ўз ҳолига қайтиб бирикишига тўсқинлик қилмаслиги учун қонни чиқариш чорасини кўриш зарур. Агар пессик сув ва шунга ўхшаш қуйиладиган дорилар билан тери тешикларини сийраклатиб, [157] биз келгусида баён қиладиган урилган жойга ишлатиладиган дорилар, шунингдек, ўлик қонни юзага чиқарадиган дорилар, чарчашни тарқатадиган ёғлар ҳамда қоннинг тарқалишига ичкаридан ёрдам берадиган нарсаларни ичириш билан қоннинг тарқалиши мумкин бўлса, шу тадбирларни қўллаб, шу билан чекланиб турилади.

Қоннинг тарқалишига ёрдам бериб тозалайдиган нарсалар, масалан, яҳуд муқли, қуст ва *сиканжубин* билан бирга йўгон луфолардир; *сиканжубин* ҳам парчалаш хусусияти туфайли қоннинг тарқалишига ёрдам беради.

Ўлик қонни юзага чиқарадиган дориларга келсак, буларнинг кучсизли¹ арпа уни, ҳўл зуфо, сув билан қориштирилган кепаксиз ундан иборат; кучлиги эса, айниқса, [эзилиш ва йиртилиш] бошда бўлганда, толқон билан қўшилган тоғ ялпизидир. Хуллас, улар латиф ҳарорат билан бирга бўшатиш хусусиятига ҳам эга бўлган енгил тарқатувчи ва енгил қуритувчи нарсалардир. || Чунки кучли тарқатувчи ва кучли қуритувчи [дори] тезда таъсир кўрсатиб, суюқ [моддани] тарқатиб юборади, қуюғини эса қуритишни сабабли тўхтатади ва тери тешикларини беркитиб ҳам қўяди.

Узлуксизликнинг бузилиши юза ва тери яқинида бўлиб, чуқур ботмаганда шу қадар тадбирлар кифоя қилади. Агар бундай бўлмай, узлуксизликнинг бузилиши кўп, чуқур ва [бадан] юзасидан узоқ бўлса, шиш ва ёмон яраларда [учратиладиган] ҳолатга кўра тиг билан очмай чора йўқ. Бундаги ҳолат урилгандаги ҳолатга ўхшамайди, урилганда модда терига тортилади ва тери ярага айланаётган бўлади, бу узлуксизликнинг бузилиши эса чуқур ботгандир, шунинг учун у даволашга бўйсунмайди. Демак, кучли тортувчи нарсалар, қортиқлар ва тигларни ишлатиш лозим бўлади. Баъзан иш бундан ҳам улғаяди: аъзо сирти

кучли шиша бошлаб, модда йиғади. Шу пайтда уни тезда йирингла-тиш керак, то ҳамма йиғилган нарса йирингга айлансин. Чунки йирингга айланиш натижасида оғриқ тўхтайдиган ва модда тарқалади. Чунки шиш ҳар қандай ҳолда ҳам йиринглайдиган, буни даволаш орқали тезда йиринглатилганда беҳавотирроқ бўлади.

Баъзан, айниқса, туғма ҳарорат ва тери тешиклари кенглиги кўмаклашса, йиринглатувчи дори-лар йиғилган нарсани йиринглатмасданок тарқатиб юборадиган. Йиқилиш ва урилиш бобларида айтилган дори-ларга ҳам эътибор бер.

Эзилган жойларга ишлатилмайдиган бойлоққа келганда, унинг сифати ҳақида шундай дейилган: мажақланиш ёки эзилиш воқе бўлганда, уни боғлаб қўй; [зарарланган] жойнинг ўзини қаттиқ қилиб боғлансин. Бойлоқни юқорига, яъни жигар томонга кўпроқ, қуйи томонга камроқ олиб бор. [Эзилган жой] устига боғланадиган латталар [у жойнинг ҳажмидан] орттирилмасин ва у ерда узоқ муддат қолдирилмасин, чунки у жойдаги ўлик қон тарқалиши зарур. У жойга модда қуйилмаслиги учун бойлоқни иложи борича юқорироққа чиқариш керак; юқори чиққан сари бўшроқ боғлансин. Бойлоқ боғлашга чидамли бўлиши учун, юпқа пишиқ латтадан бўлсин, шунда [бузилган] узлуксизлик тезда тикланади, аъзони қон кетаётганда қилингандек юқорига қаратиб кўтариб қўйилади¹. Бу хилда боғлаб даволаш [тадбири] эзилган аъзо шишмасдан олдин бўлиши керак, чунки аъзо шишганда қаттиқ қисниш у ёқда турсин, мўътадил даражада боғлашни ҳам зўрға кўтара олади. Шунинг учун, бу пайтда ўша жойни қуюқ суртмалар боғлаш ва доимо ис-сиқ сув қуйиб туриш билан даволанади.

Эзилишдан кейин пайдо бўладиган ғурраларга келганда, уларни кўпайиб катталашмаслиги учун қўрғошин қўйиб боғлаш орқали даволанади. Баъзан у ғурралар ёрилиб ситилади.

Тўртинчи фасл. Йиқилиш, тош, девор ёки [бирор] бошқа нарсага урилиш

Йиқилиш ва урилиш, эзилиш ва мажақланишни пайдо қилиб алам ва азият беради; буларда суякдаги узлуксизликнинг бузилиши ёки ички аъзолар, уларнинг пардалари, асаблари ва катта томирларида воқе бўладиган узлуксизликнинг бузилиши сабабли бу [иккаласи] хатарли бўлади; қаттиқ алам сабабли ҳам улар хатарли бўлади. Гавда қанчалик катта бўлса, хатар ҳам шунчалик кучлидир; шунинг учун болалар йиқилганда катталардагидек азият юз бермайди.

Йиқилиш, урилиш ва зарба ейишларда ҳам ғурралар каттароқ бўлиб, [уларга қарши] биз ўз жойида тансиф қилганимиздек чора кўриш зарур.

Гоҳо йиқилиш ва урилишдан юрак ёки меъданинг бир томони узилиб, зўр офат беради: бунга мубтало бўлган киши ўша заҳотиёқ ўлади.

Гоҳо сийдик ва ахлат тўхтаб қолади ёки улар ихтиёрсиз чиқади. [158] Гоҳо бош, жигар ёки талоқда бирор томирнинг узилиши сабабли қон қусиш ва кучли бурун қонаш содир бўлади; қорин кўпчийди, нафас олиш қийинлашади, товуш чиқмай [касал] сўздан қолади. Киши [бирор нарсага] урилса ёки йиқилса, ёки [шулар каби] бирор ҳодиса юз бериб, у киши сўздан қолса ва боши қуйига осилиб нафаси сусайса¹, пешонаси терлаб юзи сарғайса ёки кўкарса, у дарҳол ўлади².

Йиқилган ва урилган ёки бирор нарса санчилган ёки калтакланиб қонга бўялган кишида ўша вақтнинг ўзида қон қусиш ва суюқ ич кетиш юз берса, у ҳам ўлади. [Киши] овқат аралаш қон қусса, айниқса, [зарарланган] жойнинг сирти шишса, бу бежавотирроқдир. Шиш ичкарига кетса ва [сиртқи] шиш қайтса, кейин [йиқилган] киши йиринг қусса, у шу ердаёқ ўлади.

Киши қулоғи билан йиқилиб, қулоқдан кўп қон оқса, бу, албатта, [қулоқ ичида] шиш пайдо қилиб ўлдиради. Киши боши билан йиқилса, кўпинча, гапиролмай қолади; бу ҳолат на камаймай ва на зўраймай уч кунгача давом этса, учинчи кун у кишига ҳуқна қилинади ва еттинчи кунгача кутиб турилади, бунгача уни ҳеч нарса билан қўзғатилмайди³.

Йиқилган кишининг зарарланган жойи қизармаса, у аъзо асаблидир.

Бешинчи фасл. Даволаш

Агар [суяк] синмаса, чиқмаса ёки қон кетмаса, урилган ёки йиқилиш сабабли лат еган аъзога уни маҳкам тутиб турадиган тадбирни тезда қўллаш керак. Шу билан бирга, бу хил нарсаларни даволаётган киши, то [бадан] ичкарисиди ҳалокатга олиб борадиган сабаб йўқлиги маълум бўлгунча, шу [тутиб турувчи] тадбирни қўллаб туриши керак. Агар кўпроқ ёрдам беришга эҳтиёж туғилса ва [касал] ҳолати шуни талаб қилса, тезда томирдан қон олиш ва енгил суюқ ҳуқна ишлатиш лозим. || Сўнгра ўша жойни ва ёрилиш пайдо бўлган бўлса, уни ҳам биз айтадиган нарсалар билан маҳкамлаш мумкин бўлса, тезда ўша тадбир қўлланилади. Бунда эҳтиёж туғиладиган дорилар маҳкамловчи ҳамда маҳкамлаб ёпиштирувчи, эзилишдагидек моддани оҳисталик билан тарқатувчи ва [баданни] бўшаштирувчи ҳамда сиртдан ва ичдан битириб ёпиштирувчи дорилардир. Бундай киши учун яхши овқат мош *ва нўхатдир⁴.

[Бирор жойи] эзилган* ёки урилган⁵, ёки йиқилган кишининг истеъмол қилиши зарур бўлган дориларга келганда, уларнинг энг яхшиси оқ

гулсапсар ёғи деб танилган ёғ билан қўшилган холис *мумиё*¹ ва шаробдир. Баъзан бунинг кетидан бирор нарса билан ҳуқна қилинади: ровоч иллизини бир *мисқол* рўян қўшиб, шароб билан ичирилади. Муҳр лойи, ундан кейин Аний лойи ва арман лойи [берилади]. Эт битириши сабабли татим ва анзиратгўштхўр жуда фойда қилади. Аччиқтош ёпиштирувчи, фойдали ва маҳкамловчи бўлиб, фойдаси кучли дорилардан биридир. Зирних ичирилса, эт битириш, қонни тарқатиш, шишга, қон кетишга ва офатга тўсқинлик қилишлардан иборат ҳамма керакли нарсаларда ажойиб қувватга эгадир. Катта луфонинг шираси, ровоч илди-зи, қуст ва муқлларни *сиканжубин* билан ичирилса, ҳаммаси ҳам фойда қилади. *Хиёршанбар* ва бодом ёғи ични юмшатиб равон қилиш учун шундай касалларга ичириладиган дорилардандир.

Яхши кулча дорининг таркиби: чин ровочидан саккиз [дирҳам], лаккдан тўрт [дирҳам], рўяндан тўрт [дирҳам], муҳр лойидан уч [дирҳам] олиб, кулча ясалади ва нўхат суви билан ичирилади.

Мурр билан бирга хушбўй қамиш ва мастаки [зарарланган] жойда қўйиладиган дорилардандир. *Муғосни* қўйиб боғланса ёки ичирилса, синган, чиққан, бўғин тойган, эзилган, зарба еган, йиқилган ва урилганларга қарши яхши хусусиятга эга. Чунки у тез битириб соғайтиради ва оғриқни тўхтатади. Агар синиш сабабли [суякда] суяк қадоғи² пайдо бўлса, уни маҳкам ва кучли қилади.

Араб акацияси елими маҳкамловчи ажойиб дорилардан бўлиб, у чиққанни тузатишда ҳам шундай хусусиятга эга. Сабр ва Аний лойи, муҳр лойи, мош, татим, ўлдирилган ганч ва оҳак ҳамда янчилган гуруч [ҳам шундай]. Анзиратгўштхўр эса ёпиштирувчи дорилардандир. Сарв баргини сувда қайнатиб сиқиб олинса ва оқ гулсапсар ёғи билан аралаштирилса, фойдали компресслардан бўлади, юлғун барги ҳам шундай; уларга аччиқтош қўшилса ҳам [яхши] бўлади.

Тажрибадан ўтказилган мураккаб дорининг таркиби: *муғосдан* уч бўлак, оқ гулҳайри ва анзиратгўштхўрдан бир бўлакдан ва бир оз заъфаронни олиб таркиб қилинса, қуввати чуқур борадиган фойдали қуюқ суртма бўлади.

Зарба қаттиқ оғриқ пайдо қилмаса ва бадан тозалиги сабабли зарба теккан жойда катта шиш кўтарилиб чиқишидан қўрқилмаса, шунингдек, ярага айланиш хавфи бўлмаса, у жойда қўрқинчли³ бирор аъзо бўлмаса, ўша жойни иситилган зайтун ёғи ва шунга ўхшаш нарса билан тезликда бўшаттириш керак [159]. Бу [тадбир], масалан, орқаси, қўли ва ёнбоши урилган кишига қўлланилади: бу хил [тадбир] оғриқни тўхтатади.

Олтинчи фасл. Қорин¹ билан урилиш ва зарба ейиш

Бу ҳақда Учинчи китобда етарли гапирдик, ўша [гапга] амал қилиш лозим. [Қасалга] қўйпечак, Рум исмалоғи ва ёввойи гулхайри каби ҳар хил юмшатувчи ва совутувчи нарсалардан овқат қилиб берилади; баргизуб каби ёпиштирувчи нарсалардан ҳам берилади. Яна, дастлабки пайтда совутувчи ширалардан [олиб] юмшатувчи шира билан, масалан, итузум ёки баргизуб шираси билан, ёки сачратқини *хиёршан-бар* билан қўшиб ичирилади.

Яна шу бобда тажриба қилинган нарсалардан бири мана бу: испағулни янчиб, ундан бир бўлак, *лакк* ва қаҳраболардан чоракам бир бўлак, заъфарондан бир бўлакнинг еттидан бири олинади ва бу таркибдан икки *дирҳамдан* иссиқ сув билан ичирилади. Қўйидаги таркибдаги кулча ҳам ичирилади: қаҳрабодан бир² бўлак, гулдан беш бўлак, араб акацияси ширасидан бир *уқия*, Ҳинд сунбулидан олти [бўлак], қашқарбедадан ўн [бўлак], мастакидан тўрт [бўлак], кундур [дарахти] пўстлоғидан тўрт [бўлак], арман лойидан етти [бўлак], заъфарондан олти [бўлак] ва сарв ёнгоғидан саккиз [бўлак] олиб, баргизуб суви билан [қўшиб] кулча ясалади. Бу дорн, айниқса, касаллик бошланғич давридан ўтган пайтда мувофиқ келади.

Қўйидаги таркибдаги қуюқ суртма ҳам ишлатилади: шом олмасини олиб, хушбўй *натбух* шаробида то етилгунча қайнатиб, майин қилиб эзилади, шундан юз *дирҳам*, ладандан йигирма, гулдан ўн олти, сунбул, мастаки ва ювилган араб акацияси ширасининг ҳар биридан ўн тўрт бўлакдан олиб, сарвнинг сиқиб олинган сувида баргизуб билан қўшиб қориштирилади; кашнич суви менга маъқулроқ; бунга гулсапсар ёғини [ҳам] қўшиш мумкин. Бу таркибни қўйиб боғланади.

Еттинчи фасл. Қамчин ва шунга ўхшаш нарсалар билан урилган кишилар ҳолати ва уларни даволаш

Қамчин билан урилган кишига бериладиган овқат ёриб пўсти ажратилган нўхатдан ва пўсти ажратилган қизил ловиядан бўлиши керак; сув ўрнига нўхат ивигилган сув ичирилади. Шунингдек, унга урилган ва йиқилиб тушган кишига ишлатиладиган дориларни, айниқса, арман лойини ичирилади. Яна, ровоч ва занжабилнинг иккаласидан бир ярим *дирҳамдан* иссиқ сув билан ичириб турилади.

Урилган жойга қўйиладиган нарсага келганда, унинг энг яхшиси шуки, қўйнинг янги шилиб олинган иссиқ ҳўл терисини олиб, ўша жойга ёпиштирилади ва уни кўчирмай қўйиб қўйилади. Кўпинча, бу тадбир иккинчи кунг тузатади, айниқса, тери тагига яхшилаб янчилган туздан

бир оз сепилса, [шу иккинчи кун] шишни тарқатган ва сасиб бузилишни тўхтатган бўлади.

338

|| Янчилган сопол, ўчоқ тупроғи ва шунга ўхшаш нарсаларни қамчин урилган жойга сепилади. Яна, куйдирилган қўрғошин ва қўрғошин упасидан баробар бўлақларни олиб, иккаласидан гул ёғи ва мум билан мумли қуюқ суртма ясалади. Шунингдек, катиरो ва заъфарондан баробар [миқдорда] олиб суртилади. Агар [урншдан] из қолса, уни зирних ва «мурчтоши» кетказади. Гоҳо шу ерда қонталаш ҳақида ҳам гапирилади. Биз бу ҳақда зийнат китобида айтдик.

Саккизинчи фасл. Бўғин тойиши

Бўғин тойишининг энг яхши давоси думба [ёғ] ва хурмодир; булардан бирини қўйиб боғланганда, агар бўғин тойган бўлса, албатта уни тузатади. Суяк синиши бобида бир қанча дориларни айтганмиз. Уларнинг ҳаммасини бўғин тойишига [ишлатса] ҳам бўлади; ўша жойга қаралсин. Тойиш тузалиб оғриғи кетмаса, уни боғлаб қўй, бўлмаса парво қилма.

Тўққизинчи фасл. Шилиниш, оёқ шилиниши ҳам шунга киради

Шилиниш [бирор нарсанинг] қаттиқ тегиши сабабли тери сатҳида юз берадиган пўст ажралишидир. Бу гоҳо шишли ва гоҳо шишсиз бўлади. Баъзан тери бутунлай шилиниб узилиб тушади ёки осилиб қолиб, уни ёпиштириб қўйиш керак бўлади. Шунда жароҳат бобида айтиб ўтилган ёпиштириш тадбири билан даво қилинади. Терини имкон бори-ча кесиб ташламаслик, балки [160] қайта-қайта бўлса ҳам, ўз жойига ёйиб қўйиш керак; шундай қилинса, у охири бориб ёпишади; ёпишмаса шу мақсад учун ишланган марҳамлар билан ёпиштирилади. Аммо шилинган жой очилиб қолганда, имконият бўлса, унга боғламасдан дори ёпиштириш яхшироқ, чунки шилинган жойни дорилар билан ҳаво ёрдамида қуритиш дуруст бўлади.

Енгил шилинишга келганда, содда шилиниш ва оёқ шилинишига қарши яхши дорилардан бири қуйидагича: ўпкани, айниқса қўзичоқ ўпкасини олиб, шилинган жойга ёпиштириб қўйилса, уни тузатади. Агар шилиниш шишсиз бўлса, куйдирилган эски терилар ёки гул ёғи ва қизил зирних фойда қилади. Куйдирилган қовоқ, айниқса, оёқ шилинганда, жуда ажойиб ва ишончли доридир. Араб акацияси шираси, мози, айниқса, бунинг куйдирилгани каби енгил буриштириш хусусиятига эга бўлган барча дорилар, эт битириб бириктириб тугатувчи дорилардан ҳисобланади. Енгил ва билинар-билинемас шилинишларга шу тадбир қўлланилса, кифоя қилади.

Кучли дорилардан бири мана бу: қалай упаси, қаврак елими, қизил гул ёғи ва миртани ёки канакунжут ёғи ва гулсапсар ёғини олиб, қаврак елимини сувда ёки шаробда эритилади ва шу таркибдан марҳам ясалади. Баъзан шароб билан бирга куйдирилган қўрғошиннинг ўзи кифоя қилади. Татим энгил ва юзаки шилинишни қуритади ва шишга тўсқинлик қилади.

Ясмиқ суви, арпа кашкоби, ясмиқ қайнатмаси ва денгиз сувини илтиб қўйилади, айниқса, шилинган жойда ёриқ бўлганида шундай қилинади. Шароб чўкмасининг қуруғини қўйиб боғланади. Аммо тери бутунлай [тушиб] кетган бўлса, қуритувчи ва [эт ундириб] тугатиши кучли дори билан шишга тўсқинлик қилиш зарур бўлиб, бунда даволаш қийинроқдир.

Унинчи фасл. Ингичка ва йўғон нарсанинг санчилиши, санчилиб қолган тикан, ўқ ва суякларни чиқариб олиш

Бирон нарсанинг [баданга] қадалиши ва санчилиши [*вахз* ва *хазқ*] ўткир қаттиқ нарсанинг баданга киришини ифода этиши жиҳатидан бир-бирига яқиндир. Аммо баданга кирган жисмнинг ҳажми жиҳатидан улар бир-бирдан фарқ қилади; ингичка ва кичик нарса кирса, *вахз*, ҳажми катта нарса кирса, нуқтали «з» [ҳарфи] билан *хазқ* дейилса керак. *Вахз* яна кирган нарсанинг кичик бўлиши билан бирга, кириб борган жойининг қисқалигини ва гўё теридан нарига ўтмаслигини тақозо қилса керак. Бу хилдаги *вахзга* тегилмай ўз ҳолига қўйилса, гарчи ёмон этли кишида бўлса ҳам, зарари энгил: лекин жуда ёмон этли кишида бўлса, баъзан ўша [нарса қадалган] жой шишиб, лўқиллаш пайдо бўлади, айниқса, қадалиш ва санчиш қаттиқ бўлиб, этгача етиб борса, [зарари оғирлашади]. Бу хилдаги санчилишнинг энг зўр давоси шишни ва оғриқни тўхтатиш бўлиб, жароҳат тадбирини қўллашга аҳтиёж тушмайди.

Йўғон нарса санчилишига келганда, бунда оғриқ ва шишга [қарши] тадбирларни қўллаш билан бирга жароҳатга қарши тадбир қўллашга ҳам муҳтож бўлинади. Жароҳат ва шишлар тадбири ҳақида етарли даражада айтиб ўтилди. Бу ерда улар ҳақида биз айтмоқчи бўлган нарса баданга санчилиб чиқмай қолган тикан, ўқ ва шуларга ўхшаш нарсаларни чиқариб олиш тадбиридир.

Чиқариб олиш гоҳо [санчилган] нарсани қисиб тортиб олувчи қуроллар билан, гоҳо сиқиш ва шунга ўхшаш ишлар билан бажарилади; баъзан қисқич ва бошқа қуроллар ожизлик қиладиган нарсаларни тортиб чиқариш хусусиятига эга бўлган дорилар билан [суғуриб олинади].

Қисувчи қуроллар билан тортиб олиш қонунига, масалан, ўқларни қаттиқ қиссин учун учлари эговсимон қилинган қисқичлар билан чиқариб олишга келганда, бунинг қонуни — ушлаб турилган нарсанинг синиб қолишидан эҳтиёт бўлиш, чиқариб олинадиган нарсага қисқич борадиган йўлнинг у нарсани ушлаш имкониятига тўсқинлик қилмайдиган [даражада] кенг бўлиши, [нарса] икки томондан чиқиб турганда, уни чиқариб олиш учун энг осон томонни танлаш ва у нарсани чиқариб олишга мос томонни керакли миқдорда кенгайтиришдир. Санчилган нарсанинг синиб қолишига қарши кўриладиган тадбир: уни тўсатдан қаттиқ тортилмайди, балки уни ушлаб, санчилган, [эич] ёпишиб ёки қимирлаб турганлигини билиш учун қимирлатиб кўрилади, кейин тикасига тортиб олинади; кўпинча [нарса] жойидан ўзи кўчсин учун уни бир неча кун ўз ҳолига қўйиш, сўнгра чиқариб олиш керак бўлади.

Бу санъат билимдонларидан бирининг айтган сўзини ўзи айтганидек келтирамиз¹. «Ўқларни чиқариб олишдан олдин уларнинг турини 339 билиш керак, || чунки баъзи ўқлар ёғочдан, баъзилари қамишдан қилинган бўлиб, [161] учлари темир, мис, қалай, [турли] шохлар ва суяклардан, тош, қамиш ва ёғочлардан бўлади. Ўқ учларининг баъзилари [қиррасиз юмалоқ, баъзилари уч қиррали ёки тўрт қиррали бўлади; баъзилари икки ва уч тилли. Баъзи ўқлар учли, баъзилари эса учсиз бўлади. Учи борининг баъзиси, ташқарига тортилганда жасадга илиниб қолсин учун, учи орқага қараган, баъзисининг эса, кучлироқ кирсин учун учи олдинга қараган бўлади. Баъзи ўқларнинг учи бурамага ўхшаш нарса орқали ҳаракатланиб туради, бундай ўқни сиртга қараб тортилганда учлари кенгайиб, ўқнинг чиқишига тўсқинлик қилади.

Баъзи ўқларнинг учи катта бўлиб, найзаси уч энлик, баъзисиники эса бир энлик бўлади; бунисини «думлик» деб аталади. Баъзиси текис бўлади, баъзисининг устига ингичка темирлар уланган бўлиб ўқ чиқарилганда улар кирган жисмнинг чуқурлигида қолади. Баъзи ўқларнинг учи ўққа санчилган, баъзиларининг учиди эса ўқ киргизиб қўйиладиган найчалар бўлади. Баъзи ўқлар учи билан маҳкам бириктирилган, баъзилари эса тортилганда ўқ учидан ажралиб чиқиб, учи жасадда қолсин учун маҳкам бириктирилмаган бўлади. Баъзисининг учи заҳарланган, баъзиси заҳарланмаган бўлади.

Ўқни икки йўл билан: бири тортиш, бири итариш орқали чиқарилади. Бадан юзасига санчилган ўқни тортиш йўли билан чиқарилади. Шунингдек, ўқ баданга чуқур санчилиб, унга дуч келган жойларни ёрилганда, ҳалокатга олиб борадиган [даражада] қон кетиш ёки қаттиқ азият юз бериш хавфи² туғилса ҳам, тортиб чиқариш усули қўлланилади.

Ўқ этга санчилганда унга дуч келган [бадан] жисми оз бўлиб, асаб, суяк ва шуларга ўхшаш ёришга монелик қиладиган бирор нарса бўлма-

са, итариб чиқарилади. Агар яраланган жой суяк бўлса, бунда тортиб чиқариш усули қўлланилади. Ўқ юзада [кўриниб турса], уни тортиб оламиз; кўринмай турганда эса, Буқрот айтгандек, жароҳатланган киши ўзини ўқ теккан пайтида турган вазиятига қайтариши мумкин бўлса, ўша вазиятга қайтариш билан ўқни топиш керак бўлади. Бунинг иложи бўлмаса, ярадорни мумкин бўлган шаклда ётқизиб, ўқни қидириш ва пайпаслаб топиш керак бўлади.

Агар ўқ этга санчилган бўлса, уни қўл билан ёки чўпи тушиб кетмаган бўлса, айниқса [чўп] қамишдан бўлмаса, чўпи билан тортиб олинсин. Агар чўпи жойидан тушиб кетган бўлса, ўқ учини қисқич ёки мўйчинак, ёки ўқларни чиқариб оладиган қурол билан чиқарилсин.

Баъзи вақтларда ўқ учини дастлаб ёрилган жойдан чиқариб олиш мумкин, бунинг иложи бўлмаса этни кўпроқ ёриш лозим. Ўқ жароҳатланган аъзода кўндаланг туриб қолса-ю, уни кирган жойидан чиқариб олиш мумкин бўлмаса, ўқ қаршисидаги жойни ёриш ва шу жойдан ё тортиб чиқариш ёки чўпи ўзида бўлса, итариб чиқариш керак бўлади; агар чўпи тушиб кетган бўлса, бошқа нарса билан итарилсин, шунда ўқ учи сиртга чиқади. [Ўқни] итариб чиқаришда бирор асаб ёки артерия кесилмаслиги керак. Ўқ учиде дум бор эканлигини [пайпаслаб] текшириш орқали биламиз. Шу думни ўқни итариб чиқарадиган қуролнинг найига киргизиб итариш лозим. Ўқ учи чиққач, биз унда чуқурчаларни кўрсак,— уларга ингичка темирчалар жойлаштирилган бўлиши мумкин,— шунда текширишни яна давом эттирамиз ва темирчалардан биронтаси топилса, мана шу [айтилган] усуллар билан чиқариб оламиз.

Ўқ учининг турли қирралари бўлиб, чиқариш қийин бўлса ва ёриладиган жой яқинида бирор қўрқинчли аъзо бўлмаса, то ўқ учи очилгунича ёриқни кенгайтирамиз ва уни аста-секин чиқариб оламиз. Баъзи табиблар эт [биргалашиб] чиқмаслиги учун қирраларни найга киргизиб оладилар.

Агар жароҳат тинч [бехавотир] бўлиб, унда ҳароратли шиш бўлмаса, аввало, уни тикамиз, сўнгра эт битириш тадбирини қўллаймиз. Агар жароҳатда ҳароратли шиш юз берган бўлса, уни қуйиладиган ва қўйиб боғланадиган дорилар билан даволаймиз.

Заҳарланган ўқларга келганда, [162] иложи бўлса, ўқ кириб борган этни кавлаб очиб ташлаш лозим; уни соғлом этга қараганда ўзгарганлигидан билинади. Заҳарланган эт ёмон хира рангли бўлиб, мурда этига ўхшаб туради.

Агар ўқ суякка санчилган бўлса, уни қурол билан чиқариб оламиз. Агар бунга этнинг бирор бўлаги тўсқинлик қилса, уни кавлаб очиб ёки [узунасига] ёриш керак бўлади. Ўқнинг суякка чуқур санчилганли-

340 гини уни қимирлатиб кўрганмизда маҳкам туриши ва кам қимирлашидан биламиз. Шунда, аввало, ўқ тепасидаги суякни кесувчи қурол билан кесилади ёки суяк йўғон бўлса, ўқ атрофини парма билан тешиб, ўқни ажратиб олинади. Агар ўқ || мия ва юрак каби бошқарувчи аъзолардан бирига ёки ўпка, қорин, ичак, бачадон, жигар ёки қовуққа санчилган бўлиб, ўлим белгилари кузатилса, ўқни тортмаслик керак. Чунки бундан бетоқатлик кўпаяди; касалга фойда кам тегиши билан бирга жоҳиллар учун бизга қарши сўзлашга баҳона бўлиб қолади.

Агар ёмон белгилар кузатилмаса, [касални] қўрқинчли ҳолатлар содир бўлишидан огоҳлантириб ва бундан, кўпинча, катта офатлар юз бериши мумкинлиги ҳақида олдиндан гапириб, сўнг чора кўришга киришамиз. Чунки бу хилда [яраланган] кишиларнинг кўпчилиги умид қилинмаган ҳолларда ҳам ажойиб равишда соғайганлар. Бунда, кўпинча, жигар бўлаги, қорин устидаги юпка пўстнинг озгинаси ёки бутун чарви ва бачадон [ўқ билан бирга] чиқиб қолади, бироқ ҳалокат юз бермайди; шу билан бирга, агар биз ўқни бошқарувчи аъзоларда қолдирсак, ҳар қандай ҳолда ўлим юз беради ва бизни шафқатсизликда айблайдилар; ўқни чиқариб олганимизда эса, гоҳо аҳёнан бўлса ҳам, касал соғайиб кетади.

Ун биринчи фасл. Тортиб чиқарувчи дорилар

[Бирор нарса] санчилган жойга қаврак елимини қўйиш керак, чунки у кучли тортувчидир. Қамиш илдизини ҳам янчиб қўйиб боғланади, баъзан уни асал ва нон билан қориштириб [боғланади]. Шунга ўхшаш қора кўкнорнинг барги ва анжир баргини толқон ёки мингдевона уруғи, айниқса, оқ зок билан қўшиб, [қўйиб боғланади]. Шунингдек, мингдевона мевасини ўз ҳолича [ишлатилади]; шаббўйнинг турли хили, аристолохия ва наргис пиёзини ҳам боғланади.

Жониворлардан ҳам кўп [тортувчи] дорилар олинади; териси шилинган қурбақа шулар жумласидандир; суякка санчилган нарсага қарши бу жуда ажойиб [таъсирга] эгадир. Шунинг учун бу тишларни ҳам қўпориб туширади. Янчилган қисқичбақа, *урбийн*¹ ва барча панирмоялар ҳам [тортувчидир]. Айтишларича, калтакесакни майдалаб санчилган нарса устига қўйилса, уни кучли равишда тортиб олади.

Мураккаб дорилардан: калтакесакнинг бошини узун аристолохия, қамиш илдизи ва наргис пиёзи билан қўшиб [боғланади]. Битиб кетган яралар тагидан бузилган суякларни тортиб олишга хос дориларни суяклар бобида айтамыз.

Ун иккинчи фасл. Оловдан куйганни даволаш қонуни

Оловдан куйганни даволашда икки мақсад кўзда тутилади: бири қаварчишга тўсқинлик қилиш, иккинчиси куйганни тузатиш. Қаварчишга тўсқинлик қилишда ачиштирмай совутувчи дориларга эҳтиёж туғилади. Куйганни даволашга келганда, бунинг учун кўп эмас, озгина қуритиш билан бирга ачиштирмайдиган, иссиқ ва совуқликда мўътадил ва бир оз тозалаш хусусиятига эга бўлган дориларга эҳтиёж тушади. Бир йўла ҳар икки мақсадга мувофиқ тадбир қўллашга эҳтиёж туғилса, аввало совутувчи, сўнгра керак бўлса, иккинчи мақсадга мувофиқ [тозаловчи] дори ишлатилади. Аммо куйган жой қаварчиб бўлгач учратилса, иккинчи тадбирни қўллаш керак. Бунинг дорилари *қимулиё* кесаги, енгил вазнли лойлар, қайнатилган ясмиқ, Ҳинд сиёҳи ва шуларга ўхшашлардир. Аммо кундур елими, сақич ва ёғли нарсалар куйганни тузатмайди, чунки уларнинг баъзиси керагидан ортиқ қиздирувчан бўлиб, ачиштириш қувватидан ҳам ҳоли бўлмайди, баъзиси эса керагидан ортиқ ҳўлловчи бўлади.

Ун учинчи фасл. Куйганга қарши биринчи мақсадга мувофиқ ишлатиладиган дорилар

Сандал, *фуфал*, янги оқ пишиқ ғишт ёки сополни олиб, итузум суви ва гул суви билан қўшиб [куйган жойга] суртилади; ёки тухум сариғи ва гул ёғидан марҳам ясаб [ишлатилади]; сачратқи, ювилган арпанинг уни, тухум сариғи ва гул ёғи, шунингдек, қайнатиб гул ёғи билан қўшилган ясмиқ ҳам [ишлатилади]. [163] Яна сирка билан арман лойи ҳамда керакли [усулда тайёрланган] гул ёғи билан мум [қўлланилади]; сўнгра бу дориларга тамом ювилган оҳак, қўрғошин упаси, афюн, тухум оқи ва бир оз сут қўшилади. Шунингдек, ёввойи гулхайри баргини олиб, ширин сувда қайнатилади, кейин янчиб ипсимон толалардан тозалаб, сўнг бунга ишланган куйдирилган қўрғошин ва қўрғошин упасининг ҳар биридан икки ярим бўлакдан, гул ёғидан тўрт бўлак, итузум суви ва кашнич сувининг ҳар биридан бир бўлакдан қўшилади.

Ун тўртинчи фасл. Куйганга қарши иккинчи мақсад учун ишлатиладиган дорилар

Бунинг учун энг яхши дори оҳак марҳамидир; унинг нусхаси: оҳакни олиб, ўткирлиги бутунлай кетгунича етти марта ювилади; кейин гул ёғи ёки зайтун ёғи ва, эҳтиёж туғилса, бир оз мум билан пишитилади. Баъзан бу таркибга *қимулиё* лойи, тухум оқи ва бир оз узум сиркаси ҳам қўшилади.

Оҳак марҳамининг бошқа тури: оҳакни юқорида билганингдек ювиб, лавлаги ва карам баргларининг суви, гул ёғи ва мум билан қўшиб марҳам тайёрланади. Куйган жойда тошма ва қаварчиқ юз бериш хавфи бўлмаса, унга юлғуннинг куйдирилган барги ёки куйдирилган жингак сепиш мос келади.

341 Кам ҳароратли куйган жойга мос келадиган марҳам — буни узоқ вақт таркиб қилинади, бироқ у тажриба қилиб кўрилганда яхши топилган, унинг таркиби: яйловда юрган молнинг қуриган тезаги, санавбар дарахти пўсти ва кийик ўтининг ҳар биридан ўн *дирҳамдан*, куйдирилган қўрғошиндан уч [*дирҳам*], кумуш чиркидан икки [*дирҳам*], қалай чиркидан тўрт [*дирҳам*], совуқ сув билан кўп марта ювилган оҳакдан беш [*дирҳам*], қимулиё кесагидан беш [*дирҳам*], Қибрис ёки Рум, ёки арман лойидан ва қалай упасидан етти [*дирҳамдан*], янчилган қизил тасмадан ўн [*дирҳам*], Форс ёки Чин сиёҳидан олти [*дирҳам*], яшил тўтиёдан етти [*дирҳам*], қўй тезагидан ўн [*дирҳам*], қўйпечак уруғи ва баргидан ўн беш [*дирҳамдан*], темир чирки гулхайри баргининг шираси ва ёввойи гулхайри барги ширасидан ўн [*дирҳамдан*], оқ гулсапсар, унинг пиёзи, ҳаворанг гулсапсар ва заъфарондан беш [*дирҳамдан*], кофурдан тўрт [*дирҳам*], мум, гул ёғи, тоғ эчкиси илиги ва ёғидан етарли миқдорда олиб, [марҳам тайёрланади].

Кам ҳароратли куйган жойга мос келадиган жуда кучли дорилардан бири: мис ва темир кукунини олиб, тоза тупроқ ёки қизил кесак билан қориштирилади, сўнгра тандир ёки ўчоқда куйдириб, кулча ясалади ва сақлаб қўйиб, қуритиш зарур бўлган жойга сепиладиган дори сифатида ишлатилади ёки гул ёғи билан суртилади.

Яна шу хил доридан: каптар тезагини латтага ўраб кул бўлгунича куйдирилади ва бирор ўсимлик ёғига қўшиб суртилади: бу ажойибдир! Куйиб яраланган жойларга қайнатилган гандано ёки толқон ва сепиладиган қилиб янчилган мирта билан қўшилган семизўт фойда қилади. Агар бу билан тузалмаса, куйдирилган юлғун барги ёки ёввойи жингакнинг куйдирилган барги [ишлатилади]. Агар бунда ҳам тузалмаса, ёмон сифатли яраларни битирувчи дорилар қўлланилади.

Ун бешинчи фасл. Қайноқ сувдан куйиш

Гоҳо қозонда қайнаб турган [нарса] ёки қайноқ сув иттифоқо кишининг бирор аъзосига тўкилиб, оловдек таъсир кўрсатади. Бундай ҳолларда энг тўғри [тадбир] қаварчишдан олдин дарҳол шошилиш равишда сандал, гул суви ва кофур суртишдир. [Куйган жой] қуришига йўл қўйилмасин, балки ҳар доим кетма-кет муз солинган совуқ сувга латта ботириб қўйиб турилсин; чунки бу куйган жойни қаварчишга

қўймайди. Бир гуруҳ [табиблар] бундай куйганга шошилиш равишда зайтун сувини ёки кул сувини сепишга буюрадилар; яхшироғи, буларнинг қайси бирини бўлса ҳам, толқон ёки оҳак марҳами билан қўшиб эзиб ишлатишдир.

Юқорида [оловдан куйиш бобидан] айтилган каптар тезагидан тайёрланадиган дори ҳам ажойибдир.

Куйган жойнинг ярасини қайнатилган ёки қуритиб янчилган гандано билан даволанади, қуритилгани яхшироқдир. Биз *олдинги бобда¹ айтган дорилар билан ҳам даволанади.

Ун олтинчи фасл. Қон оқиш ва уни тўхтатиш

Биринчи китобда томирлардан чиқадиган қоннинг [164] ё томирларнинг кучсизлиги, ёки жуда тўлиқлиги туфайли, ёки кучли ҳаракат, ҳатто бақриш ва сакраш туфайли оғзи очилиб кетишидан, ёки ташқаридан етишган [қонни] тортувчи иссиқдан, ёки уларни ёриб қирқувчи сиртқи таъсир, ёки ичкаридан ўйилиш, ёки тўлиқлик билан бирга қаттиқ ҳаракат туфайли ёрилиб узилишидан оқишини билдинг; ёки [қон] томир жисми ва пўстида воқе бўлган сийракланиб тўзиш сабабли сизиб чиқади.

Томирларнинг қон оқишига мосроғи, агар қон оқишга йўл топса, артерия [томирлари]дир. Чунки артериянинг жисми ҳаракатчан бўлиб, ичидаги нарса гоҳ қисилиб, гоҳ кенгайиб туради.

Узлуксизлик бузилгандан кейин [қон] бемалол [кириб чиқадиган] бўш жой топса, иш «қон онаси» деб аталадиган *аниврисмо*² касаллигига бориб тақалади. Артерия эт битадиган нарсалардан бўлса ҳам, унинг битиши қийиндир. Кўпинча, артерия ўзи битмай, уни ўраб турган нарса битади ва уни сиқиб, натижада қон кучли равишда оқишга имконият тополмайди, балки унинг бир оз қисми, яъни сиғадиган миқдордагиси тери тагига чиқади. [Қон чиққан жойни] аста-секин босилса, қон ичкарига қайтади; бу ҳолат, кўпинча, [томир] ёрилганда юз беради. Баъзан томирнинг ўзи тери тагида [кенгайиб] қолади, бу унинг ўришидан ва бўртиб туришидан билинади. Кўпинча, бу ҳолат ички артерияларда юз беради; бунда артерия ёрилади-ю, [унинг] қобиғи ёрилмайди. Натижада тери тагида қўл билан босиб кетказиш мумкин бўлган қон ва елдан иборат юмшоқ шиш *аниврисмо* пайдо бўлади. Бу, кўпинча, бўйин, чов ва тизза орқасида ўз-ўзидан пайдо бўлади, кўпинча, бирор ташқи сабабдан ва томирдан қон олишдан ҳам юз беради³.

Кўп табиблар ҳар бир артериянинг йиртилиши «қон онаси» касаллигига олиб келади, чунки артерия битмайди, балки жуда кўп деганда

уни ўраб турган нарсалар битиб юқорида танилган шиш пайдо бўлади, аммо артериянинг ўзи битмайди, деб гумон қиладилар.

Аммо аҳвол бундай эмас! Артериянинг битиши мумкинлигини инкор қилувчилар қиёс ва тажриба ҳужжатиغا асосланадилар. Қиёслари шуки, артериянинг икки қаватидан бири тоғайсимондир, тоғай эса битмайди. Тажрибаларига келсак, артериянинг битиши ҳеч бир кўрилган эмас. Жолинус бошқа қиёс ва тажриба билан уларга қарши туради. Қиёс хитобий қиёс бўлиб, унинг суврати [далили] шуки, артерия эт сингари битадиган ва суяк сингари битмайдиган жисм ўртасидаги бир нарсадир; демак, у битиши керак, аммо қийинлик билан битади. Тажрибасига келганда, унинг ҳикоя қилишича, у кўп артерияларни даволаганида, уларнинг битиб кетганини кўрган. Биз баён қилиб бўлган нарса шудир.

Энди айтаманки, аъзолар қоннинг қандай қўзғалиб чиқишига қараб турлича бўлади. Баъзи аъзолар, масалан, жигар ва ўпка ёрилганда қон кўплаб кетади, баъзиларидан эса озроқ чиқади. Бу икки хил қон кетишининг ҳар бири || хатарли ёки хатарсиз бўлиши мумкин. Ўпка ва бурундан қон чиқиши бунга мисол бўлади: агар қон ўпкадан чиқса хатарли, бурундан чиқса хатарсиздир, ваҳолонки бу иккаласидан ҳам қон кўплаб чиқади. Қовуқ, бачадон ва буйракдан қон чиқиши ҳам бунга мисол бўлади, чунки булардан қон бир йўла кўплаб чиқа бермайди, балки узок муддат чиқиб туриши сабабли кўп чиқади, натижада ёмон оқибатга олиб боради.

Артерияларда қон кетиш ҳолати ҳам турлича бўлиб, баъзисида, масалан, қўл ва оёқдаги катта артерияларда жуда ёмон ва хатарли бўлади. Чунки бундай артериялардан қон кетишини тўхтатиб бўлмайди ва у кўпинча ўлдиради. Баъзисида, масалан, калла [юзасидаги] артериялардан қон кетиши беҳавотир бўлади, чунки уни тўхтатиш осон: боғлаб қўйишнинг ўзи кифоя қилади. Кўпинча, кичик артериялардан қон оқиб, кейин ўз-ўзидан тўхтаб қолади.

Қоннинг артериядан ёки бошқа томирдан чиқаётганлигини қуйидагича билинади, артерия қони силташ билан уриб чиқади ва бошқа томирларникидан суюқроқ ва қизилроқ бўлиб, вена қони сингари қорамтир ва хира бўлмайди¹.

Билгинки, кишида бўшалиш, айниқса қон бўшалиши, хусусан, артерия бўшалиши ҳаддан ташқари бўлса, унда ёмон сифатли тиришиш пайдо бўлади, агар унда ҳиқичоқ ҳам пайдо бўлса, бу — ўлдиради; агар ҳиқичоқ билан бирга беҳушлик ҳам юз берса, бу тезда ўлдиради. Алаҳлаш ва ақл қоришуви ёмон белги бўлиб, агар булар тиришиш билан бирга келса, кўпинча ўлдиради.

Ун еттинчи фасл. Қон оқишни даволаш

Қон кетишни даволашда аввало уни тўхтатиш, кейин яра бўлса, унга қарши тадбир қўллаш керак. Қон оқишнинг сабаби ўйиб еювчи ёки шунга ўхшаш турғун сабаб бўлса, сабабни йўқотмай туриб, қон кетишни тўхтатиш мумкин эмас. Агар аҳвол сабабни йўқотишга муҳлат бермайдиган даражада бўлса, оқаётган қонни қон тўхтатувчи нарсалар билан боғлашга тўғри келади; бу нарсалар оқаётган қонни тўхтатувчи омиллардап иборатдир. [165] Бу сабаблар Биринчи китобда маълум бўлган эди. Лекин биз эҳтиёт юзасидан уларни яна эслатиб айтмазмики, у омиллар ё қонни чиқаётган жойдан бошқа тарафга йўналтиради, ёки ўша жойдан чиқишига тўсқинлик қилади, ёки шу инкала ишни, ёки бир қанча ишни бир йўла бажаради.

Қонни бошқа томонга йўналтирадиган биринчи хил омил [қўлланганида] қонни чиқиб кетиши учун бошқа йўл тайёрланмай, уни [оқаётган жойига] қарши томонга тортилади. Масалан, жигар устига қортиқ қўйилганда буруннинг ўнг тешигидан қон оқиши тўхтайдди. Ёки қон чиқиши учун бошқа йўл тайёрланади, масалан, бурни қонаётган кишининг қон оқаётган томонга қарши қўли томирини торроқ қилиб очиб қон олинади.

Бирор бошқа йўлдан чиқармай қонни тўхтатишга қон ҳаракатига ва чиқишига тўсқинлик қилиш билан эришилади; бунинг учун қуюлтирувчи ёки увуштирувчи нарса [ишлатилади]. Увуштирувчи нарса ё дори бўлади, ёки беҳушлик сингари баданда юз берадиган ҳолат бўлади; чунки беҳушлик ҳам, кўпинча, қонни тўхтатади.

Қон кетаётган жойнинг ўзида қонни тўхтатувчи омилга келганда, бу қон чиқаётган жойни боғлаш, [жароҳатни бирор нарса билан] тўлдириб ёки тўлдирмай беркитиш, доғлаб ёки доғловчи дори ишлатиб қовжиратиш, қонни қотириб қуюлтириш, [жароҳатли] жойда ёпиштириш ё қуритиш [орқали] эт битириш, қон чиқаётган томирни ўраб турган этни қон чиқишига тўсқинлик қиладиган даражада қаттиқ бириктириб қисиллардан иборатдир.

Шуни билгинки, жароҳатда шиш бўлса, бу тадбирларнинг кўпинни қўллаш қийин: на ип билан боғлаш, на пилик тиқиш ва қаттиқ танғишнинг иложи бўлмайди. Бундай ҳолда фақатгина ёпиштириш, буриштириш, увуштириш ва қонни қуюлтириш тадбирини қўллаш мумкин бўлади, холос. Агар илож боғлаш ёки ёриш, ёки дори ишлатишдан иборат бўлиб, оғриқ туғдирувчи бўлса, бу — жуда ёмон; оғритувчи ҳар қандай вазият ҳам ёмондир. Вазият икки шартни ўзида бирлаштириши лозим: бири оғриқ бўлмаслиги, иккинчиси қон оқаётган томон юқорига қараб туриши; қуйига солинтириб қўймаслик керак, бундай ҳолатда

қоннинг юзага [оқиб] чиқиши осонлашади. Бу икки иш бир-бирига монелик қилса, [қон оқиш] ҳолатига қараб, улардан мувофиқроғи ва [касал] енгилроқ кўтара оладигани қўлланилади.

Энди, бундан кейин, тадбирларни бирма-бир баён қилишимиз зарур. Аввало, томир артерия ёки вена эканлигини мазкур белгилар орқали аниқлаб билиш керак, чунки артерияга венадан кўра кўпроқ эътибор берилади. Сўнгра айтамикки, қонни бирор ердан чиқариб юбормай, [оқаётган томон] қаршисига тортишга келганда, бунга [бирон] аъзони ишқалаб ёки боғлаб, ёки қортиқлар қўйиб алам бериш орқали эришилади. Бу аъзо касалланган [аъзога] ҳамкор бўлиб, буларнинг ҳар иккаласи ораллигини узунасига ёки кўндалангига туташтириб турган чизиқнинг [бошқа] бир тарафида бўлиши керак. Узунасига ёки кўндалангига қарши томонда жойлашган аъзонинг қайси бири узукроқ бўлса, ўшанисини [танлаб] олиб, яқини олинмайди. Масалан, бошнинг икки томони ёки қўлнинг икки томони ўртасидаги масофа қонни қарши томонга тўла-тўқис тортишда мўлжалланган масофадан кўра анча яқиндир. Бу масалада || Биринчи китобда бўшатиш қонунлари ҳақида айтганларимизни ҳам эслаш керак.

Боғлаш, ишқалаш ва шуларга ўхшаш тадбирларни қон кетаётган аъзога яқинроқ жойдан бошлаб, сўнгра ундан қуйига қараб тушириш лозим.

Артерия ёрилганда ва шунга ўхшаш бошқа [ҳолларда] қонни тўхтатиш учун бу тадбир кифоя қилади деб кутиш керак эмас, у фақат ёрдам беради, холос. [Қон кетаётган аъзога] ҳамкорлик қилаётган узоқ томондаги томирдан қон олиш ҳукми ҳам шундай.

Қон тўхтатиш тадбирининг иккинчи хил [омилидаги] икки усулнинг бири, қонни қуюлтирувчи сабабдан иборат, масалан, бурнидан ёки бошқа жойдан кўп қон кетадиган кишига ясиқ, чилонжийда ва шуларга ўхшаш ғализ каймусли ва қонни қуюлтирувчи овқатлар берилди. Иккинчи усулга келсак, касалга, масалан, увуштирувчи нарсалар ва совуқ сув ичирилади, баданини совутилади ва ухлатилади. Баъзан беҳушлик ҳам қонни тўхтатиб, фойда етказди.

Иккинчи хил [омилларнинг] айтиб ўтилган бошқа усулларига келганда, бу ҳақда бир нарсани кўзда тутиш керак; у шуки, баъзан артерия юракнинг икки томонидан бирортаси орқалигина унга тутшиб қўя қолмайди,— [бундай бўлганда] бир унинг ўзини боғлаш билан [қон кетишидан] қутулинган бўларди,— балки юракнинг бошқа томонига бошқа артериянинг бирор шохобчаси тутшиб тарқалган¹ бўлади [166] ва [боғланган артерияга] тўсиб қўйилган томондан бошқа йўл орқали қонни етказиб бераверади; натижада икки жойдан боғлашга тўғри келади. Бундан олдин қон чиқаётган томирнинг бошланган томонини билиш

керак. Баъзи жойларда, масалан, бўйинда, бу бошланган жой қуйида, баъзи жойларда, масалан, сон ва оёқда эса юқорида бўлади. Уша томон аниқлангандан кейингина боғлаш ва танғиш тадбири қўлланилади¹.

Бу соҳада кўриладиган тадбирнинг бири шуки, [томирни] ёпиб бекииб турган этни бир оз бўлса ҳам, [томирни] илмоқ ёрдамида чиқариб олинади, кейин уни [латта билан] ўраб қўйилади ва биз айтадиган дорилар ишлатилади. Агар у урувчи томир бўлса, уни каноп ип билан боғлаш яхшироқ; томир урувчи бўлмай, катта бўлиб, қони тўхтамайдиган бўлса ҳам шундай қилинади². Бу тадбирни қўллаганинда дориларни доимо ишлатиб туриб, бойлоқни уч-тўрт кунгача ечмайсан. Ёпиштирувчи дори қон кетаётган жойга ёпишиб қолганини кўрсанг, уни ҳеч кўчирма, лекин унинг атрофига намлаб турувчи дорилардан бир озроқ қўй. Агар қон кетаётган жойга ёпиштирилган нарсани очмоқчи бўлганинда, у дори ўз-ўзидан кўчиб кетса, томир келган томондан ўша жойнинг тагидан бармоғинг билан тутиб, қон отилиб чиқмасин учун босиб тур; кейин кўчиб қимирлаб турган [дорини] олиб ташла ва ўрнига бошқасини ёпиштир. Шу пайтда у [қон кетаётган] аъзони муносиб вазиятда қўй; бу вазият шуки, томирнинг оғзи унинг бошланаётган томонидан юқорироқ туради. Ҳатто, масалан, [жароҳат] ичак ёки бачадоннинг қуйи томонларида бўлса, тўшак қўйиб [гавданинг] қуйи томонини юқори, юқори томонини эса паст қилиб ва оғритмайдиган қилиб қўйилади. То қон тўхтагунича — уч кунгача доимо шу йўсинда қўйилади.

[Бирор нарса] тиқиб қонни тўхтатишга келганда, бу тадбирни катта артерияларга қўллаш мумкин, бунинг учун қуён юнги, ўргимчак уяси, ингичка толали пахта ёки эскириб титилган каноп латтадан пилик ясалади, кейин пилик устига ёпиштирувчи ёки қон чиқишига тўсқинлик қилувчи дорилардан сепиб, артериянинг ўзига тиқиндек қилиб киргизиб қўйилади, кейин устидан бойлоқ боғланади. Баъзан фақатгина қуён юнгидан ишланган пиликнинг ўзи [ҳам] қонни тўхтатишга кифоя қилади. Боғлаганда то эт битгунича ажратилмайдиган қилиб маҳкам боғлаш зарур. Пиликни [чиқаришга] келганда, уни табиатнинг ўзи оз-оздан чиқариб ҳайдайди ёки бошқа бир тадбир кўради.

Қон чиқаётган жойни бирор нарса тиқмай беркитишга келганда, беркитадиган нарсани томирга киргизмай, унинг оғзига қўйиб, устидан боғланади. Ёки қонни бойлоқлар, айниқса, булутли бойлоқлар ва қаттиқ боғлайдиган нарсалар ёрдамида тўхтатилади. Булардаги боғлаш қонни тортишдаги боғлашнинг аксича бўлади; биринчисидан томир оғзига яқин ердан боғлаб, сўнг орқага қараб ўраб кетилади ва аста-секин [боғлашдаги] қаттиқликни бўшатиб борилади; бунисида эса аксинча бўлади.

Билгинки, боғич ва бойлоқлар бўш боғланса, зарар етади: бунда яна қон тортилиб, қонни тўхтатиш ва тўсишдан иборат фойдани келтирмайди. Бу бобда эҳтиётлик билан иш кўриш керак.

У жойни яхшилаб боғланганда моддани [бошқа томонга] йўналтириш ва бу боғичнинг тортувчи таъсирига тўсқинлик қилиш учун қарши томон ҳам боғлаб қўйилиши керак. Боғлаш қонни тўхтатиш даражасида бўлиб, оғритмайдиган бўлсин; агар оғритадиган даражада боғлашга эҳтиёж тушса, олдин шундай боғланади-ю, кейин аста-секин бўшатилади. Қўпинча, ёрилган этнинг иккала лабини бириктириб тикиш ва боғлаб қўйиш зарур бўлади, баъзан эса иккала лабини бириктириш ва бириккан ҳолда тутиб турадиган маълум нарсаларни қўйиш ҳам кифоя қилади. Сўнгра эт битирадиган дорилар сепиб боғланади. Масалан, бўйин томири ёрилса, дастлаб уни бир қўлнинг бармоқлари билан қисиб туриш, бошқа қўл билан ёрилган жой оғзига дорилар ёпиштириш ва боғлаш керак.

Қонни қуюлтириб тўхтатишга келганда, бу ё томир оғзи юзасини то қон қотгунича тўсиб турадиган даражада доимо боғлаб қўйиш билан,— шунда [қотган] қон тўсиққа айланади,— ёки қонга таъсир кўрсатиб, уни қотирадиган жуда совутувчи нарса билан бўлади.

344 || Қон оқаётган жойнинг этини қисиб, қонни тўхтатишга келганда, масалан, томир кўндалангига кесилган бўлса, томир аввал иккала ёнига қараб қайрилади, шунда қон оқиб [келаётган] томоннинг эти унинг устига келиб бирикади; бу фақатгина этли жойлардагина бўлади. Қўпинча, томир чуқурроқ ботсин учун, унинг бир томонидаги шохобчасини кесишга тўғри келади; кейин унинг устига дорилар қўйилади; шунда кўпинча, «қон онаси» юз бермай, [жароҳатли] жой битиб кетади.

[Этни] қовжиратиб қонни тўхтатиш [167] қон кетиш кучли бўлганда олов билан, кучсизроқ бўлса оҳак, зангор, турли зоклар ва зирнихлар ҳамда зира ва шунга ўхшаш доғловчи дорилар билан бажарилади; бу дорилар ўша жойга сепилади. Шунингдек, кўпинча, денгиз кўпигини боғлаб қўйилса ҳам қонни тўхтатади. Лекин қовжиратиб қонни тўхтатишда хатар бор, чунки қовжиратилган жой ўз-ўзидан ёки қоннинг озгина [бўлса ҳам] қаршилиқ кўрсатиб туртишидан, ёки бошқа бирон энг кичик сабабдан ҳам кўчиб кетаверади. Қовжираган жой кўчиб тушгач, иш яна қайтадан улғаяди. Шу сабабли қовжираш чуқур, қалин ва осонлик билан тушиб кетмайдиган ёки тагидан эт униб улгурадиган даражада узоқ муддат турадиган бўлсин учун, доғлашни оловда жуда қаттиқ қиздирилган темир билан бажаришга буюрганлар. Кучсиз, доғлашдан юпқа қовжираш ҳосил бўлиб, у кичик бир сабаб билан тушиб кетади: шу билан бирга, у моддани кўп тортади ва қаттиқ қизаради. Аммо кучли доғлаш, [жароҳатли] қаттиқ қовжиратиб бекитади, ёриқни бужмайтириб ва бурнштириб йўқотади.

Мўътадил таъсир кўрсатиб доғловчи яхши дорилардан бири мана бу: тухум оқини олиб, ўчирилмаган оҳак билан қўшилади ва бунга қуён юнги ёки шунга ўхшаш нарсани ботириб қон чиқаётган жойга қўйиб боғланади.

Зира ва оҳакни қон чиқаётган жойга қўйиб боғланса, кўпинча, бу ҳам тўла фойда етказди. Гоҳо бу таркибга сариқ ва бошқа хил зоклар қўшилади. Бу дорилар доғлаш билан бирга буриштирувчи ҳамдир. Оҳакда эса доғлаш хусусияти бўлса ҳам, айтарли буриштирувчилик хусусияти йўқ. Буриштириб доғловчи доридан ҳосил бўлган қовжираш чуқурроқ бўлиб, узоқроқ туриб қолади. Эшак тезагидан сиқиб олинган сув ва бу тезакнинг жавҳари кучли доғлаш билан бирга ёпиштириш хусусиятига ҳам эгадир.

Ёпиштириб қонни тўхтатувчи нарсалар: ювилган ганч, қайнатилган сақич, крахмал, тегирмон тошининг кукуни, турли елимлар, кундур елими ва санавбар елими кабилардир; узум майизининг ёлғиз ўзи ҳам шундай. Айтишларича, қурбақа ҳам шулар жумласидандир; самос лойи ҳам шундай.

Қуритиб ва эт битириб, қонни тўхтатувчи дорилар, масалан, сабр, кундур елимининг кукуни, майиз уруғининг майдалаб янчилгани, ёққа булғаб куйдирилган ва алангаси тугагандан кейин ўчирилган мози, куйдирилган папирус, санавбар елимининг қовурилгани, темир занги, от ва эшакларнинг куйдирилган ва куйдирилмаган тезаклари, суяк ва садафнинг ювилмаган кули,— чунки ювилгани ёпиштирувчилардандир,— зайтун ёғи ёки шаробга ботириб, сўнгра куйдирилган янги булут ва куйдирилган мўйлардан иборат.

Ўн саккизинчи фасл. Қонни тўхтатишда кучли таъсир этувчи турли мураккаб дориларнинг сифати

Жолинус яхши деб тавсиф қилган, ундан кейин табиблар тажриба қилиб кўп фойдали деб топган дори: сариқ зокдан йигирма [қисм], кундур елимининг майдасидан ўн олти, сабр, мурч ва қуруқ сақичдан саккиз [бўлак]дан, зирнихдан тўрт, жуда янчиб, гарддек қилиб, кейин эланган ганчдан йигирма [бўлак] олиб, бу [таркиб]ни пиликларга сепиб ишлатилса ёки қон чиқаётган жойнинг ўзига сепилса, ажойиб доридир. Ёки анзирагўштхўр, сабр, мастаки ва бақам дарахти елимини олиб, пиликка қўйиб [қон чиқаётган жойга] боғланади. Ёки сабр ва кундур елимининг ўзини, юқорида билганингдек, юнг билан боғлаб қўйилади. Яна биз айтганимиздек куйдирилган булут, куйдириб янчилган пишиқ ғишт, қалай чирки, тўтиё ва сабрни олиб, ёки кундур елими, сабр ва олтингургуртни [қўшиб ишлатилади]; ёки кундур елими ва олтингургуртни олиб,

булардан сепадиган дори ясаб ёки тухум оқи билан пилик қилиб ишлатилади. Ёки сариқ зокдан йигирма [бўлак], кундур елими ёки унинг кунидан саккиз, санавбар дарахти елимидан саккиз ва куйдирилган ганчдан саккиз [бўлак] олиб [ишлатилади]; ёки сариқ зок, куйдирилган мис, оқ зок ва қовурилган зокдан баробар [бўлаклар] олинади.

Қон оқишига, айниқса, бошдан оқишига қарши яхши дори: дағал бадан учун сабрдан бир бўлак, юмшоқ бадан учун ярим бўлак, дағал бадан учун кундур елимнинг майдасидан бир бўлак, юмшоқ бадан учун кундурнинг ўзидан бир бўлак олиб, шу иккаласи билан чекланилади, [168] ёки бу иккаласига бақам дарахти елими ва анзиратгўштхўрни қўшиб ҳаммасини тухум оқи билан қорилади ва қуён юнги устига қўйиб ишлатилади ёки қон кетаётган жой тақозосига қараб сепилади.





УЧИНЧИ МАҚОЛА

ЯРАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Биринчи фасл. Яралар ҳақида умумий сўз

Яралар жароҳат тешилиб оқувчи чиқиқ ва тошмалардан келиб чиқади; этнинг узлуксизлиги бузилиб узоққа чўзилса ва йиринг бойласа, буни «яра» деб аталади¹. Йирингланмиш эса|| шу этга бораётган озиқнинг аъзо кучсизлиги туфайли бузилишидан келиб чиқади. Шунингдек, ўша аъзонинг кучсизлиги сабабли қўшқи аъзолардаги чиқиндиларнинг унга томон тарқалиб, соғилиб бориши ёки рутубатлари ва ёғлари билан аъзони бўшаштириб ва ҳўллаб турган марҳамлар туфайли ҳам [эт йиринг йиғади].

345

[Ярадан чиқаётган] модда йирингга ўхшаган бўлиб, суюқ бўлса, зардоб, қуюқ бўлса, чирк деб аталади. Чирк қуюқлашиб қотган нарса бўлиб, оқ ёки қорамтир рангли, баъзиси эса шароб қуйқаси сингари бўлади. Зардоб эса хилтларнинг суюқ ва сув қисмидан ёки ҳароратли хилтлардан, чирк эса қуюқ хилтлардан пайдо бўлади. Зардоб, кўпинча, шиш пайдо қилади. Зардоб қуритувчи дори, чирк эса тозаловчи дори ишлатишга эҳтиёж туғдиради.

Яраларнинг баъзиси тери юзасида, баъзиси чуқурликда бўлади. Чуқур ўрнашган яралар [икки ҳолатдан] ҳоли бўлмайди: ё уларни ўраб турган эт қаттиқлашади ва бундай яра *носур* деб аталади ҳамда у найга ўхшаб [эт] чуқурлигига ўтган бўлади; ёки у қаттиқлашмайди, буни «кавакланиб хоналанган» деб аталади.

Баъзи [табиб]лар тери тагига ўтган ва тери ундан ажралиб турган ярани «кавакланган» деб, этга ўтиб ва хоналаб² кенгайган ярани эса «хоналаган» деб атайдилар. Баъзилари эса кенгайганини «кавакланган», тор ва чуқурини *носир* деб атайдилар. Исм бериш устида тортишувнинг ҳожати йўқ. Юзадаги ярада қаттиқлик пайдо бўлса, уни «сополсимон яра»³ деб аталади.

Ёмон ҳаро ҳиссиёз яра бўлиб, қанчалик сезгисиз бўлса, шунчалик ёмон. Унинг баъзиси тўғри, баъзиси эгри бўлади. Асабга етиб боргани, айниқанда, тўғрига мил чўпи теккизилса, қаттиқ оғрийди. Баъзан [шунда ярали] аъзо қийинчилик билан ишлайди. Унинг рутубати суякка етиб борганиники сингари суюқ ва латиф бўлади. *Носур* бойлоққа етиб борганида ҳам ундан оқадиган нарса шунга ўхшаш бўлади, лекин суяк ва бойлоққа етиб борганининг оғриғи, кўпинча, қаттиқ бўлмайди. Суякка етиб борганидан чиқадиган рутубат суюқ ва сарғиш бўлади. *Носур* вена ва артерияга етиб борса, кўпинча, ундан шароб қуйқаси каби нарса чиқади; баъзи вақтларда *носурдан*, агар у венага бориб тақалса, кўп тоза қон ёки артерияга бориб етса, сарғиш қон милдираб чиқиб туради. *Носур* этга бориб етса, ундан ёпишқоқ, қуюқ, хира [рангли] хом рутубат оқади.

Кўпинча, битта *носурнинг* кўп кўзи бўлиб, буннинг тадбири қийинлашади: *носур* биттами ёки кўпми эканини билиб бўлмайди. Агар шу тешикларнинг биридан бирор рангга эга бўлган рутубат оқиб турса, *носур* битта бўлганида бошқа тешиклардан ҳам [шу рангли] рутубат оқади. *Носур* турлича — оқ, хира, қизил ва бошқа рангларда бўлади.

Яралар бир неча турга бўлинади ва [табиблар] уларнинг баъзиси аламли, баъзиси аламсиз, баъзиси шишли, баъзиси шишсиз; баъзиси тоза, баъзиси ифлос бўлади дейдилар. Ифлоси баъзан, ҳўл бўлади, яъни у ўзи ёмон бўлмаса ҳам, унда хилт ва рутубат кўп бўлади; уларнинг баъзиси чиркли, баъзиси эса зардобли бўлади. Яраларнинг баъзиси чириб сасийдиган бўлиб, бунга энг зарарли нарса жануб шамоли ва иссиқ бўлиш билан бирга, рутубатли ҳаводир. Баъзи яралар ўйиб ейдиган, баъзилари югурик, баъзилари билқиллаб турувчи бўлиб, кейинчилари совуқ ёки иссиқ бўлади. Билқиллаб турувчи яралар ўз атрофидаги мўйларни тушириб юборади.

Яраларнинг баъзиси сизувчан бўлиб, ундан ҳароратли сариқ зардоб сизиб оқиб туради; баъзан ундан атрофларини куйдирадиган даражада иссиқ суюқлик оқади; буниси ёмон ва ҳалокатлидир. Баъзи яралар қийин битадиган бўлади. Чириб сасийдиган яралар билан ўйиб еювчи яралар гарчанд югурук яра бўлса ҳам, улар бир-биридан фарқ қилади. Ўйиб еювчи яраларнинг баъзиси ҳеч бир сасимай ва иситмаси ҳам бўлмай туриб, ўткирлиги сабабли ўзига туташган жойни ўйиб ейди. Лекин сасийдиган югурук яра кўпинча иситмали бўлади ёки [иситмадан] ажралмайди.

Жолинус *нори форсий* ва югурувчи учуқни ўйиб еювчи яра деб атайди, сасийдиган ярани эса, яра ва сасийдиган бирор касалликдан таркиб топган деб ҳисоблайди.

[169] Ҳар бир яранинг [ўзига] хос ҳолати бор. Кўкара ва қорая бошлаган қаттиқ яралар ёмондир. Совуқ яралар билқиллаб туради ва оқ рангли бўлади; қиздирувчи дори ишлатилса, улар тинчийди. Ҳароратли яралар қизғиш бўлиб, совутувчи дори ишлатилганда ором олади.

Ёмон яраларда бадан ранги ҳам ёмонлашса, масалан, у қўрғошин-симон оқ ёки сариқ бўлса, бу жигар мизожининг ва ярага келаётган қоннинг бузилганлигига далилдир; бундай яранинг тузалиши қийин. Таги ҳароратли бўлиб, қичийдиган яраларнинг чиқиндиси ўткир бўлади. Таги кенг, оқ рангли ва қичиши кам яраларнинг мизожи совуқ бўлади. [Турли] касалликлардан кейин пайдо бўлган яралар ёмондир, чунки табиат бузуқ чиқиндилар қолдиғини ўша яраларга йўналтиради. Атрофидаги мўйларни тўкувчи яра ҳам ёмондир.

«Тез ўлим белгилари» китобида¹ «бирор кишида шиш ва юмшоқ яралар пайдо бўлиб, у ақлдан озса, ўлади» дейилган. Ёмон яраларнинг [пайдо бўлишига] баъзан ифлос чиқиндиларга || учраган ёки бузувчи тадбир қўлланган чиқиқлар² сабаб бўлади. Гоҳо улар ёмон тошмаларга эргшиб келади; [ёмон тошмалар] ҳосил бўлгач, тезда ярага айланади.

Яранинг ёмон эканлигига унинг чириб сасиши, югуруклиги, атрофларини бузиши, тўғри тадбир қўлланса ҳам, тузалишининг қийинлиги далолат қилади. Дори [қўллаш] ёки табиат фаолияти натижасида пайдо бўлган йиринг — яра ва чиқиқларнинг оқибати беҳавотир бўлишидан дарак берувчи далилларнинг афзалидир; чунки бу табиатнинг ўз табиий йўлидаги ишидир. Йиринг табиий етилишдангина пайдо бўлади; бундай йирингли яраларда, айниқса, йиринг яхши, оқ рангли, юмшоқ ва силлиқ бўлиб, тўла етилган бўлса ҳамда у сассиқ ва бузилган бўлмаса, ёмон сифатли яраларнинг ёмон белгиси кузатилмайди. Йирингда баъзан бир оз сассиқлик бўлади, чунки йиринг туғма ва ёт ҳароратларнинг ёрдами билан пайдо бўлади. Йиринг ҳақида бошқа жойда гапирганмиз.

Аммо тиришишни келтириб чиқарувчи яралар, сасувчи яра, саратон яраси, *хайруния* яраси ва шуларга ўхшаш бошқа яралардан йиринг пайдо бўлмайди. Балки ярада йиринг ва шиш пайдо бўлиши яхшилиқ белгиси бўлиб, бунда гарчи шиш орқа ва олд аъзолари каби жойларда бўлганда ҳам, тиришиш, ақл қоришуви ва шунга ўхшашлар хавфи туғилмайди. Бироқ иш улғайиб чегарадан ўтса, шиш тўсатдан чуқур ботиб қойиб бўлса, йиринг ёки шунга ўхшаш нарса [чиқиши] билан тарқалмаса, орқага чиқадиган яралар каби асабли аъзоларга, яъни умуртқа ва орқа мияга қўшни бўлса, ёки улар сон ва тизза олдида воқе бўлса, — бу яралар ҳам асабли мушаклар устида бўлади, — иш тиришишга ва ақл қоришувига ҳам бориб етади. Агар яра томирли аъзоларда, — бундай аъзоларнинг кўпи гавда тандирининг³ олд томонида ўрнашган, — пайдо бўлиб [бадан] тандирининг қўйи ярмида бўлса, ичдан қон ўтиш хавфи туғила-

ди, шунингдек, бундан ақл қоришуви хавфи ҳам келиб чиқади. Агар яра [бадан] тандирининг юқори ярмида бўлса, зотилжам [касалиги] пайдо бўлиб, ундан кейин йиринглаш ёки қон туфлаш хавфи туғилади. Қўкрак ярасининг йиринглаши нималигини Учинчи китобда билдинг; гоҳо бунда ҳам ақл қоришуви хавфи туғилади.

Яраларнинг теварагидан тўкилиб кетган мўйларнинг [қайтадан] ўсиши яхши белгилардандир. Ўзларида яхши қон булиш билан бирга мизожлари яхши ва ортиқча рутубатлари кам баданлар яраларга қарши кўрилган тадбирни тезроқ қабул қилади. Аммо кўп рутубатли ёки жуда қуруқ бадан яраларга қарши даवони кеч қабул қилади. Шу билан бирга, болалар баданига ўхшаш рутубатли бадан даволашни кексалар, айниқса, асл мизожи қуруқ ва тоза қонли бўлмаган кексалар ва [аслий бўлмай], кейин пайдо бўлган мизожлари рутубатли ва заиф бўлган кексалар баданидан кўра тезроқ қабул қилади. Шунинг учун истисқо касалига учраганларнинг ярасини даволаш қийиндир; ҳайз қони тўсилиб қолиши сабабли, чиқиндилари тўхтаб қолган ҳомиладор хотинларнинг [яралари] ҳам шундай.

Кексаларга келганда, кўрсатилган сабаблар ва яхши қоннинг камлиги туфайли уларнинг яралари тузалмайди; баъзан яра тузалса ҳам, кейин яна қайталайди. Чунки бу хил яра тозаланмай туриб эт унган бўлади; бунда тоза бўлмаган чиқинди тўхтаб қолгач, мавжуд узлуксизлик иккинчи марта бузилади.

[170] *Носур* яраларини гоҳо соғайди деб гумон қилинади: улар қуриб [оқаётган нарса] тўхтайди, натижада у соғайди деб ишонилади; чунки бундай ҳолат, биз қуйида баён қиладиганимиздек, соғайганга ўхшаб кўринади. Бироқ кейин энг кичик бир ҳаракат, силкиниш, йўтал, туртиниш, ноқулай ётиш ва бошқа сабаб билан яна қайталайди.

Эт унадиган яраларнинг баъзисидан ортиқча эт унади, баъзисидан бундай бўлмайди. Яра тозаланмай туриб унда эт ундиришга шошилишганда ортиқча эт унади; тозаланганидан кейингина эт унган ярадаги эт ортиқча бўлмайди.

Яра узоққа чўзилиб ейилса, сасиса ва жавҳаридан кўпгина нарса кетса, айниқса, бу яралар бир йиллик ва шунга яқин муддатлик эски яра бўлса ёки улар сополсимон бўлиб, шу сополсимон қисми, яни *носур* олинган бўлса, унинг фақат чуқурдан битишини кутиш мумкин. Эски яраларда уларга яқин жойдаги суякларнинг баъзи қисми чиқиб қолади.

Савдодан бўлган яраларнинг барча бузук [қисмини] то соғлом эт ва суяккача олиб ташланмаса, тузалмайди. Ярали аъзонинг кучсизлиги,— бунда яра ҳамма моддаларни қабул қила беради,— ўша [ярали]

аъзо мизожининг ёмонлиги ва у аъзога келаётган қон кайфияти ёки миқдорининг ёмонлиги яраларнинг бузилишига сабаб бўладиган нарсалардир. [Қон] кайфиятининг ёмонлигига келсак, у кўпинча, жигар мизожининг ёмонлигидан бўлиб, бунда қон ранги қўрғошинсимон оқиш ёки сариқ бўлади, ёки талоқ мизожининг ёмонлигидан бўлиб, бунда қон ранги қорамтир ва ола бўлади. Бундай қон билан биргаликда бадандаги барча хилтлар ҳам ёмонлашади. Бу хил қон этга айланмайдиган бўлганлиги учун фойда етказмайди, чиркка айланиши туфайли эса этга зарар қилади. Қон миқдорининг ёмонлиги шуки, қон кўп ёки кам бўлиб, ярага эт ундирадиган нарса топилмайди. || Яра соф ва тоза 347 бўлса, у тезда қовжирайди. Агар бадан тоза ва кам қон бўлса, [қовжираш яра] тўлмагунча муваффақиятли бўлмайди; ёки яра девори ва атрофида юз берган сополсимонлик, ёки унга келувчи томирларнинг кенглиги, ёки атрофидаги суюқларнинг бузилганлиги ёки уларнинг бузилиб хира, кўкимтир ва қорамтир рангли бўлиши, ёки мизожи бузилган қўшни аъзо сабабли ҳам [қовжираш яхши бўлмайди].

Даволанилиши қийин яралар, масалан, айлана шаклидаги ва шунга ўхшаш яралар, болаларда [пайдо бўлса] ўлдиради. Чунки болалар бундай яраларнинг қаттиқ оғриғини, давландаги қийинчилик ва машаққатни кўтара олмайдилар.

Иккинчи фасл. Яраларни даволаш қонуни

Билгинки, яраларнинг мушак мажақланиши ва эзилишидан пайдо бўлганларида бошқа ҳаммасини қуритиш орқали [даволаш] керак бўлади; [мажақланиш ва эзилишдан] бўлганларини эса, аввало, рутубатлантириб бўшаштириш лозим. Кўп ҳолларда яраларга қуритиш тадбирини қўллаш зарур бўлса ҳам, уларга қўшилиб келган бошқа ҳолатлар сабабли тозалаш, аритиш ва бошқа тадбирларни қўллашга ҳам эҳтиёж туғилади. Яра қанчалик катта ва чуқур бўлса, шунчалик кўп қуритиш ва икки четини қаттиқ бириктириш керак бўлади. Баъзан яраларни тикишга тўғри келади, яхшилаб [тикиш] ва шунга ўхшаш [тадбирлар кўришда] бизнинг жароҳат бобида айтганларимизни эътиборга ол!

Билгинки, баъзан яраларни даволашда чуқур ўтиб бориб [бошқа дориларга] йўл очадиган суюқ дориларни ишлатишга эҳтиёж тушади ва шу пайтда марҳамлар ё уларга ўхшашларни [ишлатиш] зарур бўлади. Бундай вақтда дорилар, айниқса, *носур* ярасига ишлатиладиганлари кўринишидан ҳўл, ички [моҳиятда] эса қуруқ бўлиши керак¹. Чунки у дорилар жавҳарининг қуруқлик қуввати жисмининг рутубати устидан жуда голиб бўлиши керак. Гоҳо яраларга қўлланиладиган дориларни бошқа бир сабабга кўра, яъни дорилар ёпишқоқ бўлсин учун оқизувчи нарсалар билан аралаштиришга ҳам эҳтиёж тушади; буларни ҳам библиб қўй.

Билгинки, яралар боғлашга ва боғичларга уч важҳ туфайли муҳтож бўлади; бири, чиркни оқизиб юбориш, бунда яхши сиқилсин учун яранинг таг томонини қаттиқ, оғзига яқин томони бўшроқ боғланади; иккинчиси, ярага эт ундириб битирувчи дорини ушлаб туриш учун; бунда қаттиқ боғлаш зарур бўлмайди; учинчиси яра лабларини бириктириш учун; бунинг учун яра лабларининг олдини бўш боғламасдан, балки керакли даражада бириктириб боғлаш керак.

Боғлаш шиш пайдо қиладиган даражада оғритадиган бўлмасин. [171] [Аксинча] боғлаш шишга тўсқинлик қилишда ёрдамчи¹ бўлсин, чунки шиш борлигида сен ярани даволай олмайсан. Шишга тўсқинлик қилиб, уни [тўхтатиш] мумкин бўлмай у пайдо бўлса, қандай шиш бўлса ҳам, уни даволаш билан машғул бўл; шу билан бирга, шишни даволаб бўлгунча ярани ҳам эътибордан четда қолдириш керак эмас. Кейин фақат яранинг ўзини даволашга ўтилади. Агар яранинг атроф жойлари бузилиб, кўкарган ёки қорайган бўлса, уни тилиб қортиқ қўйиш билан бўлса ҳам, қонни чиқарасан; кейин унга қуруқ булут, сўнгра қуритувчи дорилар ёпиштириб қўясан.

Яра [шишдан] фориг бўлса, ёки у оддий яра бўлса, аввало, бадандан ярага бирор нарса қўйилаётibdими ёки қўйилишдан тўхтаганлиги аниқланади. Агар ярага ҳеч нарса келиб қуюлмаётган бўлса, [яранинг] ўзини даволашга киришасан. Агар бирор нарса қўйилаётган бўлса, томirdан қон олиш ё сурги қилдириш, ёки қустириш билан у қўйилаётган нарсага тўсқинлик қил! Чунки қустириш гоҳо бунга ҳам фойда етказди; Буқрот бу ҳақда гувоҳлик берган.

Яраларда суяк ёки пардалар ёки бошқа нарсаларнинг майда [бўлаклари] бўлса, уларни тортиб олишда шошилма; биз суяк бобида айтган гапларга амал қил!

Ярага қарши энг аввал қўлланилиши зарур бўлган тадбир—уни дорилар билан йиринглатиш, кейин дорилар билан тозалаш, сўнгра эт ундириб битиришдир. Ярани тоза, чуқур эмас ва текис ҳолда учратсанг, ачиштирмайдиган дори билан фақат битириш тадбирини қўлла. Аммо яра чиркин бўлса, ачиштириб тозаловчи дори ишлатмай илож йўқ. Аввало, жуда ачиштирувчи дори ишлатишга эҳтиёж тушади, чунки яра ҳеч нарсани сезмайдиган бўлади; кейин эт униш вақти келгунига қадар аста-секин ачиштириши енгилроқ дориларни ишлатиб борилади. Бу тадбирларнинг ҳаммасида, айниқса, ярада алангаланиш ва ҳарорат бўлса, уни оғритишдан сақлан.

Яранинг битишига тўсқинлик қиладиган сабабларни йўқотиш керак. Улар биз кўрсатиб ўтган сабаблар бўлиб, ярани ёмонлик томонга йўналтиради. Агар сен аввало ўша сабабларга қарши чора кўрмасанг,

яраларни керагича даволай олмайсан, ҳатто даволаш мумкин бўлмай ҳам қолади. Аъзо мизожини тузатиш кўпинча яранинг тузалиши учун кифоя қилади.

Кўпинча, яра юмшоқ бўлиб, ундан ёмон эт унади ва қизғиш рангли бўлиб қизиб туради. Шунда ярани ўраб турган этни совутувчи суюқ суртмалар, масалан, арман лойи ва сирка билан қўшилган итузум шираси, сандал ва кофур қўшиб тайёрлаб ях билан совутилган суюқ суртмалар ишлатилади; шуни жароҳат торайиб бита боради.

Қаттиқ оғриқли яраларни даволашда || аввало оғриқни тўхтатиш билан шуғулланиш керак,— бунга эса, гарчи яраларнинг [битишига] тўсқинлик қилса ҳам, маълум бўшаштирувчи дориларни ишлатиш билан эришилади,— чунки агар оғриқ тўхтатилмаса, даволаш муяссар бўлмайди; оғриқни тўхтатгач, [ярага қарши] чора кўра берамиз. 348

Чиркин яраларни тозалашга эҳтиёж тушади; бундай яралардан турли рангдаги рутубатлар оқиб туради. Бу яраларни баъзан ювиш билан ва баъзан сепиладиган дорилар ва марҳамлар билан тозаланади. Уларни тозаламай қолдирилса дори, айниқса, сепиладиган дорилар, уларнинг жирмига холис ҳолда етиб бормайди. Шунинг учун бу хил яраларни тозалаш, сўнгра эт ундириш лозим. Тозаловчи дорида аритиш хусусияти кўпроқ, эт ундирувчи дорида эса тозалаш хусусияти, биллиб ўтганингдек, камдир.

Баъзан [ярада] ёмон эт униб, уни ўткир дори ишлатиб едиришга ва сирдан совутувчи суюқ суртмалар суртишга, кейин қовжираган [жойни] тушириб юбуровчи дори билан туширишга эҳтиёж тушади. Шундан кейингина даволашга ўтилади. *Носур* яраларини даволашда ҳам бизнинг тутган йўлимиз шу; *носур* яраларининг сополсимон [чеккаларини] тушириб юбориб, сўнгра даволашимиз керак.

Маълум бир дори баъзи баданларга нисбатан эт ундирувчи, баъзи баданларга нисбатан, агар у бадан жуда юмшоқ бўлса, кучли аритиб, ўйиб еювчи таъсир кўрсатса, айрим баданларда эса тозаламайди ва эт ҳам ундирмайди. Шунинг учун бир бадан учун дорининг ё вазнини кўпайтириб, ёки ёғини камайтириб, ёки унга қуритиш ва тозалаш хусусияти бўлган бошқа дорини қўшиб кучайтиришга эҳтиёж тушади, бу дорини бошқа бадан учун ишлатилганда эса ўйиб еювчи бўлади, шунинг учун вазнини камайтиришга ёки [қўшиладиган] ёғни кўпайтиришга ёки айрим буриштирувчи дорилар қўшишга тўғри келади. Битиши қийин бўлган яралар ишлатиладиган дорини кучайтиришни тақозо этади.

Дорини яра устида уч кунгача қолдириб, сўнг ечиб олиш керак; чунки шошилиб ечиб олинса, дори ўз таъсирини кўрсата олмайди.

Яраларга ёғ ишлатмаслик керак; агар ишлатмасликнинг иложи бўлмаса, канақунжут ёғи, мирта ёғи ва мастаки ёғи ишлатилсин.

[172] Агар яранинг холис ўзи бўлса¹, яра чиққан аъзо сезгили бўлса — оҳисталик билан тадбир қўллашинг ва кучли дори ишлатиб, оғритишдан сақланишинг керак. Аммо аъзо ўткир сезгили бўлмаса, зарур тадбирни қўллашдан тўхтама! Ички аъзо, кўп фойдали шариф ва улуғ аъзо ҳамда турли офатларни тез қабул қиладиган аъзолар сезгили аъзо туридан бўлиб, буларнинг ҳукми ҳам ўша [сезгили аъзо] ҳукмидир: уларнинг зидлари сезгисиз ёки кучсиз сезгили аъзо туридан ҳисобланади. Шундай сабабга кўра ички яралар, айниқса, ичириладиган дори билан даволанадиганлари зангор ва шунга ўхшашларни кўтара олмайди; улар кўпроқ катиро ва араб елими каби ёпиштирувчи дориларга муҳтож бўлади; ҳуқна билан даволанадиганлари эса, икки хил [кучли ва кучсизлик] ўртасидаги дориларга муҳтож бўлади.

Яраларни даволашда яралар аъзони тинч қўйиш ва қимирлатмаслик тўғри тадбир ҳисобланади. У аъзонинг даволаш бошланишида аста-секин ҳаракат қилиши кейинги қаттиқ ҳаракатдан кўра, айниқса, ёмон хилтли баданда кам зарарлидир. Яраларни даволашда ёндош ички аъзонинг қўшнилиги сабабли бир-бирига бирикиб қолишидан, масалан, қовоқ билан кўз орасининг, иккала қовоқ орасининг ва икки бармоқ орасининг ёпишиб қолишидан эҳтиёт бўлиш керак.

Ковакляиб хопалаб кетган яралар тезда *носурга* айланади. Артерия ва катта веналарга ёндош яралар [ўзига] ёндош юмшоқ этда, масалан, чов, қўлтиқ ва қулоқ орқаларида шиш [без] пайдо қилади. Чунончи, қўтир ва биз баён қилган шу каби касалликлар, айниқса, бадан ёмон ва чиқиндиларга тўлиқ бўлса, худди шундай оқибатга олиб келади. Бу ҳолда оғриқ зўрайиб, шиш ярага айланади; шунда бунга қарши баданни тозалаш ва ўз бобида айтилган тадбирларни қўллаш керак бўлади. Чунки шишни тозаламай туриб, ярани даволаб бўлмайди. Бу ҳолда, — агар бадан тоза бўлса, — ярани *босилиқун* ва шунга ўхшаш [дори] билан азиятдан сақлаш, [яъни] у билан аъзо ўртасига ҳамма ҳолатда [ҳам] тўсқинлик қиладиган тўсиқ қўйиш керак бўлади.

Бир қанча нарсани ўз ичига олган қўйидаги тавсияни эшитиш керак; у шундан иборат: ярага қарши ишлатилаётган дори, албатта, ё мувофиқ, ё помувофиқ бўлади. Мувофиқ дори дарҳол **фойда қилмаса ҳам**, ундан зарар етмайди. Номувофиқ дори ё ўзининг кучсизлиги туфайли ярага тўғри келмайди, бунга у дори бошқа бирор зарар етказмаган ҳолда, ундан кутилган қуритиш ё тозалаш ёки бошқа хусусиятлар зиддининг кучайиши далолат қилади, шунда бу дорини кучайтириш керак бўлади; ёки бошқа важҳлар туфайли тўғри келмайди, масалан, дори керагидан ортиқ қиздириб, қизиллик ва алангаланиш пайдо қилади; шунда уни кучсизлантиришга ва дарҳол совутувчи марҳам ишлатиб, алангасини сўндиришга эҳтиёж тушади. Баъзан яра бу дори таъсирида қорам-

тир ва хира рангли бўлиб қолади, бундан дорининг совутаётган ёки керакли миқдорда қиздирмаётганлиги маълум бўлади, шунда унинг қиздириш қувватини орттиришга тўғри келади. Гоҳо дори ярани бўшаштириб юборади, бунда анор гули, мози ва шуларга ўхшаш буриштирувчи ва қуритувчи [дорилар] билан унинг қувватини орттиришга эҳтиёж тушади. Айрим ҳолларда дори ярани жуда қуритиб юборади, шунда унинг қуритишига қарши биз [кейин] айтадиган нарса билан чора кўриш керак бўлади; ёки биз айтадигандек дори [ярални жойни] еб ўйиб юборади, шунда унинг тозалаш қувватини синдиришга эҳтиёж тушади.

Кўпинча, дори || касал мизожининг бирор жиҳатдан ҳаддан ташқари эканлиги сабабли номувофиқ бўлади. Шунда дори унга қарши кучли, ҳатто касални ўз мизожига қайтарадиган даражада бўлиши ёки кучсиз бўлиб, ўша мизожга мувофиқ келадиган бўлиши лозим.

Учинчи фасл. Зардобли яраларни даволаш

Уларни даволашда зардоб тозалансин учун қуритувчи дориларни ишлатиш, кейин эт ундириш билан машғул бўлиш зарур. Агар яра бўш бўлса, унга қарши эт ундирадиган дори ишлатилса, яра жисмининг заифлиги сабабли у дори ярани чуқурлаштиради ва саситади. Шунинг учун аввало қуритиш, кейин шу хил дори ишлатиш керак. Дори ишлатилганда рутубатнинг камаяётгани кузатилмаса, балки унинг кўпаяётганини кўрсанг, билгинки, бу дори ўша баданга нисбатан қуритувчи эмасдир. Шунда унинг қуритиш хусусиятини кўпайтир: асал каби енгил аритувчи, анор гули ва аччиқтош каби буриштирувчи дориларни қўш; шу билан бирга, ёгнинг қувватини камайтир; унга қўшиладиган ёғда қуритиш хусусияти бўлсин. Яра ҳаддан ташқари қуриётганини кузатганинда ҳам [дорилардаги] барча қувватларни, яъни қуритиш, тозалаш ва буриштириш хусусиятларини камайтир.

Ярага эт ундирувчи дори ишлатишда қуйидаги тавсияни эсда тут [173] ва бирор нарсада хато қилиб қўйма; дори керагидан кўра аритувчанроқ бўлиб, аъзони еса ва унинг эт қисмини оқувчи рутубатга айлантирса, сен бу рутубатни зардоб деб ўйлаб, [дорининг] аритиш қувватини орттириб юборсанг, бунда дори ярани жуда чуқур ва ҳароратли қилиб, шишли ярага ўхшатиб қўяди, шунда яранинг чеккаси сополсимон бўлади, касал аниқ ачишишни сезиб туради.

Билгинки, ярани қуритувчи дориларнинг баъзиси мингдевона, афюн ва меҳригиёҳ илдизи каби қаттиқ совутувчи, баъзиси эса санавбар елими ва зифт каби қаттиқ қиздирувчи бўлади. Шунда [улардаги] жузъий мизожларни бир-бирига қарши қўйиб, у дориларнинг бирини иккинчисига қўшиш орқали мўътадиллаштириш керак.

Зардобни тозаловчи дорилар—қуритувчи дорилардир, масалан, аччиқтош, мози, анор пўсти, кундур елими кукуни, куйдирилган қўргошини, арпа уни, арпа толқони, лола ва қайрағоч барги. Ёнғоқ дарахтининг ҳўл барги ва мевасини, ўзича ёки шароб билан қайнатиб қўйиб боғланса, жуда фойда етказди ва рутубатларни азият бермай шимиб олади.

Яхши таркибли марҳам: куйдирилган қўргошинни олиб, то оқаргунча унга бир гал сирка ва бир гал зайтун ёғи қўйиб турилади; кейин сурма, куйдирилган мис, зарчўба, мози, анор гули, бақам дарахти елими, аччиқтош ва кумуш тўполдан баробар бўлақларни олиб, яхшилаб майда қилиб янчилади; буларнинг ҳар бири [таркибга] қўшилаётган куйдирилган қўргошиннинг олтидан бирича вазнда бўлади; кейин буларнинг ҳаммасини қориштириб ишлатилади. Биз «Қарободин»да айтган дорилар ҳам ишлатилади.

Кўпинча, зардобни суюқ дорилар билан биз чуқур яралар бобида айтадигандек қилиб ювишга эҳтиёж тушади; денгиз суви шулардан биридир. Аччиқтош сувига келсак, у ювади, қайтаради ва қуритади. Агар яра билан бирга шиш бўлса, бу ҳозир айтилган дориларнинг ҳаммаси унга зарар етказди.

Тўпалоқ қайнатилган сув яхши қуритувчидир. Ҳалила ва омила қайнатмаси, *озоддарахт* ва *кунор* дарахти қайнатмаси ҳам бу жиҳатдан фойдали.

Тўртинчи фасл. Чиркли яраларни даволаш

Бундай яраларни даволашда тозаловчи дорилар ишлатиш керак. Биз [даволаш] қонунда айтганимизга мувофиқ аввало энг кучли ва энг ачиштирувчи дорини ишлатишдан бошлаб, сўнгра аста-секин чакамуг ва аристолохия кабиларни асал ва озгина сирка қўшиб ишлатишга ўтилади. Яна, сақични ўзига баробар гул ёғи ёки сариеғ билан қўшиб, шунингдек, савсан илдизини асал билан қўшиб ҳамда ясмиқ уни ва говшир чўни ишлатилади.

Мураккаб дорилардан ҳинд марҳами ва барча кўк марҳамлар: зангор марҳамининг ёлғиз ўзи ёки унинг қаврак елими ва бошқа нарсалар қўшилгани, жилвиртош марҳамлари, ёввойи ясмиқ уни қўшиб тайёрланган марҳамлар, туз марҳами, қора кулча [дори], кўк кулча дори ва *қурмуҷонис* деб танилган кулчалар ишлатилади.

Қуритувчи¹ дорилардан бири мана бу: зайтун ёғининг қуйқаси, асал ва аччиқтошдан баробар бўлақларни ёки қўргошин упаси ва *жулаҳдан* баробар бўлақларни олиб [ишлатилади]. Яранинг чиркланиши зўрайса, асал билан қўшилган канавча фойда етказди. Тўзланган зайтун қўйиб боғланадиган яхши дорилардандир.

Бу яраларни даволашда гоҳо биз чуқур яралар бобида айтганимиздек, ювиш учун суюқ дориларни ишлатишга ҳам эҳтиёж туғилади. Ярада шиш бўлса, буларнинг ҳаммаси зарар етказди.

Бешинчи фасл. Хоналаб кетган, чуқурлашган ва ковакланган яраларни даволаш

Бундай яраларни даволашда уларга эт ундириб тўлғизиш зарур; бунга эса фақат озиқ ва қонни кўнайтириш билан эришилади. Бунда ҳам қуритиш, ҳам тозалаш хусусиятлари бўлган кучли дорига эҳтиёж туғилади. [Яралар] зардоб тўхталмасдан оқиб турадиган вазиятда бўлиши керак. Агар, иттифоқо, яраинг туби || аъзонинг юқорисига, овзи 350 эса қўйга қараган бўлса, бу — жуда яхши. Агар аҳвол бунинг аксича бўлса, бироқ яра тагининг вазиятини қийинчилик билан, ғайритабиий вазиятга бўлса ҳам ўзгартириш мумкин бўлса, шундай қилинади. Агар бу мумкин бўлмаса, ярани хоналаган жойини қолдирмай жуда тагингача етказиб ёришдан ёки суюқ моддаси оқсин учун қўл амали¹ билан яраинг овзидан бошқа яна тагидан [зардоб] оқадиган жой ҳозирлашдан бошқа илож йўқ. Бунда аъзонинг аҳволига, яъни бу тадбирни қўллашдан аъзода хавф-хатар пайдо бўлиш-бўлмаслигига эътибор берилади. [174] Бу тадбир қўллангач, яра овзидан бошлаб то очилган тагингача боғич билан боғлаб қўйилади. Аввалги ҳолда² бунинг аксича қилиб боғланади; ҳар икки ҳолда ҳам [яраининг] юқори томони қаттиқроқ сиқилади. Боғлаш оғритиб, шиш пайдо қилиш даражасига етиши керак эмас.

Ярани ёриш мумкин бўлмаса, уни ювилади, шунингдек, унга эт ундириб тозалайдиган ва шу иккала хусусияти кучлилиги сабабли тозалашни эт ундиришга монелик қилмайдиган пиликлар киргизилади. Биз «элчилар марҳами»ни тажриба қилиб кўрган эдик, жуда яхши ва даволашда фойдали бўлиб чиқди. Бундай ярага *луфо* тиқиб қўйилса ҳам жуда ажойиб бўлади, ундан кейин [фойдалиликда] *сумқутун*³, ундан кейин гулсапсар илдизи, ундан кейин ёввойи ясмиқ уни туради.

Ковакланган яраларнинг териси,— агар чора кўрилмаса,— яхши ёпишиб бирикмайди; соғлом теридек ёпишсин учун терига қуритувчи дори ишлатиш мумкин.

Чуқур тушиб ковакланган ва хоналаб кетган яраларни дорилар етарли даражада тозалай олмайди ва улардан эт унмайди, аммо айниқса, яраининг [туриш] вазияти ва биз баён қилиб ўтганга мувофиқ сиқиб боғлаш [тадбири] уни тозалаш учун кифоя қилмайдиган бир шаклда бўлганда жуда суюқ, ювувчи дориларни чайиш асбоблари орқали юборилса ёки пилик [билан] киргизилсагина, улар етарли даражада тозалаб, эт унади. Асал, айниқса, унинг шароб билан аралаштирилгани, ювувчи дорилардан ҳисобланади. Кул суви оз чиркли яра кўтаролмайдиган кучли ювувчидир. Денгиз суви ҳам шунга яқин, чунки у-ювади ва қуритади.

Аччиқтош суви ҳам ювади ва, шу билан бирга, ўша аъзога сизиб келадиган моддага тўсқинлик қилади. Ярада шиш бўлса, на бу ювувчи дориларнинг биронтаси ва на шароб мос келмайди. Бу хил яраларни [боғлаганда] дори устидан аъзо мизожини тузатиш учун зарур нарсага ва яра ичига [юбориб] ишлатиладиган марҳам [ўткирлигига] қарши турадиган нарсага булғаланган латта парчалар қўйиш керак; шунда керакли дори суртилган бошқа бир латта парчани яра оғзига қўйилади.

[Яраларнинг] бирикканлигига оқаётган нарсанинг камайиши, қуйи қисмларнинг *Этга тўлганлиги¹ далил бўлади. Баъзан боғлаш ва дорининг кучлилиги сабабли у яралардан бир йўла кўп рутубат оқади; кейин улар қуриб битади.

Олтинчи фасл. Яралардаги қуртга қарши дори

Сув бўйида ўсадиган ялпиз ва биз Учинчи китобда қулоқ қурти бобида айтган дорилар бунга қарши фойдали нарсалардан ҳисобланади.

Еттинчи фасл. Яраларда эт ундириш

Яра тозаланиб, унга озиқ тортилмагунича эт ундирмай туриш керак; озиқ кам бўлса, у ярага бориб етолмайди. Яралар тозалангандан кейин, улар қандай ва қаерда бўлмасин, ҳеч қандай кучли ачиштирувчи ва тозаловчи нарсани яқинлаштирилмасин. Эт ундирувчи дориларни ишлатилганда ярада ҳаддан ташқари ҳўллик ёки ортиқча қуруқлик пайдо бўлса, айтиб ўтилган тавсияларни кўзда тутиб, биз зардобли яралар бобида айтганларга амал қилиш керак. Бу — яра тозаланганда рутубатли бўлиб қолиши ёки жуда қуриб кетиши сабабли эмас, балки унадиган этнинг жуда рутубатли ёки қуруқлиги оз бўлиб қолиши сабабидир.

Агар ишлатилаётган дори марҳам бўлса, уни оқадиган қилиб суюлтириш ҳамда ёғ ва мумини кўпайтириш, қуритиш хусусиятнини камайтирувчи тадбирлардандир. Дорини ғализ қилиб қуюлтириш ва ёғини камайтириш, унга қўшиладиган дориларни кўпайтириш ёки асал каби нарсани қўшиш унинг қуритиш хусусиятини орттирувчи тадбирлардандир. Яраларда марҳам ишлатиб эт ундириш, секинроқ ундирса ҳам жуда мувофиқ, сепиладиган дорилар орқали эт ундириш [эса] қийин, лекин эт унса, тез унади. Баъзан [унган] эт қаттиқ бўлади, шунда сепиладиган дорилардан сепиб, марҳамлар билан ёпиб қўйиш тўғри тадбирлардан ҳисобланади.

Шароб, айниқса, буриштирувчи шароб ювиши, тозалаши, қуритиши ва кучайтириши сабабли барча яралар учун яхши доридир².

Эт ундирадиган дорилар ҳақида жароҳат бобида айтдик. Бу ерда эса шу мавзуга мос келадиган яхшиларидан бир қисминини айтамыз.

Бу — куйдирилган сурма, анзиратгўштхўр, балиқ елими, янчилган чиганоқ, пўлат тўполи, куйдирилган қўрғошин, игир, бўйимодарон. чаён-ўт ва, айниқса, чиркли яра учун — тўпалоқдир. *Жулах* — жуда кучли; луфо жуда фойдали; куйдирилган шиша эса, яраларни қуритиб битириш учун ажойибдир.

Саккизинчи фасл. Сасимайдиган, ўйиб еювчи яраларни даволаш

Ўйиб еювчи ва ёмон яраларни даволашда умумий қонун [175] баданни тозалаш, бадан тоза бўлса — қортиқ қўйиб ва зулук солиб, [ярали] аъзони тозалаш, суюқ суртмалар ишлатиб, унинг мизожини ўзгартириш ва овқатни тузатишдан иборат. Буларни кечиктирмай [амалга ошириш керак] чунки кечиктириш || у яраларнинг ёмонлигини орттиради. Яра- 351
нинг ейилиши ёйила борса, баъзан аъзони кесишга тўғри келади. Сасимаган ўйиб еювчи яраларда ҳарорат бўлмаганда совуқ сув, мирта суви, гул суви, қизил тасма суви ва буриштирувчи шароб, ҳарорат бўлса — гул суви ёки оддий сувга аралаштирилган сирка ва шуларга ўхшаш совутиб қуритувчи сувларни қуйиш фойда қилади. Агар яра сасиган бўлса, денгиз суви ва биз сасийдиган яралар бобида айтадиган бошқа сувлар [қуйилади]. Сўнгра бу яраларнинг энг яхши давоси қуритиб ва совутиб буриштирувчи дориларни, масалан, анор пўсти, ясмнқ, мастаки дарахти барги, гул уруғи, Миср акацияси, мирта уруғи ҳамда таркибига шу парсалар қўшилган қуйиладиган дориларни ишлатиш лозим. Бундай дориларни аччиқтош ва шунга ўхшашларнинг мазасини [ўтказиб]¹ кучайтирилади. Шунингдек, қўзиқулоқ баргини ва шохларини шаробда қайнатиб қўйиб боғланади ёки сирка ё *сиканжубин* билан қорилган Рум лойини, қуриган қовоқнинг куйдирилганини, ёки арпа толқони билан қўшилган баргизубни, ёки зайтуннинг ҳўл баргини қўйиб боғланади.

Тўққизинчи фасл. Сасийдиган ва ёмон сифатли яраларни даволаш

Бу ёмон сифатли яраларнинг асл давоси баданни тозалаш ёки бадан тоза бўлса, қортиқ қуйиш, зулук солишдан иборат фақатгина аъзони тозалайдиган тадбир қўллаб, ўша [ярали] аъзонинг ўзини тозалаш ҳамда биз бир неча марта айтганимизга мувофиқ аъзо мизожини тузатадиган суюқ суртмалар ишлатиш ва озиқни тузатишдир. Бу яраларни даволашни кечиктириш керак эмас, чунки улар эскирса, ёмонлиги кўпаяди. Уларда иссиқ шиш пайдо бўлишига тўсқинлик қилиш керак; толқон билан қўшилган мингдевона [бундай яраларни] тинчитиб, энгиллик келтирувчи дорилардандир. Бу хил яралар ҳам ҳаддан ташқари бузилса, қони ва рангининг тозалиги билиниб турган соғлом эт ва соғлом оқ тоза суякдан бошқаси қолмасин учун, баъзан, олов ёки ўткир дорн ёр-

дамида доғлаб ёки кесиб, тагидан қўпориб ташлашга тўғри келади. Уткир дори яранинг барча сополсимон чеккаларини чиқариб олади; унинг огритишига қарши кетма-кет сариёғ қўйиб чора кўрилади.

Бундай яралар *носур* ва сополланадиган бўлмаса ҳам, ёмон ва ярамас яралардир. Баъзан бу яралар туфайли [бошқа жойлар ҳам] чиришининг олдини олиш учун аъзони кесиб ташлашга эҳтиёж тушади. Бу яраларга мос келувчи қўйиладиган дорилар денгиз суви ва *носур* яралари бобида айтилган бошқа сувлардир. Уларга ва бошқа хил яраларга дори ишлатилганда, уларни бир неча кун ечмай қўйиш керак.

Бу яраларга ишлатиладиган дорилар бир оз аччиқтош қўшилган ёввойи ясмиқ уни ёки озгина нон мағзи қўшилган қуритилган шўр балик, ёки аристолохия, карам илдизи, лавлаги илдизи, ёввойи бодринг илдизи, оқ зок билан қўшиб янчилган зигир уруғи, майиз ёки анжир билан қўшилган тоғжамбил ёки анжир дарахти барги, ёки табиий сода билан бирга зира, ёки асал қўшилган ул, ёки асал билан қайнатилган денгиз пиёзининг қуюқ суртмалари, ёки асал билан карам, ёки қуритилган қовоқнинг куйдирилгани ва зайтуннинг ҳўл барги кабилардир.

М у р а к к а б д о р и н и н г т а р к и б и: аристолохия ва канақунжуг барги ширасидан бир бўлак, зангордан ярим бўлак олиб, сув қўшиб, қуюқлиги асалдек чапиладиган дори ясалади. Баъзан бунга ёввойи бодринг шираси ва қизил зок қўшиб кучайтиришга зарурат туғилади; бу дори устига қуруқ латта ёпиштириб қўйилади. Шунингдек, аристолохия, мози ва зайтун ёғидан баробар миқдорда олиб, шу таркибдан яра ва унинг атрофига чапиладиган дори ясалади; ёки оҳак ва сариқ зокдан бир бўлак ва зирниҳдан ярим бўлак олинади. Шунга ўхшаш, қизил зокдан ўн икки, сариқ зокдан ўн, [оддий] зокдан тўрт [бўлакни] олиб, бу таркибдан чапиладиган дори ясалади: буларни ярим *қутули* ўткир сиркада то сирка тугагунча қайнатиб, сўнгра бундан мил чўпи билан олиб, яраларга суртилади. Яна, сариқ зок ва [оддий] зокнинг ҳар биридан йигирма бўлакдан, темир тўполдан ўн олти бўлак, тешилмаган мозидан саккиз бўлак олинади. Яна, туздан бир бўлак, куйдирилган аччиқтош, мис тўполи ва куйдирилган жилвиртошдан ярим бўлакдан олинади.

Яхши марҳам: анзиратгўштхўр, куйдирилган мис, мози, зангор ва аристолохиядан олинади ва юмшоқ ҳам ёпишқоқ бўлсин учун бир оз сақич қўшиб, [176] ярани тозалагандан кейин ишлатилади.

Ғоятда фойдали синалган дори: қизил зокдан йигирма тўрт [бўлак], сичлмаган оҳакдан ўн олти, аччиқтошдан ўн олти, анор пўстидан ўн олти, кундур елими ва мозининг ҳар биридан ўттиз икки, мумдан бир юз йигирма [бўлак] ва эски зайтун ёғидан бир *қутули* олинади.

Бошқа яхши дори: куйдирилган қалай, олтингугурт, куйдирилган мис, қалай унаси, кундур елими, куйдирилган қўрғошин, *мурр*, олтин

тўполи, қаврак елими, говшир ва мастакидан икки *дирҳамдан*, қорамол буйрагининг ёғи, санавбар елими, сақич, мирта ёғи ва мумдан уч *дирҳамдан* олиб, эритилмай янчиладиганларини қориштирадиган миқдордаги сиркада эрийдиганларини эритилади ва ҳаммасини қўшиб || 352 қориштирилади.

Жолинус ва ундан бошқа [табиб] таркиб қилган фойдали дори: мис тўполдан бир *уқия*, ишқалаб [туширилган] зангордан бир *уқия*, мумдан ярим *ритл* ва *лоркас* елимидан бир ярим *уқия* олиб, шу таркибдан [юқоридаги] тартибга мувофиқ, эрийдиганини эритилади, янчиладиганини янчилади; эҳтиёжга қараб мумни кўпайтирилади ёки камайтирилади. Бу таркибга *диафружос*¹ аралаштиришни яхши деганлар; Жолинус бу ҳақда анчагина сўзлаган.

Бу яралар эрлик олати каби аъзоларда бўлганда уларга куйдирилган папирус қогозидан тайёрланадиган дори, *анзарун* дориси, қуритилган қовоқнинг куйдирилгани ёки чиркин юнгнинг куйдирилгани, ёки сарв барги, ёки чилор баргининг кули ишлатилади.

Унинчи фасл. Битиши қийин яралар ва хайрунияни даволаш

Билгинки, умумий нарса хусусий нарсадан бошқа бўлганидек, битиши қийин бўлган барча яралар ҳам ўйиб еювчи ва сасийдиган яралардан бошқадир. Чунки бу икки [кейинги] яра кўчиб юривчи, аввалгилари эса, гоҳо кўчувчи бўлмай, бир қанча вақт ўз ҳолларича туради. Улар сополсимонликка айланмаслиги билан *носур* яраларидан ҳам фарқ қилади. Қисқаси, ўйиб еювчи, сасувчи ва *носур* яралар битиши қийин яралар жумласидан ҳисобланади, аммо бунинг аксича бўлмайди. *Хайрунияга* келганда, бу жуда сасиб бузилган ва битиши қийин ярадир.

Бу хил яраларни даволаш қонуни шунки, агар улар мизож ёмонлиги сабабли содир бўлса, мизож тузатилади, ёки қон ёмонлиги сабабли воқе бўлса, яхши қон пайдо қиладиган ва ёмон қон пайдо бўлишига қарши турадиган овқат берилади, ёки қон озлиги сабабли пайдо бўлса, яхши овқатни кўпроқ бериб, қонни кўпайтирилади; яранинг чиркинлиги ва бўшлиги сабаб бўлса, бўшлик ва чиркинликка қарши чора кўрилади; яранинг ҳаддан ташқари қуруқлиги сабаб бўлиб, яра ҳали *носурга* айланмаган бўлса, мўътадил рутубатлантириш тадбири қўлланилади. Бу соҳада яхши тадбир то [яралар] аъзо терлаб, қизариб кўпчигунича иссиқ сув билан терлатиш ва шу даражадан ўтказмай тўхтатишдир, акс ҳолда аъзога кўп модда ва зўр офат жалб қилинади; буздан кейин қуритиш хусусияти камроқ дори ишлатилсин. Баъзан илиқ сув билан латта хўллаб қўйиш ҳам фойда қилади; баъзан ярани тирнаб қонатишга, яралар аъзони ишқалашга ва таркибига зифт қўшилган тортувчи марҳамларни ишлатишга эҳтиёж тушади.

Агар сабаб яра атрофидаги гўштда юз берган ёмон ҳолат бўлса, тилиб қон чиқариш ва қуриштириш чораларидан иборат [сен билиб ўтган] тадбирлар билан даволанади. Агар сабаб ярани суғораётган кенгайган вена бўлса, уни ёриб, қони оқизилсин, ёки уни тортиб чиқарилсин; кўпинча бу тадбир тинчитади. Аммо тўлиқлик мавжуд бўлса, аввало томирдан қон олинсин, савдо хилти бўлса, уни бўшатилинсин; кейин мумкин бўлса, кенгайган венани ёриб, ундан мумкин бўлган миқдорда қон оқизилсин¹, акс ҳолда аввалги ярадан кўра ёмонроқ аҳвол юз бериши мумкин. Сўнгра ёрилганда пайдо бўлган жароҳатни, ундан кейин эса битиши қийин яранинг ўзи даволансин.

Яна [яранинг қийин битишига] сабаб аъзонинг заифлиги бўлиши мумкин; бу заифлик ҳар қандай мизождан эмас, балки ҳаддан ташқари бузилган, иссиқ ва совуқликда мўътадилҳисобланадиган мизождан узоқ мизож сабабли пайдо бўлади, аъзонинг мизожларга тобе ҳолда ҳаддан ташқари сийраклашуви ёки зичлашуви сабабли ҳам аъзо заифлашади, биринчи ҳолат ҳарорат билан рутубатга ёки рутубатнинг ўзига, иккинчиси эса совуқлик билан қуруқликка ёки қуруқликнинг ўзига тобе бўлади. Бунда ўша [мизожни] келтириб чиқараётган нарсага зидлашувчи тадбир ёки у мизожга зид [бошқа] мизожни тугдирадиган тадбирни қўллаш керак.

Кўпинча [яранинг] битмаслигига моддани тортиб, ярага йўналтириб турган ҳарорат сабаб бўлади, бу сабабга қарши чора кўришда буриштириб совутувчи дориларга эҳтиёж тушади. Агар [битмасликка] яранинг *носур* эканлиги сабаб бўлса, *носур* яраларига [қарши] ишлатиладиган тадбир қўллансин; агар сабаб ярага ёндош суякнинг бузилганлиги бўлса, ёриб суякни очилади, иложи бўлса [177] унинг устидаги нарсани² яхшилаб қириб кетказилади, бўлмаса, суякни қирқилади ва биз суяк бузилиши бобида айтадиган тадбир қўлланилади. Жолинуc шундай дейди: «Бир йигитнинг кўкрагида *носур* яраси бор эди, яра кўкрак ўртасидаги суякка бориб етган эди. Биз тўш суягини ўраб турган ҳамма нарсаларни очиб, суяк бузилганлигини кўрдик ва суякни кесишга мажбур бўлдик. Бу кесилдиган жой юрак филофи туташган жой экан. Биз буни кўргач, бузилган суякни чиқариб олишда жуда эҳтиётлик билан тадбир қўлладик; кўкракни ичкаридан ўраб турган пардани³ соғлом сақлаб қолишга эътибор бердик. Шу парданинг тўш [суяги]га туташ қисми ҳам бузилган экан. Юракнинг ўзига хос анатомияда уни очиб кўрганимиздек, бунда ҳам юракни аниқ кўриб турдик; у йигит соғайди. Тўшининг кесиб олинган жойидан эт униб тўлишди, || илгари юрак филофининг боши уни бекитганидек, этлар бир-бирига тутшиб, юракка парда бўлиб, уни бекитди», — Бу хил кесиш, — дейди Жолинуc, — кўкракни тешган жароҳатлар-

дан зўр эмас. У яна: «Яралар эскириб кетган бўлса, *миҳмара*¹ орқали керакли миқдорда қон оқизиш тўғри тадбирлардандир»,— дейди.

Битиши қийин бўлган яралар учун кўп ҳолларда ишлатиш буюрилган дориларга келганда, улар мис тўполи, куйдирилган ва куйдирилмаган зангор, пўлат тўполи ва бошқа хил темирлар тўполи ва «тилла елими»² бўлиб, улардан мумли суртмалар тайёрланади. Сариқ зок, [оддий] зок ва шунга ўхшашлар, агар [модда соғилиб] келаётган бўлса, аччиқтош ва мози каби аъзога модда соғилиб келишига тўсқинлик қиладиган нарсалар билан қўшилади.

Битиши қийин бўлган яраларга ишлатиладиган дорилардан бири мапа бу: тилла тўполи, «тилла елими» ва аччиқтошлардан саккиз [бўлак]дан, зангор ва мис тўполдан бир [бўлак], сарв елимидан тўрт [бўлак], мум ва ёғдан керакли миқдорда олинади. Яна: мумдан ўн [бўлак], санавбар елимидан тўққиз, тилла тўполдан уч, сариқ зокдан олти [бўлак] ва мирта ёғдан керакли миқдорда олинади. Шунингдек, сариқ зок ва тилла тўполини денгиз суви, ёки ғўра суви, ёки ишқор ва оҳак солиб мизожга қараб аста-секин қайнатилган сув билан ёз қуёшида яхшилаб ишланади, сўнгра денгиз суви ёки ишқор суви тузга айланмасидан бурун уни сузғичдан ўтказилади. Яна: куйдирилган мис, санавбар елими ва *андарон* тузининг ҳар биридан икки *уқия*, мум ва мирта ёғдан кифоя қиларли миқдорда олинади.

Бундай яраларга *носур* яраларининг дориларидан ёввойи ясмиқ уни, гулсапсар илдизи, куйдирилган аристолохия, куйдирилган мис ва кундур елимининг тупроғини қуришиб янчиб ишлатилса, фойда қилади. Уларни ҳар бир баданнинг тақозосига қараб, турлича таркиб қилинади.

Яхши дори: мис қипиғи ва темир қипиғини олиб, аччиқтош суви билан қорилди ва қизил кесак лойи билан устидан суваб, тандирда куйдирилади, сўнгра тандирдан олиб янчиб, сепиладиган дори қилиб ишлатилади ёки шу таркиб ва куйдирилган қўрғошиндан марҳам ясалади.

Таркибига тилла аралашган яхши марҳам: тилла аралашган куйдирилган қўрғошиндан бир *манн*; мум ва мозарийон илдизининг ҳар биридан ўттиз олти *мисқолдан*, зангордан ўн саккиз *мисқол*, ишқалаш билан³ янчилган ва бир оз куйдирилган қўрғошин қўшилган тилла қипиғидан қирқ *мисқол* ва эски ёғдан уч *ритл* олиб, [ёққа] олдин куйдирилган қўрғошин, тилла ва зангор, сўнгра бошқа дорилар қўшилади.

Шунингдек, тандир сополи⁴, садаф кули ва куйдириб ювилган қалайларни олиб, бу таркибдан мирта ёғи билан марҳам ясалади.

Ёғ, албатта, куйдирилган қўрғошин билан қуюлтирилган бўлиши керак: унинг таркиби: куйдирилган қўрғошиндан, масалан, бир *уқия*, жуда ўткир сиркадан бунга уч баробар, зайтун ёғи ёки мирта ёғи, ёки

қандай ёғ бўлмасин икки *уқия* олиб қўшилади ва куйдирилган қўргошин ёгда эриб, [ёғ] қуюлгунча, куйдириб юбормай, ёғни аста-секин кавлаб турилади.

Шундай яралардан бўлган *хайрунияга* қарши дори: мис тўполи, зангор, жуда етказиб юбормай ювилган оҳакни олиб, булардан сепиладиган дори ясалади ёки янчилган аччиқтош сепилади, ёки Zufодан тўрт [бўлак] ва табиий содадан икки бўлак олиб, [ярага] сепилади. Шунингдек, ярага олдин асал суртиб, сўнгра устидан қўйидаги дори сепилади; унинг таркиби: мис тўполдан [178] икки бўлак, аччиқтошдан икки бўлак ва мумли суртмадан ўн бўлак олиб, қуёшда қориштириб ишлатилади.

Ёки қўргошин упаси ва аччиқтошдан саккиз [бўлак]дан, мис тўполи, *андарон* тузи, кундур елими, зангор ва анор пўстиинг ҳар биридан икки бўлакдан, оҳакдан бир бўлак, мумдан ўну учдан икки бўлак, мирта ёғидан етарли миқдорда олинади. Яна: куйдирилган қўргошин ва зайтун ёғидан бир *ритлдан*, аристолохия ва тешилмаган мозидан бир *уқиядан*, қаврак елимидан бир *уқия*, кундур елими кукунидан икки *уқия* олиб, бу таркибни олов устига қўйилади ва қамини илдизи билан кавлаб туриб, чапиладиган дори ясалади.

Ўн биринчи фасл. Н о с у р яралари¹ ва бирикмайдиган териларни даволаш

Носур яралари, уларнинг ҳукмлари ва турлари ҳақида юқорида сўзланди. Зардоб ва бузилган рутубатларни [яраларга аъзога] маълум вазият бериш ёки ёриш билан оқизиш тадбири ҳам бундан олдин бир печажойда баён қилиб ўтилди.

Носур яраларига хос даволашга келсак, бу ҳам турличадир; чунки *носур* яралари янги ва енгил ёки эскирган ва сополланиши этга чуқур [ботиб] борган бўлади; бунисини даволаш қийин: бунини даволаганда қирғич ёки бошқа қурол орқали атрофларини [тагига] етказиб шилиб олиш орқали ёки олов ё дори ёрдамида доғлаш билан сополсимон қисмларини олиб ташлаш зарур. Бу иш, айниқса *носур* асаб ёки шариф аъзо ёнида бўлса жуда машаққатлидир; баъзан || касал *носур* ярани бундай даволашга чидашдан кўра, уни шундайича қолдиришни истаб қолади.

Гоҳо яранинг ичкарасидаги чиркли ёмон этни қуритиш ва едириб юбориш мумкин бўлади, шунда қолган ёмон эт ҳам қуриб, [яра] битидаи ва у тўла бўлмаса ҳам узоқ муддат тинчиб қолади. Бунини истаган киши *носурни* чиркли ёмон этдан тозалаб, кейин унга қуритувчи дориларни тикиб қўйишни керак. Чунки хатоликка йўл қўйилиб, тўлиқлик ёки мизож ҳўллиги, ёки ярага сув тегиши, ёки ярани оғритадиган кайфият-

да ётиш, ёки урилиш, ёки зарба ейиш, ёки йўтал, ёки титраш юз берма-са, бу тадбир ярани қуруқ сақлаб туради.

Носур яраларини тагига етказиб қўнориб тушириш тадбирига келсак, билгинки, улар ёмон ва эскирган бўлса, уларнинг сополсиммон қисмини кесиндан ёки олов билан доглашдан бошқа чора йўқ; бу [тадбирлар] биз қуйида айтадиган усулда қўлланади: доглаш қай ергача етиб боришини билиш учун оҳисталик ва эҳтиётлик билан яранинг эгри ва айланиш йўллари очилади; сўнг уни догланса, сополсиммон қисми¹ ўпирилиб тушади. Баъзан навшадил, зирних, олтингугурт, зангор ва симоб каби ўткир дорилар билан догланади. Шуларнинг ҳаммасини қўшиб, симобни ўлдирилади ва симобга баробар миқдорда темир қипиғи ва ярмига баробар ишқор, ярмига баробар оҳак аралаштирилади ва у *солда*² қиздириб ҳайдалади, ёки бу соҳада шугулланувчи кишиларга маълум усулга мувофиқ, бу таркибни [усту лойланган] шиша идишда қиздириб, туз ҳолида ҳайдалади. Бу дорини *носурга* қўйилганда яра алангаланиб қовжираб, этдан кўчади. Шунда уни мўйчинок билан қисиб чиқариб ташланади ва [ярални] аъзога огриқ пасайсин учун ҳар соатда сариёғ тиқиб турилади; сўнгра яраларга қарши тадбир билан даво қилинади.

Носур яра янги ва енгил бўлса, уни кетма-кет кучли дорилар, масалан, *қитрон*, турли кулларнинг суви, шўр денгиз суви, зирних ва навшадил аралаштирилган совун суви, куйдирилган қуруқ мис ва қуруқ навшадилларни ёки уларни майдалаб, оқадиган даражага етказмай ҳўлланганини қиздириб ҳайдаш орқали олинган суюқлик, шунингдек, ишқор ва тухум пўчоғининг қиздирилгани қайнатилган сув билан ювиш керак. Яра тозалангач, унга канакунжут дориси қўйилсин. *Фарабга* ишлатиладиган дорилардан бўлган зирних марҳами ажойиб фойдалидир. Жолинуслик папирус қоғозидан тайёрланадиган дориси, зок, оқ зок, куйдирилган мис ва зангордан таркиб қилинган дорилар, шуларга ўхшаш луфо, ёввойи ясмиқ уни, гулсапсар илдизи ва *сумқутундан* [тайёрланган] дорилар ҳам [фойдали].

Талоқғиёх илдизини *носур* ярага тиқиб, тажриба қилиб кўрилганда фойдали бўлиб чиқди. Шунингдек, ҳарбақни *носур* ярага тиқиб, уч кун қолдирилса, уни тuzатади. Қизил зок ҳам шундай; шунга ўхшаш ёввойи бодринг ширасини сақич билан қўшиб, ёки сассиқ қаврак илдизи ширасини, ёки зангор ва сассиқ қавракни сирка билан қўшиб, ёки сассиқ қаврак, оқ зок, сариқ зок ва араб елимни сирка билан қўшиб ишлатилади. Ёки болалар сийдигини олиб, то қўйилиб қуригунгича қалайи ҳавончада тўхтовсиз ишқаланади, [179] сўнг ишлатилади.

Искандарияликлар ишлатадиган дорининг таркиби: «эшак сутчў-ни»нинг¹ илдизи, қовурилган зок, сариқ зок, зангор ва аччиқтошларининг ҳар биридан бир бўлакдан ва олакулангдан ярим бўлак олиб, сениладиган дори ёки марҳам ясалади, ёки бу таркибдан олакулангни олиб ташлаб, [қолганларини] олакуланг қайнатилган сирка билан аралаштирилади; баъзан бунга асал қўшилади. Яна: сабр, зангор, куйдирилган кўрғошин ва тухум пўчоғини,— унинг «оҳакка» айлантирилгани жуда кучлидир,— олиб аралаштирилади. Яна қийин битадиган яралар бобидан биз айтган кучли дорилар ҳам ишлатилади. Тоза эт пайдо бўлгандан кейин, эт ундириб бириктирадиган дорилар ишлатилади.

Носур яранинг яқинида бузилган суяк бўлса, уни тузатиш ва шу [соҳада] қўллашладиган дори билан даво қилиш керак. Зардобга ўхшаш рутубатларнинг камайгани ёки йирингга айлангани кузатилса, даволаш фойда етказаётган бўлади.

Ун иккинчи фасл. Жароҳатлар устида [унган] ортиқча эт

Буни даволашда тозалаб қуритувчи дориларга эҳтиёж тушади; дорининг ачиштириши қанчалик кам бўлса, бунинг учун шунча яхши. Табиатдан эт ундиришда кутилган ёрдами бундан кутмаслик керак, чунки эт ундириш табиатнинг иши, табиат ундирган нарсани едириб [йўқ қилиш] дори ёрдами билан ёки дори ёрдамсиз табиатнинг фаолиятига зид нарса билан бўлади; шунинг учун кўпроқ дорига таянилади.

Билгинки, ортиқча этларга қарши ясаладиган кулча дорилар эскирмаган, балки янги бўлсагина фойда қилади. Агар у дориларни [тайёрлаб қўйиш] керак бўлса, уларни кулча қилиб, ҳаво бузилмайдиган жойда бекитиб сақлаш лозим. Бунинг учун сирка қуйқасини яхши деб мақташади, менимча, бу унчалик тўғри эмас. У дорилардан кулчалар ва ғўлаклар ясаб қўйилса, қуввати яхшироқ сақланади. Уларни зирних ва саримсоқ ёки сиркадан олинган ўткир сув билан ҳўллаб қўйиш керак, деган гапларга келсак, бундай қилиш || [аксинча] дори қувватини тарқалишга қобилиятли қилади ва уларни бузувчи ҳавога ёрдамлашади.

Қуюқ ва ўрнашиб турадиган дори жуда фойдалидир; бу унинг қувватлилиги жиҳатидан эмас,— баъзан суюқ дори кучлироқ бўлади,— балки қуюқ дорининг ҳаводан ва қўшимча нарсалардан камроқ таъсирланиши ва ўз ҳолида кўпроқ турғун қолиши сабаблидир. Бу дорилар, масалан, мис тўполи, куйдирилган садаф, типратиканнинг ҳар иккала турининг куйдирилганидан иборат; лекин типратиканлар гоҳо камроқ тозалайди ва этни керагидан кўпроқ буриштиради. *Ассиюс*² деб аталадиган тош устида пайдо бўладиган туз биз айтиб ўтган дорилардан кучлироқдир. Қизил зок, «тилла елими», сариқ зок ва бошқа зоклар ундан

ҳам кучлироқдир. Буларни куйдирилса, қувватлари ачиштириш [хусусиятлари] билан биргалликда камаяди, латифликлари ортади. Мис оксиди, айниқса, мис тўполидан олингани, кучли бўлса ҳам зангордек эмас. Ишқор ва зангор ҳам ортиқча этни еювчи дорилардан ҳисобланади. Денгиз сувига ёки аччиқ туз эритилган сувга ботирилган латтани ортиқча унган эт устига ёпиб қўйилса¹, кўпинча, уни тарқатиб йўқотади.

Гоҳо ишқор ва ўчирилмаган оҳакни олиб, уларни етти баробар сувга солиб, етти кун қуёшга қўйилади; то қуюлиб лойдек бўлгунича ҳар кунни дам-бадам, кавлаб турилади, кейин бу таркибдан кулчалар ясаб ишлатилади. *Нигалиқус* кулчаси ҳам шундай. Қўк марҳам ажойибдир; *андарон* тузи қўшиб ясалган қўк марҳам ва *ишқритотий* деб аталадиган марҳам ортиқча этни ачиштирамасдан камайтиради. *Дудиё* дориси, *диёрун* дориси, мис тўполи ва кундур елимидан ясаладиган дори жуда ўсиб, пахтадек кўпчиб кетган этни тuzатади. Бурун бавосирига қарши ишлатиладиган ҳамма дорилар ҳам шундай.

Ўн учинчи фасл. Битгандан кейин бузилган яраларга қарши тадбир

Улар бузилгандан кейин кўриладиган тадбир ярага яқин турган ёмон эт ва ёмон суякни олиб ташлаш, сўнгра ўзингга маълум бўлган усулга мувофиқ қуритиш ва суякларни чиқарувчи тадбирлар қўллашдир.

Баъзан қора кўкнор барги сингари тортувчи дориларни анжир барги билан қўшиб, қўйиб боғланади; анжир толқони ёки мингдево-на уруғи ва оқ зокдан баробар бўлакларни олиб ҳам қўйиб боғланади.

Ўн тўртинчи фасл. Яра ва жароҳатлардан қолган излар

Яра ва жароҳатларнинг изларини кетказишда кучли тозаловчи дорилар ишлатишга эҳтиёж тушади. Тозаланадиган изнинг пишиқлигига қараб, дорилар ҳам кучли бўлади. Из қаттиқ бўлса кучли, заиф бўлса кучсиз дори билан даволанади. [180] Пишиқ изни кетказувчи кучли дориларга келганда, масалан, темир қипиғини олиб, *лакк* ва *атрифул* билан қўшиб суртилади. Менимча, темир занги яхшироқдир; зангор ҳам шундай. Баъзан яра изига игна санчиб, устига асал билан оҳак суртилади ёки асал билан тоғ майизи, ёки тухум оқи билан чўл ялпизи ширасини суртилади. Буларга бўйсунмайдиганига қарши зирних ва «мурчтоши» [ишлатилади].

Енгил хил изларга қарши ишлатиладиган енгил дорилар эса боқила, нўхат уни, турп уруғи, ҳинд фундуғи, говак бўш кесак ва қозунпўчоғидир. Эшак ёғи, айниқса, унга юқоридагиларнинг баъзиси қўшилса, жуда яхши [таъсир қилади].

Урилишдан бўлган изларга келганда, уларга гулсапсар ёғи суртилса, тез кетказади. Бизнинг зийнат бобида айтадиганларимизни ҳам ўқи!





ТҮРТИНЧИ МАҚОЛА

АСАБЛАРДАГИ УЗЛУКСИЗЛИКНИНГ БУЗИЛИШИ ВА СУЯҚЛАРДАГИ ЖОЙИГА ТУШИРИБ ТУЗАТИШГА АЛОҚАДОР БУЛМАЙДИГАН УЗЛУКСИЗЛИКНИНГ БУЗИЛИШИ

Биринчи фасл. Асабларнинг жароҳатлари, яралари ва шуларга ўхшашлар

Асаб системасининг кучлилиги ва унинг мияга туташлиги сабаб-ли жароҳат натижасида унда жуда қаттиқ оғриқлар, тиришиш ва ақл қорншуви каби жуда зўр аламлар юз беради. [Асаб жароҳати], кўпич-ча, дастлаб қаттиқ алам пайдо қилмай, тиришишга олиб боради; ал-батта, бунда зўр оғриқсиз катта шиш пайдо бўлган бўлади. Бунда юз берадиган ҳолатнинг энг энгили — иситмалар, жароҳатли жойдан бошқа жойда пайдо бўладиган кўп шишлар, ташналик, уйқусизлик, айниқса, у асабда шиш воқе бўлганида тилнинг қуришидир. Мушак пайларидаги¹ жароҳатда ҳам аҳвол шундай; бу, айниқса, [жароҳат] пайларнинг бошланиш томонида юз берганда бўлади.

Асаб ва шунга ўхшаш нарса шишса ёки уларга совуқ тегса, ти-ришади; агар бунда чириш юз берса, шу [асабли] аъзо шишиб бузи-лади. Чириш асабга тез етишади, чунки асаб совуқ қуюлтириб қотир-ган рутубатдан яратилгандир; бу хил нарсада рутубат ва ҳароратли рутубат қайнаб пишуви сабабли у тез чирийди. Шунинг учун совуқ сувлар тириштириши, иссиқ сувлар эса чиритиши туфайли жароҳатли асабларга зарар етказади. Ёғ ҳам шундай, бироқ баъзан, оғриқни тўх-татиш зарурлиги учун ёки дориларни суюлтириб, жароҳат тагига етка-зиш учун иситилган ёғ ишлатишга эҳтиёж тушади. Дорилар ёғнинг ҳўлловчилик кайфиятига қарши туради. [Жароҳат тагига] кириб борув-чи дориларнинг ўзи ҳам, гоҳо шу ишни бажаради.

Баъзан || жароҳатланган асаб ҳам шишади, лекин унинг шиши ке-чкикиб юзага чиқади, шунингдек, бу шишнинг етилиб даволашни қабул қилиши ҳам кечикади. Гоҳо асабларда жуда кечикиб етиладиган ва кечикиб битадиган яралар пайдо бўлади.

Асабда пайдо бўладиган ҳар бир жароҳат ё санчилишдан ёки ёрплишдандир; ёрилганда асаб ё очилиб қолади ёки очилиб қолмай-ди. Бу ҳолатларнинг ҳаммаси [асабнинг] узунасига ёки энига қарата содир бўлади; асабнинг узунасига қараб воқе бўлган жароҳат энига

356

қараб воқе бўлганидан бежавотирроқдир, чунки соғлом асаб толаси узилган асаб толасига ёндошлиги сабабли алам тортиб оғрийди ва бу мияга етиб боради, натижада тиришиш ва зўр касалликларни келтириб чиқаради. Шу пайтда, кўпинча, қирқилган ва [бирор нарса] санчилган асабни бутунлай кесиб ташлашга ҳам мажбур бўлинади, шунда касал тинчийди ва ундаги ёмон ҳолатлар йўқолади.

Пардалардаги жароҳатнинг иши пайлардаги жароҳат ишидан енгилроқ, асабларникидан эса жуда ҳам енгил. Парданинг [жароҳатланганлигини] сен кўриб ва анатомиядан ўзинга маълум бўлган белгилар орқали биласан. Парда пишиқлиги сабабли ундаги толаларнинг узунасига кетган йўллари кўринмайди. Пардасимон пайда¹ эса узунасига кетган толаларнинг йўллари кўриниб туради. Пардасимон пай жуда қаттиқдир; парданинг ўзи эса унчалик қаттиқ эмас. Парда тикишни кўтара олади.

Суякдан-суякка ўтиб борган бойлоқларда юз берган жароҳат ва узилишлар² [унчалик] ёмон эмас; улар кучли даволашни ҳам кўтара олади. Асабларнинг узилиши гарчи аъзони ишдан чиқарса ҳам, асабларнинг ёрилиши ва айрим қисмининг кўндалангига қирқилишчилик кўрқинчли эмас.

Иккинчи фасл. Асабдаги узлуксизлик бузилишини даволаш қонуни

Асаб жароҳатларининг дориси иссиқ ва қуруқ [181] қисмлари латиф, ҳарорати мўътадил, ачиштирмайдиган бўлиб, қуритиши жуда кучли, тортувчи ва ҳеч бир буриштирмайдиган бўлади. Жавҳарининг латифлиги сабабли кучли қуритадиган латиф ҳароратли ҳар бир дори тортиш хусусиятидан холи бўлмайди. Бу жароҳатларда, айниқса, уларни бошлаб даволашда, буриштирувчи доридан сақлан; лекин буриштирувчи дори куйдирилган мис ва мис тўполи каби тозалаш хусусиятига [ҳам] эга бўлса, [уни ишлатиш мумкин]. Жавҳарни оғир дорини буриштирувчи хусусияти бўлмаган сиркада эзиб латифлаштиради. Гоҳо сирканинг ўзини латифлаштиради. Гоҳо сирка ўзининг латифлаштириш хусусияти билан дорига аралашганда, ундан латиф бир ҳарорат чиқариши мумкин.

Дорининг чуқур бориши учун баъзи вақтларда кучли ҳароратга эга бўлган нарсага эҳтиёж тушади, лекин бирор нарса аралаштириб унинг кучи синдирилади ва мўътадил қилинади; шунда у дори бир қадар қиздирувчи ва кучли қуритувчи бўлади. Агар асаб очилиб қолган бўлса, у ҳеч қандай ўткир нарсага чидай олмайди; ўткир нарса бундай асабга катта зарар келтиради. Агар дори ёки жароҳат устига ишлатиладиган латта парчалар совуқ ҳолида ишлатилса ҳам, шундай бўлади; чунки асаб [совуқдан] қаттиқ зарарланади.

Асабда жароҳат пайдо бўлганда уни битириш учун шошилиш керак эмас, лекин аввал иссиқ латталар, қиздирувчи ёғлар, айниқса, думбул зайтундан олинган ёғ билан компресс қилиб оғриқни тўхтатиш керак; [зайтун ёғида] бир қадар буриштириш ҳамда қиздириш хусусияти бор. [Ёғларнинг] қизитиши илиқликдан юқорироқ бўлсин, чунки илиқ нарса совуқ нарса жумласидандир. Шунингдек, шишни тўхтатишга ҳам эътибор бериш керак. *Сиканжубин* ва кул сувини боқила, ёввойи ясиқ, нўхат, Миср аччиқ боқиласининг уни билан қўшиб тайёрланадиган, шунингдек, арпа ва бошқа нарсаларнинг толқонидан ясалган қуюқ суртмалар ҳам шу пайтда ишлатиладиган дорилардандир; бу дориларни ҳатто шиш пайдо бўлишидан олдин ишлатилади. Баъзан енгил тадбир қўллаш фойда беради. Бу тадбирларни қўллаб ва томирдан қон олиш ҳамда бўшатиш орқали чиқиндининг қўйилиб келишидан хотиржам бўлинса, эт битирилсин.

Жароҳатдаги оғриқни ҳеч маҳал иссиқ сув билан тўхтатилмасин, балки латиф таркибли буриштирмайдиган ва ҳаддан ташқари иситиб юборилмаган ёғ билан тўхтатилсин. Чунки ҳаддан ташқари иссиқ ёки совуқлик асаб жароҳатига тўғри келмайди.

Қўпинча, асаб жароҳатлари соғайишга яқинлашиб қолганда совуқ тегиб, оғриғи зўраяди ва азият қайталайди. Шунда дарҳол оғриқни тўхтатиш ва қиздирувчи ёғлар қўйиш тадбирини қўллаш зарур бўлади. Агар асаб очилиб қолган ва узунасига кесилган бўлса, уни эт билан беркитишга ҳаракат қил; унинг устига биз айтиб ўтган бирор нарса санчилишидан [бўлган жароҳатларнинг] дорилари қўйилади, энлик латта билан жароҳатни бириктириб ва соғлом жойдан ҳам бир қанча қўшиб боғлаб қўйилади. Агар жароҳат энига қараб бўлса, уни тикишдан бошқа илож йўқ, чунки тикилмаса бирикмайди.

[Битириш] иши шошилишч амалга оширилиб, натижада кўндаланг [жароҳатнинг] сасиб чиришидан қўрқилса, уни кесиш, мумкин бўлган қадар шишдан ва чиришдан сақлаб қолиш керак. Чунки шиш ва унга совуқ тегиши тиришишни пайдо қилади; чириш эса у аъзони ишдан чиқаради. Шунинг учун жароҳат оғзини у соғайгандан кейингина битириш ва бириктириш керак бўлади. Жароҳатнинг оғзи тор бўлса, уни кенгайтирилсин, чунки торлик жароҳатда зардоб ва бошқа нарсалар йиғилиши сабабли чиришга олиб боради ва, шу билан бирга, оғриқ кучаяди. Шундай бўлгач, жароҳат яхши қуриб, ҳар қандай шиш ва чиришдан беҳавотир бўлингандан кейингина битириш лозим; асаб жароҳатида бошқа хил жароҳатдан кўра дори [латтасини] тез-тез очиб бойлашга эҳтиёж тушади. Баъзан || бир кунда ёки бир кечада икки-уч марта ечиб боғланади; шу кеча ва кундуз узоқ бўлса ва, айниқса, жароҳат ачишиб турса, баъзан шундай [ечиш боғланган] кундан кейинги кечада ёки шундай кечадан кейинги кундузида бойлоқни ечиб қўйиш-

га тўғри келади. Жароҳат ачишмаса, бунга эҳтиёж камроқ бўлиб, эр-талаб ва кечқурун икки марта ечиб боғлаш кифоя қилади.

Жароҳатга қарши ишлатиладиган дориларнинг керагидан ортиқ қиздириб юбормаслигига ёки етарли даражада қиздиришдан ожизлик қилиб қолмаслигига эътибор бериш керак. [Дориларнинг] тозаланиш дуратиши ва буларга зид хусусиятларига ҳам эътибор берилсин. Дорининг қиздириб юборганлигини кузатсанг, керагидан ортиқ қиздиришни камайтирадиган миқдорда уни совут.

Соғлом, [аммо] мизожи ва кўриниши шу касалга ўхшаш кишининг позисига *фарфиюн* қўшилган мумли суртма ишлатиб, синаб кўрилади, шунда унинг ҳаддан ташқари қиздираётганлиги ёки деярли қиздирмаётганлиги, ёки мўътадил даражада қиздирмаётганлиги аниқланади, сўнгра касалга ишлатиб, иккинчи марта уни касалнинг ўзида синаб кўрилади, лекин аввал касалдан бошқа, [аммо] касалга ўхшаш кишига ишлатиб синаб кўриш [182] яхшироқ, чунки дорини тажриба қилиб кўрилганда уни [кейин] кўп ўзгартиришга эҳтиёж қолмайди.

Шуларнинг ҳаммаси билан бирга асаблар очилиб қолган ва жароҳат жуда кенг бўлса, *у фарфиюн*, олтингугурт ва шуларга ўхшаш жуда иссиқ нарсани кўтара олмайди, балки тўтиё каби дорини ҳамда бир галнинг ўзида жуда етказиб ювилган оҳакдан тайёрланган дорини ишлатиш керак бўлади. Бу хил жароҳатга [қўлланиладиган] мумли суртмалар ва чапиладиган дориларга қўшиладиган ёғ гул ёғи ва мирта ёғи каби ёғлар бўлиб, уларга туз тегмаган бўлиши керак; бу хил дориларга қўшиладиган сақич ҳам ювилган бўлсин: тўтиёнинг ҳам ювилгани ишлатилсин. Бу дориларда ҳеч қандай ўткирлик ва ачиштириш хусусияти бўлиши керак эмас. Очилиб қолган асабни даволанаётганда, айниқса, касал мизожи заиф бўлганида, бу дориларда ачиштирмай тарқатувчи қувват билан бирга озгина буриштириш хусусияти бўлса, зарари йўқ. Усти очилиб қолган асабдан совуқ, сувли, ёғли ва шуларга ўхшаш нарсаларни узоқлатиш лозим.

[Дорининг] очилиб қолган асабга тўқнашиб, уни чирклантиргандаги зарари тўқнашмаган ёки оз тўқнашган — фақатгина асабнинг атроф-теваракларига дуч келгандаги зарардек бўлмайди. Дори ишлатмасликнинг иложи бўлмаса, биз айтиб ўтган йўсинда ишлатилсин. Агар яратилишда шу [жой] пишиқ бўлса, *Булидос* кулча дорилари, сариқ зок кулча дорилари, *Андрун* кулча дорилари ва канавчани шинни ёки ёғ билан,— қиш фаслида латиф зайтун ёғи, ёзда эса гул ёғи билан,— кундур елими, сақич ва гальбан елимини очилиб қолган асабга қарши ишлатиладиган дориларга қараганда камроқ миқдорда ишлатилса, зарари йўқ. Жароҳат қандай ҳолда бўлса ҳам, дори устидан зайтун ёғига ботирилган юмшоқ эчки юнгини қўйиш тўғри тадбирдандир.

Очилиб қолган асабга қарши енгил тадбир қўллаш яхшироқ бўлгани каби, суяклар ўртасида ўсувчи бойлоқларга кучли дори ишлатиш

яхшироқдир. Мушакка туташган бойлоққа келсак, бунга иккала тадбирлар орасидаги ўртача тадбир қўлланилади. Жароҳатларнинг сувдан, шунингдек, совуқдан узоқ тутилиши зарур бўлгани асаб жароҳатидир. Гарчи совуқ озгина бўлса ҳам, у асаб жароҳати учун жуда зарарлидир; зайтун ёғи ҳам зарарли, уни оғриқни тўхтатиш учунгина иситиб ишлатишга зарурат туғилади. [Асаб] жароҳатларини на сув ва на ёғ билан ювиш керак эмас, балки рутубатларини жуда юмшоқ латта ёки юнг билан артиб турилсин. Шинни билан ҳам [жароҳатни] ювилмасин, лекин рутубатлантириш хавфи бўлмаса [ювиш мумкин].

Бирон сабаб асаб жароҳатига, айниқса, очилиб қолган асабга ёғ ишлатишни тақозо этса, унинг устига аввало шинни, кейин зайтун ёғи суртиш керак. Жолинус шундай деган: «Бир кишига учи ингичка темир санчилик, терисини йиртган ва қўл асабларидан бирига бориб етган; шунда бир табиб унга битирувчи марҳам қўйган, табиб бу марҳамни гўштдаги катта жароҳатларда эт битириш учун ишлатиб юрган, у жой шишган. Шунда табиб унинг устига буғдой уни, сув ва зайтун ёғи қуюқ суртмаси каби бўшаштирувчи дорилар қўйган; у кишининг қўли чириган ва ўзи ўлган» .

Яраларда тиришиш юз берганида, агар терининг¹ ёрилган жойни тўсилиб қолган бўлса, уни очиш ва бу хил яраларга фойдали қуритувчи, жуда латиф дориларни ишлатиш ва дорини [яра] чуқурлигига етказишга ҳаракат қилиш лозим. Жароҳат санчилишдан бўлиб, шишсиз бўлса, ўша [санчилган] жойнинг ўзинигина даволанади; бундай дорининг кесилган [жойга] ишлатиладиган доридан кўра ҳарорати ва қуритиш қуввати кучлироқ бўлиши керак, чунки бундай дори зарарланган жойга осонроқ ўтиб боради.

Асаби жароҳатланган кишига бериладиган [овқат] латиф ва жуда ҳам латиф бўлиши керак. [Жароҳатда] оғриқ ва шиш пайдо бўлганида, айниқса, жароҳат кўндалангига бўлганида, овқат истеъмол қилиш ёмон эмас, чунки бу пайтда, масалан, беҳушлик юз беришидан тортинмай ва қўрқмай томирдан қон олишга эҳтиёж тушади.

Бундай касал ётадиган жой юмшоқ² бўлиши, жароҳатга яқин аъзоларни ёглаб туриш, шунингдек, айниқса, жароҳат баданнинг юқори қисмида бўлганида бош, бўйин ва икки қўлтиқни ёглаб туриш, || шунга ўхшаш, айниқса жароҳат қуйида ва почта томонда бўлса, қовуқ ва човни ҳам ёглаб туриш керак. 358

Учинчи фасл. Асабдаги жароҳат ва яраларга ишлатиладиган дорилар

Асабдаги жароҳатларга ишлатиладиган энг яхши дорилардан бири сақичдир. [183] Аммо болалар, хотинлар ва мизожи жуда рутубатли кишиларга сақичнинг ёлғиз ўзини севадиган дори қилиб, [ёки] агар

у қуруқ бўлса, уни юмшатиб ёпиштирадиган даражада озгина зайтун ёғи қўшиб ишлатиш кифоя қилади. Санавбар елими ҳам бунинг ўрнига ўтади. Мизожи қуруқроқ ва эти қаттиқроқ кишига ишлатилганда сақичга *фарфиюн* ва шунга ўхшаш нарсанинг эскиси ёки янгисидан бадан мизожи ва кўринишига қараб озгина ёки анчагина қўшиш лозим. Кучли ва янги *фарфиюндан* қўшиладиган миқдори мумли суртма ёки сақич, ёки шуларга ўхшашларнинг ўн иккидан бир бўлагидан тортиб, то мумли суртма ёки унга аралаштириладиган нарсанинг учдан бир бўлагича бўлиши керак.

Баъзан сақичга *фарфиюндан* бошқа сутли ўтлар сути,— чунки бу ажойиб дори,— ангуза, Эрон қавраги ва говширдан аралаштирилади. Бурақ ва унинг кўпигини зайтун ёғи ва олтингугурт билан қўшиб ишлатилади, ҳаммом чирки, *ассиус* тошидан олинадиган туз, рутубатларни сиртга тортувчи ҳамма дорилар, шунингдек, зок, эритилган мисдан ажратилган кул, сирка ва «тилла елими» [асаб жароҳатлари учун] энг кучсиз дорилардандир.

Баъзан, асаб жароҳатларида олдин хамиртурушдан бошқа [мосроқ] нарса топилмайди, уни ишлатилса, фойда қилади ва [моддани] жароҳатнинг энг тагидан тортиб олади. *Фарфиюн* топилмаган ҳолда, ари уяларининг чирки ёки кул суви билан мастак унини қўйиб боғланса, кўпинча, фойда қилади. Сақич ишлатиш даставвал қўлланиладиган биринчи тадбирдир, ундан кейин, айтиб ўтилган сувларнинг бири билан кучайтириш лозим бўлса, кучайтирилган *босилиқун* марҳами ишлатилади. Баъзан мумли суртмаларга уларни иситсин учун оҳак аралаштирадилар; бунда оҳак ювилган бўлиши керак, яхшиси уни қуёшда исиган денгиз суви билан ювиш керакдир. Оҳакни қанча кўп ювилса, шунча фойдали бўлади.

Жолинуснинг мум, санавбар елими, *фарфиюн*, зифт ва қуюқ зайтун ёғидан таркиб қилган дориси яхши дорилардандир; [буларнинг] ҳар биридан ярим бўлакдан ва зайтун ёғидан бир бўлак олинади. Бальзам ёғи латиф бўлса ҳам унча иситмайди; менимча, бу унинг тез шимилиб тарқалишидандир.

Жароҳат бирор нарсанинг қадалиши ва санчилишидан пайдо бўлса-ю, унда шиш ва чириш бўлмаса, унга қарши *фарфиюн* марҳами ёки каптар тезаги марҳамини ишлатиш керак; жуда латиф баданда *фарфиюн*, тигиз баданда эса каптар тезаги ишлатилади; бадан ҳолати, кўриниши ва мизожига қараб уларни кўпроқ ёки озроқ қўшилади. Шу билан бирга, санчилган жой оғзини битишга қўймаслик ва у тор бўлса, кенгайтириш лозим. Билгинки, санчилишга қарши ишлатиладиган дори кесилганга қарши ишлатиладиган доридан кучли бўлиши керак.

Жароҳатларда чириш пайдо бўлганда Эрон қавраги¹ ва ёввойи ясмиқ уни яхшидир. Аммо шиш пайдо бўлса — арпа уни, боқила уни, шунингдек, ёввойи ясмиқ унини кул суви ёки Эрон қаврагининг қувва-

ти ўтказилган оддий сув билан пишириб ишлатилади. Жароҳат тузала бошлаганини кўрсанг, шу пайтда унга шиннини қўрқмасдан ишлата бер; бунинг учун дориларни шиннида ивитиб ишлатиш керак. *Кучли баданлар учун *Булидос* кулча дориларини [шиннида] ивитиб¹ ишлатилади, кейин титилган юмшоқ латтага олиб жароҳат устига қўйилади.

Тўртинчи фасл. Жароҳатланган асабда юз берадиган шишлар

Асаблардаги жароҳатни даволаш қонунида биз таърифлаб ўтган нарсалардан жароҳатда юз берган шишларни даволаш усули бир қадар маълум бўлди; [Энди] уларни тўлароқ қилиб айтамыз ва Жоллинус ўзининг «Қотожонис» номли китобида ёзганларини келтирамыз. У айтади: «Асаблар ва асабли аъзолар жароҳатланганда флегмона пайдо бўлиб, у кучли вазуда алаиғали бўлса, уларни даволашда сирка ва биз баён қилган маъдан тошларидан ясалган дориларни ишлатиш муносибдир». Уларнинг аксари [«Қотожонис»нинг] иккинчи мақоласида келтирилган. Уларнинг бири мана шу: оқ зокдан биру чорак *дирҳам*, зокдан чоракам ўн *дирҳам*, мис тўполидан икки *уқияю* икки ярим *дирҳам*, кундур [дарахти] пўстлоғидан бир ярим *уқия*, гальбан еллимидан бир *уқия*, мумдан етти *уқия*, зайтун ёғидан тўққиз *уқия*, ўткир сиркадан иккию чорак *ритл* олиб, [юқоридаги] қуруқ дориларни сиркага солиб ўн кун давомида эзилади; эрийдиганини эритиб совутилади, [184] сўнг ҳаммасини қозонга солиб аралаштириб, то ҳаммаси битта бўлиб кетгунича жуда яхшилаб кавланади. Касал аъзога зайтун ёғидан ҳар куни икки ёки уч марта томизиб туриш керак. Бу [юқоридаги] дорини қўйганда унинг устидан мўътадил даражада иситилган сирка ва зайтун ёғи билан ҳўлланган юнгни боғлаш керак; чунки асаб касалликлари учун совуқ нарсадан зарарлироқ² ва ёмонроқ нарса асло йўқдир.

359

Агар бу аъзоларга бирор ҳолат туфайли сирка, асал ва кулдан тайёрланган қуюқ суртмани боғлаш зарур бўлса, у қуюқ суртма қайнатилиши ва [унга киритилган] ун ёввойи ясмиқ уни бўлиши лозим; бу ун топилмаса, боқила уни ёки арпа уни ишлатилсин.

Бешинчи фасл. Асабнинг эзилиши ва шикастланиши

Асаб эзилса-ю, у билан бирга жароҳат ва шиш пайдо бўлмаса, оғриқни тўхтатувчи нарса билан даво қил. Шиш пайдо бўлганида ҳам кул суви ва шунга ўхшаш тешиб оқизувчи нарса билан даволамай, оғриқни тўхтатувчи нарсалар билан даво қил. Шунингдек, ўша аъзога иситилган ёғни кетма-кет қўйиб туриш керак; у ёғ қувватида бў-

шаштириш ва тарқатиш хусусияти бўлсин. Укроп ёғи, катта бобуна ёғи ва газаргўт ёғи бунга қўйиладиган яхши ёғлардандир. Шунингдек, бунга мувофиқ қуюқ суртмалар боғланади. Гулхайрини янчиб эзилган асабга қўйилса, ажойиб фойда етказди. Садаф гўшти ҳам ажойиб дори; баъзан етилиб пишган тоғ пиёзи билан даво қиладилар.

Агар эзилган асабда шиш пайдо бўлса, унинг оғриғини¹ тўхтатишдаги тадбир узум шиннисини шароб, озгина сирка ва керакли миқдорда зайтун ёғи билан қўшиб, мўътадил даражада эзиб ишлатишдир: унга чиркин юнги, айниқса, зуфо юнгини ботириб [асабга] қўйилади. Агар бу оғриқ бўғинларда бўлса, уни тўхтатиш учун энг кучли ва этилтириб тарқатувчи, лекин шишга қарши турини ва уни зўрайтириб юбормаслиги учун буриштириш хусусиятига эга бўлган нарсдан таркиб топган дорини қўйиш яхшироқдир. Даволашда оғриқ ва шишга қараб, улардан энг зарурини (олдин) даволансин. Агар шиш бўлмаса, даволашни соддалаштириб², кучли дорилар, масалан, кул суви, сирка ва шунингдек, шароб ишлатилсин. Шиш узоқ муддатга чўзилса, дорини кучайтириб, унинг тарқатиш қувватини кўпайтир. Буриштириш хусусиятига эга бўлган дорини, масалан, кул суви билан тайёрланган ва ҳаммом чирки билан тайёрланадиган³ дориларни ҳеч бир тортинмай қўя бер.

Агар [эзилган асаб] терисида жароҳат ҳам бўлса, асабнинг эзилган қисмларини бириктириш ва жароҳатга фойда етказиш учун кучли қуритиш, йиғиш ва маҳкамлаш хусусиятларига эга бўлган дориларга эҳтиёж тушади. Агар тери озгина бўлса ҳам эзилмаган ва жароҳатланмаган бўлса, боқила уни, сирка ва асаллардан ясалган қуюқ суртма каби дориларни ишлат; бу яхши доридир. Дорининг қуритиш хусусияти кучлироқ бўлишини исталса, шу таркибга ёввойи ясиқ уни қўшилади. Бундан ҳам кучлироқ бўлиши керак бўлса, гулсапсар уни қўшилади.

Агар жароҳат эътибор беришга арзимайдиган даражада бўлса, асабни унинг шишишига тўсқинлик қиладиган нарса билан даволанади, жароҳатни даволаш билан шуғулланмайди, садаф гўшти бунда ажойибдир. Баъзан туз мумли суртмаси билан даволайдилар; кундур елими ва *муррларнинг* қуюқ суртмаси ҳар икки ҳолатда ҳам фойдалидир. Агар шу икки нарса⁴ билан бирга қаттиқ оғриқ ҳам бўлса, дориларга зайтун ёғи аралаштириб иссиқ қилиб қўйиб боғлаш керак бўлади.

Асаб шикастланганида унга на иссиқ ва на совуқ тегизмаслик, балки латиф ва буриштирувчи райҳонлар ва шундай хусусиятга эга бўлган хушбўйликлар қуввати ўтказилган ёғларни иситиб ишлатиш керак.

Асабнинг чириб бузилиши ҳукмига келганда, баъзан асабнинг майда парчаси бузилади, бунда уни чиқариб ташлаш лозим; уни риштани чиқариб ташлагандек чиқариб ташланади.

Олтинчи фасл. Асабнинг қаттиқланиши ва тугунланиши¹

Бу, кўпинча, зарба ейиш ёки йиқилиб тушишдан пайдо бўлади; уни босилганда увушиш сезилади. Асаб қаттиқлашувини даволаш қаттиқ шишлар ва *душбуз*²ни даволаш усулига яқиндир. Бу тўғрида айтилиши зарур дориларни содда дорилар жадвалида ва «Қарободин» да кўрсатиб ўтдик; бу ерда айтадиганимиз шу бобда тажриба қилинган дорилардир. [185] Енгил дорилардан бири, масалан, [қўйидагидир]; яҳуд муқлидан ўн *дирҳам* олиб, сувга солиб ивителиди, бунга гулхайрининг жуда эзилган илдизидан ўзига баробар миқдорда қўшиб, қуюқ суртма қилиб боғланади. Шунингдек, гулсапсар илдизини шинни билан қориштириб боғланади. Яна: қаврак елими, гальбан елими ва *фарфиюнни* зайтун ёғи қуйқаси билан қўшиб ҳам боғланади. Яна, канавча уругини шинни билан қўшиб қуюқ суртма ясалади; *диёхилунни* ўзига ярим баробар така тезағи билан қўшилса ҳам жуда [фойдали бўлади].

Еттинчи фасл. Суяк касалликлари

Суякларда ҳам мизож бузилиши, узлуксизликнинг бузилиши, сениш, чиқиш, чириш, яраланиш ва пўст шилиниши каби касалликлар юз беради. Биз тузатилиши лозим бўлган сениш ва чиқишлар ҳақида бу мавзудан кейин гапирармиз. Аммо бундан бошқа дори қўллашга эҳтиёж туғдирадиган суяк касалликларини, Тангри ёрдам берса, бу ерда эслатиб ўтармиз.

Саккизинчи фасл. «Санчилувчи бод»³ ва суякнинг бузилиши

«Санчилувчи бод»нинг сабаби суякка ўтиб, уни ейдиган ўткир хилтлардир⁴. «Санчилувчи бод» бўғин оғриғига ўхшайди, бироқ бўғин оғриқларида модда этда, «санчилувчи бод»да эса суякда бўлиб, ўрмалаб юради ва суяк бўлакларини бирин-кетин бузади. Бир гуруҳ табиблар «санчилувчи бод» яра сабабли бутун бадан бўйлаб тарқалади, дейди; бу сўз исбот қилинган эмас.

Тўққизинчи фасл. Суяк бузилганлигининг белгилари

Суякда бузилиш юз берганида устидаги эт юмшаб бўшашади ҳамда сасишга ва сариқ сув йиғишга бошлайди. Агар [шу жойга] мил чўпи тикиб кўрилса, у осонлик билан суяккача кириб боради, суякка

етганда суяк мил чўни тойиб кетадиган даражада силлиқ уннамайди, балки унга бир оз [дағал уннаб] қадалади¹, гўё пишиқ бўлмай, балки уваланиб ёки чириб турган нарсага дуч келгандек бўлади. Баъзан суяк, айниқса, касаллик дастлабки пайтидан ўтган бўлса, қисирлайди ва юмшоқ бўлади. Дастлабки пайтда эса мил чўпи орқали бузилиш ҳолатини билиб бўлмайди, балки мил чўпи суякка тегизилганда унинг ҳаддан ташқари тойиши суякнинг бузилганлигига далолат қилади; чунки мил чўни ҳар томонга қараб тоя берса, парда суякдан ажралган бўлади. Бу эса суяк бузила бошлаганлиги ва унинг устидаги эт бузилган пайтда унинг ҳам бузилишга бошлаши сабабли бўлади. [Суякни] очилганда унинг ранги ўзгарганлиги кўрилади. Суяк бузилишидан олдин, кўпинча, шиш пайдо бўлади; аввало, эт бузилиб ўлади ва кейин [бузилиш] суякка бориб етади.

Ўнинчи фасл. [Бузилган суякни] даволаш

360 Бузилган суякни даволаш хоҳ у оқма бўлсин, хоҳ бўлмасин, уни қириб кетказиш ёки кесиш ва арралаб ташлашдан иборатдир. Чунки, бузилган пўстлар тушиб кетиб соғломлари қолсин учун суякни қириб шилиш ёки бузилган жойини доғлаш² зарур. Гоҳо бузилган суяк пўстларини дорилар ёрдамида тушириб юборилади, масалан, бош ва бошқа жойлардаги суяк пўстларини шу йўсунда туширилади. Бунинг учун синалган дорининг сифати: аристолохия, гулсапсар илдири, *мурр*, сабр, говшир ўсимлигининг ички пўстлоғи, кўйдирилган жилвиртош³, мис тўполи ва санавбар пўстини олиб, ҳаммаси аралаштирилади. Бу таркиб суяк пўстларини туширувчи ва унинг устида яхши эт ундирувчи ажойиб доридир.

Агар суяк бузилиши чуқур борган бўлса, уни кавлаб олиш зарур: Бузилиш иликкача етган бўлса, суякни илиги билан қўшиб олиб ташлашдан бошқа чора йўқ. Агар суяк бузилишини ўша суякнинг ҳаммасини ёки катта бир қисмини кесиш ва арралаб ташлашдан бошқа нарса тузатмайдиган бўлса, шу тадбирни қўллаш лозим. Кесиш ташланиши лозим бўлган жой қуйидагича аниқланади: мил чўпини тикиб, суякнинг [этга] жуда қаттиқ ёпишган жойига етгунича айлантириб кўрилади; ана шу жойи унинг бузилган қисмининг чегараси бўлади. Аммо бузилган суяк сон ва ёнбош суякларининг боши ҳамда орқа умуртқаси бўлса, орқа мия туфайли уни даволашдан кечиш яхшироқ. Агар олдин юз берган эт бузилишига эргашиб суякнинг ҳам бузилиши кутилса, унинг давоси суякдан этни ажратиш олишдир. Соғлом аъзо ни эт бузилиши бобида билдириб ўтилган суюқ суртмаларни ишлатиб совутиш ва суякдан очилиб қолган этни ҳам шундай дорилар билан совутиш керак.

[186] Ўн биринчи фасл. Бузилган суякни арралаш

Суякдан¹ этни [қўйидагича] кўтариб қўйилади: этнинг бир томони-га ип ўтказиб, ип орқали этни юқорига тортилади ва арра тишлари тегмасин учун [суяги бузилган] аъзо ёки бошқа жойни рўмолча билан ушлаб, қўйига қараб тортиб туриб, суякни арраланади. Агар қовурға суягини арралашга ёки тагида юпқа пўст ёки бирор шариф нарса, масалан, қовурға пўсти ва орқа мия турган бирор бошқа суякни арралашга эҳтиёж тушса, арра тагига ўша шариф аъзони сақлайдиган тахтакач қўйилади.

Агар бузилган суякнинг бутун айланмасидаги эт очилган бўлса, у суякни арралаб ташла, чунки тамоман очилиб қолган суяк устидан эт унмайди. Агар бузилган суякнинг бўлаклари бўғин яқинида бўлса, уларни бўғиндан чиқариб олинсин, агар билак ёки поча суяги бутунлай бузилган бўлса, уни тамоман олиб ташлансин. Аммо сон ва ёнбош суягининг боши ҳамда орқа умуртқаси бузилганда, орқа мия жойи бўлгани туфайли уларни даволашдан воз кечилсин.

Ўн иккинчи фасл. Битган яраларда қоладиган суяк майдалари ва пўстлари

Яхшиси, уларни чиқариб олишга шошилмаслик ва табиатнинг ўзига ташлаб қўйиб, унга ёрдам бериб туришдир. Ёрдам эса [табиат] чиқарган нарсани шошилишсиз муддат ичида оз-оздан тортиш билан бўлади; уни дори ва қўл билан қўзғатилмасин, чунки зўрлаб чиқарилган [суяк] *носур* яраларини пайдо қилади. Агар у нарсанинг ўзи чиқишга мойил бўлса, табиат уни тери томонга ҳайдайди ва у ўз жойидан кўчиб чиқа бошлайди; шу пайтда унга ёрдам берилади² ва [ярани] битказилади. Ажратиб олиниши лозим бўладиган суяк майдалари ва пардалар борасида ҳам ҳукм шундай. Агар уларни шошилиш равишда зўрлаб чиқарилса, тиришиш, ақл қоришуви ва иситмалар пайдо бўлиш хавфи бор; агар улар йирингласа, унча зарари йўқ.

Буларга ишлатиладиган дорини билишни истасанг, уларнинг бири қўйидаги сифатдаги доридир; унинг таркиби: эски зайтун ёғи, сариқ мум ва асалари уясининг чирки олинади,—бу иккала [кейинги]сини жам қилишганда зайтун ёғича бўлсин,—сўнгра ҳаммасини эритилади, кейин *фарфиюндан* бир бўлак, *яттуъ* сутидан бир бўлак ва аристолохиядан уч бўлак олиб, шу таркибдан мумли суртма каби дори ясалади.

Бошқа дори: яна қаврак елими ва муқлни олиб, гулсапсар ёғи билан ҳўлланади, кейин ҳаммасини қўшиб, эзиб марҳам ясалади ва [касал жойга] қўйилади; бу суякни тез чиқарувчи нарсалардан биридир.

Ун учинчи фасл. Синган суякка ишлатиладиган дорилар

Синган суякни қўл билан тузатилади, биз буни [кейинроқ] баён қиламиз. Унга дорилар билан ҳам тадбир кўрилади, у дорилар суяк синганига ва тойиб кетганига қарши фойдалидир, уларни [ҳозир] айтиб ўтамиз.


Суяк сингани ва тойганига қарши суюқ суртма: *муғос* ва пўсти ажратилган мошдан ўн [бўлак]; сабр, оқ гулхайри ва араб акацияси елимидан беш [бўлакдан] ва арман лойидан йигирма [бўлак] олинади; агар иссиқ шиш бўлса, бу таркибни тухум оқи билан қўшиб суртилади.

Яна: юлғун, сарв, мирта ва тол барглари янчиб, сувини сиқиб [суртилади]. Омила шираси, гул, наргис пиёзи, *мурр*, *бобилун*, қизил сандал, арман лойи, ладан, *фуфал*, хушбўй қамиш, гулхайри, мош, араб акацияси елими, қашқарбеда ва самсақлардан олиб, яна бунга гул ҳам қўшилади; агар дорининг иситувчи бўлишини исталса, унга самсақ, қора андиз ва сарв қўшилсин.

Синган ва тойган суяк иссиқ шишли бўлганда унга қарши фойдали дорининг таркиби: пўсти ажратилган мошдан йигирма *дирҳам*, шунингдек, *муғос*, анор гули ва араб акацияси елимидан олиб, қуюқ суртма тайёрлаб ишлатилади; бу жуда кучлидир. Мирта барги, ладан, омила шираси, заъфарон ва тоза тупроқлар ҳам шу хил дорилардандир.

Эзилган ва пай чўзилганига қарши яхши ҳамда синган, тойган ва чиққан суякка қарши фойдали [дори]: *муғос*, мош, араб акацияси елими, гулхайри, тоза тупроқ, сабр ва *муррлардан* ясалган таркибни мирта суви билан қўшиб суртилади.






БЕШИНЧИ ФАН

СИНГАН ВА ЧИҚҚАННИ

ТУЗАТИШ





БИРИНЧИ МАҚОЛА

СУЯК ЧИҚИШИ ВА БУНГА АЛОҚАДОР ҲОЛАТЛАР

Биринчи фасл. Суяк чиқиши ҳақида умумий сўз



Чиқиш — суякнинг ўз жойидан ва табиий вазиятидан бир томонга қараб бутунлай чиқишидир. Агар бутунлай чиқмаса, бўғиннинг чуқур ёки дўнг томонга қараб [тойиб] кетиши деб аталади, буни ушлаб кўриб билинади. Тойиб тўла бўлмайди, бир гуруҳ [табиблар] буни *васи* деб ҳам атайдилар. Агар бўғинга етган азият суякни қўзғатмаса, лекин унинг атрофи эзилган бўлса, [187] буни пай чўзилиши [*вахн*] дейилади; бу бўғин тойиши эмас.

Баъзан бўғинда учинчи бир ҳолат юз бериб, бунда бўғин ўз табиий узунлигидан кўра кўпроқ узайиб қолади; лекин бўғин чиқиш даражасига бориб етмаса ҳам, чиқиши осон бўлиб қолади. Кўпинча, бу ҳолат билан ва сонда юз беради. Баъзи кишиларнинг бўғин суяги чиқишга жуда қобилиятли бўлади, чунки улардаги бўғин суякларининг чуқурчаси юза бўлиб, чуқурчаларга кириб турадиган суяк бошлари яхши кирмай қолади. Уларни тутиб турадиган бойлоқлар эса пишқ бўлмай, балки заиф ингичка ёки осон чўзиладиган даражада рутубатли яратилган бўлади ёки уларга ёпишқоқ ва тойдирувчи рутубатлар қўйилиб туради, ёки бўғин суяги ва кириб турадиган суяклардаги чуқурчаларининг чеккаси синган бўлиб, чуқурчалар тўлиқ, бузилган ва деворсиз бўлиб қолади.

Баъзи бўғинларнинг жойидан чиқиши осон, баъзилариники қийин, баъзилариники эса ўртача бўлади. Чиқиши осон бўғинга мисол тизза бўғинидир, чунки унинг бойлоғи бойлоқлар анатомиясида маълум бўлган манфаатларга кўра юмшоқ-силлиқ яратилган ва шунинг учун унинг чиқиб кетиши осон бўлиб қолган; шу сабабдан уни тизза косаси тутиб туради. Бу бўғиннинг қайтадан соғайиши ҳам осон, чунки жойига қайтишнинг осонлиги енгиллик билан чиқишга, қайтишнинг қийинлиги — қийинлик билан чиқишга қараб бўлади. Ориқ кишиларнинг елка бўғини [чиқишда] тизза бўғинига яқиндир, семиз кишиларда бундай бўлмайди.

Чиқиши қийин бўғинларга бармоқ бўғинлари мисол бўлади, чунки бармоқ бўғинлари деярли чиқмайди, балки улар синса-синадики, аммо чиқмайди; тирсак бўғини ҳам шундай; шунинг учун уларни жойига қайтариш ҳам қийин. [Чиқиш ва қайтишда] ўртача бўғинларга келганда, бунга сон боши бўғини мисол бўлади.

Гоҳо чиқиши қийин бўғин бирор сабабга кўра осонлик билан чиқади: шунда уни жойига қайтариш ҳам осон бўлади. Масалан, сон боши чуқурчаси рутубат билан тўлса, бўғин чиқиши осонлашади, шу билан бирга, унинг жойига қайтиши ҳам осон бўлади. Чунончи, *ирқун-насо* касаллигига учраган кишиларда шундай бўлиб, сон боши бўғини дам-бадам чиқиб туради: озгина уриниш билан жойига қайтади, сўнгра тагин чиқиб яна қайтади¹. Бундай бўғин доғлашга муҳтож бўлиб, бошқа нарса билан [тузалмайди].

Суяк чиққанда суякни суякка бириктириб турган майда пайларнинг учи ҳам узилса, ундай чиқишни жойига қайтариш жуда қийин, бунинг ўз табиий ҳолатига қайтиши кам учрайди. Бундай чиқиш сон боши бўғинида, сўнг елка бошида ва оёқ тўпиқларида кўпроқ учрайди. Чиққан бўғин жойига қайтарилмаса, тузатилмаган синишдан кўра ёмонроқ ҳисобланади.

Иккинчи фасл. Суяк чиққанлигининг умумий белгилари

Бўғинда одатдагидан ташқари пучайиш ва чуқур тушиш юз беради, масалан, елка суяги ва бўкса бўғини чиққанида бу ҳолат очиқ-ойдин кўришиб туради; бўйин бўғини [чиққанда] эса жуда аниқ кўринадди. Солиштириб кўриш буни яхши аниқлаб берувчи усулдир: зарарланган бўғинни бошқа кишининг эмас, худди ўша беморнинг бошқа шу каби соғлом бўғини билан солиштириб кўрилади. Касалланган бўғин ҳаракат қилолмаса, батамом чиққанлигига ҳукм қилинади. Агар у турли томонга қараб ҳаракат қилиб, [илгари] стадиган жойларига ета олса, унда чиқишга алоқадор касаллик бўлмайди.

Учинчи фасл. [Бўғинда] силжиш бўлганлигининг белгилари

Бунда бўғиннинг бир томони дўнг бўлиши билан бирга, [бошқа томонида] чуқурлик кўринадди; худди шундай [соғлом] бўғинда бу хил дўнглик сезилмайди. Бироқ, шу билан бирга, бу бўғин айрим ҳаракатларни қила олади.

**Тўртинчи фасл. Бўғиннинг жойидан чиқмай узунлиги
ортганлигининг белгилари**

Бунинг белгилари шуки, бўғин осилиб турганга ўхшаб қолади, уни бириктирилса осонлик билан ўзининг табиий чегарасига қайтади, қўйиб юборилса, яна кейинги узунлигига чўзилади¹. Агар бу ҳолат елка каби камгўшт жойда воқе бўлса, бармоқ кира оладиган чуқурча ҳосил бўлади.

Бешинчи фасл. Силжиган ва чиққан бўғинни даволаш

Табиб учратадиган чиқиш ё танҳо ўзи бўлади, ёки яра, жароҳат, шиш ва бошқа хил касалликлар билан қўшилган бўлади. Чиқиш бошқа касалликлар билан бирга қўшилиб келганда, қараб кўрилади: агар у чидаб бўлмайдиган, шиш туғдирувчи қаттиқ оғриқни қўзғатмайдиган енгил тортиш билан жойига қайтадиган бўлса, қайтарилади; агар иш бунинг аксича бўлса, айниқса, бу ҳолат катта бўғинларда учраса, аввало, яра ёки жароҳатни, кейин чиққан бўғинни даволанади. [188] Чунки биз [аввало] чиққан бўғинни даволасак, айниқса, чиқиш бошқарувчи аъзоларга яқин бўлса, зўр тиришишга олиб боради. Чиқиш шишлар билан бирга келганда ҳам аҳвол шундай бўлади. Чиқишни даволаш тадбирини қўллашда синаб кўрилади: агар иш осон ёки оғриқ қўзғатмайдиган бўлиб, чиққан бўғинни жойига қайтариш қийин бўлмаса, уни бемалол ўз жойига қайтара берамиз; агар оғриқ қўзғатадиган бўлса, унга тегмаслик керак. Қайтариш тадбири амалга оширилган бўлиб, бойлоқ оғриётган бўлса, уни ечиб ташлашимиз лозим. Агар бўғин осонлик билан жойига кирса, кейин шишни ҳам, ярани ҳам даволаймиз.

Синиш ва чиқиш биргалашиб келса ва бир томонга тортиш иккаласи учун ҳам тадбир бўла олса, шундай қилинади. Бир олим шундай ҳикоя қилади: бир кишининг елкаси қиррасига тош тушиб, тери ва этни йиртган, ҳатто юқори билакнинг боши яланғоч бўлиб, кўриниб қолган, ўмров суягининг боши [билак суяги учининг] тагидан чиқиб кетган; қандайдир билимсиз тузатувчи суякни тўғрилаш билан шуғулланиб, эт ва терисини суяк устига қайтарган ва устидан суюқ суртма қўйиб боғлаган, шунда эт сасиб, ёнидаги суякни ҳам бўзган, у ҳатто кўкарган; у билимсиз бундай этни кесиб ташлаш ва у жойни қайноқ зайтун ёғи билан доғлаш кераклигини билмаган.

Шунингдек, чиққан жойда катта шиш бўлса, аввало, шишни даволаш керак. Аммо холис ва содда ҳолдаги чиқишга келганда, уни тузатиш тадбири қуйидагича: бир суякнинг боши иккинчи суякнинг бошига тўғри бўлгунича бўғинни чиққан жойига қарши томонга қараб тортилади, кейин уни чиққан жойга қайтарилади, шунда у тушади; буни,

кўпинча, [шиқиллаб] чиққан товушдан билинади. Кейин боғлаб қўйилади; боғлаб қўйиш шишишдан сақлайди ёки шишмасликка ёрдам беради. Катта¹ шишнинг олдини олиш зарурати кучлироқдир, шунинг учун чиқиш ўмров суягида ва қайси аъзода бўлса ҳам, уни жойига қайтариш шишни даволаб тўхтатилгандан кейингина мумкин. Чиққан аъзога қуруқ латтанинг тегиб туриши яхши бўлмайди, чунки у шишни қизитиб қўзғатади; аксинча, латтани совутилган мумли суртма ёки тахир шароб билан ҳўллаш керак. Буқрот мана шундай тавсия қилган: «Чиққан бўғинни тортиб жойига қайтариш, айрим ҳолларни мустасно қилганда, учинчи ва тўртинчи кунга қолдирилсин». Силжиган бўғинни жойига қайтаришда ҳам шундай қилиш керак; кейин боғлаб қўйилади.

Жойидан чиққан аъзо ҳар бир ҳаракатда чиқиб кета берадиган бўлиб, жойига қайтарилганда яна қайтиб чиқа берса², бу бўшашиш ва рутубат сабаблидир; бундай ҳолларда доғлаш керак. Чиққан ёки тойган бўғин суягини солгандан кейин шишга ўхшаш қаттиқлик қолса, юмшатовчи қуюқ суртмалар ва қўйиладиган дорилар ишлатилади; аммо бошланғич пайтда кучайтирувчи қуюқ суртмаларга ва қўйиладиган дориларга эҳтиёж тушади. Қўйиладиган дориларни, албатта, бойлоқ устидан қўйиш яхшироқ. Қишда кучли ёғлардан бирини иситиб қўйилади; ёзда эса асални совуқ сувга қўшиб қўйилади.

Бўғин чиққан кишиларни кучайтирувчи нарсалар билан овқатлантириш керак, бундай овқат бўғинни маҳкамлайди ва унинг бирикишини керакли даражада ушлаб туради.

Олтинчи фасл. Узайган бўғинни даволаш

Бўшашган бўғин суягини бўшашиб чиққан жойининг ичига қайтариш ва унга иситиш қувватига эга бўлган нарсалар билан аралаштирилган буриштирувчи қуюқ суртмаларни боғлаш керак. Масалан, мози, анор гули, араб акацияси елими ва шунга ўхшашларни бир оз қундуз қири, қуст ва *ушна* билан аралаштирилади. Баъзан сарв ёнғоғи ва арча уруғи, шунингдек, дабба касаллигига ишлатиладиган қуюқ суртмага қўшиладиган бошқа дорилар билан чекланиб турилади ва боғлаб қўйилади.

Еттинчи фасл. Жағ чиқиши

362 Гарчанд бу кам воқе бўладиган ва тўла содир бўлмайдиган ҳолатлардан бўлса ҳам, гоҳо қуйи жағ ўз жойидан чиқиб кетиб, оғиз очилиб қолади. Қуйи жағ чиққанида, эснаганда воқе бўладиган бўшашишнинг аксича, олдинга мойил бўлиб қолади ва бир жағни иккинчиси билан бирикиши қийинлашади; || шу билан бирга, орқа томондан келган мушаклар билан бўладиган ҳаракати йўқолмайди.

Гоҳо жағ чиқиши биргина томондагина бўлади; бунга жағнинг кўриниши далолат қилади: қўйи жағ қия бўлиб, олдинга мойиллашади. Иккаласининг ҳам иложи битта; бу ҳолат тезда жойига туширилиши, зарур чиқишлардандир. Акс ҳолда у турли касалликлар ва офатларга олиб боради ва, шу билан бирга, жойига тушиши қийинлашади, чунки у қанча тез солинса, шунча осон тушади. Агар жойига туширмай турилса, [бўғин] қаттиқлашади, шиш пайдо қилади, мушаклар тортишади, доимий иситма мушакнинг қаттиқ тортишуви сабабли турғун бош оғриғи қўзғалади. Баъзан [189] аҳвол оғирлашиб, ҳатто ўнинчи кунни ўлдиради; гоҳо ич суриши юз бериб, холис сафроли кўп чиқиндилар ўтади; бундай касалларнинг қусуғи ҳам шу нарсалардан иборат бўлади. Шунинг учун тезда қўйидагича даволаш чорасини кўриш лозим: бир киши касалнинг бошини ушлаб туради, кейин табиб бош бармоғини касалнинг оғзига киргизади, касал жағини ҳамма томондан бўшаштириб туради,— чунки у жойда жағ чиқса ҳам, унинг бирикишига халақит берадиган мушак бор,— кейин табиб жағни ўнг ва чапга қимирлатиб туриб бирдан тортади ва жойига туширади; жағ орқа томондан чиққан жойига киради, шунинг учун уни чиққан жойига тўғри вазиятга келтириш учун тортиш керак. Тўғри [жойига] келганлигини курак тишларининг бир-бирига тўғри келиши ва оғизнинг юмилишидан билинади. Кейин мум ва гул ёғидан қилинган мумли суртмани [суртиб] боғлаб қўйилса, жуда тез соғаяди.

Агар тезликда чора кўрилмаб [жағ] қотиб қолса, у пайтда аввало ҳаммомга тушириб, то юмшагунича иссиқ сув ва ёғдан иборат қўйиладиган нарсаларни кўплаб қўйиб, қаттиқликни юмшатиш керак. Кейин табиб касалнинг орқасига ўтириб, жағини то асл ҳолига қайтгунича орқага қараб тортади ва боғлаб қўяди. Ундан кейин бемор жуда юмшоқ нарса тиқилган ёстиққа бош қўйиб ётиши, жағ қўзғалиб кетмаслиги учун то у тугал соғайгунича бир киши касалнинг бошини доимо ушлаб туриши керак.

Саккизинчи фасл. Ўмров суягининг чиқиши

Унинг айтишича¹, ўмров суяги ички томондан ажралиб чиқмайди, чунки у кўкракка туташган ва ундан ажралмаган, шунинг учун у ичкари томондан қўзғалмайди. Агар унга сиртдан зарба тегиб жойидан кўчса, уни тўғрилаб, синганга қарши кўриладиган тадбир билан даволанади. Ўмров суягининг елкага ёндашиб, ундан ажраб турадиган учи эса, кўпинча, жойидан чиқмайди, чунки икки бошли мушак унинг чиқишига тўсқинлик қилади: куракнинг боши ҳам бунга тўсқинлик қилади. Ўмров суяги қаттиқ ҳаракат қилмайди, чунки у фақатгина кўкракни кенгайтириб ёйиш учун қўйилган; шунинг учун ўмров суяги барча ҳайвонлар ичида фақат инсондагина бор. Агар ўмров суяги ку-

раш тушиш¹ ёки шунга ўхшаш бошқа сабабдан чиқса, уни қўл билан ёки устига кўп бойлоқлар қўйиш билан тўғрилаб жойига киргизилади ва ўзига мос боғич билан боғлаб қўйилади. Бу тадбир елка суягининг учи ўз жойидан чиққанида ҳам мос келади. Уни шу усулда қайтарилди.

Тоғайсимон суяк² ўмров суягини елкага боғлаб турувчи нарса бўлиб, ориқ кишиларни [тузатишда] *бу [табибни] янглиштиради³; [тоғайсимон] суяк ўрнидан тойса, тажрибасиз [табиб] елка суягининг боши ўрнидан чиқибди, деб гумон қилади, чунки шу пайтда куракнинг боши жуда учли ва унинг кўчган жойи чуқур бўлиб кўринади; буларни қатъий далиллар билан бир-биридан фарқ қилиш керак. *Қўлнинг бошга, шунингдек, [қарши томондаги] елкага етмай қолиши ўмров суяги чиққанлигини кўрсатувчи белгилардан биридир⁴.

Тўққизинчи фасл. Елка [суягининг] чиқиши

Гоҳо елка бўғини ўрнидан чиқади, аммо курак суягининг чиқиши шубҳали, агар у чиқса, бунга зўр бир ҳодиса деб қаралади. Лекин гоҳо елка суяги елка бўғинидан осонлик билан чиқади, чунки унинг чуқурчаси юза бўлиб, бойлоқлари пишиқ бўлмай, балки юмшоқ ва ингичкадир; [бўғин] осон ҳаракат қилсин учун шундай қилинган.

Елка бўғинидаги чиқишда, бизнинг билишимизча, кўпинча, юқори билак суягининг фақат бир томонга қараб чиқиши кўпроқ бўлади; у юқори томонга қараб чиқмайди, чунки елка бўғинининг дўнглиги бунга тўсқинлик қилади: у орқа томонга ҳам чиқмайди, чунки курак суяги тўсқинлик қилади; у қорин томонга ҳам чиқмайди, чунки олд томондаги икки бошли мушак унинг чиқишига йўл қўймайди; елка [бўғинининг] боши ҳам бунга тўсқинлик қилади. Елка бўғини фақатгина ички ёки сиртқи томонга қараб чиқиб, шу томонга қараб бир оз тояди. У қуйи томонга қараб кўпроқ чиқади, айниқса, ориқ кишиларда шундай бўлади; чунки бундай кишиларда юқори билакнинг жойидан чиқиши ва қайтиши арзимаган сабаб билан ҳам бўла беради, семиз кишиларда эса бу икки амал жуда қийиндир.

Сенга маълумки, агар қийинлик билан туғилган ёки қоринни ёриб олинган болаларда юқори билак суяги чиқса, бироқ уни тезда жойига солинмаса, кейин у узунасига ўсмайди, тирсак тузатилса ҳам, у ингичка бўлиб қолади. Гоҳо улардан баъзиларининг тирсагидан юқориси йўғонлашмай, қисқа ва ингичкалигича қолади, натижада юқори ва қуйи билаклари ингичка бўлиб қолади. Уларнинг кўпчилигида эса тирсак юқориси *йўғон бўлади⁵. Бу ҳолат улар учун *яхши ҳисоблансада⁶, [190] бироқ, ҳар ҳолда, [билак] латча оёғига ўхшаш қисқа бўлади.

Сон суягига келсак, [чиққанда] ҳар иккала нуқсондан ҳам холи бўлмайди. Юқори билак энига қараб синиб, кейин тузатилган бўлса, унинг чиққанини ўша тузатилган ерни қайтадан синдирибгина жойига қайтариш мумкин.

Ўнинчи фасл. Юқори билак¹ чиққанлигининг белгилари

Бунинг белгиси елканинг бошида чуқурлик ва чўкканлик кўринишидир; бироқ бу ҳолат шу бўғиннинг чиққанига хос бўла бермай, балки курак бошининг айланиб қолиши сабабли ҳам бўлиши мумкин. Бошқа тарафдаги елка бўғинининг учи, агар унинг ўзида ёки унинг учи деб ҳисобланадиган суякда урилиш ёки бошқа бирор ҳолат сабабли жойидан тойиш юз бермаса, у [чиққан] томон учидан ингичкароқ бўлиб кўринади. Гоҳо даволаш туфайли унинг азияти тўхтайтиди ва энди зарари йўқ, деб гумон қилинади.

Чиққан юқори билакнинг боши қўлтиқ тагига қараб юмалоқ шаклда дўппайиб кўринади; шунингдек, юқори билак соғлом қўлдагидек ёнга ёпишиб келмайди: зўрлаш ва оғриқ билангина яқинлашади. Агар касал қўлини юқори кўтариб, қулоғига тегизмоқчи бўлса, бунга эриша олмайди ва бошқа ҳаракатларни қилиш ҳам мумкин бўлмайди². Шу белгилар гоҳо бўғин тойиши ёки шиш, ёки зарба ейишда ҳам пайдо бўлади.

Ун биринчи фасл. Даволаш

[Чиқишнинг] енгилроқ хилини ҳамда болалар ва юмшоқ баданли кишиларда бўлганини қуйидагича даволанади. [Табиб] бир қўли билан чиққан қўлни тортиб, [иккинчи қўлини] қўлтиқ тагига, ўша билак бошининг яқинига киргизади, шунда ўша жойга бириктириб юқорига томон етказиб ушлаб туради; ҳалиги бошқа қўли билан юқори билакни пастга томон тартади. Баъзан, ёш болаларда, юқори билак бошини ўрта бармоқ билан тўғрилаб туриб, ўша қўлнинг ўзи билан тортиш мумкин бўлади.

Бақувват баданли кишиларда чиқишнинг оғирроқ³ хилини даволашнинг энг енгил усули мана шундай: табиб оёғини касалнинг қўлтиғига⁴ киргизиб, товонини юқори билак бошининг олдига ёки ўша ерга қўйилган коптокнинг олдига қўйиб, юқори билак бошига ёпиштириб туради; у ерда шиш бўлса, коптокни ёғлаб, бўлмаса — қуруқлигича қўйилади. Шу пайтда касал чалқанча тушиб ётган бўлсин. Табиб [чиққан] қўлни ўзининг иккала қўли билан тўғрига қаратиб, уни гўё куракдан суғириб олгудек қилиб тартади ва қўли билан ичкарига озгина мойил қилиб туриб, жойига туширади. Тузатиш йўлларининг энг тўғриси ва осони шудир⁵. Баъзи ҳолларда тузатувчи табиб кучли,

касалдан кўра бўйи узунроқ кишини чақириб, унинг елкасини касалнинг қўлтиғи тагига киргизиб, уни елкасидан осилтириб кўтартиради; у касалнинг қўлини қорни томонга қараб тортади. Шунда агар касалнинг вазни енгил бўлиб, гавдаси [тортиб турилган] қўлидан оғирлик 363 қилмайдиган бўлса, || оғирлаштирадиган нарсани *осиб қўйилади!

Баъзан бақувват одамнинг ўрнига ерга устун ўрнатилади. Устуннинг бошига одам елкаси ўрнида хизмат қиладиган қилиб, латта ва чармдан копток ясаб қўйилади. Табиб [чиққан] қўлни бошқа томондан тортади, агар касалнинг оғирлигини ошириш зарур бўлса, унга бирор нарса осиб қўйилади ёки [бошқа киши] унга осилади.

Даволаш машаққатли ва қийин бўлса ёки [суяк] чиққанидан кейин анча вақт ўтиб кетган бўлса, қўйиладиган дорилар ва иссиқ сувлар ишлатилгандан кейин, баъзан ундан кўра кучлироқ тадбир қўллашга эҳтиёж тушади.

Гоҳо ҳарова, яъни узунлиги юқори билакча ёки ундан кўпроқ ё камроқ келадиган калта таёқча каби қурол ясаб, унинг бошига копток ўрнатилади; қўлайи шуки, коптокни латта ва чармдан ясалади. Шу таёқча учудаги коптокни қўлтиқ тагига [киргизилади]. Бу тадбирни қўлланилганда кучли бир киши таёқчали қўлтиқча ёпиштириб, юқорига итаради, бир ёки икки киши қўлтиқни юқорига тортади; шунда чиққан қўлни [пастга қараб] тортаётган табибга қаршилик кўрсатилди. Елка бўғини итарилаётганда касал қўзғалиб кетмаслиги учун бошқа бир киши уни бошқа елкасидан тутиб туради. Табиб ўша [чиққан] қўлни ушлаб, бир оз ичкарига мойил қилиб гўё куракдан суғуриб ажратиб олмоқчи бўлгандек пастга қараб тортади; у шундай қилгач, юқори билак ўз бўғинига тушади. Коптокни қўлтиққа маҳкам қилиб, юқори билак бошининг тепасига тираб қўйилади. Юқори билак синмаслиги учун коптокли таёқчани юқори билак бошининг тагига эмас, ёнига тираш керак; [агар у синиб кетса] уни тузатгандан кейин, билиб ўтилган сабабга кўра, чиққанни жойига солиш мумкин бўлмайди.

Баъзан [чиққан юқори билакни] нарвон ёрдамида тузатилади: нарвоннинг [бир] поғонасини [қўлтиққа] мос келадиган қилиб латта билан ўраб юмшатилади; [чиққан] юқори билак бошини ўша поғонага қўйиб, касал бир томонга қараб осилса ва табиб [чиққан] қўлни бошқа томондан туриб тортса, юқори билакнинг боши жойига тушади. Лекин [191] нарвон поғонасига осилганда юқори билак синмаслиги учун унинг боши яқинидан осилиш керак.

Баъзан поғона ва коптоклар ўрнига худди ўша [чиққан] жойдан осилиш мумкин бўладиган ва ўша жойдан бошқа ёққа тушиб кетмайдиган [қилиб], арқон ишлатилади. Тушиб кетса, юқори билак синиши хавфи туғилади. Гоҳо шу усуллардан келиб чиқадиган бошқа усуллар [ҳам] қўлланилади; бироқ энг яхши усул биринчи усулдир.

Чиққан суякни жойига солгандан кейин боғлаб қўйишнинг энг яхши тартиби — жойга солинган [бўғиннинг] тойишига тўсқинлик қиладиган кенг бойлоқлар ёрдамида коптокни елка билан қўшиб боғлаб қўйишдир¹. Худди шу боғични ёки устидан боғланган бошқасини бут шаклида қилиб, бошқа елкага ўтказиш керак. Бут чиққан елка устида бўлсин. Сўнгра юқори билакни ёнбош билан бирга қуйгача ўраб, боғлаб тушилади; [қуйи] билак ва қўл панжасини эса юқорига, бўйинга осиб қўйилади. Етти ёки ундан кўпроқ кунгача ечилмайди ва [касалга] ўзингга маълум овқатларни бериб турилади. [Бўғин] жойига туширилгандан кейин яна қайтиб чиқа берса, уни доғлаш зарур; бунинг тартибини ўзинг биласан.

Ун иккинчи фасл. Куракнинг ўзи чиқиши

Бу ҳақда илгари ҳам сўзлаб ўтилган эди. Бу хил чиқиш [деярли] воқе бўлмайди; Буқрот ва Жолинус каби кишилар бу хил воқеага таажжубланадилар.

Ун учинчи фасл. Елка бошидаги кичкина суякнинг чиқиши

Гоҳо елка бошидаги кичкина суяк ўз жойидан тойиб кетади; шунда ҳам чиққандагидек чуқурлик пайдо бўлади.

Ун тўртинчи фасл. Даволаш

Буни синганларни тортгандек тортиш керак эмас, яхшиси, бармоқлар билан қаттиқ босиш ва ўз жойига йўналтириб, ўмров суягини боғлагандек бойлоқлар билан боғлаб қўйиш керак, чунки баъзан боғлаб қўйишнинг ўзи ҳам уни жойига туширади. Бойлоқнинг қаттиқлигига ва тушиб кетмаслигига ўмров суягини боғлагандагидек [катта] эътибор берилмайди. Буни билиб ол.

Ун бешинчи фасл. Тирсак чиқиши

Бу [бўғиннинг] чиқиши ҳам, уни жойига тушириш ҳам қийин. Чунки буни ўраб турган бойлоқлар пишиқ ва қисқадир; шунингдек, тирсак [ўз] чуқурчасига [киришга] қаршилиқ кўрсатади. Баъзан [тирсак] озгина тояди, баъзи вақтларда бутунлай чиқади. Жойидан чиқиб кетганлигига унинг бир томонидаги дўнглик ва иккинчи томонидаги чуқурлик далолат қилади. Чиқишнинг энг ёмони орқага қараб чиқишдир, чунки у ҳолда *уни жойига солиш жуда қийин².

Чиқиш, кўпинча, қуйи билакда юз беради; қуйи билак серҳаракат бўлганлигидан унинг чиқиши ярамас ва ёмондир. Юқори билакда эса чиқиш кам учрайди ва у [чиққанда ҳам] қуйи билакнинг чиқиши каби

ёмон бўлмайди; чунки юқори билак куракка жуда туташган ва кам ҳаракат қилади. Юқори ва қуйи билаклар бир-бирларидан анчагина узоқлашмай туриб чиқмайди.

Ун олтинчи фасл. Даволаш

Уни тезда даволаш керак, акс ҳолда солишга тўсқинлик қиладиган иссиқ шиш пайдо бўлиб қолади. Шиш пайдо бўлганда чиққан билакни тўғрилаш учун тортилса, ҳалокатга олиб боради. Шу билан бирга, у ерда шиш бўла туриб тўғрилаш ҳам мумкин эмас.

Тирсак жойидан озгина тойса, уни қўл кафтининг таги [асоси] билан бир оз босиб, жойига қайтариш мумкин. Аммо у бутунлай чиққанида, чиқиш олд томонга қараб бўлса, унинг махсус тадбири бор; орқага қараб чиққанининг ҳам ўзига хос тадбири бор. Тирсак олдинга қараб чиққанида бир қўл билан [чиққан] қўлни керакли вазиятга келтириб туриб¹, бошқа қўл кафти билан чиққан тирсак рўбарўсидаги елкага бир неча марта урилса, у жойига қайтиб киради. Орқага қараб чиққанида эса, уни қаттиқ тортиб туриб, тирсак орқасига урилади; бу билан жойига кирмаса, бир нечта кучли киши юқори ва қуйи билакларни ушлаб туради, табиб қўлини ёғлаб то тирсак жойига тушгунича уни қаттиқ силайди. Сўнгра уни боғлаш ва тирсакни, у дастлабки пайтда чидай оладиган даражада бурчак шаклига келтириб, қуйи билакдан осиб қўйиш керак. Сўнг билак осилган боғични то бурчак тораиғунига қадар қисқартириб борилади.

Ун еттинчи фасл. Билак бўғинининг чиқиши

364 Чиққан билак бўғинини жойига қайтариш осон, аммо унинг туриб қолиши қийин; уни озгина тортиб || бир томонини иккинчисига рўбарў қилинса, жойига тушади, лекин уни бириктириб тинчитиш қийин, чунки уни ўраб турган [192] этлар шишиб, бирикишга тўсқинлик қилади. Тортиш мана шундай: бир киши билакни орқага тортиб туради, табиб кафтни қарама-қарши томонга — олдинга қараб тортади, кейин бош бармоқдан бошлаб то жимжилоққача [бир-бир] тортиб чиқади, шунда билак бўғини текис бўлиб жойига қайтади. Сўнгра қуюқ суртма суртиб, боғлаб қўйилади.

Ун саккизинчи фасл. Бармоқларнинг чиқиши

Бармоқлар жойидан чиққанида улар ичкарига мойил бўлиб, ичкари томонда дўнглик ва ташқарида чуқурлик пайдо бўлади; билак бўғинлари чиққанида ҳам шундай.

Ун тўққизинчи фасл. Даволаш

Чиққан бармоқларни жойига қайтариш бирмунча қийин. Бармоқларни тўғри тортиш яхши эмас, балки уларни ушлаб туриб, уларнинг тагига кирган қўлингнинг кўрсаткич бармоғи билан ўша тутиб турган жойидан гўё узиб олаётгандек қилиб юқорига кўтариб тортасан. Шунда чиққан бармоқ қисирлаб, жойига тушгани маълум бўлади.

Йигирманчи фасл. Билак суяқларининг ажралиши

Бунда, мумкип бўлгани қадар, тўғрилаб ва ҳар бир букилган ва дўнг бўлган жойни қарши томонига қайтариб, кейин устига тахтакач қўйиб боғлаб қўйилади; тахтакачни қўйиб қўйиш ёки унинг ўрнига текис, оғирлиги билан ўша тўғриланган вазиятни сақлаб турадиган қўрғошинни қўйиб боғлаш керак. Лекин тахтакач ёки қўрғошин қўйишдан олдин ўзингга маълум қуюқ суртмалардан бирини суртиш ва уни қўзғатмаслик керак.

Йигирма биринчи фасл. Умуртқаларнинг чиқиши ва тойиши

Умуртқалар бутунлай чиққанида, албатта, ўлдиради; бутунлай чиқмасдан анчагина тойганда ҳам шундай бўлади. Агар бутунлай чиқмаган бўлса-ю, бепарволик қилиб, уни пайқалмаса, орқа мияни қисиб қўйиши сабабли ҳалокатга олиб боради. Бўйиннинг биринчи умуртқаси ва унга ёндош умуртқа [чиқса] ҳайвоннинг нафас олиши тўхтаб, у дарҳол ўлади, чунки нафас асаби қисилиб, ўз ишини бажара олмай қолади.

Орқа умуртқаларининг бири қорин томонга қараб чиққудек бўлса, уни даволаш мумкин эмас, бу ҳам дарҳол ўлдиради. [Офат] нафас олишга тўсқинлик қилмайдиган даражада бўлиб, дарҳол ўлдирмаса, ахлат ва сийдикни тўсиб [кейинроқ] ўлдиради. Агар орқа мияни қаттиқ қисмаса ёки қисганда ҳам шиш пайдо бўлмаса, ёки пайдо бўлган шиш қайтса ва дарров ўлдирмаса, орқа мияга ва ўша чиққан жойнинг тагидаги асабларга офат етмаслиги мумкин эмас, натижада чиққиндилар ихтиёрсиз чиқа беради.

Агар умуртқа орқа томонга қараб чиқса, орқа мияга зарари камроқ етади, лекин бу ҳам, албатта, зарар етказди ва чиққан жойнинг тагидаги асабларни заифлаштириб, оёқни ҳамда қовуқ ва орқа тешик мушакларини кучсизлантиради. Чиққан умуртқани куч билан зўрлаб ҳамда то жойига қайтгунича, умуртқа тишлари¹ синадиган даражада қаттиқ уриш билан қайтаришга тўғри келади; шунинг натижасида жойига қайтишидан олдин унинг тишлари синиб кетган бўлади.

De Cura Dislocatio-



Чиққан умуртқаларни жойига солиш усуллари («Қонун» Тўртинчи китобининг
1608 йилда Венецияда босилган лотинча таржимасидан).

Гоҳо орқа умуртқа иккала ён томонга қараб чиқади, бунинг турлари ҳақида букри касаллигини гапирганимизда айтиб ўтганмиз, ўша жойни яхшилаб қаралсин. Бунинг белгиси: ўша [чиққан] жойда дўнглик ёки чуқурлик кўриниб, гўё умуртқа тиши сингандек бўлади. Умуртқа тиши синишида катта зарар йўқ, умуртқалар жойидан чиқишида ўлим хавфи бор.


Йигирма иккинчи фасл. Даволаш

Орқа умуртқаси олдинга қараб чиққанда [тузатишга] умид оз, буни тузатишда камдан-кам муваффақиятга эришилади. Аммо умуртқа орқага қараб чиққанида, [табиб] ҳаммом ходими сингари иккала тиззаси билан қаттиқ тутиб, куч билан босади ёки [касални] қорни билан ётқизиб, ўша [чиққан умуртқага] товонини қўйиб туради, ёки новвой лочира хамирини жувалагандек, чиққан умуртқани жува билан қаттиқ эзади.

Агар чиқиш бундан кўра оғирроқ ва ҳали янги бўлса, Буқротнинг айтишича, бўйи ва эни касал сиғадиган катталиқдаги тахта ёки шундай катталиқдаги узун курсини деворга яқин қилиб узунасига қўйилади. Буларнинг девордан узоқлиги бир пойдан ортиқ бўлмайди; касални ётқизиш учун устига тўшак ташланади. Кейин беморни иситиб туриб, ўша тахта ёки курси устига юзи билан ётқизилади. Сўнг унинг кўкрагидан икки марта боғич билан ўраб, боғични қўлтиғи тагидан чиқариб, икки кураги ўртасига олиб келиб тугилади. Боғичнинг учларини ҳовонча дастасига ўхшаш узун ёғочга боғлаб қўйилади. [193] Шу ёғочни [касал ётган тахта ёки курси яқинига, ерга тиклаб қўйилади ва [учини] бемор бошида турган ходимнинг қўлига берилади; ёғочнинг қўйи учини бирор нарсага тираб қўйилади. Касал бошида турган ходим тортиш керак бўлган вақтда уни тортади. Касалнинг иккала оёғини бириктириб, бошқа боғич билан тиззасидан юқоридан ҳам тўпиғи тепасидан боғлаб қўйилади. Яна бир бошқа боғич билан иккала соннинг учрашадиган жойидан юқорироқ қисмидан боғланади. [Сўнг] боғичларнинг учларини йиғиштириб, айтиб ўтилган ёғочдек дастага ўхшаш бошқа бир ёғочга боғланади. Бу ёғочни касалнинг оёғи яқинига, биз биринчи ёғочни тиклагандек қилиб қўйилади. Кейин ёрдамчиларга шу ёғочларни бир-бирига қарама-қарши томонга тортишни буюрилади.

Баъзилар шундай тортишда [бошқача] қуроли ишлатадилар. Қурол ўша тахта ёки курсининг икки томонига, яъни касалнинг бош ва оёқ томонига тикланган ёғочлар устида ўрнатилган ўқлардан иборатдир. Шу ўқларни айлантирилганда тортилаётган боғичлар уларга ўралади. || Мана шундай қилиб тортилганда [чиққан умуртқа] дўнглигини ик-

nis spondylium.



Чикқан суяқларни солиш («Қонун» Тўртинчи китобининг 1608 йилда Венецияда босилган лотинча таржимасидан).

кала кафтимиз таги билан босишимиз лозим; унинг устига чиқиб ўтириш зарур бўлса, ҳеч нарсадан қўрқмай чиқиб ўтирамиз.

Агар умуртқалар бу тадбир билан тўғри бўлмаса ва бемор қисиб босишга чидай олса, ўша яқин турган девордан узунасига тарновга ўхшатиб, бўйини бир газ қилиб, [умуртқа дўнглигининг] рўбарўсидан чуқурча ўйилади. Чуқурча [чиққан] умуртқадан юқори ҳам ва унча қуйи ҳам бўлмасин, балки у аввалроқ мослаб ўйиб қўйилган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам юқорида тахтани деворга яқин қилиб қўйилади деган эдик. Кейин керакли катталиқдаги тахтачани олиб, унинг бир учини девордаги ўйилган жойга киргизамиз, ўртасини ёки [умуртқага] учрашадиган жойини [чиққан умуртқа] дўнгига қўямиз, кейин умуртқаларнинг текислангани аниқ кўрингунича тахтанинг бошқа учини қуйига босамиз. Буқрот:— тахтача ишлатмай тортишнинг ўзи ҳам бундай чиқишни тузатади,— дейди, шунингдек,— [тортмасдан] фақатгина тахта билан босиш ҳам шу ишни бажаради,— деган. Агар бу гап тўғри бўлса, умуртқаларнинг олдинга қараб тойиши деб аталадиган биз олдин айтиб ўтган турида ҳам босмасдан тортиш тадбирини ишлатиш ёмон бўлмайди.

Умуртқа суяги текислангандан кейин кенглиги уч энлик, узунлиги эса дўнгликни ва соғлом умуртқалардан бир қисмини беркитадиган миқдордаги ёғоч тахтакачни олиб, қаттиқ унналмаслиги учун унга каноп латта ёки майин юнг ўраб, чиққан умуртқа устига қўйилади ва ўзига мос бойлоқ билан боғланади. Бундай касал латиф овқат истеъмол қилиши керак.

Шу тадбирни қўллангандан кейин яна бир оз дўнглик қолса, биз тавсиф қилган тахтакачни узоқ вақт қўйиб қўйиш билан бирга бўшаштирувчи ва юмшатувчи дорилар билан даволаш тадбирини қўллаш керак. Баъзи кишилар қўрғошин тахтакач ишлатадилар.

Агар умуртқа бир томонга чиқса, уни битта ёки иккита тахтакач билан боғлаб текисланади. Бўйин умуртқаси орқага қараб чиқса,— бу даволаса тузаладиган хилидир,— касални чалқанчасига ётқизиб, бошини оҳисталик билан юқори томон кўтариш ҳамда умуртқани уқалаб ва силаб текислаш керак; текислангач, кучайтирувчи қуюқ суртма суртиб, устидан латта қўйилади: латта устидан бўйин эни ва узунлигидаги тахтакачни қўйиб боғланади. [Тахтакач] орқага тушиб кетмасин учун уни бош ва кўкракка тортпб танғиб қўйилади; уни бир неча кундан кейин ечилади. Боғладиган иплар чопон четидаги жияклар каби [энлик] бўлсин, чунки юмалоқ ип азият беради!

Йигирма учинчи фасл. Думғаза суягининг чиқиши

Думғазанинг чиққанини қўл билан пайпаслаб кўриб биласан, чиқишнинг қанчалик эканлигини ҳам ушлаб кўриб билинади, буни яна бемор оёғининг чиққан думғазага [яқин] жойини ва тиззасини ёза олмаслигидан ҳам билинади; унинг тиззасини букиши бундан ҳам қийин бўлади.

Буни даволашга келганда, сен уни текисламоқчи бўлсанг, ўрта бармоғингни [194] то чиққан жой рўбарўсига еткунича орқа тешикка киргизасан, кейин шу бармоғинг билан юқорига қаратиб қаттиқ босасан; бошқа қўлинг билан думғазани то у текислангунча ушлаб турасан.

Ахлат камайсин учун бемор овқатни кам ейиши, шу билан бирга, [ични] юмшатувчи нарсалар истеъмол қилиши керак.

Йигирма тўртинчи фасл. Ёнбош чиқиши¹

Юқори билак чиққанидек, гоҳо сон ҳам бўшашгандек бўлиб, қуйинга қараб чиқади. Сон чиққанда оёқнинг на чиққан жойини ва на тиззасини ёзиш мумкин бўлмайди; балки тиззани ёзиш жуда қийин бўлади. Сон ичкарига ҳам, ташқарига ҳам чиқади, лекин кўпинча, ташқарига қараб чиқади, ичкарига қараб чиқиш кам учрайди. Гоҳо сон худди шу [чиқишларнинг] сабаблари билан олдига ва орқага қараб ҳам чиқади. Туғилиш ва қориндан ёриб олиш вақтида болаларда шу ҳолат воқе бўлса, ўша чиққан оёғи қисқа, почаси ингичка, баданни кўтаришдан ожиз даражада кучсиз ва қувватга кирмайдиган бўлиб қолади.

Йигирма бешинчи фасл. Белгилари

Ёнбош ичкарига қараб чиқса, шу чиққан оёқ бошқасидан узунроқ ва тизза дўнгроқ кўринади. Бундай киши оёғининг чов олдини бука олмайди, чови кўпчиган ва шишган кўринади, чунки сон суягининг боши човга кирган бўлади.

Ёнбош сиртга қараб чиқса, оёқ қисқариб, човда чуқурлик кўринади, чов рўбарўсида — орқа томондан дўнглик ва кўпчиш пайдо бўлади, тизза ичкарига томон чуқур тушганга ўхшаб туради.

Ёнбош олдинга қараб чиқса, оёқ узаяди, бемор почасини ёза олади-ю, аммо аламсиз букиши мумкин бўлмайди. У мутлақо юра олмайди; қийинлик билан юрганда — товонига қараб букилиб кетади, бунда [баъзан] синиш юз беради, чов шишади ва сийдик тугилади.

Ёнбош орқага қараб чиқса, касалнинг оёғи қисқаради, оёқни ёзиш ва йиғиш ҳам қийинлашади, лекин човни букиш орқали почасини

ҳам бука олади; чов бўшаши ва сон боши йўғон ичак томонга мойил бўлиб қолади.

Иигирма олтинчи фасл. Даволаш

[Ёнбош чиққанида] уни тезда даволаш керак, агар уни тезда жойига қайтарилмаса, унга кўп рутубатлар қўйилиб, сасийди ва бутун аъзонинг бузилишига сабаб бўлади; бунинг кетидан ўзинг биладиган хавф-хатар юз беради.

Сон қўйига қараб чиққанида мана шундай тузатилади: оёқни тортиб, киргизиладиган жойига рўбарў бўлгунича ўнг ва чапга қимирлатилади, кейин жойига туширилади; белбоғ ёки арқонни олиб, узангига ўхшатиб почага, кейин сонга ва [суяк] қайтариб солинган жойга маҳкам қилиб боғланади, сўнг || почанинг қўйига тортилишига йўл 366 қўймайдиган қилиб, елкага тортиб, осиб қўйилади.

Сон ичкарига қараб чиққанда беморни руку қилишга буюрилади¹. Бақувват бир киши [касални] буйракдан қовуққа келувчи сийдик йўли томонидан ушлаб туради, табиб икки қўли билан соннинг тизза олдидаги бошини ушлаб, ичкарига тортиб туриб, нариги учини юқорига ва сиртга қараб итаради. Агар бошқа бир киши бойлоқ ёки арқондан ушлаб, қарши томонга итариб ёрдам берса, яхшироқ бўлади. Кейин боғлаб қўйилади.

Агар [сон] сиртга қараб чиққан бўлса, табиб соннинг тизза томон бошини маҳкам ушлаб, юқорида айтилган ҳаракатга қарши томонга қимирлатади. Бошқа бир киши соннинг бошқа томонидан бойлоқ ёки арқон орқали ушлаб, аввалги киши қимирлатаётган томон қаршисига ҳаракат қилдиради.

[Сон] олдинга ёки орқага қараб чиқса, табиб соннинг тагига бойлоқ боғлайди ва уни чиқишнинг мойиллиги тақозо этган томон бўйлаб елкага олади. Бир киши бойлоқнинг учини ушлаб туради; кейин ҳаммалари бирдан бойлоқни тортиб, касални ҳавода осилтириб турдилар. Шундай тадбир билан юқорида айтилган чиқиш хилларини ҳам тузатиш мумкин.

Гоҳ бу хил чиқишни таёқ² ёрдамида тузатадилар. Табиблардан бири бундай даволаш усулини қўйидагича яхшилаб баён қилган: бир тахтани [олиб], уни бошдан-оёғигача хандаққа ўхшаш узунчоқ [чуқурчалар] ўйилади. Ўйилган жойларнинг эни ва чуқурлиги уч энликдан ошмайди, уларнинг бир-биридан [195] узоқлиги тўрт энликдан кўп бўлмайди, таёқнинг учи ўша чуқурчаларнинг бирига кириб, тиралиб туриши керак. Таёқ билан [сон бошини] лозим бўлган томонга қараб итарилади. Бир катта тахта ёки курсининг ўртасига бошқа бир ёғочни тик [қозик] қилиб қоқилади. Бу ёғочнинг узунлиги бир оёқ кафти узунлигида, йўғонлиги кетмон дастасидек бўлади; бемор орқаси билан

чалқанча тушиб ётганида мана шу ёғоч унинг орқа тешиги билан сон боши оралигидан ўтиб туради, шунда касал гавдасини унинг оёқларидан тортаётган кишилар томонга қараб сурилиб кетишга қўймайди¹.

Баъзан юқори [бош] томонидан тортишга тўғри келса ҳам, кўпинча, унга эҳтиёж тушмайди. Шу билан бирга, гавда қуйига тортилганда бу қозиқ сон бошини сиртга қараб итаради. Қуйига тортиш, айниқса, оёқни тортиш, биз бундан олдин айтиб ўтган сифатда бўлиши керак.

Шу хил тадбир билан ҳам сон боши [жойига] тушмаса, тик қокнлган қозиқни суғириб ташлаш, шу суғурилган қозиқ ўрнининг икки ёнига эшик ёндорига ўхшатиб, биттадан иккита бошқа қозиқ қоқиш керак. Бу қозиқларнинг узунлиги ҳам бир оёқ кафти бўйидан кам бўлмасин. Кейин бу қозиқлар орасига нарвон поғонасидек қилиб бошқа бир ёғоч ўрнатилади, шунда бу уч ёғочнинг шакли юнонча «эта» — *H* ҳарфи шаклига ўхшайди. Учинчи ёғочни икки томондаги ёғочлар ўртасига, уларнинг учидан бир оз қуйироққа миндирилганда, шу шакл ҳосил бўлади. Сўнгра беморни соғ ёни билан ётқизиб, [соғлом] сонини иккита ён қозиқ оралигига, нарвон поғонасига ўхшаш бояги ёғоч тагига чўзилтириб қўйиб, касалланган сонни ўша поғона устига қўйиш керак; шунда касал сон боши поғона устига миниб туради. Поғона [ёғоч] сонга азият бермасин учун олдин поғонага бир «чопон»ни ўраб қўйилади. Кейин кенглиги ўртача узунлиги сон бошидан то тўпиққача келадиган бошқа бир тахта ясаб, сон бошидан то тўпиққача ушлаб турсин учун почаси тагига ичкари томондан узунасига қўйиб боғланади. Шундан кейин [умуртқа] дўнглигига қарши ишлатилгандек дастага ўхшаш ёғоч билан ёки биз юқорида айтган сифатда тортиш тадбири қўлланилади. Шу пайтда почани унга боғлаб қўйилган ёғоч билан бирга қуйига тортиш керак, ана шундай қилиб қаттиқ тортилса, сон боши ўз жойига тушади.

Касални тахта устига чўзилтириб ётқизмай бошқа хил тадбир билан ҳам сон бошини жойига тушириш мумкин. Буқрот бу тадбирни мақтаб шундай тасвирлайди— беморнинг иккала қўлини бирлаштириб юмшоқ боғич билан боғланади, икки оёғини эса бир-биридан тўрт энлик узоқ қилиб туриб, икки тўпиғи ва икки тиззаси устидан юмшоқ ҳам бақувват боғич билан боғлаб қўйилади. Кўпинча, касалланган оёқ почаси соғидан қўра икки энлик миқдорида [юқорига] тортилиб қолган бўлади. Беморнинг бош томонини ердан икки газ узоқлаштириб осиб қўйилади. Кейин тажрибали ёш бир ходим икки қўли билан касал сонининг энг йўғон жойи — сон боши турадиган жойидан қучоқлаб, тўсатдан беморга осилади. Шу тадбир қўлланганда, ёнбош бўғини озгина уриниш билан ўз жойига тушади. Бу тадбир бошқаларидан кўра энгилроқ, чунки бунда кўп уринишга эҳтиёж тушмайди. Лекин кўп-

чилик табиблар бу амални қўллашни яхши кўрмайдилар ва осонлиги сабабли уни менсимайдилар.

Сон боши сиртга [ёнга] қараб чиққанида, касални, биз юқорида айтгандек, чўзилтириб ётқизиш, || таёқнинг учи тиралиб турсин учун 367 уни биз баён қилган чуқурчалардан бирига киргизгандан кейин, табиб ташқаридан ичкарига қараб таёқ билан итариши керак. Ёрдамчилардан бири соғлом сон томонида туриб [касал жасади] кўп сурилиб кетмаслиги учун табиб итараётган томон қаршисига қараб итариб туради.

[Сон боши] олдинга қараб чиқса, беморни чўзилтириб ётқизиб, кейин кучли бир киши ўнг қўли кафти тагини касал чов устига қўйиб туриб, бошқа қўли билан уни қисади ва, шу билан бирга, қисган жойидан қуйига, тизза томонга қараб тортади.

У орқа томонга қараб чиққанда, беморни ердан кўтариб ётқизиб қўйиб, пастга қараб тортиш муносиб эмас, [196] балки қаттиқ нарса устига ётқизиб [тортиш] керак; биз букрилиқ бобида айтгандек, сон боши сиртга [ён томонга] чиққанида ҳам шундай қилинади. Беморни тахта ёки узун курси устига юзи билан ётқизиш лозим; боғичларни сонга боғламай, биз ҳозир айтгандек, почага боғланади. Бунда ҳам тахтакач билан йўғон ичак ва бўғин чиққан жой устидан босиш зарур.

Сон бошининг олдин юз берган аниқ бир сабабдан бўладиган чиқиш турлари ҳақидаги бизнинг сўзимиз шулардан иборат. Лекин курак чиққанидек, сон боши ҳам гоҳо ўзида пайдо бўладиган кўп рутубат сабабли жойидан чиқади¹; бу пайтда доғлаш тадбирини қўллаш керак. [Доғлаш тадбирини] биз доғлаш усулини баён қилган жойда айтганимиздек қўлланилсин.

Йигирма еттинчи фасл. Тизза чиқиши

Тизза тез чиқади; жағ эсноқдан бошқа бирор аниқ сабабсиз ҳам чиққанидек, кўпинча, тизза ҳам тез юриш ва бир оз тойишдан кўра кучлироқ сабаб бўлмай туриб чиқа беради². Тизза ҳар томонга қараб чиқади, лекин тизза қопқоғининг тўсқинлик қилиши сабабли олдинга қараб чиқмайди.

Йигирма саккизинчи фасл. Даволаш

Беморни ерга яқин паст курсига ўтқазиб, оёқларини бир оз юқорига кўтарилади; кейин кучли бир киши касалнинг иккала қўлини юқорисидан ёки қуйисидан қаттиқ тортади, табиб умуман чиқишни даволаш қондасига биноан тизза бўғинини ўз жойига тушириб боғлаб қўяди.

**Иигирма тўққизинчи фасл. Р а з ф а, яъни тизза
қопқоғининг чиқиши**

Тизза қопқоғи чиққанида оёқни ёзиб туриб, қопқоқни жойига тушириш керак, кейин тизза тагини букилишига тўсқинлик қиладиган латта парчалар билан тўлдириб устига қопқоқнинг мойил бўлган томонига қаршилашадиган тахтакачлар қўйилади. Қопқоқ мустақкам бириккач, шошилиб тиззани букилмасин, балки букилиши осонлашганига қадар оз-оздан букилсин.

Ўттинчи фасл. Товон суягининг тўпиқдан чиқиши

Гоҳо тўпиқ чиқади; тўпиқ чиққанда уни жойига тушириш учун қаттиқ тортиш ва кучли тадбир қўллаб, куч билан итаришга тўғри келади. Сўнгра яна қайтадан чиқмаслиги учун касал қирқ кунга яқин юрмаслиги керак. Аммо тўпиқ озгина тойса, уни жойига тушириш учун бир оз тортиш кифоя қилади. Агар тўпиқ тамоман чиқса ва чиқиш кучли бўлиб, жойига қайтаришни қабул қилмаса, қадимгилар айтганига мувофиқ [амал] қилиш керак, уларнинг айтишича, касални орқаси билан ерга ётқизиб, икки сони ўртасига,— орқа тешиги олдига узун ва бақувват қоziқни ерга чуқур қилиб қоқилади; касалнинг оёғи қўйига тортилганда, бу қоziқ гавдани қимирлашга қўймайди; ҳатто, қоziқни беморни ётқизишдан олдин қоқиб қўйиш керак. Агар биз айтиб ўтган ўртасига қоziқ қоқилган тахта мавжуд бўлса, [оёқни] шу ёғоч устида тортиш керак. Бир ёрдамчи сондан ушлаб,— уни тортиб туриши, бошқа бир ёрдамчи оёқни икки қўли билан ёки бойлоқ орқали аввалги ёрдамчига қарама-қарши [томонга] тортиб туриши керак; табиб [шу пайтда] қўли билан чиққан жойни тўғрилайди, бошқа бир ёрдамчи эса бошқа [соғлом] оёқни қўйига тортиб ушлаб туради.

Шундай қилиб, тўпиқ солингандан кейин уни пишиқ бойлоқлар билан боғлаш керак, бунда айрим бойлоқларни оёқ панжасигача, бошқасини эса тўпиққача олиб бориб, шу ерда боғланади. Товоннинг орқа томони юқорисидаги асабни қаттиқ сиқилиб қолишдан эҳтиёт қилиш ва беморни қирқ кунгача юришдан тийиш зарур. Чунки бундай касаллар тамоман тузалишдан олдин югудек бўлсалар, ўша жойлари қайтадан чиқиб, тадбир бузилади.

Агар товон суяги сакраш натижасида тойиб кетса,—бу эса кўп учрайди,— ва шу жойда иссиқ шиш пайдо бўлса, беморни юзи билан ётқизиб, ўша аъзони текислаш, аъзони тортиб баробарлаш, иссиқ шишларни тўхтатадиган дориларни қўйиш, пишиқ бойлоқлар билан боғлаш ва касални тинч қўйиш лозим. Аъзо тамом тузалгунича бемор юрмасин. Чиққан тўпиқни панжагача боғлаш, товонни очиқ қўйиш керак.

Ўттиз биринчи фасл. Оёқ панжа суякларининг чиқиши

Бунинг тадбири кафт суяклари чиқишига [қарши қўлланадиган] тадбирга яқин. Баъзан [197] уларни, то текис бўлгунича оёқ билан босиб тўғрилашинг кифоя қилади, бунда ўз оёғинг билан [касалнинг] чиққан панжалари орасига бирор чопонни қўйиб босасан; кейин қуюқ суртма ишлатиб, маълум йўсинда боғлаб қўйилади.



СИНИШ ҲАҚИДАГИ [ТАЪЛИМОТНИНГ] УМУМИЙ АСОСЛАРИ

Биринчи фасл. Синиш ҳақида умумий сўз

Синиш суякка хос узлуксизликнинг бузилиши бўлиб, шу сабабли гоҳо суякда ажралиш воқе бўлади. Майда бўлақларга айланиб кетган [синишни] мажақланиш деб аталади. Баъзан ажралиш воқе бўлмайди ва бундай синиш гоҳо текис ва гоҳо тармоқли бўлади. Текиси баъзан суякнинг энига, баъзан узунасига воқе бўлади. Энига воқе бўлгани гоҳо аниқ билиниб туради ва баъзан аниқ билинмайди. Узунасига воқе бўлгани, яъни ёрилиш ва дарз кетиш аниқ билинмайди.

Бир гуруҳ табиблар суяк синиш турларини бир қанча исмлар билан атаб, суяк энига ва чуқурлигига қараб каттароқ синса, «турп [синиши]симон», «таррак [синиши]симон» ва «новда [синиши]симон», синган суяк бўлақлари жуда майдаланиб кетса, «толқонсимон», «ёрмадонсимон» ва «ёнғоқсимон» дейдилар. Синиш узунасига кетса, «тарамтарам синиш», узунасига синиш билан бирга энига очилса, «янги ой-симон» ва «новда синишисимон» деб атайдилар.

Суяк бутунлай синганида, [ажралган] икки бўлаги табиий узлуксизлик [ҳолатидагидек] керакли даражада бир-бирига рўбарў бўлиб турмайди, балки, албатта, рўбарўлиги йўқолади. Шунингдек, силжиганлик сабабли суякни ўраб турган пардаларда ва этда шубҳасиз санчилиш юз бериб, кетидан шиш келиб чиқадиган оғриқ пайдо бўлади.

Синган суякнинг ажралиши даврала бўлиб, майда суяк бўлақлари бўлмаса, аъзо осонлик билан қимирламайди. Синган аъзонинг сиртга мойил бўлиб қолиши, Буқротнинг айтишича, ичкарига мойил бўлишидан кўра яхшироқдир. Чунки ичкари томонда синган жойга дуч келадиган асаблар кўп бўлиб, улар оғритади. Синиш бўғин олдида воқе бўлиб, пардалар ва бўғинларнинг бошини ўз ичига олиб турган суяк чуқурчаларининг чеккалари ва чуқурликлари мажақланса, бўғин чиқишга мойил бўлиб қолади. Синиш бўғин олдида воқе бўлиб, кейин тузалиб битса, қаттиқлик сабабли бўғин ҳаракати қийинлашиб қолади: у ерда пайдо бўлган қадоқ юмшагунича кўп вақт керак бўлади. Қичик

суякли бўгинларда синиш воқе бўлганда, у бўгин ҳаракати жуда ҳам қийинлашади. Тўпиқ бўгини каби жуда тор яратилган бўгинда ҳам шундай бўлади.

Айланасига синиб, кейин қийшайиб қолган [суяк]нинг бирикиб битиши жуда қийин бўлади, чунки уни жуда узоқ муддат давомида яхшилаб мослаб боғлаб қўйилмаса, бирикмайди. Бундай бемор, биз келгусида баён қилишимизга мувофиқ, шундай ҳолатлар учун қон тайёрлайдиган овқатлар ва дориларни истеъмол қилсин.

Суяк синишининг энг ёмони, айтиб ўтганимиздек, сиртга қараб эмас, ичга қараб синганидир. Илик узилиши ҳалокатлидир, дейиш бе-маъни сўздир, чунки илик эриб турган юмшоқ ва ёпишқоқ нарса бўлиб, узилмайди.

Гоҳо синиш билан бирга жароҳат, қон кетиш, шиш ва синган жой атрофидаги этнинг эзилиши каби ёмон ҳолатлар юз беради; [эт эзилганда] унинг чиришига тўсқинлик қиладиган нарса билан тадбир қўлланилмаса ёки тилиб қўйилмаса, ундан гангрена¹ пайдо бўлади.

Қатта ёшли кишиларнинг синган жойини оғриқдан, синдирувчи сабабнинг келиб тушган жойидан ва қўл билан ушлаб кўриш орқали билинади. Қичик ёшлиларники эса оғриқ, шиш ва қизаришдан маълум бўлади.

Иккинчи фасл. Тузалиб битиш ва бунинг зидди ҳақидаги ҳукмлар

Синган суякларни ўз [асл] вазиятларига қайтарилса, болалар ва уларга яқин ёшли кишиларда дастлабки қувват сақланиши сабабли уларнинг битиб кетиши мумкин. Аммо йигитлик ва ундан кейинги ёшдаги кишиларда битиб кетмайди, балки мисгарлар мис ва бошқа нарсани бириктиришда ишлатадиган қалай ва қўрғошин кавшардек, иккига ажралган суяклар устидан [ҳам] суяк қадоғидан иборат кавшар ўтиб, уларни бир-бирига қўшиб туради².

Суяклар ичида энг қийин битадигани билак, ундан кейин юқори билак суягидир. Ўмров суяги ичкарига қараб синганда уни тузатиш қийин. Билак синганида уларнинг энг ёмони, чиқиш бобида айтилганидек, қўйсининг синишидир. Сон ва поча суяги синишига келганда, буларни [тузатиш] осон, чунки битиш уларнинг ёзилишига тўсқинлик қилмайди.

Синган суяклар турли муддатда бирикади, чунончи, бурун суяги ўн кунда, қовурға суяги йигирма кунда, билак ва унга яқин жойлар суяги ўттиз кундан қирқ кунгача, сон суяги эллик кунда бирикади. Баъзан битиш муддати бундан ҳам || узоққа чўзилиб, ҳатто, [198] сон 369 суягининг бирикиши уч ойга ёки тўрт ой ва ундан ҳам кўпроқ муд-

датга чўзилади. Синган суяк хато битганда аъзонинг қоринга мойил бўлиб қолиши орқага мойил бўлиб, оғирроқ бўлиб қолишидан кўра яхшироқдир.

Қўйиладиган дориларнинг кўп ишлатилиши, боғичларни кўп ечиб боғлаш, шошилиб ҳаракат қилдириш ёки баданда умуман қон камлиги, ёки ёпишқоқ қоннинг камлиги синган суякни битишга қўймайдиган сабаблардир. Шунинг учун сафроси кўп кишиларда ва касалликдан янги турганларда синган суякнинг бирикиши кам учрайди.

Синган жойдан қон силжиб кўриниши суякнинг битганлигига далолат қиладиган нарсалардандир. Табиат синган жойга кўплаб қон йўналтираётганлиги сабабли гўё у ортиқчалиги учун ҳайдалиб чиқарилаётган бўлади.

Учинчи фасл. Синган суякни бириктириш ва боғлаш қоидалари.

Бириктириш қоидаси аъзони керакли миқдорда тортишдан иборат; кўп тортиш тириштиради, алам беради ва бундан иситмалар пайдо бўлади; баъзан бунда бўшашиш юз беради. Ҳўл баданлар тортишга мувофиқ бўлганликлари учун уларда [кўп тортишнинг] зарари камроқ. [Кераклигидан] кам тортиш яхши битиб бирикишга тўсқинлик қилади, бу қоида чиқишга ҳам, синишга ҳам баробардир.

Лозим бўлган усулда тортилганда, иккала суякни тўғри вазиятга келтириб керакли миқдорда латталар қўйиб боғланади, устидан тахтакачлар қўйиб, боғичлар билан боғланади. У аъзони иложи борица ҳаракат қилдирмай тинч қўйиш керак; лекин бирор офат ва шиш бўлмаса, аъзо табиати ўлиб қолмаслиги учун гоҳо-гоҳо кўтара оладиган миқдорда ҳаракат қилдириб турилсин.

Синганда ҳам, чиққанда ҳам тортиб боғланганда каттик оғритишдан сақланиш керак. Қаттиқ боғлаб қўйиш, боғични кечиктириб ечиш ва бунга кам эътибор беришдан кўпинча ўша аъзо ўлиб чирийдиги ва уни кесиб ташлашга тўғри келади.

Бош суягига ўхшаш бўлмаган суяклар синганида уларни бириктиришдан аксари кутилган мақсад суяк қадоғи [душбуз] пайдо бўлишидир; чунки бош суяклариди қадоқ унмайди. Қадоқнинг қуруқ ва кам бўлмаслиги, шунингдек, кўп қалин, керагидан ортиқ пайдо бўлмаслиги учун чора кўриб туриш керак. Маълумки, у нарсанинг ҳажми аъзога ва синиқнинг катталики ёки кўплик миқдорига ёки кичик ва озлигига қараб турлича бўлади. Бу ҳақда нима қилиш зарурлигини бундай касалларни овқатлантириш ва синган аъзони боғлаб қўйиш баён қилинган жойда батафсил биласан.

Қадоқ пайдо бўлиш олдида уринтирадиган ҳаракатларни ва жинсий алоқани тарк қилиш, ғазабланмаслик ва аччиғланмаслик лозим, чунки булар қонни суюлтиради; [касал] иссиқ жойда эмас, салқин жойда турсин. Бир қадар ҳаракати ва ёпиштириш хусусияти бўлган буриштирувчи кучли суртмалар таркибига арча уруғи, сарв ёнғоғи, катиरो ва дабба касаллиги дориларини қўшиб [ишлатилади].

Синган жойда битиш деярли юз бермаганда тузалмайдиган яраларда ишлатиладиган қиришга ўхшаш тадбир қўлланилади, бунинг учун [синган жойни] то бирор нарса деб аташга арзимайдиган бекорчи, кучсиз ёпишқоқ [рутубат] чиққунича икки қўл билан қашланади, шунда синган жой қизиб, унга янги қон ҳайдалиб бориб, унинг устида кучли қадоқ вужудга келади. Кўпинча, суяк рангининг ўзгариши ва унинг усти пўстлоқланиб танга-танга бўлиши қашлаш тадбирини қўллашни тақозо этади. Бу хил синганга тахтакачлар қўйилмасин, балки агар зарур бўлса, яхшилаб боғлаб қўйиш билан чекланилсин.

Синиш ва жароҳат биргалашиб содир бўлса, жароҳат тузалгунича синганга қарши тадбир қўлламай туриш мумкин эмас, чунки суяк қаттиқлашиб қийналиш, кучли тортиш ва зўр оғриқлардан кейин қийинлик билан тузалади. Шу билан бирга, жароҳатда оғриқ ва хатарли шишлар бўлса, бундай ҳолларда синган жойнинг эгри бўлиб қолиши катта хавф-хатар пайдо бўлишидан кўра яхшироқ; [шунинг учун] бу хил синишни тузатишда хаддан ортиқ тадбир қўлламамаслик керак.

Синиш билан бирга [эт ҳам] эзилса, бундан ўша аъзонинг ейлиши хавфи туғилади; шунда қон чиқиб кетсин учун эзилган жойни тилиш керак, чунки бунда аъзонинг ўлиш хавфи бор. Қон тўхтамасдан чиқаберса, уни тўхтатиш лозим.

[Синишга] шиш ва жароҳат офати қўшилса, аъзони даволашда лозим бўлмаган тадбирни қўллашга эҳтиёж тушиб, касалнинг томиридан қон олинади, сурги қилдирилади ва унга енгил овқат берилади.

Баъзан синган жойни [донмо] боғлаб қўя беришдан қичима пайдо бўлиб, ечишга ёки қичитаётган рутубатларни тарқатгунича ўша аъзога иссиқ сув қуйишга эҳтиёж туғилади. Буқрот синган суягига тадбир қўлланилаётган кишига шу вақтда бир оз ҳарбақ шимиб туришни буюради; бундан мақсад моддаларни ичга тортишдир. Жолинус эса бундан қўрқади ва у дарахт пўкагини ичишга, агар [199] зарурат бўлса, ичида ҳарбақ¹ қуввати бўлган *сиканжубиндан* бир оз истеъмол қилишга буюради ва у [ҳарбақ шимдириш] Буқрот замонида бўлган, дейди. Жолинуснинг бу икки замонни ажратиши ажабланарлидир.

Синган [суяк]ни жойига қайтарсанг-у, у оғриб бетоқат қилса, бунда, тадбирни тарк қилиб, жойига қайтарилган суякни чиқариш тўғрироқ. Кўпинча, бу билан касални «оғриқлардан тинчитган бўласан»². 370

Суяк узунасига синганда уни ичкари томонга мойил қилиб, қаттиқ босиб, аъзони бошқа ҳоллардагидан қаттиқроқ боғлаб қўйиш кифоя қилади. Аммо синиш [суяк] энига қараб бўлганда иккала суякни иложи борица тўғри вазиятга қўйиш, соғлом қисмлар вазиятини назарда тутиб, бу суяк вазиятининг ўзига ўхшаш [бошқа] суяк вазиятига барсбар эканлигига эътибор бериш лозим, кейин тахтакачлаб қўйиш керак. Бу ерда бир қанча нарсаларга, шу жумладан, майда суяк бўлаклари, ўсиқлари ва кемтик жойларига ҳам эътибор бериш зарур.

Суякнинг майда бўлақларини [ўз жойига] мослаштирилмаса, улар бирикишга тўсқинлик қилади; агар улар синса, синган суякнинг иккала учи орасида туриб, уларнинг бир-бири билан бирикишига қўймайдигани улар сурилиб, доимо сариқ сув йиғилиб турадиган бўшлиқ¹ қолдиради, натижада бу сувда майда бўлақчаларнинг ўзи чириб, аъзони ҳам чиритади. Кейин [суяк] пишиқ бирикмайди, чунки пишиқ бирикиш майда бўлақчалар ва ўсиқлар ўз жойларига мослашиб киргандагина ҳосил бўлади.

Демак, шу пайтда қўл, арқон ёки бошқа қуроллар ёрдамида мумкин қадар [оралиқни] узоқлатиб тортиши зарур. Шунда иккала суяк ўртасида, ўсиқлар ўртасида ва [бир-бирига] дуч келадиган ўтиш йўллари ўртасида рўбарўлик тўғри келиб, суяк дуруст битади. Суякни тортиб рўбарў қилганинда тўғри бўлганини кўрсанг, қийшайтириб қўймаслик учун, рўбарўликни кўзда тутган ҳолда тортишни оҳиста-оҳиста бўшаштиришинг керак. Суяклар [жой-жойига] мослашиб киргач, мосланиш ҳолатини қўлинг билан текшириб кўрасан, агар дўнглик ёки бошқа [камчилик] учратсанг, уни қўлинг билан тузатасан; шундан кейин аъзони ҳаракатсиз тинч сақлайдиган қилиб боғлаб қўйишинг лозим. Боғлаш қаттиқ бўлмасин, бу жуда оғритади; бўш ҳам бўлмасин — бу аъзони ушлаб туролмайди; «ишнинг яхшиси ўртачасидир²».

[Суяк] қийшайган жойга бойлоқни қаттиқроқ боғлаш керак. Агар суяк бутунлай синса, уни ҳамма томондан текислаб боғлаш лозим. Агар синиш бир томонда кўпроқ бўлса, ўша томонни қаттиқроқ боғлаш керак. Агар синиш билан бирга суяк бўлаклари ва майда парчалари бўлиб, улар алам бериб оғритса, уларни тузатишга кириш, оғритмаса, парво қилма ва тегма. Агар, масалан, қисирлаётган товуш эшитилса, уларни қадоқ ўраб олишига умид қилинади; бундай умид бўлмаганида уларни эътиборсиз қолдирмаслик керак.

Майда суяк бўлақчалари этни йиртиб чиқиб қолса, билимсиз табиблар қилгани сингари йиртилган жойни кенгайтириш билан шуғулланиш керак эмас. Лекин иккала суякни қийшайтирмай жуда тўғри вазиятда икки томонга тортиш лозим; бундай пайтда қийшайтириш зўр офатга сабаб бўлади. Суякларни тортгандан кейин [туртиб чиққан] суяк бўлақчасига эътибор бериб, уни жойига қайтариб боғлаб қўйиш

керак; қайтмаган тақдирда [этдаги] йиртиқ кенгайтирилмасин, балки керакли миқдорда наMAT парча ҳозирлаб, ўша суяк синиғи кирадиган миқдорда уни тешилсин ва шу наMATча катталигидаги ва унинг тешигидек тешикка эга бўлган юмшоқ терини наMATча устидан қўйилсин ва суяк синиғи шу тешикка киргизилсин. Тери билан наMATни суяк парчасини тешикдан чиқарадиган қилиб, тагига етказиб босиб қўйилсин¹; кейин суякни жарроҳлар ишлатадиган арра билан арралаб ташлансин, бу арра тароқчилар арраси сингари ингичка² ва ўткир бўлади.

Баъзан ажратиб олиниси зарур бўлган суяк синиғи турган жойни қамраб оладиган қилиб парма билан туташ тешиклар очилади. Бу хил кавлаш суяк орқасида муҳим жисм [аъзо] бўлса, хавфсиз бўлмайди, шу билан бирга, парма юлиб олиш ва кесиш орқали [аъзони] қўзғатиб тебратадиган қуроллардан кўра бежавотирроқдир. Баъзан пармани маълум миқдордан нарига ўтишга қўймайдиган бирор маъдандан тўсиқ [ғов] қилиб ишлатилади; бу пайтда унинг тебратувчи қуроллардан кўра зарари жуда кам бўлади. Шунинг учун шикастбанд табиблар олдида шу хил парманинг кўп турлари тайёр туриши керак³.

Баъзан синиқ суяк кўринмаса ҳам, албатта, сариқ сув оқиб туради, бундан синиқ суяк борлигига далил ол. Сариқ сувга қарши қуритувчи ва тўхтатувчи нарсалар билан даво қил, сўнгра керакли тadbирни қўлла.

Агар суяк синиғи [200] ёки бўлакчаси ажралиб, мушакка санчилиб оғритса, уни ёриб, очишдан ва чиқариладиган суякни чиқариб арралаш зарур бўлганини арралашдан бошқа чора йўқ. Синган суяк кўп уваланувчи бўлиб, унинг синиқ ва увоқлари ҳам кўп бўлса, бундай [суякни] бутунлай чиқариб ташлаш зарур. Агар синиқ уваланишсиз бўлса, унинг ўпирилиб ёрилгани катта жойни эгалласа, энг кўп зарарланган жойни кесиб ташла, қолганини қўя бер, чунки бу зарарсиз, балки ҳаммасини кесишда зарар каттароқдир.

Тўртинчи фасл. Шикастбанд табиб учун керакли тавсиялар

Шикастбанд синган суякнинг қийшайганини диққат билан текшириши керак. У қийшайган томонида дўнглик, қарши томонида чуқурлик учратади; || кўпинча, буни қўл билан ушлаб билинади. Шунингдек, 371 оғриқ букилган томонда қаттиқ бўлади, суякнинг қисирлаши ҳам шунга долалат қилади. Демак, [букилганликни] шулардан аниқланади.

Шикастбанд синган жой устидан юқори ва қўйинга қараб аста-секин қўлини бир неча марта юргизиши керак; шунда у чуқурлик ёки дўнглик, ёки суяк синиғини сезса, беҳудага иккинчи марта боғламаслик учун уни белгилаб қўяди. Бефойда боғланганида бузилиш ёки оғ-

риқ пайдо бўлади. Тўла тузалмагунча синган жойнинг кўзга текиску-риниши билан алданиш керак эмас, чунки бузуқлик ва қийшиқликни кўпинча шиш беркитиб туради.

Шикастабанд синган суякни текшириш натижасида аниқласаки, уни охирига етказиб, тузатмаганида у аъзо хунук бўлиб қоладиган бўлса, охирига етказиб тузатганида эса, тиришиш ва даволаниши қийин иситмага олиб борса, шунда, яхшиси, уни ўз ҳолига қўйиш ва тегмаслик керак. Агар уни тузатишга киришса, лекин синган суяк бўйсунмай ўз жойига ўтмаса, ҳеч маҳал уни зўрлаб киргизиб қўполлик қилмаслиги керак; агар шундай қилса, касални суякнинг нотўғри битишидан кўра оғирроқ аҳволга қўяди.

Синган суякни қайтариб тузатганда жуда оғриси ва таъиб суякни қайтадан синган ҳолига қайтариши мумкин бўлса, бу касал учун ором ва зўр роҳат келтиради.

Шикастабанд синганни ўша куннинг ўзида тузатиб тахтакачлаб қўйишга шошилиши керак. Чунки муддат қанча узайса, жойига кириши шунча қийин бўлиб, унда, айниқса, сон суяги каби мушак ва кўп асаблар ўраб турган суякда офатлар кўпаяди. Синган суякни тез тузалишига айтиб ўтилган секин тузалиш воситаларига зид воситалар орқали ёрдам бериш керак. Бу воситаларнинг энг яхшиси ёпишқоқ қонни кўпайтиришдир.

Бешинчи фасл. Тузатилган [аъзонинг] вазияти

Ҳар бир тузатилган аъзо уни оғришга қўймайдиган мувофиқ вазиятга қўйилиши керак. Бунинг учун энг яхши вазият табиий бўлган томонга, масалан, қўлни бурчак қилиб букиб, оёқни узатиб қўйишдир; бунда касалнинг одатига ҳам эътибор берилсин. Осиб қўйилиши зарур бўлган аъзони тўғри осиб қўйиш лозим бўлганидек, ҳолати осмасликни тақозо қиладиган аъзо баъзи жойи осилиб, баъзи жойи тиралиб қолмаслиги учун, текис нарса устига суяниб жойланиши керак. Бирор нарса монелик қилмаганда ҳар бир синган аъзони юқори томонга кўтариб қўйиш мувофиқ бўлганидек, уни осиб қўйиш ёмондир. Синган аъзони керагидан юқорироқ ёки пастроқ вазиятга қўйилмоқчи бўлганда осиб қўйиш ва вазият тақозосига қараб уни эгиб букилсин.

Олтинчи фасл. Боғич ва бойлоқлар қандай бўлиши керак

Боғич латталари тоза бўлиши керак, кир бўлса, қотиб оғрилади, шунингдек, устидан қўйиладиган нарса ўтсин учун юпқа ва оғриб тур-

ган аъзога оғирлик қилмаслиги учун енгил ҳам бўлиши керак. Боғич боғланганда соғлом жойдан ҳам бир оз қўшиб боғлаш лозим, чунки бу синган суякни тойиб кетишдан яхшироқ сақлайди ва пишиқроқ ушлаб туради; бироқ бунда ҳаддан ташқари кўп жойни қўшмаслик керак, акс ҳолда тери тешиклари торайиб аъзо озиқланишга қобилиятсиз бўлиб қолади. Шунингдек, биз тавсия қилган жойдан боғлаш касал аъзога қуйиладиган рутубатни узоқроққа сиқиб ҳайдайди ва унга сизиб келадиган рутубатга тўсқинлик қилади.

[Синган суяк] учун энлик боғич ишлатиш яхшироқ, бу ёпишиброқ туради ва кенгроқ жойни олади; бироқ ҳар бир аъзода имкониятга қараб энлик боғич ишлатиш яхшироқ; қўлга ишлатиш мумкин бўлган энлик боғични кўкракка ишлатиб бўлмайди. [Умуман] кенг бўлмаган аъзоларда энлик боғич ишлатиш мумкин эмас; энлик боғич ишлатилганда бундай аъзода яхши ўрнашмайди. Шунинг учун [201] бундай аъзоларда кенглиги уч энликдан тўрт энликкача бўлган боғич билан чекланиш керак. Бу аъзолар — биллак, ўмров суяги ва шуларга ўхшашлардир; буларга энлик боғич ишлатишнинг иложи йўқ, ҳатто ингичка¹ боғич ишлатилмаса, боғлаш ҳам мумкин эмас. Ўмров суягига кенг боғич ўрнашмайди, бундай ҳолларда энлик боғич ўрнига [ингичка] боғични кўпроқ айлантириб ўраш керак бўлади. Ўраб айлантириладиган боғичнинг кенглиги уч ёки тўрт энлик, узунлиги эса уч газ бўлса кифоя қилади.

Латта парча [бойлоқ]ларни боғичларнинг ёпишиб туриши учун ишлатилади, уларни ишлатиш икки турли бўлади. Биринчисидан кўзда тутилган мақсад ўша [синган] аъзони текислашдир; бунда бойлоқнинг ҳар бир [айланган] тоқаси оралигида очиқ жой қолмаслигига, тоқалари бетараф йиғилиб қолмаслигига ва очиқ жойларни беркитиб юборишга ҳаракат қил. Иккинчисидан кўзда тутилган мақсад боғичларни устидан беркитиб, аъзони иккинчи марта² текислашдир; шунда боғич текис айланиб ёпишади ва бир жойи қаттиқ, бир жойи бўш бўлиб қолмайди. Булар устидан тахтакачлар ҳам яхши ёпишиб туради. Демак, [бойлоқларнинг] аввалгиси, боғичларнинг иккинчиси эса тахтакачларнинг ёпишиб туриши учундир. Тагидаги боғич моддаларни ушлаб туради, иккинчиси букилиб қолишга тўсқинлик қилади. Бойлоқларнинг тоқалари боғич қаттиқ айланадиган жойда кўп бўлиши, мумкин бўлган жойда ўша аъзо айланаси тарафига қараб ўралиши керак; бойлоқларнинг сони ана шу [айланиш] миқдорига || қараб бўлиши керак. Баъзан майда бойлоқлар ишлатишга эҳтиёж тушиб, уларнинг устидан синган жойга боғланадиган боғич узунлигига қараб текис беркитиб турадиган бошқа бойлоқлар қўйилади.

«Икки юзлик» ва «икки бошлик» деб аталадиган боғич мана шундай ишлатилади: касал жойни текис сақлаб турадиган латта боғичнинг ўртаси касалланган жой устига қўйилади; касалланган жой латта боғичнинг қоқ иккига бўлинадиган жойига тўғри келади. Кейин латта боғичнинг икки бўлагидан ҳар бирини қарши томонга қараб тортиб, машҳур тартибга мувофиқ икки қўл билан ўралади; буни тафсиришга эҳтиёж йўқ.

Еттинчи фасл. Боғлаш усулининг муфассал баёни

Боғланганда синган жойдан бошлаб, синган жойнинг катталашган муҳим ерига қараб [борилади], шу ерни жуда маҳкам қилиб боғланади. Қанчалик кўп синган бўлса, шунчалик маҳкам боғлаш керак. Қисқаси, синган ҳамда модда ҳайдалиши ва вазияти сақланиши зарур бўлган жойдан бошлаб боғланади. Шу билан [синган жойнинг] шишиб кетишидан қутилинади, балки кўпинча, шиш тарқалиб ҳам кетади. Шишдан қутилиш сабабли синган суякнинг чиришидан ҳам сақланилади. Шу билан бирга, агар суякнинг ўзида сариқ сув пайдо бўлиб, иликкача борса ҳамда илик ва суякни бузса, [боғлашнинг] бунга фойдаси тегмайди ва [суякни] синдириб¹ ажратиб олишга, йиринг чиқиб кетиши учун йўл очишга тўғри келади. Шу қабилдаги [йирингни] кўпроқ [синган] жойнинг юқорисидан тушишидан сақланиш зарур. Шу билан бирга, юқори аъзолар заиф бўлганида қуйи аъзо ҳам ўзидаги чиқиндини уларга юборади.

Боғич ва тахтакачларни [аъзога] озиқ ва қон етишига тўсқинлик қиладиган даражада сиқиб боғлаш тўғри эмас; бу синган суякнинг тузалишига тўсқинлик қилади. Буқрот боғичлар [ишлатиш]дан бўладиган шишни қайтаришни мўлжаллаганида думбул зайтун ёғи ва мум билан тайёрланган қайтарувчи мумли суртмалар суртиб ёрдамлашган. Шишга тўсқинлик қилсин учун, баъзан, боғичларни ҳаво ва сув билан билфеъл совутишга эҳтиёж туғилади. Баъзан шишни бобуна ёғи ва буриштирувчи шароб кабилар билан тўхтатиш зарур бўлади, булар шишни тарқатади ва аъзони кучайтиради. Синган жойда яра бўлса, унга мумли суртма яқинлаштирилмасин! Баъзан мастаки ва қаврак елими қўшилган зайтун ёғи каби кучайтириш ва тарқатиш хусусиятига эга бўлган нарсага эҳтиёж туғилади. Хулоса, суяк янги синган ва шишмаган бўлса, унга ишлатиладиган боғич каноп латтадан бўлиб шишни қайтариш учун совутилган бўлиши керак. Баъзан уни сув ва сирка билан ҳўллаш кифоя қилади. Гоҳо биз айтиб ўтган мумли суртма ва шунга ўхшашлар ишлатилади. [Синган жой] шишгандан кейин боғланса, боғич шишни тарқатадиган ва юмшатадиган ёққа ботирилган юнгдан тайёрланган бўлиши яхшироқ. Ҳар қандай ҳолда ҳам мумли

суртмани энг тагидаги боғич¹ устига суртилади. Шунда, айниқса, табиб [боғични] доимо қўймасдан оғриқ пайдо бўлганида уни ечиб боғлаб тадбир қилиб турса, оғриқ қўзғалишидан сақланилади. Мумли суртмани, айниқса, синган жойда яра бор бўлса, ишлатиш керак эмас; ишлатилганда, кўпинча, аъзонинг чиришига сабаб бўлади; унинг ўрнига [202] қора шароб ишлатилади.

Суяк турлича² синганда, кўпинча, унда яра пайдо бўлади. Шунинг учун ундан мумли суртмани узоқлаштириш, буриштирувчи шароб ишлатиш билан чекланиш зарур: бу шароб билан [синган жойга] ўраладиган латтани ҳўлланади. Синган суякка [қарши] ишлатиладиган суяқ суртмаларни биз алоҳида бир бобда баён қиламиз.

Керакли жойдан боғлашга бошлаганингда синган суякнинг кўплигига қараб кўпроқ, озлигига қараб камроқ айлантриб боғлайсан ёки кўриниб турган шишга қараб шундай қиласан; кейин боғични ўша [аввалги] бошланган жойга қайтариб, сўнг соғлом жойга етгунча ўраб борасан. Бу биринчи боғичдир. Сўнгра иккинчи боғични ҳозирлат ва уни синиқ суяк устига икки ёки уч марта айлантриб, кейин оз-оздан бўшаштириб, [синган жойдан] қуйироққа тушир. Сўнгра учинчи боғични келтириб, [қуйидан] юқорига қараб шундай айлантриб ўра; шунда иккита [аввалги] боғич аъзодан чиқиндиларни ҳайдашга, тўғри тутишга ва [умуман] боғични боғлашдан кўзда тутилган мақсадга эришишга ёрдам беради. Боғлаётганда ҳар икки томонга ҳам ҳаддан ташқари кўп ўтиб кетма, бундай қилинса, аъзо томирлари тўсилиб, [у] озиқ ололмайди; баъзан у аъзо ишдан чиқади.

Гоҳо бу йўсунда боғланмай, балки [аввал] юқорига қараб боғлаб чиқиб кейин қуйига тушилади. Сўнг қуйига қараб тушган боғичнинг энг қуйисидан бошлаб, юқорига қараб боғланган боғичнинг энг юқорисигача боғланади; гўё бу [учинчи] боғич аввалги иккитасини сақлаб туради. Боғични синган жой [устига келганда] қаттиқроқ сиқилади. Бу икки боғичнинг биридан кутилган мақсад [маълум] аъзога модда торттилиши учун боғланадиган боғичдан кутилган мақсадга зиддир. Бунда аъзонинг қуйисидан узоқроққача оҳиста-оҳиста бўшаштириб борилди; бу олдинги боғичга қарама-қаршидир.

Бу боғичлар тахтакач тагидан боғланадиган боғичлардир; аммо тахтакачлар устидан ҳам боғич боғланади. Устидан боғланадиган боғичга келганда, у синган аъзони ҳаракатсиз бир бутун бўлакка айлантриб қўядиган || ва уни қимирлаш ва букилишга қўймайдиган бў- 373
лиши керак.

Суяк энига қараб тамоман синганда боғични текис ва бир хилда ўраб боғлаш лозим. Агар синиш бир томонга қараб кўпроқ мойил бўлса, бу новданинг синишига ўхшайди³, кўпроқ синган томонни маҳкамроқ боғлаш керак. Боғичларни [мазкур] шаклларда биридан кейин

иккинчисини алмаштириб боғлаш керак эмас, чунки бу тўғрилаб тузатилган [суяк] шаклини бузади ва, кўпинча, бу хил боғлашдан юз берадиган буралиб қолиш сабабли оғриқ туғдиради. Тириштирадиган қилиб боғлаш боғлаш турининг энг ёмонидир, чунки бу хилда қаттиқ боғланса, оғриқ пайдо қилади, бўш боғланса қийшайтиради.

Буқра 7. Боғични бир кун ечиб, бир кун ечмасликни тўғри топади. шундай қилиш яхшироқ, чунки бунда касал [боғлашдан] қийналиб шикоят қилмайди ва зарурий суратда суюқ, азият берувчи рутубат келиб турган аъзони тимирскилаб қашина бермайди; бу рутубат кўпинча сариқ сувга айланади. Боғлаш айтиб ўтилган шартларга мувофиқ яхши бўлганлигини текшириб кўриш учун энг яхши¹ вақт, [сингандан кейинги] ўнинчи ва йигирманчи кун атрофидаги вақтлардир; чунки маҳкамловчи суяк қадоғи ана шу вақтда унишга бошлайди.

Кейин, суяк суякка бирикканда жуда қаттиқ боғлама ва боғланган жой қисилиб қолмаслиги учун уни [ечиб] шамоллатиб тур; қисиб қўйиш қадоққа ва унинг керакли миқдорда пайдо бўлишига тўсқинлик қилади; натижада қадоқ юпқа ва кучсиз бўлибгина пайдо бўлади. Бироқ, қадоқ вужудга келиб, керагидан ортиқ ва жуда ҳаддан ташқари катталашаётган бўлса, қаттиқ қилиб боғлаш унга тўсқинлик қиладиган [тадбирлардан] биридир; тўсқинлик қиладиган буриштирувчи [дори] ларни ишлатиш ҳам шундай, чунки булар озиқ [ўтиши]га тўсқинлик қилади ва қадоқни буриштиради, натижада унга озиқ ҳам ўтмайди. Боғични бевақт ечиб қўйиб, ором бера бериш ҳам яхши эмас.

Саккизинчи фасл. Тахтакачлар қандай бўлиши керак

Тахтакач ясаладиган жисм қамиш, самбит ёғочи, анор ёғочи ва шуларга ўхшаш пишиқ, эгилувчан ва юмшоқ бўлиши керак; унинг энг йўғон жойи синган жойга икки томондан тегиб турадиган жойи бўлсин; тахтакачларнинг синган жойга ёки қаттиқ синган жойга тегиб турадиган биринчиси қалин, атрофдагилари юпқароқ бўлиши керак, [Тахтакачларнинг] четлари силлиқ бўлиб, [тагидаги] бойлоққа ботмасдан, текис туриши лозим. Тахтакачлар тўрт томондан қўйилса, бу эҳтиётлироқ бўлади. Агар улар ортиқроқ узун бўлса, ҳеч зарари йўқ, чунки бу зарар қилмайди. Тахтакач бир бўғин яқинидан бошлаб, иккинчи бўғингача қопласа, бўғиннинг ўзини беркитмаса ҳам зарари йўқ.

Тахтакачнинг узунроқ томони аъзонинг букилиб ҳаракат қиладиган томонида туради. У оғирлик қилмайдиган, [203] қаттиқ босмайдиган ва қисмайдиган бўлсин; шунингдек, улар боғичлардан деярли қисқа бўлмасин, акс ҳолда тахтакачлар [синган жойни] қисиб босиб қолади. Шундай ҳолатлардан биронтасини учратсанг, мўътадил даражага келгунича уларни қисқартир. Тахтакачлар очилиб қолган, этсиз ҳамда асабли ва суякли жойларга тегиб туриши керак эмас.

**Тўққизинчи фасл. Тахтакачларни ишлагиш усулининг
батафсил баёни**

Тахтакачлар [суяк сингандан кейинги] бешинчи ва ундан кейинги кунлардан бошлаб то офат етишидан хотиржам бўлинадиган кунларгача қўйилиши керак. Синган аъзо йўғонлаша борса¹, тахтакач қўйишни кечиктириш лозим; бунда шошиб тахтакач қўйиш, кўпинча, шиш, қичишиш ва сувли қаварчиқ каби офагларни келтиради. Лекин тахтакач кейинга қолдирилганда, боғичлар билан яхшилаб боғлаш ва [аъзони] яхши вазиятга қўйишдан иборат тахтакач ўрнига ўгадиган тадбирларни қўллаш зарур. Агар бу мумкин бўлмаса, [синишнинг] дастлабки пайтидаёқ тахтакачлар қўйиш лозим.

Тахтакачлар боғич ва бойлоқларга уларни текис тутиб турадиган ҳолда ёпишиб бирикиб туриши, энг қалин жойи синиқ устига мос келиши, бироқ, уни қаттиқ босиб тўсиб қўймаслиги лозим; балки беморнинг ҳолатига қараб тахтакачни оз-оздан қаттиқроқ боғлайсан.

Агар боғич ва бойлоқлар билан тахтакач орасида кавак қоладиган бўлса, уларни кўп ўралмасин, чунки кавак қолганда бўш бойланади. Тахтакач устидан боғланадиган боғичларни тахтакачларни буралтириб ва мувофиқ вазиятини йўқотиб юборадиган қилиб боғламаслик керак. Боғичларни ихтиёрий равишда эмас, зарурат юзасидан дастлабки пайтда ҳар икки кунда, айниқса, қичишиш пайдо бўлган вақтда ечиб туриш лозим; бу пайтда биз [юқорида] буюрган тадбирларни амалга оширилади. Тахтакач боғлашдан етти кун ўтгандан кейин ҳар тўрт ва беш кунда бир ечиб турилади; чунки шу вақтда қичиш ва шиш пайдо бўлишидан омонлик бўлади. Озиқ ўтишига тўсқинлик қилмаслиги учун шунда боғични ҳам озгина бўшаштирилади. Тахтакачларни йигирма кунгача ечмай, боғлоқ ҳолида қўйиш мумкин бўлса ва бу зарар қилмаса, уларни ечилмайди, лекин баъзи вақтларда бирор аниқ сабаб бўлмаса ҳам эҳтиёт [юзасидан] нима бўлганини билиш, очилиб қолган эт рангининг ўзгарганини ва ҳолатини кўриш учун очиқ қаралади. Тахтакачни синган жойга озиқ етишига тўсқинлик қиладиган қилиб боғламаслик кераклиги сенга маълум; чунки синиқ жой ўзига етиб турадиган қон ва кучли озиқ туфайлигина битади.

Синган суяк битганини кўрсанг ҳам, тахтакачларни олиб ташлашга шошилма; кўпинча, ҳали || қадоқ маҳкамлашмай, аъзо қийшиқ бўлиб қолади. Керак бўлмаса ҳам, тахтакачни синган аъзо устида қолдириш уларни вақтидан олдин олиб ташлашдан кўра яхшироқдир; [уни олишга] шошилмай қўйиб қўй!

Унинчи фасл. Синишнинг жароҳат билан бирга бўлиши¹

Синиш ва жароҳат бирга воқе бўлганда шикастабанд жуда оҳисталик билан тадбир қўллаб, тахтакачларни жароҳатли жойдан узоқлатсин ва жароҳатга муносиб марҳамларни, айниқса зифт марҳамини қўйсин. Баъзи кишилар аввало жароҳатнинг икки томонини боғлаб, жароҳатни очиқ ҳолда қолдиришга буюрадилар, бу тадбир жароҳат синган суяк устида бўлмаганида яхшидир, сўнг жароҳат устига уни ҳаводан беркитиб турадиган бошқа парда қўйиш керак. Агар жароҳат синган суяк устида бўлса, [тахтакачлаб] боғланганда усталлик билан ҳийла ишлатиб, ҳар томондан пишиқ қилиб боғланади ва жароҳатнинг ўзини унга мувофиқ шаклда бир оз очиқ қолдирилади; бойлоқларни қора тахир шароб билан ҳўллаб қўйилади. У ҳийла мана шундай: боғичнинг бир учини жароҳатнинг [юқори] чеккасига қўйиб, кейин қиялатиб орқага тортилади; бошқа бир боғични келтириб жароҳатнинг бошқа қуйи чеккасига қўйилади. Сўнгра бошқа боғичларни керагича [қўйиб] тугаллаб, қиялатиб боғланади, ниҳоят жароҳатнинг ўзи очиқ қолиб, бошқа жойлар пишиқ боғланади. Бир боғични юқорига ва бир боғични қуйига тортиб, синган жойни пишиқроқ боғланади, жароҳат эса очиқ қолади. Уни истаган вақтингда оча оласан. Шунингдек, жароҳатга дори етиб бориши ва ундан зардоб чиқиб туриши мумкин бўлсин учун тахтакачларни жароҳат рўбарўсига тўғри келган жойидан тешиб қўйишнинг ҳам мумкин, буни шундай қилиш керакки, кейин ҳар иккаласини ҳам² беркитиб қўйиш мумкин бўлсин. Чунки жароҳатни, айниқса, совуқ ҳавода очиқ қолдириш ёмон; бироқ уни фақат қисиб қўймаслик [204] ва кечаси беркитиб қўйиш керак.

Тахтакач қўйиш кейинга қолдирилган бўлса, жароҳат тузалгач, уни ишлатабер; агар жароҳат тепаси очиқ қолдирилган бўлса [энди] тахтакачни ўша жойга [суриб] ўрнаштирилади.

Жароҳатга хос дори ишлатиш учун уни беркитиб турган нарса [парда]ни эрталабми, кечқурунми — истаган вақтда очиш мумкин бўлсин ва бунда синган суяк боғичига ҳеч бир тегилмасин. Буқрот: «Агар жароҳат янги бўлса, уни боғичнинг ўртасига [тўғри келтириб] боғлаш керак; агар у эскирган ва етилгандан кейин йиринглаган³ бўлса, [боғичнинг] ўртаси [жароҳат устига] келгунча юқоридан боғлаб тушилсин»,— деган. Айниқса, моддани оқизиш мумкин бўлсин учун жароҳатнинг атрофи ҳам боғланади; шунда юқори томонини чидаш мумкин бўладиган даражада қаттиқроқ боғлаш яхши; жароҳатдан узоқлашган сари боғични бўшроқ боғланади.

Яра туфайли жуда чуқурлик пайдо бўлганда, шу жойни қаттиқроқ боғланади. Агар қаттиқ боғлаш [суякнинг] битиш жойинга тўғри

келса мақсадга мувофиқ бўлади, бўлмаса биз айтган йўсинда жароҳатга қарши тадбир кўрилади. Боғлаш синган жойга етганда ҳам қаттиқроқ боғлана беради; ўша аъзони жароҳатга йиринг йиғилганда унинг оқиб кетиши осон бўладиган вазиятга қўйиш керак. Шишни тўхтатишга ёрдам бериш учун жароҳатни ўраб турадиган боғичларни ёз фаслида совутиш лозим. Жароҳатли синган жойга, айниқса, ёзда, мумли суртмани яқинлаштирмаслик керак; акс ҳолда у аъзо чирийди; балки, қайтарувчи дорига эҳтиёж тушса, биз баён қилиб ўтганимизга мувофиқ буриштирувчи шароб ишлатиш керак. Синиш билан бирга [эт ҳам] эзилиб аъзонинг ўлиш хавфи туғилса, этни тилиб қўйилсин.

Қисқаси, шунин билгинки, жароҳат маҳкам қилиб боғланганда, бу унга келиб тушадиган [моддаларни] қайтаради¹. Агар боғлашда хато қилинса, айниқса жароҳатли жой бўш, унинг нарироғи қаттиқ боғланса [жароҳат] шишади. Жароҳат очиқ бўлмаса, йиғилган сариқ сув оқиб тушолмайди ва жароҳатга дори етиб бормайди. Агар жароҳатни очиқ ҳолда қўйилса, у чирийди, совуқ тегади ва аъзода ўлим юз беради, бу эса оғриқ ва иситмаларни келтириб чиқаради. Демак, табиб шу иккаласи орасидаги ўртача тадбирни қўллаши, юз бераётган аҳволга қараб, у ўрнашиб қолишидан олдин чора кўриши зарур.

Ун биринчи фасл. Нотўғри битган суякни синдириш

Баъзан синган суякни нотўғри битирилади, бунда уни қайтадан синдиришга тўғри келади. Шикастабанд [табиб] нотўғри битган суякдаги қадоқнинг ҳолатини аниқлаши керак; агар у катта ва бақувват бўлса, иккинчи марта синдиришга киришиш керак эмас. Киришилганда, қадоқнинг пишиқлиги сабабли, аввалги синган жойдан синдириш мумкин бўлмай, суяк бошқа жойдан синади. [Қайтадан синдирмасликнинг] иложи бўлмаса, то қадоқ бўшашгунича олдин юмшатувчи дориларни ишлатиб, кейин синдириш лозим; уни юмшатувчи нарсалар қаттиқ [шишлар] бобида айтилган дорилардир. Масалан, пўстдумба, думба, хурмо, турли ёғларнинг чўкмалари, эритилган турли ёғлар, иликлар, чигит мағзи ва шуларга ўхшашлардир. Кейин [суяк] синдирилади, шу билан бирга, унга иссиқ сув қўйишни давом эттириб, ҳар куни бир неча марта ваннага тушиш зарур. Булар фойда бермаса ва ҳаракат қилдириб синаб кўриш қадоқнинг қаттиқлигига далолат қилса, уни тирнаб [тушириш] || ва ёғлаш мумкин бўладиган қилиб бир томондан 375 этни очиш керак, кейин [суякни] синдириб тузатилади ва жароҳатга қарши тадбир кўрилади.

Нотўғри битган суякни, қўпинча, қайта синдирмасдан қадоққа [қарши] билиб ўтилган дориларни ишлатиб, кейин уни тахтакач ёрда-

мида итариб тўғрилаш орқали ҳам даволаш мумкин; шунда синган суяк [жойига] мослашиб текис бўлади; шу [ҳолатда] тўғри сақлангач, суяк устидаги қадоқ ҳам тўғриланади. Бу тадбир айниқса юмшоқ баданларда [қайтадан] синдиришдан қутқаради.

**Ун иккинчи фасл. Синганга ишлатиладиган суртмалар
ва улар ўрнига ўтадиган дорилар**

Бу суртмаларнинг баъзилари шишга тўсқинлик қилиб, қичишни тўхтатиш учун, баъзилари қадоқни маҳкам ва кучли қилиш учун, баъзилари катталашиб кетган қадоқни муътадиллаштириш учун, баъзилари синган суяк тузалгандан кейин бўғинда пайдо бўладиган қаттиқликни кетказиш учун, баъзилари эса, бўғинларда бўшашиш воқе бўлса, уни йўқотиш учун ишлатилади.

**Ун учинчи фасл. Шишга тўсқинлик қиладиган суртмалар
ва дорилар ҳамда қичишишни кетказадиган дорилар**

Боғлаш бобида бу тўғрида билиш керак бўладиган нарсаларга ишорат қилиб, мумли суртмалар, қуйиладиган тахир шароб ва шуларга ўхшашларни айтдик. Ҳозир яна қайтариб айтамикки, ишлатиладиган мумли суртма ёки бошқа дориларда ҳеч бир дағаллик бўлмаслиги, [205] балки улар жуда майин ва юмшоқ бўлиши керак. Чириш хавфи туғиладиган жойга ва синиқ бўлаклари кўп жойларга мумли суртмаларни ишлатиш керак эмас, чунки, аксари бу хил [синишда] яра бўлиши сабабли, аъзони чиришга қобилиятли қилиб қўяди.

Иссиқ сувларни қуйишга келганда, улар ҳақида гапирдик ва уларда қичиш пайдо қиладиган моддаларни тарқатиш ва озиқ бўладиган моддани [синган жойга] тортишдан иборат фойда борлигини билдирдик. Боғлаш натижасида синган аъзо жуда қуриб қолганида ҳам [иссиқ сув қуйишга] эҳтиёж тушади, унинг миқдори маълум.

**Ун тўртинчи фасл. Суяк қадоғини маҳкамлаш учун
ишлатиладиган суртмалар**

Буриштирувчи латиф дориларни қўйиш ва шуларга ўхшаш қуёқ суртмаларни боғлаш бу жиҳатдан фойдалидир; масалан, мирта қайнатмаси, агар ёғларга эҳтиёж тушса, миртанинг ёғи, хина ёғи, мирта барги ва донининг суви билан тайёрланган суртма, Миср акация дарахтининг қайнатмаси, қайрағоч илдизи ва баргининг қайнатмаси; бу кейингиси қадоқни битирувчидир. Мошдан, айниқса, унга заъфарон ва

мурр қўшиб хушбўй шароб билан қориштириб тайёрланган қуюқ суртма жуда яхшидир. Хурмо гулининг қобиғи ҳам яхшидир.

Ун бешинчи фасл. Суяк қадоғини мўътадиллаштириш¹ тадбири

Унинг бошланиш ва янгилик вақтида айтиб ўтилган буриштирувчи дориларни ишлатади, чунки бу дорилар қадоқни буриштириб қаттиқлаштиради ва ҳажмини кичрайтиради, аммо бу даврлардан ўтиб ҳаддан ташқари катталашса, айниқса, у бўғин яқинида бўлса, этни ёриб уни очиш ва то мўътадиллашгунча қириш зарур. Буларнинг ҳаммасини юқорида айтиб ўтилди.

Ун олтинчи фасл. Бўғин қаттиқлигини юмшатувчи дорилар

Бунда аввало иссиқ сув қуйиш, сўнгра турли ширалар, елимлар, ёғлар ва сариеғлардан тайёрланган юмшатувчи қуюқ суртмаларни қўйиб боғлаш ва суртиладиган дориларни ишлатиш керак; агар буларга ўткир сирка қўшилса, улар чуқурроқ [сингиб] боради. Хурмо, думба ва кунжут ёғи ишлатилса ҳам, шуларга яқин таъсир кўрсатади — булар фойдали ва енгил қуюқ суртма бўлади. Янчилган канакунжут уруғи ҳам шундай, уни ўзининг ярмича ёғ ва тўртдан бирича асал билан² қориштирилади. Баъзан гулсапсар ёғининг ўзидан тайёрланган мумли суртма кифоя қилади. *Сиқиррус* бобида айтилган юмшатувчи дориларнинг барчасини ишлатилса ҳам ёрдам беради. Мизож совуқликка айланганини сезсанг, бу дориларга қундуз қири, Эрон қавраги ва говшир каби нарсаларни қўш.

Я х ш и д о р и: зиғир ёғининг чўкмаси, кунжут ёғининг чўкмаси, сутда қайнатилган сариқ йўнғичқа ва эритилган думбани олиб ишлатилади. Яна: гулхайри илдизи, ёввойи бодринг илдизи, муқл, қаврак елими ва говширларни олиб, ўткир сиркада эритиб суртилади. Фил тиши марҳами ҳам фойдалидир.

Я х ш и д о р и: сариқ йўнғичқа шираси, зиғир уруғи, ёввойи бодринг шираси, қаврак елими, ладан, ҳўл зуфо, гулсапсар ёғи, ўрдак ёғи, юмшоқ муқл, холис гальбан елими ва бузоқ илигини олиб [ўсимлик] ёғида эритиб марҳам ясалади.

Б о ш қ а х и л к у ч л и д о р и: эски зайтун ёғидан икки *ритл*, гулсапсар ёғидан ярим *ритл*, майъа елимидан чорак *ритл*, сариқ мумдан ярим *ритл*, сақичдан икки *уқия*, *фарфиюндан* икки *уқия*, тоғ эчкиси суягининг илигидан тўрт уқия олиб, марҳам ясалади.

Бўғинлардаги [синганни] битирганда пайдо бўладиган қаттиқликка қарши фойдали марҳам: қаврак елимидан бир бўлак, яҳуд муқли-

дан ярим бўлак. ладандан ярим бўлак, хина ёғи ва ўрдак ёғининг ҳар биридан чорак бўлакдан олиб, елимларни¹ эритилади, кейин ҳаммасини қўшилади.

Яхши марҳам: қаврак елимидан ўттиз олти мисқол, сарнқ мумдан ҳам шунча, сақич дарахти елими, муқл ва гальбан елимининг ҳар биридан саккиз уқия, хина ёғидан тўрт уқия олиб, елимларни сирқалда ивйтилади, кейин [ҳамма дориларни] ўзига ҳам, дастасига ҳам гулсапсар ёғи суртилган ҳавончада аралаштирилади.

376 Ғуддага ўхшаш тугунчак пайдо бўлган жойга,— биз уни ўз бобнда баён қилдик,— биз ҳозир айтадиган марҳамлар ишлатилади, [марҳам] бўлмаганда || қундуз қири, қуст, каптар тезаги ва хардалларни қуюқ суртма қилиб ишлатилса, жуда фойдали бўлади.

Юмшатувчи яхши дори; гулсапсар ёғининг қуйқасидан бир уқия, зигир ёғи чўкмасидан бир уқия, майъа елими, гальбан елими, говшир ва қаврак елимининг ҳар биридан [206] ярим уқия, юмшоқ муқлдан бир уқия, айиқ ёғи, ёки ўрдак ёғи, ёки товуқ ёғидан, ёки довудия фақиҳларининг² ҳалол деб билишларича чўчқа ёғидан икки уқия олиб, марҳам ясалади.

Ўн еттинчи фасл. Бўшашган [бўғинни] кучайтирувчи дорилар

Буни даволашда арча уруғи ва сарв [бужури] каби буриштирувчи латиф дорилар ёки заъфарон, мурр ва дорчин каби нарсалар аралаштирилган буриштирувчи ғализ [қуюқ] дорилар асос қилиб олинади. Қора андиз, айниқса, унинг игир қўшиб қайнатилгани жуда фойдалидир. Эски чарви ёғи билан қўшилган ток кули, хурмо гулининг қобиғи, шунингдек, қадоқни маҳкамлаш бобида айтилган барча нарсалар [ҳам фойдали].

Ўн саккизинчи фасл. Иссиқ сув ва ёғ ишлатиш

Билгинки, иссиқ сув ва ёғ синганни битиришга мос келмайди, чунки бу иккаласи ҳам битишга тўсқинлик қилади. Лекин уларни битиришдан олдин [ишлатилса, суякни] битишга тайёрлаши туфайли мос келади; битгандан кейин ҳам мос келади: шиш, қаттиқлик, қадоқ қолдиқларини ҳамда боғичлар сабабли асабда пайдо бўлиб ҳаракатни оғирлаштирадиган қуруқликни тарқатади. Иссиқ сув, ўсимлик ёғлари, чарвилар ва илик ишлатсанг, мана шу офатга қарши чора кўрган бўласан, аммо шу иккаласининг орасида³ сув ва ёғлар битишга жуда монелик қилади.

Баъзан болаларда ва уларга яқин ёшдаги кишиларда, бошқаларда эмас,— қуюқ суртмалар қуриб қолиб оғритаётган бўлса, шу пайтда оғ-

риқли жойни ёғлаш зарур; кейин бойлоқлар қўйиб тахтакачланади. Аммо оғриқ тўхтаганда бундай қилишга рухсат йўқ. Баъзан табиблар биринчи боғични ечганларида, иссиқ сув қуядилар; бундан кутиладиган фойда суяк синган жойга моддани тортишдир. Сув касал учун мўътадил туюладиган бўлиши керак, чунки жуда иссиқ сув, баъзан, айниқса уни узоқ муддат қўйиб турилса, тоза баданда [моддани] тортгандан кўра ортиқроқ тарқатиб юборади, тўла бадандан эса, айниқса, у сувни қисқа вақт қўйилса, тортиши лозим бўлгандан ортиқроқ [моддани] тортади. Демак, сув иссиқ бўлиши билан бирга мўътадил, уни қўйиш вақтининг [узоқлиги] эса аъзо бўртиб ва кўпчиб кўринадиган миқдорда бўлиши лозим; аъзо пучаяётганда сув қўйилмасин. Бўгин чиқиши бобида сув қўйишнинг бу ерда ҳам эътиборга олиш зарур бўладиган қоидаларини баён қилиб ўтдик.

Менимча, синган жойда оғриқ бўлмаганда аъзога ҳеч бир ёғ ва иссиқ сув ишлатмаслик маъқулроқ; лекин [битиришдан] олдин эҳтиёт юзасидан ишлатиш мумкин. Бўгин тойган ва эзилганда уни битиргандан кейин пайдо бўладиган қаттиқликка қарши қўйиладиган дорилардан бири хурмо ва думба ёғидир.

Ун тўққизинчи фасл. Синган жойи тузатилаётган кишига бериладиган овқат ва ичимликлар

Бундай кишига бериладиган овқат қуюқ қонни, лекин қуюқ қуруқ эмас, балки ёпишқоқ қуюқ қонни пайдо қилувчи нарсалардан иборат бўлиши керак; шунда қадоқ қуруқ, кучсиз, синувчи бўлиб эмас, майин ва кучли бўлиб пайдо бўлади. Улар, масалан, почалар, атала, қоринлар, каллалар, улоқ териси, қайнатилган қўзичоқ [гўшти] ва шуларга ўхшашлар, ичимлик — буриштирувчи қуюқ шаробдир. Тотиладиган нарсалар эса шоҳбаллут ва ўткир мазали бўлмаган мағизлардан иборат. Касал қонни суюлтирувчи, қиздирувчи ва қуюлишдан узоқлаштирувчи нарсалар, масалан, суюқ шароб ва кўп дориворлар қўшилган овқатлардан сақланиши керак. Қисқаси *унга ёпишқоқ ва юмшоқ овқатлар берилсин¹. Лекин у ерда жароҳатдан иборат монелик бўлиб латиф овқат беришни тақозо қилса, [жароҳатнинг] катталиги ёки кичиклиги ва алам пайдо бўлиш хавфига қараб овқат берилади. Аммо бундай монелик бўлмаса, овқат ва ичимликларда кенгчилик берилсин.

Эҳтиёт қилишни истаган киши дастлабки пайтда шиш зараридан сақланиб қолиш учун *жўжа ва товуқ гўшти каби² латифлаштирувчи тадбир қўлласин. Баъзан шунда томирдан қон олиб, сурги қилишга эҳтиёж тушиб, сўнг бир неча кун ўтгач, [яна] ўша латиф тадбир қўлланила беради. Шу билан бирга, қадоқ ҳаддан ташқари катталашиб, уни тўхтатиш зарур бўлса, бундай тадбирни қўлламаслик керак.

**Йигирманчи фасл. Суяк қадоғи қаттиқлашаётган пайтда
истеъмол қилиниши мувофиқ бўлган
овқатнинг сифати**

Кепаксиз нон, гуруч уни, семиз қорамол ёғи ва сутни олиб атала ясалади, уни яхшилаб кавланади. Бундай касал [суякни] битириш учун истеъмол қиладиган дорилар ичида *мумиё* ажойбдир¹.

[207] Сিনিш ва уни битиришга эргашиб келадиган ҳолатлар ва уларга қарши тадбир қилиш. Сিনিшдан гоҳо бирикмайдиган эт йиртилиши юз беради; уни кесиб ташланмаса, чирийди ва ўзига ёндош суякни ҳам чиритади; шунинг учун уни кесиб ташлаб доғлаш зарур. Гоҳо [суяк синганда] қон оқиб, уни тўхтатишга эҳтиёж тушади. Баъзан эт парчаланиб, қаттиқ эзилади, агар уни тилиб ёки эт чиришига монелик қиладиган дорилар билан даволанмаса, гангренага айланади, **377** бунга эътибор бериш лозим! Гоҳо || хатарли иссиқ шиш пайдо бўлиб, бунга қарши тадбир қўллаш керак бўлади. Баъзан айтиб ўтилган нарсалар билан даволаниши зарур бўладиган жароҳатлар пайдо бўлади. Айрим ҳолларда синган жойда кераксиз миқдорда ҳаддан ташқари [катта] қадоқ ўсиб, бунда овқатни камайтириш, у ерни боғлаб ва айтиб ўтилган бошқа тадбирларни қўллаб, унга озиқ ўтиб туришга монелик қилиш лозим. Гоҳо тортиш сабабли бўғинларда бўшашиш юз беради. Баъзан *суяк ичида туғилган иликка томон сариқ сув оқади². Бунда суякни чиқариб олишга ва сариқ сув учун йўл очишга тўғри келади.





УЧИНЧИ МАҚОЛА

ТУРЛИ АЪЗОЛАРНИНГ СИНИШИ

Биринчи фасл. Бош косасининг синиши

Қўпинча, бош косаси синса ҳам, унинг териси ёрилмайди, балки шишади. Шунда шишни даволаш билан машғул бўлиб, ёрилган [суяк] ни қўйиб турилса, қўпинча, [шиш] тагидаги суяк бузилиб, шиш тузалишидан олдин ёки кейин иситма, қалтираш, ақлдан озиш ва бошқа хил ёмон касалликлар пайдо бўлади ва [суякни] очишга тўғри келади. Касалнинг тимирскилаб тез-тез қўл тегиза бериши, қўпинча, синган суяк жойи [қаердалиги]ни кўрсатади. Шу пайтда синган суякни даволаш учун жароҳатни аввалги ҳолатига қайтариш лозим. Терини унда сариқ сув тўхтамайдиган қилиб очиш керак; чунки бу хил синиш ва бошқа ҳар қандай синишда ҳам сариқ сув тўхташи учун жой бўлмаслиги зарур, лекин шиш кўпайишининг хавфи бўлмаса ва унинг камайиб бораётгани кўрилса, [очиш керак эмас].

Агар терининг ёрилган жойи оз бўлиб, бир нечта [жойидан] синган суякнинг битта [жойигагина] рўбарў бўлса ёки шиш тешилиб оқиб, шу жойдан биттагина синиқ кўрилиб турса, бу кўп хатоларга олиб келади, чунки [табиб] суяк шу битта [жойдан] синган деб гумон қилади. Шунинг учун синган суяк ҳолатини яхшилаб текшириш керак. Синишнинг сабабини ва синдирувчи нарсанинг оғирлик, катталиқ ёки кучлиликда қандайлигини аниқлаш бу масалада тўғри фикрга олиб борадиган тахминлардандир; шу йўл билан синишнинг қай даражада эканлиги маълум бўлади. Шунингдек, бунга *сакта*, кўз олди қоронғиланиши, товۇш олинниши ва шунга ўхшаш ҳолатлар ҳам далолат қилади.

Гоҳо бош терисининг кўп ва турлича ёрилиши ёки ёрилишнинг биргина томонда бўлиши ҳам синган [жой] ҳолатига далолат қилади; бироқ, шу билан бирга, бу ҳар томонлама далолат қиладиган далил эмас. Чунки ичкарида синиш кўп ва катта бўлса ҳам, тери ё ёрилади, ёки ёрилмайди. Шундай пайтда мумкин бўлса, диққат билан қараб

текширишдан чиқадиган далиллар орқали аҳволни аниқлаш зарур. Бундай ҳолларда бош терисини бут шаклида кесиб суяк майдаларининг ҳаммаси очилгунича шилишга тўғри келади. Агар қон оқа бошла-са, кесилган жойга қуруқ латталар тиқиб, кейин шаробга ботирилган латта парчаларни қўйиб боғлаб, эртасигача қолдирилади.

Суяк очилиб қоладиган даражагача борган бош ёрилишини яралар баён қилинган жойда ва ундан олдин биз айтиб ўтган нарсалар билан даволанади. Аммо бош суягининг майдаланиши, синиб ўрндан силжиши ва шунга ўхшаш ёрилишлар ҳақида шу ерда гапирамиз.

Бош суяги синишидаги ҳолатларнинг энг кичиги, суякнинг бошқа томонига ўтмай, балки [синиқнинг] ажралишидан олдин¹ тўхтаб қоладиган пўстлоқсимон ёрилишидир. Бундай синиш бекик ва сезилмайдиган, гўё қил сингари [дарз] бўлади; бундай ҳолларда ҳам тўғри тадбир ёриқдан ҳеч бир асар қолмагунча [суякни] қиришдир. Агар ёрилган жой кўзга кўрингунча бирон қора суюқликни қўйиб аниқлаш ҳийласини қўлламоқчи бўлсанг, шундай қиласан, кейин ёриқ изи қолмагунча қирасан. [Шу пайтда] олдинда турли катталиқдаги қирғичлар тайёр турсин; аввало, энлироғини ишлатиб, кейин ингичкароғига ўтасан. Ёрилган суякни қириб бўлгач, бош дорисини ишлатасан; бу сен учун кифоя қилади. Бош дорилари, масалан, гулсапсар илдизи, ёввойи ясмиқ уни, [208] кундур елимининг кукуни, аристолохия, говшир илдизининг пўсти, *мурр*, анзиратгўштхўр, бақам дарахти елими ва барча ачиштирмай қуритувчи нарсалардир. Буни яраларни даволагандек даволанади.

Агар ёрилиш суякнинг нариги томонига ўтган деб тахмин қилсанг, уни *иккинчи томонга ўтказмай² қириш билан йўқотиб бўлмайди. Қирганда чуқур боришдан сақлан, балки тўхташ лозим деб билган жойингда тўхтаб, мия пардаси ҳолатини аниқла: у суякка нисбатан ўз вазиятини сақлаб турибдими [ёки йўқми]? Агар [вазиятни сақлаб турган] бўлса, офат камроқ, хавфсизлик аниқроқ бўлади ва шиш юз бериши кам учрайди, у юз берганда ҳам бежавотир ва кичик бўлади, йиринг тез ва тўлиқ етилади. Агар бошга етган зарба [мия пардасини] суякдан ажратиб қўйган бўлса, бунда хатар кўпроқ бўлади, оғриқ, иситма ва уларга эргашиб келадиган ҳолатлар кўпроқ учрайди, суяк ранги тезроқ ўзгаради, зардобли суюқ йиринг кўпроқ оқади, оғриқ, иситмалар, тортишиш, беҳушлик, ақлдан озишлар || даволашга бепарволик сабабли кўп юз беради. Бундай ҳолатда, балки барча ҳолларда ҳам, ёз фаслида бўлса-да, совуқдан жуда сақланиш лозим, чунки совуқдан зўр хатар етди.

Аммо бош териси фақатгина ёрилган бўлиб, лекин суяк уст пардаси кўринадиган катта бўлса, кўпинча, уни боғлаб қўйиш, шунингдек, совуқдан қуюқ суртмаларни ишлатиш кифоя қилади. Лекин тўғ-

рироги, аввало, ёрилган жойга гул ёғини илитиб қўйиб, кейин жароҳатнинг икки томонини йигиштириш ва керак деб топилса, уларни тикиб қўйиш, кейин унга қора андиз кукунини¹ сепиш, устидан тухум оқи билан ҳўлланган каноп латта қўйиш, бунинг устидан зайтун ёғи билан аралаштирилган буриштирувчи шароб шимдирилган латта парчалар қўйиш, кейин бошқа бойлоқ қўйиш керак. Қасални тинч қўйиб ором берилсин, ухлатилсин, эҳтиёж бўлса, томирдан қон олинсин.

Ҳар бир ёрилиш ва синишда суяк [синиғи]ни бутунлай чиқариб ташлашга уринма! Чунки бу ҳамма жойда мумкин бўлавермайди; бизнинг суяк синиши ва уни битириш ҳақидаги умумий бобда айтган тавсияларимизни эсда тут. Шу билан бирга, кўп кишиларнинг бошларидан суяк синиғини қирқиб ёки бошқа бир усулда олиб ташланганда, у ёрилган жойдан эт ва тери униб, улар яшаб юрганлар.

[Суякнинг] майдаланиб синиши ва ундан кейинги ҳолатларга келганда, билгинки, бош суяклари синганда бошқа синган суяклардан бошқачароқ бўлади. Чунки улар синганда табиат бошқа суяклар устидан ундириб барпо қилганидек бош суяклари устида бақувват суяк қадоғини барпо қилмай, балки кучсиз [бир] нарса ундириб чиқаради. Шу сабабдан, бошнинг ичкарисига йиринг қўйилмаслиги учун, агар бош суяги тўла ёрилган бўлса, [суяк синиқларини] чиқариб олиш ёки, тўла ёрилмаган бўлса, уларни кесиш олиш керак ҳамда у [синиқларни] тузатишга машғул бўлмаслик керак. Бу ишни ёзда етти кундан, қишда ўн кундан нарига ўтказилмасин; қанча тезроқ қилинса, шунча яхшироқ ва катта офатлар юз беришидан узоқроқ бўлади. [Синиқ суякни тезроқ чиқариб олишни] тақозо қиладиган ва талаб этадиган сабаблардан бири шунки, боғлаб қўйиш бош суягидан бошқа суяклардангина моддаларни қайтара олади, бош суягини бу хилда боғлаш бош суяги синганда мумкин бўлмайди. Шунинг учун, зарур топилиши биланоқ, [бош косаси] қаттиқроқ синганда йиринг чиқиб турсин учун синиқ суякларни олиб ташлаш зарур.

Агар моддани ҳайдайдиган қилиб сиқиб боғлаш натижасида битирилган суяк ичкарисида сариқ сув пайдо бўлса ва у сариқ сув ўша [синган] жойнинг ўзида пайдо бўлиб, иликка ўтса, ўша ерни очиб тозалаш зарур бўлади-ю, [бош] каби аъзода қандай қилиб зарур бўлмасин!

Демак, бу пайтда суяк синиқларини териб олиш ёки қирқиб олиш ҳамда жойни очиш ва то унинг хавфидан қутилгунча уни битишга қўймаслик зарур; ичкарига зардоб оқиш хавфи бўлмаса эди, суякни кесмас эдик. Кесиш энг мувофиқ жойдан бўлсин; энг мувофиқ жой — сариқ сув яхши оқади деб тахмин қилинадиган [ёриққа] рўбарўликни, кесишнинг осонлигини, силкинтириш ва қийнашга кам эҳтиёж тушишини ўзида жамлаган жойдир. Шу билан бирга, бу жой, масалан, бош те-

паси каби, асаблардан жуда узоқ бўлиши керак, чунки бош тепаси асаблар ўсадиган жойлар билан тўқнашмайдилар. Мия пардасига совуқ теккизмасликка ҳаракат қил, чунки бу ёмон ва хатарлидир. Қасалга латиф овқат бер, [бошга] илитилган ёғни қуйиб тур. Мия пардасида қоралик кўринса, бу, кўпинча, парданинг юзида бўлиб, зарар қилмайди, баъзан унга дорилар сабаб бўлади. Бунда то қоралик кетгунича ўзига уч баробар гул ёғи қўшилган асал билан даволанади ва қора андиз дориси¹ сепилади. Агар қоралик ўрнашиб қолса, ундан қоч!²

Суякнинг бир қисмини шилиб, кесиб чиқариб олиш зарурати тўғри топилса, буни тезлат, [209] у жойда тўла-тўқис йиринг вужудга келишини кутиб турма; уни кутиш «она» деб аталадиган парда қисилмайдиган ёки [унга суяк синиғи] санчилмайдиган ҳолдагина мумкин, санчилиш дарҳол шиш ва тиришишни келтириб чиқаради; баъзан бу *сакта* касаллигига олиб боради. *Сакта* воқе бўлганда дарҳол у суякни чиқариб олинса, сезги шу ондаёқ [аслига] қайтади. Аммо тешик бўлса, ишни яна ҳам тезлатиш керак.

Бош косаси синиб мия пардаси кўриниб қолса ва шишса,— буни *фитра*³ деб аталади,— биз айтиб ўтган тадбирни тезлик билан қўллашинг керак. Агар кутиш лозим бўлса, икки ёки уч кун кутиб тур; кўпинча, иккинчи куни даво қилишга тўғри келади.

Суяк синиғини кесиш гоҳо айтиб ўтилган нозик арра ёрдамида амалга оширилади, баъзан эса суяк узилиб тушадиган даражада тутааш майда тешиклар тешиш билан бўлади; шу билан бирга, бундай [тешиб тушириш] хатарли, чунки, кўпинча, парма мия пардасига ўтиб кетади, лекин биз [юқорида] айтган ҳийлани қўлланилса, бежавотир бўлади.

Аммо [суяк синган жойни] даволашга келганда, биз бу ҳақда қадимги табибларнинг айтганларини баён қиламиз. Уларнинг айтишларича, аввало, боши ёрилган кишининг сочини устара билан олиш ва бир-бирини тўғри бурчак билан бут шаклида кесишадиган иккита ёриқ қилиш керак; икки ёриқнинг бири зарбадан вужудга келган аввалги ёриқ бўлсин. Кейин кавланиши мўлжалланган суяк очилсин учун 379 тўртта бурчак тагидаги тери шилинсин. Агар бундан қон оқа берса, || у ерга сирка қўшилган сувга ботирилган латта парча тиқилсин, бўлма-са қуруқ латта тиқиб устига зайтун аралаштирилган шаробга ботирилган латта парча қўйилсин ва мос келадиган бойлоқ билан боғлаб қўйилсин.

Агар бирор ёмон ҳолат юз бермаса, эртасига суяк синиғини кавлай бошлаш керак; у мана шундай: касални ўтқизиб қўйилади ёки синган суякка мос келадиган қилиб ётишга буюрилади, кейин [қурол] зарбаси товушидан азиятланмаслиги учун иккала қулоғига юнг ёки пахта тиқилади, жароҳатнинг бойлоқлари ечилади ва латта парчалар-

ни олиб ташлаб артилади. Кейин икки ходимга кесиб ёрилган терининг, яъни синиқ суяк устидаги терининг тўрт бурчагидан юпқа латталар билан тутиб юқорига тортиш буюрилади; агар суяк ўз табиати жиҳатдан ёки унда юз берган синиш туфайли заиф бўлса, уни бир-бирининг рўбарўсига қўйиладиган кесиш қуроллари¹ орқали кесиб олиш керак; аввало [бу қуроолларнинг] энг энлиги ишлатилади, кейин ингичкалари, сўнгра аста-секин қилдек [ингичка]лари ишлатилади; бошга азият бериб, безовталантирмаслик учун аста-секин ва оҳисталик билан уриб тешилади. Агар суяк бақувват бўлса, аввало «чуқур бормайдиган²» деб аталувчи пармалар билан тешиш керак. Бу пармаларнинг ўткир жойининг ичкарасида озгина дўнглик бўлади, бу дўнглик пармаларни мия пардасигача чуқур боришга қўймайди. Ниҳоят, шундай пармалар билан ёрилган суякни бир йўла эмас, балки оз-оздан кавлаб олиб ташланади; агар бармоқлар билан олиш мумкин бўлса, бу — жуда яхши, бўлмаса, мўйчинак, қисқич ёки шуларга ўхшаш қурол билан олиб ташланади. Тешиклар оралигида мил чўпи [учи] миқдорида жой қолиши керак, [парма] суякнинг ички сатҳига яқин олиб борилади; бироқ у мия пардасининг ҳеч бир жойига тегмаслиги керак, шунинг учун парманинг [бўйи] суяк қалинлиги миқдорида бўлиши ва [ҳар хил катталиқдаги] кўп пармаларни ишлатиш керак. Синиш фақатгина суяк букиладиган жойдагина бўлса, ўша букилган жойга эътибор бериш лозим.

Суякни кавлаганимизда бош суягида кесиш ва кавлашдан вужудга келадиган дағалликни эгов билан ёки газанга ўхшаш бирор кесиш қуроли билан текисланади; бундан олдин бу қуроолларнинг тагига мия пардасини беркитиб турадиган ва уларнинг тегиб кетишидан сақлайдиган нарса қўйилади. [Жароҳатда] майда суяк ёки синиқлардан биронтаси қолса, уни секинлик билан олиб, кейин пилик ва марҳамлар билан даволашга ўтиш керак; бу даволаш турларининг энг осони ва зарари камроғидир.

Жолинусликнинг айтишича, бош суягидан бирор бўлагини очганингда, унинг тагига кесиш қуролини тўғрилаб қўй. Қуроолнинг орқасида текис ўрнашадиган ясмиққа ўхшаш қисми бўлиб, узунчоқ томони ўткир бўлади; қуроолнинг ясмиқсимон кенг жойи [210] мия пардасига тегиб туради. Сўнгра унинг устидан кичкина болға билан уриб, суякни кесиш лозим; шундай қилганимизда, биз эришишимиз зарур бўлган ҳамма нарса муяссар бўлади, чунки бу пайтда, агар даволовчи мудраб қолганда ҳам, мия пардаси жароҳатланмайди, чунки мия пардаси ясмиқсимон қуроолнинг энли томонига тегиб туради. Агар шу қурол бош суягига тегиб турса, у, албатта, азиятсиз ўз ишини бажаради³, чунки ясмиқсимон юмалоқ қисмининг таг томони кесувчи дамига орқа томондан ёрдам беради, шунда қурол бош суягини кесади. Бу суякни

қўпориб олиш учун, бундан енгилроқ ва тезроқ бажариладиган бошқа бир турли тадбирни топиш мумкин эмас.

Арралар ва жуянкандис¹ деб аталадиган қурооллар ёрдамида тадбир қўришга келсак, бу хил тадбирнинг ноқулайлиги сабабли кейинги [табиблар] уни ёмонлаганлар. Бош суяги ёрилганига қарши тадбир ҳақида бизнинг сўзимиз ана шулардир. Мана шу тадбир бош суягида юз берадиган синишнинг барча турларига қарши қўллашга ҳам мос келади, гарчи биз ёрилганга қарши кўриладиган тадбирни баён қилган бўлсак-да, буни ёрилишдан бошқаларга ҳам қўллашга намуна сифатида келтирдик.

Бавлуснинг² айтишича, Жолинус ҳам кесилиши керак бўладиган суяклар миқдорини бизга билдиради; унинг сўзи шундай: касал суякдан қанча кесиш лозимлиги масаласига келганда [шуни айтиш керакли], унинг баъзиси жуда майдаланиб кетган бўлади; бунинг ҳаммасини олиб ташлаш керак. Аммо баъзиси узунасига анча чўзилиб ёрилади,— бу кўп учрайди,— шу пайтда ёриқ устини охиригача [очиб] бориш керак эмас, хусусан, бажарилиши зарур ҳамма ишлар керакли миқдорда бажарилган бўлиб, шу ёрилиш сабабли бирор зарар юз бермаслигини билсанг, [очиш керак эмас].

Сўнгра темир қурол билан тадбир қўллангандан кейин, жароҳат ҳажмида кенг каноп латтани гул ёғига ботириб, шу билан жароҳат оғзини беркитиш керак. Кейин икки ёки уч букланган латтани олиб, уни шароб ва гул ёғига ботирилади ва жароҳатнинг ҳамма жойига гул ёғини суртиб, кейин ўша латтани мия пардасига оғирлик қилмасин учун жуда енгил қилиб жароҳат устига қўйилади. Кейин устидан энли бойлоқ билан || фақат латталарни тутиб турадиган даражадагина [сиқиб] боғлансин. Бундан кейин алангани босадиган ва иситмани кетказадиган тадбир қўлланилади. Мия пардасини юқоридан гул ёғи билан тез-тез хўллаб турилади. Учинчи кунни бойлоқни ечиб, [ярани] артилади ва эт ундирадиган тадбирлар билан даво қилинади; аланга тўхтатилади, бош дорилари деб аталадиган қуруқ дорилардан элаки дори ясаб, мия пардасига сепилади; агар суяк [чети] туртиб чиққан³ бўлиб, устидан эт ундиришга эҳтиёж туғилса, суяк устига ҳам гоҳогоҳ сепиб турилади. Бундай беморларни биз жароҳатларни даволаш бобида айтиб ўтган дорилар билан ҳам даволанади.

Бавлуснинг айтишича, кўпинча мия пардасига темир [асбоб] ишлатгандан кейин унда иссиқ шиш пайдо бўлади, ҳатто у бош суягининг қалинлиги ва терининг қалинлигидан ҳам кўтарилиб [шишиб] чиқади. Шу билан бирга, табиатнинг ҳаракатига тўсқинлик қиладиган қаттиқлик пайдо бўлади. Кўпинча, бундай касалларда тортишиш ва бошқа ҳолатлар юз беради, булардан кейин ўлим келади.

Туртиб чиқиб мияга санчилаётган суяк, ёки ишлатилган пиликларнинг оғирлиги, ёки совуқ, ёки овқат, ё шаробнинг кўп [истеъмол қилиниши] ёки бошқа бирор махфий сабаб туфайли мия пардасида иссиқ шиш пайдо бўлади. Агар иссиқ шиш бирор аниқ сабабдан бўлса, тезда ўша сабабга қарши чора кўриш керак; агар у махфий сабабдан бўлса, уни кезкизишга ҳаракат қилинсин; томирдан қон олишга тўсқинлик қиладиган нарса бўлмаса, қон олинсин, акс ҳолда овқат кам берилсин ёки иссиқ шишларга мос келадиган тадбир, масалан, иссиқ гул ёғи қуйиш ёки сариқ йўнғичқа, зигир уруғи, бобуна ва шунга ўхшашлар қайнатилган сувни қуйиш тадбири [қўлланилсин]. Арпа уни, иссиқ сув, ёғ ва зигир уруғидан ясалган қуюқ суртма боғлансин; товуқ ёғини юнг устига қўйиб ишлатилсин — бундай юнг билан бош, бўйин ва умуртқалар ҳўллаб турилсин. [Касалнинг] қулоқларига ҳароратни тўхтатадиган ёғлардан оз-оз томизиб турилсин. Касални уй ичида иссиқ сувга ўтказиб турилсин ва унга ёғ суртилсин. Агар иссиқ шиш узоқ давом этса, сурги дори ишлатишга монелик қилувчи нарса бўлмаса, сурги дори ичишга буюр, Буқрот шундай буюрган.

Бавлуснинг айтишича, мия пардаси қорайса-ю, қоралик унинг сатҳида бўлиб, бу ҳам ишлатилган дори туфайли келиб чиққан бўлса, — чунки қора рангли дори, кўпинча, шундай қилади, — [211] шунда асалдан бир бўлак ва гул ёғидан уч бўлак олиб, аралаштирилади ва бу аралашмага латта парчани булғаб мия пардаси устига қўйилади. Агар мия пардаси ўз-ўзидан қорайса ва қоралик чуқурлашса, айниқса, у бошқа ёмон аломатлар билан бирга бўлса, бундай беморнинг соғайишидан умид узиш керак, чунки бу туғма ҳароратнинг тугалиб кетганига далолат қилади.

Мен бош суяги синган бир кишини кўрдим, унинг бош суягини бир йилдан кейин кавланганда, у соғайиб кетди. Синган жой бош тепа суяги бўлиб, синиш отилган ўқдан бўлган экан. Унда ёмон модда оқиб чиқиб кетадиган йўл бор экан, шунинг учун мия пардасига зарар етмай, у бузилишдан саломат қолган.

Жолинус бундай дейди: «Менга бош тепа суяги ҳамда чакка суяги узунасига синган бир кишини кўрсатишди. Синган суякни ўз ҳолида қолдирдим, лекин бош тепа суягидан бир озини маълум мақсадга кўра кесиб ташладим; шу тадбир кифоя қилиб, у киши соғайиб кетди».

Иккинчи фасл. Жағ синиши

Олимнинг¹ айтишича, агар жағ суяги ичкарига қараб букилса-ю, иккига ажралмаган бўлса, шунда агар ўнг томон жағ суяги синган бўлса, чап қўлнинг кўрсаткич ва ўрта бармоқларини, агар чап томон

жағ суяги синган бўлса, ўнг қўлнинг ўша бармоқларини касалнинг оғзига киргиз ва у бармоқлар билан синган суяк дўнгини ичкаридан сиртга қараб кўтар; у икки [бармоққа] қарши сиртдан бошқа қўлингни тутиб туриб текисла. Жағ суягининг тўғри бўлганини ўша [синган] томон жағдаги тишларнинг бир-бирига тўғри туришидан била-сан.

Борди-ю, жағ суяги [синиб] иккига ажралса, уни икки томонидан бир-бирига қарама-қарши тарафга тортилади: бир ходим тортади, иккинчи бир ходим ушлаб туради; кейин табиб биз баён қилиб ўтган усулда уни текислашга киришади; қийшайган ва ўрнидан қўзғалган тишларнинг бирини иккинчисига боғлайди. Агар синиш билан бирга жароҳат ёки суякнинг санчиладиган майда парчалари бор бўлса, синган жойни очиб ёки кенгайтириб, суяк майдаларини олинсин. Синган суяк жойига қайтарилиб тўғрилангандан кейин у жойни тикиб, латта парчалар ва битирувчи дорилар қўйилсин.

Яна унинг айтишича, жағ суягини мана шундай боғланади: бойлоқнинг ўртасини энса чуқурчаси устига қўйиб, икки учини икки томондан, иккала қулоқ усти билан [синган] жағнинг учига олиб борилади, кейин яна энса чуқурчасига олиб бориб, сўнгра жағ тагидан ўтқизиб, юзнинг иккала руҳи орқали бош тепасига олиб борилади, сўнгра ундан ҳам энса чуқурчаси тагига ўтказилади, шундай қилгандан кейин ўрамларни маҳкам тутиб турсин учун пешона ва бош орқасига бошқа бойлоқ боғланади; устидан енгил кичкина тахтакач қўйилади.

Агар иккала жағ¹ биргалликда ўз томонларидан ажралса, иккала қўл билан озгина тортиб бир-бирига рўбарў қилиб, бириктириб қўйилсин ва тишларнинг [тўғри] бирикишига қаралсин, олдинги тишлар ўз текислигини йўқотмасин учун уларни тилла ип билан боғлаб қўйилсин. Бойлоқнинг ўртасини энса устига қўйиб, учини жағ учига олиб
381 келинади. || Қасалга қимирламай тинч ётиш ва сўзламаслик буюрилади; унга суюқ овқатлар берилади. Агар жағнинг шакли [боғланганда] бир оз ўзгариб қолса, бойлоқни ечилсин, лекин иссиқ шиш пайдо бўлса [очилмасин]. Агар иссиқ шиш пайдо бўлса, қуйиладиган дориларни ва бундай шишга мос келиб тинчитадиган мўътадил даражада тарқатувчи қуюқ суртмаларни ишлатишдан четланилмасин. Жағ суяги, кўпинча, уч ҳафтага етмасдан [битиб] маҳкам бўлади, чунки у юмшоқ, уни кўп илик тўлдириб туради.

Учинчи фасл. Бурун синиши

Буруннинг юқори қисми суяк, қуйи қисми тоғайдир; бу тоғайда синиш эмас, балки пачақланиш, япасқи пучуқлик ва бир томонга қараб қийшайиш юз беради; юқори суяк қисмида эса, гоҳо синиш содир бўлади.

Бурун синганда уни даволанмаса, ҳид билмаслик касаллигига олиб боради. Шунингдек [бурун тоғайи], гоҳо қийшиқлигича қотиб қолиб, тўғриланмайди, шунинг учун уни биринчи куннинг ўзидаёқ тўғрилашга шошилиш, ўнинчи кундан нарига ўтказмаслик керак.

Билгинки, синиш буруннинг юқорироқ жойларигача етса ёки ўша жойларда воқе бўлса, энг яхши тадбир бурунга лойиқ силлиқ мил чўпини олиб, секинлик билан буруннинг [ички] парракларигача етказиб киргизилади; кейин бурунни бир қўл билан ушлаб туриб, бошқа қўл билан тўғриланади, ниҳоят, бурун текис [тўғри] бўлади. Кейин секинлик билан текисланган шаклни сақлайдиган пилик тиқиб қўйилади, пиликнинг каноладан бўлиши яхшироқ. Офат буруннинг биргина томонида бўлса ҳам, [пиликни] ҳар иккала тешигига тиқиш эҳтиётли ишдир. Баъзан пилик ичига [212] у яхши бўлсин учун қуш патининг ўзигини қўйилади. Кейин қуюқ суртма қўйиб устидан латта парча ёпиштирилсин. Бурун етарли даражада пишиқ бириккунича пиликни чиқариб олинмасин. Бурунга боғич боғланмасин, чунки у пучуқ қилиб қўяди, лекин бурун жуда қиррали ёки дўнг бўлса ва уни пасайтириб ҳусндор қилиш мумкин бўлса, боғлансин.

Аммо офат буруннинг қуйи қисмида юз берса, уни икки қўлнинг икки кўрсаткич бармоғини ёки иккала жимжилоқни [киргизиб] тўғрилаб қўйиш мумкин. Агар шу ҳолатда шиш ҳам юз берса, *диёхилун* марҳами жуда фойдалидир: бу марҳам шишни тўхтатади, тўғриланган шаклни сақлайди ва уни кучайтиради. Сирка, зайтун ёғи, кепаксиз нон ва кундур елими кукунларидан тайёрлаб, устига қул сепилган дорини ҳам қўйиб боғланса, шундай [таъсир кўрсатади].

Бурун синганида суяк пачақланиб майдаланса, бурунни ёриб суяк майдаларини чиқариш ва тикиб, сепиланган дорилар сепиш орқалигина бурунни тўғри ҳолатига қайтариш мумкин.

Бурун тоғайи бир томонга мойил бўлиб қийшайса, уни зўрлаб тўғрилансин ва шу шаклни сақлаб турадиган қилиб боғлаб қўйилсин; бунда боғични бўйиннинг бурун мойил бўлган томон қаршисидаги сатҳига [тортиб] маҳкамлаб қўйилади. Боғични бу хилда маҳкамлашни осонлаштирадиган яхши тартиб шуки, чопоннинг пишиқ жиягини ёки эни бир энлик келадиган тасмани олиб, бир учини балиқ елими ёки қорамол терисининг елими, ёки [араб] елими ёки бошқа бирон ёпишқоқ нарсага булғаб, бурун қийшайган томондан унинг учига ёпиштирилади, ниҳоят, у қуриydi, сўнгра бурунни куч билан ўз вазиятига қайтиради, кейин ўша тасма ёки чопон жиягини бурун тўғри бўлгунича тортилади ва бурунни қийшайган томонининг қаршисига қарата мойил қилинади, тасма ёки жиякни бўйинга ўтқизиб, бурунни шу вазиятда сақлаб турадиган қилиб, боғлаб қўйилади. Кейин ишлатилиши зарур қуюқ суртмани қўйилади.

Тўртинчи фасл. Ҷмров [суягининг] синиши

Ҷмров суяги ё оғир юкдан, ё қаттиқ йиқилишдан ёки кучли зарба ейишдан синади. Ҷмров суягини тузатиш қийин, унга аста-секин тадбир қўллаш лозим. Уни тузатиш ҳақида табиблар шундай деганлар: Ҷмров суяги кўкрак суягининг яқинидан шикастланса, юқори билак суягининг боши қуйига тушиши жуда кам учрайди.

[Олимнинг] айтишича, агар Ҷмров суяги синиб иккига бўлинса, касални курсига ўтқаз, бир ходим синган Ҷмров суяги томондаги юқори билакни ушлаб, сиртга ҳамда юқорига қараб тортсин, бошқа бир ходим бўйинни ва қарши [томондаги] елкани керакли миқдорда тортсин, табиб эса бармоқлари билан туртиб чиққан суякни жойига қайтарсин ва чуқур ботганини ўз жойига тортсин. *Агар бунда кўпроқ тортишга эҳтиёж тушса¹, касалнинг қўлтиғи тагига латта парчалардан ясалган катта копток қўйиб, [унинг] тирсагини қовурғаларига яқинлашгунча [босиб] тортилади, чунки тирсак инсталганча тортилаберади².

Агар Ҷмров суягининг учи узилиб ичкарига қараб анчагина ботса ва табиб тортгани билан чиқмаса ва кўтарилмаса,— чунки у ичкарига қараб кўпгина ботган,— шунда касални чалқанча тушириб ётқиз, елка бўғинининг тагига лўлаболлиш қўй, елка бўғинини то Ҷмров суяги кўтарилгунча қуйига қараб бос, кейин бармоқларинг билан тўғрилаб тузат ва боғлаб қўй. Агар бемор Ҷмров суяги устидан қўл юргизилганда санчиқ сезса,— чунки уша жой тагида суяк майдаси санчилаётган бўлади,— ўша жойни ёриб очиб, суяк майдасини олиб ташла³, бу ишни, айниқса, суяк уваланадиган бўлса, кўкрак пардаси йиртилиб кетмасин учун оҳисталик билан бажарилсин; суяк тагига [юпқа] пардани сақлаб турадиган қурол киргизилсин, кейин суякни босилсин⁴. Агар иссиқ шиш содир бўлмаса, ёриб очилган жойни тикиб битказ; иссиқ шиш юз берганда эса, латта парчаларни ёғ билан ҳўллаб ишлат.

382 Ҷмров суяги синганда, юқори билакнинг боши Ҷмров суягининг бир бўлаги билан биргаликда қуйига тушиб қолса, || юқори билакни энлик боғич билан бўйин томонга осиб, кўтариб қўйиш керак. Агар Ҷмров суягининг узилган бўлаги юқорига мойил бўлса,— бу кам учрайди,— юқори билакни осиб қўйилмайди. Ҷмров суяги синган кишини орқаси билан ётқизилсин ва латиф тадбир қўллансин. [Синган] Ҷмров суяги бир ой ва ундан камроқ вақт ичида мустаҳкам бўлади.

Ҷмров суягига [ишлатиладиган] боғичларга келганда, табибларнинг айтишларича, Ҷмров суяги ичкари томондан ажралмайди, чунки у кўкрак [суяги]дан ажратилган ҳолда эмас, [балки] унга туташдир⁵, шунинг учун [ичкари] томондан қўзғалмайди. Агар сиртдан қаттиқ зарба тегиб [Ҷмров суяги] узилса, уни тўғриланади ва синганда қўллани-

ладиган тадбир билан даво қилинади. Аммо ўмров суягининг елка бўғинига ёндашиб ундан ажралиб турган учи, кўпинча, ўрнидан қўзғалмайди, чунки унга [213] [ёпишувчи] икки бошлик мушак ўрнидан қўзғалишига қўймайди; куракнинг боши ҳам бунга моне бўлади. Умров суяги қаттиқ ҳаракат ҳам қилмайди, чунки у фақатгина кўкракнинг очилиб кенгайиши учун қўйилган, шунинг учун ўмров суяги ҳамма ҳайвонлар орасида фақат инсондагина бор.

Агар бунда ўмров суяги кураш тушиш ёки шунга ўхшаш нарса сабабли чиқса, уни қўл билан тўғрилаб жойига туширилади ва устига қалин бойлоқ қўйиб лозим бўлган боғич билан боғлаб қўйилади. Бу тадбир елка суягининг учи [жойидан] қўзғалганда ҳам мос келади, уни шу усулда ўз жойига қайтарилади.

Умров суягининг елка бўғинига боғлаб турадиган нарса тоғайсимон суякдир; шу сабабли ориқ кишиларда янглишилади: у [суяк] ўрнидан қўзғалганда, бу соҳада тажрибасиз [табиб] юқори биллакнинг боши ажралиб жойидан чиқиб кетибди, деб гумон қилади, чунки бу пайтда курак суягининг боши ингичкароқ, ажралган жойи эса чуқур кўринади, лекин *биз келгусида баён қиладиган¹ далиллар билан уларни бир-бирдан ажрата билишинг керак.

Бешинчи фасл. Курак синиши

Курак суягининг кенг жойи камдан-кам синади. Кўпинча, синиш суякнинг чекка атрофларида ва кичик бўлақларида юз беради. Синиш воқе бўлса, уни ушлаб кўриш билан ва синиш [натижасида] бўладиган санчилишдан билинади. Лекин курак суягида, кўпинча, ёрилиш пайдо бўлади, бунга ушлаб кўрганда сезиладиган дағаллик, ўша жойнинг оғриши, агар мавжуд бўлса санчилиш, шу билан бирга, бошқа аломатларнинг бўлмаслиги далолат қилади. Баъзан [суякда] ичкари томонга қараб синиш юз бериб, бунга пайдо бўлган чуқурлик, аниқлаш учун ушлаб кўрилганда эшитиладиган бир оз қисирлаш, синган томондаги қўлда пайдо бўладиган увушиш ва оғриқ далил бўлади.

Бунинг иложи ҳам оҳисталик билан тортиш, олд томондан секин-аста итариб тўғрилашдир. Баъзан, гумонимча, қортиқ қўйишга ҳам эҳтиёж тушади; қортиқ ботган жойни орқа томонга тортиб баробарлайди; шу билан бирга, қортиқнинг модда йиғиб зарар келтиришидан эҳтиёт бўлиш керак.

Аммо куракнинг кичик қисмлари синганида — агар улар қимирлаб ва санчилиб азият берса, уларни чиқариб ташлаш лозим, агар улар қимирламаса, уларни тўғриланади ва ўмров суягига ишлатиладиган боғичларга ўхшаш боғичлар билан боғлаб қўйилади.

Кураги синган киши [ётганида] фақатгина соғ томони билан ётиши керак.

Олтинчи фасл. Кўкрак суягининг синиши

Кўкрак суягида гоҳ оддий ёрилиш ва гоҳ ичкарига қараб синиш юз беради. Аввалгиси қўл тегизилганда ва қулоқ тутилганда сезиладиган товушдан, икки бўлакка ажралиб туришидан ва оғриқнинг узоқ вақтгача давом этишидан билинади. Иккинчи хил [синишдан] кейин эса нафас қисиш ва қуруқ йўталдан иборат ёмон белгилар юз беради. Баъзан бундай касал қон туфлайди; баъзан бундан кўкрак-қорин пардаси чириydi. Бундай касални [тузатиш] иложи елка бўғини синган кишига қўлланиладиган илождир.

Агар кўкрак суяги [синишдан] қуйига мойил бўлиб қолса, ўмров суяги синиб чўкиб безовта қилганида расм бўлган илож қўлланилади. Агар қовурғалар ичкарига ботса, уларни тўғрилаб, устидан боғичлар қўйилгач, [яна] юнгдан юмалоқ қилиб тайёрланган боғич ишлатилади; кейин ҳар иккала боғичнинг учини йиғиб, бир-бирига боғлаб қўйилади, бундай тадбир юмалоқ боғичларни ечилиб кетишига қўймайди.

Еттинчи фасл. Қовурға синиши

Еттита чин қовурға ҳар икки томондан ҳам синиши мумкин, аммо ёлғон қовурғалар умуртқа томонидангина синади, чунки уларнинг бошқа томони, билиб ўтганингга кўра, тоғайлардан иборатдир, шунинг учун уларда фақат мажақланиш юз беради.

Қовурға синганини билишга келсак, бу осон, у ўзининг дағаллиги ва ўринсиз ҳаракатининг сезилиши сабабли қўл тегизилганда билинмай қолмайди. Баъзан қулоқ тутилса, енгил қисирлаган товуш эшитилади.

Агар бирор қовурға ичкарига ботса,— бунга зотилжам касаллигининг белгилари далолат қилади, баъзан бунда қон туфланади,— шикастабандлар бошқа усул ўрнига уни сиртга тортиш тадбирини қўллашга журъат қилмасинлар. Бу ишни қортиқсиз [бажариш] қийин ҳамда қортиқ ишлатишда гоҳ ўша жойга кўп модда йиғилиши хавфи туғилади; [модда йиғилса] бирон офат юз бериши аниқ. Агар оҳисталик билан қортиқ ишлатсанг ва [214] уни узоқ вақт тутиб турмасанг, зарар қилмайди. Лекин қоринда ел пайдо бўлиб, бу ел синган қовурғани қисиб сиртга итарсин учун, кўпинча, бундай касалларга кўп ел туғдирадиган овқатлар берадилар¹. Гарчи баъзи вақтларда бу тадбирни

383 қўлламасликка илож бўлмаса ҳам, у || шиш пайдо қилувчи зўр сабабдир.

Бир шикастабанд олимнинг айтишича, [қовурға синган] жойларни иссиқ зайтун ёғига ботирилган юнг билан беркитиш, қовурға оралиқ-

ларини латта парчалар билан тўлдириб қўйиш керак, шунда, биз кўкрак суяги синиши [фаслида] тавсиф қилган юмалоқ шаклли бойлоқни ўралганда, у текис ўрнашади. Кейин боғични *шуса* касаллигига учраган кишиларга ўралганидек [қилиб] синган суякка мос келадиган даражада ўралади.

Агар зўр бир ҳолат бизни қийин аҳволда қолдирса, яъни синган суяк кўкрак-қорин пардасига санчилиб азият берса, бунда терини ёриб синган қовурғани очиш керак. Кейин синган суяк тагига плеврани¹ жароҳатланишдан сақлайдиган қурол қўйилади; шундан кейин санчилаётган суякларни оҳиста-оҳиста қисиб чиқарилади. Сўнгра, агар иссиқ шиш пайдо бўлмаса, ёрилган жойни бириктириб, марҳам билан даволанади; агар иссиқ шиш юз берса, у жойни ёққа ботирилган латта парчалар билан беркитилади. Қасални овқатлантирилади ва иссиқ шишни тўхтатадиган тадбир қўлланилади; уни ётиши осон томони билан ётқизилади.

Саккизинчи фасл. Умurtқаларнинг синиши

Бавлуснинг айтишича, умurtқанинг юмалоқ ери баъзан мажақланади², синиш эса кам учрайди. Бу пайтда орқа миянинг [пардаси] ёки унинг ўзи қисилади, булар билан бирга асаб ҳам оғрийди; шундан кейин, айниқса, шу ҳолат бўйин умurtқасида юз берса, ўлим етишади. Шунинг учун биз олдиндан айтиб, келадиган ҳалокатдан хабар бериб қўйишимиз керак.

Агар хавф-хатарга [рози бўлиб], азият бераётган суякни ёриб олиш мумкин бўлса, шундай [қилинади], акс ҳолда бундай касалларга иссиқ шишларни тўхтатадиган тадбирни қўллаш керак. Агар умurtқанинг «тиканаксимон» деб аталадиган турғун [ўсиқ]ларидан бир ози [чиқарилмай] қолиб кетса,— биз текширишни истасак, бу дарҳол бармоққа илинади, чунки майдалангани [ушлаб кўрилганда] ҳаракат қилиб жойидан қўзғалади,— уни терини сиртдан ёриб туриб чиқариб олиш керак, кейин терини бириктириб тикилади ва [эт] битирадиган тадбир қўлланилади. Агар суякнинг белдан пастки [қисми] ёки думғаза синса, чап қўлнинг кўрсаткич бармоғини орқа тешикка киргизиб, синган суякни иккинчи қўл билан мумкин бўлганича тўғриланади. Агар синган суякнинг жойидан ажралиб қолганлиги билинса, буни ҳам юқорида айтганимиздек ёриб чиқариш керак. Кейин орқа тешикка муносиб боғич ишлатилади ва унга мувофиқ тадбир қўлланилади.

Тўққизинчи фасл. Юқори билакнинг синиши

Юқори билак суяги синганда, кўпинча, у сиртга мойил бўлиб қолади, шунда синган суякни ўз вазиятига қайтаришда [юқорида] билиб ўтганингга мувофиқ керакли тадбирни қўллаш ва қўл билан тутиб етарли даражада тўғрилаб текислаш лозим. Кейин, гарчи елка бўғинигача бўлса ҳам, пастдан юқорига қараб боғла; синган жой елка бўғинига яқин бўлса, [елкага] бириктириб боғлаб қўй. Сўнгра, синган жой тирсакка яқин бўлса, билиб ўтганингга мувофиқ тирсак пастигача бўлса ҳам, пастга қараб боғлаб тушилади. Кейин пастдан юқорига қараб учинчи боғич боғланади ва қўлни бурчак шаклида қилиб [бўйинга] осиб қўйилади, аммо пастга солинтириб қўйилмасин, бу ёмон. Синган жой қўзғалмаслиги учун, айниқса, тирсакка яқин жой синган бўлса, тирсакни бурчак шаклида қилиб туриб синган қўлни кўкракка боғлаб¹ қўйиш яхши. Агар синган жой ҳали шишмаган бўлса, бойлоқни сирка қўшилган сув ёки сувнинг ўзи билан ҳўллаб турилсин; бойлоқни эса канидан ясалсин; унинг эни тўрт энликдан кўп ҳам, оз ҳам бўлмасин.

Агар синган жой бир оз муддат ўтиб шишса, бойлоқни жундан ясаиб, уни ёққа ботириб олинсин; агар мумкин бўлса ва бирор монелик бўлмаса, егинини кунгача ва [ҳатто] ўнинчи кунгача ҳам ечилмасин, сўнгра уни ечиб, тахтакачлаб қўйилсин. Агар эҳтиёткорлик бундан бошқа кунда ечишни тақозо қилса, учинчи кун ечилсин; Буқротнинг [фикри] шунга мойилдир, чунки учинчи кун ечиш гарчи [суякнинг] битиши учун зарарли бўлса ҳам офатларни қайтаради.

Тахтакачларни қўйиш кайфиятига келганда, юқорида бу ҳақда баён қилганларимиз сенга кифоя қилса керак. Камида қирқ кунгача синган жойни ечма. Агар яхшилаб [жойига] қайтариш учун кучли тортиш керак бўлса-ю, сен бунинг уддасидан чиқолмасанг ва кўмаклашаётган кишининг ёрдами сени қаноатлантирмаса, [215] касални баланд курсига ўтқаз, шунда у ўтиргандан кўра тик турганга мойил бўлсин, кейин бўғин чиқиши бобида маълум бўлган нарвон поғонаси ёки шунга ўхшаш нарсага [касал] қўлтиғи билан суянсин, бу [суянаётган] жой текис ва юмалоқ қилиб тайёрланган бўлсин. Кейин касалнинг тирсагига уни пастга тортадиган оғир бир нарса осиб қўйилсин, [суяк] керакли даражада тортилгач, уни тўғрилаб текисланади.

Агар синган жойдан пастга ва юқорига кучли² боғичлар боғлаб, касални чалқанча ётқизиб ўша боғланган [боғичларни] бақувват кишилар ёрдамида қўйи ва юқорига тортиш сени қаноатлантирса, бу кифоя қилади. Агар синган жой юқори билакнинг ўртасида бўлса, боғични бўғиннинг³ ҳар икки учидан бир хил узоқликда боғланади; агар бир

томонга жуда яқин бўлса, боғични ўша томонга жуда яқин ва бошқа томондан узоқ қилиб боғланади.

Агар [суяк] фақатгина ёрилса, уни ёрилишга қарши тадбирни қўлаб боғлаб қўйилсин.

Унинчи фасл. Билак синиши

Гоҳо иккала [юқори ва қуйи] билак [суяги] биргаликда синади, гоҳо биттаси синади. Иккала билакнинг бири синганда, юқори билак синишидан кўра қуйи билакнинг синиши ёмонроқ ва қабиҳроқдир. Чунки *сойд* деб аталувчи қуйи билак юк кўтарувчидир; унинг синиши яна шунинг учун ёмонки, у этсиздир. Яна юқори билак муолажани осонроқ қабул қилади, унинг учун озгина тортиш етарли. || Қуйи билак, 384 айниқса, иккала [билак] бирга синганда бундай эмас.

Синган билакни тортилаётганда қўл кафтининг таги, яъни *каваъга* таяниб туриш керак. Боғич боғлашнинг қаттиқлик даражаси [шундай] билинади: агар боғичдан бармоқларда бир оз шиш ва енгил оғриқ пайдо бўлса, у мўътадил боғланган, ҳеч бир [оғриқ ва шиш] пайдо қилмаса—бўш боғланган, ҳаддан ташқари кўп [оғритса]—қаттиқ боғланган бўлиб, уни бўшаштириш лозим бўлади.

Тахтакач қўйишга келганда, бу сенга махфий эмас. Бироқ тахтакачлар кафтга ва бармоқлар тагига етадиган даражада узун бўлмай, балки ундан бир оз қисқа бўлиши керак; лекин синган жой кафт бўғинига яқин бўлса, узунроқ бўлиши керак. Аммо бу ҳолда ҳам бармоқ бўғинларига тегмайдиган бўлсин.

Тахтакач қўйиб боғланганда билакни бурчак шаклида қилиб бўйинга осиб қўйиш лозим. Осиб қўйиш, айниқса, [синиш] қуйига қарата бўлса, билакни бор бўйича тутиб турадиган энли латта билан бажарилсин. Чунки агар фақатгина синган жой яқинидан осилса, билакнинг бошқа жойи суянчиқсиз қолади, натижада албатта буралиш юз беради: билак кафт қараган [томонига] мойил бўлиб қолади. Шунинг учун кафт ва билакнинг кўп қисмини [қўшиб] осиб керак.

Агар билак юқорига қарата синса, синган жойни қолдириб, кафт ва тирсак томонларини кўтарадиган қилиб осиб керак: икки орани қолдириш билак шаклининг тўғриланишига ёрдам беради. Осадиган нарса юмшоқ латтадан бўлсин. Осиб билакни жуда букиб юборадиган ва жуда ёйиқ қолдирадиган йўсинда бўлмасин. Баъзан синган билак йигирма саккиз кун атрофида тезда битиб кетади.

Ўн биринчи фасл. Билак бўғинининг синиши

Бу [ердаги] суяклар жуда қаттиқ бўлгани сабабли уларда синиш кам юз беради. Агар улар бирор сабаб билан жойидан тойса-ю, син-

маса, бунинг энг яхши иложи биз бўгин чиқиши [боби]да айтган тад-бирлардир.

Ун иккинчи фасл. Бармоқ суяklarининг синиши

Булар ҳам камдан-кам синади, бироқ ўрнidan тояди. Айтишларича, агар буларда синиш юз берса, касални баланд курсига ўтқазиб кафтини [бошқа бир] текис курсига қўйиб туришга буюрилади; ходим синган [бармоқ] суяklarини тортиб туради, табиб эса бош бармоғи ва кўрсаткич бармоғи билан уларни тўғрилаб текислайди. Бош бармоқ қўйига мойил бўлиб қолса, боғич юқори томондан боғланиши керак.

Баъзан иссиқ шиш пайдо бўлади. Шу суяklar турган жойнинг бўшашганлиги сабабли у жойларга чиқинди кўп йиғилиб, тезда қотиб қаттиқлашади.

Агар бармоқ суяklarида ёки бирор бармоқда синиш юз берса ва агар у бош бармоқ бўлса, ўзига хос боғич билан боғлаб барқарор туриши ва қимирламаслиги учун кафт билан қўшиб боғлаш керак. Бошқа бирон бармоқ синса, масалан, кўрсаткич бармоқ ёки жимжилоқ, шунда уларни ўзига яқин турган бармоқ билан қўшиб боғлаш керак. [216] Агар ўрта бармоқ синса, уни икки ёнидаги бармоқлар билан [қўшиб] боғлансин: ёки ҳамма бармоқни сидирғасига бир-бири билан қўшиб боғлансин: бу яхшироқдир, чунки бунда бармоқлар барқарор туради, қимирламайди ва бу ҳолда улар, яъни синган суяklar, тахта-качлангандек бўлиб қолади.

Ун учинчи фасл. Кенг суяк¹ ва ёнбош суягининг² синиши

Ёнбош суяги бақувват бўлганидан камдан-кам синади; баъзан синиш [суяк] четларининг уваланишидан иборат бўлади. Гоҳо [ёнбош суяги] узунасига ёрилади, баъзан эса унинг ич томони ичкарига ботади ва шулардан кейин елка бўғини синганда юқори билакда юз берадиган ҳолатга яқин ҳолатлар: оғриқ, санчилиш, поча ва соннинг увушиши юз беради.

Думғаза тепасидаги кенг суяк синса ёки унинг мушаги бурдаланса, уни тузатиш иши қийинлашади; бир ёнбош бир оз қисқаради. Бунинг иложи: касални ерга қаратиб ётқизиб, иккита кучли киши икки сонини торта бошлайди, яна бир киши [касалнинг] икки қўлини ушлаб туради, шунда [қўллар] сонларни тортаётган кишиларга қаршилик қилишга шошила олмайди. Икки шикастабанд касалнинг иккала ёнбошини то текис бўлгунича қаттиқ ва куч билан босади; кейин [синган ёнбош] устига қуюқ суртма тайёрлаб [қўйилади], касални латта ва шунга ўхшаш бир оз қаттиқ нарсадан ясалган копток усти-

га чалқанчасига ётқизилади. Бу курак суяги [сингандаги] иложга яқин келади.

[Кенг суяк] ёнбош томондан синганида, бунинг иложи елка бўғини сингандаги иложнинг ўзидир. Боғланган боғичнинг устини ҳўллаб турилади ва бойлоқларни керагича текислаб қўйилади. Қасал эса яхши¹ текисланган жойда ётиши керак.

Ун тўртинчи фасл. Соннинг синиши

Сон суяги синганида уни қаттиқ тортишга эҳтиёж тушади; кейин уни ўзининг табиий шаклида текислаб тўғрилаб қўйилади. Табиий шакл эса соннинг соғломлик пайтидаги доимий шаклига мувофиқ, сирт томонининг дўнг, ичкари томонининг чуқур [букик] бўлишдан иборатдир. Соннинг ўртаси, юқори томони ва қуйиси синган ҳолда юқори билан сингандаги қондалар кўзда тутилади.

[Синган жой] маҳкам турсин учун уни [қуйидан] юқорига қараб боғлаб чиқилади. Айтишларича, сон суяги синганда олд ва сирт томонларга қараб букилади, чунки соннинг шу жойлари аслида кенг тузилган². [Синган жойни] қўл, боғичлар билан баробарлаштиришга мос турли усулда тортиш орқали тўғрилаб текисланади. Синиш соннинг ўртасида бўлса, боғичнинг бирини синган жойнинг юқорисига, бошқасини эса тагига қўйилади. Аммо синган жой ўртадан узоқроқ, сон бошига яқин жойда бўлса, йўргакбоғни олиб, этни кесиб кетмасин учун унинг ўртасига юнг ўралади; йўргакбоғнинг ўртасини қов устига қўйиб, учларини || сон боши томонига кўтариб, уни қуйига қаратиб 385 ушлаб турувчи ходим қўлига берилади.

Агар синган жой тизза яқинида бўлса, биз боғични синиқ жой юқорисидан ўраб, унинг учларини юқорига тортиб турсин учун ходим қўлига берамиз, тиззани ҳам ўралган боғичлар ёрдамида тутиб турамиз. Бу аъзони тўғрилаганда касал оёқ почаларини чўзиб, юзини ерга қаратиб ётади. Агар санчилувчи суяклар бўлса, кўп марта айтиб ўтганимиздек, уларни текислаш ва чиқиб қолганларини олиб ташлаш керак.

Бошқа тадбирларга келганда, улар юқори биланки даволаш бобида айтганимизга мувофиқ бўлсин.

Сон суяги эллик кеча-кундузда маҳкам бўлади. У тадбирга почани даволаш ҳам биргалашиб келганда, синган сонни қандай вазиятда қўйиш лозимлигини айтаемиз. Шу пайтда иккала сон ўртасига соннинг тўғриланган шаклини сақлаб турадиган бир бўлак ёғоч ёки шунга ўхшаш нарса қўйиш керак; кейин шиш ва қичишиш пайдо бўлиш [эҳти-молини] ҳисобга олиб маълум усулда тахтакачлаб қўйилади.

Сонда шиш пайдо бўлса,— бу албатта кучли шиш бўлиб, сонда тез пайдо бўладиган нарсалардандир,— шу пайтда шишнинг ҳаво олиши ва тарқалиши учун тезда ечиш керак бўлади. Бунга қўйиладиган махсус дориларни [илгари] билиб ўтдинг.

Аммо қолип ва тарновларга¹ келсак, булар бир оз чуқурлиги бўлган катта тахталардир. Улар ўровларга лойиқ ва оёқни бор бўйича тутиб турадиган бўлсин, чунки улар калта бўлиб почани ўролмай, ундан юқорида тўхтаб қолса, кутилган фойдани бермайди, агар [217] [жуда] узун бўлса, касал қийналади, шу билан бирга, калта бўлганда [ҳам] қийноқдан холи бўлмайди. Уларни узун қилишнинг фойдаси яна шуки, оёқнинг соғлом қисмини ҳам ҳаракат қилишга қўймайди, у ҳаракат синган жой учун зарарлидир, айниқса, бепарволик билан қилинган ва уйқудаги ҳаракат [зарарли]. Бу қуролларга синиш жуда кучли бўлганда эҳтиёж тушади, буларни фақат шиш пайдо бўлишидан олдин ишлатиш мумкин, чунки шиш бундай нарсаларни кўтара олмайди. Умуман, бу тадбир оғир, кулфатли ва машаққатлидир; бу қуролларни ишлатмай бошқа тадбирлар билан чекланиш мумкин бўлар экан, у қуролларга кўпда қизиқиш керак эмас.

Тузатиб боғланган соннинг вазиятига келсак, бу соғлом вақтида одатланган давомли букиш ёки ёзиш ҳолатида бўлиш керак; ёзиб туриш вазияти кўпроқ бўлсин.

Билгинки, сон ва ёнбош суяги синиб, кейин у битказилганда, уларнинг қийшиқ бўлмай қолиши ҳам учрайди. Агар мушак бўлаклари узилса, улар аввало бўшашади, сўнг буришиб қолади.

Ун бешинчи фасл. Тизза қопқоғининг синиши

Бунда синиш кам учрайди, у кўпинча, мажақланади. Бунда пайдо бўлган ҳолатни ушлаб кўришдаги дағаллик ҳамда тегиб кўрганда сезиладиган ва эшитиладиган товуш орқали билинади.

Буни даволашда почани [қуйига] тортиб туриб, кейин қопқоғни ўз жойига тушириш керак. Агар [қопқоқ] ажралиб кетган бўлса, аввало уни йиғиштириб, кейин жойига туширилади.

Ун олтинчи фасл. Почанинг синиши

Почанинг кичик суяги синса, катта суяги синишидан кўра бежавотирроқ бўлади. Почанинг юқориги найсимон суяги синганда, [поча] сиртга ва олд томонга букилади, шундай бўлса ҳам юриш мумкин бўлади. Қуйи томондаги найсимон катта суяк синганда эса поча орқага ва сиртга мойил бўлиб қолади. Иккала найсимон суяк бирданига синса, бу — жуда ёмон; бу пайтда поча ҳамма томонга мойил бўла беради.

Билгинки, поча синишини даволашни билак синишини даволашга қиёс қилинади ва бу ўшанга ўхшайди. Поча суяги синганда унинг табиий шаклида юз берадиган ўзгариш ҳолати юқори билак сингандаги ҳолатга ўхшамайди, балки ундан кўра тўғрироқ бўлади. Шунинг учун почани ўз тўғри ҳолатига қайтгунча тортиш керак, холос¹.

Ун еттинчи фасл. Тўпиқ суяги

Тўпиқ қаттиқлиги ва сақлаб турувчи нарсалар билан ўралганлиги сабабли синишдан омондир. У, кўпинча, ўрnidан чиқади; бу ҳақда тўла-тўқис² сўзланди.

Ун саккизинчи фасл. Товон суяги

Товон суягининг синиши қийин; [синган тақдирда] иложи қийин. Киши баланд жойдан йиқилиб иккала оёғи билан тиралиб тушса, кўпинча, товон суяги синади. Баъзан шунда зўр мажақланиш юз бериб, мушак ичкарисига қон оқиб, қотиб қолади. Гоҳо бу иситма, ақл қорисуви, қалтираш ва оёқ тортишувидан иборат оғир ҳолатларга олиб боради.

[Товон синганда] қаттиқ шиш пайдо бўлса-ю, юзага чиқмай, кўринмаса ва хира ранг пайдо қилса, бу ёмон аломат бўлиб, [товон] чирётганлигига далолат қилади. Агар шиш зоҳир бўлиб, қўл билан босганда ичкарига ботмаса, бу тузукроқ бўлиб, кўпинча, унинг тешилиб оқиши³ мумкин. Товон суяги битганда, юрилса оғрийди; агар у керагича битмаса, ундан фойдаланиб бўлмайди.

Ун тўққизинчи фасл. Оёқ бармоқлари

Буларни чиққанида ва синганида қўл бармоқлари [сингандаги] каби даволанади. Баъзан шикастабанд уларни оёқ [панжа]лари билан босиб тўғрилайди⁴.





ОЛТИНЧИ ФАН
ЗАҲАРЛАР





БИРИНЧИ МАҚОЛА

ИЧИРИЛАДИГАН ЗАҲАРЛАР АҲВОЛИНИ БИЛИШ ҚОИДАЛАРИ ҲАМДА
ЖОНИВОРЛАРГА ТЕГИШЛИ БУЛМАГАН¹ ЗАҲАРЛАРГА ҚАРШИ
ҚУЛЛАНИЛАДИГАН ДАВОЛАР ҲАҚИДА МУФАССАЛ СЎЗ

[218] Биринчи фасл. Ичириладиган заҳарлардан
сақланиш ва уларга қарши чора кўриш ҳақида
умумий сўз



Узига заҳар ичирилишидан хавфсирайдиган киши анча нордон, шўр, ўткир ёки ширин мазали овқатлар ва ҳиди ўткир овқатлар [ейиш]дан сақланиши керак. Чунки [заҳар ичирмоқчи бўлган кишилар] ичирмоқчи бўлган заҳарларнинг таъми ва ҳидини шу хил [овқатлар] орқали сингдирадилар. Жуда оч ёки қаттиқ ташна бўла туриб,|| шубҳали жойларга бормасликлари керак, чунки шу 386
ҳар иккала [ҳолат] сезилиши зарур бўлган хавфни очкўзлик натижасида унуттириб юборади. Шу билан бирга, овқат еб ва ичимлик ичиб, жуда тўйган кишига заҳар ичирилса, заҳарда икки ҳолат юз беради: бири, заҳар тўйиб [ейилган] овқат оралигида кўмилиб қолади, иккинчиси, томирлар тўлиб, заҳар уларга ўтишга йўл топмайди. Баъзан [заҳарланган овқатда] заҳарга қаршилик қиладиган нарсанинг мазаси бўлади.

Шунингдек, бундай киши заҳар зарарини қайтарадиган дориларни одат тариқасида ичиб юриши керак, масалан: *митридат*,— бунинг фойдаси тажрибада кўрилган,— ҳамда Рум² лойидан қилинадиган маъжун, шунингдек, газгаўт барги билан бирга анжир, ёнғоқ ва йирик янчилган тузларни [истеъмол қилиши керак]. Буларнинг вазнларига келганда, газгаўтнинг қуриганидан йигирма бўлак, ёнғоқдан икки бўлак, туздан беш бўлак ва қуруқ анжирдан беш бўлак олинади. Парпи ҳамда *буҳо*³ барча заҳарларнинг зарарини қайтаришда ажойибдир. Мен бу иккаласи икки хил дори ёки битта дори эканлигини аниқлай олмадим. Шунингдек, майда [хил] шолғом уруғидан бир ярим *дирҳами матбух* шароби билан ичилади; туз билан газгаўт ҳам шундай [таъсирга эга].

[Заҳарланишдан] хавотир бўлувчи киши [фақат] уни бошқа одам беради ва ичиради дебгина ўйламасин; баъзан кутилмаган жойда заҳар ичиб қўйиш ҳам мумкин; гоҳо ҳатто қайнатилаётган [қозонга] ёки шароб солинган идишларга калтакесак, қорақурт ва чаён каби ёмон

нарсалар тушиб қолади. Чунки кўп ҳашаротлар шароб ҳидини яхши кўради ва унга тезда [етиб] боради; гоҳо улар [шароб] идишларида ўлиб қолади, баъзан шаробни ичиб [идишга] қусади; шунинг учун уй шиплари, катта дарахтлар тагидан ва серўт жойлардан эҳтиёт бўлиш керак.

Иккинчи фасл. Ичириладиган заҳарлар ҳақида умумий сўз

Заҳарлар икки турли: ўз кайфияти билан таъсир қилувчи ҳамда ўз сурати ва бутун жавҳари билан таъсир қилувчи бўлади.

Биринчи хил [заҳарлар] «денгиз қуёни»¹ каби ўйиб еб, чиритувчи ёки *фарфиюн* каби қиздириб алангалантирувчи, ёки афюн каби совутиб увуштирувчи, ёки куйдирилган қўрғошин каби бадандаги нафас йўллари тўсувчи бўлади.

Бутун жавҳари билан таъсир қилувчи заҳарга келсак, бунга аконит ёки *ҳалҳал*²,— буни аконитнинг ёки *қурун ус-сунбулнинг*³, *ёки шунга ўхшаш бошқа бирон нарсанинг⁴ елими дейдилар,— ёки қоплоннинг ўти ва шуларга ўхшаш нарсалар мисол бўлади. Бу заҳарларнинг энг ёмонидир. Шунингдек, баъзи заҳарлар бир аъзонинг ўзига, масалан, олакуланг — қовуққа, «денгиз қуёни» — ўпкага таъсир қилади; баъзилари эса афюн каби бутун баданга таъсир қилади.

Заҳарнинг [инсон] мизожини ўзгартириши, бирор аъзони чиритиши ё унга таъсир кўрсатиши тўғрисида гапирилганда, унинг бирон муддатдан кейин таъсир қилиши мумкинлиги [кўзда тутилади], шу билан бирга, саситиб чиритувчи заҳар баданда қанча кўп қолса, таъсири [шунчалик] ёмонроқ бўлади. Бундан терлаш ва бошқа шунга ўхшаш тадбир билан [заҳарни] ва ундан келиб чиққан нарсани эритиб тарқатиб юбориш орқали ёки унга қарши даво қилиш билан қутилиб қолинади.

Билгинки, увуштирувчи заҳарлар иссиқ мизожли баданларга бир жиҳатдан жуда кучсиз ва бошқа жиҳатдан жуда кучли зарар қилади; қайси жиҳат ғолиб бўлса, ҳукм ўшанда бўлади. Юрак иссиқ мизожли бўлганидан [бундай заҳарларга] қарши туради; демак, уларнинг таъсири [юракка] жуда кучсиз бўлади.

Бироқ иссиқ бадан [заҳарнинг] совуқ оғир жавҳарини суюлтиради, артериялар эса ўзининг кучли ҳаракати билан уни эргаштириб, сиқилган пайтларида тортади; шу сабабли [бу хил заҳар] иссиқ баданларга кўпроқ зарар етказади, бунинг устига [бу заҳарлар] бадан мизожига зид бўлади.

Иссиқ [мизожли] заҳарлар ҳақидаги сўз ҳам шу [юқорыдаги] сўздан иборат бўлса керак, чунки иссиқ мизож [иссиқ заҳарларга] қарши

туриб, уларни юракдан ҳайдайди ва қувватини тарқатади, лекин иссиқ мизожли [бадан] артериялари уларни тортади, натижада [совуқ заҳарлардагидек] ҳолат юз беради. Шунинг учун Жолину: — *Қуниюн*, менимча, аконит ёки [бошқа бирон] ўлдирувчи заҳар бўлса керак, у одамни ўлдиради, [219] [аммо] чуғурчуқларни ўлдира олмайди,— дейди. У [заҳар] чуғурчуқ баданидан таъсирланиб, энди фақат унинг озиққа айланадиган ўзгариш муддати ўтгандан кейингина унинг юрагига етиб боради; одамда эса, унинг баданидаги йўлларнинг кенглиги, ҳароратининг кучлилиги, [заҳарни] тортувчи артериялар ҳаракатининг кучлилиги сабабли, юракка тезроқ етиб боради.

Мен айтаманки, бу [фикр] ҳам бир важҳдир. Аммо таъсир қилувчи ва таъсирланувчи қувватлар ўртасидаги муносабатларни ҳам кўзда тутиш керак. *Қуниюннинг* умуман жониворларга онд кенг мизожга қиёс қилганда кучли заҳар эканлиги, ҳатто у инсон баданига кучлилик қилиб ўлдиришини, чуғурчуққа ўхшашларга эса кучи етмасдан ўлдирмаслигини [Жолину] қаердан билган? *Қуниюн* инсон юрагига осонлик билан етгандек, чуғурчуқ юрагига ҳам озиққа айланмай еганида ҳам унинг чуғурчуқ мизожига қиёсан заҳар бўлмаслиги ва уни ўлдира олмаслиги мумкин эди.

Жолинунинг айтишича, баъзи кекса аёллар олдин аконитдан жуда озгинадан еб, кейин уни давом эттира берадилар, ниҳоят, табиатлари шунга ўрганади ва уни қўрқмасдан истеъмол қиладиган бўлиб қоладилар ҳамда аконит уларга ҳеч бир зарар қилмайди.

Руфуснинг ҳикоя қилишича, канизакларни улар билан алоқа қилувчи подшоҳларни ўлдириш учун заҳар билан озиқлантирилар экан. Шунда уларнинг мизожини [заҳарлиликда] зўр даражага етиб, ҳатто сўлаклари ҳам ҳайвонни ўлдирар, уларнинг тупуги тушган жойга товуқ яқинлашмас экан.

Учинчи фасл. Заҳарларнинг турларини билиш учун далил

Гоҳо заҳарларнинг [қайси] турдан эканлигига улар туфайли баданда пайдо бўладиган офатлардан маълумот олинади. Агар ачишиш, шол-шол бўлиш, ичбуриш ва ўйиб ейиш каби ҳолат пайдо бўлса, заҳарнинг зирних, маргимуш¹ ва ўлдирилган симоблар каби ўткир, тез ва иссиқ дорилар хилидан эканлиги билинади. Агар қаттиқ алангала ниш, кўп терлаш, кўзда қизариш, беҳузурлик ва ташналик пайдо бўлса, булар заҳарнинг *фарфиюн* каби фақатгина ҳарорати туфайли [заҳар] эканлигига далолат қилади. Агар оғир уйқу, увушиш ва совуқ қоғиш пайдо бўлса, заҳарнинг || увуштирувчи нарсалар жумласидан эканлиги 387 маълум бўлади. Қувват тушиш, совуқ тер ва беҳушликдан бошқа ҳо-

лат юз бермаса, бу, инсонга ўзининг бутун жавҳари билан зидлашадиган заҳарлардан бўлиб, энг ёмонидир.

Гоҳо заҳарларга уларнинг ҳидидан далил олинади: ё бутун бадан ҳидидан,— масалан, афюн ичган кишидан унинг ҳиди келиб туради, — ёки бирор аъзонинг ҳидидан, масалан, «денгиз қуёни», аконит ва олакуланг каби саситиб чиритувчи заҳарлар ичилганда оғиз ҳидидан далил олинади. Гоҳо [касални] қустириб кўриб, ичилган заҳарга далил олинади, заҳар ичирилган кишини қустирилса, ичилган заҳарнинг жавҳари кўзга ташланиши эҳтимолдан узоқ эмас; ёки уни [қусуқ] ҳидидан ёки мазасидан ҳам билинади. Масалан, куйдирилган қўрғошин, ганч, қотган қон ва ивиган сутни кўриб билинади, шунингдек, афюн ичирилган бўлса, унинг ҳидидан, «денгиз қуёни» ва қурбақани эса тер ҳидидан билинади.

Тўртинчи фасл. Ёмон белгилар

Заҳар ичирилган киши ўзидан кетса ва кўзи олайиб, кўз қорачиғи кўринмай қолса, уни [тузалишидан] умид қилинмасин. Кўзи қизариб, тили осилиб қолса ҳам шундай. Томир уриши тушиб совуқ тер чиқса, бу ёмонлик белгисидир, бу ҳолда киши камдан-кам тирик қолади.

Бешинчи фасл. Заҳар ичирилган кишини даволаш қонуни

Даволашни кечиктирмаслик, балки [заҳарланганлик] сезилиши биланок, заҳарнинг қуввати баданга ёйилишидан бурун тезда даволашга киришиш керак. У кишига илиқ сув ёки кунжут ёғи ва зайтун ёғи ичириб, қустирилади, бу тадбирни мумкин бўлганича кўпроқ қўллаш лозим. Бу [ичирилаётган] нарсаларга укроп ва бурақ қуввати ўтказилса яхшироқ бўлади. Зайтун ёғига гоҳо *ҳузаз* ва *ғоз* ёғи қўшилади. Айтиб ўтилган нарсалар ва бошқа моддалар ёрдамида қусиш учун улар билан биргаликда кўпроқ сув ва [суюқ] овқат ичириш яхшироқ бўлади, чунки булар қустирмаган тақдирда ҳам заҳарнинг [қувватини] синдиради ва унинг устидан ғалаба қилади.

Заҳарланган киши мумкин қадар кўп қусгандан кейин кўп сут ичса, бу тадбир заҳарнинг зарарини синдиради, сутни [ҳам] қусиб ташласа зарари йўқ. Шунингдек, қичитқиўт уруғи қайнатмасини сариеф билан қўшиб ичилса, у ҳам қустириб ва ични суриб заҳарни ҳайдади; кейин сут ичирилади, сутдан кўра қаймоқ яхшироқ. Яна зинбир уруғи қайнатмаса, шунингдек, эритилган ғоз ёғи қўшилган ширин шароб ва ток ёғочи кулининг суви ҳам ичилади.

Қусилгандан кейин, айниқса, азият пастга тушгани сезилса, [220] ҳуқна ишлатиш керак. Агар бетоқатлик бупдан ҳам зўрайса, қустирадиган ва ич сурадиган нарса ичирилади; сут ичишни ҳам эсдан чиқарилмасин! Муҳр лойи тарёқи каби дори ичиришга эҳтиёж тушса, ичирилсин! Чунки бу заҳарни ҳайдашда яхши фойда етказди, айниқса, уни дастлабки пайтда ичирилса, заҳарнинг ҳаммасини қустиради. Унинг таркиби: дафна мевасидан икки *мисқол*, муҳр лойидан икки *мисқол* ва *гулсапсар илдизидан икки *мисқол* олиб¹, бу таркибни зайтун ёғи билан қориштирилади ва ҳар гал бир *бундуқадан* ичирилади.

Яна [бошқа таркиб]: бальзам дарахти уруги, қуруқ зуфо, ёввойи шолгом уруги, оқ ва қорамурч, узун мурч, игир, Рум арпабодиёни, тоғ петрушкаси, туёғўт, Кермон зираси ва мингдевона уругининг ҳар биридан тўрт *драхмийдан*, сунбул ва қорачайир гулининг ҳар биридан беш *драхмийдан*, Цейлон дорчинидан ўн саккиз *драхмий*, амом ва заъфаронинг ҳар биридан олти *драхмийдан* олиб², асал билан қориштирилади ва шароб билан қўшиб, Рум боқиласи оғирлигида ичириб турилади. Муҳр лойининг ўзини шароб билан ичириш [ҳам] шу хил таъсир кўрсатади.

Баъзи кишиларнинг айтишича, хўроз тезагини ўша заҳоти ичирилса, у заҳарни қустириб туширади.

Канавча шираси, қамиш барги, Рум сунбули, сабзи уруги, қундуз қири, фундуқ, анжирқоқи ва газгаўт ҳам ичирилади. Гальбан елимининг бадбўй хилидан тўрт *дирҳам*, *муррдан* бир *дирҳам* оғирлигида [олиб], ширин шароб билан ичириш бунинг учун яхши тадбир ҳисобланади. Қусгандан кейин касалда кучли алангаланиш юз берса, унга яхли сув ва совутилган гул ёғи ичир, шу билан бирга, [ичирилгани] қустириб ташлансин.

Заҳар ичган кишини ҳеч бир ухлатмаслик, уни талвасага тушиб, [ўзини йўқотишга] қўймай, огоҳлантириб туриш ва унинг олдида қаттиқ шовқин-сурон солиш керак.

[Табибга] масала аниқланиб, заҳарнинг [хили] маълум бўлса, ҳар бир заҳар турига [қарши] ўз жойида айтилган даво қўлланилади. Бу хил аниқланиш икки йўсинда: бири заҳарнинг қайси жинсдан эканлиги, иккинчиси қайси навдан эканлиги [билинади]. Биринчисининг баёни: [заҳарнинг] парчаловчи ўткир моддалардан эканлиги билинса, унга қарши *янги соғилган³ сут, қаймоқ, шунингдек, бодом ёғи ва сариеғ билан тайёрланган суюқ нашоста ҳалвоси ва ўткирликни синдирувчи ҳар бир нарса билан даво қилинади. Ёки унинг алангалантирувчи заҳарлардан эканлиги билинса, кофур, гул суви, кашнич суви ва шуларга ўхшаш нарсаларни ичириб совутилади; буларнинг ҳаммаси ях билан совутилган бўлсин. Касалнинг бошқарувчи аъзоларига қурбақа ўти

ва бошқа нарса қўйиб боғланади, уларни вақт-бавақт совутиб турилади. Сигир қатигининг совутилган айрони бундай ҳолларда жуда фойда беради. Томирдан қон олишга эҳтиёж тушса, олинади.

Агар заҳарнинг увуштирувчи моддалардан эканлиги билинса, тарёқ ва ангуза дорисини шаробнинг ёлғиз ўзи билан ичирилади; саримсоқ ҳам истеъмол қилинади. Унинг ўз жавҳари билан [бадан мизожига] зидлашувчи заҳар эканлиги билинса, унга [қарши] *митридат*, тарёқ, мушк дориси ва подзаҳрлар билан даво қилинади. Гўшт сели ва шароб ҳам истеъмол қилдирилади. Қасалга хушбўй [нарсалар сепилади]; унинг турган жойи шамоллатилади; унга хушбўй кийимлар кийдирилади, аксиртирилади, меъдасининг оғзини [сиртдан] ишқаланади; оғзига пуфланади ва сочини юлинади.

388 Заҳарнинг нави билинганда, унинг ўзига хос, биз келгусида баён қиладиган дори билан даво қилинади. Қисқаси, заҳарга қарши ичиладиган дорилардан || мақсад ё заҳарнинг ўткирлигини синдириш, ёки жавҳарини ўзгартириш бўлади,— масалан, сут ва *подзаҳр* билан, ёки заҳар жавҳарини чиқариб ташлаш мўлжалланади,— масалан, муҳр лойи билан, ёки мақсад [дорилар ёрдамида] заҳар кайфиятига қарши туриш бўлади,— масалан, чаён чаққан кишига саримсоқни шаробга солиб ичирилади.

Олтинчи фасл. Барча заҳарларга [қарши] умумий дорилар

Булар заҳарга қарши турадиган дорилар бўлиб, унинг юракка бориб етишига йўл қўймайди. Улар, масалан, тарёқ, *митридат*, синалган подзаҳр, муҳр лойи ва ундан тайёрланган тарёқ ҳамда тўрт нарсадан тайёрланадиган тарёқдан иборат.

Айтишларича, самбитгулнинг гули ва барги заҳар [зарари] дан қутқаради, тоғ арчасининг бужури ҳам бу соҳада ажойиб ва тенгсиздир, дейдилар.

Бундан ташқари, болдирғон ва унинг илдизидан баробар бир *дирҳамдан* ва арман дарманасидан икки *дирҳам* олиб, асал билан қориштирилади ва олма суви билан ичирилади; бундан тайёрланган дори ғоятда [фойдалидир]. Альп гунафшасининг илдизини шароб билан ичириш, шунингдек, ялпиз ва шолғом уруғини бериш ҳам [фойдалидир].

Шунингдек, дарахт пўкагидан [221] икки *дирҳамни* шароб билан [истеъмол қилинади]; сунбулсоч, ёввойи гулхайри, унинг уруғи, барги¹ ва қайнатмаси ҳам [ичирилади]. Шунга ўхшаш икки *уҳия* дорчин ва қўён илгини узум сиркаси билан ёки бир *мисқон* қундуз қирини

икки *уқия* зайтун ёғи билан ҳамда бўйимадоронни [ичирилади]. Темир-тиканнинг сиқиб олинган суви ҳам ичирилади. Сабзи уруғи, айниқса, *иклитийсининг*¹ уруғи, ангуза, *жулах* қайнатмаси, Рум сассиқ қавраги қайнатмаси, Эрон қавраги² дарахтининг уруғи жуда³ ажойибдир.

Мураккаб [дори]: Эрон ёввойи қавраги, қундуз қири ва қамиш баргининг ҳар бирдан бир бўлак, Абу Жаҳл тарвузининг этидан уларнинг ҳаммасига уч баробар олиб, бу таркибдан катта бир *бундуқа* миқдорида ичириб турилади.

Таъсири ўзидаги махсус хусусиятидан келиб чиқади дейилувчи дориларга келсак, масалан, айтишларича, тозалаб терисини шилиб қоқланган ёввойи латча гўшти заҳарларни ҳайдашда энг кучли дорилардандир.

Еттинчи фасл. Конлардан қазиб олинадиган ва бошқа хил маъданий заҳарлар

«Қизил тош» шулар жумласидандир. Бир кишининг ҳикоя қилишича, тошлар ичида маржонга ўхшаш заҳарли бир тош бўлиб, унинг бир *донақ* оғирлигидагиси ҳам ўлдиради, у тошни аконит каби бутун жавҳари билан таъсир кўрсатувчи ҳақиқий заҳарлардан ҳисоблайди ва унинг давоси аконитга [қарши қўлланадиган] даво кабидир, дейди. Бунга қарши энг фойдали дори *подзаҳрдир*.

Саккизинчи фасл. Симоб

Ўлдирилмаган симобни ичган кишиларнинг кўпчилиги зарарланмайди, чунки бу қуйи томондан қандай бўлса, шундайлигича чиқиб кетади. Аммо қулоғига ўлдирилмаган симоб қуйилган кишида қаттиқ алам ва ақл қоришуви юз беради; баъзан у тиришиш касаллигига олиб боради; у киши ўша [симоб қуйилган] томонда оғирлик сезади; симобнинг совуқлиги, тебраниб туриши ва оғирлиги сабабли мия жавҳари азиятланганидан, кўпинча, у тутқаноқ ва сакта касаллигига олиб боради.

Ўлдирилган ва буғлатилган симобга келсак, бу ёмон, зарарли ва парчаловчидир. Бундан куйдирилган қўрғошин ичган кишида юз берадиганга ўхшаш ҳолатлар, ичбуриб оғриши, ичак буралиши, [ичдан] қон ўтиши, тил [гапириш] оғирлашуви ва меъда оғирлашуви юз беради. У кишининг танаси шишади ва сийдиги тутилади.

Тўққизинчи фасл. Даволаш

Бунга қарши қустириш ва шунга ўхшаш тадбирларни қўллагандан кейин, масалан, *муррдан* уч *дирҳам* олиб шароб билан ичириш ёки асал сувини дам-бадам ичириб туриш яхши даволардандир. Шунга ўхшаш асал сувини бурақ билан қўшиб ҳуқна ҳам қилинсин. Ундан кейин ичак шилинишининг [дорилари] ва унга [қўлланадиган] ҳуқналар ишлатилади ҳамда умумий дорилар ёрдамида [у кишининг] юрагини кучайтиради.

Агар [симоб] кишининг қулоғига қўйилган бўлса, у киши ўша [симобли] томони билан бир оёқлаб сакраши керак; бунда у киши, айниқса, бошқа томондаги қўли билан бирор нарсани ушлаб туриб ўша [симобли] томони билан силкинаётганда, бошини [одатда] мумкин бўлгандан кўра кўпроқ эгсин. Қулоққа қўрғошиндан ишланган мил чўпини киргизиб, симобни милга илаштириб тутиб олмоқчи бўлган киши хато қилади. Чунки симобнинг ўша [мил чўпи киргизилган] жойда ва унинг яқинида эканлиги маълум бўлса, фақатгина силкиниш ва сакрашдан бошқа тадбирга эҳтиёж қолмайди. Агар [симоб] ундан кўра чуқурроқда бўлса, мил чўпи фойда бермайди ва симобга бориб етмайди.

Унинчи фасл. Қуйдирилган қўрғошин ва қўрғошин қипиғи

Қуйдирилган қўрғошин ичган кишининг бадани шишади, тили [гапириши] оғирлашади, сийдиги ва ахлати тугилади, баъзан [эса] ахлати тугилмай, балки ҳаддан ташқари ич кетади, [касал] меъда ва ичакларида оғирлик сезади, ҳатто, баъзан тўғри ичак чиқиб қолади, ичак шилиниши юз беради. Юқори ичакларда ел пайдо бўлади, қорин устидан тошдек қотган ғудда сингари нарса чиқади, у кишининг ранги қўрғошин рангига ўхшаб қолади, нафаси қисилади, бўғилиш юз беради. Баъзан у кишида *иловус* касаллигининг белгилари юз беради, баданининг ранги қўрғошин ранги каби бўлади.

Қўрғошин қипиғи ичган кишида ҳам шундай [ҳолат юз беради].

Ун биринчи фасл. Даволаш

Аввало, тезлик билан қустиришдан иборат умумий тадбирни қўллаш керак. Қустириш петрушка уруғи қайнатмаси, анжир, укроп ва бурақлар каби очиш хусусиятига эга бўлган нарса билан амалга оширилсин. *Муррдан* уч *дирҳам* олиб, шароб билан ичириш ёки Рум сунбулига уй кантари тезагини қўшиб, шароб билан ичириш керак; бу жуда яхши даводир. Ёки [222] эрман ва зуфо, ёки петрушка уруғи, ёки

айниқса, мурчни шароб билан ичирилади, ёки бир *дирҳам муррни* ярим *дирҳам* мурч билан ичирилади, ниҳоят, у киши терлайди. Олти *қирот сақмуниёни* асал сувига солиб ичирилади. У кишига бериладиган овқат доимо ёш қўзичоқ гўштидан тайёрланган қайнатма шўрвалар бўлиши керак.

Ич юришиши ва сийдикнинг равон бўлиши соғайганлик белгиси бўлади. Хулоса, [бундай заҳарланишни даволашда] терлатиб, сийдикни юргизувчи ва ични суриб очувчи дориларга эҳтиёж тушади.

Ун иккинчи фасл. || Қўрғошин упаси

389

Буни ичган кишининг тили оқаради, аъзолари бўшашади, йўтал ва ҳиқичоқ зўраяди, ақл қоришади, бадани ва мияси совуб қуриydi ва ҳушдан кетади. Баъзан [касал] томоғида тахирлик сезади, тилчак ва тилида дағаллик ва қуруқлик, қорнида ичбуриб оғриш, меъдасида ачишиш, юрагида оғриқ, қовурға тоғайларида тортишиш сезади ва нафаси қисилади; баъзан нафас қисилиши *хуноққа* [бўғилишга] бориб етади; бадан ранги оқаради, баъзан қора ёки қонсимон сияди.

Ун учинчи фасл. Даволаш

Бунинг давоси куйдирилган қўрғошин [ичганнинг] давоси каби-дир. Бундай кишига *сақмуниёни* асал сувига солиб берилади ва сийдикни юргизувчи дорилар ичирилади, ҳуқна қилинади, [у кишини] ухлашига йўл қўйилмайди; катта бобунанинг ёғи, гулсапсар ёғи ва наргис ёғи уни қустирадиган дорилар қаторига киради. Бундай [заҳарга қарши] дориларга олхўри елими ва «қайрағоч қони»¹ дориси қўшилади. Шунингдек, кунжутни кафтлаб олиб, чайнаб ейиш ва устидан *тило* шароби ичиш ҳам фойдали тадбирлардандир.

Ун тўртинчи фасл. Ганч

Бунда ҳам қўрғошин упаси [ичгандаги]дек ҳолатлар юз беради, бироқ [бунда] бўғилиш кучли бўлади. Буни қўрғошин упасига ва замбуруққа [қарши] қўлланиладиган даволар билан даво қилинади, сўнг-ра ични юмшатиш тадбири кўрилгандан кейин томоқнинг дагаллиги кетсин учун [касалга] ёпишқоқ ширалар ва юмшоқ суюқ овқатлар ичирилади. *Сақмуниё* ва шунга ўхшаш дори билан сурги қилдиришга эҳтиёж тушади, сургини бир неча марта қайта-қайта ишлатилади. Агар [шунда] ичак шилинса, уни даволанади. Ток новдаларининг тоғжамбили билан қўшилган кули ганч [ичиб заҳарланганга] қарши баён қилинган дорилардандир.

Ун бешинчи фасл. Шангарф ва маргимуш

Бу иккаласи [ичилганда] ўлдирилган симоб [ичгандаги] каби ҳолатлар юз беради. Лекин маргимуш, баъзан, кўп ич суради, бу унинг кучли белгисидир.

Д а в о л а ш. Бунинг давоси ўша [юқоридаги] давонинг худди ўзидир. Сўнг ёғлиқ суюқ овқатлар ва юмшоқ чарви ёғлари истеъмол қилинади.

Ун олтинчи фасл. Зангор

Зангор [ичиш]дан қаттиқ ич буриб оғриш, томоқда кучли ачишиш, ички аъзоларда парчаланиш¹ ва яралар пайдо бўлади. Бунинг давоси биз келгусида айтадиган зирних давоси кабидир.

Ун еттинчи фасл. Темир қипиғи ва чирки

Булардан қоринда қаттиқ оғриқ, оғизда қуруқлик ва аланга пайдо бўлади, бош кўп оғрийди.

Ун саккизинчи фасл. Даволаш

Сутга кучли сурги дорилардан баъзиларини қўшиб ичирилади. Кейин ўша ҳолатлар тўхтагунича сариёғ ва қаймоқ ичириб турилади; [касалнинг] бошига доимо гул ёғи, гунафша ёғи ва тол ёғини сирка билан аралаштириб қуйиб тўрилади. Баъзан буни ичган кишига тарқалиб кетган [қипиқ ва чиркини] ўзига йиғиб олсин учун озгина магнетит ичирилади, ундан сўнг айтиб ўтилган сурги дорилар берилади; баъзан ундан ҳар куни бир *дирҳам* ичирадилар. Сўнгра агар [заҳар меъдадан қуйига] тушган бўлса, уни сурсин учун сирпантирувчи ёғли шўрвани сигир сути ёғи қўшиб ичирадилар ёки агар [заҳар ҳали] меъдада турган бўлса, [шўрва билан] қўстирадилар.

Ун тўққизинчи фасл. Оҳак ва зирних

Буларнинг ҳар иккаласини қўшиб ичирилган кишида ич буриб оғрийди ва ичакларида яралар пайдо бўлади. Қиздириб ҳайдалган зирних ичирилган кишида маргимушдан пайдо бўладиганга яқин ҳолат юз беради. Гоҳо азият берувчи йўтал пайдо бўлади. Оҳакнинг ёлғиз ўзини ичирилган кишида оғиз қуриши, меъда оғриши, сийдик тутилиши ва ичдан қон ўтиш юз беради; оҳак сийдик билан чиқиб туради. Баъзан бундан қўл-оёқ совуб, беҳушлик келиб чиқади, гоҳо тил қурийди [223] ва бўғинлиш содир бўлади.

Игирманчи фасл. Даволаш

Олдин зарурий тадбир қўлланилади, кейин [касал] қуссин учун¹ иссиқ сувни гулоб ёки ёғ билан қўшиб ичирилади. Сўнгра зиғир уруғи қайнатмаси, гуруч қайнатмаси ва таратизак қайнатмаси ёки [кейинги] иккаласини қўшиб ҳамда асал қўшилган тугмачагул шираси ичирилади.

Ҳамма вақт сут, [турли] ширалар, ёпишқоқ ва ёғли нарсалар ва чарви ёғи [билан тайёрланган], айниқса, ёввойи гулхайри солинган шўрвалар ичириб турилади. Агар йўтал бўлса, юмшатувчи нарсалар билан даво қилинади.

Оҳак [ичган]ни ҳам қустириш, ҳуқна қилиш, ёғли ва юмшатувчи нарсалар билан даволанилади. Унинг давоси олақуланг [чаққан]нинг давосига яқин туради. Бу соҳада [табиблар томонидан] айтилган нарсалардан бири шуки, эшак сийдиги ва кийингўтдан икки *донақ* миқдорида олиб, иссиқ сувга солиб, [заҳарланган кишига] ичириб турилади.

Игирма биринчи фасл. Совун суви

Бунинг ҳолати оҳак ва зирнихникига яқин бўлиб, давоси [ҳам] ўшаларники кабидир.

Игирма иккинчи фасл. Зок ва аччиқтош

Бу иккаласи ичилганда кучли йўтал қўзғалиб, сил касаллигига олиб боради. Буларнинг давоси эшак сути ичиш, қаймоқ ва шакар ичиш, шунингдек, зуфоли ва шунга ўхшаш шарбатлар ичишдир.

Игирма учинчи фасл. Наҳорга совуқ сув ичиш

Совуқ сувни наҳорга ёки ҳаммомдан кейин, ёки жинсий алоқадан кейин ичилса, мизож бузилиш ва истисқо касаллиги хавфи туғилади.

Д а в о л а ш. *Лакк* давоси, заъфарон давоси ва шунга ўхшашлардир. Баъзан холис шароб кифоя қилади; уни [совуқ сув] устидан ичилади.

Игирма тўртинчи фасл. Усимликлардан [олинадиган] баъзи бир заҳарлар. Аконит

Аконит ёмон заҳарлардандир, буни ичган кишининг лаблари ва тили шишади, кўзлари [косасидан] чиқади, ҳадеб боши айлана беради ва ҳушидан кетади. Икки оёғи ишламай қолади. Бу ёмон [заҳар]дир, ундан оз киши қутулади, [қутулганда ҳам] ингичка оғриқ ёки сил ка-

салларига учрайди. Баъзап унинг ҳиди тутқаноққа учратади. Унинг сиқиб олинган суви билан ўқларни суғорилса, улар теккан кишини дарҳол ўлдиради.

Йигирма бешинчи фасл. Даволаш

Аконит ичган кишига тезда шолғом уруғи қайнатмасини ичириб, қустириш керак. Унга яна *тило* шароби ва сигир сариёғини устма-уст ичириб турилади. Шунингдек, дуб дарахти пўстлогининг қайнатмасини узум шаробига қўшиб ичирилади. Сўнгра фойдалироқ даво *подзаҳр*, мушк дориси, парпи, *буҳо* ва катта тарёқ қўлланилади; [булар] аконитга [қарши] маълум чегарагача фойда етказади.

390 Мушкни подзаҳр қириндисига || қўшиб ёки бир *дирҳам* миқдордаги мушк дорисини бир *қирот* мушк билан қўшиб ичирилса, энг фойдали нарсалардан бўлади.

Бир гуруҳ [табиблар]нинг айтишича, ковул илдизи аконитнинг подзаҳридир. Ҳамма подзаҳрлар унга қарши яхши [таъсир қилади], айниқса, аччиқтошга ўхшаган ва куйдирилган қўрғошин иплари каби ипларга эга бўлган [нарсалар] аконитга [қарши фойдалидир].

Бишмуш деб аталадиган жонивор шундай бир сичқонки, агар унинг [гўштини ейилса], аконитга қарши курашади ва унинг таъсирини кетказади.

Йигирма олтинчи фасл. Қурун ус-сунбул

Буни ичган кишида *сарсом* [касаллиги] белгилари юз беради, тил қораяди, эрлик олатидан қон томчилайди.

Йигирма еттинчи фасл. Даволаш

Илитилган гул ёғи ва шунга ўхшаш нарса билан қўшилган арпа сувини ичириб, қустиришдан иборат умумий тадбир [қўллангандан] кейин бир *мисқол* кофурни бир *уқия* гул сувига солиб ичириш, [касалнинг] жигари ва юрагига кофур ва сандал қўшилган кучли совутувчи *қуюқ суртмалар¹ қўйиш керак. Нордон олма толқони ва арпа толқонини ях суви билан қўшиб, гулобга солиб ичириш зарур. Нордон анор суви, ёввойи гулхайри шираси, тарвуз суви, арпа суви ва итузум сувини ичириш керак, шунингдек, нордон қатиқ ҳам ичириш лозим.

Йигирма саккизинчи фасл. Қуниюн

Бу дорининг [нима эканлигини] мен билмайман; айрим тахминларга кўра аконитга ўхшаш нарса деб ўйлайман. Бу дорига хос белгилар: айтишларича, буни ичган кишида қорин ачишиши, ҳиқичоқ ва беҳуш-

лик юз беради, юз, айниқса, лаб бутунлай сарғаяди, нафас совуқ ва сассиқ бўлади; бадан ҳўл бўлади ва увушади, бош оғирлашиб, ақл қоршади, [224] томир уриши кичиклашиб узилиб-узилиб қолади, совуқ тер чиқади, [касал] қорайиб¹ ўлади.

Бунинг давоси аконит [ичганга қарши] даводир.

Иигирма тўққизинчи фасл. Баъзи бир заҳарли иссиқ [мизожли] дорилар. Ф а р ф и ю н

Бундан қаттиқ беҳузурлик ва алангаланиш юз беради; қорин ачишади ва ҳиқичоқ тутади, баъзан ҳаддан ташқари ич кетади.

Ўттизинчи фасл. Даволаш

Қустирилади, сўнг совутиш [тадбирини қўллаб], сариёғ ва кўп қаймоқ ичирилади, кейин *қурун ус-сунбул* [ичган]ни даволаш каби даволанади. [Касал] нордон-чучук анор суви, нордон-чучук олма суви ва қатиқ сувини ича берсин.

Ўттиз биринчи фасл. Яттуъларнинг сутлари

Булар содда дорилар [китобида] санаб ўтилган еттита [ўсимликнинг]² сути, айниқса, елимли сутли ўт сути, *ушар*³ сути ва *логия* сутидир. Булардан ҳам *фарфиюн* [ичиш]дан юз берадиган [қорин] ачишиш ва ҳаддан ташқари ич кетиш пайдо бўлади. Буларнинг қувватини айрон, сариёғ ва қаймоқ [ичириб] синдириш керак. Булардан пайдо бўладиган ичдан қон ўтиш ёки қон сийишга қарши ўз бобида айтилган нарсалар билан даво қилинади. Елимли *яттуъ* сутининг икки *дирҳами* ўлдиради, дейилган; бунинг давоси ях сувида чўмилишдир.

Ушар сутининг уч *дирҳами* икки кун ичида ўлдиради; у жигарни бурдалаб ташлайди. Бунинг давоси ҳам юқоридагичадир.

Ўттиз иккинчи фасл. Сақмуниё

Бундан икки *дирҳам* вазнида ичилса, ўлдиради. Буни [ичгандаги] аҳвол биз айтиб ўтганларга яқиндир. Унинг [заҳарли] таъсирини айрон, олма толқони, беҳининг қайнатиб қуюлтирилган шираси, ровочнинг қайнатиб қуюлтирилган шираси ва татим бериб синдирилади.

Ўттиз учинчи фасл. Мозариюн ва маҳсар⁴

Мозариюндан икки *дирҳам* ичилса, ўлдиради. Буни ичганда қушиш ва ҳаддан ташқари ич суриш пайдо бўлади. Қора маҳсар кўп-

роқ ўлдиради, уни ичганда [бадан] ичкарисиди қаттиқ ачишиш, бутун баданда оғриқ, қичиш, ҳиқичоқ, кейин балғам ва кўпик қусиш пайдо бўлади; сўнгра *кузоз* келиб чиқиб, товуш бўғилади.

Уттиз тўртинчи фасл. Даволаш

Унинг таъсирини синдириш учун янги соғилган сут ва сариёғни мутгасил ичириб туриш, шунингдек, гулоб ичириш зарур. Агар иш зўрайса, тарёқ, *митридат* ёки муҳр лойи дорисини ичирмай чора йўқ. Зарари тўхтаса, бузилган мизожни кетказиш учун улардан кейин бир неча кунгача *сиканжубин* ва сачратқи ичирилади.

Уттиз бешинчи фасл. Самбитгул

Бунинг кўп [миқдордагиси] одамлар ва от [каби жониворларни] ўлдиради, ози эса қаттиқ беҳузур қилади, қоринни кўпчитади ва зўр алангаланишни келтириб чиқаради. У иссиқ, қуруқ, ачиштирувчи ва парчаловчидир. [Ичида] самбитгул ўсадиган сув ёмондир, у сувни [ичмасликнинг] иложи бўлмаса, уни буғлатиб томчилатиш ёки унга ширин нарсалар аралаштириш лозим.

Уттиз олтинчи фасл. Даволаш

Оғизга сариқ йўнғичқа қайнатмасини ва йирик хурмони солиш керак; бу ажойиб таъсир кўрсатади. Тоғ мурчи уруғи, тоғ мурчининг ўзи ва унинг қайнатмаси ҳам самбитгулга [қарши] тарёқдир. Асал билан анжир, шакар, гулоб, барча ширинликлар ва узумнинг қайнатиб қуюлтирилган шираси фойдалидир. Шу билан бирга, сен бир неча марта билиб ўтган ёғлиқ ва ёпишқоқ нарсаларни бериб, улар кетидан ҳуқна ишлатиш зарурдир.

Уттиз еттинчи фасл. Балозур

Бундан томоқ ва ички аъзоларда парчаланиш ва алангаланиш, шунингдек, ўткир касалликлар келиб чиқади. Гоҳо баъзи аъзолар ишламай қолади, [касал] бундан қутилганда ҳам, унинг савдони куйдириши сабабли васвасага учрайди. Бунинг икки *мисқоли* ўлдиради. Гоҳо баъзи кишиларга улардаги бирор хосият сабабли, айниқса, уни ёнғоқ билан қўшиб есалар, зарар қилмайди. Бир кишининг уни ёнғоқ билан қўшиб еб юрганини ва зарарланмаганини кўрдим.

Ўттиз саккизинчи фасл. Даволаш

Ачишиш ва оғриқ тўхтасин учун бодом ёғи, кунжут ёғи, қаймоқ, сариёғ, янги соғилган сут, ёғлиқ шўрвалар ва шуларга ўхшаш нарсалар ичирилади. Кейин сигир сутининг ях билан совутилган қатиғи, совутилган гунафша ёғи, || совутилган арпа суви ва меваларнинг совутилган суви ичирилади. Сўнгра касални яхли сувга ўтқазилади ва *сарсом* давоси билан даволанади. Санавбар донаси даволашда қўлланиладиган нарсалардан ҳисобланади; ёнғоқ эса балозурнинг *подзаҳридир*. 391

[225] Ўттиз тўққизинчи фасл. Айиқтовон

Бу ҳам ўткирлиги сабабли ўлдирувчи дорилардан бўлиб, унинг давоси балозур давоси кабидир. Ёғлар бунинг зарарини жуда қайтарувчи нарсалардандир.

Қирқинчи фасл. Тоғ майизи

Бунинг белгилари ва давоси олакуланг [ичгандаги] белгилар ва даво кабидир; бу ҳақда келгусида яна айтамыз.

Қирқ биринчи фасл. Ёввойи газাগўт

Буни ичган кишининг кўзи ўйнаб чиқади ва унда куйиб ёниш билан кучли алангаланиш юз беради.

Д а в о л а ш. Иссиқ сув ва зайтун ёғи бериб қустириш, кейин самбитгул ва шунга ўхшашларга (қарши) даво билан даволаш керак.

Қирқ иккинчи фасл. Софсиё

Бу тоғ газাগўтининг елиמידир, буни тотиб кўрган киши тоғ қора райҳонининг таъми каби маза сезади. У ўткир [заҳардир]. Уни ичиш натижасида ҳар икки йўлдан келадиган нарса тўхтайдиган ва тил шишади; шунингдек, қорин қулдураш, ел, томоқ ва меъдада [ачишиб] куйиш ва кўз гўлагининг ўйнаб чиқиши юз беради, юз қизаради. Баъзан унинг ўткирлиги сабабли баданга эшакем ҳам тошади. Қўпинча, у беҳушликка ва нафас кичиклашишига олиб боради.

Қирқ учинчи фасл. Даволаш

Бунинг давоси тезда қустириб, ундан кейин сут, сариёғ, қаймоқ ва арпа суви ичириш, гул ёғи ва янги соғилган сут билан томоқни чайдириш, *сиканжубин* ва эрман ивитилган сув ичиришлардан иборат-

дир. Эрман уруғи, сақич, сассиқ қаврак илдизи, каклигўт қайнатмаси [табиблар] фикрича *софсийёга* [қарши] подзаҳр сифатида машҳур нарсалардандир. Қундуз қирининг иситилган сирка ёки асал билан қўшилгани ҳам шундай дейдилар. Бу [маълум] бир хусусиятга ёки бадандан [заҳарни] тарқатишига кўра бўлса керак. Аммо кўриниб турган заруриятга кўра совутиш яхшироқ.

Қирқ тўртинчи фасл. Сафроўт¹

Унинг белгилари ва давоси етмак ва қора харбақ [ичганининг] белгилари ва даволарининг [ўзидир].

Қирқ бешинчи фасл. Чин ҳаб ус-салотини

Бундан жуда зўр ич суриш юз беради.

Давоси. Иложи бўлса қустириш, янги соғилган сут ва қаймоқларни дам-бадам ичириб, [заҳар] қувватини синдириш ёки айрон ичириш ва ич суришини тўхтатиш билан машғул бўлиш керак. Баъзан бунинг зарарига [қарши] ва ич суришини тўхтатиш учун тарёқ ёрдам беради.

Қирқ олтинчи фасл. Етмак, оқ харбақ, артанисо, ёввойи бодринг шираси, седананинг ёмон хили, дарахт пўкагининг қораси

Етмак жуда кўнгил айнитади, баъзан шу сабабли бўғилиш пайдо қилади, *артанисо* билан оқ харбақ ҳам шундай, улар кўнгилни айнитиб қустиради; баъзан ҳайдалмайдиган нарсани йиғади ва ҳатто бўғади, баъзан ични қўзғатиб суради. [Мазкур заҳарларнинг] ҳаммаси кишини беҳушликка, қувват тушишига, совуқ тер чиқишига ва тиришиш касаллигига олиб боради. Айниқса, оқ харбақ ва дарахт пўкагининг қора хили бу жиҳатдан ўз таъсирлари билан бир-бирларига жуда ўхшайди.

Жолинусликнинг айтишича, оқ харбақ ичган кишининг томир уриши аввало кенг, сийрак, жуда кучсиз ва жуда суст бўлади. Чунки туғма ҳарорат дафъатан дори қуввати етган кўп модда тагида бўғилиб қолади ва табиатнинг ўзи уларни ҳайдай олмайди, қусиш бошлангач томир уришида тартибсиз нотекислик юз беради, чунки ички қувват қисилиб қолади. Томир уриши тартибга тушиб, текислаша бошласа, касалнинг аҳволи яхшиланади, агар касалнинг ҳолати яхшиликка эмас, балки ҳиқичоқ ва тиришишга томон ўзгарса, томир уриши занф. нотекис ва жуда кетма-кет бўлади, агар касалда бўғилиш пайдо бўлса, томир уриши тартибсиз, сийрак ва жуда суст бўлади². Баъзан рутубат сабабли томир уриши тўлқинсимон бўлади.

[Оқ] харбақ итларни ўлдирувчи нарсалардандир.

Қирқ еттинчи фасл. Даволаш

Ўзингга маълум бўлган нарсалар билан тезда қустириш ёки Абу Жаҳл тарвузининг эти билан кучли ҳуқна қилиб зарарига кўмаклашаётган нарсани тушириб юбориш, сўнгра замбуруғ бобида айтилган нарсалар билан бўғилишга қарши даво қилиш керак. Агар қусуқ кам бўлса, бошланишда қусиш бўлса, аммо кўп нарса тушмаса, [касалга] илиқ сув ичириб қорнини тўлгазиш, сўнг қустириш, кейин яна [шуни] такрорлаш керак. Агар тиришиш юз берса, сут ва кўпгина сариеғ ичирилади ва [касалнинг] бўғинларига юмшатовчи мумли суртмалар суртилади; доимо мўътадил ваннага тушириб турилади [226] ва қуруқ тиришишга [ишлатиладиган] даво билан даволанади.

Қирқ саккизинчи фасл. Қора харбақ

Бундан кўп ва қаттиқ ич суриш ва бўғилиш пайдо бўлади, ундан икки *дирҳамини* ичирилса, тириштириб ўлдиради. Бу [ҳолатдан] олдин хафақон, тилнинг ачишиб кўйиши, тилни тишлаш, кўп кекириш ва қорин дам бўлиши юз бериб, кейин киши тиришиб ва қалтираб ўлади.

Қирқ тўққизинчи фасл. Даволаш

Бу [харбақ]нинг қувватини билиб ўтган нарсаларнинг билан, шунингдек, эрманни шаробга солиб ичириш билан синдирилади ёки зира, Рум арпабодиёни, қундуз қири ва сунбулдан баробар бўлакларни олиб, шу таркибдан икки *дирҳамга* яқинини шароб билан ичириб турилади. Қорин дамлигига қарши иситилган латта парчалар ва билиб ўтган [нарса]ларингдан ел тарқатовчи компресслар қўйилади. Кейин [касалга] асал ва янги сариеғ қўшиб, ҳўл пишлоқ берилади; ёғли шўрвалар, ширин шароб ва кўп сув қўшилган шарбатлар берилади. Агар [харбақдан] тиришиш пайдо бўлса, оқ харбақ бобида айтилган нарсалар қўлланилади. Ич суриши ҳаддан ташқари бўлса, касални совуқ сувга ўтқазилади ва унга [турли] қайнатиб қуюлтирилган ширалар ва ични тўхтатовчи дориларни ичирилади.

Эллингинчи фасл. Қирмдона

Бунинг икки *дирҳамини* ичишдан қичима ва шиш пайдо бўлиб, кейин у ўлдиради. Бунинг давоси *фарфиюн* [ичганни] даволаш кабидир.

392

Эллик биринчи фасл || Далачой уруғи

Бундан кўп ичилса, ўлдиради.

Буни билиб ўтганларингга мувофиқ қустирувчи, ич сурувчи дорилар, сут ва ёғлиқ [нарса]лар билан даволанади.

Эллик иккинчи фасл. Канақунжут ва кунжут кунжараси

Айтилишича, бу иккаласини жуда қаттиқ сиқиб, олинган нарса ўлдирувчи заҳардир. Буни умумий [заҳарларга қарши] ишлатиладиган дорилар билан даволанади.

Эллик учинчи фасл. Қундуз қири

Бунинг тахирлашиб қолганини [ишлатганда] *забҳа*¹ билан бирга иссиқ *барсом* касаллигининг белгилари юз беради. Бу, айниқса, унинг қора ва сассиқ² хили ҳамда қорамтир хили ўлдиради.

Эллик тўртинчи фасл. Даволаш

Укроп³ ва ялпиз суви, асал билан бирга Сабистон олхўриси ва *тило* шаробини бериб қустириш керак. Кейин нордон нарсалар, масалан, *цитроннинг* нордон суви, нордон меваларнинг қайнатиб қуюлтирилган ширалари, узум сиркасининг ёлғиз ўзи, сигир қатиғи ва олма шираси ичирилади. Эшак сути ҳам ғоятда [фойдалидир].

Эллик бешинчи фасл. Ёввойи пиёз

Буни истеъмол қилинса ва яхши хилини кўп ейилса ҳам ичаклар ва жигар каналлари яраланади, бундан олдин ич буриб оғриш ва [ички аъзолар] бурдалангандек [оғриқ сезилади].

Эллик олтинчи фасл. Даволаш

Шу [ҳолат]лар юз берганда қиздирилган темир парчалари солиб қайнатилган сут, сиркада қайнатилган тухум сариғи, [машҳур] уруғдан тайёрланадиган элаки, қовурилган индов ва шуларга ўхшашларни тезлик билан ичириш керак.

Эллик еттинчи фасл. «Бўри бўғувчи» ва «қоплон бўғувчи»

Булардан еган кишининг танглайи, тилчаги, қизилўнгачи ва ўпка найида тахирлик ва шиш билан бирга қуруқлик пайдо бўлади; оғзи-

дан тутунга ўхшаш ёмон¹ буғ чиқади; иш тил боғланиш ва икки чакканинг учишига, кейин қалтираш, тиришиш, ранг хиралиги ва бўғилишгача бориб етади. Шу билан бирга, қоринда қулдураш ва кўп ел пайдо бўлади. «Қоплон бўғувчи»ни ичган киши ўрнидан турмоқчи бўлганида кўзи тиниб, боши айланади ҳамда иккала кўзида рутубат бўлади; унинг кўкраги оғирлашади. «Қоплон бўғувчи» Гераклея ерида ва бошқа жойларда ўсади; бунинг мазаси аччиқ, ҳиди эса ёмондир.

Эллик саккизинчи фасл. Даволаш

Тударий [қайнатилган] сувни бериб тезда қустирилади, сўнгра ҳуқна қилинади, кетидан тоғ каклик ўти, канавча, газавут, эрман ва арман дарманасини шароб билан ичирилади; ёки ер бағирлаб ўсувчи савнабарни шаробга солиб берилади, ёки [227] бальзам ёғидан бир ярим *дирҳамни* шаробга солиб ичирилади. Шаробнинг яхшиси ичида [қиздирилган] темир ёки кумуш, ёки тилла ўчирилганидир. Темир чиркиннинг ўзи ҳам яхши доридир; [касалга] яна панирмоя, айниқса, тоғ эчкиси, кийик ва улоқ панирмояси, кейин ёғлиқ шўрвалар ичирилади.

Эллик тўққизинчи фасл. О з о д д а р а х т

Бунинг барги чорва молларини ўлдиради; баъзан чўпи ҳам ўлдириши мумкин.

Бунинг давоси умумий бўлиб, самбитгул [ичгандагига] яқиндир.

Олтмишинчи фасл. Шоли қипиғи

Энг қадимги [табиб]лардан бирининг айтишича, шоли қипиғи ичирилган кишининг оғиз ва тилида ўша заҳотиёқ оғриқ пайдо бўлиб, тили шишади, кейин оғриқ қизилўнғач, меъда ва ичакларга боради, бутун бадани алангалади. Буни заҳарлар қаторига киритганлар.

Олтмиш биринчи фасл. Даволаш

Буни олакуланг [ичгандаги] дори билан даволанади. У кишига ичириладиган зайтун ёғида беҳи қайнатилган бўлиши керак.

Олтмиш иккинчи фасл. Қичитқийўт уруғи

Бундан ёввойи пиёз [ейиш]дан юз берган ҳолат пайдо бўлади ҳамда у кучли йўталтиради.

Бунинг давоси ёввойи пиёзга қарши қўлланиладиган давонинг ўзидир. Бироқ йўталга қарши юмшатовчи дорилар, масалан, арпа суви қўшилган гунафша шарбати ва бундан бошқа йўтал дорилари билан даволанади.

Олтмиш учинчи фасл. Ёмон қора¹ турбуд

Бундан ҳам қора харбақ ва дарахтнинг қора пўкагидан юз берадиган ҳолатлар пайдо бўлади.

Давоси ўшаларни [ичгандаги] даво кабидир; бодом ёғини кўп ичиш эса бунинг ўзига махсус даводир.

Олтмиш тўртинчи фасл. С у р д у н и ю н²

Бу дорининг хусусиятини билмайман. Бунга [қарши] умумий даводан ўзга даво йўқ. Буни ўткир дорилардан деб гумон қиламан; бироқ ўткир дорилардан бўлмаслиги ҳам мумкин. Айтишларича, бу дори ичилса, ақл қоришуви ва тортишиш юз беради, ҳатто, тортишишдан лабда кулганга ўхшаш ҳолат кўриниб туради. Шунинг учун юнонликлар «ана у сурдуниё³ кулиши билан куляпти», дейдилар.

Олтмиш бешинчи фасл. Даволаш

Буни умумий даволар билан даволанилади; бир [табибнинг] айтишича, буни ичган кишини қустириш, сўнгра унга асал суви ичириш керак. Бундай кишига сут ичириш, баданига қиздирувчи ёғлар суртиш, иссиқ ванна қабул қилдириш, уқалаш ва ёмон хил тиришишни қайтарадиган дорилар фойда беради.

Олтмиш олтинчи фасл. Т у н и ю н⁴

Бунинг ҳам табнати ва давосини билмайман. Буни ўткир дорилардан деб гумон қиламан; бироқ ўткир дорилардан бўлмаслиги ҳам мумкин. Айтишларича, у лабда ва тилда флегмона пайдо қилади, шунингдек, жиннилик, васваса ва томир уриши пасайишини келтириб чиқаради.

Олтмиш еттинчи фасл. Тахирлашиб қолган мағизлар

Булар[дан туғиладиган] ҳолат ва унинг давоси ёввойи пиёз ва қичитқийўтлар [боби]да айтилганларга яқиндир. Айниқса, меваларнинг қайнатиб қуюлтирилган ширалари, масалан, ғўра узум, ровоч ва олма шираси бериб [даволанади]. Буларни ейилса, кўнгил айниш, беҳушлик ва беҳузурлик юз беради. Бу мағизлар, масалан, ёнғоқ, ўрик данаги, норжил ва бодом мағизларидир.

Олтмиш саккизинчи фасл. Наҳорга ичилган холис шароб

Бу, айниқса, бадантарбия ва чарчагандан кейин [ичилса] ва, хусусан, шароб қуюқ ва ширин бўлса, кўпинча, бўғилиш, оғриқ ва алангаланишларни пайдо қилади.

Олтмиш тўққизинчи фасл. Даволаш

Бунинг давоси, агар лозим топилса, томирдан қон олиб ва сурги [дори] бериб бўшаттиришдир. || Қусиш, агар осонлик билан бўлса, жу- 393 да яхши даво ҳисобланади. Кейин совуқ сув ва совуқ бўза ва ачиган қатиқ суви, мева сувлари, кофур кулча дорилари ва шуларга ўхшаш совутувчи нарсалар берилади.

[228] Етмишинчи фасл. Ёмон асал

Бунинг аксари Гераклея мамлакатидан келтирилади; бу асал ўткир бўлиб, уни ҳидлаган киши аксиради. Бундан ёввойи пиёз, қичитқийт ва шуларга ўхшашлардан пайдо бўлгани сингари ёмон ҳолатлар юз беради. Буни ҳидлаган киши тезда ҳушдан кетади ва совуқ тер чиқаради.

Асалнинг яна бошқа бир ёмон тури бор, ундан юз берадиган ҳолатлар ва уларни даволаш ҳукми сассиқалаф [ичгандаги] ҳукм кабидир.

Етмиш биринчи фасл. Даволаш.

*Бунинг давоси¹ газагўт ва тузланган балиқ ейиш ва *унумолий*² деб аталадиган шароб ичишдир. [Касал] мумкин қадар шуларни еб ва ичиб қусиб туради.

Етмиш иккинчи фасл. Асал майвизак

Буни ичилганда қорин қулдураши, ич кетмасдан, ич буриб оғриш ва бош айланиш юз беради.

Етмиш учинчи фасл. Даволаш

Сув ва асал ичириб қустириш, енгил [юмшоқ] ҳуқна ишлатиш керак. Бунга [қарши] анчагина узум шароби қўшиб эрман ичириш ва сиканжубин³ фойда қилади. Таратизак қайнатмаси, шунингдек, қундуз қири билан бирга сунбул ва мурчлар бунинг ўзига хос дорилардир. Унга иссиқ сув ва сирка билан компресс ҳам қилинади.

**Етмиш тўртинчи фасл. Заҳарли совуқ ўсимликлардан
иборат айрим дорилар**

Афюн. Афюн ичган кишининг қўл-оёғи увушиб совуйди, унда қичима пайдо бўлади, [баданидан] афюн ҳиди келиб туради, боши айланади, ҳиқичоқ тутади, кўз олди қоронғиланади, томоқ ва нафаси қисилади; [нафаси] кичраяди, қўл-оёғининг [ранги] хиралашади, лаби ва

юзи сарғаяди, кекириши қийинлашади, оғир уйқу босади, тили тутилади ва кўзи чуқур ботади. Кейин бўғувчи *кузоз*, совуқ тер, *совуқ нафас¹ ва ўлимга олиб боради. Бунинг қонни қуюлтириб юргизмай қўйиши, руҳни совутиши ва нафас аъзоларини тириштириши ўлдиришининг сабабларидандир. Афюндан икки *дирҳами* ўлдирувчи бўлиб, икки кун ичида ўлдиради, айниқса, шароб билан ичирилса шундай бўлади. Шароб туфайли [афюн] кучлироқ таъсир қилади, лекин шароб афюнга қарши тура оладиган даражага етган бўлганда бундай бўлмайди; биз [заҳарлар таъсири] қонунида айтганимизга кўра [афюн] иссиқ [мизожли] баданлар учун [зарарлироқ], чунки унга қарши қаттиқ курашади ва уларга тез сингийди.

Етмиш бешинчи фасл. Даволаш

Бунда ёғ, сув, туз ва бурақ ҳамда *сиканжубин* ва асал билан сув бериб, қустиришдан иборат [ҳамма заҳарлар учун] умумий бўлган бўшатиш қўлланилади, кейин кучли ҳуқна [дори] билан ҳуқна қилинади. Эрман билан қўшилган *сиканжубин* ҳамда шароб билан эрман афюнга қарши ишлатиладиган дорилардандир. Ангуза эса унинг тарёқидир. Дорчиннинг ёлғиз ўзи ва сирка *ҳам *сиканжубин* билан қўшилгани² ҳам шундай [таъсирга эга]. Айниқса, қундуз қири ёки шароб, *сиканжубин* билан қўшилган мурч, ёки какликўт, газагўт ва туз ҳам шундай; сирка ёки асал билан биргаликда гул ёғи ва саримсоқ ҳам шундай; ёнғоқ бундан яхшидир.

Тоҳо афюн ичган кишига шуни ўзига хос тарёқ ичирилади; *унинг таркиби³: ангуза, арча бужури, қундуз қири ва мурчлардан баробар бўлақларни олиб асал билан қориштирилади. Унинг бир ичими бир *набқадан* бир *жавза* [ёнғоқ] вазнигачадир. Бир *мисқол* ангузани йигирма беш *дирҳам* хушбўй шаробга солиб ичирилса, кўпинча, афюн [зарари]дан қутқаради. Кўп миқдордаги эскирган шароб, айниқса, унинг суюқ, хушбўй, кўп сув кўтарадигани ва дорчин қўшилгани бунга [қарши] ажойибдир. Шароб билан ичиладиган тарёқ, *сажазониё* ва *митридат* каби дори йўқдир. Афюн ичган кишига етмак ва шунга ўхшаш нарсалар [ҳидлатиб], уни аксиртириб миясини қимирлатиш керак, чунки бу афюннинг [ўлдирувчи] сабабларини даф қилишда яхши чора ҳисобланади.

У кишининг сочини юлиш, ухлатмаслик, баданига иссиқ ёғлар, масалан, қуст ёғи ва гулсапсар ёғи суртиш ва унга қундуз қири ҳамда омилта шираси кабиларни ҳидлатиш керак. [Қасал] тиришмаслиги ва қичимасининг кучаймаслиги учун уни иссиқ ваннага ўтқазиш лозим, ёғлиқ шўрвалар, айниқса, илик ва чарвилар истеъмол қилсин.

Етмиш олтинчи фасл. Бангидевона меваси

Буни истеъмол қилинса, бош айланиш, кўзларнинг қизариши ва пардаланиши, мастлик ва оғир уйқу пайдо бўлади. Гоҳо бунинг, айниқса Ҳиндистонда бўладиганининг бир *мисқоли* ўша куниёқ ўлдиради; ўлишдан олдин совуқ тер чиқади ва нафас совуғди. Аммо ярим *дирҳамдан* ками [229] оғир уйқуга учратиб, маст қилади, [аммо] ўлдирмайди; фақат заиф кишиларнигина [ўлдиради].

Етмиш еттинчи фасл. Даволаш

Бунинг энг зўр давоси табиий сода, сув ва ёғ бериб қустиришдир. Сариеғ унинг тарёқи ҳисобланади, бу билан бирга анчагина шаробга мурч, назла ўти, дафна меваси, дорчин ва қундуз қири қўшиб ичирилади. Қўл-оёқларни иссиқ сувга солиш, баданни [иссиқ] латталар ёрдамида иситиш, бон ва қуст ёғи билан ёглаш, мумкин қадар ҳаракат ва бадантарбия қилиш ҳам фойда келтиради. Бундан кейин ёғлиқ овқатлар ва ширин шароб берилади ва афюн [ичгандаги] барча чора қўлланади.

Етмиш саккизинчи фасл. Меҳригиёҳ илдизи

Бундан бангидевона меваси [истеъмол қилингандаги] белгилар — литаргия, қичима, *кузоз* ва карлик каби ҳолатлар юз беради. Бунинг энг ёмон қисми пўстлоғидир; уруғи шунга яқин бўлади: [меҳригиёҳнинг] пояси ҳам гоҳо шундай ҳолатлардан биронтасини келтириб чиқаради.

Етмиш тўққизинчи фасл. Даволаш

Бунинг давоси бангидевона меваси ва афюн давосига яқиндир. Эрманни шаробга солиб бериш, шунингдек, мурч, қундуз қири, газагўт ва хардалларни ҳам шундай қилиб ичириш керак. [Меҳригиёҳ билан заҳарланганлар] ва увушиш касалига учраганларнинг ҳаммаси учун хардал билан сирка фойда қилади.

Шунингдек, юқоридаги айтилган дорилар билан [касални] аксиртирилади; || унга зифт ва ўчирилган пилик тутуни ҳидлатилади. [Касалнинг] бошига узум сиркаси ва гул ёғи ҳам қўйиш керак. Уларни ухлатилмасин, балки сочларини юлиб, аксиртириб ва бош бармоқлари тагини ишқалаб, уйғотиб турилсин.

Саксонинчи фасл. З а р у ф и н у н¹

Игузумнинг бир тури бўлиб, «жинни қилувчи» деб аталади. Ўзи увуштирувчи [дори]лар жумласидан бўлиб, табиати мингдевонага ўх-

шашдир; у маст қилади, бундан олдин қаттиқ кўнгил айниш, ҳиқичоқ, ич буриб оғриш ва *иловус* каби ҳолат юз беради. Баъзан қон қустиради, ич суради, [кишини] беҳушликка олиб боради; оғир уйқуга учратади. Бутун баданни увуштиргандан кейин тўрт — етти кун орасида ўлдиради. Давоси умумий даводир.

Саксон биринчи фасл. Мингдевона

Буни ичган кишининг аъзолари бўшашади, тили шишади, оғзидан кўпик келади, икки кўзи қизаради, боши айланади, кўз [олди] пардаланади, нафаси қисади, қулоғи эшитмай қолади, бадани ва тиш милки қичийди ва маст бўлиб, ақли қоришади; баъзан тутқаноқ тутлади. Буни ичган кишилар баъзан турли товушлар чиқаради: гоҳ ханграйди, гоҳ кишнайди, гоҳо бўкиради ва гоҳо қағиллайди.

Саксон иккинчи фасл. Даволаш

Тезда асал билан сув ёки сигир, эчки ва қўй сутларини асал билан ва асалсиз ичирилади; яна сариеғ ҳамда зайтун ёғида қайнатилган санавбар донаси, санавбар бодоми¹, ёки анжир қайнатмаси, яна анчагина ширин шароб ёки қовурилган пиёз берилади: [шунингдек] турп уруғи, хардал, индов, қичитқиўт уруғи [қайнатмалари] ва барча парчаловчи ўткир [нарсалар] ичирилади; яна пиёз, саримсоқ, турп ва буларнинг уруғларининг [қайнатмаси] ичирилади; *митридат*, тарёқ, *сажазониё* ва шунга ўхшаш нарсалар ҳамда афюн тарёқи каби [фойдали] нарса йўқдир. Уни қустириш билан ҳам [даволанади].

Саксон учинчи фасл. Сассиқалаф

Бундан бўғилиш, қўл-оёқ совуши, бўғувчи кучли тортишиш, кўз [олди] пардаланиб, ҳатто ҳеч нарсани кўрмай қолиш юз беради, [киши] ўйлаш қувватини йўқотади, [қулоқ-бурун каби] атрофлар совуйди, у кейин тиришиб ва бўғилиб ўлади.

Саксон тўртинчи фасл. Даволаш

Билиб ўтганингга мувофиқ, дастлаб ҳуқна, қустириш ва сурги тadbирлари қўлланилади. Аввало, ҳуқна ишлатилиб, кейин шаробнинг ёлғиз ўзини оз-оздан дам-бадам ичирилади, чунки бунинг фойдаси зўрдир. Кейин сигир сути билан эрман ичирилади ҳамда мурчни шароб билан қўшиб ичирилади. Шунингдек, қундуз қири, газাগўт, боғ ялпиз, ангуза, дафна дарахти барги ва меваси ҳамда узумнинг қайнатиб қуюлтирилган шираси ичирилади. Бундай [заҳарланган] кишилар учун

афюн тарёқи фойдалидир; қичитқиўт уруғи, болдирғон, ёввойи зира ва майъа елими ҳам улар учун фойдали дорилардандир. Тут пўстлогининг қайнатмаси, сут билан бирга бальзам ёғи ҳам шундай [таъсирга эга]. [230] Қасалнинг қорни ва меъдасига буғдой унини узум шароби билан қўшиб боғлаш керак.

Саксон бешинчи фасл. Буриштирувчи ёмон итузум

Бундан [кишининг] ранги хиралашади, тили қурийди, ҳиқичоқ тутади, кўп қон қусади, қон ташлайди, ичак шилиниб, ичдан шиллиқ ўтади, оғиздан сут мазаси каби маза келади.

Саксон олтинчи фасл. Даволаш

Бу билан [заҳарланганлар] умумий қонунга мувофиқ даволанадилар. Уларга асал суви қўшилган эшак сути ва Рум арпабодиёни қўшилган эчки сути ичирилади. Барча садафлар улар учун фойдалидир; товуқнинг қайнатилган тўши ва аччиқ бодом ейиш [ҳам шундай].

Саксон еттинчи фасл. Ҳўл кашнич

Ҳўл кашнични кўп ишлатиб, ярим *ритлга* яқини ейилса ёки ширасидан бир йўла ёки деярли бир йўла тўрт *уқиягача* ичилса, бош айланаиб, кўз тинади, ақл қоришади, товуш йўғонлашади, оғир уйқу ва мастликдаги каби ҳолат, [яъни] ёмон ва қўпол гаплар айтиш ва бошқа белгилар юз беради; у кишидан кашнич ҳиди келиб туради.

Саксон саккизинчи фасл. Даволаш

Уларни қустириш, айниқса, гулсапсар ёғи ёки зайтун ёғи, хусусан, бурақ солинган укроп қайнатмасини бериб қустириш керак. Уларга илитилган тухум сариғини туз ва мурч билан, семиз товуқ шўрвасини кўп туз ва мурч билан, шунингдек, роз шўрвасини ҳам истеъмол қилдириш лозим. Кучли шаробнинг ёлғиз ўзини оз-оздан ичириб турилади. Уларнинг ейдиган нарсалари сермурч ва тузли бўлиши керак. Эрман ёки дорчин, ёки мурчни шаробга солиб ичириш ҳам фойда қилади. Шўр сув, айниқса, шинни жуда фойдалидир.

Саксон тўққизинчи фасл. Испағул

Испағулни кўп ичилса, қувват ва томир уриши пасаяди, бутун бадан совуйди, ғамгинлик ортади, нафас қисилади, тортишиш, бетоқатлик, увушиш ва кучсизлик, сўнгра беҳушлик пайдо бўлади.

Д а в о л а ш. Бунинг давоси кашнич [ичгандаги] даво кабидир.

Тўқсонинчи фасл. Ёмон замбуруғ ва қўзиқорин

Замбуруғнинг зарари ё унинг хилидан,— чунки бунинг ўлдирувчи хили бор, ёки кўп истеъмол қилишдандир. Бунинг зарарли хили ўсимлиги зарарсиз деб танилган жойларда ўсмайди, балки ёмон жойда,— ҳашаротларнинг инлари олдида ва кучли кайфиятли дарахтлар тагида битади. Бунинг қораси, кўки ва товус ранглиларининг ҳаммаси ёмондир. Бундан *забҳа*, нафас қисилиши, қорин ва меъда дам бўлиши, ҳиқичоқ, ич буриб оғриши, ранг сарғайиши, томир уриши кичиклашуви, қалтираш, беҳушлик ва совуқ тер пайдо бўлади ва [сўнг] ўлдиради.

395

Тўқсон биринчи фасл. || Даволаш

Бундай кишиларни тударий [қайнатилган] сув, айниқса, турпдан сиқиб олиб, бурақ қўшилган сув бериб қустирилади; кейин ток [новдасининг] кулини *сиканжубинга* солиб ичирилади, нок, айниқса, ёввойи нокнинг барги буларнинг тарёқидир, *муррий* ҳам [бунга қарши] тарёқ ҳисобланади. Қустиргандан кейин набатий *муррийсидан* оздан, бурақ ва асалдан ичириб туриш керак. Бунинг тарёқи бўлган товуқ тезагини *сиканжубинга* солиб ичирилса, ғоятда фойдалидир. Бурақ *ҳам шундай. Ҳинд тузи, ялпизнинг *сиканжубин* ва бурақ билан қўшилган сиқиб олинган суви¹, *фалофилий* ва *каммунийдан* иборат иссиқ маъжунлар, эскирган кучли шароб, аристолохия, говшир илдизи, шароб дурдаси, хардал ва индовлар ҳам [фойда қилади]. Эрман, тоғ каклик ўти, бу иккаласининг қайнатмаси ва анжир қайнатмаси ҳам шундай. Бундай кишининг қовурға тоғайлари тагига доимо компресс қўйиш керак.

Тўқсон иккинчи фасл. Арман ўқлари

Арман ўқлари куйдирган кишига қўлланиладиган тадбирнинг баёни шу бобга лойиқдир. [Жолинуслинг] айтишича, ўша [ўқ теккан] ердаёқ гальбан елими ичириш керак; бу унинг давосидир. Айтишларича², териси шилиниб, ички аъзолари чиқариб ташланган ёввойи латчани тузлаб, [231] қотириб, бундан икки *мисқолини* шароб билан ичирилади. Одам ахлатини ичирилса, бу [ўқ]нинг тарёқи бўлади, деган гапни эшитдим.





ИККИНЧИ МАҚОЛА

ҲАЙВОН МОДДАЛАРИДАН ИБОРАТ ИЧИРИЛАДИГАН ЗАҲАРЛАР

Ҳайвонларга тегишли бўлган ичиладиган заҳарларнинг баъзиси шу ҳайвоннинг гўшtidан ҳамда унинг қандай бўлса, шундайича олинган бутун гавдасидан, баъзиси ҳайвоннинг бирор хос аъзосидан, баъзиси эса ўша ҳайвондан [чиқадиган] рутубатдан иборат бўлади. Мана шу қисмларнинг ҳар бири икки туркумдан [иборат]: ўз жавҳари сабабли заҳар нарсалар, масалан, тўқай қурбақаларининг гўшти ёки ўзида юз берадиган ҳолат сабабли заҳарлар, масалан, совуб қолган балиқ гўшти, [қайноқлигида] ўраб беркитилган қовурдоқ ва меъдада ивиб қолган сутлар шундайдир.

Биринчи фасл. Бутун жасади билан ўлдирадиган ёки [тўқималарни] бузадиган ҳайвонлар

Бу икки қисмнинг биринчиси геккон калтакесаги, олакуланг, қурбақалар, «денгиз қуёни» ва сусмор кабилардир, иккинчиси эса совуб қолган балиқ гўшти ва қайноқлигида усти ёпилган қовурдоқлардир.

Иккинчи фасл. Олакуланг

Олакуланг ўткир, тез ва ўлдирувчи [заҳардир], у ички буриб оғритади ва ички аъзоларда оғриқ пайдо қилади: қисқаси, у оғиздан то қовгача чўзилиб борадиган оғриқни, шунингдек, ёнбош, буйрак ва қовурға тоғайлари олдида [сезиладиган] оғриқни келтириб чиқаради, қовуқни яра қилиб оғритади ва шиширади. Эрлик олати, қов ва қов теварагини қаттиқ алангалантириб шиширади; сийиш учун [тез-тез] турғиза беради, бундай киши туриб сиймоқчи бўлса, сия олмайди, ёки қон ва қаттиқ оғриқ берувчи эт парчаларини сияди. Шу билан бирга, ич суриб, ичак шилиниши, кўнгил айниш, ақл қоришуви, турганда йиқилиб тушиш ва беҳушликлар пайдо бўлади; [олдин бош] оғир-

лашади. Бу [заҳар] кўпроқ қовуққа зарар етказди. У билан заҳарланган киши оғзида *қитрон* ва *зифт* мазасини сезади. Бу ҳайвоннинг энг зарарли вақти кузда Ёриқ юлдуз [Сириус] чиқишидан олдин ва кейинги пайтдир.

Учинчи фасл. Даволаш

Тудорий қайнатмаси билан қустирилади ва ҳуқна қилдирилади. Қустирадиган ва ҳуқна қилинадиган дорига табиий сода ва анжир қайнатмаси қўшиш ва [касални] қайта-қайта қустириш керак. Қовуқни сақлаш учун томирдан қон олиш лозим бўлса, олинади; кейин [касалга] сут, испағул шираси, семизўт суви ва кўплаб қаймоқни қайта-қайта ичирилади. Шу вақтнинг ўзида арпа ва гулхайри сувлари, тухум оқи, зиғир уруғи шираси ёки арпа суви билан гуруч суви ёки сариқ йўнғичқа қайнатмаси ёки *хандарус* қайнатмаси билан ҳуқна қилинади.

Ёғлиқ шўрвалар, бодом ёғи, ғоз ёғи, илитилган тухум сариғи, сариёғ, асал, гулоб, бодом ёғи ва сигир [қатиғи] айрони у киши учун фойдалидир. Асал суви, санавбарнинг катта ва кичик хил доналари, ғоз ёғи билан шинни ҳамда сийдик юргизувчи уруғлар, масалан, қовун ва бодринг уруғлари билан қўшилган асал шароби ва *матбух*, шунингдек, анжир қайнатмаси ва гунафша шароби у кишига фойда қилади. Айтишларига қараганда, беҳи ёғи ва гулсапсар ёғи ичирилса, олакулангга [қарши] тарёқ бўлади, Самос лойи ҳам шундай [таъсирга эга]. *Удрумолий*¹ шароби билан сурги қилдирилса, бундай [заҳарланган]ларга фойда беради. Олакуланг ичган кишининг жинсий олати тешигига гул ёғи томизиш керак, бу иш *зурроқа* қуроли билан эмас, балки нозик ва энг латиф воронка билан бажарилиши керак. Илиқ ванна ҳам қабул қилинади.

Тўртинчи фасл. «Денгиз қуёни»

Буни ичган кишининг нафаси қисади ва қийинлашади, кўзи қизаради, у қуруқ йўталади, қон ташлайди, сийиши қийинлашади, қон сияди ёки гунафша рангли сийдик сияди, меъдаси оғрийди, ҳаддан ташқари [кўп] қон ва сафро қусади, унда сариқ касаллиги, беҳузурлик ва буйрак оғриғи юз беради, ахлати гунафша ранг, баъзан шиллиққа ўхшаш бўлади, сассиқ терлайди, овқатдан нафратланади, балиқни кўрса ундан йирганади, йирганмаса — бу унинг соғайгани бўлади, [касал] оғзида ва кекирганда сасиған балиқ мазаси [232] ва шўр таъм ҳис қилади. Бу [заҳардан] омон қолган кишиларнинг кўпчилиги сил касаллигига учрайди.

Бешинчи фасл. Даволаш

Бунга [қарши] эчки сути ичилса, етарли даражада фойда беради; эшак сути ва хотинларнинг сутини эмчагининг ўзидан эмилса ҳам шундай [таъсир кўрсатади]. Ёввойи гулхайри новдалари ёки қайнатилган ҳўл гулхайри ва, айниқса, дарё қисқичбақасининг шўрваси,— чунки [касал] бошқа сув ҳайвонларига қараганда буни [йирганмай] ея олади,— || янги типратикан гўштининг қовурилгани ёки унинг қони ҳам 396 фойдали. Денгиз сусморини ҳам [касал] йирганмасдан ейди.

Кучли¹ дориларга келганда, булар сув ялпизининг янгиси ҳамда ғоз қонининг иссиқ² ва янгиси, одамнинг эскирган сийдиги, Альп гунафшаси илдизининг саккиз *оболоси*, шароб билан бирга ёки *тило* шароби билан ичириладиган ўша миқдордаги қитрон ва шароб билан ичириладиган озгина харбақдан иборат.

[Заҳарланиш] ҳолатлари қўзғалганидан кейин икки кун ўтиб, у ҳолатлар тинчланганда [қўлланадиган] дори қора харбақ; *сақмуниё*, дарахт пўкаги, чучукмиянинг қайнатиб қуюлтирилган шираси ва катиролардан баробар бўлакларни [олиб] тайёрланган ҳабдир, бунинг бир ичими — бир *дирҳам* ва ундан озгина кўпроқ бўлиб, гулоб билан ичирилади. Балиқни кўрганда [касал] ундан нафратланмай ея бериши согайганлик белгисидир. Қасал сил бўлиб қолса, силга қарши даво қилинади.

Олтинчи фасл. Геккон калтакесаги ва буқаламун

Геккон калтакесагининг гўшти ўлдирувчандир. Баъзан бу калтакесак шаробга тушиб ўлиб чирийди, шунда бу шароб заҳар сингари бўлиб, уни ичганда қусиш ва юракда қаттиқ оғриқ пайдо бўлади.

Буқаламун ҳам шунга яқин ўлдирувчидир, унинг тухуми, айтишларига қараганда, [ичган] соатдаёқ [ўлдирувчи] заҳардир, у ҳақда келгусида гапирамиз. Бир гуруҳ [табиблар]нинг атишича, бу сургалувчи [ҳайвон]ни қайнатиб, қайнатмасини ҳаммом сувига сочилса, ўша сувда ювинган ҳар бир киши бир оз муддат яшил рангга кириб туради, кейин кам-кам ўзига келади. Мен бу сўзни нотўғри деб ҳисоблайман.

Даволаш. Бунинг давоси умумий бўлиб, олакулангга [қарши қўлланиладиган] даво кабидир.

Еттинчи фасл. Сусмор

Сусморнинг саламандра деган бир тури бор ёки уларнинг табиатида ўхшашлик бор; унинг мана шу ўхшаш хили ўлдирувчидир. Сусмор ичган кишининг тили шишади, унда қичима, бош оғриғи, куйиб ёниш ва қўз олди пардаланиши юз беради.

Саккизинчи фасл. Даволаш

Кунжут, набатий жинжак ва шакардан баробар бўлакларни олиб, сигир сути сариёғи билан ичирилади. [Касалга] янги соғилган сут ичириш, [баданига] ёғ суртиш ва уни ҳаммомга тушириш лозим.

Тўққизинчи фасл. Саламандра ичиш

Саламандра калтакесакларнинг бир тури бўлиб, уни «чақиш» бобида тавсиф қиламиз. Буни ичганда меъдада қаттиқ оғриқ, қоринда истисқо касаллиги каби шиш, *кузоз* ва сийдик тутилиши пайдо бўлади. Бу сўзни айтувчи кишидан бошқа олимларнинг, [яъни] Атюс ул-Омидий ва бошқаларнинг айтишича, буни ичганда тил шишади, ақл кетади, [киши] бўшашиб, қуввати йўқолади, баданининг бир қанча жойлари қораяди, бадан бўлаклари чирийди, ундай кишини даволашда шу [бўлаklar] кесиb ташланади ва у соғаяди.

Унинчи фасл. Даволаш

Буни умумий даволар ва афюн [ичган]га қарши [қўлланиладиган] даволар билан даволанилади. Кўп [хил] тарёқ, масалан, *форуқ*, *митридат* ва шунга ўхшашлар ичирилади. Аммо Атюс ул-Омидийнинг баён қилишича, бунда олакуланг истеъмол қилган кишига [қўлланиладиган] даво қўлланилади. Санавбар елими ва сақичдан бирини ёки иккаласини *майъа* елими билан ёки гентиана илдизи билан истеъмол қилиш бунга хос тадбирлардан биридир. Бу кишиларга [ичига] санавбарнинг майда донаси, сарв барги ва қичитқийт уруғи [солиб] қайнатилган ер бағирлаб ўсувчи санавбар қайнатмасининг суви фойда қилади, буни зайтун ёғи билан ичилади. Шунингдек, бунда денгиз тошбақасининг тухуми ва ялпиз солиб қайнатилган қурбақалар ҳам фойда қилади.

Ун биринчи фасл. Тўқайнинг кўк ва денгизнинг қизил қурбақалари

Буларни ичган кишининг ранги сарғиш бўлиб, хиралашади, бадани билқиллаб шишади, томоқ ва оғзи куйиб ёнади, нафас олиши қийинлашади, кўз олди қоронғилашади, боши айланади ва оғздан сас-сиқ ҳид келади. Бундай кишилар баъзан тиришиш ёки тортишиш касаллигига учрайдилар, аҳёнда уларда дизентерия — ич суриши, кўнгил айниш, қусиш, [233] ақл қоришуви ва беҳушлик юз беради. Баъзан ихтиёрсиз маний ва чиқиндиларни чиқариб ташлай берадилар. Бундан тузалган кишининг тишлари омон қолмай тушиб кетади.

Ун иккинчи фасл. Даволаш

Зайтун ёғи билан иссиқ сув ёки анчагина шароб бериб қустирилади; кўп ҳаракат қилдирилади; ҳаммом ва иссиқ ваннага тушириб терлатилади ва [баданига] иссиқ ёғлар суртилади. Бундай кишига *куркум* дориси, *лакк* дориси ва истисқога [қарши] фойда етказадиган ҳар бир дори фойда қилади. Бундай кишиларга уч *дирҳам* қамиш илдизини қўшиб, анчагина шароб [ичиш] ҳам фойдалидир, шаробга солиб [ичилса], тўпалоқ ва хушбўй қамиш ҳам шундай [таъсир кўрсатади].

Ун учинчи фасл. Сариқ қурбақалар

Буларни истеъмол қилинса, овқатга иштаҳа йўқолади, нордон кекирик пайдо бўлади, [кишининг] ранги бузилади, кўнгил айниш, қусуқ ва юрак оғриғи пайдо бўлади, қорин ва оёқлар шишади.

Ун тўртинчи фасл. Даволаш

Буни олдинги [фаслда айтилган] тўқай ва денгиз қурбақалари [еган]дагидек даволанади.

Шу хил [заҳарларнинг] иккинчи қисми — совуб қолган балиқ

Совуқ балиқдан, айниқса, унинг нам жойга қўйилганидан замбуруғ [ичган]даги ҳолатлар юз беради, баъзан бир-икки кунгача ҳеч нарса маълум бўлмайди.

Д а в о л а ш. Қустирилади ва замбуруғ [ичганга қарши] ҳамма даволар қўлланилади.

Ун бешинчи фасл. [Қайноқлигида] усти беркитилган қовурдоқ ва бузилган гўшт

Қандай гўшт бўлмасин, уни қовурилгандан [кейин] ўраб беркитиб қўймаслик, балки ҳаво тегиб турсин учун очиқ қўйиш керак, чунки ўраб қўйилганда заҳарлиликка айланиб, уни [ейишдан] беҳузурлик ва ич кетишдан иборат *ҳайза* белгилари юз беради. Уни еган киши, баъзан бир-икки кун ақлини йўқотади, гоҳо оғир ухлайди; баъзан ўлади.

Ун олтинчи фасл. Даволаш

[Касални] қустириб, унга беҳи шарбати ва гулсапсар шарбатини ёки беҳи ва олма ширасини қўшиб, хушбўй шароб ичирилади. Қус-

тирилгандан кейин бундай киши учун муҳр лойи бериш ҳам яхшидир. Ундаги *ҳайзани ҳайза* [касаллигининг] давоси билан даволанади.

**Ҳн еттинчи фасл. Ҳайвонларга тегишли заҳарнинг
иккинчи хили**

Бу, масалан, [ҳайвонларнинг] ўлдирувчи ўтлари ва тоғ эчкиси думининг учидир.

Ҳн саккизинчи фасл. А ф ь о илонининг ўти

397 Бу заҳар бўлиб, уни ўлдирадиган йўсинда ичирилганда [кишида] кетма-кет беҳушлик пайдо бўлади ва дори бунга қарши кам фойда етказади.

Ҳн тўққизинчи фасл. Даволаш

Агар бирон нарса фойда қилса, дам-бадам сариёғ бериб қустириш, қустиргандан кейин тезда тарёқ ва *митридат* бериш фойда етказади. *Подзаҳр* унга қарши улуғ нарсадир, мушк [ҳам] унинг дорисидир. [Қасал] кетма-кет ҳушидан кета берса, мушкдан ёки мушк дорисидан озгина қўшиб, шароб ва жўжа гўшти селини унинг оғзига қуйилади.

Йигирманчи фасл. Қоплон ўти

Буни ичган киши яшил ва сариқ [рангли] ўт қусади, у бурнида сабр ҳиди ва оғзида сабр таъмини ҳис қилади; унинг кўзида сариқ пайдо бўлади. Бу ўт ўлдирувчидир; уни [ичган киши] уч соатдан ўтса, унинг [тузалишига] умид туғилади.

Йигирма биринчи фасл. Даволаш

Ўзинга маълум йўсинда қустирилади ва бунинг ўзига хос бўлган тарёқни ичирилади. Бу тарёқни муҳр лойи ва дафна мевасидан бир бўлакдан, кийик панирмоясидан тўрт бўлак, газгаўт уруғи ва *мурр*-нинг ҳар биридан ярим бўлакдан олиб, асал билан қориштириш орқали [тайёрланади]; бунинг бир ичими бир *жавза* миқдоридан бўлади. Шу билан бирга, [касални] яна қустирилади. Бундай касал учун райҳонлар сувидан ванна ҳам тайёрлаш керак.

Йигирма иккинчи фасл. Қундуз¹ ўти

Баъзиларнинг айтишича, киши қундуз ўтидан бир ясмиқ миқдоридан еса, бир ҳафта ичида ўлади.

Д а в о л а ш. Рум гентианаси илдизи ва дорчин қўшиб, сигир сути сариёғи ҳамда қуён панирмоёси ичирилади, [баданга] хушбўй ёғ суртилади ва енгил овқат берилади.

[234] Йигирма учинчи фасл. Тоғ эчкиси думининг учи

Буни ичган кишида қаттиқ беҳузурлик ва кўнгил айниш¹ пайдо бўлади, бу ўлдирувчи заҳардир.

Д а в о л а ш. Буни ичган кишини ўзинг билган йўсинда қустирилади; энг яхшиси, сариёғ ва кунжут ёғи бериб қустиришдир. Кейин фундуқ, pista ва *филзаҳраларни* қўшиб, маъжун қилиб, ҳар гал бир катта фундуқ [вазнида] ичирилади, буни бир кунда тўрт марта ичирилсин.

***Ҳайвонга тегишли² [заҳарларнинг] учинчи хили — ҳўкизнинг янги қони**

Ҳўкиз қонининг янгисини ичган кишида нафас [олиш] қийинлашади, иккала бодом беши ва қизилўнгач оғрийди, тил қизаради, тишлар ва милкда қотган қон бўлаклари [кўринади], кўнгил қаттиқ айнийди, беҳузурлик ва бетоқатлик пайдо бўлади; баъзан тишлар ейилганлиги кузатилади; кейин бўғилиш ва кузозга олиб боради.

Йигирма тўртинчи фасл. Даволаш

Бундай кишиларга тезда ҳўқна қилдириш ва сурги бериш керак, чунки қустириш хатарли бўлиб, баъзан ҳайдалишига чидаб бўлмай-диган [кўп] нарса ҳайдалиб чиқиб, натижада бўғилиш юз беради. Қон қотганга [қарши] фойдали дорилар, масалан, [ичи] сут билан тўлғизилган хом анжир, карам уруғи, болдирғон илдизи, ангуза ва бурақларни ичириш керак. Анжир ёғочининг кулини сирка билан, мурчни сирка билан, маймунжон барги ширасини сирка билан ва турли панирмоёларни сиркага солиб ичирилади. Дорилар қоринда ивиб қолган қонни парчаласа, шу пайтда сурги қилдирилади ва қоринга арпа ушини асал суви³ билан қўшиб боғланади.

Йигирма бешинчи фасл. От-уловларнинг терлари

Бундан юз кўкариб шишади, бадан ва қўлтиқдан сассиқ тер оқарилади.

Д а в о л а ш. Илиқ сув бериб қустирилади, *тило* шаробига гул ёғи, ярим *дирҳам* аристолохия, ярим *дирҳам андарон* тузи қўшиб ичирилади, муҳр лойи тарёқи ҳам фойда қилади.

Иигирма олтинчи фасл. Буқаламун тухуми

Баъзиларнинг айтишича, киши буқаламун тухумини еса, у дарҳол ўлдиради, вақтида чора кўрилмаса, ҳеч нарса фойда етказа олмайди.

Д а в о л а ш. Лочин тезагини *тило* шаробига солиб ичирилади, кейин бутунлай қустириб ташланади. [Қасал] баданига сигир сарнеғи суртилади; бошига туз билан компресс қилинади; анжир қоқиси, қаймоқ ва гентиана илдизи едирилади.

Иигирма еттинчи фасл. Бузилган сут

Бу ачиб, бошқача чиришга ўтаётган сутдир. Ундан бош айланиш, кўнгил айнаш ва меъда оғзининг буриб оғриши пайдо бўлади; баъзан бундан ўлдирувчи *ҳайза* юз беради.

Иигирма саккизинчи фасл. Даволаш

Асал суви ёрдамида қусиш, кейин *фалофилий* қўшиб, шаробнинг ёлғиз ўзини ичиш [жерак]. Рум сунбули ёғи билан меъдага компресс қилинади.

Иигирма тўққизинчи фасл. Ивиган қон

Қон қоринда ивиб қолса, гарчи заҳарлиликни ташқаридан олмаса ҳам, шубҳасиз, шу [учинчи] хил заҳарга айланади. Агар кўкрак, меъда, ичаклар ва қовуқдан иборат қорин бўшлиқларида қон ивиб қолса, бундан ёмон ҳолатлар юз беради; кўкракда ивिसа, ранг кетади, томир уриши кичик ва заиф бўлади, аввало бу [томир уриши] кетма-кетлигида олиб боради, [кейин касал] бўшашиб ҳушдан кетади; агар [қон] меъдада ивिसа, бадан совуйди, бўғилиш юз беради, томир уриши кичиклашади ва дам-бадам беҳушлик бўлади; [қон] қовуқда ивिसа, шу айтилганларга яқин ҳолатлар юз беради; ичакларда ҳам шундай [ҳолат рўй беради].

Уттизинчи фасл. Шуларга қарши умумий дорилар

Буларнинг [яхшиси], айниқса, катта оқ бобунадир, шунингдек, қизил бобуна, муқл, тоғжамбил, турли панирмоялар, айниқса, қуён панирмоясининг уч *оболоси*, анжир сути, ўткир сирка, ангуза, қайта-қайта анжир ёғочининг кули солинган сувлар ҳам [ишлатилади]. Эчки сути ҳам [табиблар] айтиб ўтган дорилардан бўлиб ажойибдир. Айтишларича, бу ҳамма ички аъзоларда ивиб қолган қонни зритади.

Болдирғон ва карамдан баробар бўлакларни олиб, сиркага солиб ичирилса, ажойиб дори бўлади.

**Ўттиз биринчи фасл. Меъда ва қовуқда ивиб
қолган қонга қарши даво**

Буни Учинчи китобда бир марта баён қилган эдик, || [235] иккала 398 боб солиштирилсин. Биз айтамызки, бундай кишига мумкин бўлса, асал ва петрушка ширасини бериб қустириш керак. Муҳр лойи тарёқи ҳам бунга қарши фойда етказади. Янчилган махсарни иссиқ сувда эритилгани ва қуйидаги¹ дори жуда фойдалидир: муҳр лойидан саккиз *дирҳам*, қуён панирмоясидан ўттиз олти *дирҳам*, кийик панирмоясидан ўттиз икки *дирҳам*, гентиана илдизидан тўрт *дирҳам*, юмалоқ аристокхиядан тўрт *дирҳам*, ёввойи газгаўт уруғидан тўрт *дирҳам*, *муррдан* тўрт *дирҳам* ва ангузадан тўрт *дирҳам* олиб, асал билан қориштирилади. Бунинг бир ичими бир *жавза* миқдорида бўлиб, иссиқ сув ёки *сиканжубинга* солиб ичирилади. Шунингдек, икки *дирҳам* анжир [ёғочи] кулини бир *мисқол* қуён илиги,— мен буни қуён панирмояси деб гумон қиламан,— билан биргаликда олиб, иккаласини узум сиркасида ивитиб ичирилади; *андарон* тузини қўзичоқ панирмояси билан қўшиб ёки ит тезагидан бир *мисқолини* [ичирилади].

Қовуқда қон ивиганида, бундай касалга заррин дарахти² баргининг ширасини бериш, айниқса [фойдалидир], бу ажойиб хусусиятга эга. Унга доимо *сиканжубин* ичирилади; тарёқ *митридат*, сийдикни юргизувчи кучли дорилар, бўйимодарон барги, ангуза, петрушка шираси ва турп уруғларининг ҳаммаси *сиканжубинга*, шунингдек, сиркага солиб ичирилади, чунки сирка бу соҳада яхши доридир. Шунингдек, ёввойи зирадан бир *мисқолини* ёки ангузадан ярим *мисқолини* ёки дарахт пўкаги ва Рум сассиқ қаврагидан бир ичимини ёки бир оз панирмояни, ёки бальзам дарахти уруғидан икки *дирҳамини*, ёки «хушбўй тирноқ»дан икки *дирҳамини*, ёки пионгул чўпидан икки *дирҳамни* иссиқ сув билан [ичирилади]. Тошни майдаловчи дориларни ичиб, ҳуқна қилиб ва суюқ суртма қилиб ҳам ишлатилади. Янчиб сувда эритилган туздан бир *наво*т [данак] вазнидагисини қовуққа юборилади ёки ток [ёғочи] кулининг суви ишлатилади. Агар бу фойда бермаса, тошни чиқариб олингандагидек ёриб, ивиган қонни чиқариб олишдан бошқа илож бўлмайди.

Ўттиз иккинчи фасл. Меъдада сут ивиши

Меъдадаги сут юз берган бирон ивитувчи сабабдан ёки сутдаги [ивишга бўлган] кучли қобилиятдан, ёки сут билан ичилган панирмоядан гоҳо ивиб қолади. Бунинг натижасида совуқ тер, беҳушлик ва титроқли иситма юз беради. Агар сут бирга [ичилган] панирмоя сабаб-ли ивиган бўлса, бу жуда ёмон, бу тезда бўғилишга олиб боради. Меъ-

дада сут ивиши — қон ивиши каби ҳодиса бўлиб, бундан ҳам қон ивишидан ва заҳарлардан юз берадиган ёмон ҳолатлар пайдо бўлади: меъдада сут ивишидан бадан совуйди, томир уруши кичиклашади, нафасни қисувчи бўғилиш юз беради ва беҳушлик пайдо бўлади. Баъзан бундай кишининг қорни дам бўлади.

Уттиз учинчи фасл. Даволаш

Меъдасида сут ивиган киши шўр нарсалардан сақланиши керак, чунки улар сутнинг ивишини зўрайтиради, унга сирканинг ёлғиз ўзини ёки сувга аралаштирилганини ичириш керак. Беш *дирҳам* вазнида қуруқ ялпиз ҳам ичирилсин, чунки бу [ивиган сутни] ўша заҳотиёқ тарқатувчи ажойиб [дори]дир, у ўзининг бу жиҳатдан кучлилиги туфайли янги соғилган сутни ивишга қўймайди ва уни суюлтиради. Панир-моялардан озгина, то бир *мисқолгача* ичирилсин, у [ивиган] сутни эритади ва қусиш ёки ич суриш билан чиқариб юборади. Яна меъдада қон ивишига қарши кўрсатилган, айниқса, муҳр лойидан тайёрландиган мен баён қилган дорини, болдирғон ва олтингугурт дориларини ичирилсин, ёки бу иккаласидан баробар [миқдорда олиб], сиркага солиб ичирилади. Анжир ёғочининг кули қайта-қайта солинган сув ҳам [ичирилади].





УЧИНЧИ МАҚОЛА

ҲАШАРОТЛАР ЧАҚҚАНИГА ҚАРШИ УМУМИЙ ТАДБИР; ҲАШАРОТЛАРНИ ҲАЙДАШ; ИЛОН ЧАҚҚАНИ ДАВОЛАШ ВА ИЛОНЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

*Биринчи фасл. Даволаш қонунлари ҳақида умумий сўз²

Билгинки, [ҳашаротлар] чаққанига қарши даволашдаги энг буюк қонун «барбар ўйинчоғи» ва тарёқ бажарадиган ишдек туғма ҳароратни кучайтириш [236] ва уни мудофаага қўзғатишдир: *туғма [ҳароратни] кучайтириш борасидаги тадбиримиз³ заҳарни куйдириб сиртга ҳайдаб чиқариш учундир; [шунингдек] ички аъзоларни кучайтириш ҳам кўзда тутилади. Кейини заҳарни ҳайдалади, унинг таъсирини ичиладиган дорилар билан ҳамда махсус хусусиятга ёки биз келгусида баён қиладиган маълум табиатга эга бўлган суюқ суртмалар билан йўқ қилинади. Баъзан [даволашдаги] мақсадлар қаторига бошқа нарса ҳам киради. У — бадан рутубатларини камайтирувчи [овқат] тадбиридир, чунки заҳарнинг асосий аъзолар [қуруқлигида уларга] сингиши рутубатларни учратиб, уларга илашиб олиб, [сўнг] сингишидан кўра қийинроқдир. Мана шу бобга томирдан қон олиш, сурги ва шуларга ўхшашлар ҳам киради. Томирдан қон олишнинг энг яхши вақти, айниқса, [хилтларга] тўлиқ баданлиларда, заҳарнинг баданга тарқалганлиги ҳамда у тортиладиган хилдаги заҳарлардан эмаслиги маълум бўлган вақтдир. Қўпинча, шу бобга бошқа бир тадбир ҳам киради. У хилтларни бошқарувчи аъзолардан бошқа томонга йўналтириш тадбиридир.

Заҳарларга қарши ичиладиган дорилар [барча заҳарлар учун] умумий ёки маълум бир заҳарга хос тарёқлар ва *подзаҳр* ёки ўз мизожи билан заҳарга қарши турувчи дорилардир, масалан, ангуза ўз хусусияти билан чаён заҳарига қарши туради. Ёки улар хилтларни сиртга томон қўзғатиши сабабли заҳарни сиртга йўналтирувчи дорилар бўлади, масалан, терлатувчи дорилар; ёки улар сурувчи, қустирувчи ва сийдикни юргизувчи дорилар каби заҳар ҳаракат қиладиган йўлдан хилтларни четлатувчи дорилар бўлиб, заҳар, биз айтиб ўтгандек, илаштириб олиб борувчи нарсани топа олмайди. Ёки улар модда-

ларни бошқарувчи аъзолардан узоққа йўналтирувчи дори бўлиб, [булар орқали] аъзоларга йўналаётган [заҳар] ҳайдалиб чиқиб кетади, бунга ҳам ўша сурувчи, қустирувчи ва сийдикни юргизувчи дорилар мисолдир.

[Ҳашаротлар] чаққанига қарши суюқ суртмалар тарзида ишлатиладиган дориларни қўйишдан [маълум] мақсадлар кўзда тутилади. Улардан бири заҳарнинг баданга ўтишига тўсқинлик қилишдир. Бунга ё боғичлар боғлаб йўлларни тўсиш билан ва туғма ҳарорат сиртга томон ҳаракат қилиб заҳарни ҳайдасин учун касални ухлатмаслик билан эришилади; [ҳашарот] чаққан аъзони кесиб ташлаш ҳам шулар жумласидандир; ёки бунга доғлайдиган дорилар ва тортувчи сабаблар билан эришилади, шунинг учун буриштирувчи дориларни [ҳашарот] чаққанга [қарши ишлатиш] зарарлидир. Чунки, айниқса, ҳали заҳар баданга тарқалмаган вақтда, заҳарни сиртга тортадиган, уни ичкарига ўтишига тўсқинлик қиладиган доридан кўра фойдалироқ нарса йўқ. Қортиқ қўйиш шу қабилдандир. Агар заҳар чуқурлашиб, баданга ўтган бўлса, баъзан тилиб [қортиқ қўйишга] эҳтиёж тушади. Имконияти бўлса, шу пайтда зулук солиш қортиқ қўйишга ҳамда ҳали заҳар тегида экан, уни сўриб олишга ҳам эҳтиёж қолдирмайди. Баъзан шунда сўришнинг ўзи кифоя қилади. Сўрувчи [киши] рўздор бўлмасин, аксинча [олдин] овқатлансин, оғзини ювсин; унинг тишлари ейилмаган бўлсин; оғзини хушбўй шароб билан чайсин, шу шаробдан озгина ичсин ва оғзида гул ёғи ёки гунафша ёғини олиб турсин. Агар [у кишининг] оғзида бирор офат бўлса, уни четлатиб бошқа киши билан алмаштирилади. Сўрувчи киши нимаики сўриб олса, уни туфлаб ташлаши керак.

Дориларга келсак, улар — ичилганда терлатувчи ҳамда суртилганда қизартирувчи ва тортиб олувчи бўлиши керак. Жолинус айтади: «Заҳарни тортувчи дорилар ё қиздирувчи қуввати билан, ёки шаклдош нарсани тортиши туфайли ҳамшакллиги билан тортувчи бўлади. Масалан, тимсоҳ ёғи тимсоҳ чаққанига қарши таъсир кўрсатади; икки томони [бош ва думи] кесиб ташланган *афъо* илонининг гўшти эса, унинг заҳарини тортади. Заҳарларга қарши фойдали дориларнинг баъзиси, ҳатто, ўзи заҳар бўлади, лекин у ҳашарот [чаққандаги] заҳаридан кучсизроқ ва бадан мизожи билан заҳар мизожи оралигидадир». Бу сўз файласуф — табиатшунослар эътибор бериб, пишиқ эмаслигини аниқлашлари лозим бўлган сўзлардандир. Аммо табиб учун буни билмасликнинг зарари йўқ.

Қўйиб ишлатиладиган кўпгина тортувчи дорилар яра қилиб қаварчитади; қаварчиган жойдаги модда оқизиб юборилиши керак. Бу суртиладиган дорига [ҳам] тааллуқли шартлардан биридир. Шартларнинг [яна] бири шуки, дори заҳар табиатини [қўйидаги] ҳолатлардан

бири томон ўзгартирадиган бўлсин: ёки меҳригиёҳ илдизи каби қотирувчи ёки олов, зайтун ёғи ва зифт, айниқса, қайнатилган зифтлар билан доғлаш сингари,— бу мисрликларнинг иши¹,— таъсири қотирувчи бўлсин, ёки дори иссиқ ва совуқликда заҳарга зид кайфияти билан уни [ўзгартирсин].

Дастлабки пайтда бирор тортувчи нарсани ёки биз айтиб ўтган таъсирлардан биронтасини бажарувчи дори ишлатилса-ю, у фойда қилмай иш улғайса, [ҳашарот] чаққан жойнинг атрофини кесиб, этни суякка тақаб бутунлай олиб ташланади. Агар хавф бундан ҳам зўроқ бўлса, ўша аъзо кесиб ташланади ва доғланади.

Заҳарга қарши ишлатиладиган барча дорилар, [237] айниқса, суюқ суртмалар оғриқни тўхтатиш, [ҳашарот] чаққандан кейин юз берадиган махфий ҳолатларнинг олдини олиш хусусиятларига эга бўлиши зарурдир. Масалан, [ҳашарот] чаққанидан кейин кўп қон оқаётган бўлса, уни тўхтатиш учун [ҳашарот] чаққанига қарши [ишлатиладиган] суюқ суртмаларга сариқ зок қўшилиши керак.

Заҳарлар ва [ҳашарот] чақишлари рўй берганида эсда сақланиши лозим бўлган тавсиялардан бири касал заҳар зараридан соғайгунича жароҳатнинг битишига тўсқинлик қилишдир.

Иккинчи фасл. [Ҳашаротлар] чаққанига қарши ичиладиган дорилар

Қора йўнғичқа уруғи яхши дорилардан бўлиб, уни сувга ёки шаробга солиб ичирилади ёки ялпизнинг уч турининг қайнатмаси ичирилади; қундуз қири ажойибдир; аммо *логия* сути,— мен буни *бушанжий* ва *фаровий* деб машҳур бўлган тарёқ деб гумон қиламан,— барча ҳашаротлар ва, айниқса, *афъо* илони чаққанига қарши жуда фойдалидир; шунингдек, парпи, бухо ва биш муш², тирноқгул, оқ қаррак уруғи, индов, седанага ўхшаш зира, Рум сассиқ қавраги, саримсоқ, тоғ арчаси барги пўстининг мурч билан қўшилгани ва мурчининг ўзи ҳам фойдали. Жолинус айтганидек, ичига *афъо* илони тушган шароб ҳашарот чаққанига қарши фойдали бўлгач, тарёқ қандай [қилиб фойдали бўлмасин]!

Цитрон уруғи барча заҳарларга қарши курашади, унинг бир ичими — икки *мисқол*. Болдирғон илдизи барча заҳарларга қарши фойдалидир; панжангушт меваси, бальзам ёғи, бальзам дарахти уруғи, панжангушт, анжир билан бирга ёнғоқ, фундуқ, гентиана илдизи, аристолохия билан бирга говшир, самбитгулнинг гули ва барги [ҳам фойдалидир]. Чинорнинг янги меваси бу соҳада ажойибдир. Чин дорчини ва таканинг куйдирилган тезаги қуюқ суртма қилиб боғланади ёки ичирилади; «ер дуби», Рум сассиқ қавраги, шунингдек, сут билан бирга

дарё қисқичбақаси, жувона, Эрон қавраги, шароб билан бирга писта, ялпиз ва унинг қайнатмаси ичилса ва қўйиб боғланса қора андиз, бўйимодарон, ёввойи зира, дарахт пўкаги ва уч *дирҳам* «эшак ганданоси» илдизи [ҳам фойдали]. Шунингдек, латчанинг қорни ва меъласини кашнич билан тўлғизиб қуритиб қўйилади ва бундан керак пайтида [ишлатилади]. Тугмачагулнинг қайнатмаси, гулхайрининг уруғи, товўқнинг мияси, айниқса, унинг панирмоя билан қўшилгани ва агар шароб билан ичилса, тирик латча ва тирик чигиртканинг шўрваси, тузланган денгиз тошбақаси, дарё қисқичбақаларининг қайнатмаси, тошбақа қони ва гальбан елими || ажойибдир; гентиана илдизи ҳам ажойиб: ёввойи сабзи уруғи фойдалидир.

Бу соҳада фойда қиладиган совуқлик дорилардан [бири] меҳригиёҳ илдизи бўлиб, уни асал билан қўшиб, қуюқ суртма қилиб ишлатилади. Чўл сачратқиси ва сунбулсоч ҳам бу соҳада ажойибдир. Баъзан дарахт пўкагини бир *мисқол* узун аристолохия билан қўшиб ишлатилади. Шунингдек, ажойиб тарёқ: афюн ва *муррдан* бир *дирҳамдан*, мурчдан бир ярим *дирҳам*, узун ва юмалоқ аристолохия илдизидан уч *дирҳам*, исиріқ ва Ҳинд зирасининг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, седанадан беш *дирҳам*, гентиана илдизидан уч *дирҳам*, газাগўтдан икки *дирҳам* олиб, асал ва таратизак суви билан қориштирилади ва яхши *матбух* [шароби] билан қўшиб бир *мисқолдан* ичирилади. Яна муҳр лойи дориси: дафна дарахти мевасидан икки *мисқол*, муҳр лойидан икки *мисқол* ва икки *оболо* олиб, зайтун ёғи билан ичилади. Бунинг бир ичими бир *фундуқ* вазнида бўлиб, уч *уқия* асал сувига солиб ичилади.

Яна барча [ҳашаротлар] чаққанига ва ичилган [заҳарларга] қарши умумий бўлган тарёқ: мурчдан ўн *дирҳам*, сунбулдан икки *дирҳам*, аристолохия ва беклар ўти илдизининг ҳар биридан бир *дирҳамдан* олиб, жинжак шираси билан қориштириб, қирқ кун давомида қуёшга қўйилади; ҳар кун бир марта кавлаб қўйилади, қуриган вақтида ҳўллаб турилади. Уни иссиқ сув билан ичирилади. Бир гуруҳ [табиблар]нинг айтишича, бу таркибни суртилса ҳам фойда беради. Дарё қисқичбақаларининг қайнатмаси, тошбақа қони ва тузланган денгиз тошбақаси [ҳам фойдали].

Ҳар қандай [ҳашарот] чаққанига қарши фойдали дори: седана, исиріқ уруғи ва зиранинг ҳар биридан икки *драхмийдан*, гентиана илдизи ва юмалоқ аристолохиянинг ҳар биридан бир *драхмийдан*, оқ мурч ва *муррнинг* ҳар биридан ярим *драхмийдан* олиб, асал билан қориштирилади, бунинг бир ичими бир [дона] Рум боқиласича бўлиб, буни ҳам шаробга солиб ичирилади.

Яна гентиана илдизидан [238] икки *дирҳам*, мурч ва газাগўтнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан* олиб, асал билан қориштирилади,

шу [таркиб]нинг ўзи бир ичим бўлиб, шаробга солиб ичирилади. Яна амомо ва бальзам дарахти уруғининг ҳар биридан уч *драхмийдан*, таратизак уруги ва гандано уругини ҳар биридан бир *драхмийдан*, аристолохия ва қора болдирғон илдизининг ҳар биридан икки *драхмийдан*, мурр ва заъфароннинг ҳар биридан бир *драхмийдан*, муҳр лойидан тўрт *драхмий* олиб, кўпиги олинган асал билан қориштирилади, бунинг бир ичими бир боқила миқдорида бўлади.

Яна: бальзам дарахти уруғи, ёввойи шолғом, уруғи, оқ ва қорамурч, узун мурч, игир, Рум арпабодиёни, тоғ петрушкаси, туёғўт, Кермон зираси ва мингдевона уруғининг ҳар биридан тўрт [*драхмийдан*], сунбул ва қорачайир гулининг ҳар биридан олти [*драхмийдан*] олиб, асал билан қориштирилади, бунинг бир ичими бир [дона] Рум боқиласиладир.

Учинчи фасл. [Ҳашаротлар] чаққанига қарши суюқ суртмалар

Оқ ёки кўк нефть, ёки саримсоқнинг ёлғиз ўзи, ёки унинг сариёғ билан қайнатилгани, ёки зайтун билан бирга қундуз қири ёки ганданонинг сув тегмаган шираси [Ҳашаротлар чаққанига қарши] суртилдиган дорилардандир. Сув ялпизи ва сийдик билан бирга олтингурут заҳарни яхши тортувчидир. Ёки товуқ ва хўрозни тириклайин ёриб чаққанга қарши қўйиб боғланади ва дам-бадам алмаштириб турилади. [Бу дорини] қуюқ суртма қилиб ҳам ишлатилади.

Бир гуруҳ [табиб]ларнинг айтишича, товуқнинг ҳарорати кучлидир, шунинг учун у мис, қум ва майда тошларни ютганида эритиб юборади. [Менимча] бу хусусият унинг жигилдонида ва қорнида бўлиб, бошқа жойларида бўлмаса керак.

[Ҳашаротлар чаққан жойга] туз ёки сирка, ёки хўкизнинг ўти, ёки тошчўп ва «эшак ганданоси» барги, ёки кул билан сирка,— айниқса, анжир ва ток ёғочларининг кули,— хусусан, [илон] чаққан заҳоти [ишлатилса],— шунингдек, қайнатилган зифт ва туз ҳам қўйиб боғландиган дорилардандир.

Айтишларича, саримсоқ, туз ва така тезагини қўйиб боғлаш *ал-асалат ус-самм* [ўқ илон]дан бошқа ҳар қандай [Ҳашарот] чаққанига қарши фойдалидир. Оҳак, асал ва зайтун ёғини қўйиб боғлаш, ҳатто *ал-асалат ус-самм* чаққанига ҳам фойдалидир.

Яна: хардал, сирка ва оҳакни олиб, совун суви ёки қитрон билан суюқ суртма қилиб ишлатилади, ёки зифтни туз билан бирга қайнатиб суртилади. Қайнаб турган зайтун ёғини агар [Ҳашарот] чаққан жойга қуйиб турилса, ҳатто, *афъо* илонлари чаққанига қарши ҳам фойдали-

дир. Бу мисрликларнинг даволаридан бири бўлиб, доғлаш учун яхши тадбир. Толқон билан бирга пиёз, туз билан ишланган марҳам ва табиий сода марҳами [қўйиб боғланадиган дорилардан саналади].

Иссиқ денгиз сувининг танҳо ўзи ёки хардал қўшилгани, тирик чигиртка ва латчаларнинг қайнатмаси [чақилган найча] қўйиладиган фойдали дорилардандир.

Тўртинчи фасл. Баданга суртилса, ҳашаротларни яқинлаштирмайдиган суяқ суртмалар

Сирка, зайтун ёғи ҳамда,— агар зайтун ёғида эритилган бўлса, — *майъа* елими билан қўшилган қуён мияси, шунингдек, санавбарнинг янчилган янги барги ёки сарв гули, ёки тоғ арчаси бужури солиб ивтилган зайтун ёғи шундай дорилар жумласидандир. Зайтун ёғига солинган панжангушт барги, бўйимодарон, болдирғон илдизи, «эшак ганданоси», ёввойи сабзи уруғи, бальзам дарахти уруғи ва индов илдизи ҳам шундай. Буларнинг ҳаммаси зайтун ёғи билан [ишлатилади].

[Бу мақсад учун] мураккаб дорилар, масалан, қора болдирғон илдизи, янги *содажнинг* гули ва тоғ арчаси бужурининг ҳар бирдан икки бўлакдан, меҳригиёҳ илдизидан ярим бўлак, бальзам дарахти уруғи ва ёввойи зираларнинг ҳар бирдан уч бўлакдан олиб янчиб, токи ҳаммом чиркидек қуйилгунича зайтун ёғида яхшилаб қайнатилади ва шу таркиб билан бадан ёғланади.

401 Яна: «эшак гаданоси»дан икки *дирҳам*, бальзам дарахти уруғи || ва мингдевона уруғининг ҳар бирдан ярим *дирҳамдан* олиб, сирка ва зайтун ёғи билан аралаштириб суртилади.

Яна: санавбар гулидан бир бўлак, меҳригиёҳ илдизидан икки бўлак, мингдевона уруғидан уч бўлак олиб, ҳаммасини зайтун ёғида қориб, бадан ёғланади; бу дори тутатиш учун ҳам яроқлидир. Яна: тоғ арчаси бужуридан икки бўлак, майъа елимидан бир бўлак олиб, ҳаммасини ёғ билан аралаштириб, [баданга] суртилади. Турп ёғини суртилса, чивинни қочиради.

Бешинчи фасл. Умуман ҳашаротларни ҳайдаш ҳақида

Уйга биз баён қиладиган нарсаларни сепиш ва ёйиб қўйиш ҳамда ҳашаротлар яқинлашмасин учун, биз тутатиладиган ва бошқа дориларга тўхтаганимизда айтадиган қўйиладиган дориларни даҳлиз ва деразаларга суртиш керак.

Тутатиладиган дориларга келсак, бунга мисол анор ўтининг тутунидир, чунки бу ҳашаротларни ҳайдайди; гулсапсар илдизи ҳам шундай. Анор новдалари бу соҳада ажойибдир. [239] Гальбан елими, шохлар, тоқ тўёқли ва жуфт тўёқли ҳайвон тўёқлари, мўйлар, муқл,

Эрон қавраги, ангуза, дафна дарахти барги ва меваси, ялпиз ва дарманалар ҳам шундай. Қатрон ва *жулах* [уйга] ёйилади, панжангушт тутатилса ва ёйилса [фойда беради]; индов ҳам шундай; санавбар ёғочининг кули, айниқса, унинг гальбан елими билан қўшилгани ҳам шундай.

Агар афюн, седана, ғальбан елими, тоғ эчкиси шохи, олтингугурт ва эчки туёғи тутатилса, илонларни ва ҳашаротларни ҳайдайди. Шунингдек, майъа елими, тоғ эчкиси шохи, седана ва мумдан бир бўлакдан, эчки юнги ва туёғининг ҳар биридан ярим бўлакдан олиб майдаланади ва [ётадиган] ўринга тутатилади.

Бошқа хили: ёввойи зира, қора болдирғон илдизи ва *майъа* елимининг ҳар биридан бир *уқиядан*, туяқуш тухумининг пўчоғи, седана ва исириқ уруғининг ҳар биридан икки *уқиядан* олинади. Яна: сарв ёки санавбар барги, седана ва мингдевона уруғининг ҳар биридан бир *драхмийдан*, меҳриғиёҳ илдизининг пўстлоғидан бир *драхмий*, эчки мўйидан уч *драхмий*, ялпиздан икки *драхмий*, мумдан тўрт *драхмий* [олиб] аралаштирилади ва ток ёғочи чўғи устига қўйиб тутатилади; бу тутун [ҳашаротдан] сақлайди.

Тошчўп ва сув ялпизи ётиладиган жойга ёйилганда, кўпчилик ҳашаротларни қочирадиган дорилардандир. Панжангуштни ётадиган жой теvaraгига ёйиб ташланса, ҳашаротдан сақланишда ажойбдир. Дармана ва ангуза ҳам шундай; дафна дарахти бу соҳада ажойиб [таъсирга эга]. Шунингдек, ўтирадиган жой атрофига санавбар ёғочи кулини сепиб, доира ясалса ҳам [ҳашарот қочади].

Ҳашаротни узоқлатишга ёрдам берадиган тадбирлардан бири: шамдон ва чироғларни ётадиган жойдан узоққа қўйилса, ҳашаротлар ўша томонга боради. Лайлак, товус, тухум қилувчи [уй] қушлари, тоғ эчкилари, типратиканлар, латчалар ва шуларга ўхшашларни [уйда] сақлаш ҳашарот ва қурт-қумурсқаларни ҳайдаш учун ёрдам берадиган тадбирлардандир, чунки ҳашаротлар булардан қочади, агар юзага чиқса, бу [ҳайвон]лар уларни ўлдиради. Айтишларича, қоплон терисидан супра қилиб олган ҳамда шу теридан кийим қилиб кийган кишига илон яқинлашмайди, буни сўзига ишониб бўлмайдиган бир киши ҳикоя қилган.

Олтинчи фасл. Йиртқич ҳайвонларни ўлдириш учун айрим [табиблар]нинг баён қилган нарсалари

Уларнинг айтишича, харбақ ит ва бўриларни ўлдиради. «Қоплон бўғувчи» қоплонни ўлдиради, «бўри бўғувчи» бўри, ит ва чиябўрини ўлдиради; аччиқ бодом тулкиларни ўлдиради, самбитгул ва *озоддахт* барги чорва молларини ўлдиради. Уларнинг аксари машҳур.

Еттинчи фасл. Илонларни ҳайдаш

Тоғ эчкиси шохи, эчки туёғи, гулсапсар илдизи, назла ўти ва олтингургуртларнинг тутуни илонларни ҳайдайдиган нарсалардандир. Баданига чаёнўтнинг катта хилини, унинг шираси ёки қайнатмасини суртган кишини *афъо* илони чақмайди. [Ётадиган] жойга навшадил эритилган сув сепилса, у жойдан *афъо* илони қочади. Хардал *афъо* илонини ўлдиради; агар хардални *афъо* илони юрадиган йўлга қўйилса, у йўлидан четлаб ўтади.

Рўза тутган, айниқса, оғзига навшадил олиб турган киши илон оғзига туфласа, бу тупук уни ўлдиради.

Саккизинчи фасл. Чаёнларни ҳайдаш ва ўлдириш

Рўза тутган, иссиқ мизожли киши чаёнлар устига туфласа, чаённи ўлдиради. Турпнинг майдалангани, шираси ва барги, шунингдек, тоғ қора райҳони чаёнларга тегса, уларни ўлдиради.

Тўққизинчи фасл. Чаёнларни ҳайдаб чиқарадиган тутатқи

Майъа елими, зирних, қўй тезаги ва қўй чарви ёғидан баробар бўлақларни олиб, чарвини эритилади ва бунга мана шу дориларни аралаштириб, чаёнлар қаваги олдида тутатилади. Майдаланган турп чаён қавагига қўйилса, чаён ундан чиқишга ботина олмайди. Чаённинг ўзи [ҳам], зирних ҳам чаёнларга қарши тутатиладиган дорилардандир.

Ўнинчи фасл. Бургаларни ҳайдаш

Абу Жаҳл тарвузи [солиб] ивитилган сув уйга сепилса, бургалар ўлади ёки қочиб кетади. Жинжак қайнатмаси ва маймунжон қайнатмаси ҳам шундай. Айтишларича, така қонини уйдаги бир чуқурчага қўйилса, бургалар шу ерга йиғилади. Кейин ўлдирилсин! Шунингдек, типратикан ёғи суртилган ёғочга ҳам бургалар йиғилади.

Бургалар олтингургурт ва самбитгул барги ҳидидан [240] қочади. Шу [мавзуга] тегишли *кайкувона*, яъни «бурга ўти» деб машҳур бўлган бир ўт бор; уни кўрпа-тўшакларга қўйилса, бургаларни қарахт қилиб маст қилади, кейин улар яшай олмайди.

Ўн биринчи фасл. Пашша ва чивинларни ҳайдаш

402 Санавбар ёғочининг қипиғи ёки оқ зок, ёки седана тутатилади. Энг яхшиси [] буларнинг ҳаммасини бирга тутатишдир; шунингдек, қуриган мирта, олтингургурт, муқл, *қунуро* деб аталадиган сассиқ

тикан, қорамол тезаги ҳам тутатилади. Исириқни тутатилади ҳамда ўрин ва деразаларга қўйилади. Сарвнинг барги ва ёнғоғи ҳам [шундай]. Агар уйга Миср боқиласи илдизининг қайнатмаси ёки седана қайнатмаси, ёки исириқ қайнатмаси, ёки эрман қайнатмаси, ёки газагўт қайнатмаси сепилса, бу соҳада фойдалидир.

Ўн иккинчи фасл. Латчани ҳайдаш

Айтишларича, газагўтнинг ҳиди латчани ҳайдайди.

Ўн учинчи фасл. Сичқонни ҳайдаш ва ўлдириш

Қуйдирилган қўрғошин билан харбақ, шунингдек, харбақ билан мингдевона уруғи, карам илдизи, шунга ўхшаш денгиз пиёзи, маргимуш, темир чирки ва заъфаронлар сичқонни [ўлдиради]. Эркак сичқоннинг терисини шилиб олиб уйга қўйилса ёки у [сичқон]ни бичиб, ёки думини қирқиб уйга қўйиб юборилса, сичқонларни ҳайдайди. Терисини шилиб қўйиш кучлироқ. Айтилишича, битта сичқоннинг оёғини пишиқ юнг ип билан боғлаб уйга қўйилса, қолганлари қочади, аммо бу мунозарали гап.

Ўн тўртинчи фасл. Чумолини ҳайдаш

Чумолининг уясига қатрон қуйилса, чумоли қочади; озгина магнетит, озгина буқа ўти, бир оз зифт ёки ангузалар ҳам шундай; чумолилар ўз тутунларидан ҳам қочади.

Ўн бешинчи фасл. Қора пашшани ҳайдаш

Сутга озгина зирних солиб, қора пашшаларга қарши қўйилса, уларни ўлдиради. Зирнихнинг тутуни, кундур елимининг қайнатмаси ва қора харбақ қайнатмаси ҳам [қора пашшаларни] ўлдиради.

Ўн олтинчи фасл. Ариларни ҳайдаш

Олтингугурт ва саримсоқ буғидан арилар қочади. [Баданига] гулхайри ёки ёввойи гулхайри шираси ва зайтун ёғи суртган кишига арилар яқинлашмайди.

Ўн еттинчи фасл. Гўнг қўнғизини ҳайдаш

Айтишларича, чинор [ёғочи] тутуни, айниқса, баргининг тутуни гўнг қўнғизларини ҳайдайди.

Ун саккизинчи фасл. Ёғоч қуртини ҳайдаш

Сассиқпопишак ва тўрғай¹ бор уйда ёғоч қурти яшай олмайди. Сассиқпопишакнинг аъзоси ва пати тутатилса, айтишларича, ёғоч қуртини ўлдиради.

Ун тўққизинчи фасл. Куяни ҳайдаш

Эрман, шунингдек, ялпиз ва *цитрон* пўчоғи кийимларга куя тушишига тўсқинлик қилади.

Йигирманчи фасл. Илонларнинг турлари

Илонларнинг хатти-ҳаракатлари ва табиатларини билувчилар уларни уч қисмга бўладилар. [Биринчи] қисмга кирувчи илонларнинг² [заҳари] жуда тез бўлиб, [улар чаққан киши] уч соатдан ортиқ яшай олмайди ва бунинг чаққанини даволаб бўлмайди. Булар «кар» ва «шалдировчи» илонлардир. Бу илонларнинг чаққанига дарҳол аъзонни кесиб ташлаш ёки олов билан [таъсири] етарли даражада [баданга] ўтадиган доғлашдан бошқа ҳеч қандай чора йўқ. Доғлаш заҳарни куйдиради ва ўтадиган йўлини сиқади. Гоҳо буларни даволашда тузланган балиқни тўйиб егандан кейин қусиб ташлаш фойда қилади; бундан сўнггина бошқа даволар қилинади. Агар илон [кўрсатилгандан кўра] заифроқ бўлса, қаттиқ [сиқиб] боғлаш кифоя қилади, сўнг бошқа умумий даволар қўлланилади.

[Иккинчи] қисмга кирувчи илонлар кучсиз [бўлиб], улар камданкам ўлдиради. [Учинчи] қисми эса ўртача [тезликдаги илонлардир], улар уч ёки етти кунга қолдирмай ўлдиради.

Айтадиларки, чўл аждарҳоси ва шунга ўхшаш катта жуссали илонлар чақса, заҳарли бўлгани учун эмас яра [қилгани] учунгина даволанади.

Айтадиларки, аввалги турдаги илонлар бир неча жинсдан иборат. Булардан, масалан, «малика», юнончада «*босилиқус*» деб аталадигани бўлиб, у назар ташлаши ва овози эшитилиши билан ўлдиради; [яна] масалан, шулардан «қалдирғоч» деб аталадиган илон бор, бунинг ранги қалдирғоч рангига ўхшайди, узунлиги бир газга яқин, [чаққан кишисини] икки соатга қолдирмай ўлдиради, [яна] масалан, шулардан пўстининг жуда қуруқлиги сабабли *қуруқ усқулус* деб аталадигани [241] бўлиб, унинг узунлиги уч-беш газ ўртасида, ранги кулранг ёки сарғиш, кўзлари чақнаб туради ва [чақса] икки-уч соат ўртасида ўлдиради.

Шулардан [яна] «тупурувчи» [номлиси] бўлиб, у тишларини бири-бирига қисиб туриб тупук чиқаради ва отади; тупуги ёки тупигининг

ҳиди кимга бориб тегса ўлдиреди. Унинг узунлиги икки газга етади, ранги сарғиш кулранг, чаққан кишисини оғриқ қўзғалмасданоқ ўлдиреди.

Бу хил [илонлар]ни улар [чаққанида] даволашдан кўпда умид қилиниши керак деган мақсадда эмас, балки уларни танитиб ўтиш ва биз айтганлардан бошқа [ҳеч нарса] фойда келтирмаслигини билдириш учунгина китобларда эслатиб ўтилган. Уларга аҳёнан [бўлса ҳам], биз айтганлар фойда етказиб қолса ажаб эмас.

Ўлдирувчи «кар» илонларнинг бошқа турлари ҳам бор. Улар кўпроқ Мисрда учрайди. Уларнинг баъзилари шохдор бўлади, ранглари эса турлича: оқ, малларанг, қизил, асал рангли ва кулранг бўлади; тузилиши *афъо* илони тузилиши кабидир; баъзиларининг тишлари илмоққа ўхшаб кетади. Дарҳол ўлдирувчи катта илонлар шулар жумласидандир.

Афъо илонлари ва шуларга ўхшаш иккинчи турга кирувчи илонлар ҳам турлича бўлиб, улар асл *афъо* илонлари, «дуб ёнғоғи» *афъо* илонлари, ташна қилувчи *афъо* илонлари ва бошқа биз қуйида айтadиган илонлардир.

Илонлар баъзан турлари билан эмас, балки бир жинсга тегишли бўлиб, эркак-урғочи эканликлари эътибори билан ҳам ҳар турлидир. Гарчи бир гуруҳ [табиблар] урғочи илонлар тишлари кўп бўлгани учун ёмонроқдир десалар-да, эркак илоннинг тишлари кам бўлса ҳам, заҳарлилиги кўпроқ ва ўткирроқдир. Шунингдек, илонлар бир турдан бўлганда ёш жиҳатидан,— қарироғи ёшроғидан ёмонроқдир,— ҳамда гавдаларининг катта-кичиклиги жиҳатидан ҳам фарқ қиладилар; катта илон кичик ва калта гавдали илондан ёмонроқ.

Яшаш жойлари эътибори билан илонларнинг турлича бўлишларига келсак, сувсиз тоғ ва чўлларда яшайдиган илонлар кўкаламзор ва кўп сувлик жойларда яшайдиганларидан ёмонроқ бўлади. Тўқлик ва очлик жиҳатидан эса, уларнинг очи ёмон ва заҳарлироқдир. Нафсоний таъсирланишлар жиҳатидан эса ғазабланган илоннинг заҳари ёмонроқ. || Замон эътибори билан турланишига келсак, уларнинг заҳарлари ёзда жуда ёмон бўлади. 403

Айтадиларки, бир жинсдан бўлса ҳам узун ва йўғон илон худди шу жинсдаги [ингичка ва калта илондан] ёмонроқ.

Баъзи кишилар илонлар ва *афъоларнинг* заҳарини совуқ деб гумон қилиб янглишганлар. Илон чаққан кишиларда эт увушиб, жунжийди, бунга сабаб улардаги табиий ҳароратнинг заҳарга қаршилашиш асносида ўлишидир. Табиий ҳарорат ўзининг ёйилиши ва алангаланиши билан баданни қиздиради. Бу ҳарорат бўлмаганида эса, юрак оловдек алангаланиб уриб тургани билан оёқ-қўл [атроф]лар қизимайди. Бир гуруҳ [кишилар]нинг гумонича, «шалдирувчи» илоннинг

заҳари, айниқса, совуқдир ва у гўё юракдаги қонни йиғади ва қотиради, шунинг учун [киши баданини] жуда увуштиради. Аммо [увушиш] бундан эмас, балки заҳарнинг табиий ҳароратни тарқатиши ва уни ўлдириши сабаблидир. Агар бирор киши бунга совуқ мизожли ҳайвон қишда ўликдек бўлиши, иссиқ мизожлисининг эса ҳарорати ортишини асос қилиб келтирса, у киши ким бўлмасин, келтирган асоси нотўғридир. Бундай даъво катта баданли ҳайвонларга нисбатан тўғри, майда [жуссали] ҳашаротларга нисбатан нотўғридир. Бу сўзнинг нотўғри эканлигини исботловчи далил, ари жуда иссиқ мизожли бўлса ҳам, у қишда худди ўлгандек ҳаракатсиз ётишидир; илоннинг мизожли иссиқ бўла туриб қишда ҳаракатсиз ётиши, табиий ҳароратининг [созуққа] қарши туриши ва илоннинг ўзида юз берадиган бошқа ҳолатлар туфайлидир.

Йигирма биринчи фасл. Босилиқус чақиши

Бу «кар» илонларнинг биринчидир, [ундан кейин] *жармоно* туради; унинг ўша илонми ёки бошқаси эканлигини мен билмайман. Баъзиларнинг айтишича, унинг «малика» деб аталишининг сабаби бошида тожи бўлганлигидандир. Унинг узунлиги икки қаричдан уч қаричгача, боши жуда ингичка, кўзлари қизил, ранги қорамтир ва сарғиш, ниманинг устидан юриб ўтмасин, уни куйдиради ва унинг ини теварагида ҳеч [ўсимлик] кўкармайди. Унинг ини устидан учиб ўтаётган қуш йиқилиб тушади; *босилиқусни* сезган ондаёқ ҳайвонлар қочадилар, агар унга яқин келиб қолгудек бўлса, бўшашиб ҳаракат қилолмайди; бу илонлар бир ўқ [ёй] отими жойдаги [жониворни] овози билан ўлдиради, унинг кўзи узоқдан туриб кимга тушса, уни ўлдиради; кимнинг кўзи унга тушса, у [киши] ўлади деганлари нотўғридир. *Босилиқус* тишлаган кишининг бадани эрийди, кўпчийди, зардоб оқади ва у дарҳол ўлади; бу ўликка қайси бир жонивор яқинлашса, у ҳам ўлади. *Босилиқуснинг* яқинида [турган жонивор] камдан-кам қутилиб қолади, лекин гарчи таёқ билан теккан кишини шу таёқ орқали, кўпинча, ҳалок қилса ҳам, баъзи вақтларда, [242] унга таёқ билан тегиш мумкин; шунинг учун *босилиқусга* найзаси билан теккан отлиқнинг ўзи ҳам, оти ҳам ўлган; бир отнинг лабини *босилиқус* тишлаганида, от ҳам, отлиқ ҳам ўлган; бу илон Турк ва Лубия мамлакатларида кўп учрайди.

Йигирма иккинчи фасл. Босилиқус чаққанининг белгиси

Бунинг белгиси, айниқса, мана шу илон борлиги билан машҳур бўлган мавзуда, очиқ-ойдин сабабсиз тўсатдан ўлиб қолишидир. Бунга асло даво йўқ.

Йигирма учинчи фасл. Ж а р м о н о¹

Фақат чақиши билан эмас, балки қараши, овоз эшиттириши билан ҳам ўлдириши жиҳатидан *жармононинг* хусусиятларини «малика»нинг хусусиятларига яқин дейдилар. У қайси бир ҳайвонни чақмасин, бу ҳайвон гавдаси титилиб кетади; *жармоно* ўзига яқинлашаётган ҳайвонни ҳалок қилади. Бироқ унинг қаддини «малика»нинг қаддидан бошқача тасвирлаб, узунлиги бир газдан бир ярим газгача келади дейдилар.

Айтишларича, унинг чаққанига қарши ҳеч бир даво фойда етказолмайди, агар бирор дори фойда етказа олса, у — икки *дирҳамгача* кўкнор уруғи ва икки *дирҳамгача* қундуз қиридир. Бир гуруҳ [табиблар] буни тасдиқлаганлар.

Йигирма тўртинчи фасл. «Қар» илонлардан бири бўлган «қалдирғоч» деб аталувчи илон чаққанининг белгилари

Бу илон чаққан кишида шу илон чаққанига хос бўлган кучли ҳафқон билан бирга ҳиқичоқ, ранг ўзгариши, аъзосининг бўшашиши, узоқ уйқу, кўз [қовоқлари] юмилиб қолиши юз беради ва қаттиқ оғриқлар пайдо бўлади. Бунинг давоси «қар» илон «[чаққанни] даволаш кабидир, *биз бу ҳақда айтиб ўтдик².

Йигирма бешинчи фасл. «Қар» илонлардан бири бўлган қуруқ а с қ и ю с чаққанининг белгилари

Бу илон чаққан кишида «қалдирғоч» илони чаққанидаги ҳолатлар юз беради: ранг ўзгаради, эсанкираш юз беради, кўп ҳиқичоқ тутади, аъзолар совуйди, кўз [қовоқлари] юмилади, киши узоқ ва қаттиқ уйқуга чўмади. Бунинг давоси ҳам «қар» илон чаққанини даволаш кабидир, *биз бу ҳақда айтиб ўтдик².

Йигирма олтинчи фасл. «Тупловчи» илон — а с қ и л у с н и н г чақиши

Бу [илон]лар чаққан кишида *асқиюс* [илони] бобида айтилган ҳолатлар ҳамда тез-тез эснаш юз бергандан кейин, у киши ҳиссизлик ва жимликка чўмиб узоқ уйқуга ботади; унда кўз юмилиб қолиши, гардан буралиши, *кузоз* ва тартибсиз томир уриши кузатилади; у оғриқни сезмайди; бироқ баъзан дастлабки вақтда қусишга ундовчи оғриқ сезиб, қусмоқ учун бармоғини оғзига тиқа беради.

Баъзилар *асқилус* ҳақида гапириб, у бошини юқори кўтариб туриб заҳар тупуради деб тавсифлайдилар. *Асқилус* ва биз баён қилганимиз бир турдаги [илонми] ёки у тупурувчи илонлар жинсидан бирими эканлигини мен билолмадим. Бироқ ўша кишилар у [*асқилус*]нинг белгилари ҳақида гапириб, *асқилус* чаққан жой игна санчилгандагидек кичик бўлиб шишмайди, ундан бир оз қора қон оқарди; бу илон чаққан кишида аввало кўз пардаланиши, ички аъзоларида ва юрагида¹ оғриқ, кейин унда кўз [қовоғи] юмилиб қолиши ва узоқ уйқу пайдо бўлади. У киши уч кундан ортиқ яшамайди. Буни «кар» [илон чаққан]ни даволагандек даволанилади. Биз уни айтиб ўтдик.

Йигирма еттинчи фасл. «Шохдор» илон²

Бу «кар» илон туридандир; узунлиги бир газдан икки газгача, бо-
404 шиди || шохга ўхшаш иккита бўртмаси бор, бадани қум рангида; қорнида мис чақага ўхшаш қуруқ, қаттиқ тангалари бўлиб, ерда [юрганида] шалдираб товуш чиқаради; тишлари қинғир-қийшиқ эмас, тўғридир. Бу [илон], кўпинча, қумли жойларда бўлади. Бир гуруҳ кишилар унинг «калта» деб аталган тури бор дейдилар. Бу — унинг калта шохлиси ёки шохи тушиб кетгани [ҳам бўлиши] сабаблидир. Яна унинг калта ва кичик [хили ҳам бўлиб], бунисининг жағлари каттадир, шунинг учун уни «жағдор» деб атайдилар.

Йигирма саккизинчи фасл. «Шохдор» илон чаққанининг белгиси

Бу чаққан жойда гўё игна ёки мих қадалгандек ҳис пайдо бўлади; бадан жуда оғирлашади, кўз қовоқлари керикади; кишида бош айланиш, кўз олди қоронғиланиши ва ақл кетиши пайдо бўлади. Бунинг давоси ҳам «кар» илон чаққаннинг давоси кабидир. Хусусан, қус-тиришни исталганда, турп уруғини шароб билан ичириш ўзига хос даволардандир; қусиб ташлангандан кейин Ҳинд зираси фойда етказди. Бу илон тишлаганига шароб билан қўшилган кунжут, шароб билан қўшилган қундуз қири, [243] шароб билан қўшилган чўл ялпизи ҳам фойдалидир; турп уруги бунда ажойиб фойда беради. Бу [илон] чаққан жойга янчилган тузни қатрон билан аралаштириб ёки пиёзни сиркада эзиб қўйилади.

Йигирма тўққизинчи фасл. И д р у с ва қ у д у с и д р у с деб аталувчи илонлар

Бу илон агар сувда яшайдиган бўлса, уни юнонлар *идрус*, агар унинг яшаш жойи қуруқлик бўлса, *қудусидрус* деб атайдилар. Бу

«кар шалди роқ» илондан кичикроқ, бўйни кенгроқ, ёмонроқ ва зарарлироқдир. Булар чаққан жой қаттиқ оғрийди ёки алангаланади, кейин кўкаради ва ўйилиб ейилади; кишида бош айланиши, бадбўй сафро ташлаш, тартибсиз ҳаракатлар қилиш ва қувватнинг заифланиши юз беради ва у, кўпинча, учинчи соатда ҳалок бўлади, уч соатдан ошмайди. Агар тирик қолса, бунда у [илон]нинг сувда яшайдиган хили бўлиб чиқади ёки у кишининг мизожи кучлилик қилган бўлади. [Бу ҳолда] у киши деярли ҳеч қачон қутилиб бўлмайдиган касалликларга учрайди.

Утгизинчи фасл. Даволаш

Бу умумий тарзда даволанади. Унинг махсус давоси эса тозаланган сарв бужури ва мирта уруғининг ҳар биридан бир *драхмийдан* олиб, қўшиб асал суви ёки шаробга солиб ичиришдир. Шунингдек, икки *дирҳам* оғирлигидаги аристолохияни шароб билан ёки сув қўшилган сирка билан ичирилади; канавчанинг сиқиб олинган суви ҳам шундай. Оҳак, зайтун ёғи, тоғ ялпизи, дуб [дарахти] илдизининг пўсти ва шуларга ўхшашларни ёлғиз-ёлғиз ёки аралаштириб қўйиб боғланади. Арпа толқони буларга қўшиладиган нарсалардандир.

Утгиз биринчи фасл. Изрис

Мен, *изриснинг изриюс* эканлигига тўла ишончим бўлмаганлигидан, мана шу [юқоридаги илонлар] жумласидан деб айтдим, [булар орасида] юнон сўзларининг ёзилишида бўлганидек, ҳам қўшимча, ҳам ёзилиш жиҳатдан фарқ бор; ёки бу бошқа бир илондир. Аммо мен буни кўчириб ёзаётган китобнинг автори [*изрис* чаққандагидан] бошқа белгиларни кўрсатиб айтадики, «бунинг чақиши яра пайдо қилади, яра кенгаяди, [чаққан жойининг] ранги ўзгаради, ундан жуда бадбўй қора рангли кўп рутубат оқади. Бундай кишини даволаш узоққа чўзилади ва қийин бўлади». Буни мендан бошқа бир киши кўриб, аҳволини аниқлаши лозим. Биз иккинчи тур илонларга ўтамиз.

Утгиз иккинчи фасл. Афъо илонларининг чақишлари ва уларнинг ҳукмлари ҳақида умумий сўз

Афъо илонлари ва аждарларнинг ёмони эркакларидир; урғочилари эса бежавотирроқ бўлади. Урғочиси чаққанини у тишлаган жойда иккитадан ортиқ тишнинг ўрни мавжудлигидан билинади. Дастлаб иккита ёки ундан кўп тиш ўрнидан қон, кейин мағзавага ўхшаш зардоб чиқади; баъзан эса аввал сувсимон, кейин зайтун ёғсимон, ун-

дан кейин зангорсимон зардоб оқади, чунки энди у заҳар жавҳарига ва рангига айланган бўлади.

[Илон] чаққан жой огрийди, сўнг оғриқ [атрофга] ёйилади, ундан кейин олов куйдирганга ўхшаш кўп бўртмалар ва қаварчиқларга эга бўлган қизил рангли иссиқ шиш пайдо бўлади ва бу шиш, баъзан ёйилади. Кейин мана шу шишнинг тишланган жойга яқин этларни кўкаради; [илон чаққан кишининг] оғзи қурийди, ички аъзоларида куйиб ёниш, баданида титроқли иситма, кейин совуқ тер пайдо бўлади; унинг ранги айниб кўкаради, боши айланиб ҳаяжонланади, кетма-кет, калта-калта нафас олади, кўнгли айнийди ва ҳиқичоқ тутаетди, баъзан у саф-роли хилт қусади, сийиши қийинлашади, боши оғирлашади, кўпинча, бурни қонайди; умуртқа суягида оғирлик, сўнг совуқ терлаш, қаттиқ титраш ва ҳушдан кетиш зоҳир бўлади. Бу илон тишлаган киши ўладиган бўлса, кўпинча, учинчи куни ўлади, баъзан эса етти кунгача яшайди.

**Ўттиз учинчи фасл. Гўё қонун сифатидаги усул
билан а ф ь о илонлари чаққанини даволаш**

[Буни] даволашда умумий асосларга риоя қилинади, сўнгра энг кучли бўлган давони — *афъо* илони тарёқини шошилиш равишида ишлатилади; агар кечикилса, кўп [миқдордаги] тарёқ фойда бериши мумкин, ёки фойда бермаслиги ҳам мумкин. Аммо тарёқ заҳарга қарши олат бўлиб қолади [дейиш] бекор гап, чунки олатни табиат истеъмол қилади, аммо [табиатга] ёт бўлган [заҳарнинг] уни истеъмол қилиши мумкин эмас. Бироқ улар [тарёқ ва заҳар] биргалашиб ҳаракатга келса, [тарёқни заҳарга қарши олатга айлантириши мумкин].

Агар киши саримсоқ ва шаробни кўплаб истеъмол қила олса, у гоҳо барча даволарни ишлатишдан қутилади; агар саримсоқ топилмаса, гандано ва пиёзни шароб билан [истеъмол қилиш] ҳам шундай натижа беради. Айтишларича, кийикнинг олатини қовуриб, дарҳол едилрлса фойда етказаетди. Исирик [илон чаққанидан] халос қилувчи дорилардандир, *цитрон* уруғининг мағзи ҳам шундай.

Афъо илони чаққанига хос кучли тарёқлардан: Рум арпабодиёнидан бир *уксубофун*, мурчдан [244] тўрт *драхмий*, юмалоқ аристолохия пўсти, || қундуз қири ва *муррларнинг* ҳар биридан бир *драхмийдан* олиб, суюқ шаробда қориштирилатди. Бир ичими бир *жавза* [ёнгоқ] миқдорида бўлатди.

Бундан бошқаси: *мурр*, қундуз қири, мурч ва қизил зирнихларнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, укроп уруғидан икки *уқия* олиб, суюқ шаробда аралаштирилатди.

Яна: қора йўнғичқа уруғи, юмалоқ аристолохия. Чўл газзағўти олинади. Чўл газзағўти, баъзилар тушунганидек, исирик эмас, балки

газагўтнинг ўзининг бир туридир. Бу дорини кўп миқдорда сариёғ, айниқса, эски сариёғ билан бериш лозим. Кўпинча, [заҳарланишдан] эски сариёғнинг ёлғиз ўзи ҳам халос қилади. Қасални сутли ваннага ўтқазилади; ухламасликка ва юришга ундалади, вақт-вақти билан терлатувчи ҳаммомга туширилади ва бундан кейин панирмоялар ва шуларга ўхшашлар ичирилади. Панирмояларнинг энг яхшиси қуённинг янги панирмоясидир. Бунни ўрта даражада сув аралаштирилган тўрт *уқия* узум шароби билан ичирилса, яна ҳам яхшироқ. Тоғ эчкиси панирмояси ҳам яхши. Баъзилар айтадиларки: «Агар киши денгиз пиёзини олиб чайнаса ва ундан чиққан сувни ютса ва турпини илон чаққан жойга қўйиб боғласа, у албатта омон қолади».

Бир гуруҳ кишилар қурбақалар шўрвасини тажриба қилиб кўрганларида, уни ичилганда етарли даражада фойда қилганлиги [маълум бўлган]. Латчанинг сиркалаб тузланган гўшти, денгиз қисқичбақалари ва денгиз тошбақаларининг қони [ҳам шундай]. Баъзилар мормуҳра деб аталган тошни [бўйинга] осиб қўйилса соғайтиради, дейдилар.

Ўттиз тўртинчи фасл. А ф ъ о илонлари чаққанига [қарши] бошқа мақтовли ичиладиган дорилар

Айтадиларки, ёввойи петрушка, яъни *самарниюн* бунга қарши яхши [фойда келтиради]; игир илдизи, аристолохия барги ва илдизи, *мурр*¹ илдизи, чўл қовоғи илдизи ёки «қора ток» ёки дарахт пўкаги — буларнинг қайси биридан бўлмасин ширин шаробга солиб бир *драхмий* миқдорда берилса [фойда қилади], шунингдек, анагаллис, яъни бўтакўзнинг сиқиб олинган суви, зира, хусусан, тоғ зираси, карамнинг сиқиб олинган суви ёки икки *усулус* мурч билан қўшилган икки *драхмий* қуст ёки *Бахур Марямнинг* илдизи, Рум сассиқ қаврагининг уруғи ёки илдизи, ганданонинг ёки кангарнинг сиқиб олинган суви билан бирга исириқ уруғи ҳам [фойдалидир]. Шунингдек, қуён панирмояси, айниқса, хотинлар сутига [солинган] ёввойи ясмиқ уни ва занжабил фойда қилади. Беклар ўти илдизи, Турк ерларида машҳур ва ғоят маънафатли бўлган *хазанбалнинг*² илдизи, аристолохиянинг пўсти ёки қора йўнғичқанинг илдизи ичирилади. Турбудни янги соғилган сутга солиб ичирилса, жуда фойда беради деб даъво қиладилар; *афъо* илонлари ва барча ҳашаротлар чаққанига [қарши] *лоғия* сути,— мен бунни *фаровий* ва *бушанжий* тарёқи деб гумон қиламан,— ёки сирка билан қўшилган икки *дирҳам* говшир ҳам фойдалидир.

Шунингдек, қустдан ёки гентиана илдизидан уч *мисқол* олиб [ишлатилади]. Яна, яхши нарсалардан бири эчкининг қумалоғини шаробда эзиб ичиришдир.

Барча [заҳарни] кесувчи ўткир дорилар, хусусан, саримсоқ, пиёз, гандано, турп ва унинг суви ва барча тузланган нарсалар, хусусан, латчанинг қорни, қовурилган чаён, хўрознинг ва бошқа қушларнинг ўти ҳам фойдали нарсалардандир.

Газагўтнинг сиқиб олинган суви, олма баргининг сиқиб олинган суви ва самсақнинг сиқиб олинган суви ғоятда фойдали сувлардандир. Сирканинг ёлғиз ўзи ҳам, агар ундан тўрт *уқиясини* қайнатиб ичирилса, [фойда қилади]; набатий карамининг атроф [барг]лари ёки. айтишларига қараганда, одам сийдиги ҳам фойда қилади.

Ўттиз бешинчи фасл. Сиртдан қўйиб боғланадиган дорилар

Бу тортувчи қўйиб боғланадиган дориларни [илон чаққан жой] шишмасдан бурун ишлатилади. Уларни арча бужури, дафна меваси, бобуна, хусусан, қовурилган денгиз пиёзи ва ёввойи ясмиқ ундан тайёрланади. Буларнинг ҳаммаси ёки алоҳида-алоҳида, ёки шаробда аралаштирилиб ишлатилади. Эски пишлоқни қўйиб боғлаш етарли таъсир кўрсатади. Ичи ёрилган товуқни қўйиб боғлаш ғоят яхшидир. *Афъо* илонларининг гўшти, ичи ёрилган қурбақалар ҳам шундай. Ёғлардан дафна дарахти ёғи ёки ичида дафна дарахти барги қайнатилган ёғлар [фойдалидир].

Ўттиз олтинчи фасл. Чаққанида бутун тери тешикларидан қон оқизадиган а м у р и ю с ва б а с т и ю с каби илонлар

Бу илонлар ёмондир. Улар чаққанида бўғинлар оғриши, қон қусиш ва қон тупуриш билан бирга барча тери тешиклари ва ўтиш йўллари-дан, ҳатто битган яралар ўрnidан ҳам қон қўзғалиб оқади.

[245] Олимлар¹ айтганларки, бу икки илоннинг бадани қум рангида, баданларида қора ва оқ нуқталари бор, уларнинг узунлиги «шоҳдор» илонлар узунлигичадир. [Ўша олимлардан] бирининг таърифлашича, бу илонлар *афъо* илонидан кичикроқ, уларнинг боши ва думи ингичка, ранги кул рангида, баъзилари эса қора, қизил, оқ рангда бўлади, бошида бир-бирини кесиб ўтган оқ йўллари бор; юрганида қорнининг пўсти қуруқлигидан, қамиш шилдирашига ўхшаш шилдираган овоз [эшитилади]; ҳаракати оғир, тиши тўғри бўлади. Мана шу олим бу илонларни баъзи биринчи турдаги илонлар хусусияти билан тавсифлаб айтади: «Бу илонлар ёмондир. Улар чақса, тери тешиклари ва табиий йўллардан кўплаб суюқ қон оқизади, баъзан эса улардан бир оз сувсимон модда оқади; бу нарса ҳатто, битиб кетган яра тешикла-

ридан || ва кўз бурчакларидан ҳам келади; меъдада оғриқ пайдо бўлиши билан бирга қон қусиш, қон тупуриш ва бурун қонаши бошланади.

[Уша олимлардан] бирининг айтишича, бу илонлар чаққан жой шишади, қораяди ва у ердан бир оз сувсимон модда оқади, ич кетади, нафас қисади, сийиш қийинлашади, товуш бўғилади, аъзолар бўшади, баданда ўздан кетиш каби ҳолат ғалаба қилади, *кузоз* пайдо бўлади, тишлар тушиб кетади ва [ниҳоят] киши ўлади.

Ўттиз еттинчи фасл. Даволаш

Буни даволаш кўп шароб ичириш, унинг устидан *тиррих*¹, тузланган балиқ ва саримсоқ кабилардан едириб қустириш лозимлиги жиҳатидан шалдировчи ва *афъо* илонлари чаққанни даволашга ўхшайди. Қустириш бир неча марта такрорланади, сўнг [касаллар] чўғ устида қовурилган балиқ билан нон ейдилар, майиз ейдилар. Турп уруғи ҳам, хусусан, уни шаробга солиб [ичилса], шунингдек, кўкнорнинг сиқиб олинган сувини ҳаворанг гулсапсар илдизи билан бирга шаробга солиб [ичилса], фойда беради. Бундай илон чаққан кишиларга шароб билан [ичилган] тухум оқи фойда қилади; қон ташлаётганларга, кўпинча, семизўт, арпа толқони, токнинг қайнатилган барги ёки баргизуб ва мозиларни қўйиб боғлаш фойда етказилади. Гандано, қичитқиўт ва газгаўтнинг арпа толқони ва тухум оқи билан қўшилгани доғлаш йўли билан қонни тўхтатадиган нарсалардандир.

Ўттиз саккизинчи фасл. Ташналик туғдирувчи илонлар

Айтишларича, ташна қилувчи илоннинг узунлиги бир қаричдир, унинг баданида кўп қора доғи бор, боши кичик, бўйни эса йўғондир. Гавдаси бўйин [тарафидан] йўғон [бўлиб], думигача ингичкалашиб [боради]. Баъзиларнинг айтишича, бу илоннинг аксар учрайдиган жойи Лубия ва Шом мамлакатларидир; унинг кўриниши *афъо* илонининг кўринишига ўхшайди, орқасининг ранги қорамтир, у думини кўтариб юради. Яна бошқаларнинг айтишича эса, у [денгиз] соҳилларида яшайди.

Айтишларича, бу илон чаққан киши куйиб алангланади ва сувга қонмайди, сийдик сийиш ёки терлаш содир бўлмай, тинмасдан сув ича беради, ҳатто бутун бадани шишиб кетади ва бутун томирлари га сув тарқайди.

Ўттиз тўққизинчи фасл. Даволаш

Бундай илон чаққан кишининг тадбири умумий бўлиб, кўп ёғ ичириб қустириш, сўнгра ахлат ва сийдикни чиқарадиган ва сувни

пастга тортадиган нарсалар билан ҳуқна қилишдан кейин петрушка, Ҳинд сунбули, дорчин, туёғут, Рум сассиқ қавраги, тоғ петрушкаси ва шуларга ўхшашларнинг қайнатмалари каби сийдикни юргизувчи нарсалар ичиришдир; сиртдан туз, оҳак ва зайтун ёғини ҳамда биз кейинроқ айтадиган қутирган ит қопганда боғланадиган нарсаларни қўйиб боғланади.

Қирқинчи фасл. «Сакровчи» ва «сапчувчи» [илонлар]

Бу илонлар кичик, калта ва ингичка бўлади. Баъзан дарахт устига чиқиб пойлаб ётади ва дарахт тагидан кимса ўтса, унинг устига сапчийди. Мен айтаманки, бу турдаги илонни Деҳистонда кўрдим. Унинг ранги қизғиш, ўзи жуда ёмон. Айтадиларки, бу илон чаққан кишининг бутун баданида қаттиқ оғриқ ва ҳароратли шиш пайдо бўлади, агар у илон биз кўрган [турдан] бўлса, у [чаққанидан] кейин ўлдиради.

Д а в о л а ш: буни [246] умумий [тадбирлар] ва *афъо* илонига қўлланиладиган [тадбирлар] билан даволанади.

Алғисино исмли илон ҳақида гапириб, [баъзилар] уни икки тарафга қараб¹ сапчувчи илондир, дейдилар. Мен буни «сапчувчи» илонми ёки бошқа эканлигини аниқлай олмайман. Лекин бунинг бош ва думи йўғонликда бир хил, белининг икки томони баробар деб тасвирлайдилар. Бу илон ҳақиқатан ҳам биз кўрган илоннинг ўзи деб тасдиқламайман.

Қирқ биринчи фасл. Дуб ёнғоғи илони; бу — д у р у н и ю с д и р

Бу илон дуб ўрмонларида яшайди. Бу илон чаққан кишининг териси шилиниб тушади, у билан муомалада бўлган ва даволаётган кишининг ҳам териси шилиниб тушади. Бу илон жирканч ҳидга эга бўлиб, уни ўлдирмоқчи бўлган кишини, хоҳ заҳарли бўлсин, хоҳ бўлмасин, беҳузур қилади. Бу чаққанда ҳам *афъо* илони чаққандаги ҳолатлар юз беради.

Қирқ иккинчи фасл. Даволаш

Буни ҳам *афъо* илони чаққанидагидек даволанади. Бунга қарши, айниқса, узун аристолохияни шароб билан ичириш, шунингдек, қора йўнғичқа ва «эшак ганданоси»ни шаробга солиб [ичириш] ҳамда дуб ёнғоғини қўйиб боғлаш фойдалидир.

Қирқ учинчи фасл. «Тариқ» илон

Илонларнинг бу турининг ранги сариқликда тариқ рангига ўхшайди. Бу илон чаққан кишида *афъо* илони чаққанидагидек ёмон ҳолатлар юз беради. Бунга шу *афъо* илони чаққанини даволагандек даво қилинади.

Қирқ тўртинчи фасл. Синситолий деб аталган илон

Айтадиларки, бу илон ҳар икки тарафига қараб сапчувчи илонга ўхшайди. Бироқ бу [сапчувчи илон] ёмонроқ; белгилари [сапчувчининг] белгиларидек, давоси — ўша илон чаққанини даволаш кабидир.

Қирқ бешинчи фасл. Турли рангларга эга бўлган олачипор илон

Бир [табибнинг] айтишича, бу илон ёмон бўлиб, унинг [заҳари] жигарни ўйиб ейди, ичакларни титиб юборади ва иккинчи куни ўлдиради. Бу *афъо* илонларининг оғир чаққанини даволагандек даволанади.

Қирқ олтинчи фасл. Норситлис илони

Бу илон чаққандаги белгиларни баъзан *афъо* илони чаққандаги белгиларга [ўхшатиб] тавсиф қиладилар, аммо бунинг чаққан жойи кўпчиб қотади ва қаварчиқлар пайдо бўлади; мана шу жойдан қонсимон қора рутубат оқиши кузатилади; илон чаққан кишида ақл кетиши, кўз олди пардаланиши ва ҳалокатга олиб келувчи *кузоз* содир бўлади. Бунинг давоси [ҳам] *афъо* илони чаққанини даволаш кабидир.

Мен мана шу мавзуда бу илонни тахминан эслатиб ўтяпман; [аммо] мен унинг қандай илон эканлигини, табиати ва тури қандайлигини аниқ билмайман. У кўп учрайдими || ёки йўқми — буни ҳам билмайман. 407

Қирқ еттинчи фасл. Фанажурбиюс

Айтишларига кўра, бу илон *афъо* илонига ўхшаш чақади, аммо бу илон чаққан киши [баданида] бузилиш ва истисқо касалига учраганлардагидек бўшашиш пайдо бўлади. Бунда серуйқулик, унутувчанлик¹, жигарда, рўздор ичакда ва қулун ичагида [ҳар хил] касалликлар пайдо бўлади. Менинг бу илон ҳақида бу мавзуда эслатган сўзларим, худди юқорида келтирилган илон ҳақидаги сўзларимга ўхшаш тахминийдир; у баъзан бу табақа илонлардан бўлмай, балки саситув-

чи илонлар туридан бўлиши ҳам мумкин. Бунинг чаққанига [қарши] *афъо* илони чаққанидаги даволаш [усули] қўлланилади.

Қирқ саккизинчи фасл. Л и м у д у т и с ва м а в о т у р у с

Айтадиларки, бу илонларнинг ҳар бирининг узунлиги бир газча келади; ранги қум рангида, баданида доғлари бор. Айтишларича, киши [бадани]нинг бу илонлар чаққан жойида қаттиқ оғриқ ва катта шиш пайдо бўлиб, ундан қон аралаш зардоб оқади; кишининг қовуғи, жигари ва қорин деворида оғриқ қўзғалиб, бу оғриқ учинчи кунни [ёки] еттинчи кундан ўтказмай ўлдиради.

Қирқ тўққизинчи фасл. Даволаш

Айтадиларки, бу илонлар чаққанини умумий усулда даволанади. Буларнинг ўзига хос [давоси эса], қундуз қири, дорчин ва хотинак супурги илдизининг қайси биридан бўлмасин икки *дирҳам* [вазнида] олиб, шароб билан ичиришдир. Аристолохия илдизи, хусусан, узун аристолохия илдизи катта фойда етказади. Бўйимодарон илдизи, айниқса, сиқиб олинган суви ва гентиана илдизи ҳам шундай [фойда беради]. Қўйиб боғланадиган дорилардан қайнатиб қуритилган ва янчилган денгиз пиёзи, анор пўсти, шунингдек, хотинак супурги, зиғир уруғи, сутчўп, исриқ уруғи, қўйпечак ва газгаўтни қўйиб боғлаш фойда етказади; чириб сасиётган яраларга хос қўйиб боғланадиган дорилар ҳам фойдалидир [247].

Эллингинчи фасл. С и с и р деган илон ҳақида. У чиритиб саситувчидир

Бир гуруҳ [кишилар]нинг даъвосича, бу илон Шом ва Миср мамлакатларида учрайди, боши япалоқ, қорни юмалоқ, думи ингичка. Унинг бошида йўл-йўл чизиклар йўқ, аммо жасадида ҳар хил рангли йўллари бор. У судралганида тўғри юрмай, буралиб-буралиб юради. Бу илон чаққан кишида оғриқли шиш, бутун бадан аввал ушалиб [тушаётгандек бўлади], кейин эса, чириш, соч тўкилиши юз беради. Баъзан чириш тезлашади ва соғлом [этни ҳам] ҳалок қилади. Бу илон *афъо* илонлар турига ўхшайди.

Эллик биринчи фасл. Даволаш

Бунинг давоси умумий давони қўллаш ҳамда *афъо* илонлари чаққанига [қарши ишлатиладиган] тадбирларнинг ўртачасини ишлатишдир. Бундан кейин илон чақишидан келиб чиққан ҳолатлар ва белгиларни даволашга ўтилади.

**Эллик иккинчи фасл. Тишлаганида заҳари билан
эмас, жароҳат қилиши билан азият етказувчи
бошқа илонлар. Бу илонларнинг жуссаси жуда
каттадир**

А ж д а р. Бир табибнинг сўзи бўйича, бунинг энг кичик турининг узунлиги беш газ, энг каттасининг узунлиги эса ўттиз газ ва ундан ҳам узунроқ бўлади.

Айтадиларки, аждарнинг иккита катта-катта кўзи, пастки жағининг тагида иякка ўхшаш дўнги ва катта курак тишлари бўлади.

Баъзиларнинг айтишича, аждар илонлар Нубия ва Ҳинд мамлакатларида кўп учрайди, Ҳинд аждари — каттароқ; Осиё мамлакатларида бўладиган Нубия аждарининг узунлиги тўрт газгача етади, Ҳинд аждари эса жуда катта аждардир.

Айтишларига кўра, аждарлар биз эслатганга ўхшаш бўлиб, уларнинг юзи сариқ ва қора, оғзи ғоятда кенг, қоши кўзини беркитиб туради, гарданида чиганоқлари, ҳар бир жағида учтадан курак тиши бор.

Мен айтаманки, биз шу каби [жониворни] кўрдик, унинг гарданининг ҳар икки томонида дағал мўйлари бор эди.

Айтадиларки, аждар тишласа, енгил оғриқ пайдо бўлади, сўнг алангаланиш юз беради; унинг эркаги урғочисидан ёмонроқ.

Мен айтаман: Ҳинд мамлакатидан бошқа ерларда ҳам ғоят катта жуссали аждарлар бўлиши ҳақиқат.

Айтадиларки, аждар тишлаганининг давоси ёмон яраларни даволашнинг ўзидир, холос.

**Эллик учинчи фасл. Ағодисимун
ва сир**

Булар аждар туридан бўлса керак. Айтадиларки, *ағодисимун* чаққан кишида бошқа аждарлар тишлаган кишиларда юз берган ҳолат содир бўлади. Айтишларича, *сирнинг* тишлари бақувват; [тишланган] этни титиб юборади ва қуритади, шунинг учун бунинг тишладан содир бўлган яра жуда хатарли бўлиб, ғоятда ёмон яралардек даволашга эҳтиёж тушади.

Эллик тўртинчи фасл. Денгиз аждари тишлаши

Айтадиларки, у чаққан жойга олтингугурт ва сирка суртилади; [яна] айтишларича, тимсоҳнинг ёғи ва «трибло» деб аталган балиқ қўйиб боғланса, фойда етказади. Агар у тишлаган жойни қалай билан ишқаланса, бундан [касал] фойда кўради. Қорақурт бобида биз-

ёзиб кўрсатган дорилар, хусусан, биринчи тарёқ ҳам [фойдалидир]. Тоғ қора райҳони ичирилса ҳам, қўйиб боғланса ҳам фойда беради.

Эллик бешинчи фасл. Иккита денгиз ҳайвони

Булар ҳақида бир олим эслатиб ўтган; менинг гумонимча. Булар денгиз аждарлари туридандир. Улардан бири — *самуриё*. Ўша олимнинг даъвосича, бунинг тишлашидан *афъо* илони тишлашидан юз берадиган ҳолат содир бўлади; давоси ҳам *афъо* илони тишлаганини даволаш каби бўлса керак.

Бошқаси — *туруғурун*. [Ўша олим] айтади: *туруғурун* чаққан кишида қаттиқ оғриқ, кучли совқотиш, увушиш пайдо бўлади ва у тезда ҳалок бўлади. У бунинг давоси совуқ [заҳарли жониворлар тишлаганини] даволашга ўхшаш эканлигига ишорат қилиб айтади: тишланган жойга илитилган сирка қўйилади, дафна дарахти баргини қўйиб боғланади, қуст ёғи, назла ўти ёғи ва шуларга ўхшаш ёғлардан, шунингдек, денгиз пиёзи ва қичитқиўт қувватига эга бўлган нарсалардан суртилади. Бундай [касал]ларга ичириладиган дорилардан [бири], газгаўт қўшилган болдирғон сиркаси билан бирга дафна дарахти баргининг қайнатмасидир; ёки *мурр*, мурч ва газгаўтдан баробар бўлакларни олиб, бир ичиришда бир *драхмийсини* шаробга қўшиб берилади. Шунингдек, қорақурт бобида айтиб ўтилган биринчи тарёқ [ҳам ичирилади].





[248] ТУРТИНЧИ МАҚОЛА

ИНСОН ВА ТУРТ ОЕҚЛИЛАР ТИШЛАШИ

408

Биз бу мақолада инсон тишлаганидан, ит, бўри ва шуларга ўхшаш ҳайвонларнинг, шунингдек, қутирган итлар, йиртқич ҳайвонлар ва тимсоҳларнинг тишлашидан, маймун ва латчанинг тишлашидан ҳамда *ғуло*, яъни узунбурунчаннинг тишлашидан етадиган офатларни баён қиламиз.

Биринчи фасл. [Ҳайвонлар] тишлаганини даволаш ҳақида умумий сўз

Тишланишнинг энг ёмони, хоҳ одам бўлсин, хоҳ одамдан бошқа бўлсин, оч [махлуқ томонидан] тишланишдир. Тишланганни даволамоқчи бўлган киши тишланган жойга зайтун ёгига ботирилган латта қўйиши ёки ўша жойни зайтун ёғининг ўзи билан ишқалаши керак, сўнгра агар бу билан мақсадга эришилмаса, масалан, асал, пиёз ва бошқаларни шундайча чайналган ҳолда қўйиб боғланса, бу соҳада ажойибдир. Қуйдирилган қўрғошин суртмаси ҳам шундай; ёввойи ясимик уни қўйиб боғланса, жуда яхши бўлади. Агар [табиб тишланган жойда] бузилиш борлигини кузатса, у, аввало, қон олиш ёки қортиқ қўйиш ёки тортувчи дори ёрдамида у жойни тозалайди ва то йиринглагунича қўйиб қўяди; шундан сўнг қарайди: агар йирингда чириш мавжуд бўлса, тишлашдан етган зарар туфайли қўлланилган тортиш ва тозалаш етарли даражада кучли бўлмаганлигини билади ва биз [ҳашаротлар] чақиши бобида айтиб ўтган кучли тортувчи дорилар билан даволайди; агар аъзода бузилиш бўлмаса, [табиб] шишишга қарши тадбир кўради ва ярани битиради.

[Ҳайвонлар] чаққанига ва тирноқ ўринларига қарши энг яхши марҳамлардан бири, қора марҳам бўлиб, уни, агар лозим бўлса, зарарли нарсани тортиб чиқаргандан ҳамда сув ва намакоб билан ювгандан кейин ишлатилади.

Иккинчи фасл. Инсоннинг инсон томонидан тишланиши

Тишланган жойга, агар у қаттиқ тишланган бўлса, бир кеча-кундуз пиёз, туз ва асал қўйилади, сўнгра ёғ, мум, зайтун ёғи ва гальбан елимидан тайёрланган қора марҳам билан даволанади — бу тишланганга қарши қўйиб боғланадиган яхши доридир. Шунингдек, сирка, пиёз ва асал билан қориштирилган анор ҳам [яхши].

Баъзан инсон томонидан тишланган кишида, хусусан, [тишлаган киши] рўза тутган ёки чиришга қобилиятли донлар, айниқса, ясмиқ еган бўлса, ёмон ҳолат юз беради. Бунда тишланган жойни зайтун ёғи билан артиб ташланади ва асал билан арпабодиён илдизини ёки сув ёки сирка билан боқила унини қўйиб боғланади ва буни янгилаб турилади. Шунингдек, шароб ёки зайтун ёғи билан қўшиб янчилган кундур елими ёки токи оқаргунича куйдириб асалга қориштирилган суяк ёки асал билан қўшиб янчилган туз ёки *мурр* ва сақич [қўйиб боғланади]. Баъзан жароҳат устига куйдирилган қуруқ укроп қўйилади: у билан жароҳатни тўлғизиб боғланади; шунингдек, жароҳатга карам кули суртилади.

Учинчи фасл. Қутурмаган уй ити, шунингдек, бўри ва шунга ўхшашларнинг тишлаши

Булар тишлаганига қарши қўлланиладиган даво умумий бобда айтганимизга ва инсон тишлаганида қўлланиладиган давога яқин. Баъзан тишланган жойга ўша заҳотиёқ сирка сепиш ва қўл кафти билан бир неча марта уриб қўйиш кифоя қилади; сўнгра сирка қўшилган табиий сода қўйилади ва [буни], айниқса, қутуришдан хавфланилганда ҳар уч кунда янгилаб турилади. Баъзан пиёз, туз ва газзагўт билан, асал қўшилган боқила ва аччиқ бодом, туз қўшилган баргизуб, шароб қўшиб янчилган таррак ва бодринг барги ва ялпиз билан даволаш кифоя қилади. Шунингдек, хусусан шиш воқе бўлганида куйдирилган қўрғошинни суртиш, қаттиқ алангаланиш воқе бўлганида эса асал билан қўшилган ёввойи ясмиқ унини [суртиш кифоя қилади]. Туз ва асал билан қўшилган ёввойи саътар, сирка қўшилган *муррий*, ичида туз эритиб бир неча кун турғизилган сирка бу хил тишланишда фойда етказадн. Бу тадбир юқоридаги икки фаслда [кўрсатилганларга] ҳам фойда қилади.

Тўртинчи фасл. Қутурган ит, қутурган бўри ва қутурган чиябўриларнинг баёни

Ит ва ундан бошқа айтиб ўтилган [ҳайвон]ларда қутуриш пайдо бўлади, яъни уларнинг мизожи заҳарлик ёмон қора савдовийликка

ўтади. Бу ҳолат уларда ёки ҳаводан, ёки овқат ва ичимликлардан юз беради.

Ҳаводан бўладиганига келсак, кучли ҳаракат [ёзда] итнинг хилтларини куйдиради ва у ит кузда қутуради ёки [қишда] қаттиқ совуқ итнинг қонини қотириб савдовийликка айлантиради ва у ит баҳорда қутуради. Овқатдан ва ичимликлардан бўладиган қутуришга келсак, ит қассоблар [тўккан] қонни ялайди, ўлимтикларни ейди, сасиган сувларни ичади [249] ва унинг хилтлари чириган савдога айланади. Шунингдек, худди мохов касаллигига учраганларда бўлганидек, итнинг мизожида ўзгариш юз берганида унинг хатти-ҳаракатида ҳам ўзгариш пайдо бўлади; баъзан итнинг бадани шишади, ранги кул рангида бўлиб қолади, [мизожидаги] бузилиш сабаблари яна ҳам ортади, чунки у оч бўла туриб овқат емайди, ташна бўла туриб сув ичмайди, сувга дуч келиб қолса, ундан қочади ва қўрқади, кўпинча, сувни [кўрса] титраб қалтирайди, титраш кўпроқ унинг терисида бўлади, баъзан, айниқса, қутуриш охирига етган пайтларда сувдан қўрқиб ўлади; кўзини парда босади, доимо тилини осилтириб юради, эс-ҳушсиз бўлиб, ўз эгасини танимайди. Сен унинг кўзлари қизарганини, хўмрайиб ёмон қарашини кўрасан. У тилини осилтиради, кўпикли сўлакай чиқаради, бурнидан суюқлик оқади; боши эгилади, қулоқлари осилиб қолади ва ит уларни [доимо] қимирлатиб туради; орқаси букчаяди, умуртқаси бир томонга қийшаяди ва сен унинг ёнга ёки юқорига қараб букилганини кузатасан, думи эса қимирламайди. Ит қўрқиб-қўрқиб, худди мастдек чайқалиб юради, шумшайган [кўринади] ва ҳар қадамда қоқилади.

Қутурган ит рўбарўсида бирор нарсанинг шаклини кўриши биланоқ, хоҳ у девор бўлсин, хоҳ дарахт бўлсин, хоҳ ҳайвон бўлсин, югуриб ҳамла қилади. У ҳамла қилганида камдан-кам ҳурийди, одатдаги итларда бўлганидек ҳамла қилаётган нарсасига ҳуримайди, аксинча тинч, салмоқланиб [ташланади]. Агар ҳурадиган бўлса, бўғиқ овоз эшитасан. Сен [бошқа] итлар унинг йўлидан четга чиқишини, узоқданоқ ундан қочишини кўрасан; агар бирор итга беҳосдан яқинлашиб қолса, у [соғ ит] думини ликиллатиб ундан қўрққан бўлиб, қочишга уринади.

[Қутурган] бўри итдан ёмонроқ; жуссаси [бўрига] тенг келадиган сиртлон ва чиябўри ҳам шундай қутуради.

Бешинчи фасл. Кўрсатиб ўтилганлардан бошқа қутурувчи ҳайвонлар

Айтилишича, тулки ва || латча ҳам қутуради. Табиблардан бири- 409 нинг айтишича, бир хачир қутурган ва эгасини тишлаган ва бу киши худди бошқа қутурган ҳайвонларда юз берадигандек телба бўлиб қолган.

Олтинчи фасл. Қутурган ит тишлаган кишининг аҳволи

Кишини қутурган ит тишлаганида [умуман] бошқа жароҳатларга ўхшаш оғриқли жароҳатдан бошқа нарса кузатилмайди. Сўнграқ бир неча кундан кейин, у кишининг фикри бир оз бузилади, ёмон тушлар кўради, ғазабланганга ўхшаш ҳолат, восвослик ва ақл қорншуви. Сўралган нарса қолиб бошқача жавоб бериш содир бўлади. Сен унинг бармоқлари ва оёқлари тортишиб, ўзига тортаётганини кўрасан. Касал ёруғликдан қочади; унинг кўкрак-қорин пардаси пирпираб учади, ҳиқичоқ тутади, ташна бўлади, оғзи қурийди; у кўпчиликдан қочади, ёлғиз туришни севади ва кўпинча, ёруғликни ёмон кўради. Бутун аъзоси, айниқса, юзи қизаради ва сўнг юзи яраланади; унда кучли оғриқлар пайдо бўлади, овози бўғилади; у йиғлайди ва сўнг иш охирига яқинлашгач, сувдан ва [умуман] суюқликдан қўрқа бошлайди, унга қачон бўлмасин сув келтирилса, ит деб хаёл қилиб хавфсирайди, баъзан сувдан қўрқмайди, лекин ундан йирганади, баъзан тупроққа ағанашни яхши кўради, баъзан эса ихтиёрсиз равишда маний чиқиши содир бўлади ва бу, албатта, тортишиш ва кузозга олиб боради, [иш] совуқ тер чиқиши, беҳушлик ва ўлимгача бориб етади. Баъзан эса касал бу ҳолатлар содир бўлмасданоқ ташналикдан ўлади. Гоҳо у сув истайди, [аммо] сув берилса, додлаб ичмайди, ёки бирор қултум ичгудек бўлса, сув тиқилиб қолиб ўлади.

Кўпинча, қутурган киши итга ўхшаб ҳурийди, аммо товуши бўғиқ бўлади. Баъзан эса товуши бутунлай чиқмай, соқовлардек бўлиб қолади ва овоз чиқара олмайди. Гоҳо у шундай нарса сиядики, унда кичик ҳайвонларга, кучукчаларга ўхшаш ажиб этлик нарсалар кўринади, аммо кўп ҳолларда унинг сийдиги суюқ, баъзан эса қора рангли бўлади. Гоҳо сийдик келиши тўхтайди ва [касал] сиёлмайди; унинг қорни, кўпинча, қуруқ бўлади.

Бундай [касалда] юз берадиган ғайритабиий ҳолатлардан бири шуки, у одамни тишлашга уринади, агар [касаллик] авжига етган пайтда тишлагудек бўлса, бу одамда ҳам қутурган кишидагидек ҳолат юз беради; ундан қолган сув ва овқатни истеъмол қилган киши ҳам қутуради.

Биронта [касал], агар у сувдан қўрқа бошлаган, айниқса, ойнада ўз юзини кўриб таний олмайдиган ёки ойнада [ўзининг ўрнида] итни кўриш даражасига етган бўлса, уни даволаб бўлмайди, ёки у бирор бошқа тадбир ёрдамида соғая олмайди. Бундан фақат икки кишигина мустаснодир; қадимгиларнинг айтишича, улар шундай ҳолатдан ўлмай қолганлар, аммо уларни қутурган итнинг ўзи эмас, қутурган ит қопган одам тишлаган. Сувдан қўрқа бошлашдан олдин даволашга [бир оз] умид бор. [Бу касаллик] икки хафта ва шунга яқин вақтдан бошлаб олти ой муддат орасида ўлдиради; ўртача муддат — қирқ кун. Бир гу-

руҳнинг айтишича, [250] сувдан қўрқиш гоҳо етти йилдан кейин бошланади, аммо бу сўзга [бошқалар] ишонмайдилар.

[Табиблардан] бири, яъни Руфус айтадики, сувдан қўрқиш ва тупроққа ағанашнинг сабаби шуки, [касалнинг] мизожида қуруқлик галаба қилади ва мизожига зид бўлган нарса ёқмайди, мувофиқ нарса эса ҳуш келади. Бу сўз мен майл қилмайдиган нарсалардан биридир, чунки ёт мизожга мувофиқ бўлган нарсага мойиллик асоссиз бир нарсадир.

Қутурган ит қопганида тишланган жойидан кўп қон оққан кишининг ҳолати соғломроқдир. Шунингдек, агар [ит қопган киши] бунга тарёқ бўлган дориларни ичгандан кейин қон сийса, демак, у сувдан қўрқишдан қутулган бўлади.

Еттинчи фасл. Қутурган ва қутурмаган ит қошиши орасидаги фарқ

Баъзан бирор кишини ит тишлайди, аммо бу киши итнинг қандай эканлигини аниқлашга ва ҳолатини билиб олишга муваффақ бўлолмайди; бу кишини даволашга эҳтиёж тушади. Бунинг давоси, у жароҳат бўлганлиги жиҳатидан битиришдан ҳамда қутурган ит қопганлиги [эҳтимоли] жиҳатидан, йиринглаштириш ва очишдан иборатдир, чунки [агар қутурган ит қопган бўлса], жароҳатни битириб юбориш ҳалокатга олиб боради. Шунинг учун бунда [қопган итнинг] ҳолатини аниқлашга имкон туғдирувчи бирор белгига муҳтож бўлинади. Бунинг учун айтилган [усул]лардан бири шуки, «шоҳ ёнғоқ»ни¹ ёки ундан бошқасини олиб, бир оз вақт жароҳат устига қўйиб турилади, кейин олиб, товуққа ташланади, агар товуқ ундан юз ўгирса, демак, қутурган ит қопган бўлади; агар товуқ ёнғоқни еб ўлиб қолса, бунда ҳам [ит] қутурган бўлиб чиқади. Ёки бир бурда нонни олиб, жароҳатдан оқаётган нарсани, хоҳ у қон бўлсин, ёки бирор бошқа нарса бўлсин, суртилади ва [бирор] итга ташланади, агар ит уни емаса, демак, қутурган ит қопган бўлади.

Айтишларига кўра, ит қопган кишига совуқ сув ичирилгандан кейин унинг бадани қизиса, бу — қутуриш белгиларидан биридир. Мен айтаманки, бу қутуришнинг ўзигагина хос бўлган белги эмас.

Саккизинчи фасл. Даволаш

Авалло жароҳатни бирикишга қўймаслик, аксинча, агар у кенг бўлмаса, кенгайтириш ва очиш керак. Сўнгра биз сенга [ҳашаротлар] чақиши бобида айтган тадбирлар — сўриб олиш ва қортиқлар қўйишни қўлланилади. [Қандай ит тишлаганини] аниқлаш учун жароҳатни энг камида қирқ кунгача битишига йўл қўймаслик керак; агар сен аввало жароҳатдан [заҳарни] тортиб олган ва сўнг эт унишига йўл қўй-

маган бўлсанг — жуда фойдали иш қилган бўлиб чиқасан, агар хатога йўл қўйилиб, жароҳат эт олиб қолган бўлса, уни қайтадан жароҳатлан-тириш лозим. Агар сен жароҳатни биринчи кунидек учратган бўлсанг, унга, масалан, говшир, ёнғоқ, саримсоқларни ёки говшир ва сирка билан [қуйидагича] тайёрланган зифт марҳамини қўясан, унинг таркиби: сиркадан, — у ўткиридан бўлиши лозим, — бир қист, зифтдан бир ритл, говширдан бир уқия олиб, говширни то эриб кетгунича сиркада ивителиди ва булар ҳаммаси аралаштирилади; баъзан саримсоқ ва пиёзнинг ўзи, шунингдек, қайнатилган таратизак ва ангузалар алоҳида-алоҳида ёки қўшилган ҳолда [ишлатилса] кифоя қилади. Лавлаги ҳам шундай; баъзан бунни сариёғ билан бирга қўйилади. Қўпинча, ўйиб еовчи дориларга *фалдафиюн* қўшиб қўйишга ва ундан кейин ёғ қўйишга эҳтиёж тушади.

[Жароҳатни] кенгайтирувчи дорилардан бири: туздан уч бўлак, навшадилдан икки бўлак, оқ зокдан саккиз бўлак, қовурилган денгиз пиёздан ўн олти, газавутдан тўрт, маржондан ўн, куйдирилган мисдан тўрт, зангордан уч, канавча уруғидан икки [бўлак] олиб, ипак латтадан ўтказиб, жароҳат устига қўйилади.

[Касалликнинг] бошланишида барча мумкин бўлган тадбирлар — юргизиш, ҳаммомга тушириш билан [касални] терлатиш лозим. Биринчи кунларда бўшатишга шошилмаслик, балки [заҳарни] ташқарига 410 тортиб чиқариш керак. || Чунки бўшатишлар гоҳо заҳарнинг чуқур тушишига қўмаклашади ва уни ташқарига тортишга халақит беради, чунки бўшатиш хилтларни ичкари томон тортгани учун заҳар ҳам улар билан бирга тортилади.

[Заҳарни] имкон борича [ташқарига] тортганидан кейин икки ёки уч кун ўтказиб туриб, ичкарига кирган нарсани бўшатиш билан шуғуллан. Агар сен заҳарни тортмаган бўлсанг ва ғафлатга йўл қўйилган бўлса, бунда бўшатиш зарурроқ ва у кучлироқ бўлгани яхши. Агар сен қон тўлиқлигини кузатсанг қон ол, акс ҳолда — қон олма! Қон олаётганинда, айниқса, иш охирига етганида касални ўз қонига қарашига йўл қўйма.

Ич суришга келганда, бунга савдони сурувчи нарсалар, ҳатто харбақ, харбақ кулчалари ва шунга ўхшаш зарурий нарсалар қўлланилсин. Руфуснинг *ибражи* бундай [касал]лар учун ажойиб. Ич суришда зарурий нарсалардан бири ёввойи бодрингдир.

[Ит қопганлар] учун яхши сурги дорининг сифати. Қобул ҳалиласидан икки *мисқол*, девпечакдан бир ярим *мисқол*, Ҳинд тузидан ярим *мисқол*, чилпоядан бир *мисқол*, арман ташидан [251] бир *мисқол*, дарахт пўкагидан бир ярим *мисқол* ва қора харбақдан икки *мисқол* олинади, ҳаммасини жамлаб қулча дори ясаб, бир ичиришда икки *мисқол* берилади.

Кучли сурги дорилар билан ични сурганингдан кейин кунора ёки икки кун оралатиб енгил, орқа тешикка азият етказмайдиган ҳуқна дорилар билан, масалан, зайтун ёғи ва лавлаги суви билан ҳуқна қилиб, ёки девпечак қўшилган қатиқ суви билан ични суриб даволаш зарурий тадбирдир. Ични сургандан кейин уларга бериладиган овқат семиртирилган ўрмон какликлари ва жўжалардан тайёрланган бўлсин. Бундан сўнг сийдикни юргизадиган юмшатовчи дорилар ва ширин шароб, айниқса, ширин бўлиши билан бирга, эски шароб, шунингдек, *тило* шароби ва сут ишлатилади. Шароб буларга жуда фойда қилади. Уларни даволашда энг зарур тадбир уларнинг овқатларини мўътадиллаштириш ва ҳўллашдир ва бу тадбир даволашда асосий ишдир. Бунга, масалан, яхши [гўштли] қушларнинг шўрвасини, совуқ сувга солинган оқ нонни бериш билан эришилади. Сувлардан эса ичига қайта-қайта қиздирилган темир солиб ўчирилган сув уларга жуда катта фойда етказди. Аммо пиёз ва саримсоқ заҳарга қарши чора кўришда муносиб овқатлардан бўлиб, заҳарни кесади ва бадандан чиқаради. Демак, сен уларни ишлатишни унутмаслигинг керак. Яна уларда [овқат бўлишлари] билан бирга даволик хусусияти ҳам бор.

Тарёқи фориқ ва [ит қопганига] хос бўлган қисқичбақадан тайёрланадиган давони тезроқ ичиришинг керак. Айтишларича, тўрт таркибдан тайёрланадиган тарёқ [ит қопганига] жуда фойдалидир; биз кейинроқ айтмоқчи бўлган панирмоялардан тайёрланадиган тарёқ ҳам шундай. [Касалга] дарё қисқичбақаларини едир.

Оқ ток ёғочи [чўғи]да майдалаб янчиш мумкин бўлган даражада мўътадил куйдирилган дарё қисқичбақасининг кўмирини ҳамда худди шундай ёғоч [чўғи]да худди шу даражада куйдирилган гентиана илдизи кўмирини тоза шароб билан ичириб синаб кўрганлар. Ундан бир ичими тўрт қошиқ бўлиб, шундай шаробга солиб ичирилади. Кўмир худди сурмадек қилиб янчилган бўлиши керак.

Бу дорининг яна бошқа бир таркиби ҳам бор; қуёш *Асад*¹ буржида экаиблигида тутилган қисқичбақанинг тириклайин мис қозонга солиб, тандирда мўътадил равишда куйдириб олинган кўмиридан беш бўлак, гентиана илдизидан беш бўлак ва кундур елимидан бир бўлак олиб янчилади ва сақлаб қўйилади; [ит қопганидан кейинги] биринчи кунларда ундан ичиш миқдори бир қошиқ бўлиб, сувга солиб берилади; бир неча кун ўтгандан кейин икки қошиқ ичирилади ва шу тартибда [бир ичимини] тўрт қошиққача чиқарилади.

Олакулангдан тайёрланган дори бундай касаллар учун етарли фойда етказувчи деб тасвирланган [дорилардан] бўлиб, биз у ҳақда яқин орада гапирамиз. Қисқичбақадан тайёрланган дори [касалда] сувдан қўрқиш воқе бўлиб қолиш хавфи бўлмагандагина биринчи кунларда ичирилади; гоҳо [бу дорининг] таркибига куйдирилган қисқичба-

қанинг ярмича миқдорда гентиана илдири қўшилади. Агар касални [ит тишлаганидан] икки ёки уч кун кейин учратсанг, унга ичириш мақсади билан келтирилган мақсадда ичириш бўлган икки [хил] кулнинг миқдори биринчи кун учратганингдан ичириладиганингдан кўра икки баробар оширилиши керак. Биз кейин айтиладиган дориларнинг [ичирилиш] тартиби ҳам шундай. Агар [касални] еттинчи кундан кейин [учратсанг] унинг [вазнини] бир неча марта ичириш орттирасан.

Агар сен касални шундай кунларда учратсанг, жароҳат четлаб ўтган чучур кесиб [заҳарни] зўр куч билан сўрасан; кўп кунлар ўтиб кетгандан кейин учратганингда эса, жароҳатни кенгайтириш билан мақсадда ичириш эришилмайди ва бунинг учун ортиқча уриниш ҳам керак эмас, чунки бу кўпда фойда келтирмай, касалга азият беради. Балки сен жароҳат [оғзи]ни очиқ ҳолида сақлашга тириш, чунки дастлабки уч кун ёки бундан кўпроқ кунлар ўтгач, заҳар аллақачон баданга тарқалган бўлади. Ана шунда жароҳатни очиқ қолдириш билан қаноатланиб, бунга бошқа тадбирлардан, [масалан], тарёқлар ичириш ва бўшатишларни қўш.

Агар заҳар кучли бўлса, у тўртинчи кунгача ва ундан илгарироқ ҳам [баданга] тарқалса керак ва у, кўпинча, бир ҳафта ичида ўлдиради. Агар заҳар биз айтганимиздан ҳам тезроқ тарқалаётган бўлса, уни тортиб олишда доғлашдан бошқа [фойдалироқ] бирор нарса йўқлиги шубҳасиздир. Ҳатто кўрсатилгандан ҳам узоқроқ муддат ўтган бўлса ҳамда сен сувдан чўчиш воқе бўлишидан қўрқиб ана шу муддат ўтгандан кейин доғлашга шошилсанг, у албатта, фойда етказида, чунки доғлашнинг тортиши ва заҳар жавҳарини бузиши бошқа [дори]ларнинг тортиши ва бузишидан [кучсиз] бўлмайди. Агар бунга бирор нарса монелик қилса, сен доғлашнинг ўрнига ўтувчи нарсаларни, масалан, тузлик марҳамни ва хардал ва шунга ўхшашлардан [тайёрландиган] қизартирувчи қўйиб боғландиган дориларни ишлатасан. Бундай вақтда то касал тузала бошлаганини билинмагунча уни сира ҳам ҳаммомга туширма, мабодо, сен уни [252] чўмилтиргудек бўлсанг ўлдирасан! Айтиладиган, ваннага тушиб ўтириш фойда етказадиган тадбирлардан биридир. Менимча, || бу иш [ит қопгандан кейинги] биринчи кунларда [бўлиши керак]. Совуқ ҳам сақланиш лозим бўлган нарсалардан биридир.

411 Баъзан шундай вақтда ва ундан кейин ҳам қайтадан қон олишга эҳтиёж тушади; шунда қон ол ва бу гал ҳам [касални] ўз қонига қарашига йўл қўйма.

Касалнинг бир оз тузала бошлаганини кўрсанг, уни мўътадил бадантарбия қилишга унда, мўътадил ҳаммомга тушир, устидан анчагина илиқ сув қуй ҳамда [баданига] мўътадил [мизожли] ёғ суртиб ишқала.

Иш сувдан қўрқишгача бориб етганида ҳам, то касал ўзини ойнада таниёлмайдиган бўлиб қолгунича қўрқмасдан [даволай бер]. Айтадиларки, баъзан у ўз юзини [ойнада] таний олмайди ва, шу билан бирга, баъзан унинг кўзига ойнада ит бор бўлиб кўринади. Унга юқорида айтилган, ичига темир солиб ўчирилган сувдан ичир ҳамда биз кейинроқ айтмоқчи бўлган ҳийлани қўлла, чунки бу энг яхши даволаш [усулидир].

Касалга сув ичириш учун барча ҳийлаларни ишлат, агар уни боғлаб зўрлик билан ичиришга эҳтиёж тушса, шундай қил; унинг меъдаси устига совутувчи дориларни қўйиб боғла, баробар сув қўшилган шаробни [ичириб] синаб кўрганлар, у жуда ажойиб фойда етказган.

Баъзан шундай вақтда қуйидаги сифатда [ишланган] дори фойда қилади. Қуён панирмояси, Искандариядан келтириладиган Бухайра лойи¹, тоғ арчаси уруғи ва гентиана илдизининг ҳар бирдан тўрт *драхмийдан*, дафна меваси ва *муррнинг* ҳар бирдан саккиз *драхмийдан* олиб асал билан қориштирилади; бир ичиш миқдори — бир дона Миср боқиласидек.

Яна: Бухайра муҳрлари² ва тоғ арчаси уруғининг ҳар бирдан ўн [*драхмийдан*], кийик панирмоясидан тўрт, қуён панирмоясидан олти, юмалоқ аристолохия, дафна меваси, *мурр*, амом ва ёввойи газагўт уруғининг ҳар бирдан уч *драхмийдан* олиб, ширин шаробга солиб, қориштириб хамир қилинади, сўнг асалга қўшилади, бир ичими бир боқила миқдоридан бўлади.

Яна муҳр лойидан саккиз *мисқол*, дафна дарахти мевасидан ҳам шунча, қуён панирмоясидан ўн олти, кийик панирмоясидан ўттиз икки *дирҳам*, гентиана илдизидан тўрт, *муррдан* тўрт [*дирҳам*] олинади; бунинг ҳаммасини асал билан қўшилади ва сақланади. Бир ичими бир нўхат миқдоридан бўлиб, иссиқ сув билан берилади.

Баъзи кишиларнинг айтишларича, агар киши баданига қутурган итнинг тишини осиб юрса, ундан қутурган ит ҳам, бошқа итлар ҳам четлашади ва ҳамла қилмайди. Аммо булар сўзига ишониб бўлмайдиган кишилардир.

Тўққизинчи фасл. Ичириладиган дорилар

Ёлғиз ишлатиладиган дориларга келсак, улар *ҳузаз*, ангуза, эрман, *жулах* ва шаробга солинган муҳр лойидир; седана бу соҳада жуда ажойиб, ҳатто юнончада унинг исми қутурган ит қопганида фойда етказувчи маъносини ифодаловчи [сўз билан] аталади; *мурр* ҳам, қўйиб боғланса ва ичирилса, яхши фойда қилади. Гентиана илдизидан, шунингдек, «ер дуби»дан ҳам яхши дори йўқ деб айтадилар. [Табиблардан] бири ҳикоя қиладики, қисқичбақаларнинг кўзи ичирилса, қутур-

ган ит қолганига қарши энг фойдали нарсалардандир. Бир [табиб] айтади: эмадиган кучук боланинг панирмоясини сувга солиб ичирилади [касал] тузалади; яна бирининг сўзича қутурган ит қонининг ўзи ҳам даво эмиш, аммо менинг бунга рағбатим йўқ. Шунингдек, касални қутурган итнинг, хусусан, ўша қолган итнинг қовурилган жигари билан овқатлантирилсин, деб ҳам айтганлар.

[Яна] касалда сувдан қўрқиш ҳолати пайдо бўлганидан кейин уни мазкур жигар ва юрак ёки сиртлоннинг қовурилган териси билан овқатлантирилсин дейдилар.

[Яна] айтадиларки, агар касалга шундай ҳолда қундуз қири билан *ҳабб ул-мулк* ичирилса ва шулардан шамча ясаб кўтартирилса, фойда етказди ва сувдан қўрқиш йўқолади.

Мураккаб дориларга келсак, булар Жолинуслининг дориси ва биз юқорида айтганларимизга яқин бўлган катта тарёқдир. Унинг таркиби: дарё қисқичбақасининг куйдирилгани ва гентиана илдизининг ҳар биридан беш [бўлакдан], кундур елими ва ялпизлардан уч [бўлакдан], муҳр лойидан икки [бўлак] олинад ва эрта наҳорга уч *дирҳамини* илиқ сувга солиб ичирилади, кечқурун ҳам уч *дирҳамини* ичирилади. Бу дорини [касаллик] қирқинчи кунига етмасдан олдин кўп кунлар давомида истеъмол қилинади.

Бундай касалларга фойда қиладиган олақулангдан тайёрланадиган дорининг таркиби: оёғи, боши ва қанотлари юлиб ташланган семиз, катта олақулангдан бир бўлак, пўсти ажратилган ясмиқ, заъфарон, сунбул, қалампирмунчоқ, мурч ва дорчинларнинг ҳар биридан бир бўлакнинг олтидан бирини олиб, ҳаммасини, хусусан, олақулангни майдалаб янчилади ва сув билан қорилади, [сўнг] ҳар биттаси икки *донақ* вазнича келадиган кулчалар ясалади; ҳар куни битта кулчани илиқ сув билан ичирилади. Агар [касал] қовуғида санчиқ борлигини ҳис қилса, пўсти арчилган ясмиқ қайнатмаса, бодом ёғи, қаймоқ ёки сариеғ ичирилади. [253] Ҳар куни, шулардан ичганидан кейин, касални ҳаммомга туширилади ва ваннага ўтирғизиб, ҳатто у ерда сийдирилади; касал семиртирилган жўжаларнинг қайнатма шўрвалари каби ҳўлловчи овқатларни ейди ва набиз [шаробини] ичади; совуқдан сақланади.

Олақулангдан тайёрланадиган дорининг қисқартирилган таркиби: биз юқорида баён қилганимиздек, олақулангдан олиб, қатиқ айронига солиб, бир кечаю бир кундуз турғизилади, кейин бу қатиқ айронини сузиб ташлаб, бошқа қатиқ айронига солинади ва яна бир кеча-кундуз турғизилади. Бу ишни уч марта такрорланади. Сўнг олақулангни олиб, соя жойда қуритилади ва унинг вазнича пўсти ажратилган ясмиқ билан қўшиб янчилади, сўнг кулча ясалади. Ундан бир ичим икки *донақ* вазнида бўлиб, шароб билан ёки илиқ сув билан ичирилади, до-

рини ичириб бўлгач, юргизиш ёки [кўрпага] ўраш билан терлатишга ҳаракат қилинади. Агар ичирилган дори кўнгил айнитса, унинг устидан бир *ускурража* зайтун ёғи ёки сариёғ ичирилади; [касал] ваннага тушади ва унга сияди, агар [шунда] қон сийса, сувдан қўрқишдан қутулган бўлади.

Унинчи фасл. Заҳарни тортиш ва [жароҳатни] кенгайтириш учун қўйиб боғланадиган ва бошқа дорилар

Ангуза жуда яхши қўйиб боғланадиган доридир. Айтадиларки, уни қутурган итнинг жигари билан қўйиб боғланса || жуда фойдалидир, 412 бунга бир гуруҳ [табиблар] гувоҳлик берганлар. Саримсоқ қўйиб боғланадиган ва ичириладиган доридир; тузланган балиқ гўшти бунинг учун етарли даражада фойда еткази.

Жароҳатдан заҳарни куч билан тортувчи тадбирлардан бири одамнинг турғизиб эскитилган, айниқса, табиий сода билан қўшилган сийдигидир. Ток новдаси қулининг ёлғиз ўзи ёки сирка билан қўшилгани, туз қўшилган ялпиз ва говшир жуда ажойибдир. Боғ таррагининг барги, шунингдек, арпабодиён илдизи ҳам жуда фойда қилади.

Ит тишлаган жойга балиқ елимини бир неча марта суртилса, шунингдек, янчилган чумолиларни қўйиб боғланса ёки зангор ва тузнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, бузоқ мойидан ўн икки [*дирҳам*] олиб марҳам тайёрланса, ажойиб бир манфаат еткази дейдилар. Шунингдек, қўйпечакдан уч [бўлак], бурақдан икки [бўлак], денгиз кўпигидан бир [бўлак], туздан тўрт [бўлак], ғоз ёғидан ўну учдан икки [бўлак] ва хина ёғидан керакли миқдорда олиб [ишлатилади].

Ун биринчи фасл. Сув ичиришда [қўлланиладиган] ҳийлалар

Филагрий: «[Касал] сувдан қўрққанида мен унга сиртлон терисидан қилинган идишда сув берган эдим, у ичди»,— дейди, бошқа бир [табиб] эса [унга қўшилиб]: «ёки сиртлон териси билан қопланган идишда, айниқса, агар идиш ёғочдан қилинган бўлса, ёки қутурган итнинг териси [билан қопланган] бўлса, [касал сув ичади]»,— дейди.

Табиблардан бири [буни давом эттириб]: ёки идишнинг тагига ёки идиш устига [хотинларнинг] таҳорат латтасидан бир парчани қўйилса, [касал сув ичади] дейди. Булардан бошқа яна бирининг айтишича, бу тадбирларнинг бирортаси ҳам фойда бермайди.

Бир [табиб] узун қамиш найни касалнинг ҳалқумига ҳийла билан чуқур киргизиб, сувнинг устини беркитадиган бирор нарса билан ёпиб туриб, унга сув қуйган, [яъни] найнинг бир тарафини касал ҳалқумига ўрнаштириб, унга сув қуйган ёки тилладан ишланган махсус найча [ишлатган].

Касалга сув ичиришда қўлланиладиган ҳийлалардан [яна] бири шуки, қуюқ асалдан ёки мумдан ичи бўш нарсалар ясаб, уларга сув қуйиб ичишга буюрилади.

Ун иккинчи фасл. Қоплон, йўлбарс ва шер тишлаши ва уларнинг чангалларидан [етадиган] жароҳатлар

Бу йиртқич ҳайвонлар ва шуларга ўхшашлар соғлом ит ва сони м одамдек бўлмай, аксинча, уларнинг тиш ва чангаллари заҳар табиатлиликдан холи эмас. Шунинг учун [улар тишлаганида] аввало [заҳарни] тортиш, сўнгра этни битириш билан даволанади.

Ун учинчи фасл. Тимсоҳ тишлаши

Тимсоҳ тишлаган кишига қутурмаган ит тишлаши бобида айтилган тадбир қўлланилсин ва заҳар тортиб олинсин, чунки унинг тишлаши, гарчи у соғлом бўлса ҳам, заҳарлиликдан холи эмас. Тортиш эса, масалан, табиий сода ва асал ёрдамида бўлади. Жароҳат [заҳардан] тозаланди деб тахмин қилинганда, уни сариёғ, тоғ эчкиси чарвиси, роз ёғи ва асал билан тўлғизиб, эт битказилади. Тимсоҳнинг ёғи ўзининг тишлаганига қарши ҳамма нарсдан ҳам фойдалироқ доридир; бир [табибнинг] айтишича, ҳатто кишининг баданидан бирор жойини тимсоҳ узиб ейишидан бўлган жароҳатга ҳам унинг ўз ёғи шифодир.

Ун тўртинчи фасл. Маймун тишлаши

Маймун тишлаган кишига ҳам, агар унинг тишида заҳар бўлса, заҳарни тортувчи тадбир қўлланилсин. Бунга, масалан, кул, сирка, пиёз, асал ва аччиқ бодомни ёки анжир, айниқса, хом анжирни ёки туз қўшилган куйдирилган қўрғошинни, ёки асал қўшилган арпабодиён илдизини қўйиб боғлаш билан эришилади; шиши эса сувда ивитилган куйдирилган қўрғошин билан тўхтатилади. [254] [Жароҳат] оғзи седана ва асал ёки ясмиқ ва асал ёрдамида очилади.

Ун бешинчи фасл. Мушук тишлаши

Баъзан мушук тишлашидан қаттиқ оғриқ юз беради ва бадан кўкаради. Бундай кишиларни умумий тадбирлар билан даволанади ҳамда улар пиёзни қўйиб боғлашдан, чўл ялпизини қўйиб боғлашдан ва буларни ейишдан, шунингдек, седана ёки кунжутдан сув қўшиб тайёрланган қўйиб боғланадиган доридан фойда кўрадилар.

Ун олтинчи фасл. Латча тишлаши

Айтадиларки, бунинг тишлашидан тезда оғриқ қўзғалади ва тишланган жой ранги хиралашади. Бунинг давоси, юқорида айтиб ўтилганидек, пиёз ва саримсоқларни қўйиб боғлаш ва уларни ейиш орқали бўладиган даволашга яқин; буларнинг устидан холис шароб ичирилади. Ёввойи ясмиқ уни билан қўшилган хом анжир ҳам бунга қарши фойда етказади. «Қитоб ут-тарёқ»да «латчанинг терисини шилиб ўзи тишлаган жойга ва қутурган ит тишлаган жойга қўйиб боғлаш яхшигина фойдали бўлиб, дарҳол тузатади»,— дейилган.

Ун еттинчи фасл. Узунтумшуқ — ғулони н г тишлаши

Бир [табибнинг] айтишича, бу латчадан кўра кичикроқ гавдали бир ҳайвон бўлиб, ранги кўпроқ кул рангига мойил ҳамда у нозик ва ингичка, тумшуғи эса ғоятда узун ва ғоятда кенгдир. Мана шу [табиб]нинг айтишича, [узунтумшуқча] бирор ҳайвонни кўрганида унга сапчиб, моягига ёпишиб олади. Бошқа бир [табибнинг] айтишича, бу тузилиш ва рангда худди сичқондек бўлиб, тумшуғи йўл-йўл ва кўзлари кичикдир; тишлари уч қават бўлиб, сўйлоқ ва юқорига қараб озгина қийшайган.

Айтишларича, [узунтумшуқча] тишлаганда баданда қаттиқ оғриқ ва санчиқ пайдо бўлади ҳамда унинг тишларидан [қолган изга] қараб бир қанча жойда қизиллик пайдо бўлади, тишланган жой атрофида эса қонли рутубат билан тўлган, таги хира рангли қаварчиқлар ҳосил бўлади. Буларни ўраб турган [тери пардаси]нинг ранги хиралашади. Қаварчиқлар ёрилганда уларнинг тагидан асаб рангида оқ ва юпқа пўстли эт чиқади. Баъзан бу срда бир оз куйганлик кўринади. Гоҳ эса бу эт ейилади ва тушиб кетади; [бошқаларнинг] айтишича эса, аввало, зардобсимон йиринг оқади, кейин эт чирийди, ейилади ва тушиб кетади. Баъзан иш ичакларда санчиқли бураб оғриш, қийналиб сиёйиш, ёмон, совуқ тер чиқишигача бориб етади.

Ун саккизинчи фасл. Даволаш

Айтишларича, тишланган жойга гальбан елимининг ёлғиз ўзини ёки сирка билан қўшиб қўйиш, шўр иссиқ сув қуйиш ва айтиб ўтилган умумий даволарни қўллаш ёки арпа унини *сиканжубин* билан қўшиб қўйиш ёки шу ҳайвоннинг худди ўзини ёриб, қўйиш керак.

Тишланган жойнинг атрофига ва ўзига, агар шиш бўлмаса, назла ўти ёки ёввойи гулхайри, ёки янчилган саримсоқ, ёки хардал сепиш керак. Аммо || шиш бор бўлса, ширин анор пўстини қайнатиб қўйиб 413 боғлаш лозим.

Ичириладиган дориларга келсак, улар шароб билан қайнатилган арман дарманаси ёки газাগўти, ёки тошчўп, ёки шароб билан сарв ёнроғи, ёки газাগўт уруғи ва махсарлардир.

. *Сиканжубин* билан Альп гунафшаси ёки говшир, ёки гентиана илдизи кучли дорилардандир. Улоқ панирмояси ва қўзичоқ панирмоясининг ҳар иккаласи ҳам жуда яхши. *Сиканжубин* билан биргаликда сут ҳам бунга қарши етарли фойда қилади.

Олимлардан бирининг айтишича, шароб билан бирга дафна дарахти ҳўл баргининг шираси ёки таратизак қайнатмаси, ёки бўйимодарон қайнатмаси, ёки шароб билан бирга қўйпечак қайнатмаси бунга қарши энг фойдали нарсадир. Узунтумшуқча тишлаган кишиларга майъа елимини шаробга солиб ичирилса, жуда яхши бўлади. Шунингдек, айтиб ўтилган нарсалар ўз ҳолича [шаробга қўшмай] ейилса ҳам фойдалидир.

[Бузилган] эт тушиб кетгач, [у жойдаги] ярани ўзининг [хос] давоси билан даволанади.





БЕШИНЧИ МАҚОЛА

ҲАШАРОТ *ВА ҚОРАҚУРТЛАР ЧАҚИШИ ВА ТИШЛАШИ

Бу мақолада чаёнлар, қорақуртлар, арилар, калтакесаклар ва шуларга ўхшашларнинг чақиши ҳақида гапирамиз ва сўзни уларнинг қуруқликда яшайдиганларидан бошлаймиз.

[255] Биринчи фасл. Қуруқликда яшайдиган чаён турлари

Бир гуруҳ [олимлар]нинг айтишича, урғочи чаён *эркак чаёндан каттароқ бўлади, чунки эркак чаён ингичка ва ориқ, урғочиси эса семиз ва катта бўлади, аммо урғочи чаённинг игнаси ингичка, эркаганики эса йўғондир. Бир табибнинг даъвосича, чаёнларнинг баъзиси иккита игналик бўлиши ҳам мумкин бўлиб, у чаққан жойда иккита тешик қолади; чаён чаққан жой совуйди, [лекин] бутун бадан қизийди, гоҳ [баъзи кишиларда] совуқ тер чиқади.

Қанотли чаён катта бўлади; кўпинча, учганида шамол унинг қайтиб қўнишига тўсқинлик қилади ва уни бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга учириб кетади.

Чаёнлар думининг бўғинлари ҳар хил бўлиб, баъзиси олти бўғинлидир, Шаъро [Сириус] юлдузи чиққан пайтларда бунинг қуввати жуда зўраяди ва чаққан кишисини ўлдиради. Баъзи чаёнларнинг бўғини эса камроқ бўлади. Бир гуруҳ [кишилар]нинг даъвосича, чаёнлар тўққиз рангли: оқ, сариқ, қизил, кулранг, оч қизил, кўк, баъзиси тилларанг ва игналари ҳамда думларининг учлари қора, баъзиси узум шароби рангида бўлиб, унинг зарбасидан игна санчилгандек санчиқ ва азиятли оғриқ сезилади; баъзиси тутун рангида бўлиб, у чаққан киши [беихтиёр] қаттиқ кулади ва ақл қоришувига учрайди.

Иккинчи фасл. Чаён чаққанида юз берадиган ҳолатлар

Чаён чаққан заҳотиёқ [кишида] қизил [рангли] қаттиқ шиш ва давомли оғриқ пайдо бўлади. Чақилган жой гоҳ алангаланаяди, гоҳ совуй-

ди; худди у ерга думалоқланган қор келиб тегаяпти деб гумон қилинади. Бирданига оғриқ ва игна санчилгандек санчиқ пайдо бўлиши. Бунинг кетидан совуқ тер чиқади, лаб учади ва совуйди; [киши оғзидан] қўшларда қотиб қоладиган ёпишқоқ нарса ташлайди; эт увушиб қўриқаяди, мўйлар тиккаяди, бадан атрофлари, айниқса, чаён чаққан ва ёна яқинлари совуб, қалтираш пайдо бўлади, бутун бадан бўшашиб, таъкала чов дўмбаяди, эрлик олати чўзилади. Баъзан, қорин дам бўлади, айниқса, кўйш томонларини чаён чаққан киши, кўп ел чиқаради. Киши қўлтиқларида, айниқса юқори томонларини чаён чаққан кишининг қўлтиқларида шиш пайдо бўлади, у кўп кекиради, ранги ўзгаради.

Агар чаён ёмон туридан бўлса, жуда ёмон белгилар юз бериб, мазкур ҳолатлар ҳаддан ташқари [кучли] бўлади; чаён чақиши [баданни] худди доғлагандагидек куйдиради; бутун бадан совуқдан увушади, лабга ёпишқоқ рутубат чиқиб қотади, кўздан ҳам шундай рутубат оқади, кўз бурчакларида йиринг қотиб қолади. [Киши] кўринишининг ўзгариб бориши зўраяди, кўтон чиқади, эрлик олати шишади, тил йўғонлашади, тишлар бир-бирига ишқаланади; томоқ [бўйин, аъзолари] тортишади; баъзан тишлар бир-бирига мингашиб, очилмай қолади — бу эса ёмон белгидир.

Жолинуснинг айтишича, чаённинг зарбаси артерияга тегса, беҳушлик пайдо қилади, ёки асабга тегса тириштиради, ёки веналарга тегса, чиришни келтириб чиқаради.

Учинчи фасл. Даволаш

Буни умумий қонунлар асосида ҳамда, туз, тариқ ва шуларга ўхшашлар билан компресс қилиб даволанади. Энг аввал бажарилиши зарур бўлган шартларга риоя қилинган ҳолда [ярани] сўриб ташлаш ва [заҳарни] тортиш борасида айтилган нарсаларни қўллаш лозим. [Чаён чаққан жойга] ангуза, саримсоқ ва назла ўти каби ўткир, латиф ва тез алангалантирувчи нарсаларни қўйиш керак. Аммо беклар ўти чаён чаққанига қарши ишлатиладиган энг яхши дорилардандир, *ритта маъзи*, — бу Ҳинд фундуғидир, — ва умуман барча фундуқлар, барги самсақ баргига ўхшаш ерга ёйилган, даврали, эни бир қарич келадиган, елимшак таъмли, мазаси *кунор* дарахти мевасиники сингаритахир мазали ўсимлик ҳам шундай. Буни сувга солиб ичилса, оғриқни дарҳол тўхтатади. Биз танимайдиган кўп ўсимликлар ва дарахтларнинг ҳам номларини атаб эслатиб ўтилган¹. Шунингдек, шохлари бир газ узунликда бўлиб, тўғри кўтариладиган ва уларда хурмога ўхшаш, мазаси ҳам хурмо мазасидек мева пайдо бўладиган ўсимлик эслатилади, уни ичилса, оғриқни дарров тўхтатади. «Барбар ўйинчоғи» бу соҳада ғоятда [фойдали]дир. Денгиз пиёзини ейилса, у ажойиб [таъсир кўрсатади].

Чаён чаққанига қарши тарёқ: *форуқ*, *митридат*, *Азро тарёқи*, тўрт нарсадан тайёрланадиган тарёқ, *сажазониёлар* фойда қилади. Ангуза дориси чаён чаққанга қарши яхши доридир. Чўл қовоғи ва исриқлар бизнинг вақтимизда тажрибадан ўтказилган дорилардандир. Ёввойи махсар ҳақида *Жолинус*: «Уни [қўлда] тутиб турилса, оғриқни тўхтатади»,— [256] деб гувоҳлик беради. Бу тиканли кангарлар туридандир.

Бир гуруҳ [табпблар]нинг айтишича, аконитдан бир кунжут донасидек ичирилса, оғриқни тўхтатади, [чаённи] қочиради, аммо [кишини] ўлдирмайди, " chunkи унинг ярим *дирҳам* вазнича бўлганигина ўлдириши [қувватига эгадир]. Шароб билан саримсоқ чаён чаққанга қарши яхши дорилардандир. Бунда шаробни саримсоқ ейилгандан бир оз фурсат ўтгач ичилади. Саримсоқни ўз вазнича ёнгоқ билан қўшиб ейилса, айниқса фойдалидир; уларнинг ҳар иккаласидан бир *уқияча* ейилади. Саримсоқ ва шаробни истеъмол қилгандан кейин [касал] жуда иссиқ жойда ўралиб [ётиши] керак. Агар уни бирор ҳийла билан иссиқ сувдан чиқабган буғ устига ётқизиш мумкин бўлса, бу фойдалидир. Бундан мақсад терлатиш, терлатишдан мақсад эса, моддаларни сиртга қараб ҳаракат қилдиришидир. Чаён чаққанлар учун ҳаммом жуда фойдали; ҳаммомдан чиққач, холис шароб ичадилар.

Чаён чаққанлар учун яхши тарёқ таркиби. Узун аристолохия, гентиана илдизи, дафна меваси, ковул илдизининг пўстлогни, Абу Жаҳл тарвузининг илдизи, набатий эрмани, зарчава ва чўл қовоқларни олиб, асал билан қўшиб қўйилади.

Бошқа яхши дори. Ёввойи газгаўт уруғи, Ҳабаш зираси ва қора йўнғичқа уруғининг ҳар биридан бир *уксубофун*¹, [шуларни] қориштирарли миқдорда сирка, сиркани ёпишқоқ қиладиган ва дориларни бир-бирига бирлаштира оладиган миқдорда араб елими олинади. Бу таркибнинг бир ичими бир *драхмий* бўлиб, бундан орттирилмайди; [орттирилса] — хатарли, агар бирор соатдан кейин орттиришга эҳтиёж туғилиб қолса, яна ярим *дирҳам*² ичирилади.

Чаён чаққанига қарши бошқа яхши тарёқ. Саримсоқ ва ёнгоқдан бир бўлакдан, газгаўтнинг қуруқ барги, ангуза ва *муррларнинг* ҳар биридан ярим бўлакдан олиб, юмшаб асалдек бўлгунича ивигилган анжир билан қориштирилади. Бунинг бир ичими уч *дирҳам* бўлиб, шароб билан ичилади.

Чаён чаққанига қарши яхши тарёқ. Қундуз қири, оқ мурч, *мурр* ва афюнлардан баробар бўлакларни олиб, кулча ясалади. Бир ичими уч *оболо* бўлиб, тўрт *уқия* шароб билан ичилади. Бу қорақурт чаққанида ҳам фойда беради.

Яна: говшир, *мурр*, гальбан елими, қундуз қири ва оқ мурчни олиб, баробар вазнда олинган майъа елими ва асал билан қориштирилади.

Аскарӣй давосининг таркиби. Абу Жаҳл тарвузининг илдизи, ковул илдизи, эрман, юмалоқ ва узунчоқ аристолохия ва қоқигуллардан баробар бўлақлар олинади. Бир ичим — болалар учун икки *бонақ*, катталар учун бир *дирҳам*. Бу [дори] гоят ажойиб ва тенги йўқдир.

Тўртинчи фасл. Ичиладиган дорилар

Ичириладиган яхши дорилар: ангузадан, шунингдек, чўл қовоғи ҳамда ёввойи зирадан шароб билан бирга бир *дирҳам* вазнида, шунингдек, тўпалоқ, мирта уруғи, тоғ қора райҳони ва унинг уруғи, ёввойи қўзиқулоқ уруғи, қоқигул, сачратқи ва Эрон қавраги ичилса ва суюқ суртма қилиб ишлатилса, ёввойи ялпизни ва дарё қисқичбақасини эшак сути билан ичилса, [яхши доридир].

Араблар [чаён] чаққан кишига Абу Жаҳл тарвузи илдизидан икки *дирҳамини* янчиб ичирадилар. Бу аниқ фойда етказди. Бир гуруҳ кишилар тузни, яъни хамир тузини тажриба қилиб кўрганлар, ундан бир марта кафт отилса, кифоя қилади.

Бир гуруҳнинг даъвосича, кўк ишқорни янчиб, элагандан кейин сигир сути ёғи билан қориштириб, икки *мисқолга* яқин ишлатилса, зўр фойда қилади.

Турп ёки тоғ қора райҳонини еб юрган киши чаён чақишидан зарарланмайди. Жуссаси катта *харкук* деб аталадиган қанотсиз чигирткани қуритиб, шароб билан ичилса, чаён чаққанига қарши фойда етказди. Ишончли бир кишининг айтишича, чаён чаққан кишига афюн ва мингдевона уруғидан баробар [миқдорда] олиб, асал билан қориштирилиб [берилса], фойда қилади.

Бир [табибнинг] даъвосича, Ҳинд сиёҳи суртилганда фойда қилганидек, ичилса ҳам фойда беради. Дарахт пўкаги жуда фойдалидир. «Эшак ганданоси»нинг меваси ва унинг гули, айниқса, дафна меваси, қора йўнғичқа уруғи, турп барги ва беклар ўтидан [тайёрланадиган] *нонхуриш* ҳам [фойдалидир].

Яна: аристолохия, седана, говшир илдизи ва исириқ уруғидан баробар бўлақлар олинади; бунинг бир ичим икки *драхмий* бўлиб, шароб билан ичилади.

Яна: назла ўти ва аристолохиядан бир бўлақдан, мурчдан ярим бўлақ ва сассиқ қаврак илдизидан чорак бўлақ олинади; унинг бир ичим икки боқилачадир.

Яна: узунчоқ аристолохия ва назла ўтидан баробар миқдорда олиб, асал билан қориштирилади; бир ичим икки *дирҳам* бўлиб, шароб билан ичилади.

Яна: *мурр*, говшир ва афюнлардан баробар бўлакларни, чўл қо-воғидан тўрт бўлакни олиб, бу таркибдан кулчалар ясалади.

Яна: узунчоқ аристолохия илдининг пўстлоғи ва назла ўтининг ҳар бирдан бир бўлакдан олинади ва керакли миқдорда ичириб ту-рилади.

Бир гуруҳнинг айтишича, шароб дурдасидан олти [*дирҳам*], са-риқ олтингугуртдан [257] саккиз, газгаўт уруғидан уч, қундуз қири ва таратизак уруғининг ҳар бирдан икки *дирҳамдан* олиб, денгиз тошбақаси қони билан аралаштирилади. Бунинг бир ичими бир *дир-ҳам* бўлиб, беш *уқия* шароб билан ичилади.

Бешинчи фасл. Суртиладиган ва қўйиб боғланадиган дорилар

Чаённинг ўзи ҳамда унинг думи, шунингдек, чаён думига ўхшаш-лиги сабабли «чаён думи¹» деб аталадиган ўсимлик ҳам чаён чаққа-нига қарши қўйиб боғланадиган яхши дорилардандир. Шу билан бирга, [бу ўсимлик] яҳудийлардан бирининг даъвосича, [аъзо] соғломлик ҳоли-да қўйиб боғланганида [ҳам] увуштиради ва у жойдаги қонни ўлдиради.

Сичқонни ёриб чаён чаққан жойга қўйилса, барча [табиблар]нинг фикрича фойда қилади, қурбақа ҳам шундай. Биз ҳам Ҳинд сиёҳини суртма дори қилиб, тажрибадан ўтказдик, у фойда етказиб, оғриқни тўхтатди. Хом анжир сути ва қундуз қири ҳам шундай. Айтишларича, бу соҳада балозур ажойиб [дори] бўлиб, оғриқни тўхтатувчидир. Сир-ка билан бирга ишқор яхши [дори]. Санавбар елими ёки сақич билан қўшилган ўлдирилмаган олтингугурт, тузланган балиқ гўшти ҳам [шундай]; қайнатилган саримсоқ билан сариёғни иссиқ ҳолида қўйила-ди. Яна: зиғир уруғи ёки гулхайри уруғи, ёки шу иккаласининг туз билан қўшилгани, шунингдек, арпа унининг газгаўт шираси ёки қайнатмаси билан қўшилгани [ни қўйиб боғланади].

Яна: каптар тезаги билан қўшиб қайнатилган кепак [ҳам фойдали]. Тоғ қора райҳони дарҳол оғриқни тўхтатувчи яхши суртма доридир. Шунингдек, Абу Жаҳл тарвузи илдизи, сачратқи, қоқигул ҳамда тоғ қора райҳони билан бирга амом || ва қуритилган самсақ ҳам яхши суртмадир. Сийдик тузи шундай дорилардандирки, ундан фойдалироқ 415 бирор нарса йўқдир.

Қиздирилган тош устига сепилган сиркадан чиқаётган буғга [чаён] чаққан жойни тутиб туриш фойдали тадбирлардан биридир. Чаён чақ-қан жойга қўйиладиган дорилар эса кепак қайнатмаси, қичитқиўт қайнатмаси ва бобуна қайнатмасидир. Иситилган денгиз суви, қора йўнғичқа шираси ва қайнатмаси ҳам ажойиб фойда етказади. Иситил-ган оқ нефть ҳам ажойиб. Ичига геккон калтакесаги солиб қайнатил-ган зайтун ёғини иссиқ ҳолда чаён чаққан жойга томизилса, ажойиб фойда келтиради.

Олтинчи фасл. Жа р р о р а

Бу хил чаёнларнинг [ранги] болдирғонсимон бўлиб, думлари ичига ва заҳарлари ўткир бўлади. Булар Хузистон, айниқса, [у ер мавзуларидан] Аскар Мукрамда ҳамда болдирғонзорларда кўп учрайди.

Бу чаён чаққанида ўша заҳоти билинмайди, балки эртасига еки ундан кейин билинади, сўнгра беҳузурлик пайдо бўлади, [кишининг] ранги ўзгаради; баъзан сариқ касаллиги юз беради ва тил шишади. Чаён чаққан жой яраланади, касал қон сияди; баъзан унинг ичи тўхтаб қолади; гоҳо аҳвол ҳалокатгача бориб етади; [ҳалокатга учраш] хафақон ва беҳушлик билан бошланади. Оғриқ енгиллиги сабабли буни эътиборсиз қолдириш ярамайди, чунки бу хил чаёнларнинг заҳарлари ёмондир.

Еттинчи фасл. Даволаш

Умумий тадбир қўллангандан кейин энг яхши даво чаён чаққан жойни доғлашдир. Ичиладиган дорилар эса аччиқ сутчўпнинг суви, қоқигул суви, арпа суви ва, айниқса, алангаланиш кучли бўлганида, барча [ҳароратни] сўндирувчи нарсалардир. Совуқ сув билан бирга олма толқони синалган даволарнинг афзалидир. Бир гуруҳнинг айтишича, *жулах* илдизини сув билан ичилса, фойда еткази. Айтишларича, ровоч илдизи бунга қарши яхши доридир. Аскарий тарёқи ҳам яхши. Унинг таркиби: ковул пўсти, гентиана илдизи, Рум эрмани, юмалоқ аристолохия, беклар ўти ва қуриган қоқигулларни олиб, ҳаммасини янчилади. Бунинг бир ичими — икки *дирҳам*.

Б о ш қ а х и л т а р ё қ: қуриган қоқигул, нордон олма барги ва кашничдан баробар бўлакларни олиб, элаки қилиб уч марта кафт отилади.

Агар касалда қаттиқ алангаланиш юз берса, мева сувларини ва шираларини совутиб бериш билан тўхтатилсин. Хафақон пайдо бўлса, бунга қарши Шом олмаси шарбати, олма толқони ва кофур кулчалари билан бирга нордон қатиқ фойда беради. Беҳузурлик кучайса, совутилган гул ёғи билан меваларнинг суви берилсин. Ич тўхтаб қолса, ҳуқна қилинсин. Агар касал қон сийса, унинг томиридан қон олинсин ва қон сийишга [қарши] тадбир қўллансин. Тил шишса, тил тағи томиридан қон олинсин, сачратқи суви ва *сиканжубин* билан томоқ чайилсин. Чаён чаққан жой [ўйилиб] ейилса, ўткир дори ишлатиб ва ўша жой теварагига арман лойи ва сирка суртиб даво қилинади ва ёмон яралар тадбири ҳам қўлланилади.

[248] Саккизинчи фасл. Ўргимчаклар, ўргимчак бийи ва қорақурт

Қорақуртларга келсак, бундай парсалар соҳасида кузатувчан ва тажрибакор кишиларнинг баёнича, улар олти турлидир; аммо уларнинг ҳар бир турини баён қилишда ҳар хил фикрларни айтадилар; ишончли табиблардан бири: «Қорақурт турларидан биринчиси, яъни *аддоиюн*¹ деб аталадигани юмалоқ шаклли ва узум рангли бўлади»,— деган, узум рангли дейишдан мақсадлари қорамтир демакдир.

Иккинчи тури *луқус* деб аталади; бунинг танаси биринчи юмалоқ шаклисидан кўра ёйиқроқ бўлади, бунинг бўйин [ни ташкил этувчи] қисмларида кертиклар кўришиб туради; оғзи устида бўртиб чиққан говак ва силлиқ учта жисм [ўсма] бўлади.

Учинчи тури — *мурмиқиюн*². Бу *ужруф* деб аталадиган катта чумоли ҳажмида бўлиб, ранги кулрангсимон, баданини, айниқса, орқа томонини, бўртиб чиққан майда қизил жисмлар бекитиб туради.

Тўртинчи тури — *силқируфуқлун*³. Бунинг бутун бадани ва боши қаттиқ бўлиб, катта чумолининг қаноти каби қанотлидир.

Бешинчи тури — *сиқлиқун*. Бунинг танаси узун ва ингичка бўлиб, баданида, айниқса, боши ва бўйни олдида [қора] нуқталари бор.

Олтинчи тури — *қуртуфулқитис*. Бунинг танаси узун, ранги кўк бўлиб, бўйни тагида игнага ўхшаш ўсмаси бор.

Мазкур табиб қорақуртнинг *барча турлари⁴ чаққанига фақат бир хилдаги белгиларни кўрсатган. Бошқа бир табиб ҳар бирининг ўзига хос белгиларини баён қилган. Бундан ҳам бошқа табиб эса: «Қорақурт *фаҳд* деб аталадиган ўргимчакка ўхшаш ўрмаловчидир»,— деган, *фаҳд* эса — пашша овлайдиган ўргимчак.

Қорақуртнинг турлари кўп; улар, Жолинуслинг айтишича, ўн икки турдан иборат. Улардан энг ёмони — Мисрда бўладигани. Уларнинг баъзиси қизил [рангли] бўлиб, ўргимчакка ўхшаш юмалоқ бўлади; баъзиси тутунсимон қора бўлиб, бу ҳам ўргимчакка ўхшайди; баъзиси олачипор, баъзиси оқ бўлиб, қорни юмалоқ, *оғзи кичкина⁵, кўрниниши юлдузсимон, орқаси ўткир, ялтироқ чизиқларга эга; баъзиси сариқ [рангли] бўлиб тукдор; баъзиси эса «узумсимон» бўлади. Бу исмга хос бўлган турининг оғзи бошининг ўртасида, оёқлари калта ва орқага мойил бўлади. Бундай қорақурт чақмоқчи бўлганида икки оғзи устига кўтарилди [игнаси билан] зарба бермоқчи бўлса, [оғзидан] озгина рутубат ташлайди. Бу тури олдинроқ [айтиб ўтилган] «узумсимон» туридан кичикроқ бўлади.

«Чумолисимон» дейилган қорақурт ҳам бўлиб, у чумолига ўхшайди, бўйни қизил, боши қора, орқаси оқ, [аммо] ҳар хил рангли ҳоллари бор. Баъзи қорақуртлар «олакулангсимон», баъзиси «арисимон» бўлади. Буниси қизил рангли бўлиб, арига ўхшайди. Сўнгра Жолинус буларнинг ҳар бирининг чаққанида юз берадиган белгиларни кўрсатган.

Қорақуртларнинг баъзиси «ясмиқсимон» бўлиб, кичик ва ясмиққа ўхшаш даврала бўлганлиги сабабли шу исм билан аталган. Бунинг баъзи кичкина, қорни малларанг, оёқлари оқ, сертук бўлади. Илгарироқ эслатиб ўтилган Миср қорақуртига келсак, у ёмон тури бўлиб, катта 416 қоринли ва катта бошлидир, || чироқ атрофида учиб юрадиган пашшага ўхшайди.

Тўққизинчи фасл. Қорақурт чаққан кишида юз берадиган ҳолатларнинг умумий ва муфассал баёни

Жолинуслик айтишича, қорақуртнинг чақиши чаён чаққандек туқур ботмайди, шунинг учун ҳам томиргача етиб бормайди, кўпинча, [у чаққан жой] кўкармайди.

Қорақурт турларини олтига деб, дастлаб исм бериб атаган киши: «Уларнинг ҳаммаси учун умумий [белги шуки], улар чаққан жой шишади, у жой камдан-кам ҳолларда қизаради, кўпинча, хира кўк рангли бўлиб, шу жой ва унинг атрофлари қичишиб туради, баъзан қичиш почагача етиб боради»,— деган. Бу [кишидан] бошқалар: «У жой деярли дўмбаймайди ва алангаланмайди», деган сўзни қўшимча қилган. Аввалги киши эса: «[Қорақурт чаққач] асабли аъзолар, масалан, тизза, белнинг қуйиси, орқа ва куракларда доимо совуқ сезилади, баъзан бутун бадан совуб, титраб қалтирайди»,— деган. Унинг айтишича, қорақурт чаққан жойда доимий қаттиқ оғриқ бўлиб, уйқусизлик кузатилади, юзнинг ранги сарғаяди; кўз ёшланишдан¹ кўра рутубатлироқ кўринади, кетма-кет ёш томчилаб туради. Қориннинг қуйи томони, айниқса, қов яқини бўш ва холи сезилади, табиат ҳам юқоридан, ҳам қуйидан сувсимон моддани ҳайдайди ва баъзан, шу модда ичида ўргимчак уясисимон нарса кўринади. Чов ва мояклар кўпчийди, бўғинлар ёйилмайдиган даражада тиришганга ўхшаб буришади. [259] юрак оғрийди, кўнгил айнийди, бадандан совуқ тер чиқади, баъзан барсом касаллигига учраганлардаги сингари бош оғрийди.

Бошқа [табиб]лар бунга қуйидагиларни қўшганлар: юз сарғаяди, бадан оғирлашади, сийдик куйдириб ачиштиради, баъзан сийиш қийинлашади, гоҳо сийдикдан ўргимчак [уясига] ўхшаш нарса чиқади; жинсий аъзо, тизза, қов, шунингдек, меъда қаттиқ тортишади; тил дудуқланиб тутилади ва оғриқлар кучаяди.

Аввалги [табиб]нинг кўрсатишича, у айтиб ўтган олтинчи турдаги [қорақуртларга] хос белги шуки, уларнинг чақишидан меъдада қаттиқ оғриқ, жуда кўп силкиниш билан бирга жуда қаттиқ учиш воқе бўлади. Унинг айтгани шу. Жолинуслик ва бошқалар эслатган [белгиларнинг] муфассал баёнига келсак, улар шундай деганлар: қорақуртнинг қизил турига келганда, унинг чақишидан озгина, тезда босиладиган оғриқ

пайдо бўлади. Қора ва олачипорининг чаққанида эса оғриқ кучли бўлади, эт увушиб ҳурпайиш, совуқ ейиш, қалтираш юз беради, иккала сон оғирлашади. Қорни юмалоқ, оғзи кичик оқ тури чаққанда қичишиш билан бирга озгина оғриқ пайдо бўлади, ич буриб оғрийди ва қорин бўшашиб ич кетади. Юлдузсимон тури чаққанда оғриқ зўраяди, қичишиш, қалтираш ва увушиш юз беради, бош оғирлашиб бадан бўшашилади.

«Узумсимон» қорақуртга келсак, бу чаққан жойда қаттиқ оғриқ қўзғалади, бутун бадан совуйди, эт увушиб тук ҳурпайиш, қалтираш ва *кузоз* пайдо бўлиб, совуқ тер оқиб туради, товуш узилади, бутун бадан увушади, қорин шишади, жинсий олат қўзғалиб, таранглашиб, ихтиёрсиз маний ташланади, лойқа сийдик чиқарилади.

Қорақуртнинг тутунсимон қораси ёмон тури бўлиб, бундан меъда оғриғи, кетма-кет давомли қусиш, бош оғриғи, узлуксиз йўтал, сийдик тутилиши юз беради ва бу тезда ўлдиради. Тукли, сариқ тури чаққанда эса, оғриқ жуда қаттиқ бўлади, қалтираш юз беради, совуқ тер чиқади, қорин дам бўлади ва, кўпинча, [киши]ўлади. Баъзи кишилар бунга «узумсимон» [қорақурт] чаққанда юз берадиган жинсий олат қўзғалиб таранглашиши, товуш узилиб қолиши, маний ташлаш ва *кузоздан* иборат айрим хусусиятларни қўшганлар. [Уларнинг гаплари] мен учун эътибор бергудек ишончли гаплардан эмас.

«Чумолисимон» қорақуртнинг чақиши бежавотир ва алами оздир. «Олакулангсимон» тури чаққанида баданда сувли қаварчиқлар пайдо бўлиб, тил оғирлашади. «Арисимон» тури чаққан жой шишади, *кузоз* ва қаттиқ оғир уйқу юз бериб, иккала тизза заифлашади.

«Ясмиқсимони»га келсак, бу қорақуртларнинг ёмон тури бўлиб, бу [чаққанида] «узумсимон» тури чаққандаги ҳолатлар юз беради, лекин бундаги ҳолатлар «узумсимон» тури чаққандагидан оғирроқ бўлади.

Мисрда бўладиган турига келсак, бу ҳам ёмон тури бўлиб, [чаққанида] қаттиқ бош оғриғи ва оғир уйқу пайдо қилади, кейин киши тезда ўлади.

Унинчи фасл. Даволаш

Буларни даволашда ҳам заҳарни тортиш, сўриб олиш, [ҳашарот] чаққан жойга тузли иссиқ сув қуйиш, чаёнлар бобида айтилган тарёқларни беришдан иборат умумий қоида қўлланилади. Ҳаммом ва ванналар оғриқни тез тўхтатувчидир. Чунки қорақурт чаққан кишилар ваннага тушсалар, оғриқлари пасаяди, ваннадан чиқсалар, қайтадан оғриқ бошланади. Демак, уларни ҳар соатда ҳаммомга тушириб туриш керак.

Қорақурт, денгиз аждари ва илонларнинг барча турлари [чаққанга]га қарши тарёқ. Айтишларича *самуриё* ва *туруғурун* кабилар чаққанда мана шу сифатдаги дори ичирилади: оқ мурч, аристолохия, ҳаворанг гулсапсар илдизи, Рум сунбули, назла ўти, ёввойи сабзи уруғи, қора харбақ, қора зира, ёввойи жингак барги, *афрунитрун*¹, анор пўсти², қуён панирмояси, дорчин, дарё қисқичбақаси, *майға* елими, кўкнор шираси ва бальзам дарахти уруғининг ҳар биридан бир *уқиядан* олиб янчиб, ковул шираси билан 417 қориштирилади ва кулчалар ясалади. || Ҳар бир кулча бир *драхмий* вазнида бўлиб, бу унинг бир ичим миқдоридир: уни шароб билан ичирилади. Баъзи пухсаларда оқ гулсапсар илдизи, бальзам дарахти шохчалари, қоқигул уруғи, сарв ёнғоғи ва петрушка уруғи [дейилган].

Қорақурт чаққанга қарши тажриба қилиб кўрилган тарёқ: санавбар донаси, қора зира, чинор дарахтининг барги ва пўстлоғи, қоқигул уруғи, қора нўхат, айниқса, унинг ёввойиси, мирта уруғи,— бу жуда яхшидир,— бўйимодарон уруғи, укроп уруғи, аристолохия, юлғун уруғи, гулҳамишабаҳор шираси, [260] ёввойи сутчўп сутидир. Бу [дори]ларнинг қайси биридан бўлса ҳам, бир ичими икки *мисқол* вазнида бўлиб, шароб билан ичилади.

Яна: сарв ёнғоғи солиб, айниқса, дорчин қўшиб қайнатилган шароб, қисқичбақалар шўрваси, ғоз шўрваси, шароб билан биргаликда морчўба илдизининг қайнатмаси [фойдалидир]. Бундай касалларга ичириладиган яхши мураккаб дори: аристолохия ва зирадан баробар бўлаклар олинади. Бунинг бир ичими уч *дирҳам* бўлиб, иссиқ сувга солиб ичирилади.

[Қорақурт] чаққанга қарши тажриба қилинган тарёқ: седанадан ўн *дирҳам*, ёввойи сабзи уруғи ва зиранинг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, арча бужури ва сарв ёнғоғининг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, хушбўй сунбул, дафна меваси, юмалоқ аристолохия, бальзам дарахти уруғи, дорчин, гентиана илдизи, қоқигул уруғи ва петрушка уруғининг ҳар биридан икки *дирҳамдан* олиб, асал билан қориштирилади. Бунинг бир ичими бир *жавза* миқдориди бўлиб, эски шароб билан ичилади.

Ўн биринчи фасл. Суртма дорилар ва шунга ўхшашлар

Уларнинг яхшиси анжир ёғочининг шароб ва туз билан қориштирилган кули, оқ зок, сиркага ботириб олиб, сиқиб ташланган булут, арпа уни билан бирга сиркада қориштирилган аристолохия, кангар барги, гандано, қизил тасма, анжир ёғочи кули билан қўшилган аристолохиядир.

Қўйиб боғланадиган яхши дори: анор пўсти, аристолохия ва сирка билан арпа уни олинади ҳамда жароҳатни ювиб ташлагандан кейин сув ва туз билан қўшиб ишлатилади.

Суртиладиган дорилардан бўлган қора йўнғичқа ёғини иссиқ ҳолда қуйиладиган дори сифатида ҳам [ишлатилади]. Иситилган денгиз суви, ҳар қандай тузли сув, кангар қайнатмаси ва сарв ёнғоғи қайнатмаси қуйиладиган дорилардандир.

Ун иккинчи фасл. Ш а б а с ва унинг [ч а қ қ а н и н и] да во л а ш

Бу — оёқлари узун катта ўргимчакка ўхшаш [ҳашаротдир]. Айтишларича, бу чақса, меъда оғрийди, қусиш юз беради, сийиш ва ахлат чиқиши қийинлашади. Бу ўлдирувчидир. Мисрда бўладигани жуда ёмон. Мен айтаманки, бу қорақурт бобида айтилган Мисрда бўладиган [ўргимчакми] ёки бошқами билмайман. Буни қорақурт чаққанидек даволанади.

Ун учинчи фасл. Ургимчак ва [унинг ч а қ қ а н и н и] да во л а ш

Ургимчак чаққан кишининг қорнида кўп ел пайдо бўлади, эти увушиб, туки ҳурпайиб, қўл-оёқлари совуйди, эрлик олати қўзғалади. Бунинг давоси қорақурт [чаққанига қарши] даво туридандир. Бу кишиларга кун бўйи оз-оздан шароб ичириб туриш, шароб билан тўпалоқ ичириш, ҳаммомга тушириб терлатиш фойда қилади. Шароб билан седана, қуруқ газгаўтнинг ёлғиз ўзи ёки тўпалоқ қўшилганининг шаробга солингани ҳам уларга бериладиган дорилардандир.

Ун тўртинчи фасл. Илм аҳлларида бўлган бир табиб баён қилган иккита жонивор ҳақида

Булар ҳам юқорида баён қилинганлар туридандир, аммо мен буларнинг сифатларини ва юқорида айтилганлар қаторига кириш-кирмасликларини билмайман. Уларни «тўрт жағли» деб атайдилар.

Уша олимнинг айтишича, бу икки жонивор қорақурт жинсидан бўлиб, уларнинг бири япалоқ, оёқлари оқ, бошида иккита бўртган жойи бор: бири бошининг олд томонидан тўғри тушган, иккинчиси уни знига кесиб ўтган ва шу [ҳолат] уни икки оғизли ва тўрт жағли қилиб кўрсатади.

Иккинчи жониворга келсак, унда иккита бўртган жой ўрнида иккита чизиқ бўлади, бу чизиқлар ҳам ўшандай [тўрт жағли қилиб] кўрсатади. Бу иккаласининг чақишидан чаён чаққанда юз берадиган ҳолатлар, қаттиқ оғриқ пайдо бўлади, чаққан жойи оқаради, юз ва бош кулранг бўлиб қолади, киши уйқусини йўқотади. Бунинг давоси қора-

қурт чаққанига қарши даволаш кабидир. Қорақурт [чаққанига қарши] энг яхши дорилар эса сув ялпизи, говшир илдизи, қора йўнғичқа ва бўйимадорондир.

Ун бешинчи фасл. Муғринисо¹ деб аталадиган бошқа бир жонивор

Бу жонивор ҳақида мазкур олим эслатиб, шундай деган: унинг чақишидан қаттиқ оғриқ, [тери] қизариши ва қийналиб сийиш юз беради. Шундай жонивор чаққан кишига юлғун меваси, ёввойи зира, ёнғоқ барги, саримсоқ ва ширин шароб фойда қилади.

Ун олтинчи фасл. Форсча даза, юнонча самалуқи, ҳиндча тағонус деб аталадиган бургут бити ҳақида

Бу [оддий] битга ўхшаш ёки жуда майда каналар каби ҳашаротдир. Жолинуслинг айтишича, бу ҳашарот сақланиб бўлмайдиган ва кўз кўрмайдиган даражада кичкинадир. [261] у чаққанида бурундан, сийдик [йўлидан], орқа йўлдан, қусиш орқали меъдадан қон кетади, кўкрак ва ўпкадан қон ташланади ва тиш илдизларидан ҳам қон оқади. Баъзан иш шундай улғаядики, ҳатто даволашни қабул қилмайди.

Ун еттинчи фасл. Даволаш

*Бунинг давоси² жаррора [чақишига қарши] ишлатиладиган даво кабидир. Узига хос даво подзаҳр, коху шираси ва қизил сандал суртишдир. Булар чаққан кишига янги соғилган сигир сути, эчки сути, қаймоқ, муҳр лойи, парпи, семизўт ва унинг шираси, испағул ва унинг шираси ҳамда барча [ҳароратни] сўндирувчи дорилар, масалан, сачратқи суви, коху, қовоқ ва бодринг сувлари ичирилади.

Ун саккизинчи фасл. Таббу ва «лой тешувчи»

Бу кўп оёқли, заҳари ўткир ҳашарот бўлиб, сифатлари бургут битиникидек.

Ун тўққизинчи фасл. Арилар чақиши

Арилар [чаққанида кишини] асалари [чаққанидаги]дан кўра кучли 418 қиздиради; чаққан жойи || оғрийди ва қизариб шишади. Катта арилардан боши қора, кўп игнали, [чаққанда] ўлдирадиган бир тури бор, унинг чақиши кўп ҳолларда ўлдирувчидир. Шунинг учун шундай ари-

нинг чақиши, баъзан тиришишга ва иккала тиззанинг заифлашишига олиб боради. Кичкина бўғинлиси чаққанда ҳам, баъзан иш улғайиб сувли қаварчиқлар пайдо бўлади ва тил оғирлашади.

Йигирманчи фасл. Даволаш

Бунинг чаққанига қарши юқорида сен билган сўриш тадбири ишлатилади; иш улғайган тақдирда эса ичириладиган дорилардан бир *дирҳам* оғирлигида самсақ уруғи ичирилса, ўша заҳотиёқ оғриқни тўхтатади; ёки уч кафт қуруқ кашнич ичирилади. [Қасал] машҳур совутувчи ширалар ва машҳур совутувчи шарбатларни ичсин, баъзан худди шиёф доридек қилиб ях кўтартирилса, фойда етказад; суртмалардан ёввойи гулхайри суви, тоғ қора райҳони суви, ёввойи гулхайри,— бу ўз хусусияти билан ажойибдир,— шунингдек, гулхайри, Яман бақласи, итузум, янчилган кунжут ва унинг барги [ишлатилади]. Яна: анжир, сирка, тоза тупроқ лойи, ғўра суви, шунингдек, мол тезаги,— айниқса, сирка билан,— шунга ўхшаш тошчўп барги ва дафна дарахтининг янги барги [суртилади].

Яна: афюн, сассиқалаф уруғи ва кофурни олиб, совуқ шира билан қўшиб суртилади, устидан совутилган сувга ботирилган каноп латта ёпилади, атрофига лой билан сирка суртилади. Сирка билан бирга қурбақа ўти ҳамда сув кўзаси устида пайдо бўладиган кўклар ҳам шундай.

Яна баъзиларнинг айтишича, сув ва туз билан компресс қилинади ва анжир сути суртилади. Сирка қўшиб, деворларнинг шўрхоки ҳам [суртилади]. Гоҳо шуларнинг сувлари ва қайнатмаларидан қуйиладиган дорилар ясалади.

Ари чаққан аъзони бир муддат иссиқ сувга солиб туриб, кейин дафъатан сирка аралаштирилган тузли сувга солиш тажриба қилиб кўрилганда, дарҳол [оғриқ] тўхтайд. Агар қора пашшани ишқаб суртилса, у ҳам оғриқни тўхтатади.

Йигирма биринчи фасл. Асалари чақиши ва уни даволаш

Бу [чаққандаги] ҳолатлар ари [чаққандагига] яқин, лекин асалари чаққан жойида игнасини қолдиради. Бунинг давоси ари [чаққандаги] давога ўхшашдир.

Йигирма иккинчи фасл. Учадиган чумоли ва шунга ўхшаш бошқа жонивор

Бунинг сифатлари асалариникига яқин, аммо ундан кўра бежавотирроқдир. Мен айтаманки, заҳарли ва игнали жониворлардан учадиган

ган чумолига ўхшаш биттаси бор, лекин у чумолидан анчагина катта бўлиб, кичик ари ҳажмида, бироқ ундан анчагина узун бўлади¹. Унинг ўргимчакникидек узун сариқ рангли оёқлари бўлиб, ариларникидан узунроқ, чаққан жойда қолдирган тешиги кичикроқдир. Бу ўз уясига арилар сингари эътибор бермай, лойдан кенг оғизли уялар қура беради ва ўргимчаклар сингари бола очиб чиқазади. Агар уни уясидан ҳайдалса, ўргимчак сингари юради, сўнг гўё пўст ташлагандек бўлиб учиб кетади. Менимча, бу арига ўхшаш нарсадир.

Йигирма учинчи фасл. Геккон калтакесаги ва калтакесак

Булар тишлаганда тишланган жойда майда ингичка, қора тишлар қолдиради [262] ва бу жой доимо оғриб қичиша беради, ниҳоят, у тишлар устидан ипак ёки қазна ўтқизиб тушириб юборилса, оғриқ тўхтайди. Гоҳо унинг қолдирган тишларини ёғ билан кул чиқариб ташлайди. Кейин шу жойни сўриб ташланади ва иссиқ сувга солиб турилади. Қалтакесакларнинг тишлаганига қоқигул илдизи жуда фойда қилади, дейдилар. Агар оғриқ зўр бўлса, қорақурт [чаққанида ишлатиладиган] тарёқ ичирилади.

Йигирма тўртинчи фасл. Қирқоёқ²

Бу қулоққа кирадиган маълум жонивордир; унинг баъзиси бир қарич узунликда бўлиб, ҳар бир томонида йигирма иккитадан оёғи бўлади. Гоҳ олдинга юради, гоҳ [қайрилмай] шу ҳолда тисланади, Айтишларича, унда бир қадар заҳарлилик бор ва у чақса, озгина оғриқ пайдо бўлади ва бир муддатдан кейин тўхтайди. «Эшак ганданоси» гули бунга қарши тарёқлардан биридир; баъзан тузни сиркага қўшиб ишлатиш кифоя қилади.

Йигирма бешинчи фасл. Саламандра чақиши

Айтишларича, бу калтакесакка ўхшаш ўрмаловчи ҳашарот бўлиб, тўрт оёқли ва калта думлидир. Айтадиларки, бу [жонивор] куймас эмиш, [балки] ўчоққа ташланса, оловни ўчирар эмиш. Саламандра чаққан кишида қаттиқ оғриқ воқе бўлиб, бадан оловда [куйгандек] алангаланади, тилда иссиқ шиш юз беради ва тил тутилиб дудуқланади, қалтираш ва эт увушиши воқе бўлади; кўпинча, саламандра чаққан аъзода юмалоқ шаклда қорайиш юз бериб, [аъзо] тушиб кетади.

Йигирма олтинчи фасл. Даволаш

Айтадиларки, бунинг давоси олакуланг [чаққан]даги даволаш кабидир; бунинг ўзига хосроқ давоси эса, қайси турли санавбарнинг бўл-

масин елимини асал билан қўшиб ичиришдир; шунингдек, ер бағирлаб ўсувчи санавбар ва гулсапсарнинг қичитқийт барги ва зайтун ёғи қўшилган қайнатмаларини ичирадилар, баъзи [табиб]лар эса қурбақаларни қайнатиб берадилар, уларнинг шўрвасини ичирадилар ва гўштини қўйиб боғлайдилар ҳамда едирадилар. Шунингдек, чўл ва денгиз тошбақаларининг тухумлари қайнатиб берилади.

Йигирма еттинчи фасл. Чўл ва денгиз сақулқандари¹

Буларнинг ҳар иккаласи ҳам менга номаълум; биз эслатиб ўтган нарсалардан бири бўлса ажаб эмас. Айтишларича, чўлда бўладигани тишлаганида, у тишлаган жой хиралашиб, [сўнг] гул ранглиликка айланади, тиниқ қизил рангли бўлиши кам учрайди, балки жуда оз қизаради. Баданда кучли оғриқ ва қичишиш пайдо бўлади.

Денгизда бўладиганига келсак, бунинг тишлаган жойи сув рангли [кўкимтир] бўлиб қолади. Бунинг давоси ҳам қорақурт ва шунга ўхшашлар [чаққани]ни даволаш каби бўлса керак. Бир [табиб]: «Шаробга туз ёки кул қўшиб, ёки кулни денгиз пиёзи сиркаси билан қориштириб, ёки куйдирилган кунжутни шароб билан қўшиб қўйиб боғлансин»,— деган; бундан олдин анчагина зайтун ёғини иссиқ сув билан қўшиб қуйилади, кейин ўша [дори]ларни қўйиб боғланади.

Йигирма саккизинчи фасл. «Денгиз чаёни»²

Гумонимча, «денгиз чаёнининг» чақишидан қорин кўпчиши ва истисқо касаллигидагидек кўриниш воқе бўлади; баъзан бу туфайли ихтиёрсиз ел чиқиш содир бўлади. Аммо буни ниҳоят даражада чуқур текшириб аниқлаш лозим. [Бунинг ҳам] давоси денгиз аждарҳоси ва қорақурт [чаққанидаги] даволаш кабидир .

Мен сўзига ишонмайдиган бир киши «сув чаёнининг заҳари иссиқдир»,— деган.

Йигирма тўққизинчи фасл. Денгиз ўргимчаги

Бунинг сифатлари денгиз чаёни сифатларига яқин бўлса керак. 419

Ўттинчи фасл. Денгизда [бўладиган] қизил қурбақалар тишлаши

Кўп олимларнинг ҳикоя қилишича, бу хил қурбақалар жуда ёмон бўлиб, ҳайвонларга ва [ўлик] жасадларга ҳужум қилади, уларни тишлаш учун олисдан туриб сапчийди, агар тишлай олмаса, пуфлаб зарар етказади. Бунинг тишлашидан катта шиш ва тез ҳалокат юз беради.

Мен айтаман: буни катта³ тарёқ ва шунга ҳамжинс [тарёқ]лар билан даволанса керак.

**Уттиз биринчи фасл. Денгиз заҳарли ҳашаротларига қарши даволаш
ҳақида умумий сўз¹**

Буларнинг чаққан жойини тарёқлар ва совуқ заҳарларга ишлатиладиган дорилар, қорақурт [чаққанига қарши] дорилар ва тарёқлар билан даволаш керак, дейдилар.





ЕТТИНЧИ ФАН

ЗИЙНАТ





[263] БИРИНЧИ МАҚОЛА

МУИНИНГ АҲВОЛИ ВА БОШ ҚАЗҒОҚЛАШ



*Биринчи фасл. Мўйнинг моҳияти¹

утунсимон буғ тери тешикларида қуюқлашиб туриб қолганда, айниқса, бадан рутубати ёпишқоқ ёғсимон бўлиб, сувсимон ва лойсимон бўлмаса, ўша буғдан мўй пайдо бўлади. Бу ёғли дарахтларнинг барги тўкилмаганига ўхшайди. Биринчи китобда мўйнинг қоралиги, оқлиги ва бошқа ранглари тўғрисида айтиб ўтилди. Лекин зийнат бобида мўй жавҳарини ўстириш ва уни тўкиб юбориш, миқдорини кўпайтириш ва камайтириш, ҳажмини йўғон, ингичка ва узун қилиш, шаклни силлиқлаш ва жингалак қилиш, рангини қорайтириш, қизартириш ва оқартириш тадбирлари тўғрисида сўз боради. Бу мақолада ана шу мақсадлар устида гапирамиз.

Иккинчи фасл. Мўй чиқмасликнинг сабаби

Мўй ё моддадаги сабаб билан, ёки мўй ўсадиган нарсадаги сабаб билан бутунлай чиқмай қолади, ё кам чиқади. Моддадаги сабаб ё унинг камлиги ёки йўқлигидир. [Модданинг] камлигига сабаб шу бўладики, бирон нарса беркитиб қўяди ёки ўзгартиради, ё асли жавҳар кам бўлади. Масалан, болалар ва хотинларда ҳўл буғ кўплиги сабабли тутунсимон буғ кам бўлади, натижада уларда соқол чиқмайди. Асли жавҳарнинг камлигига сабаб ё бирор ҳодиса юз бериши, ёки табиатнинг уни тугатиб қўйишидир. Бирон ҳодиса сабабли мўй камайиши касалликдан янги турган кишиларда юз беради; узоққа чўзилган касалликлар, сил ва ингичка оғриқ касалликлари улардаги [рутубатни] сўриб қуритади, натижада уларда мўй овқатланадиган модда қолмайди ва сувсаган ўсимлик суғорилмаганда бўладиганидек мўй тушиб кетади ва ўсмайди.

Бичилган кишиларда ҳам, уларнинг бичилганлиги сабабли ҳўл ва совуқ мизожликда хотинларга ўхшаганликларидан шундай бўлади. [Бичилган кишиларда] эрлик уруғига айланадиган модда йиғилиб, со-

вуб қолади ва у совуқлик шариф аъзоларга бориб, уларни совутади, шунинг учун уларнинг рутубатлари тарқалиб қуримайди ва кам тарқалиши ва суюқлиги сабабли тери тешиқларида туриб қолмайди. Салки чиқиб кетади. Бошига доимо оғир салла ўраб юрадиган кишиларда ҳам шундай ҳолат юз беради.

Табиат жиҳатидан [мўй] кам бўлишига тепа сочининг тўкилиши мисол бўлади. Чунки бош тепасида мўй моддасининг етишмовчилиги сабабли тепа сочи тўкилади. Бунга модданинг камлиги ёки миянинг бош косасига тегмай пастга чўкиши сабаб бўлади, шунда мия бош косасига тегиб тургандагидек бош суягини етарли даражада суғора олмайди.

Мўй ўсадиган жойдаги сабабга келганда бу уч турли бўлади: ё у жойга мўй моддаси ўтмайди, ёки ўтади, лекин тўхталиб турмайди; ёки у жойда модда бузилиб, мўйга айланмайдиган кайфиятга ўтиб кетади. У жойга модда ўтмаслигининг сабаби тери тешиқларининг берклигидир, бунга эса қуруқлик туфайли бўлган кучли зичлашув сабаб бўлади, бу тепа сочининг тўкилишига ёрдам беради. Иссиқ мизожли кишида қуриш тезлашгани сабабли тепа сочи тез тўкилади, шунинг учун тепа сочи тўкилишга қобилиятли кишиларда мизож иссиқлиги сабабли бадан ва кўкрак мўйи кўп бўлади; улардаги мўйнинг кам қисми юлиниши қийин бўлади. Ёки олдин бўлиб ўтган яраларнинг изи сабабли юз берадиган зичлашишдан тери тешиқлари тўсилади; сочи тўкилаётган кишида ҳам шундай ҳолат кўринади.

Тери тешиқларида модда тўхталмаслигининг сабаби терининг жуда сийрак экани ва тешиқларининг кенглигидир. Бу соқол чиқмасликка ёрдам берадиган ҳоллардан биридир, бундай кишилардаги мўйнинг қолган қисми сийрак бўлиб, юлиниши осон бўлади. Умр охирида мизож қуруқлашадиган пайти келиб, тери тешиқлари торайгач, ҳарорат камлиги сабабли мизож ҳўл бўлса ҳам [ҳалиги торайиш] тепа сочининг тўкилмаслигига таъсир кўрсатади; масалан, хотинларда ва бичилган кишиларда шундай бўлади.

Мўй моддасининг бузилишига келганда эса бу пўст ташлаш ва «тулки касаллиги»даги сингари ё жойлашиб олган ёмон хилтдан бўлади, ёки бутун бош сочи ва мия сочи тўкилиши турларининг баъзисидаги каби даволаниши қийин, ўйиб еювчи ёмон яралардан бўлади. Соч тўкилишни даволаш қийиндир; гарчи уни бошланишдан олдин қайтариш ёки кечиктириш мумкин бўлса ҳам, шундай бўлади.

Буқротнинг мия сочи тўкилган кишиларда [264] оёқ венасининг кенгайиш касаллиги юз берса, мўйлари ўсади, дейишдан мақсади «тулки касаллиги» ва шунга ўхшашлар билан сочи тўкилган кишиларни кўзда тутганидир.

Қош ва киприклар ўсадиган жой тоғайсимон ҳамда пишиқ ва мўйни сақловчи бўлгани сабабли у мўйлар тез тўкилмайди. Шунинг учун ҳабаш ва занжиларда терилари мўйларни сақловчан бўлганидан уларнинг тепа сочлари кейинроқ тўкилади, чунки пишиқ нарса тешилмайди, шу сабабли унда мўй кам бўлади, лекин бор мўй сақланади ва тезда тўкилиб кетмайди. Тили чучук кишиларнинг миясида рутубат кўплигидан тепа сочлари тўкилмайди, шунинг учун уларда назладан бўладиган ич кетиш кўп бўлади.

Учинчи фасл. Мўйни тўкилишдан сақлайдиган дорилар

Мўйларни сақловчи дорилар латиф тортувчи ҳароратли ва буриштириш қувватига эга дорилар ҳамда шундай таъсир кўрсатадиган хусусиятга эга дорилардан иборатдир. Биз бу дориларнинг мураккаб бўлмаганларини Содда дорилар [китобида] айтиб ўтдик. «Қарободин»-да эса мураккабларини ҳам айтдик. Биз ҳозир || бу ерга лойиқ дориларни, умуман, мўйни сақлашга ва унинг тўкила бошлашига қарши чора кўришга мос келадиган содда дориларни, ниҳоят, бундан кейин у дориларни ишлатишда кўзда тутилиши керак бўлган зарур шартларни баён этамиз.

Мирта, унинг дони, ладан, омила, Кобул ҳалиласи, *мурр*, сабр ва сунбулсочлар ана шундай дорилардандир, гоҳо буриштириши сабабли мози ҳам муҳим дориларга киради. *Филзаҳра*, айниқса, бунинг буриштирувчи шароб билан қўшилгани, ёки мирта ёғи, мастаки ёғи, ёки мирта суви, ёки *озоддарахт* баргининг шираси, шунингдек, зиғир дарахтининг уруғи билан бирга куйдирилгани ва унинг ёғ билан суюқ суртма қилингани ҳам, ўша дорилар қаторига киради. Яна ёнғоқ пўстини куйдириб, мирта ёғига аралаштирилса, бу ҳам ўшанга киради; буриштирувчи шаробни ҳам, айниқса болаларга суртилади.

Мураккаб дорилар: Мирта дони, мози ва омилани маълум йўсинда гул ёғи ёки мирта ёғида қайнатиб ишлатилади. Шунингдек, ҳўл мирта барги, ладан, жумрут, сарв новдалари ва мирта донини зайтун ёғида янчиб, шу таркибни бошга суртилади. Яна қора мирта дони, петрушка уруғи, мирта доналари, лавлаги уруғи ва жумрут новдаларидан бир бўлакдан, сунбулсоч ва ладандан ярим бўлакдан, қора шаробдан олти бўлак олиб, шу шаробда ҳалиги дориларни то шаробнинг учдан бири қолгунча қайнатилади. Кейин бунга тўполоқ ва сунбул билан хушбўй қилинган зайтун ёғидан икки бўлак қўшиб, қайтадан уч марта қайнатилади. Кейин сув ва ёғ қисмини дориларидан сиқиб олиб сопол идишга солиб қўйилади, чайқатиб турилади ва керак пайтида ишлатилади. Бу [дори] мўйни сақлайди ва қорайтиради.

Яна: петрушка уруғи, лавлаги уруғи, сунбулсоч ва кундур елимининг ҳар биридан икки *уқия*, ўн беш дона ёнғоқ, санавбар дарахти

илдизининг¹ пўстидан бир *ритл* олинади ва ҳаммасини лой билан сувалган қозонга солиб, тандирга қўйилади ва унда куйиб янчилади-ган бўлгунча қолдирилади. Сўнгра олиб янчилади, унга бир *ритл* айиқ ёғи қўшилади,—бу яхшироқ,—ёки ғоз ёғи қўшилади, кейин дорига эҳтиёж тушганда хушбўй қилинган ёғда эритиб ишлатилади. Бу тепа соч энди тўкила бошлаганда ҳам фойда келтиради.

Ёки бўриштирувчи шаробдан бир ярим *ритл*, ладандан бир *уқия*, санавбар дарахти пўстининг куйдирилганидан икки *уқия*, куйдирилган сунбулсочдан ҳам шунча, айиқ ёғидан бир *ритл*, итузум ширасидан тўрт ярим *уқия* олиб, ладанни *тило* шаробида то қуялгунча қайнатилади, бунга ҳалиги дориларни қўшиб аралаштирилади, сўнгра идишга кўтариб олинади. Қачон керак бўлса, ундан бир оз олиб, хушбўй ёғ билан, яхшироғи Рум сунбулининг ёғи билан қўшиб суртилади ва гоҳо ёғсиз ҳам суртилади.

Яна бир қадар енгилроқ дори: *мурр*, ладан, мирта ёғи, айниқса, бунинг шаббўй ёғи билан мирта сувини қайнатиб олингани ва буриштирувчи шаробларни олиб, уларни кўриниб турган аҳволга яраша аралаштириб суртилади.

Яна лола баргини мирта ёғи билан қўшиб, бошга суртиб бир кеча қўйилади, кейин ҳаммомга тушилса, бу сочни тўкилишдан сақлайди ва қорайтиради. Яна ладан, сунбулсоч, санавбар дарахти пўстининг кули, айиқ ёғи ва тахир шаробдан етарли миқдорда олиб, шу таркибни мастаки ёки мирта ёғи билан аралаштирилади.

[265] *Яна: тўзондек қилиб янчилган хинадан ярим *ритл* ва янчилган кўк мозидан ўн *дирҳам* олиб, буларни ўзига баробар ўткир сиркага қўшилади ва «қовоқ» ва амбиқ асбоби билан [буғлатиб] томчилатилади; бу томчилатишдан ҳосил бўлган [модда] мўйни тўкилишдан сақлайди².

Яна сунбулсоч ва ладандан баробар бўлаклар ва мирта ёғидан етарли миқдорда олиниб [ишлатилади]. Ёки кундур елими, калтакесак тезаги ва денгиз кирписининг тезакларидан беш *дирҳамдан* ва тоғ газагўтидан икки *дирҳам* олиб, буриштирувчи шаробда эзилади ва айиқ ёғи билан аралаштириб ишлатилади.

Тўрттинчи фасл. Қошни тўкилишдан сақлайдиган дорилар

Лола гулидан тўрт [бўлак], тизимгул, унинг илдизи ва анжир новдаларининг ҳар биридан бир [бўлак], ладандан уч [бўлак] ва сунбулсочдан икки [бўлак] олиб, ҳаммасини янчилади ва ана шу таркибни ўзи баробар мастаки ёғи билан қўшиб ишлатилади. Яна: чўл қовоғининг илдизи, сирач ўсимлигининг илдизи ва янги санавбар дарахти кулининг ҳар биридан бир бўлак ва бурақдан икки бўлак олиб, хуш-

бўй қилинган мирта ёғи билан аралаштирилади. Кўпроқ гапириладиган гап шу.

Агар мўй тўкилишига мизож қуруқлиги ва қон камлиги сабаб бўлса, баданга ором берилади ва унга яхши озиқ бўладиган ёғли ва латиф ҳароратга мойил овқат берилади. Нордон, шўр ва тахир ҳеч бир нарса берилмайди, жинсий алоқадан ва эски шаробдан тийилади. Доймо ширин сувга ювинтирилади. Баданга сода, ишқор ва совун тегирилмайди, балки боқила уни, қовун уруги, лой, испағул ва шуларга ўхшашлар билан ювилади.

Агар [мўй тўкилиши] тери тешиқларининг жуда буришганидан бўлса, тарқатиб сийраклантирувчи дорига эҳтиёж тушади. Шунда овқатга хардал, саримсоқ ва гандано каби очувчи нарсалар қўшиш керак бўлади. Терига ҳам тоғ газгаўт елими, хардал, ялпиз, газгаўт ва пиёз кабилар суртилади. Тарқатувчи сувлар билан ювинтирилади, бошни бурақ ва денгиз кўпиги билан ювилади. Бундай киши ёғлардан сақланиши керак.

Тери тешиқларининг сийраклигидан келган [мўй тўкилишига] кўпроқ буриштиришга мойил бўлган айтиб ўтилган дорилар, суюқ суртмалар, буриштирувчи ёғлар, ҳаммомга тушиб илиқ сув билан, кейин дафъатан совуқ сув билан ювиниш фойда қилади.

Бешинчи фасл. Сочни узайтирадиган дорилар

Сочни узун қиладиган дорилардан кўпчилигининг жавҳарида сочининг олиши мумкин бўлган ёпишқоқлик бўлади. Бу дориларга кунжут барги, қовоқ барги, ҳарорати ва буриштириш хусусияти бўлган ёғлар, масалан, куйдириб мум билан қўшилган ёки ўзича қолдирилган гулсапсар ёғи, хина ёғи, || айниқса, мирта ёғи мисол бўлади; гоҳо бошни 421 Абу Жаҳл тарвузи ивигилган сув билан ювиш ҳам фойда қилади.

Бу ҳақда фойдали дорилардан: ладаннинг яхши хилини лой билан сувалган косага солиб, енгил олов устида зайтун ёғи билан эритилади, унинг устига хурмонинг куйдирилган данагидан бир оз сепилади ва ҳаммасини олов устида яхши аралаштирилиб, кейин ишлатилади. Бу ҳақда *озоддарахт* баргининг ва у барг сувининг яхши хусусияти бор. Зиғир уруғининг кўмирини кунжут ёғи билан қўшиб ишлатилса, у ҳам ана шундай таъсир кўрсатади.

Мураққаб дори. *Озоддарахт* барги, янги Рум сунбулсочи, *мурр* ва омилани олиб, шу таркибни ювишда ишлатиладиган маълум моддаларнинг баъзисига солиб бошга ёпилади.

Яна; хардални лавлаги қайнатилган сувга солиб, бу билан бош ювилади, кейин бошни мирта ёғи билан ёғланади.

Яхши мураккаб дори: ҳўкиз ўти, бўри ўти, шунингдек. Қобул ҳалиласи, балила, омила, *содоварон*¹ ва бутун мозининг ҳар биридан бир бўлакдан олиб, янчиб итуз ум шираси билан етти кун ишлади, сўнгра қуритилади. Бош ва соқолни сув, асал ва янчилган шира билан ювгандан кейин бу таркибни² суртилади. Яна: пўсти ажратилган арпадан ўттиз *дирҳам* ва омиладан беш *дирҳам* олиб, сувда то иккаласининг қувватини сув ўзига олгунча қаттиқ қайнатилади. Кейин шу сувда сувнинг ярмича бинафша ёғи, уч *дирҳам* вазнида ладан, кунжут барги, гулхайри барги, ҳўл ё қуруқ қовоқнинг баргларидан ўн *дирҳамдан* олиб қайнатилади; қайнатишни сув кетиб, ёғи қолгунча давом эттирилади.

Бошқа бир дорининг таркиби, буни ал-Қиндийга нисбат берилди. Сут билан ишланган омиладан [266] йигирма *дирҳам* олиб, икки *ритл* сувда то тўртдан бири қолгунча қайнатилади. Бунинг устига ўзига баробар бон дарахти ёғи, пўсти ажратилган арпа ва бир оз ладан сепаиб, то суви кетиб ёғи қолгунча қайнатилади.

**Олтинчи фасл. Сочни ўстирадиган кучли дорилар,
булар даволаш мумкин бўладиган тепа сочнинг тўкилиши, қош
ва бошқаларнинг тўкилишини ҳам даволайди**

«Тулки касаллиги» бобида биз айтадиган ҳамма дорилар шулар жумласидандир, яна ўша ерда кўрсатилган ҳамма тадбирлар: бошни ишқалаш ва уни қизартириш, бошга ёғлар ишлатиш, сўнгра «тулки касаллигига» хос ва бир йўла тортиш ва тарқатиш хусусиятига эга бўлган кучли дорилар ҳам шундай; уларни ишлатиш тепа соч тўкилишида, тўкилган мўйни ўстиришда, қош ва соқолни ўстиришда фойдалидир. Бобил толи илдизининг пўстини зайтун ёғи билан қўшилса, мўйни кучайтиради, яхши сақлайди ва қорайтиради.

Биз шу ерда баён қилмоқчи бўлган дориларга келганда, улар, мўйни тўкилишдан сақлаш бобининг охирида айтган гапларимизни эътиборга олганда, «тулки касаллигида» ҳам фойдали бўлади. У дорилар қуйидагилардан иборат:

Т а р к и б: оёқ ва бошлари юлинган янги олакулангларни олиб, сояда қуритилади ва гунафша ёғида эзилади ёки гунафша ёғида, ё зайтун ёғида қуюқлашгунча қайнатилади. Бу таркибни исталган жойга суртилса, у жойни қавартириб, кейин мўй ўстиради. Шунингдек, «балозур асали» мўйни тўкилаётган жойларга суртилса ёки етмакни тухум ёғида янчиб, киши истаган жойга бир неча марта суртса, мўйни ўстиради.

Я н а б о ш қ а с и. Эшакнинг куйдирилган туёғи, куйдирилган шоҳларни сирка қўшиб суртилса, кучли [таъсир қилади]. Аммо чумоли ту-

хумини бон дарахти ёғи билан қўшилса, у ҳам мўй ўстирувчи дорилардан бўлади, бироқ кўпчиликнинг фикрича, бу [мўй] ўсишига тўсқинлик қилади.

Уйларда бўладиган калтакесак ҳам тажрибадан ўтган [дорилардан] ҳисобланади, уни ўлдириб қуритилади ва ёғ билан эзиб суртилади. Фиръавн шишасини ҳам янчиб, оқ гулсапсар ёғи билан қўшиб ишлатилади. Улардан кўра енгилроқ дори: қалайдан ясалган *салоя* тахтаси ва дастани олиб, икковининг ўртасига сочга ишлатиладиган маълум ёғ ёки мойни қўйиб то қалайнинг қуввати ёққа ўтганигача тахтага дастани ишқаланади ва шуни чапилади. Уша жойга қайнатилган анжир баргини қўйиб боғланса ҳам бўлади; ана шу дори анча қувватлидир.

Яна: фундуқдан йигирма дона олиб, янчиладиган бўлгунча қовурилади, кейин турп ёғи билан қўшиб ишлатилади. Ёки баргизуб¹ деб аталадиган ўтдан, эшак олати ва эшак талоғининг қовурилганидан ярим *ритлдан*, ладандан йигирма [уқия] вазнида олиб, ладанни шаробда эритгандан кейин ҳаммаси қўшиб ишлатилади.

Филагрый айтган дорилардан бири: ҳўкизнинг тузланган ёғидан тўқсон олти *дирҳам*, ишқор ва тоғ газгаўти елимининг ҳар биридан ўн саккиз *дирҳам*, *муррдан* саккиз *дирҳам*, ладандан ҳам шунча, сунбулсочдан қирқ саккиз *дирҳам*, эшак олатидан қирқ саккиз *дирҳам* ва эшакнинг талоғидан олти *дирҳам* олиб, эшакнинг талоғи ва олати қовурилади ва майдаланади, бу таркибнинг ҳаммасини қора шароб билан қўшилади, кейин бошни қириб туриб уни суртилади ва суртилганча беш кун қўйилади. Кейин ювиб ташлаб, [касалга] икки кун дам берилади, сўнгра яна қайтадан ишлатилади. Агар бош яра бўлса, жараланган жойни ўрдак ёғи билан даволанади.

Қаритун [дориси]: олтига қуённинг қорнини олиб, яхшилаб қури-тиб, лой билан сувалган сопол қозонда куйдирилади. Бунга жумрут баргидан ва мирта баргидан ўзига баробар миқдорда ва сунбулсочдан тўққиз *уқия* қўшилади; [ҳаммасини] иккинчи марта идишда куйдирилади. Сўнгра янчиб уч *ритл* айиқ ёғи ва шу миқдорда турп ёғи билан аралаштирилади. Бу таркибни қозондан кўтариб олиб, керак 422 пайтида хушбўй қилинган ёғ билан қўшиб ишлатилади.

Дафна меваси, мурч ёғи ва канақунжут ёғи — буларнинг ҳаммаси сочнинг ўсишига ёрдам берадиган нарсалардандир. Яна бўйимодарон кулини эски зайтун ёғига аралаштириб ишлатилса, секин ўсадиган соқолни ўстиради. Седана кулини сув билан қўшиб ишлатилса ҳам шундай, у айниқса, қошни ўстиради. Яна қошга ишлатиш учун [дори]; икки дона ёнғоқни фақат янчиладиган бўлганича куйдирилади, кейин унга унчалик қаттиқ куйдирилмаган хурмо данагидан бир *мисқол* ва мурчдан ўн беш дона қўшилади ва бу таркибни гул ёғи билан сур-

тилади. Яна бўйимодарон кули куйдирилган фундуқ, ладан, олақуланг ва етмакларни олиб, бон дарахти ёғи билан ёғлоғида [267] то қорайгунча қайнатилади. Бу таркибга ўзига баробар *ғолия* қўшилади ва керакли жойни ишқалаб туриб, сўнгра буни суртилади. Яна: сунбулсоч, мирта дони ва петрушка уруғини қорайгунича бир оз куйдирилади ва ҳаммасини айиқ ёғи ва турп ёғи билан қўшиб ишлатилади.

Қошни ўстирадиган дори: кундур елимидан тўрт *драхмий*, тимсоҳ тезағи, денгиз кирписининг тезағи ва тоғ газагўтидан бир *драхмийдан* олиб, буриштирувчи шаробда эзилади, айиқ ёғи билан қўшиб ишлатилади.

«Тулки касаллиги» ёки бошқа [касаллик] натижасида илгаритдан ёмон суратда тўкилган қош учун ишлатиладиган бошқа хил дорининг таркиби: дарманадан бир бўлак, денгиз кўпигидан саккиз бўлак, *фарфиюн* ва дафна мевасидан уч бўлақдан, ҳўл зифтдан тўрт бўлак олиб, зифтни гулсапсар ёғида ивитилади ва шу ёғда *фарфиюнни* ҳам эритилади, сўнгра бу ёғга ҳалиги бошқа дориларни аралаштириб [ишлатилади].

Шунга ўхшаш бошқа дори: қамишнинг илдизини куйдириб, ундан етти [бўлак], қурбақа кулидан беш [бўлак], таратизак уруғидан тўрт [бўлак], сирач илдизидан тўрт [бўлак] олиб, дафна ёғи билан эзиб ишлатилади.

Еттинчи фасл. «Тулки касаллиги» ва «илон касаллиги»

Терида ва мўй илдизлари унадиган жойда ўрнашиб олган ёмон модда «тулки касаллиги» пайдо бўлишининг сабаби эканини билдинг. У модда мўйлар илдизини бузиб ейди ва илдизларга яхши ғизо келишига тўсқинлик қилади. Бу ҳолат тулкиларда пайдо бўлганидан, «тулки касаллиги» деб аталган. «Тулки касаллиги» билан «илон касаллиги» ўртасидаги фарқ шуки, «илон касаллигида» фақатгина мўй тўкилмайди, балки илонда юз бергани сингари юпқа пўст ҳам шилиниб тушади, баъзан [пўст] илон шакли сингари дўнгроқ бўлади.

«Тулки» ва «илон» касаллигини келтириб чиқарадиган модда гоҳо сафро, гоҳо савдо, гоҳо балғам, гоҳо бузилган қон моддаси бўлади. Буларнинг ҳар бирига сочни қирганда кўриниб турган, айниқса, бир қадар ишқалангандаги тери рангидан далил олинади. Гоҳо бунга илгари қўлланган тадбирдан ва касалликка эргашиб келиб, кўпайган хилтни билдирадиган белгилардан ҳам далил олинади.

Гоҳо бу касалликнинг тез ё кечикиб соғайишига терини ишқаланганда ва қирилганда қизаришнинг тез ёки секин пайдо бўлиши далил бўлади, чунки қон терига тез ёки секин тортилади. Шу билан бирга, кўп ишқалаш яра қилади ва мўй ўсишига тўсқинлик қилади.

Саккизинчи фасл. Даволаш

Таъсир кўрсатаётган хилтни аввало бўшатиш ҳамда ўзинг биладиган жуда яхши каймусли овқатларни, сув қўшилган, мўътадил ширинликка озгина мойил суюқ ва тиниқ шаробни баданга бериш бу касалликни даволашдаги тўғри тадбирларнинг энг биринчиси эканига шак-шубҳа йўқ; чунки бу шароб жуда физиодир. Беморга ҳар бир ишқалашдан олдин ва кейин ҳаммомга тушиш фойда қилади. Дастлаб баданни таъсир кўрсатаётган хилдан уни чиқарувчи дорилар орқали ёки модда ижоб этса, томирдан қон олиш орқали тозалашга бошланади. Сўнгра бошни тозалаш бобидаги фаслларда айтилган сен билиб ўтган бурунга юбориладиган ва тортиладиган ҳамда томоқ чайиладиган дорилар билан бошни бўшатилади. Сўнгра терига қаралади ва уни ўзига жойлашиб олган моддани тозалаб моддани чиқариб ташланади ва тарқатиб юборилади. Тери ўзида ўрнашиб олувчи ёмон кайфиятни ўзлаштирмаслиги учун бу тадбир тез қўлланилади.

Касал жойдан ёмон моддани бўшатувчи дориларнинг парчаловчи ва қаттиқ қиздириши сабабли қуритиш даражасига олиб бормайдиган тарқатувчи бўлиши зарур эканига шак-шубҳа йўқ; [қаттиқ қиздирса], терига қуруқлик беради, бу қуруқлик ҳозирда «тулки касаллигини» кетказса, ҳам, кейин мўй тўкилишига сабаб бўлади. Агар дори тоғ газгаўти сингари,— бу ўт ана шу ишлатилиши зарур бўлган соҳада асосий ўринни тутди,— кучли ҳароратли бўлса, унга мўътадил ёғларни кўпроқ қўшиб ва маълум сувлар билан суюлтириб, унинг ҳароратини синдирилади. Бу хил дорининг яхшиси янгисидир; уч йил ўтгани эса кучсиз бўлади. Кучлисини ишлатишдаги тўғри йўл, унинг миқдорини камайтириш ва қўшиладиган нарсаларни кўпайтириш ҳамда суртгандан сўнг уни тезда олиб ташлашдир. Кучсизда эса аксинча қилинади.

Дорилар латиф бўлиши керак, бўлмаса терининг чуқурига қуввати ўтмай қолади; бош ёмон моддани қабул қилмасин учун уларда кучайтириш ва тўсқинлик қилиш қуввати ҳам бўлиши керак. Бу қувватга [268] касал жойга [озиқлик] модданинг тушишига, кейин тери тешикларига ўтишига тўсқинлик қиладиган кучли буриштириш қуввати қўшилмаслиги керак. [Дорида] яна теридаги ёмон қонни тарқатгандан кейин бадандан яхши қонни ва унинг ёпишқоқ буғини тортадиган қувват ҳам бўлиши керак; || шунда у бир йўла яқин турган бузуқ қонни тарқатади, узоқдаги яхши қонни тортиб олади, бу [бадан] тозалангандан кейин бўлади.

Бу дориларни ишлатилганда уларнинг таъсирини кузатиб бориш керак. Дастлаб уларни суюлтириб ва [миқдорини] камайтириб кучсизлантирилгани ишлатилади ва бунинг натижасига қаралади: агар

бемор кўтара олса ва дорининг таъсири бежавотир бўлса, унинг қуввати ва миқдори кўпайтирилади, агар кўтара олмаса ва [дорининг] таъсири зўр бўлса, унинг миқдори камайтирилади ёки суюлтирилади. Дорининг, айниқса, мизожда бўш баданларда ёки [беморнинг] ёши ва жинсига қараб яра ва шишга олиб бормаслигига ҳаракат қилинсин. Агар шиш ва яра пайдо қилса, уларга ёғлар билан чора кўрилади, масалан, ғоз ва товуқ ёғи ҳамда юмшоқ мумли суртма суртилади. [Шиш] қайтгач, қайтадан бемор кўтара оладиган миқдорда ҳалиги дори ишлатилади. Агар яна ҳам таъсири зўр бўлса, то бузуқ қон тарқалиб яхши қон тортилгунгача шу тадбир давом эттирила беради. Агар [тери] дори ишлатишдан олдин ишқалагандан кўра юмшоқ ва камроқ ишқалаганда ҳам қизарса, бу дори таъсир этганини кўрсатади; агар у жойнинг ҳолати ўзгармаса, кучли дорига эҳтиёж бор экани биллиниди.

Бу билан [тери] қизармаса, уни [дағал] латта парчалар билан то пўст шилиниш хавфи туғилгунгача қаттиқ ишқаланилади; кейин, масалан, пиёз билан ишқаланади, агар [шунда ҳам] қизармаса, оғритиб тилиш, сўнгра саримсоқ суртишдан бошқа чора йўқ.

Зулук, қортиқлар, кўп ниналар санчиш, биз яна келгусида баён қиладиган ўткир дорилар билан қавартириш, соч чиқиши учун қаварган жойни тозалаб соғайтириш терини ёмон «тулки касаллиги» моддасидан тозалашда эҳтиёж тушадиган тадбирлардандир.

Мўйна қопланган қалпоқни кеча-кундуз доимо кийиб юриш моддани тарқатишга ёрдам берадиган нарсалардандир: бу [моддани] тарқатиб терлатади. Бошни ҳар икки ёки уч кунда устара билан қирдириш керак; қачон соч ўсса, қирила беради. Суртмаларни ишлатишдан бурун ҳам бошни қирдириш, биз айтиб ўтгандек, дағал латталар билан ҳамда пиёз ё турп пўчоғи билан то қиздириб ва тери тешиклари очилиб дори қувватини қабул қиладиган бўлгунгача бошни ишқалаш керак. Баъзан ҳаммомга тушиш ишқалаш ўрнига ўтади. Агар бош қирдирилмаса, дори тери таъсир етсин учун уни суюлтирилади.

Бўшатишларга келганда, сафрони харбақ ва девпечак қуввати ўтказилган ҳалила қайнатмаси, *қуқоё* ҳаб дориси, *иёражи фикро* билан бўшатилинсин. Яна Абу Жаҳл тарвuzининг этидан тайёрланадиган *иёраж* ҳам, айниқса, балғам моддасини бўшатиш учун яхшидир. Агар бу ерда савдо моддаси ҳам бўлса, у [дорига] бир оз қора харбақ қўшилади, агар сафро бор бўлса, унга *сақмуниё* қўшилади. Руфус *иёражи* ва *луғозиё*, айниқса, савдо моддасини бўшатиш учун яхшидир. Кўпинча, бу касаллик фақатгина бўшатиш тадбири билан ҳам тузалади. Шу бўшатиш дориларини сенга юқорида атрофлича билдирдим. Булардан кўра энгилроғини ишлатиш керак бўлиб қолса, беморга таркибида Абу Жаҳл тарвузи эти ва турбут бор бўлган аччиқ *иёражни* ой-

да уч ё тўрт мартаба ичирилади. Агар бир мартаба бўшатиш фойда бермаса, беморга дам бериб-дам бериб бир неча мартаба бўшатиш тадбири қўлланилади.

Агар бош терисининг қизарган ва томирларининг қизариб тўлишгани кўринса, умумий қон олишдан кейин, агар лозим топилса, бош томирларидан, пешона ва икки чакка томирларидан ҳам қон олинади. Лозим топилмаса буларнинг ҳеч қайсисидан қон олинмайди; чунки бу [касалликда] қон зарур нарсадир. Томоқ чайиладиган, бурунга юбориладиган ва буларга ўхшаш дориларни бошни даволаш бобида ўргандинг.

Қасал жойнинг ўзига ишлатиладиган дориларга келганда, уларнинг энг кучлиси уч йил ўтмаган *фарфюндир*; буни биз [даволаш] қонунида баён қилган тадбирга кўра ишлатилади. Ундан кейингиси тоғ газгаўти бўлиб, бу жуда ажойиб етук доридир. Кейин индов, хардал, ҳўл зифт билан қорилган олакуланг кули ёки дафна ёғи билан эзилган тоғ майзидир. Яттуъ сути билан бошни қавартирилади; кейин тагидаги нарса оқсин учун қаварчиқни ёрилади, шунда бош пўсти тушиб кетса, тагидан соч чиқади. Қасал аъзога озгина муддат айиқтовон ҳам қўйилади, бунга кучли «тулки касаллиги»да эҳтиёж тушади. Улардан кейинги дорилар олтингугурт, иккала хил харбақ, таратизак уруғи, бурақ кўпиги, денгиз кўпигининг иккала тури, қамиш пўсти ва унинг куйдирилган илдизи, сичқон тезаги ва қўй тезаги,— булар ҳам куйдирилган ҳолда,— [269] узун мурч, хардал, куйдирилган фундуқ, анжир барги, етмак, зарчова, кончўп ва қитрондир.

Ҳўкиз ўти, пўсти билан куйдирилган аччиқ бодом, янчиб бир неча кун ўткир сиркада сақланган кундур елими ҳам ана шулар қаторига киради. Набат жингаги ҳам шу касалликнинг дориларидандир. Дафна дарахти ёғи ва канақунжут ёғи бу касалликда ишлатилаётган ўсимлик ёғларининг афзалидир. Мумли дориларнинг афзали эса қитрон, сўнгра зифтдир. Айиқ ёғи, айниқса, унинг эскиси, ёғларнинг афзали ҳисобланади. Хардал ва қитрон эса чапланадиган яхши дорилардандир.

Чапланадиган кучли дорининг таркиби: *фарфюн*, тоғ газгаўти ва дафна дарахти ёғининг ҳар биридан икки *мисқол*, ўлдирилмаган олтингугурт ва харбақнинг қайси биридан бўлса ҳам — хоҳ оқи, хоҳ қорасидан — бир *мисқолдан* олиб, кифоя қиларли миқдордаги мум билан қўшиб, мумли суртма ясалади.

Яна: Африка бурақидан икки бўлак, навшадилдан || бир бўлак 424 олиб, иккаласини куйдириб ўткир сиркада эзилади, касал жой ишқалангандан кейин бу таркибни суртилади. Дори шимилиб кетса, уч соатдан кейин қайтадан ишлатилади; шу тадбир уч кун давом эттирилади. Агар [тери] қаварса, билиб ўтилган тадбир қўлланилади.

Яна: олакуланг ва хардални *ғолиядек* бўлгунча ўсимлик ёғида қайнатилади; кейин шуни кучли [кишининг] касал жойига ишлатиб қавартирилади, кучсиз [кишига ишлатилганда бошқа дори] қўшиб кучи синдирилади.

Бундан кўра енгил¹ ва ажойиб фойдали дори: ўткир сиркани ўзига баробар яхши гул ёғи билан қўшиб чайқатилади, кейин касал жойни дағал латта билан ишқаб шу дорини суртилади. Яна тоғ газағутидан бир оз қўшилган *ғолия* суртилади.

Билгинки, болалар шу касалликка учраганда улар учун парҳез қилиш кифоядир. Балоғатга яқинлашган бола *қуқоё* ҳаб дорисидан ярим дирҳам истеъмол қилиши, ўн ёшли боланинг эса икки *донақ* вазнида истеъмол қилиши мумкин.

Тўққизинчи фасл. Мўйни тушириб юборадиган дорилар

Оҳакдан икки бўлак ва зирнихдан икки бўлак олиб, озгина сабр билан қўшиб суртилса, дарҳол мўйни тўкиб юборади. Агар оҳакдан кўпроқ, зирнихдан камроқ олинса, [дори] мўътадилроқ бўлади, агар оҳак кўпайтириб юборилса, анча кечикиб амал қилади, лекин таъсир кўрсатади. Гоҳо оҳакдан икки бўлак ва зирнихдан бир бўлак олиб, сувда то патдаги толаларни туширадиган бўлгунича қайнатилади: агар бу амалини шу сувнинг ўзида яна қайтарилса, яхшироқ бўлади; бу дорини қуёшга қўйиш яна яхшироқдир. Кейин шу сувни олиб, бунда ўзига қараганда анча кам ёғни то сув ёғ қувватини олгунича қайнатилади ва шуни суртилади. Гоҳо бу сувни то туз бўлиб қуюлгунича қўйиб қўйилади, кейин шу тузни сувга қўшиб ишлатилади.

Садаф куллари ҳам зирних билан оҳакнинг ишини қилади ва улардан кўра латифроқ бўлади. Агар оҳак ўрнига ичига оҳак солиб қайта-қайта қуёшга қўйилган ёки қайнатилган сувни олиб, ичига янчилган зирних қўшилса, яхши бўлади.

Гоҳо сув идишлар тагида бўладиган кўк зулук ҳам ишлатилади. Агар ўсадиган [мўйни] ингичкалиги матлуб бўлса, оҳакка ток кули ёки бурақ қўшиб кўпроқ пишитилади; кейин шу дори суртилган жойни арпа ва боқилад уни ҳамда қовун уруғи билан ювиб ташланади. Гоҳо оҳак билан зирнихни кашкоб ва гуруч суви билан қўшилади; гоҳо бу таркибга *мурр* ва мастаки, баъзан эса денгиз кўпиги ҳам қўшилади.

Унинчи фасл. Оҳак² куйдирган кишини даволаш

Оҳакни суртгандан сўнг, уни кўп ағдариб пишитмаслик, балки тезда ювиб ташлаш керак; оҳак ишлатишдан олдин гул ёғи суртилган бўлсин. Суртилган жой иссиқ сув билан ювилгандан кейин, совуқ сувда ўтириш керак, бу яхши даводир. Кейин у жойга пўсти артилган яс-

миқни гул суви ва сандал билан эзиб суртилади, айниқса, у ер ачишаётган бўлса, шундай қилинади. Агар кучли ачишаётган бўлса; қўрғошини упа мархамини, шунингдек, тухум оқи, гул ёғи ва кофур билан ишланган куйдирилган қўрғошин суртмасини ишлатмай чора йўқ.

Ўн биринчи фасл. Оҳак¹ ҳидини кетказадиган тадбирлар

Оҳак ишлатгандан кейин хушбўй парса билан ишланган лой ёки сирка ва гул суви билан қўшилган лой суртилади. Шафтоли баргининг бу тўғрида ажойиб хусусияти бор; ток барги, янчилган райҳон барги, хиша, маҳсар новдаси, гул, омила шираси, қорачайир ва шунга ўхшашларни якка-якка ва қўшиб ишлатилса ҳам [фойдали бўлади].

[270] Ўн иккинчи фасл. Мўй ўсишига тўсқинлик қиладиган дорилар

Совутиб увуштирувчи дорилар мўй ўсишига тўсқинлик қилади. Масалан, олдин мўйни юлиб ташланади, кейин ўша жойга мингдевона, афюн ва сиркани сассиқалаф билан қўшиб суртилади. [Сассиқалафни] сиркада қайнатилса, яхшироқ бўлади. Тўқай қурбақасининг қуритилганини янчиб, испағул шираси ёки мингдевона шираси, ёки сирка билан қайта-қайта суртилса, мўй ўсишига тўсқинлик қиладиган дорилардан бўлади. Айтишларича, ичига калтакесак солиб қайнатилган ёғни суртилса, мўй ўсишига тўсқинлик қилади, кирпи солиб қайнатилган ёғ шундай бўлади. Баъзан бунинг тескариси ҳам айтилган.

Бу бобда айтилган дорилардан бири шуки, *қимулиё* кесаги ва қалай упасидан баробар бўлакларни ва аччиқтошдан ярим бўлакни олиб, ҳўл мингдевона суви билан эзилади. Баъзиларнинг айтишича, тўқай қурбақасининг қони ва дарё тошбақасининг қони мўй ўсишига тўсқинлик қилади. Қўршапалакнинг қони, мияси ва жигари ҳам бунга тўсқинлик қилади, дейилади. Баъзан шулардан дори таркиб қилиб айтилдилар: қамишли тўқай қурбақаларини олиб қуритилади, шундан ва ариқ тошбақасининг қуритилган қонидан, қизил бурақдан, куйдирилган қўрғошин ва куйдирилган марварид садафидан баробар бўлакларни олиб, сув билан қориштирилади ва киндик таги ҳам қўлтиқ мўйини юлиб ташлаб туриб ишлатилади. Қичитқи ўт ва унинг уруғини ёғ билан қўшилса, мўйни тўкиб юборадиган кучли дори бўлади.

Ўн учинчи фасл. Сочни жингалак қиладиган дорилар

Булар сариқ йўнгиқча уни ва унинг ёғи, оқ кунор, *мурр*, мози, оҳак ва куйдирилган қўрғошин кабилардир. Буларни бир-бирига қўшиб ишлатилади ёки баъзилари билан чекланиб турилади; бу хил до-

рини бошга қўйилади. Гоҳо буларга мингдевона уруғи ва ёғи ҳам қўйилади, гоҳо мингдевонанинг танҳо ўзи ҳам ишлатилади. Оҳакни бир оз сув қўшиб озгина куйдирилса, айниқса, унга учдан икки қисса *кунор* қўшиб, совуқ сув билан қориштирилса, у ҳам шу дорилар қаторига киради. Шунингдек, аччиқтуз кўйиғи ҳам сочни жуда жингалак қилади.

Жингалак қилувчи яхши дори: мози, юлғун бужури, игна кукун¹, сарв барғи ёки дони, беҳи уруғи, куйдирилган қўргошин, катиरो, Хузистон лойи ва омиланинг ҳар биридан бир бўлакдан, ўчирилмаган оҳакдан ярим бўлак олиб, бу таркибни лавлаги суви билан қориштириб ишлатилса, сочни қорайтириб жингалак қилади.

425

Ун тўртинчи фасл. Сочни силлиқ қилиш тадбири

Бунинг давоси [қуйида] айтилган мўй ёрилиш давосининг ўзи, қисқаси бўшаштирувчи ёғлар ва ҳўлловчи ширалар ишлатишдир.

Ун бешинчи фасл. Сочнинг ёрилиши

[Мизож] қуруқлиғи ва қуруқ овқат [сочнинг ёрилишига] сабаб бўлади. Юмшатовчи мўхтадил ёғлар, ёпишқоқ ширалар, масалан, гулхайри шираси, испағул шираси, тол баргининг шираси ва рутубатлантириш хусусиятига эга бўлган ҳамма нарсалар сочнинг ёрилишига йўл қўймайди.

Ун олтинчи фасл. Сочни ингичка қилувчи нарса

Соч дориларига бурақ қўшилса, соч ингичка бўлиб ўсади.

Ун еттинчи фасл. Мўйнинг қора ва оқ бўлиши

Бундан бошқа жойда мўйнинг қора ва оқ бўлиш сабабларини гапириб ўтдик. Ҳозир айтадиганимиз шуки, қон ёғлиқ, қуюқ ва ёпишқоқ бўлар экан мўй қора бўлади, агар қон сувсимон бўлиб қолса, мўй оқара бошлайди.

Ун саккизинчи фасл. Мўй оқаришини кечиктирувчи нарсалар

Мўй оқаришини кечиктирувчи тадбирлардан бири унинг дастлабки сабабларига қарши чора кўриш, шунингдек, мўйнинг ўзига етказилмаган нарсаларни [яхшилашдан] иборатдир. Биринчиси, ҳар доим балғам хилтини, айниқса, овқатдан кейин, қусиб ва ҳуқна қилиб бўшатиб туриш, дам олиб-дам олиб яна шу тадбирни қўллаш орқали бўлса, [иккинчиси], маъжунларни ва келгусида биз айтадиган мўйни қорайтирувчи дориларни истеъмол қилиш билан бўлади. Шу билан

рини бошга қўйилади. Гоҳо буларга мингдевона уруғи ва ёғи ҳам қўйилади, гоҳо мингдевонанинг танҳо ўзи ҳам ишлатилади. Оҳакни бир оз сув қўшиб озгина куйдирилса, айниқса, унга учдан икки қисса *кунор* қўшиб, совуқ сув билан қориштирилса, у ҳам шу дорилар қаторига киради. Шунингдек, аччиқтуз кўпиги ҳам сочни жуда жингалак қилади.

Жингалак қилувчи яхши дори: мози, юлғун бужури, игна кукунни¹, сарв барги ёки дони, беҳи уруғи, куйдирилган қўргошин, катиرو, Ҳузистон лойи ва омиланинг ҳар биридан бир бўлакдан, ўчирилмаган оҳакдан ярим бўлак олиб, бу таркибни лавлаги суви билан қориштириб ишлатилса, сочни қорайтириб жингалак қилади.

425

Ун тўртинчи фасл. Сочни силлиқ қилиш тадбири

Бунинг давоси [қуйида] айтилган мўй ёрилиш давосининг ўзи, қисқаси бўшаштирувчи ёғлар ва ҳўлловчи ширалар ишлатишдир.

Ун бешинчи фасл. Сочнинг ёрилиши

[Мизож] қуруқлиги ва қуруқ овқат [сочнинг ёрилишига] сабаб бўлади. Юмшатовчи мўхтадил ёғлар, ёпишқоқ ширалар, масалан, гулхайри шираси, испағул шираси, тол баргининг шираси ва рутубатлантириш хусусиятига эга бўлган ҳамма нарсалар сочнинг ёрилишига йўл қўймайди.

Ун олтинчи фасл. Сочни ингичка қилувчи нарса

Соч дориларига бурақ қўшилса, соч ингичка бўлиб ўсади.

Ун еттинчи фасл. Мўйнинг қора ва оқ бўлиши

Бундан бошқа жойда мўйнинг қора ва оқ бўлиш сабабларини гапириб ўтдик. Ҳозир айтадиганимиз шуки, қон ёглиқ, қуюқ ва ёпишқоқ бўлар экан мўй қора бўлади, агар қон сувсимон бўлиб қолса, мўй оқара бошлайди.

Ун саккизинчи фасл. Мўй оқаришини кечиктирувчи нарсалар

Мўй оқаришини кечиктирувчи тадбирлардан бири унинг дастлабки сабабларига қарши чора кўриш, шунингдек, мўйнинг ўзига етказилмаган нарсаларни [яхшилашдан] иборатдир. Биринчиси, ҳар дам балғам хилтини, айниқса, овқатдан кейин, қусиб ва ҳуқна қилиб бўшатиб туриш, дам олиб-дам олиб яна шу тадбирни қўллаш орқали бўлса, [иккинчиси], маъжунларни ва келгусида биз айтадиган мўйни қорайтирувчи дориларни истеъмол қилиш билан бўлади. Шу билан

бирга, пишиқ ва яхши қон пайдо қиладиган яхши каймусли овқатларни мўътадил равишда истеъмол қилиш, масалан, қовурдоқ, қозон кабоб ва сих кабоблар, қовурилган нарсалар [ейиш керак]. Шўрва ва суюқ ошлар истеъмол қилинмаслиги керак; юқоридагиларни ҳам ҳазм қила олиш даражасида сйиш керак, асл қонда шудир, чунки ҳазм бўзилса, қон ҳам бузилади.

Мизож жуда ҳўл бўлса, хардал, мурч, масаллиқлар, нонхўришлар ва *муррийдан* иборат иссиқ дориворларни, айниқса, наҳорга истеъмол қилиш, хардал билан қўшиб лавлаги истеъмол қилиш, [271] озгина шаробнинг ёлғиз ўзини ичиш билан чекланиб туриш керак. [Мизожни] рутубатлантирувчи ҳўл мевалар, сабзавотлар, сут, балиқ, ҳалим, шовла [ейиш], кўп сув ичиш, томирдан кўп қон олдириш, [оқарган] мўйни юлиш, ҳаддан ташқари маст бўлиш, жинсий алоқани кўп қилишдан сақланиш лозим. Қофур, гул суви, ёсуман ёғи ва ёсуман сувини мўйга суртиб туриш лозим. Ичиладиган оддий ширин сувда кўп ювинмаслик керак, агар [бундай сувда] ювинилса ҳам дарров қуритиб, артиниш керак. Шу билан бирга, мўйни ювиб туриш унинг қувватини сақлайди, ювинганда ҳам Абу Жаҳл тарвузининг эти, седана, бурақ ва ҳўкиз ўтидан ясалган ювувчи дориларни ишлатиш керак.

Балғам моддасини қирқадиган ва мўй оқаришини кечиктирадиган маъжунлар ва дориворларга келганда, масалан, Кобул ҳалиласидан ҳар куни биттадан чайнаб ютиб турилади; бу, кўпинча, умр охиригача мўйни қоралигича сақлайди. Турли ҳалилалардан тайёрланадиган катта ва кичик *атрифуллар*, темир чиркидан тайёрланадиган маъжун ҳам шундайлардандир, бунга тилла қўшилса, яхшироқ бўлади.

Шу хилдаги дорилардан бири мана бу: қора ҳалила ва омиланинг ҳар биридан бир бўлакдан, балозурдан чиқариладиган асалдан ярим бўлак олиб, сариеғ билан аралаштирилади ва асал билан қориб, сўнг истеъмол қилинади. Бу жуда кучли доридир, уни ёмон таъсир кўрсатмайдиган миқдорда [яъни] оз-оздан истеъмол қилиш керак. *Анақардиё*, *митридат* ва тарёқ ҳам кучли дорилардандир. *Афзо* илонларнинг этларини ейишга одат қилинса, мўй қоралигини ва қувватини сақлаш мумкин.

Мўътадил, яхши маъжун таркиби: қора ҳалила, *биринж*, узун мурч, омила,— гоҳо узун мурч ўрнига темир чирки ҳам олинади,— ва шакарни олиб, шулардан *атрифул* ясалади. Бошқа бир яхши дори: занжабил, Кобул ҳалиласи ва узун мурчдан баробар бўлакларни олиб, маъжун қилиб истеъмол қилинади.

Яна бир бизга тегишли дори. Кобул ҳалиласидан йингирма *дирҳам*, темир чиркидан тўрт *дирҳам*, дарахт пўкагидан беш *дирҳам*, занжабил, узун мурч ва қалампирмунчоқнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан* олиб, асал билан қориштириб истеъмол қилинади.

Мўйни қорайтирувчи бу дориларни тўла бир йил истеъмол қилиш керак. Мўй қорайишини яхши кўрган киши шундай маъжунлардан ичганда то кун ярмигача сабр қилиб, кейин овқатлансин.

Ун тўққизинчи фасл. Мўй оқаришига тўсқинлик қилувчи чапиладиган дорилар

Кучайтирувчи иссиқлик ҳамма ёғлар ва табиати бўйича шуларга ўхшаган суюқликлар мўй мизожини туғма ҳароратга мувофиқ сақлайди, натижада мўйга ўтадиган озиқ бузилмайди. Масалан, қитрон суртиб тўрт соат қўйилса, кейин ҳаммомга тушилса, [ана шундай бўлади]. Бош мизожи совуқ бўлган киши ҳам шунда илож топади. Оқувчи суюқ ҳўл зифт ҳам шундай [хусусиятга эгадир]. Қуст ёғи ҳам шундай таъсир кўрсатади, бу жуда кучлидир. Бон дарахти ёғи, седана ёғи ҳамма нарсадан ҳам кучлироқдир.

Абу Жаҳл тарвузининг эти билан тайёрланадиган ёғ ва хардал ёғи [ҳам кучлидир]. Хардал ёғи ва седана ёғидан тайёрланадиган дори яхши кучли доридир; седанани [ёғда] қайнатиб, сўнг ўша ёғда [седана] билан бирга ёки ундан кейин Абу Жаҳл тарвузини қайнатилади.

Ёввойи зайтундан сиқиб олинган ёғни ҳар кун давомли суратда мўйга суртиб турилса, мўй оқаришига тўсқинлик қилади.

426 Я х ш и ё ғ. Думбул зайтун ёғидан уч қист, сумбулдан бир ярим уқия, хушбўй тирноқдан ярим уқия, қорачайир гулидан ярим уқия олиб, || бу дориларни ёғда то учдан бири қолгунча ёки сувда сув дориларнинг қувватини ўзига жуда қаттиқ олгунча қайнатилади, сўнгра ҳалиги зайтун ёғини ўша сувда то сув бутунлай кетгунгача қайнатилади. Тўғрироғи шуки, шу пайтда зайтун ёғининг миқдори камайтирилиб, бир ярим қистда тўхтатилади; сўнгра уч уқия араб акацияси ширасидан олиб, шаробда ивителиди ва яхшилаб янчиб, араб акацияси ширасини зайтун ёғи билан қўшиб истеъмол қилинади.

Я х ш и ё ғ. Чигит ёғи, мирта ёғи ва омила ёғидан баробар бўлакларни, яъни ҳаммасидан олиб, бир ритл қилиб олинади; кейин тўпа-лоқ, Цейлон дорчини, сунбул, седана, қалампирмунчоқ, Абу Жаҳл тарвузининг эти, қуст, хом уд, қорачайир гули [272] ва хушбўй қамишнинг ҳар биридан бир хил вазнда олинади. Уларнинг ҳаммасидан юз дирҳамдан баробар бўлаклар олинади. Агар Абу Жаҳл тарвузининг шираси топилса, шунда, бўлмаса тўрт ритл ёнғоқ ширасида қайнатилади. Сув ярим бўлгач, ёғ қўшилади, кейин то сув кетиб, ёғнинг ўзи қолгунгача қайнатила беради ва уни сузиб, ишлатилади.

Ҳатто, яқинда оқарган мўйни ҳам қорайтирадиган чапиладиган яхши дори: араб акацияси шираси, мози, сариқ йўнғичқа, мингдевона уруғи, қуруқ кашнич, сунбул, ладан, ёнғоқ пўстининг қуритилган ши-

раси, лоланинг қуритилган шираси, темир занги, куйдирилган мис, *биринж* ва қора аччиқтошларни олиб, юпқа-юпқа кулчалар ясаб қуритилади ва уларни бир ойда уч мартаба омила суви ёки мирта суви билан қўшиб, суюқ суртма ҳолатида ишлатилади.

[Бошга] ғилоф қилиб ўраб қўйиладиган яхши дори. Қора ҳалила, омила ва мозиларнинг ҳар биридан ўн [дирҳам]дан, ладандан йигирма [дирҳам], мирта барги ва донидан ўттиз [дирҳамдан] олиб, уч *ритл* ёққа солиб, уч кун қўйиб қўйилади. Сўнгра уни то қуюлгунигача қайнатилади ва уни [бошга] ғилоф қилиб [ўраб қўйилади].

Балхнинг қизил зокидан бир *дирҳам* вазнида ичиш биздан олдин ўтган кишилар тажриба қилиб кўрган ва бизнинг замонамизда ҳам синаб кўрилган тадбирлардандир; бу оқарган мўйни тўкиб юборадди ва унинг ўрнига қора мўй ўстиради. Лекин бунга бадани кучли ва рутубатли бўлган кишигина чидай олади; уни ичгандан сўнг, ўпкани тозалайдиган ва рутубатлантирадиган нарса ичиш керак.

Йигирманчи Ҷасл. Мўйга ишлатиладиган бўёқларнинг баёни

Ғоҳ китобларда ёғларнинг баёни учраганда уларни бўёқлар деб гумон қилинади. Тажриба шуни кўрсатадики, хос дориларнинг қуввати устига ёғли нарсалар чиқса, улар билан мўйлар ўртасига парда пайдо бўлиб, дориларнинг қуввати мўйга ўтмай қолади ва ҳеч таъсир кўрсатмайди; лекин у дориларда кучли қувват ёки зўр хусусият бўлса, [таъсир кўрсатиши мумкин]. Кучли қувват темир занги, қўрғоши занги, ёнғоқ пўчоғининг сув қисми каби бўяш хусусияти кучли нарсалардагина бўлади. Булар ва буларга ўхшаш нарсаларнинг қувватлари ёғларга қайта-қайта ўтказилса, шунингдек, сирка ва узум шароби каби ўтказувчи дориларнинг қуввати воситачилик қилса, бирор нарса [юз бериши] мумкин.

Ёнғоқ илдизларидан бирини эрта баҳорда кесиб олиб, ёғ солинган шишага солиб қўйилса, сўнгра иккаласини бир ерга кўмилса, ёнғоқ илдизи шишадаги ёғни сўриб олади, кейин кузда қайтариб ўзидан чиқариб ташлайди; шунда сўриб олинган ёғнинг кўп қисми шишага қайтиб чиқади ва у бўёқ бўлади. Шу гапнинг тўғри эканига гувоҳлик бераётган кишиларни мен кўрганман ва эшитганман. Бу хилда фойда етказадиган ва таъсир кўрсатадиган нарсаларнинг кўпчилиги қайта-қайта қўллаш натижасида таъсир кўрсатади.

Мўйни бўяйдиган бўёқ уч хил: қорайтирувчи, қизгиш қилувчи ва оқартирувчи. Биз қорайтирувчи яхши дорилардан бир қанчаларини баён этишга бошлаймиз.

Йигирма биринчи фасл. Мўйни қорайтирадиган дорилар

Хина ва ўсмага келсак, булар [дориларнинг] асоси экаплиги тўғри-сида ҳамма одамлар бир фикрдадир. Улар мўйларнинг турлича қобилиятига қараб турлича таъсир кўрсатади. Одамлар хина ишлатиб, кейин уни ювиб ташлаб, ўсма ишлатадилар. Ҳар иккаласини ҳам [қўйгандан кейин] анчагина вақт ушлаб турадилар, қанча кўпроқ ушланса, шунча яхши бўлади.

Баъзилар ҳар иккаласини бирга ишлатадилар. Баъзи кишилар эса фақат хинани ишлатиб, унинг сарғиш қилиб қизартиришига рози бўлиб тура берадилар. Баъзилар эса фақат ўсмани ишлатиб, унинг товусранг қилишига қаноат қиладилар. Яхши ҳинд ўсмаси мўйни тез бўяйди, лекин жуда товусранг ва қизғиш қилади, кермон ўсмаси эса камроқ ва кечикиброқ бўяйди, аммо у мўйни [табиий] қоралигига мойил қилиб бўяйди ва унда товусранглилик кўп бўлмайди. Ўсма рангининг мўйи рангига қайтишини хоҳлаб, мўйнинг қизғиш бўлмаслигини ва ялтираб турмаслигини истаган киши, гарчи хинадан олдин ўсма ишлатган бўлса ҳам, ўсма устидан яна бир мартаба хина ишлатсин, у товусранглиликни кетказади ва мўй рангини [аслига] қайтаради. Бироқ аввалги бўёқдан кейин ишлатилган хинани узоқ тутиб туриш керак эмас, балки тезда ювиб ташлаган яхши.

Баъзи кишилар иккаласини татим суви ва апор суви ёки қатиқ суви билан қўшадилар, ёки иккаласини қурт¹ ва ёнгоқ пўстининг суви билан таркиб қиладилар; буларнинг ҳаммаси [мўйни қорайтиришга] ёрдам беради. Баъзи кишилар [ўсма билан хинага] куйдирилган қўрғошин ва оҳак солиб, уларни то ичига солинган юнг қораядиган бўлгунча қайнатадилар ёки офтобга қўйиб қўядилар. Бу ҳам яхши бўлади. Агар бўёққа бир *дирҳам* қалампирмунчоқ қўшилса, у жуда қорайтиради ва бўёқнинг мияга зарар етказишига йўл қўймайди.

427 [273] Кўпчилик истеъмол қиладиган, лекин аввалгидан кўра камроқ ишлатиладиган бўёқ || қуйидагичадир; мозини олиб, унга зайтун ёғи суртиб куйдирилади. Уни сирти лой билан [сувалган] қозонда куйдириш яхшироқ, уни қорайиб янчиладиган даражага боргунча куйдирилади холос, бироқ бундан ортиқ куйдириб юборилмасин. Шу [куйдирилган мозидан] йигирма *дирҳам*, куйдирилган мисдан ўн *дирҳам*, аччиқтошдан икки *дирҳам*, андарон тузидан бир *дирҳам* олиб, шу таркибдан бўёқ ясалса, мўйни кетмайдиган қилиб қорайтиради.

Гоҳо қуйидаги таркибдаги бўёқ ишлатилади: мозидан бир *ритл* олиб, унга зайтун ёғи суртилади ва ёрилгунгача қовурилади. Куйдирилган мис, аччиқтош ва қатиронинг ҳар биридан ўн беш [*дирҳам*] ва туздан етти *дирҳам* олиб, ҳаммасини яхшилаб янчилади ва иссиқ

сув билан қориштириб мўйни бўялади, [сўнгра] уч соат қўйиб қўйилади. Баъзан бу таркибга хина ва ўсма ҳам аралаштирадилар.

Бундан кейинги машҳур бўёқ шуки, оҳак, куйдирилган қўрғошин, ейиладиган кесак ёки Хузистон кесаги, ёки қимулиё лойи, ёки бошга ишлатиладиган лой турларининг қайси биридан бўлса ҳам, баробар бўлаклар олинадиди ва уларни [одатда] бўёқ дорини қориштирадиган йўсинда сув билан қориштирилади, буни ишлатганда унинг устидан лавлаги барги қўйилади. Бу таркибдаги муҳим иш куйдирилган қўрғошиннинг яхшилаб янчилишидир. Агар бу таркибнинг суви хина ва ўсмани сувга солиб, қайта-қайта қайнатиш ёки қуёшга қўйиш орқали тайёрланган сув бўлса, яхшироқ бўлади. Лекин у олти соатга яқин туриши ва унинг рутубати сақланиши керак.

Яна; хина, ўсма, куйдириб сурмадай қилиб янчилган қўрғошин, оҳак, қовурилган мози, куйдирилган мис, аччиқтош, [тоза] лой, катиرو ва қалампирмунчоқлардан бир хил миқдорда олиб, шу таркиб билан мўйни бўялади.

Китобларда баён қилинган мўйни қорайтирувчи бўёқлардан яна айримларини — кўнгил кўтарадиган ва ишончлисини шу ерда айтиб ўтаман.

Я х ш и б ў ё қ н и н г т а р к и б и. Хинадан бир бўлак, ўсмандан икки бўлак, куйдирилган мис, аччиқтош, *андарон* тузи, қовурилган мози ва темир чиркидан баробар бўлакларни олиб, сирка билан янчилади ва аччигунча қўйиб, [сўнгра] ишлатилади.

[Китобларда] баён қилинган дорилардан бири мана бу: темир чиркинни олиб, уни узум сиркасига [солинади, шунда] сирка темир чиркидан тўрт энлик кўтарилиб туриши керак; уни шу сирка ичида қаттиқ янчилгандан кейин ярми қолгунгача қайнатиб, сўнгра ҳаммаси зангга айланиб кетгунгача икки ҳафта қўйиб қўйилади. Кейин темир чирки миқдорида қора ҳалиладан олиб янчилади ва ўша сиркага солинадиди ва сирка қуриб таркиб *халуқга* ўхшаб қолгунгача қайнатилади. Кейин у таркибни ёққа чўмдирилиб, то *ғолияга* ўхшаб қолгунгача қайнатилади; агар истасанг, буни хушбўй қилишга ҳам ишлатсанг бўлади. Бу таркиб ёғли бўлиб туриб ҳам мўйни бўяйдиган бўлса, у фақат темир зангининг қуввати туфайлигинадир.

Яна кумушнинг сиркада қаттиқ қайнатилган чирки мўйни қорайтирувчи кучли дорилар жумласидан саналади¹. Аммо, менимча, сирка ўрнига норанж ёки лимон суви ишлатиш, қайнатиш ўрнига маълум муддат уларнинг иккаласидан бирига [кумуш] чиркинни солиб қўйиш маъқулроқдир. Яна айтишларича, бир идишга бир қатор лола ва бир қатор аччиқтош ҳамда гальбан елими *ва омила шираси² солинадиди; доланинг бир *ритлига* бу иккаласидан икки *уқиядан* солинадиди; кейин

бу таркибни гўнгга кўмиб қўйилса, у эриб бўёққа [айланади]. Айтишларича, яна арпа ўсимлигини бошоқ олишдан олдин ўзининг ярмига баробар аччиқтош билан бирга шишага солиб гўнгга кўмиб қўйилса, ҳаммаси қора сув бўлиб, чапланганда мўйни қорайтирувчи таркибга айланиб қолади. Шунингдек, айтишларича, ҳўл қовоқни палагида эканида юмалоқ қилиб кесиб олиб ичидаги нарсаси чиқариб ташланса, кейин ичига туз ва бир оз темир чирки солиб, кесиб олинган пўчоғини қайтадан ўрнига қўйиб лойлаб қўйилса ичида бор нарсанинг ҳаммаси бўяйдиган қора сув ёки сиёҳга айланиб қолади.

Айтишларича, ковул баргини эзиб сут билан, айниқса, хотин сүти билан учдан бирига келгунча қайнатилса ва бутун кеча қўйиб қўйилса, яхши бўёқ бўлади. Менинг фикримча, бу таркиб мўйни сақловчи дорилар жумласидан деб ҳисобланиши дурустроқдир. Ҳолбуки, Жолинус бунинг бўёқлигини уқтиради.

[Жолинуслик] айтишича, ёнғоқ дарахтада узумнинг боши сингарни бўлиб турадиган гулларни¹ олиб, зайтун ёғи билан эзилади ва бунга бир оз янги мум қўшиб [мўйга] суртилади; баъзиларнинг айтишича, бунга эчки тезаги аралаштирилса, яхши бўлади. Яна айтишларича, Бобил толи илдизининг пўстини зайтун ёғи билан эзиб у билан мўй ёгланса, у мўйни қорайтиради; фикримча, агар бу ҳам мўйни бўяйдиган бўлса, унинг таъсирини зайтун ёғи кучсизлантиради; [274] агар зайтун ёғи ўрнига сув ишлатилса, яхшироқ бўлади. Бавлуснинг қўйида келтириладиган фикри тўғрисида ҳам менинг сўзим ана шундайдир, у бундай дейди: «Лола баргини зайтун ёғида *Ғолия* каби бўлганча эзилса, у бўёққа айланади». Агар бунда бирор маъно бўлса, шу таркибда аччиқтошга ўхшаб чуқур сингдирувчи бирор нарса бўлиши керак.

Шунингдек, ўсимлик ёғини ёнғоқ пўсти билан ишлаш ва уни ёнғоқ пўсти сувида қайнатиш ҳамда бунга озгина аччиқтош қўшиш ҳақидаги сўз ҳам шундайдир; буларнинг ҳаммасини мен кучсиз [дорилардан] деб ҳисоблайман. Ўсимлик ёғини лола сувида то сув йўқ бўлиб кетгунигача қайнатиш ҳақидаги [фикрим] ҳам шундай. [Табибларнинг] кунжут ёғини олиб, унга ўзининг учдан бирича омила солиш ва аста-секин бирор соат қайнатиб тинитиш, бу таркибнинг ҳар бир *ритли* учун чорак *ритл* қўрғошиннинг юпқа парчаларини қўшиб, сўнгра қўрғошин эриб кетмаслиги ва ёғ ёнмаслиги учун секин-аста қайнатиш ва доимо кавлаб туриш, кейин уч кун ўз ҳолига қўйиб, сўнгра ишлатиш керак, || деган сўзлари ҳам [юқоридаги гапларга ўхшайди]. Мен айтаманки, ана шу таркибдан [бирон натижа] кутиш мумкин, айниқса, унга аччиқтош қўшилса, [бўяш мумкин].

Яна айтишларича, бон дарахти ёғини норжил ичига солиб, сўнгра устини яхшилаб лойлаб, эҳтиёт билан тандирга қўйилса, бу ёғ бўёққа

айланади; бироқ бунинг мўй оқаришига тўсқинлик қиладиган дорилардан саналгани афзалроқ.

Айтишларича, майизнинг уруғини тозалаб сурмадек қилиб, яхшилаб янчгандан кейин кунжут ёғига чўмдириб, бир ой гўннга кўмиб қўйилса, у бўёққа айланади ва ранги кетган мўй учун яхши [дори] бўлади. Лайлак тухумининг кучли бўёвчи нарсалардан бири экани тўғрисида ҳамма табиблар [бир фикрга] келганлар, тувдоғ тухуми ҳам шундай.

Бизнинг замонамизда, Тангри руҳингни пок қилгур подшоҳ Шамсудавланинг¹ ҳаёт экан пайтида, тасодифан қуйидаги ҳодиса юз берди: унинг қоплонларидан бири ёнида ухлаб ётган қоплонбоқарнинг соқолдан бир қисмини ўз ахлати билан булғаб қўйган, шунда унинг соқоли қорайиб қолган.

Йигирма иккинчи фасл. Табиблар мақтайдиган ғолия

Айтишларича, эллик *дирҳам* омила, бир ярим *ритл* ҳўл миртадан сиқиб олинган сув ва тўрт *ритл* [оддий] сувни олиб, бу таркиб ярмига келгунча қайнатилади, сўнгра оловдан пастга туширилади. Кейин эллик *дирҳам* гулхайри, эллик *дирҳам* хина, эллик *дирҳам* ўсма, йигирма *дирҳам* қовурилган мози, ўн *дирҳам* зок ва эллик *дирҳам* елимни олиб, ҳалиги таркибга қўшилади ва қайнатиб қуюлтирилади. Сўнгра [бу таркибни] омила шираси ва мушк билан хушбўй қилинади. Буни бўямоқчи бўлинган мўйга чаплаб, мўйнинг устини гилоф қилиб ёпилади.

Яна айтадиларки, чигит ёғидан ўттиз *дирҳам* олиб, бунга темир қипиғи, қўрғошин қипиғи ва куйдирилган миснинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан* қўшиб, ҳаммасини ўша ёғ билан биргаликда эзилади ва то қорайгунича ўз ҳолига қўйилади, сўнгра қайнатиб қиём қилинади ва мушк билан хушбўй қилинади.

Билгинки, куйдирилган арпа, боқила пўсти ва анор пўсти хина сингари мўйни бўяшда фойдаланиладиган таркибларга киритиладиган нарсалардандир; ёнғоқ пўсти ҳам шундай. Бўёқ дориларини Содда дорилар [китобида] айтиб ўтдик. Уларнинг асосийлари чакамуғ, *мурр*, ҳузаз, хардал, туз, харбақ, Рум исмалоғи, омила, сунбулсоч, лола, хина, ўсма, куйдирилган мис, темир чирки, ҳўл боқила пўчоғининг суви, ёнғоқ пўсти ва унинг суви, араб акацияси шираси, сариқ йўнғичқа, лавлаги уруғи, мирта дарахти ва унинг дони, ладан, куйдирилган қўрғошин, оҳак, ҳамма хил [металл] чирклари ва тўполларидир.

Йигирма учинчи фасл. Мўйни қизгиш қилувчи ва шунга ўхшаш дорилар

Айтишларича, пўсти ажратиб олинган набат ҳўл қамишининг бир томонига олов қўйилганда бошқа томонидан оққан сув мўйни худди тилладек қилиб бўяйди. Темир занги зок билан қўшилса ҳам худди шундай бўлади; хина ишлатганда [ювиб ташламай], сабр қилган каби буни ишлатганда ҳам сабр қилиб турилади. Ёки хина, шароб дурди ва санавбар елимидан баробар бўлакларни ҳамда қорачайирдан озгина олиб, шу таркиб билан мўй бўялади. Ёки хинани олиб, етмак қайнатмаси билан қориштиргандап кейин, бу билан мўйни бўяйдилар.

Айтишларича, аччиқтош, *исфарак*¹ ва заъфарон билан ёки *мурр* ва шўра²-туз билан мўйни бўяб, бир кеча-кундуз қўйиб қўйилади, баъзан бу тадбирни бир неча кун қайта-қайта қўлланади. Мўйга сиркага қорилган Миср боқиласи қайта-қайта суртилса, у ҳам қизартиради. Шунингдек, янчилган Миср боқиласидан ўн *дирҳам*, *муррдан* беш *дирҳам*, кўнчилар ишлатадиган туз, яъни шўрадан уч *дирҳам*, шаробнинг қуришиб куйдирилган қуйқасидан уч *дирҳам*, ток новдаларнинг кулидан етарли миқдорда олинади.

Мўйни қизартирувчи кучли дори. Татимдан икки *уқия*, мозидан уч [275] *уқия*, сариқ тирноқ гулдан икки *уқия*, сунбулсочдан икки боғлам, эрмандан бир боғлам, пўсти ажратилган қуруқ Миср боқиласидан икки кафт олиб, бу таркибни ўн *ритл* сувда бир неча кун ивитиб қўйилади, кейин буни илитиб бошга қўйиб боғланади. Айтишларича, тўпалоқ ва етмакнинг қаттиқ қайнатилган суви мўйни кучли равишда қизартиради. Яна айтишларича, шароб дурдини олиб, куйдириб ёки куйдирмай бон дарахти ёғига ёки қорачайир ёғига аралаштирилади.

Йигирма тўртинчи фасл. Мўйни оқартирувчи нарсалар

Қалдирғоч тезаги, Дамашқ атиргули, мош, оқ сигирқуйруқ, турп пўчоғи, ҳўкиз ўти, олтингугурт буғи, ковул гули, зайтун гули [кабиларнинг] ҳар бири якка-якка ёки биргаликда, айниқса, сирка билан қўшиб, хусусан, мўйни олтингугурт билан буғлагандан кейин [ишлатилади].

Қора андиз уруғи, турпнинг қуриган пўчоғи ва аччиқтошни биргаликда шу таркибнинг ярим миқдоридаги араб елими билан қўшиб янчилади.

Яна Дамашқ атиргулининг барги, кўкнор пўсти ва меҳригиёҳ меvasини олиб,— агар бу иккаласининг ўрнига мингдевона ишлатилса, дори кучли бўлади,— аралаштириб бўёқ қилинади. Агар бу таркибга кофур ва гул суви қўшилса, жуда яхши бўлади. Гоҳо мўйни ҳўллаб,

кейин олтингугуртга ўраб ташланади, сўнг олтингугурт билан буғланади, бу тадбирни бир кечада икки мартаба қўлланади.

Йигирма бешинчи фасл. Бўяшдан кейин юз берадиган ҳолатга қарши чора

Бўёқ турларининг кўпчилиги мияни совутиб бузади ва уни назла, *сакта* ва шунга ўхшаш касалликларни қабул қиладиган қилиб қўяди. Шунда бунга бўёқ билан биргаликда даволанади, ёки бўёқ кейинидан мушк, қалампирмунчоқ ва шуларга ўхшаш хушбўй иссиқлик нарсалар ишлатилади. Гоҳо бўёқдан соч тортилиб қолади ва унинг жингалаклиги йўқолади ҳамда *хунук кўринишга эга бўлиб қолади¹. Бунга қарши бўёққа [мўйии] ингичкалаштирувчи ва жингалак қиладиган нарса қўшиб ишлатилади, айниқса, дағал сочларда шундай қилинади. Гоҳо бўёқдан соч чигаллашади, соқол сийраклашади ва мўй синадиган бўлиб қолади. Бунга қарши бўягандан кейин гунафша ёғи || ва шаббўй ёғи ишлатиб чора кўрилади.

429

Гоҳо бўёқдан кишининг башараси қорайиб қолади; одамлар бунга боқила уни ё нўхат кабиларнинг уни билан ювадилар; бироқ уни иссиқ ёғдан кўра яхшироқ ювадиган нарса йўқ. Гоҳо бўёқдан кейин [ҳам] мўйнинг ранги ўчади. Бунга қарши қўлланиладиган тадбирнинг энг яхшиси шуки, ўша бўёқдан айниқса, чуқур сингивчи қувватли бўёқдан бир *жавза* миқдорда олиб қурилади. Қачонки, мўйда ранг ўчиш пайдо бўлса ёки бу ҳолат яқинлашса, мисвокка ўхшаган бир чўпни олиб, уни ҳўллаб учига ўша қуюлтирилган бўёқ таркибидан илаштириб, ранги ўчган мўйларга суртилади. Баъзи кишилар бон ёғи каби хушбўй ёғнинг ёки ладан ёки мум куясини олиб, ранги ўчган жойга суртадилар, шунда ранги ўчганлик йўқ бўлиб кетади.

Йигирма олтинчи фасл. Бош қазғоғи

Қазғоқланиш ҳақидаги сўзнинг соч тўғрисидаги сўзга бир қадар муносабати [борлиги] сабабли бу ҳақда гапиришимиз керак.

Қазғоқ бошда пайдо бўладиган кепак бўлиб, енгил пўст ташлашнинг бир туридир. Бу бошнинг энг устки терисига хос таъсир кўрсатувчи мизож бузилиши сабабли пайдо бўлади. Бунинг энг ёмони ярага айлангани ва соч ўсадиган жойни бузиб юборадиганидир. Ана шундай хили бурақли ўткир модддан ёки савдо аралаш қондан пайдо бўлади; баъзан бош мизожининг бузилишидан ҳам пайдо бўлади ва бошга етиб борган моддани буза беради. Баъзан фақатгина *қуруқ мизож бўлиши ва баданда бундан бошқа мизож бўлмаслиги² ҳам шуни келтириб чиқаради. Баъзан эса [баданнинг] ҳамкорлиги туфайли вужудга келади.

Иигирма еттинчи фасл. Даволаш

Қазғоқнинг енгил хилига енгил тадбир кифоя қилади; бошга гул ва бинафша ёғлари ҳамда ширалар суртилса, у йўқолади [қазғоқнинг] баъзиси олдингидан кўра кучлироқ бўлиб, тозалаш ва кучли тарқатиш хусусиятига эга бўлган дорига эҳтиёж туғдиради; у [дорини ишлатгандан] сўнг мизожни ҳўллаб, мўътадил қилувчи нарса ишлатилади. Қазғоқланишнинг баъзиси жуда ёмон бўлиб, бошни яра қилиб юборади. Бунинг сабаби баданни тўлдириб, бошгача кўтарилаётган [ёмон хил] бўлса, шунда зарур бўлиб қолса, томирдан қон олиб ва сурги қилдириб баданни тозалаш керак. [276] Сўнгра даволанади; ҳар вақт [бошни] тозаловчи дори билан даволанганда уларнинг сўнгидан маълум ёғлар ишлатилади.

Иигирма саккизинчи фасл. Қазғоққа қарши кўпда ачиштирмайдиган майин дорилар

Қазғоқланиш яқинда [бошланган] бўлиб, у ҳали кучсиз бўлса, уни қуйидагилар билан ювиб ташлаш кифоя қилади: лавлаги суви, сариқ йўнғичқа суви, қовун уруғи, нўхат, Миср боқиласи ва боқиланинг унлари, зайтун ёғида қайнатилган гулхайри уруғи, беҳи уруғи шираси, гулхайри ва катиро ёки Хузистон лойи, *қимулиё* лойи — буларни, айниқса, лавлаги шираси билан; буларни [бошда] бир муддат қўйиб қўйгандан кейин [ювиб ташланади], толнинг ҳўл баргини [бошга] сиқиш ҳам жуда фойдалидир. Яна *тамр ҳиндий*, петрушка ва унинг шираси, *озоддарахт* қайнатмаси, наша барги, кунжут барги ҳам [ишлатилади] — бу иккала барг ўзининг латифлиги билан кучли қазғоқланишни ҳам кеткизади, уларнинг шираси ҳам шундайдир. Пўсти артиб сиркага қўшилган бодом ва сиркага қўшилган сариқ йўнғичқанинг уни ҳам шундайдир.

Ёки нўхат унини олиб кунжутнинг янчилган барги билан қўшилади ва лавлаги сувида бир оз узум сиркаси қўшиб эзиб ишлатилади.

Ёки янчилган нўхат ва гулхайрини сирка билан қориштириб суртилади. Ёки бошни тутнинг тўзондек қилиб янчилган ва гулхайри сингари ишлатиладиган майда барглари билан ювилади. Ёки гулхайрини зайтун ёғида ишланади, ёки кундур елимини зайтун билан аралаштирилган шаробда эритиб [ишлатилади]; бу тадбирни икки ҳафтагача қайтарилади.

Бошни ҳўл тол баргининг суви билан ювиш латиф ва енгил тадбирлардан бўлиб, яхши, етук, синалган ва бежавотирдир. Юқоридагиларнинг ҳар бири билан ҳам бош ювилгандан кейин, кечаси гул ёғи ёки бинафша ёғини бошга суртиш керак.

Йигирма тўққизинчи фасл. Кучли қазғоқ дорилари

Бош ювиладиган дориларга бурақ ёки олтингугурт, ё ҳўкиз ўти, ё Абу Жаҳл тарвuzининг эти, ё шароб дурдаси, ё хардал ва тоғ майи-зи, ёки куйдирилган шиша, ё харбақ, ёки тоғ газағўтининг елими ва шуларга ўхшашлар қўшилади.

Яна қимулиё лойини мол ўти билан қўшиб ҳам ишлатилади; буни икки соат бошга қўйиб қўйилади. Ёки бон дарахти дони ва боқила ун-дан баробар миқдорда олиб, сувда қайнатилади ва шу [қайнатма би-лан] бош ювилади.

Яна шароб дурдидан бир *ритл*, совундан бир *уқия*, бурақдан тўрт *драхмий* олиб, ҳаммасини бир-бирига қўшилади ва бошга чап-ланади, кейин бошни нўхат уни ва лавлаги суви билан ювилади, сўнг мирта ёғи ишлатилади. Гоҳо бошга мол тезағи суртилса, жуда фой-далли бўлади; буни суртишда бир кеча суртилади иккинчи кечаси дам берилади. Қазғоқлаган бошни туя, айниқса, араб саҳройи туясининг сийдиги билан ювиш жуда фойдалидир.

Жуда ёмон қазғоқланишга қарши туйилган шиша кучли доридир; яшил зок ва тоғ майизи ивтилган [сув] ҳам шундайдир. Ёки бурақ кўпиги ва яшил зокдан баробар миқдорда олиб, сочни олдиргандан кейин суртилади, баъзан уларни зайтун ёғига қўшилади, ёки тоғ майизини зайтун ёғида эзиб, бу билан бош ёғланади.

Яна олтингугурт, яшил зок ва бурақдан баробар олиб, мастаки ёғида эритилган ладан билан қўшилади ва бошга қўйиб қўйилади; баъзан бу таркибга харбақ қўшилади.

Уттизинчи фасл. Кейинги табиблардан бирининг айтишича, тажриба қилиниб, фойдали топилган дорининг таркиби

Хўл зуфодан ярим бўлак, ўрдак ёғидан бир бўлак, шаббўй ёғидан бир бўлак, тоғ газағўтининг елимидан чорак бўлак ва ладандан икки бўлак олинади; кейин бошни совунлаб, иссиқ сув билан ювиб, қуруқ латта билан то қизаргунича ишқаланади ва ҳалиги дорини бир кеча-кундуз бошга суртиб қўйиб, сўнгра ювиб ташланади.



ИККИНЧИ МАҚОЛА

РАНГ ЖИҲАТИДАН ТЕРИДА БУЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР

***Биринчи фасл. Тери рангини ўзгартирадиган сабаблар¹**

Ранг Қуёш || ёки совуқ, ё шамол, ёки [баданнинг] қуриши ва кам
*430 ювиниш, ёки шўр нарсаларни ейиш ёки қоннинг савдо хилтига айлани-
ши сабабли ҳам қораяди, шунингдек, [ранг] сарғаяди.

Иккинчи фасл. Рангни сарғайтирувчи сабаблар

Турли касалликлар, ғамгинлик, овқатсизлик, жинсий алоқани кўп қилиш, турли оғриқлар, ҳавонинг қаттиқ иссиқлиги ва кўлмак сувларни ичиш [рангни сарғайтиради].

Ейиладиган нарсалардан жувона, уни кўп ҳидлаш, [277] баъзи сўзларга қараганда, ҳатто унга қараш ҳам шундай [таъсир кўрсатади]; сиркани доимо истеъмол қилиш юзни сарғайтиради, зира ичиш, уни сирка билан қўшиб чаплаш ва кўп зира бор уйда узоқ вақт туриш ҳам шундай. Сиркани кўй ишлатиш ва кесак ейиш [рангни сарғайтиради], у томирларнинг оғзида тикилма пайдо қилади, натижада қизил қон терига ўтмайди, балки сафронинг бир оз буғи ўтади.

Учинчи фасл. Рангни равшан ва қизил қилиб ҳамда энгилгина тозалаб, чиройли қилувчи нарсалар

Билгинки, ҳар қачон қон ва руҳ тери томонга ҳаракат қилганда, бу нарса терини равшан, тоза ва қизил қилади. Бунга энгил тозалаш хусусияти бўлган нарсалар ёрдам беради; улар терини юқалаштириб, тери юзасида ўлиб қолган нарсаларни латиф равишда шилиб олади; айниқса, уларда бўяш хусусияти бўлса, шундай қилади. Шуларнинг ҳаммаси билан бирга иссиқдан, совуқдан ва шамоллардан сақланиш керак.

Қонни тери томонга ҳаракат қилдирувчи нарсалар тўрт йўл билан ҳаракат қилдиради. [Шу йўллардан] бири қон, айниқса, суюқ қон туғди-

ришдир, чунки яхши қон тугилиб кўпайса ва баданга тарқалса, ҳамма жойга стиб боради¹. Яна бири қонни тозалаш, бошқа бири қонни сиртга қараб қўзғатиб ва унинг йўлларини очиб баданга тарқатиш ва ёйиш, яна бири қонни мажбурий равишда ичкаридан сиртга қараб тортишдир.

Биринчи йўл билан рангни чиройли қилувчи нарсалар; улар, масалан, нўхат ва илитилган тухум, гўшт сели ва хушбўй шароб истеъмол қилиш ҳамда анжир ейишдан иборат; [анжир] терига қараб ҳайдаладиган суюқ қон пайдо қилади ва шу сабабли семиртиради. Касалдан янги турган кишининг ранги хунуклашиб кетиб, уни аввалги рангига қайтармоқчи бўлинса, унга анжир ва думбул хурмо фойда қилади: бу иккаласи ҳам латиф қон билан туғма ҳароратни кўпайтиради. Бир неча кун кетма-кет наҳорга шароб ва сут ичиш бу ҳақда синалган тадбирлардандир.

[Қонни] тозалаш йўли билан [рангни чиройли] қиладиган нарсалар, масалан, давомли суратда ишлатиладиган кичик *атрифул* ва ҳалила [мураббосидир]. Қобул ҳалиласи *атрифулдан* кўра кучлироқ.

Қонни баданга ёйиб тарқатиб [рангни чиройли] қилувчи нарсалар, масалан, ангуза, мурч, тўпалоқ ва қалампирмунчоқни овқатга қўшилса, [рангни чиройли қилади]; заъфарон ҳам шундай, бироқ заъфарон, айниқса уни шиннига солиб ичилса, қонни ҳам бўяйди. Унинг бир ичми бир *дирҳамгача* бўлади. Зуфо ҳам шулар жумласидандир; зуфодан икки *дирҳам* ва заъфарондан ярим *дирҳам* олиб, шакар билан ичилади.

Игир ҳам рангни чиройли қилади. «Барбар ўйинчоғи»ни бир *дирҳамдан* икки *дирҳамгача* турли толқонларга яхши қориштириб ичилса ҳам, шундай таъсир қилади; ёмон алангаланиш пайдо қилмаслиги учун [уни толқонларга аралаштирилади]. Сабзавотлардан турп, гандано, пиёз, айниқса, карам,— уни доимо еб туриш,— ва саримсоқ шу хил [таъсир кўрсатади].

Иш ва [руҳий] ҳаракатлардан аччиғланиш, ғазабланиш, жанжаллашиш, мўътадил бадантарбия, кураш тушиш; шунингдек, шодлик, ўйин-кулги, ашула ва куйлар каби ёқимли иш ва амалдор бўлиш, пок ва хушчақчақ кишилар билан ўтириш ҳамда мусобақа, пойга, хўроз уриштириш ва бошқаларда бахслашув билан бўладиган турли жанжалларни тамоша қилиш рангни қизартиради.

Ташқаридан туриб қонни тортиш ва тозалаш орқали рангни яхшиловчи нарсалар: пўсти ажратилган боқила уни, арпа уни, ёввойи ясмиқ уни, буғдой уни ва крахмал, айниқса, нўхат уни, шунингдек, ясмиқ уни, гуруч уни, балиқ елими, гулсапсар илдизи, ладан, анжир, кундур елими, мастаки ва унинг ёғи, тухум пўчоғи, садаф гўшти, муқл, куйдирилган қўрғошин, қўрғошин упа-

си, фил тиши қипиғи, чириган суяклар ва маҳлабдан тайёрланиб чапиладиган ва ювиладиган дорилардир. Хушбўй рўян, ширин ва аччиқ бодом, бодринг ва қовун уруғлари, Рум исмалоғи, қовоқ ва таратизак уруғи¹ ҳам бу жиҳатдан кучли дорилардир. Юзга *ҳар куни крахмал ва катирони сут билан суртиш ҳам, кўпинча, юзни тозалаб тиниқ қилади; тунбош шираси², махсар, янги соғилган сутлар, ҳил-ҳил қилиб қайнатилган бузоқ туёқларининг қайнатмаси, садаф гўштининг қайнатмаси, тухум оқи, сариқ йўнғичқа қайнатмаси ва қашқарбеда қайнатмаси ҳам шундай.

Юз ювиладиган яхши дори: пўсти ажратилган боқила, ёввойи ясмиқ, Миср боқиласи, турп уруғи, пўсти ажратилган қовун уруғи, нўхат ва крахмалдан олиб, ювиладиган дори ясалади.

[278] Яхши суртма дори³. Боқила уни ва арпа унининг ҳар бирдан бир бўлак, нўхат унидан бир бўлак, пўсти ажратилган ясмиқ, катиرو ва крахмалнинг ҳар бирдан ярим бўлак, қовун уруғидан икки бўлак ва заъфарондан бўяш учун етарли миқдорда олиб, шу таркибни кечаси юзга суртилади, кундуз куни қовун пўчоғи қайнатмаси, гунафша қайнатмаси ва шунга ўхшашлар билан ювиб ташланади.

Бошқа хил суртма. Ширин бодом, катиро, араб елими, боқила уни, гулсапсар илдизи ва балиқ елиmidан баробар бўлаклар олинади, елимни ҳаммасига етарли миқдордаги сувга солиб эритилади, сўнгра шу сувга бошқа дориларни солиб, суртма ясалади.

431 Яна бошқа суртма. Боқила, арпа ва нўхат унлари ва кепаксиз буғдой унини олиб, тухум оқи билан қўшиб суртилади. || Тоғ пиёзи, пиёз, бурақ, асал билан қўшилган жувона, қаврак елими ва бобуна ёғи кучли тозаловчилардандир. Ҳўл *майъа* елими ҳам жуда фойдалидир⁴, зирних, калтакесак тезағи ва наргиз илдизи ҳам шундай [таъсирга эга].

Кучли суртма. Махсар сувини олиб қуюлгунига қадар қайнатилади, сўнгра шу қайнатмадан бир *уқия* миқдорида олиб, унга қуйидаги дориларни суюқ суртмани аралаштиргандек аралаштирилади; чумчуқ тезағи, Миср боқиласининг уни, нўхат уни ва пўсти ажратилиб янчилган қовун уруғлари, буларни бир-бирига қўшиб юқоридаги қайнатмага аралаштирилади.

Бошқа хил суртма. Катиро, тўзондек қилиб туйилган Шом шишаси, заъфарон, Миср боқиласи ва чигит мағзининг ҳар бирдан бир *мисқолдан* олиб, бодом ёғи билан қўшиб суртилади. Ҳар куни кечаси юзга оқ хардал ёғи оқ зирних, ёғи қизил, ё сариқ зирнихни сут билан қўшиб суртиб, эрта билан ювиб ташланса, юзни жуда қизартиради. Шу дорилар кучли тозаловчи [дорилар] бўлиб, мохов касаллигининг бошланишида пайдо бўладиган «ниқобли», «тошмали»

ва «семириш» деб аталадиган юз кўринишига қарши фойда беради, яъни уни ишлатиш орқали ўша кўринишни кетказилади.

Яна бунга хос ва тозалаш хусусияти кучли бўлган дорилардан бири [қуйидагича]: оқ мум, бурақ, кундур елими ва сариқ олтингугуртдан баробар бўлакларни [олиб], сирка қўшиб кулча ясалади; кейин бу кулчаларни қуритиб қўйиб, керак пайтида сирка ва асал билан қўшиб ишлатилади; бу таркибга бурақдан кўра унинг кўпигини қўшган яхшироқ.

Яна: бир *ритл* совун, ўшанча қаврак елимини олиб, уч *ритл* сувда ивитиб эритилади; кейин бу сувга кундур елими, мастаки ва табиий содалардан баробар миқдорда олиб, ҳаммасини тўққиз¹ *уқия* қилиб қўшилади; кейин буларни шиша идишда қаттиқ янчилади ва кечаси ишлатилади.

Яна ёввойи ясмиқ уни, нўхат уни, боқила, арпа, Миср боқиласи, гулсапсар илдизи ва наргис илдизларидан баробар бўлаклар, араб елими ва чучукмия илдизидан ярим бўлақдан олиб, кулча ясалади.

Билгинки, сепкил, қора сепкил, турли излар ва қон хираланишида фойда қиладиган ҳар бир дори бунга² қарши жуда кучли равишда таъсир этади ва озгинаси ҳам кифоя қилади.

Тўртинчи фасл. Терини Қуёш, шамол ва совуқдан сақлаш

[Бунинг учун] тухум оқи ёки араб елимининг ивитмаси, ёки мумравганни суртиш керак. Ёки сувда ивитиб, сузиб олинган кепаксиз ноннинг увоқларини олиб, тухум оқи билан аралаштирилади ва уни юзга суртилади.

Бешинчи фасл. Зарба излари ва қора доғлар

Буларга оқ куйдирилган қўрғошинни бир оз чарви ёки нон мағзи билан суртилса, фойда қилади; машҳур «мурчтоши» ҳам жуда яхши фойда беради.

Келинтили³ деб аталадиган ўт, карам барги, кундур елими, турп, ҳўл ялпиз ва зирнихларнинг ҳар бирини кашнич ва петрушка суви кабилар билан қўшиб суртилса, [изларни] кетказади. Керак жойга оҳак ва табиий соданинг қизил хилини ўткир сирка билан қўшиб чапланса, кўк излар кетади. Кундур елими ҳам шундай [хусусиятга эга]. Табиий сода ва сабр, шунингдек, асал билан қўшилган эрман бақлажон рангли изларни кетказади; сақич ва ладан ҳам шундай; [уларни] аъзога суртиб, бир неча кун қўйиб қўйиш керак. *Диёхилун* ҳам яхши марҳамдир.

Бунинг учун яхши суртма. Пўсти ажратилган аччиқ бодомдан бир *дирҳам*, куйдирилган садаф ва куйдирилган оқ сополнинг¹ ҳар биридан икки *дирҳамдан*, пўсти ажратилган мошдан ярим *дирҳам*, пўсти ажратилган оқ нўхатдан икки *дирҳам*, ёввойи ясмиқдан бир *дирҳам*, Миср боқиласидан ярим *дирҳам*, денгиз кўпингидан ярим² *дирҳам*, қаттиқ чириб, оқариб кетган суякдан бир *дирҳам* ва анзиратгўштхўрдан бир *дирҳам* олиб янчилади, буларни арпа суви ва шакар билан қориштириб, махсар сариқ суви билан қўшиб суртилади.

[279] Яна сопол³ кукунини, шунингдек, ёнғоқ ёғи билан қўшилган айиқтавонни суртилади. Ёки табиий сода, қаврак елими, *мурр* ва сариқ олтингугуртдан баробар миқдорда олиб, бу таркибдан суяқ суртма ясалади ва яра қилмаслиги учун сирка билан унинг кучини сиқдириб ишлатилади.

Шунингдек, қимулиё кесаги, каптар тезаги, совун ва кундур елимидан баробар миқдорда олиб, сирка билан қўшиб суртилади. Яна оқаргунича куйдирилган тоғ эчкисининг шохи, кундур елими, Миср боқиласи, ёввойи ясмиқ ва боқила унларидан баробар бўлакларни; қаврак елими, навшадил ва аччиқ бодомнинг ҳар биридан учдан бир бўлакдан, катиरो ва араб елимининг ҳар биридан чорак бўлакдан олинади.

Ёки [ўша жойларга] сақич қўйиб боғланади, сўнгра табиий сода, оҳак ва ток кулини олиб, уларни асал билан қўшиб суртилади. Бу дори қизил сепкил ва яраларнинг изларига ҳам яхши фойда қилади. Баъзан ўша жойни тилишга ҳам эҳтиёж тушади.

Олтинчи фасл. Яра ва чечак излари

Биз айтиб ўтган кучли дориларнинг ҳаммаси яра излари кучсиз бўлганда фойда қилади. Бунинг учун эшак чарвиси, ҳўл қамиш илдизининг бир оз асал блан қўшилган шираси, хамирга ишлатиладиган тузга қўшилган ари асали ва зайтун ёғида то қуюлганигача қайнатилган тиканли оқ ток қайнатмаси билан қорилган сув ялпизи ана шу айтиб ўтилган ва тажриба қилинган дорилардандир.

Қуйидаги таркибли қуюқ суртма ҳам шундай. Гулсапсар илдизи, қуст, куйдириб ювилган қўрғошин, тоғ эчкисининг куйдирилган шохи, бурақ, қаврак елими* ва эски тезак⁴ олиниб янчилади; бу таркибни ҳатто, қизил сепкил ва сепкилга ҳам ишлатилади. Яна: эскириб, чириб оқарган тезак ва чириган суяклардан ўн [бўлак]дан, қуриган қамиш илдиздан пигирма бўлак, янги сополдан ўн бўлак, крахмалдан ўн бўлак, Миср боқиласидан беш бўлак, пўсти ажратилган қовун уруғи, гуруч ва нўхат унининг ҳар биридан ўн бўлакдан ва бон донасидан ўн беш бў-

лак олиб, арпа билан қориб суртилади. Агар бу таркибга қуст, *мурр* || 432 ва аристолохиянинг ҳар бирдан ўн бўлакдан қўшилса, яхшироқ бўлади. Яра ва чечак изларини даволашни олдинги бобда ҳам кўрсатиб ўтдик.

Еттинчи фасл. Ўлик қон, қора сепкил, қизил сепкил¹ ва сепкил

Қизил сепкил ва ўлик қон гоҳо толасимон томирнинг оғзи очилиб чиққан қон ёки зарба, ё бошқа нарса сабабли унинг ёрилишидан [чиққан қондан] пайдо бўлади; шунда қон энг устки терининг тагида бирор жойда тўхталиб қолади. Уша жойнинг ранги ва кўрилиши қизғиш бўлса, қизил сепкил, қорамтир бўлса, қора сепкил ва чаплашиб кетса, сепкил деб аталади; бир гуруҳ [олимлар] нуқтасимонини сепкил деб атаганлар. Қизил сепкилли кишининг мизожи қуруқлиги сабабли, кўпинча, лаблар ёрилади. Қон қотиб қорайиши кучаймасдан бурун буларнинг ҳаммасини тезлик билан даволаш керак: чунки вақт ўтса, даволаш қийин бўлади.

Ўлик қон ва қора сепкилга келганда [шунини айтиш керакки], у бундай қилиб чиқариб олинади: инштарнинг учини юпқа терига яра қилмайдиган қилиб киритилади, агар у жойда қотган қон бор бўлса, [қонни] оҳисталик билан олинади. Агар қон ҳали қотмаган бўлса, уни оҳисталик билан оқизиб юборилади, сўнгра батамом тозалаб ташлаш мақсадида дорилар билан даволанади. Биз қора ва қизил сепкилларга шундай тadbир қўллаган эдик. у излар [йўқолиб кетди]. Лекин бундай тadbирдан кейин томирларнинг оғизларидан қайтадан қон оқмасин учун буриштириш хусусияти бўлган қуюқ суртма ишлатиш керак. Шу билан бирга, буриштирувчи дориларни тарқатувчи дори томирнинг кенгайган йўлидан, айниқса, сепкилнинг бошланғич пайтида моддани тортиб чиқармаслиги учун қўлланилади. Шу сабабли кучли ачиштирувчи дори ишлатилмайди.

Узоқ вақтга чўзилиб кетган [сепкилга] бундай дорини ишлатишдан қўрқмаслик керак, унга ачиштириб тарқатувчи дорини кетма-кет қўйиб олиб, ишлатиб туриш керак; узоқ вақтга чўзилиб қорайиб кетган хилнигини шундай даволанади. Ўлик қонни дастлабки ҳолатда узоқ вақт кўп иссиқ сув қуйиб, айниқса, у сувда тарқатувчи қувват бор бўлса, — тарқатиб юбориш билан даволаш мумкин бўлади; баъзан даволашдан олдин ўша жой тилинади. Гоҳо бунга қарши *мурр* шиёф дориси фойда қилади. Бундай сепкилга [яна] ўша сепкилли жойни қашқарбеда қайнатмаси каби дори билан ювгандан кейин бир кунда қайта-қайта икки мартаба гул шиёф дориси ва шунга ўхшаш дори суртилади. Бу иккала дори ва улардан бошқаларини ҳам сариқ йўнғичқа суви билан ишлатиш яхшироқ. *Муррдан* тайёрланган шиёф дори кучсизроқ дорилар билан тозалагандан сўнг, қолган ўлик қонларни кетказди.

[280] Нордон сиркада ивигилган анжир баъзан ўлик қонни тарқатиб юборади. Қовурилган табиий сода, каптар тезаги ва бурақдан баробар [миқдорда олиб], асал билан қўшиб суртилса ҳам шундай таъсир кўрсатади. Шунга ўхшаш сепкилли жойни табиий сода билан ювиб, кейин сақич қўйиб, олти кун боғлаб қўйилади, сўнгра ювиб ташланади ва қонасин учун игна санчилади, сўнгра қонни шимдириб олинади ва [яна] олти кун қўйиб қўйилади. Сўнгра туз билан ишқалаб, ярим соат қўйиб қўйилади, кейин ўша жойга биз айтадиган дорини беш кун қўйилса, ўлик қоннинг ҳамма қолдиғини чиқариб ташлайди. У дори қуйидагидир: кундур елими, табиий сода, оҳак, мум ва асал; мумни асал билан қўшиб эритиб, ҳаммасини аралаштирилади ва шу таркиб қўйиб боғланади; буни ҳар уч ёки тўрт ва беш кунда сепкилли жойга қўйиб ишлатилса, ўлик қон изини ва баданга солинган нақшни кетказди.

Нон мағзи билан қўшилган етмак, аччиқ бодом, карам уруғи, турп уруғи, анжир сути, мол ўти билан қўшилган таратизак суви, каптар елими ва меҳригиёҳ барги содда яхши дорилардан бўлиб, уларни қизил сепкил ва бошқа изларга бир ҳафта ишқалаб суртилади. Самсақ ва илгариги бобларда айтилган, тозалаш хусусияти кучли бўлган ҳамма дорилар ўлик қонга қарши чапланадиган яхши доридир. Яна ёввойи зира, *мурр*, тоғ газавтининг елими, асал билан бирга қўшилган дашт пиёзи, чаёнўтнинг катта хили ва шу кабилар [ишлатилади].

Жолинус ва бошқалар *жавз ул-хамсни*¹ майин янчиб, кечаси сепкилга боғлаб, сўнгра қайтариб олиб, тажриба қилганлар. Яна чўл қовоғи ёки қора ток, бон донини сиққандан қоладиган қолдиғи, ясмин, айниқса, бунинг ҳўли, фил тиши қипиғи, сирка билан бирга махсар, оқ ва қора харбақ ва дорчин [ишлатилади]; цитрон суви ҳам яхши доридир. Қора йўнғичқа, каптар тезаги, чумчуқ тезаги ва лочин тезаги ҳам шундай [хусусиятга эга].

Бир бўлак мурч, икки бўлак оҳак, қизил ва сариқ зирнихларнинг ҳар биридан икки бўлакдан олиб, асал билан қориштирилади ва сопол идишга кўтариб олинади. Бунга эҳтиёж тушганда [тозалаш керак бўлган] жойни табиий сода билан ювиб, сўнгра санавбар елими билан қўшиб беш кун боғлаб қўйилади. Сўнгра уни ечиб ташлаб, ўша жойга игна санчилади ва чиққан қон шимдириб олинади ва у жойга туз сепилади; кейин дорини ўша жойга яна беш кун боғлаб қўйилади. Бу тадбирни бир неча мартаба қўлланса, ўлик қон ва баданга солинган нақшни кетказди.

Яна бурақ ва катиродан баробар олиб, кулча дори ясалади ва сирка билан қўшиб суртилади, кейин уни совун билан ювиб ташланади. Ёки жуда [майда қилиб] туюлган қуруқ қовоқни озгина заъфарон билан қўшиб суртилса, яхши етук дори бўлади.

Яна Крит лойи ва чигитни совун билан қўшиб суртилса, сепкил, қизил сепкил ва тошмаларни тозалайди. Шунингдек, зайтун ёғининг куйдирилган қуйқаси, ёввойи ясмиқ уни ва Миср боқиласининг унидан баробар бўлақларни олиб суртилади. Беҳи уруғининг шираси заъфарон билан қўшилса ҳамда қовоқ уруғи сариқ йўнғичқа қайнатмаси билан қўшилса, қора ва қизил сепкилларга, шунингдек, ҳамма изларга қарши фойда қиладиган енгил дорилардан бўлади.

Турп уруғи ва хардални сиркада ивитилган анжир билан қориштирилса, сепкилни кетказадиган дорилардан бўлади. || Хардал ва зирних-дан тайёрланган дори пўстни бир оз шилса, лекин шилинган жойни яра қилмайдиган бўлса, у ҳам сепкилни кетказадиган дорилардан бўлади. 433

Яна дорчин билан бирга қустни олиб, махсар сариқ суви билан қориштириб суртилади. Ёки оқ савсан тупроғи, қовун уруғи, маҳлаб ва муқл ва таратизак уруғи билан қорилади. Ёки муқлни сирка билан қўшиб ишлатилади. Ана шу дорилар ишлатилади; улар ачиштирганда ажратиб олинади, сўнгра яна қайтадан ишлатилади.

Яна: заъфарон пиёзи ва наргис пиёзи олинади; шунга ўхшаш таратизак уруғи, крахмал ва куйдириб оқартирилган қўрғошиннинг ҳар биридан оз-оз бўлақдан, заъфарон, уромастика калтакесагининг тезаги, итнинг тезаги, боқила уни, арпа уни ва сариқ йўнғичқа унидан икки бўлақдан; ширин бодом ёғи ва норжил ёғидан ўша таркибни қориштирадиган миқдорда олинади.

Яна шу таркибдаги *диёхилун* дориси [ҳам ишлатилади]: куйдирилган қўрғошиннинг бир *уқиясини* икки *уқия* эскирган зайтун ёғида то эригунча қайнатилади, кейин сариқ йўнғичқа шираси ва хардал ширасидан баробар бир *уқиядан*, муқл ва *муррнинг* ҳар биридан беш *дирҳам* миқдорда олиб, ҳар иккаласини туйилади [281]. Сўнгра уларнинг устига ҳалиги ширалар солинади ва қаттиқ эзилади; сўнгра [уни] зайтун ёғи билан қўшиб *диёхилун* ясалади.

Я х ш и к у л ч а д о р и. Мозариюндан тўрт *дирҳам*, оқ хардалдан ўн *дирҳам*, қаврак елими ва муқлнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан* олинади. Бу иккаласи қолган дориларни қўшадиган миқдордаги сувда эритилади ва кулча ясалади.

С о ҳ и р и ш л а г а н д о р и. *Озоддарахт* уруғидан¹ бир *дирҳам*, бурақдан бир *дирҳам*, турп уруғи, чириган суяк, бон донн, «мурчтоши», Миср боқиласи, қовун уруғи, қуст ва аччиқ бодомни олиб, кулчалар ясаб ишлатилади.

Мана бу дори жуда фойдали бўлиб, тенги кам учратилади. Унинг таркиби [қуйидагичадир]: симобдан икки *дирҳам* олиб, уч *дирҳам* янчилган аччиқ бодомга қўшиб ўлдирилади; симобдан асар қолмайдиган бўлиб ва янчилган бодом қорайиб кетгунча эзилади. Сўнгра шулар-

нинг ҳаммасича жуда янчилган қовун уруғи қўшилади ва бу таркибни бир ҳафта [давомида] ҳар кеча суртиб, эрталаб ювиб ташланади.

Тоғ газгаўти ва зүфонинг ҳар биридан бир бўлакдан, кўк қимулиё лойидан учдан бир бўлак, кундур елимидан бир бўлак, бурақдан икки бўлак, сақичдан икки ярим бўлак, мумдан етти бўлак олиб, мум ва араб елимни гул ёғида эритилади, бурақ ва қимулиё лойини эса иссиқ сувда эритилади, кейин ҳаммасини бир-бирига қўшилади ва озгина асал аралаштирилади. Бу дорини яра қилишидан эҳтиёт қилиб туриб ишлатилади.

Айтишларича, бурун учи томиридан қон олиш сепкилни кетказадиган тадбирлардандир, лекин у юзни ширинча тошгандаги каби қизартиради.

Саккизинчи фасл. Баданга солинган нақш ва уни йўқотиш

Гоҳо бундай нақшга биз қизил сепкил бобида айтиб ўтган иккала дорини қўйилади. Баъзан ўша жойни табиий сода билан ювиб ташлаб, устига бир ҳафта давомида сақични боғлаб қўйиш, сўнгра ечиб туз билан яхшилаб ишқалаш кифоя қилади. Нақш ва у билан нақшнинг қоралиги кетгунигача сақич қўйиш тадбири қайта-қайта қўлланила беради. Бундай тадбирлар фойда қилмаса, нақш соладиган игналарни санчиб, яра қилиб, еб юбориши учун балозур томизилади.

Тўққизинчи фасл. Бодашном ва ҳаддан ташқари қизилликни даволаш

Бодашном — мохов касаллиги бошланаётган кишидаги қизилликка ўхшаш хунук қизиллик бўлиб, юз, қўл ва оёқларда, айниқса, қишда ва совуқ вақтларда пайдо бўлади. Баъзан у билан бирга яралар юз беради. *Бодашномга* совуқнинг кўпгина қон буғини [баданда] тўхта-тиб туриши сабаб бўлади.

Буни ички сурдириш, томирдан қон олиш, қортиқ солиш ва зулук солиш билан даволанади. Шундан сўнг олдинги боблардан бирида мохов касаллиги бошланишида «ниқобсимон» [башарали] кишига айтилган тадбир қўлланилади.

Учинчи фасл. Баҳақ, вазаҳ, оқ ва қора песлик

Иккала баҳақ билан ҳақиқий оқ песлик ўртасидаги фарқ шундаки, иккала баҳақ терида бўлиб, чуқур ботса ҳам оз ботади, песлик эса тери ва гўштга то суяккача ўтади. Ҳаммасига умумий сабаб ўзгартирувчи қувватнинг заифлиги бўлиб, у [озуқани] мослаштириб ўзгартира олмай қолади. Иккала баҳақда модда суюқроқ, ҳайдовчи қувват

эса кучлироқ бўлади ва у моддани тери юзасига ҳайдайди. Песликдаги модда қуюқ, ҳайдовчи қувват эса кучсиз бўлиб, модда ичкарида ўрнашиб қолади ва ичкарисига ўтган нарсанинг мизожини бузади; натижада модда ичкарида кўпроқ ёпишиб қолади ва ўзгартирувчи қувват уни мослаштириб ўзгартира олмайди, бу маъноларни қувватлар бобида билдинг.

Модда ўрнашиб олганда ўзига келаётган озуқни ўз табиатига айлантиради; агар келаётган озиқ жуда яхши бўлса ҳам, шундай қилади. Худди, шунингдек, яхши мизож бузуқ модданн яхши ва мослашган моддага айлантиради. Бу эса дарахтлар бир жойдан бошқа жойга кўчирилганда уларнинг меваси заҳарликдан ейиладиган ҳолатга ва ейиш мумкин бўладиган ҳолатдан заҳарли ҳолатга ўтишига ўхшайди. Чунончи, Жолинос ва бошқаларнинг айтишича, *лабах* деб машҳур бўлган дарахтнинг меваси Эронда заҳарли эди, уни Мисрга кўчирилгач, унинг меваси ейиладиган бўлиб қолди. Шунингдек, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ранглари ҳам мамлакатларга қараб ўзгаради. || Шунга ўхшаб, аъзоларга қараб моддаларнинг ҳам ўзгариши эҳтимолдан узоқ эмас, чунки [аъзолар] моддалар учун гўё мамлакатлардир. Аъзо балғам мизожли бўлиб, эти садафлар эти каби бўлса, тоза қонни ўзининг балғам мизожига ва оқ рангига айлантиради.

Иккала *баҳақ* ўртасидаги фарқ шуки, уларнинг бири савдо моддаси сабабли, иккинчиси эса [282] хом балғам сабабли вужудга келади.

Қора песлик деб аталадиган [касалликка] келсак, бунинг оқ песликка нисбати қора *баҳақнинг* оқ *баҳаққа* нисбати каби эмасдир; балки бу оқ песликдан тубдан фарқ қилувчи бир касалликдир. Қора песликни пўст ташлайдиган темиртки деб аталади, бу [темиртки] жуда дағал ва балиқ сингари тангали бўлиши билан бирга терида юз берадиган сополсимонлик ҳамдир; унда қичиш ҳам бўлади. Бунинг [сабаби] савдо хилтидир. У хилтни тери ўзига ёндош турган жисмдан рангга таъсир қилиш даражасидан ортиқроқ равишда сўради; бу мохов касаллигининг бошланишидир. Бу [касаллик] ёмонлиги ва узоққа чўзилиши билан бирга узоққа чўзилган *баҳақ* сингари тузалмас ҳамдир. Бироқ у оқ песликдан кўра бежавотир. Буларнинг ҳаммасининг сабаблари маълум.

Билгинки, песлик гоҳо қортиқлар ишлатгандан кейин уларнинг изларида пайдо бўлади ва шу жойларда кўпаяди. Чунки қон билан бирга рутубат ҳам тортилади; қортиқ сўрган пайтда қон рутубат билан бирлашмай терида қолади. Яна бир сабаб шуки, жароҳатланган тери заифлик қилиб, ўз ишларини тўла бажара олмайди.

Ун биринчи фасл. Белгилар

Қора баҳаққа келсак, уни ажратиш қийин эмас; оқ баҳақ деб аталадиган вазаҳ билан ёмон песлик орасидаги фарқни эса [ажрата билиш] қийиндир. Бу икковининг ўртасидаги фарқлардан бири мўйнинг вазаҳ устида [бошқа] мўйлар рангида қора ёки қизғиш бўлиб ўсишидир; песлик устида эса мўй фақат оқ бўлиб ўсади. [Песликда] тери баданнинг бошқа жойларидаги терига қараганда пастроқ ва чинканроқ бўлади, баъзан вазаҳда ҳам бу ҳол юз беради, лекин у жуда кам учрайди. Яна [бир фарқ шуки], игна санчилганда вазаҳдан қон чиқади, песлик жойдан қон чиқмайди, балки сувсимон рутубат чиқади, бу тузалмайди. Яна: ишқалаганда қизарса, унинг соғайишига умид бер ва у баҳақ бўлиши мумкин. Қизармаса, у ёмон хили бўлади. [Қора баҳақ] билан қора¹ песлик ўртасидаги фарқ пўст ташлаш, пўстнинг танга-танга ва сополсимон бўлишидир; бу ҳолатлар қора баҳақда бўлмайди. Кейин қора песлик ҳам бир хил бўлмайди; унинг баъзиси дағал ва баъзиси силлиқ бўлади. Иккала оқ [доғ]нинг ҳам силлиқ хили ёмондир; иккала қора [доғ]нинг силлиқ хили бежавотирроқдир, чунки бу баҳақдир. [Қора песликнинг] баъзиси бадан рангидан жуда узоқ, баъзиси бадан рангига яқинроқ бўлади, буниси бежавотирдир. Чўқур ўрнашиб қизармайдиган ва қонамайдиганининг ёки жуда кенгайиб кўпроқ жойни оладиганининг соғайишига умид йўқ. Ҳар доим кўпайиб турадигани ҳам тузалмайди, чунки унинг мизожи кучли бўлиб, яқин келган моддани ўзига мослаштира беради. Шунинг учун бу хили жуда ёмондир.

Ун иккинчи фасл. Қора баҳақни даволаш

Агар бунда қон кўп бўлса, дастлаб томирдан қон олиш, куйган хилтни ва савдо хилтни девпечак ва дарахт пўкаги, қора ҳалила, чилпоя ва Рум райҳони қайнатмаларига майиз, анжир ва шуларга ўшашларни қўшиб ишлатиб бўшатиш керак. Арман тоши ва ложувард [қора баҳақ] дориларига қўшилса, ўткир дори бўлади. Оқ харбақни *Луғозиё иёражи*, *Руфус иёражи* ва бошқалар билан ҳам [бўшатилади]. Девпечак қўшилган оғиз суви бўшатувчи мулойим дорилардандир: ҳар кунни бир дирҳам девпечакни бир коса оғиз сувига солиб ичилса, аста-секин бўшатади. Гоҳо яхши каймусли овқатларни истеъмол қилиш, ҳаммомга тушиб туриш ва девпечак қўшилган *атрифулларни* ичиб туриш ҳам фойда қилади.

Қора баҳақ ҳамда қора песликка қарши фойдали элаки дори. Қора ҳалила, омила ва седананинг ҳар биридан бир бўлакдан, беклар ўтидан бир ярим бўлак олиб, бу таркибдан ҳар кунни эртакиб уч дир-

Ун биринчи фасл. Белгилар

Қора баҳаққа келсак, уни ажратиш қийин эмас; оқ баҳақ деб аталадиган вазаҳ билан ёмон песлик орасидаги фарқни эса [ажрата билиш] қийиндир. Бу икковининг ўртасидаги фарқлардан бири мўйнинг вазаҳ устида [бошқа] мўйлар рангида қора ёки қизғиш бўлиб ўсишидир; песлик устида эса мўй фақат оқ бўлиб ўсади. [Песликда] тери баданнинг бошқа жойларидаги терига қараганда пастроқ ва чуқканроқ бўлади, баъзан вазаҳда ҳам бу ҳол юз беради, лекин у жуда кам учрайди. Яна [бир фарқ шуки], игна санчилганда вазаҳдан қон чиқади, песлик жойдан қон чиқмайди, балки сувсимон рутубат чиқади, бу тузалмайди. Яна: ишқалаганда қизарса, унинг соғайишига умид бор ва у баҳақ бўлиши мумкин. Қизармаса, у ёмон хили бўлади. [Қора баҳақ] билан қора¹ песлик ўртасидаги фарқ пўст ташлаш, пўстнинг танга-танга ва сополсимон бўлишидир; бу ҳолатлар қора баҳақда бўлмайди. Кейин қора песлик ҳам бир хил бўлмайди; унинг баъзиси дағал ва баъзиси силлиқ бўлади. Иккала оқ [доғ]нинг ҳам силлиқ хили ёмондир; иккала қора [доғ]нинг силлиқ хили бежавотирроқдир, чунки бу баҳақдир. [Қора песликнинг] баъзиси бадан рангидан жуда узоқ, баъзиси бадан рангига яқинроқ бўлади, буниси бежавотирдир. Чуқур ўрнашиб қизармайдиган ва қонамайдиганининг ёки жуда кенгайиб кўпроқ жойни оладиганининг соғайишига умид йўқ. Ҳар доим кўпайиб турадигани ҳам тузалмайди, чунки унинг мизожи кучли бўлиб, яқин келган моддани ўзига мослаштира беради. Шунинг учун бу хили жуда ёмондир.

Ун иккинчи фасл. Қора баҳақни даволаш

Агар бунда қон кўп бўлса, дастлаб томирдан қон олиш, куйган хилтни ва савдо хилтни девпечак ва дарахт пўкаги, қора ҳалила, чилпоя ва Рум райҳони қайнатмаларига майиз, анжир ва шуларга ўшашларни қўшиб ишлатиб бўшатиш керак. Арман тоши ва ложувард [қора баҳақ] дориларига қўшилса, ўткир дори бўлади. Оқ харбақни *Луғозиё иёражи*, *Руфус иёражи* ва бошқалар билан ҳам [бўшатилади]. Девпечак қўшилган оғиз суви бўшатувчи мулойим дорилардандир: ҳар кунни бир дирҳам девпечакни бир коса оғиз сувига солиб ичилса, аста-секин бўшатади. Гоҳо яхши каймусли овқатларни истеъмол қилиш, ҳаммомга тушиб туриш ва девпечак қўшилган *атрифулларни* ичиб туриш ҳам фойда қилади.

Қора баҳақ ҳамда қора песликка қарши фойдали элаки дори. Қора ҳалила, омила ва седананинг ҳар биридан бир бўлакдан, беклар ўтидан бир ярим бўлак олиб, бу таркибдан ҳар кунни эрталаб уч дир-

ҳам ва кечқурун уч *дирҳам* ичиб турилади. Агар [дори] баданни қиздирса, бир неча кун ичмай қўйиб, сўнгра яна ичила бошланади.

Агар ундай беморларнинг талоғи бузилган ва савдони тортишда занфлашган бўлса, уни тузатиш билан шуғулланиш керак. Шундан сўнг пўстни кўчириб, кучли тозаловчи ва соглом қон тортувчи дорилар ишлатилсин. Сувли қаварчиқ пайдо бўлса, тери тушиб кетгунигача беморга дам берилсин; кейин зарур бўлса, [дорини] қайта ишлатилсин. Баъзан у дорининг қаварчиқ пайдо қилишига йўл қўймасдан ачиштирганда [ачиштириш] босилгунча дорини олиб қўйиб, сўнгра яна қайтадан ишлатила беради.

Бу дорилар тоғ газгаўтининг елими, мурч, хардал, индов, *яттуъ* сути, чакамуғ, исириқ, турп уруғи ва ковул илдизининг пўстидир. *Баҳақ* ва песлик касалликларида айиқтовоннинг суюқ суртмаси ҳам фойда қилади, у қонни қаттиқ тортади. [283] Чириган суяклар, деворлардан топиб олинган эски данаклар ва яра изларини кетказиш бобида айтилган ҳамма тозаловчи кучли дорилар ҳам [шунда], тунбош суви ва Абу Жаҳл тарвузи қайнатмаси суюқ суртма тайёрланадиган сувлардир.

Яхши суртманинг таркиби. Турп уруғини олиб, етмак билан қўшиб янчилади ва ҳаммомда қора *баҳаққа* суртилади. Яна турп уруғи ва хардал уруғини олиб, сиркада қайнатилган анжир билан қўшилади.

Яхши суртма таркиби. Қовурилган седана ва Эрон чакамуғининг ҳар бирдан ўн [*дирҳам*], аччиқтош ва санонинг ҳар бирдан уч *дирҳамдан*, зок ва мозининг ҳар бирдан икки *дирҳамдан* ва қовурилган исириқ уруғидан беш *дирҳам* олиб, ўткир сирка билан суртилади. Кейин агар бирор из пайдо бўлса, унга хотин сути билан чора қилинади.

Қора, қизил ва бошқа хил сепкиллар бобида айтилган ҳамма кучли суюқ суртмалар ҳам қора *баҳаққа* қарши фойда қилади.

Ун учинчи фасл. В а з а ҳ ва песликни даволаш

Бирор кучли сабаб тақозо қилмаса, томирдан қон олишдан ва ҳаммомга тушишдан сақланиш керак, лекин аҳёнда бир наҳор вақтида ҳаммомга тушиш мумкин; шароб ичишдан ҳам сақланиш керак, лекин шаробнинг ёлғиз ўзини ичиш мумкин. Беморнинг бадани тоза бўлса, ҳаммомда терлаш унга фойда қилади. Бундай бемор қусиш тадбирини ҳам ишлатсин. Агар бадан тоза бўлмаса, балғамни бўшатувчи дориларни, сўнгра сийдикни юргизувчи ва ични сурувчи катта *иёражларни*, айниқса, таркибига Абу Жаҳл тарвузи эти қўшилган *иёраж* ва шунга ўхшаш ҳаб дориларни истеъмол қилиш керак. *Иёражларни* ҳалила,

девпечак, чилпоя, майиз ва туз қайнатмасига солиб ичилади. *Вазақ* ва песликни келтириб чиқараётган хилтни бўшатишда Нил ўсимлиги уруғининг ажойиб хусусияти бор.

Абу Жаҳл тарвузи эти билан тайёрланган *иёражи фикр* ёки мана шу таркибдаги дори ундай беморларга мос келадиган сурғилардан: Хитой дорчини, сунбул, бальзам дарахтининг чўплари, мастаки, түёгўт, заъфарон, *содаж*, сув ялпиз ва Абу Жаҳл тарвузи этининг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, сабрдан ўн саккиз *дирҳам* олинади. Бунинг бир ичими бир *дирҳам* ёки бир *мисқол* бўлиб, асал *сиккату-жубини* ва иссиқ сув билан ичилади.

Яна бир мувофиқ сурғи дори: ҳалила ва омиладан бир бўлакдан, турбуддан уч бўлак,— ҳар бир бўлак, бир *уқиядан* бўлади — ва каллақанддан ярим бўлак олиб, иссиқ сувда эритиб, қиём қилинади ва юқоридаги дориларни шунга қориштирилади. Бунинг бир ичими уч *дирҳам* ёки бир *мисқолдан* беш *мисқолгача* бўлади. Мен бу таркибга бир бўлак занжабил қўшишни яхши деб ҳисоблайман.

Атрифул маъжунлари ва шу таркибдаги *жуворишлар* истеъмол қилинади: қора ҳалила ва оқ кундур елимининг ҳар биридан бир бўлак, занжабилдан чорак бўлак олиб, майиз асали билан қориштирилади; бундан ҳар куни бир *фундуқ* миқдорда истеъмол қилинади.

Яна: қора ҳалила, омила ва седанадан баробар бўлақларни ва беклар ўтидан бир ярим бўлак олиб, бу таркибдан ҳар куни уч *дирҳамдан* ичилади; [баданни] қиздириб юборса, ичилмай қўйилади.

Яна: игир, узун мурч, Кобул ҳалиласи, мастаки, кундур елими, седана ва дафна мевасини олиб, шу таркиб миқдоридagi асал билан қориштирилади. Бунинг бир ичими икки *дирҳам* бўлади. «*Китоб ул-ихтисорот*» да айтилган дорилардан қаттиқ қовурилган буғдой толқони истеъмол қилинади. Агар қайтадан қовуришга эҳтиёж тушса қовурилади; унинг орқасидан ярим *уқия* набат *муррийсини* ичиб то куннинг ярмигача ташналикка чидаб турилади.

Беклар ўти ёки унинг уруғини шароб билан ичилса, бу бобда ажойиб хосиятли дори бўлади. Ток новдаларининг нордон ва ширинликда ўртача ширасидан ҳар куни бир қадаҳ ичиб турилса, песликни кўчириб туширади ва унинг кўпайиб кетишига тўсқинлик қилади. Тарёқ ичиш ва *афъо* илонларнинг этларини ейиш бу касалликда жуда фойдалидир, *афъо* илонларнинг кулчалари ҳам шундай.

Маъжунлар, *атрифул* ва сурувчи дорилардан бири мана бу: беклар ўти уруғидан бир¹ бўлак, қичитқийўт уруғидан ярим бўлак ва сабрдан чорак бўлак олиб, ҳаммасини асал билан қўшилади. Унинг бир ичими уч *дирҳам* бўлиб, муттасил истеъмол қилиб турилади. Баъзи кишилар бу таркибга игир ва девпечак ҳам қўшадилар.

Яна: икки *дирҳам* калкалопаж, бир *дирҳам* қора ҳалила ва икки *донақ* девпечак таркибини йил бўйи ичилади. Шунга ўхшаш, лекин ундан кўра кучлироқ ва фойдаси кўпроқ ва бир йил [муттасил] ичилиши зарур бўлган дорилардан: [284] игирдан олти *дирҳам*, Кобул ҳалиласи ва чилпоянинг ҳар биридан ўн *дирҳам*, сариқ ҳалиладан ўн беш *дирҳам*, *иёражи фиқродан* йигирма *дирҳам*, ҳинд тузидан етти *дирҳам*, беклар ўти уругидан йигирма *дирҳам*, назла ўтидан ўн *дирҳам*, турбуддан эллик *дирҳам*, Абу Жаҳл тарвузи этидан йигирма *дирҳам*, дарахт пўкагидан беш *дирҳам* ва *сақмуниёдан* саккиз *дирҳам* олиб, какликўти асали билан қориштирилади. Бунинг бир ичими бир *мисқолдан* икки *мисқолгача* бўлади.

Ал-Қиндийнинг шу тарздаги дориси: индов уругидан саккиздан бир *келича*, беклар ўти ва Суқутра¹ сабрининг ҳар биридан уч *дирҳамдан* олиб, [ҳаммасини] бир ярим *ритл* асалга қўшиб қуюлтирилади. Бунинг бир ичими ҳар куни овқатдан олдин керакли миқдорда бўлиб, толқон қўшиб ичилади. Унинг кетидан уч ҳўплам *муррий* ҳўпланади. Бошга гунафша ёғи ва гул ёғи суртилади, ундан кейинги овқат қайнатма шўрва бўлади. Доимо ҳар куни кичик бир ичимдан — ярим *дирҳам* ва ундан камроқ миқдоргача *луғозиё* ва *тиёдаритус* истеъмол қилиш гоҳо мумкин бўлади.

Баъзилар пес бўлган жойни доғлаб фойдаланганлар ва бу касалликдан қутилиб тинчиганлар. Лекин бу песлик кам бўлган вақтдагина мумкин.

Бадан тоза ва бадан мизожи мўътадил бўлса, ичиладиган дориларни ичирма! Чунки у дорилар баъзан бирор офатга дучор қилади, энг камида кўп қон кетиб, руҳ камаяди, бу иккаласи² эса песликни даволашда зарур нарсалардир. Песлик аъзони даволашда песликка хос суюқ суртмалар ва шунга ўхшаш дорилар билан чекланилсин!

Бундай беморга ёпишқоқлиги ва ёғли бўлмаган, тез ҳазм бўладиган овқат берилсин. У киши сабзавотлар, ҳалимлар ва шунга ўхшаш овқатлардан сақлансин.

Вазаҳ ва песга ишлатиладиган дориларга келганда, тозалаши қаттиқ, тоза қонни тортиши кучли ва ўша аъзони қаттиқ қиздирувчи бўлганлари биринчи даражадаги дорилардандир. Яра қилиб пўст ташлаттирадигани эса ундан кейингисидир. *Вазаҳ* дорилари қаторида бўяш учун ишлатиладиганлари [ҳам] бор. Доғли жойга ишлатиладиган дориларни ўша жойни ишқалаб қизартиргандан кейин ишлатиш керак, у жойни анжир билан то қонагунча ишқалаш, ёки кўпгина жойларга игна санчилгандан кейин ишқалаш яхшироқдир.

Чапиладиган дориларни беморни қуёшга тутиб ишлатиш у дориларнинг фойда қилишига ёрдам берадиган тадбирлардан биридир. 436

Ёки ишқор ва оҳакни эмадиган болаларнинг сийдигида ивителиди ва етти кунгача сийдикни янгилаб турилади. Сўнгра қайнатиб асалдек қилиб [оқарган жой] яралангунча ишлатилади. Кейин зифт, мум, қитрон, куйдирилган ёнғоқ пўсти, каптар боласининг қони ва хина ёғини олиб, ҳаммасини бир-биринга аралаштириб қайнатилади, сўнгра бу таркибни [касал] жой ранги бадан рангидек бўлиб кўрингунча ўша жойга қўйила беради. Бунни иссиқ қуёшда бир неча марта қўйиш яхшироқдир.

Билгинки, бундай касалликка учраган кишининг суюқ моддани аста-секин бўшатадиган кучсиз дори билан бўшатилиши керак. Маълум илдизлар суви моддани етилтириб дорини йўллайдди. Даволашнинг охирида сассиқ ҳаб дори ичирилади, кейин қайтадан ўша илдизлар сувини икки ҳафта истеъмол қилинади. Паррандалар гўшти ва қовурилган гўшлар каби иссиқлик гўшлар орқали қон пайдо қилинади. Нордон нарсалар ва шўрвалар истеъмол қилинмайди, лекин гоҳо *зирбож* истеъмол қилиш мумкин. [Бундай] бемор учун сув энг зарарли нарсадир, сув ичса ҳам эски шаробдан қўшиб озгина ичсин. Қон тортилиши учун песлик жойни ҳар доим дағал латта билан ишқалаш керак. Ҳаммомга тушиш, ғализ овқат, ҳўл ва қуруқ мевалар у кишига зарар қилади. Песликни доғлаш баъзан уни баданга ёяди ва кўпайтиради. Бирор сабабга кўра доғлангандан кейин пайдо бўладиган песлик айб эмас. Тилган жойларда пайдо бўладиган песлик ҳам шундайдир.

Муътасим¹ учун тайёрланган кўп таркибли суюқ суртма: қора илон қонидан уч уқия, олақарға, филаминго, олапохта ва похта боласи ва чўл тошбақаси қонларининг ҳар бирдан бир *уқиядан*; қитрон, ҳўл зифт, нефть ва балозур асалининг ҳар бирдан бир *уқиядан* олиб, уларни қориб қуритилади. Сўнгра ҳўл Абу Жаҳл тарвузининг сувидан бир бўлак, эски шаробдан икки бўлак, ҳўл қора андиз сувидан икки бўлак, газгаўт суви ва ҳўл хардал сувининг ҳар бирдан бир бўлакдан олиб, ҳаммасини ана шу таркибга кўра ўн *ритл* қилиб қозонга солинади, унинг устига қорамурч, узун мурч, занжабил, седана, қундуз қири, назла ўти, етмак, тоғ газгаўтининг елими, қалампирмунчоқ, Цейлон дорчини, мозариюн, ёввойи бодринг илдизи, қора харбақ ва говширининг ҳар бирдан бир *уқиядан* солиб, ҳалиги сувлар билан то учдан бири қолгунча қайнатилади. [Сўнгра] дорилардан сузиб [қайнатмани] айтиб ўтилган қонлар ва дориларга қўшилади, ниҳоят, уларни шимиб олиб қурийдди, кейин ҳўл Абу Жаҳл тарвузининг суви, ҳўл қора андиз, тўқай пиёзи, самсақ суви ва эскирган шаробдан бир оз олиб, ҳалиги сувлар устига сепилади; буларнинг ҳаммаси саккиз *ритл* бўлиши керак. Бунга сассиқ ангуза, сассиқ қаврак илдизи, *уштурғоз*, || иккала хил зирних, зангор ва олтингургуртнинг ҳар бирдан бир ярим *уқиядан*

437

қўшиб, ҳалиги сувларда тўртдан бири қолгунгача қайнатиб, [сўнг] сузилади. Айтиб ўтилган қонлар ва қуруқ дорилар бу қайнатмани ҳамиша эмиб туради ва уларни доимо янчилади; ниҳоят, ҳаммасини эмиб қурйди. Сўнгра бу таркибни [песлик] жойга ҳаммомда суртилади. Мен айтаманки, бу дорини ўша подшоҳ табиби айтгандан кўра меҳнатни енгилроқ ва таъсирини кучлироқ қилиб ишлаш ҳам мумкин.

Соҳир тайёрлаган яхши суртма: седана, харбақ, лола ва ковул илдизининг ҳар биридан бир бўлак, чакамуғ, *ҳузаз*, *дамодим*¹, *мурр* ва зирнихнинг ҳар биридан ярим бўлак олиб қуёшда суртилади. Енгил, яхши ва фойдали суртма: бу сирка билан қўшилган лола[286] ва чўл қовоғидан иборатдир. Яна: узум шаробининг сиркаси билан қўшилган рўян, денгиз кўпиги; турп уруғи ва етмак [ҳам шундайдир]. Яна сариқ мис қипиғи, қора харбақ, куйдирилган мис, олакуланг ва қизил зирнихнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан* олиб, сепиладиган ҳолга келтиргандан кейин, сиркада ивитилган қитрон билан қориб суртилади.

Яна Орибазий² ишлаган дори: оқ харбақ, мурч, седана, денгиз кўпиги, олтингугурт, қизил зирних, рўян, чакамуғ, зангор ва олакуланларни олиб, сирка билан янчилади ва кулча қилиб қуришиб қўйилади. Керак пайтида сирка билан эзиб, ўша жойни ишқалаб қизартиргандан кейин суртилади ва чапланади.

Яна Қаритуннинг «Китоби зийнат» асаридан олинган дори: қора харбақ, чўл қовоғи, мозариюн илдизининг пўсти, сариқ олтингугурт, зок, зангор, темир қипиғи, дарё кўпиги ва анжир баргини олиб, сиркада *халуқдек* қилиб янчиб, қалайи идишга солиб сақланади. [Песлик жойни] олдин ишқалаб, сўнгра уни суртилади.

Жибрил² ишлаган бошқа дори: олтингугурт, *фарфиюн* ва харбақнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, балозурдан икки *дирҳам*, назла ўти ва чакамуғдан бир *мисқолдан* олиб, сиркага қўшиб суртилиб, ёки турп уруғи, етмак, тоғ газгаўтнинг елими, мозариюн, рўян, чакамуғ, индов, назла ўти ва тоғ майизини олиб, қора илоннинг қони билан қўшиб кулча ясалади. [Уни] қаттиқ қайнатиб тинитилган рўяннинг суви билан қўшиб, беморни ҳаммомда ювинтиргандан кейин ишлатилади. Яна: рўян ва чакамуғнинг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, турп уруғидан ўн *дирҳам* ва етмакдан саккиз *дирҳам* олиб, сирка билан қўшиб ҳаммомга тушгандан кейин суртилади.

Подшоҳ дориси: мозариюн барги, унинг пўсти ажратилган уруғи, қора харбақ ва мурчни олиб, сиркага чўмдиргандан кейин ҳил-ҳил бўлиб пишгунча қайнатилади. Сўнгра унга зок, олакуланг, темир қипиғи, табиий сода ва денгиз кўпигини қўшиб қайнагунча пиширилади. Кейин уни касал жойга суртилади ва бемор кўтара олса, мумкин бўлганича ювиб ташланмай турилади, қаварчиқларни эса тешилади.

Яхши суртма: балозур асалидан етти [дирҳам], назла ўти ва тоғ газгаўтининг елимидан уч *дирҳамдан*, фарфиюндан тўрт *дирҳам*, Эрон чакамуғидан икки *дирҳам* олиб, сут билан қориштирилади, сўнгра суртилади.

Биз қуйидаги дорини тажриба қилиб кўрдик: балозур асали, айиқтовон, каптар тезаги, олакуланг, чакамуғ, турп уруғи, хардал уруғи, рўян, хина, ўсма ва зокдан баробар бўлакларни олиб суртиб, сувли қаварчиқ пайдо қилинади, сўнгра уларни тешилади ва [пайдо бўлган] яраларни даволанади. [Песлик] тузалгунигача бу тадбир қайта-қайта қўлланила беради.

Қортиқ излари сабабли бўлган песликни кетказадиган дори тунбош суви, самсақ суви, рўян ва чакамуғдан иборат бўлиб, бу таркибни бақам дарахти суви билан қўшиб суртилади.

Песликка ишлатиладиган бўёқларга келсак, буларга аниқ миқдор кўрсатиш мумкин эмас, чунки териларнинг ранги турличадир. Бироқ буларга қонун-қоидалар кўрсатилади, кейин ундан олдинга ёки кетинга қараб чекинилади. Ўшандай бўёқларнинг бири: шўра тузи, *мурр*, шароб қуйқаси, қизил кесак, рўян, аччиқтош ва шуларга ўхшашларни олиб таркиб қилиб суртилади. Ёки мана бу биз синаб кўрган бўёқ ишлатилади: ёнғоқ пўсти, ўшанча хина ва хинага баробар миқдорда ўсма аралаштирилади.

Яна: оҳак, зирних ва чакамуғнинг ҳар биридан бир бўлакдан, рўяндан икки бўлак олиб, асал суви билан қўшилади ва [песликнинг] кўришига қараб ишлатилади.

Бошқа хил бўёқ. Миср акацияси, дармана, оҳак, мози, зок ва хиналарни олиб, асал ва қора сирка билан қориб суртилади. Яна: зок, яшил зок ва мозини олиб янчилади ва қора сирка билан қориштириб, қуёшда пес бўлган жойни ишқалаб унга бир неча мартаба суртилади; бу узоқ қоладиган бўёқдир.

Яна: қора чакамуғ, темир чирки, этикдўзлар ишлатадиган зок, зангор, рўян ва анор пўстини олиб, узум сиркаси билан қўшилади ва то қорайгунгача янчилади; буни пес бўлган жойга бир неча марта суртилади.

Бу касалликка учраган кишиларнинг овқатлари: енгил гўштлардан, доривор қўшиб тайёрланган қовурилган нарсалар — қовурмалар, *мутажжана* [товада пиширилган овқатлар] ва кабоблардан иборат бўлади. Бундай киши шароб ичиш билан чекланиб, имкон борича сув ичишдан мутлақо сақлансин ёки уни қайнатиб, ё шароб билан арлаштириб озгина ичсин.

Үн тўртинчи фасл. Қора песликни даволаш

Бу қора баҳақ давосининг ўзидир, бироқ бунда баданни кўпроқ рутубатлантиришга ва кучлироқ бўшатишга эҳтиёж тушади, кейин қора баҳақ дориларининг энг тозаловчани ишлатилади.

Гоҳо бундай касалликка учраган кишига жинсий алоқа фойда қилади; [287] ҳаммом ҳам бу киши учун кўп фойдалидир. Агар қора песлик кучайиб ва ҳаддан ташқари бўлиб кетса, уни мохов касаллигининг давоси билан даволанади.





УЧИНЧИ МАҚОЛА

ТЕРИНИНГ РАНГИДА ЭМАС, УЗИДА БУЛАДИГАН КАСАЛЛИКЛАР

Биринчи фасл. Саъфа, ширинча, балхийя ва бутм

Саъфа яралик тошмалар жумласидандир. Кўпгина китобларда буни зийнат бобида баён қилиш одат бўлиб қолган. *Саъфа* қичишадиган енгил тошма шаклида бошланиб, баданнинг бирмунча жойларида пайдо бўлади, сўнгра қовжираган ярага айланиб, қизғиш рангга ўтади; баъзан эса ундан сариқ сув оқади ва || буниси ширинча ва ҳўл *саъфа* 438 деб аталади. Баъзан дастлабки пайтда қуруқ темирткига ўхшаб, кўпинча қишда қўзғалади, сўнгра тез йўқ бўлиб кетади.

Саъфанинг сабаби ўйиб еб юборадиган ва қонга аралашадиган ёмон ўткир рутубат ҳамда қуюқ ва ёмон хилтлардир. Бу хилтларнинг қуюғи тўхталиб қолиб, шиш пайдо қилади, суюғи эса баданга ёйилиб кетади. *Саъфанинг* қуруқ хилига кўпайган ва ўткир рутубат аралашган савдо хилти сабаб бўлади, бу хилт тери томонга ҳайдалиб уни бузади ва ўйиб еб юборади.

Балхийяга келсак, бу ёмон *саъфа* туридандир. *Бутм* эса савдодан пайдо бўладиган яралар бўлиб, худди веналар кенгайиши касаллиги¹ моддасидан почада пайдо бўлади ва унинг давоси ҳам шу касалликнинг давосига яқиндир.

Иккинчи фасл. Даволаш

Саъфанинг давоси темиртки давосига яқин; уни келгусида баён қиламиз, лекин ҳозирда шуни айтамизки, *саъфанинг* қуруқ хилига қарши савдо, сафро ва шўр балғам хилтларини девпечак қўшилган ҳалила қайнатмаси билан бўшаттириш фойда қилади, бу таркибга сабр ва *сақмуниё* ҳам қўшилади. Бундан кейин баданни рутубатлантириш билан бирга хилтнинг қолдиғини тозалайдиган дори, масалан, ҳўл шоҳтара билан қўшиб, оғиз суви ишлатилади. Буларнинг ҳаммасидан бир

ритл олиб, бунга қора ва сариқ ҳалиланнинг ҳар бирдан уч дирҳамдан, девпечакдан икки дирҳам, қоратикан тузидан икки донақ қўшилади. Ундан кейин оғиз суви ва девпечак билан чекланиб, агар касалнинг табиати кўтара олса ва ҳаддан ташқари кўплик қилмаса, ҳар кун оғиз сувидан ўттиз дирҳамдан ва девпечакдан бир ярим дирҳамдан истеъмол қилиб турилади ёки табиат кўтаришига қараб истеъмол қилинади.

Бемор ҳаддан ташқари ширин нарсалардан, хусусан, хурмодан, ёки мазаси ачиқ ё ўткир, шўр нарсалардан сақланиши, бемаза ва ачиштирмайдиган бежавотир хилт пайдо қилувчи нарсалар билан чекланиши керак. Ҳаммом ва [шу каби] бошқа нарсалар орқали баданни мўътадил даражада рутубатлантириб турилади, зарур бўлса, иккала қўлнинг томиридан, ёки ўша *саъфали* аъзо суғориладиган томирдан, масалан, бошда пайдо бўлган ширинчада пешона томиридан¹ ва икки қулоқ орқасидаги томирдан қон олинади.

Саъфа кўпинча бошда бўлади, қортиқни ҳам бошда бўлганига қарши ишлатилади. Агар қуйи аъзоларда бўлса, софин томиридан қон олинади. Бу тадбирни қўллаганинда, *саъфани* қонагунча кучли равишда қашлайсан ва ундан кўп қон оқизишга ҳаракат қиласан, сўнгра, ўша жойни, айниқса туз ва сирка билан ишқалаб қонатгандан кейин, дорилар билан даволанади. Гоҳо ҳаммомда узоқ ўтирмай, лекин унга тез-тез тушиб туриш, аъзони иссиқ ёки илиқ сув буғига ҳар кун бир неча марта тутиб туриш қуруқ *саъфада* фойда беради. Ёғлар ва чарвилар ишлатиш, рутубатлантирувчи овқат бериш, ёғлаш ва бурунга юбориладиган дорилар ишлатиш ҳам фойда қилади. Бўшатиш тадбири қўлланганда савдо хилтини кучли равишда тортиб сурадиган дориларга эҳтиёж тушади, улардан кейин юқорида айтилгандек оғиз суви истеъмол қилинади. [*Саъфага*] яқин жойга зулук солинса, зарари йўқ; қашиб қонатиш ҳам лозим бўлади, сўнгра ўша жойга хос дорилар ишлатилади. Бир гуруҳ кишиларнинг айтишича, *саъфага* яқин томирдан, масалан, бош *саъфасида* иккала қулоқ орқасидаги томирдан олинган қон *саъфага* қарши даво бўлади, у қонни суртиб, кейин лавлаги суви ва зок билан ювиб ташланади.

Учинчи фасл. Ҳўл саъфали жойга ишлатиладиган дорилар

Саъфанинг бошланаётганига, унинг ҳўл мизожли баданларда ва болаларнинг баданида бўлганларига куйдирилган мози билан бирга думба ёғи аралаштирилган хина ва ўсма ишлатилади: [288] бу жуда синаб кўрилгандир. Шунингдек, буриштириб қуритувчи нарсалардан тайёрланган дорилар, масалан, узум сиркаси ва гул ёғи билан бирга-

ликда анор пўсти ҳам ишлатилади, баъзан бу таркибга куйдирилган қўрғошин қўшилади. Гоҳо аристолохия каби тозалаш хусусияти бўлган нарсани ишлатишга эҳтиёж тушади.

Кўпинча [ҳўл *саъфанинг*] ўртача хилини сирка, туз ва яшил ишқор билан ишқаб тузатилади, бу дори уни қуритиб, тушириб юборади. Тўтиё, тўпол, *қимулиё* лойи, куйдириб сирка билан қўшилган қоғоз, анор гули билан қўшилган санавбар елими, сирка ва гул ёғи шундай таъсирга эга бўлган дорилардандир.

Ёки куйдирилган қўрғошин, кумуш чирки, куйдирилган аччиқ бодом ва зарчаванинг ҳар биридан бир *дирҳамдан* олиб, сирка ва гул ёғи билан қўшилади. Ёки ҳаворанг гулсапсар илдизи, бальзам чўпи, ари уясининг эритилгани, бон дарахтининг янчилган дони ҳамда сирка билан қўшилган ясмиқ ва қизил кесак шундайлардандир.

Яна янчилган аччиқ бодом ва кўк мозилардан сирка қўшиб, қуёшда қуюлтиргандан кейин, суюқ суртма ясалади. Айтишларича, тирик қисқичбақани олиб, самсақ билан қўшиб янчилади ва рутубатини сиқиб олиб, бурунга юборилади; қисқичбақа рутубатининг якка ўзини ҳам бурунга юборилади.

Аммо узоққа чўзилган ва қаттиқ баданлардаги [*саъфани*] даволашда сариқ зок, яшил зок, қизил зок, сиёҳ зоки, туз, олтингугурт, симоб тупроғи, зарчава, мис тўполи билан биргаликда тайёрланадиган папирус қоғози дориси, тандир куяси ва шу кабиларга эҳтиёж тушади. Туз буриштириб тарқатувчи нарсалардандир. Яна куйдирилган қўрғошин ва қўрғошини упасига ҳам эҳтиёж тушади. Қуруқ сопол¹ қуритиши кучли дорилардан, каптар тезаги эса тозалаш ва қуритиш [хусусияти] кучли бўлган эритувчи дорилардандир; калтакесак тезаги, чуғурчуқ, айниқса, шоли ейдиган чуғурчуқнинг тезаги ҳам шундай. Зарчавадан тайёрланадиган марҳамнинг ҳамма хили *саъфада* фойда етказди; шунингдек, зарчава, хина, аристолохия, анор пўсти ва куйдирилган қўрғошиндан тайёрланадиган қизил марҳам || ва биз қуруқ *саъфа* бобида 439 баён қилган дори ҳам шундай хусусиятга эга.

Яхши дори: *қимулиё* кесаги, яшил олтингугурт, қовоқ кули ва Абу Жаҳл тарвuzининг этидан баробар бўлакларни олиб, сирка билан қўшилади ёки куйдирилган қуруқ кашнич, тандир сополи ва хинани олиб, сирка ва гул ёғи билан қўшилади.

Яна: ток ўтинининг кули, юмалоқ аристолохия, анор гули, мози ва санавбар елимидан олиб, сирка ва ёғ билан қўшилади.

Жуда яхши дори: самбитгул қайнатмаси билан *саъфани* ювиб, кейин мис тўполи ва *муррдан* икки *дирҳам*, кундур елими тупроғи ва Яман аччиқтошининг ҳар биридан тўрт *дирҳам*, аристолохия, са-

риқ зок, ток кули ва сабрнинг ҳар бирдан бир *дирҳамдан* олиб, у таркибни сирка ва гул ёғи билан қўшиб суртилади.

Тўртинчи фасл. Қуруқ саъфа ли жойга ишлатиладиган дорилар

Бу хил *саъфанинг* узоққа чўзилган ва кучлисини то соғлом этгача уни еб борадиган ўткир дори билан даво қилинади, сўнгра уни яралар марҳами, масалан, куйдирилган қўргошин, сирка ва зайтун ёғи қўшиб, зарчавадан тайёрланган марҳам билан даволанади. Бундан кўра кучсизроғини аввал айтиб ўтилган узоққа чўзилган хилининг дориси билан даволанади. Бунда овқатлар билан баданни рутубатлантириш, бурунга тортиладиган дорилар, ҳуқналар ва бошқалар [ҳам] фойдалидир.

Ҳўл ва қуруқ *саъфага* қарши яхши дори. Аччиқ бодом ёғи ва хардал ёғининг ҳар бирдан ярим *сукурража*, сиркадан бир *сукурража*, *момисо* шамча дориси ва мозининг ҳар бирдан уч *мисқолдан*, *филзаҳрадан* бир *мисқол*, зарчава ва бурақнинг ҳар бирдан ярим *мисқолдан* олиб, дориларни янчилади ва ҳалиги иккала ёғ ва сиркага солиб, жуда аралаштириб эзилади. Сўнгра ҳар бир *саъфа*, қўтир, битлаш, темиратки, мўй тўкилиши, «тулки касаллиги» ва бош қазғоқлашишига ишлатила беради.

Балхийя ёмон *саъфа* туридандир, баъзан бунга, масалан, ёмон хил чивиннинг чақиши сабаб бўлади. Бунинг давоси юқоридаги даво кабидир.

Биз, тайёрлаган кучли¹ дори: аристолохия, зангор, қаврак елими, муқл, хардал ва зоклардан баробар бўлакларни олиб, буғдой ёғи билан аралаштирилади ва шу таркибча сирка ва озгина асал қўшиб ишлатилади.

Бешинчи фасл. Темиратки

Темиратки *саъфадан* узоқ эмас, фақатгина яширин бир нарса орқали *саъфадан*, айниқса, [289] қуруқ *саъфадан* фарқ қилади. Қуруқ *саъфа* энг ифлос, энг ёмон, энг еювчан ва энг чуқур жойлашадиган темиратки бўлиши мумкин. Темираткининг сабаби *саъфа* сабабига яқин: бу ҳам ўткир, тез ва сувсимон модда бўлиб, қўтир моддасидан кўра қуюқроқ савдо моддасига аралашади. Суюқ моддаси ёғлиб бўлган темиратки энг тез тузалади.

Ҳўл темираткининг баъзиси қондан пайдо бўлиб, қашланган пайтда намлик кўринади, бу хил темиратки бежавотирдир. Баъзиси қуруқ бўлиб, у аксар куйиб савдога айланган шўр балғамдан вужудга келади. Темираткининг баъзиси жуда қуруқлиги ва кўп чуқур жойлаши-

ши сабабли пўст ташлаб туради, бу қора песлик ва қовжираган ярага ўхшайди. Унинг баъзиси пўст ташламайди. Темираткининг айрим хиллари ёмон бўлиб, кўчиб юради; баъзиси эса бир жойда тўхтаб туради. Баъзиси янги ва баъзиси узоққа чўзилган ёмон бўлади, бундай [темиратки] кузда пайдо бўлади.

Олтинчи фасл. Темираткини даволаш

Темираткини даволашда асосан тарқатиш, парчалаш, эритиш ва суюлтириш хусусиятларини ҳамда тўхтатиш ва рутубатлантириш каби хусусиятларни ўзига йиғадиган дориларга эҳтиёж тушади. Уларнинг олдинги [хусусиятларга эга бўлганлари] қуюқ моддаларга нисбатан қўлланилади, иккинчисилари эса ўткир ва суюқ модда учун қўлланилади. Шу икки ҳолатдан бирининг устун чиқишига қараб темираткига юқоридаги икки тадбирдан бири кўпроқ қўлланилади.

Зулук солиш темираткининг энг яхши даволаридандир. [Темиратки моддасини] тозалашда, унинг ортидан кўринаётган ҳолатга мослаб оғиз суви ичириш, овқатлантириш, рутубатлантириш ва рутубатлантирувчи тадбир қўллашда *саъфани* даволашда зарур бўладиган нарсалар керак бўлади. Ҳаммом ҳам унинг зўр даволаридандир; баъзан қуруқ ҳаводан ажралиб туришга ҳам эҳтиёж тушади. Айрим кишиларнинг айтишича, темиратки пайдо бўлишига қарши фойда қиладиган ва пайдо бўлганини тuzатадиган дорилардан бири шуки, *лаккдан* бир *дирҳамини* сабрни ювгапдек ювиб, хушбўй *матбухнинг* уч *уқияси* билан қўшиб ичирилади. Темиратки ёйилиб кўпайиб кетса, мохов касаллигининг давоси билан даволанади.

Еттинчи фасл. [Темираткили] жойларга ишлатиладиган даволар

Цитрон эти бунинг янги ва ўртача вақт ўтган хилига ва кучлисига ҳам ишлатиладиган содда дорилардандир; сирка билан қўшилган араб елими, сирка билан қўшилган бодом елими ва олхўри елими, сирка билан қўшилган стиракс асали ҳам шундай, сирка қўшилган хардал жуда фойдали [дори]. Олтингугурт суви, шўр сув, қаймоқ, денгиз кўпиги, тери елими, рўза тутган кишининг сўлаги ва тишининг кири, қовун уруғи, «эшак ганданосининг» илдизи, — бу *ашросдир*¹, — аччиқ бодом ёғи ҳам темиратки учун яхши доридир. Сирка билан қўшилган ковул барги, *озоддарахт* уруғи² ўз хосияти билан ҳар қандай темираткига қарши фойда қилади. Араб акациясининг елими, *муғос*, бугдой ёғи ҳар бир баданда юз берадиган кучсиз ва кучли темираткини тuzатади; зарчава [ҳам фойдалидир].

Темираткининг бошланаётганига доимо иссиқ сув қуйиб, кейин гунафша ёғи билан ишқаланади; бу тадбир давомли суратда қўлланилади. Арпа суви темираткига қарши суртма бўлиб, баъзан у, айниқса, *жавзи мозаж*¹ билан қўшилса, темираткини кетказади; у ҳўл *саъфада* ҳам фойда қилади. Испағул шираси, ҳўл испағулдан сиқиб олинган сув, семизўт суви ва олхўри елими болалардаги темираткига қарши фойдалидир.

*Яхши дори²: бодом елими, || тери елими ва майъа елимидан баробар бўлакларни олиб, сирка билан қўшиб суртилади, ёки дурадгорлар елими, кундур елими, олтингургурт ва сиркани олиб, эзиб ишлатилади.

[Темираткининг] узоққа чўзилган ёмон хилини даволашда кучлироқ дориларга, масалан, цитрон этининг қайнатиб кучайтирилган шираси, нўхат ёғи, гуруч ёғи, айниқса, буғдой ёғи, аччиқ бодом елими³, олтингургурт, эчкининг куйдирилган тезаги ва денгиз кўпиги каби кучлироқ дориларга эҳтиёж тушади. *Қитрон* ва зифт ҳам ажойиб [дорилардир]; доимо оқ нефть суртиб туриш ҳам шундайдир. *Саъфа* бобида айтиб ўтилган ҳайвонлар тезаги, панжангушт, ковул, сассиқ қаврак елими, харбақ, бон дарахтининг дони, айниқса, тоғ газағўти, хусусан, ундан хардал ёғи қўшиб тайёрланган мумли суртма; яна: *озоддарахт* уруғи, сирка⁴ билан қаврак елими, етмак билан ёввойи зира, етмак билан ҳаммом кули, хардал, индов, таратизак уруғи ва балозур асали ғоятда [фойдалидир].

Мураккаб дорилардан: ёввойи зирани олиб янчиб, буғдой ёғи билан қўшилади; саримсоқ кулини асал билан қўшилади, олтингургуртни сақич билан қўшилади; бон донасини сиққанда қоладиган чиқиндисини сирка билан қўшилса, [290] жуда кучли [дори] бўлади; пўст ташлайдиган темиратки учун ҳам [у кучли доридир].

Ёки кундур елими, зок, олтингургурт ва сабрнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, араб елимидан икки *дирҳам* олиб, сирка билан қўшиб суртилади. [Ёки] арман бурақидан ярим *мисқол*, буғдой ёғидан уч *дирҳам*, цитрон эти ва яҳуд мумидан икки *дирҳамдан*, таратизак уруғидан икки *дирҳам*, седанадан бир ярим *дирҳам*, қора харбақдан бир ярим *дирҳам* ва куйдирилган зокдан бир ярим *дирҳам* олиб, суртма дори ясалади.

Ёки *озоддарахт* уруғини сирка билан қўшиб суртилади. Ёки зок, *мурр*, кундур елими, аччиқтош, олтингургурт ва сабрларни олиб, *тило* шароби билан қўшиб суртилади. Ёки бон дарахти донидан ўн [бўлак], сариқ олтингургуртдан тўрт бўлак, *озоддарахт* уруғидан бир бўлак олиб, яхшилаб янчилади, узум шароби сиркаси ва гул ёғи билан қўшиб суртилади.

Ёки сариқ⁵ олтингургурт, кундур елими кукуни ва қаврак елимини сиркада эритилади ёки ит тезаги, читгарлар ишқори, оқ олтингургурт, га-

зағўти, тандир куяси, анор пўсти, ҳаммом кули, иккала хил зирних ва сариқ олтингургуртлардан баробар миқдорда олиб, сирка ва зайтун ёғи билан қўшиб суртилади.

Саккизинчи фасл. Сутли тошмалар

Гоҳо бурун ва юзга сут томчилари сингари оқ тошмалар тошади. Бунга бадан юзасига ҳайдалаётган бадан буғининг зардобсимон моддаси сабаб бўлади. Қуритиш ва тарқатиш хусусияти бор ҳар бир нарса бунга даво бўлади. Масалан, оқ харбақ ва унинг ярмича гулсапсар илдизидан дори ясаб чапланади ёки бурақ билан бирга зиғир уруғи, сирка билан бирга анжир ва седана [суртилади].

Тўққизинчи фасл. Қўтир ва қичима

Қўтир келиб чиқадиган модда сафро аралашishi натижасида савдога айлана бошлаган ёки қисман савдога айланган қон моддаси бўлади; ёки бурақли шўр балғам аралашган модда бўлади. Биринчиси қуруқ қўтир бўлиб, унинг моддаси қуруқликка яқин қуюқ модда бўлади. Иккинчиси ҳўл қўтир бўлиб, унинг моддаси суюқликка яқин ҳўл [модда] бўлади.

Қўтир, кўпинча, шўр, ўткир, аччиқ ва иссиқлик дориворлар ҳамда шулар каби нарсаларни истеъмол қилишдан келиб чиқади. Баданнинг кўп жойини эгаллайдиган хили ҳам ҳўл қўтир жумласидандир. Агар ҳамма тошмалар кўтарилиб, ўзини кўрсатиб ва учи ингичка бўлиб турса, бу хил қўтирнинг моддаси ўткирроқ бўлади, агар улар ёйиқроқ ва жуда чўккан бўлса, моддасида ўткирлик камроқ бўлади.

Қўтир моддаси пайдо бўлишининг сабаблари қичима моддаларини келтириб чиқарувчи сабабларнинг ўзидир; лекин [қўтирники] кучлироқ бўлиб, *намла*, *саъфа*, бош қазғоғи ва темиртки сабабларига яқинроқ бўлади. Даволаниши ҳам ўшаларга яқин.

Қўтир қичимадан мана шу йўсинда ажралади: қичимада, кўпинча, қўтирда бўлган сингари, тошма бўлмайди, чунки [қичима] суюқ, оз ва бир оз шўр моддадан пайдо бўлади; яна бу модда бир жойда тўхтаб тинч туради, табиат ҳайдагандан кейин тери тешикларининг тўсилиши ва покизаликнинг камлиги у моддани терида тўхтатиб туради. Кекса кишиларда, касалликнинг охириги пайтларида, айниқса, модда кўп ва қуюқ бўлганида шундай аҳвол юз беради. Бу ҳол овқатларнинг ёмон сифатли бўлиши сабабли ёмон ўткир каймуслар пайдо бўлганда ёки овқатлар шўр, ўткир ва шулар каби ёмон сифатли бўлганда, ёки ҳазмнинг ёмонлиги туфайли ейилган овқат бузилиб қолганда ҳам юз беради.

Қичимада гоҳо кепаксимон пўстлоқланиш пайдо бўлади, аммо у чуқур бормайди. Кексаларда бўладиган қичимани унчалик яхши даволаб бўлмайди, лекин унга қарши тадбир ишлатиб турилади. Билгинки, пўстланадиган қўтир ва темирлатки кузда кўпаяди.

Хулоса: қичима моддаси терининг икки [қавати] орасига тўпланади; агар модданинг бирор қисми баданнинг [ўзида] бўлса, у қуруқ қўтир бўлади. Ширинликлар қичима ва тошмаларни келтириб чиқаради. Қўтир, кўпинча, бармоқлар оралиғида пайдо бўлади, чунки у жойлар кучсизроқдир.

Қўтирнинг зўр ва ёмон хили чиқиқ¹ пайдо қилади; у темирлатки ва саъфага айланади. Буларга мубтало бўлган кишиларга ҳамма хил ёғлар зарар қилади, шилиб кетиш хавфи бўлмаса, *сиканжубин* фойда қилади.

Унинчи фасл. Даволаш

441 Куюнди ҳамда ўткир хилтни ва шўр балғамни чиқариб ташлайдиган нарса билан баданни бўшатиш қўтир даволари ичида энг аввал [ишлатиладиган] ва энг яхши фойда қиладиган ҳамда кифоя бўладиганидир, сўнгра овқатни яхшилаб || шунга ўхшаш бобларда билиб ўтганингга мувофиқ [291] ҳўллолчи тадбир қўлланилади. Тез бузилиш хавфи бўлмайдиган сувли бемаза нарсалар, масалан, тарвуз, сачратқи, сутчўп ва шунга ўхшашлар истеъмол қилинади, сиртдан ҳам [дори] ишлатилади. Жинсий алоқа бутунлай тўхтатилади, чунки жинсий алоқа моддаларни сиртга қараб йўналтиради ва ўткир чириган буғни қўзғатади, бундай буғ тери юзаси томонига келиб, у жойни бузади. Шу сабабли бадан ҳиди ҳам сассиқ бўлиб кетади, шунинг учун жинсий алоқадан сўнг [баданни] ишқалаб ювиниш буюрилган.

Сариқ ҳалила, шоҳтара, сано, чилпоя ва дармана қўшилган девпечак қайнатмаси қўтир моддалари турларини бўшатувчи яхши дорилардандир, гоҳо бу таркибга қизил гул, сачратқи уруғи ва шунга ўхшашлар ҳам қўшилади, гоҳо унга махсус хусусияти туфайли кончўп ҳам қўшилади, баъзан эса *сақмуниё* қўшилади. Шунингдек, сабр ва *сақмуниё* ҳаби яхши [доридир].

Яхши қайнатма: сариқ ҳалила ва майизнинг ҳар биридан йигирма *дирҳамгача* олиб, уч *ритл* сувда то учдан бири қолгунча қайнатиб сузилади; шу суюқликдан учдан икки *ритл* олиб, бунда ўн *дирҳам хиёрианбар* ивителиди. Сўнгра яна сузиб, унга бир *дирҳам* дарахт пўкаги қўшилади.

Яхши ҳаб дори, яъни шоҳтара ҳаб дориси: сариқ ҳалила, Кобул ҳалиласи ва қора ҳалилаларнинг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, Суқут-

ро сабридан етти *дирҳам*, сақмуниёдан беш *дирҳам* олиб, доимо шоҳтара билан қориб турилади, кейин қуригунча қўйиб қўйилади, сўнгра яна шоҳтара суви билан бир-икки марта суғориб, яна [қуригунча] қўйиб қўйилади. Бу тадбир уч марта қайтарилади, ҳар гал таркибни суяқ ҳолвайтардек қилиб, кейин қиём бўлиб қуюлгунча қўйиб қўйилади, сўнгра ҳаб дори ясалади.

Узоққа чўзилган қўтирга қарши кучли яхши дори: сариқ ҳалила, балила, омила шираси, Кобул *барангининг* пўсти ажратилгани—буларнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан* ва турбуддан икки *дирҳам* олиб, каллақанд билан қориб кулча ясалади. Тўла сурги учун бир ичми ўн *дирҳамдан* ўн беш ва йигирма *дирҳамгача* бўлиб, иссиқ сув билан ичилади, баъзан ичиш олдидан дориға *сақмуниё* ҳам қўшилади.

Узоққа чўзилган ёмон қўтирга қарши доимий суратда сабр ичиб турилса, баъзан, қутқаради; бу тадбир уч кун кетма-кет қўлланилиб ҳар кун бир *мисқолдан* ичилади, кейин бир кун оралатилади, бир кун [ўтказиб] яна ичилади, уч кун шундай оралатиб ичирилади ёки уч кун ичирилмай қўйиб, сўнгра уч кун кетма-кет ичирилади. Ёки аҳволга қараб яра қилинади [ичакда] шилиниш пайдо бўлса, уни сабрдан ҳуқна қилиб даволанади. [Сабр] қўтирни тагидан қўпарадиган фойдали доридир, уни сачратқи сувида ивитиб, агар бирор монелик бўлмаса, унга озгина аршабодиён суви қўшиб ичиш яхшироқ, сабрнинг миқдори бир *дирҳамдан* бир *мисқолгача* бўлсин. Бемор давомли суратда ичишни кўтаролмаса ичилмайди.

Олхўри ивитмалари ҳам фойдалидир. Ёки сувда қайнатиб қуёшда қуритилган сариқ ҳалила мураббоси олинади, бундан ҳўл қўтир учун беш *дирҳамдан* ўн *дирҳамгача* олиб, шакар билан қўшилади,— бу дори сафродан бўлган ҳўл қўтир учундир. Ҳаб дори қилинадиган сурувчи нарсаларнинг ҳаммасидан [юқорида айтилган] миқдорда олиб, бирини бирига аралаштириб ишлатиш ҳам мумкин, гоҳо уларни қўшиб мураббо ва ҳаб дорилар ясалади. Бундан олдинги бобда айтилганига мувофиқ оғиз сувини девпечак билан ҳар кун истеъмол қилинса, яхши бўлади; уни ҳалила ва шоҳтара шираси билан қўшиб бир неча кун кетма-кет истеъмол қилинса ҳам, ғоятда яхши бўлади. *Сақмуниё* ва заъфарон қўшиб ясалган сабр ҳаб дориси аста-секин тозаловчи дори ўрнига ўтади. Бу таркибнинг бир ичми беш нўхат миқдорида бўлади, унинг таркиби: сариқ ҳалила ва Суқутро сабрининг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, катиرو ва қизил гулнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, заъфарондан учдан бир *дирҳам* олинади. Яна: Кобул *баранги* қўшиладиган доридан,— биз уни юқорида айтиб ўтганмиз,— бир кун ёки икки кун икки *дирҳамдан* то уч *дирҳамгача* истеъмол қилинади.

Бир гуруҳ [кишилар]нинг айтишича бўшатувчи дорилар кўп ишлатилса-ю, фойда бермаса, тадбирни енгиллатиб, бу касалликка учраган кишига ҳар куни эрталаб ва кечқурун буғдой толқонини шакар қўшиб кўп сув билан ичириб, чекланиб турган яхшироқ.

Айтишларича, уч кунгача ҳар куни кунжут ёғидан бир оз — йигирма *дирҳам* олиб, [292] бунинг ярмича *сиканжубин* ва шунга ўхшаш нарса қўшиб ичиш қуруқ қўтир ва қуруқ қичмага учраган киши учун фойдали тадбирлардандир. Баъзи кишилар кунжут ёғига чилонжийда суви аралаштирадилар. Биз бунинг тажриба қилиб кўрган эдик, у етук тадбир бўлиб чиқди, лекин у меъдани кучсизлантиради.

Кумуш чирки, куйдирилган қўрғошин, муқл¹ ва илдизлардан сирка ва қизил гул ёғи билан қориб тайёрланадиган суртма шу дориларга оид мураккаб дорилардандир, уни кучли қўтирга ҳам ишлатилади.

Ундан кўра енгилроқ дори: арман лойи, кофур ва заъфароннинг ҳар биридан ярим *дирҳам* олиб, сирка, тўқай пиёзи суви ва гул ёғи билан қўшилади: бу қўтирнинг енгил хилига қарши умумий доридир. Бир оз кучлироғига эса сирка ва гул ёғида эзилган арпабодиён уруғини ҳаммомда ишлатилади. Яна нордон анор², қизил гул ёғи ва бурақ таркиби ишлатилади; анор сувининг яхшиси чарвисининг қуввати боридир. Шунингдек, ясмиқ уни, қизил кесак ва сиркани бир-бирига қориштириб то қизигунча қўйилади, сўнг суртилади.

Қўтирда истеъмол қилиниши зарур маъжунларга келсак, улар темиртки, *саъфа* ва *баҳаққа* учраган кишиларнинг ичиши зарур бўлган маъжун дорилардир; кишмиш қўшилган кичик атрифул каби юмшоқ маъжун [шулардандир]. Яна қуйидаги маъжун ҳам [ишлатилади]: сано ва шоҳтаранинг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, сариқ ҳалиладан тўрт *дирҳам*, асалдек ширин кишмишдан ҳаммасига икки баробар миқдорда олиб [истеъмол қилинади].

Қўтир жойга ишлатиладиган дориларга келсак, улар тозалаш 442 хусусиятига эга бўлган ҳамма нарсалардир. Баъзан || терини кучайтириб мизожни тузатиш билан бирга тозалаш хусусиятига эга бўлган нарса, масалан, тугмачагул суви, қўзиқулоқ, лавлаги, анор, шунингдек, оқ ун кепаги, пўсти ажратилган ясмиқ уни кифоя қилади. Яна сирка билан бирга араб акацияси елими, қовун уруғи, қовуннинг ичи ўзича, махсар крахмали, петрушка шираси, сариқ йўнғичқа қайнатмаси ва банан пўчоғининг суви [ишлатилади].

Баъзан тарқатиш хусусияти кучли дорига, масалан, Абу Жаҳл тарвузининг эти, боғ ялпизи суви билан бирга сақич, сирка билан бирга *ритиёнаж*³, қовурилган зок, айниқса, сирка ва қизил гул ёғи билан қўшилган сариқ зок, шунингдек, яшил зок ва шунга ўхшаш зокларга эҳтиёж тушади. Самбитгул жуда кучли дори, баъзан самбитгулни иви-

тиб, кейин кунжут ёғи қўшиб қайнатилган сирка кифоя қилади. Баъзан ўткир [қўтирни даволашда] унинг ҳаддан ошиб кетишига тўсқинлик қилиш учун гул ёғи ва шунга яна анор пўсти аралаштирилади.

Таратизак уруғи синаб кўрилган дорилардандир, унинг ёғини олиб, қўтирни қашиб, иссиқ қуёшда ёки ўчоқ ёнида суртилади, бу тадбир қайта-қайта қўлланилади ва у ғоятда фойдалидир.

Яхши дори: куйдирилган қўрғошин ва сиёҳ зокидан баробар [миқдорда] олиб, узум сиркаси билан эзилади, [сўнг] сопол кўзага солиб, нам жойга бир ой кўмиб қўйилади, шундан кейин уни суртма қилиб ишлатилади. Бу кам ачиштира ҳам, етук дорилардандир. Яна етмак, ўлдирилган симоб, темир чирки, аристолохия, олтингургурт, қандил, ишқор¹, куйдирилган мис, *муғос*, навшадил, ясмиқ, *мурр*, исирик уруғи, қаврак елими, зангор, читгарлар ишқори, ит тезағи, бошқа бобларда айтилган тезаклар ва ёввойи бодринглар ҳам [яхши дорилардир].

Яна: ток ёғочининг куйдирилган пўстини қаймоқ билан қўшиб, қўтир жойга суртиб боглаб қўйилади, [қўтир] йўқ бўлиб кетгунгача уни янгилаб турилади. Гоҳо сирка билан бирга ёввойи зира ва сирка билан қўшилган сақич ҳам фойда беради.

Мураккаб яхши дориларга келсак, ўлдирилган симоб, самбитгул барги, кумуш тўполи ва куйдирилган қўрғошинни олиб, сирка ва гул ёғи билан қўшиб суртма тайёрланади. Қасал кечаси шуни суртиб ётади, эрталаб ҳаммомда сирка ва яшил ишқор билан аввало иссиқ сув, сўнгра совуқ сув қўшиб ювиб ташлайди, кетидан ёғ суртади.

Осон дори: куйдирилган қўрғошин ва сариқ зокдан баробар миқдорда олиб, сирка билан эзиб, бир ҳафта қуёшга қўйилади ва уни керак бўлган пайтда суртилади.

Яна: суюқ *майъа* елимида ўлдирилган симоб ва гул ёғини бир-бирига қўшиб ишлатилади. Яна: ўлдирилган симоб, суюқ² *майъа* елими, гунафша уруғи ва қустдан баробар бўлаклар [олиб ишлатилади]; ёки етмакдан бир бўлак ва қизил кесакдан уч бўлак олиб, сирка қўшиб суртилади.

Тарқатиб қуритувчи кучли дори ёки қовжиратувчи қуруқ дори ишлатилганда кетидан тўпалоқ, тол, нилуфар, гунафша ва шуларга ўхшашларнинг ёғи каби ёпиштирувчи ёғлар ишлатилсин; уларни, айниқса, қуруқ ва рутубати оз [қўтирда] ишлатилсин. Рутубатли қўтирда [293] қуритиш хусусияти кўпроқ бўлган дори, қуруқ қўтирда эса қуритиш хусусияти камроқ бўлган дори ишлатилсин. Ўлдирилган симоб қўшилган дорини кучинг етганича меъдадан ва мўътабар аъзолардан узоқлаштиргин.

Қуруқ қичимани даволашга келсак, уни зарур бўлса, бўшатгандан кейин [ўзинг] билган нарсалар билан даволанади: сигирнинг нордон қатиғи ичирилади, илиқ сув билан ювинтирилади, совуқлик ёғлар, айниқ-

са, петрушка шираси қўшилган ёғлар суртилади. Қуруқ қўтир ва қуруқ қичиманинг давоси бир-бирига яқиндир. Сирка қўшилган кўкнор ҳамда гулсансар барги, яна сачратқи суви билан бирга қўшилган сабр юмшоқ дорилардандир. Крахмал ҳам [қуруқ қичима] дориларига қўшилади: гул суви ҳам яхшидир. Сирка билан қўшилган петрушка суви ҳам шундай.

Афюн қўшилган мумли суртма кучли дорилардан бўлиб, уни баданга суртилса, қичимани тўхтатади. Кучли дорилардан бири шуки, юқоридан кўрсатилган дорилардан таркиб қилиб, унга навшадил қўшилади ва сирка билан суртилади, айниқса, моякдаги қичимага шундай қилинади. Қовурилган аччиқтош билан қитрон ҳам шундай. Бу ҳариккала тешикнинг ички қичималарида фойда беради, уни латта парчага қўйиб кўтарилади. Кексаларда юз берадиган қичимани даволашда шароб қўйқасини озгина *ҳўл аччиқтош¹ билан қўшиб суртилса, фойда беради.

Қичима ва қўтирга қарши ювиниладиган [сувларга] келсак, улар, масалан, иситилган ёки ўз ҳолича қолдирилган денгиз суви ёки ёввойи бодринг қайнатмасидан иборат.

Қўтир ва қичимага учраган кишиларнинг овқатлари эса совуқлик ва рутубатлироқ бўлиб, баданни ҳўллаб яхши қон пайдо қиладиган нарсалардан ва мўътадил мизожли гўштлардан иборат бўлади. Қуруқ қичимага учраган кишилар овқат билан бирга юмшоқ ёғлар, масалан, бодом ёғи, кунжут ёғи ва шуларга ўхшашларни истеъмол қилишлари зарур.

Билгинки, иккала почага қортиқ қўйиш қўтирнинг ёмон хилига қарши фойда беради.

Ун биринчи фасл. Иссиқлик

Гоҳо баданга ёки бирор аъзога жуда кўп терлаш, оз ювиниш ёки ювингандан кейин етарли ишқаламасликдан,— айниқса, иссиқ мамлакатларда,— тикансимон тошмалар тошади; гўё бу тошмалар оғирлиги сабабли кишини ланж қиладиган моддалардан вужудга келади, у моддалар эса тер билан бирга чиқиб, ўзининг суюқлиги сабабли тез ёйилади; улар тери сатҳида тўхталиб қолади ва гўё тернинг сизилиб чиқишга бўйсунмайдиган чўкмасидан иборат бўлади.

Баъзан [иссиқлик] кўзга кўринадиган тошма шаклида тошмайди, аммо дағаллик пайдо бўлади.

Ун иккинчи фасл. Даволаш

[Иссиқликнинг] бадандаги моддаси кўп бўлса, уни томирдан қон олиб ва сурги ишлатиб қирқилади. Шунинг учун ҳар вақт [иссиқлик] тошиш одат бўлган киши ўткир хилтларни бўшаттиришга сўяниши керак. Ҳаммомга тушиб ювиниб туриш, покизалик, сўнгра совуқ сув билан

ювиниб туриш иссиқликка тўсқинлик қиладиган ва уни йўқотадиган тadbирлардандир. Ҳаммомда терлагандан кейин баданга қовун этини ясмиқ уни билан қўшиб ишқалаш, || ундан кейин райҳон билан ишқалаш ундай кишиларга мос келади; яна ясмиқ уни ва боқила уни қўшилган қовун эти билан ҳам [ишқаланади]. 443

Сандал эса иссиқликка тўсқинлик қилиш билан бирга қичима қўзгатади, агар уни кофур билан қўшилса, қичима пайдо қилмайди. Хинанинг бўяб қўйиши ёқимсизлик қилмаса, бу ҳам иссиқликка фойдали бўлади. Ундай кишилар анор суви, шавил, ясмиқ, олхўри, *тамр ҳиндий* ва терлашга тўсқинлик қиладиган турли нарсалар, масалан, мирта ва гул қайнатмаси ҳамда кашнич сувини истеъмол қилиб туради.

Қуёшда иситилган сув иссиқлик тошганига қарши фойда беради дейдилар. Бунда буриштирувчи нарсалар, қайнатилган ҳамма хил сувлардан тийилиш керак, [ҳамда] ҳаракат қилмаслик, терлатадиган иссиқ жойлардан четда бўлиш, шамолли жойларга интилиш, шу билан бирга, елпиғич билан елпиб туриш ва совуқ сувда ювиниб туриш керак. Яна мирта ёғи ва гул ёғи суртиш ҳам [иссиқликка] тўсқинлик қилади. Қаймоқнинг, айниқса, катиро ва араб елими билан қўшилган [қаймоқ]нинг бу жиҳатдан ажойиб ва зўр хусусияти бор. Яна куйдирилган қўрғошин, [темир] чирки, айниқса, тўтиё қуввати ўтказилган нарсалар ишқаланади, шунингдек, мирта дарахти баргининг кули, хушбўй қамиш, мирта барги, дафна дарахтининг янги барги, газгаўт ва кундур елими кабилар [ишлатилади].

Гоҳо сувда ивигилган балиқ елими суртилса ҳам фойда беради. Баъзан кучли [иссиқликда] тоғ майизи, кундур елими ва олтингургуртга эҳтиёж тушади.

Иссиқликнинг ярага айланган хилига келсак, буни зарчава, мози, арман лойи, [294] сирка қўшилган қўрғошин упаси кабилар билан даволанади. Қўрғошин упасининг марҳами бунинг учун яхши доридир. Баъзан бу яралар жуда бузилиб кетади, шунда олов куйдиргандаги даволар қўлланилади, агар улар ўрнашиб қолса, саъфага ишлатиладиган тadbир қўлланилади.

Ўн учинчи фасл. Банот ул-лайл¹

Териси қуриб, тери тешикларининг тўсилишига учраган, бироқ ҳазми яхши бўлган кишида совуқда ва кечаси қичима, [терисида] дағаллик ва *банот ул-лайл* деб аталадиган майда тошмалар пайдо бўлади. Бунинг сабаби аслида тарқалиши зарур бўлган нарсанинг тери тешикларининг торлиги сабабли тўхталиб қолишидир; бунга [терининг] дағаллиги ҳам ёрдамлашади. Бу, айниқса, ҳазм кучайган вақтда бўлади,

[ҳазм кўпайгандан] кейин буғ кўпаяди; кечаси шундай бўлади, шунинг учун бу *банот ул-лайл* [«кеча қизлари»] деб аталади, чунки у, кўпинча, кечаси пайдо бўлади. Бундаги ҳолатлардан [бири] шуки, унинг қичимаси кучли бўлади ва олдин қашиш лаззат беради, бироқ кейин қашилган жойларда қаттиқ оғриқ қўзғалади.

Ун тўртинчи фасл. Даволаш

Кўп ҳаммомга тушириш ва махсус ёғлар суртиш орқали тери тешиқларини кенгайтириш тадбирини қўллаш керак. Шунингдек, кўпайган моддадан томирларни бўшатиш лозим, бу эса қичима касаллиги бобида айтилганига кўра, агар эҳтиёж тушса ва касал жойга дорилар қор қила бермаса, томирдан қон олиб, бўшатиш билан бўлади.

[*Банот ул-лайл*] тошган жойларга ишлатиладиган дориларнинг яхшиси сабр ва *муррдир*, айниқса, уларни асал билан қўшилса, яхши бўлади. Ясмиқ уни билан қўшиб, озгина сирка ва асал аралаштирилган сабр ҳам шундайдир. Петрушка суви билан даволашга муносиб суюқ дорилардан биридир. Сирка дурдасининг танҳо ўзи, шунингдек, бурақ, хина ва заъфарон ҳам буни даволашдаги фойдали дорилардандир.

Ун бешинчи фасл. Михга, букилган шохга ўхшаш сўгаллар ва уларнинг бошқа хиллари

Буларни келтириб чиқарувчи биринчи сабаб табиатнинг ҳайдаши, моддий сабаб эса қуюқ савдо хилтидир. Қонда кўпайган қуруқ балғам баъзан савдога айланади. Баъзан қоннинг тўхталиб қолиб кўпайиши ва унда чириб бузилиш сабабларининг йўқлиги туфайли унда қуруқлик ва бир оз совуқлик пайдо бўлади; айниқса, қон камлиги сабабли чиримайдиган майда томирларда шундай бўлади, [чунки улардаги қон] чиригиб бузишдан кўра тезроқ қуритадиган сиртқи сабабларга яқин туради; айниқса, қон ўз жавҳарида унчалик иссиқ бўлмаса [шундай бўлади].

Баъзан бир дона катта сўгал ўсиб, қўшни аъзога келаётган озиқ мизожини сўгал моддаси мизожига айлантиради, шунда у аъзо қуриб совуйди ва натижада сўгал кўпаяди. Агар катта сўгални юлиб ташланса ёки уни қайси тадбир билан бўлса ҳам кетказилса, бошқалари ҳам тушиб кетади.

Сўгалнинг боши мих қалпоғи сингари катта ва зўр бўлиб таги ингичка бўлса уни «мих» деб, агар узун бўлиб букилган бўлса, «шох» деб аталади. Сўгалнинг «турсус» деб аталадиган бир хили ҳам бор; гарчи буни бошқа сўгаллардан фарқ қилиш лозим бўлса ҳам, уни [сўгалларга] қўшилади. Уни ёрилса, тагидан йиринг чиқади.

Ун олтинчи фасл. Даволаш

Агар касаллик зўрайиб ўртача даражадан ўтиб кетган бўлса, шо-шилинч равишда томирдан қон олиб, қонни камайтириш, шунингдек, савдо хилтини бўшатиш зарурдир. Яхши каймус пайдо қиладиган ва бир неча мартаба, баён қилинган бошқа тадбирларни ҳам қўллаш керак.

Сўгалнинг ўзини даволашга келганда, бу аччиқлик ва буриштириш хусусиятига эга дорилар билан бўлади. Сўгалнинг энгил хилига энгил дорилар ишлатилади, масалан, сўгалларга доимо писта ёғи, сузғичдан ўтказиб уч кун ўз ҳолига қўйилган буғдой қайнатмаси, татим қўшилган набат ганданосининг суви ва бон дарахтининг ёғи суртилади. Ҳамда ковул барги, сарв ёнғоғи ва хом зайтун суртилади; *жавзи мозаж* ҳам яхши доридир. [Сўгалнинг] энгил хили учун анжирнинг ҳўл барги, кучли хилига ҳўл ёнғоқ пўчоғи ва қуриган анжир [ишлатилади]. Жингак азияти кам бўлиши билан бирга сўгалнинг катта ва кучли хилига яхши дори бўлади, бобил толи патак илдизининг пўсти ва унинг қулининг сирка билан қўшилгани ҳам шундай.

Яна яхши дорилардан бири шуки, исириқ ва хинани янчиб элакдан ўтказилади ва совуқ сув қўшиб суртилади. [Сўгалнинг] кучли хилига ишлатиладиган кучли дорилар, || масалан, оҳак, зирних, ишқор, айниқ-са, бунинг ўлдирилган симоб билан [295], хусусан, дуб кули, зайтун ёғи ва туз билан [ўлдирилган симоб] билан қўшилган ва пиёз суви, дашт пиёзи ва эчки тезағи билан тайёрланган суртмадан иборат. 444

Яна зирних қўшилган олакулангдан ҳам [фойдаланилади]. Сўгални тушириб юборишда балозур асали ҳам кучли; *яттуъ* сутини бир неча мартаба суртилса, сўгални тушириб юборади. Ток суви ва айиқтовон ҳам сўгалларни тушириб юборишда зўр доридир. Седанани сийдик билан қориштириб қуюқ суртма қилиб боғланса, ажойиб бўлади. Така ўти ва ангуза, шунингдек, йирингли шишларни тешиб оқизадиган ўткир марҳам, яъни балозур марҳами ҳам ана шундайдир.

Мўътадил таркиб: ҳўл ёнғоқ пўчоғи, шиша ва ўлдирилмаган оҳакнинг ҳар бирдан бир бўлакдан олиб янчилади ва элакдан ўтказиб сўгалга қўйилади. Ёки зангор ва куйдирилган папирус қоғозининг ҳар бирдан беш *дирҳамдан*, Абу Жаҳл тарвuzининг этидан олти *дирҳам*, бурақдан олти *дирҳам*, навшадилдан тўрт *дирҳам*, ишқор ва сарик зирнихнинг ҳар бирдан саккиз *дирҳамдан*, қорамол ўтидан олти *дирҳам*, Эрон ишқоридан етти *дирҳам* олиб янчилади ва элакдан ўтказиб, совун суви қўшиб суртилади.

Сўгалларни юлиб олиш ҳам унинг даволаридандир; буни қуш пати, кумуш ё темир найчалар орқали қилинади, найчаларнинг қавағи сўгални қийинлик билан ўзига оладиган бўлиб, чеккаси ўткир ва кескир бўла-

ди. Сўгални зўр билан найчага киритиб, ўраб олинади ва тагини бир оз қисилса, найча унинг тагидан қўпориб тушириб юборади. Ёки сўгални таги чўзилгунча омбир билан тортилади, сўнгра сўгал тагига чуқур борадиган ўткир ва иссиқ қурол орқали кесиб олинади. Кесиб олгандан кейин унга сариёғ қўйилади. Яна: сўгалга ўткир дори қўйилиб, дори уни қўзғатса, дорини олиб, сўгал устига сариёғ суртиб, бир оз қўйиб қўйилади; сўнгра сўгал бутунлай тушиб кетгунича шуни қайтарилаверади.

Гоҳо сўгални бундай қилиб туширилади: ўткир нозик кавлайдиган қурол билан сўгалнинг ёни-бери очилади, сўнгра унга ўткир дори қўйилади. Биз сўгални мумкин бўлганича чуқурроқдан, лекин терини эҳтиёт қилиб, устара билан кесиб тажриба қилдик. Сўнгра у жойга совун, тўпалоқ ва қизил гул ишқаланади, ниҳоят, оқадиган қон оқиб тўхталади, ундан кейин қолганлари ҳам тушиб кетади.

Ун еттинчи фасл. Шохлар

Бу кўп ишлагани сабабли қўл-оёқ бўғинлари устида ўсадиган бўшашган толасимон ўсиқлардир. Бунинг давоси бўшашган [ўсиқни] кесиб ташлашдир, у оғримайди; кейин қолганларига тушиб кетгунигача сўгал дориларидан жуда ўткирларини ишлатилади, сўнгра сариёғ суртилади.

Ун саккизинчи фасл. Тери, лаб, қўл-оёқ, умуман, бадан терисининг ҳар бир жойида пайдо бўладиган ёрилишлар

Ҳамма хил ёрилишга сабаб терининг ёриладиган даражадаги қуруқлигидир. Бу қуруқлик ё моддасиз мизожнинг бузилиши, ёки ўткир ва қуритувчи моддани юбориб турадиган ёмон хилтдан бўлади, ёки қуритувчи иссиқ, ёки ҳўлликни қуритувчи ел, ё бўлмаса қуритиб зичлаштирувчи совуқдан бўлади. Бу ҳол қуруқ ерда ёки иссиқ билан қуритилган ёки музлаган ерда ёрилиш юз бергани кабидир. Гоҳо ёрилиш буриштирувчи сувлар ҳамда аччиқтош ва шунга ўхшашларнинг қуввати ўтган сувларда ювиниш сабабли ҳам пайдо бўлади. Олтингургуртли ва мумли сувлар бунинг аксичадир. Биз бу жиҳатдан Ҳамадон ва унинг ёни-веридаги сув билан Шобурхост¹ суви ўртасидаги фарқни синчиклаб текшириб кўрдик.

Ун тўққизинчи фасл. Умуман ёрилишни даволаш

Агар ёмон хилт бор бўлса, уни бўшаттириш, мизож қуруқ бўлса, уни ўзгартириш, шунингдек, турли ёғлар, айниқса, пўсти артилган кунжут ёғидан бир ярим *уқияни* ҳар кун узум шираси ёки ширин майиз

ивитилган сув билан қўшиб кетма-кет бир неча кун ичириш керак. Сув қисқичбақаларининг қайнатмасини ҳам сув ва шакар билан ичирилади ва [ёрилган жойга] доимий суратда ёғ суртиб турилади.

Агар ёрилиш совуқдан бўлса, бунга қарши араб акациясининг шираси фойда қилади. Яна шолғом қайнатмаси, шолғом, лавлаги барги ва унинг қайнатмаси, айниқса, буларни машҳур чарви ёғлари билан қўшиб тайёрланадиган мумли суртмалар, илик ёғлари, ҳўл зифт ва қитрон [фойда қилади]. Агар ёрилиш иссиқдан бўлса, рутубатли совуқ ширалар қўшилган рутубатли совуқ мумли суртмалар ишлатилади; овқатни тузатилади ва илиқ сув билан ювиниб турилади.

[296] Йигирманчи фасл. Лаб ёрилишини даволаш

Терини тортиштириб қуритиб, ҳўлликни шимдирган ел ёки совуқ, ёки иссиқ, ёки билиб ўтганингдек, қуруқ мизож туфайли [пайдо бўладиган] қуруқлик лаб ёрилишига сабаб бўлади. Лаб ёрилишининг сабаблари таъсир этмасдан бурун ёрилишнинг олдини олиш учун мумли суртмалар, турли чарвилар, илик ёғлари, ҳўл зуфо қўшилган гул ёғи суртилади. Булар гоҳо воқе бўлган [ёрилишни] ҳам кетказди. Ёки лабга юпқа пардалар, масалан, тухум пардаси, қамиш пардаси, саримсоқ ва пиёз пўстлари ёпиштирилади.

Пайдо бўлган лаб ёрилишини кетказишга келсак, унинг учун яхши дорилардан бири шуки, эски шароб қуйқасининг қовурилгани ва сақични олиб бирон ёғ билан, масалан, товуқ ёки гоз ёғи ва асал билан қориштирилади. Ёки тўзондек қилиб янчилган хом мозини олиб, оловда эритилган сақич билан қорилади. Ухлаш олдидан киндикни ёглаш ёки ёққа ботирилган пахтани киндик тешигига қўйиш [лаб ёрилганда] фойдали, дейдилар.

Йигирма биринчи фасл. Оёқ ёрилиши

Оёқ ёрилиши гоҳо ёмон буғлар ва гоҳо қуриб қовжираш сабабли юз беради. Қисқаси, бунда ўша буғларни тарқатувчи нарса фойда беради.

Йигирма иккинчи фасл. Даволаш

Оёқ ёрилишини уни узоқ вақт иссиқ сувга солиш, унга ўсимлик ва ҳайвон ёғлари, айниқса, эчки ва қорамол ёғи ҳамда мум билан бир оз қуюлтирилган илик ёғини суртиб кетказиш мумкин; шунингдек, канакунжут ёғи, поча ёғи ва чин ёғи суртилади, бу жуда [фойдалидир]. Думба ёғини оловга тутиб томизилса ҳам жуда яхши бўлади; хина || жуда 445

яхши [даводир], айниқса, исриқ қайнатмаси билан қориштирилган хина жуда яхши. Узум шираси [ҳам] шундай [хусусиятга эга]. [Оёқ ёрилишини] ана шу айтилган дорилар билан даволанади. Агар улар фойда бермаса, ёриқларга кириб, уларни ёпиштирадиган нарсаларни тиқишга эҳтиёж тушади, [касални] ювинтириб, оёғини иссиқ сувга солгандан кейин ана шундай даво қиладилар; ўша тиқиладиган нарсаларга чангдек қилиб, янчиб эзилган катиरो қўшилади, бу ажойиб дори бўлади.

Яна: мум, кунжут ёғи, сақич ва суюқ *майға* елимини олиб, ҳаммасини бир-бирига қўшиб, оёқнинг ёрилган жойига тиқилса, ажойиб дори бўлади. Янчилган кунжут қўшилган *қитрон* ҳам жуда ажойибдир. Усимлик ёғлари ва чарви ёғлар билан эзилган кундур елими жуда фойдали; куйдирилган қисқичбақани зайтун ёғида эзиб ҳам суртилади, қўл ёрилганида бу тез фойда беради. Ёки тўқай пиёзининг ичини олиб, зайтун ёғида қайнатилади ва бунда сақични эритиб ёрилган жойларга қўйилади. Зайтун қўшилган сақичнинг ўзи ҳам гоятда [фойдалидир].

Яна: янчилган канакунжутнинг унини озгина сув билан хамир қилиб, ёрилган товонга ёпиштириб қўйилади. Узоққа чўзилиб ярага айланган ёриққа канакунжут кунжарасининг ўзи яхши доридир. Ёки куйдирилган қўргошин, мум, зайтун ёғи ва асалдан баробар миқдорда олиб, қуюқ дори ясалади. Ёки сув қисқичбақасини кунжут ёғида қайнатиб ишлатилади. Яна зайтун ёғи қуйқасини ўрдак ёғи ва сақич билан ишлатилади.

Биз қўллаган яхши даво: тўзондек қилиб янчилган катиरो, унинг ярим вазнича чиллоя илдизи, янчилган қаҳрабо ва кундур елимининг ҳар биридан уч бўлакдан ва сақичдан катирога икки баробар миқдорда олиб, ҳаммасини канакунжут ёғи билан қўшиб ишлатилади.

Биз айтамикки, киши товонини ҳар кеча муттасил ёглаб турса, [унинг оёғи ёрилмайди].

Йигирма учинчи фасл. Қўл ёрилиши

Буни оёқнинг енгил ёрилиши сингари даволанади.

Йигирма тўртинчи фасл. Панжа ораларининг ёрилиши

Буни ҳам юқорида кўрсатилган нарсалар билан даволанилади. Бунинг ўзига хос дориси шуки, чиллоя илдизини тўзондек қилиб янчиб, қўйиб боғланади.

Йигирма бешинчи фасл. Орқанинг яраланиши

Ғоҳо қўп чалқанча ётиш натижасида, айниқса, беморларда орқа аввало қизариб ёрилади, сўнгра яраланади. Қизариш бошланганида

чалқанча ётмаслик ва уни қайтарадиган дориларни ишлатиш керак. Қасал кишига эса новдасидан сидириб олинган тол барги, тариқ ва пат каби нарсалардан тўшак қилиб бериш керак, буларни юмшоқ мато ёки шунга ўхшаш нарса ичига тиқилади. Агар ярага айланса, қўрғошин упаси марҳами қўйилади.

Йигирма олтинчи фасл. Тери, чов, сийдик ва ахлатдаги ёмон ҳид

Хилт ёки терининг чириб бузилиши сабабли ҳид бузилади. Гоҳи бунга хилтларни бузадиган ҳаракатлар, жинсий алоқа ва ҳайз кўргандан кейин [тезда] ювинмасдан, уни кейинга қолдириш, шунингдек, сариқ йўнғичқа ва ўткир хилтларни бадан сиртига қараб қўзғатиш хусусиятига эга бўлган нарсаларни истеъмол қилиш ёрдам беради. Оғиз ҳидланишига келсак, бу ҳақда айтиб ўтилган эди.

Йигирма еттинчи фасл. Умуман тери ҳидининг бузилишини даволаш

Хилтни бўшатиш, мизожни эса алмаштириш билан тuzатилади, кайфияти ва миқдори орқали яхши ҳазм бўладиган нарсалар ҳам истеъмол қилинади. [Баданни] ҳаммомда ва бошқа жойларда яхшилаб тозаланади. Терини хушбўй қиладиган нарсалар, масалан, Цейлон дорчинин, *фаланжа*, петрушка, кангар, морчўба каби нарсалар ҳамда сийдикни юргизиб қонни чириндилардан тозалайдиган ҳар бир нарса наҳорга истеъмол қилинади. Лекин у дориларнинг баъзиси, масалан, морчўба сийдикни саситиб юборади. Яхши ҳидли туршак ивитмасини ичиш, ўрикнинг ўзини ейиш бу соҳада фойдали тадбирлардандир.

Баданга мирта суви, Яман аччиқтоши эритилган сув, гулсапсар шарбати, тошчўп қайнатмаси, боғ ялпизи, чўл ялпизи, самсақ, олма барги, тол барги суртилади, шунингдек, янчилган мирта, айниқса, сандал ҳам фойдали. Яна тўпалоқ, қорачайир гули, хушбўй қамиш, сарв, айниқса, гул, самсақ, райҳон, *ушна* қитрон барги, унинг лўсти, олма баргини ҳам [баданга] суртилади. Гулсапсар барги бу жиҳатдан жуда фойдалидир; омила шираси қўшилган гул кулчалари ҳам шундай [таъсирга эга]. Куйдирилган қўрғошин, тўтиё, гулсапсар баргининг кули, аччиқтош ва шунга ўхшаш нарсалар; *мурр*, сабр, мирта ёғи ва гул ёғи тери тешикларини тўсиб, терга тўсқинлик қиладиган нарсалардандир.

Йигирма саккизинчи фасл. Қўлтиқ ҳиди ва уни даволаш

Айрим кишиларнинг даъвосича, қўлтиқ ҳиди инсон пайдо бўладиган маний қолдиқларидан вужудга келар эмиш, гўё у қолдиқлар қўлтиққа келиб тери тешикларига жойлашар эмиш. Бу даъвога ишониш

керак эмас. Қўлтиқ ҳидини инсонда *манийга айланадиган¹ модда буғига ва унинг қўзғалишига нисбат бериш тўғрироқ бўлур эди.

Буни даволашга келсак, аввало, зарур бўлса, [баданни] тозалагандан кейин тўтиё, куйдирилган қўрғошиннинг ишлангани, турли тўполлар, мирта кули ва аччиқтош эритилган сув билан даволаш керак. Гоҳо бу дориларга сандал қўшилади ва кофур билан ҳам аралаштирилади. Яхши кулча дори: сандал, Цейлон дорчини, омила шираси, сунбул, аччиқтош, мурр, содаж ва гулнинг ҳар биридан бир бўлакдан, тўтиё ва куйдириб оқланган қўрғошиннинг ҳар биридан уч бўлакдан ва кофурдан ярим бўлак олиб, бу таркибдан гул суви билан кулча дори ясалади ва қуритиб истеъмол қилинади.

Яна: қизил гул, омила шираси, сунбул, тўпалоқ, *мурр* ва аччиқтошнинг ҳар биридан ўн [бўлакдан] олиб, гул суви билан кулча ясаб қўлтиққа чапланади.

Йигирма тўққизинчи фасл. Баданни хушбўй қиладиган ва иссиқ мизожли кишиларга фойда берадиган сепма дори

446

Тўпалоқ, *содаж*, қорачайир гули, шом *майғаси*, яъни анор лубноси — буларнинг ҳар биридан ўн *драхмийдан*; қуруқ гул ва мирта новдаларининг ҳар биридан йигирма *драхмийдан* олинади; тўпалоқ, қорачайир гули ва *содажни* хушбўй шароб билан ҳўлланади, кейин қуритиб янчилади, сўнг унинг устига гул ва мирта новдаларини янчиб солинади; шундан кейин заъфаронни гул суви билан ивитиб, бошқа дориларга қўшилади ва бу таркибни сояда қуритилади. [Қасални] ювинтиргандан кейин шу дорини янчиб сепилади; бироқ, аввало, терни етарли даражада артиб, сўнгра дори сепилади.

Сассиқ тер ҳидини кетказадиган ҳамда совуқ мизожли кишиларга мос келадиган бошқа хил дори: хушбўй сунбул, қалампирмунчоқ, аммо, бальзам чўплари ва Цейлон дорчинининг ҳар биридан уч *драхмийдан*, *қуст*, хушбўй тирноқ, ҳинд сунбули ва дорчинининг ҳар биридан икки *драхмийдан*, самсақ новдалари ва Сурия сунбулининг ҳар биридан [289] тўрт *драхмийдан* олинади; яна анор лубносини олиб, шаробда эритилади, қолганларини эса тошчўп суви билан эзилади. Бу таркибни ҳам юқоридаги йўсинда ишлатилади.

Тер ҳидини қирқадиган бошқа хил дори. Дорчин, ҳинд сунбули, хушбўй тирноқ ва қустнинг ҳар биридан икки *уқиядан*, муҳр лойи, қўрғошин чирки ва ювилган қўрғошин упасининг ҳар биридан ярим *уқиядан*, дармана ва Рум сунбулидан бир *уқиядан*, заъфарон ва қуруқ гулнинг ҳар биридан уч *уқиядан* олиб, қуруқ дориларни мирта суви билан эзилади, заъфаронни эса хушбўй эски шаробда эрнтиб ишлатилади.

Ўттинчи фасл. Ахлат ва елнинг кучли сассиқлиги ва унинг давоси

У хилтларнинг сасиши сабабли, сасиш хусусиятига эга нарсаларни, масалан, *уштурғоз*, саримсоқ, таратизак, гандано, болдирғон ва ангуза кабиларни, шунингдек, тухумни истеъмол қилиш сабабли пайдо бўлади. Лекин булардан бўлган сассиқликни ҳазмнинг яхшилиги ва чирийдиларни терига ва сийдикка йўналтирадиган нарсалар, масалан, сарнқ йўнғичқа истеъмол қилиш йўқотади: улар тер ва сийдикни саситиб, ахлатнинг бадбўйлигини кетказади. Хушбўй шароб ҳам ахлатдаги қаттиқ бадбўйликни кетказади.

Ўттиз биринчи фасл. Сийдик сассиқлиги

Ахлат сассиқлигининг сабаблари сийдикнинг сассиқлигига ҳам сабаб бўлади; морчуба ва шунга ўхшаш сийдик юргизувчи дорилар ҳам унга сабаб бўлади, чунки улар баданни хушбўй қилиб, сийдикни бадбўй қилади. Қовуқдаги яралар ҳам [сийдикнинг сасишига] сабаб бўлади. Бунинг давоси билиб ўтганларингдан иборат ва у осондир.

Ўттиз иккинчи фасл. Бит ва сирка

Ҳароратга эга бўлган ёки унга ҳарорат биргалашган ҳўл модда тери томонга ҳайдалса, баъзан у суюқлиги ва латифлиги туфайли тарқалади ва сезилмайди. Тер бўлиб тарқаладиган нарса [суюқликда] ундан кейин туради, ундан кейин тарқалиб кирга айланадиган нарса туради; сўнгра тери табақаларининг энг юқорисида тўхталиб қоладиган нарса туради, бундан қазғоқ, иссиқлик ва шунга ўхшаш нарсалар пайдо бўлади. Бу иккаласидан сўнг терининг чуқурроғида тўхтайдиган нарса туради; агар модда жуда ёмон бўлса, у «тулки касаллиги» ва шунга ўхшаш бошқа касаллик, темиратки ва ширинчани келтириб чиқаради. Агар унинг ёмонлиги камроқ бўлса, унда зардоблик қуввати бўлмаса, етарли даражада тез чириш хусусияти унга дарров етишмаса ва ҳаётни қабул қиладиган модда бўлишга қобилиятли бўлса, ҳаёт бахш этувчи томонидан унга ҳаёт етишиб, натижада бит пайдо бўлади, у қўзғалиб бадан сиртига чиқади. Баъзан, тўсатдан катта [бит] ҳам пайдо бўлади. Ўзи ёмон, лекин каймуси яхши суюқ бўлиб, бадан сиртига қараб ҳаракат қилувчи овқатлар, масалан, анжир гоҳо бит пайдо бўлишига ёрдам беради; уларнинг [ҳаракатига бадандаги] қўзғатувчи ҳаракатлар, айниқса, маний буғи биргалашган ҳаракат ҳам ёрдам беради, масалан, жинсий алоқа вақтида шундай бўлади.

Гоҳо тозалikka риоя қилмаслик, ғусул қилмаслик, тери тешикларини очиб, терида қамалган моддани тарқалишга қараб йўналтирикла-

диган нарсаларни истеъмол қилмаслик ёки ичкарида қамалган моддага, уларнинг ўзгариб сасишига ва сасишга ўхшаган ҳолатга ўтишига тўсқинлик қиладиган майин шамолларни киргизадиган нарсаларни истеъмол қилмаслик ҳам битлашга ёрдам беради.

Гоҳо бит шу қадар кўпайиб кетадики, ҳатто битлаган кишининг кўп қони кетиб, ранги сарғаяди, иштаҳаси пасаяди, ориқлайди ва қувватни бўшашади.

Ўттиз учинчи фасл. Даволаш

Кўплаб пайдо бўлиб, тўхтовсиз кўпая бораётган битларга қарши даво қўллашда аввало баданни тозалашга, айниқса, уни томирдан қон олиб тозалашга, шунингдек, [овқат] тадбирини яхшилаш ҳамда моддаларни сиртга қараб йўналтирувчи, биз айтиб ўтган ҳаракатларни тўхташга тўғри келади. Кейин битлаган жойга хос дорилар ишлатилади. Бунга доимо ювиниб-тозаланиб туриш ҳам фойда беради; олдин шўр сув билан, кетидан чучук сув билан ювиниб туриш яхшидир. Кийимларни алмаштириб туриш, ипакли ва канопли кийимлар кийиш керак. Дори ичиш орқали ҳам битлар ўлади, масалан, тоғ ялпизи қайнатмаси билан саримсоқни қўшиб ичилса шундай бўлади.

Битлаган жой дориларига келсақ, булар қуритувчи, тарқатувчи ва сиртга тортувчи бўлиши зарур. Агар аҳвол жуда зўр бўлса, у дориларга заҳарли қувват аралаштиришга эҳтиёж тушади. Зайтун ёғи билан татим ҳамда шавил, унинг барги ва илдизи ёки зайтун ёғи билан аччиқтош, ёки *озоддарахт* барги, ёки анор барги, ёки Абу Жаҳл тарвузининг барги, ёки мирта барги, ёки сарв барги, ёки зигир барги, ёки хушбўй қамиш ва дорчин битлаган жойга [ишлатиладиган] дорилардандир. Махсар ёғи фойдали ва битга тўсқинлик қилувчидир; турп ёғи ҳам ажойиб, [299] Цейлон дорчинининг пўсти, || аристолохия, назла ўти, гулхайри илдизи, тошчўп, *жулах*, Рум арпабодиёни, кийик ўти, 447 қичиқкиўт уруғи, бўйимодарон ва ёввойи зира [ҳам шундай].

Яхши дори: *момисо* шамча дориларидан уч *дирҳам*, қустдан ярим *дирҳам*, бурақдан бир *дирҳам* ва шуларнинг ҳаммасича крахмал олиб, оҳақ аралаштириб суртилади.

Миср боқиласи қайнатмаси битлаган жойни ювиш учун ишлатиладиган яхши ва кучли дорилардандир. Лавлаги¹ қайнатмаси, юлғун қайнатмаси, тоғ ялпизи қайнатмаси, сарв барги қайнатмаси ва санавбар барги қайнатмаси ҳам шундай. Агар ювиладиган дориларга ҳайвон ўтлари² қўшилса, яхши бўлади. Етмак билан буғлаш, шунингдек, тоғ майизи билан, зирних билан, айниқса омила шираси билан, хусусан, олтингургурт билан буғлаш битлаганга қарши кўриладиган чоралардандир.

Кучли дорилардан бири мана бу: тоғ майизи, қизил зирних ва бурақни олиб, ҳаммасини сирка ва зайтун ёғи билан эзиб, бошга суртилади. Ёки оқ харбақ ва бурақни ёки зайтун ёғи билан самбитгул барги, ёки Абу Жаҳл тарвузи барги [суртилади]. Ёки янчилган хардал ва етмакни олиб, уларнинг уситга озгина сирка қўйилади, сўнгра сиркани булар билан бирга эзиб ўлдирилади; ана шу кучли доридир. Олтингугурт, зирних, аристолохия, дуб ёнғоғининг кули, қуст ва *мурғоқ* тайёрланадиган дори ҳам шундай.

Ёки етмак, қизил зирних, узун аристолохия, *қитрон* ва шу дориларни қориштириш учун етарли миқдорда қорамол ўтини қўшиб ишлатилади; бу кучли суртмадир.

Яна қитрон, гентиана илдизи, зирних ва гулсапсар ёғи, тоғ майизи, самбитгул барги ва Яман аччиқтоши; яна *момисо* шамча доридан бир бўлак, бурақдан ярим бўлак, қустдан бир бўлак, крахмалдан шуларнинг ҳаммасича олиб, оҳак ишлатгандан кейин сирка қўшиб суртилади. Бу дориларни етмак ва тоғ майизи билан буғлагандан кейин, айниқса, айтиб ўтилган дорилар билан ювгандан кейин ишлатиш [яхшироқ].





ТҮРТИНЧИ МАҚОЛА

БАДАНГА ҲАМДА ҚУЛ ВА ОЕҚЛАРГА ТЕГИШЛИ ҲОЛАТЛАР ҲАҚИДА
БУЛИБ, ШУ БИЛАН ЗИЙНАТ КИТОБИ ТАМОМЛАНАДИ

Биринчи фасл. Ориқликни кетказиш

Ориқликка сабаб овқатда семиртирувчи модданинг йўқлиги ёки суюлтирувчи овқатни кўп истеъмол қилиш,— бунда баданда кўпда қон пайдо бўлмай қолади,— ёки тоза қон пайдо бўлмайдиган овқат билан чекланиб туришдир; бунга яна овқатни ишлатувчи қувватнинг, яъни ҳазм қилувчи қувватнинг ёки озиқни аъзоларга тортувчи қувватнинг заифлиги ҳам [сабаб] бўлади; уларнинг заифлигига [эса] мизож бузилиши, кўнишча, бузилган соруқ мизож сабаб бўлади; ёки кўп ҳаракатсиз ётиш бўлади, бунда тортувчи қувват ухлаб қолади, айниқса, табиатга озиқни тортишда ёрдам берадиган ва табиат унга одатланган жисмоний ҳаракатдан кейин ана шундай бўлади; жисмоний ҳаракат қилинмай қўйилса, [тортувчи] қувват, ҳатто, мўътадил озиқни ҳам тортмай қўяди.

[Ориқликка] яна қоннинг табиатга ёқмаслиги ҳам сабаб бўлади,— сафро аралаш қон тортувчи қувват учуп сув аралаш рутубатли қондан кўра ёқимсизроқ бўлади,—ёки талоқнинг катталашиб, жигарни қиспиши сабаб бўлади; бунда қоннинг кўпи талоққа тортилади, талоқ ва жигар орасидаги зиддият сабабли жигар қуввати заифлашади. Гавдада гижжаларнинг [кўнайиб] тўдаланиб ётиши ёки хилдан тери тешикларининг тўсилиб торайиши, ёки совуқлик, ё иссиқлик, ё фақатгина қуруқлик натижасида тери тешикларининг бирикиб буришиб торайиши ҳам [ориқликка] сабаб бўлади; буларнинг ҳаммасини ўз белгилари орқали биласан. Доимий равишда боғич боғлаб қўйиш ҳам [ориқликка] сабаб бўлади, бунда тери тешиклари ва йўллар тўсилиб, баданга озиқ тортилмайди, айниқса, кесак ейиш тери тешикларини тўсиб қўяди. Ёки [ориқлик] тарқалишнинг кўплигидан бўлади; бунда аъзоларга тортилаётган озиқ бир ерга тўпланмай, сочилиб-тарқалиб кетади. Масалан, тез қилинадиган жисмоний ҳаракатлар, турли хафалик ва ғамгинликлар ва тарқатувчи касалликларда шундай бўлади.

Озгина вақт ичида озиб кетадиган баданларнинг қайтадан семириши ҳам қисқа бир муддатда бўлиши мумкин. Узоқ вақт ўтиб озган баданлар эса кўп овқат истеъмол қилишга қувватларининг заиф экани сабабли аста-секин қўлланиладиган тадбирдан бошқа [тадбирни] кутара олмайди.

Териси ғовак ва осон чўзиладиган баданлар семиришга қобилиятли бўлади. Заифлик, иссиқ-совуқдан, тўқиниш-уринишлардан кўп таъсирланиш, уйқусизлик, нафсоний таъсирланишлар, меҳнат-машаққат, бўшатилиш ва жинсий алоқа кишини ориқланишдан сақланишга мажбур қиладиган омиллардандир; бундай кишининг еган овқати томirlарда тўхталиб қолади, [300] нарига ўтмасдан бузилади.

Семизликнинг ҳам зарарлари бор, уларни келгусида баён қиламиз. Муътадил [семизликдан яхшиси] йўқ. Агар семизлик зарар келтирмаса, уни ёмон санама, чунки ҳаёт рутубатдадир: лекин эҳтиёт бўлишнинг, гарчанд офат юз бермаса ҳам, ҳаддан ташқари семириш йўлини севмаслигинг керак. Чунки семизлик офати тўсатдан ва бирданига келиб етадики, бу ҳақда ўз жойида айтилади.

Бадан ва ҳаволар қуриса, ориқлик пайдо бўлади.

Иккинчи фасл. Даволаш

Ориқликнинг биз юқорида баён қилган сабабларидан қайси бири мавжуд эканини аниқлаб, унга қарши чора кўриш ва уни кетказиш керак. Масалан, овқат кучли қуюқ қон пайдо қилмайдиган бўлса, ана шундай қон пайдо қиладиган овқат берилади ва фақатгина яхши қон пайдо қиладиган овқат билан чекланилмайди, чунки бу хил овқат баъзан суюқ ва тарқалиб кетадиган қон пайдо қилади. Агар аъзолардаги тортувчи қувват бўшашган бўлса, уни қўзғатиб кучайттирилади; мизож бузилган бўлса, уни ўзгартирилади. Уйқудан уйғониш биланоқ ишқаб уқалаш тортувчи қувватни уйғотадиган тадбирлардандир.

Агар [гавданинг] икки қисми ориқликда хилма-хил бўлса, баъзан озгинидан бошқа томонга озиқ тортилишига монелик қилишга ва уни озган томонга тортиришга эҳтиёж тушади. Масалан, бир қўл озгин, 448 иккинчиси семиз бўлса, семиз қўлни қуйи [қисмидан] бошлаб || қаттиқ оғритмасдан, балки тери тешикларини торайтириб, озиқ ўтишига тўсқинлик қиладиган қилиб боғлаб қўйиш зарур. Шунда озиқ тақсимланадиган жойига қайтиб бориб, кейин бошқа томонига тортилади. Айниқса, иситилган мумдан озгина қўшиб, зайтун ёғи каби ёғ билан оғритмасдан ишқалаш тортувчи қувватни уйғотади. [Шунда] аъзо қизиб ловулласа, ишқаламай қўйилади, ловуллаш тўхташи биланоқ, яна ишқалана бош-

ланади. Агар йўллар тўсилса, уларни очилади. Агар бадан зич бўлиб, шу сабабли тери тешиклари тўсилган бўлса, рутубатлантириб баданни иситадиган овқатлар билан иситиб бўшаштирилади. Агар баданни совуқлик зичлаштирган бўлса, уни жисмоний ва нафсоний ҳаракатлар билан, агар иссиқлик тортиштириб ёпиштирган бўлса, совутиш ва рутубатлантириш билан бўшаштирилади. Совуқлик сабабли семиришни қабул қилмаётган аъзога энг яхши қиздирувчи тадбир ишқалаш ва ундан кейин унга қизартирадиган нарсалар қўйишдир.

Агар ориқликка талоқ сабаб бўлса, талоқни даволанади, агар ориқлик гижжалардан бўлса, уларни ўз бобида айтилган [дорилар] билан ўлдириб чиқариб ташланади. Ориқ кишини тинч қўйиб ором берилади, кўрпа-гўшаги юмшоқ қилиб қўйилади, соя жойга жойлаштириб, хурсанд қилинади, хушбўй [наrsa ҳидлатиб] совуқ нарсалар ичирилади. Чунки бу тадбирлар табиий қувватни жуда кучайтиради, натижада у озикларни яхши ишлатиб, чиқиндиларни ҳайдаб чиқаради. Булар эса семириш сабабларининг бошланғичидир.

Қуюқ шароб ичиш, ҳазм бўлганда каймуси яхши бўладиган кучли ва пишиқ овқатлар, масалан, турли ҳалимлар, умочлар¹, ширгуруч, қовурилган гўшт кабиларни ейиш [керак]. Чунки қовурилган гўшда гўшт қуввати қамалиб қолиб, у пишиқ эт пайдо қилади, қайнатилган гўшт эса ғовак, таралиб кетадиган ва қарорланмайдиган эт пайдо қилади. Ўрдак гўшти семиртирувчидир, товуқ гўшти ҳам шундай; каклик гўшти бу жиҳатдан жуда етукдир. Шакар қўшилган мағизлар ҳам шундай. Овқатдан кейин ҳаммомга тушиш озикни баданга жуда тортирувчи ва семиртирувчи [тадбирдир], лекин бу иш кишининг жигарида, айниқса, [ейилган] овқат семирмоқчи бўлган кишилар ейдиган овқатдан бўлса, тиқилмалар пайдо қилади. Шунинг учун буни қўллайдиган кишиларда тош пайдо бўлади. Яратилишда томирлари тор бўлган кишида шу хил тиқилма ва тошлар кўп пайдо бўлади; бироқ ҳамма [кишилар] шундай бўла бермайди. Агар бундай [кишилар] ўнг томонларида оғирлик сезсалар, уларга жигар тиқилмаларини очадиган маълум дорилар ичирилади. Уларга то оғирлик кетгунча овқатдан олдин сирка ва асал қўшилган ковул ҳамда маълум уруғлар *сиканжубини* ичирилади.

Овқат биринчи ҳазмдан ўтиб, қуйига тушган пайтда ҳаммомга [тушиш] яхшидир. Шу билан бирга, ҳаммомдан чиққандан кейин фурсат ўтказмай овқат ейиш ҳам семиришга сабаб бўлади. Кўпчилик одамларни, айниқса, сўлиш ҳолатидаги одамларни ҳаммом жуда яхши семиртиради; ҳаммомга дастлабки ҳазмдан кейин, яъни овқат, айрим хилларини мустасно қилганда, меъдадан қуйига ўтганда тушиш керак. **Иссиқ мизожли кишиларга ачимаган қатиқдан тайёрланган айрон берилсин.**

Маълум бир аъзода қонни қамаб туриш ҳам семиртириш тадбирлардан бири бўлиб, бу бошқа томондаги унга рўбарў аъзони биз олдин айтиб ўтгандек қилиб боғлаш билан бўлади. Боғланадиган аъзо семиз бўлса ёки унинг семириши матлуб бўлмаса, унинг тагидан, яъни семиртирмоқчи бўлинган аъзога озиқ ўтадиган жойдан боғлаб қўйилади, [301] масалан, билак озғин бўлиб, кафт соғлом бўлса, кафт бўғинидан боғлаб қўйилади, ёки юқори билак озғин бўлиб кафт ва билак соғлом бўлса, тирсакдан, яъни билак юқорисидан боғлаб қўйилади.

Бадантарбияга алоқали ҳаракатлар ҳам семиртирувчи тадбирлардандир; бу ҳар бир енгил ва аста-секин қилинадиган мўътадил бадантарбия бўлиб, бир оз дағал ҳамда қаттиқ ва юмшоқликда мўътадил [латга] билан тез ишқалашдан кейин қилинади, айниқса, биз айтгандек, тери қизаргунча ишқалаш [яхшироқ]. Шундай ишқалашдан кейин мўътадил даражада бадантарбия қилинади ва қисқа вақтга ҳаммомга тушилади, кейин баданни артиб қуруқ уқаланади, семиртирадиган дорилар чапланади.

Сув ва ҳавони алмаштириш [семиртиришда] кўзда тутилиши зарур бўлган нарсалардан биридир: бу иккаласи, кўпинча, озиб кетишга сабаб бўлади.

Аъзоларни ҳаракатлантириб, қизартиргандан кейин чапланадиган дорилар, масалан, жуда суyoқ бўлса, зифтнинг танҳо ўзи ёки уни чаплаш учун суюлтирадиган миқдордаги ёғда эритилгани семиртирадиган дорилардан ҳисобланади. Гоҳо зифтнинг ўзини оловга яқин тутилган терида ишлатилади, у эригач [аъзога] ёпиштирилади, қотгандан кейин эса у терини кўчириб олинади, шунда [зифт] озиқни аъзога тортади ва уни ўша аъзода тўхтатиб туради, шунингдек, у тортувчи қувватни ҳам уйғотади, агар совуқлик қувват заифлиги ёки тери тешикларининг тўсилиши сабабли бўлса, уни кетказди; [озиққа] ёпишқоқлик ва зичлик беради, унинг устидан тери тешикларини тўсади, натижада у маълум аъзонинг бўлагига айлангунича тарқалиб кетмай тўхтаб қолади. Бу тадбир ёзда кунига бир мартаба, қишдагиси эса кунига икки мартаба ишлатилиши керак; [зифтни] аъзодан кўчириб олганда ёки ёпиштирганда аъзонинг қизариб кўпчиганига, ёки шу ҳолатнинг суствлик билан юз бераётганига қараш керак. Агар бу ҳолат тез юз берса, [зифтни] аъзода узоқ вақт қўйилмасин, балки тезда кўчириб олинсин; баъзан уни иссиқ ҳолда ёпиштиргандан кейин совуши биланоқ, кўчириб олиш кифоя бўлади. Гоҳо зифтдан олдин дағал ва қаттиқ нарса билан тез ишқалаш фойда беради; кейин зифт суртилади. Ёки аъзони силлиқ бамбук новдалари билан, айниқса, уларни ёглаб то аъзо қизариб кўпчигунча урилади, кейин тўхтатилади, чунки бундан ортиқ даражада ишқалаш ва уриш [озиқни] тарқатиб юборади. Кейин зифтни оловда мўъ-

тадил даражада иситиб ёпиштирилади, у совуб қотгач, бирдан кўчириб олинади. Яхшиси зифтдан олдин аъзога бир қадар иссиқлик ва ачиштириш хусусияти бўлган сув қуйиб, сўнг зифт суртиш керак.

Олтингугуртли ва мумли сувлар ҳам озиқни бадан сиртига тортади. Жолину: «Озиб кетган бир қулни мана шу тадбирни қўллаб семиртирган бир қул сотувчини кўрдим; || у қул оз муддат ичида думба солиб, 449 сонлари семириб кетди»,— дейди.

Зифт суртишни истамаган киши унинг ўрнига тери тешиқларини тўсувчи бир қадар иссиқлик ёғларидан бирортасини ишлатади. Агар баданнинг ҳамма ёғига ёки маълум аъзосига совуқ сув қуйишга чидаса, уни ишлатсин. Бунинг учун энг яхши вақт озиқ тортиладиган аъзосига чапиладиган дори ишлатилган бўлиб, [табiiий] қувват озиқни деярли қонга айлантирган вақтдир. Агар бу тадбир фойда бермаса, узоқ вақт даволашдан қочмай, балки латта билан ишқалаб иссиқ сув қуйиш, кейин қўл билан уқалаб, сўнгра зифт суртиб, тадбирни давом эттириш лозим. Баъзан уқаламай қизартирувчи дорилар, масалан, назла ўти, олтингугурт ва тоғ газгаўти кабилар орқали қонни тортиш зарур бўлади.

Аъзоларнинг баъзиларини семиртиришда одатдагидан кўра кўпроқ озиққа эҳтиёж тушади, чунки ундай аъзолардан озиқ одатдагидан кўра кўпроқ тарқалади. Уларни семиртириш учун ортиб қоладиган озиққа, айниқса, озиқ уқалаш натижасида тарқаладиган бўлса, эҳтиёж тушади.

Энди ичдан истеъмол қилинадиган дориларни ва ҳуқналарни баён қиламиз. Ичдан истеъмол қилинадиган дориларга келсак, буларнинг қувватидан кутиладиган мақсад шуки, улар озиқни ҳазм қилиб, уни меъдада ва ичакларда тутиб турувчи қувват орқали бир оз тўхтатиб туриши ва уни томирлар орқали жигар томонига ўтказиши керак. Сийдикни ҳайдаш хусусияти мўътадил бўлган дориларни, айниқса, овқат пайтида ёки овқатдан озгина муддат кейин ичилганда шундай таъсир кўрсатади. Сўнгра озиқни аъзода қуюлтиришга эҳтиёж тушади, бунинг эса совутиб увиштирувчи мингдевона ва шунга ўхшаш дорилар бажаради. Яна махсус семиртириш хусусиятига эга бўлган дорилар ҳам бўлиб, улар жуда кучли дорилардир.

Мўътадил [мизожлилар] учун мўлжалланган дориларнинг бири: бодом, пўсти ажратилган фундуқ, сақич дарахтининг меваси, писта, наша уруғи ва катта хил санавбар донасидан олиб, бу таркибни асал билан қорилади; ундан жавза миқдорида ёўлаклар ясалади ва шулардан ҳар кунни беш жавзадан ўн жавзагача истеъмол қилиб, устидан шароб ичирилади. Бу семиртиради, рангни чиройли қилади ва жинсий алоқа [қувватини кучайтиради].

Яна *семиртириб рангни чиройли қиладиган яхши дори¹: бир мак-
кук² оқ ун [302] ва беш уқия анзиратгўштхўрни олиб, иккаласини қо-
рамол ёғи билан яхшилаб қорилади ва бу таркибдан кулчалар ясаб
эрталаб ва кечқурун еб турилади. Ёки бодом, пўсти артилган фундуқ,
сақич дарахтининг меваси, кунжут ва кўкнордан баробар [миқдорда],
касилодан ярим бўлак, каллақанддан [шуларнинг] ҳаммасича олиб,
ҳар куни эрталаб ва ухлаш олдидан йигирма *дирҳамгача* кафт отиб
турилади.

Ал-Киндий [ишлаган дори]: канакунжут донидан чорак *килжани*
олиб, яхшилаб янчиб, устига янги соғилган сутдан икки *ритл* қўйи-
лади, керакли миқдорда бугдой уни билан қориб *бароздахийя* кулча-
лари ясалади; ҳар бир кулча бир ярим *уқия* оғирлигида бўлади, кул-
чаларни қуритиб пиширилади ва ҳар куни икки кулчани янчиб ейилади.

Кесак еб, жигар томонлари тўсилиб озиш ва ранг сарғайишга қар-
ши яхши тадбир: яхши майизни олиб, устига унинг тўрт баробарича сув
қўйилади ва бу то ярим қолғунигача қайнатилади, сўнгра майизнинг
ҳар бир кафтига икки *ритл* вазнида темир чирки, бир кафт жувона, бир
кафт шакар ва бир кафт какликўт ташланади. Аралашма икки ёки
уч кун қайнагандан кейин, сузиб наҳорга бир *ритл* миқдорида ичи-
лади. Уч соатдан кейин ковул ва ганданодан қилинган нонхўриш би-
лан нон ейилади, устига бир *ритл* кучли набиз ичилади. Кейин етти
соат ўтгач, семиз гўшт еб, устидан уч *ритлгача* кучли набиз ичила-
ди. Бу тадбир, албатта, мизожи кучли кишиларда ажойиб таъсир кўр-
сатади ва уларнинг рангини чиройли қилади.

Ёки катиरो, кўкнор уруғи, *гавз гандум*, баҳман, ковул, қаҳрабо,
ёввойи занжабил ва *муғоснинг* ҳар бирдан уч ярим *дирҳам* олиб, ян-
чиб сариёғда қовурилади, бунинг устига икки *манн* бугдой толқони
ташланади. Бу таркибдан ҳар куни ўттиз *дирҳамгача* олинади ва сут,
сариёғ ва шакар билан қайнатиб ҳолвайтар ясалади ва ейилади; ун-
дан кейин енгил равишда иссиқ сув билан ювилади.

Ёки муғосдан эллик *дирҳам*, ҳарбақдан йигирма *дирҳам*, катиро-
дан қирқ *дирҳам* ва ёввойи занжабилдан ўттиз *дирҳам* олиб элана-
ди, кейин ҳаммасининг учдан бирича оқ нон, яна ҳаммасининг учдан
бирича пўсти ажратилган бодом ва яна ҳаммасининг учдан бирича
сулаймоний шакардан олиб, бу таркибдан ҳар куни йигирма *дирҳам*-
ни бир *ритлдан* қўй сути ва узум шираси билан қўшиб ҳолвайтар ясаб,
истеъмол қилинади.

Мўътадил семиртирадиган содда дорилар, мағзлар, турли унлар,
гавз гандум, *касило*, айниқса, унинг толқон билан қўшилгани,— чунки
бу семиртприш билан бирга толқоннинг қоринни кўпчитиш хусусияти-
ни синдиради,— ёввойи наша уруғи,— лекин бу меъдала узоқ туриб

қолади,— муғос, ёввойи занжабил, [ҳар] иккала хил баҳман, шунингдек, тоғ пиёзи, ёввойи ясмиқ ва ловия каби эрлик уруғини қўзғатадиган ҳамма нарсалардан [иборатдир].

Хос дорилар ўрнида юрадиганлардан бири шуки, хурмо қуртини қуритиб янчиб, ундан бир озини толқонга аралаштириб ичилади.

Иссиқ мизожлилар учун яхши тадбирлар. Қўпда қуюқ бўлмаган ва ачимаган, балки сингишли ва енгил [ҳазм] бўлиши учун ёғи олинган қатиқ айронини олиб, озгин кишига ярим *ритл* миқдорда ичирилади ва у то ҳазм бўлгунича уч соат тўхтатилади, кейин иккинчи марта ўшанча ичирилади; кечгача овқат берилмайди. Ундай кишиларнинг овқати семиз жўжа [гўштидан] иборат бўлади, агар суюқ оқ шароб ичишни кўтара олса, ичирилади. Агар кечки овқат ейишдан олдин || суюқ тиниқ 450 набиздан бир қадаҳ ичиб, сўнг ҳаммомга тушса ва ҳаммомдан чиқиб кечки овқатни еса, жуда яхши бўлади.

Бошқа хил [тадбир]. Нўхатни олиб, сигир сутида бир кеча-кундуз ивитиб қўйилади, агар сутни янгилаб нўхатни кўпроқ ивитилса ҳам мумкин. Сўнгра ювилган оқ гуруч, янчилган кўкнор уруғи, янчилган буғдой ва арпаларнинг ҳар биридан ўттиз *дирҳамдан*, қуритилган оқ нон ва оқ шакарнинг ҳар биридан ўттиз *дирҳам*, пўсти артилган бодомдан эллик *дирҳам* олиб, ҳаммасини бирга қўшилади. Бу таркибдан ҳар куни ўттиз *дирҳамни* янги соғилган сутда ёки ўсимлик мойи ва сариёғда қайнатиб ичилади. Кейин ичилган нарса [баданга] тарқаладиган миқдорда ваннада чўмилинади.

[303] Ёки янги соғилган сутдан бир *ритлни* бир *ритл* сувга солиб, то сув йўқолиб кетгунича аста-секин қайнатилади. Бу қайнатмага бир *уқил* каллақанд ва бир *уқил* сигир сути ёғи ва кунжут ёғи солиб, яхшилаб қайнатиб истеъмол қилинади.

Ёки нўхат уни, боқила, арпа ва гуручдан баробар бўлакларни, пўсти ажратилган ясмиқ, оқ кўкнори, пўсти ажратилган мошларнинг ҳар биридан ярим бўлак, ёрилган буғдой ва пўсти ажратилган кунжутдан ярим бўлакдан ҳамда шакардан икки бўлак олиб, қўй сути қўшиб суюқ овқат тайёрланади ва эрталаб истеъмол қилинади.

Ёки мингдевонани олиб, сувда яхшилаб қайнатилади ва сувини синчиклаб сузиб ўтказилади, сўнгра ўзини сояда қуритиб хамир ўртасига қўйилади. У хамирни тандирдаги пишиқ ғишт устига қўйиб нон қилинади; хамир ҳам хурмо сингари қизаргач, уни тандирдан олиб янчилади. Шундан икки *мисқолини* кунжут ва кўкноридан тайёрланган майда таркибнинг бир *ритлига* қўшиб, эрталаб ва кечқурун уч кафтдан истеъмол қилинади.

Ажойиб дори. Мингдевонани олиб, бир кеча-кундуз ивитгандан кейин сув билан ювиб қуритилади. Сўнгра сариёққа чўмдириб янчила-

диган даражада қовурилади. Устига тўрт баробар келадиган миқдорда пўсти ажратилган бодом ва шунча ёнғоқ ва шу миқдорча шакар қўшилади. Ухлаш олдидан ундан беш *дирҳамча* истеъмол қилинади.

Бу хил кишиларни¹ пақ-пақ, итузум, сутчўп, тут ва каклик гўшти семиртиради. Ҳаддан ташқари озғин кишилар биз ингичка оғриқ касаллиги ва меъда қуруқлиги бобида айтиб ўтган рутубатлантирувчи давога муҳтож бўладилар; ўша бобларга мурожаат қилинсин. Буларга ҳам ҳар уч-тўрт кунда маълум йўсинда зифт суртиш керак.

Совуқ мизожли кишилар учун қўлланиладиган тадбир. Совуқ мизожлилар учун кафт отиб [ишлатиладиган] дори: оқ харбақ, *будринжон*² ва оқ кўкнорнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, бурақ ва савнабар донининг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, ёввойи наша уруғидан тўрт *дирҳам*, савринжон, мингдевона уруғи, назла ўти, *хавлинжон* ва оқ баҳманнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, *касилодан* беш *дирҳам*, оқ буғдойдан бир *маккук* олинади. Буғдойни кўпчигунча сутда ивтилади, кейин сояда қуритиб қовуриб толқон қилинади. Кейин ҳаммасини бир-бирига қўшиб устига сигир сути ёғидан ўн чўмич солинади ва бу таркибдан ҳар куни эрталаб ўн ва кечқурун ўн [*дирҳам*] истеъмол қилиб, устидан сут ичилади.

Бошқа машҳур дори. Оқ индов, нўхат уни, боқила уни ва жувонанинг ҳар биридан бир бўлакдан, *касилодан* икки бўлак, Қирмон зираси ва мурчнинг ҳар биридан ярим бўлакдан олиб янчилади ва ҳамир қилиб тандирда пиширилади, сўнгра қуритиб ўзига баробар қуритилган оқ нон қўшилади ва бу таркибдан ҳар куни сут билан қўшиб овқат тайёрлаб истеъмол қилинади. Ёки семиз жўжа шўрвасига [ўша нонни] солиб, овқатдан олдин истеъмол қилинади.

Бу хил кишилар учун ичимлик: *касилодан* беш *дирҳам* олиб, ҳеч нордонлиги бўлмаган икки *ритл* яхши шаробга қўшилади; шундан эрталаб, кечқурун ва ҳар бир ухлаш олдидан бир пиёладан ичиб турилади. Кетидан толқон, шунингдек, толқонга қўшиб «барбар ўйинчоғи» истеъмол қилинса, улар учун зўр фойда етказди, чунки бу уларни қиздириб ҳўллайди, лекин бунинг ҳарорати кучлидир.

Қуруқ мизожлилар учун қўлланиладиган тадбир. Бу кишиларни улар учун тайинланган маълум ҳўлловчи дорилар ва ингичка оғриқ касаллигига учраганлар учун қўлланиладиган тадбирлар билан даволанади. Сўнгра қуруқ мизожлилиги ҳароратдан пайдо бўлган кишиларга иссиқ мизожлиларга қўлланиладиган тадбир, қуруқ мизожлилиги совуқдан бўлган кишиларга эса, кексайиб ориқлаган кишиларга ишлатиладиган тадбир қўлланилади.

Ҳуқна дориларга келсак, буйракни семиртирадиган ҳар бир ҳуқна дори, масалан, қўй сути ва шунга ўхшашлар, айниқса, ичида бир оз

гальбан елими эритилган қўй сути улар учун [фойдалидир]. Ҳуқна дориларнинг баъзиси мураккаб бўлиб, улар жинсий алоқа бобида айтилади, улардан бирини [ҳозир] айтиб ўтамиз: семиз қўйнинг калласини олиб, тозалаб яхшилаб майдаланади ва унга ярим *ритл* думба ва икки *ритл* сут қўшилади, кейин янчилган буғдой, гуруч ва нўхатларнинг ҳар биридан чорак *ритлдан* олиб, ҳаммасини бир-бирига қўшгандан кейин сувда эзилтириб пишириб сузилади. Бунинг ўзини ҳам, сувини ҳам юқоридаги бошқа нарсаларга қўшиб қайтадан ҳаммасини тандирда қайнатилади, ниҳоят, қўй калласи ҳам ҳил-ҳил пишади, кейин ҳаммасини сузилади. Шу шўрвадан уч *уқия*, ёғидан икки *уқия*, бодом ва ёнғоқ унининг ҳар биридан бир *уқиядан* олиб, шу таркиб билан ҳуқна қилиб ухланади.

[304] Учинчи фасл. Қўл, оёқ, лаб, бурун, олат қалпоғи ёки олатнинг ўзи каби айрим аъзоларни семиртириш

Бунга эришиш ейиладиган ва ичиладиган нарсалар орқали бўлмай, балки ўша аъзонинг ўзига хос тадбирни қўллаш орқали бўлиши мумкин; чунки [овқатлар] бадан учун умумийдир,—балки муайян аъзога озиқни тортиш, унда озиқни тўхтатиб туриш ва уни ўша аъзо табиатига айлантириш орқали бўлади. Бу эса, билиб ўтганингдек, дағал латта билан ишқаб қизартириш ва қизартирувчи дорилар билан бўлади, кейин олдингисидан кўра кучлироқ ишқалаб, илиқ сув қуйилади, сўнгра зифт суртилади; айрим [табиблар] қуруқлик зулугини соладилар, булар эса қизил қуртлардан иборат бўлиб, зифт қувватига эгадир. Зифтнинг қандай ишлатилишини олдинги бобларда билган эдинг.

[Озиқ] моддасининг аъзодан ёки озиқ тақсим қилинадиган жойдан 451 бошқа аъзога ўтиб кетадиган йўлини тўсиш орқали [озиқни] шу аъзога йўналтириш ҳам [унинг семиришига] ёрдам беради, буларни сен биласан. Лаб, бурун ва қулоқ каби баъзи аъзоларга темир қурол билан қилинадиган махсус амаллар бор, бу ҳақда ҳам бошқа жойда айтилган эди. Айтишларича, лаб ва бурун қисқа бўлса, уларнинг ўртасини ёриб икки томонини очилади ва ўртадаги этнинг қаттигини кесиб олинади; шунда [бужмайиб] қисқариш кетиб, улар узаяди.

Тўртинчи фасл. Ҳаддан ташқари семизликнинг айблари

Ҳаддан ташқари семизлик баданнинг ҳаракатига, кўтарилишига ва ўзини эплай олишига халақит беради. У томирларни қисиб торайтиради, натижада руҳ йўли тўсилиб, кўпинча, руҳ сўлиб қолади. Уларга майин ҳаво ета олмай қолади, натижада улардаги руҳнинг мизожи

бузилади. Уларда тор жойга қоннинг ҳайдалиб бориш хавфи пайдо бўлади; баъзан тўсатдан бирор томир ёрилиб ўлдириб қўяди. Бундай ҳолатда ва бундан олдинги вақтларда у кишиларда нафас қисилиш ва хафақон юз беради; шу пайтдаги ҳолатга қарши томирдан қон олиш чораси кўрилсин; қисқаси, улар тўсатдан ўлиши мумкин. Умуман, ҳаддан ташқари семиз кишилар тез ўлади, айниқса, умрининг бошланғич пайтида семиз бўлган кишиларда шундай бўлади, чунки уларнинг томирлари тор ва қисилган бўлади: улар сакта, фалаж, хафақон касалликларига, рутубатлиликлари сабабли ич кетишга, нафас олишнинг ёмонлашувига, беҳуш бўлиб қолишга ва ёмон иситмаларга мойил бўладилар. Улар руҳ йўлларининг торлиги, мизожларининг жуда совуқлиги, қоннинг камлиги ва балғамнинг кўплиги сабабли очликка ва ташналикка чидай олмайдилар.

Киши совуқ мизожли бўлмаса, бундай семизликка эриша олмайди, шунинг учун улардан фарзанд бўлмайди, ўзлари соғлом бўлмайдилар ва эрлик уруғлари оз бўлади. Семиз хотинлар ҳам шундай; уларнинг бўйида бўлмайди, ҳомиладор бўлсалар ҳам, бола ташлайдилар, уларнинг шаҳватлари ҳам заиф бўлади.

Бундай кишиларни дорилар билан даволаганда дорилар томирлар орқали касал аъзоларига ўтмайди, касал бўлганларида ҳам тезда уни сезмайдилар, чунки сезгилари кучсиз бўлади. Уларнинг томиридан қон олиш қийин, уларга сурги қилдириш хавfli бўлиб, баъзан хилтларини қўзғатиб юборади ва хилтлар қайтиб томирларга ўта олмайди, чунки томирлар қисилган бўлади; бу баъзан уларни ҳалок қилади.

Агар улар бирон нарса қилсалар, туғма ҳароратлари кучсиз бўлганидан заифлашадилар. Чунки [туғма ҳароратлари] турган жой тордир. Биз мўътадил даражада семизлик, айниқса, ёшлик пайтида яхши эканини айтдик. Уртача¹ семизлик гарчи кишини чарчатиб ҳаракат қилиш учун заифлаштира ҳам, рутубатликка далолат қилиши сабабли узоқ яшашдан дарак беради.

Бешинчи фасл. Оздириш тадбири

Оздириш тадбири семиртириш тадбирининг аксидир. Бу эса овқатни кам бериш, овқатдан кейин ҳаммомга тушириш, кучли бадантарбия қилдириш, узоқ вақт ўтказиб овқатлантириш, овқатни озиқ бўлмайдиган ва озиғи қуруқ бўладиган нарсадан ёки ясмиқ, нонхўриш ва сиркаланган [нарсалар] сингари мазаси ўткир ёки шўр нарсаларни беришдан иборат.

Уларнинг ейдиган нонлари кепакли нон ва арпа нони бўлсин; овқатларига иссиқлик дориворлар кўпроқ қўшилсин. Уларнинг айтиб

ўтилган овқатларига баён қилинган жуда ёғли нарсалар қўшилса, айниқса, уларни тез тўйғизиб, кам овқат бўлишларига ёрдам беради, чунки иштаҳалари кучсиздир. Улар кунда бир маҳал овқатлансинлар. Овқат моддаси йиғилиб қолса, уни тарқатиш тадбири қўллансин; бунга кучли бадантарбиялар қилиш, дағал кийим кийиш, дағал тўшакда ётиш, совуқ сув ўрнига иссиқ сув ишлатиш совуқ ҳаво ўрнига иссиқ ҳавода бўлиш орқали баданни сийраклатиш,— [305] шунингдек, тешиклари буришиб тўсилиши ва тук ҳурпайиб [тери] тигизлашуви орқали бадан озиқни қабул қилмасин учун доимо баданни очиб совуқ [ҳавога] тутиш ёрдам беради; бу ичкаридан келаётган нарсаларнинг тортилиш муқаддимаси бўлган мўътадил тарқалишга тўсқинлик қилади. Агар ёз пайти бўлса, баданни иссиқ ҳавода очиб турилади, шунда тарқалиш кўпайиб аъзога тортилаётгандан кўра кўпроқ озиқ тарқалади.

Мўътадил бўлмаган турли бўшатнишлар ва қусиш [ҳам оздирниш тадбиридир]; чунки овқатдан олдин ва кейин бўладиган қусиш мўътадил семиртиради, лекин кўп қусиш оздирадн. Мизожни семиртиришни келтириб чиқараётган мизожнинг тескарисига айлантириш, агар мизож совуқ бўлса,— иситиш тадбирини қўллаш билан, агар мўътадил ҳарорат бўлса, совуққа ёки ҳаддан ташқари иссиққа мойил қилиш билан бўлади. Кўпроқ аҳволда ҳаддан ташқари семирган ва семизлиги совуқдан бўлган кишиларнинг кўпчилигига энг фойдали нарса [моддани] суйилтирувчи дориларни истеъмол қилишдир; бу тадбир иссиқ мизожли киши учун ҳам фойдали.

Семиз кишиларга кучли бадантарбия ва турли бўшатиш тадбирларини юклаш керак, чунки, бу тадбир хилтларга уч хил таъсир кўрсатади ва бу таъсирларнинг ҳар бири озишга ёрдам беради. У [уч таъсирнинг] бири шуки, хилтларни суйилтириб қуюлганликдан узоқлаштиради ва тарқалишга мослаштиради. Яна бири шуки, у [тадбирлар] хилтларни қўзғатиб томирлардан бошқа томонга йўналтиради. Улар яна қонга тортувчи қувват ёқтирмайдиган ўткир кайфият беради.

Суйилтирувчи дорилар кўпроқ вақт бўғин оғриқларида ишлатиладиган дорилардан иборат бўлиб, улар сийдикни юргизишда ҳам жуда кучли таъсирга эга бўлади. [Аммо] овқатга аралашиб томирларга қараб йўналадиган, томирлардан моддаларни олиб, уларни сўрувчи майда томирларга ҳамда сийдик йўлларига йўналтиришга қодир бўлмайдиган мўътадил дорилар ишлатилмайди. Лекин буларни иккинчи ҳазм воқе бўлгандан кейингина ишлатилади, шунда у дорилар жигарга тушиб, шу ерда дастлабки ишини кўрсатади. Бироқ кучли хилтларни бир-биридан ажратиб томирлар йўлидан бошқа ёққа йўналтирадиган, натижада томирларни оч қўядиган ва бошқа ишларни ҳам бажариб

турадиган дори ишлатиш яхшироқ; бу дорилар ҳайз қонини ҳам кучли равишда юргизиб, || семиз хотинларнинг озишига ёрдам беради. Бу дорилар гентиана илдизи, газгаўт уруғи, юмалоқ аристолохия, тоғ петрушкаси ва жулах кабилардир. Сандарак елимида қаҳрабо қувватига қарши оздирувчи жуда кучли хусусият бор. *Лакк* ҳам ана шундай хусусиятга эга, петрушка уруғи ҳам шундай. Зок кучли равишда оздирувчи бўлса-да, хатарлидир, самсақ ҳам шундай.

Мураккаб дори. Юмалоқ зарованддан бир *дирҳам*, ингичка хил *луфодан* учдан икки *дирҳам*, Рум гентианаси илдизи, жулах, тоғ петрушкаси ва *афъо* илони тузининг ҳар биридан уч *дирҳамдан* олинади, шунинг ўзи бир ичим бўлади.

Кучли дори. Ёввойи бодринг илдизи, гулхайри илдизи ва говшир илдизини олиб, ҳаммасидан элаки дори ясаб бир *дирҳамдан* ичпади. Яна жувона уруғи, газгаўт уруғи ва зирадан баробар бўлакдан, қуруқ самсақ ва бурақнинг ҳар биридан чорак бўлак ва *лаккдан* бир бўлакни олинади. Бу таркибнинг бир ичими бир *мисқол* бўлади.

Сирка, *муррий* [моддани] суюлтирувчи дорилардандир, айниқса, наҳорга ичилса, шундай таъсир кўрсатади; лекин асаблари кучсиз ва бачадони касал киши сиркадан сақлансин. Наҳорга шароб ҳам [моддаларни] тарқатиши ҳамда кўп ичилганда томирларни буғга тўлғазиши сабабли оздиради, чунки томирлар ўзларига кирадиган бошқа овқатни қабул қилмай қўяди. Ични юмшатувчи дорилар ҳам шундай: улар томирдаги овқатларни сарф қилиб юборади; бу хил дорилар кўп ишлатилса, озиқни тортувчи қувват бўшашади ва томирлар хилтларнинг ичаклар томон бўладиган озгина ҳаракати пайтида ҳам ўзларига йўналиб турадиган нарсалардан бўшалишга одатланиб қолади. Ични юмшатувчи ва [хилтларни] суюлтириб юргизувчи дорилар бир-бирига ёрдамлашиб турганда томирларга кўп нарса келолмайди.

Тарёқ истеъмол қилиш, *афъо* илонлар тузи, зарчава дориси, *каммуний*, *фалофилий*, *сажасониё*, *анқардийё*, *лакк* дориси, *асоносиё*, *амрусийё*, кичик *атрифул* ҳам оздирувчи дорилардандир. Уларга суртиладиган дориларга келсақ, бу дорилар тортувчи қувватни совутиб увуштирувчи бўлиб, заҳарли хусусиятга эга бўлади, масалан, сассиқ-алаф ва мингдемона, ёки улар кучли тарқатувчидир, масалан, ўсимлик ёғлари ва кучли тарқатадиган суртмалар [шундай хусусиятга эга].

Бундай кишилар [306] наҳорга ҳаммомга тушишлари, ҳаммом эса ҳаволи ва терлатадиган бўлиши, сувли ва рутубатлантирувчи бўлмаслиги керак. Агар ҳаммом сувли бўлса, тарқатмай фақатгина тортиш натижаси келиб чиқмасин учун унда узоқ туриш керак эмас. Ҳаммомдан кейин овқатланишга шошилмаслик, балки сабр қилиб ётиш, ба-

дантарбия қилиш, сўнг ором олиш¹, шундан кейин озгина ва енгил овқатланиш керак. Шунингдек, бундай кишини уқалаганда кетма-кет ва тарқатадиган равишда уқалаш лозим.

Олтинчи фасл. Эмчак, мояк, қўл, оёқ ва шуларга ўхшаш айрим аъзоларни оздириш

Бу тадбирни қўллашда ҳам умуман оздириш ҳақида айтилган ҳолатлар ва шартларга мурожаат қиламиз, сўнгра бунга хос ёрдам берувчи дорилардан ёрдам оламиз. Аъзоларни тинч қўйиш, совутиш, аъзоларга боровчи озиқ йўллари боғлаш, боғичларни ўша йўлларнинг яқинига доимий равишда боғлаб қўйиш, озиқни у аъзоларнинг қарши томонларига тортириш каби тадбирлар шу хил ёрдамчи тадбирлардир.

[Қуйидаги таркибдаги] дори моякни катталашишдан ва эмчакларни улғайиб кетишидан тўхтатадиган суртмалардан биридир: *қимулиё* кесаги ва қалай упасини олиб мингдевона шираси ва мирта ёғига аралаштириб суртилади. Ёки ўша аъзоларга қайроқтошнинг бири-бирига ишқалаганда [чиққан] кукунини сирка ёки мингдевона ширасига қўшиб, доимо суртиб турилади. Аччиқтошни доимо кўп-кўп суртиш ҳам [шундай таъсир кўрсатади].

Ёки бир бўлак [тоза] кесак ва кўк мозини олиб, иккаласи янчилади ва асал билан қўшиб бир кун суртиб қўйилади, кейин совуқ сув билан ювиб ташланади; бу тадбирни бир ойда уч марта қўлланилади. Эмчакка хос тадбир янчилган зирани сирка билан қориштириб қўйиб боғлашдир. Устига сирка билан ҳўлланган латта бойлаб қўйилади, бу уч кун тургач, кейин ечиб ташлаб кетидан оқ гулсапсар пиёзи боғлаб қўйилади, буни ҳам уч кунгача ечилмайди. Бу тадбир бир ойда уч марта қўлланилади.

Энди тирноқ касалликлари ҳақида гапирайлик.

Еттинчи фасл. Милкак

Милкак иссиқ чиқиқсимон шиш бўлиб, тирноқ ёнида пайдо бўлади. Унинг оғриғи зўр бўлиб гоҳо ярага [ҳам] айланиб кетиб, эт ейилишига олиб келади. Гоҳо унинг ярага айланиб кетган хилидан суюқ сассиқ модда оқади, бунда бармоқ учун хавфу хатар пайдо бўлади. Кўпинча, иситма [ҳам] чиқади.

Саккизинчи фасл. Даволаш

Томирдан қон олиш ва сургига эҳтиёж тушса, шундай қилинади; шунингдек, енгил ва совуқлик овқат бериш лозим. Буни даволаш ҳам

бошқа шишларни даволашга ўхшайди, яъни милкакнинг бошланиш, зўрайиш, авжига чиқиш ва пасайиш ҳолатларини юқорида билиб ўтганингдек кўзда тутиш керак.

Милкак чиққан жойга [ишлатиладиган] дориларга келганда [шунини айтиш керакки], милкак бошланган пайтда уни иссиқ сиркага ботириш лозим. Жолинуc иссиқ сиркани милкакка қарши жуда фойдали деб тавсия қилган. Сирканинг, айниқса, кепак ёки арпа толқони қўшилган [сирканинг] дастлабки пайтда жуда фойдали эканига шак-шубҳа йўқ; кофур билан тайёрланган марҳам ҳам шундай. Афюнни испағулдан сирка ёрдамида чиқариб олинган ширага қўшиб ишлатилса, жуда фойдали бўлади. Янчилган мозини милкакка қўйиб боғланса ҳам, баъзан уни қайтаради. Қулоқ чиркини ҳузаз билан қўшилгани ҳам баъзан милкакнинг модда йиғишига тўсқинлик қилади. Ҳузаз жуда фойдали; татим, фил тишининг эговлагандаги кукуни, араб акацияси шираси — ана шуларнинг қайси бири бўлмасин *сиканжубин* билан қўшиб боғлаб қўйилади. Мозини асал билан қориб ҳам қўйилади: бу милкакнинг мустаҳкам ўрнашиб қолишига тўсқинлик қиладиган нарсалардандир.

Милкакли жойни доимо совуқ сувга ботириб турилади. Оғригини 453 афюн билан тўхтатилади, || бу ажойиб доридир. Шу пайтда испағул шираси ҳам фойда беради. Ёки мози, нордон анор пўчоғи, мис тўполи ва қуруқ анжирдан баробар олиб, асал ё узум шинниси, ёки гулоб билан қориб, милкакка боғланади. Милкакнинг ярага айланишидан қўрқсанг, унга ёғ ва рутубатни яқинлаштирма. Гулсапсар илдизи¹, танҳо ўзи янчилган кундур елими ёки унинг бошқа нарса билан қўшиб янчилгани, шунингдек, узум шиннисига солиб қайнатилган мирта дони ҳам баъзан [милкакни] қайтаради.

Милкакдан қутқазувчи дори. Сабр, анор гули, кундур елими ва мозиларни олиб, асал билан қўшиб ишлатилади. Совутувчи нарсаларни узлуксиз ишлатиш керак эмас, чунки милкак бошланишининг дастлабки вақтидан ўтганда совутувчи нарсалар [терини] зичлаштириб қўяди, натижада модда қамалади ва оғриқ зўраяди. Бу пайтда сезилётган ҳароратга, агар у оловдек бўлса ҳам, аҳамият берма; [307] тарқатувчи ва қуритувчи дори ишлат. Баъзан қиздирилган ёққа милкакли жойни ботириб чидаб туриш фойда беради. Милкакнинг ўрта даврида кундур елимини ёки темир зангини ва седанани янчиб қўйилади. Юмшатувчи ширалар ва ёғлар [ҳам фойдали]. *Андрун* ва *Мусос* кулчалари ҳам шундай. Милкак модда йиғишидан олдин қулоқ чирки унинг учун яхши доридир.

[Милкак] етилганда унга канавча уруғи ва испағул уруғини сутга қўшиб қўйилсин. Милкак авжига чиқишга ва модда йиғишга яқинлашганда тузни куйдириб зайтун ёғи билан қориб қўйиш керак, чунки бу

оғриқни тўхтатади. Модда йиғиши тугалганда моддаси чиқиб кетиши учун уни нозик ва кичкина қилиб ёриш керак. Ичидаги нарса чиқиб кетгач, ясиқ, *анор гули¹, қизил гул, кунор меваси толқони, олма толқони ва дўлана толқони каби буриштирувчи дорилар қўйиб боғлансин. Булардан кейин Миср боқиласининг толқонини² асал билан қўшиб қўйилсин.

Милкак ярага айлангач, сабр унинг учун энг яхши даволардан бўлади. Зирних билан бирга кундур елими, қўрғошин упасининг марҳами билан аралаштирилган зангор марҳами ва анзиратгўштхўр ҳам шундай, буларнинг устига шароб шимдирилган латта парча ёлиб қўйилади. Шу пайтда этни тирноқдан ҳар томонлама ажратиб қўйилади ва этга санчилаётган тирноқ кесиб ташланади.

Бавлус баён қилган яхши марҳам. Куйдирилган зок ва кундур елимидан бир бўлакдан, зангордан ярим бўлак олиб, асал билан эзиб ишлатилади. Яна бир шу хилдаги марҳам: нордон анор пўчоғи, мози, мис тўполи, зангорни асал билан аралаштириб, милкакка чапиб боғланади. Милкакли жойга сув ва ёғ тегизилмасин.

Яхши марҳам. Куйдирилган зок ва кундур елимининг ҳар биридан бир бўлакдан, зангордан ярим бўлак олиб, асал қўшиб милкакка қўйилади.

Баъзан милкакли жойнинг ўйилиб ейилиш хавфи туғилса, зирних, зок, зангор³ ва оҳакдан тайёрланган *фалдафиюн* ишлатишга эҳтиёж тушади; бу дори милкакни қуритади, ундан афзал нарса йўқ. Ярага айланган милкакдан модда оқа берса, унинг зарари ҳамма бармоққа ёйилмасин учун ўша ерни доғлаб кесиб ташлаш керак. Биз [олдин ҳам] милкак ҳақида гапирганмиз.

Тўққизинчи фасл. «Сичқон қулоқ», тирноқларнинг ёрилиши, пўстлоқланиши ва қўтирланиши

Бу касалликлар қуруқлик ва савдо мизожи сабабли юз беради. Тирноқ ёрилиб унинг ажралган ўткир бўлакчалари этга ёпишиб санчилиб азият берса, буни «сичқон қулоқ» деб аталади.

Д а в о л а ш. Бунда савдо хилти кўпайган бўлса, уни бўшатиб баданни тозалаш зарур. Касал жойнинг дорилари шуки, *ашросни* хамирга ишлатиладиган туз ва сирка⁴ қуйқаси билан қўшиб суртилади; ёки денгиз пиёзининг қовурилганини, айниқса, кунжут ёғи билан қўшиб боғлаб қўйилади, ёки зиғир уруғи ва индовни асал билан қўшиб боғланади. Янчилган индов ва туз бу ҳақда фойдали бўлиб, тирноқ майдаларини қўпориб чиқаради. *Ёки *ашросни* сиркага қўшиб суртилади⁵, ёки *ашросни* туз ва узум шароби чўкмаси билан суртилади. Бу дори-

лар тирноқ қўтири ва пўстланишида ҳам фойдалидир. Эритилган мас-таки билан йирик қилиб янчилган туз ҳам шундай. *Эритилган қўй ёғи ҳам тирноқ қўтирларида фойда беради¹.

Унинчи фасл. Тирноқда юз берадиган тиришиш, эгрилик ва моховлик

Бу касаллик тирноқда, кўпинча, савдо хилти сабабли юз беради, [савдо хилти] тирноқни букади, тириштиради, қийшайтиради ва мохов қилади. Кўпинча, бу касалликка тирноқда юз берган, кўчирувчи воситаларнинг бири сабаб бўлади. Тирноқни яхшилаб жойлаштирмоқчи бўлинади, лекин уни секин-аста қилмасдан, ҳадеб қўл тегизила берил-лади ва оғритилади, натижада тирноқ ёмон кўринишда ўсиб, ҳамма вақт шу кўринишда чиқа беради. Чунки тирноққа келадиган озиқ келад-ию, икки табиий йўл билан унга ўтмайди ва тарқалмайди, натижада тирноқ тагида йиғилиб, илдиз сингари шу [касалликка] ёрдам беради.

Кўпинча, букилган ва қийшайган тирноқни етти кун чарви боғлаб қўйиш орқали даволанади; кейин шиша парча билан қирилади. Бу тadbир тирноқ тўғрилангунча қайта-қайта қўллаб турилади. Кўпинча, тирноқ йиқилиш сабабли кўчиб тушади, шунда унинг оғриғи зўрайиб иситма пайдо қилади.

Ун биринчи фасл. Даволаш

Сабаб савдо хилти бўлиб, у хилт бутун баданга тарқалиб тирноқ-ларнинг ҳаммаси касалланган бўлса, у хилтни бўшатиш зарур. Бу пайтда энг мувофиқ тadbир овқатни мослаштиришдир, кунжут ёғини доимо ичиб турадиган кишининг [308] тирноқлари текисланади.

Агар савдо хилти фақат тирноқнинг ўзида бўлса, касал жойнинг ўзига ишлатиладиган даволар қўлланилади. Буларнинг баъзиси тир-ноқни юмшатиб, уни қириб текислаш учун тайёрлайди; масалан, тир-ноққа оҳак ва зирних ишлатилса, уни пичоқ билан исталганича қириш мумкин бўлади. Шунингдек, тирноққа бўза қуйқаси боғлаб қўйилса, уни текислашни осонлаштиради; ёки агар қўл чидай олса, [тирноқни] мум билан қиздириб текисланади. Сарв елими тирноқни юмшатиш учун яхши қуюқ суртмадир. Зиғир уруғи ҳам тиришган тирноқ учун яхшидир. Эритилган қўй ёғини бир неча кун тирноққа боғлаб қўйилса, 454 уни юмшатади. Биринчи [боғлашда] юмшатмаса, || то уни юмшатиб текис-ланишга тайёрлангунича бу тadbирни бир неча мартаба қайтарилди.

Ун иккинчи фасл. Шакли ва ранги ёмон ёки бошқа айбларга эга бўлган тирноқ ўрнига яхши тирноқ ўсиши учун кўчириб ташлаш тадбирлари

Сарв елимини олиб, оғритиб турган ёмон тирноққа уни юмшатиш учун бир неча кун боғлаб қўйилади. Кейин тирноқ илдизига игна санчиб, ундан кўпгина қон оқизилади, сўнгра саримсоқни янчиб, тирноқ устига бир кеча-кундуз боғлаб қўйилади ва саримсоқни бир кеча-кундузда икки мартаба янгиланади. Бу тадбир [тирноқни], албатта кўчириб тушириб юборади. Тирноққа доимий равишда майиз боғлаб қўйиш ҳам баъзан уни озгина тадбир орқали тушиб кетишга тайёрлайди, айниқса, майизни говшир ёки чарви билан янчилган олтингугуртга аралаштирилса шундай бўлади.

Айиқтовон тирноқни кўчиришда кучли дорилардан биридир. Дуб асал майвизаги, *софсиё*, тоғ газгаўти, зирних ва олақулангларни сирка билан қўшиб доимий равишда тирноққа боғлаб қўйилса ва бир неча кун ўтказиб ечилса, бу ҳам кўчириб туширади. Яна икки хил зирних, сариқ олтингугурт ва сақич таркибидан сирка қўшиб, қуюқ суртма қилиб боғланади, уни ҳар ҳафта ечиб ташланади.

Ун учинчи фасл. Янгидан ўсаётган тирноқни парвариш қилиш

Тирноқни бекитиш тадбирини қўллаб, уни қўл, ҳаво ва бошқалар тегишидан сақлаш ва бўш қўйиб қўйиш керак. Бунинг учун энг мувофиқ тадбир кумушдан қалпоқча каби бир нарса ясаб бармоқ учига кийгизиб боғлаб қўйишдир, ҳаво бутунлай тўсилиб қолмасин учун у нарсада тешик ва ёриқлар бўлади. Агар ҳавонинг иссиқ-совуқлиги ёки бошқа бирон сабаб билан тирноқни ҳаво тегишидан сақлаш зарур бўлса, уни бошқа нарса билан беркитиб қўйилади. Қалпоқчанинг шакли тирноққа боғлаб қўйилганда тирноқ томондан бармоқдан кўчиб турадиган ва бошқа томонлардан бармоққа тегиб турадиган бўлиши керак. Шундай қилиб, бармоқни бир ой ўраб қўйилади, шунда энг яхши тирноқ ўсиб чиқади.

Ун тўртинчи фасл. Тирноқда юз берадиган песлик

Сарв ёнғоғини олиб янчиб, сирка ва ун билан, айниқса, Миср боқиласи уни билан аралаштириб тирноққа боғлаб қўйилса, песликни кетказади. Индов билан қўшилган зиғир уруғи ҳам шундайдир; ёки қизил зирних ва санавбар елими билан аралаштирилган, куйдирилган шароб дурдаси ҳам песликни кетказади. Ҳўл зифт, айниқса, қизил зирних ёки сарв ёнғоғи билан қўшилса, бу хусусда ажойиб дори бўлади. Балиқ елими ҳам ажойиб етук доридир. Шавил илдизини сирка билан қўшиб суртилса ҳам ажойиб бўлади.

Ун бешинчи фасл. Тирноқларда юз берадиган сариқлик

Мози ва аччиқтошни ўрдак ёғи ёки қорамол ўти билан қўшиб суртилади; ёки таратизак уруғини яхшилаб янчилади ва сирка билан қориб суртилади.

Ун олтинчи фасл. Тирноқларнинг мажақланиши

Аввало унга мирта барги ёки анорнинг юмшоқ барги боғлаб қўйилади, кейин юмшатувчи дорилар ишлатилади. Агар тирноқларга келиб етадиган асабларнинг учуда кенгайиш юз берса, бунга маълум чарви ёғлар ва юмшатувчи мумли суртмалар ишлатилади.

Ун еттинчи фасл. Тирноқ пачақланишидан унинг тагида пайдо бўладиган ўлик қон

Бунга зифт аралаштирилган унни боғлаб даво қилинади. Агар бу қаноатлантирмаса, балки қўл тадбирини ишлатишга¹ эҳтиёж тушса, тирноқни то тагидаги қон чиқиб кетгунича ўткир қурол билан қиялаб аста-секин ёриш керак. Агар бу тадбир сабабли тирноқ кўчиб кетса, ўлик қонни оқизиб тирноқни жойига асталик билан ёпиштириб қўйилади; бунда эҳтиёт бўлиш ва оғритмаслик керак. Бир неча кундан кейин қаралади, агар тирноқ тагида йиринг бор бўлса, тирноқни босиб ёки астагина ёриб [йирингни чиқариб юборилади], сўнг қайтадан боғлаб қўйилади. Шу пайтда этга тегилмасин, бу милкакдагидан ҳам кучлироқ оғриқ қўзғатади. Балки этни тирноқ билан беркитиб қўйилсин ва тирноққа [309] илиқ сув билан ёғ қўйиб турилсин; охирида босилиқун марҳами қўйилсин.

«Зийнат китоби» тугади ва, шу билан бирга, Қонуннинг тўртинчи китоби ҳам тамом бўлди.

Ҳамма оламларнинг тарбиячиси тангрига мақтовлар бўлсин. Тангри саййидимиз Муҳаммад пайғамбарни ва унинг авлодларини раҳмат қилсин ва [уларга ўз] саломини йўлласин.



ИЗОҲЛАР

*¹ Б да: «Тангрига мақтовлар ва унинг мўмин бандаларига саломлар бўлсин! Биз тибб фанига оид китоблар ёзишга берган ваъдамызни бажардик. Бу (китобларнинг) Биринчиси тиббнинг умумий қоидалари, Иккинчиси содда дорилар тўплами, Учинчиси жузъий касалликлар ҳақида эди. Энди эса, бу Тўртинчи китобда, битта аъзоннинг ўзигагина хос бўлиб қолмайдиган касалликлар ҳамда зийпатга оид касалликларни баён қилиш ва бу ҳақда тўла-тўқис сўзлашимиз пайти келди. Биз бу китобни етти фанга бўлдик, ҳар бир фан эса бир неча мақолани, ҳар бир мақола эса бир неча фаслни ўз ичига олади».

«Қонун» IV китобининг О нусхасидаги пагинация «Қонун» I—III китобларида фойдаланилган Л ва L нусхаларининг пагинациясидан фарқли ўлароқ, варақлар антира билан ажратилмаган, варақларнинг ҳар бир бетига тартиб рақами қўйиб борилган.

² Қонуннинг Учинчи китобидаги фан ва мақолалардаги сарлавҳалар билан ўхшашликни сақлаш учун Б бўйича таржима қилинди. О да: «Қонун китобларидан Тўртинчи китобнинг биринчи фанининг биринчи мақоласи. Иситмалар ҳақида умумий сўз».

³ Бу ерда автор ўзи бевосита касаллик бўлган иситмани ва бирор касалликнинг белгиси сифатида [симптом] келиб чиқадиган ўзи касаллик бўлмаган иситмани ифодалайди.

⁴ Яъни, белги-иситма чиришнинг мавжудлигига тобедир деб тушунилмаса.

⁵ Б даги «биз айтамызки», дейилган сўзларни жумланинг мазмунига қараб учинчи шахс қилиб ўзгартириб олинди. О да бу сўз тушириб қолдирилган.

12-бетга

¹ Арабчаси *ҳуммо диққ*.

² Ибн Сино иситма турларини бир кунлик иситма, хилт иситмаси, ингичка оғриқ иситмаси, қондан бўладиган чиришсиз ва чириш билан бўладиган иситмалар, деб бир нечага бўлади. Ҳозирги клиникада бу терминлар ва тушунчалар қолмаганлиги маълумдир. Ҳозирда иситманинг характери, даражаси, даврларига қараб доимий иситма [Febris continua], ҳолдан кеткизувчи иситма [F. hectica], оралаб тутувчи иситма [F. intermittens], қайталовчи иситма [F. recurrens], кўтарилиб бўшашувчи иситма [F. remittens] ва бошқалар фарқ қилинади. Ибн Сино кейинги фаслларда иситманинг бу турларини ўз нуқтаи назаридан баён қилиб ўтади. Авторнинг «касаллик-иситма» ва «белги-иситма» ҳақидаги фикри диққатга сазовордир.

13-бетга

- ¹ *Синухус* [синохус], юнонча «қўшилган», яъни узлуксиз маъносида; Ибн Сино кейинроқ айтадигани «қон иситмаси»нинг бир тури.
- ² «Қонун» I, Иккинчи фан, III таълим, 2-жумла, 4—6-фасллар.

14-бетга

- ¹ Яъни касалликнинг бошланишидан унинг ниҳоятига етгунача бўлган давр узоқлиги.

15-бетга

- ¹ Қунора тутувчи иситма — безгак касаллигининг бир тури [*Malaria tertiana*]
- ² Яъни безгак касаллигининг тўрт кунда бир тутувчи тури [*M. quartana*].
- ³ Б: «иссиқ».
- ⁴ Б: «ўзгариб».

20-бетга

- ¹ О нинг ҳошиясида келтирилган бу сўзлар Б да тушириб қолдирилган.

21-бетга

- ¹ Бу ерда ва бундан кейин ҳам «латифлаштириш»дан енгил овқат парҳези тайин қилиш тушунилади. Бунинг аксича озиқлар «ғализ» деб аталади

32-бетга

- ¹ Б да қўшилган: «ўзингга маълум бўлган».

33-бетга

- ¹ Матнда *мутбиқа*; кейинроқ «Қонун» IV китобининг ўзида Ибн Сино Буқротнинг сўзига асосланиб, *синухус* [13-бетдаги 1-изоҳга қаранг]нинг шу ном билан ҳам аталиши ва бу иситма қоннинг қизиши ва ғалаёнга келиши натижасида пайдо бўлиши ҳақида ёзган.

34-бетга

- ¹ Буни *мурч жуворишни* деб ҳам аталади «Қонун», V, 79 (2), 109.

35-бетга

- ¹ Яъни беҳидан тайёрланган *жуворишлар*.
- ² Б дан қўшилди.
- ³ Яъни, лимфатик безларда.

38-бетга

- ¹ Яъни руҳ қизиб, иситма чиқиши.

39-бетга

- *1 Б дан қўшилди.
- *2 Б дан қўшилди.
- ³ Б дан қўшилди.
- *4 Б дан қўшилди.
- *5 Б дан қўшилди.

43-бетга

- ¹ Б: «бушашмайдиган ва қайтмайдиган».

44-бетга

- ¹ Бу ҳозирги Pulsus alternans бўлса керак.

45-бетга

- ¹ Б да: «баданни». О да ҳам аввал «баданни» ёзилган, аммо кейин ўчирилиб, ҳошияда томир уришн қилиб тузатилган.
- ² Б да бундан кейин, юқорида келтирилган томир уришининг нотекислиги чиришдан бўладиган иситманинг белгиларидан эканлиги ҳақидаги сўзлар қайтарилади.

46-бетга

- ¹ Яъни, табиатнинг сафро устидан ғалаба қилиши енгил.

49-бетга

- ¹ Баъзи ўткир инфекцион касалликларда иситманинг кўтарилиши совуқ еб, эт увушиши ва титраш билан бўлади. Бунга сабаб, биринчидан, токсинлар ва пироген моддалар таъсирида гавдада иссиқлик ншлаб чиқаришнинг кўпайиши бўлса, иккинчидан, теридаги томирларнинг қисилиши натижасида — у ортиқча ҳароратни ташқарига чиқарувчи теплорегуляция механизмларининг бузилишидир. Ибн Синонинг бу ҳолатларни бир даража тўғри тушунганлиги диққатга сазовордир.

50-бетга

- *1 Б: «нафас пасайиши».
- ² Яъни, яширин ҳолда.

51-бетга

- ¹ Яъни, унга зид бўлмаган.
- ² Яъни, чиришдан бўладиган барча иситмаларга қарши фойдали.

53-бетга

- ¹ Б дан олинди; О да: «енгиллатиш».
- ² Яъни, иситмани келтириб чиқараётгандан бошқа хилтни.

57-бетга

- ¹ *Хайш* — иссиқ жойларда уйнинг шипига осиб қўйиладиган ҳўлланган чодир. Бу ерда «хайш»дан шундай чодир ўрнатилган уй англашилади.
- *² Б дан қўшилди.

58-бетга

- *¹ Б дан қўшилди.

66-бетга

- ¹ Яъни Ээдра «Қонун», V, 25 (8).

67-бетга

- ¹ Тўғрироғи, қон оқаётган жойнинг тескари томонига бўлса керак.
- *² Б дан қўшилди.

69-бетга

- ¹ Асли матнда «латиф».
- ² Яъни, иситма тутмай турадиган кунларда.
- ³ Б: «бош орқасига».

70-бетга

- ¹ Марказий асаб фаолиятининг маълум қонуниятларини бир даража тўғри тушу-нишга асосланган тавсия.
- ² Б: «тилнинг ёпишқоқликдан бўлган карашлигига келсак».
- ³ Ар. *хайзурон* — *Bambusa arundinacea* willd. «Сайдана», № 382.
- ⁴ Б дан олинди. О: «[қасал] оғзини кўп бўш қўймаслиги».

71-бетга

- ¹ Б да қўшилган: «тадбири».
- *² Б: «кўкнор ялатма дорилари каби яланадиган дориларни».

72-бетга

- *¹ Б дан қўшилди.
- ² Б да фасл қилиб ажратилмай, аввалги фаслдаги *булимуснинг* кетига улаб юборилган.

73-бетга

- *¹ Б дан қўшилди.

74-бетга

- *¹ Б дан қўшилди.
- ² *Ғибб доира, ғибб лозима, муҳарриқа*.
- ³ Б: «даврий кунора иситма».
- ⁴ Шу II мақоланинг охирида бу иситманинг баёнига махсус фасл бағишланган.

76-бетга

¹ Яъни, кунора тутадиган иситманинг холис эканлигига далолат қилади.

77-бетга

¹ Яъни, иситмаларни даволаш асослари баён қилинган фаслларда.

78-бетга

*¹ Б дан қўшилди.

*² Б да: «лаззатлилиги билан бирга».

³ *Дастанбуя*.

79-бетга

¹ Бу ҳақда «Қонун» 1-китобининг Иккинчи фан, III таълим, 2-жумла, 5—6-фаслларига қаранг.

80-бетга

¹ Б: «қуюқроқ».

81-бетга

¹ Б: «сутчўп».

82-бетга

¹ Б дан қўшилди.

² Бу юнонча сўз бўлиб, маъноси «куйдирувчи» демакдир; Б да «*фориқус*» деб хато ёзилган.

83-бетга

*¹ Асл матнда шу жумла: «ақл қоришуви қалтирашни кетказади». Кейинги қатордаги жумла мазмунига қараб тузатиб таржима қилинди.

² Б: «касаликнинг қайталаши».

84-бетга

¹ Б: «тажрибадан ўтган яхши кулча».

87-бетга

¹ Б да қўшилган «чириш йўқлиги сабабли».

88-бетга

¹ Б: «қоннинг».² Б дан қўшилди.

89-бетга

¹ Яъни, ясмиқ донини.

90-бетга

¹ Бақлат ул-муборака.^{*2} Б дан қўшилди.³ Яъни, пасайиб тугалиш даври.⁴ Матнда: «тоза».

92-бетга

^{*1} Б: «тиқилма [ҳосил бўлиш] вақти келса».

94-бетга

¹ Б дан қўшилди.

95-бетга

¹ Б да қўшилган: «Биз айтганларнинг ҳаммасини билиб ол!».

97-бетга

¹ Музаавара — касаллар учун қиймали гўштдан тайёрланадиган махсус овқат.

98-бетга

^{*1} Б: «йигирма [бўлак]».

99-бетга

^{*1} Б дан қўшилди.

100-бетга

¹ Б: «кескинлик».^{*2} Б дан қўшилди.

• 101-бетга

¹ «Иксир»да [IV жилд, 162-бет] «кибрит [олтингугурт] дориси» дейилган. Бу -- таркибига олтингугурт қўшиладиган мураккаб дори.

² Яъни, арпабодиён, сачратқи илдиэлари [«Иксир» IV, 162-бет].

*³ Б дан қўшилди.

*⁴ Б дан қўшилди.

102-бетга

*¹ Б дан қўшилди.

² Яъни, арпабодиён, петрушка ва сачратқи илдиэлари [«Иксир» IV, 163-бет].

³ Б: «кексалар».

103-бетга

*¹ Б: «аччиқ».

104-бетга

*¹ Б дан қўшилди.

105-бетга

¹ Матнда: «ақрос ашара».

*² Б дан қўшилди.

³ Б: «инқиёлис».

*⁴ Яъни, бундан илгарироқ айтилган даврий ва доимий исиятмаларни даволаш усули бир-бирига яқин бўлганидек, буларни даволаш йўли ҳам бир-бирига яқин.

109-бетга

¹ Ҳар икки нусхада ҳам «ташналик» [аташ] ёзилган, мазмунга кўра баташ ўқиб таржима қилинди.

² Яъни табиат касаллик устидан ғалаба қилиб, модда яхши етилаётган давр.

³ Аслида: «савдовий савдоданми».

113-бетга

*¹ Б дан қўшилди.

² Б: «асал гулқанди».

114-бетга

*¹ Б дан қўшилди.

² Б дан қўшилди.

115-бетга

¹ Б дан қўшилди.

² Б дан қўшилди.

116-бетга

¹ Б дан қўшилди.

119-бетга

¹ Яъни, ҳеч нарса бермай оч қўйишга.

120-бетга

¹ Б да қўшилган: «харбақ санчилган турп».

121-бетга

¹ О да ёзилган шакли бўйича шундай ўқиш мумкин; Б да «умотис» ва бундан кетидан босмага тайёрловчи томонидан «лексикон [лугат] бўйича текшириб аниқланган» деб қўшилган.

122-бетга

¹ Автор бу ерда гавдада модда алмашишнинг бузилиши ва дистрофия билан ўтувчи «сингичка оғриқ иситмаси»нинг [кахексия, маразм] даволанишидаги қийинчиликларни тўғри қайд қилиб ўтади.

² Авторнинг дистрофик ҳолатларда касални тўғри овқатлантиришнинг муҳимлиги ҳақидаги фикри тўғридир.

123-бетга

¹ Бу белгилар кахексия аломатларидир.

² Яъни, совутувчи ва ҳўлловчи тадбирларни.

126-бетга

¹ Матнда қайтарилган.

127-бетга

¹ Яъни, ваннада узоқ турмаслик керак.

² Б: «аъзоларга».

128-бетга

¹ Б дан қўшилди.

² Бу ерда баён қилинганлардан биз табибнинг касалга нечоғли эҳтиёткорлик ва меҳрибонлик билан муносабат қилиши зарурлигини сезамиз.

³ Б дан қўшилди.

129-бетга

¹ Масус — табибларнинг таъбирича, сих кабоб ёки майин гўшти қушлар ва ҳайвонлар гўшtidан тайёрлаб, хушбўйликлар солинган касалларга хос овқат [М. А.]

² Елимшак таом.

³ Қариликдаги маразм ҳолати [старческий маразм]. Қуйида келувчи махсус фаслда баён қилинганларга қараганда, автор бу гуруҳга ёшроқ кишиларда ҳам бўлиши мумкин бўлган дистрофия ва кахексия натижасида беморнинг қаримсиқ бўлиб қолиши ҳолатларини ҳам киргазади.

131-бетга

¹ Бу ерда баён қилинадиган «Вабо иситмалари» [Русча — мор, яъни ўлат] билан «вабо касаллиги» [холера] терминлари бир эмаслиги қуйидаги текстдан маълумдир:

² Қаранг: Қонун, I, 170-бет.

132-бетга

¹ О ва Б да шундай. Париж нусхасида: «қўпайиши».

² Яъни, артериялар орқали.

133-бетга

¹ Еки юраги — *фуод*.

² Қаранг: «Қонун», III китоб, I том, 190—194-бетлар.

³ *Элул* — Сурия қуёш календари бўйича ўн иккинчи ой; сентябрь ойига тўғри келади.

⁴ Б: «икки Қонун» — биринчи ва иккинчи Қонун Сурия календари бўйича декабрь ва январь ойларига тўғри келади.

134-бетга

¹ Б: «сахар пайтлари».

² Баён қилиб ўтилган иқлимий ўзгаришлар турли эпидемик касалликларнинг қўзғатувчилари ва уларни ташувчи ҳашаротларнинг урчиб тарқалишида маълум эпидемиологик роль ўйнаши мумкинлиги аёндыр. Бундан ташқари, климатик факторларнинг ноболиги кишиларнинг касалликка қарши тура олиш қобилиятига ҳам бир даража таъсир қилади.

³ *Лахлаха*.

*⁴ Б дан қўшилди.

135-бетга

¹ Эбен дарахти.

² *Tectona grandis* L. «Сайдана», № 520.

³ «*Иксир*»да [IV жилд. 224-бет] «узоқдан туриб тутатилад» деб қўшимча қилинган.

137-бетга

¹ *Дубайла*.

138-бетга

¹ *Ҳумайқо*.

139-бетга

¹ Pandanus odoratissimus L. «Сайдана». № 29 (5).

² Б: «мушакқа».

141-бетга

¹ «Қовоқ» деганда ўрта аср кимёгарлари томонидан ишлатилган қовоқ шаклидаги куқурбита идиши назарда тутилади; уни шиша, металл ва бошқа нарсалардан ясаганлар.

143-бетга

¹ Бу ном билан ҳозирги ўпка силигина эмас, балки ўпканинг хроник абсцесси ҳам аталган.

154-бетга

*¹ Б дан қўшилди.

155-бетга

*¹ Б дан қўшилди.

² Ҳозирги медицинада ҳам бу принцип рационал терапиянинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

161-бетга

¹ Намла.

² Б: «оташак».

164-бетга

¹ Яъни, модда сафродан иборат бўлганда ҳам.

165-бетга

¹ Б дан қўшилди.

166-бетга
